




Абу Райхон  
Беруний



ХИНДИСТОН

II

Абу Райхон  
Беруний



УЎК 94:008(540)  
КБК 63.3(5Ўинд)  
71(5Ўинд)  
Б 61

«Ўиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини  
англатиш китоби» [«Ўиндистон»]

Лойиҳа раҳбари:

*Т. МУХАМАДИЕВ*

Арабчадан

Ашраф АЎМЕДОВ ва [Абдуфаттоҳ РАСУЛОВ]  
таржимаси

Сўз боши, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари:

*А. АЎМЕДОВ* – тарих фанлари доктори, профессор  
*М. ХАНДАМОВА* – фалсафа фанлари доктори, доцент

Тахрир хайъати:

Профессорлар: *Б. АБДУЎАЛИМОВ, С.У. КАРИМОВА*

Такризчилар:

*С. КАРИМОВА* – тарих фанлари доктори  
*Б. ОБИДОВ* – тарих фанлари номзоди

## «ҲИНДИСТОН»НИНГ ЁЗИЛИШ ДАВРИ ВА САБАБЛАРИ

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний «Танланган асарлар»ининг иккинчи жилдини олимнинг ўзи «Китāб тахрīр мā ли-л-Ҳинд мин мақўла мақбўла фй-л-'ақл ау марзўла» деб атаган бўлиб, у фан тарихи ва илмий адабиётга «Ҳиндистон» номи билан кирган. Шунинг учун биз уни бундан буён шу қисқа ном билан атаймиз. Ўрта асрларнинг кейинги даврларида асарни «Ҳиндистон тарихи» ҳам дейилган, лекин бу ном фанда ўрнашмай қолди.

Немис шарқшуноси Э. Заҳау аввал 1887 йили Лондонда бу асарнинг арабча матнини<sup>1</sup>, сўнгра 1888 йили ўша ерда унинг инглизча таржимасини нашр этди<sup>2</sup>. Шарқшуносликка тааллуқли адабиётларда «Ҳиндистон»га жуда юқори баҳо берилган. Бу борада машҳур шарқшунос В.Р. Розеннинг куйидаги сўзларини келтиришнинг ўзи кифоя: «Бу – ўз хассослиги билан ягона ёдгорлик бўлиб, на Шарқнинг ва на Ғарбнинг бутун қадимги ҳамда ўрта асрлар адабиётида тенги йўқдир»<sup>3</sup>. Америкалик машҳур тарих фани мутахассиси Ж. Сартон ҳам Берунийнинг асарини синчковлик билан ўрганиб, олимга юксак баҳо бериб, XI асрнинг биринчи ярмини «Беруний асри» деб атади ва «Беруний ўз замонасининг улуғ олими бўлибгина қолмай, балки ҳамма замонларнинг ҳам энг улуғ сиймосидир»<sup>4</sup> деган.

Беруний ва унинг асарига берилган бундай юксак баҳолар асарда ҳиндларнинг маданияти, удумлари, динлари, илмлари, тарихи ҳақида ниҳоятда бой, тўлиқ маълумотлар келтирилгани сабаблидир. «Ҳиндистон»нинг 1963 йилдаги русча нашрида келтирилган сўз бошида унинг муаллифлари Беруний 1017 йилнинг охирида муҳожирликдан олдин ҳинд астрологияси ҳақидаги маълумотларини фақат ўша даврдаги араб адабиётидан олган, дейишади<sup>5</sup>. Бизнингча, Беруний ҳиндларнинг илмлари, хусусан, астрономияси ҳақидаги илк

<sup>1</sup> Alberuni's India. An Account of the Religion, Philosophy, Literature, Chronology, Astronomy, Customs, Laws and Astrology of India about A.D. 1030, Edited in arabic original by E. Sachau, London, 1887.

<sup>2</sup> Alberuni's India. An Account etc. An English edition, with notes and indices by E. Sachau, I-II, London, 1888.

<sup>3</sup> «Ҳиндистон»нинг нашр этилган арабча матнига тақриздан; ЗВО, 1888, III. – 147-б.

<sup>4</sup> Sarton G. Introduction to the history, of science. Volume I, from Homer to Omar Chayyam. Baltimore, 1927. – PP. 693, 707.

<sup>5</sup> Бируни. Индия. – С. 13.



маълумотларни Хоразмнинг йирик шаҳарлари Кот ва Гурганчда яшаган хинд муҳожирлари ва савдогарларидан олган. Чунки ўша даврда Сомонийлар давлати Ҳиндистон ва Ғазнавийлар давлатига қўшни эди. Мовароуннаҳр ҳамда Хоразмнинг йирик шаҳарларида хинд маҳаллалари бўлиб, у ерларда хинд савдогарлари, умуман, Ҳиндистондан келган сайёҳлар ва муҳожирлар яшашарди<sup>1</sup>.

«Сайдана»да айтилишича<sup>2</sup>, унга яқин жойда яшаган румликдан (юнондан) ўсимликларнинг юнонча номларини сўраб олган билимга чанқоқ Беруний Кот, Гурганч ё Жужонда яшаган хиндлардан астрономия ва математикага оид маълумотларни сўраб билиб олгани ҳақиқатга жуда яқин. Лекин олим ўз асарларида бу ҳақда аниқ айтмаганлиги учун у муҳожир хиндлардан қандай маълумотларни сўраб олганлигини билмаймиз. Ҳар ҳолда у хиндларнинг илмий тиллари – санскрит ҳақида бошланғич маълумотларни олганлиги ҳақиқатга яқин, чунки бунга кўп далиллар мавжуд.

1017 йил охиридаги воқеалардан сўнг, яъни Хоразмни султон Маҳмуд Ғазнавий забт этиб, Берунийни Ғазнага олиб кетганидан кейин унинг ҳаётида янги давр бошланади. Ўшанда тарихчи Байҳақийнинг айтишича<sup>3</sup>, Маҳмуд Хоразмдан олиб кетаётган асирлар қаторининг бир учи Термизда бўлса, иккинчи учи Мўлтон ва Лоҳурга етган эди. Худди шунингдек, султон Маҳмуд 1017 йилгача Ҳиндистонга бир неча марта ҳарбий юришлар қилиб, Ғазнага кўплаб хинд асирларининг «қаторларини» келтирган. Султон Маҳмуд аҳолини бундай оммавий кўчиришлари натижасида, ўша пайтлардаги ибора билан айтсак, «Хуросон Ҳиндистон-у, Ҳиндистон Хуросон бўлиб қолган эди». Энди Беруний Ғазнада кўплаб хинд олимлари ва ҳунармандлари билан учрашиш имкониятига эга бўлди. Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг Ҳиндистонга қилган кейинги давомли юришларида Беруний ҳам у билан бирга Ҳиндистонга борганлиги маълум, бироқ у неча марта ва қайси вақт ораликларида у ерда бўлганлиги аниқ эмас. «Ҳиндистон»нинг XXXI боби охирида Беруний мамлакатнинг кенгламаларини ўзи аниқлаган пунктлари рўйхатини келтириб, ундан нари ўтмаганлигини айтади<sup>4</sup>. У келтирган рўйхатдан кўринадики, Беруний Шимоли-Ғарбий Ҳиндистоннинг баъзи ерларида, Кобул дарёси воҳасида, Панжобда бўлган. Афтидан, у Мўлтон билан ҳам яхши таниш бўлган. Лекин у қандай шароитда ва ким сифатида Ҳиндистоннинг аҳоли пунктларида бўлганлиги ноаниқлигича қолмоқда. У султон Маҳмудни сарой мунажжими

<sup>1</sup> XIX аср ўрталарида ҳозирги Тошкент шаҳрининг «Пахтакор» стадиони ўрнида хиндлар маҳалласи бўлгани маълум. Россия Ўрта Осиёни забт этганидан сўнг XIX аср охирига яқин Туркистон генерал-губернатори у ердаги хиндларни Британия аҳли сифатида Ўрта Осиёдан ҳайдаб чиқарган.

<sup>2</sup> *Беруни*. «Фармакогнозия». – С. 139.

<sup>3</sup> *Байҳақи*. История Мас'уда. – С. 821.

<sup>4</sup> Қуйида 226–227-бетларга қаранг.

сифатида кузатиб юрган, деган тахмин ҳам бор. Балки у Нандна калъасида туткунликда бироз муддат турган бўлиши мумкин. Лекин, асосан, Ғазнада султон саройида яшагани маълум.

Айтганимиздек, 1017 йил охирида Беруний Ғазнага келганидан сўнг унинг ҳинд олимлари билан учрашишига имконият туғилди ва у чанқоклик билан Ҳиндистон ҳамда ҳиндлар ҳақида маълумот тўплашга киришди. Заҳау «Ҳиндистон»да Беруний келтирган саналарни таҳлил қилиб, олим ўз асарини 1030 йил 30 апрели билан 30 сентябри оралиғида ёзиб тугатган деган тўхтамга келган. Демак, бундан олим ўз асарига 1017 йил охиридан то 1030 йил 30 апрелига қадар маълумотлар тўплаган, деган хулоса келиб чиқади.

Берунийнинг Ҳиндистонда бўлган йиллари бу мамлакат тарихидаги кескин бурилиш даврига тўғри келади.

Бу пайтга келиб ҳиндлар қадимги цивилизациясининг гуркираб ривожланиши узок ўтмишда қолган эди. Қадимги ҳинд маданияти араб ва туркларнинг Ҳиндистонга қилган ғазавот юришлари бошланишидан анча илгари тушкунликка юз тутган эди. VI асрда Гупта империяси ҳалок бўлганидан кейин феодал парчаланиш ва ўзаро ички жанжаллар даври бошланди, бир вақтлар қудратли бўлган империянинг харобаларида юзага келган кичик давлатлар ва мулклар бир неча асрлар даврида эгаманлик учун ўзаро қирғинбарот жанглар олиб борадилар ва аҳён-аҳёнда Шимолий Ҳиндистондаги баъзи ўлкалар – омадлироқ бир жаҳонгир томонидан қисқа муддатга қувватсиз бирикмаларга бирлаштирилади.

Қадимги ҳинд давлатининг қувватсизланиб, милодий I минг йиллик ўрталарида парчаланиши Ҳиндистоннинг ижтимоий-иқтисодий тизимида аста-секин, кечиб бораётган чуқур ўзгаришлар билан боғлиқ эди. Ҳиндистоннинг мусулмон истилолари арафасидаги жамиятининг аҳволи ҳақида бизга аниқ маълумотлар етиб келган бўлмаса ҳам, ишонч билан айтиш мумкинки, айнан шу пайтда жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар интенсив жараёнда феодаллашиб борган. Йирик давлат бирикмаларининг парчаланиши қадимги шаҳарларнинг – мамлакатнинг иқтисодий ва маданий марказлари таназзули билан биргаликда кечади. Бошқа мамлакатлар билан савдо ва маданий алоқалар бузилади ва сўнади. Бу пайтда жамият ижтимоий-иқтисодий тузилишининг асосий кўриниши сифатида қишлоқ жамоаси шаклланади ва у кўп жихатдан ўрта асрлардаги Ҳиндистон ижтимоий ҳаётининг ёпик ва анъанавий характерини белгилаб берди. Умуман, айнан ана шу кезларда Ҳиндистондаги касталар тизими, асосан шаклланиб бўлади. Бу тизимнинг муқаддаслаштирилиши ва илоҳийлаштирилиши Ҳиндистондаги ижтимоий муносабатлар ривожланишини узок муддатга тўхташиб қўйди.

Биринчи мингйиллик охирига келиб, Ҳиндистоннинг Гупта сулоласи даврида «олтин аср»ни бошидан кечирган «классик» деб аталмиш маданияти тамомила тушкунликка юз тутди. Мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида

юз берган ўзгаришлар, шубҳасиз, унинг маънавий маданиятида ҳам ўз аксини топади. Мамлакатдаги табақавий чегараланиш ва ёпикликка интилишдек ҳалокатли майл маънавий ҳаётга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бу соҳада юз бераётган кескин ўзгаришлар ва тенденциялар санскрит тили ва маданиятини кенг аҳоли оммасидан узоқлаштириб, уни фақат брахманларнинг ўзларигагина хос қилиб қўйди. Кўплаб ҳозирги замон ҳинд тадқиқотчиларининг асарларида бу ҳол тан олинган ва кенг ёритилган.

XI асрга келиб қадимги Ҳиндистоннинг классик маданияти сахнадан бутунлай тушади. Унинг анъаналари ўрта асрларнинг тор доирадаги ақидапараст олимлари орасидагина яшайди; бошқа бир тарафдан эса ўша пайтларда Ҳиндистонда шакллана бошлаган ёш ва миллий адабиётлар уларга асосланади. Бирок энди инқирозга учраган қадимги маданият ўрнига ижтимоий ва моддий маданият таракқиётининг муайян босқичи кириб келди. Бу асосан, халқнинг қуйи табақалари қатламларидаги ҳаракат жараёнидан келиб чиқаётган бутунлай янги шароитга мослашаётган маданият эди.

XI асрдан анча илгари бошланган ҳинд давлатининг инқироzi хориждан келган босқинчиларга ҳеч қандай алоқаси бўлмай, ички ўзгаришлар ва оқимлар билан боғлиқ эди. Арабларнинг Ғарбий Ҳиндистонга юришлари VII аср охирларидаёқ бошланиб, VIII асрда давом этган ва ҳатто халифа ал-Мансур даврида улар Синд воҳасида Ал-Мансура шаҳрига асос солишга муяссар бўлган бўлсалар-да, Ҳиндистондаги феодал муносабатлар анча илгари ўрнашганлиги сабабли мусулмонлар истилоси мамлакат учун тубдан ўзгаришлар ясай олмади, ҳинд миллий маданиятини яратмади.

Шундай бўлса-да, иккала мингйиллик ўртасида Маҳмуд Ғазнавийнинг ҳокимият тепасига келиши Ҳиндистон тарихидаги янги даврга асос солди. Шимолий Ҳиндистондаги энг сўнги Пратихара подшоҳлари қаршилигини енгиб, Маҳмуд Ғазнавий Ҳиндистон кудрати таназзулга оғаётган пайтида унга зарба берди. Бу зарбадан сўнг мамлакат ўзини эплаб ололмади. Тўғри, мусулмон ҳукмдорлари Шимолий Ҳиндистонда ўз ҳокимиятларини ўрнатишларига яна икки аср бор эди. Лекин бунинг асослари Маҳмуд Ғазнавий замонида қўйилган эди.

Ҳиндистонга турклар ва хуросонликларнинг келиши билан шу пайтгача ўз ҳолича ривожланаётган ва илгарилари ҳеч қандай ўзаро алоқалари бўлмаган иккита ўзига хос ва бой маданият ўзаро тўқнашади: бири бу пайтга келиб тушкунлик ва таназзулга юз тутган қадимги ҳинд маданияти бўлса, иккинчиси ислом ва араб тилидаги адабиёт билан бирлаштирилган Мовароуннаҳр, Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг анча ёш мусулмон маданияти эди. Шуниси қизиқки, шу пайтгача барча келгинди, ташқи таъсирларни доимо ўзига сингдириб турган қадимги ҳинд маданияти кўп жиҳатдан ёт бўлган ташқи маданиятнинг қаттиқ сиқувида дучор бўлди. Лекин бу ҳинд заминида икки маданиятнинг

ўзаро сингиши бўлиб, янги маданият туғилишига асос ясаётган эди. Энди бу жараён анча узоққа чўзиладиган бўлиб, XI аср бошидаги тарихий шароит ҳали ҳиндлар билан келгинди турклар ва хуросонийларнинг ўзаро маданий яқинлашишларига деярли ҳеч қандай қулайлик туғдирмас эди.

Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг 1001 ва 1027-йиллар оралиғида ислом байроғи остида Шимолий Ҳиндистонга уюштирган ўн еттита ҳарбий юриши кўп жиҳатдан босқинчилик юришлари эди. Мамлакатнинг ерлари, шаҳар ва қишлоқлари талон-торож ва ғорат қилинди; Матҳура, Сомнатҳ ва бошқа кўплаб шаҳарлар босиб олинди, у ерлардаги саройлар ва ҳарамлар таланди. Шимоли-ғарбдаги вилоятлар, жумладан, Панжоб ҳам Ғазнавийлар мулкига кўшиб олинди.

Ана шундай шароитда хоразмлик олимнинг Шимоли-Ғарбий Ҳиндистондаги Маҳмуд томонидан забт этилган ерларга келиши юзаки қараганда юксак тўнтаришлар, ғалаёнлар юз бераётган, кўплаб инсонларнинг тақдирлари ўзгараётган шароитда кўз илғамас бир ходиса бўлса ҳам, фан ва маданият тарихида улкан аҳамиятга молик эди.

Маҳмуд Ғазнавийнинг аскарлари бутпарастларнинг шаҳару қишлоқларини вайрон ва хароб қилиб турган бир пайтда олим, маърифатпарвар Беруний ҳиндларнинг ҳаёти ҳамда дунёқараши билан танишишга, Ҳиндистоннинг емирилаётган классик маданияти ёдгорликларини излаш, уларни ўрганиш учун барча имкониятларини ишга солди. Бунда у катта қаршилик ва тўсиқларни енгишига тўғри келди. Ғазнавийлар давлатининг расмий доиралари аскарларда ғайридин, кофир ҳиндларнинг маданияти ва фанига нисбатан нафақат инкор, балки нафрат туйғуларини уйғотишга интилган бўлсалар-да, Беруний бу борада ўз шахсиятига хос бўлган бағрикенгликни намойиш қилди. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, Беруний ўтмишда хоразмшоҳлар хонадонига яқин бўлиб, Маҳмуд Ғазнавийнинг сиёсий рақиби эди. Кейинчалик у султоннинг асири бўлгани учун ҳам, ўзининг мустақил фикрлаши ва мағрурлиги билан султоннинг хайрихоҳлиги ва илтифотига лойиқ топилмаган эди. Бунинг устига саройдаги ҳасадгўй, ғаразгўй ва лаганбардор аъёнлар ҳам олимнинг султон илтифотидан фойдаланишига йўл қўймас эдилар. Унга кўпчилик сарой аҳли шубҳа ва ишончсизлик билан қарар, олимнинг Ҳиндистонни ўрганиш ва тадқиқ қилишга уринишларига қаршилик кўрсатар, ҳатто, олимнинг бу борадаги уринишларига душманона муносабатда эдилар. Ўша кезлардаги олимнинг аҳволи ҳақида унинг ўзи куюниб айтган сўзлари гувоҳлик беради: «Мен эса – буюриш ва ман этиш ишларида «тут-қўй» деб ҳукмронлик қилишдан маҳрум эдим»<sup>1</sup>.

Барча тўсиқларни енгиш ва хавфларни бартараф қилиш учун олим бутун руҳий ва маънавий кучларини сафарбар қилишига тўғри келди. Шунинг учун Беруний асосли равишда ҳақиқатпарвар олимнинг мардлигини жасоратли од-

<sup>1</sup> Куйида 52-бетга қаранг.

дий аскарнинг ва бошқа баҳодирнинг мардлигидан юкори қўяди: «Кўпчилик томонидан ботирлик деб танилган хулк, яъни уруш майдонларида баҳодирлик ва турли ҳалокатларга учрашни писанд қилмаслик ўша шижоатнинг бир туридир. Аммо унинг ҳамма турлари ичида энг юкори даражадагиси – тўғри сўзни сўзлаш ёки тўғри ишни қилишда ўлимни писанд қилмасликдир»<sup>1</sup>.

Берунийга бирор нарсанинг моҳиятини тадқиқ қилиш учун улар билан боғлиқ бўлган бошқа кўплаб ўзига хос қийинчиликларни ҳам енгишига тўғри келган. Чунончи, Ҳиндистонда ишлаб, ҳиндлар билан очик муносабатда бўлиш учун уларнинг тилларини – унинг ҳам оғзакисини, ҳам адабийсини тўла равишда ўзлаштириши керак эди. Э. Захаунинг тан олишича, мусулмон олимнинг ислом тарқалган мамлакатлардан ташқарида турган мамлакат тилини ўзлаштиришига интилиши ўша давр учун ақл бовар қилмайдиган ҳақиқатга ўхшайди<sup>2</sup>. Ҳинд тиллари, хусусан, санскрит, Беруний учун одатдагидек бўлган адабий тиллар – арабча, форсча ва унинг ўз она тилиси бўлган хоразмийчага нисбатан тузилишига кўра жуда катта фарқ қиладиган тил эди. Энг аввало, бу тилнинг фонетикасини ўзлаштириши оғир кечганлиги унинг куйидаги сўзларидан кўринади: «Уларнинг тилидаги баъзи ҳарфлар араб ва форс тилларига тегишли товушларга тўғри келмайдиган ва ўхшамайдиган ҳарфлардан таркиб топган; ҳатто, тил ва оғзимиз у ҳарфларни ўз жойидан чиқариб айтолмайди; қулоқларимиз уларнинг тенгдошларидан ажратиб эшитолмайди ва қўлларимиз у ҳарфларни худди ўзидек қилиб ёзолмайди; натижада, уларнинг айрим сўзларини бизнинг хатимиз билан кўрсатиш қийинлашади... Ҳиндларнинг тилларида, бошқа халқлар тилларида қатор келгани сингари икки ва уч ундош товуш кетма-кет келади. Сухбатдошларимиз у ҳарфларни «унлиси яширин ҳарфлар» деб атайдилар. Кўпгина сўз ва исмлар сукун [ундош ҳарф] билан бошланганидан, уларни талаффуз қилиш бизга қийин бўлади»<sup>3</sup>.

Адабий тилни ўрганишда бошқа жиддий қийинчиликлар ҳам туғиларди: булардан бири – санскрит грамматик тузилишининг мураккаблиги билан сўз бойлигининг катталиги, бунинг устига таназзул давридаги ҳинд ёзувчиларининг баёнда мураккаб ва оғир ибораларни ишлатишга интилишлари, ниҳоят, аксарият ҳинд китобларининг танланган вазн шакллари эди. Қўлёзма аъъанасининг ёмон ҳолатда эканлиги ҳам ҳар қандай тадқиқотчини оғир аҳволга солиб қўярди. Ҳиндларнинг тарихан ўрнашиб қолган ҳар қандай хорижий, айниқса ғарбий ва шимолий қўшниларга нисбатан менсимаслик ва ғараз билан қарашлари мусулмонларнинг ва айниқса, Маҳмуд Ғазнавийнинг босқинчилик юришлари сабабли янада кучайган эди. Олим олдида ошиб бўлмас тўсиқ тургандек эди. Бунинг устига браҳманлар қуйи табақадагиларнинг ёки босқинчилардан

<sup>1</sup> Куйида 42-бетга қаранг.

<sup>2</sup> *Sachau, India.* – P. XIV.

<sup>3</sup> Куйида 49–50-бетларга қаранг.



кай бирининг муқаддас китоблар матнлари тилини билишга интилишларига душманларча қарашлари шароитни янада оғирлаштирарди. Ўша даврда келгинди мусулмонлар ҳиндларнинг муқаддас ҳисобланган ибодатхоналари ва бошқа қурилмаларини вайрон қилиб турганликлари бу душманликни янада кучайтириб турган эди. Беруний ўз олдида пайдо бўлган барча тўсиқлар ва қийинчиликларни санаб чиқишни ушбу сўзлар билан якунлайди: «Бу мавзуга кириш йўллари мени қаттиқ чарчатди, гарчи мен бу соҳани жуда севсам-да. Шу билан бирга, ўша кунларда уларнинг китобларини бор деб гумон қилинган жойлардан тўплашга ҳеч ким тенглашолмайдиган даражада қизиқардим, китобларни бекитиб қўйилган жойлардан топиб олишга йўл кўрсатувчи кишини олдимга чакириб, гайирлик қилмасдан, мумкин бўлганича, унга эҳсон қилар эдим. Шундай қийинчиликларни енгиш иши мендан бошқа [яна] кимга мурассар бўлди? Тангри бу [ишларда] менга муваффақият бергани учун шукурлар бўлсин»<sup>1</sup>. Демак, Беруний ўз вазифасининг нақадар оғирлигини билибгина қолмай, ниҳоятда кам ўрганилган ва ўта қизиқарли мавзунини ўрганиш учун унга очилган фавқулодда муҳим ва бахтли имкониятни ҳам англаб етган.

Олим Ғазнага келганидан «Ҳиндистон»ни ёзиб тугатишгача ўтган ўн уч йил унинг ҳаётида қандай ўтганлигини биз билмаймиз. Айниқса, унинг шахсий ҳаёти қандай кечганлиги деярли маълум эмас. Лекин Ёқут Ҳамавийнинг ўша кезлардаги Беруний ҳақида айтган ушбу сўзлари ҳақиқатга анча яқин: «Деярли ҳеч қачон унинг қўлидан қалам тушмас эди, унинг кўзлари ҳамшиша кузатишда ва акли доим мулоҳазалар, фикрлашларда, фақат икки байрам кунини бундан мустасно эди»<sup>2</sup>. Олимнинг бу йиллардаги илмий, адабий фаолияти ҳақидаги маълумотлар асосан унинг ўз асарларида, биринчи ўринда «Ҳиндистон»да ва баъзи иккинчи даражали адабиётларда сақланган.

Беруний Ғазнага келганида унинг ёши 44 да бўлиб, у аллақачон шаклланиб бўлган, кўпроқ математика ва астрономия билан шуғулланадиган энциклопедик олим эди. Табиийки, бу икки севимли фани билан бу ерда ҳам шуғулланган. Унинг ёзишича, аввалига у «ҳинд астрономлари қошида, устози олдида турган шогирддек» бўлган, лекин кейинроқ уларнинг ютуқлари ва усулларини ўзлаштириб олгач, ўз билимлари билан уларни анча ажаблантирган<sup>3</sup>. Берунийнинг ҳинд фани билан шуғулланиб бориши унинг ҳинд адабиётини чуқур ўрганишига туртки бўлди ва натижада олимнинг қаршисида бутунлай номаълум маънавий дунё очилди. У ҳинд фалсафаси билан қизиқди ва шунингдек, ҳинд тафаккурининг турли жабҳаларидаги ютуқлари ҳам уни ўзига жалб қилди. «Мен узоқ муддат ҳиндийдан математиклар ва астрономларнинг китоблари-

<sup>1</sup> Куйида 52-бетга қаранг.

<sup>2</sup> The *Irshād al-arʿib ilā maʿrifat al-adʿib or Dictionary of learned men of Yāqūt*, ed. By D.S. Marqolionth (GMS.VI), v. b, Leiden, 1913. – P. 308.

<sup>3</sup> Куйида 52-бетга қаранг.

ни таржима қилиб юрдим, натижада шундай китобларгача етдимки, улар энг атокли ҳинд файласуфлари томонидан қимматбаҳо дурдона деб ҳисобланади ва ҳинд роҳиблари уларда [илоҳларига] ибодат қилиш йўлларини излайдилар»<sup>1</sup>.

Берунийнинг ҳинд илмлари билан шуғулланиш йўсини ана шундай бўлган. Унинг ҳинд маданиятини ўрганиш усулларига келсак, олим учун биринчи ўринда оғзаки сўрашлар турган. Қийинчилик билан бўлса ҳам, у тилни ва мамлакат маданиятини ўрганишда унга ёрдам беришга рози бўлган ўқимишли ҳиндларни топишга муваффақ бўлган. Албатта, шундай кишиларсиз олим бошлаган ишида муваффақиятга эришиши амримаҳол эди. Унинг «Ҳиндистон»ида мана бундай иборалар учраб туради: «Ҳиндлардан ... сўралганда, ... дейишади» (132-б.); «...мен... нусхадан кўчириб ҳикоя қиламан ... ҳеч бир ҳинднинг тилидан эшитмадим» (133-б.); «Ҳиндлардан эшитишимча, улар ... уктирадилар» (169-б.). Булардан кўринадики, у мамлакатнинг турли ерларидаги, турли ихтисосдаги ва ҳунардаги ҳамда турли табақа ва ижтимоий мавқедаги, маданий ва илмий даражадаги кишилар билан учрашган ва улардан маълумотлар олган. Одатда у учрашиб, гаплашган одамлар ҳар тарафлама ишончга сазовор ва хиёнат қилмайдиган кишилар бўлган (182-б.); гоҳо у ишончли хабарчиларни топа олмаган: «Агар мен ҳиндлардан юлдузларни [ҳар бирини алоҳида] бармоғи билан менга кўрсата оладиган кишини учратсам эди» (192-б.); баъзи ҳолларда у ўз хабарчиларига эҳтиёткорлик билан қулоқ солган: «Мен исмлар орасида миллатлар, дарахтлар ва тоғлар номларини эшитгач, уларга шубҳа билан қарадим, айниқса уларнинг керакли гаплари муқаддимаси эса худди эгасининг ёлгончилигига аломат бўлиб турган соқол бўяшдек бўямачилик ва алдамчиликдан иборатдир. Уларга бирма-бир ва қайта-қайта берган саволларимда ва [улар] тартибини ўзгартиришда эҳтиёткор бўлдим, улар бунга қаршилиқ қилмадилар, яна ростини Аллоҳ билади» (392-б.). У ўзига керакли маълумотларни бера оладиган кишиларни алоҳида ва махсус қидирган, сўнг сабр ва чидам билан уларнинг ишончини қозонган, уларни диққат билан тинглаган, улардан олган маълумотларини ёзиб борган ва ўзаро солиштирган.

Иккинчи усул ёзма манбаларни ўрганишдан иборат эди. Беруний тиришқоқлик билан китобларни излаган, бироқ уларни бевосита ўзининг ҳинд ходимлари билан бирга ўқигани эҳтимол: «Бу китоблар менга ҳарфма-ҳарф ўқиб берилганида ва мен уларнинг маъносини англаганимда»<sup>2</sup>, «менга таржима қилиб берувчилар» (182-б.). Яна шуниси шубҳасизки, Берунийнинг ўзи ҳам санскритни анча мукамал ўзлаштириб олган ва бу унга нафақат ўқиб берувчиларни кузатиб туришга, балки кўп нарсаларни ўзи ҳам мустақил ўқиб олишига имкон берган. Лекин ҳар ҳолда бировлардан эшитиб олганини у китоб орқали

<sup>1</sup> Oriens, Bd. 9, 1956. – №2. – S. 167.

<sup>2</sup> Oriens, B d. 9, 1956. – №2. – S. 167.

тасдиқлашга ҳаракат қилган: «Эшитишимча, Вараҳамиҳира шундай коидани олган эмиш, лекин мен уни китоблардан текшириб, аниқлай олмадим» (262-б.).

Номаълум сабабларга кўра, Беруний «Ҳиндистон»даги баъзи жойларида унинг санскритдан қилинган таржималарига қандайдир нуқсонлар кириб қолган. Бу ҳол «Ҳиндистон»нинг русча ноширларига ва ҳатто Э. Захауга олим санскритни жуда чуқур ўзлаштирмаган, деган фикрни келтирган<sup>1</sup>. Бу борада у кишилар билан баҳслашиб ўтирмай, шундай фикрни айтиш мумкин: минг йил давомида қўлёзма кўчириш натижасида баъзи нуқсонлар киритилган бўлиши ёки бундай нуқсонлар ғаразгўйлар томонидан атай киритилган бўлиши мумкин. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, у ишлаган давр ва атроф-муҳитдаги шароитни эътиборга олсак, буюк олим ўз асарида эришган ютуқларга киши ҳайрон қолади.

Берунийнинг шахсий фаолияти билан Ҳиндистондаги аҳоли пунктларининг кенглама ва узунламаларини аниқлашга, мамлакатнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини кузатишлар, кишиларнинг урф-одатларига бағишланган ишлар асарда биров кам ўрин олган. Бу ишлар ҳам олимнинг шуҳратини юксалтиришда катта аҳамият касб этди.

Берунийнинг Ҳиндистонни ўрганиш бўйича қилган ишлари натижалари илмий асарлар ва уларга материаллар сифатида шаклланди. Бироқ унинг ижодида биринчи ўринда таржималар турарди. «Менинг барча уринишларим, – деб ёзган эди олим, – ва айниқса, бутун менинг кўнглим, тамомила билимларни тарқатишга қаратилган, чунки мен энди билимлар олишдан роҳатланиш ёшидан ўтдим ва мен бунга ўзим учун буюк бахт деб биламан. Ишнинг аҳволини тўғри тушуна оладиган одамлар мен доимо ҳиндларнинг тилидан [мусулмонларникига] ўхшашларни ва аксинчаларини ҳам таржима қилаверганим ва бу ишдаги барча ҳаракатлар оғирлигини ўзимга олганим учун менга айб юклайдилар деб ўйлайман. Кимки бу ишда аксинча ҳукм чиқарса, мени тентак деб тушунади ва менинг барча ишларимни ўзбошимчалик деб ўйлайди». Яна куйироқда: «Менга бу [ҳиндча] китоблар ҳарфма-ҳарф ўқиб берилганида ва мен уларнинг маъносига тушуниб етганимда, буларга уларни ўқиб чиқишга чанқоқ бўлганларнинг кўнглини жалб қилмай илож йўқ эди. Ахир билимлар борасидаги ҳасислик – энг оғир жиноят ва гуноҳ-ку»<sup>2</sup>.

### Беруний ижодида Ҳиндистонга алоқадор асарлар

Таржималар ва таржималар асосида юзага келган Беруний асарлари (энг аввало астрономия ва математикага оидлари) унинг тўла илмий асарлари рўйхатида кенг ўрин олади; уларнинг талай қисми «Ҳиндистон»да эслатиб ўтилган. Ушбу асарларни у санскритдан арабчага таржима қилган: Капиланинг «Санкхия»си; «Патанжала» китоби; Брахмагуптанинг «Паулиса-сиддҳанта»

<sup>1</sup> *Беруни*. Индия. Предисловие. – С. 20.

<sup>2</sup> *Oriens*, Bd. 9, 1956. №2. – S. 167.

(ёки «Пулиса-сиддҳанта») ва «Брахма-сиддҳанта» (ёки «Брахмаспхута-сиддҳанта») асарлари (ушбу кўрилаётган асар ёзилаётган пайтда бу китобларнинг таржималари ҳам тугатилмаган эди); Вараҳамиҳиранинг «Брихат-самхита» ва «Лагхжжатакам» асарлари, «Ҳиндистон»ни ёзаётган пайтида у Евклид «Негизлари» ва Птолемей «Алмагест»ини ва ўзининг астурлоблар яшаш ҳақидаги рисоласини санскритча шлокаларга (бандларга) ағдараётган эди. Аниқроғи, у асарлар маъноларини пандитларга бериб турган ва улар эса халитиларни шлокаларга ағдариб турган (Қаранг: 115-б). У «Панчатантра»нинг Ибн ал-Муқаффаъ таржимасини қониқарсиз ҳисоблаб, уни қайта таржима қилмоқчи бўлган.

Берунийнинг ўзи «Ҳиндистон»ни ёзиб бўлганидан беш йил кейин, ҳижрий 427 (милодий 1035) йили тузган рўйхатда ҳинд материалларига асосланган ушбу таржима ва рисолаларни кўрсатиш мумкин:

1. «Синдҳинд» ҳақидаги рисола, яъни Браҳмагупта «Брахмасиддҳанта»сининг «Жавāми ал-маужūd ли-хавāтир ал-хунūd фй ҳисōб ат-танжим» (Ҳиндларнинг астрономик ҳисоблашлар ҳақидаги мавжуд фикрлари тўплами) номли арабча варианты. – Boilot. № 5.

2. Ал-Арқанд жадвалларини тузатиш – Браҳмагуптанинг илгари мавжуд бўлган «Қҳандакҳадяка» асари арабча таржимасининг тузатилган варианты. – Boilot. № 6.

3. «Хайāl ал-қусуфайн ‘инда ал-ҳинд» («Ҳиндлардаги иккала тутилиш ҳақидаги тасаввур») – Куёш ва Ой тутилишларини ҳисоблаш ҳақида («Ҳиндистон»да эслатилади, 446-б.). – Boilot. № 8.

4. «Синд ва Ҳинд рақамлари билан ҳисоблаш ва арифметика ҳақида рисола». – Boilot. № 34.

5. «Арифметикани ўрганишда ҳинд усули ҳақида». – Boilot. № 36.

6. «Арабларнинг ҳисобдаги мартабалар ҳақидаги фикрлари ҳиндларнинг фикрларидан тўғрироқ эканлиги ҳақидаги рисола». – Boilot. № 37.

7. «Ҳиндларнинг рашиқлари [учламчи қоидалари] ҳақида»<sup>1</sup>.

8. «Санкалита ёки сонлар системаси ҳақида». – Boilot. № 39.

9. «Брахмасиддҳанта»дан математик усулларнинг таржимаси». – Boilot. № 40.

10. «Ҳиндларга доир вақт онини аниқлаш ҳақидаги рисола». – Boilot. № 52.

11. «Ой манзилларини муфассал ўрганиш ҳақида рисола» (ушбу асарда эслатилади, қаранг: 360-б.). – Boilot. № 61.

12. «Унга ҳинд астрономлари берган саволларга жавоблар». – Boilot. №71.

13. «Кашмирликларнинг ўнта саволларига жавоблар». Boilot. №72.

14. «Умр узунлигини ҳинд усули билан аниқлашни баён қилиш ҳақида рисола». – Boilot. №75.

<sup>1</sup> 1948 йили Ҳайдарободда нашр қилинган: Maqāla fī rāshikāt al-Hind, ed. by the Dā'irat al-Ma'ārif al'Othmaniyya, Hyderabad-Dekkan.

15. «Вараҳамиҳиранинг «Туғилишлар ҳақида кичик китоби»нинг таржимаси». – Voilot. №79.

16. «Икки Бомийён санами ҳақидаги ҳикоянинг таржимаси» – Voilot, № 83.

17. «Дабисти ва Барбаҳакира тарихидан нилуфар ҳақида ҳикоянинг таржимаси». – Voilot. №85.

18. «Капаяранинг», яъни ириб кечадиган касалликлар ҳақидаги ҳинд рисо-ласининг таржимаси». – Voilot. №93.

19. «Ҳиндларнинг Васудеваси, унинг яқин пайтда кўриниши ҳақида рисо-ла». – Voilot. №96.

20. «Сезгилар ва ақл билан қабул қилинадиган ҳамма кўринишларни ўзига олган китобнинг таржимаси». – Voilot. №97. Заҳау бу ерда гап «Санкҳия» ҳақида кетаётир деб тўғри айтган<sup>1</sup>.

21. «Кишанлар ҳақидаги «Патанжала» китобининг таржимаси»<sup>2</sup>. – Voilot. №98.

Шунингдек, Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ томонидан унинг номига атаб ёзилган «Синҳинд тарафдорларида экваторнинг тенг иккига бўлиниши сабаби ҳақида китоб» ҳам эслатилади. Рўйхатдаги бошқа баъзи ишлар ҳинд материалларига асосланган ёки Ҳиндистонни ўрганиш билан боғлиқдир, лекин биз уларнинг фақат номига қараб аниқ бир нарса деёлмаймиз. Хусусан, Сулаймон Надвий «Намударлар принципларини тузатишга олиб борувчи йўл ҳақида» китоб ҳинд астрономиясини ўрганишга бағишланганлиги ҳақида айтади<sup>3</sup>. «Ҳиндистон»да ва Берунийнинг бошқа баъзи асарларида ҳам эслатиладиган «Ғуррату-з-зижот» асари аслида ҳинд астрономи Вижаянандиннинг (IX аср) «Карана тилака» номли асари бўлиб, у олимнинг ўзи томонидан араб тилига ўгирилган<sup>4</sup>. Бу асарни покистонлик олим Саййид Самад Ҳусайн Ризви таржима ва тадқиқ қилган<sup>5</sup>. Яна бир покистонлик олим Н.А. Балуч унинг танқидий матнини нашр қилган<sup>6</sup>. Бе-

<sup>1</sup> Sachau, India, p. XXI.

<sup>2</sup> Г. Риттер томонидан Истанбул қўлёзмаси асосида нашр этилган: *AL-Birūni's Übersetzung des Yoga-Sūtra des. Patañjali von Hellmut Ritter, Oriens, Bd. 9. № 2, 1956, – S. 165–200.*

<sup>3</sup> *Islamic Culture*, v, 7, 1933. P. 92.

<sup>4</sup> Ҳинд олими Фазлиддин Қурайший Лохурий уни нашрга тайёрлаган: М. Nisamuddin, *Al-Birūni and his scientific Achievements*, A. Paper submitted to the XXV internal Congress of Orientalists, Hyderabad, 1960. P. 8.

<sup>5</sup> *Al-Biruni. Ghurrat al-zijāt*. Ed. And comm. by Sayyid Samad Husain Rizvi. *Islamic Culture*, vol, 37, 1963, p. 167–187, 223–245, vol. 38, 1964, p. 47–74, 195–212, vol. 39, 1965, p. 1–26, 137–180.

<sup>6</sup> *Baloch. Ghurrat al-Zijāt or Karana tilaka. A Handbook Astronomy*. By Bijayanand of Benares. Transl. into arabik by Abu al-Raiḥān al-Beruni. Prepared for publication by N.A. Baloch. Sind, Pakistan, 1973.



рунийнинг яқинда Ҳайдарободда нашр қилинган баъзи кичик рисоалари ҳам унинг шахсий ҳиндшунослигига алоқадор асарларидир.

Шундай қилиб, эслатилган асарлардан фақат учтаси бизнинг замонимизгача етиб келган. Улардан бири, «Патанжала»нинг таржимаси диккатни ўзига жалб қилади. Ушбу асарнинг нашр қилинган матни<sup>1</sup> Беруний «Ҳиндистон»га киритган парчалардан тўлиқроқ бўлибгина қолмай, балки матннинг кўпгина қисми ундан фарқланади. Бу матн билан боғлиқликда юзага келадиган тарихий-адабий муаммолар унинг асл санскрит нусхаси топилгач, албатта, ҳал бўлади, дея умид қиламиз.

### «Ҳиндистон» асарининг ўтмиш ва ҳозирдаги илмий-амалий аҳамияти

Берунийнинг адабий фаолиятига назар солиш шуни кўрсатадики, у ўз «Ҳиндистон»и учун узоқ вақт ва синчковлик билан маълумот тўплаган. «Патанжала»нинг арабча таржимасининг хулоса қисмида буюк олим юзага келган ўз режаси ҳақида очик-ойдин гапиради: «Иншааллоҳ, мен шундай китоб ёзайки, унда ҳиндларнинг динларидаги қонунлар, диний ақидалари ва уларнинг [фойдаланадиган] тартиб-қоидалари, ривоятлари, шунингдек, уларнинг мамлакатлари ҳамда шаҳарлари ҳақида муфассал ва тўлиқ баён этилган бўлади»<sup>2</sup>. Табиийки, асар Берунийнинг ҳинд маданиятини ўрганиш бўйича олиб борган улкан ишининг хулосаси ва муваффақиятли якуни бўлди. У «Ҳиндистон»нинг кириш қисмида китобнинг ёзилиш сабабини аниқ баён этган. Беруний ҳурматли «устоз»и Абу Саҳл ат-Тифлисий билан бир неча марта суҳбатлашиб, иккиси ҳам арабий-мусулмон адабиётидаги динлар ҳақида ғараз билан айтилган гаплар кониқарли эмас, деган хулосага келдилар. «Устоз билан суҳбатларимизнинг маъносини кўрсатувчи мисол тариқасида, – деб ёзади Беруний, – биз ҳиндларнинг динлари ва эътиқодларига мурожаат этдик. Шунда мен айтдимки, бу ҳақда [биздаги] китобларда батафсил тушунтирилмаган; ёзилганларнинг баъзи қисми кўчирилган, териб-териб олиб аралштириб тўпланган-у, лекин ҳиндларнинг тушунчасига мослаб, кераксиз сараланмаган ва олиб ташланмаган»<sup>3</sup>. Қуйроқда Беруний яна давом этиб, ёзади: «Устоз Абу Саҳл (Аллоҳ уни ёрлақасин) дин ва миллатлар ҳақидаги

<sup>1</sup> «Патанжала» таржимасининг Беруний қўлёзмасини XX аср 20-йилларининг бошида Л. Массиньон Истамбулдаги Кўпрулу кутубхонасида №11589 рақам остида топган (қаранг: L. Massignon. Essais sur les origines du lexique de la musique musulmane, Paris, 1922, p. 79; 2-нашр, Paris, 1954, p. 97). 1930 йили бу қўлёзма ҳақида И. Хауер ёзган. Кейинчалик у билан Г. Риттер шуғулланиб, 1955 йили Техронда Ибн Синога бағишланган тўпلامда форсча мақола нашр этган. 1956 йили ўша олим Oriens (Лейден) журналида шу асарнинг тўла арабча матнини нашр этди.

<sup>2</sup> Oriens, Bd. 9, 1956. № 2. – S. 200.

<sup>3</sup> Қуйида, 43-бетга қаранг.

китобларни қайтадан мутолаа қилиб, улардаги аҳволни мен ўтган суратда топ-гач, ... ҳиндлардан аниқлаб ўрганган маълумотларимни ёзишга қизиқтириб, илтимос қилди». Китобни ... у айтганидек қилиб ёздим<sup>1</sup>.

Бундай суҳбатнинг амалда бўлиб ўтганининг аҳамияти йўқ: балки бу адабий бир усулдир. Лекин муҳими шундаки, Беруний ушбу китобни ёзиш билан буюк бир мақсадга – турли эътиқодда бўлган ва турли тилларда сўзлашган халқларнинг бир-бирини англашига ва ўзаро тинч-тотув яшашга ундашга ҳаракат қилган. Қирғинбарот жанрлар кетаётган, кўплаб одамлар қирилаётган ва минглаб озод бўлган одамлар асирликка ва кулликка айлантирилаётган бир пайтда бутунлай инсонпарварлик ғояси билан йўғрилган ҳаракатни амалга ошириш буюк қаҳрамонлик эди.

Китобда келтирилган фактик материал жуда мукамал бўлиб, уни сира ҳиндлар ҳақида араб тилида ёзилганлар билан солиштириб бўлмайди. Ҳиндларнинг каста тизими, ҳиндлардаги фалсафа ва аниқ фанлар, уларнинг динлари ва бидъатлари, оғирлик ва узунлик ўлчам системалари, ҳинд ёзувининг турли йўналишлари, Ҳиндистон физик географиясига умумий қараш – китобда баён қилинаётган мавзуларнинг энг асосийси шулардан иборат. Шунинг учун бўлса керак, Э. Захау муаллифнинг ноқулай ва асарнинг маъносини акс эттирмаган номи ўрнига «Беруний Ҳиндистони» деб тагсарлавҳа<sup>2</sup> берган.

Беруний ўз тадқиқотини ҳиндларнинг фалсафий ва диний қарашларини баён қилиш билан бошлайди; у ишни бирламчи манбаларни ифода этиш билан асослайди. Беруний ўз баёнини бошлашда учта оригинал матнга асосланади уларни «Гита», «Санкҳия» ва «Патанжала» деб номлаб, матнлардан иқтибослар келтиради.

«Гита», яъни «Бҳагавад-гита», кўпроқ иқтибосланади. Унинг келтирган баъзи иқтибослари бизга маълум бўлган оригинал асл матн билан мос келмайди; эҳтимол «Гита»нинг бизгача етиб келмаган баъзи шарҳларидан олингандир (бирламчи манбаларга ҳавола қилишда Беруний ўз одати бўйича асосий матн билан шарҳнинг орасини ажратиб ўтирмас эди) ёки бу асарнинг бизга номаълум бўлган бошқа таҳриридан фойдаланган бўлиши мумкин. Лекин «Бҳагавад-гита»дан олинган кўплаб иқтибослар санскритча матнда ўз ўрнини топади.

«Санкҳия» деб аталадиган китоб, анча илгари аниқланганидек<sup>3</sup>, Гаудападаннинг (Gaudapādabhsya) Ишвара-Кришнанинг «Санкҳия-Карика» деб аталадиган рисоласига қилинган шарҳига жуда ўхшаш.

«Патанжала»га келсак, ханузгача китобнинг бизга маълум бўлган санскритча бирор оригинали билан мос келишини аниқлаб бўлмади; уни ўз-

<sup>1</sup> Қуйида, 44-бетга қаранг.

<sup>2</sup> «Ҳиндистоннинг дини. Фалсафаси, адабиёти, географияси, хронологияси, астрономияси, одамлари. Қонунлари ва астрологиясини кузатиш».

<sup>3</sup> R. Garbe, Die Samkhya – Philosophie, Leipzig, 1894. – S. 63 ff.

Ўзидан келиб чиқадиган Патанжалининг машхур «Йогасутра»си билан солиштириш иккала матн маъносидаги кўплаб ғализликлар мавжудлигини кўрсатди; диққат билан тадқиқ қилиш натижасида иккала матннинг турли даврга тегишли эканлиги аниқланди.

Асарнинг баъзи саҳифаларида Беруний айрим пураналарнинг («Вишну-пурана», «Вишну-дҳармоттара») диний-фалсафий матнларига ҳам иқтибослар келтиради. Беруний ҳиндларнинг фалсафий таълимотларини баён қилиш учун бу китобларни танлаганлиги уларнинг Беруний билан мулоқотда бўлган маҳаллий зиёлилар орасида тарқалганлигидан далолат беради. Бу ерда шуни ҳам таъкидлаш керакки, Берунийнинг ўзи гувоҳлик беришича, ўша йиллар у Шимоли-Ғарбий Ҳиндистонда ҳиндларнинг фалсафий ва илмий адабиётлари билан тўлиқ танишиб чиқиш имкониятига эга бўлган. Панжоб (мамлакатнинг чеккаси) ўша даврдаги илмий марказлар бўлган Банорас, Кашмир ва жанубий вилоятлардан бирмунча четда жойлашган эди. Бундан ташқари, мусулмон фотиҳларининг бу ердаги ҳарбий ҳаракатлари кўплаб ҳинд олимларини забт этилган ерларни ташлаб кетишга мажбур этган эди. Шунинг учун Берунийнинг бу ерда тўплаган маълумотлари етарли бўлмаслиги табиий. Масалан, агар Беруний адвайта – ведантанинг йирик идеологи Шанкарани эсламаганлиги, Шанкара Ҳиндистоннинг бошқа вилоятларида ёки Панжобнинг ўзидаги йирик файласуфларга маълум бўлмаган, деган хулосага келиш мумкин. Беруний ҳеч қаерда қайд этмаган веданта мактабининг файласуфлари ҳақида ҳам шуларни айтиш мумкин. Бироқ Беруний уни ёдга олмаганлиги шуни кўрсатадики, XI аср бошида шимоли-ғарбий Ҳиндистонда – буюк хоразмлик олимнинг ходимлари, хабарчилари орасида бу файласуф ва унинг илмий мактаби ҳали яхши маълум бўлмаган ва етарли шухрат қозонмаган эди.

Ҳар ҳолда Берунийнинг китобидан ўша пайтда Ҳиндистонда ҳукмрон бўлган дунёқарашнинг айрим тарафлари ҳақида фикр юритиш мумкин бўлади; бунда ҳосил қилинаётган ёки тикланаётган тасаввурнинг етарли даражада аниқ бўлишига олимнинг фавқулодда синчковлиги ва ҳаққонийлиги кафолат бўла олади. Санскрит фалсафий адабиётини ўрганиш давомида, айниқса тил борасида, Беруний катта қийинчиликларга дуч келди. Шундай бўлса-да, ўша даврнинг оддий олими ечолмаган масалани у ҳал қила олди. Беруний таржималаридаги асл нусханинг маълум матни билан идентификация ўрнатиш мумкин бўлган қисмлар шуни кўрсатадики, фалсафий манбаларни у алоҳида эҳтиёткорлик ва маҳорат билан таржима қилган. Беруний баён қилишда асл манбадан биров узоқлашган бўлса ҳам, асл нусханинг маънавий кучи тўлиқ сақланган ҳолда берилган, – бу борада унга, албатта, таянса бўлади.

Ҳиндларнинг дунёқарашини Беруний баёнида бир бутун фалсафий тизим характерига эга эмас. Унинг мураккаблиги ва қарама-қаршилиги турли дунёқарашлардаги маълум ўзаро зид ғоялар курашини акс эттиради.

Беруний ўз тадқиқотини илоҳ концепциясини қарашдан бошлайди<sup>1</sup>. Бу борада асосий манба сифатида «Бхагавад-гита» ва «Патанжала»дан олинган иқтибосларни «Йогасутра» матни билан солиштириш натижаси бу иккала асарнинг ҳам бир-биридан фарқ қилишини тасдиқлайди. Агар «Йогасутра» илоҳ (*Içvara*) зотини аниқлашга фақат бир неча қисқа афоризмларни ажратса<sup>2</sup>, «Патанжала» китобида «илоҳ» тушунчаси қиймат жиҳатидан анча ортади ҳамда тадқиқотнинг ва диний интилишнинг асосий предметига айланади<sup>3</sup>. «Йогасутра», йога илмий мактабининг асосий қонуний матни бўлиб, *Içvara* тушунчасини санкхья фалсафий тизимига механик равишда киритилган, бу билан ҳукмрон диний қарашларга формал равишда тан беради. Беруний иқтибос олаётган «Патанжала» илоҳ тушунчасини веданта руҳида муфассал таърифлайди ва «Йогасутра»да бўлмаган Брахма тушунчасини ҳамда унинг Ишварага муносабати масаласини киритади. Берунийнинг «Патанжала» ва «Бхагавад-гита»дан иқтибосларида илоҳни нажотни қўлга киритишдаги бош восита ёки қурол ғояси сифатида таъкидланади.

Кейин Беруний «фоъил», яъни олам яратилишининг биринчи сабабчиси ҳақидаги масалани кўтаради. (Беруний *ал-фā'ил* – деб санскритча кагапа – [«ҳаракат қилувчи»] сабаб» – иборасини таржима қилган).

«Ҳиндларнинг ҳаракатни таърифлашдаги мулоҳазалари бир-биридан фарқланади, – таъкидлайди Беруний. – Уларнинг баъзилари ҳаракат илоҳдан бошланади дейдилар ..., бошқалари ... бунга ҳаракатнинг бевосита намоён бўлиши нуқтаи назаридан ёндашадилар». Буни тушунтириш учун у «Санкхья» китобидан иқтибос келтиради. Гаудапада шарҳининг бу ердаги Беруний назарда тутаётган қисми, ўз-ўзидан катта қизиқиш уйғотади; қуйида унинг бевосита асл нусхасидан таржима матнини келтирамыз.

«Сабаб (кагапа) деб илоҳни (*Içvara*) аталади: «Майли бизнинг жонимиз – сўқир ва ожиз – илоҳнинг иродасига кўра осмонга ёки жаҳаннамга кетсин». Бошқалар айтадиларки, сабаб табиатда (*svabhva*) [муҷассамлашади]: «Оққушнинг оқлиги нимадан келиб чиқади, товуснинг ранг-баранглиги-чи? Табиатдан». Бироқ санкхьянинг муаллимлари эътироз билдирадилар: «Қандай қилиб хусусиятга эга бўлган мавжудотлар хусусиятга эга бўлмаган илоҳдан келиб чиқадилар ёки хусусиятга эга бўлмаган жондан (*puruṣa*) келиб чиқадилар?». Шунинг учун кўриниб турибдики, [сабаб] материядир (*prakṛti*)... Кейин баъзилар сабаб деб вақтни атайдилар. «Вақт беш унсурдан (*bhuta*) иборат, вақт оламни бузади. Вақт [ҳамма] ухлаганда тетик туради, вақтни енгиш қийин». Учта категория [мавжуддир]: ошкор қилинган, ошкор қилинадиган ва рух, [шулардан бирига] вақт киритилади, [яъни] ошкор қилинганга; ва ўзининг

<sup>1</sup> Қуйида II бобга қаранг.

<sup>2</sup> Йогасутра, I. – С. 24–27.

<sup>3</sup> Қаранг: S.N. Dasgupta. *Yoga philosophy*. – Calcutta, 1930. P. 62.

яратувчилик табиатига кўра материя вақтнинг ҳам сабабчисидир; унинг ўзига [материяга] табиат ҳам киритилади. Шунинг учун фақат материя сабабдир; материянинг эса [ундан] фарқ қилувчи сабаби йўқ»<sup>1</sup>. Гаудападаннинг аргументацияси санкҳиянинг сабаблилиги назариясига таянади. Шунга кўра, оқибат сабабда потенциал ҳолатда бўлиши керак.

Берунийнинг таржимасини эркин таржима дейиш мумкин, лекин аслнинг ғоялари етарли даражада тўғри келтирилган:

«Баъзи кишилар айтадики, руҳ ҳаракатларга молик, материя ўлик ва илоҳ ... уларни бир-бири билан бирлаштиради ва ажратади, демак, у ҳаракат қилади... Бошқалар айтадиларки, ҳаракатнинг ва ҳаракат қилувчининг бирлашиши табиатан юзага келади... Яна бошқалар айтадики, фойил – бу вақтдир. Шу фикрларнинг ҳаммаси ҳақиқатдан оғади. Ҳақиқат эса шундаки, ҳаракат (фаолият) тамомила материяга тегишлидир... Руҳ эмас».

Кўп юзйиллар давомида Санкҳия илмий мактаби, иқтибос қилинган Гаудападаннинг ҳам асарини ўз ичига олувчи дунёқараши шаклланиб, ривожланиб борган. Унга нисбатан қандайдир абадий ўрнашган ва ўзгармас система деб қараш хато бўларди. Сўнги пайтларгача ҳинд фалсафасини тадқиқ қилувчилар орасида санкҳия дунёқарашининг характери ҳақида турли фикрлар мавжуд. Баъзилар (С. Раҳаркришнан, В. Рубен) санкҳияни ҳеч қандай шакл-шубҳасиз идеалистик таълимот дейдилар, бошқалар эса (Р. Гарбе) унда рационалистик илдиз бор деб уқтирадилар ёки унда материалистик асослар борлигини (М. Рой) кўрсатишга уринадилар. Лекин бу таълимотдаги мазкур ихтилофларни келтириб чиқарган карама-қаршиликлар уни фақат тарихий аспектда қараб таҳлил қилгандагина тушунтириб берилиши мумкин.

Тахмин қилишга асос бўлган, санкҳия фалсафаси энг қадимги «буддагача» даврларда ортодоксал ведик адабиётидаги брахманларнинг идеалистик таълимотларига оппозицияликни билдирган ва илк бор яратилган ҳамда руҳга боғлиқ бўлмаган абадий материя кўринаётган реал ашёлар дунёси (satkryavda), руҳларнинг кўплиги ва илоҳнинг яратувчилигини инкор қилиш ғояларини илгари сурган<sup>2</sup>. Санкҳия фалсафасининг кейинги тарихи чуқурроқ ўрганилганда, кўз ўнгимизда материалистик ғояларнинг кураши тарихи бўлиб гавдаланиб, улардан қадимги ҳинд жамиятида ҳукмрон синфларнинг мақсадларини акс эттирувчи диний ва идеалистик қарашлари билан қоришган таълимот шаклини олган. Ўз ривожланишининг маълум погонасида оригинал (maulika) санкҳия икки шохобчага бўлинади<sup>3</sup> – очикдан-очик идеалистик ва теистик «эпик» санкҳия бўлиб, «Бҳагавад-гита» ва пураналарда аксланган ва

<sup>1</sup> Гаудапада, 61.

<sup>2</sup> Қаранг: R. Garbe, маз. асар. – S. 13, 15 ff.

<sup>3</sup> Г. Ольденбергга кўра. Қаранг: S.K. Belvalkar and R.D. Ranade, History of Indian Philosophy. – Poona, 1927, vol. 2. 419.



иккинчиси – «классик» санкхия деб аталиб, материализм билан идеализмни (албатта, муваффақиятли) яраштиришга уринишдан иборат бўлган ва охириги босқичда материалистик позицияларни топшириб, санкхия билан веданта орасидаги зиддиятлар бартараф этилган.

Ишвар – Кришнанинг «Санкхия-Карика»си ана шу яқинлашишнинг биринчи қадамларини акс эттиради. Гаудападанинг шарҳи, VII ёки VIII асрда ёзилган, бундан кейинги даврда веданта ғояларини санкхия системасига кiritилганлигини акс эттиради. Аммо Берунийнинг иқтибос қилинган парчаси шуни кўрсатадики, санкхия ўзининг баъзи муҳим материалистик қоидаларини сўнгги даврда ҳам сақлаб қола олган. Шуниси ажабланарлики, Гаудапада ўз мулоҳазаларида илк атеистик санкхия вакилларида фарқ қилиб, илоҳ мавжудлигини инкор этмайди; лекин у илоҳнинг яратувчилигини қатъиян рад этади ва материянинг априорлигини тасдиқлайди.

Беруний «Ҳиндистон»нинг учинчи бобида санкхиянинг машҳур космик эволюция назариясини ҳинд бирламчи манбаларининг қоидаларига мос равишда баён қилади. Бироқ ушбу ҳолат диққатга сазовордир: маҳат (буддҳи) принципларини ва аханкарани Беруний фақатгина космологик тушунчалар деб таърифлайди ва бу билан буюк олим уларнинг психологик аспектларини эътиборга олмайди. У буддҳи иборасини бутунлай ишлатмайди, уни виякта (яъни, «ифодаланган материя») сўзи билан алмаштиради. Бу эса гарчи у ҳинд адабиётида ишлатилмайдиган бўлса-да, иборанинг космологик маъноси билан оқланади.

Аханкара Берунийнинг таърифига кўра, космик эволюциянинг шундай босқичи, унда «материя ... нарсаларни аввалги қобиғидан ўсиб чиқишга мажбур қилади ... Ўзгаришнинг ана шу жараёнида табиат гўё ўзгаргани ошиб ўтади ва унинг устида кўтарилади». *Аханкара* сўзининг маъносини Беруний ўзгача талқин қилади, унинг ево маъноси – «индивидуаллик принципи» ҳақида сўзламайди.

Аханкарага етгандан сўнг Беруний таттв (принципларнинг) анъанавий тартибини ўзгартиради; унда аханкарадан кейин манас эмас, беш физик элемент маҳабҳута келади, сўнгра беш нозик элемент (tanmtra), қабул қилиш органлари, манас ва ҳаракат (қила олиш) органлари (karmendriyāni). Шундай қилиб, Беруний талқинида тирик организм ва унинг марказий органи – «жон» (манас) материя эволюциясининг сўнгги маҳсулоти бўлиб қолади. Беруний баёнида назариянинг материалистик характери аниқ кўринади; В. Рубен санкхияга ўтирган идеализмдек таънасига ўрин қолмайди, гўё психик табиатдаги физик элементларни ишлаб чиқарганидек<sup>1</sup>. Эҳтимол, Беруний ушбу ўрин алмаштиришни баённинг мантикий кетма-кетлигини сақлаш мақсадида амалга оширган бўлиши мумкин. Маҳат ва аханкара принципларини ҳам уларнинг космологик аспект-

<sup>1</sup> Қаранг: W. Ruben. Geschichte der indischen Philosophie. – Berlin, 1954. – S. 136.

лари билан чегаралаш мантиқан тўғри кўринади. Бироқ бошқа жихатдан, бу ерда индивидуал интеллект, яъни – манасни акслантирувчи ва фақат «ички орган» (*antaḥkarana*)ни тан олган веданта таълимотининг таъсири юз<sup>1</sup> бергандир.

Беруний санкҳиянинг жон ҳақидаги таълимотини, яъни бу силсиланинг энг кучсиз ва нозик бўгинини баён қилишга ўтаётганида, ведантанинг таъсири айниқса кучли сезилади. Маълумки, санкҳия ҳеч қачон рухий ибтидо – *пуруша*'нинг материяга муносабатини ҳамда пассив ва хусусиятга эга бўлмаган руҳнинг олам яратилишидаги иштирокини қониқарли тушунтириб бера олмаган эди.

Санкҳия системасига *пуруша*'нинг киритилиши идеализм олдида биринчи чекиниш бўлиб, бу узок қадимги замонда юз бергани эҳтимол<sup>2</sup>. Ҳинд адабиётида биз қадимда йигирма тўрт принцили санкҳия таълимоти бўлганлигини кўрамиз, кейинроқ унга йигирма бешинчи принцип – *пуруша* қўшилган бўлиб, аслида санкҳиянинг космик эволюция назарияси усиз ҳам яшай олиши мумкин эди. Шунда система кўплаб зиддиятлар ва тартибсизликлардан халос бўлган бўлар эди. Кейинчалик яна «йигирма олтита принцип» санкҳияси шаклланди, яъни системага илоҳ (*Içvara*) концепциясини киритган йога мактаби вужудга келди<sup>3</sup>.

Беруний баёнида энг муҳими шуки, унда санкҳия принципи – руҳларнинг (*пуруша*'ларнинг) кўплиги умуман ўчирилади. Баъзи жойларда Беруний руҳлар ҳақида кўпликда гапиради, лекин бу ҳолларда эмпирик руҳ назарда тутилаётганлиги аниқ сезилади. Берунийда *пуруша* ва жива тушунчаларининг қориштирилиши, умуман олганда классик санкҳиянинг характер жихатдан кучсизлигини кўрсатади<sup>4</sup>. «Ҳиндистон»да веданта позициясига аниқ ўтиш ҳақида қуйидаги руҳнинг «нозик тана» (*liḡaṣarīra*) билан боғланиши ҳақидаги талкин кўрсатади: «Ҳиндлар уларни нозик таналар деб атаган бўлиб, уларнинг тепасида руҳ қуёш каби нурини сочиб туради. Бу воситачилар уларнинг руҳ билан қўшилишидан кейин уни ўзларида олиб юрувчи бўладилар, худди қуёш биргина унинг қаршисидаги кўплаб ойналарда акс этганидек, шунингдек кўп идишларга сув қуйиб қуёш остига қўйилганида, уларда ҳам акс этгани каби»<sup>5</sup>.

Руҳлар кўплигини ҳамма ёққа сингувчи бутун олам руҳи билан алмаштиришга биринчи уринишларини биз «Санкҳия – Карика»даёқ учратамиз. Беруний даврида санкҳия бу масалада ўз позицияларини бутунлай бой беради.

<sup>1</sup> P. Denssen. System des Vedanta. – Leipzig, 1883. – S. 357.

<sup>2</sup> *Пуруша*'нинг санкҳиядаги оригинал ўрни ҳақида қаранг: D. Chattopadhyaya, Lokayata. A study in ancient Indian materialism. New-York, [1959], p. 383 ff. Яна қаранг: S.N. Dasgupta A. History of Indian Philosophy. – Cambridge. 1922. Vol. I. P. 217–218.

<sup>3</sup> «Махабхарата», XII. – С. 318.

<sup>4</sup> С. Радхакришнан. Индийская философия. – М.: 1957. Т. 2. – С. 285.

<sup>5</sup> Куйида 56-бетга қаранг.

Беруний «Ҳиндистон»ида баён этилишича, XI аср бошида санкхья-йоганинг фалсафий таълимотлари, ҳамон ўзининг имтиёзли устунликларини сақлаб турар эди. Лекин биз биламизки, бу устунликка классик ҳинд маданияти ривожланган пайтда эришган эди. Бироқ бу пайтга келиб, санкхья дунёқарашида жуда катта ўзгариш содир бўлди; классик санкхья таълимотига «Бҳагавад-гита»нинг ўша пайтда фалсафий тафаккурнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатган «эпик санкхья» ва пураналарнинг ғоялари кириб борди ва у билан аралашиб кетди; натижада санкхьяга зид бўлган таълимотларнинг таъсири сезила бошлади. Ана шундай қилиб, ўша даврда Берунийнинг ўзи таъкидлаган шимоли-ғарбий Ҳиндистондаги фалсафий қарашларнинг мураккаблиги ва зиддиятли характери намоён бўлди.

Илк бор яратилган ва абадий материя тушунчалари ҳамда уни ташкил қилувчи учкун, нарсалар дунёси ва инсоннинг психик табиати материянинг эволюцияси маҳсулоти ҳақидаги концепция – бу санкхьянинг муҳим асослари ҳали унинг системасида сақланиб турди. Лекин санкхьянинг атеистик тенденциялари энди унутиб юборилган эди. Берунийда биз унинг мавжудлигининг бирор асоратини ҳам кўрмаймиз. *Пуруша* принципи муҳим кўплилик аспектини йўқотди ва ведантанинг монотеистик ғояларининг кучли таъсирига йўл очди. Бундан ташқари, Берунийда пуруша ва жива тушунчаларининг қориштирилиши санкхьядаги пурушанинг пассивлиги ва унинг олам яратилиш жараёнида иштирок этмаслиги ҳақидаги қондасини қоронгилаштириб юборади.

Биз айтганимиздек, на ведантанинг ўзи ва на бу мактабнинг бирор вақили ҳақида Берунийда қайд этилмаган; зеро бу кезларда санкхья ҳали катта эътиборга эга эди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, «Ҳиндистон»нинг ҳеч бир жойида ведантик майёа таълимотининг изи ҳам ва оламнинг хаёлийлиги ҳақидаги қарашлари ҳам учратилмайди. Лекин веданта дунёқарашининг ўсиб боровчи таъсири, шубҳасиз, Беруний асарида акс эттирилган, айниқса бу илоҳ тушунчасини талқин қилишда аниқ сезилади. Ҳ. Ҳераснинг фикрича, «Ҳиндистон»нинг иккинчи бобида илоҳнинг табиатини талқин қилаётиб, аниқ равишда адвайта таълимотининг асосларини баён қилади<sup>1</sup>.

Бир жиҳатдан қараганда, Беруний даври Ҳиндистоннинг сиёсий ва ижтимоий тарихида бурилиш даври бўлган ва худди шунингдек, ҳиндларнинг фалсафий таълимотлари тарихий кечишида ҳам бурилиш даври бўлди. Бу даврда санкхья-йога дунёқараши, қайсики В. Рубен томонидан типик қулдорлик идеологиясини акслантирувчи деб қаралган эди<sup>2</sup>, энди веданта фалсафаси билан алмашинади.

<sup>1</sup> H. Heras. The advaita doctrine in Alberuni, – «Al-Biruni's Commemoration volume». – Calcutta, 1961. – P. 119.

<sup>2</sup> W. Ruben. Geschichte der indischen Philosophie. – Berlin, 1954. – S. 85.

Юқорида айтганимиздек, ўз даврида Беруний Ҳиндистон жамиятидаги хукмрон фалсафий қарашларни баён қилишда учта асосий манбага: «Бхагавад-гита»га, «Гаудападабхашя»га ва «Патанжала» китобига таянади 5-бобдан бошлаб у хиндларнинг диний таълимотларига ва қарашларига ўтади ва кетма-кет равишда карма доктринасини ва руҳларнинг кўчиши, қадимги хиндларнинг бошқа дунёлар ҳамда жаннат ва дўзахда бериладиган «мукофот ва азоблар» ҳақидаги, руҳнинг дунёдан ниҳоят озод бўлиши (мокша) ҳақидаги қарашларни баён қилишга ўтади. Бу масалаларни ёритишда Беруний мазкур уч китобдан ташқари баъзи оммавий пураналардан ҳам фойдаланади.

Беруний асарнинг анъанавий ҳинд космографияси ва космогониясига бағишланган бобларида, макон ва замонни ўлчашга ҳамда олам тузилишининг циклик ривожланишига бағишланган бобларида ҳам пураналарга таянади. У қуйидаги машҳур китоблардан: «Вишну-пураналар», «Ваю-пураналар», «Матсия-пураналар» ва айтарли машҳур бўлмаган «Вишну-дҳармоттара-пураналар» китобидан ҳам фойдаланган. Беруний бу китобни «Вишну-дҳарма» (бшн дҳрм) деб эслайди. 1890 йили Г. Бюлер аниқлаганидек, бу ном билан Беруний номи бир хил ва матни икки хил бўлган икки асарни эслайди. «Вишну-дҳармоттара» ва «Вишну-пурана»дан «Ҳиндистон»да бошқа икки пуранага нисбатан кўпроқ иқтибос келтиради. Олим бошқа пураналар ҳам мавжудлигини билган: бу адабий циклдан 18 та асарлар рўйхати асарнинг 12-бобида келтирилади.

Қадимги ҳинд адабиётининг энг муҳимлари 12-бобда санаб чиқилиб кузатишга, афтидан, кўп жиҳатдан ўша «Вишну-пурана»га асосланган бўлиши мумкин. Беруний ушбу асардан ўша пайтларда унга номаълум бўлган Ведалар ҳақидаги маълумотларни ҳам олган кўринади. Пураналардан ва бошқа манбалардан, аксарияти бизга номаълум бошқа китоблардан Беруний кўплаб хинд ривоятларини ва афсоналарини олган бўлиб, булар ҳақида у китобининг турли саҳифаларида баён этган. У бир неча марта «Махабхарата»ни (у уни «Бхарата китоби» деган) эслатади ва Виясани унинг муаллифи дейди. 12-бобда у «Махабхарата»нинг ўн тўққиз қисмини (жумладан, «Харивану»нинг) сарлавҳаларини, бизга маълум бўлган қонуний тартибдан фаркли равишда келтиради. У «Ҳиндистон»нинг 47-бобида «Махабхарата»нинг асосий мазмунини қисқача баён этади; яна ўша ерда у пураналардаги ва «Хариванша»даги Кришна ҳақидаги ривоятларни ҳам келтиради. Бироқ Беруний «Махабхарата»нинг ҳамма қисмлари билан қанчалик яқин таниш бўлганлигини айтиш қийин. «Бхагавад-гита»дан ташқари у, балки, «Анугита»ни («Махабхарата»нинг XIV қисмига қаранг), чунки «Ҳиндистон»нинг 3-бобида шу асардан иқтибос (III бобдаги изоҳларга қаранг) келтирилган.

Беруний пураналардан Жамбу-двипанинг ва бошқа қитъаларнинг таърифларини олган бўлиб, уларда, қадимги хиндларнинг дунёқарашларига кўра,

Ернинг инсонлар яшайдиган қисми жойлашган. «Ҳиндистон»нинг 11-боби ҳинд космографиясига бағишланган, у бутунлай Вараҳамиҳиранинг «Брихатсамхита» рисоласига асосланган. Бу асар энциклопедик характерга эга бўлиб, Беруний уни ҳинд маданиятининг турли жиҳатларини ёритаётганида асарининг деярли барча жойларида жалб қилади. Хусусан, «Брихатсамхита»дан ҳинд астрономияси ва математикасига бағишланган бобларда асосий манба сифатида фойдаланади. Биз биламизки, бу илмлар Берунийни ҳаммадан кўпроқ қизиқтиради, аслида у ҳинд маданиятини тадқиқ қилишни ана шу илмлардан бошлаган эди. Унинг бу соҳадаги тадқиқотлари алоҳида диққатга сазовор. «Брихатсамхита»дан ташқари Беруний Браҳмагуптанинг «Брахма-спхутасиддханта»сидан бизгача етиб келмаган Балабҳадранинг шарҳидан, «Пулиса-сиддханта»дан ва, балки, бошқа «сиддханталар»дан – Қадимги Ҳиндистоннинг астрономик ва математик рисоаларидан фойдаланган. Катта Ариабхатанинг асарлари билан Беруний уларнинг шарҳлари орқали танишган кўринади. Шуни таъкидлаш лозимки, Беруний ўз замонидаги схоластик санскрит математикаси ва астрономиясини бу борада анча юқори поғонада бўлган ислом мамлакатлари фани мавқеидан туриб танқид қилади. Бу ерда у тарихий истикболни назарда тутаяди ва Ариабхата билан Вараҳамиҳира давридаги ҳиндларнинг аниқ фанлар соҳасида эришган юксак ютуқларини энг сўнгги тушқунлик пайтига қарама-қарши қўяди. Энди бу пайтга келиб, қадимги астрономлар ютуқларига зид ўларок, Браҳмагуптанинг обрўси орта боради, лекин унинг рисоласи фаннинг ривожланишида бир қадам орқага силжиш ва ҳукмрон диний қарашлар фойдасига чекиниш бўлиб, бу пайтда Балабҳадра каби схоластларнинг сафсаталари ҳақиқий илмий изланишларнинг ўрнини олган эди. Беруний бизгача етиб келмаган кўпгина санскритча рисоалардан ҳам фойдаланган. Унинг асарининг бу қисми ҳамон ўзининг махсус тадқиқотчиларини кутмоқда.

«Ҳиндистон»нинг охириги боби Вараҳамиҳиранинг «Лагху-жатака» рисоласи асосида ҳинд астрологиясининг асосларини баён қилишга бағишланган.

Беруний ушбу асарда бошқа фанларга деярли аҳамият бермаган. 13-бобда у грамматика ва шеърят бўйича санскрит адабиётини муҳокама қилади; у эслатган китобларнинг кўпи бизгача етиб келмаган. Беруний ҳинд тиббиёти ҳақида бироз юзаки тўхталади, баъзи маълумотлар асосан аввал араб тилига ўтирилган Чараканинг китобидан олинган бўлиши мумкин.

Берунийнинг ўзи замонидаги Ҳиндистоннинг шаҳарлари ва аҳоли яшайдиган ҳудудлари ҳақидаги маълумотлари пураналардаги ярим афсонавий географияга нисбатан анча қизиқарлироқ бўлиб, улар олимнинг шахсий саёҳатлари давомида олинган маълумотлари хулосаси бўлиб, шимоли-гарбий Ҳиндистондаги мусулмон фаолияти доираси билан чегараланган бўлса ҳам, диққатга сазоворқидир; у Панжобнинг кўплаб шаҳарларида – Пешовардан то Сиалкотгача шимол тарафда ва Мўлтонгача жанубда бўлган, Кашмирнинг



ғарбий худудларигача яқинлашиб келган. Бироқ унинг ёзишича, Панжобдан жанубдаги ерлар ҳақида бошқа бировлардан эшитган. Жанубий Ҳиндистон ўлкалари ва Цейлон ҳақидаги тасавури анча ноаниқ эди.

Лекин Беруний ҳиндларнинг урф-одатлари, турмуш тарзи, маросимлари ва уларнинг характерли жиҳатларини синчковлик билан, аниқ кузатганлиги кўп тарафдан кишини ҳайратга солади. Чунки унинг бу борадаги кузатишлари кўп жиҳатдан янги даврдаги европаликларнинг кузатишларига ўхшаб кетса ҳам, мулоҳазалари ўзининг объективлиги, инсонпарварлиги ва ҳаққонийлиги билан улардан катта фарқ қилади.

Берунийнинг Ҳиндистон яриморалининг геологик ўтмиши ҳақидаги мулоҳазалари ниҳоятда қимматлидир. Унинг айтишича, бир замонлар яриморол денгиз остида бўлган ва аста-секин мамлакат шимолдаги тоғлардан оқиб келаётган дарёларнинг аллювиал чўкиндиларидан, яъни оқова сувлар олиб келаётган лойқаларнинг чўкишидан ҳосил бўлган, деган ва ҳозирги замон геология фанининг ютуқларини бундан минг йил аввал айтиб берган.

Беруний китобида ҳажми бўйича айтарли катта бўлмаган, турли миллатларнинг маданияти ва идеологиясига алоқадор бўлган, ё муаллифнинг ўз кузатишлари асосида юзага келган ёки бўлмаса, қандайдир манбалардан олинган ўзаро солиштириш материалларини ҳам келтирган. Муаллифнинг фикрича, қиёсий баён қилиш диний қарашлардаги ўхшашликлар ва фарқланишларни акс эттириб, ўқувчига асосий материални тўғри тушунишга ёрдам беради. Муқаддимада (4-б.) ёки бошқа жойларда (масалан, 25-бет) бошқа халқлар ва динларнинг «яқинликлари» ва «ўхшашликлари» ҳақида баён қилажagini айтади ва бу билан у халқларнинг динлари, урф-одатларида ўхшашлик ва фарқларни, уларни яхшироқ ўрганиш мумкинлигини кўрсатади. Мана бундай далилни ҳам келтиради: «Агар ҳиндларнинг айтган сўзлари билан юнонларнинг динлари ҳақидаги сўзларини бир-бирига солиштирсангиз, ажабланарли жойи қолмайди» (47-б.). Ҳиндлар, яҳудийлар, араблар ва форсларнинг қадимги никоҳ одатлари ҳақидаги ҳикояни қуйидаги сўзлар билан яқунлайди: «Ёмон одатлар қаршисидаги ҳақ йўлнинг тўғрилиги билинсин ва бунга солиштирилганда, ноҳақ йўлларнинг ёмонлиги кўпроқ кўзга ташлансин, деб мен шуларни ҳикоя қилдим» (53-б.). Муаллифнинг ушбу мулоҳазаси у бошқа динлар ва халқлар ҳақидаги материалнинг қиёсий танлаш доирасини чегараланганлигини билиб, атайлаб қилинганлигига тўла ишонч беради: «Шу китобимиз биргина динга тегишли жамоа билан чегараланилмаганида эди, қадимда ... яшаган... ларнинг.. ҳикоя қилар эдик» (109-б.).

Беруний ҳиндлар ҳаёти ёки маънавиятининг қандай тарафига ёндошмасин, энг аввало уни мусулмон маданияти билан, одатлар билан, дин билан ва умуман мусулмон ўқувчига яхши таниш бўлган нарса билан солиштириши керак бўлган. Буни қуйидаги мисолларда кўрсатайлик: «Ҳиндларнинг шарият

йўллари ва қоидалари уларнинг донолари, динларининг устунлари – *ришилар* томонидан тузилган. Аммо улар бу дунёга инсон суратида бўлиб келадиган Нараяна пайғамбардан содир бўлмаган, деб эътиқод қиладилар... Шунинг учун ҳиндлар ... шариат ва ибодат бобида уларсиз иш тутадилар» (52-б.). Бу парчада ислом таълимоти билан ботин ҳолатда солиштириш бор. «Ҳиндларда ҳаж қилиш фарз эмас» (66-боб) ибораси ўқувчининг исломда Маккага ҳаж қилиш фарз ишлардан эканини билишлиги кераклигини назарда тутди. 16-бобнинг охирида бир қатор ҳиндча ва мусулмонча одатлари қиёс қилиниши келтирилган, бундай ҳолларда солиштириш элементи баённинг таркибига кирган.

Бундан ташқари китобда жуда кам ҳолларда Қуръондан иқтибос келтирилади, бир марта ҳадис, бир неча шеърӣ иқтибос, ислом тарихидаги баъзи воқеалар ва ислом тарихидаги шахсларнинг номлари келтирилади. Баъзи мусулмон олимларининг номлари эслатилади, айниқса ҳинд математикаси ва астрономиясини ўрганишда муаллифдан олдин ўтган олимлар: Ал-Фазорий, Яъқуб ибн Тарик, Ал-Хоразмий, Абул-Ҳасан ал-Аҳвазий, Ал-Киндий, Абу Маъшар Ал-Балхий, ал-Жайҳоний номлари, «Ҳиндистон»да баъзи масалалар бўйича иқтибос келтирилган мусулмон муаллифлари ва асарларидан муаллифи номаълум «Ал-Ҳаркон» (228-б.) асарини эслатиш мумкин, бу ном санскритча *аҳарган 'га* мос келади. Бу асар арабча ва форсча саналарни ҳиндчага ва аксинча алмаштирадиган, ғазнавийлар сарой аъёнлари фойдаланадиган қўлланма бўлса керак. Шуниси диққатга сазоворки, Беруний XXXI боб охирида номи бу асардан бошқа бирор китобда эслатилмаган турк астрономи Абу Аҳмад ибн Чатлағтегиннинг исмини келтиради (163-б.) ва Карли ҳамда Танешар шаҳарлари кенгламаларини ва бу икки шаҳар орасидаги масофани ҳам ўлчаб топганини айтади. Шубҳасиз, бу олим ғазнавийлар саройида Беруний каби фаолият олиб борган. Астрономияга алоқадор бир махсус масала бўйича Муҳаммад ибн Исҳоқ ас-Сарахсийнинг исми ёдга олинади (208-б.).

Ҳар қандай диний таълимотлар масаласи бўйича Беруний исмоилий муаллиф Абу Яъқуб ас-Сижизийнинг (942 йили иёдом қилинган) «Кашф алмаҳжуб» китобига ва IX аср муаллифлари Зуркон ва ал-Эроншаҳрийларга мурожаат этади.

Ислом тарихи бўйича Беруний келтирган хабарларда янгилик йўқ, бироқ алоҳида масалалар бўйича у берган баҳолари ва мулоҳазалари диққатга сазовордир. Хусусан, гўё араб шеърӣятидаги қофия ҳиндлардан олинган фикрга зид ўларок, бу фикр ҳақиқатдан жуда узоқлигини мисолларда кўрсатиб, бунга асос солган кишининг ижодий заковати ҳақида қатъий хулоса чиқаради: «Ал-Халил ибн Аҳмад ... [араб шеърӣятини] қисқартирилган белгилар билан вазнашда муваффақият қозонган» (71-б.).

Асарда сўфийларнинг таълимотига алоҳида аҳамият берилган, муаллиф уларни ҳинд назарияларига жуда яқин деб ҳисоблайди. Лекин улар ҳақидаги

маълумотларни бирор манба билан асосламайди: ёки умумий тарзда тасаввуф ҳақида ва уларнинг таълимотлари ҳақида сўз боради, ёки илк тасаввуфнинг машҳур намоёнлари Абу Бакр аш-Шиблий ва Абу Зайд ал-Бистомийнинг баъзи айтганлари эслатилади. Европадаги тасаввуфнинг йирик билимдони ва тадқиқотчиси М. Массиньон ўз ишларида «Ҳиндистон»даги тегишли жойларни бошланғич манба сифатида жалб қилган.

Исломдаги мулҳидия ҳақида таъна билан айтилган: олим зиндиклар, дуалистлар ва яҳудийлик тарафдорларини қаттиқ қоралайди (132-б.).

Қарматларни улар Мўлтонни забт этишлари (56-б.) муносабати билан муҳим аҳамият касб этади, чунки унда бу воқеанинг тахминий санаси келтирилган.

Исломгача бўлган жаҳолат давридаги арабларни Беруний жоҳил, нодон ва кўпол ҳиссий ҳирсларга берилган халқ сифатида тасвирлайди.

Берунийнинг ҳинд тафаккурини солиштириш учун жалб қилган юнон олимлари ва уларнинг маълумотларидан фойдаланилган асарларининг миқдори анча кўп. Э. Захау Беруний юнон ва сурёний тилларини билмаган ва фақат араб тилидаги таржималаридан фойдаланган, деб қатъий айтган эди. Лекин европалик олимлар М. Мейерхоф, Ф. Кренковларнинг олимнинг янги топилган асарларининг тадқиқотлари, шунингдек бизнинг «Осор ал-боқия» устида олиб борган шахсий тадқиқотимиз шуни кўрсатадики, Беруний нафақат у икки тилни, балки қадимги яҳудий тилини ҳам мукамал билган. И.Ю. Крачковский бу фикрни янги материаллар ва қўшимча мулоҳазалар билан маъқуллаган<sup>1</sup>. У келтирган иқтибослардан кўринадики, Беруний юнон олимлари асарларининг асл нусхасидан фойдаланмаган ва уларнинг сифати турлича бўлган. Баъзиларини эса унинг ўзи таржима қилган. У «Ҳиндистон»да қуйидаги юнон муаллифлари ва уларнинг асарларидан фойдаланган<sup>2</sup>:

Гомер «Илиада», «Одиссея»;

Платон. «Федон», «Тимей», номаълум шарҳлари билан «Қонунлар» – бунда Гиппократнинг шажараси ҳам келтирилган;

Прокл. «Тимей»га шарҳ (бизгача етиб келган нусхадан фарқ қилади);

Аристотель. «Физика», «Метафизика», «Александрга мактуб»;

Иоанн Грамматик. «Проклни рад этиш»;

Аполлоний Тианлик;

Александр Афродисийлик. Аристотелнинг «Табий эшитиш»ига шарҳ;

Порфирий. «Энг машҳур файласуфларнинг дунёқарашлари китоби»;

Аммоний;

<sup>1</sup> Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Т. II. – С. 586–587.

<sup>2</sup> Рўйхат Э. Захауга нисбатан тўлдирилган ва И.Ю. Крачковскийга кўра Гомернинг «Илиада»си ва «Одиссея»си қўшилган.

Арат. «Ҳодисалар», шарҳлари билан;  
 Гален. «Санъатларни ўрганишга ундаш», «Нутқлар китоби», «Ката гене», «Гиппократнинг афоризмларига шарҳлар», «Ҳайвонлар ҳақида», «Исботлар ҳақида»;

Птолемей. «Алмажистий», «География», «Китоб ал-маншурот»;

Псевдо-Каллисфен. «Александр ҳақида роман»;

Дионисий Фракияликнинг «Грамматик санъатига сҳолия»;

Қисман Иоанн Малаланинг асарини ва қисман Евсевийнинг «Хроникон»ини эслатувчи синхронистик тарихий асар.

Беруний буддавий асарлар билан таниш бўлмаган, унинг келтирган буддавийлик ҳақидаги маълумотлари иккиламчи асарлардан олинган, сон жиҳатидан улар кўп эмас ва ноаник. Унинг сўзларига қараганда, буддизм ғарб тарафда то Сурия ҳудудларигача тарқалган эди ва улардан маздаизм томонидан сиқиб чиқарилган, «буддавийлар эса Эрон ва Ироқдан «Балхдан шарқроқдаги мамлакатларга кўчиб ўтган» (I боб, 10–11-бетлар); бошқа бир жойда санкҳиянинг учта *гуна'си* буддавий муқаддаслиги билан ноўрин солиштирилган (III боб, 19–20-бетлар); ҳиндча *дива* билан форсча *дев* келиб чиқиши битта эканлиги ҳақида тўғри фикрни айтиб, бунга хато изоҳ ҳам берилган (VIII боб, 44-б.). Буддавий муаллифларнинг бизгача етиб келмаган бир нечта асарлари (75-б.) ва буддавий ёзуви (82-б.) эслатилади. Буддавийларнинг космографик тасаввурлари ҳам баён қилинади (124–125, 165–166-б.), лекин ушбу шарт билан:

«Мен бу ҳақида билиб олишим мумкин бўлган бирорта буддавий китобини ёки бирорта буддавийни учратмаганлигим учун бу ҳақда Ал-Эроншаҳрийнинг [хабарларига асосланиб] баён қилаяпман. Гарчи унинг хабари чуқур ўрганиш натижаси бўлмаса ҳам ёки у ҳодисани чуқур билмаган кимсанинг сўзларидан олган бўлса ҳам» (124–125-б.). Буддавийларнинг маййитларни дарёга оқизиб юборишлари ҳақида ҳам ёзилган (284-б.).

Берунийнинг яҳудийлик дини ҳақидаги маълумотлари муқаддас китобларни унинг ўзи бевосита ўқигани ва бу дин вакиллари билан суҳбатлашганига асосланган<sup>1</sup>. «Ҳиндистон»да у «Беш китоб» (Таврот) қўлёзмаларини кийикнинг терисига ёзганлар (81-б.), лекин унинг яҳудийлар китобларида ва ибодатхоналарда тасвирларни кўрсатганлари ҳақидаги сўзлари хато бўлиши эҳтимоли бор (53-б.); шунингдек шанба кунини байрам қилиш яҳудийлик динининг бошқа динлардан фарқ қиладиган тарафи эканлиги ҳам айтилади (25-б.); Тавротда Худонинг номини учта *йод* ҳарфи орқали ёзилиши (82-б.); яҳудийларнинг бир никоҳ одати ҳақида (53-б.); яҳудийларнинг кометалар ҳақидаги фикрлари (326-б.) эслатилади. Яна унинг айтишига кўра, Фаластин

<sup>1</sup> Sachau. Chronologie. – S. 187, 276.

атрофидагилар авваллари бутпараст бўлганлар ва яҳудийлар Баал ва Аштарт санамларига сиғиниб, исломга қарши исён кўтарганлар (18-б.). «Ҳиндистон»да муслмон адабиётида кам ишлатиладиган яҳудийча киши исмлари келтирилади – Соруғ, Самсон Исроилий ва б.

Беруний насронийлик билан, айниқса, унинг учта шарқий йўналиши – меликий, яқубий ва несторийлик билан жуда яхши таниш эди. «Осор албоқия» ва бошқа асарларида у насроний муаллифлар ва уларнинг китобларини, ҳатто ўзи билан дўстона муносабатларда бўлган насроний олимларни эслайди. У «Ҳиндистон»да расмларнинг анча тарқалганлигини (53-б.), сурён тилидаги Инжилдан иқтибослар келтиради. Учликни у насронийликнинг асосий белгилловчи хусусияти деб билади (25-б.); яна бир жойда бу таълимотни у ҳиндларнинг бошланғич таълимоти деб ҳисобланган Брахма билан тенглаштиради. Нараянани иккинчи куч, Рудрани учинчи куч, гарчи улар Вишнуда ягона бўлсалар ҳам, яъни насронийлардаги Ота, Ўғил ва Муқаддас руҳ ягона зотнинг уч кўриниши бўлса-да (46-б.), Беруний насронийларнинг бегонага ўз чопонини бериш, агар чап юзига урилса, ўнг юзини тутиш ёки ўз душманларига дуо қилиш каби одатларидан шавқланади. Бироқ Беруний бу хусусиятлар амалда ҳеч қандай кучга эга эмаслиги, чунки одамлар файласуф бўлмай, кўп жиҳатдан нодон, жоҳил ва янглишувчи мавжудот эканликларини, уларни қилич ёки қамчи билан тўғри йўлда тутиб туриш мумкинлигини таъкидлайди (281-б.).

Ҳаррон собийларини фақат бир марта уларнинг диний таълимотида (монийлар ва ҳинд ақидапарастларидагидек) кўпинча «сир» сўзи ишлатилиши муносабати билан эслайди (59–60-б.).

Беруний монийликка ўзгача қизиқиш билан қараган ва узоқ муддат (қирқ йилдан ортиқ) уларнинг китобларига етишишга ҳаракат қилган. Ниҳоят, Хоразмда бир ҳаваскорнинг уйида бир нечта монийликка оид китобни кўради, лекин булар унинг ҳафсаласини пир қилади<sup>1</sup>. Китоблардан иккитаси – «Тирилиш жавоҳирлари» ва «Сирлар китоби»ни (бизгача сақланмаган) – «Ҳиндистон»да иқтибослайди.

«Ҳиндистон»даги монийлик ҳақидаги хабарлар ушбулардан иборат: монийлар муқаддас китобларига эга ва иборалардан фойдаланиш масалаларида христианликка яқин (19-б.). Монийнинг маслақдошлари китобларида йўқ бўлиб кетган динлар ҳақида хабарлар бор (3–4-б.). Моний Ҳиндистонга борган ва у ерда руҳларнинг [танадан танага] кўчиши ҳақидаги таълимотни ўрганган (27-б.); монийлар – дуалистлар бўлиб, улар «сир» сўзини жуда кўп ишлатишади (59–60-б.).

Монийнинг таълимоти – нодонларнинг ривоятлари, унинг олам тузилиши ҳақидаги фикр-мулоҳазалари аввалдан мўлжаллаб айтилган ёлғонлардан

<sup>1</sup> *Sachau. Chronologie.* – S. XXXIX.

иборат (132-б.). Мони й ҳиндлардан юлдузларга қараб ҳукм чиқариш маълум вақтга келиб ёлғонга айланади деган фикрни олган (191-б.), шунингдек денгиз сувларининг кўтарилиши ва пасайиши қандайдир улкан денгиз ваҳшийсининг нафас олиши ва чиқаришидан иборатлиги ҳақидаги фикрни ҳам улардан олган (253-б.). Моний ўлганларнинг жони Куёш ва Ой воситасида осмонга етади, деган таълимотни илгари сурган (283–284-б.).

Беруний Эрон маданияти ва дини ҳақида фойдаланган манбалар, битта истиснодан ташқари, бизга маълум эмас. Машхур «Тансарнинг мактуби» унинг йўқотилган араб тилидаги намунасида бир гал иктибос келтиради (IX боб, 49-б.) ва яна бир гал уни эркин ҳикоя қилиб беради (X боб, 53-б.). Берунийнинг Эронда зороастризм буддавийликнинг ўрнига келган фикри бир тарафдан диққатга сазовор бўлса, иккинчи тарафдан янглишдир (11-б.); у зороастризм Эроннинг давлат дини бўлганлигини билади, лекин унинг тарқалиш доирасини кенгайтириб юборади (11-б.). Форсча *барзах* ибораси келтирилади (31-б.), Исфандиёд тили билан айтилган Ковус ҳақидаги (95-б.) ва Кангдиз қалъасининг қурилиши (157-б.) ҳақидаги ривоятлар келтирилади. Форсча *худо* (19-б.), *шанба* (104-б.), *сусмор* (120-б.), *дев* (44-б.), *диз* (157-б.) ва бошқа сўзлар изоҳланади. Шунингдек, Наврўз байрами (203–204-б.) ва Ўзидигард эраси тушунтирилади.

«Ҳиндистон»да Сугд оташпарастилари ҳақида фақат икки марта эслатилади: биринчи гал уларнинг космографик тасаввурлари қисқача баён қилинади (124–125-б.) ҳамда улардаги Синд ва Амударёнинг бошланиш ерлари ҳақидаги тасаввурлари чалқаш эканлиги таъкидланади (130-б.).

Хоразм ва хоразмийлар ҳақида ажабланарли даражада жуда кам: фақатгина оғирлик ўлчами ҳақида қисқача хабар келтирилган (79-б.).

Славянлар, тибетликлар ва хазарлар ҳақида шимол дарёларининг улар юртларидан ўтиши муносабати билан ёдга олинган (128-129-б.). Славянлардаги маййитнинг ёндирилиши ҳақида ёзар экан, (283-б.) бу воқеани Беруний «бизнинг замон»да деб эслатади. Демак, агар у «Ҳиндистон»ни XI аср иккинчи чорагининг бошларида ёзганлигини эътиборга олсак, шарқий славянлар, яъни қадимги руслар XI асрнинг 1030 йиллари атрофида ўз ўликларини ёндирган, деган хулоса келиб чиқади. Лекин 980 йили Киев князи Владимир ўз яқинлари билан христианликни қабул қилгани маълум. Демак, Беруний даврида шарқий славянларда христианлик ҳали кенг тарқалмаган, дейиш мумкин.

Берунийнинг Кобулнинг ҳокими Барҳатекин Тибет турки эканлиги ҳақидаги (207-б.) ҳамда Ҳиндистоннинг ғарбидаги тоғларда афғон қабилалари яшаганлигини эслатгани жуда муҳимдир (101–102-б.).

Турклар ҳақидаги хабарлар: Сомонийлар даврида Ғазнада турклар ҳокимиятни қўлга олдилар (11-б.); мамлакатнинг шимолий қисми ва Кашмир-

дан шарқдаги баъзи ерлар Хотан ва Тибет туркларига тегишли (107-б.); улар оқимтир ва эчкисоқол (126-б.); Кобулнинг ҳокими, тибетлик турк Барҳатегин қисқа олди очик кўйлак, баланд қалпоқ ва этиқдан иборат туркча кийимда, қуролланган ҳолда (359-б.); Ўғуз турклари чўкиб ўлган мурдасини тобутда дарёга соладилар ва унинг оёғига арқонни шундай боғлайдиларки, унинг учи сувга тушиб турсин. Чунки уларнинг эътиқодига кўра, шу арқон ёрдамида ўлганнинг жони қайта тирилиш учун кўтарилади (283-б.). Шунингдек, турклар иқтибосланган ҳинд манбаларида ҳам эслатилади.

Нихоят, Берунийнинг занжийлар (қоратанлилар) ҳақидаги фикри жуда кизиқарли: уларнинг ранги – қиздирилган кумушнинг рангидек: «шундайки, уларда ғамгинлик, бир-бирини кўролмаслик йўқ. Чунки улар шундай ёмон хулқларни келтириб чиқарадиган сабаб бўладиган нарсаларга эга эмаслар, ... уларнинг умрлари бизнинг мамлакатдагиларнинг умрларидан бирмунча узун бўлади. Аммо занжийлар соддаликлари сабабли табиий ўлим воқеа бўлишини билишмайди, уни заҳардан бўлади, деб ўйлашади» (125-б.).

Ана шу улкан ва ҳар хил жинсли манбаларни тартибсиз бир уюмга айланиб қолмаслиги учун тартиб ва тизимга солиш, уларни онгли равишда ташкил қилиш керак эди. Чуқур таҳлилий фикр юритиш хусусиятига эга бўлган Беруний аниқ ва қатъий мантиқий тафаккурини ишга солиб, бу асарда геометрия соҳасидан ўзлаштирилган ва қуйидагича айтилган усулни қўллаган: «фақат олдин ўтганга ҳавола қилиш, лекин кейин келадиганга эмас», бироқ айрим бобларда бир неча ноаниқ маълумотлар зикр қилинади ва уларнинг изоҳи эса келгуси бобда келтирилади» (13-б.); бундай шартланган ҳолларни киши сезмай ҳам қолади. Чунки олим ўзи танлаб олган усулига китобнинг бошидан охиригача амал қила олган ва ундан чекинмаган.

Китоб катта бўлмаган кириш қисми билан бошланади, унда ҳеч бир арабийнавис олим ҳеч қачон илмий ҳақиқатнинг ҳимоясига ва олимнинг ҳаққониятпарварлигига оид сўзлар юксак даражада руҳланиб айтилган. Асар 80 бобдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида сарлавҳага эга ва бир хил тарзда тузилган. Бобнинг бошида аввал муаллифнинг ушбу бобнинг мавзуси ҳақидаги кичик фалсафий мулоҳазаси, сўнг ҳинд асарларидан иқтибослар, орада баъзи таъкидлар билан, баҳслар, умумлаштиришлар, киритма иборалар ва бошқалар келтирилади. Қиёслаш учун араб, юнон, эрон ва бошқа муаллифларнинг асарларидан олинган парчалар матннинг мазмунига қараб, бобнинг бошида, ўртасида ёки қўпинча, бобнинг охирида келтирилган. Ушбу асардаги ҳар бир бобнинг пухта ўйлаб режалаштирилганлиги бутун китобга мунтазамлик ва аниқлик беради.

Беруний услуби жиддий ва камсуқум, унинг шахсан ўзининг тил ҳақида айтганларига мослаштирилган (112-б.). Унда ортиқча синонимлар, қофиялаштирилган наср ва умуман, араб адабиётига хос услубий безаклар ва нозик-

ликлар йўқ. Ғайритабиий, бегона тушунчаларни, ўзга халқ тафаккур тарзини тушунтириш зарурлиги уни тил билан аниқ фикрлаш кууроли сифатида муомала қилишга ундайди. У арабча сўзларга янги маъно тусини беради, ҳиндчага тенгкучли бўлган янги семантик иборалар, дадил жумлалар ясашга киришади ва ҳиндча ибораларни сўзма-сўз ўгиришга ҳаракат қилади. У араб тилининг бой лексик ва синтактик имкониятларини ишга солади. Чунки Беруний буларни жуда яхши биларди ва бу ҳақда катта ҳурмат билан сўзларди (гарчи арабларга нисбатан аввалдан уларни ёқтирмаслигини очиқ айтган бўлса-да). Араблар унинг она юртини мустақил ривожланишига ғов бўлган ва унинг маданий бойлигини яқсон қилган эдилар. Бироқ у фақат куруқ сўз ясаш билангина шуғулланган эмас. Унинг илмий тили ва услубида ғайриарабга хос бўлган қандайдир кўполлик ва қовушмаслик борлигини Э. Заҳау ҳам таъкидлаган эди.

Ҳиндча иборалар, асарлар номлари ва киши номларини акс эттириш учун Беруний араб ёзуви асосида ўзи тузган махсус транскрипция (товушларни харфлар воситасида аниқ ифодалаш) тизимини келтиради. Бу билан у анча илгари ҳозирги урду тилидаги ҳиндча сўзларни араб имлосига ўтказиш услубига асос ясаб беради. Ҳинду тилидаги фонемаларни араб тили ва грамматикасида бўлмаган پ (p), چ (c) گ (g) белгиларини ихтиро қилди. Беруний ўз белгилари тизимига ف белгисини ҳам киритди ва у билан ҳиндча و (varta – اُفرت) ни ифодалади ва ذ белги билан ج (j) (چاпуа – راجا) ни белгилади, лекин кўпинча v ўрнида و, j ўрнида ج, яъни ҳозирги кунда ҳам ишлатилаётган белгиларни қўллаган.

Берунийда келтирилган транскрипция усулини таҳлил қилишда «Ҳиндистон»нинг муаллифи санскрит билан унинг замондаги Панжобнинг халқ тили орасида қатъий чегара қўйилмаганлигини унутмаслик керак; шунга кўра, у кўп ҳолларда айнан санскритча билан пракритча ёки янги ҳинд тиллари орасидаги фарқга ҳам деярли аҳамият бермайди. Э. Заҳау айтганидек, Берунийда кўп санскритча сўзларнинг ёзилишида унинг ҳинд мулозимлари – пандитларнинг ўзича пракритча ва халқ шеваларини акслантирган талаффуз маромлари сақланган<sup>1</sup>.

Шубҳасизки, «пракритлаштириб» талаффуз қилиш санскритча «у»ни (ح) орқали ифодаланишида кўриниб, бу санскритча сўзларни халқ шеваларида талаффуз қилишга хосдир. Кўпинча Беруний санскритча сўз билан уларнинг янги ҳиндча маънолари орасидаги фарқни ажратмайди; бу айниқса ой номларини ва баъзи рақамларни транскрипция қилинганда кўринади<sup>2</sup>.

Айтилган у ни ح (ж) билан алмаштиришдан ташқари Беруний санскритча V ни ب (б) орқали белгилайди; avama (ادم), çavana (اشرين), vasuki (باسك).

<sup>1</sup> Sachau. – India. – P. XXII.

<sup>2</sup> Ўша асар. XXIII б.



Шуниси кизикки, бу талаффуз Панжобга эмас, шимоли-шарқий Ҳиндистонга хос; балки бу ерда Беруний мамлакатнинг тили кўпроқ соф бўлган ички ҳудудларини эътиборга олгандир<sup>1</sup>. У و ни кам ишлатади (сўз бошида – ҳеч қачон); aṣvin (واشون) aṣvattha (واشوت), ṣrgavant (واشرنكوت), ṣveta (اشويت). Янада камроқ v ни (ق) ёки (ف) орқали беради – avanti (افنت) vaḍavāmukha – (قدوامخ). Чаттержининг қайд қилишича, (ف)ни v ўрнида шипилловчи ундошлардан кейин ишлатиш, балки XI асрдаги санскритча сўзларни Ғарбий Панжобча талаффузига хос бўлгандир (sarasfati, valṣfanara)<sup>2</sup>.

Ҳинд тилидаги сўзларнинг араб имлосида траскрипциясини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, буюк олим асарида келтирилган материаллар XI асрда энди шаклланиб келаётган янги ҳинд тиллари учун қимматбаҳо ҳисобланиб, хусусан, панжобий ва синдҳий тилларининг тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Нихоят, Заҳау Берунийгача араб ва форс адабиётида маълум бўлган ва анъанавий усулда транскрипция қилган баъзи ҳиндча сўзларни эслатади: dvīpa نالیکەر: نالیکەر nālikera: نالیکەر vihāra: بهار devaqr̥ha: دیوهر ṣramana شمنی veda: بیز bhārata: بمارث dhārma دمرم ва б.<sup>3</sup>

Араб ёзувининг қоидаларига кўра, Беруний фақат ҳиндча сўзлардаги ундош товушларнигина акс эттиради. Сўз бошида иккита ундош кетма-кет келишини олдини олиш учун Беруний одатда сўз бошига алифни қўяди. У ҳиндча унлиларни акслантиришда катта қийинчиликка дуч келади. Чунки араб тилида фақат учта унли товуш узун ва қисқа вариантларда ифодалангани ва уларга олгита график белги мос келтирилади. Шунингдек, унлининг йўқлигини ифодаловчи ва ундошнинг иккиланишини ифодаловчи белгилар қўлланилган. Уларни қўллашда Беруний баъзи эркинликларга йўл қўйган.

Илмий тадқиқотнинг объективлиги ва гайриисломий диний тизимларни баён қилишдаги беғаразлик «Ҳиндистон» кириш қисмининг асосий мазмунини ташкил қилади. Хусусан, Беруний соф мусулмон олими мавқеини исботлаб, шундай таъкидлайди: «Бунда мен рақибга асоссиз таъна қилмадим ва унинг ўзининг сўзларини, гарчи унинг сўзлари асл динга зид келса-да, уларни келтиришни айбли деб қарамадим». «Бу китобда баҳслашиш ва тортишишга жой йўқ, шунинг учун рақибларнинг [бир-бирига қарши] исботини келтирмайман ва ҳақиқатдан четга чиққанлар билан баҳслашмайман. Бу фақатгина баён қилиш китобидир, холос. Бунда ҳиндлар назарияларини борлигича ёзаман» (4-б.).

Муаллиф ушбу китобининг саҳифаларида ўз методологик қоидаларига узлуксиз амал қилади. У ўз баёнини бетараф ҳолда олиб боради ва уни танқидий танланган ҳамда текширилган материалга асослайди. Маълумот манбаини эс-

<sup>1</sup> Chatterterji S.K. Al-Biruni and Sanskrit, ACV, p. 91.

<sup>2</sup> Ўша ерда.

<sup>3</sup> Sachau. – India. – P. XXVII.

лабгина қолмай, унинг аниқлиги ва ишончилигига ўз баҳосини беради ва иккиланиб ўтирмасдан, тўпланган маълумотлари у ёки бу масала бўйича етарли эмаслигини тан олади. Бироқ шундай бўлса-да, шу масалани ўзидаги хабар асосида ёритишни маъқул топганини айтади.

У ҳинд халқининг маданиятига ҳурмат билан ва беғараз қарайди, уларнинг олийжаноб табиатлари, яхши урф-одатларини эслайди. Шунингдек, ҳинд олимларининг ижобий тарафлари ёки илмий ютуқларини баён этади. Беруний Ҳиндистонга борганида, бу мамлакатнинг классик маданияти оғир тушқунликни бошидан кечираётганини биз айтиб ўтган эдик; у ўз асарида замонавий анъанавий санскрит олимларининг камчиликларини, уларнинг ирқий ва табақавий ёпиқлиги ва чегараланганлигини ва схоласт-браҳманларнинг фикрлаш доираси торлигини қаттиқ танқид қилади. Аммо олим масалани тарихий истиқбол юзасидан чуқур кузатарди; бу борада у баъзи ҳозирги замон ҳиндшуносларидан ҳам зийракроқ бўлиб, узок истиқболни кўра олди. Беруний ўз олдида ўтмишда гуллаган даврни бошидан кечирган цивилизациянинг изи турганлигини яхши биларди. Хусусан, бошқа халқларнинг маданиятига жирканиш билан қарайдиган ўрта аср ҳинд ақидапарастларини кескин танқид қилиб, уларнинг «аждодлари бундай чегараланмаган»ликларини таъкидлайди. Буни тасдиқлаш учун «Брихатсамхита»дан иқтибос келтириб, муаллиф (Гарга) юнон астрономиясига тан беради: «Юнонлар – ҳақиқатдан ҳам варварлар; лекин уларда бу фан жуда ривожланган; шунинг учун уларни «риши»лар сифатида эътиборга олиш керак»<sup>1</sup>.

Беруний китобининг кўп қисми бирламчи ёзма манбалардан олинган парчалардан иборат. У таржиманинг тўғри ва иқтибосларнинг аниқ бўлиши масалаларига катта аҳамият беради, ҳиндларнинг қўлёзма анъанасини танқид қилади, матндаги сукутлар ёки бузилишлар ҳақида гумонларини айтади, ўзининг тузатишларини таклиф қилади. Аммо бизнинг замонимизгача етиб келган матнларни Берунийдаги истиқболлар билан солиштириш шуни кўрсатдики, уларнинг бир-бирига яқинлиги ва ўзаро мослиги турли даражада бўлган. Беруний фойдаланган манбалар ва унинг хабар берувчиларига нисбатан саволлар ва шубҳалар, шунингдек унинг бирламчи ёзма манбалар билан ишлаш усули ҳам кишини ўйлантириб қўяди. «Патанжала»нинг таржимасида келтирилган сўз боши кўп нарсани ойдинлаштиради: «Ҳиндларнинг китоблари шеърӣ кўринишда турли вазнларда ёзилган, матн эса шарҳ билан таъминланганки, уни тўлалигича ва аниқ таржима қилиб бўлмайди. Чунки шарҳчилар грамматика, этимология ва бошқа нарсалар билан шуғулланадилар, бу эса оғзаки тилдан ташқари фақат уларнинг адабий тилларини яхши ўрганганларга фойда келтиради. Шунинг учун мен таржима қилиш чоғида матнни ортиқча шарҳ

<sup>1</sup> Брихатсамхита, II, 74.

билан аралаштиришга мажбур бўлдим ва гапни савол ва жавоб шаклида ясаб, грамматика ва тил билан боглик ғализликларни тушириб қолдирдим. Мана шу узримни мен иккала тил [араб тили ва санскрит]дагиларни солиштирганда номуносивбликларни тушунтириш учун олдинда келтирдим, яна китобхон таржимада маънога эътибор бермаган, деб ўйламаслиги учун. Аслида эса фалокатнинг олдини олиш учун шундай қилинди»<sup>1</sup>.

Демак, у асл нуханинг маъноси билан эмас, фақат шакли билан эркин муносабатда бўлган. Шунинг учун у кўпинча матндан иқтибос келтирмай, уни ўз сўзлари билан ифодалаган. Браҳманларнинг мужмал ва ички маънони бўғиб қўювчи ибораларига Беруний танкидий фикри билан ёндашади. Барча ғализликларни қисқартириб, жимжимадор жумлалар занжири орқасида беркитиб қўйилган асл маънони баён қилишга уринган. Юнонча (бошқа барча) манбаларга ҳам у шундай эркин, лекин масъулият билан ёндашган. Масалан, агар у «Патанжала»нинг таржимасида баён қилишни диалогга айлантирган бўлса, Платоннинг асарларида аксинча йўл тутиб, диалоглар шаклини ҳикоя қилиш усулига алмаштирган.

Беруний «Ҳиндистон»и мусулмонча илмий адабиётнинг барча ташқи типик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган. У «Бисмиллоҳ» билан бошланиб, биринчи жумладаёқ ҳадисга ҳавола қилинади. Ҳиндларнинг жамиятдаги табақавий-каставий ташкил қилинишини қоралаб, Беруний мусулмон жамиятидаги демократизмни унга қарама-қарши қўяди (48–49-б.). Халифаликдаги савдо, пул муомаласи ва молиявий муносабатларда бош ролни ўйнаган кумушни алмаштиришнинг нормал воситаси деб қарайди (51-б.). Беруний учун ислом ва араб-мусулмон маданияти бошқа турли халқларнинг маданияти ва маънавиятини солиштириш учун критерий – ўлчам вазифасини ўтайди. У «Бҳагавад-гита» ёки бирор юнон муаллифининг асарида якка-худолик ғояларини сезиб қолса, уларни хайрихоҳлик билан иқтибос қилади. Шубҳасиз, бу холлар унинг ҳақиқий эътиқоди ва исломий дунёқарашининг аксланиши эди.

Берунийнинг дунёқарашига кишининг қабила-уруғчилик келиб чиқиши, миллати ва ирқига нисбатан бефарқлик хосдир; у асосан – кишиларнинг қайси динга мансублигига аҳамият беради. У ҳиндларни фақат ҳинд динига эътиқод қилувчилар деб қараган. Шунингдек, юнонлар, монийлар, зардуштийлар (муғлар), насронийлар, яхудийлар унда бир тартибга хос тушунчалар бўлиб гавдаланади, яъни аниқ бир дин, маданиятнинг вакиллари, қандайдир уммат бўлиб гавдаланадилар. Дин деб, у ўша даврнинг қарашларига мос равишда қандайдир ниҳоятда катта умумийликни – маънавий ҳаётнинг бутун мажмуасини ва ҳатто инсон амалий фаолиятининг кўп тарафларини тушунган. Беруний-

<sup>1</sup> *Oriens*. Bd. 9, 1956. – S. 167–168.

да турли жамоалардаги қандайдир умумийлик ва динларнинг тенгхуқуқлиги, одатлар ва ахлоқий қарашлардаги умумийликка интилиш сезилади.

Берунийга таниш бўлган жамиятдаги яна бир бўлиниш – бу «фуқаро, қора халқ, авом, тўда» ва «киборлар, мумтозлар, олийжаноблар, маърифатлилар» эди. Беруний инсоният жамиятини турғун бир мавжудлик деб қарарди ва шунинг учун у бундай бўлиниш жамиятда ҳар қачон, ҳар ерда бўлган, деб ҳисобларди. Шу сабабдан у динни икки шаклда тушуниш таълимотини келтиради: биринчиси, жуда юқори – маърифийлик, иккинчиси, анча тубан – жоҳиллик. У ўзини инсониятнинг юқори табақадагиларга – динни ақл-идрок орқали фалсафий қабул қиладиган тоифасига лойиқ деб билган. Лекин кўпол, фақат урф-одат жиҳатидан ва кўр-кўрона қабул қиладиган эмас. Ана шундан ундаги бошқа диний таълимотларга нисбатан бағрикенглик ва объективлик хусусиятлари, оддий, кўпол ва содда ҳиссий диний тасаввурларни, ғализ фикрлар, хурофотларни ёқтирмаслик, исломга нисбатан анча илиқ муносабатлари келиб чиққан эди. Ундаги бу динга нисбатан рационализмга оид талқин (шубҳасиз, муътазилегияга бориб тақалувчи) қай даражада чуқур бўлганлигини айтиш қийин. Оламни илмий билишга интилиш ва дунёни аниқ фактларга кўра тушунтира олиш қобилияти, ҳар ҳолда, ундаги ирсий тамойилларга хос бўлган, дейиш мумкин.

Китобнинг мавзуини ўрганиш ва уни ёзишда ундаги бефарқлик эмас, ташаббускорлик устун келган. У фандаги ўзига хос йўлларни ихтиро қилаётганини ва ўша пайтда бу «ғалати» мавзуга ёндашаётган ва илмий ҳақиқатга интилаётган яқка ўзи эканлигини жуда яхши билган.

Қонуний савол туғилади: «Беруний ўзининг илмий жасоратини нима сабабдан амалга оширди ва у маънавий кучни қаердан олган? Фаннинг вазифаларини ва олимнинг маънавий қарзини шундай юксак тушуниш унда қандай шаклланган?» Беруний кимнинг «ижтимоий буюртма»сини амалга оширган? Э. Захау ўз пайтида олимнинг даҳосидан чексиз завқланиш билан чегараланди ва уни кенг сахро яссилигидаги яқкагина чўққига ўхшатди. Албатта, бундай берилган баҳони жуда ҳам тўғри деб бўлмайди. Лекин унутмаслик керакки, Э. Захау берган баҳода унинг давридаги Ўрта Осиё фани ва маданияти ўрганилиш даражаси ва аҳволи акс этган. XIX аср охири ва XX аср бошларида европалик тадқиқотчилар қадим ва илк ўрта асрлардаги Хоразм ва Мовароуннаҳрдаги фан ва маданият тарихини анча чуқур ўргандилар. Уларнинг бу борадаги тадқиқотлари вазият Э. Захау айтгандан бутунлай бошқача эканлигини кўрсатди. Янгидан чизилган чизгиларга кўра, Беруний чўлу биёбондаги яқка чўққи ёки қоя бўлмай, балки зироат анча ривожланган воҳа ёки водийдаги чўққилардан бир баландроғи эканлиги аниқланди. Хоразмий, Фаргоний, Ибн Сино ва бошқаларнинг даҳолари ҳеч ҳам Берунийникидан паст эмас ва агар яхшилаб назар солинса, баъзи жиҳатлардан (масалан, Хоразмий) Берунийга нисбатан бирмунча юқори бўлган.

Беруний ижодида «Ҳиндистон» ўзининг принципиал муқаддимаси ва методологик асосларига кўра дастурли асар сифатида юқори ўринни эгаллайди. У ўз ҳаётининг 13 йилини унга бағишлаган (уни 44 ёшида бошлаб, 57 ёшида тугатди, бу орада у бошқа асарлар билан ҳам шуғулланганини эътиборга олсак, ушбу асарга 5–7 йил сарфлангани кўринади). Берунийнинг «Осор ал-боқия», «Минералогия», «Сайдана», «Қонуни Масъудий», «Геодезия» ва «Тафҳим» каби асарлари орасида «Ҳиндистон»га энг юқори ўринлардан бирини бериш мумкин. Муаллифнинг бутун инсоният тарихидаги энг машҳур олимлардан бири эканлиги кўп жиҳатдан ана шу асарга асосланади. Бу асар ислом дунёсида Ҳиндистон ҳақида ёзилган барча асарларни анча орқада қолдирибгина эмас, балки ўзининг бошланғич тамойиллари, услуби ва баёнига кўра Ўрта асрлар Шарқий адабиётидаги энг буюк ёдгорликлардан деб ҳисобланади. Араблар сиёсий ҳукмронлиги даврида ёки умуман ислом дунёсида, ёки унга туташ ерларда бирор мамлакатга, унинг халқи, динига бағишланган асарлар орасида Беруний «Ҳиндистон»и билан солиштирса бўладиган бирорта асар йўқ. Юнон дипломати Мегасфен томонидан ёки буддавий монахлар хитойликлар Фа Сян, Сун Юн ва Сюан Цзян томонидан Ҳиндистоннинг тавсифларини Беруний «Ҳиндистон»и билан солиштириб бўлмайди, гарчи Беруний Ҳиндистоннинг уларга нисбатан кичикроқ қисмини тавсифлаган бўлса ҳам.

Беруний «Ҳиндистон»ни тугатган йилдан, яъни 1035–1036 йилдан кейин ҳинд мавзусига бағишланган бошқа асарларини ёзиб тугатгани ёки шу мавзуда ишлашни давом эттиргани ҳам номаълум. Мазкур асарлари рўйхатида Беруний ҳиндча асарларни таржима қилишни давом эттиражани ва бунинг учун «узок умр», [ҳаёт чегарасини] кейинроқ келиши, ҳис-туйғулар ўткирлигининг сақланиши ва ёш улғайиши билан тана тетик қолиши»<sup>1</sup> кераклигини айтади. Лекин бу масала бўйича ҳеч қандай аниқ маълумот йўқ. Шуни айтиш мумкинки, «Ҳиндистон»дан кейин ёзилган «Қонуни Масъудий»да Ҳиндистонга алоқадор маълумотлар фақат бир нечта аҳоли яшаш жойларининг географик координатларини келтиришдан иборат. Шундай гумон қилиш мумкинки, Беруний «Ҳиндистон»ни ёзиб тугатганидан сўнг у ҳинд мавзусини яқунлаган деб ҳисоблаган бўлса керак ва кейинчалик бошқа йирик асарлар билан (масалан, «Сайдана») шуғулланиб турган пайтида ҳинд мавзуси аввалига иккинчи ўринга тушиб қолиб, кейинчалик умуман кун тартибидан ҳам чиққан бўлиши керак. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Беруний «Сайдана»ни охиригача таҳрирлаб улгурмаган, чунки олимнинг санокли кунлари қолган эди. Мазкур асар «Ҳиндистон»дан кейин ёзилган ва кўп вақт, куч-қувватни талаб қилган буюк ижод маҳсули бўлиб, ҳинд мавзусини шу асар яқунлаган бўлса керак.

<sup>1</sup> *Sachau. Chronologie. Einleitang.* – S. XXXXVII.

Шарқ халқлари адабиёти ва маданияти тарихида «Ҳиндистон» етарли даражада юқори баҳоланмади. Олимнинг маслакдошлари, ўқувчилари доираси кенг бўлгани маълум бўлса-да, асар улар томонидан деярли қайд этилмади. Гарчи у пайтларда Беруний астроном ва математик сифатида катта шухрат қозонган бўлса-да, кейинги арабийнавис ва форсийнавис муаллифлар асарни жуда кам ҳолларда ёдга оладилар. Китобнинг мавзуси, Берунийнинг юксак ғоялари, унинг тўғрилиққа ва фандаги объективлиққа қўйган талаблари кўпчилиқни чўчитган кўринади ва назаримизда бу ишда унинг бошлаган йўлини давом эттира оладиган ёки унга таҳассуб қила оладиган шогирд ё кимса топилмаган.

«Ҳиндистон» арабнавис муаллифлар томонидан деярли ёдга олинмаган, у ҳақда ҳатто Ёкут Ҳамавий ҳам ўз асарида ёзмаган. Фақат ал-Идрисий «Нузхат ал-муштоқ»да ва Рашидиддин «Жомий ат-таворих»да унинг XVIII бобини тўлалигича келтирадилар. Баъзи форсийнавис муаллифларда (Гардизий, Аувфий) ундан фақат кичик иқтибослар келтирилади. Бу ҳол асарнинг қўлёзмалари кам тарқалганлигидан ҳам далолат беради. Асарнинг бизнинг давримизгача етиб келганини бир бахтли ҳодиса дейиш мумкин, яна бунинг устига бу ҳижрий 554 йил жумад-ул аввалнинг 4-қунида/ 1159 йил 24 майида кўчирилган ва асл нусхадан кўчирилган қадимги нусха ҳолида етиб келган. Яна учта анча кейинги (биттаси Париж, иккинчиси Истанбул нусхаси) нусхалар ҳам етиб келган. Бу асарнинг барча ёзма анъаналари ва ҳатто ундан шарқ муаллифлари келтирган иқтибос ҳам Шефер ўз нашрига асос қилиб олган унинг жамланмасидаги қўлёзмага бориб тақалади. Европада «Ҳиндистон»нинг ўрганилиши то Захаунинг нашрларигача фақат Ренонинг ишлари билан чекланган эди: у «Ҳиндистон»нинг 18, 40 ва 49-бобларининг таржимасини нашр этди<sup>1</sup> ва унинг мазмунидан ўзининг бошқа ишида фойдаланди<sup>2</sup>.

Э. Захау ўз нашри устида баъзи узилишлар билан 20 йил давомида ишлади ва у ҳақиқатан ҳам капитал нашр бўлди. Ушбу нашрни у ўз даврининг филология фани методологияси билан тўлиқ жамланган ҳолда, ўзининг чуқур билимлари ва истеъдоди, қатор олимларнинг маънавий қўллаши асосида, кўзга кўринган ҳиндшунос олимлар, антик давр фалсафаси ҳамда аниқ фан тарихи мутахассислари ва бошқаларнинг ёрдамлари асосида амалга оширди. Унинг нашри ва таржимаси Беруний, унинг даври ва асари ҳақидаги чуқур тадқиқотдан иборат муфассал сўз боши ҳамда изоҳлари ва кўрсаткичлари ҳақли равишда жамият томонидан тан олинди ва фанда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди. Бу иккала нашр кейинчалик 1910 ва 1925 йиллари стереотип ҳолда қайта нашр қилинди.

<sup>1</sup> *Fragments Arabes et Persans inidits relatifs al'Inde par M. Reinaud. – Paris, 1845.*

<sup>2</sup> *Reinaud M. Memoires geographique et scientifique sur L'Inde. – Paris, 1849.*

Берунийнинг материаллари йирик ҳиндшунослар ва арабшунослар томонидан кўпгина ишларда фойдаланилди ва улар илк ўрта асрлардаги қадимги Ҳиндистонга оид кўплаб маълумотларни билиб олиш ва аниқлаштиришга муваффақ бўлдилар. Китоб муаллиф замонидаги Ҳиндистонда ҳинд маданияти, ижтимоий ва сиёсий ҳаёти ҳақидаги турли ва муҳим хабарлар манбаидир: бу манба ҳиндшунослик адабиёти соҳасида ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ўрта Осиё тарихи бўйича мутахассислар ва арабшунослар учун, айниқса, муаллифнинг таржимаи ҳоли ва унинг дунёқарашини тавсифлаш учун ундаги материаллар жуда муҳимдир. Бугунги кунда ҳиндшунослар ва арабшунослар китобга алоқадор хусусий масалалар билан шуғулланишни давом эттириб келишмоқда.

Таниқли ҳинд олими, «Доирату’л – Ма’орифи’л – Усмония»нинг директори ва котиби, араб адабиётининг қатор қимматли нашрларини амалга оширган доктор Муҳаммад Низомиддин XX аср ўрталарида «Ҳиндистон» арабча матнининг янги нашрини чоп эттирди<sup>1</sup>.

Бу нашрга ҳеч қандай янги қўлёзма жалб қилинмади ва кўп жиҳатдан у Э. Захаунинг нашрини қайтаришдан иборат. Унинг аҳамияти шундаки, бу китобда ҳиндча номлардаги ва иборалардаги ҳаракатлар Шефер жамланмасидаги энг эски қўлёзмага қараб тикланган<sup>2</sup>.

Бизнинг таржима Э. Захау нашридан ва 1963 йили институтимизнинг амалга оширган русча таржимасидан фойдаланиб бажарилди<sup>3</sup>. Шунингдек, изоҳларда ҳам шу нашрдан фойдаланилди. Изоҳларда европа тилларидан қилинган таржималар А. Аҳмедов томонидан бажарилди.

Шуни ҳам айтиш муҳимки, ушбу китобни тайёрлаш жараёнида асарнинг 1968 йилдаги нашридан фақат матн таржимасидагина фойдаландик. Шу сабабли марҳум А. Расуловнинг исм-фамилиясини таржимон сифатида келтирдик.

**А. АҲМЕДОВ, М. ХАНДАМОВА**

<sup>1</sup> Kitab fi Tahqiq-i-Ma li'b-Hind or Al-Biruni's India (Arabik Text), Revised by the Bureau, Published by the Doiratu'l – Ma'arifi'l – Osmania, Hayderabad, 1958. Бундан буён бу нашрни X сигли билан белгилаймиз.

<sup>2</sup> Бундан буён буни R сигли билан белгиланади.

<sup>3</sup> *Абу Рейхан Бируни*. Избр. произв. Т. II, Индия. – Ташкент, 1963.



# ҲИНДИСТОН





## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ!

Абу Райхон Муҳаммад Аҳмад Берунийнинг «Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш» китоби<sup>1</sup>. «Хабар кўз билан кўргандек бўлмайди»<sup>2</sup> деган кишининг сўзлари жуда тўғридир. Чунки кўз билан кўриш кўринаётган нарсанинг ўзи мавжуд пайтида ва ўз жойида турганида қаровчи кўзнинг уни кузатишидан иборатдир. Хабарга унга хос камчиликлар кўшилмаганида, у кўришга нисбатан ортиқроқ ўринда турган бўлар эди. Чунки кўриш ва қараш пайти нарса мавжуд вақтнинг бўлаклари билан чекланади. Хабар эса нарсанинг [қаровчига] кўринаётган вақтдан илгари ўтган ва кейин келадиган вақт бўлақларини ҳам қамрайди; ана шунинг учун хабар бор нарсалардан ҳам, йўқ нарсалардан ҳам дарак бераверади. Ёзиш хабар турларининг бири бўлиб, уни бошқа турлардан кўра шарафлироқ санаш мумкин; чунки қалам билан ёзилган абадий излар бўлмаганида, қадимги маълумотларни қайдан билар эдик?! Сўнгра одатда содир бўлиши мумкин бўлган бирор воқеа ҳақида берилган хабар бир хилда рост ҳам, ёлғон ҳам бўлиши мумкин; хабар берувчилар сабабли хабар ростлик ва ёлғонлик тусини олади. Чунки одамларнинг мақсадлари турлича бўлгани сабабли халқлар ўртасида ўз мақсадлари йўлида тортишувлар кўп бўлади.

[Масалан] бир киши ўз уруғини улуғлаб ёлғон хабар тарқатади, бундан мақсади ўзини кўрсатиш бўлади. Чунки унинг ўзи ўша уруғдан келиб чиққан бўлади; ёки ўзини кўрсатиш мақсадида бошқа зид бир уруғни айблаб, ёлғон гап тарқалади. Чунки у шу билан [зид уруғ устидан] ғалаба қозонган ва ўз истагига эришган бўлади.

Бу икки хил хабарнинг ёмон истак ва ғаразли оқибатидан келиб чиқиши маълум.

[Иккинчи бир киши эса] ўзи севадиган бир гуруҳга миннатдорчилик билдирмоқчи бўлиб ёки ёмон кўрадиган бир гуруҳни хафа қилмоқчи бўлиб, улар ўртасида ёлғон хабар тарқатади. Бу хил [xabар тарқатувчи] аввалги хабар берувчи кишига яқин бўлади. Чунки у бу хабарни дўстлик ёки душманлик мақсадида тарқатган бўлади.

[Шунингдек] учинчи бир киши ўзининг енгил табиатлилиги сабабли бирон манфаатга эришиш ёки ўзининг юраксиз ва кўрқоклиги сабабли ёмонликдан қутулиб қолиш учун ёлғон хабар тарқатади.

Шундай кишилар ҳам бўладики, ёлғон хабар тарқатиш уларнинг табиатига ўрнашиб қолиб, гўё унга шу вазифа юклатилгандек бўлади ва ёлғон хабар тарқатмасдан сира тинчимайди; бу эса ёмон хоҳишлардан ва табиатига бузуқилик ўрнашиб қолганлигидан келиб чиқади.

Баъзи кишилар [ёлғон хабар тарқатувчига] тақлид қилиб, билмасдан ёлғон хабар тарқатади. Гарчи улар кўп бўлса ҳам ёки бир гуруҳ кетидан бошқа гуруҳ [шу тахлитда] кетаверса ҳам, бу хабарчилар биринчи марта атайлаб ёлғон хабар тарқатган киши билан ушбу хабарни энг охириги бўлиб эшитган киши ўртасида воситачи бўладилар; орадан тақлидчилар олиб ташланса, биз санаб ўтган ёлғончиларнинг ўша аввалги биттаси қолади, холос.

Ёлғончиликдан четланиб, ростгўйликка амал қилган кишини, бошқа одам у ёқда турсин, ёлғончининг ўзи ҳам севиб мақтайди. Ахир, «ўз зарарингизга бўлса ҳам рост гапиринг»<sup>3</sup> дейилган-ку. Исо алайҳиссалом || (3) Инжилда мана шу мазмунда сўз айтган:

«Подшоҳлар олдида рост гапни гапиришда уларнинг савлатларидан кўркманг. Улар гавдангизга ҳукмронлик қила оладилар, аммо нафсингизга теголмайдилар»<sup>4</sup>. Исо алайҳиссаломнинг бу сўzlари одамларни чинакам жасоратли бўлишга етаклашдан иборат. Кўпчилик томонидан ботирлик деб танилган хулқ, яъни уруш майдонларида баҳодирлик ва турли ҳалокатларга учрашни писанд қилмаслик ўша шижоатнинг бир туридир. Аммо унинг ҳамма турлари ичида энг юқори даражадагиси – тўғри сўзни сўзлаш ёки тўғри ишни қилишда ўлимни писанд қилмасликдир. Ҳамманинг табиатида, адолат бевосита севикли ва ҳамма унинг яхшилигига қизикадиган бўлгани каби, ростгўйлик ҳам шундай; лекин ростгўйликнинг ширинлигини тотмаган ёки ширинлигини билса ҳам тотишни истамайдиган киши уни севмайди. Масалан, ёлғончилик билан машҳур кишиларнинг биридан, «Ҳеч рост гапирганмисан», деб сўралганида, «Рост гапириб қўйишдан кўркмасам, йўқ дер эдим», деб жавоб берган.

Демак, ёлғончилик кишини адолатдан юз ўгиртиради. Зулм, ёлғон гувоҳлик, омонатга хиёнат қилиш, бошқалар мулкларини ҳийла билан босиб олиш, ўғирлик, дунё ва халқнинг бузилишига сабаб бўладиган бошқа ёмон хулқларни кишига яхши қилиб кўрсатади.

Устоз Абу Саҳл Абд ал-Мунъим ибн Али ибн Нух ат-Тифлисий<sup>5</sup> (Аллох уни ёрлақасин!) билан [суҳбатларимнинг бирида] устоз *муътазилалар*<sup>6</sup> ҳақида асар ёзган бир кишининг китобини [ўқиб, унда] *муътазилаларнинг*: «Албатта, Аллох таоло зотан олимдир» деган сўзларидан айб топиб, таҳқирлашини ёқтирмаганлигини сездим. [*Муътазилаларни таҳқирлаб ёзган*] ўша кишининг [асл] ибораси «*Муътазилалар*, Аллохнинг илми йўқ, дейдилар», деган жумла эди. [Устод у кишини танқид қилиб, унинг] «бу ҳикоядан мақсади ўз гуруҳининг авом қисмига *муътазилаларни* «улар Аллохни билимсиз дедилар», деб ёмонлаб кўрсатиш эди», деган эди.

Улуғ Аллоҳ билимсизликдан ва шаънига лойиқ бўлмайдиган сифатлардан покдир. Шунда мен устозга «Ўз мазҳабига ракиб бўлган ва қарши кишилар йўлини ҳикоя қилишда шундай йўл тутмайдиган киши кам учрайди», дедим. Бундай йўл тутиш бир диндаги турли мазҳабларда тўпланган кишиларда равшанроқ кўринади, чунки у мазҳаблар бир динда тўпланганидан бир-бирига яқин ва аралаш бўлади. Аммо турли халқлардан, айниқса, асос ва илдизларида бир-бирига яқин бўлмаган динлардан келиб чиққан мазҳабларда бундай йўл тутганлиги билинмайди ва махфийроқ кўринади. Чунки ундай мазҳаблар бир-биридан узоқ ва уларни ўрганиш йўли беркдир. Бизда мавжуд турли эътиқод ва динлар ҳақида битилган асарлар фақатгина шундай мулоҳазаларни ўз ичига олади. Бу асарлардаги аслида мавжуд бўлган вазиятни билмаган киши, агар яхши фазилатлар соҳиби бўлса, уларни ўқиганида бундай эътиқод аҳли ва бу эътиқодлардан воқиф кишилар олдида уялишдан бошқа илож қолмайди; борди-ю енгил табиатли киши бўлса, ўша мазҳабдагиларга ёпишиб олиб, оёқ тирашнигина билади. Ҳақиқий аҳволни билган киши эса китобларни ишониб ва эътиқод қилиб эмас, балки вақт ўтказиш ва ҳордиқ чиқариш учун эшитиладиган тагсиз қисса ва афсоналар [ичи]дан чиқариб олишга ҳаракат қилади.

У билан суҳбатларимизнинг маъносини кўрсатувчи мисол тариқасида биз ҳиндларнинг динлари ва эътиқодларига мурожаат этдик. (4) || Шунда мен айтдимки, уларнинг кўпчилиги [биздаги] китобларда ёлғон ёзилиб, тушунтирилган; ёзилганларнинг айрим қисмлари кўчирилган, териб олиб аралаштириб тўпланган-у, лекин ҳиндларнинг тушунчасига мослаб кераксиз сараланмаган ва олиб ташланмаган<sup>7</sup>. Шундай китоблар муаллифлари орасида Абул Аббос ал-Эроншаҳрийдан<sup>8</sup> бошқа оғишмай ва иккиюзламачилик қилмай, тўғри ҳикоя қилган бирон кишини билмайман, чунки у киши ўз китобида бирорта ҳам динга тарафдорлик ёки қаршилик қилмай, балки динлар борасида ўзича бир дин ихтиро қилган ва бошқа кишиларни ҳам бунга жалб қилган. У яҳудий ва насронийларнинг динларини Таврот ва Инжилларнинг мазмунини яхши ҳикоя қилган; Моний<sup>9</sup> тарафдорларининг китобларида кўрсатилган, ҳозир йўқ бўлиб кетган динлар ҳақидаги хабарини тўлиқ берган. Лекин ҳиндлар ва шаманийларга<sup>10</sup> келганда Абул Аббоснинг ўқи нишонидан четга чиқиб кетиб, охир бориб Зурқоннинг<sup>11</sup> китобига теккан; ундаги сўзларнинг барчасини у ўз китобига кўчирган; кўчирмаганларини, гумонимча, ҳиндлар ва шаманийларнинг авом халқидан эшитиб ёзган».

Устоз Абу Саҳл (Аллоҳ уни ёрлақасин) дин ва миллатлар ҳақидаги китобларни қайтадан мутолаа қилиб, улардаги ҳолатни билгач, ҳиндлар таълимотига қарши чиқмоқчи бўлган кишига ёрдам ва уларга аралашиб юрадиган кишиларга ҳужжат ва захира бўлиши учун ҳиндлардан аниқлаб ўрганганларим ҳақида ёзишга қизиқтириб, илтимос қилди. Китобни бўҳтон аралаштирмай, худди у айтганидек қилиб ёздим. Бунда мен ракибга асоссиз таъна қилмадим

ва унинг айтганларини, гарчи унинг сўзлари асл динга зид келса-да, уларни келтиришни нотўғри деб ҳисобламадим.

Тортишишга ҳожат йўқ, шунинг учун бу китобда рақибларнинг [бир-бирига қарши] исботини келтирмайман ва ҳақиқатдан четга чиққанлари билан баҳслашмайман. Бу фақатгина баён қилиш китобидир, холос. Бунда мен ҳиндлар назарияларини борлигича ёзаман; уларнинг юнонлар билан яқинликлари борлигини билдириш учун юнонларнинг шу хилдаги сўзларини келтираман. Чунки юнон файласуфлари ҳақиқатни баён қилишга уринсалар ҳам, авом халққа тегишли тушунчаларда уларнинг эътиқодлари ва шариятларидаги ишоратларидан узоқлашолмайдилар.

Юнонларнинг назариялари билан биргаликда бошқаларнинг назарияларини баён қилмайман, фақатгина сўфийларнинг<sup>12</sup> ёки насоро тоифаларидан биронтасининг назариясини келтириб, баён қиламан. Чунки ҳаммаларининг хулул ва иттиҳод<sup>13</sup> хусусидаги тушунчалари бир-бирига яқин.

Мен олдинроқ [ҳиндларнинг] икки китобини араб тилига таржима қилган эдим. Уларнинг бири бошланғичлар ва барча мавжудотларнинг тавсифидан иборат бўлиб, «Санқхия»<sup>14</sup> деб аталади. Иккинчиси, жонни бадан қафасидан қутқозиш тўғрисида битилган, у «Патанжала»<sup>15</sup> номи билан машҳурдир. Бу икки китобда ҳиндларнинг шарият ҳукмлари эмас, балки эътиқодлари асослари баён қилинган.

(5) || Китобдаги боблар қуйидагилардан иборат:

I боб. Ҳиндлар ҳақида билган ва билмаганларимиз.

II боб. Ҳиндларнинг Тангри хусусидаги тушунчаларининг баёни.

III боб. Ҳиндларнинг аклий ва ҳиссий мавжудликлар ҳақидаги тушунчалари.

IV боб. Феълнинг бўлишлик сабаби ва жоннинг моддага алоқаси ҳақида.

V боб. Руҳларнинг аҳволи ва уларнинг оламда таносух йўли билан бир вужуддан бошқа вужудга кўчиб юришлари ҳақида.

VI боб. Маҳшар, жаннатдан иборат мукофот ва дўзахдан иборат жазо ўринлари ҳақида.

VII боб. Бу дунёдан халос бўлишнинг усули ва бунга олиб борадиган йўлнинг тавсифи ҳақида.

VIII боб. Махлуқотнинг турлари ва уларнинг номланиши.

IX боб. Ҳиндларнинг турли «ранглар» деб атайдиган табақалари ва улардан ҳам қуйи табақалар ҳақида.

X боб. Ҳиндлардаги диний йўл-йўриқ, конун-қоидалар манбаи ҳамда баъзи шарият ҳукмларининг бекор қилиниши ҳақида.

XI боб. Бут – санамларга ибодат қилишнинг бошланиши ва уларнинг тасвирланиши ҳақида.

XII боб. Ҳиндларнинг Ведалари, Пураналари ва диний китоблари ҳақида.

XIII боб. Ҳиндларнинг грамматика ва шеърият ҳақидаги китоблари баёни.

XIV боб. Ҳиндларнинг бошқа илмларга оид китоблари ҳақида.

XV боб. Ҳиндларнинг машҳур ўлчам тизимларининг баёни.

XVI боб. Ҳиндларнинг ёзувлари, ҳисоб ва бошқа соҳалардан айрим маълумотлар ҳамда ҳайратланарли урф-одатлар баёни.

XVII боб. Ҳиндларнинг жаҳолат уфқида қанот ёзиб учган илмлари ҳақида.

XVIII боб. Ҳиндистондаги шаҳарлар, дарёлар, денгизлар ҳақидаги маълумотлар, турли ўлкалар ва чегаралар орасидаги масофалар ҳақида.

XIX боб. Сайёралар ва буржларнинг номлари, Ой манзиллари ва шуларга ўхшашликлар ҳақида.

XX боб. Браҳманда ҳақида.

XXI боб. || (6) Диний тасаввурларга мувофиқ хабар ва ривоятлар асосида Ер ва осмоннинг шакллари ҳақида.

XXII боб. Қутб ва унга оид хабарлар ҳақида.

XXIII боб. *Пураналар* муаллифлари Меру тоғи ҳақида.

XXIV боб. *Пураналарга* кўра еттита *двина* ҳақида.

XXV боб. Ҳиндистон дарёлари, уларнинг бошланадиган жойлари ва турли ўлкалардан ўтадиган сув йўллари ҳақида.

XXVI боб. Осмон ва Ернинг шакллари ҳақида ҳинд астрономларининг фикрлари.

XXVII боб. Ҳинд астрологлари ва *пураналар* муаллифлари бошланғич икки ҳаракат ҳақида.

XXVIII боб. Оламнинг ўнта асосий тарафининг аниқланиши ҳақида.

XXIX боб. Ернинг одамлар яшайдиган қисмини ҳиндлар тасаввури билан аниқлаш.

XXX боб. «Ер куббаси» номи билан машҳур бўлган Ланка ҳақида.

XXXI боб. «Икки узунлама айирмаси» деб аталган турли мамлакатлар орасидаги масофалар айирмаси ҳақида.

XXXII боб. Муддат, вақт ва оламнинг яратилиши ҳамда йўқ бўлиши ҳақидаги мулоҳазалар.

XXXIII боб. Кеча ва кундуз ҳақида.

XXXIV боб. Куннинг кичик бўлакларга бўлиниши ҳақида.

XXXV боб. Ойлар ва йилларнинг турлари ҳақида.

XXXVI боб. *Мана* деб аталадиган тўрт хил миқдор ҳақида.

XXXVII боб. Ой ва йил бўлаклари ҳақида.

XXXVIII боб. Кунлардан, Браҳманинг умри ҳам қўшилганда нималар ҳосил бўлиши ҳақида.

XXXIX боб. Браҳма умридан ҳам ортиқ муддатлар ҳақида.

XL боб. *Сандҳи*, яъни икки вақт кесмаларини бирлаштирувчи оралиқ ҳақида.

(7) || XLI боб. *Калпа* ва *Чатур юга* ибораларининг таърифи ва уларни аниқлаш ҳақида.

XLII боб. *Чатур юганинг* тўрт *югага* бўлиниши ва бу масала хусусидаги ихтилоф фикрлар ҳақида.

XLIII боб. Тўрт *югага* хос хусусиятлар ҳақида ҳикоя.

XLIV боб. *Манвантаралар* ҳақида.

XLV боб. Катта Айиқ юлдуз туркуми ҳақида.

XLVI боб. Нараяна, унинг турли вақтларда зуҳур қилиши ва номлари ҳақида.

XLVII боб. Васудева ва Бҳарата урушлари ҳақида.

XLVIII боб. *Акшауҳини* ўлчамининг шарҳи.

XLIX боб. Эралар ҳақида умумий маълумот.

L боб. Ҳар бир *калпа* ва *Чатур югага* қанча юлдуз даври кириши ҳақида.

LI боб. Кунлардан тузилган турли даврларни билдирувчи – *адҳимаса*, *унаратра* ва *аҳаргана* ибораларини тушунтириш ҳақида.

LII боб. *Аҳарганаларни* ҳисоблашни умумий тушунтириш, яъни йиллар ва ойларни кунларга айлантириш ҳамда бунинг акси – кунларни йилларга айлантириш ҳақида.

LIII боб. [Эралардаги] баъзи вақтлар учун йилларни жузъий амаллар билан [ойларга] алмаштириш ҳақида.

LIV боб. Сайёраларнинг ўртача ҳолатларини ҳисоблаш ҳақида.

LV боб. Сайёраларнинг тартиби, уларнинг масофалари ва ўлчамлари ҳақида.

LVI боб. Ой манзиллари ҳақида.

LVII боб. Юлдузларнинг шамсий тулуълари ва ҳиндларнинг шу пайтда ўтказадиган расм-русумлари.

LVIII боб. Океан сувларининг кўтарилиши ва қайтишининг кетма-кетлиги ҳақида.

LIX боб. Қуёш ва Ой тутилишлари ҳақида.

LX боб. *Парвана* ҳақида.

LXI боб. Шариат ва астрономияга кўра вақтнинг эгалари ва бу билан боғлиқ бошқа масалалар ҳақида.

LXII боб. (8) || Олтмиш йиллик *самватсара* ҳақида. Уни *шаштиябда* деб ҳам аталади.

LXIII боб. Браҳманларнинг умр бўйи бажаришлари зарур бўлган вазифалари ҳақида.

LXIV боб. Браҳманлардан ўзга касталарда анъанага айланган одатлар тўғрисида.

LXV боб. Қурбонликлар ҳақида.

LXVI боб. Ҳаж ва муқаддас жойларни зиёрат қилиш ҳақида.

LXVII боб. Садақа ва мол-мулкдан тўланидиган солиқ ҳақида.

LXVIII боб. Ҳалол ва ҳаром ҳисобланган егулик ва ичимликлар ҳақида.

LXIX боб. Ҳиндларда никоҳ ва ҳомиладорлик даври масалалари.

LXX боб. Судланиш даъволари ҳақида.

LXXI боб. Жазолаш ва гуноҳларни ювиш ҳақида.

LXXII боб. Мерос масалалари ва марҳумнинг меросларидаги ҳаққи.

LXXIII боб. Марҳумнинг ўз жасадига нисбатан ҳаққини адо этиш ва тирикларнинг ҳам ўз вужудларига нисбатан ҳақлари ҳақида.

LXXIV боб. Рўза ва унинг турлари ҳақида.

LXXV боб. Рўза кунларини аниқлаш ҳақида.

LXXVI боб. Байрамлар ва хурсандчиликлар ҳақида.

LXXVII боб. Алоҳида нишонланидиган кунлар ва савоб олишга белгиланган саодатли онлар ҳамда наҳс кунлар ҳақида.

LXXVIII боб. *Караналар* ҳақида.

LXXIX боб. *Йоғалар* ҳақидаги маълумотлар.

LXXX боб. Ҳинд юдициар астрологиясининг бошланғич асослари ва ундаги ҳисоб усуллари ҳақида.

Демак, жами саксон бобдан иборат.





## I БОБ. ҲИНДЛАР ҲАҚИДА БИЛГАН ВА БИЛМАГАНЛАРИМИЗ

|| (9) Олдимизга қўйилган мақсадни амалга оширишга киришишдан аввал ҳиндларга оид барча маълумотларни аниқлаб ўрганишни анча қийинлаштирадиган вазиятни тасаввур қилиш ҳақида сўзлашимиз керак; бу вазият билан танишиш ё ишимизни осонлаштиради ёки узр айтишимизга сабаб бўлади. Чунки ҳиндлар билан яқин муносабатда эмаслигимиз яқин муносабатлар тикланганида юзага келадиган ноқулайликларни бекитиб туради.

Ҳиндлар билан орамизнинг узилиб туришига бирмунча сабаблар бор. Бу сабаблардан бири: ҳиндларнинг ҳаёти ўзгачадир, гарчи бундай ўзгачалик бошқа халқлар орасида ҳам бўлса-да. Бу ўзгачаликни ҳеч бир киши осонлик билан ўзгартиролмайди, чунки уларнинг тили ғоят [сўзга] бой ва кўлами кенг; араб тилидаги каби, маълум бир нарса бирон ўзакдан олиниб, ўзига хос қилиб белгиланган бирмунча қисмлар билан аталади. Мақсадни ифода қилишда сифатларни кўпроқ айтишга эҳтиёж туғиладиган кўпгина нарсаларга битта исм берилади. Чунки [сифатлар айтилмаганда] бир жумла маъносини фақатгина уни, ундан кейинги ва олдинги жумлаларга солиштира олган фаросат эгаси билади, холос. Ҳиндлар тил ва луғатларидаги шу хусусият билан бошқалар олдида фахрланадилар; ҳақиқатда эса бу, тил ва луғат учун айб саналади.

Ҳинд тили оддий халқ ишлатадиган тилга фозиллар ишлатадиган сарф [морфология], иштикок [этимология], нахв [синтаксис] ва балоғатнинг нозик қоидаларига асосланган соф тилга бўлинган<sup>16</sup>.

Яна уларнинг тилидаги баъзи ундош ҳарфлар араб ва форс ҳарфларига тегишли товушларга тўғри келмайдиган ва ўхшамайдиган ҳарфлардан таркиб топган; ҳатто, тилимиз бу ҳарфларни ўз жойидан чиқариб айтолмайди; кулоқларимиз уларнинг ўхшаш ва тенгдошларидан ажратиб эшитолмайди ва кўлларимиз бу ҳарфларни худди ўзидек қилиб ёзолмайди; натижада, уларнинг айрим сўзларини бизнинг хатимиз билан кўрсатиш қийинлашади. Шунинг учун уни кўрсатишда нуқта ва белгиларни ўзгартириб, машҳур ёки сунъий белгиларни қўйиб, ўша луғатни аниқлашга мажбур бўламиз<sup>17</sup>. Шундай қилиб, агар нусха кўчирувчилар тилларга эътибор беришмаса, тузатиш ва солиштиришда бепарволик қилишса, сўнг қилинган меҳнат бекор бўлиб, китоб бирикки марта кўчириб ёзишда бузилади ва у икки халқ [ҳинд ва мусулмон] орасига кирган ёки улар орасидан чиққан киши билолмайдиган янги бир тилга айланиб кетади.



Бу ҳақда сизга шуни далил келтириш кифоя қилади: кўпинча уларнинг оғзидан бир исмни эшитиб, уни яхшилаб талаффуз қилишни ўрганиб оламиз. Кейин шу исмни уларга қайтариб айтсак, англамайдилар ёки қийинчилик билан англайдилар.

Ҳиндларнинг тилида бошқа халқлар тилида келгани сингари икки ва уч ундош ҳарф кетма-кет келади. Сухбатдошларимиз бундай ҳарфларни «унлиси яширин ҳарфлар» деб атайдилар. Кўпгина сўз ва исмлар суқун [ундош ҳарф] билан бошланганидан, уларни талаффуз қилиш бироз мураккаб.

Шу билан бирга, ҳиндларнинг турли фанлар ҳақидаги китоблари ўз завқларига мос, турли вазнларда тизма шеър қилиб тузилган. Тизма бўлишидан мақсадлари ўша китобларнинг ўз ҳоли ва миқдорича сақланиб қолишидир. || (10) Чунки китоб тизма равишда ёзилса, у тизма ичига бир сўз [ёки ҳарф] қўшилса ёки камайтирилса, тизма вазни бузилиб, уни ўзгартирилганлиги дарров сезилади ва иккинчидан тизмани ёдлаш осон бўлади. Улар ёзишга эмас, балки ёдлашга аҳамият берадилар<sup>18</sup>. Маълумки, тизма равишда ёзиш, вазнларни текислаш ва бу текислашда етишмаган сўзларни тўлдириш учун [сўз] қидириш каби қийинчиликлардан холи бўлмайди ва иборани кўпайтиришга эҳтиёж сезилади. Буюмлар номларининг турлича айтилиш сабабларининг биттаси шу. Бу ҳол улардаги асарларни ўрганишни қийинлаштирадиган сабаблардандир.

Ҳиндлар билан ора узилиб туришининг яна бир сабаби шуки, улар ўз динлари билан биздан тамомила фарқ қиладилар; биз улардаги тушунчаларнинг ҳеч бирини тан олмаймиз; улар ҳам бизникини тан олмайдилар. Улар ўз ораларидаги диний мазҳаблар талашида жон, молни гаровга қўйиб, уруш-жанжал қилмайдилар, сўз билан бироз тортишсалар, баҳслашсалар ҳам, диний душманлари билан қон тўкишга бормайдилар. Уларни млеччҳа<sup>19</sup>, яъни ҳаром – ифлос деб атайдилар. Шу жиҳатдан улар билан қиз олиб, қиз бериб аралашиб ва яқинлашиб, бирга ўтириб ейиш, ичишга йўл қўймайдилар, чунки нопок – ҳаром бўлиб қолишдан қўрқадилар. Истеъмолда энг муҳим ҳисобланса ҳам, ҳалиги душман фойдаланадиган сув ва оловни нопок деб билладилар. Сўнгра, уларча, нопок нарсани покиза қилиб бўлади-ю, аммо душманни покиза қилишга ҳеч бир йўл йўқ. Шундай бўлгач, ораларига киришни ва динларини қабул қилишни истаган кишини мутлақо қабул қилмайдилар. Бу ҳам орани яқинлаштиришни бузадиган ва алоқалар узилиб кетишини келтириб чиқарадиган сабаблардандир.

Учинчи сабаб шуки, ҳиндлар урф ва одатларда бизга қарама-қаршилар.

Шу яқин фурсатларда уларнинг биттаси бизга адоват қилиб юргани менга маълум эди; шундайки, уларнинг подшоҳларидан бири биз яшаётган ердан [суи] қасд қилиб борган бир душман қўлида ҳалок бўлган; подшоҳ хотинининг қорнида унинг вориси борлиги аён бўлган. Бола туғилгач, унга Сагара<sup>20</sup>

деб исм берилган. Бола улғайгач, онасидан отасини сўраган; онаси воқеани айтганида, у ғазабланиб, жанг қилиш учун ўз мамлакатидан душман заминига бориб то чарчаб хоригунигача у ерлик аҳолини қира бошлаган. Қирғиндан тирик қолган одамларни хўрлаш ва камситиш учун уларни бизнинг кийимларимизда юришга мажбур қилган. Мен бунинг эшитгач, унинг қилган ишидан ва бизни ҳиндлашишга, ҳинд одатларига ўтишга мажбур қилмаганидан хурсанд бўлдим.

Одамларнинг бир-бирларидан нафратланишларига ва муносабатлар бузилишига сабабчи бўлган яна бир шамания<sup>21</sup> деб машҳур бўлган диндагилар ҳиндларнинг браҳманларига қаттиқ душманлик қилсалар ҳам, ўзларини бошқалардан кўра ҳиндларга яқинроқ тутадилар. Қадимда Хуросон, Форс, Ироқ, Мосулдан тортиб, Шомгача бўлган мамлакатдагилар то Зардушт<sup>22</sup> Озарбайжондан чиқиб Балхда мажусий динига<sup>23</sup> даъват қилгунига қадар буддавий динида эди; бунинг даъвати Гуштасп<sup>24</sup> даврида ривожланди. Гуштаспнинг ўғли Исфандиёд Шарқ ва Ғарб мамлакатларида мажусий динини мажбурий ва сулҳ йўли билан тарқатди; Хитойдан то Румгача<sup>25</sup> || (11) оташпарастилар [ибодатхоналари] қурдирди. Сўнгра Исфандиёддан кейинги подшоҳлар Форс ва Ироқни ўз фуқаролари учун [шаманийлардан] тозаладилар. Шаманийлар у жойлардан чиқиб, Балхнинг шарқ томонига бордилар. Қолган мажусийлар эса ҳозиргача ҳинд ерида яшайдилар ва улар *мага*<sup>26</sup> деб аталадилар. Ана шу воқеа, уларнинг то ислом дини келиб, Форс давлати йиқилгунича Хуросон томонларидан нафратланишларига сабаб бўлган эди.

Муҳаммад ибн ал-Қосим ал-Мунаббих<sup>27</sup> Сижистон<sup>28</sup> вилоятларидан бўлган Синд<sup>29</sup> ерига [босиб] кирганида, ҳиндлар яна четга қочиб узоқлашдилар. Муҳаммад ибн ал-Қосим Баҳманва<sup>30</sup> шаҳрини эгаллади ва уни Мансура деб атади; Муластҳана<sup>31</sup> шаҳрига эса Маъмура деб ном қўйди. У ҳинд мамлакатларининг ичкарасига кириб Канауж<sup>32</sup> шаҳригача борди, қайтишда Қандаҳор ерларини<sup>33</sup> ва Кашмир чегараларини топтади: гоҳ уруш қилиб, гоҳ сулҳ тузиб ўз динидан чиқиб [ислом динига] ўтишга рози бўлганлардан бошқа [барча] ерли халқни ўз динида қолдирди. Муҳаммад ибн ал-Қосимдан кейин [араб] ғозийларидан ҳеч бир киши то турклар давригача Кобул чегараси ва Синд сувидан<sup>34</sup> ўтмаса ҳам, ҳалиги ҳодисалар ҳиндларнинг қалбларига турли душманликни ўрнатиб келди; турклар Сомонийлар даврида<sup>35</sup> Ғазна<sup>36</sup> шаҳрини эгалладилар<sup>37</sup>, давлат Носируддин Сабуктегин<sup>38</sup> қўлига ўтди. Сабуктегин [ҳиндлар билан] урушишни ихтиёр қилди; Носируддин, яъни динни ҳимоя қилувчи лақабини у шундан олди ва ҳинд томонидагиларнинг кучини синдириш мақсадида ўзидан кейингилар учун шундай йўл кўрсатди. Ямин ад-Давла Маҳмуд<sup>39</sup> (уларнинг икковини ҳам Аллоҳ ўз раҳматига олсин), [яъни, Сабуктегин ва Маҳмудни], ўттиз йилдан ортиқ ўша йўллардан Ҳиндистонга юриш қилиб, кўплаб одамларни ҳалок қилди. Ҳинд мамлакатларида қирғинлар

қилиб, машхур афсоналардаги сингари қишлоқ ва шаҳарларнинг кулини кўкка совурди; ниҳоят улар ҳамма ёкка сочилиб кетдилар.

Балки шу ҳодисалар босиб олинган ўлкаларда илмга бўлган қизиқишнинг йўқолишига, баъзи олимларнинг Кашмир, Банорас ва бошқа жойларга кетиб қолишларига сабаб бўлгандир.

Ҳиндларга табиатан бахиллик хос, ўз ораларидан чиққан одам бўлса ҳам, илмга алоқаси йўқ бўлса, ундан қизганиб билганларини ўргатмайдилар. Уларга Хуросон ва Форсдаги бирор илм ёки олим ҳақида сўзлаб берилса, сўзловчини жоҳилга чиқариб, унга ҳам ишонмасликлари тайин. Агар улар сафарга чиқиб, бошқалар билан мулоқотда бўлсалар, ўз фикрларидан қайтар эдилар<sup>40</sup>. Ҳолбуки, бурунги ҳиндлар бу даражада хабарсиз эмас эдилар. Уларнинг фозилларидан бўлган [яқин вақтдаги] Вараҳамиҳира<sup>41</sup> браҳманларни улуглашга қаратилган даъватида шундай деган: «Юнонлар булганч бўлсалар ҳам, илмни юзага чиқариб, бошқалардан юқори кўтарила олганликлари учун, уларни улуглаш лозим. Браҳманни илм шарафи покласа, унинг ҳақида биз ҳам шундай дея оламиз». || (12) Ҳиндлар юнонларнинг илмдан насибалари бизникидан кўпроқ, деб уларга қойил қолган эдилар.

Мен аввалига ҳиндларнинг астрономлари қошида, устози олдида турган шогирддек эдим, чунки мен келгинди бўлиб, уларнинг билганлари билан таниш эмас эдим ва уларнинг эришган ютуқлари, усулларини билмас эдим. Улар билан танишишга бир оз йўл топилгач, уларга фандаги сабабли боғлиқликларни кўрсатадиган, баъзи мантиқли исботларни келтирадиган ва математикадаги ҳақиқий тўғри усулларни кўсатадиган бўлдим. Шунда, улар менга ҳайрон қолиб ажабланар ва мендан фойдаланишга интилар эдилар, улар қайси ҳинд олимлари билан учрашганимни, ҳатто [бу илмларимни] уларнинг қайси бирисидан ўрганганимни сўрар эдилар. Улар мени сеҳргар деб ва улуг кишилари олдида эса [илм] денгизи ё сув деб мақтанар эдилар. Бу ҳол эса «Сув ачиб [бузилса, уни тузатиш учун] сирка зарур ва азиз бўлади»<sup>42</sup> [дейилган мақолни эслатади]. [Ҳиндистонда] аҳволим мана шундай эди. Гарчи мен бу соҳани жуда севсам-да, бу мавзуга кириш йўллари мени қаттиқ чарчатди. Шу билан бирга ўша кунларда уларнинг китобларини бор деб гумон қилинган жойлардан тўплашга, ҳеч ким тенглаша олмайдиган даражада қизиқардим, китобларни бекитиб қўйилган жойларидан топиб олишга йўл кўсатувчи кишини олдимга чақириб, бахиллик қилмасдан, мумкин бўлганича, унга эҳсон қилар эдим. Шундай қийинчиликларни енгиш мендан бошқа яна кимга муяссар бўлди? Лекин мен сарфлаган ҳаракатларга қодир бўлган кишигагина бу иш муяссар бўлиши мумкин. Мен у ҳаракатлар – буюриш ва қайтариш ишларида ҳукмронлик қилишдан ожизлик қилардим. Аммо кифоя қиларли миқдордаги ҳаракатга муваффақ бўлдим; [бу ишларда] менга муваффақият бергани учун Тангрига шукурлар бўлсин.

Шуни айтишим керакки, насроний дини юзага чиқишидан олдин нодонлик даврида юнонийлар эътиқоди ҳиндларникидек бўлган; яъни юқори табақаларнинг назарий ва илмий йўналишдаги эътиқодлари ҳиндларнинг юқори табақалари сингари ва авом халқнинг санамларга сизиниши эса ҳиндларнинг авом халқи сингари эди. Шунинг учун бу икки хил эътиқоднинг иттифоқо бир-бирига яқинлиги сабабли бирларининг сўзини бошқа бирлари билан солиштираман. Мен хатони тузатмоқчи эмасман. Чунки ҳақ ва тўғри тушунчадан бошқа эътиқодлар ҳақиқатдан йироқ. Ҳақиқатдан четга чиққани сабабли кофирлик ҳам бир дин ҳисобланади. Лекин юнон файласуфлари ҳиндлардан устун ҳисобланиб, улар авом халқи учун эмас, балки юқори табақалар учун усул ва қоидалар ҳам ишлаб чиққанлар. Чунки юқори табақалар хавф-хатардан тинчиса, текшириш ва фикр юритиш [иши] билан, авом халқи эса беандишалик ва ўжарлик билан машғул бўлар эдилар. Шундай файласуфлардан бири Сукрот эди. Сукрот ўз халқи оммасининг санамларга ибодат қилишига қаршилиқ кўрсатиб, тилда бўлса ҳам, сайёраларни худо деб аташдан бош тортди. Шунинг учун Афинанинг ўн икки қозисидан ўн биттаси бир овоздан унинг ўлдирилишига фатво бердилар. Сукрот эса сўнгги нафасига ҳақ йўлдан қайтмади<sup>43</sup>.

Ҳиндларда беҳуда сўзлардан иборат матнларни инкор этадиган мутахассислар етишмасди. Борлари ҳам уларга шу мақсадга дастак бўладиган биронта ҳам махсус сўз тополмайди; топилганда ҳам у асоссиз, бетартиб, сонларни кўпайтириш, муддатларни узайтиришдан иборат; бировнинг қарши бўлишини асло истамайдиган, эътиқод мавзуларидан иборат ва авом халқ хурофотлари кўшилган сўзлари топилади. Шунинг учун уларда тақлидчилик санъати кучли. Уларнинг китобларидаги ҳисоб ва турли таълимотларни || (13) сополга аралаштирилган садафга ёки майда тошларга қориштирилган биллурга ўхшатаман. Уларнинг олдида иккала жинс баробар; чунки улар юқори даражали далиллар билан асосланмайдилар<sup>44</sup>.

Мен улар ҳақида сўзлаганимда кўпроқ ҳикоя тариқасида сўзлайман, уларни танқид қилмайман, лекин очиқ-ойдин зарурат юз берса, танқид қиламан. Тилларидаги исм ва ибораларни таърифлаш зарур бўлса, бир мартагина [ҳиндчасини] айтиб ўтаман. Агар исм бирон ўзақдан олинган бўлиб, араб тилидаги сўзлар билан уларнинг маъносини бериш мумкин бўлса, шундай йўл тутаман; лекин ҳинд тилидагисини ишлатиш енгилроқ бўлса, унинг маъносини билгач фойдаланаман. Агар бу исм-ибора ўрнида бизда ҳам машҳур исм бор бўлса, бунда иш осон кўчади. Биз мўлжаллаган мақсадда геометрик усулни қўллаб, сўзни ўтган бобга ҳавола қилиб тушунтириш қийинроқ [ўша ернинг ўзида], қайтариб баён қилиш мураккаб эмас. Шунинг учун айрим бобларда баъзи номаълум иборалар зикр қилинади ва унинг изоҳи эса келгуси бобда келтирилади.

## II БОБ. ҲИНДЛАРНИНГ ТАНГРИ ХУСУСИДАГИ ТУШУНЧАЛАРИ БАЁНИ

Ҳар бир халқдаги юқори табақа билан авом халқнинг эътиқоди биридан фарқли бўлади. Чунки юқори табақанинг табиати ақлий фикрлар хусусида баҳслашиб, асл ва асосни аниқлашни мўлжаллайди. Авом халқнинг табиати эса ҳиссий сезадиган нарсалар билан чекланиб, аслдан ажралиб чиққан фақат шохобчаларга қаноат ҳосил қилади, [асосни] таҳлил қилишни истамайди. Айниқса, бу табақаларнинг фикр ва иродалари турлича бўлиб, бир-бирига мувофиқлашмайдиган тарзда бир-биридан фарқли бўлди.

Ҳиндларнинг Тангри ҳақида тушунчалари [мана шундай]: Тангри якка, азалдан бор – борлигининг бошланиши ва охири йўқ, истаганини қилади, қудратли ҳукмдор, тирилтирувчи, [билиб ишни қилувчи] тадбирли, ишини давом эттирувчи, подшоҳликда ягона; Унга зидлашадиган ва тенглашадиган нарса [ва зот] йўқ; У бирор нарсага ўхшамайди, бирор нарса Унга ўхшамайди.

Ҳикоямиз бировдан эшитиб ёзилгандек бўлмаслиги учун уларнинг китобларидан баъзи бир жойларини келтириб ўтишни лозим топдик. «Патанжала» китобида ўқувчи бундай дейди<sup>45</sup>: «[Бўй эгиб] ибодатга машғул бўлинганида муваффақият берувчи Тангри ким?» Мураббий жавоб беради: «У азалдан бор ва ягона бўлиб, Унинг ҳеч бир нарсага мухтожлиги йўқ, қиладиган ишида бирон роҳат билан мукофотланишини орзу ва умид қилмайди ёки бирон қаттиқчиликдан кўрқиб ва эҳтиётланиб турмайди; Яратувчи ўзи турли фикрлардан пок, чунки Унинг ёмон кўрадиган қарашлари ва яхши кўрадиган тенглари йўқ. Зотан, ўз-ўзидан доимо билимдон, шундай экан, У, ўрганилган илм, билинмаган нарсаларнигина билдиради; ҳолбуки, У ҳеч бир вақт ёки ҳеч бир ҳолда билимсиз бўлган эмас».

Бундан кейин, ўқувчи сўрайди: «Унинг сен айтиб ўтганларингдан бошқа яна қандай сифатлари бор?»

Жавоб берувчи дейди: «Унинг кадр ва мартабаси жуда баланд, макони йўқ. Чунки, У, макон тутишдан юқори – маконга эҳтиёжи йўқ; У тамомила яхшиликка хос; бировга ёмонликни истамайди. Унинг билими янглишиш ва нодонлик киридан покдир».

Ўқувчи сўрайди: «Уни сўзловчи деб тавсифлайсанми ё йўқми?»

Мураббий жавоб беради: «У олим бўлгани учун, албатта, сўзловчидир».

Ўқувчи сўрайди: «Илми сабабли У сўзловчи бўлса, илмлари сабабли сўзловчи ҳаким олимлар билан Унинг ўртасидаги фарқ нима?»

Мураббий жавоб бериб, дейди: «Уларнинг ўртасида фарқ вақт жиҳатидандир. || (14) Чунки У олимлар илми белгиланган вақт ичида ўрганганлар; аввалда, олим ва сўзловчи бўлмаганлар; кейин сўзловчи бўлганлар, [ва шунинг натижасида] илмларини сўз орқали бошқаларга ўргатганлар; демак, уларнинг

сўзлари ва илм ўргатишлари [чегараланган маълум бир] вақт ичида бўлган. Тангрига тегишли аҳвол ва сифатларнинг вақтга алоқаси йўқ. Пок Тангри азалдан олим ва сўзловчидир. [Тангри] шундай зотки, у аввалгилардан Браҳмага ва ундан бошқаларга турли йўллар билан сўзлаган; баъзисига китоб туширган, баъзиларига ўзи билан бандаси орасидаги воситачиликлари учун эшик очган, баъзиларига ваҳий юборган. Улар фикр юритиб, Тангрининг берган файзига эришганлар».

Ўқувчи сўради: «Бу илм унга қайдан келган?»

Мураббий жавоб беради: «Унда азалдан олимлик бор. У ҳеч бир вақт билимсиз бўлган эмас. Бинобарин унинг зоти – олим. У аввал, илмсиз бўлиб; кейин илм ўрганган зот эмас. Масалан, у Браҳмага туширган «Веда» китобида «Веда» оркали сўзлаган ва «Веда»дан илгари ҳам бор бўлган зотни, мақтангиз ва мадх қилингиз», деган.

Ўқувчи дейди: «Сезги аъзо билан билиб бўлмайдиган зотга қандай ибодат қиласиз?»

Мураббий жавоб берди: «Уни исм билан аталиши Унинг мавжудлигини исботлайди, чунки мавжуд нарсадангина хабар берилади ва мавжуд зотнигина от билан аталади. У зот мавжуд сезгилар билан билинмаса ҳам, [кишининг] кўнгли Уни ақл билан танийди ва сифатларини фикрлаш билан ўрганади. Унга қилинадиган холис ибодат ана шу. Бу ибодат давом эттирилса, бахтга эришилади». Машҳур «Патанжала» китобидаги ёзиғлик сўз ва тушунчалари ана шулардан иборат<sup>46</sup>.

«Бҳарата»<sup>47</sup> китобининг бир қисми бўлган «Гита» номли китобида Васудева<sup>48</sup> билан Аржуна ўртасидаги воқеалар бобида [Тангри тилидан] шундай сўзлар бор: «Мен ҳамма нарсаман, мен [бошқалардек] туғилиб, яшаб, кейин ўлувчи эмасман. Ишим учун мукофот олишни мўлжалламайман ҳам. Дўстлик ёки душманлик сабабли бир табақани қўйиб, бошқа табақага тегишли ҳам бўлмайман. Яратганимнинг ҳаммасига қиладиган ишидаги зарур нарсаларни бердим. Мана шу сифатларим билан мени таниган, ўз ишларини бажаришда менга ўхшаб тамадан узок турган кишининг бандининг ечилиши, [яъни, рухнинг тана қафасидан] халос топиши ва озод бўлиши осонлашади»<sup>49</sup>.

Бу фалсафа таърифидан шундай хулоса қилиш мумкин: «Фалсафа мумкин бўлганича Тангрига ўхшашга интилишдан иборатдир».

Яна Васудева китобда айтган: «Муҳтожликни қондириш учун бўладиган интилиш кўп кишиларни Тангридан паноҳ излашга ундайди. Агар ҳиндларнинг тушунчаларини чуқур текширсангиз, улар Тангрини танишдан узокда қолганларини биласиз. Чунки Тангри ҳар бир киши сезгилар оркали уни топа оладиган даражада зоҳир эмас. Ана шунинг учун улар Тангрини таний олмаганлар; баъзилари ҳис қилишдан нарига ўтмайдилар, баъзилари ўтсалар ҳам табиийликка бориб тўхтаб қоладилар ва ҳаммасидан ҳам юқори турувчи.

туғдирмаган ва туғилмаганнинг мавжудлигини, лекин бирорта ҳам кишининг илми унинг айна моҳиятини қамраб ололмаслигини, аммо унинг ўзи барча нарсани атрофлича билувчи эканлигини билмайдилар»<sup>50</sup>.

Феъл [иш] масаласида ҳиндларнинг сўзлари турлича: баъзилари Тангрини энг умумий сабабчи деб феълни унга нисбат бериб шундай дейдилар: «Чунки фоил [ишловчилар]нинг ишлари Тангри туфайли бўлгач, Тангри уларнинг ишларига сабабчи бўлади; демак, Тангри ҳаракати улар воситаси билан амалга ошади». Баъзилари фоилнинг ўз феълига энг яқинлиги жиҳатидан феълни Тангридан бошқага нисбат беради.

«Санҳия» китобида<sup>51</sup>, зоҳид: «Феъл [иш] ва фоил [ишловчи] масаласида ихтилоф бўлганми?» деб сўрайди. Ҳаким мана шундай жавоб беради: «Бир гуруҳ одамлар фикрича: «руҳ ҳаракатсиз бўлади, модда тирик бўлмайди. Ҳеч бир нарсага муҳтожлиги йўқ бўлган Тангри руҳ ва моддани бир-бирига қўшади ва ажратади; || (15) демак, Тангри [барчани ҳаракатга келтирувчи] фоилдир, доимо тирик ва қудратли зот жонсиз ожизга ҳаракат бергани каби, у, руҳ ва моддага ҳаракат бериб, амални вужудга келтиради».

Бошқа бир гуруҳ фикрича; «руҳ ва модданинг бир-бирига қўшилиши табиий, вужудга келадиган ва йўқ бўладиган ҳар бир нарсада яна шундай қўшилиш давом этиб туради».

Яна бошқа кишиларнинг: «фоил руҳдир, чунки «Веда»да дейилганига қараганда ҳар бир мавжуд воқеа пуруша туфайли бўлади».

Яна баъзиларнинг айтишича: «фоил – бу замон, чунки олам, йўғон арқоннинг тортилиши ва бўшатилишига қараб ҳаракат қиладиган бойланган қўй каби, замон билан боғланган».

Яна бир гуруҳнинг дейишича: «Феъл олдин қилинган ишга берилган мукофотдан бошқа нарса эмас».

Бу фикрларнинг ҳаммаси тўғрилиқдан четга чиқиб кетган. Бундаги ҳақиқат шуки, феъл [ҳаракат] бутунлай моддага тегишли, чунки у моддани банд қилиб турли шаклга киргизувчи ва шаклдан бўшатувчидир. Демак, модда фоил [ишловчи] ва унинг қўл остидаги ҳамма нарсалар феълни камолга етказишда моддага ёрдамчидирлар. Руҳ турли қувватларга эга бўлганлигидан ишловчи – фоил эмас<sup>52</sup>.

Олий Тангри хусусида ҳиндлар юқори табақа вакилларининг сўзи ана шу. Улар Тангрини Ишвара<sup>53</sup>, яъни ҳеч нарсага эҳтиёжи йўқ деб атайдилар; у шундай сахийки, ато қилади-ю, ўзи ато олмайди; чунки уларнинг фикрича, Тангрининг яккалиги [қўпликка айланмайдиган] холис яккаликдир; [ундан] бошқанинг яккалиги эса бирон йўл билан қўпликка айланадигандир. Уларнинг фикрича: «Тангрининг борлиги ҳақиқий бойликдир; чунки мавжудот у билан барқарор, уни бор деб туриб мавжудотни йўқ деб фикр қилиш мумкин; аммо уни йўқ деб, мавжудотни бор деб фикр қилиш мумкин эмас».

Ҳиндларнинг оддий табақа вакилларининг Тангри ҳақидаги тушунчалари хилма-хил; баъзан бемазалашиб кетган; шундай тушунчалар бошқа халқларда, ҳатто, мусулмонларда ҳам бор. Масалан, Тангри бандаларини мажбур қилувчи – жабариййа<sup>54</sup> – дейиш, Тангри ҳақида бирон фикр юритишни ҳаром деб айтиш ва шунга ўхшашлар учрайди<sup>55</sup>, Тангри бу хил сифатлардан пок бўлиши лозим. Чунончи, ҳиндларнинг юқори табақа вакилларининг баъзилари, олий Тангрини жисмлардаги сифатлардан тозалаш учун нуқта деб атаса, авом халқ буни изоҳламоқчи бўлиб, «Тангрининг улуғлиги кичиклик билан» деб гумон қилади ва нуқтанинг ҳақиқатини билишга фаҳми етмайди. Натижада, Тангрини бир нарсага ўхшатиш, уни улуғламоқчи бўлиб чегаралаб кўйишдаги беҳудалик «Тангрининг узунлиги ўн икки бармоқ, кенглиги ўн бармоқ» дейишгача боради. Тангри чегараланиш ва саналишдан четдадир.

Яна бир мисол. Биз юқорида ҳиндларнинг «Тангри ҳамма нарсани атрофлича билади, унга ҳатто ҳеч бир нарса махфий бўлиб қолмайди», дейилган тушунчасини ҳикоя қилдик. Ана шуни, уларнинг авом табақалари «ҳамма нарсани атрофлича билиш – кўриш билан, кўриш эса кўз билан бўлади; икки кўзлилиқ бир кўзлилиқдан афзалроқ», деб тахмин қилади ва Тангрини комил илм эгаси демоқчи бўлиб, уни минг кўзли деб тавсифлайди. Мана шунга ўхшаш ҳаддан ташқари бемаза хурофотлар уларда, айниқса, илм билан алоқалари бўлмаган табақаларида учрайди, бу ҳақда келгуси бобларда баён қилинади.

### III БОБ. ҲИНДЛАРНИНГ АҚЛИЙ ВА ҲИССИЙ МАВЖУДЛИКЛАР ҲАҚИДАГИ ТУШУНЧАЛАРИ

Қадимги юнонлар, уларда ҳикмат илми ёйилишидан ва фалсафа илми тозаланиб тарқалишидан илгари ҳиндлар айтганидек эди. Уларга ҳикмат илмини ҳикмат устунлари деб аталган мана шу етти [олим] ёйган: 1. Афиналик Солон, 2. Приенлик Биас, 3. Коринфлик Периандр, 4. Милетлик Фалес, 5. Лакедемонлик Хилон, 6. Лесбослик Питтак, 7. Линдослик Клеобул<sup>56</sup>. Фалсафани эса улардан кейин етишган кишилар тозалаб || (16) тарқатганлар. Қадимги юнонларда ҳамма нарсани биргина нарса деб тушунувчилар бор эди. Кейин баъзилари у нарсанинг махфий<sup>57</sup> ва баъзилари эса маълум бир қувват эканини айтдилар. Масалан, инсон мартабада биринчи сабабга яқин бўлгани учунгина тош ва жонсиз дунёдан устунлиги бўлди, акс ҳолда улар орасида фарқ бўлмай қолар эди, дедилар.

Баъзилари[нинг фикрича]: фақатгина ҳақиқий борлиқ унинг ўзигина биринчи сабабдир, чунки у борлиқнинг ҳеч нарсага зотан эҳтиёжи йўқ; бошқалар биринчи сабабга муҳтожлар. Вужудда бошқага муҳтож бўладиган нарсанинг вужуди хаёлга ўхшаш бўлиб, ҳақиқий вужуд бўлолмайди: ҳақиқий



вужуд фақатгина [ўша] аввалги ягонанинг ўзи, дедилар. Сўфиялар<sup>58</sup>, яъни ҳақимларнинг тушунчалари ана шундайдир. Чунки юнонча *суф*<sup>59</sup> сўзи «ҳикмат» демакдир. Шунинг учун файласуфга, филосуфо<sup>60</sup>, яъни «ҳикматни суювчи» деб ном берилган.

Мусулмонлардан бир гуруҳи сўфияларнинг ўша тушунчаларига яқин фикрга борганидан улар ҳам сўффия деб аталдилар. Мусулмонларнинг баъзилари сўффия сўзининг ибора эканини билмасдан таваккал қилиб, сўффия сўзини [арабча «сод» ҳарфи билан] – суффа сўзига нисбат бериб, «сўффияларни пайғамбар алайҳиссалом (унга Аллоҳнинг раҳмати ва саломи бўлсин) давридаги суффа суҳбатдошлари асҳоби суффа’дан иборат кишилардир», дедилар<sup>61</sup>. Ундан кейин [бу сўзни] суф аттуяс – така жуни<sup>62</sup> сўзидан кискартирилган деб тушунишди.

Абул Фатҳ Бўстий<sup>63</sup> [юнонча суф сўзини тушунишдан] яхшигина четга чиқиб, мана шундай деган эди<sup>64</sup>:

«Одамлар сўфий сўзида тортишишиб, қадимдан турли фикрда бўлишиб, уни ас-суф, яъни жун сўзидан олинган деб гумон қилдилар.

Мен сўфий сўзини софий [яъни, соф, содда] йигитдан бошқа нарса деб билмайман.

Шундай қилиб, ўша «софий» лафзига айланиб кетган, ниҳоят [бу сўз] бизга маълум сўфийларга лақаб бўлган».

Шунингдек, қадимги юнонлар: «Борлиқ биргина нарса; биринчи сабаби эса шу борлиқда турли-туман шаклда кўринади; унинг кучи борлиқнинг бўлақларида ҳам бирлик, ҳам ўзгаликни келтириб чиқарадиган қарама-қарши ҳолатлар орқали жойлашади», деган фикрга борганлар. Уларнинг ораларида «ўзини мумкин қадар биринчи сабабга ўхшатиб, орадаги воситаларни тарк қилиб ва монеларни олиб ташлаб, бутунлай сабабга ўзини топширган киши у билан бирлашади», дегувчи кишилар ҳам бор. Сўффия маслағидагилар ҳам шундай эътиқод қиладилар, чунки [икковининг ҳам бу масалага] қараши бир-бирига ўхшайди.

Қадимги юнонларча, жон ва руҳлар вужудга киришдан бурун ҳам ўзича, бевосита, бор бўлиб саналган ва уюшган, бир-бирларини танийдиган ва танимайдиган зотлар бўлганлар; яхшиликларга эришганлар, вужуддан ажралганларидан кейин, ҳалиги эришган яхшиликлар сабабли, оламни тасарруф қилишга қудрат пайдо қиладилар. Шунинг учун руҳларни худолар деб ўйлаб, уларга атаб, улар исмига ҳайкаллар<sup>65</sup> қуришган ва қурбонликлар қилганлар. Масалан, Гален<sup>66</sup>, «Санъатларни ўрганишга қизиқтирадиган китоб»ида<sup>67</sup> шундай дейди: «Халқнинг фазилатли арбоблари иззатли ва шарафли бўлишга эришганлар. Улар ҳатто бунга ҳар бир нарсадан тийилиб чегараланиш, кураш тушиш ва копток отиш билан эмас, балки ўз санъатларини яхши ишлата билишлари сабабли илоҳлаштирилган зотларга етишдилар. Шулар жумласидан,

Асклепий<sup>68</sup> ва Дионис<sup>69</sup> илгариги вақтда иккита инсон бўлсалар ҳам кейинчалик илохлантирилганлар ёки ўша даврнинг ўзидаёқ илоҳ деб танилганлар. Чунки иккалалари ҳам энг улуғ шарафга эга бўлганлар. Бунинг сабаби шуки, улар бири одамларга табиблик санъатини, || (17) бошқаси эса узум етказишни ўргатган».

Шунингдек, Гален «Гиппократ васияти»га<sup>70</sup> ёзган шарҳида шундай деган: «Асклепий номига атаб сўйилган қурбонликларга келсак, ҳеч бир кишининг унга атаб эчки қурбонлик қилганини эшитмадик. Чунки унинг юнгини йиғириш қийин; гўшти кимуси<sup>71</sup> ёмонлиги жихатидан кўп ейилса, тутқаноқ касалига учратади. Унга атаб хўрозни қурбонлик қиладилар. Гиппократ ҳам хўрозни қурбон қилган. Чунки илоҳийлашган бу киши одамлар учун табиблик санъатини ўргангандир. Бу санъат Дионисий юзага чиқарган нарса, яъни узум шаробидан ва Деметра юзага чиқарган нарса, яъни нон ясаладиган донлардан яхшироқдир. Шунинг учун донлар Деметра<sup>72</sup> номи билан, узум токи эса Дионисий номи билан аталади».

Платон ўз «Тимей»ида<sup>73</sup> айтган: «Ўлмасликлари сабабли *ҳанифлар*<sup>74</sup> илоҳ деб атайдиган Тео<sup>75</sup> фаришталардир. Дастлабки илоҳ – худо дейдилар»<sup>76</sup>. Яна Афлотун шундай деган: Илоҳ бошқа илоҳларга айтади: «Сиз, зотан, бутунлай бузилиб ва йўқ бўлиб кетмайдиган эмассиз; сиз фақатгина ўлим сабаблигина бузилмайсиз, холос, чунки яратган пайтимда иродамга кўра жуда пишиқ аҳдга эришгансиз»<sup>77</sup>.

Платон «Тимей»нинг бошқа бир жойида: «Худо якка сон билан айтилади, аммо худолар деб кўп сон билан айтилмайди»<sup>78</sup>, деган. Демак, қадимги юнонларнинг сўзларидан маълум бўлишича, Худо – илоҳ сўзи умумий бўлиб, ҳар қандай улуғ ва шарафли нарсага ишлатилаверади. Шундай ишлатиш [бошқа] кўп халқларда ҳам учрайди: хатто, илоҳ сўзини умумий қилиб, тоғ, денгиз ва шунга ўхшашларга ҳам қўллайдилар. [Улар илоҳ сўзини] кўпинча биринчи сабабга, фаришталарга, [ўз] руҳларига ва Платоннинг «Ассокинот»<sup>79</sup> деб атайдиган бошқа бир турдаги субстанцияларига ишлатадилар.

Бу мавжудотлар ҳақида муҳокама қилувчиларнинг иборалари [илоҳлар сўзини] аниқ таъриф қилишга етарли таъриф бўлмади. Шунинг учун исмнинг ўзидан фойдаландик. Иоанн Грамматик<sup>80</sup> ўзининг Проклга<sup>81</sup> қаратиб ёзган раддиясида: «Юнонлар худолар исмини бошқа варварларнинг кўпчилиги сингари осмондаги ҳис қилинадиган жисмларга нисбатан ишлатадиган бўлганлар; кейин ақлий жавҳарлар ҳақида ўйлай бошлагач, шу исми уларга нисбатан ишлатганлар», деган.

Ана шундай зарурий вазиятда маълум бўладики, илоҳланиш дейилганда «фариштага айланади», деган маъно тушунилади. Чунки Галеннинг санъатини ўрганишга қизиқтириб ёзган ҳалиги китобида очиқ ибора билан: «Агар Асклепийнинг илгари инсон бўлиб, кейин худо уни фаришталардан бири

қилиб юборганлиги рост бўлса, бундан бошқа гап беҳуда бўлиб қолади»<sup>82</sup> деб ёзган. Ўша китобнинг бошқа бир саҳифасида у шундай ёзган: «Худо Лиқурга»<sup>83</sup>. Мен сени ҳақингда ўйлаб, сени инсон деб атасаммикан ё фаришта деб атасаммикан, деб иккиланиб турдим. Кейин фаришта деб аташга мойилроқ бўлдим»<sup>84</sup>, деган.

Лекин баъзи бир сўзлар борки, улар[ни қўллаш] бир дин ва бир тилда бемаъни бўлса ҳам, бошқа бир дин ва бошқа бир тилда бемаъни бўлмайди. Ислон динидаги «илоҳлаш» [тааллуҳ] сўзи шундай сўзлар жумласидандир. Чунки биз бундай сўзларни араб тилидаги сўзлар билан эътиборга олсак, барча исмлардан || (18) бошқа соф ҳақиқат, яъни Аллоҳнинг ўзига ишлатиладиган ҳамма исмларининг бирон сабаб билан Ҳақдан бошқаларга ҳам ишлатилганини учратамиз. Аллоҳ исми эса фақат Худонинг ўзигагина ишлатилади, холос. Айтишларича, Аллоҳ Тангрининг энг улуғ исмидир.

Агар биз Худо исмларига, Қуръондан илгари китоб нозил бўлган иброний ва сурёний тиллари билан назар солсак, «рабб»нинг Тавротда, ундан кейин, пайғамбарларга деб юборилган китобларда, арабчадаги Аллоҳ сўзи ўрнида ишлатилганини кўраемиз; аммо раббулбайт [уй эгаси], раббул мол [мол эгаси] каби [Худодан бошқа] бирон кишига нисбат бериб ишлатилганини учратмаймиз. Шунга ўхшаш, илоҳ сўзи ҳалиги тилларда арабчадаги рабб сўзи сингари [бошқага ҳам] ишлатилади. Қуръондан илгариги китобларда: «Элоҳим ўғиллари»<sup>85</sup> тўфондан бурун одамларнинг қизлари олдига тушиб, уларга қўшилишдилар»<sup>86</sup>, дейилган. Ростгўй Айюбга юборилган китобда: «Шайтон Элоҳим ўғиллари билан бирга одамларнинг йиғилган жойларига кирди»<sup>87</sup> дейилган; рабб, Тавротда Мусога қарата «Сени Фиръавнга илоҳ қилдим»<sup>88</sup>, деган. Довуд Забурнинг саксон иккинчи бобида «Худо илоҳлар қаторида турди»<sup>89</sup>, дейилган жойида фаришталарни илоҳлар деб айтмоқчи бўлади.

Тавротда, санамлар – «бегона илоҳ»лар деб аталганлар. Агар Таврот, Тангрідан бошқа ҳар бир нарсага топинишдан, санамларга сажда қилишдан ва, ҳатто, уларни эслаш ва хотирга келтиришдан тиймаган бўлса эди, ўша иборага қараб, Таврот ибрий халқига мансуб илоҳларга эмас, балки бегона илоҳларга ибодат қилишдан тийган деб тушунилар эди. Ҳолбуки, Фаластин атрофидаги омма, санамларга ибодат қилишда юнонларнинг динида эдилар. Исроил авлоди, санамлардан Баал<sup>90</sup> ва Аштаротга, яъни Зухрага ибодат қилиб, хамиша Худога исён қилганлар.

Демак, уларча тааллуҳ – илоҳга айланиш, деган сўз «тамаллуқ» – малак-лашиш [фариштага айланиш] маъносида бўлиб, [ҳақиқатда] изоҳлар сўзи фаришталарга ва қудратли руҳларга, орият тариқасида фаришталарнинг номларига атаб ишланган ҳайкалларга, мажоз тариқасида эса подшоҳлар ва улуғ кишиларга ишлатилаверади.

«Ота» ва «ўғил» сўзлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Ислом дини, «ота» ва «ўғил» сўзларини Тангрига нисбатан ишлатишга йўл бермайди. Чунки араб тилида валад [бола] ва ибн [ўғил]ларнинг маъноси бир-бирига яқин бўлса ҳам, лекин валад [бола] сўзидан келиб чиқадиган волидон [ота ва она] ва вилодат [туғилиш] сўзини ишлатиш ман қилинган. Араб тилидан бошқа тилларда бу сўзлар кенг қўлланилади.

Насроний динидагиларнинг эътиқодларидан маълум бўлишича, улар [Тангрига нисбатан] «ота» ва «ўғил» сўзларини ишлатмайдиган кишини насроний динидан чиққан деб ҳисоблайдилар. Ўғил [ибн] сўзи Худонинг махсус сайлаган кишиси маъносида Исога нисбатан ишлатилса ҳам, унга махсус бўлиб қолмайди, балки бошқаларга ҳам ишлатилади. Шу Исонинг ўзи шогирдларини дуо қилишга ўргатганида, «Эй осмондаги отамиз»<sup>91</sup> деб сиғинишга буюради. Ўзининг ўлишидан хабар беришда ўз отаси, уларнинг ҳам оталари ҳузурига қайтиб боришини билдиради<sup>92</sup>. Исонинг шу ибораси, ўзидан ҳикоя қилганда, кўпинча, «у инсониятнинг ўғли»<sup>93</sup>, деган маънода изоҳ қилинади.

Бу ҳақда насронийлар ёлғиз эмаслар. [Бу масалада] яхудийлар ҳам уларга ўхшайдилар. Чунки «Подшоҳлар китоби»да<sup>94</sup> || (19) мана бундай дейилган: «Олий Тангри, Довуд алайҳиссаломнинг Уриё номли завжасидан туғилган ўғли вафот этгани учун Довуд алайҳиссаломга таъзия билдириб, шу хотиндан яна бир ўғил туғилишини, уни ўзи ҳам ўғлим деб аташини ваъда қилди»<sup>95</sup>. Агар ибрий тилида Сулаймон алайҳиссаломни Тангрининг тутинган ўғли дейиш мумкин бўлса, уни «ўғил» қилган зотни [яъни, Тангрини] «ота» дейиш ҳам мумкин бўлади.

Монавиялар<sup>96</sup> ҳам китоб аҳлининг бири бўлган насронийларга ўхшайдилар. Уларнинг пайғамбари Моний<sup>97</sup>, «Канз ул-ихъё»<sup>98</sup> номли китобида ўша маъно ҳақида шундай дейди: «Нуроний кўшинлар: балоғатга етган ва етмаган қизлар, оталар, оналар, ўғиллар, биродарлар, опа-сингиллар деб аталадилар; чунки пайғамбарларнинг китобларида шундай ёзилган. «Шодлик мамлақати»ла эрлик, хотинлик ва насл органлари йўқ; нуроний кўшинларнинг ҳаммалари тирик жасадларга ва илоҳий вужудга эгалар. Уларнинг кучлилик, кучсизлик, узунлик, қисқалик ва кўриниш жиҳатидан бир-бировларидан ўзгаликлари йўқ, улар худди бир чирокдан ёқиладиган ва озуқа моддалари ҳам бир хил бўлган бир-бирига ўхшаш чироклар сингаридир. Уларнинг ўша исмлар билан аталашларининг сабаби иккала мамлакатнинг бир-бирига ўчакиши, холос. Қуйи ва қоронғи мамлакат [аҳли]нинг чуқурликдан кўзғалиб оёққа турганини, эр ва хотиндан иборат жуфт-жуфт бўлишганини юқори мамлакатдаги нуроний подшоҳ кўргач, урушга интилувчи ўз ўғилларининг юзаки кўринишларини куйи мамлакатларники сингари қилиб тасвирлади ва шундай қилиб ҳар жинсни ўз жинси қаршисига турғизиб қўйди».

Ҳиндларнинг билимдон табақалари фаришталарга бундай сифатларни бермайдилар. Аммо авом халқи ва ҳинд динининг бошқа шохобчаларига ўралиб қолган кишилар у сифатларни ишлатишда чегарадан ошиб кетадилар ва айтиб ўтилган миқдордан ҳам ўтиб, Худога эр ва хотинлик, ўғил ва қизлик, ҳомиладор бўлиш, туғдириш сифатларини ва [инсонга хос бўлган] бошқа табиий ҳолатларни берадилар; шундай сифатлар ҳақида ўлчовсиз гапиришдан уялмайдилар. Гарчи мазҳаб ва тушунчалари кўп бўлса ҳам, улар эътиборсиз, чунки асл тушунча браҳманларникидир.

Браҳманлар асл тушунчани сақлаш ва тиклаш учун тарбия қилинганлар. Ҳиндларнинг ўқимишли табақалари айтилганидек, бутун борлик яхлит биргина нарса деган фикрга борадилар. Чунки Васудева «Гита» номли машҳур китобида айтилганидек: «Ҳақиқатни айтганда, ҳамма нарса Тангриники, чунки Вишну жонли нарсалар туриши учун ўзини Ер қилди, уларни овқатлантириш учун ўзини сув, уларни ундириб ўстириш учун олов, шамол қилди ва ҳар бири учун ўзини юрак қилди; «Веда»да айтилганидек, уларга ақл ва билимни ҳамда буларнинг тескарисини берди»<sup>99</sup>, деди. Бу – Аполлониуснинг<sup>100</sup> «Нарсаларнинг сабаблари ҳақида» деган китобида айтилганларига жуда ўхшаб кетади, худди олингандек-а! Буни қаранг: «Ҳамма одамда илоҳий бир қувват бор. Моддий бўлган ва бўлмаган нарсалар шу қувват орқали фикр қилиниб билинади». Худди шундай моддий бўлмаган [Тангри] форсларда Худо деб аталади; инсонга ҳам шу сўз аралашган исм берилади.

[Ҳиндларнинг] имо-ишораларини ишлатмай, аниқлаб гапирадиган кишиларга келсак, улар жонни *пуруша* деб атайдилар, бунинг маъноси эр киши, демакдир. Бундай аташларига сабаб шуки, мавжудотдаги тирик нарса [яъни, модда] жондир. Улар жонни ҳаётдан бошқа нарса деб билмайдилар. «Унга билим ва билимсизлик бирин-кетин келиб туради, у билфеъл – билимсизлик, билқувва – билимли; билимни эса ўрганиш йўли билан қабул қилади; билимсизлиги билим ўрганиш феълининг унда юз бериши, билимли бўлиши эса ўрганиш феълининг ундан кетишига || (20) сабаб бўлади», деб тавсифлайдилар<sup>101</sup>.

Рухга мутлақ модда – мутлақо шаклдан холи туб материя эргашади. Буни *авиакта*<sup>102</sup>, яъни шаклсиз нарса деб атайдилар. Бу модда билфеъл бўлмаса ҳам, билқувва уч хил кучга эга ўлик [модда]дир. У кучларнинг исмлари *самттва*, *ражас* ва *тамас* 'дир<sup>103</sup>. Бу ибораларни Буддҳадана ўз аҳли – шаманийларга айтиб беришида эшитдимки, [шаманийларча] буддҳа дҳарма ва сангҳа маъноси, дин ва билимсизликдан иборатдир. Демак, биринчи қувват – роҳат ва поклик бўлиб, униб-ўсиш шу қувватдан келиб чиқади. Иккинчиси, меҳнат ва машаққат бўлиб, сабот ва доимийлик шундан пайдо бўлади. Учинчиси, кучсизлик ва ҳайронликдан иборат бўлиб, бузилиш ва йўқ бўлиш шундан вужудга келади. Шунинг учун биринчи куч фаришталарга, иккинчиси одам-

ларга, учинчиси эса ҳайвонларга нисбат берилади. Ўша илгари саттва, кейин ражас ва кейинроқ тама сўзларини замон жиҳатидан бўлмаса ҳам, тартиб ва ибора танглиги жиҳатидан арабча қабла, баъд, сумма, яъни олдин, кейин, сўнг деб таржима қилиш мос келади.

Энди материалга келсак, у турли шакллар ва ҳалиги биринчи уч куч орқали ҳаракатга келади. Улар материяни *виакта*<sup>104</sup>, шаклни қабул қилувчи деб, асл жавҳар билан шаклни қабул қилувчи материя йиғиндисини эса *пракрити*<sup>105</sup> деб атайдилар. Бу исмни қўллашда фойда йўқ, чунки мутлақ материя дега-нимиздан кейин уни қўллашга эҳтиёжимиз қолмайди, материя сўзи кифоа қилаверади. Чунки уларнинг бири иккинчисисиз вужудга келмайди.

Бундан кейин табиат келади. Ҳиндлар табиатни *аҳанкара*<sup>106</sup> деб атайдилар. Бу сўз ғалаба, кўпайиш ва улуғланишдан олинган. Аҳанкара дейилишига сабаб шуки, материя шаклга киргач, табиат ундан коинотни ундиришга киришади. Униш эса бошқанинг ўзгартириши ва унувчига ўхшатиши билангина бўлади, холос. Демак, гўё табиат материя устидан ғалаба қозониб, уни ўзига бўйсундириб ўзгартиради.

Маълумки, ҳар бир мураккаб нарсанинг содда бўлаклари бор, мураккаблик шулар йиғиндисидан келиб чиқади. Мураккаб шу бўлақларга ажралиб тарқалади. Оламдаги ҳамма мавжудот беш унсурдан иборатдир. Ҳиндлар фикрича, улар осмон, шамол, олов, сув ва тупроқдир. [Улар бир сўз билан] *маҳабҳута*<sup>107</sup>, яъни улуғ табиатлар деб аталади. Олов дейилганда, улар эфир ичида кўринадиган қуруқ жисмнинг қизишидан пайдо бўладиган оловни тушунмай, балки ер юзида учрайдиган тутун билан биргаликда ёрқинланувчи оловни тушунадилар.

«Ваю-пурана»да мана бундай дейилган: «Қадим вақтларда тупроқ, сув, шамол ва осмон бор эди. Брахма тупроқ тагидаги олов учқунини кўриб қолиб, уни юзага чиқариб, учга бўлди: биринчиси – *партҳива*, яъни ўтин ёндиришда керак бўладиган ва сув билан ўчадиган оддий олов; иккинчиси – *дивия*, яъни қуёш; учинчиси – *вийут*, яъни чакмоқ. Натижа шуни кўрсатадики, қуёш сувни тортиб олди, чакмоқ сув оралиғида ярқирай бошлади. Жонли нарсалардаги намликлар орасида олов бор, бу олов намлик билан озикланади ва намлик уни ўчирмайди»<sup>108</sup>.

Бу унсурларнинг ҳар бири мураккабдир, яъни уларнинг ўзларидан олдин вужудга келадиган содда бўлаклари бор. Уларни || (21) «панча матара», яъни «беш она» деб атайдилар ва бу содда унсурлар сезги орқали ҳис қилинади. Осмоннинг содда унсури – *шабада*, яъни эшитиш орқали билинади; шамолнинг содда унсури – *спарша*, яъни тегиш орқали билинади; оловнинг содда унсури – *рупа*, яъни кўриниш орқали билинади; сувнинг содда унсури – *раса*, яъни татиб кўриш орқали билинади; тупроқнинг содда унсури – *гандҳа*, яъни ҳидлаш орқали билинади. Шу содда унсурлардан ҳар бирининг доим ўзига

боғлиқ хусусияти ҳамда ундан юкори турган унсурга нисбат бериладиган хусусияти бор<sup>109</sup>.

Демак, тупрокқа беш сифатнинг ҳаммаси нисбат берилади. Сувда улардан хид сифати етишмайди, оловда хид ва татиб билиниш сифати, шамолда [хид, татиш] – иккаласининг ҳамда ранг сифати, осмонда эса [хид, татиш, ранг]лар билан бирга, тегиб кўриб билинадиган сифатлар, тупрокқа нисбатан буларда етишмайди. Товушни осмонга нисбат беришдан мақсадлари нима эканлиги бизга номаълум. Бу, гумонимизча, юнон шоири Гомернинг «Турли куйлар эгаси бўлган етти зот бир-бирларига чиройли товуш билан гапириб, жавоб берадилар», деганига ўхшайди; шоир етти зот деб етти юлдузни айтмоқчи бўлади. Шунингдек, Гомердан бошқа шоирларнинг бири «Турли куйларда жарангловчи фалаклар еттита бўлиб, улар ҳаракат қилиб турадилар ва Яратувчига сажда қиладилар. Чунки Яратувчи, юлдузлари бўлмаган энг узокдаги фалак чеккасигача уларни қамраб, тутиб туради»<sup>110</sup>, деган.

Порфирий «Фозил файласуфларнинг фалак табиати ҳақидаги қарашлари»<sup>111</sup> номли китобида шундай деган: «Осмон жисмлари Пифагор ва Диоген айтганидек, ўзларининг мавжуд шакллари, кўринишлари билан, ёқимли товушларда тараннум қилишлари орқали ҳаракатнинг юзага келиши, мислсиз ва шаклсиз яратувчиларининг борлигидан далолат беради». Айтишларича, Диоген ўз сезгисининг нозиклиги билан фалакдаги ҳаракат товушини эшита оладиган бўлган.

Бу айтилганларнинг ҳаммаси тўғри қонун-қоидага мувофиқ изоҳланадиган умумий аллегорияли ишоратлардир. Ҳақиқатдан четда қолган кишиларнинг баъзиси шу [файласуфларга] эргашиб: «Кўриш сув билан, эшитиш ҳаво билан, хидлаш ҳаво билан, хидлаш олов билан, татиш тупроқ билан, тегиб билиш эса рухнинг гавдага туташиб билдиришига кўра вужуд билан боғлиқдир», деган. Ўйлашимизча, у киши кўз рутубатлари ва қатламлари ҳақида эшитиб кўриш сувга боғлиқ, буғ ва тутун сабабли хид оловга боғлиқ. Овқат етказиб бериши сабабли маза тупроққа боғлиқ, деган, холос<sup>112</sup>. Шу билан тўрт унсур тугатилиб, у киши тегиб билиш сезгисини рухга боғлиқ, дейди.

Сўнгра давом этиб, хулоса қиладиган бўлсак, бу ергача санаб ўтилган унсурларнинг ҳосили ҳайвонот оламидир. Чунки ҳиндларнинг фикрича, ўсимликлар ҳам ҳайвонот оламининг бир туридир. Бу Платоннинг «Кўчат ва экинларда сезги бор. Чунки ўсимликлар ўзларига ёқадиган ва ёқмайдиган нарсани ажратадиган хоссага эгадирлар»<sup>113</sup>, деган фикрига тўғри келади. Ҳайвон, сезгиси сабабли ҳайвон бўлади.

Сезгилар беш хил бўлиб, индрияни деб аталади. Булар қулоқ билан эшитиш, кўз билан кўриш, бурун билан хидлаш, тил билан татиш ва тери билан тегиб билишдан иборатдир.

Бундан кейин ирода келади, у сезгиларни турли йўналишларда бошқаради ва қалбда жойлашади. Буни улар *манас* деб атайдилар.

Ҳайвонот олами бешта зарур ҳаракат билан такомиллашади. У ҳаракатни кармендрияни, яъни амалдаги сезгилар деб атайдилар. || (22) Бу сезгиларнинг биринчисидан илм ва маърифат, охирларидан амал ва санъат ҳосил бўлади. Буларни биз *зарурият* деб атадик. Яъни, улар турли эҳтиёж ва ирода сабабли товуш чиқариш, олиб келтириш ва сақлаб қолишда қўл билан қаттиқ тутиш, ахтариш ва қочишда оёқ билан юриш, овқатларнинг чиқиндиларини белги-ланган икки йўл билан чиқариш ишларидан иборатдир<sup>114</sup>.

Ҳаммаси бўлиб йигирма беш унсурдир, яъни:

[1] Умумий кўнгил.

[2] Мавҳум (абстракт) материя.

[3] Шаклга кирган материя.

[4] Ғолиб табиат.

[5–9] Содда она унсурлар.

[10–14] Бошланғич унсурлар.

[15–19] Ўқув сезгилари.

[20] Буюрувчи ирода.

[21–25] Асбоб бўлиб хизмат қиладиган заруриятлар.

Бу элементларнинг йиғиндиси *таттва* деб аталади ва барча билимлар улар билан чегараланади. Парашаранинг ўғли Вияса бундай дейди: «Сен йигирма бештани уларнинг фарқлари, таърифлари ва бўлинишлари билан билгин. Шунда сен фақат сўздагина эмас, исботларини ва шубҳасизликларини ҳам билиб оласан. Сўнгра сен хоҳлаган динга эътиқод қилишинг мумкин – сен учун мукофот халосланиш бўлади»<sup>115</sup>.

#### IV БОБ. ФЕЪЛНИНГ БЎЛИШЛИК САБАБИ ВА ЖОННИНГ МОДДАГА АЛОҚАСИ ҲАҚИДА

Жониворлар танасида бўладиган шижоатли ҳаракатлар, жон кириб, унда ҳаёт пайдо бўлиб, абадий тирик жон унга кирганидан кейингина содир бўлади. Ҳиндларнинг айтишларича, фаол жон ўзича ўз зотини ва ўзини қамраб олган материяни билмайди. Ўзининг барпо бўлишини фақатгина материя билан бўлади деб гумон қилиб, танимаган нарсасини ўраб олишга интилади ва абадий қолишдан иборат яхшиликка қизиқади ҳамда ўзига маълум бўлмаган нарсани билишга уриниб, у билан бирлашишга ҳаракат қилади. Лекин бу ғализ ва латиф [жон]ларнинг ҳар иккаласи ўз сифатларининг энг юқори даражасида бўлган пайтларида бир-бирларига қаршилик кўрсатадилар ва уларнинг ўзаро яқинлашишлари ва қўшилишлари мумкин бўлмайди; фақатгина бирини бирига боғлайдиган уларнинг ҳар бирига мос келадиган воситалар билан мумкин бўлади, холос. Бу ҳол иккала хусусиятлар билан: бир-бирига зид бўлган олов ва сув ўртасида ҳавонинг воситачи бўлганига ўхшайди. Чунки



ўзининг нозиклиги билан оловга мос, зичлиги билан эса – сувга мос, шунинг учун улардан ҳар бирини икки хусусиятнинг қўшилишига имконият топади. Жисм бўлган нарса билан жисм бўлмаган нарса ўртасидаги узоқликдан кўра кучлироқ узоқлик бўлмайди; шунинг учун жон ўзича мақсадига етишолмайди; фақатгина ана шундай воситалар ёрдамида етишиши мумкин. Бу воситалар Бхурлока, Бхуварлока ва Сварлока<sup>116</sup> дунёларида она унсурлар келиб чиқадиغان руҳлардир.

Ҳиндлар руҳларни унсурлардан пайдо бўлган ғализ вужудларга қарши қўйиб, «нозик баданлар» деб атайдилар<sup>117</sup>. Жон ўша нозик вужудларга қўнади. Шу бирлашиш натижасида нозик вужудлар жонга улов, яъни ташувчи бўлиб қоладилар. Бу ҳол Куёш битта бўла туриб, унинг рўпарасига қўйилган бир неча ойна ё идишлардаги сувларда аксининг кўринишига ўхшайди. Шундай ойна ва сувларнинг ҳар бирида Куёш бир хил кўринади, лекин ҳар бирида Куёшнинг иссиқлик ва ёруғлик таъсири бўлади.

Турли моддалар қўшилиб таналар ҳосил бўлганда, эркак танадан суяклар, томирлар ва мани суви; аёл танадан эса гўшт, қон ва соч қўшилиб || (23) ҳаётни қабул қилишга тайёр бўлганда, ҳалиги руҳлар таналарга яқинлашадилар<sup>118</sup>. Таналар руҳлар назарида худди подшоҳларнинг турли маслаҳатлари учун тайёрланган қасрларга ўхшайди. У таналарга беш [шамол] ҳам киради. Уларнинг иккитаси билан нафас олинади ва чиқарилади; учинчиси билан меъдадаги овқатлар қориштирилади; тўртинчиси орқали бадандаги ҳаракат бир жойдан бошқа жойга ўтади; бешинчиси воситасида сезги бир танадан бошқа бир танага кўчади<sup>119</sup>.

Ҳиндларнинг фикрича, руҳларнинг жавҳарлари турлича эмас, балки таркиби ва табиати жиҳатидан бир хил бўлади<sup>120</sup>. Аммо улар яқинлашган жасадларнинг турличалигига кўра, ахлоқ ва таъсирлари ҳар хил бўлади; бунга, руҳларда кўпаядиган ва уларни кўролмаслик, уларга ғазабланиш ахлоқини бериб бузадиган учта куч сабаб бўлади. Ана шу сабаб, демак, унга кўра руҳ фаолият олиб борадиган олий сабабдир<sup>121</sup>.

Аммо материя томонидан юз берадиган қуйи сабабга келсак, бу материя такомиллашишини талаб қилиши ва мумкинликдан фаолиятга ўтишидан иборат бўлган энг яхши нарсани исташидир. Материянинг асосида бўлган фахрланиш ва устунликни севиш сабабли моддада илмга эга бўлишга интилган руҳга барча имкониятларини ишга солишни буюради ва уни ўсимлик хиллари, ҳайвонот турлари орқали саргузашт қилишга мажбурлайди.

Ҳиндлар материяни рақс тушиш санъатини мукаммал эгаллаган, рақснинг таъсир қиладиган ҳар бир услуб ва мақомини биладиган ҳамда бадавлат баҳоловчи олдида ўзининг бутун санъатини кўрсатишга интилган раққосага ўхшатадилар. Раққоса ўз санъатининг ҳамма турларини бирин-кетин кўрсата бошлайди. Бой уларни томоша қилади. Ниҳоят, раққосанинг санъати тугаб,

уни кузатиб турган бойнинг ҳафсаласи пир бўлса, шу ондаёк раққоса ҳайрон бўлиб, рақсдан тўхтади. Чунки энди унга, ҳалиги ўйнаган рақсларини қайтариб ўйнашнинг ҳожати йўқ эди. Шунда бой раққосани жўнатиб юборади ва шу билан ҳаракат тўхтади.

Воқеанинг юз бериши ҳалокатли жойдаги йўлдошлар аҳволига ўхшайди. Масалан, саҳрода бир карвонга хужум қилишади, барча карвондагилар шу пайтда қочиб кетиб, фақатгина бир кўзи ожиз ва бир қоча олмаган шол киши қолди. Уларнинг иккаласи кутулишдан умидларини узиб очликда қолдилар; иккаласи бир-бирига йўлиқиб танишгач, қимирлай олмайдиган киши кўрга: «Мен юришдан ожизман, лекин тўғри йўл кўрсатишга қодирман. Сен бўлсанг, менинг аксимча, йўл кўрсатишга ожизсан, аммо юришга қодирсан. Рози бўлсанг, сен мени орқангга опичиб ол, мен йўл кўрсатайин, иккаламиз биргалликда ҳалокатдан кутулайлик», деди. Шунда кўр унинг айтганига рози бўлиб, бир-бирига ёрдам бериши сабабли ҳалокатдан қутулдилар. Улар саҳродан чиқиб олгач, бир-бирлари билан ажралишдилар<sup>122</sup>.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, хиндларнинг фоил ҳақидаги сўзлари турлича. «Вишну-пурана»да бундай дейилади: «Материя оламнинг асосидир. Ўзида ҳеч бир қасд ва ихтиёр бўлмай, уруғ ўсимликни вужудга келтиргани сингари, қасд ва ихтиёри бўлмай, шамол сувни совутгани сингари унинг оламини пайдо қилиши табиийдир. Аммо бундай ихтиёрий ҳаракат фақат Вишнуда бўлади»<sup>123</sup>. Бунга айтувчи шу сўз билан материядан устун бўлган [абдий] тирик худога ишорат қилмоқчи бўлади. Дўст дўсти учун ҳеч бир нарса тама қилмай, ҳаракат қилганидек, материя ҳам шу худо сабабли ҳаракатга келади.

Монийнинг мана бу гапи ҳам ўша сўзга асосланган: «Исо алайҳиссаломдан ҳаворийлар жонсиз табиатнинг яшаши ҳақида сўраганларида, у шундай деган: «Агар жонсиз ўзига аралашган тирикдан ажраб, ўзи ёлғиз қолса, у яна тирилмайдиган ўлик бўлиб қолади, || (24) ундан ажралган тирик эса тириклича қолади ва [ҳеч] ўлмайди»<sup>124</sup>.

Аммо «Санқхия» китобида ёзилишича, у ҳаракатни материяга нисбат беради. Чунки у аввалги учта куч – фаришталик, инсонлик, ҳайвонлик кучлари сабабли, уларнинг якка-якка ва биргалашиб ғалаба қилишлари натижасида модданинг турланишига қараб шакллар ҳам турлича бўлади. Шу кучлар материяда бўлиб, жонда бўлмайди<sup>125</sup>. Жон эса шу материядаги ҳаракатларни билмоқчи бўлган кишлоқда дам олиб ўтирган йўловчиларнинг бири каби назоратчига ўхшайди. Кишлоқдагиларнинг ишлари ҳар хил, бири бир иш билан, иккинчиси бошқа иш билан машғулдир. Йўловчи уларга қараб туриб, аҳволини эътиборга олади; баъзилар аҳволини ёқтирмайди, баъзилариникини ёқтиради; ўзига алоқаси ва ёқтиришининг сабаби бўлмаса ҳам, ўша аҳволга эътибор бериш билан овора бўлади. Жоннинг феълга алоқаси бўлмаса ҳам, феълнинг унга нисбат берилиши бир киши билан рўй берган қуйидаги ҳолатга

Ўхшайди: бир киши, иттифоқо, ўзи танимаган бир гуруҳ билан ҳамроҳ бўлган. Улар қароқчилар бўлиб, бир қишлоқни босиб хароб қилиб қайтаётган эканлар. У киши ўғрилар билан бирга озгина юрганидаёқ, уларнинг кетидан қидирувчилар етиб келиб, бутун гуруҳ қўлга олинган; шулар ичида ҳалиги гуноҳсиз киши ҳам қўлга тушган. Бу кишининг улар қилган жиноят ишида шерикчилиги бўлмаса ҳам, уларга берилган жазо бу кишига ҳам берилган.

Ҳиндларнинг айтишича, жон осмондан бир хил ҳолат ва кайфиятда тушадиган ёмғир сувига ўхшайди. Асл моддаси турлича бўлиб, ёмғир остига қўйилган тилла, кумуш, шиша, чинни, сопол ва шўр тупроқдан ясалган идишларга ёмғир суви йигилса, сувнинг кўриниши, мазаси ва ҳиди ўзгаради.

Шунга ўхшаш жон материяга қўшни бўлганда, унга ҳаёт беришдан бошқа таъсир кўрсатмайди. Материя ҳаракатга қараганда, учта кучдан бирининг устунлиги, иккита махфийсининг унга ёрдам бериши сабабли, ҳар хил мақсадларга мувофиқ моддадан турли феъллар юз беради. Учта кучнинг ишга ёрдам бериши суюқ ёғ, курук пилик ва тутатувчи олов [қўшилиб], чироқнинг ёритишига ёрдам берганига ўхшайди.

Демак, материядаги жон арава минган кишига ўхшайди. Жон ўз истагига мувофиқ материяни ишга солади, бу ишда сезгилар унга хизмат қилади. Пок Худо томонидан унга берилган расо ақл уни тўғри йўлга бошлайди. Ҳиндлар ақлни нарсалар ҳақиқатларини кўришга восита, олий Тангрини танитувчи, кишини ҳаммага дўст ва халқ қошида мақтовли бўлишига етказувчи деб тавсифлайдилар<sup>126</sup>.

## **V БОБ. РУҲЛАРНИНГ АҲВОЛИ ВА УЛАРНИНГ ОЛАМДА ТАНОСУХ ЙЎЛИ БИЛАН БИР ВУЖУДАН БОШҚА ВУЖУДГА КЎЧИБ ЮРИШЛАРИ ҲАҚИДА**

Шаҳодат калимаси мусулмонлар динининг шиори, Тангрини уч зот [ота, ўғил ва муқаддас руҳдан] иборат дейиш насроний динининг аломати, шанба куни [байрам қилиб] тирикчиликка қарамаслик, яхудийликнинг белгиси бўлганидек, таносух<sup>127</sup> ҳиндлар динининг нишонидир. Ҳиндларда таносухга ишонмаган киши бўлмайди ва унга ишонмаганлар улар динидаги кишилардан саналмайди.

Ҳиндларнинг айтишларича, нафс-жон, ақл эгаси эмас, излаган нарсасини, дафъатан, дам ўтмай, бир онда, атрофлича || (25) тугал билмайди ва у нарсанинг бўлақларини қидиришга ва мумкин бўлган қисмларини ўрганишга муҳтож бўлади; мумкин бўлган қисмларининг чегараси бўлса ҳам сони кўп бўлади; сони кўп нарсага етишиш жуда узоқ вақт излашга мажбур қилади. Шунинг учун жон фақат шахсларни ва турларни, уларда юз берадиган феъл ва ҳолатларни кўриш билангина илм ҳосил қилади. Ҳатто, жон шахс ва турлар-

нинг ҳар бири ҳақида тажриба ҳосил қилиб, бу билан янгидан-янги билимга эга бўлади. Лекин кучлар туфайли феъллар ҳам турлича бўлади. Олам ишдан бекор қолдирилмайди, албатта. У ўзидаги бирон мақсадга чақирилиб, унда банд қилиб турилади. Демак, [абადий] қолувчи жонлар феълларнинг яхши ва ёмонга бўлинишига қараб, қариган тана аъзоларига келиб ва улардан кетиб юрадилар. [Жон киргандан кейин] жуссанинг савобли иш қилиши яхшиликдан дарак беради; жон савобли ишни кўпроқ қилишга қизиқади; азобга лойиқ иш қилиши ёмонлик ва кўнгилсизликдан хабар беради<sup>128</sup>. Жон ундан узоклашишга қаттиқ киришади. Жоннинг келишида ёмондан яхшига ва яхшидан ёмонга ўтиш эҳтимоли бор бўлса ҳам, у ёмондан яхшига ўтиш учунгина келади, лекин унинг аксича бўлмайди. Шу икки [яхшилик ва ёмонлик] ҳолатининг турли мартабаларда бўлиши ишларнинг ҳам турлича бўлишини тақозо қилади. Чунки мизождлар ва таркибларнинг миқдор ва кайфияти бири-бирдан фарқли бўлади. Жон ва модданинг иккаласи томонидан [кутилган] истак тўла ҳосил бўлгунча, жоннинг ана шу хилда бир вужуддан кетиб, бошқасига кўчишига *таносух* дейилади. Аммо қуйи [яъни, материя] томонидан истакнинг тола ҳосил бўлиши материяда бор шаклнинг кетиши ва жон истамайдиган [яна бир шакл]нинг келишидан иборатдир. Юқори [яъни, жон] томонидан истакнинг тўла ҳосил бўлиши эса жоннинг билмаган нарсани билиб, ўз зотининг шарафли эканини материясиз тура олишини ва материяга эҳтиёжи йўқлигини аниқлаб, энди материяга қизиқиши қолмаганлигидан иборатдир. Лекин материянинг пастлигини, унинг шаклларининг ва сезилишидан ҳосил бўладиган нарсанинг давомли эмаслигини жон тамом бўлганидан кейин ва унинг лаззат ва роҳатларидан хабардор бўлганидан сўнг истак тўлиқ ҳосил бўлиб, жон материядан юз ўгиради, алоқа узилади, ора ажралиб, жудолик ва узоклик тушади; жон илм саодатини қозониб, чиқиб келган жойига қайтади. Бу худди кунжут ўсимлиги гуллаб, уруғ бойлаганидан кейин ёғдан ажралмагани сингари оқил ва ақл билан билиб олинадиган – маъқул нарсалар бирлашиб, битта бўлиб кетади<sup>129</sup>.

Ҳиндларнинг китобларидаги шу бобга тегишли очиқ сўзларини ва шунга ўхшаш бошқаларнинг ҳам сўзларини айтиб ўтишимиз керак.

Васудева билан Аржуна иккаласи икки саф [қўшинлар] ўртасида турганида Васудева Аржунани [душман билан] уришишга қизиқтириб мана бундай деган: «Агар сен илгарида бўлган ҳукм [тақдир]га ишонсанг, улар [яъни, душманлар] ва бизлар ҳам ўлмаймиз ва қайтмайдиган бўлиб кетмаймиз. Чунки руҳлар ўлмайдилар ва ўзгармайдилар. Шунчаки, жон одамларнинг болалик, йигитлик, кексалик, сўнгра натижаси ўлиш бўладиган чолликдан иборат вужудларида келиб-кетиб юрадилар, кейин [келган жойларига] қайтадилар<sup>130</sup>.

У яна шундай дейди: «Жон абადий бор, у туғилмайди, ҳалок ва йўқ бўлмайди, || (26) балки барқарор туради; уни қилич кесмайди, олов куйдирмайди,

сув чўқтирмайди, шамол қуритмайди; лекин киши эскирган кийимни янгига алмаштиргани сингари, жон кексайган тана аъзоларидан бошқасига кўчади, деб тушунадиган киши ўзини қандай қилиб ўлиш ва ўлдирилишини эсига олади? Шундай экан, ҳалок бўлмайдиган жон учун ғам чекишингни нима кераги бор? Агар жонсиз қолган вужудга қараб унинг бузилганига ачинсанг, [шуни билиб олгинки] ҳар бир туғилувчи ўлажак ва ҳар бир ўлик қайтадан тирилажак. Бу иккаласи сенинг ишинг эмас, фақатгина Тангриники, ҳамма нарса Тангريدан ва ҳамма нарса унга қайтиб боради»<sup>131</sup>.

Васудеванинг сўзи орасида Аржуна унга шундай дейди: «Сен Браҳма шундай қилиб уришишга қандай журъат этдинг? У оламдан олдин, башариятдан илгари пайдо бўлган-ку! Сен бўлсанг, туғилган вақти ва ёши маълум, орамиздаги бир инсонсан».

Шунда Васудева унга жавоб бериб бундай деди: «Аммо борлиқнинг вақтда давомийлиги сенга ҳам, менга ҳам, Браҳмага ҳам баробар – умумийдир; ҳаммамиз неча мартадан тирилганмиз. Ўша вақтларимни аниқ билганман, [лекин] улар сенга яширин. Қачон мен яхшилик қилишни қасд қилсам, ўзимга бирон инсон танасини кийганман – чунки инсон тусини олмай туриб, инсонлар билан бирлашиб бўлмайди»<sup>132</sup>.

Исмини мен унутган бир подшоҳ ҳақида шундай ҳикоя қилишади: шу подшоҳ ўлганидан кейин, ўз халқига, танасини ҳеч бир ўлик куйдирилмаган жойда куйдиришларини буюрган. Халқ шундай жойни қидиравериб чарчаган, охир денгиз сувидан кўтарилиб турган бир қояни топиб, энди излаган жойимизни топдик деганларида, Васудева уларга: «Шу подшоҳ мана шу қоя устида бир неча марта ёндирилган, энди хоҳлаган ишингизни қилаверинг. Чунки подшоҳнинг мақсади сизларга шуни билдириш эди, унинг тилаги амалга ошди», деган<sup>133</sup>.

Яна Васудева дейди: «Киши халос бўлишини истаб, дунёни ташлаб кетишга уринсаю, аммо дили унга бўйсунмаса, савоб олувчилар қаторида қилган амалига яраша савоб олади, камчилиги сабабли мақсадига эришолмайди. Лекин у киши дунёга қайтиб келади, кейин зоҳидликка махсус жинс қилиб [танасига лойик кўрилиб] киргизилади; муқаддас илҳом унга бошқа бир танада муваффақият бериб, ниҳоят, у аста-секин аввалги танада тилаган мақсадига эришади; дили ҳам унга бўйсунди ва кетма-кет туғилиш натижасида кўп вужудларда тозаланиб, охир халос бўлишга эришади»<sup>134</sup>.

Васудева яна шундай дейди: «Агар жон материядан ажралса, илмли бўлади; материя кирса, булғаниб илмсиз бўлиб қолади; ўзини фоила [яъни, ишловчи] ва дунё ишлари ўзи учун белгилаб қўйилган, деб гумон қилиб дунё ишларига тутинади; сезилувчи нарсалар унда нақш олади, танадан ажралганида, унда сезилувчиларнинг излари қолади, ундан тамом ажралиб кетмайди; жон материяга мушток бўлиб, унга яна қайтади. Жоннинг шу аҳволда бир-бирига зид ўзгаришларни қабул қилиши унга бирламчи учта кучни ҳамиша бирлаш-

тириб қўяди; бу каноти кирқилган жон ишга яроксиз бўлса, энди нима ҳам қилар эди?»<sup>135</sup>.

Васудева яна шундай дейди: «Расо олим || (27) бўлган киши инсонларнинг энг фазилатлисидир; чунки у худони, худо эса уни дўст тутади; у, қайта-қайта ўлиб тирилган; у бутун умрида камолотни талаб қилиб, ниҳоят унга етишган»<sup>136</sup>.

Маркандея, «Вишну-дҳарма»да<sup>137</sup> руҳонийларни баён қилганида: «Брахма Маҳадева ўгли Карттикея ва [ёқимли нарсаларни] денгиздан [юзгага] чиқарувчи Лакшми Маҳадева урган Дакша, Маҳадева хотини Умадеви – улар ҳаммаси шу калпанинг ўртасида яшаганлар; улар кўп марта шу ерда бўлганлар»<sup>138</sup>, деди.

Вараҳамиҳира кометаларнинг ҳукмлари ва улар кўринганида одамларга турли қийинчиликлар етишиб ватанларидан чиқиб кетишга мажбур бўлишлари тўғрисида шундай деган: «Одамлар касалликдан озиб, бало ва офатдан доду фарёд қилиб, ватанларидан чиқиб кетадилар; ёш болаларини етаклаб бораётганларида: «Биз, подшоҳларимизниг гуноҳлари сабабли балога қолдик; балки бу, ана шу тана аъзоларига киришдан илгари дастлабки уйда [танада] қилган ишларимизниг жазоси бўлса керак», деб бир-бировлари билан савол ва жавоб қиладилар»<sup>139</sup>.

Моний Эроншаҳрдан<sup>140</sup> ҳайдалганида Ҳиндистонга кирди ва хиндлардаги таносухни ўз динига жалб қилди. Моний, «Сирлар китоби»<sup>141</sup> номли китобида «Исо алайҳиссаломнинг ҳаворийлари жонларнинг ўлмаслигини ҳамма шаклга мос бўлиб, уларга киришиб, ўрнашиб табиий бўлиб кетишини ва ҳамма шакл кўринишида бўлиб, уларнинг бўшлиқларига ҳам қуйилишини билгач, ҳақни қабул қилмаган, ўзининг аслини танимаган жонларнинг оқибати нима бўлишини Исодан сўраганларида, Исо Масих шундай деган: «Ҳақнинг томонидаги ҳужжатларни қайси жон қабул қилмаса, у ҳалок бўлади, унга роҳат йўқ».

Монийнинг ҳалок бўлади дейишидан мақсади, йўқ бўлади дейиш эмас, балки азоб чекади дейишдир. Чунки Моний яна шундай деган: «Бардесан<sup>142</sup> тарафдорларининг жоннинг кўтарилиши ва тозаланиши одамнинг ифлос ва бадбўй бадани орқали бўлади. Ифлосликнинг жонга душман эканини, жоннинг кўтарилишига унинг тўсқинлик қилишини билмадилар. Ҳолбуки, инсон тана аъзолари жон учун қамоқ ва аламли азобдир. Одамнинг шу шакли ҳақ бўлса эди, яратувчиси уни кексайиб зарарланишга қўймас ва уни, бачадонлардаги эрлик уруғи орқали наслланишга муҳтож қилмас эди».

Аммо «Патанжала» китобида айтилган: «Жоннинг боғланишидан иборат бўлган билимсизлик ипларига ўралиб қолиши, гуручнинг ўз пўсти ичида туришига ўхшайди; чунки гуруч, пўсти билан бирга турганида униб-ўсишга ва ўриб олишга мойил бўлади; қачон пўсти тозаланса, гуручлигича қолаверади. Қилинган иш учун бериладиган мукофотга келсак, у, жон келиб-кетиб тура-

диган мавжудот жинсларида умрнинг узун ва қисқалиги, яшаш тарзидан иборатдир».

Ўқувчи сўради: «Рух савоб ва гуноҳлар орасида [бир вужудга] келиб, кейин туғилганлар жинсига қараб, неъматга ёки жиноят қилишга дуч келиб қолса, унинг ҳоли қандай бўлади?» деди. Мураббий жавоб берди: «Илгари || (28) қилган ишига ва касбига яраша роҳат ва қийинчилик орасида келиб кетади, алам ва лаззат ўртасида биридан иккинчисига ўтиб юради», деди.

Ўқувчи сўради: «Инсон [руҳи] мукофотга сазовор амални бир вужудда қилса, ундан кейинги вужудда эса шундай амал қилингани билан мукофот берилмайдиган бўлса ёки агар икки ҳолат орасидаги замон узоқлашиб, мукофотни келтирадиган амални қилиш унутилган бўлса, унда қандай бўлади?».

Мураббий жавоб берди: «Амал ҳамиша руҳ билан бирга; чунки уни руҳ ишлайди, тана аъзолари эса руҳ учун қурол ва воситадир. Руҳга тегишли нарсаларда унутилиш бўлмайди, чунки руҳ муддат яқинлигини ва узоқлигини такозо қиладиган замондан сиртда бўлмайди. Амал ҳамиша руҳ билан бирга бўлганидан руҳнинг хулқи ва табиати бўлиб қолади ва руҳ шу табиати билан биргаликда [мукофотни келтирадиган] ҳолатга кўчиб ўтади. Демак, жон шундай софлиги сабабли ўша ҳолатни билади, эсида тутати ва уни унутмайди. Лекин тана аъзолари билан бирлашганда, унинг хиралиги сабабли нури бекилиб қолади. Шу руҳ бир нарсани таниб ва билиб эсида тутган, кейин унга жиннилик ёки бирон касаллик, ёки дилини қорайтирган мастликка илакишиб, ҳалиги нарсани унутган одамга ўхшайди. Кўрмайсанми, болалар ва ёшларга узун умр тилаб, дуо қилинса, улар шодланадилар; умринг қисқа бўлсин, деб қарғалса, хафа бўладилар? Улар, мукофот учун ўтмиш замонларда, бир вужуддан иккинчига кўчиб ҳаётнинг ширинлигини тотмаган, ўлимнинг аччиқлигини билмаган бўлсалар, қандай қилиб олқиш ва қарғишнинг улар учун яхши ва ёмон таъсири бўлмас эди»<sup>143</sup>.

Юнонлар шу эътиқодда ҳиндларга мувофиқ эдилар. Сукрот «Федон» номли китобида бундай деган: «Қадимгилар айтганларини бизга баён қилишларича, жонлар шу ердан Айдга борадилар, кейин яна шу ерга қайтиб келадилар, тириклар ўликлардан пайдо бўладилар, ҳамма нарсалар зидларидан вужудга келадилар. Демак, ўлган кишилар тириклар орасида бўладилар, бизнинг жонларимиз эса Айдда туради. Ҳар бир инсоннинг жони маълум бир нарсдан хурсанд бўлади ва хафа бўлади; ўша нарсани у ўз руҳи деб билади. Шодлик ва ҳафалиқдан шундай таъсирланиш жонни вужудга боғлайди ва бириктириб, инсон танаси суратига киргизади. Тоза бўлмаган жоннинг Айдга бориши мумкин бўлмайди. Балки жон ўзи тўлғазиб турган инсон танасидан чиқади. Ҳатто у дарров бошқа инсон танасига киради, гўё шу инсон танасига омонат қилиб жойлаштирилади. Шунинг учун бу нопок жонга ягона пок илоҳий жавҳар билан бирга бўлиш насиб бўлмайди»<sup>144</sup>.

Сукрот яна бундай деган: «Жон [инсон тана аъзоларида] бўлиб турганида, бизнинг илм ўрганишимиз ўтган замонда ўрганганимизни [қайтадан] эслашдан бошқа нарса бўлмайди. Чунки жонларимиз шу инсонлик суратига айланишдан илгари бирон жойда бўлганлар. Агар одамлар болалик чоғларида ишлатиб, одатланган нарсаларини бировда кўриб қолсалар, бундан таъсирланиб, ёшликдаги ишларини эсга келтирадилар. Масалан, чанг созини кўрганларида, [болалик чоғларида] уни чаладиган ва улар унутган йигитлик чоғлари эсларига тушади. Демак, унутиш билимнинг кетишидан, илм эса жоннинг инсон танасига киришидан илгари ўрганганни эслашдан иборатдир»<sup>145</sup>.

Прокл айтган ёдга олиш ва унутиш онгли жонга хос ишлардир. «Онгли жоннинг ҳамиша мавжудлиги аниқ. Шундай бўлгач, унинг ҳамиша ҳам илмли, ҳам унутувчи бўлиши лозим бўлади; яъни у, инсон танасидан ажраганида илмли бўлиб, инсон танасига кирганида илмни унутади. Чунки онгли жон инсон танасидан ажраганида ақл макони бўлиб қолаверади. Жон инсон танасига кирганида, [вужуд] унинг устидан куч билан бир қадар ғалаба қозониб, уни ақлга маконлик мартабасидан пастга туширади»<sup>146</sup>.

Сўфий маслагидигилардан «дунё фоний, охират абадий», деювчилар ана шу Прокл айтган маънога яқин борадилар. Улар, Худонинг осмон, арш, курси каби маконларда бўлиши мумкин дейдилар. Сўфийларнинг баъзилари Худонинг ҳамма оламда – ҳайвон, ўсимлик ва жонсиз мавжудотларда бўлиши мумкин дейдилар. Буни Худонинг «ҳамма нарсада кўриниб туриши» деб атайдилар. Буни мумкин дейишлари сабабли, уларнинг фикрича, жонларнинг кетиб-келиб инсон тана аъзоларига жойлашишлари [яъни, таносух]да хавфхатар бўлмай қолади.

## VI БОБ. МАҲШАР, ЖАННАТДАН ИБОРАТ МУКОФОТ ВА ДЎЗАХДАН ИБОРАТ ЖАЗО ЎРИНЛАРИ ҲАҚИДА

[Ҳиндлар] оламни лока<sup>147</sup> деб атайдилар. Оламнинг дастлабки бўлиниши юқори, қуйи ва ўрта оламга бўлинади. Юқори олам – Сварлока дейилиб, бу жаннатдир. Қуйи олам – Нағалока дейилади, яъни «илонлар олами» бу дўзахдир; буни Наралока ҳам дейилади, баъзан уни Патала, яъни «энг қуйи олам» деб аталади<sup>148</sup>. Аммо биз яшаётган ўрта оламни Мадҳиалока ва Манушиалока, яъни «инсонлар олами» деб аталади<sup>149</sup>. Бу, ўрта оламда инсон бирон нарсага эришади, юқори оламда мукофот олади ва қуйи оламда жазо олади. Мукофот жазога лойиқ бўлган киши қилган ишининг муддатига кўра, белгиланган муддатда ўша ишига яраша юқори ёки қуйи оламда мукофот ёхуд жазо олади. У икки оламнинг ҳар бирида бўлиш фақат вужудидан ажратилган руҳга хосдир.



Жаннатга кўтарилишга ёки дўзахга тушишга лойиқ кўрилмаганлар учун ҳам йиғиладиган бошқа махсус лока бор. Уни Тирияглока<sup>150</sup> дейилади. Лойиқ кўрилмаганлар ўсимликлар ва сўзламайдиган ҳайвонлар бўлиб, жон тано-сух йўли билан уларнинг танасида юради, охирида энг паст ҳисобланадиган ўсимлик мартабасидан аста-секин сезувчанликнинг энг олий мартабаси ҳисобланадиган инсон танасига ўтади. Улар икки сабабдан: ё савоб ва азоб бериладиган жойдан олган мукофотлари миқдорининг камлигидан, ёки дўзахдан қайтиб келганликларидан Тирияглокада бўладилар.

Демак, ҳиндлар тушунчасига кўра, дунёга қайтган руҳ биринчи мартаёқ инсон танасига киради, аммо дўзахдан дунёга қайтган руҳ инсон мартабасига эришгунига қадар ўсимликлар ва ҳайвонлар танасида кўчиб юради.

Ҳиндлар ўзларига етиб келган хабарларида кўп дўзахлар ҳақида гапирадилар, уларга ҳар хил сифатлар ва исмлар берадилар; гуноҳнинг ҳар бир хили учун дўзахлардан махсус жой белгилайдилар. «Вишну-пурана»да дўзахлар саксон саккиз мингта<sup>151</sup> дейилган. Унда айтилганлардан ушбуларни келтирамиз:

«Ёлғон даъво қилувчи, ёлғон гувоҳлик берувчи, буларнинг икковига ёрдамлашувчи, одамларни масҳара қилувчилар Раурава дўзахига борадилар».

«Ноҳақ қон тўккан, одамларнинг ҳақларини зўрлик билан олган, уларни талон-торож қилган ва қорамолни ўлдирганлар Рўдха дўзахига борадилар; [бировага] гина ва душманлик қилувчи ҳам Рўдхага боради».

«Брахманни ўлдирган, олтин ўғирлаган, [ёки] шуларга ҳамкор бўлган, || (30) фуқароларига қарамайдиган амирлар, устозининг оиласини зино қилувчи, қайнсинглиси билан пинҳоний муносабатда бўлганлар дўзахлардан Таптакумбҳага борадилар».

«[Бойлик орттириш] тамалида хотинини бузукликка ундовчи, ўз ўғлининг хотинини зино қилувчи ёки боласини сотувчи, ёки молини ўзига сарфлашга кўзи қиймай, бахиллик қилган киши – Маҳожволага боради».

«Устозига гап қайтарувчи, ундан рози бўлмаган, одамларга ҳақорат назари билан қаровчи, тўрт оёқли ҳайвонлар билан жинсий алоқада бўлувчи, «Веда» ва «Пурана»ларни ҳақорат қилувчи ёки уларни бозорларда олиб сотиб фойдаланувчилар Шавалага борадилар».

«Ўғри, товламачи, одамлар юрган тўғри йўлга қарши киши, ўз отасини ёмон кўрувчи, Тангрини ва инсонларни дўст тутмайдиган, Тангри азиз қилган қимматбаҳо тошларни ҳурмат қилмай, уларни бошқа тошлар билан баробар кўрувчилар Кримишага борадилар».

«Ота-боболарининг ҳуқуқларини улуғламайдиган, фаришталарни керагича ҳурмат қилмайдиган, ўқлар ва найзалар ишлаб чиқарадиганлар Лалаб-ҳақшага борадилар».

«Қилич ва пичоқ ясовчи» Вишасанага боради».

«Хукмдорларнинг эҳсонларини тама қилиб, бойлигини беркитувчи ва гўшт, ўсимлик ёғи, мол ёғи, нон хўриш ёки узум шаробини сотган браҳман – булар Адўмуқхага борадилар».

«Товуқлар, мушуклар, қўйлар, чўчқалар ва қушларни боқиб семиртирувчи Рудҳирандхага боради».

«Турли ўйинчилар, бозорларда баланд товушда шеър ўқиб юрувчилар, қудуқ қазиб сув олувчилар, одамларнинг уйларига ўт қўювчи, дўстини алдаб, унинг молини қўлга олиш умидида кафил турувчилар Рудҳирага борадилар».

«Ари уясидан асал йиғувчи Вайтаранага боради».

«Ёшлик ғурури билан кишилар қўлидан молларини ва хотинларини зўрлик билан олувчи Кришнага боради».

«Дарахтларни кесувчи Асипатраванага боради».

«Овчи, қопқон ва тузоқлар ясовчи Ваҳнижалага боради».

«Урф-одатларга эътибор қилмайдиган, қонунларни бузувчи гуноҳкорларнинг энг ёмони бўлиб, Сандамшакага боради»<sup>152</sup>.

Ҳиндлар, ёмон деб ҳисоблайдиган баъзи гуноҳларни ўқувчига билдириш учун ана шуларни санаб ўтдик.

Ҳиндларнинг баъзилари инсонлар дунёси махсус ўрта дунё эканига ва бунда [руҳнинг] мукофотга ҳам, жазога ҳам етишолмай, жасаддан жасадга ўтиб юришига эътиқод қилади; кейин қилинган яхши амалга яраша бир муддат кўринган неъматни жаннат деб, буни ўрта дунёдан юқорида деб эътиқод қиладилар; руҳнинг ўсимликлар ва ҳайвонларга кўчиб юришини, ёмон амалга яраша бир муддат учратилган азоб ва уқубат деб, буни ўрта дунёдан қуйида деб эътиқод қиладилар ва башарият даражасидан мана шундай қуйига тушиб кетишни дўзах деб тушунадилар.

Шуларнинг || (31) ҳаммаси банддан кутулиш учун бўлиб, кутулишнинг талаби баъзан аниқ илмга олиб борадиган йўлда бўлмай, балки гумон, тақлид йўлларида бўлади. Охири кутулишдан иборат бўлган ҳеч бир руҳнинг амали [мукофотсиз] бекор қолмайди – яхши ва ёмон икки турли касбга ўлчаниб мукофот берилади. Лекин ҳиндлар жазо ва мукофот мақсадга яраша бўлиб, руҳ унга бир неча маротабада эришади: ё ўзи турган вужудда, ё кўчиб ўтадиган вужудда ёки турган вужудидан кейин бошқа вужудга киришидан илгари [эришади], деб эътиқод қиладилар<sup>153</sup>.

Ана шу эътиқод уларнинг назарий баҳсдан диний хабарга қараб юз ўгирган жойларидир; диний хабар: мукофот ва жазо бериладиган иккита жойнинг борлиги, руҳнинг вужудсиз у жойларда бўлиши, амалининг мукофотини тамомила олгандан кейин, ўзига белгиланган нарсага қобилиятли бўлиш учун инсон танасига қайтишидан иборатдир. Шунинг учун «Санхья» китоби муаллифи жаннат мукофотини яхши деб санамаган ва бунга қуйидаги сабабларни кўрсатган: «Жаннат мукофоти абадий қолмайди, ўтиб кетади.

Жаннатда ҳам дунёдаги сингари бир-бири билан фахр талашиш, бир-бирини кўролмаслик бўлиб туради. Чунки даража ва мартабалар бир-биридан ортиқкам бўлади; душманлик ва ҳасрат чекиш ҳамма бир текис бўлгандагина йўқ бўлади».

Аммо сўфийлар маслагигагилар ҳам бошқа жиҳатдан, Ҳақдан [Худодан] бошқа нарса билан овуниш, холис яхшилиқни қўйиб, бошқа нарса билан машғул бўлиш жиҳатидан жаннат мукофотини яхши деб санамайдилар.

Ҳиндларнинг фикрига кўра, мана шу икки жойда [яъни, жаннат ва дўзахда] руҳнинг жисмийликдан холи эканини биз юқорида айтиб ўтдик. Лекин бу қараш фақат юқори табақаларга хос бўлиб, улар руҳни ўзича мустақил тура олади, деб тасаввур қиладилар. Аммо мартабалари қуйи кишилар руҳни танасиз тура олади, деб тасаввур қила олмайдилар ва бу тўғрида уларнинг тушунчалари ҳам турличадир. Шулардан баъзиларининг фикрича, руҳнинг ўзи учун тайёрланадиган янги инсон танасини кутиб туриши кексайган инсон танасидаги ўлим жон талвасаси билан рўй беради: шунда руҳ, ўзи турган кексайган инсон танасидан ажралмай туради, лекин феъли ва касби ўша инсон танасиникига ўхшаш алоқа ўрни вужудга келгандан кейин ажралади. Бу алоқа ўрни табиат томонидан бачадонда ҳосил бўладиган боладан ёки тупрок орасидан ўсиб чиқадиган уруғдан иборат бўлади; ана шу пайтда руҳ ўзи турган танадан ажралади.

Баъзилари, ўзларига етиб келган хабарларга қараб шундай дейди: «Рух, ўзи учун тайёрланадиган танани кутмайди, унсурлар таркибидан тана тайёрланиши биланоқ ўзининг латифлиги сабабли турган танадан ажралади, шу тайёрланган тана ативахика<sup>154</sup>, яъни тез пайдо бўлувчи деб аталади. Чунки бу тана туғилиш тариқасида вужудга келмайди. Бу танада – хоҳ унга мукофот, хоҳ унга жазо бериладиган руҳ танаси бўлса, барибир, бир йил кам ҳосиллик бўлади. Шу бадан [дунёдаги] касб [яъни, машғулот] билан [охиратдаги] мукофотга эришиш ўртасида барзах<sup>155</sup> каби бўлиб туради. Шунинг учун вафот этган кишининг меросхўри у кишига атаб бир йиллик таъзия, расму русумини адо этади; йил тугаши билан расму русум ҳам тугайди. Чунки руҳ айни пайтда ўзи учун тайёрланган жойга кетади<sup>156</sup>.

Биз ҳам шу ерда уларнинг китобларидан ўшандай тушунчаларни очиқ-ойдин билдирадиган сўзларни баён қиламиз. «Вишну-пурана»да шундай деб ёзилган: Майтрея Парашарадан, дўзахдан ва ундаги азобу укубатдан гараз нима?» деб сўраганида, Парашара жавоб берди: «Яхшини ёмондан, билимдонни билимсиздан || (32) ажратиш ва адолатни кўрсатиш учун дўзах азоби барпо қилинган; ҳар бир гуноҳкор ҳам дўзахга киравермайди. Чунки баъзи гуноҳкорлар ўлишидан бурун тавба қилиб ва каффоратлар бериб дўзахга кирмай қолади. Ҳар бир ишда ҳамиша Вишну номини айтиш каффоратларнинг энг улуғидир. Баъзи гуноҳкорлар[нинг руҳлари] то [мукофотга] ҳақли

бўлгунича ўсимликлар, анко қушлар таналарида битлар ва куртлардан иборат хор ва ифлос ҳашаротлар таналаридан кўчиб юрадилар»<sup>157</sup>.

«Санкхия» китобида шундай ёзилган: «Аммо юқори оламга кўтарилишга ва мукофотга ҳақли бўлган киши[нинг руҳи] фаришталарнинг биттасидек бўлиб, руҳоний [фаришталар бўлмиш] – осмон аҳли билан бирлашади. Ёки саккизта руҳоний жинсларининг биридек бўлиб кетади. Гуноҳ юқларининг оғирлиги сабабли қуйи оламга тушишга лойиқ кишининг руҳи ҳайвон ёки ўсимлик танасига киради ва мукофот ҳақли бўлгунича биридан иккинчисига ўтиб юради; шундай қилиб, қийинчиликдан қутулади ёки ўша руҳнинг ўзи ақлга эга бўлади ва ўрнашиб олган ўрни [яъни, жасадни] бўшатиб, халос топади»<sup>158</sup>.

Калом илми олимларидан таносухга мойил бўлганларнинг бири шундай дейди: «Таносух тўрт поғонага бўлинади:

[1] Кўчирилиш, яъни инсоният жамияти ичида авлодларни давом эттириш, чунки бунда шу йўл билан жон бир шахсдан бошқасига кўчирилади.

[2] Бунинг тескараси алмашилишидир, яъни қиёфа ўзгарилиши бу инсонлар учун хос бўлиб, улар маймун, чўчка ва фил суратига киргизиладилар.

[3] Сакланиш ўсимлик каби бўлиб, у бир ҳолатда собит ва барқарор сақланади. Сакланиш кўчирилишга кўра пишиқроқ бўлади, чунки ўсимлик узок вақт тоғ сингари бир жойда сақланиб туради.

[4] Тугалиш, яъни бузилишидир. Бу узиб олинган ўсимлик ва сўйилган ҳайвонга хос бўлади, чунки бундан кейин улар йўқ бўлиб кетиб, ўзидан кейин бирон нарса қолдирмайди»<sup>159</sup>.

...Лақабли<sup>160</sup> Абу Яъқуб ас-Сижизий «Кашф ал-махжуб» деган китобида: «Навлар [ўзгармай] сақланиб қолади; навларнинг ҳар бирида таносух вужудга келади; аммо бир навдан бошқа навга ўтмайди», деган фикрга борган. Юнонлар ҳам шу фикрда эдилар. Чунки Иоанн Грамматикнинг Платондан ҳикоя қилишига кўра, «Платон сўзловчи нафслар тўрт оёқли ҳайвонларнинг жасадларига киради», деб Пифагор сафсатасига эргашган экан<sup>161</sup>.

Сукрот ўз «Федон»ида шундай деган: «Тана ерга тегишли бўлиб, оғир ва каттадир; танани севадиган руҳ суратсиз нарсдан ва жонлар йиғиладиган жой – [Аид]дан кўрқиши сабабли тикилиб қараб турган жой [яъни, тана]га тортилиб кўчирилади; шунда булғаниб қабристон ва ўлик кўмиладиган жойлар теваарагида айланиб юради; ўзига манзур бўлган танадан бутунлай холи бўлмаган, балки унинг айрим бўлаги ўзида қолган соя ва хаёл суратидаги бирмунча руҳлар ўша теваарақда унга кўринадилар<sup>162</sup>. Сукрот яна бундай деган: «Булар яхши таналарнинг руҳлари бўлмай, балки ёмон таналарники бўлса керак, аввалги ғизоларининг ёмонлиги сабабли интиқомга учраб, шу соя ва хаёл суратида ҳайронликда қоладилар, ўзлари эргашган жисмининг сурати сингари бир суратни яна ёктириб, унга боғлангунларича доимо шундай

аҳволда бўладилар ва оламдаги инсон танаси ахлоқига ўхшаган таналарга боғланадилар. Масалан, ейиш ва ичишдан бошқани билмаган киши эшаклар ва йиртқич ҳайвонлар жинсига киради; оламда зулм ва жабр қилган киши бўрилар, лочинлар ва калхатлар жинсига киради»<sup>163</sup>.

Сукрот ҳамма рухлар йиғиладиган жойлар тўғрисида шундай дейди: «[Ўлганимда] аввало, || (33) доно, ҳурматли ва яхши худолар ҳузурига, ундан кейин, ўлиб кетган ва бу дунёдаги кишилардан кўра яхшироқ инсонлар ҳузурига боришимни билмаганимда, бўлажак ўлимга хафа бўлмаслигим адолатсизлик бўлар эди»<sup>164</sup>.

Мукофот ва жазо бериладиган икки жой хусусида Сукрот яна шундай дейди: «Инсон ўлганида ажина, яъни дўзах қўриқчиларидан бири, унинг руҳини ҳаммани йиғиб ҳукм қилинадиган жойга олиб боради; у ерда йиғилган рухлар билан бирга йўлбошчи Аидга олиб боради. Ниҳоят, шундан кейин руҳ керагича кўп замон ва узоқ даврлар бўйи шу жойда туради. Телеф: «Аиднинг йўли тўғри» деган. Менимча: йўл теп-текис ёки битта бўлса, йўлбошловчига эҳтиёж қолмайди-ку! Жасадни севадиган ёки ўлдирувчи нафслар сингари ёмон ва адолатсиз иш қилган жон эса, у ердан қочиб кўп замонлар ўтгунича, ҳар бир навда жойлашиб юради, сўнгра зарурат юзасидан [уни тутиб] ўзига мос келадиган бир жойга келтирилади. Покиза жонга келсак, у худоларга айланган ҳамроҳлар ва йўлбошчиларга дуч келиб, ўзига муносиб ўринга жойлашади»<sup>165</sup>.

Сукрот яна шундай дейди: «Ахлоқи ўртача бўлган ўликлар Ахеронда ўзлари учун тайёрланган кемага минадилар; улардан ўч олиниб тозалангач, ювиниб, қилган яхши амалларининг ўзларига яраша иззат ва шарафини қабул қиладилар. Аммо худоларга аталган қурбонликлардан ўғирлаш ёки ҳурматли мол-мулкларни босиб олиш, ёки қонун-қоидаларга ҳилоф равишда зулм қилиб, қасддан бир неча марта одам ўлдириш каби катта гуноҳ қилганлар Тартарга ташланиб, абадий ундан чиқарилмайдилар. Аммо ота-онага ғазаб қилиб, гуноҳкор бўлиш ва хато қилиб одам ўлдириш каби гуноҳларига умр бўйи пушаймон қилган, охир натижада, гуноҳлари ўша катталиқ даражасидан кичрайган Тартарга ташланиб, тўла бир йил шунда азоб чекадилар. Кейин тўлқин уларни бир жойга ташлайди; улар шу ердан хусуматчиларини чақириб, азоблардан қутулишлари учун шу олинган ўч билан чекланишларини илтимос қиладилар; хусуматчилари рози бўлсалар, жуда яхши, бўлмаса яна Тартарга қайтариладилар; хусуматчилар улардан рози бўлгунича, ҳамиша шундай ранж ва азоб чекадилар. Яхши ахлоқлилар шу ернинг ҳалиги азобли жойларидан қутуладилар, тутқунликлардан озод ва роҳатда бўлиб, ниҳоятда тоза ерга жойлашадилар»<sup>166</sup>.

Тартар – катта ёриқ ва анҳорлар оқиб тушадиган жуда чуқур жарлик. Ҳар бир киши охираат азобини ўз халқи ўртасида машҳур бўлган энг қўрқинчли сўзлар билан ифодалайди. Ғарб томонида сувлар тагсиз чуқурларга тушиб

йўқолади, турли тўфон офатлари бўлиб туради. Гарчи Платон Тартарни олов алангаланишига далолат қиладиган сифатни берса-да, гўё бу сифатдан денгиз ёки гирдобли ичида дурдур<sup>167</sup> бор чуқур дарёни айтмоқчи бўлади. Ана шу сўзлар, ҳеч шубҳасиз, ўша замон кишиларининг ўз тушунчаларини ифода-лашда ишлатган ибораларидир.

## **VII БОБ. БУ ДУНЁДАН ХАЛОС БЎЛИШНИНГ УСУЛИ ВА БУНГА ОЛИБ БОРАДИГАН ЙЎЛНИНГ ТАВСИФИ ҲАҚИДА**

Жон бирон сабаб билан оламда банд бўлганида, албатта, ўша сабабнинг зидди билан бандликдан қутулади. Лекин ҳиндлар мазҳаби || (34) ҳақида юқорида ҳикоя қилганимиздек, улар, бандликнинг сабаби билимсизлик, деб тушунадилар. Демак, жон нарсаларни атрофлича билиб, биридан-бирини ажратадиган бўлганида, шак-шубҳасиз кетиб, текширишга эҳтиёжи қолмаганда банддан халос бўлади<sup>168</sup>. Чунки у, мавжудотни бир-биридан ажратиб билгач, ўз зотини, ўзининг доимий шарафга эга ва материянинг ўзгариб йўқ бўлувчи эканини билгач, материяга эҳтиёжи қолмайди. Яхши ва лаззатли деб гумон қилгани аслида ёмон ва машаққатли эканини аниқ билади ва ҳақиқий билимга эга бўлиб, материядан чиқади. Натижада, жоннинг материя орқали қилаётган иши тўхтаб, иккаласи бир-биридан халос бўлади.

«Патанжала» китобининг муаллифи шундай деган: «Фикрни фақатгина Худонинг якка ва ягоналигига юргизиш кишининг машғул бўлмаган нарсасини билишга уринтиради. Худони истаган киши ҳамма махлуқотга яхшилиқни истайди, бирон сабаб билан ҳеч бир кишини истисно қилмайди. Бошқани унутиб, ўз жони билан машғул бўлган киши ўзи учун тортилиб ва чиқарилиб турадиган нафас яратолмайди. Ҳаммага яхшилиқни ишаш даражасига етган кишининг нафсоний қуввати, тана қуввати устидан ғалаба қилса, у кишининг саккиз нарсага кучи етади ва у нарсалар сабабли [унинг руҳи] материя эҳтиёжсиз бўлиб қолади, кишининг билолмаган нарсасини билишга муҳтож бўлмаслиги мумкин эмас.

Саккиз нарсанинг биринчиси – баданни кўзларга кўринмайдиган даражада нозиклаштириш имконияти.

Иккинчиси – тикан, лой ва тупроқни фарқ қилмай, босиб юра оладиган даражада баданни енгиллаштириш.

Учинчиси – баданни кўрқинчли ва ажойиб суратда кўринарли қилиб ул-гайтира олиш.

Тўртинчиси – турли хоҳишларни амалга ошира билиш.

Бешинчиси – истаган нарсани била олиш.

Олтинчиси – истаган диний тоифаларга ўз хоҳиши билан бошлиқ бўла олиш имконияти.

Етгинчиси – кўл остидагиларнинг унга бўйсуниб, итоат қилишлари.

Саккизинчиси – у киши билан узоқ мақсадлари орасидаги олисликнинг йўқолишидир»<sup>169</sup>.

Тасаввуфчилар ҳам [худони] билиш даражасига етган ориф ҳақида шундай аломатларни баён қиладилар. Чунки уларнинг даъволарича, шундай орифда иккита руҳ ҳосил бўлади. Бири, қадим ва азалдан мавжуд руҳ бўлиб, ўзгармайди ҳам, турланмайди ҳам, [ориф шу руҳ орқали] ғайбни билади, мўъжиза яратади; иккинчиси эса башарият руҳи бўлиб, ўзгарадиган ва кейин пайдо бўлган руҳдир.

Ҳиндларнинг айтишларига кўра, «Киши ана шундай саккизта имкониятларга эга бўлганида, билолмаган нарсага эҳтиёжсиз бўлиб, аста-секин [тўрт] босқичдан ўтиб, излаганини топа олади.

Тўрт босқичнинг биринчисида – нарсаларнинг чегаралари маълум бўлмаса ҳам, исм-сифатлари ва тафсилотлари маълум бўлади.

Иккинчисида – бундан ўтиб, нарсаларнинг бўлақларини умумийлаштирувчи чегараларигача маълум бўлади, лекин бунда тафсилотдан холи бўлмайди.

Учинчисида – ўша тафсил йўқолади, нарсалар атрофлича билиниб, билувчи ва билинувчи бирлашади, лекин бу ҳолат замон ичида рўй беради.

Тўртинчисида – атрофлича билиш ҳолати замон ичида бўлмайди; кишининг бу ҳолатида нарсаларни танишда зарур восита бўлган исм ва лақабларга эҳтиёжи қолмайди. Шу ҳолатда ақл оқил [яъни, нафс] ақлга олинадиган – маъқул нарсада бирлашиб [ҳаммаси] битта нарса бўлиб қолади»<sup>170</sup>. Жонни [вужуддан] кутқазувчи илм ҳақида «Патанжала»нинг айтганлари ана шулардан иборат. Жоннинг халос бўлишини ҳинд тилида мўкша<sup>171</sup> деб атайдилар; бу «тамом» демакдир. Куёш ва Ой тутилганидан кейин бутунлай очилиб кўринганини ҳам мўкша дейдилар, чунки бу жараёнда тутилиш тугаб, бир-бирига ёпишган икки нарса ўртасида || (35) жудолик юз беради.

Ҳиндларнинг фикрига кўра, билиш ва сезиш органлари маърифат ва таниш учун яратилган. Баҳс ва суриштиришни кўзгатиши учун бу сезгиларда лаззат олиш хоссаси яратилган. Масалан, ейиш ва ичиш лаззати тотиш сезгисига берилган; чунки инсон танаси овқат билан яшайди; туғдириш орқали навни вужудга келтириш учун жинсий алоқа лаззати яратилган. Шахвоний ҳис бўлмаганида, ҳайвон ёки инсон навни мангу қолдириш учун бу икки ишни қилмас, [яъни] овқатланмас ва ишқи пинҳон қилмас эди.

«Гита» номли китобда шундай дейилган: «Инсон билиш учун яратилган. Илм ўрганиш ҳаммага баробар бўлганидек, инсонларга органлар ҳам бирдек берилган. Тана табиатан ишлашга шошилади, чунки тана табиатида илмга қаршилиқ бор; тана ҳақиқатда ранж ва аламлардан иборат лаззатларга берилиб, илмни бекитишга [ва ундан маҳрум қилишга] уринади. Илм эса тана

табиатини ўз холига қўйиб, куёш туткинидан ёки булутдан тозаланганидек, [жон]ни қоронғилиқдан тозалайди»<sup>172</sup>.

Булар Сукротнинг қуйидаги сўзига ўхшайди: «Жон тана билан биргаликда бир нарсани текшириб билмоқчи бўлса, шу пайтда тана томонидан алданади: лекин фикрлашиш натижасида айрим ҳақиқатлар унга равшан ва маълум бўлади; жон эшитиш ёки кўриш, ёки оғриқ, ёки бир қадар лаззат ё азият чекмай турган вақтида нарсаларни фикрлай олади. Ана энди ўзини таниб, кучи етганича танани ва у билан ҳамкорликни ташлайди. Демак, айникса, файласуфнинг жони танага ҳақорат назари билан қарайди ва ундан ажралишни истайди. Агар биз шу ҳаётимизда заруратдан бошқада танани ишлатмасак, унга ҳамкорлик қилмасак ва ундан фойдаланмасак, аксинча ўзимизни ундан тозаласак, илмсизликдан бўшаб, маърифатга яқинлашган пок зотлар бўлар эдик. Чунки худо бизни банддан бўшатгунича, биз ўзимизни таниган бўламиз. Ана шу тушунча тўғри ва ҳақиқат бўлишга лойиқдир»<sup>173</sup>.

Яна [хинд] фикрларини [«Гита» китобидан] баён қилишга қайтамыз. «Шунингдек, [тотиш сезгисидан] бошқа сезгилар ҳам маърифат учун яратилганлар, ориф сезгиларни турли маърифатларда ишлатиб лаззатланади. Ҳатто сезгилар орифнинг жосус ва хабарчилари бўлиб, у ўша жосуслар орқали вақти-вақти билан нарсаларни билиб туради. Энди қалбга хизмат қиладиган сезгилар фақатгина ҳозирда бор нарсани билади; қалб эса ҳозирги нарсани фикрга олади, ўтиб кетганни эслайди. Табиатан ҳозирги нарсани эгаллайди, ўтмишда ҳам шундай эгалик қилганини даъво қилади; келгусида ҳам ғалаба қозонишга тайёрланади. Ақл эса, ҳеч қачон вақт ва замонга боғланмай, нарсаларнинг ҳақиқатини била олади; ўтмиш ва келажакдаги нарсалар ҳам унга баробардир. Ақлнинг энг яқин ёрдамчиси тафаккур ва табиат, энг узоқ ёрдамчиси бешта сезгидир. Сезгилар билинганлардан бир бўлагини фикрга етказса, фикр уни сезги янглишларидан тозалаб, ақлга топширади, руҳ шу билан олимликка айланади»<sup>174</sup>.

[Ҳиндларнинг флорига кўра] илм уч йўлнинг бири билан ҳосил бўлади. У йўлларнинг биринчиси шуки, илм илҳом билан замонсиз ва фурсат ўтмай, балки туғилибоқ ҳосил бўлади. Масалан, ҳикматшунос Капила туғилишдаёқ илм ва ҳикмат эгаси бўлиб туғилган. Иккинчи йўл шуки, илм бир озгина вақтдан кейин илҳом билан ҳосил бўлади. Масалан, Брахма болалари балоғатга етгач, уларга илм илҳом тариқасида берилган эди. Учинчи йўл шуки, илм ўрганиш орқали, бир қанча вақтдан кейин ҳосил бўлади. Бу худди бошқа ҳамма одамлар балоғатга етганларида таълим олиб, илмга эга бўлганларига ўхшайди»<sup>175</sup>.

Илм орқали || (36) халосга етишиш фақатгина ёмонликдан тийилиш билангина вужудга келади»<sup>176</sup>. Салбий хислатларга эга бўлишликнинг асоси тама, газаб ва илмсизликдир. Бу асослар иштаҳа ва газаб қувватларининг йўлбошчилигидан келиб чиқади. Бу икки қувват инсонга энг кучли ва энг



ҳалокатли душман бўлиб, улар инсонни таомланиш вақтидаги лаззат ва ўч олишдаги роҳат билан алдайдилар. Лаззат ва роҳат эса ранж ва гуноҳларга олиб боришга яқинроқдир. Уларга берилган инсон йиртқич ва тўрт оёқли ҳайвонларга, ҳатто шайтон ва иблисларга ўхшаб қолади.

Яна, бошқа қувватларни қўйиб ақлга мос келадиган нутқ қувватини эгаллаш билан ҳам илм ҳосил бўлади. Бу қувватга эга бўлган инсон Худонинг даргоҳига яқин турувчи фаришталарга ўхшайди.

Дунёнинг ишларини тарк қилиш икки хил: бири, дангасалик натижасида кейинга ташлаб, учинчи қувватнинг талабига кўра, билимсизлик қилиб тарк қилинади. Буниси мақсадга мувофиқ эмас, чунки бунинг оқибати ёмондир. Иккинчиси, танлаб, кўринарли қилиб, яхши ишдан кўра ортиғига эътибор қилинади, бунинг оқибати яхши бўлади.

Дунёнинг ишларини тарк этиш фақатгина узлатга чўкиш ва машғул қиладиган нарсалардан четда туриш билан тўла-тўқис бўлади. Шунда инсон сиртдан таъсир қилувчи нарсалардан сезгиларини тия олади. Ҳатто у орқасида бор нарсани ҳам билмайди; ҳаракатлари ва нафас олишини тўхтата олади. Шунга қараганда, хариснинг югуриши, югурганнинг чарчаши, чарчаганнинг ҳарсиллаши маълум. Демак, харисликнинг натижаси ҳарсиллаш бўлади. Харисликни ташлаган кишининг нафас олиши сув тагида қолиб, ҳавога эҳтиёжи қолмаган кишининг нафас олишига ўхшайди; ана шу пайтда қалб бир нарса устида қарор топади ва ҳолис бирликка олиб борадиган қутулишнигина талаб қилади<sup>177</sup>.

«Гита» китобида шундай дейилган: «Дилини фақатгина Худога бағишламай, турли нарсаларга паришон қилган, Худо учун ҳолис амал қилмаган киши қандай қутула олади? Ҳамма нарсадан фикрини қайтариб, ёлғиз Худони ўйлаган киши қалбининг нури, атрофи бекик жойда бўлиб, шамол кўзғатмаётган тиниқ мойчироқ нурининг барқарорлиги сингари турғун бўлади. Дилини Худога бағишлаган киши иссиқ ёки совуқнинг аламини ҳам сезмайди. Чунки у ягона Ҳақдан бошқани бекорчи ҳаёл деб билади»<sup>178</sup>.

Китобда яна шундай дейилган: «Дарёларнинг доимо денгизга қуйилиши унинг сувига таъсир кўрсатмаганидек, алам ва лаззат ҳислари ҳақиқий оламга таъсир кўрсата олмайди. Ана шу чўққига ҳеч ким кўтарила олмайди. Лекин иштаҳа ва ғазабини енгган киши, албатта, кўтарила олади»<sup>179</sup>.

Яхши ҳаёт тарзи, дин талаб этадиган хулқлар билан белгиланган бўлиб, афзалликлари кўп бўлса ҳам, уларнинг фикрича, асл ва асоси кўп маъноларни ўз ичига олган бирмунча ишлардан иборатдир. Улар: [1] ўлдирмаслик, [2] ёлғон гапирмаслик, [3] ўгирлик қилмаслик, [4] зино қилмаслик, [5] мол йиғмаслик, [6] доимо покиза ва озода юриш, [7] ҳамиша рўза тутиб, ўзини синаш, [8] Худони поклаб ва улуғлаб, ҳамиша ибодатда бўлиш, [9] бор қилувчи ва яратувчи сўзидан иборат ўм [авм] сўзини тилга эмас, доимо дилга олишдир<sup>180</sup>.

Ана шу ишларнинг кўп маъноларни қамраб олишига сабаб шуки, хайвонни ўлдирмаслик [1] – бир нав бўлса, унга озор бериш ва зарар еткизмаслик шундай кўп турни ўз ичига олган жинсдир; бунга бошқанинг молини босиб олиш [3] зимнида ёмонлик ва пастлик бўлганидан ёлғончилик [2] ҳам шу жинсга киради<sup>181</sup>.

Мол йиғмасликда чарчаш ва ортикча нарсани талаб қилиш бўлмайди, куллик хўрлигидан қутулиб, озодлик шарафига эришилади. Доимо ҳалол бўлган киши баданнинг ифлослигини ҳис қилиб, уни ёмон кўради: у софлик ва тўғрилиқни севади. Озиб ўзни қийнашда инсон тана аъзолари нозиклашади; унинг ёмон ишлари тўхтатилади ва сезгилари тозаланади. Масалан, Пифагор баданини бўяб, унинг эҳтиросли хоҳишларини амалга ошириб юрган бир кишига: «Сен ўз қамокхонангни маҳкам қилишда, банд ва боғичингни кучайтиришда камчилик қилаётганинг йўқ»<sup>182</sup>, деган.

Ҳамиша Худо ва фаришталар ёдда тутилса, улар билан дўстлик вужудга келади. «Санкҳия» китобида шундай дейилган: «Инсон, чегара ва ягона истак деб гумон қилганидан нарига ўтолмайди»<sup>183</sup>. «Гита» китобида шундай дейилган: «Инсон бир нарсани ҳамиша ўйлаб эслайверса, у ўша инсон табиатига ўрнашиб қолади, ҳатто ўйлашни мақсад қилмаса ҳам, ўша нарсани эслайверади. Инсоннинг жон бериш жараёни, албатта, севган инсонини эслашдан иборат бўлгани учун руҳ танадан жудо бўлганда севгани билан бирлашади ва ўшанинг ўзи бўлиб кетади»<sup>184</sup>. Яна қайтиб келувчининг севгани билан бирлашуви холис ва тугал халос топиш орқали содир бўлмайди. Шунга кўра, ўша китобда: «Ўлим олдида, Худо ҳамиша мавжуд ва ҳар бир иш яратганининг ҳукми билан, деб билган киши, мартабаси чин дўстлар мартабасидан кам бўлса ҳам, албатта, халос топади»<sup>185</sup>, дейилган.

Яна ўша китобда шундай дейилган, «Бу дунёдан қутулишни иста, ундаги жаҳолатлар билан алоқа қилма, олов қурбонликларини қилаётганда жазо ва мукофотни тама қилмай, холис Худо учун қил, одамлардан узлат қилиб четга чик, чинакам узлат дўст тутган кишини – душман кишидан, дўстнинг дўстлиги ва душманнинг душманлиги сабабли ортик кўрмаслик, одамлар уйғоқ вақтида ухлаб ғафлатда қолмаслик, улар ухлаган пайтда уйғоқ бўлишдан иборатдир; ана шу ҳолат эса, одамлар билан бирга бўла туриб, улардан узлат қилиш бўлади. Сўнгра, киши ўз нафсини сақлаши керак. Чунки нафс ҳар нарсани тилайверса, у [кишига] душман бўлади, ўзини тийса, жуда яхши дўст бўлади»<sup>186</sup>.

Сукрот ўзини ўлдирилишига унча хафа бўлмай, раббига етишишига шодланганида шундай деган эди: «[Эҳтимол] биронтангиз назарида менинг мартабам Куёш Аполлоннинг оққуш деб аталадиган қуши мартабасидан қуйи бўлмаса керак. У қуш ўзининг ўлишини ва ўз эгасига айланиб кетишини сезганида, шод бўлиб кўпроқ сайрайди. Маъбудимга етишишни ўйлаб, менинг севинчим ҳам ўша қушнинг севинчидан кам эмас»<sup>187</sup>.

Шунинг учун сўфия мазҳабидагилар ишкни таърифлашда, «ишк халқдан кечиб, Ҳакка, [яъни, Худога] машғул бўлишдир», деганлар.

«Патанжала» китобида шундай дейилган: «Халос бўлиш йўлини уч қисмга бўламиз: бири амалий бўлиб, сезгиларни сиртдан ичга қараб тортилишига одатлантириш ва мойил қилиш билан вужудга келади. Шунда сезгиларинг ўзингдан бошқа нарса билан машғул бўлмайди. Ана шу || (38) йўлни излаган киши, албатта, банддан бўшатилади»<sup>188</sup>.

«Вишну-дҳарма» китобида шундай ёзилган: «Бхригу наслидан бўлган Парикша исмли подшоҳ, ўз хузурига келган бир гуруҳ ҳикматшуносларнинг раиси Шатаникадан илоҳият маъноларидан бирининг маъносини сўради. Шунда у фақатгина Шаунакадан эшитганлари билан жавоб берди. Шаунака эса, Ушанасадан ва Ушанаса Браҳмадан эшитган экан. Браҳма сўзи мана шундай эди: «Худо шундай зотки, унинг вужудининг аввали ҳам, охири ҳам йўқ; У бир нарсадан туғилган эмас, бирон нарсани туғдирмайди, лекин Худонинг ўзини «Ана у» деб ҳам айтиб бўлмайди, «У эмас» деб ҳам бўлмайди. Уни, рози бўлганида, холис яхшилик, ғазабланганида, холис ёмонлик, деб ёдлашга менда тоқат ва қудрат қайда? Уни ўзига муносиб ибодат қилиш даражасида таниб олиш мумкинми? Лекин дунёдан бутунлай кечиб, У билан машғул бўлинса ва доимо У ҳақда фикр қилинса, шундагина [Уни билиш] мумкин бўлади». Шунга эътироз билдириб, «Албатта, инсон кучсиз, умри қисқа, тирикчилигига зарур нарсаларни тарк қилишга нафси бўйсунмаган, булар халос топишига тўсқинлик қилади. Агар шу инсонлар аввалги замонда, яъни умрлар мингларча йилларга чўзиладиган пайтларда яшаб, дунёда ёмонликлар бўлмай, фақат ҳалоллик ва тўғрилиқ ҳукмрон бўлганида эди, инсоннинг лозим бўлган ишни амалга оширишига умид қилинарди. Аммо сўнгги замонда инсонга бу чархпалак дунё амал қилиб денгиздан ғарқ бўлмай ўтиши учун нимани лозим деб биласан?».

Браҳма бундай деган: «Инсонга егулик, жой ва кийим-кечак зарур, шуларни талаб қилса, зарари йўқ. Лекин роҳат шулардан ортикча нарсаларни ва қийин ишларни тарк қилишдадир. Холис Худога ибодат қилиб, Унга сажда қилинг, хушбўйликлар ва гуллар тортиқ қилиб, ибодат жойларида Унга яқинлашинг, тасбеҳ айтиб, Уни покланг, доимо Уни қалбингизда тутингиз, У қалбингиздан кетмасин, браҳманларга ва бошқаларга садақа беринг, Худо учун хос назирлар қилинг. Масалан, гўшт ейишни тарк этинг, рўза тутиш каби умумий одатларни ҳам бажаринг. Ҳайвонлар Уники, ҳайвонларни ўзингиздан фарқ қилманг; фарқ қилсангиз, уларни ўлдираверасиз. Дунёнинг қалбаки безакларига эришиб бойсангиз, Худони дилингиздан унутманг; агар бойишдан такводорлик ва унинг ибодатига қудратли бўлишни назарда тутсангиз, майли, [чунки] шу билан ҳалолликка эришасиз, бошқа йўл билан эришолмайсиз»<sup>189</sup>.

«Гита» китобида «Шахват ва хохишини ўлдирган киши жуда керакли нарсалардан нарига ўтмайди, [ўзига] керакли миқдор билан чекланган киши ҳўрланмайди ва ҳақоратланмайди»<sup>190</sup>, дейилади.

Китобда яна шундай дейилган: «Агар инсон, очлик ҳиссини сўндирадиган егуликка, чарчатувчи ҳаракатлар зарарини кеткизадиган уйқуга ва дам олиб ўтириладиган жойга табиат мажбур этиб, муҳтож бўлса, шунда жойнинг озода бўлиши, ер юзасидан ўртача кўтарилиб туриши ва устида тананинг роҳатланишига кифоя қиларли жой бўлиши, ўша жойнинг мўътадил ми- жоз ва ҳавоси совиб ёки қаттиқ исиб кетиб, азият бермайдиган, ҳашаротлар яқинлашувидан тинч бўлиши шартдир. Албатта, шулар қалбни доимо яккаю ягонани ўйлаш билан чегаралашга ёрдам беради. Чунки зарур миқдорда ейи- ладиган ва кийиладиган бошқа ҳамма нарса лаззат ҳисобланади. Улардан келадиган роҳат [бир куни] тўхтаб, энг қийин машаққатга айланади. Тоқат қилиб бўлмайдиган икки душман, яъни иштаҳа ғазабини || (39) ўлганидан [кейингина] энгилишига қолдирмай тириклигида энгиб, тана сиртида эмас, ичида роҳатга эришган, натижада сезгиларига эҳтиёжи қолмаган кишигагина лаззат муяссар бўлади»<sup>191</sup>.

Васудева Аржунага бундай деган: «Агар холис яхшилиқни истасанг, тана аъзоларингдаги тўққиз эшиқни қўриқлаб, улардан кирувчи ва чиқувчини та- ниб киргиз ва таниб чиқар, қалбингни ўз фикрларини ёйишга қўйма: мия чуқурчасини эслаб, нафсингни хохишлардан тўхтат; суюқ мия қатиғи мия чуқурчасини тўлғазиб қотгандан кейин, энди чуқурчага эҳтиёж қолмаганини ёдда тут. Сезиш ишларини сезувчи органларнинг табиатларидан бошқа нарса деб билма, шунда сезгига эргашмайсан»<sup>192</sup>.

Кутулишнинг иккинчи йўли<sup>193</sup> [ҳақдан бошқадан] ғафлатда қолиш бўлиб, ўзгарувчи мавжудотнинг ва шакли йўқ суратларнинг салбий таъсирини би- либ, улардан кутулишга эришилади. Шунда қалб мавжудот ва суратлардан нафратланади; уларни тама ва орзу қилмайди, амалларнинг ва уларнинг тур- лича бўлишининг сабаби дастлабки уч қувватдан устун келади ва уларни ен- гади. Зотан, инсон хотиржам яшамас экан, унинг қўнглига ибодат ҳам, хайру эҳсон ҳам, бошқа яхши амаллар ҳам сиғмайди.

«Гита» китобида: «Одамлар буюрилган қайтарилган нарсалар тўғрисида адашадилар, яхши амални ёмондан ажратишга йўл тополмайдилар; амалларни тарк этиш ва уларни бажо этмай қўйиш ҳам амал ҳисобланади»<sup>194</sup>, дейилган.

Шу китобда яна шундай дейилган: «Ҳалол ва соф илм бошқа ҳамма нарса- нинг поклигидан юқори туради; чунки билимсизлик илм орқали қўпорилади, азоб ва уқубат моддаси бўлган шак-шубҳа ўрнига илм натижасида аниқлик киритилади. Шак-шубҳада қолганга роҳат йўқ»<sup>195</sup>.

Шундан маълум бўлишича, халос бўлишнинг биринчи қисми иккинчи қисмига қурол ва восита бўлади.

Сўнгра учинчи қисм халоснинг<sup>196</sup> биринчи ва иккинчи қисмларига қурол бўлиши керак. Учинчи қисм худо халос бўлишга муваффақият бериши, секин-аста бахту саодатга эришишга восита бўлиши ва вужудга сингиши учун унга ибодат қилишдан иборатдир.

«Гита» китоби муаллифи ибодатни инсон тана аъзоларига, товушга ва қалбга тақсимлаган. Демак, рўза, намоз, дин лозим қилган ишлар: фаришталарга ва браҳман олимларга хизмат қилиш, баданни поклаш ҳеч бир жонли нарсани ўлдирмаслик, бировларнинг аёлларига ва бошқа нарсаларга кўз қирини ташламаслик инсон тана аъзоларининг иши; ўқиш, тасбеҳ айтиш, доимо ростгўйлик, одамларга илиқ муомалада бўлиш, уларга тўғри йўл кўрсатиб, яхши амалга буюриш товушнинг иши; ниятни тўғри қилиш, кибранмаслик, ҳеч бир ишда шошма-шошарликка йўл қўймаслик, салгинага таъсирланмай, сезгиларни жиловлай олиш ва очиқ кўнгиллилик қалбнинг иши бўлади<sup>197</sup>.

Сўнгра ўша уч хил халосдан кейин расаяна<sup>198</sup> деб аталадиган, хурофотга тегишли тўртинчи хил қутулиш эргашиб келади, у эса дориларни ишлатиш тадбирларидир. Бу тадбирлар мумкин бўлмаган нарсаларни ҳосил қилишда кимёгарлик тадбирига ўхшайди. Ушбу тадбирлар хусусида келгусида баён қилинади.

Ҳиндлар нима учун халос бўлиш ва қутулишда Худо билан бирлашиш – иттиҳод бўлади, дейдилар. Чунки Худо мукофотни орзу қилмайди, душманидан кўркмайди, у ёқимсиз зидлардан, сеvimли тенгдошлардан юқори туриши сабабли, турли фикрлардан пок, ўз-ўзидан олим, ҳеч бир воқеа ёки ҳодиса бирон ҳолатда унга маълум бўлмай қолган эмас; ҳиндларнинг фикрига кўра, халос бўлган зот ҳам шу сифатда бўлади ва шу сифатда Худодан жудо бўлмайди. Лекин бошланишидагина ундан жудо бўлиши мумкин, у халос бўлишдан илгари қийин аҳволда бўлганидан ўзига маълум нарсаларга олим бўлса ҳам, илми хаёл сингари бўлиб, уриниб ўрганиш натижасида ҳосил қилинган. Билган || (40) нарсаси эса [илгари] парда ичида бўлган. Аммо халос бўлганда пардалар кўтарилган, коққоклар очилган, тўсиқлар кетган, ўша зот эса илмли бўлиб, махфий нарсани билишга қизиқмайди, сезилувчи бекик нарсалардан ажралади, ақлга доимо олинадиган – маъкулот билан бирлашади. Шунинг учун «Патанжала» китобининг хотимасида бир сўровчи халоснинг кайфиятидан сўраганда, жавоб берувчи «Хоҳласанг, халос – уч қувватнинг бекор қолиб, келиб чиққан жойига қайтиши деб айт, хоҳласанг бу – нафснинг олим бўлиб, ўз табиатида ва бошланган жойи, яъни мабдаига қайтиши дея қол»<sup>199</sup>, деган.

Кишига халослик мартабаси ҳосил бўлиши тўғрисида бу икки кишининг сўзи бир-бирига муҳолифдир.

«Санқхия» китобида ёзилишича, обид: «Нима учун феъл тўхтаганда, ўлим вужудга келмайди?» деб сўраганида, ҳикматшунос шундай жавоб берган: «Чунки руҳ баданда бўла туриб, бирон нафсоний ҳолат феълни тўхтатаверади.

Рух билан бадан орасини эса бирикканни ажратадиган бирон табиий ҳолатдан бошқа нарса ажратмайди; таъсир кўрсатувчи кетиб қолса ҳам, кўпинча таъсир колади, кучсизланиб баданда билиниб туради ва ниҳоят йўқ бўлади. Масалан, чўп билан чархакни айлантирувчи пиллакаш уни йигираётганда то унинг айланиши тезлашгунга қадар айлантириб, кейин чархакни ўз ҳолига қўйса, айлантириб турган чўпни чархакдан олиш билан дарҳол чархак тўхтамайди, фақатгина ҳаракати оз-оз кучсизланиб, охир йўқ бўлади. Шунга ўхшаш бадандан феъл кетгандан кейин унинг кўрсатган асри баданда колади, то табиий куч тўхтаб, бурунги асар йўқ бўлгунича баданнинг кийналаётгани ва роҳатланаётгани билиниб туради, натижада, бадан ташландик бўлиб, тўла халос вужудга келади»<sup>200</sup>.

Аммо «Патанжала» китобида бундай дейилган: «Илгари айтилганга гувоҳ бўлганига ўхшаш, одамнинг сезги ва билиш органлари ҳам тошбақа кўрққан пайтда аъзолари [тоши] ичига йиғиштирилгани сингари йиғилади, деювчи киши, феъл тўхтаганда рух баданга боғланган бўлмайди, чунки боғичи ечилган бўлади, бадандан қутулган ҳам бўлмайди, чунки у кишининг бадани рух билан бирга бўлади»<sup>201</sup>, дейди. Бу кишига эътироз билдирувчи киши<sup>202</sup> эса: «Рухлар муваффақиятга эришишлари учун тана аъзолари уларга тузоқдирлар; халос бўлиш даражасига етган рух ўзи ўрнашган танада ўтмишдаги феълига тугал мукофот олади; сўнгра ҳозирги касб ва феъли тўхтайтиди, шунда рух тана тузоғидан қутулади, тузоқда бўлмаса ҳам, хоҳлаган жойга боришга қудрати етади ва истаган пайтда ўлимдан ҳам юқорига кўтарилади. Чунки қалин ва кўпол жисмлар ўз қолипига қаршилиқ қилмайди. Феъли тўхтаган кишининг танаси [латиф] руҳига қандай тўсқинлик қилсин?»<sup>203</sup>

Сўфийлар ҳам шу қарашга яқин фикрга борадилар. Уларнинг китобларида баъзи бирлари ҳақида мана шундай ҳикоя қилинади: «Биз турган манзилга бир гуруҳ сўфийлар келишиб, биздан узоқроқда ўтиришди, кейин уларнинг бири намоз ўқишга турди, намоздан бўшагач, мендан: «Эй шайх, шу ерда бизнинг ўлишимиз учун ярарли бирон жой борми?» – деб сўради. Мен, ухламоқчи бўлса керак деб бир жойни кўрсатиб, ишорат қилдим. Ҳалиги сўфи ўша жойга бориб, ўзини чалқанча ташлаб, ҳаракатсиз бўлиб қолди. Бориб кимирлатиб кўрсам, бадани совиган эди».

Сўфийлар Аллоҳ таолонинг: [Қуръондаги] «Инно маканно лаҳу || (41) фил арзи», [яъни, Зулқарнайнга] «Ерда подшоҳлик ва қудрат бердик» деган оятини, [Зулқарнайн] «истаса, ер унинг оёғи остида айланаверади. Истаса, сувда ва ҳавода юради – бу иккаласи унинг қадамига қаршилиқ кўрсатади [яъни, оёғи ботмайди], тоғлар унинг мақсадига қаршилиқ қилмайди», деб тафсир қиладилар<sup>204</sup>.

Халос бўлишга уринсалар ҳам, халос бўлиш мартабасидан орқада қолган кишиларнинг даражалари турлича бўлади. «Санкҳия»да айтилишича: «Яхши

ахлокли бўлиш билан бирга, дунё топишга юз ўгирган киши топган нарсасини хайру эҳсон қилади, бу дунёдаёқ [хайрига ярашикли] мукофот олади, мақсад ва истагига эришади, дунёда бахтли бўлиб юради; ўзи ва ҳоли одамлар орзу қиладиган бўлади. Чунки ҳақиқий давлат шу инсон танасида ёки бошқасида илгари қилинган амалларга яраша олинадиган мукофотдан иборатдир. Дунёдан юз ўгирган илмсиз зоҳид юқори даража ва савобга эришади-ю, қурол ва воситанинг камчилиги сабабли халос топа олмайди. Қаноатли ва эҳтиёжсиз киши айтиб ўтилган саккиз хислатни эгаллаб, шулар билан мағрурланса ва мақсадга эришган бўлиб, ўша хислатлар билан халос топаман, деб хаёл қилса, шу хислатлар билан қолиб кетади»<sup>205</sup>.

Маърифатдаги даражаларини бир-биридан ортиқ қўймоқчи бўлган кишилар учун мана шундай масал тўқилган: «Бир киши шогирдлари билан бирга тим қоронғи кечада зарурат юзасидан йўлга чиққан. Йўл устида тик турган қорамтир нарсага кўзлари тушган. Аслида нима эканлигини билишга тун қоронғиси тўсқинлик қилган. Шунда ҳалиги киши шогирдларига қараб биринкетин улардан ўша қорамтир нарсанинг нима эканини сўраганида, биринчиси: «Нима эканини билолмайман», деган; иккинчиси: «Нима эканини билолмайман ва билишга қудратим ҳам етмайди», деган. Учинчиси эса: «Билишнинг фойдаси йўқ, чунки тонг ёришса, ўзи маълум бўлади кўяди. Агар кўрқинчли нарса бўлса, тонг отиши билан йўқ бўлади. Борди-ю, кўрқинчли бўлмаса, унинг аҳволи бизга равшан бўлади», деган. Демак, уч шогирднинг маърифати қисқалик қилди. Биринчиси илмсизлиги сабабли, иккинчиси, ожизлиги ва қурол-органига зарар етиши сабабли, учинчиси ишни кейинга қўйиши ва илмсизликка рози бўлиб туриши сабабли маърифатда қисқалик кўрсатди. Аммо тўртинчиси аниқ билмасдан туриб жавоб бермайди, ўша қорамтир нарсани мўлжаллаб яқин борганида, бир-бирига чирмашиб, ўралашиб кетган қовоқ палагини кўради. Шунда у шогирд тирик ва ихтиёри ўзида бўлган инсоннинг ўша чирмашган нарса маълум бўлгунича турган жойида қолмаслигини тушунди ва қорамтир нарсанинг жонсиз эканини аниқлади. Сўнгра унинг бирон ахлатхона учун тикилган ихота эканига ишонмай шубҳаланди ва яқинига бориб тепиб юборган эди, ихота йиқилиб тушди. Унинг ихота эканига шогирднинг шубҳаси қолмади; бу шогирд устозига аниқ хабар келтирган эди, устози ҳузурида маърифат қозонди»<sup>206</sup>.

Юнонларнинг шу мазмунларга мос келадиган сўзларига келсак, Аммоний Пифагордан<sup>207</sup> ҳикоя қилиб, деган: «У сабабларнинг сабаби бўлган биринчи сабабга туташиб ва бирикишга қизиқиб, шу оламга қизиқинг ва [сабабни топишга] ҳаракат қилинг, шунда йўқ бўлмайсиз, абадий бўлиб қоласиз, бузилиб бенишон бўлиб кетишдан қутуласиз, ҳақиқий сезиш, ҳақиқий шодлик ва ҳақиқий иззат оламига бориб, абадий хурсандлик ва лаззатларда бўласиз!»

Аммоний яна шундай деган: «Эмпедокл ва ундан олдин то Гераклгача<sup>208</sup> ўтган кишилар кирчил ва ифлос рухлар оламга ёпишиб қоладилар [яъни, кетмайди], охир умумий рухга || (42) [оламда қолганликларидан] шикоят қиладилар. У ақлга ялинади, ақл яратувчига ёлборади, яратувчи ақлга ўз нурини сочади, ақл ўша нурдан умумий рухга беради, бу пайтда умумий рух шу оламда бўлади, шунда умумий рух ҳалиги нур билан ёришиб кетади. Ҳатто умумий рухнинг бир бўлаги – жузъият [яъни, кирчил рух ўша ёришган] умумий рухни кўриб, унга туташади. Нагижада жузъият ўз оламига етишади; лекин бу [ҳол] кўп замонлар ўтгандан кейин вужудга келади. Сўнгра ўша кирчил рух, макон, замон ва шу оламдаги қийинчилик ёки тўхталиб қоладиган шодликнинг ҳеч бири бўлмайдиган жойга боради».

Сукрот айтган: «Рухнинг ўзи, ҳаёти давомли ва абадий турғун покликка боради. Чунки рух маконини тарк этганида, покликка ҳамжинс бўлиб, доимий ҳаётда унга ўхшаш бўлади. У покликка тутингандай бўлиб, ундан таъсирланади. Мана шу таъсирланишига ақл деб аталади»<sup>209</sup>.

Сукрот яна бундай деган: «Рух ўлмайдиган ва тарқалмайдиган илоҳий жавҳарга, азалдан турғун ва бор бўлган ягона маъқул қилинадиганга жуда ўхшайди, тана эса унинг аксичадир. Рух ва тана иккаласи бирлашса, табиат танани хизматчи бўлишга ва рухни раислик қилишга буюради. Улар бири-биридан ажралганда рух тана маконидан бошқа жойга боради, ўзига муносиб яхшиликларга эришади, макон тутишдан аҳмоқлик, [ўз ҳолидан] шикоят қилиш, [инсон танасига] ошиқлик, ваҳшийлик ва инсонда бўладиган бошқа ёмонликлардан холис бўлди. Чунки рух инсон танасидан ажраганида пок бўлса, танани ёмон кўриб қолади. Аммо у тана билан бирлашиб, унга ва унинг ишқига хизмат қилганида, албатта, рух ўзини бахтиёр ҳис этиб, шодланади»<sup>210</sup>.

Прокл бундай деган: «Нотиқа рух жойлашган жисм, эфир ва ундан вужудга келадиган нарсалар сингари ўзига шар шаклини қабул қилган. Агар жисмга нотиқа ва нотиқа бўлмаган рух жойлашган бўлса, у инсонга ўхшаб тик ва тўғри шаклни қабул қилган. Фақатгина нотиқа бўлмаган рух жойлашган жисмгина сўзлаёлмайдиган ҳайвонлар сингари эгилган тик шаклни қабул қилган. Нотиқа рух ҳам, нотиқа бўлмаган рух ҳам жойлашмаган ҳамда озуқа қабул қилувчи қувватдан бошқа нарсаси бўлмаган жисм [фақат] тик шаклни қабул қилган. Бунинг эгилиши бошини ерга тўнкариш билан тугал бўлади ва ўсимликлар тузилишига ўхшаб боши ерга санчилади. Гарчи бу ҳол инсон ҳолатининг аксича бўлса, демак, инсон самовий бир дарахт бўлиб, ўсимликнинг илдизи ўзининг бошланган жойида, яъни ерда бўлганидек, инсон дарахтининг илдизи ўзининг бошланган жойида, яъни осмондадир»<sup>211</sup>.

Ҳиндлар табиат ҳақида шунга ўхшаш фикрдалар. Аржуна: «Брахмани оламдаги қандай нарсага ўхшатиб бўлади?» – деб сўраганида, Васудева шун-



дай деган: «Брахмани ашваттха дарахти деб ўйла». Бу дарахт ҳиндларда машҳур бўлиб, катта ва эркин ўсадиган дарахтлардандир. Унинг тузилиши бошқа дарахтлардан аксича бўлиб, томирлари юқорида ва шохлари қуйидадир. Бу дарахт озукани кўп олиб, ниҳоятда йўғон бўлиб ўсади. Шохлари кенг ёйилиб, ерга ёпишиб ерни «тишлайди». Икки томонидан чиққан шохлари ва томирлари бир-бирига киришиб, бир-бирига ўхшаш бўлиб кетади. Шундай қилиб, Браҳма ўша дарахтнинг юқори томонидаги томирларидир, «Веда» эса ўша дарахтнинг поя ва танасидир, турли фикрлар ва мазҳаблар эса унинг шохлари, йўл-йўриқлар ва турли тафсирилар унинг барглари; унинг озукаси уч қувват билан, йўғонлашуви ва ерга тутиниши сезгилари билан бўлади. || (43) Оқил учун ўша дарахтни кесишдан бошқа ўрнига тушадиган қизиқарли матлуб нарса йўқ. Уни кесиш дунёдан ва дунё молларидан юз ўгиришдан иборатдир. Бордию, оқил ўша дарахтни бутунлай кесиб ташласа, дарахт ўсадиган еридан қарор топиб оладиган ва сира қайтиб келмайдиган бир жой талаб қилади. Талабига эришгач, иссиқ ва совуқнинг азияти унга таъсир қилмайди. У қуёш, ой ва оловдан ёруғлик олиб илохий нурларга эришади»<sup>212</sup>.

Сўфий мазҳабидагилар Ҳаққ [яъни, Худо] билан машғул бўлишда «Патанжала» йўлига юриб, «Модомики [ўзингни кўрсатиб] ишорат қилар экансан, то Ҳаққ ишоратингни эгаллаб, сендан уни тамом кетказмагунича ҳамда ишорат қилувчи ва унинг ишорати қолмайдиган бўлгунича, мувахҳид – Худони бир деб билувчи ҳисобланмайсан»<sup>213</sup>, деганлар.

Сўфийларнинг сўзлари орасида бирлик тарафдори бўлишга далолат қиладиган жумлалар бор. Масалан, битгаларидан Ҳаққ зот ким, деб сўралганида: «Инният [яъни, ҳақиқатни эътиборга олганда] менинг худди ўзим ва айният [яъни, маконни эътиборга олганда] менинг ўзим эмас зотни Ҳаққ деб қандай аниқ айта оламан! Агар [дунёга] қайтсам, қайтишим билан ундан ажралган бўламан. Агар бепарво бўлиб [қайтадан дунёга келсам] енгил бўламан [тана оғирлигидан қутуламан], Ҳаққ билан бирлашишга кўникаман»<sup>214</sup>, деб жавоб берган.

Шунингдек, Абу Бакр аш-Шиблий «Ҳамма нарсани ташла, бутунлай бизга етишиб мавжуд бўласан, феълинг бизнинг феълимиз [билан бирлашиб], биз тўғримизда хабар берувчи бўлмайсан»<sup>215</sup>, деган.

Шунга ўхшаш Абу Йазид ал-Бастамийдан «Эришган даражанга нима билан эришдинг?» – деб сўралганида у: «Илон ўз пўстидан шилинганидек, мен ҳам ўз руҳимдан ажралганман; сўнгра зотимга бундай қарасам, Мен Унинг [яъни, Ҳаққнинг] ўзи бўлиб қолибман»<sup>216</sup>, деб жавоб берган.

Аллоҳ таолонинг «Биз айтдик: [ўлдирилганни курбонликка сўйилган] молнинг бирон бўлаги билан уринг» деган ояти ҳақида сўфий мазҳабидагилар шундай деганлар: «Ўликни тирилтириш учун уни уриб ўлдиришга буюриш қалбнинг маърифат нурлари билан тирилмаслигидан, фақатгина инсон тана-

сини ўлдиришга уриниш билан тирилишидан хабар беради. Ҳатто тана жонсиз бўлганида, унинг расми ва кўриниши қолади-ю, лекин унинг ҳақиқати қолмайди. Қалбинг пок экан, унга ноҳақликлар таъсир кўрсатолмайди»<sup>217</sup>.

Улар яна шундай деганлар: «Банда билан Худо ўртасида нуру зулматдан иборат минглаб босқичлар бор. Сўфийлар зулматдан нурга ўтишга уринадилар, нур босқичларига етишсалар, у босқичлардан қайтиб келмайдилар»<sup>218</sup>.

## VIII БОБ. МАХЛУҚОТНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ

Бу бобнинг мавзуи ўрганиш ва аниқ тушуниш учун жуда қийин, чунки [биз мусулмонлар] бу бобни сиртда туриб, мутолаа қиламиз. Ҳиндлар эса, бу бобни илмий даражага етказиб баён қилолмайдилар. Келгусида шунга эҳтиёжимиз борлиги сабабли, то шу сўзларни таҳрир қилиш вақтигача ҳамма эшитганларимизни баён қиламиз. Аввало, «Санкхия» китобида у ҳақда нима дейилган бўлса, шу сўзни ҳикоя қиламиз:

Обид: «Тирик таналарнинг жинслари ва турлари қанча?» – деб сўраган.

Ҳикматшунос унга шундай жавоб берган: «Уларнинг жинслари учта бўлиб, юқорида – руҳонийлар, ўртада – одамлар ва куйида – ҳайвонлардир. Турлари эса – ўн тўртта; бунинг саккизтаси руҳонийлар бўлиб, улар Браҳма, Индра, Пражапати, Сома, Гандҳарва, Жакша, Ракшаса ва Пишача; бештаси ҳайвонлар бўлиб, улар тўртоёқлилар [чорва ҳайвонлари], ёввойи ҳайвонлар, кушлар, судралувчи жониворлар ва ўсимликлар, яъни дарахтлардир; ўша турнинг биттаси инсондир»<sup>219</sup>.

Шу китобнинг муаллифи китобнинг бошқа бир жойида [навларни] ўзгача исмлар билан мана бундай санаган: «Браҳма, Индра, Пражапати, Гандҳарва, Жакша, Ракшаса, Питара, Пишача»<sup>220</sup>.

Ҳиндлар тартибга жуда кам риоя қиладилар. Шундай қилиб, уларнинг айтишларича, турларнинг исмлари жуда кўп ва [кўпайтирмақчи бўлганлар учун] майдон кенгдир.

«Гита» китобида Васудева шундай деган: «Бирламчи учта қувватнинг биринчиси ғалаба қилганида ақлни ўстиради, || (44) сезгиларни тозалашга ва фаришталар учун қилинадиган амалга тутинади. Шунинг учун роҳат бу қувватнинг тобеларидан ва халос бўлиш унинг натижаларидан саналади.

Агар иккинчи куч ғалаба қилганида эди, у хирс ва эҳтиросни кучайтириб, қийинчилик ва меҳнатга олиб борарди; Жакша ва Ракшасаларни амал қилишга ундайди ва бундан эса амалга яраша жазо кўрилади.

Агар учинчи қувват ғалаба қилганида эди, билимсизлик ўсиб, турли амалга ошмас орзулар билан алданишга юз тутлади. Ҳатто уйқусизлик, ғофиллик, ялқовлик, бажарилиши кераклигини ўз вақтидан кейинга суришга ва доимий

мудрашни келтириб чиқаради. Агар амал қилинса, ҳам *бҳута* ва *пишача* иблислар учун жаннатда ҳам, жаҳаннамда ҳам бўлмай, рухларни кўтариб ҳавода юрувчилар – *прета* учун амал қилинади. Бу қувват ғалабасининг охири азоб ва укубат, инсонлик мартабасидан ҳайвонлик ва ўсимликка тушиш бўлади»<sup>221</sup>.

Ўша китобнинг бошқа бир жойида у шундай деган: «Имон ва фазилат руҳоний мавжудотлардан *девларда* бўлади. Шунинг учун уларга кимки жинсдош бўламан деса, ўша инсон Худога инонган, Унга талпинган ва Унга муштоқ бўлади. *Асуралар* ва *ракшасалар* деб аталадиган шайтонларда қуфр ва разиллик бўлади. Уларга ўхшаш бўлган инсон Худони инкор қилади. Икки дунёда ҳам зарари етадиган, фойдаси тегмайдиган машғулот билан машғул бўлади»<sup>222</sup>.

Ана шу айтилганлар йиғилса, уларда юзага келган чалкашликлар жинсларнинг исмларига ҳам, уларнинг қўйилиш тартибига ҳам таъсир этади.

Аммо кўпчилик ҳиндлар орасида руҳоний жинсларнинг машҳурлари саккизта:

[1] *Девлар* – булар малаклар бўлиб, уларга шимол томони берилган. Улар фақат ҳиндларга хосдирлар. Айтишларича, Зардушт буддавийларни ёмонлаб, улар шайтонларни ўзларидаги энг шарафли исм билан [девлар деб] атайди, дея айблайди. Форслардаги шундай аташ мажусийликдан қолган<sup>223</sup>.

[2] *Дайтия-данавалар* – булар жануб томондаги жинлар бўлиб, ҳиндлар эътиқодига қарши ва сигирларга зарар етказувчи кишиларнинг ҳаммаси шу қисмга киради. Шу жинлар билан малаклар [девлар] ўртасида бор бўлган яқинликка қарамай, ораларидаги жанжал ҳам тўхтамайди, уруш ҳам тинчмайди, деб таъкидлайдилар<sup>224</sup>.

[3] *Гандҳарвалар* – [1] булар малаклар ҳузурида куйлаб ашула айтувчи жинлар бўлиб, уларнинг фоҳишалари *ансараслар*<sup>225</sup> деб аталадилар.

[4] *Жакшалар* – [1] малакларнинг бойликларини кўриқловчи посбон бўлган жинлар<sup>226</sup>.

[5] *Ракшасалар* – бадбашара шайтонлар<sup>227</sup>.

[6] *Киннаралар* – инсонлар танасидаги жинлардир. Буларнинг бошлари юнонлардаги Кентаврнинг аксича ўларок, отларнинг бошлари шаклида бўлмайди. Чунки баданларининг куйи ярми от суратида, юқори ярми инсон суратида бўлади. Қавс буржининг шакли ҳам шуларнинг суратидандир<sup>228</sup>.

[7] *Нага* – булар илон суратидаги [жин]лар<sup>229</sup>.

[8] *Видиадҳара* – булар сеҳргар жинлар бўлиб, сеҳрлари узлуксиз таъсирли бўлавермайди<sup>230</sup>.

Демак, малаклик қуввати юқори тарафда, шайтонлик қуввати куйи тарафда бўлиб, икки тараф ўртасида ўша иккала қувват аралашади. Бу мавжудот сифатлари турлича бўлади, чунки улар шу мартабага амал натижасида эриш-

ганлар. Бирламчи уч қувватга қараб, амаллари турлича бўлган. Улар таналарга эга эмасликлари сабабли узоқ яшайдилар, шунингдек бирон амал қилишга таклиф қилинмайдилар. Инсон ожизлик қилган нарсаларга ҳам уларнинг қудратлари етади. Шунинг учун инсонлар ўзларининг турли мақсад || (45) ва эҳтиёжларига эришиш учун уларга хизмат қилиб, имкон қадар яқин бўлишга интилдилар.

Бироқ «Санхья» китобида ҳикоя қилганлардан шуни биламизки, юқорида айтилганлар хато. Чунки Брахма, Индра ва Пражапати мавжудот навларининг исмлари эмас. Брахма ва Пражапати<sup>231</sup> [иккови] маъно жиҳатидан бир-бирига жуда яқин бўлиб, сифатда турличалиги сабабли, исмлари ҳам турлича бўлади. Индра<sup>232</sup> эса – оламларнинг раисидир. Шунга ўхшаш жакшалар ва рақшасалар иккаласини Васудева шайтонларнинг бир хил табақасидан<sup>233</sup> ҳисоблайди. Пураналар эса жакшаларни хазиначилар ва хазиначиларнинг хизматчилари деб кўрсатади<sup>234</sup>.

Юқоридагиларга хулоса тариқасида шундай дея оламиз: ҳисоблаб ўтилган руҳоний мавжудотлар бир табақа бўлиб, инсонга айланган вақтларида қилган амаллари сабабли ҳозирги мартабаларига эришганлар ва таналарни ўтмишда қолдирганлар. Чунки таналар оғир юк, қудратни кеткизувчи, муддат [ва умр] ни қисқартирувчилардир. Руҳонийларда бирламчи уч қувват ғалаба қилишига қараб, уларнинг сифатлари ва ҳоллари турлича бўлган. Девлар, яъни малакларда уч қувватнинг биринчиси ғалаба қилиб, улар роҳат ва фарогатда яшайдилар. Инсонлар модда орқали сезиладиган нарсани тасаввур қилишга мойил бўлганлари сингари, малаклар моддасиз ақлий нарсани тасаввур қилишга мойил бўладилар.

*Пишача* ва *бҳута* учинчи қувватга хосдир. *Пишача* ва *бҳута* иккаласи ўртасидаги даражада бўлган жинлар иккинчи қувватга хосдир.

Ҳиндларда девларнинг сонини ўттиз уч кўти деб кўрсатиб, шундан ўн бир кўти Маҳадева учун дейдилар. Шунинг учун ўша сон Маҳадева лақабларидан бири бўлиб қолган. Маҳадева исми ҳам шундан далолат беради<sup>235</sup>. Айтилиб ўтилган сонлар йиғиндисининг малакларга тегишлиси 330 000 000 бўлади.

Сўнгра ҳиндлар девларда ейиш, ичиш, жинсий алоқа, ҳаёт ва ўлим бўлиши мумкин деганлар. Чунки улар, материянинг энг латиф кўринишга эга бўлагиди бўлсалар ҳам, материя доирасидадирлар; шу даражанинг ўзига илм сабабли эмас, амал сабабли эришганлар, деганлар. «Патанжала»да [айтилишича], «Нандикешвара Маҳадева учун кўп қурбонликлар қилиб, танадан иборат қолип<sup>236</sup> билан бирга жаннатга кўчган. Раис – Индра, Нахуша номли браҳман хотинини зино қилиб, илон суратига киргизилиб, азоб ва уқубатда қолган», дейилган<sup>237</sup>.

Ўлик аждодлар – питара мартабаси Дева [фаришталар]ниқидан паст бўлади. Улардан пастда эса, *бҳуталарга* [айланган] инсонлар бўлиб, улар руҳонийликка етишиб орага кириб олганлар.

Аммо танадан ажралмаган ҳолда руҳонийлик мартабасига эришган кишилар риши<sup>238</sup>, сиддҳа<sup>239</sup> ва муни<sup>240</sup> деб аталадилар ҳамда турли сифатлар билан бир-биридан устун келишга ва имтиёз топишга ҳаракат қиладилар. Қилган амали сабабли дунёда хоҳлаган нарсасига қодир бўлган ва шу билан чекланиб, халос бўлишга ҳаракат қилмайдиган киши сиддҳа бўлади. Сиддҳа тараққий қила бориб, риши мартабасига чиқади. Браҳман аста-секин риши мартабасига эришганда браҳмарши<sup>241</sup> деб аталади. Агар риши мартабасига кшатрий<sup>242</sup> эришса, ражарши<sup>243</sup> деб аталади. *Риши* мартабасига аста-секин эришиш браҳман билан рожадан бошқа паст табақага муяссар бўлмайди. Инсон бўла туриб, илмлари сабабли малаклардан афзал ва ортиқ бўлган ҳикматшунослар ришилар деб аталадилар. Шунинг учун фаришталар ришилардан [илмда] фойдаланадилар. Чунки ришилар билим эгасидирлар. Ришилардан юқорида фақатгина Браҳма туради<sup>244</sup>. Руҳонийликка эришганларнинг орамиздаги мавжуд табақалари ришилардан қуйида турадилар. Булар алоҳида бобда баён қилинади, бу мавжудотларнинг ҳаммаси материядан қуйида туради.

Материядан юқорини тасаввур қилишга келсак, мана шундай дея оламиз: Ҳаюло – материя билан унинг юқоридаги нафсоний ва илоҳий маънолар ўртасида воситадир. Ҳаюлода дастлабки уч қувват бўлиши мумкин. Гўё ҳаюло ўзида бор нарсалар билан бирга юқоридан қуйига кўприк вазифасини ўтайди. Фақат дастлабки кучга таъсир кўрсатган ҳаюлогина Браҳма Пражапати исми билан ҳамда шариат ва хабарлар томонидан берилган бошқа || (46) кўп исмлар билан аталади. Браҳманинг маъноси иш бошловчи табиат дейишга боради. Чунки [дастлабки] яратилишни, ҳатто оламнинг яратилишини ҳам ҳиндлар Браҳмага нисбат беришади.

Ҳаюлода нимаики иккинчи куч таъсири билан ҳаракатга келса, хабарларда у Нараяна<sup>245</sup> деб аталади. Нараяна маъноси фаолияти энг ниҳоясига етиб кучайган табиат дейишга яқин боради. Чунки табиат шундай кучайган пайтда [мавжудотни бузмай, ўз ҳолида] қолдиришга уринади. Шунингдек, Нараяна ҳам, олам бузилмай қолсин, деб уни ислоҳ қилишга ҳаракат қилади.

Ҳаюлода нимаики учинчи куч таъсири билан ҳаракатга келса, у Маҳадева ва Шанкара деб аталади. Бу ҳаюлонинг энг машҳур исми Рудандир<sup>246</sup>. У эса бузишда ва йўқ қилишда ниҳояланган, кучига путур етган табиатга ўхшайди.

Кучлар бирлашиб келган шу мартаба ва даражаларда *ҳаюлоларга* таъсир қилгандан кейин уларнинг исмлари турлича бўлиб, натижада, феъллари ҳам турлича бўлади. Аммо кучлар таъсир қилишдан илгари *ҳаюлоларнинг* манбаи битта бўлган. Шунинг учун ҳиндлар *ҳаюлоларни* ва ўша манбани Вишну деб атайдилар. Бу исм ўрта кучга берилса, яхшироқ бўлар эди. Бирок ҳиндлар ўрта куч билан биринчи сабабни<sup>247</sup> фарқламай, насронийларга ўхшаш йўл тутадилар. Насронийлар Ота, Ўғил ва Пок Рух деб уч ўқнум – аслини бир-биридан ажратиб, жавҳарлари битта дегандек [ҳиндлар ҳам *ҳаюлоларни* Браҳма, На-

раяна ва Маҳадева деб бир-биридан фарқлаб, манбаларини битта дейдилар]. Ҳиндларнинг сўзлари текширилиб, натижа чиқарилганда равшан бўлгани ана шудир. Аммо бу ҳақдаги хабар ва ривоятларда хурофот кўп. Улар сўз орасида баён қилинади.

Ҳиндларнинг, биз фаришталар деб атаган Девлар табақаси ҳақидаги сўзларидан ва ҳеч бир ақлга сиғмайдиган сифатларни у табақага лойиқ кўришларидан таажжуб қилмаймиз. Исломнинг калом олимлари бундай сифатларнинг малакларга берилиши ман этилганлари бир ёқда турсин, руҳсат этилганларидан ҳам малакларни поклайдилар<sup>248</sup>. Чунки ҳиндларнинг ўша сўзлари билан юнонларнинг динлари ўртасидаги сўзларни бир-бирига солиштирсангиз, ажабланарли жойи қолмайди. Юнонларнинг малакларни – «худолар», «илоҳлар» деб аташларини айтиб ўтдик. Энди юнонларнинг Зевс ҳақидаги сўзларига эътибор қаратсангиз, айтганларимиз муболаға эмаслигига амин бўласиз.

Зевсни ҳайвонга ва инсонга ўхшатиб айтилган сўзларга келсак, юнонлар: «Зевс туғилгач, отаси уни емоқчи бўлди. Онаси бир тошни латтага ўраб қўйган эди, ўшани отасининг оғзига солади, шу билан отаси қайтиб кетди», дейдилар. Гален «Нутқлар китоби»<sup>249</sup> да баён қилиб, шундай дейди: «Филон»<sup>250</sup> ўз шеърида ўша топишмоқ усули билан «филунйё» аралашма дорисини тавсиф қилиб, «Яхши ҳид таратадиган қизил қиллардан бир қилни ол. У ҳид эса худоларга қилинган қурбонлик ва унинг қонидан иборатдир. Сўнгра инсонларнинг ақллари миқдорича вазнда ўша қилдан оласан», деган. Филоннинг «Ўша қилдан инсонларнинг ақллари миқдорича оласан» дейишидан мақсади «беш мисқол»<sup>251</sup> заъфарон» дейиш эди. Чунки инсонларнинг сезгилари бешта. Филон яна турли рамз ва ишоратлар билан ўша аралашма дорининг бошқа хил ва турларининг вазнларини ҳам баён қилган. Бу рамзларга Гален изоҳ берган. Ўша рамзларда:

«Ёлғондан исм берилган илдиздан [ҳам ол], у илдиз Зевс туғилган шаҳарда пайдо бўлган», дейилади.

Гален деган: «Шу илдиз сунбулдир, чунки унга ёлғон исм берилиб, сунбул деб аталган. У [аслида] сунбул эмас, балки илдиздир, Филон уни Крит ўсимлиги деб аташга буюрган. Чунки қисса ва дoston тузувчиларнинг айтишларича, Зевс Критдаги Диктун»<sup>252</sup> тоғида, отаси бошқаларни ютганидек, Зевсни ҳам ютиб қўямасин, деб онаси уни отаси Кроносдан бекитган жойда || (47) туғилган», дейди.

Сўнгра «Машҳур тарих китоблари»даги<sup>253</sup> сўзларга қараганда, Зевс танилган машҳур аёлларга никоҳсиз, босқинчилик тариқасида бирин-кетин уйлашиб олган. Аёлларнинг баъзилари ундан ҳомиладор ҳам бўлган. Ўша аёллар орасида Фойникнинг Европа»<sup>254</sup> исмли қизи ҳам бор эди. Сўнгра Европага Крит подшоҳи Астерий уйланди. Ва кўп ўтмай, уларнинг Минос ва Рҳадамант

исмли икки фарзанди туғилди. Бу воқеа бани Исроилнинг саҳродан<sup>255</sup> Фалас-тин заминига чиқишидан бир оз кейин содир бўлган эди.

Яна ўша тарих китобларида баён қилинишича, Зевс Самсон Исроилий замонида етти юз саксон ёшида Критда ўлиб, шу ерга кўмилган. У илгари Диос<sup>256</sup> деб аталган эди. Кейин умри узайгач, Зевс деб аталди. Уни дастлаб шу исм билан атаган киши Афинанинг биринчи подшоҳи Кекроп эди. Зевс ва Кекропларнинг нафси ўнг ва сўлга, яъни ўз холига ташлаб, боғичини бўшатиб қўйишни исташса, бир-бирига мувофиқлиги Зардушт билан Гуштасбнинг подшоҳликни ва сиёсатни кучайтиришни исташдаги мувофиқла-рига ўхшайди.

Тарихчиларнинг айтишларича, юнонлардаги расволиклар Кекроп ва ун-дан кейинги подшолардан бошлаб жорий бўлган. Тарихчилар бу Искандарга тегишли хабарлардаги мана шу ўхшашликларни айтмоқчи бўладилар: Миср подшоҳи Нектанеб Қора Ардашердан кўрқиб қочгач, Македония шаҳрига бе-киниб, унинг подшоҳи Филиппнинг рафиқаси Олимпияни мунажжимлик ва фолбинлик билан алдайди. Бу вақтда Филипп у ерда йўқ эди. Ҳатто Нектанеб макр ва ҳийла ишлатиб, эчки шохлари сингари икки шохли илон кўринишидаги худо – Аммон суратида бўлиб, Олимпия олдига кирар ва у билан яширин му-носабатда бўлар эди. Ниҳоят Олимпия Искандарга ҳомиладор бўлди. Филипп қайтгач, болани меники эмас, деб хотинини йўқ қилмоқчи ҳам бўлган. Кейин унинг худо – Аммон насли эканини тушида кўрди. Сўнгра болани ўзиники деб қабул қилиб: «Худоларнинг қилган ишига қарши туриб бўлмайди», деди. Нектанеб астрологияга асосланиб, ўзининг ўлими ўғли Искандар қўлида бўлишини билди. Искандар ҳам уни бўйнига [уриб ўлдиргандан кейин] астро-логия ёрдамида унинг ўз отаси эканини билди<sup>257</sup>.

Зевс ҳақида инсонга тегишли бўлмаган турли маълумотларни ҳам учра-тамыз. Юнонларнинг фикрига кўра, «Зевс, Зуҳалнинг ўғли Муштарийдир. Чунки Галеннинг «Китоб ал-бурҳон»<sup>258</sup> ида айтилишича, Зуҳал, «ўтовларда яшовчилар»нинг сўзларига қараганда, туғилган эмас, ёлғиз унинг ўзигина азалдан бор, холос. [Бунга] Аратнинг «Зоҳирот»<sup>259</sup> ҳақида ёзган китобида айт-ганлари кифоя қилади. Чунки Арат ўша китобини Зевсни улуглаш билан бош-лаб шундай дейди:

«Зевс шундай зотки, биз инсонлар усиз туrolмаймиз, ҳаммамиз унга муҳтожмиз.

Йўллар ва инсонлар йиғиладиган жойлар тўлиқлиги у биландир.

У инсонларга меҳрибон, севимли онларни вужудга келтирувчи, инсонлар-ни амалга ундаб турувчи.

У тирикликни эслатувчи, экиннинг соғлом ўсиши учун ер чопиш ва экиш-нинг танланган вақтларини билдирувчи.

У осмондаги аломатлар ва юлдузларни яратувчидир.

Шунинг учун аввалда ҳам, охирида ҳам унга ёлворамиз».

Ундан кейин Арат руҳоний мавжудотларни<sup>260</sup> мақтайди. Қачон сен юнон ва ҳиндларнинг фикрларини бир-бирига солиштирсанг, шунда Брахмада мана шундай сифатлар борлиги аниқланади, дейди.

«Зоҳирот» китоби шарҳловчисининг айтишига кўра, Арат шоирларга қаршилиқ қилган, чунки улар китобларини худолар номи билан бошлаганлар. Арат эса Зевс номи билан бошлаб, осмон ҳақида гапирмоқчи бўлган. || (48) Кейин ўша тафсирчи Асклепийнинг насаби ҳақида Гален сингари фикр юргизиб, шундай дейди: «Арат қайси Зевсни айтмоқчи – рамзий Зевсними ёки табиий Зевсними? Биз буни билишни истаймиз. Чунки шоир Кратес<sup>261</sup> фалакни Зевс деб атаган. Шунга ўхшаш шоир Гомер: «Қор бўлаклари Зевсдан ажратилгандай», – деди.

Арат эса «Йўллар ва одамлар яшайдиган жойлар у билан тўлган, ҳаммамиз уни бурун орқали ичга тортишга муҳтожмиз», деган сўзида Зевсни эфир ва ҳаво деб атайди<sup>262</sup>. Шунинг учун «Устунлар» бўлмиш файласуфлар Зевсни нафсларимизга муносиб ҳаюлога ёйилган рух, яъни ҳар бир табиий жасадни идора қилувчи табиат, дейди ва уни меҳрибон деб атайди; чунки у яхшилиқларга сабабчидир. Шундай бўлгач, Зевс фақатгина инсонларни эмас, балки худоларни ҳам туғдирган, деб Арат тўғри айтган».

## **IX БОБ. ҲИНДЛАРНИНГ ТУРЛИ «РАНГЛАР» ДЕБ АТАЙДИГАН ТАБАҚАЛАРИ ВА УЛАРДАН ҲАМ ҚУЙИ ТАБАҚАЛАР ҲАҚИДА**

Табиати жиҳатидан бошқариш ва сиёсат ишига қизиқувчи, бошлиқ бўлишига фазилати ва кучи билан ҳақли, фикр ва мақсадида саботли, давлатни ўзидан кейингиларга қолдириб, уларнинг ўз ота-боболарига қарши бўлмасликларини мақсад қилган киши томонидан берилган ҳар бир буйруқ, буюрилган киши қаршисида, турғун тоғлар сингари қатъий бўлса, буйруққа кўп йиллар ўтса-да, кейинги авлодлар ҳам унга бўйсундилар. Шу билан бирга, агар у буйруқни беришда миллий ва диний бирон томонга асосланса, бир кориндан бир вақтда икки бола туғилганидек, подшоҳлик ва дин иши бирлашиб буйруқ мукамал ва тугал бўлади. Мукамалликнинг орқа томонида кўзда тутилиши керак бўлган бошқа ғоя ва мақсадга ҳожат йўқ.

Қилган ишлари ўрнак олса арзийдиган бўлган қадимги подшоҳлар одамларни табақа ва мартабаларга ажратишга жиддий эътибор қаратар эдилар. Улар ҳар бир табақанинг ўзига тегишли иш ёки санъат ва ҳунар билан ҳамиша машғул бўлишга буюрар, ҳеч бир кишининг ўз мартаба ва даражаси чегарасидан ўтишга рухсат бермас ҳамда ўз табақаси чегараси билан кифояланмаган кишига жазо берар эдилар.



Бу ҳол қадимги Эрон подшоҳларининг ҳукмронлик давридан равшан кўриниб туради: уларнинг бу хусусда кучли қонунлари бўлиб, унга кўра, хизмат билан яқинлик ва пора бериб ялиниш уларни бу мақсаддан қайтара олмаган. Ҳатто Бобак ўғли Ардашер<sup>263</sup> Эрон подшоҳлигини янгидан оёққа турғазганида, одамларни ҳам янгидан табақаларга ажратиб, аскар бошлиқлари ва подшоҳларнинг болаларини биринчи табақага; обидлар, иккинчи табақага; табиблар, мунажжимлар ва турли илм эгаларини учинчи табақага; деҳқон ва ҳунармандларни тўртинчи табақага қўйган. Ҳар бир табақа турли мартабаларга бўлинган. Уларнинг алоҳида жинслари бўлиб, шу жинслар [ўз навбатида] турларга ажралиб турар эди. Шу турда навга ажралишнинг бошланиши эсда сақланса, гўё бу тур насабдек бўлар эди. Агар турга ажралишнинг сабаб ва қоидалари унутилган бўлса, бу тур бутун миллатга тегишли ва алоқали бўлиб қолар эди. Унутиш, албатта, узун муддатдир, узоқ замонлар ва кўп асрлар ўтиши натижасида вужудга келади.

Шу кунларда ҳиндлар бу масалага жуда кўп эътибор берадилар. Ҳатто биз [мусулмонлар]нинг ҳиндларга тесқари бўлишимиз, ҳамма халқни бир текисда кўриб, фақатгина такводор кишиларга ортиқ даража беришимиз улар билан ислом халқи ўртасидаги айирмаларнинг энг каттасидир. Улар касталарни варна<sup>264</sup>, яъни ранглар деб атаб, насаб жихатидан уларга жатака<sup>265</sup> дейилади; бу эса «туғилиш» демакдир.

Бу || (49) касталар тўртга бўлинади. Уларнинг энг юқори даражалиси брахманлардир. Ҳиндларнинг китобларида айтилишига кўра, брахманлар Брахманинг бошидан яратилганлар. Брахма табиат кучига киноя тариқасида берилган исмдир. Ҳайвоннинг юқори томони бошдир. Демак, брахманлар жинснинг танланган туридир, шунинг учун улар [ҳиндлар эътиқодига кўра] инсонларнинг яхшисидирлар.

Брахманлардан қуйроқ каста кшатрий бўлиб, ҳиндларнинг даъвосига кўра кшатрий Брахманинг кифтлари ва икки кўлидан яратилганлар. Буларнинг мартабалари брахманлар мартабасидан у қадар узоқ эмас.

Улардан кейинги каста вайшия бўлиб, ҳиндлар даъвосига кўра, [улар Брахманинг икки сони]дан яратилганлар<sup>266</sup>. [Бундан кейинги табақа шудрадир. Бу каста Брахманинг] икки оёғидан яратилган. Кейинги икки кастанинг мартабаси бир-бирига яқиндир<sup>267</sup>. У тўрт кастадагилар билан бир-бирларидан ажралган ва имтиёзли бўлсалар ҳам, маҳаллалари шаҳарлар ва қишлоқларда бўлиб, уй-жой жихатдан бир-бирлари билан аралаш ҳолда яшайдилар.

Сўнгра улардан кейин антяжа дейилган турли вазифаларни бажарувчилар табақаси бор. Булар бирон кастадан саналмайдилар, фақатгина ҳунармандлар – антяжа деб аталадилар<sup>268</sup>. Антяжа, ҳунар эътибори билан саккиз турга бўлинади. Ҳунарлари бир-бириникига ўхшаш бўлганлари бир-бировлари билан аралашиб, қуда бўлишадилар. Лекин юнг ишловчи, этикдўз ва тўқувчи-

ларга қўшилмайдилар. Чунки бошқа турлари бу ҳунармандлар юритадиган соҳаларни паст деб биладилар. Ўша саккиз турли ҳунармандлар мана шулар: юнг ишловчи, балиқ овловчи, ваҳший ҳайвонлар ва қушларни тутувчи ва тўқувчидан иборатдир. [Юқоридаги] тўрт кастадагилар бирон шаҳарда бир-бирига ҳатто қўшни бўлиб яшамайдилар. Улар шаҳар атрофидаги худудларда яшайдилар.

Аммо *ҳади*, *дома*, *чандола* ва *бадҳатаваларга* келсак, булар бирон синф ва кастадан саналмай, шаҳар ва кишлоқларни тозалаш ва уларнинг хизматидан иборат паст ишлар билан машғул бўладилар; ҳаммалари қиладиган ишлари билан бир-бирларидан имтиёзланадилар. Айтишларига кўра, улар шудра отаси билан браҳман онасининг никоҳсиз [ношаръий] турмушларидан туғилганлар. Демак, улар ватандан ҳайдалган, хўрланган ва камситилган кишилардир<sup>269</sup>.

Ўша табақадагилардан ҳар бирининг бажарадиган вазифаси ва тутган йўлига қараб белгиси ва лақаби бўлади. Масалан, доимо уйида амал билан машғул бўлса, умумий бўлган браҳман лақабини олади. Битта олов хизмати-ни давом эттирса, унга *иштин*<sup>270</sup> лақаби берилади; учта оловга хизмат қилса, *агниҳотири*<sup>271</sup> бўлади. Ўша хизматлари билан бирга олов учун қурбонлик қилса, *дикшита*<sup>272</sup> дейилади. Бошқа касталар ҳам худди шундай. Лекин *ҳади* ўз жинсининг энг яхши тури саналади. Чунки у ифлос нарсалардан ўзини юқори олиб, улардан узоқ туради. *Дома* эса ҳадидан кейинги яхши тур ҳисобланади. Чунки у чанг чалади ва ашула айтади. Бу иккаласидан кейингилар эса, [ҳайвонларни] ўлдиришни ва уларни турли йўл билан қийнашни ҳунар қилиб, шу билан машғул бўладилар. Буларнинг орасида энг ёмони *бадҳатавадир*. Чунки у маълум ўлимтикни ейиш билан чекланмайди, ит ва шунга ўхшаш жониворларни ҳам ейишга ўтади.

Тўрт кастанинг ҳар бири овқат ейишда бошқа-бошқа қаторда ўтиради; икки хил кастадан бўлган икки гуруҳ бир қаторда ўтирмайди. Масалан, браҳманлар қаторида бир-биридан нафратли икки гуруҳ ўтириб, ўтирган жойлари бир-бирига яқин ва ёндош бўлса, қаторлар орасига тахта қўйиб ёки арқон ташлаб, ҳеч бўлмаса, иккала жой ўртасига чизик чизиб ажратиб қўйилади. Ажратишнинг яна бир сабаби шуки, салқит овқат ҳаром саналади. Ана шу ҳаромлик якка овқатланишни талаб этади. Чунки бир идишда овқат ейдиган икки кишининг бири ейишга тутинганда, бошқа || (50) бирининг ҳам ейишга тутиниши ва аввалгисининг ейишни тўхтатиши сабабли қолган овқат салқит ҳаром бўлади.

Тўрт кастанинг ҳоли ана шулардан иборат.

Аржуна Васудевадан тўрт кастанинг табиати қандай бўлишини ва уларнинг қандай ахлоқда бўлиши кераклигини сўраганида, у шундай деб жавоб берган:

«Браҳман» кўп ақли, очиқ кўнгилли, ростгўй, чидамли, зоҳир, сезгиларини жиловлай оладиган, адолатни севувчи, қалби тоза, ибодатга берилган, ҳиммат ва ғайратини дин йўлига сарф қилувчи бўлиши керак. Қшатрий одам-

лар кўнглида ҳайбатли, шижоатли, улуғвор, сўзамол, сахий, кийинчиликларга парво қилмайдиган ва муаммолар ечимини топишга қизиқувчан бўлиши керак. Вайшия деҳқончилик, чорвачилик, савдогарчилик билан машғул бўлиши лозим. Шудра хизматда ҳаракатчан ва тавозели хизмати сабабли ҳар бир кишига севимли бўлиши керак. Шу касталарнинг ҳар бири ўз вазифаси ва одатида турғун бўлиб, Худога ибодат қилишда хатоликка йўл қўймаса, ҳамма амалида Худони унутмаса, яхши истакларига эришади. Ўз вазифасидан кўра шарафли бўлса ҳам, ундан бошқа кастанинг вазифасига кўчса, буйруқдан ташқари ба-жарилган иш сабабли гуноҳкор ҳисобланади<sup>273</sup>.

Васудева Аржунани душман билан урушишга қизиқтириб, яна шундай дейди: «Эй шарафли ва қўли узун киши, сен кшатрийсан; шижоатлик, ботирлик, бошингга мусибат тушганда бепарво бўлиш ва нафс сўзига қаршилик кўрсатишда ботир бўлиш жинсинг учун табиий ахлоқ эканини билмайсанми? Ахир, савобга бусиз эришиб бўлмайди-ку! Агар кшатрий душман устидан ғалаба қозонса қудрат ва неъматга, ҳалок бўлса жаннат ва роҳатга эришади. Душманга нисбатан илиқ муносабатда бўлишинг, шу душман гуруҳининг ўлдирилишига ачинишинг натижасида қўрқоқ ва кучсиз деб машҳур бўласан. Улуғ кишилар ва шижоатли кескин одамлар қаторидан овозанг ўчиб кетади. Уларнинг назаридан тушасан, исминг ҳам уларнинг қаторидан тушиб кетади. Шундай аянчли ҳолатдан ҳам ёмонроқ азоб ва укубат борлигини билмайман; уялтирадиган ишга урингандан кўра, ўлган яхшироқ. Худо кастангни душман билан уришишга муносиб кўриб, сени яратган ва сенга буйруқ берган экан, Унинг буйруғига бўйин эг ва ҳеч нарса тама қилмай, Унинг хоҳишини ижро қил. Шундагина қилган амалинг Худо учун бўлади»<sup>274</sup>.

Халос бўлишга келсак, шу касталардан кимнинг халос бўлиш учун тайёр ва қобилиятли экани ҳақида ҳиндларнинг сўзлари хилма-хилдир. Баъзилар «Брахманлар ва кшатрийдан бошқалар қутулишга қобилиятли бўлолмайдилар. Чунки «Веда» китобини ўрганиш фақатгина уларга мумкин бўлади», дейдилар.

Ҳиндлардан ҳақиқатшунос кишиларнинг айтишларига кўра, инсонлар турининг ҳар бирларида ҳам ният тўла-тўқис ҳосил бўлганидагина улар халос бўлиши мумкиндир<sup>275</sup>. Бу даъво Виёсанинг «Йигирма беш нарсани аниқлаб ўрган, сўнгра қайси динни хоҳласанг, ўшани қабул қилавер. Чунки шундагина халос бўлишинг аниқдир», деган сўзининг далолат бериши билан исботланади. Яна Васудеванинг шудра наслидан туғилишининг далолати ва Аржунага: «Худо жабр-зулм қилмай ва аямай мукофот берувчидир. Кимки ўз амалида Худони унутиб, яхшилик қилса, унга Худо ёмон жазо беради. Агар ўз амалида Худони эсда тутиб унутмаса, ёмонлигини яхшиликка йўяди. Агар бу ишни қилувчи брахман ёки кшатрий бўлиши у ёқда турсин, || (51) у вайшия ёки шудра, ёки бирон аёл киши бўлса ҳам, худо унга ёмон мукофот берувчидир», деган сўзи билан исботланади<sup>276</sup>.

## Х БОБ. ХИНДЛАРДАГИ ДИНИЙ ЙЎЛ-ЙЎРИҚ ВА ҚОНУН-ҚОИДАЛАР МАНБАИ ҲАМДА БАЪЗИ ШАРИАТ ҲУКМЛАРИНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ ҲАҚИДА

Юнонлар диний йўл ва қоидаларини халқни ўша йўлларга чакирувчи ва илоҳий ёрдам бериб кучайтирган ҳақим ва донишмандларидан, масалан, Солон, Дракон, Пифагор, Минос ва шуларга ўхшаш кишилардан олар эдилар. Шунингдек, уларнинг подшоҳлари ҳам йўл-йўриқ кўрсатар эди. Чунки Минос денгиз ороллари эгаллаб, критликларни қўлга киритганида, бу воқеа Мусо замонидан икки юз йилча кейин содир бўлган – улар учун диний қонунлар тузиб берди. Лекин у қонунларни Зевсдан олган эди [деб кўрсатган эди]. Ўша замонда Минос<sup>277</sup> ҳам қонунлар тузди.

Курушдан кейин подшоҳ бўлган Доро I<sup>278</sup> замонида румликлар афиналикларга элчилар юбориб, улардан ўн икки китобдан иборат диний қонунлар қабул қилдилар ва Помпилий<sup>279</sup> подшоҳ бўлгунча, унга амал қилдилар. Кейин Помпилий ҳукмрон бўлиб, йўл-йўриқлар тузди; йилни ўн икки ой қилиб белгилади, илгари уларда йил ўн ой ҳисобланар эди. Муомала ва савдо ишларида кумуш ўрнига сопол ва терилардан ишланган пуллар чиқарди. Бундай тадбирлар подшоҳга бўйсунмаган кишиларга унинг ғазабланишидан юзага келарди<sup>280</sup>.

Платоннинг «Қонунлар» китобининг биринчи бобида шундай сатрлар бор. «Афинада яшовчи бир мусофир: «Сизлар учун қонун тузишга сабабчи бўлган зот ким эди? У малакмиди ёки бирорта инсонмиди?» – деб сўраганида, Кносдан бир киши бундай жавоб берди: «Уни тузган малаклардан бўлган: биз [афиналиклар фикри]ча эса, ҳақиқатда Зевс тузган; аммо лакедемонликларнинг айтишларига кўра, юнонлар учун диний йўл-йўриқларни Аполлон тузган»<sup>281</sup>.

Ўша мусофир яна шундай дейди: «Қонунларни тузувчи киши Худо томонидан юборилган бўлса, буларни тузишда у киши энг улуғ фазилатларни ва ғоят даражадаги адолатни мўлжаллаши керак»<sup>282</sup>.

Критликларнинг қонунларини мана шу сифат билан мақтаб: «Критликлар қонуни тўғри йўлда, унга амал қилган киши тўла бахтли бўлади. Чунки у киши бу қонун орқали Худонинг фазл ва қарамига тегишли бўлган инсоний фазилатларнинг ҳаммасига эришади»<sup>283</sup>, дейди.

Яна афиналик мусофир ушбу китобнинг иккинчи бобида шундай деган: «Одам жинсига меҳнат ва машаққат чекиш табиатларига киритилганидан Худоларнинг раҳмлари келиб, уларга Худолар, музалар ва музаларнинг бошлиғи Аполлон ва инсонларга майни инъом қилувчи Дионис учун инсонлар байрам кунлари белгиладилар, узум майи инсонлар учун қариллик қакрасига қарши даво бўлади; [бу эса] уларга шу билан қийинчиликни унутиб, нафсла-

ри, хулқлари шиддатли ҳолатдан тинч ва яхши ҳолатга кўчиб, қайтадан ёш бўлишлари учун берилди».

Яна: «Худолар инсонларнинг машаққат чекишларига яхши мукофот қилиб, байрамларда ва шодиёна кунларда куйлаб, шодлансинлар, деб рақс ва тартибли вазндаги оҳангга уларни илҳомлантирдилар. Шунинг учун рамз билан мусиқа турларининг бирига бу худолар учун ўқиладиган намозларнинг тасбеҳлари исми деб ишорат қилинди»<sup>284</sup>, дейди афиналик мусофир.

Юнонларнинг аҳволи ана шундай бўлган. Ҳиндларнинг аҳволи ҳам худди шундай. Чунки ҳиндларнинг шариат йўллари ва қоидалари ҳикматшунос кишилари – ришилар томонидан тузилган. Аммо улар инсон суратида бўлиб келадиган || (52) Нараяна пайғамбардан содир бўлмаган, деб эътиқод қиладилар<sup>285</sup>. Улар пайғамбарни оламга ёғиладиган ёмонлик моддасини киркиш ёки юз берган ёмонликни тутиб қайтариш учунгина келади, деб ўйлаганлар. Уларнинг йўл-йўриқларида алмашиш бўлмайди; йўл-йўриқлари қандай бўлса, ҳеч ўзгартирилмай амал қилинади. Шунинг учун ҳиндларнинг фикрига кўра, халқнинг маслаҳатли ишларида пайғамбарларга эҳтиёж тушса ҳам, қонун ва ибодат бобида уларга эҳтиёж тушмайди.

Энди қонун ҳукмларининг бекор қилиниш [масаласи]га келсак, бу [бекор қилиш] ҳиндларда ҳам мумкинга ўхшайди. Чунки уларнинг айтишларига кўра, Васудева келишидан илгари кўп нарса мумкин бўлиб, кейин ман қилинганларнинг бири сигир гўштидир<sup>286</sup>. Бундай бўлишига сабаб одамларнинг табиатлари ўзгариб, елкаларидаги вазифаларини адо этишдан ожиз қолганидир.

Яна шундай масалалардан бири никоҳ ва насаб масаласидир. Чунки насаб бир вақтларда [қуйидаги] уч йўлнинг бири билан ҳисобланган:

Бири, никоҳлаб олинган хотин қорнида эри пуштидан бўлган болага эрнинг эга бўлиши – ҳиндларда ҳозирда ҳам шундай.

Иккинчиси, турмушга чиқарилган қиз вужудида куёв пуштидан бўлган болага, агар бола қизнинг отасиники бўлади, деб шарт қилинган бўлса, бу ҳолда бола, уни туғдирган отаники эмас, шарт қўйган бобоники бўлиб қолган.

Учинчиси, бегона киши пуштидан хотин вужудида бўлган болага эри эга бўлган. Чунки [хотин] эрники бўлгач, унинг розилиги билан хотиннинг бегона кишидан туғилган болалари ҳам эрники бўлиб қолган.

Ана шу сабабга кўра, Панду Шантанунинг ўғли ва насаби деб ҳисобланган. Бу воқеа мана бундай бўлган: подшоҳ Шантану зоҳидлардан бирининг қарғиши билан ўз хотинларига яқинлашувига тўсқинлик қиладиган бир касалликка учраган. Унинг фарзанди бўлмаган. Шунда у ўз ўрнига подшоҳ бўладиган бир бола туғдириб беришини илтимос қилиб, Парашара ўғли Виясага хотинларининг бирини юборган. Хотин Вияса олдида кирганда ундан қўрқиб титраган, натижада хотиннинг шу ҳолатига яраша заъфарон юз – касал-

унинг насли деб билиш [яхудийларга] фарз қилинган<sup>291</sup>. Шундай иш қилган кишини ибронийлар йабхам деб атайдилар<sup>292</sup>.

Мажусийларда ҳам шундай бўлган. Падашвар-Гиршоҳ<sup>293</sup> Бобак ўғли Ардашир қилмаган гуноҳни қилди, деб даъво қилганида, буюк хербед<sup>294</sup> «Тансар»да<sup>295</sup> ҳалиги Падашварнинг даъвосига жавоб юборган мактубида форслардаги никоҳ муносабатлар тартиби мана шундай кўрсатилган: «Бир киши вафот этсаю, унинг фарзанди йўқ бўлса ва марҳумнинг аёли ҳаёт бўлса, ўлганнинг исми билан унинг энг яқин кишисига никоҳлаб берилади. Агар хотини вафот этса, унинг яқин қариндошидан бир аёл шундай никоҳлаб берилади. Агар марҳумнинг қариндош-уруғидан ҳеч бир аёл киши топилмаса, молига меросхўр бўлган эр кишилар чақирилиб, шуларнинг орасида ёш ўғил бола бор бўлса, шу бола марҳумнинг фарзанди деб ҳисобланади. Шундай ишга бепарволик қилганни, саноксиз кишиларни ўлдирган, деб саналади. Чунки у то дунё тугагунча ўлган кишининг наслини ва уни эслашни тўхтатган бўлади».

Биз буларнинг ҳаммасини қарама-қарши қўйиш ёрдамида ҳақ йўлнинг хусни билинсин ва буларни солиштирганда ноҳақ йўлнинг жирканчилиги кўринсин, деб баён қилдик<sup>296</sup>.

## **XI БОБ. БУТ – САНАМЛАРГА ИБОДАТ ҚИЛИШНИНГ БОШЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ ТАСВИРЛАНИШИ ҲАҚИДА**

Маълумки, олий кишилар табиатан ҳис-туйғу билан сезиладиган нарсалар майли бўлиб, ақлий нарсалардан узоқ бўладилар; бундай нарсаларга қизиқиш эса, ҳар бир замон ва ҳар бир жойда озчиликни ташкил қилган олимларгагина хосдир. Ҳамонки, авом халқ тасаввур билан қаноатланганлиги учун кўп динларнинг вакиллари [тўғри йўлдан оғиб] ўз китобларида суратлар, ибодатхоналарида тимсоллар ва ҳайкаллар тиклашга киришганлар, чунончи, яҳудийлар, насронийлар ва, айниқса, монавийлар шундайлардандир.

Пайғамбарлар, донолар ва малаклардан иборат улуғ шахсларнинг исмларига санамлар барпо этишнинг сабаби ва боиси ана шудир. Улар аллақачонлар ўлиб, йўқ бўлиб кетган бўлсалар ҳам, қилган ишларини шу санамлар орқали эслатиш, ўзлари бўлмасалар ҳам, одамларнинг қалбларида уларнинг ҳурматларини саклаш учун шундай қилганлар. Ниҳоят, санамларни яратган кишилардан кейин кўп авлодлар ва асрлар ўтиб, уларнинг ясалиш сабаблари ва уларни талаб қилган аҳвол унутилган ва санамларга топиниш одатга айланган.

Сўнгра бу ишга қонунчилар аралашиб, санамларга ибодат қилиш оми халқ орасида чуқур тарқалганганлигини кўргач, улар санамларга ибодат қилишни мажбурий қилганлар. Тўфон ҳодисасидан олдинги ва кейинги одамлар ҳақида шундай хабарлар етиб келган. Ҳатто пайғамбарлар юборилишидан || (54) ил-

гари ҳам инсонлар санамларга ибодат қилган эдилар, деган хабар ҳам шулар жумласидан.

Аммо Таврот китобига амал қилувчилар ўша Тўфондан аввалги санампарастлик замонини Иброҳим отасининг бобоси Саруғ<sup>297</sup> яшаган давр деб билганлар. Римликлар эса бундай дейдилар: фаранглар мамлакатадаги ака-ука Ромул ва Рем иккаласи подшоҳ бўлгач, Римни барпо қилишди. Сўнгра Ромул ўз биродарини ўлдирди. Шундан кейин ер қимирлашлар ва урушлар кетма-кет юз бераверди. Охири Ромул тавба қилди ва тушида кимдир: «Бу ҳодиса биродарингни тахтга ўтказишдан бошқа йўл билан тинчимайди», деди. Кейин у биродарининг тасвирини олтиндан ясашиб, ўз ёнида тахтга ўтказиб қўйди. У: «Бизга шундай қилгин деб буйруқ бўлди», дер эди. Ромулдан кейин шу хилда буйруқ билан иш қилиш подшоҳларга одат бўлиб қолди; ғалаёнлар тўхтади. Биродари [ўлими] жиҳатидан ғазабга йўлиққани сабабли кишилар нафратини ўзидан қайтариш ниятида у ўша кунни байрам ва ўйин-кулги куни деб эълон қилди.

У яна тўртта от устида тўртта ҳайкал тиклади; уларнинг яшил ранглиси ер учун, кўк ранглиси сув учун, қизили олов учун ва оқ ранглиси ҳаво учун эди. Шу ҳайкаллар ҳозиргача Римда сақланиб қолган<sup>298</sup>.

Биз ҳиндларнинг урф-одатларини ҳикоя қилар эканмиз, уларнинг бу соҳадаги ёлғон-яшиқларини ҳам айтиб ўтамиз ва таъкидлаймизки, булар авом халқ орасида тарқалган. Аммо халос бўлишни мақсад қилиб олган ёки диалектика усулини ва илоҳиёт илмининг йўлларини ўрганган ҳамда [ҳиндлар] сора деб атайдиган ҳақиқатни аниқлашни мўлжаллаган киши, одам ясаган тасвири бир ёқда турсин, олий даражали Худодан бошқа ҳеч бир нарсага ибодат қилмайди. Шавнака пошоҳнинг Парикшага<sup>299</sup> айтиб берган ҳикояси ўша қиссаларнинг биридир.

[У] бундай деган: «Ўтган замонларда Амбариша<sup>300</sup> исмли подшоҳ бўлиб, у подшоҳликни қабул қилиб, ўз мақсадига эришган. Сўнгра подшоҳликдан юз ўгириб, узоқ вақт халқдан четга чиқиб, ибодат қилиш ва тасбеҳ айтиш билан машғул бўлган. Ниҳоят, маъбуд малаклар раиси – Индра суратида бўлиб, филга минган ҳолда Амбаришага ўзини кўрсатиб, «Кўнглингга келган нарсани сўра, уни сенга берайин», деганида, подшоҳ: «Мен сени кўриш билан шодландим, ишимда муваффақият ва ёрдам бериб эҳтиёжимни қондирганинг учун сендан миннатдорман, лекин тилагимни сендан эмас, балки сени яратгандан сўрайман», деган.

Шунда Индра: «Ибодат қилишдан мақсад яхши мукофот олишдир, мақсадингни кимдан топган бўлсанг, уни ўшандан сўрайвер, «Сендан сўрамайман, бошқадан сўрайман» деб танлаб ўтирма», деган.

Подшоҳ эса: «Дунёдан ва ундаги нарсаларнинг ҳаммасидан юз ўгирдим, ибодат қилишдан мақсадим Тангрини кўришдир. Бунинг сенга алоқаси йўқ, қандай қилиб тилагимни сендан сўрайман?» – деган.

Индра: «Буткул олам ва ундаги ҳамма мавжудот менга бўйсунди, сен кимсан ўзинг, ҳатто менга қаршилиқ ҳам қилаётибсан?» – деди.

Подшоҳ бўлса унга жавобан: «Мен ҳам сўзингга кулоқ солиб бўйсунаман, лекин мен сенга шу қувватни берган зотга ибодат қиламан. У эса ҳар бир нарсанинг эгаси ва сени икки подшоҳ – Бали ва Ҳираниякшанинг<sup>301</sup> ёмонликларидан сақлаган зотдир. Энди мени ўз ҳолимга қўй ва тинчгина менинг олдимдан кет», деди.

Индра бўлса шундай деган: «Менга қаршиликдан бошқа иш қилмас экансан, албатта, сени ўлдираман ва ҳалок қиламан». Подшоҳ шундай деган: «Яхшилиқни кўролмайдилар ва ёмонликка қарши турадилар, деган мақол бор. Дунёдан юз ўгирган кишини малаклар кўролмас эканлар ва у киши малакларнинг адаштиришидан четда қолмас экан. Мен дунёдан юз ўгириб, ибодатга юз қўйган кишилар жумласиданман. Тирик эканман, ибодатни қўймайман. Сенинг || (55) томонингдан ўлдирилишга лойиқ кўриладиган гуноҳ қилганимни билмайман. Мен гуноҳкор бўлмасам ҳам ўлдирмокчи бўлсанг, у сенинг ишинг, хоҳлаганингни қилавер. Лекин дилимни фақатгина Худога бериб, бунга ҳеч бир ғараз аралашмаса, менга зарар етказолмайсан. Шунча вақт ибодатдан чалғитганингни ўзи етар. Мен ибодат қилишга кетдим».

Шундай қилиб [подшоҳ] ибодатга машғул бўлгач, Худо кизил нилуфар тусли, сариқ кийим кийган инсон суратида, Гаруда исмли қушга минган ҳолда унга кўринади. У суратнинг тўртта қўли бўлиб, бир қўлида шанкҳа, филлар устида юрилганда пуфлаб чалинадиган ва шиллиқ курт садафи шаклида сурнай бор эди. Иккинчи қўлида *чакра*, яъни даврала, ҳамма томони ўткир ва отилганда теккан жойини кесиб кетадиган қурол; учинчи қўлида тумор, тўртинчи қўлида падма, яъни қизил нилуфар бор эди<sup>302</sup>. Подшоҳ бу суратни кўргач, ҳайбатидан эти увишиб, туклари хурпайди ва сажда қилиб, кўп тасбеҳ айтди, натижада, унинг кўрқинчли кўринишига ўрганди ва ҳалиги сурат, подшоҳнинг ғалаба қозониб мақсадга эришувидан дарак бериб, уни севинтирди. Шунда подшоҳ: «Мен подшоҳликка эришдим, бу ҳақда ҳеч бир киши мен билан талашмади ва шундай ҳолатда бўлдимки, ғамгин ва касаллик менга етишмади; гўё дунёнинг ҳамма нарсасига эришдим. Сўнгра ундан юз ўгирдим, чунки ундаги яхшилиқнинг оқибати ҳақиқатда ёмонлик эканини аниқ билдим. Ҳозирда эришганимдан бошқа нарсани орзу қилмай қўйдим. Бундан кейин шу банддан ҳалос бўлишдан бошқани тиламайман», деган.

Худо эса шундай деган: «Ҳалос бўлиш дунёдан юз ўгириб, ёлғиз туриш, фикрлашга берилиб, ҳамма сезгиларни ўзингга бўйсундириб олиш билан бўлади».

Подшоҳ [унга] айтган: «Мен-ку, қобилият эҳсон қилингани сабабли ана шу сен айтганларни қилишга қодирман-а, лекин бошқа кишининг қандай қилиб



бунга кудрати етади? Ҳолбуки, инсонга овқат ва кийим керак, иккаласи инсон ва дунё орасини улаштирувчидир, бундан бошқача ҳам бўлиши мумкинми?»

Худо подшоҳга: «Подшоҳлик ва дунё ишларини мақсадга ва энг яхши йўсинга мувофиқ қилавер, дунёни обод қилиш, дунё ахлларини қўриклаш ишларида, қиладиган садақаларингда, қолаверса ҳар бир ҳаракатингда ҳам, ният ва қасдинг фақатгина менга қаратилган бўлсин. Инсонлик сифати бўлган унутиш, агар сенда ғалаба қилса, мана шу кўриб турганинг шаклимда ҳайкал қилиб ол, унинг олдига хушбўйликлар ва гулларни келтир, мени унутмаслик учун у ҳайкални менга ёдгорлик қилиб қўй. Ҳатто бирон нарсани истасанг, мени ёдинга ол, сўзласанг, менинг исмим билан бошла, бирон иш қилсанг, мен учун қил», деган.

Подшоҳ: «Айтганларингни умуман юзаки тушундим, лекин менга эҳсон қилиб, уларни бирма-бир айтиб бер», деди. Худо: «Айтганингни қилиб ҳамма кераклиларни қозинг Васиштҳага<sup>303</sup> инъом қилдим, ҳамма масалада унга му-рожаат қил», деб подшоҳнинг кўзидан ғойиб бўлган. Подшоҳ эса ўз ўрнига қайтиб, буюрилган ишни қилишга уринган.

Айтишларига, ўша вақтдан бошлаб санамларнинг баъзилари, биз баён қилгандай, тўрт қўлли, баъзилари эса келадиган қиссага, сифатга ва кимнинг сурати тасвирланишига қараб икки қўлли бўлади.

Яна ҳиндларнинг хабар ва ҳикояларига кўра, Брахманинг Нарада<sup>304</sup> исмли ўғли бўлиб, унинг Худони кўришдан бошқа мақсади бўлмаган. У асо тутиб юришни одат қилган. Асони ерга ташлаганда илон бўлар, шу асо орқали ажойиб ишлар қилар ва асосиз юрмас экан. Бир куни ўша маълум орзусини ўйлаётиб, узоқдан бир нурни кўради. Унга томон борганида, нурдан: «Сен сўраган ва орзу қилаётган нарсанинг бўлиши мумкин эмас. Мени фақатгина мана шу шаклда кўришинг мумкин», – деган овоз эшитади. Нарада қараса, инсон || танаси суратида нуроний бир шахс турибди. Шу пайтдан бошлаб санамлар турли шаклларда қўйиладиган бўлди.

Қуёш исмига қўйилган Мўлтондаги санам машҳур санамлардандир. Шунинг учун у Адития<sup>305</sup> деб аталган. У ёгочдан ясалиб, қизил чармдан кийим кийгизилган. Иккала кўзида қип-қизил иккита ёқут бор. Ҳиндларнинг дав-восича, бу санам энг кейинги крита-югада<sup>306</sup> ишланган. Гарчи ўша даврнинг охиридаёқ ишланган бўлса ҳам, у замондан бизгача 216 432 йил ўтган бўлади<sup>307</sup>. Муҳаммад ибн ал-Қосим ибн ал-Мунаббих Мўлтонни фатҳ қилганида, унинг ободлиги ва унда кўп мол йиғилиши сабабини текшириб кўрган эди. Бунга сабаб ўша санам эканини билди. Чунки одамлар шу санамни зиёрат қилиш мақсадида ҳар томонлардан келишар эди. Муҳаммад ибн ал-Қосим санамни бузмай қолдиришни маъқул кўрди. Лекин унга ҳурматсизлик кўрсатиш учун бўйнига мол гўштини остириб қўйди ва шу ерга масжиди жоме бино қилди. Қарматийлар Мўлтонни қўлга олганларида ғалаба қозонган Жалам ибн Шай-

бон<sup>308</sup> ўша санамни синдириб, унинг хизматчиларини ўлдирди. Санам қўйилган уйни – бу уй баландликка пишиқ ғиштдан қурилган қаср эди – аввалги жоме масжиди бадалига [бошқа] жоме масжиди бино қилди ва Умавийлар даврида қилинган ишларга душманлик ва нафрат қилиб аввалги масжидни қулфлаб қўйди. Амир Маҳмуд (Аллоҳ уни ёрлақасин) бу мамлакатлардан қарматийлар ҳукмронлигини қўпоргач, жума намозини аввалги эски масжиди жомеда ўқишга буюрди ва кейинги жомени бекор қолдирди. Бу ҳозирда хина бойламларини йиғиб қўядиган омборхона бўлиб турибди.

Қарматийларнинг юзага чиққан вақти яшаб турган кунларимиздан олдин келгани сабабли мазкур соннинг юзлар хонасини ва ундан кейинги хоналарини туширсак, 216000 йил қолади. Бу эса критаяюганинг охириги йилларидан то ҳижрат эрасининг аввалигача бўлган муддатдан иборат бўлади. Ўша жойнинг ҳавоси ва ери рутубатли бўлатуриб, ёғоч санам шунча йиллар бўйи қандай қилиб чиримай қолган экан?

Ҳиндлар Танешар<sup>309</sup> шаҳрини ҳурмат билан тилга оладилар. Ундаги санам Чакрасвамин<sup>310</sup>, яъни сифатини биз юқорида айтиб ўтган чакра қуролининг эгаси деб аталади. Бу санам мисдан ишланган, [ҳажми эса] инсон гавдасига яқин бўлиб, у ҳозир Ғазнада Соманатҳ боши билан биргаликда майдонга ташлаб қўйилган. Уни линга<sup>311</sup> деб ҳам аташади.

Аммо Чакрасвамин эса, ҳиндларнинг айтишларига, гўё Бҳарата урушларига<sup>312</sup> ёдгорлик қилиб, ўша кунларда ишланган.

Кашмир ичкарасида, шаҳарчадан Болор<sup>313</sup> тоғларига томон икки ёки уч кун йўл юрилганда ёғочдан ишланган бир санам қўйилган уй бор. Бу санам шарада<sup>314</sup> деб аталиб, кўплаб одамлар уни зиёрат қилгани келишади.

Биз санамларнинг қандай ишланиши хусусида «Самҳита» китобининг бир бобидаги ҳамма сўзларни келтирамиз. У сўзлар биз мўлжаллаган нарсани ўрганишга ёрдам беради<sup>315</sup>.

Вараҳамиҳира мана бундай деган: Дашаратҳа ўғли Рама ёки Вирочана ўғли Балига санам ясалса, бўйини ўша санамнинг [лойиҳасидаги] бармоқларнинг бир юз йигирматасига тенг қил; у иккаласидан бошқага санам ишланса, ўша соннинг ўндан бирини камайтир, яъни бир юз саккиз бармоққа тенгла<sup>316</sup>.

Вишну учун ясаладиган санамнинг қўлларини саккизта, тўртта ёки иккита қилиб, чап кўкраги остига Шри<sup>317</sup> хотинининг сурат ва ҳайкалини қўй. Агар шу санамни саккиз қўлли қилиб яасанг, ўнг қўлининг бирига қилич, иккинчисига олтин ёки темир таёқ, учинчисига ўк ва тўртинчи қўлини гўё сув олаётгандай қилиб қўй. Чап томондаги қўлларига қалқон, || (57) ёй, чакра дейиладиган қурол ва чиғаноқсимон сурнай ясаб қўй.

Агар уни тўрт қўлли қилиб яасанг, ёй билан ўкни тушириб қолдир.

Агар уни иккита қўлли қилиб яасанг, ўнг қўли сув олаётгандай бўлиб, чап қўлида чиғаноқсимон сурнай бўлсин<sup>318</sup>.

Агар Нараянанинг биродари Баладева шакли ясалса, иккала кулоғи тепасига зирак осиб қўй<sup>319</sup>.

Агар у иккала шаклини [яъни, Баладева ва Нараяна шаклини] ҳам яасанг, уларнинг синглизиси Бхагаватнинг ҳам шаклини ишлаб, улар билан бирга қўй. Бхагаватнинг чап қўли белига қўйилиб, бикинидан сал кўчиб турсин, ўнг қўлида нилуфар бўлсин<sup>320</sup>.

Агар бу қизнинг шаклини тўртта қўлли қилиб яасанг, ўнг қўлларининг бири тасбех ушлаган, бири каплаб сув олаётган бўлиб, чап қўлларининг бирида дафтар, бирида нилуфар бўлсин.

Агар шу шаклини саккизта қўлли қилиб яасанг, чап қўлларида камандалу – бу кўвача дегани – нилуфар, ёй ва дафтар бўлсин. Ўнг томон қўлларида тасбех, ойна, ўк бўлиб, бир қўли каплаб сув олаётгандай бўлсин<sup>321</sup>.

Агар Вишнунинг ўғли Самбанинг шакли ясалса, ўнг қўлига фақат таёк тутказиб қўйсанг бўлади. Агар сурат Вишнунинг ўғли Прадьюмнаники бўлса, ўнг қўлида ўк, чап қўлида ёй бўлсин. Агар иккаласининг хотинларининг шакллари яасанг, ўнг қўлларида қилич, чап қўлларида қалқон бўлсин<sup>322</sup>.

Брахма учун ясаладиган санамнинг тўрт томонда тўртта юзи бўлиб, у нилуфар устида турган ва қўлида кўвача тутган бўлсин.

Махадева ўғли Сканданинг санами – товусга минган бола бўлиб, қўлида шакти бўлсин, бу эса қиличга ўхшаш бўлиб, иккала томони кескир ва дастаси ўғир дастасига ўхшаб ўртада бўлади<sup>323</sup>.

Индра санамининг қўлида вазра деб аталадиган олмосдан ясалган қурол бўлсин. Бу қуролнинг дастаси шактиникига ўхшаш бўлади, лекин дастанинг ҳар икки томонида даста олдига қайилиб келган иккитадан қилич бўлади. Бу санамнинг пешанасига учинчи кўз ясаб, ўзини тўртта тишли оқ фил устига миндириб қўй<sup>324</sup>.

Шунингдек, Махадева[га ясалган] санамнинг пешанасига, рўпарасига тикилиб турган учинчи кўз, бошига ярим ой шакли, [ўнг] қўлига шула деб аталадиган қурол ва бир қилич ясаб қўй; у қурол таёққа ўхшаш бўлиб, уч қиррали бўлсин. Чап қўли билан ўз хотини, яъни Ҳимавантнинг қизи Гаурени ушлаб, ўзининг ён томонидан бағрига босиб турган бўлсин<sup>325</sup>.

Аммо Жина санами – Будданинг ўзи, [шунинг учун] бор кучингни ишга солиб, унинг юзини ва органларини жуда чиройли қилиб ишла; кафтининг ич юзини ва оёғининг тагини нилуфар шаклида қил; бу санам ўшандай нилуфар устида ўтирган бўлиб, сочи оқишрок, ўзи очик юзли, гўё барча махлуқларнинг отасидек бўлсин<sup>326</sup>.

Агар Арҳантнинг, яъни Будданинг бошқа бир баданининг шаклини яасанг, уни яланғоч, яхши юзли, хайр ва эҳсон қилаётган, икки қўли икки тиззасига етган йигит ва хотини Шри шаклини унинг чап қўкрагининг остида тургандек ишла<sup>327</sup>.

Қуёш ўғли Ревантанинг санами, отга миниб, овга кетаётгандай бўлсин. Ўлим фариштаси Яманинг санами эркак қўтосга минган ва қўлига таёқ тутган бўлсин<sup>328</sup>.

Дўзахнинг катта қўриқчиси – Куберанинг санами бошига тож қўйилган, барваста гавдали ва иккала яғрини кенг бўлиб, одамнинг устига минган бўлсин<sup>329</sup>.

Қуёш санами қизил нилуфар мағзи сингари кип-қизил ва дур-гавҳар каби ялтироқ юзли, иккала қулоғи тепасидан зирак осилган, аъзо ва мушаклари бўртайган, бўйнига, кўкрагига солинтириб дурлар тақилган, бошига кунгирали тож қўйилган, икки қўлига иккита нилуфар тутқазилган ва шимолликлар сингари тўпиғигача туширилган [узун] кийимда бўлсин<sup>330</sup>.

Агар сен Етти || (58) Она учун санам яасанг, улар тўдасининг ўртасига ё Браҳманни тўрт томонга қараган тўртта юзли қилиб ёки Кауморини олти юзли, ёки Вайшнавини тўртта қўлли қилиб, ёки Вараҳини чўчка бошли ва инсон гавдали қилиб, ёки Индрани кўп кўзли ва қўлига таёқ тутган қилиб, ёки Бҳагаватини одатдагича ўтирган қилиб, ёки Чамундуни бадбашара, озик тишлари оғзидан туртиб чиққан – сўйлоқ ва қорнини хипча қилиб ясаб қўй<sup>331</sup>. Кейин Маҳадеванинг икки ўғли шаклини ясаб, уларга қўшиб қўй. Кшетрапола исмли ўғлини диккайган сочли, қаттиқ юзли ва яратилиши хунук қилиб, Винаяка исмли ўғлини эса фил бошли, инсон гавдали ва юқорида айтилгандай тўрт қўлли қилиб қўй<sup>332</sup>.

Шу санамлар олдида қўйлар ва қўтослар *китора*<sup>333</sup> – болталар билан ўлдирилади; санамлар уларнинг қонлари билан овқатлансинлар, деб шундай қилинади.

Ҳамма санамлар органларининг ўз бармоқлари билан ўлчаб белгиланган миқдори бор. Гоҳо баъзи санамларнинг миқдорларида ихтилоф қилиб турлича ишланганлар.

Натижа шуки, санамларни ишловчи уларнинг катталигини эҳтиёт қилиб, ортиқ-кам қилмаса, гуноҳдан узоқ ва шакл эгасининг бирон зарар ёхуд ёмонлик етказишидан холи бўлади. Агар санамни бир газ, курсиси билан икки газ қилиб ишланса, шакл эгаси уни тинчлик ва фаровонликка етказди. Агар икки газдан ортиқ қилиб ишласа, яхши кўринадию, лекин [бунда] шуни билиш керакки, санам, айниқса, Қуёш санами, ҳаддан ташқари катта қилиб ишланса, ишланган кишига зарар етади. Санамнинг қорни хипча ва ичига ботган қилиб ишланса, ўша ҳудудда кетма-кет очарчилик ҳукм суради, ориқ килинса, молларнинг соғлиги ёмонлашади.

Агар ясовчи – устанинг қўли тойиб санамга зарба етказиб, бирон из тушириб чақа қилса, [устанинг] ўзига ҳам зарба етиб, жони узилиши мумкин.

Агар текис ва баробар ишланмай, масалан, санамнинг бир кифтини бошқа кифтидан баланд қилиб қўйса, [ўша кишининг] хотинига жиддий зарар етади.

Агар кўзини тепага қаратиб қўйса, умр бўйи кўр бўлиб яшайди ёки куйига қаратиб қўйса, васваса ва ғамгинликка кўп учрайди<sup>334</sup>.

Агар санам бирон гавҳар ва қимматбаҳо тошдан ишланса, ёғочдан кўра яхшироқ, ёғоч эса лойдан кўра яхшироқ бўлади. Чунки гавҳарнинг фойдаси мамлакат эр ва хотинларнинг ҳаммасига тегади. Олтиндан фойдаланган киши қувватли бўлиб, кумушдан фойдаланган мактовга лойик бўлади, мисдан фойдаланганнинг эса ҳукмронлиги ортиб, тошдан фойдаланган кўп ерларга эга бўлади<sup>335</sup>.

Санам ҳайкали – ясалган асл моддасига қараб эмас, балки унга асос солган эгасига қараб ҳурмат қилинади. Мўлтондаги санамнинг ёғочдан ишланганини айтиб ўтдик. Худди шунингдек, Рама шайтонларга қарши урушидан бўшагандан кейин тиклаган *линг*а санами ўз қўли билан уйиб тўплаган қумдан ясалган эди. Шу уйилган қум дарров тошга айланган, чунки шу санамни тиклаш учун белгиланган вақт, Рама буюрган тошни ишчилар йўниб бўлган вақтдан олдинроққа тўғри келган эди<sup>336</sup>. Аммо санам уйининг ва атрофидаги устунларнинг қурилиши, тўрт хил дарахтнинг кесилиши, санамни тиклаш вақтининг белгиланиши ва унинг учун расм ва одатлар барпо қилиниши эса узун ва малол келтирадиган ҳикоядир<sup>337</sup>.

Сўнгра Рама шу санамлар учун турли жамоалардан махдумлар ва хизматчилар қўйишга буюрди. «Вишну шакли учун *бҳагавати* жамоасини, Қуёш шакли учун *мага* жамоасини, яъни мажусийларни, Махадева шакли учун авлиёлар жамоасини белгилади. Бу гуруҳ бир тўда зоҳид ва обидлар бўлиб, улар сочларини узун қилиб ўстирадилар, териларига кул суртадилар, ўз ўликларининг суякларини [бўйинларига] осиб юрадилар, тўқайларда || (59) сузиб юрадилар. Хашт Матарян – Саккиз Она сурати учун браҳманларни, Будда учун *шаманийларни*, Арҳант учун *нагна* жамоасини, қисқаси, ҳар бир санам учун уни тасвирлаган жамоани хизматчи қилиб қўйди. Чунки ўша санам хизматини улар кўнгилдагидек бажарадилар»<sup>338</sup>.

Олий Худо исмига санам тиклаш бир ёқда турсин, материядан юқори турадиган ҳеч бир зот номига ҳам ишланган эмас. Шунингдек, қуйи табақанинг турли бўямачиликлар билан қандай ибодат қилишларини билиб олсин, деб ушбу сўзлар ҳикоя қилинди. Бу борада «Гита» китобида шундай дейилган: «Кўп кишилар мақсадларига эришиш учун бошқалар орқали менга ибодат қиладилар, турли садақаларни ва мендан бошқага айтилган тасбеҳ ва салавотни ўртага қўядилар, мен уларга мақсадларига эришишга қувват ва муваффақият бериб, истакларига етказаман. Чунки менинг уларга ва уларнинг ибодатларига эҳтиёжим йўқ».

Шу китобда Васудеванинг Аржунага айтган қуйидаги сўзлари ёзилган: «Кўпгина хомтама кишиларни кўрмайсанми, руҳоний жинсларига, Қуёш, Ой ва бошқа [осмон] ёритқичларига сиғиниб қурбонликлар қилиб, хизмат

киладилар. Шунда Худо уларга эҳтиёжсизлиги сабабли уларни умидсиз қилмай, орзуларини сўраганларидан ортиқроқ берса ва истаган йўллари орқали орзуларига етказса, мақсад қилиб олган санамларига ибодат қилаверадилар. Чунки Худони танишга илмлари етмайди. Ҳолбуки, Худо уларнинг орзуларини восита қилган йўллари орқали тўла-тўқис қилиб беради. Тама ва воситалар билан эришилган орзу давомли бўлмайди. Чунки бу бошқанинг ҳақ ва ҳурмати уни ўртага қўйиб эришилган бўлади. Фақатгина кексайганда, ўлим ва туғиш олдида мунглиниб, ёлғиз Худога сиғиниб эришилган орзу давомли бўлади»<sup>339</sup>. Васудева сўзининг хулосаси қуйидагича:

«У жоҳиллар қутилмаган ҳолда бирорта қийинчиликдан қутулсалар ёки мақсадга эришсалар, бунинг устига санамлар хизматчиларининг одатдан ташқари нарсалар ҳақидаги сўзлари кўшилса, ўзларини адаштирган санамлар кўзларига кучли кўришиб, уларга ёлворадилар; уларнинг олдида ўзларининг кулоқ ва бурунларини кесишдан ҳам тоймайдилар».

Қадимги вақтда юнонлар ҳам ўзлари билан биринчи сабабчи ўртасига санамларни восита қилиб, юлдузлар ва олий жавҳар исмлари билан атаб, уларга ибодат қилганлар. Чунки улар биринчи сабабчини қасд қилиб, унга ибодат қилиш у ёқда турсин, ҳатто уни улуғлаш учун бирон ижобий сифат ҳам бермаганлар, балки зид сифатлардан уни поклаб тавсифлаганлар.

Араблар ҳам санамларни Шомдан ўз ерларига кўчирган, бизни Худога яқинлаштирар, деб уларга юнонлар сингари ибодат қилганлар.

Платон «Қонунлар китоби»нинг тўртинчи бобида мана бундай дейди: «Тўла-тўқис каромат ва иззатга эга бўлган киши санамлардан бошқаларини ортиқ тутмаслиги, тирик оталарнинг иззатларини бажо келтириши лозим. Чунки куч етганча шундай қилиш, керакли вазифаларнинг энг улуғидир»<sup>340</sup>. Платон «сир» деб махсус сўз – зикр [яъни, эслаш ва ёдлаш]ни айтмоқчи бўлади. Зикр сўзи харронлик собийлар, Монийга эргашган сонавиялар ва ҳиндлардаги илоҳиёт илми мутахассислари ўрталарида кўп ишлатилади.

Гален «Нафс хулқи»<sup>341</sup> китобида: «Рим императорларидан Қайсар Коммод<sup>342</sup> замонида (бу Искандар [таквимининг] беш юзинчи йилидан ортиқроқ бир вақтга тўғри келади) – || (60) икки киши санам сотувчининг олдида келиб, Гермес санамини савдолашган. Бири Гермесга ёдгорлик учун уни ибодатхонага қўйишни, бири эса [ўзига тегишли] марҳумни ёдга олиш учун қабр устига ёдгорлик сифатида ўрнатишни истар эди. Иккала олувчи келишолмай, олувчи ва сотувчи савдо ишини эртага қолдиришган. Ўша кечаси сотувчи туш кўрибди. Тушида санам унга гўё шундай дебди: «Ҳой фозил ва хунарманд киши! Мен бир ижод маҳсулиман. Сенинг меҳнатинг орқали юлдузга нисбат бериладиган шаклга эга бўлдим; илгари тош деб аталар эдим, энди Уторид деб машҳур бўлдим. Бундан кейин қандай ашёдан ёдгорлик яратиш сенинг ихтиёрингда».

Аристотелнинг брахманлар саволларига берган жавоб рисоласи бор. У саволларни Искандар Аристотелга юборган. Бу рисолада шундай дейилган: «Юнонлардан баъзиларининг айтишича, санамлар гапирар эмиш; юнонлар уларга атаб, турли қурбонликлар қилар эмишлар ва санамларда рухонийлик бор, деб даъво қилар эканлар, деган сўзингизга келсак, бу ҳақда ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз».

Аристотелнинг бу жавоби содда авом халқ даражасидан ўзини бироз юқори тутгани ва бундай машғулоти билан бошқа шуғулланмаслигини билдирганидир. Демак, шу офат ва бало [яъни, санамларга чўкиниш]нинг дастлабки сабаби ёдгорлик ва кўнгил тинчлити бўлиб, сўнгра офат кўпая бориб, ниҳоят, бузуқ ва бузувчи – беъманилик даражасига етган. Муовия<sup>343</sup> мана шу дастлабки сабабни кўзда тутиб, эллик учинчи йил\* ёзги [Рум] урушида Сицилияни<sup>344</sup> фатҳ қилганида, қимматбаҳо тошлар қадалиб безалган олтин санамларни Сицилиядан юклатиб, подшоҳларига соттириш мақсадида Синдга юбортирган<sup>345</sup>. Чунки Муовия уларни қиммат нархга соттириб, тилланинг миқдорини яна орттиришни мўлжаллаган эди. У диёнатни эмас, ўз давлатини мустақкамлашда шундай пасткашликни қилишдан ҳам тортинмади<sup>346</sup>.

## ХII БОБ. ҲИНДЛАРНИНГ ВЕДАЛАРИ, ПУРАНАЛАРИ ВА ДИНИЙ КИТОБЛАРИ ҲАҚИДА

Веда [илгари] номаълум бўлган нарсани билиш маъносини англатади. Ҳиндлар буни олий Худонинг Брахма оғзидан айтилган сўзи, дейдилар. Брахманлар Ведаларни ўқийдилар-у, лекин маъносини билмайдилар. Шундай бўлса ҳам, ўқишни бир-бирларидан ўрганадилар<sup>347</sup>. Брахманларнинг фақат озгинагина қисми Ведаларнинг маъносини билади ва мунозара ҳамда баҳслашиш йўли билан уларнинг турли маъноларини тушунтиради, изоҳлар беради.

Ведалар ўқишни брахманлар кшатрийларга ўргатадилар, лекин кшатрий ҳеч бир кишига, ҳатто брахманга ҳам уларни ўргатишига рухсат берилмаган. Вайшия ва шудранинг Ведаларни талаффуз қилиб ўқишларигина эмас, ҳатто эшитишлари ҳам мумкин эмас. Агар булар иккисидан бирон кишининг Ведаларни ўқигани билиниб қолса, брахманлар у кишини ҳукмдорга топширадилар ва ҳукмдор унинг тилини кесиб жазолайди<sup>348</sup>.

Ведалар яхши ишларга тарғиб қилиш, ёмон ишлардан қайтариш, амалларнинг чегарасини аниқ кўрсатиб қизиқтириш, кўрқитиш, яхши мукофот ва ёмон жазоларни баён қилади. Ведаларнинг кўп қисми турли дуо-тасбеҳлар ва олов учун қилинадиган қурбонликлар ҳақидаги мақтов сўзлардан иборатдир.

\* 672–673 милодий йиллар.

Бу қурбонликлар турлари санаб бўлмайдиган даражада кўп ва [қоидалари] кийиндир.

Ведаларни ёзиш мумкин эмас, дейдилар, чунки улар турли куйлар билан ўқилади. Ёзишда қаламнинг ожизлиги ва ёзилганда ортиқ ёки кам қилиб кўйилиши сабабли уларни ёзувдан узоқ тутадилар. Шунинг учун улар || (61) Ведаларни бир неча марта йўқотганлар. Бу борада ҳиндлар шундай дейдилар: «Олий Худо Брахмага мавжудотнинг бошланиши ҳақида хитоб қилиб сўзлаганида, Шавнакнинг Зуҳра юлдуздан ҳикоя қилган ушбу нақлни ҳам айтган: «Ер юзи сувга гарқ бўладиган вақтда сен Ведаларни унутасан. Шунда Ведалар ернинг энг тагига тушиб кетади, у ердан уни балиқдан бошқа нарса чиқаролмайди. Шунинг учун мен балиқни юбораман, у Ведаларни чиқариб, сенга топширади. Кейин мен чўчқани юбораман, у озиқ тишлари билан ерни кўтариб, уни сувдан чиқаради»<sup>349</sup>.

Яна ҳиндлар таъкидлайдиларки, дин ва дунёга тегишли урф-одатлари қаторида Ведалар ҳам энг яқини двапарада<sup>350</sup> унутилди. (Двапара – бир давр, у ҳақда биз келгусида баён қиламиз.) Ниҳоят, унутилганларнинг Парашара ўғли Вияса янгилади.

«Вишну-пурана»да бундай дейилган: «Манвантара даврлар ҳар бирининг бошида, авлоди бутун ер юзида эгалик қиладиган подшоҳ, номларига атаб одамлар томонидан олов қурбонликлари қилинадиган малаклар ва ҳар бир даврнинг охирига келиб, йўқ бўладиган Ведаларни Катта Айиқ юлдузлари янгилаб турадилар»<sup>351</sup>.

Шунинг учун ҳозирга яқин бир вақтда браҳманларнинг улуғларидан бўлган кашмирлик Васукра<sup>352</sup> Ведаларни тафсир ва изоҳлаб ёзишга кафил бўлган ва бошқа кишилар ўзини олиб қочадиган гуноҳни ўз бўйнига олган. Васукра Ведаларнинг унутилиб, одамларнинг хотираларидан кўтарилиб кетишидан кўрқиб, шундай қилган.

Яна уларнинг айтишича, Ведаларнинг шундай қисмлари борки, буларни одамлар яшайдиган иморатларда ўқиб бўлмайди, чунки ундай жойларда ўқилса, ҳомиладор хотинлар ва бўғоз ҳайвонларнинг бола ташлаш хавфи бор. Шунинг учун Ведаларнинг бундай қисмларини далага чиқиб ўқийдилар, унинг [биронта ҳам] шеър ва назмлари шу каби қўрқитадиган гаплардан холи эмас.

Ҳиндлар китобларининг уржузалар<sup>353</sup> каби вазнлар билан ўлчанганлигини юқорида айтиб ўтдик. Кўпроқ китоблари биз айтган сабабга кўра, шлўка<sup>354</sup> деб аталадиган вазнда ёзилган. Гален ҳам шунга хайрихоҳлик билдириб, «Катажанус»<sup>355</sup> номли китобида бундай деган: «Дориларнинг вазнлари ҳақида баён қилишда, назм қилинмай, яқка тартибда ишлатилган махсус сўзлар нусха кўчириш натижасида бузилиб кетади. Ҳасадгўйлик қилувчи кишининг [атайлаб] мужмал ҳолда бекитиб ёзиши сабабли ҳам улар бузилади. Шунинг учун



Демократнинг<sup>356</sup> дорилар ҳақидаги китоблари танлаб олишга лойиқ кўрилиб, шуҳрат қозонди ва мақташга арзийдиган бўлди. Чунки унинг китоблари юнон тилида шеър билан ёзилган»<sup>357</sup>.

Ведалар одамлар ўртасида тарқалган назм билан эмас, балки ундан бошқа назм билан тузилган<sup>358</sup>. Ҳиндларнинг баъзиси «Ведалар назми мўъжиза, ҳеч бир киши униқай назм тузолмайди», дейди. Аммо уларнинг илмидан хабардор кишиларнинг айтишларига кўра, Ведалар сингари назм тузиш уларнинг қўлларидан келадию, лекин Ведаларга бўлган ҳурмат юзасидан улар бундай назм тузишга ботинолмайдилар.

Айтишларига кўра, Вияса Ведаларни тўрт бўлимга ажратган: Ригведа, Яжурведа, Сомаведа ва Атҳарванаведа. Виясанинг тўртта шишия, яъни шогирди бўлиб, ҳар бир шогирдига бир бўлимни ўргатган ёки унга ёдлашни юклаган<sup>359</sup>. У шогирдлари Ведаларнинг айтиб ўтилган бўлимлари тартибига кўра шундай номланади: Пайла, Вайшампаяна, Жаймини ва Суманту<sup>360</sup>.

Тўрт бўлимдан ҳар бирининг ўқиш йўли бор. Тўрт бўлимнинг биринчиси, Ригведа бўлиб, у ричлар<sup>361</sup> деб аталадиган ва мисраларининг миқдори бирибирига баробар бўлмаган назмдан таркиб топган. Ригведа гўё ричларнинг тўплами бўлганидан ричлар || (62) деб аталган. Унда олов учун қилинадиган қурбонликлар баён этилади; у уч турли ўқиш билан ўқилади. Улардан биринчиси – бошқа матнларни ўқигандек, овозни чиқариб, бир хилда ўқиш. Иккинчи усул – ҳар бир сўздан кейин тўхтаб-тўхтаб ўқиш. Учинчи усул – бу ўқиш турларининг энг афзали бўлиб, бунга кўп мукофотлар ваъда қилинган. Бу хил ўқишда Ведаларнинг кичик бир бўлагининг сўзлари алоҳида ўқий бошланади. Кейин сўзлар қайтарилиб, ўқилмаган қисмининг бир ози уларга қўшиб ўқилади. Шу тартибда ўқиш давом этиб, охирида ўқилиб ўтганларнинг ҳаммаси қайтарилади<sup>362</sup>.

Яжурведага келсак, бунинг назми кандлардан таркиб топган бўлиб, исми эса кандлар сўзидан<sup>363</sup>, яъни унинг жумласидан чиқариб олинган. Бу билан аввалгининг орасида фарқ шуки, буни сўзлар орасида тўхтамай, туташтириб ўқиш мумкин, аввалгисида эса мумкин эмас. Бунда ҳам аввалгисида баён қилинадиган олов [ёқиш] амаллари ва қурбонликлари баён қилинади.

Эшитишимизга кўра, Ригведада сўзларни туташтирмай, бир-биридан ажратиб ўқишнинг сабаби мана бундай:

Яжнавалкия ўз устозининг олдида эди, у устознинг браҳманлардан бир ошнаси бўлиб, сафарга чикмоқчи бўлди ва сафардалиқ вақтида устоздан ҳома, яъни олов ёқиш шартларини адо этиб, уни ўчиб қолишдан сақлайдиган бир кишини уйига юборишини сўради. Устоз шогирдларини навбат билан унинг уйига юборар эди. Бир кун Яжнавалкиянинг навбати келди. У чиройли ва тоза кийимда эди; сафарга кетган киши хотинининг кўзи олдида буюрилган вазифани бажараётганида аёл унинг ясаниб-безаниб юришини ёқтирмади. Яжна-

валкия хотиннинг яширин [севгиси]ни фаҳмлади. У хотиннинг бошига сепмак учун қўлига сув олганида (дуодан кейин туфлаш ўрнига хиндларда сув сепилади, чунки туфлаш уларда ҳаром ҳисобланади) хотин: «Сувни ана шу устунга сеп», деди. Яжнавалкия устунга сепган эди, устун ўша ондаёқ кўкариб кетди. Аёл ўзининг қилган хатосидан ўкиниб, иккинчи куни устознинг олдига бориб: «Кечаги юборган кишингизни бугун ҳам юборсангиз», деб илтимос қилди, Яжнавалкия эса фақатгина ўз навбатида боришини билдириб, бугунги ташрифдан бош тортди. Устозининг бу тўғридаги қаттиқ талабини қабул қилмади ва устознинг ғазабланишига ҳам эътибор бермади. Лекин устозга «Менга ўргатганларингни қайтариб олакол», деди. Шунда Яжнавалкия Қуёшга мужожаат қилиб, ўзига Ведаларни ўргатишни сўради. Қуёш бўлса, «Мен доимо ҳаракат қиламан, сен бундай ҳаракатдан ожизсан, мендан Ведаларни ўраганишинг қандай мумкин бўлади?», деди. Яжнавалкия эса Қуёш аравасига осилиб олиб, ундан Ведаларни ўрганишга тутинди ва арава ҳаракатидаги нотинчлик сабабли сўзларни бир-биридан ажратиб ўқишга мажбур бўлди<sup>364</sup>.

Самаведада эса қурбонликлар, буйруқлар, ман қилинган нарсалар баён қилинади ва қўшиқ сингари куй билан ўқилади. Шу сабабли у самаведа деб аталган. Чунки ёқимли сўз сама дейилади<sup>365</sup>. Самаведанинг куй билан ўқилишининг сабаби шуки, Нараяна Вамана суратида бўлиб, Бали подшоҳ олдига келганида ўзини браҳман қилиб самаведани мунгли куй билан ўқишга тутинди ва шундай ўқиши сабабли Бали подшоҳни бетоқат қилди<sup>366</sup>.

Атҳарванаведага келсак, бу аввалги иккала назм сингари эмас; бунда сўзлар бир-бирига туташтириб ўқилади. Лекин бу, учинчидан саналиб, бҳара деб аталади ва димоғ билан қироат қилиниб ўқилади. Одамлар бунга жуда кам рағбат қиладилар. Бунда ҳам олов учун қилинадиган қурбонликлар, марҳумлар ҳақидаги буйруқлар ва марҳумлар учун қилинадиган лозим амаллар баён этилади<sup>367</sup>.

*Пурана* маъноси «энг олдинги», «қадимги» демакдир<sup>368</sup>. *Пурана* китоблар ўн саккизта бўлиб, аксариси ҳайвонлар, одамлар ва малаклар || (63) исмлари билан аталади. Чунки кўпи уларнинг хабарларини ўз ичига олади ёки у китоблардаги сўз ёки турли масалаларга берилган жавоблар ўшаларнинг хабарларига тегишли бўлади.

Пураналарни риши деб аталадиган гуруҳ яратган. Буларнинг кишилар оғизларидан бизга эшитилгани куйидагилардир:

- [1] Ади-пурана, яъни «биринчи»;
- [2] Матсия-пурана, яъни «балиқ»;
- [3] Курма-пурана, яъни «тошбақа»;
- [4] Вараҳа-пурана, яъни «қобон»;
- [5] Нарасимҳа-пурана, яъни «арслон бошли одам»;
- [6] Вамана-пурана, яъни «аъзоси кичиклашиб, бужмайиб қолган киши»;

- [7] Ваю-пурана, яъни шамол;
- [8] Нанда-пурана – бу Маҳадеванинг хизматчиси;
- [9] Сканда-пурана – бу Маҳадеванинг ўғли;
- [10] Адития-пурана ва
- [11] Сама-пурана – бу – иккала ёритқич [Қуёш ва Ой];
- [12] Самба-пурана – бу – Вишнунинг ўғли;
- [13] Браҳмонда-пурана – бу осмонлар;
- [14] Маркандея-пурана – бу Катта Риши;
- [15] Тарқшия-пурана – бу анко қуши;
- [16] Вишну-пурана – бу эса Нараянадир;
- [17] Браҳма-пурана – бу эса тинчликни сақлаш учун устига олам юкланган табиат;

[18] Бҳавишия-пурана. Яъни, келгусидаги коинот баёни<sup>369</sup>.

Шу китоблардан «Матсия», «Адития» ва «Ваю» [пураналар] парчаларидан бошқа ҳеч бир китоб ва парчани кўрмадик.

Бундан ташқари «Вишну-пурана»дан бўлган бошқа рўйхатдаги пураналарни менга ўқиб беришди. Турли хабар ва сўзларига мурожаат қилишда керакли бўлар деб уларни ҳам китобимга киргиздим. Улар [шулардан иборат]:

- [1] Браҳма;
- [2] Падма, яъни «қизил нилуфар»;
- [3] Вишну;
- [4] Шива, яъни Маҳадева;
- [5] Бҳагавата, яъни Васудева;
- [6] Нарада, яъни Браҳманинг ўғли;
- [7] Маркандея;
- [8] Агни, яъни «олов»;
- [9] Бҳавишия, яъни «келажак»;
- [10] Браҳмавайварта, яъни «шамол»;
- [11] Линга, яъни Маҳадева «жинсий олатининг шакли»;
- [12] Вараҳа;
- [13] Сканда;
- [14] Вамана;
- [15] Қурма;
- [16] Матсия, яъни «балиқ»;
- [17] Гаруда, яъни «қуш»; бу Вишну миниб юрадиган улов;
- [18] Браҳманда<sup>370</sup>.

«Вишну-пурана»да пураналарнинг исмлари ана шулардир.

Аммо «Смрити» китоби буйруқлар ва ман қилинган қоидалар ҳақида бўлиб, Ведалардан чиқариб олинган китобдир. Буни Браҳманинг йигирма нафар ўғли тузган. Уларнинг исмлари мана булар<sup>371</sup>:

- |              |                |
|--------------|----------------|
| 1. Апастамба | 11. Яжнавалкия |
| 2. Парашар   | 12. Атри       |
| 3. Шагатапа  | 13. Ҳарита     |
| 4. Самварта  | 14. Ликҳита    |
| 5. Дакша     | 15. Шанкха     |
| 6. Васиштха  | 16. Гаутама    |
| 7. Ангирас   | 17. Брихаспати |
| 8. Яма       | 18. Катияна    |
| 9. Вишну     | 19. Вияса      |
| 10. Ману     | 20. Ушанас.    |

Ҳиндларнинг ўз диний ҳуқуқлари ва илоҳиёт илмлари, зоҳидлик, худолик даражасига етишиш, дунёдан халос бўлишни талаб қилиш тўғрисида китоблари бор. Масалан, Гауда номли зоҳид тузган, унинг исми билан машҳур бўлган китоб<sup>372</sup>; Илоҳий тушунчалар хусусида Капила тузган «Санкҳия» номли китоб<sup>373</sup>; халосни талаб қилиш ва нафснинг ўз маъқули билан бирлашуви тўғрисидаги «Патанжала» китоби<sup>374</sup>; Ведалар ва унинг тафсир ва изоҳи, Ведаларнинг яратилганлиги ва фарзларнинг суннатлардан ажратилиши хусусида Капила тузган «Ниябҳаша» китоби<sup>375</sup> ва худди шундай мақсадда Жаймини тузган «Миманса» китоби<sup>376</sup>; баҳс ва текширишларда || (64) фақатгина сезишга таяниш тўғрисида Муштарий [Брихаспати] тузган «Локаята»<sup>377</sup> китоби; турли текшириш ишларида ҳам сезги, ҳам хабарга асосланиш ҳақида Сухайл [Агастия] тузган «Агастиямата»<sup>378</sup> китоби: «Вишну-дҳарма» китоби – *дҳарманинг* маъноси тақдирлаш ва мукофот демақдир. Лекин бу сўз дин<sup>379</sup> маъносида қўлланилади ва унда Нараянага нисбат берилади. Яна Виясанинг шогирдлари, яъни Девала, Шукра, Бҳоргава, Брихаспати, Жайнавалкия ва Ману<sup>380</sup> тузган китоблар ҳам шунга мисол бўлади.

Ҳиндларнинг ҳамма фан бўйича китоблари жуда кўп ва уларнинг ҳаммасини тўплаб, исмларини ким айта олади? Айниқса, келгинди ва бегона киши бу китобларни қандай йиға олсин?

Ҳиндларнинг яна бир китоби бор, улар бу ҳақда: «Бошқа барча китобларда учрайдиган матн ва маълумотлар, албатта, бу китобда бор. Аммо бу китобда борлари бошқа китобларда топилмайди», деб қатъий ҳукм қиладилар. Бу китоб «Бҳарата»<sup>381</sup> бўлиб, уни Панду авлоди билан Куру авлоди ўртасидаги катта уруш пайтида Парашара ўғли Вияса тузган<sup>382</sup>. Шу китоб номида ўша кунларга ҳам ишорат қилинади.

Бу китоб ўн саккиз бўлимдан, юз минг *шлокадан* иборатдир. Ҳар бир бўлим *парва* деб аталади<sup>383</sup>.

Биринчи бўлим – «Сабҳа-парва», яъни «подшоҳ турган жой» деб аталади. Иккинчиси – «Арания», яъни Панду авлодининг урушга кириб, саҳрога чиқиши. Учинчиси – «Вирата», яъни бир подшоҳ исми бўлиб, Панду авлоди

бекинган пайтларида шунинг мамлакатида бўлганлар. Тўртинчиси – «Удий-га», яъни урушга ҳозирлик. Бешинчиси – «Бҳишма». Олтинчиси – «Дрона-брахман». Еттинчиси – «Куёш ўғли Карна». Саккизинчиси – «Дурийўдханинг биродари – Шалия», булар буюк ботирлардан бўлиб, бири ўлдирилганидан кейин бошқаси урушга бошчилик қилган. Тўққизинчиси – «Гада», яъни гурзи. Ўнинчиси – «Сауптика», яъни уйқудаги кишиларни ўлдирмоқлик. Дрона ўғли Ашваттхома Панчала шаҳрига кечаси бостириб кириб, уйқудаги шаҳар аҳолисини қириб юборган. Ўн биринчиси – «Жалапрадоника» – ўликлар номи билан ҳовучлаб-ҳовучлаб сув ичиш. Бу иш еган нарсаларининг нажаслиги ва ишқи пинҳондан кейин қилинади. Ўн иккинчиси – «Стри», яъни аёлларнинг вафот этганларнинг исмини айтиб йиғлашлари. Ўн учинчиси – «Шанти» бўлиб, кўнгиллардан ҳасад ва душманликларни чиқариш хусусидаги йигирма тўрт минг *шлокадан* иборат бўлиб, бу тўрт қисмга бўлинади.

[1] «Ражадҳарма» – подшоҳларга бериладиган мукофот тўғрисида;

[2] «Данадҳарма» – садақалар берилиши тўғрисида;

[3] «Ападдҳарма» – бечоралар ва қийинчиликда қолганларга бериладиган садақалар тўғрисида;

[4] «Мокшадҳарма» – қамалдан халос бўлган кишиларга бериладиган садақалар тўғрисида.

Ўн тўртинчи бўлим «Ашвамедҳа» бўлиб, бу – аскарлар билан кўшиб подшоҳга восита қилинган юк отининг қурбон қилинишидир. Бу от оламда айланиб юради ва жарчи: «Бу от олам подшоҳи учундир, ким бундан юз ўгирса, майдонга чиксин», деб чақиради. Браҳманлар у отнинг ортида юриб, у тезаклаган жойда олов учун қурбонликлар қиладилар. Ўн бешинчиси – «Мавсала»; бу – Васудева қабиласи Ядавларнинг бир-бири билан урушиши. Ўн олтинчиси – «Ашрамаваса», яъни «ватанни ташлаб кетиши». Ўн еттинчиси – «Прастҳана», бу эса нажот топишни истаб, мамлакатни ташлаш. Ўн саккизинчиси – «Сваргарўҳана», яъни [хурмат юзасидан] жаннат томонга қараб типпатик туриш.

Шу ўн саккиз бўлимдан кейин «Ҳариванша-парва»<sup>384</sup> деб аталадиган бошқа бир бўлим келади, бунда Васудевага тегишли хабарлар келтирилган.

Бу китобда топишмоқлар сингари сўз ва иборалари бир неча маънони || (65) билдирадиган кўпгина жойлар бор. Ҳиндларнинг таъкидлашига кўра, унинг сабаби қуйидагича: Вияса Браҳмадан «Бҳарата»ни ёзувчи бир кишини топишни сўраган ва ўзи бу китобни унга айтиб турмоқчи бўлган. Шунда Браҳма ёзишни ўз ўғли Винаякага<sup>385</sup> ҳавола қилган (Винаяка исмидаги санамнинг боши фил боши сингари қилиб ишланади) шу пайтда Винаяка уни ёзишдан тўхтамасликни Виясага шарт қилган. Вияса эса фақатгина тушунганларнигина ёзишини Винаякага шарт қилган. Вияса гоҳо шундай сўзларни ҳам айтадики, бу котибни фикр юргизишга мажбур қиларди.

### ХІІІ БОБ. ҲИНДЛАРНИНГ ГРАММАТИКА ВА ШЕЪРИЯТ ҲАҚИДАГИ КИТОБЛАРИ БАЁНИ

Бу икки фан тармоғи бошқа илмларни ўрганишга восита бўлади. Ҳиндлар бу икки фандан *Виякарана*<sup>386</sup> деб аталадиган тил илмини илгари қўядилар. *Виякарана* – улар сўзларини тузатадиган грамматик қоидалар, хат ёзишда балоғатли, нутқ сўзлашда фасоҳатли ва етук уста даражасига етаклайдиган илмлардан иборатдир.

Ҳиндларнинг шу бобга тегишли китобларидан бизга маълум бўлганлари куйидагилар:

- [1] «Айиндра» китоби; буни фаришталар раиси Индра тузган дейилади;
- [2] «Чандра» китоби; буни Чандра ёзган. Бу киши Будданинг суҳбат-дошларидан бўлиб, «Қизил кийимлилар» гуруҳидан эди;
- [3] «Шаката» китоби; бу китобга муаллифининг исми берилган. Унинг қабиласи ҳам шу исм билан аталиб, Шакатаяна дейилади;
- [4] «Панини» китоби; бунга ҳам муаллифининг исми берилган;
- [5] «Катантра» китоби; буни Шарваварман ёзган;
- [6] «Шашидевавритти» китоби; буни Шашидева ёзган;
- [7] «Дургавивритти» китоби;
- [8] «Шишияхитавритти» китоби; буни Уграбхути<sup>387</sup> ёзган.

Бу киши Уграбхути шоҳ Жаяпала ўғли Анандапаланинг устози ва мураббийси бўлган<sup>388</sup>. Уграбхути ушбу китобини ёзиб бўлгач, уни Кашмирга юборганида, кашмирликлар кибрланиб, китобга безътиборлик билан қараганлар. Шунда у киши ҳалиги шоҳга шикоят қилган. Шоҳ унга шогирд бўлганлиги сабабли уни мақсадига эриштиришни ўз бўйнига олиб, устозининг китобини мутолаа қилувчиларга тарқатилиши учун Кашмирга икки юз минг танга ва бошқа ҳадялар юборишни буюрган. Буни кўрган кашмирликлар ушбу китобга ёпирилиб, тама илинжида ҳадядан умидвор бўлиб, бошқа барча китобларни олиб қўйиб, пасткашлиklarини кўрсатиб, ундан кўп нусхалар кўчирдилар. Шу тарика бу китобга халқнинг эътибори ортган.

Ҳиндларнинг айтишларига кўра, уларда наҳв илмининг бошланиши мана бундай бўлган: уларнинг подшоҳларидан Самалвахана, (дурустроқ айтилиши Сатавахана) исмли<sup>389</sup> подшоҳ бир куни ҳовузда завжалари билан чўмилиб туриб, уларнинг бирига: Маудакам деҳи, яъни «менга сув сепма», деган. Аёл: Подшоҳ, *модакам деҳи*, яъни «ҳолва олиб кел», деяпти, деб гумон қилиб, ҳолва олиб келган<sup>390</sup>. Подшоҳ: «Сенга ҳолва келтир демадим-ку» деганида, кўпол жавоб қилган. Шу сабабли подшоҳнинг жаҳли чиқиб, овқат емай қўйган. Ниҳоят, ҳинд олимларидан бири подшоҳнинг олдига келиб, унга наҳв ва сарф илмини ўргатишни ваъда қилиб, уни ғам-ғуссадан фориг қилган. Ўша олим рўза тутиб, ялиниб-ёлвориб Махадевага борган. Охири Махадева унга

кўриниб, Абул-Асвад ал-Дуалий<sup>391</sup> араб тилида тузган коидалар сингари, енгил, сўнгра шохобча коидаларни ўргатишни ваъда қилган. Олим подшоҳ олдига қайтиб келиб, унга ўша коидаларни ўргатган. Наҳв илмининг бошланиши ана шундай бўлган.

Бу илмдан кейингиси *чандас*<sup>392</sup> илмидир. *Чандас* аруз илмига муқобил турадиган шеър вазнларидан иборатдир. Ҳиндлар *чандасга* жуда муҳтожлар. Чунки уларнинг китоблари назм билан тузилган. Ёдлашни осонлаштириш, зарурат бўлмаса турли илмларда китобга мурожаат қилавермаслик учун китобларини назм билан тузишни мақсад қилиб олганлар. || (66) Чунки кишининг кўнгли келишган ва тартиблиликни ёқтиради, тартибсизликдан нафратланади. Шунинг учун ҳиндларнинг кўплари маъносини билмасалар ҳам, манзум асарларни берилиб ва қизиқиб ўқийдилар, шодланиб ўйнаб, бармоқларини шақиллатадилар. Ўрганиш осон бўлса ҳам, сочма [настрий] асарларни рағбат қилмайдилар.

Уларнинг кўпроқ китоблари *илокалардан* иборатдир. Мен Евклид ва Алмажистий китобини ҳиндларга таржима қилиб кўрсатишда ва астурлоб ясаш санъати ҳақида рисола ёзишда шу *илокалар* сабабли қийналмоқдаман<sup>393</sup>. Чунки илм тарқатишга ва ўзларида йўқ бўлган илмни эгаллашларига қизиқаман. Агар ўзларида йўқ илмий бир масала юзага келиб қолса, уни маъносини фаҳмлаб бўлмайдиган *илокаларга* солиб ишлаш билан шуғулланадилар. Чунки назмда такаллуф ва қийналишга эҳтиёж тушади. Бу ҳол уларда ишлатиладиган сонларни баён қилганимизда равшан бўлади. Бўлмаса, астурлоб ясаш санъатини сочмалигича ёзишга уринилди. Лекин улар сочма асарга нафрат билан қарайдилар.

*Чандас*, яъни шеър вазни санъатини дастлаб Пингала ва Чалиту<sup>394</sup> юзага чиқарган. Бу соҳада ёзилган китоблар кўп. Булардан энг машҳури «Гайсита» бўлиб, китоб тузувчининг исми билан номланади, ҳатто ўлчам ҳам шу исм билан аталган<sup>395</sup>.

Яна «Мригаланчана»<sup>396</sup>, «Пингала» ва «Авлиянда»<sup>397</sup> китоблари машҳурдир. Шу китобларнинг бирортасини ва «Брахма сиддиханта»да вазнлар ҳисоби ҳақида тузилган мақоланинг кўп қисмини<sup>398</sup>, ҳиндларнинг ўлчам коидаларини аниқлаб биладиган даражада, мутолаа қилолмадим.

Улар бўғинларни санашда<sup>399</sup> сукукли [ҳаракатсиз] ва ҳаракатли ҳарфларни Ҳалил ибн Аҳмад<sup>400</sup> ва арузчиларимиз тасвирлаганидек, мана бу икки белги | ва > билан тасвирлайдилар. Буларнинг биринчиси, яъни сўл томонидагиси – чунки улар сўл томондан ёзадилар – *лагху*<sup>401</sup> деб аталади, бу «енгил» демакдир. Иккинчиси, яъни ўнг томонидагиси *гуру*<sup>402</sup> деб аталади, бу «оғир» демакдир. «Оғир» вазннинг миқдори аввалгининг, [яъни, «енгил»нинг] икки баробари бўлиб, икки «енгил» бир оғир ўрнида туради.

Улар бўғинларининг узун деб аталадигани ҳам бор. Унинг вазни «оғир» бўғиннинг вазнига баробар бўлади. Улардаги «енгил» [*лагху*] ва «оғир» [*гуру*]

ҳолини арабчадаги мисоллари билан кўрсата оладиган даражада ҳозиргача аниқлай олмасам ҳам, узун [ко, кэ, кў сингари]ни сукунли иллат – касал ҳарфлар [яъни, унли] деб гумон қиламан. Лекин тўғрироқ гумонга кўра, аввалгиси сукунли эмас, кейингиси ҳаракатли эмас. Балки аввалгиси фақатгина ҳаракатли, кейингиси эса бизнинг арузимиздаги «сабаб»га ўхшаш ҳаракатли ва сукунли ҳарфдан тузилгандир<sup>403</sup>. Аммо улар енгилнинг бирмунча белгиларини кетма-кет бир ерга йигиб кўрсатадилар, ана шу нарса[нинг тўғрилиги] га шубҳам бор. Ҳолбуки, араблар сукунли икки ҳарфни бир ерга йигиб ишлатмайдилар. Лекин бошқа тилларда ишлатиш мумкин. Бундай ҳарфларни форс арузчилари «енгил ҳаракатли ҳарфлар» (Мутаҳаррирот ҳафифат ал-ҳаракат) деб атайдилар. Чунки шундай [ундош] ҳарфлар учтадан ошиб кетса, сўзловчига кийинлик туғдиради, балки талаффуз қилиш мумкин бўлмайди: ва [агар араб тилида] «баданука камасали сифатика ва фаммука бисийати шафатика» – «гавданг сифатингга мос ва оғзинг лабинг кенглигичадир», деганимизда бир ерга йиғилган ҳаракатли ҳарфлар талаффуз қилишга бўйсунганидек бўйсунмайди.

*Шунга ўхшаш сукунли ҳарф билан бошлаш* || (67) мураккаб бўлишига кўра, ҳиндларда кўпроқ исмлар сукунли бўлмаган ҳарфлар билан бошланади. Бундай ҳарф – ҳаракати яширин ҳарфлардан саналади. Байтнинг аввали шундай бўлса, ўша ҳарфни санокдан [қатордан] туширадилар. Чунки сукунли оғир [ҳарф] қоидага кўра, у олдинда эмас, кейинда келиши керак.

Бизнинг арузчиларимиз шеър яшаш учун феълнинг фа’ала шаклидан қолиплар тузганлари ва сўзларнинг ҳаракатли ва сукунли ҳарф учун рақамлар белгилаб, вазнга солинган сўзни қолип билан, унинг ҳарфларини рақам билан баён қилганлари сингари, ҳиндлар ҳам енгил ва оғирни олдин ва кейин кўйиб, ҳарфларнинг сонидан эмас, миқдор ва ўлчовларида вазни сақлаш билан «енгил» ва «оғир»дан таркиб топган сўзлар учун номлар белгилайдилар ҳамда шу номлар билан белгиланган вазни кўрсатадилар. Миқдор ва ўлчовдан мақсад шуки, лагху бир *матра*<sup>404</sup>, яъни бир миқдор, гуру эса икки матрадир. Шунда ёзувдаги сонга қаралмайди-ю, ўлчовдаги сонга қаралади. Масалан, *шаддали* ва *танвинли*<sup>405</sup> ҳарфларнинг ҳар бири ёзувда битта бўлса ҳам, *шаддалиси* сокин ва ҳаракатли, *танвинлиси* ҳаракатли ва сокин деб ҳисобланади.

Аммо «енгил» ва «оғир» якка-якка турганида, «енгил» [яъни, лагху] ла, кали, рупа, чамара ва грақха деб ҳам аталади: «оғир» [гуру] эса *га*, *нивра*, *ним* [ярим] амшака деб ҳам аталади. Тўлиқ амшака, албатта, икки гуру бўлади ёки икки гуруга ҳамвазн бўлади<sup>406</sup>. Шу атамалар аруз китобларининг ўзида назм учун ишлатилади. Шу сабабли бири мувофиқ келмаса, бири мувофиқ келсин, деб ҳиндлар номларни кўпайтирганлар. Мураккаб [муздавиж]ларга келганда, уларнинг ҳам сон ва ҳам ўлчов билан бўлган икки ўлчовлиси – иккилиги мана бу: ||; ўлчовсиз фақатгина сон билан бўлгани мана бу:



| < белги билан < | дир. Бу кейинги < |си *криттика*<sup>407</sup> деб аталади. Бу икка-ласи ўлчовга айлантирилганда мана бундай ||| учлик бўлади.

Тўрт ўлчовлининг атамалари ҳар бир китобда турлича бўлишига кўра қуйидагилар [дан иборат]дир;

< < *пакша*, бу «ойнинг ярми»;

|| < *жвалана*, яъни «олов»;

| < | *мадҳия* [мадҳу];

< || *парвата*, яъни «тоғ» – бу *ҳара* ва *раса* деб ҳам аталади;

|| || *гҳана* – бу «куб»дир<sup>408</sup>.

Беш ўлчовлининг [беш *матрли*] белгилари кўп бўлса ҳам, исм берилган-лари қуйидагилар;

| << *ҳастин*, яъни «фил»;

< | < *кама*, яъни «истак»;

< < | [лакуна];

|| | < *кусума*<sup>409</sup>.

Олти ўлчовлиси [олти *матрли*] мана бу: < < <.

Ҳиндларнинг баъзилари ўша белгиларни шатранж қуроллари билан баён қиладилар. Улар филни *жвалана*, рухни *маҳи*, пиёдани *парвата*, отни *гҳана* деб атайдилар<sup>410</sup>.

Ҳарибхатга ўз исми билан номлаган<sup>411</sup> луғат китобида «енгил» [*лагҳу*] ва «оғир» [*гуру*]дан қўшилиб таркиб топган учликларга ҳиндларнинг якка ҳарфларини ном қилиб берган. У ҳарфлар ўша таркиблар рўпарасига ёзилган:

[Диаграмма]

м <<< : *олтилик*;

й(ж) | << : *ҳастин*;

р < | < : *кама*;

т << | : *лакҳуна*;

с || < : *жвалана*;

ж | < | : *мадҳия*;

бҳ < || : *парвата*;

н || | : *учлик* [уч *матрли*]<sup>412</sup>.

Ҳарибхатга шу ҳарфлар орқали ўша таркибларнинг қандай ишланишини ўрганиб, шундай хулоса чиқарган:

«Аввалги қаторга икки турнинг бирини [*гуру* ёки *лагҳу*] || (68) холис қилиб қўйинг [масалан: <<<], кейин уни иккинчи турга қўшинг, иккинчи турнинг бирини аввалги турдан қолган иккита билан биргаликда иккинчи қаторнинг бошига қўйинг [ | < <], сўнгра шу қўшилмани тўртинчи қаторнинг охирига қўйгандек [ < < ] учинчи қаторнинг ўртасига қўйинг [ < | <], шу билан биринчи ярим тугалланади.

Сўнгра иккинчи турни холис қилиб, [ | | | ] энг куйи қаторга қўйинг, унинг тепасидаги қаторга аввалги турнинг бирини қўшиб, у қаторнинг бошига [ < | | ], унинг тепадаги қаторнинг ўртасига [ | < | ] ва у иккала қаторнинг юқорисидаги қаторнинг охирига қўясиз. Шу билан иккинчи ярим тугаб, учлик [ *matp* ] мураккабликларидан ҳеч нарса қолмайди».

Энди [Ҳарибхатганинг] таркиби ҳақида сўзласак, таркиби тартибли, лекин қаторларнинг тартибини кўрсатиш учун келтирган ҳисоби тўғри эмас. У буни шундай изоҳлайди:

«Қатор ҳарфларининг ҳар бири учун ҳамиша икки сонини асос қилиб қўйинг, натижа 2, 2, 2 бўлади, сўлдагини ўртадагига кўпайтириб ҳосилни ўнгдагига кўпайтиринг, шунда кўпайтирувдан чиққани «енгил»га [лагху] баробар бўлса, кўпайтмани ўз ҳолича қолдиринг. Агар «оғир»га баробар бўлса, кўпайтмадан бирни айиринг».

Ҳарибхатга олтинчи қаторни мана шу | < | сурагда кўрсатиб, иккини иккига кўпайтирган ва кўпайтмадан бирни айириб, кейин қолган учни иккига кўпайтирган. Натижа олти бўлган. Лекин бу амал қаторларнинг ҳаммасида ҳам тўғри чиқмайди. Кўчиришда нусха бузилган бўлса керак.

Қаторларнинг қўйилиш тартибига келганда, агар тартиб шундай бўлганда тузилиши қуйидагича бўлади:

1. <<<
2. <<|
3. <|<
4. <||
5. |<<
6. |<|
7. ||<
8. |||

Энди сатрлар таркибларидаги жуфт-жуфтликка кўра ўнг сатрнинг тузилиши бир марта бир хил, иккинчи марта бошқа хил, ўрта сатрнинг тузилиши бир турдан иккита, бошқа турдан иккита, сўл сатрнинг тузилиши бир турдан тўртта, иккинчи турдан ҳам тўртта бўлса, кейин айтиб ўтилган ҳисоб иши кўрилиб, қаторнинг бошланиши «оғир» ҳиссасига баробар бўлиб, кўпайтиришдан олдин у ҳиссадан бирни айирилса, агар кўпайтирганда «оғир» ҳиссасигача бўлиб кўпайишдан бир айрилса, қатор мартабасининг сонидан исталган ечим топилади.

Арабларнинг байтлари *аруз*<sup>413</sup> ва *зарб*<sup>414</sup> исми билан иккита яримтага бўлинганидек, ҳиндларнинг байтлари ҳам икки қисмга бўлиниб, ҳар бир қисми *оёқ* деб аталади<sup>415</sup>. Юнонлар ҳам байтларни *туроқлар* деб атайдилар<sup>416</sup>. Сўзлардан таркиб топадиган туроқлар *силлабий*<sup>417</sup> бўлади.

Ҳарфлар унли, унсиз, узун, қисқа ва ўртача бўлади.

Байт уч туроққа бўлинади; тўрт туроққа бўлингани эса кўпроқ учрайди. Баъзан ўртада бешинчи туроқ орттирилади-ю, қофияга киргизилмайди. Лекин биринчи ва иккинчи туроқнинг охири битта ҳарф бўлиб, қофиядош сингари бўлса, шунингдек, учинчи ва тўртинчи туроқнинг охири ҳам битта ҳарф бўлса, бу турдаги байт *ария*<sup>418</sup> деб аталади.

Туроқ хилининг || (69) «енгил» [*лағху*] билан тугатилиши жоиз бўлса ҳам, маълум бир туроқнинг охирида энгилнинг «оғир» [*зуру*]га айланттилиши мумкин бўлади.

Ҳиндларнинг шеърлари, уларнинг тармоқлари ва қисмлари жуда кўп баҳрларни ўз ичига олади.

Беш туроқли шеърда бешинчи туроқ иккита аввалги билан иккита кейингининг ўртасига жойлашади.

Шеър ҳарф [бўғин]ларининг сонига қараб, номлари турлича бўлади. Шеърга тобе бўлиб келадиган нарсага қараб ҳам номлар шундай бўлади. Чунки улар қасидада ҳамма байтларнинг бир хилда бўлишини истамайдилар, дебоча сингари ранг-баранг бўлиши учун барча қасида байтларини кўп хил [вазн]ларда тузадилар.

Аммо тўрт туроқли байтнинг тўртликдаги вазияти мана бу суратда бўлади:

<i>Амшака</i>		<i>Амшака</i>	
Биринчи туроқ	пакша << парвата <    жвалана    <	<i>пакша</i> << <i>парвата</i> <    <i>пакша</i> <<	Учинчи туроқ
Иккинчи туроқ	пакша << жалана    < мадҳия   <   парвата <    пакша <<	<i>пакша</i> << <i>жвалана</i>    < <i>мадҳия</i>   <   <i>парвата</i> <    <i>жвалана</i>    <	Тўртинчи туроқ

Ушбу [юқоридаги схема] мисол ҳиндларнинг вазнига солинган шеърларидан тўрт туроқли скандҳа<sup>419</sup> деб аталадиган нав учун келтирилди. Бу нав иккита яримта бўлиб, ҳар бирида саккиз амшака бўлади. У саккиз *амшака* фардларидан биринчи, учинчи ва бешинчиларда мадҳия, яъни мана бу | < | шаклининг бўлиши дуруст бўлмайди. Олтинчи фардда эса тўғри келишига қараб, мадҳия ёки гҳананинг бўлиши зарур бўлиб, у иккисидан бошқанинг бўлиши тўғри эмас.

Шу шарт амалга оширилса, тўғри келишига ёки исталишига қараб, бошқа амшакада мадҳия ёки гҳана келтирилиши мақсадга мувофиқдир. Лекин бу ўлчовдан камайтирмаганингиз ва кўпайтирмаганингиздан кейин мумкин, холос. Туроқлар қолипни амшакалар билан тузатсангиз, шу пайтда тўрт туроқни қуйидагидек қўясиз:

Биринчи турак: <<<||<

Иккинчи турак: <<||<|<||<<

Учинчи турак: <<<||<<

Тўртинчи турак: <<||<|<||<

|| (70) Кейин вазнга солмоқчи бўлган шеърни ўша қолипларга мосланг. Арабча қолипларнинг аломатлари ҳаракатли ва сукукли ҳарфлар қолипларининг қаршисида мана шу рақамлар билан бўлади. Бунинг мисоли шуки, биз энгил соғлом тўла қолипларини унинг ҳар аруз вазнида афоил калималари билан баён қилиб: фоилотун, мустафъилун, фоилотун, деймиз.

Бунинг [арабча] белгилари: |0|00|0 |00|0|0 |0|00|0

Ҳинд рақамлари билан белгилари: <<|<<|<<<<|<

Ҳинд рақамлари айлантирилган.

Тўрт туракдиларнинг ҳар биридаги рақамлар бир-бирига қарама-қарши-лигига кўра ўлчов ва сонда бир-бирига ўхшамайди, ҳатто бир оёқ танилса, бошқалари унга ўхшагани сабабли улар ҳам танилади. Булар *вритта*<sup>420</sup> деб аталади.

Ҳиндларнинг фикрига кўра, турак ҳарфларининг тўрттадан кам бўлиши нотўғри ҳисобланади. Чунки Веда китобидаги турак шундай. Бундан келиб чиқадики, турак ҳарфлари сонининг энг ками тўртта, энг кўпи йигирма олти-та ва вритта сони йигирма учта бўлади<sup>421</sup>.

Вриттанинг биринчиси тўртта «оғир» [гуру] ҳарфдан таркиб топади. У ҳарфлардан бирининг ўрнига иккита «енгил» [лагху] ҳарфни тиклаб бўлмайди<sup>422</sup>.

Иккинчисининг таркиби аниқ бўлмагани учун уни баён қилмадик.

Учинчисига келсак, унинг қолипи шундай: *гҳана, пакша*;

||||<<

Тўртинчиси: иккита *гуру*, иккита *лагху* ва учта *гуру*;

<<||<<<<

Агар буни пакша, жвалана, пакша дейилса, яхшироқ бўларди.

Бешинчиси: иккита *криттика*, *жвалана*, *пакша*;

<|<||<<<<

Олтинчиси: *гҳана*, *мадҳия*, *пакша*;

||||<|<<<

Еттинчиси: *гҳана*, *парвата*, *жвалана*;

|||<||<<

Саккизинчиси: *кама*, *кусума*, *жвалана*, *гуру*;

<|<|||<||<<<

Тўққизинчиси: *пакша*, *ҳастин*, *жвалана*, *мадҳия*, *гуру*;

<< |<< ||< |<| <

Ўнинчиси: *пакша*, *парвата*, *жвалана*, *мадҳия*, *пакша*;

<< <|| ||< |< |<<

Ўн биринчиси: *пакша, мадҳия, иккита жвалана, ҳастин;*

<< |<| ||< ||< |<<

Ўн иккинчиси: *гҳана, жвалана, пакша, иккита ҳастин;*

|||| ||< << |<< |<<

Ўн учинчиси: *парвата, кама, кусума, мадҳия, жвалана;*

<|| <|< |||< |<| ||<

Ўн тўртинчиси: *ҳастин, пакша, парвата, кусума, парвата, лагҳу, гуру;*

|<< << <|| |||< << | <

Ўн бешинчиси: *иккита пакша, парвата, кусума, иккита кома, гуру;*

<< << <|| |||< <|< <|< <

|| (71) Ўн олтинчиси: *пакша, парвата, кама, кусума, пакша, лагҳу, гуру;*

<< <|| <|< |||< << | <

Ўн еттинчиси: *иккита пакша, парвата, гҳана, жвалана, пакша, кусума;*

<< << <|| |||| ||< << |||<

Ўн саккизинчиси: *иккита пакша, парвата, гҳана, жвалана, иккита кома, гуру;*

<< << <|| |||| ||< <|< <| <<

Ўн тўққизинчиси: *гуру, иккита пакша, парвата, гаҳана, жвалана иккита*

< << << <|| |||| ||< <|<

*кома, гуру;*

<|< <

Йигирманчиси: *тўртта пакша, жвалана, мадҳия, пакша, иккита мадҳия, гуру;*

<<<<<<< ||< |<| << |<| |<| <

Йигирма биринчиси: *тўртта пакша, учта жвалана, иккита мадҳия, гуру;*

<<<<<<< ||<||<||<|<||<|<

Йигирма иккинчиси: *тўртта пакша, кусума, мадҳия, жвалана, иккита мадҳия, гуру;*

<<<<<<<|||<|<|||<|<||<|<  
<

Йигирма учинчиси: *саккизта гуру, ўнта лагҳу, кома, жвалана, лагҳу, гуру.*

<<<<<<<|||||||||<|<||< | <

Фойдаси оз бўлса ҳам ҳикоя ва мисолларни узайтирдим, чунки шунда енгилларнинг [лагҳу] бир ерга йиғилиши кўриниб, уларнинг ҳаракатли экани, сукунли эмаслиги билинади. Ҳиндларнинг қолипларининг қандай бўлиши

ва байтларнинг тақтиъи атрофлича ўрганилади. Айрим кишиларнинг гумонича, Ҳалил ибн Аҳмад ҳиндларда шеърлар учун вазн борлигини эшитган бўлиши ҳам мумкин<sup>423</sup>. У [араб байтларини] қисқартирилган белгилар билан вазнлашда бирмунча муваффақият қозонган [зотдир]. *Шлока* шарти – қонунқоидалари аниқ бўлиши учун шунчалик уриндик. Чунки уларнинг китоблари шлока билан тузилган.

Шуни қайд қиламизки, *шлока* тўрт туроқлилардан ҳисобланди. Унинг ҳар бир туроқи саккиз ҳарфли [бўғинли] бўлиб, улар туроқларда бир-бирига мос келавермайди ва тўртталасининг охирлари бир хилдан, яъни оғир хилдан бўлади. Бундай шлокада бешинчи ҳарф ҳамма туроқда ҳамиша енгил [лакху] ҳамма туроқда олтинчи ҳарф – оғир, иккинчи ва тўртинчи туроқнинг ҳар бирида еттинчи ҳарф – енгил ва қолган икки туроқда [яъни, биринчи ва иккинчида] оғир бўлиши шарт. Бошқа ҳарфлар эса, улар қандай мувофиқ келишига қараб енгил ёки оғир бўлади<sup>424</sup>.

Шлокада ҳисоб ишлатиш кайфиятини билдириш учун Браҳмагупта айтганларини ҳикоя қилувчилардан [ушбуларни] келтирмақчимиз:

«Шеър жинсларининг биринчиси гаятре<sup>425</sup>, бу икки туроқли бўлади. Агар шу хилнинг ҳарфлари сонини йигирма тўртта деб фараз қилсак, туроқ ҳарфларининг сони энг камида тўртта бўлса, мумкин бўлган камликка кўра икки туроқ  $4|4$  формуласида бўлади. Лекин иккала туроқ учун фараз қилинган сон 24 та. Энди қолган 16 тани ўнг томон туроққа қўшамиз, ниҳоят иккала туроқ  $4|20$  бўлади.

Агар *шлока* уч туроқли бўлса, туроқлар  $4|4|16$  бўлади. Чунки ўнг томон туроқ ҳамиша ажралиб туриб, айрим исм билан аталади. Ундан олдинги туроқлар ҳаммаси йиғилиб, битта бўлиб, [бу ҳам] айрим исм билан аталади.

Агар шлока тўрт туроқли бўлса, у туроқлар  $4|4|4|12$  бўлади.

Агар туроқда бўлиши мумкин бўлган тўрт сонининг устида амалиёт юргизмай, икки туроқли шлокада йигирма тўрт бўғиндан турли таркиблар || (72) пайдо қилмоқчи бўлсак, чап томон туроққа биттани қўшиб, ўнг томондагидан биттани айирамиз, иккаласининг ҳосилини ўзларининг тагига – ҳар бириникини ўзининг томонига қўямиз ва шу амал икки йўлнинг бошидаги иккита соннинг худди ўзига ўхшашлари ушбу жадвалдагидек жой алмашишгунича давом эттирилади:

4	20
5	19
6	18
7	17
8	16
9	15

10	14
11	13
12	12
13	11
14	10
15	9
16	8
17	7
18	6
19	5
20	4

Шу таркибларнинг сони аввалги икки сон [4 ва 20] айирмаси, яъни 16 га бир қўшилганига, яъни 17 га тенгдир.

Аммо *шлока* уч турокли бўлиб, ҳалиги фараз қилинган сонга мослаштирилса, унинг кам сон билан қўйилган биринчи қисми, айтиб ўтганимиздек, 4|4|16 бўлади. Шунда ўнг турок ва ўрта турок икки турокли *шлоканинг* иккала туроғи ўрнига турғазилади ва шу туроклар устида юқоридаги сингари амалиёт ижро этиб, ўнг турокдан биттадан айириб, ўрта турокқа биттадан қўшиб борилади. Охирида аввалги икки сон ўрин алмашиб ҳосил бўлади. Сўл томондаги турокда қайтаришдан бошқа иш қилинмайди. Ушбу жадвал ҳосил бўлади.

4	4	16
4	5	15
4	6	14
4	7	13
4	8	12
4	9	11
4	10	10
4	11	9
4	12	8
4	13	7
4	14	6
4	15	5
4	15	4

Лекин таркиблар сони ўн учта: [устунларнинг] олдин ва кейин қўйиш сабабли схемадагининг олти баробари, яъни етмиш саккизта бўлиб, ўнг томон турок ўз жойида туради; қолганлари эса жой алмашишиб, сўл турок ўрта ва ўрта турок сўл бўлиб қолади.

Сўнгра ўнг турок кўчирилиб, қолган икки турок ўртасига қўйилади. Бу иккала турок ўз холида бўлиб, жойлари алмаштирилади.

Кейин ўнг туроқ сўл турокнинг сиртки томонига кўчирилиб, қолган икки туроқ ўзича қўйилиб, жойлари алмаштирилади. Яна: туроқ санокларидаги ортиб бориш жуфтнинг жуфти каби бўлганидан тўртдан кейинги сон саккизга бўлиб уч туроқли шлока бўғинларини 8| 8| 8 тартибда қўйиш мумкин. Лекин сонларнинг хусусиятлари туроқлар учун бошқа тартибда бўлади. Тўрт туроқли *шлока* уч туроқликка киёс қилиб ишланади».

Юқорида айтилган рисоланинг фақат биргина варақдан бошқа қисмини кўрмадим. Албатта, у арифметикага тегишли нафис қоида ва усулларни ўз ичига олган бўлиши керак.

Юнонларнинг китобларидан тушунишимизга кўра, улар шеър туроқларида ҳиндларнинг йўналишига амал қилганлар. Чунки Гален ўзининг «Қатажанус»<sup>426</sup> китобида бундай дейди || (73): «Менекрат<sup>427</sup> юзага чиқарган турли сўлақлари билан тайёрланган дорисини Демократ вазнга туширилган уч туроқли шеър билан тавсиф қилган»<sup>428</sup>.

#### XIV БОБ. ҲИНДЛАРНИНГ БОШҚА ИЛМЛАРГА ОИД КИТОБЛАРИ ҲАҚИДА

Илмлар кўпдир, уларнинг сони яна орта бораяпти, чунки турли фикр ва хотира эгалари уларга тўхтовсиз мурожаат этаяпти, тадқиқ қилаяпти. Одамларнинг илмларга рағбати, илмларни ва илм аҳлларини ҳурматлаши илм иқболининг ўсиши белгисидир. [Айниқса] ҳукмрон кишиларнинг илм аҳлини ҳурмат қилиши турли илмларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Чунки ҳукмроннинг шундай қилиши кишиларнинг, дунёнинг [кундалик] зарур ишлари билан овора бўлиб қолган қалбларини турли илмлар [билан шуғулланиш] учун бўшатиб қўяди. Ҳукмроннинг илм аҳлини кўпроқ мактаб, улардан хурсанд бўлиши ҳам илмларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Демак, одамларнинг қалби буни севиш учун ва бунинг тескарисига эса нафрат билдириш учун яратилгандир.

Ҳиндларда астрономия энг машҳур фандир. Чунки уларнинг диний ишлари шу фанга боғлиқдир. Бирор киши астроном унвони билан аталмоқчи бўлса, у киши фақатгина математик астрономияни билибгина қолмай, астрологияни ҳам билиши зарурдир.

Ўзбек олимларга «синдҳинд»<sup>429</sup> деб биладиган китоб уларда «Сиддҳант»<sup>430</sup>, яъни «қинғирлашмайдиган ва ўзгармайдиган – тўғри» – деб аталади.

Бизнинг фикримизга, илмий савияси бизнинг зижларимиздан куйроқ бўлса ҳам<sup>431</sup>, ҳиндлар фикрига кўра мартабаси юқори бўлган ҳар бир астрономия илмига тегишли китобга шу исм берилаверади. Сиддҳанталар бештадир<sup>432</sup>.

Уларнинг биринчиси – «Сурия-сиддҳанта», яъни Қуёш сиддҳантаси; буни Лата тузган<sup>433</sup>.



Иккинчиси – «Васиштха-сиддханта», Етти Катта Айиқлардан бирига караб ном берилган бўлиб, уни Вишнучандра тузган<sup>434</sup>.

Учинчиси – «Пулиса-сиддханта» бўлиб, буни Сайинтра шахридан бўлган юнонлик Паулисага нисбат беришади. У шахарни Искандария деб гумон қиламан. Буни ўша Пулиса тузган<sup>435</sup>.

Тўртинчиси – «Ромака-сиддханта», буни Румларга нисбат бериб, шундай аташади; уни Шришена<sup>436</sup> тузган.

Бешинчиси – «Брахма-сиддханта»<sup>437</sup> бўлиб, буни Браҳмага нисбат беришади; буни Бҳилламола шахарли Жишну ўғли Браҳмагупта тузган. Бу шахар Мўлтон билан Анҳилвара шахри оралиғида, кейингисидан ўн олти йўжана<sup>438</sup> узоқдир.

Бу китоб тузганларнинг ҳаммаси биринчи ота деб ҳисобланган Браҳмага мансуб бўлган китоб – «Пайтамаҳа»га<sup>439</sup> асосланади.

Вараҳамиҳира кичик ҳажмли зиж тузиб, унга «Панча-сиддхантика» деб ном берган. Номига қараганда, бу китоб ҳалиги бешта китобда бор маълумотларни ўз ичига олиши керак бўлади; ҳолбуки, мазкур китобни ҳалиги беш китобдан дурустроқ деб ҳам бўлмайди. Бу атама фақат сони бешта эканлигини исботлайди, холос<sup>440</sup>.

Сўнгра Браҳмагупта бундай дейди: «Сиддханталар сони кўп. Улар «Сурия», «Инду», «Пулиса», «Ромака», «Васиштха» ва яна «Явана», яъни «Юнонча» сиддхантадир. Сиддханталар сони кўп бўлса ҳам, фақатгина лафз ва ибораси бир-бириникидан бошқа бўлиб, мазмунда бошқа эмас. Дикқат билан аниқлаган киши уларнинг маъноси бир-бирига яқинлигини билади»<sup>441</sup>.

Пулиса ва Браҳмагупталар тузган сиддханталардан бошқаси ҳозиргача менинг қўлимга тушмади. Уларни ҳали таржима қилиб тамомлаган бўлмаса ҳам.

|| (74) «Брахма-сиддханта» бобларининг мундарижасини келтириб ўтаман; чунки бу умумий маълумот учун фойдалидир:

1. Ернинг хусусиятлари, осмон ва ер шакли хусусида.
2. Сайёраларнинг айланма ҳаракатлари, вақтни аниқлаш, сайёраларнинг ўрта ҳолатларини ҳисоблаб бериш; ёйлар синусини топиш.
3. Сайёраларнинг жадвалларини тузиш ҳақида.
4. Уч муаммо тўғрисида, яъни соя ҳақида кундузнинг ўтган қисми ва толе ҳақида улардан бири орқали бошқасини аниқлаш ҳақида.
5. Сайёраларнинг Қуёш нурларидан ташқарига чиқиши ва Қуёш нурида кўринмай қолиши ҳақида.
6. Ҳилолнинг кўриниши ва унинг икки шохининг вазияти ҳақида.
7. Ой тутилиши ҳақида.
8. Қуёш тутилиши ҳақида.
9. Ой сояси ҳақида.
10. Сайёраларнинг бирлашиши ва рўпара туриши ҳақида.

11. Сайёраларнинг кенгламаси ҳақида.
12. Китоб ва зижлардаги [сўзлар]ни танқид қилиб, тўғрисиани хатосидан ажратиш ҳақида.
13. Ҳисоб фани; масофалар ва шулар сингарини ўлчашда ҳисобни қўллаш ҳақида.
14. Сайёраларнинг ўртача ўрнини аниқ ҳисоблаш ҳақида.
15. Сайёраларнинг жадвалларини тузатиш ҳақида.
16. [Юқорида айtilган] уч муаммодан ҳар бирини аниқ ҳисоблаш ҳақида.
17. Тутилишларнинг оғиши ҳақида.
18. Янги Ой туғилиш вақти ва унинг икки шохи пайдо бўлишини аниқ ҳисоблаб топиш ҳақида.
19. Куттака, яъни янчиш ҳақида, бунда талабни юзага чиқаришда жонжаҳд билан киришишни [ўсимликдан] ёғ олишга ўхшатади. Бу боб алгебра ва унга яқин арифметикага тегишли бошқа масалалар тўғрисида.
20. Сояга тегишли масала тўғрисида.
21. Шеър, аруз вазнларининг ҳисоблари тўғрисида.
22. Айланалар ва астрономик асбоблар тўғрисида.
23. Вақтлар ҳақида; вақтнинг тўрт ўлчам бирлиги, яъни Куёшга, унинг тулуғига, Ой ва унинг манзиллари билан белгиланадиган вақтлари ҳақида.
24. Назмли сўзлар орасида келадиган сонлар ва рақамларнинг аломатлари тўғрисида<sup>442</sup>.

Кейин муаллиф бундай деган: «Йигирма бешинчи боб «Дҳиянаграҳадҳия»<sup>443</sup>; бу бобда, топилмоқчи бўлган сон, ҳисоблаш билан эмас, ўйлаш билан чиқарилади». Бу [боб]ни мен шу ерда баён қилмадим. Чунки математика ҳар хил мулоҳазаларни кераксиз қилади. Менимча, [бу жойда] Браҳмагупта умумий тарздаги мулоҳазаларга ишорат қилади. Бўлмаса, бу фаннинг бирон қисмини, математика илмини билмай туриб, қачон аниқлаб бўларди?

Сиддҳанталардан қуйроқ даражада бўлган китобларнинг кўпи тантра ёки карана<sup>444</sup> деб аталади. Тантранинг маъноси, «ҳокимнинг ҳукми билан бошқариш»; карананинг маъноси эса «сиддҳантага таянган» демакдир. Яна уни [сиддҳантани] каландар-олимлар, яъни ачаря<sup>445</sup> ишлаган. Булар Браҳмага таянувчилардир. Ариябхата<sup>446</sup> ва Балабҳадрадан<sup>447</sup> ҳар бирининг биттадан машҳур *тантраси* бор. Бҳануяшаснинг «Расаяна-тантра»<sup>448</sup> номли китоби бор. Расаянага ўз бобида [қуйида] изох берилади.

Караналарга келганда<sup>449</sup>, буларга тузган кишининг исми берилган. Браҳмагуптанинг «Карана-кҳанда-кҳадяка» китоби бор. Бу [кҳанда] номи ҳиндлар тилида бир турли ҳолванинг номидир<sup>450</sup>. Ушбу китобнинг шундай ном билан аталишининг сабабини қуйидагидек эшитдим:

|| (75) Сугрива Шаманий бир зиж тузиб, уни «Дадҳи-сагара»<sup>451</sup>, яъни «Қатик денгизи» деб атаган; унинг шогирди бир зиж тузиб, «Кура-бабая»,

яъни «Гуруч тоғи» деб атаган. Сўнгра у яна бир зиж тузиб, унга «Лавана-мушти», яъни «Бир ҳовуч туз»<sup>452</sup>, деб ном берган. Шу сабабли Брахмагупта овқат тўла-тўқис бўлсин, деб китобини «Ҳолва» деб атаган. Бу китобдаги [мавзу] лар Ариябхатанинг фикрига мувофиқ ёзилган. Шунинг учун Брахмагупта бу асарга таяниб бир китоб ёзган ва уни «Уттара-кҳанда-кҳадяка», яъни «Кҳандакҳадякани» тузатиш<sup>453</sup>, деб номлаган. Шу китоб билан боғлиқ яна бир китоб бор; бу Брахмагуптаникими ё бошқаникими, аниқ билмайман. Бу китобнинг номи «Кҳанда-кҳадяка-типпа»дир. Бунда «Кҳандакҳадяка»да сонларнинг ишлатиш сабаблари ва уларнинг қайси сонлар экани баён қилинади. Шу билан бирга, у китобни Балабҳадра тузган бўлса керак, деб ўйлайман<sup>454</sup>.

Банорас шаҳридаги шарҳ ёзувчи Вижаянандининг «Карана-тилака», яъни «Караналар ичида кўзга кўринарлиги» деб машҳур бўлган зижи бор<sup>455</sup>. Нагарapura шаҳридан Бҳаддатта ўғли Виттешваранинг «Каранасара», яъни «Караналардан чиқариб олинган» деб атаган зижи бор. Бҳанушасанинг «Карана-пара-тилака» номли китоби мавжуд бўлиб, [ҳиндларнинг] таъкидлашига кўра, бу китоб ёрдамида баъзи ёритқичлар ўринларини бошқаларникидан ҳисоблаб чиқариш мумкин<sup>456</sup>. Кашмирли Утпаланинг «Раҳунра-карана», яъни «Караналарни синдирувчиси» ва «Карана-пата», яъни «Караналарни ўлдирувчиси»<sup>457</sup> номли асарлари бор. Яна «Карана-чудамани»<sup>458</sup> номли китоб бор.

Турли номдаги бошқа китоблар ҳам бор. Масалан, Ману тузган «Катта Манаса», Утпала тузган шарҳ<sup>459</sup>, жанубий ўлкалик Пунчала қисқартирган «Кичик Манаса»<sup>460</sup>, Ариябхатанинг «Дашагитика», «Арияташата»<sup>461</sup> номли китоблари, ёзувчисининг исми билан юрадиган «Локананда», Брахман Бхаттиланинг ўз исмидаги китоби<sup>462</sup> ва шулар каби саноғига етиб бўлмайдиган даражада кўп китоблар мавжуд.

Астрология ҳақида ёзилган китобларга келсак, Мандавиа, Парашара, Гарга, Брахма, Балабҳадра, Дивиятаттва, Вараҳамиҳиралардан ҳар бирининг «Самҳита» номли китоби бор. «Самҳита» тўпلام демакдир<sup>463</sup>. Бу китоб сафарга чиқишда эсда тутиладиган ҳукмлар, ҳавода юз берадиган турли ҳодисалар, давлатларнинг ишлари, вақт ва замонга қараб турли ҳукмлар чиқариш каби бир қанча нарсани, шунингдек, туш таъбири ва зажр [яъни, қушларнинг учишларига ёки берадиган товушлари]га асосланиб, келажакдан хабар беришларни ўз ичига олади. Ҳинд олимлари буларнинг ҳаммасига ишонадилар. Астрологияни биладиган кишиларга, ҳаво ва оламда бўладиган ҳодисалардан: баҳс қиладиган илми «Самҳита» деб аташ расм бўлиб қолган.

Парашара, Сатия, Маниттҳа, Живашарман ва юнонлик Маудан ҳар бирининг «Жатака», яъни «Туғилишлар ҳақида»<sup>464</sup> китоби бор.

Вараҳамиҳиранинг ҳам «Жатака» деган катта ва кичик иккита шундай китоби бор; каттасига Балабҳадра шарҳ ёзган<sup>465</sup>, кичигини камина уни араб тилига таржима қилдим.

Маволид бобида ҳиндларнинг катта бир китоблари бор; у «Саравали», яъни «Танланган» деб аталади; бу «Вазидаж» номли китобга ўхшайди; уни Қалаянварман подшоҳ тузган. Бу киши илм фазилатидан обрў орттирган эди<sup>466</sup>. Уларнинг «Саравали»дан кўра каттароқ, астрологиянинг ҳамма боби тўпланган ва «Явана» деб машҳур бўлган яна бир китоби бор. «Явана» «Юнонларга тегишли» демакдир<sup>467</sup>.

Вараҳамиҳиранинг кичик ҳажмли бирмунча китоблари мавжуд; улардан бири «Шат-панчашика» эллик олти бобни ўз ичига олган бўлиб, астрологияга оид масалаларига бағишланган. «Ҳорапанча-хотрия» китоби ҳам шунга ўхшаш ёзилган<sup>468</sup>. Сафарга чиқиш тўғрисида «Йога-ятра» ва «Тикани-ятра», никоҳ ва уйланиш ҳақида «Виваҳа-патала»<sup>469</sup> номли ҳамда бино ва қурилишлар тўғрисида ҳам китоблар бор<sup>470</sup>.

Қушлар учишини кузатиш билан фол очиш ва игнага ип ўтказиш ҳақида «Срудаҳава» китоби уч хил нусхада бўлиб, улардан бирида Маҳадевага нисбат берилади. Иккинчисини Вималабуддҳи ва учинчисини Бангала тузган<sup>471</sup>. «Гудҳамана», яъни «Ғайб илми» китобини қизил кийимли шаманийларнинг<sup>472</sup> раҳбари Буддҳа тайёрлаган. «Прашна Гудҳамана», яъни «Ғайб илмига тегишли масалалар» номли китобни эса Утпала тузган<sup>473</sup>.

|| (76) Ҳиндларнинг бир неча олимлари бор. Лекин уларнинг исмлари битилган китобни [номлари] билан бирга учратмадик. [Уларнинг исмлари]: Прадиюмна, Сангаҳила, Дивакара, Парешвара, Сарасвата, Пирувана, Девакиртти ва Притхудака-Свамин<sup>474</sup>.

Ҳиндларда астрономиянинг диний ишларга аралаштириб юборилганлигини айтмаса, табобат илми астрономия билан бир йўналишда ҳисобланади. Улар «Чарака» номли китобни табиблик тўғрисидаги бошқа китобларидан устун қўйишади. Китоб муаллифининг илгариги исми. Кейин Сутранинг энг биринчи авлодидан табиблик илмини ўргангач, Чарака, яъни «Оқил» деб аталди<sup>475</sup>. Сутра авлоди ришилар бўлиб, улар табиблик илмини Индрадан ўрганишганди. Индра эса Дева табибларининг бири бўлган – Ашвиндан ўрганган. Ашвин эса Пражапатидан ўрганган. Пражапати биринчи ота – Браҳмадир<sup>476</sup>. Мазкур «Чарака» номли китоб бармакийлар учун араб тилига таржима қилинган эди<sup>477</sup>.

«Калила ва Димна» китоби деб машҳур бўлган «Панчатантра» китобини имконият топиб таржима қилсам, деган орзуим бор<sup>478</sup>. Чунки у китоб Абдуллоҳ ибн ал-Муқаффаъ каби ўзгартириб юбормасликларига ишониб бўлмайдиган бир гуруҳ таржимонлар ёрдамида ҳинд тилидан форс тилига, сўнгра форс тилидан араб тилига<sup>479</sup> таржима қилинди. Абдуллоҳ ибн ал-Муқаффаъ «Калила» китобига [ўзидан] Барзовай<sup>480</sup> бобини қўшди; бундан мақсади динга эътиқодлари кучсиз кишиларни шак-шубҳада қолдириш ва уларни монийлик мазҳабига чақириш эди; ва агар унинг [бобларни орттириб] қилган қўшимчалари шубҳа уйғотса, қилган таржимаси ҳам бундан холи эмас.

## XV БОБ. ҲИНДЛАРНИНГ МАШҲУР ЎЛЧАМ СИСТЕМАЛАРИ БАЁНИ

Бирор нарсанинг миқдори ўз жинсидан бирлик деб қабул қилинган нарсага солиштириш билан аниқланади ва шундай солиштириш билан у нарсанинг ўзига бошқа ҳамжинс бўлган нарсалардан қанчалик кам-ортиқлиги ҳам маълум бўлади.

Оғирлик ўлчовига келсак, бу билан турли оғирликларнинг миқдори билинади. Нарса тарози палласига қўйилганида тарози кўрсаткичининг паллалари бир уфқ чизиғига баробар бўлиб, у нарса тарозидан олинганда, унинг оғирлиги аниқ бўлади.

Ҳиндларнинг тарозига эҳтиёжи кам тушади; чунки дирҳамлари доналаб саналади ва чақаларга майдаланади. Чақа пуллари ҳам доналаб фалсларда<sup>481</sup> санаб ишлатилади. Дирҳам ва чақаларнинг зарб қилинадиган қолиплари турлича бўлади; ҳатто бу қолиплар шаҳарлар ва вилоятларга нисбат берилиб, уларнинг номи билан зарб этилади.

Аммо ишланмаган табиий ёки ишлангану, нақш урилиб, пулга айлантисилмаган тиллани тарозида тортадилар. Тилла тортишда суварна<sup>482</sup> деб аталадиган бирлик миқдорини қўллайдилар. Суварнанинг тўртдан уч бўлаги тола<sup>483</sup> деб аталади. Биз мисқолни кўп ишлатганимиздек, ҳиндлар толани кўп ишлатадилар. Билишимизга кўра, суварнанинг ўнтаси етти мисқолли дирҳамларимиздан учтасининг оғирлигига баробар келади, шунда тола бизнинг мисқолда икки мисқол ва унинг ўндан бирига тўғри келади.

Толанинг энг каттаси ўн иккита бўлиб, ҳар бир бўлаги маша деб аталади; суварна ўн олти маша<sup>484</sup> бўлади. Ҳар бир маша тўрт анди бўлади. Анди гаура деб аталадиган бир дарахтнинг уруғидир. Ҳар бир анди тўрт йава, ҳар бир йава олти кала ва бир каланинг тўртдан бири, ҳар бир кала тўрт пада, ҳар бир пада тўрт мдри бўлади<sup>485</sup>. Шундай бўлгач, ҳар бир суварнада 16 маша, 64 анди, 256 йава, 1600 кала, 6400 пада, 25600 мдри бўлади.

|| (77) Ҳар олтита маша драңгшана<sup>486</sup> деб аталади: драңгшананинг миқдори қанча деб сўралганда, унинг иккитаси бир мисқол дейишади. Бу хато [фикр], чунки бир мисқол беш машаю, яна бир машанинг еттидан беш қисми  $\left[5\frac{5}{7}\right]$  га баробар келади<sup>487</sup>. Драңгшана билан мисқол ўртасидаги нисбат йигирманинг йигирма бирга бўлган нисбатига ўхшайди. Демак, бир драңгшана бир мисқол ва бир тақсим бешнинг тўртдан бири  $\left[1\frac{1}{20}\right]$  га тенг келади. Гўё, драңгшана миқдорини белгилаб жавоб берувчи киши мисқол сўзини ишлатган ва драңгшана икки мисқол деган. Лекин унинг берган жавоби ҳақиқатдан узоқда бўлган. Шу жавобнинг хато эканига яна бир далил шуки, бу нарсаларга ишлатилган бирлик сўзи ҳақиқий бирлик эмас, балки расмиятда битга деб қабул

қилинган миқдордир. Чунки бу бирликни амалда ҳам, фикрда ҳам бўлиш мумкин. Маълум бир замоннинг ўзида турли мамлакатларда ва биргина мамлакатнинг ўзида турли даврларда тилларнинг асосий ўзгаришига ёки алмашишига қараб, у киши [бизлардаги ва ўзларидаги] иккала мисколни тенглаштиришда янглишди ва ҳиндлар мисколи *тола*, деди.

Соманатҳ яқинида турадиган кишилардан бирининг айтишига кўра, ҳиндларнинг мисколи биздаги мисколнинг ўзи бўлиб, саккиз рувуга бўлинади. Ҳар руву икки пали бўлиб, бир пали ўн олти йава, яъни арпа бўлади. Демак, бир мискол саккиз руву, ўн олти пали *икки* юз эллик олти йавага тенг келади<sup>488</sup>. Шундан маълум бўлишича, у киши [биздаги ва ўзларидаги] мискол миқдорларини солиштиришда икки мискол янглишди. Яна у киши машага руву деб бошқа ном берди.

Шу бобда тўғри йўлдан адашган киши Вараҳамиҳиранинг санамларни қандай катталиқда ишлашни баён қилишига таяниб, шундай хулоса қилди: «Рену деб аталган гард бўлакчасининг ҳар ўнтаси ража деб аталади. Ражанинг ҳар саккизтаси балагра бўлади; бу эса сочининг учидир. Балагранинг саккизтаси ликҳия бўлади; у эса соч сиркасидир. Саккизта сирка бир юка бўлади, у эса битдир; юканинг саккизтаси бир йава, яъни бир арпа бўлади»<sup>489</sup>.

Вараҳамиҳира шу ерда, арпадан масофани ўлчашга ўтади.

Оғирликларга келганда, у юқоридаги сўзларга қўшилиб, шундай дейди: «Ҳар тўрт арпа – бир анди, ҳар тўрт анди – бир маша, ҳар ўн олти маша – бир суварна; суварна эса бир тилладир, тўрт суварана бир паладир<sup>490</sup>. Куруқ нарсаларни [ўлчашга] келсак, ҳар тўрт пала бир кудава; ҳар тўрт кудава бир прастҳа ва ҳар тўрт прастҳа бир адҳака<sup>491</sup>.

Суюқликлар учун: ҳар саккиз пала – бир кудава, ҳар саккиз кудава – бир прастҳа, ҳар тўрт прастҳа бир адҳака ва ҳар тўрт адҳака бир дронадир»<sup>492</sup>.

Оғирлик ўлчамлари ҳақида «Чарака» китобида баён қилинганларни араб тилидаги нусхасидан кўчириб ҳикоя қиламиз, буларни ҳеч бир ҳинднинг тилидан эшитмадик<sup>493</sup>. Биз биладиган бир қанча нарсалар бузилгани каби буларни ҳам бузилган деб ўйлаймиз. Чунки бизнинг [арабча] ёзувимизда, айниқса, кўчирган нарсаларни тузатишга аҳамият бермайдиган диққатсиз замондошларимизнинг ёзувларида сўзлар, албатта, бузиб ёзилади.

«Чарака» китобида бундай дейилган: «Атреянинг айтишича, олти зарра, яъни тўзоннинг олти донаси бир маричи бўлади, олти маречи – бир ҳардала; ҳардаланинг саккизтаси – бир қизил гуруч. Иккита қизил гуруч – битта йирик мош. Иккита мош – бир анди, анди эса даниқнинг саккиздан биридир. Шу билан бирга, дирҳам – етти даниқ; тўрт анди – бир маша, саккиз маша – бир чана, иккита чана – бир карша; карша эса бир суварнадир. Бир суварнанинг оғирлиги икки дирҳамга тўғри келади. Тўрт суварна – бир пала, тўрт пала –

бир кудава, тўрт кудава – бир прастха, тўртта прастха – бир адҳақа, адҳақа – бир дрона; иккита дрона – бир шўрпа, иккита шўрпа бир жанодир»<sup>494</sup>.

|| (78) Ҳиндларнинг савдо-сотик ишларида *пала* номли ўлчов ишлатилади. Лекин бу ўлчов турли мол-матоларга ва шаҳарларга қараб хилма-хил бўлади. Улар бир пала бир мананинг<sup>495</sup> ўн бешдан бири дейишади<sup>496</sup>; кейин, баъзиси палани ўн тўрт мисқол деб ўйлашади; ҳолбуки, мана икки юз ўн мисқол эмас. Баъзи киши пала ўн олти мисқол дейди; ҳолбуки, мана икки юз қирк мисқол эмас. Айримлари пала ўн беш дирҳам дейдилар; ҳолбуки, мана икки юз йиғирма беш дирҳам эмас. Лекин паланинг мана билан саналиши ёки мананинг пала билан саналиши у кишиларнинг айтганидан бошқадир.

Атрея яна бундай деган: «Бир адҳақа – олтмиш тўрт пала ёки бир юз йиғирма саккиз дирҳам бўлади, бу эса бир ратлг<sup>497</sup> тенгдир. Лекин агар анди даникнинг саккиздан бири бўлса<sup>498</sup>, албатта, бир суварна олтмиш тўрт анди бўлади. Демак, бир дирҳам ўттиз икки андидир. Агар анди даникнинг саккиздан бири бўлса, дирҳам ҳиссаси тўрт даниққа баробар бўлиб, у ҳиссанинг икки баробари бир дирҳам ва учдан бир дирҳам  $\left[1\frac{1}{3}\right]$  бўлади – икки дирҳамга етмайди».

Ана шу айтилган сўзлар фикр юргизмай, тахминан қилинган [арабча] таржиманинг ва билмасдан турли фикрларни бир-бирига қориштиришнинг натижаларидандир. Аммо суварна бизнинг дирҳамларимиздан уч дирҳамга тўғри келади. Ҳиндлар суварна паланинг тўртдан бири эканига қаршилиқ қилишмайди, деган фикрга асосланганларнинг аввалги сўзи шуки, пала ўн икки дирҳамдир.

Агар пала бешдан бир мананинг учдан бири  $\left[\frac{1}{15}\right]$  бўлса, мана бир юз саксон дирҳам бўлади. Мана – бу суварнанинг уч дирҳам эмаслигини, балки мисқолларимиздан уч мисқолга баробар эканини хаёлга келтириб кишини янглиштиради.

Вараҳамиҳира «Самҳита» китобининг бошқа бир жойида бундай деган: «Диаметри ҳам, баландлиги ҳам бир газлик идиш ясаб, уни ёмғир тагига тўлиб-тошгунича қўйсангиз, шу идишга йиғилган сув икки юз дирҳамни сиғдирадиган ўлчовдаги сув бўлиб, шундай ўлчовнинг тўрттаси бир адҳақа бўлади»<sup>499</sup>.

Бу эса ҳақиқатга яқинлаштириб айтилган сўздир. Чунки бир адҳақа юқорида айтилган фикрга қараганда, ё ҳиндлар айтганидек, етти юз олтмиш саккиз дирҳам бўлади, ёки мен ўйлаганимча мисқол бўлади.

Шрипала Вараҳамиҳирадан шундай сўзни ҳикоя қилган: «Эллик пала икки юз эллик олти дирҳам бўлиб, бу бир адҳақа бўлади». Бироқ у сўзни кўчиришда хато қилган. У сўздаги сонлар [яъни, 256] дирҳамлар сони эмас, балки бир

адҳақадаги суварнанинг ва суварнадаги паланинг саноғи бўлиб, эллик пала [256 дирҳам] бўлмай<sup>500</sup>, олтмиш тўрт пала бўлади.

Аммо шу миқдорларни тавсифлаб айтиб берган Живашармадан<sup>501</sup> эшитганимга кўра, тўрт пала бир кудава, тўрт кудава бир прастҳа, тўрт прастҳа бир адҳақа, тўрт адҳақа бир дрона ва йигирма дрона бир кҳаридир<sup>502</sup>.

Бундан олдин ўн олти машанинг бир суварна эканини билиш керак. Буғдой ва арпа тортилганда тўрт суварна бир пала, сув ва ёғ тортилганда саккиз суварна бир пала бўлади.

Ҳиндларнинг турли молларни тортишда ишлатиладиган тарозилари қарастунлардан<sup>503</sup> иборат бўлиб, уларнинг тошлари қимирламайди, паллалари эса рақамлар ва чизиклар устида сурилиб туради. Шундай қарастуна тарози – тула<sup>504</sup> деб аталади. Оғирликни билдиришда [ҳар бир оғирлик бирлигини кўрсатувчи] чизикларда илгариги беш чизикқа бирдан бешгача рақам ёзилган. Сўнгра бешдан кейин ўнинчи, йигирманчи ва ҳоказо чизиклар тўғрисида – ўнта ва ўнта оралатиб, тегишли сонлар ёзилган. Бунинг сабаби тўғрисида ҳиндлар Васудеванинг мана бу сўзини келтиришади: «Холамнинг ўғли Шишупалани гуноҳсиз ўлдирмайман; то ўнтагача унинг гуноҳини кечираман; сўнгра уни жавобгар қиламан»<sup>505</sup>, деган. Мен бу ҳодисани кейинроқ баён қиламан.

Ал-Фазорий ўз зижидида<sup>506</sup> кунларнинг [олтмишдан бир] бўлаги – дақиқаларни кўрсатишда пала иборасини ишлатган<sup>507</sup>. Аммо ҳиндларнинг бирор [астрономик] китобларида бу сўзнинг ишлатилганлигини топмадим. Лекин улар [математика фанида] тузатишни пала деб атайдилар.

Уларда бҳара<sup>508</sup> деб аталадиган оғирлик ўлчови бор. Бу ҳақда урушлар ва Синднинг фатҳ қилиниши бобида баён қилинади. Бҳара миқдори икки минг палага тенгдир. Чунки ҳиндлар бир бҳара юз марта йигирматадан пала бўлиб, гўё бир ҳўкизга юк бўлади, дейдилар. Ҳиндларнинг оғирлик ўлчовлари тўғрисида уриниб билганларим ана шулардан иборат.

|| (79) Нарсаларнинг гавда ва ҳажмини билиш учун уларни ўлчашга келсак, ўлчов идиши бирон [курук] нарса билан тўлгазилганда, шундан ортиғи у идишга сиғмайдиган бўлса, шу билан бирга, идишга нарсани бетартиб ташлаш ёки текислаб солиш, ёки териб кўйишда ҳам у нарсанинг олган ҳажми ўзгармаса, ана шу ўлчам бўлади. Ўлчанадиган иккита нарса бир жинсдан бўлганда икковининг ҳажми баробар бўлса, оғирликлари ҳам тенг бўлади. Агар ўлчанадиган иккала нарсанинг жинслари ҳар хил бўлса, фақатгина ҳажмда бир-бирига тенг бўлади, холос.

Ҳиндларнинг *биси* деб атайдиган ўлчов идишлари бор. Канаужлик ва сомнатҳликларнинг ҳар бири ҳам у ҳақда менга айтиб берди. Канаужликнинг айтишига кўра тўрт *биси* бир прастҳа ва унинг тўртдан бири кудава дейилади. Сомнатҳликнинг айтишига кўра эса, ўн олти *биси* бир панти ва ўн икки панти бир мўра дейилади; яна у киши бисининг кўпайтирилишида



бошқа бир йўл тутиб, унинг иккитасини каласи, бисининг тўртдан бирини мана деб атайди<sup>509</sup>.

Ўша соманатҳликнинг айтишига кўра, буғдойнинг бир маналик оғирлиги беш манага яқин бўлган. Шунинг учун ҳам бир биси йигирма мана бўлади. Бундай биси хоразмликларнинг қадимги ўлчамларига кўра, уларнинг суҳхасига ўхшаш бўлиб, каласи эса хоразмдаги ғўрга ўхшайди. Чунки ғўр ўн икки суҳхага тенг бўлади.

Узунлик ўлчамларига келганда, бу тўғри чизикларнинг узунлигини ва юзларининг сатҳларини ўлчаш учун ишлатилади. Юзаларни солиштириш учун уларни кичик юза [бирлиги] билан ўлчаш зарур бўлса ҳам, лекин юзанинг четлари чизик бўлганидан ва чизик узунлиги эса газ билан аниқланадиган бўлгани сабабли юзалар ҳам газ [воситасида] ўлчанади.

Юқорида Вараҳамиҳира сўзини кўчирганимизда арпа миқдорига етиб келгач, ундан оғирликларга ўтиб, оғирлик миқдорларини баён қилган эдик. Ҳозир эса арпа миқдорини узунликлар миқдорларини [белгилаш] учун қўллаймиз. [Вараҳамиҳира сўзини келтиришни] давом эттираемиз:

«Ёнма-ён зичлаштириб терилган саккизта арпа – бир ангула, яъни бир бармоқ бўлади. Тўрт бармоқ – бир рома, яъни бир тутам деб аталади. Йигирма тўрт бармоқ – бир ҳаттҳа, яъни бир газ бўлиб, бунга даста деб ном берилади. Тўрт газ – бир дҳану, яъни ҳинд ёйларидан бир ёй бўлиб, бир қулочга баробар келади. Қирқ ёй – бир налва бўлиб, йигирма беш налва – бир кроша бўлади»<sup>510</sup>.

Бундан ҳосил бўладигани шуки, бир кроша тўрт – минг газ; биздаги мил ҳам тўрт минг газдир. Шундай қилиб, мил крошага баробардир. Юнонлик Пулиса ҳам ўзининг «Сиддиханта»сида, кроша – тўрт минг газ, деган.

Бир газ – икки миқёс, яъни йигирма тўрт бармоқдир. Ҳиндлар шанку<sup>511</sup> билан ҳам ўлчайдилар. Бу ўлчов бирлиги Буддҳа бармоғига тенгдир. Биз ишлатгандай, миқёснинг олтидан бирининг ярмини бир бармоқ демайдилар<sup>512</sup>. Лекин уларнинг ўлчов бирлиги ҳамиша қарич бўлади. Кафт ва бармоқлар имкон қадар чўзиб очилганда, бош бармоқ билан жимжилоқ [учлари] орасидаги узоқлик қарич дейилиб, [ҳиндларча] вистаси ва кишку деб ҳам айтилади<sup>513</sup>.

Тўртинчи бармоқ учидан бош бармоқ учигача чўзилгандаги узунлик ўлчов қилиб олинса, бу гакарна деб аталади<sup>514</sup>. Агар кўрсаткич бармоқ учидан бош бармоқ учигача ўлчов қилинса, бу фитр бўлиб, уни карабҳа<sup>515</sup> дейилади, бу эса қаричнинг учдан иккисига тенгдир.

Ўрта бармоқ учи билан бош бармоқ учи оралиғи тала деб аталади<sup>516</sup>. Кишининг туроқи [яъни, оёқ ости узунлиги] бўйининг еттидан бирича бўлади дейилганидек, ҳиндларнинг айтишига кўра, кишининг бўйи хоҳ қисқа, хоҳ узун бўлсин, ўз толасида саккиз тола бўлади.

|| (80) «Самҳита» китобининг санамлар ясалиши бобида шундай дейилган: «Санам кафтнинг эни олти, узунлиги етти, ўрта бармоғининг узунлиги беш,

ён бармоғи ҳам шундай; кўрсаткич бармоғи бир бутундан [ўрта бармоқ узунлигидан] олтидан бирича ва жимжилоғи бир бутуннинг учдан бирича бўлиб, ўрта бармоқдан кискарок, бош бармоғи эса ўрта бармоғининг учдан иккисича қилиниб, иккала қисми бир-бирига баробар қилиб ясалди»<sup>517</sup>. Шу ўлчам ва ҳисоблашлар санамнинг бармоқлари билан белгиланган.

Хуллас, крошанинг миқдори милга баробар деган сўзимиз аниқ бўлди. Буни ёдда тутинг!

Энди, ҳиндларда масофаларни белгилайдиган йўжана<sup>518</sup> номли бирлик ўлчовлари борлигини билиш керак. Бу миқдор саккиз милдан иборат бўлиб, ўз навбатида ўттиз икки минг газ бўлади. Кўпинча баъзи кишилар кроша бир фарсах [тош]нинг тўртдан бири гумон қилиб, «Ҳиндларнинг фарсахлари ўн олти минг газ миқдорида бўлади», дейди. Бу тўғри эмас. Чунки ўн олти минг газ йўжананинг ярмини ташкил қилади, холос. Бу йўжана миқдори Ал-Фазорий зижида, Ер айланаси узунлигини кўрсатишда айтилган йўжананинг худди ўзидир.

Ҳиндларнинг қадимгилари, доира айланаси ўз диаметрдан уч марта узун деганлар.

«Матсия-пурана»да Қуёш ва Ой диаметрлари йўжаналар билан баён қилинган ўринда «Айлана – диаметрининг уч баробари», дейилган. «Адития-пурана»да ҳам двип кенглигини эслаганда – бу орол ва уларнинг теварагидаги денгизлардир – йўжанада ўлчаб, шундай дейди: «Айлана [узунлиги] диаметрининг учтасига тенг бўлади», деган. «Вайу-пурана»да<sup>519</sup> ҳам шундай дейилган.

Лекин ҳиндларнинг кейингилари, у бутун сонлар ортида касрнинг борлигини билишди. Браҳмагупта шу каср, бир бутуннинг еттидан бири[га тенг] деган фикрга боради. Лекин у бошқа бир асос тутади; бу куйидагидай: «Ўннинг [квадрат] илдизи уч бутун ва еттидан бирга яқин бўлгач, диаметрнинг ўз айланасига нисбати бирнинг ўн илдизига бўлган нисбатига [тенгга] ўхшайди». Шунинг учун Браҳмагупта айлана диаметрини ўз баробарига кўпайтириб, сўнгра унинг ҳосилини ўнга кўпайтириб, чикқан [сон] илдизини олади. Шунда ўннинг илдизи бутунли каср бўлгани сингари айлана узунлиги ҳам бутунли каср бўлади. Лекин каср, ҳар ҳолда, керагидан кўра каттароқ бўлиб чиқади.

Архимед у касрни етмишдан ўн бўлак  $\left[\frac{10}{70}\right]$  билан етмишдан ўн бир бўлак  $\left[\frac{11}{70}\right]$  оралиғида эканини кўрсатади<sup>520</sup>. Браҳмагупта эса Арияҳатанинг шу каср тўғрисидаги ҳисобини кўчириб, уни танқид қилиб бундай дейди: «Арияҳата айлана [узунлиги]ни 3393 деб фараз қилиб, сўнгра бир жойда айлананинг диаметрини 1080; бошқа бир жойда 1050 деган»; энди биринчи сўзича, [диаметрнинг айланага бўлган] нисбати бирнинг уч бутун бир юз йигирмадан ўн еттига нисбати  $\left[1 : 3\frac{17}{120}\right]$  дек бўлиши керак. Бундаги [каср] эса еттидан бир-

нинг ўн еттидан бирига  $\left[ \frac{1}{7} \cdot \frac{1}{17} \right]$  қараганда камроқ бўлади. Иккинчи сўзига келганда, хато ўша муаллифники бўлмай, нусха кўчиришда бузилганлигига шубҳа йўқ. Чунки нисбат бирнинг уч бутун-у бир тақсим тўртга нисбатидек бўлиши тақозо қилинади<sup>521</sup>.

Пулиса ўз ҳисобида шу нисбатни бирнинг уч бутун-у 177 тақсим 1250 га бўлган нисбатидек  $\left[ 1 : 3 \frac{177}{1250} \right]$  дир дейди. Бунда ҳам еттидан бирдан кичикроқдир. Арябхата ўйлаганидан ҳам кичикроқдир. Шу сўз қадимгилар фикридан олинган. Уни эса Яъқуб ибн Торик ўзининг «Осмонлар таркиби»<sup>522</sup> номли китобида берган. У фикрга кўра, буржлар сферасининг айланаси 1 256 640 000 йўжана бўлиб, унинг диаметри 400 000 000 йўжана<sup>523</sup>. Буларнинг нисбати эса бирнинг уч бутун-у 56 640 000 тақсим 400 000 000 бўлган нисбатига тенгдир. Кейинги икки сон 360 000 га қисқаради; натижада, қаср сурати 177, махражи 1250 бўлади. Пулисанинг қабул қилиб олгани ана шу  $\left[ \frac{177}{1250} \right]$  эди.

## XVI БОБ. ҲИНДЛАРНИНГ ЁЗУВЛАРИ, ҲИСОБ ВА БОШҚА СОҲАЛАРДАН АЙРИМ МАЪЛУМОТЛАР ҲАМДА ҲАЙРАТЛАНАРЛИ УРФ-ОДАТЛАРИ БАЁНИ

|| (81) Тил, сўзловчи бутун истагини эшитувчига етказувчи таржимондир. Шунинг учун унинг борлиғи замоннинг бир они каби қисқа бўлиб чегараланиб қолади. Агар инсоннинг сўзлашув доираси ҳамма жойга шамол сингари ёйилувчан бўлмаганида ва замонлардан замонларга нафаслар сингари ўтувчи хат ёзиш санъатини келтириб чиқармаганда эди, ўтмиш замонлар воқеаларини, айниқса, узоқ даврлар ўтганда ҳозирги замон тилларига қандай кўчириб бўлар эди?

Қадимги юнонлар сингари териларга ёзиш одатлари ҳиндларда бўлмаган эди. Шунинг учун Сукротдан асар ёзмай қўйишининг сабаби сўралганида: «Илмни тирик инсонлар қалбларидан ўлик қўйларнинг териларига кўчирмайман»<sup>524</sup>, деган. Шунингдек, исломнинг дастлабки пайтларида одамлар ошланган териларга хат ёзишган. Масалан, Ҳайбар яҳудийлари билан тузилган шартнома<sup>525</sup>, Пайғамбар алайҳиссаломнинг [Эрон подшоҳи] Кисрога<sup>526</sup> ёзган мактуби шундай териларга ёзилган эди. Шунга ўхшаш, Қуръони карим ва Таврот ҳам кийикларнинг териларига ёзилган. Аллоҳ таолонинг «Тажъалунаҳу қаротиса»<sup>527</sup> дегани уни қиртосларга, яъни туморларга<sup>528</sup> ёзадилар, деганидир. Чунки қиртос Мисрда камиш мағзи [папирус]нинг пўстига едириб юборилганидан ишланган бўлиб, замонимизга яқин вақтларгача ҳам халифаларнинг мактублари шундай туморларга ёзилар эди. Чунки ундан бирон ҳарф ва сўзни кириб, ўзгартириш мумкин бўлмай, балки қирилса, у қиртос бузилади.

Турли қоғозлар – хитойларнинг ихтиросидир<sup>529</sup>.

Асир олинган хитойликлар Самарқандда коғоз ишлаб чиқариш санъатини йўлга қўйдилар. Сўнгра турли ўлкаларда коғоз ишланиб, бунга бўлган эҳтиёж қопланди.

Ҳиндистоннинг жанубий шаҳарларида хурмо ва наржил дарахтларига ўхшаш бўйи узун дарахтлар ўсади. Унинг ейиладиган меваси ва узунлиги бир газ, эни уч бармоқ келадиган япроқлари тари<sup>530</sup> деб аталади; улар ёзувларини ўша япроқларга ёзишади ва ёзув ёзилган япроқларнинг ўрталари тешилиб, тешиклардан ип ўтказилиб, китоб каби тартибга солинади.

Мамлакатнинг ўрта ва шимолий қисмида яшовчилар туз номли дарахтнинг<sup>531</sup> пўстлоғидан узунлиги бир газ, эни эса бармоқ бўйи ва ундан кичикроқ қилиб оладилар. Шундай пўстлоқнинг бхуржа деб аталадиган туридан кама-лак учун ғилоф ишланади. Ёғлаб, сайқал берилса, пишиқ ва силлиқ бўлади. Сўнгра шу ишланган пўстлоқларга ёзадилар. Ёзув ёзилган пўстлоқлар кетма-кет рақамлар билан тартибланади. Бундай ёзув ёзилганларнинг ҳаммаси кийимлик парчасига ўралади ёки ҳажмига яраша иккита тахтадан иборат муқова орасига маҳкамланади. Шундай қилиб тайёрланган китоблар путҳи деб<sup>532</sup> номланади. Ҳиндларнинг мактублари ва ҳамма асбоблари ҳам *туз* пўстлоғи ичида юборилади.

Ҳиндларнинг ёзувларига келсак, айтишларига кўра, у эскириб [хотираларидан] унутилган, ҳеч бир киши бунга аҳамият бермаган, ниҳоят, улар саводсиз бўлиб қолганлар. Бу ҳол маҳаллий аҳолини жохил қилиб, илмдан жуда узоқлаштирган. Охир-оқибат Вияса ибн Парашара улар ишлатаётган элликта ҳарфни худодан илҳомланиб янгидан ижод этган. Уларда, ҳарф акшара<sup>533</sup> деб аталади. Ҳиндлардан баъзисининг айтишларига кўра, аввалбошда ҳарфлари жуда оз бўлиб, кейинчалик кўпайиб борган. Шундай бўлган бўлиши мумкин, балки шундай бўлган ҳам.

|| (82) Асизас [номли кимса] фан ва ҳикматни [дунёда] абадий қолдириш учун ўн олтига рақам [ҳарф] шаклини кўрсатади. Бу Бани Исроилнинг Мисрга ҳукмронлик қилган замонида бўлган эди. Сўнгра Кимуш ва Агенон ҳалиги ҳарфларни юнонларга олиб келди. Юнонлар уларга тўртта ҳарф қўшиб, йигирмата қилиб қўллай бошладилар. Сукрот заҳарланган кунларда Симонид ҳарфларга яна тўртта ҳарф қўшди. Шундай қилиб, афиналикларнинг ҳарфлари ўша пайтда йигирма тўрттага етди. Ғарб тарихчиларининг фикрига кўра, бу Ардашер ибн Доро ибн Ардашер ибн Куруш замонида [бўлган] эди<sup>534</sup>.

Ҳиндлар [алифбесида] ҳарфларнинг кўп бўлишига сабаб [биринчидан] ҳартовушнинг унли [товушдан] кейин келишига ёки икки ундош орасида бўлишига, ё ҳамзадан<sup>535</sup> кейин келишига, ё ҳаракат микдоридан кўра камроқ чўзилишига қараб, ўзига махсус белгиси [ҳарфи] борлигидир: иккинчидан, бошқа тилларда топилмайдиган ундош [товуш]ларнинг уларда бор бўлишлигидир. Бундай то-

вушлар бизникига яқин эмас. Бу хил товушларни бизнинг сўзлаш қуролимиз [яъни, тилимиз] камдан-кам талаффуз қила олади. Чунки тилимиз бундай талаффузга одатланмаган; ҳатто кулоқларимиз улардаги бир-бирига яқин икки хил товушларнинг орасидаги фарқни кўпинча сезмай қолади.

Ҳиндларнинг ёзувлари юнонлар одати сингари чапдан ўнгга қараб ёзилади. Ёзувимиздаги қоидага кўра, ҳарфларимизнинг бошлари юқорига кўтарилиб, думлари қуйига тушади. Лекин улардаги қоида шуки, [бир йўлдаги] ҳамма ҳарфларнинг юқори томони тўғри чизикда текис бўлиб, ҳарфнинг ўзи ва унинг шакли ўша тўғри чизикдан қуйига тушаверади. Агар шу қоидага хилоф равишда, бирон ҳарф тўғри чизикдан юқорига кўтарилса, бу наҳв фанига тегишли белги бўлиб, ўша ҳарфнинг қандай талаффуз қилинишини кўрсатади.

Ҳиндларнинг энг машҳур ёзувлари сиддха матрика<sup>536</sup> деб аталади. Кўпинча, шу хат Кашмирга нисбат берилиб, Кашмир ёзуви дейилади. Варанасида<sup>537</sup> ҳам Кашмир ёзувига мувофиқ ёзилади. Варанаси ва Кашмир ҳиндлар илмларининг иккита марказидир. Мадҳиядешада<sup>538</sup>, яъни мамлакатнинг ўртасида – бу Канаужнинг ҳамма томонидан айланаси бўлиб, шу айлана Арияварта деб ҳам аталади. Малава чегараларида ҳам нагара ёзувидан фойдаланилади. Бу ёзув сиддхаматрика ёзувидан фақатгина ҳарфларнинг шакли жиҳатидан ажралиб туради<sup>539</sup>.

Яна ардҳанагари дейиладиган ёзув ҳам ишлатилади. Бунинг маъноси ярим нагари демақдир. Чунки бу ёзув икковининг қўшилишидан вужудга келган. Бҳатияда ва Синднинг<sup>540</sup> айрим шаҳарларида шу ёзув билан ёзилади. Улардан кейин Малвори ёзуви Синднинг жанубий денгиз соҳили томонида<sup>541</sup> – Малвашауда юритилиб, Баҳманвада эса сайндҳава ёзуви ишлатилади. Бу ҳозир ал-Мансурадир<sup>542</sup>. Карната ёзуви Карнатдешада ишлатилади. Каннара<sup>543</sup> деб машҳур бўлган аскарлар шу ердан олинади. Андҳри ёзуви Андҳрадешада<sup>544</sup>, Дирвари ёзуви Дирварадешада<sup>545</sup>, Лари [ёзуви] Ларадешада<sup>546</sup>, Гаури ёзуви Пурвадешада, яъни мамлакатнинг шарқий қисмида<sup>547</sup>, Бҳайкшуки ёзуви Удунпурада, яъни мана шу [биз турган] ерда қўлланилади. Бу [кейингиси] Будда ёзувидир<sup>548</sup>.

Биз китобларни Аллоҳ таоло исми билан бошлаганимиздек, ҳиндлар «яратувчи» деган сўз – *ўма*<sup>549</sup> билан бошлайдилар. *Ўма* ᳚ шакли билан ёзилади. Бу ҳиндларнинг ҳарфларидан эмас, фақатгина табарруклаш ва поклаш учун Худо исмига махсус ажратилган шаклдир. Бу яҳудийлардаги Худо исмига ўхшайди. Чунки Худо исми яҳудийлар китобларида ёзилишича, ибронийча учта ҳарф йод билан ёзилади<sup>550</sup>. Тавротда эса Яҳве ёзилиб, Адўнай деб ўқилади. Баъзан «Яҳ» деб кўя қолинади. Талаффуз қилинадиган исм, яъни Адўнай ёзилмайди.

Биз ҳарфларимизни [санашга] ва ҳисобларда ифодалаганимиздек, улар ҳарфлардан ҳеч бир ҳисобда фойдаланишмайди.

|| (83) Ҳинд ҳарфларининг ёзилиш шакли жойларда турлича бўлганидек, сон белгилари [рақамлари] ҳам ҳар хил бўлиб, анка<sup>551</sup> деб аталади. Биз қўлайдиган ҳисоб рақамлари уларнинг энг чиройли график белгиларидир.

Кашмирликлар коғозларга ҳисоб рақамларини турли накшлар сингари ёки хитойларнинг ҳарфлари [иероглиф] сингари қилиб ёзадилар. Бу рақамларни кўп машқ қилиб одат қилган кишигина ёза олади ва уларни тупроқ устида чизиб кўрсатиб бўлмайди.

Ҳисоб илмида ҳамма халқлар соннинг [ёзилишида] ўн марталаб ортиб боришини [ўнлик системасига] мувофиқ кўришган. Белгилар бир рақам, масалан, ўнликни ифодаловчи рақам ўздан кейинги даражада [юзли хонада] ёзилганининг ўндан бири ва ўздан олдинги даражада [юзлик хонада] ёзилганининг ўн баробари бўлади. Ўзига хос тили бўлган турли миллат кишиларидан ҳисоб даражаларининг номланишини суриштирганимда, уларда ҳам худди араблар сингари мингликлар хонасидан қайтилар экан. Бу энг тўғри йўлдир. Шу даражалар тўғрисида бир рисола ёздим.

Аммо ҳиндлар мингликлар хонасидан ўтилгач, турлича номларни қўллашади. Баъзилари фикр юргизмай бир ном берса, баъзилари [бошқа сўздан] номлаб фойдаланадилар. Баъзилари эса шу икки хил номнинг бирини бошқасига аралаштириб атайди. Шундай қилиб [мингдан кейинги хоналарнинг] номлари миллий [диний] сабабларга кўра, ўн саккизтага етади ва бу тўғрида, луғат билимдонлари турли номлар топиб, юқоридаги ҳисобчиларга ёрдам берадилар.

Ўн саккизинчи даражанинг номи парардҳа – «осмоннинг ярми», яъни ҳақиқатда юқорининг ярмидир. Бу шундай изоҳланади: парардҳа даражаси калпадан таркиб топганда, у мартабанинг бирлиги олий худонинг бир кундузига баробардир. Осмоннинг нариги томонида ҳеч нима бўлмагач, осмон, жисмларнинг энг улуғи ҳисобланади. Осмоннинг ярми энг улуғ куннинг ярмига ўхшатишган. Шу улуғ кун ярми икки баробар қилинса, кеча кундузга қўшилиб энг улуғ тугал кун ярми икки баробар қилинса, кеча кундузга қўшилиб энг тугал кун бўлади. Шундай қилиб, парардҳа осмоннинг ярми бўлиб, парар эса «буткул осмон»ни ифода қилади<sup>552</sup>.

Ўн саккизгача бўлган даражаларнинг номлари қуйидагичадир:

1	<i>Экам</i>	10	<i>Падма</i>
2	<i>Дашам</i>	11	<i>Карва</i>
3	<i>Шатам</i>	12	<i>Никхарва</i>
4	<i>Саҳасрам</i>	13	<i>Махападма</i>
5	<i>Аюта</i>	14	<i>Шанку</i>
6	<i>Лакша</i>	15	<i>Самудра</i>
7	<i>Праюта</i>	16	<i>Мадҳия</i>
8	<i>Коти</i>	17	<i>Антия</i>
9	<i>Ниярбуда</i>	18	<i>Парардҳа</i> <sup>553</sup>

Ҳиндларнинг шу тўғридаги турли сўзларини баён қиламиз. Бу сўзлардан бири шуки, ҳиндларнинг айримлари «*Парардҳанинг* нариги томонида ўн

тўққизинчи даража бор, у бхури<sup>554</sup> деб аталади, сўнгра унинг нариги томонида сон йўқ», дейди. Ҳолбуки, сон ниҳояланмайди. Фақатгина унда ишлатиладиган ном чекланади. Сон ниҳоятланмагач, унинг даражалари ҳам чекланмайди. Гўё у кишининг сўзига қараганда, сон ўша атамалардан иборат бўлиб қолади.

Аниқланишига кўра, у [бхури деб] аталадиган даражанинг бирлиги улуг куннинг бешидан биридир. Бу мартаба тўғрисида ҳиндлардан ҳеч бир хабар ва сўз етиб келмаган. Келгусида баён қилмоқчи бўлганимиздек, нарсанинг улуг кундан таркиб топиши тарихларда қолган, холос. Шунга қараганда бу даража [йўқ нарсани] ўзидан кўшувчиларнинг орттирган нарсаларидан бўлади.

|| (84) Яна ҳиндларнинг сон тўғрисидаги хилма-хил сўзларидан бири шуки, уларнинг баъзилари «Соннинг бориб етган жойи котидир; сон котидан қайтарилиб ўнлар, юзлар ва мингларга тиркаб айтилади. Чунки девалар сонини котида ифода қиладилар», дейди. Ҳиндлар девалар сонини ўттиз уч коти дейишади. Браҳма, Нараяна ва Маҳадевадан ҳар бирига ўн битта коти ажратилган. Аммо сакқизинчи исмдан кейинги исм [масалан, юқорида жадвалда кўрсатилган Ниярбада ва Падма]ларнинг [пайдо бўлиши] биз айтган сабабга кўра, наҳв [грамматика] олимларининг ишидир.

Ҳиндларнинг сонлар ҳақидаги турли фикрларидан яна бири: [жадвалдаги] бешинчи ном бўлиб, уларда – даша саҳасра ва еттинчиси даша лакша дея келтирилади. Чунки биз [жадвалда] баён қилган бешинчи ва еттинчи номлардан кам фойдаланилади.

Ариябҳата Кусумапурали<sup>555</sup> китобида «даражаларнинг исмлари мингларнинг ўнлар хонасидан то котининг ўнлар хонасигача мана шундай берилган:

*Аютам;*

*Ниютам;*

*Праютам;*

*Коти падма;*

*Парападма».*

Яна бири шуки, ҳиндларнинг баъзилари у номлардан кўпини бир-бирига алмаштирган. Масалан, ўн иккинчи даража номи ўн биринчининг ўрнига қўйилганидек, олтинчи даража исмини бешинчининг ўрнига қўйиб ва этимологик ўзгариш қилиб, уни ниюта<sup>556</sup> деб атади ва сакқизинчи даражани арбуде, тўққизинчини ниярбуда<sup>557</sup> деб атаган; ўн учинчи даражага шанку ва ўн тўртинчига маҳашанку<sup>558</sup> деб исм берган. Шундай ўзгаришларига қараганда маҳападма ҳам падмадан кейин келади.

Ҳиндларнинг сон даражаларига берган турли номлари ва маъно чиқадиган қисми ана шулардир. Маъносиз қисми эса кўп бўлиб, улар исмларнинг тартибсиз равишда ёзилишидан ёки «билмайман» сўзини ёмон кўришдан келиб чиқаверади; у номлар, ҳар бир тартиб ва низомга оғирлик қилади.

«Пулиса-сиддихата»дан бизга кўчириб берилган [нусха]да тўртинчи даражали саҳасрамдан кейин бешинчиси *Аютам*, олтинчиси *Ниютам*, еттинчиси

*Араютам, саккизинчиси Коти, тўккизинчиси Арбудам, ўнинчиси Кхарвадир.*  
Ундан кейингилари юқоридаги жадвалга мувофиқ кўрсатилган.

Рақамларнинг ҳисобда ифодаланишига келганда, улар ҳам бизда расм бўлган йўсинда ифодалайдилар; уларнинг сонларни ёзиш [системаси]нинг [биздагидан] ортиқчилиги ҳақида бир рисола ёздим.

Ҳиндлар зижларидаги даражаларнинг сонини белгилаб айтмоқчи бўлсалар, уни биринчи даражанинг ёки иккинчи даражанинг ҳар бир сони учун белгиланган сўз ифодаси билан баён қиладилар. Лекин улар ҳар бир сон учун бир қанча сўз белгилаганлар; ҳатто бир жойда бир сўзни қўллаш қийин бўлса, унинг ўрнига ечими қулай бўлган бошқа ўхшаш бир сўзни қўллайдилар.

Брахмагупта бундай деган: «Бирни ёзмоқчи бўлсангиз, уни ягона бўладиган нарсалардан бири билан, масалан, Ер ва Ой билан ифодаланг, иккинчи эса иккиталикни эслатадиган сўз билан, масалан, қора-оқ сўзи билан ифодаланг, учини эса учта нарсани ўз ичига оладиган сўз билан, сифр [ноль]ни осмоннинг номи билан ва ўн иккинчи Қуёшнинг номи билан ёзингиз».

|| (85) Ҳиндларнинг зижларини тушунишда муҳим асос бўлган жадвал қуйидагилардан иборат:

Ноль	шуния ва кҳа <sup>559</sup> – бу иккаласи «нуқта» исми гагана – осмон вият – осмон пунара, вишурана акаша – осмон амбари – осмон абҳара – осмон
Бир	ади – бошланиш шашин – Ой инду – Ой шита урвара, дҳарани питамаҳа – биринчи ота чандра – Ой шитамшу – Ой рупа рашми <sup>560</sup>
Икки	яма ашвин равичандра лочана – иккала кўз акши дасра ямала якша [тақвим] ойнинг иккала ярми нетра – иккала кўз <sup>561</sup>



<p>Уч</p>	<p>трикала – замоннинг уч қисми                  тригуна – дастлабки уч қувват                  лўка – ҳамма жонлилар ва махлуқлар йиғиладиган уч жой                  трижакат                  жвалана, агни                  траям                  трикату<sup>562</sup></p>
<p>Тўрт</p>	<p>веда – хиндларнинг [муқаддас] китоби, чунки бу тўрт бўлимдан иборат, тўртни билдиради.                  диш – тўрт томон                  самудра, сагара – бу иккаласи денгиз                  абдхи                  дадхи                  жалашая                  крита<sup>563</sup></p>
<p>Беш                     (86)</p>	<p>шара                  артҳа                  индрия – беш сезги                  саяка                  ихуну                  вана                  бхута                  ишу                  пандава – бешта биродар подшоҳлар                  паттрин, маргана<sup>564</sup></p>
<p>Олти</p>	<p>раса                  анга                  шат                  иларм – йил                  харту                  масардҳам<sup>565</sup></p>
<p>Етти</p>	<p>ага                  маҳидҳара                  парвата – тоғлар                  саптан – етти                  нага – тоғлар                  адри                  муни<sup>566</sup></p>
<p>Саккиз</p>	<p>васу                  дҳи                  гажа                  дантин                  ашта                  мангала                  нага<sup>567</sup></p>

Тўққиз	го нанда рандхра наван – тўққиз чидра павана антара <sup>568</sup>
Ўн    (87)	дак [дах] диш аша кхенду равана – ширас <sup>569</sup>
Ўн бир	рудра – оламни ҳалок қилувчи маҳадева – фаришталарнинг раиси ишвара акшауҳини – Қуру <sup>570</sup> билан бирга бўлган [аскарлар]
Ўн икки	сурйа – Қуёш, чунки у – ўн иккита арка – Қуёш бҳану адития – Қуёш маса – ойлар [Ўн икки ой] саҳашрам <sup>571</sup>
Ўн уч	вишва <sup>572</sup>
Ўн тўрт	ману – 14 та манвантара бошлиқлари <sup>573</sup>
Ўн беш	титтҳи – оининг иккала ярмидан ҳар биридаги ойдинли кечалар <sup>574</sup>
Ўн олти	ашти нрипа бхупа <sup>575</sup>
Ўн етти	атияшти <sup>576</sup>
(88) Ўн саккиз	дхрити <sup>577</sup>
Ўн тўққиз	атидхрити <sup>578</sup>
Йигирма	накҳа крити <sup>579</sup>
Йигирма бир	уткрити <sup>580</sup>
Йигирма икки	–
Йигирма уч	–
Йигирма тўрт	–
Йигирма беш	тагтва <sup>581</sup> – бу йигирма бешта бўлиб, уларни билиш натижасида халосга эришилади.

|| (89) Энди ҳиндларнинг урф-одатлари ва ажойиб расм-русумлари ҳақида суҳбатлашамиз. Маълумки, бир нарсанинг қизиқ туюлиши унинг ноёблиги ва, одатда, кам кўрилишидан бўлади. Кам кўрилиши ҳаддан ташқари бўлса, ҳатто, у топилмайдигандек бўлиб қолади. Сўнгра табиатда одатда кўринмайдиган нарса кўринса, жуда ажойиб туюлиб, ҳатто кўринишидан олдин, унинг вужудга келиши эмас, деб тушунилади.

Ҳиндларнинг табиатларида замонимиздаги ватандошларимизнинг урф-одатларига зид бўлган хатти-ҳаракатлар мавжуд. Шу зидлик сабабли муомала муносабатлари бизга қизиқ туюлади ва ҳиндлар томонидан у одатлар худди атайлаб одатимиз тескарисича қилинса керак, деган фикр хаёлимизга келади. Чунки шу қарама-қарши одатларда ва бу қарама-қаршиликни бошқаларга тўнкашда биз ҳам улар сингаримиз.

Шундай қарама-қарши одатлардан бири шуки, ҳиндлар ҳеч қачон сочларини қирдиришмайди; ҳаракатнинг иссиқлигидан бош яланг юриш уларда қоида бўлган. Бош очик бўлганидан иссиқ таъсир қилмаслиги учун сочларини олдиришмайди. Эркаклар соқолини эҳтиётлаб бир неча ўрим ҳолида, ўриб қўйишади.

Улар бекорчилик билан фахрланиш учун тирноқларини ўстиришади, хизматчилар эса тирноқ ўстиришмайди.

Курук тезак солинадиган бўзни дастурхон қилиб, шериксиз, якка ҳолда овқатланадилар. Ортиб қолган овқатни қайтиб емайдилар, овқат ейилган идиш сопол бўлса, уни отиб юборадилар. Танбул баргини ва гулини егандан кейин фуфал чайнаб, тишларини кизартирадилар. Наҳорга узум шаробини ичиб, кейин овқатланадилар. Қорамол гўштини емайдилар. Чанг созини чўп қурол билан уриб чаладилар. Бошларига ўраладиган саллаларини лозим қилиб оладилар. Ҳаддан ташқари енгил киядиганлари эни икки қарич мато билан кифояланиб, уни иккита ип билан тананинг белдан пастки қисмига боғлаб оладилар. Ҳаддан ташқари кўп кийим киядиганлари оёқлар кўринмайдиган, астари берк ва боғичи орқа томонда турадиган ёпқич ёпинади. Нимчалари лозимга жуда ўхшаш бўлиб, боғичлар билан орқа томонга боғлаб қўйилади. Кўйлақларининг этаги ўнг ва чап томонидан кесиб қўйилади. Тор маҳси кийишади, ҳатто маҳсиларининг қўнжи бошлиққа қараб қайтарилган бўлиб, шу ҳолда кия бошлайдилар. Ювинишда юздан илгари оёқни ювадилар. Ҳайитларида баданларига атир ўрнига тезак суртадилар, эркаклари аёлларнинг турли рангларга бўялган кийимларини киядилар, зирак ва билагузук тақиб, ён бармоқларига ва оёқларининг панжаларига тилла узук тақадилар. Пушт [жимо қилдириш] касалига учраган эр кишига шафқат қиладилар.

Уловни эгарласалар, унинг ўнг томонидан минадилар; бировни мингаштириб юришни яхши кўрадилар.

Китара<sup>583</sup>, яъни ханжарни белларига ўнг томондан боғлайдилар.

Яжнапавхта<sup>584</sup> деб аталадиган зуннорни чап елкага осиб, ўнг томонга тушириб кўядилар.

|| (90) Эркаклар турли муаммоларни ечишда, маросимларни ўтказишда турмуш ўртоқлари билан маслаҳат қиладилар.

Бола туғилган вақтда хотинларни эмас, эрларни мақтайдилар.

Икки ўғилнинг кичигини, айниқса, мамлакатларнинг шарқ томонида, каттасидан ортиқ кўрадилар, чунки улар «каттаси кучли шахватдан, кичиги эса бирон мақсад, фикрлаш ва аста-секинлик натижасида вужудга келади», деб даъво қиладилар.

Кўл бериб кўришишда кафтнинг орқа томонидан ушлаб кўришадилар.

Бировларнинг уйларига киришда рухсат сўрамайдилар, лекин кейин рухсатсиз чиқмайдилар.

Мажлисларда чордона куриб ўтирадилар.

Тўқувчини жирканч деб биладилар. Лекин қортиқ солиб, қон олувчини ва ўзини ўлдирмоқчи бўлганлардан пул олиб, уни сувга ғарқ қилиб ёки куйдириб ўлдирган кишини покиза деб биладилар.

Мактаб болаларини тахталарини қора қилиб, энига эмас, бўйига оқ нарса билан чапдан ўнгга қаратиб ёзадилар; гўё шоир мана шу шеърини ҳиндларга қарата айтгандай:

### *Шеър*

«Қоғози кўмирдан бўлиб, қалами оқ ёзаётган котибни кўринг. У қоронғи кеча юзига ёруғ кундузни ёзиб, уни ёритмоқчи бўлади, лекин тугал ёритолмайди».

Ҳиндлар китоб исмини унинг аввалги ва бошланишига ёзмай, охирига ва тугалишига ёзадилар.

Араблар ҳурматли кишиларни кичрайтирилган исмлар билан улуғлаганлари сингари, ҳиндлар ўз тилларида уларни хотинга хос исмлар билан улуғлайдилар<sup>585</sup>.

Бирон хайру эҳсонга эришадиган бўлсалар, итларга нарса ташлаганидек, у эҳсоннинг ўзларига отиб юборилишини истайдилар.

Ҳиндлардан икки киморбоз нард ўйнаса, учинчи биров иккаласининг ўртасида уни ташлаб туради.

Филнинг икки юзи яноғига оқиб тушган [ширали] ёшини, ҳиди бадбўй бўлишига қарамай, яхши кўрадилар.

Шахмат тахтасидан филни пиёдага ўхшаш бир хонадан олдига юргизадилар, бошқа томонларга юргизмайдилар. Яна уни фарзинга ўхшатиб, бир хоналаб тўрт бурчакдан бирига бир хона юргизадилар ва «шу хоналар филнинг хартуми ва тўрт оёғи учларининг тушадиган ўринларидир», дейдилар.

Шахматни бир вақтда тўрт киши бўлиб, ҳар бир киши икки поғона устида ўйнайди. Доналар тахтага ушбу шаклда терилади:

руҳ	от	фил	шоҳ			пиёда	руҳ
пиёда	пиёда	пиёда	пиёда			пиёда	от
						пиёда	фил
						пиёда	шоҳ
шоҳ	пиёда						
фил	пиёда						
от	пиёда			пиёда	пиёда	пиёда	пиёда
руҳ	пиёда			шоҳ	фил	от	руҳ

|| (91) Бу хил ўйин бизларга таниш бўлмаганидан шу тўғрида билганимни баён қиламан. Бу шундай: шахмат ўйновчи тўрт киши тахтанинг тўрт томонига ўтириб, айланиб келган навбатга қараб, иккала хонадаги доналарни юргизадилар. Поғонанинг беш ва олти хонаси бўш бўлиб, бешнинг ўрнига бир ва олтининг ўрнига тўрт олиниб, шу икки алмашилиш сабабли улар мана шу шаклда бўладилар:

6 5  
4 3 2 1

Шоҳ исми эса фарзинга тушиб, хона сонларининг ҳар бири [шахмат] доналаридан бирини ҳаракат қилдириш учун тайин бўлади.

Шундай қилиб, бир сон ё пиёда учун ёки шоҳ учун бўлиб, улар машхур шахматдаги ўзларига хос хоналарга қараб ҳаракат қиладилар. Шоҳ олинадию, лекин унинг ўз жойидан четга чиқиши талаб қилинмайди.

Икки сон руҳ учун бўлиб, у машхур шахматда биздаги фил ҳаракати сингари диагональ устида учинчи хонага ҳаракат қилади.

Уч сони от учун бўлиб, у [биздаги] маълум қиялама ҳаракати каби учинчи хонага қараб юради. Тўрт сони фил учун бўлиб, у руҳнинг маълум ҳаракати сингари тўғрига қараб юради; лекин душманга қарши боришдан тўсқинликка учратилади. Баъзан тўсқинликка учратилиб, икки хонанинг бири ундан тўсқини кўтариб ташлайди, ниҳоят, душманга қарши боради. Филнинг энг оз ҳаракати бир хона бўлиб, энг кўп ҳаракати ўн беш хонадир. Чунки баъзан икки хонада иккита тўрт ёки иккита олти, ёки битта тўрт келади. Шунда фил тўсқинликка учрамаса, ўша икки соннинг бири билан тахта чеккасидан бутун бир томонда, бошқа бири билан бошқа томонда юриб чиқиб, тахта диагоналининг икки тарафидаги иккала сонни эгаллайди.

Шахмат доналарининг қимматлари бор. Ўшанга қараб улар хавф-хатарга дуч келадилар. Чунки доналар ушланиб, қўлга тушадилар. Шохнинг қиммати бешта, фил қиммати тўртта, от қиммати учта, рух қиммати иккита ва пиёда-нинг қиммати биттадир. Бир киши бир шохни олса, у кишининг ўзида шох бўлмаса, ўша битта шох учун бешта хонага, икки шох учун ўнтага, уч шох учун ўн бештага эга бўлади. Агар у кишининг ўзида шох бор бўлиб, яна уч шох олса, эллик тўрт хонага эга бўлиб, бу ҳисобга қараб эмас, кучга мувофиқ қадам қўйиш бўлади<sup>586</sup>.

Биз [мусулмонлар] ҳиндларни [одатдаги] ишларни тескари қилишда айблаганимиздек, улар ҳам бизни айбласалар, бу [ҳол]ни уларнинг ёшларида синаб ҳукм чиқарамиз. Ислом мамлакатига, яқин вақтларда келиб, ҳали бу ердагиларнинг расму одатига тушунмаган ҳиндистонлик қайси бир хизматчи йигитни учратсам, албатта, у хўжайинининг сандалини унинг ҳақиқий вазиятига зид равишда – ўнг оёқникини чап оёқ рўпарасига қўяди; кийимларини остин-устун қилиб, кўрпа-кўрпачаларни тескари солади ва шуларга ўхшаш ишларни қилади. Чунки уларнинг табиатида туғма тескарилик бор.

## XVII БОБ. ҲИНДЛАРНИНГ ЖАҲОЛАТ УҒҚИДА ҚАНОТ ЁЗИБ УЧГАН ИЛМЛАРИ ҲАҚИДА

Сеҳр [шундай илмларнинг бири] ҳисобланади.

|| (92) Сеҳр бўямачилик йўлларида биронтаси билан бир нарсани ўз ҳақиқатиغا хилоф равишда кўрсатишдан иборатдир; сеҳрга шу йўсундан қаралса, бу одамлар орасида тарқалганлиги кўриниб туради. Агар авом халқ тушунчаси сингари тушуниб, «сеҳр мумкин бўлмайдиган нарсаларни вужудга келтиришдан иборатдир» дейилса, унда сеҳр текшириш ва аниқлашдан четга чиқиб кетади; мумкин бўлмаган нарса вужудга ҳам келмайди. Натижада, сеҳрнинг таърифида унинг ёлғонлиги равшан кўриниб туради. Шундай бўлгач, сеҳр, албатта, илмлар қаторига кирмайди.

Кимёгарлик сеҳр деб аталмаса ҳам, унинг турларидан саналади. Масалан, бир киши бир бўлак пахтани бировга кумуш қилиб кўрсатса, бунда сеҳрдан бошқага нисбат берилмайди; бу билан кумушни олтин қилиб кўрсатиш ўртасида одат жиҳатидан бошқа фарқ йўқ.

Кимёгарликка фақатгина ҳиндлар киришган эмаслар, ҳеч бир халқ бундан холи эмас. Фақатгина айрим халқлар бошқаларидан кўра ортиқроқ киришган.

Кимёгарлик унга уринган кишининг ақлли ёки билимсиз эканини кўрсатмайди. Чунки биз ақллардан бунга қизиқиб берилган кўпгина кишиларни ва билимсизлардан буни масҳара ва таҳқир қиладиган бир қанча одамларни учратамиз. Аммо ўша ақлли кишилар кимёгарликни ўрганиб, бу билан кибрлансалар ҳам, айбли саналмайдилар. Чунки хайрли ишларга ва зарарли

нарсадан сакланишга ҳаддан ташқари қизиқишлари уларга кимёгарликни ўрганишни юклайди.

Ҳикматшуносларнинг биридан, олимларнинг бойлар эшикларига ёпирилиб боришлари ва бойларнинг олимлар эшикларига бормасликларининг сабаби нима деб сўралганда, ҳикматшунос: «[Бунинг] сабаби олимларнинг пулнинг фойдасини билишлари ва бойларнинг илм шарафини билмасликларидир», деб жавоб берган.

Ҳалиги илмсизларга келганда, улар кимёгарликка қарши нафратланиб, қаттиқ турсалар ҳам мақталмайдилар. Чунки уларни ёмонликни моддаси бўлган ва билимсизлик натижаларини қувватдан феълга чиқарадиган [яъни, йўқни бор қиладиган] сабаблар нафратланишга қўзғатади.

Кимёгарлик санъатига эга бўлган кишилар санъатларини одамлардан бекитишга уринадилар ва бу санъатга яқин бўлмаган кишидан қочадилар. Шунинг учун ҳиндларнинг бу йўлда қайси нодир маъданларга мурожаат қилишларини аниқлай олмадик. Лекин улардан [юқорига қуруқ ҳолатда қуйдириб] ҳайдаш, [қуйдириб] оҳак шаклига айлантириш, эритиш ва талкни мум ҳолатига айлантириш ҳақидаги сўзларни эшитиб, маъданлар билан иш кўришларини ҳис қилдик. Талк сўзи ҳиндчасига *талака*<sup>587</sup> дейилади.

Ҳиндларда кимёгарликка ўхшаш ўзларига хос бир фан бор. Уни расаяна деб атайдилар. Бу олтин номидан олинган сўздир. Чунки улар олтинни раса дейишади<sup>588</sup>. Расаяна ибораси [касалликка қарши] турли тадбирлар, маъжунлар ва кўп қисми ўсимликлардан олинадиган дориларни тайёрлаш санъатига хос исмдир. Расаянанинг усул ва қойдалари шуки, у соғайишларидан умид узилган беморларни соғайтиради, жуда қартайган кексаларни қайтадан ёшартиради, ҳатто ёшликларидagi сингари сочлари қораяди, сезгилари ўткирлашади, оғир ишларга лаёқатли ва узоқ умр кўрувчи бўладилар.

Соманатҳанинг яқинидаги Дайҳак деб аталадиган қалъали Нагаржуна ўша расаяна бобида тилга олинадиган [машҳур] кишилардандир. У киши бу соҳада мўътабар зот ҳисобланиб, ўз аҳдига кўра, бошқа китоблардан устун келадиган нодир бир асар ёзди. У бизнинг замонимиздан юз йилча илгари ўтган эди<sup>589</sup>.

|| (93) Викрамадитя<sup>590</sup> исмли подшоҳ (бунинг тарихи келгусида баён қилинади) даврида Ужайн шаҳрида Вияди<sup>591</sup> исмли бир киши бўлиб, у бутун кучини шу билимга сарф қилди. Бу йўлда умрини, молини тугатди ва шунча уриниб мақсадига эриша олмади. Кейин муҳтожликда қийналгач, билим учун уринганига ўқинди, ҳасратланиб ғамгин ва хафа бўлган ҳолда бир дарё чеккасига бориб ўтирди. Ўзи нусхалар олиб юрган мураккаб дорилар китоби «Қарободдин»ни йўқ қилишга киришиб, унинг варақларини биринкетин йиртиб, сувга ташлай бошлади. Иттифоқо ўша дарёнинг чеккасида, қуйроқда ахлоқи ёмон бўлган бир аёл ўтирган бўлиб, сувга окизилган варақларни йиғиб олиб, улардаги расаянани ўрганар, Вияди эса аёлни кўрмас

эди. Ниҳоят, варақлар тугади. Сўнгра ҳалиги аёл унинг олдига келиб, китобини бундай қилишининг сабабини сўради. У жавоб бериб айтди: «Чунки бу китобдан фойдаланмадим, мақсадимга эришолмадим, йикқан молларимни шу китоб сабабли барбод қилдим ва бахтли бўлишни орзу қилиб, бахтсиз бўлиб қолдим».

Ҳалиги ахлоқсиз аёл шундай деди: «Умрингни сарф қилган нарсадан юз ўғирма ва сендан илгари ҳикматшунослар исбот этган нарсанинг вужудга келишидан умидсиз бўлма. Балки қандайдир бир ҳолат юз бериб, ҳақиқатга эришувингга тўсқинлик қилгандир. Бундай тасодифий ҳолат ҳам йўқ бўлар... Истасанг, менда ишонарли кўпгина мол бор, кел, ўшанинг ҳаммаси сеники бўла қолсин, уни излаганингни топишга харажат қил». Шунда Вияди яна қайтадан ишга киришади.

Шу каби фанларга тегишли китобларда мажозий шаклда ёзилган бўлади. Шунинг учун ҳалиги киши таркибига ёғ ва инсон қони қўшилиши керак бўлган дорини тайёрлаш жараёнида янглишар эди. Чунки ёғ ва инсон қони китобда рақтамала<sup>592</sup> деб ёзилган бўлиб, бу киши эса уларни қизил омила деб гумон қилар, шуни ишлатиб, у дорини бузиб қўяр ва муваффақият қозона олмас эди. Кейин [бир куни] у дориларни қайнатаётганида, бош қисмига олов тегиб, миясини қуритди. Шунда боши тепасига анча ёғ қуйиб ёғлади ва ўчоқ олдида турганида, шип юзидан туртиб чиққан мих бошининг тепа қисмига қаттиқ тегиб, бошини қонатди. У оғриқнинг зўридан қайтиб ўрнига ўтирди. Ёғ билан аралашган қон томчилари дорилар қайнаётган идишга томчилаётганини сезмади ҳам. Ниҳоят, қайнатилаётган дори етилди, синаб кўриш учун ҳалиги аёл билан дорини ўзларига суртган эдилар, иккаласи ҳавога учдилар. Бу воқеа ҳақида [подшоҳ] Викрамадитяга хабар берилди. У буларни кўриш учун қасрдан майдонга чиқди. Шунда ҳалиги учиб юрган киши Викрамадитяга «Оғзингни оч, тупураман», деди. Викрамадитя кибрланиб, унинг айтганини қилмади. Тупук эшик олдига тушиб, эшик тилла тўсиқ билан тўсилиб қолди. У киши эса ҳалиги аёл билан истаган жойга учиб юрди ва бу ҳақида машҳур китоблар ёзди.

|| (94) Шунга ўхшаш ҳикоялардан яна бири шуки, замонимизда Бхожадева эгаллаб турган Малава вилоятининг Дҳара<sup>593</sup> шаҳрида амир саройидаги ҳоким эшиги тепасида тўрт бурчакли, узунчоқ бир бўлак тоза қумуш бор. Ҳиндлар бу қумуш ҳақида мана бундай дейишади: Ўтмиш замонларда расаянани биладиган бир киши ҳиндларнинг подшоҳи олдига келиб, расаянани амалга оширса, подшоҳнинг ўлмасдан ҳамини тирик қолишини, душмандан енгилмай, ғалаба қозонишини, қасд қилган ва истаган нарсасига эришишини айтган. Шунда подшоҳ уни хилватга чақириб, ваъдалар қилган ва керакли нарсаларининг ҳаммасини ҳозирлашга буйруқ берган. У киши ёғни то қиёмига етгунча бир неча кун қайнатиб, подшоҳга: «Сен учун тайёрланган ишни тўла-тўқис бажа-



ришим учун ўзингни шу ёғ ичига ташла», деган. Подшоҳ кўриниб турган нарсадан хавфсираб, ўзининг алданиб қолишидан кўрккан. У киши подшоҳнинг кўркқанини сезгач, унга «Ўзингни ташлашга кўнглинг чопмаса, мен ўзимни ташласам, шунга рози бўласанми», – деган экан, подшоҳ «Бу сенинг ишинг» дебди. Шунда у киши подшоҳга дорилар солинган халталарни кўрсатиб, [ўзини ташлаганида] ёгдан юз берадиган аломатларни танитиб тушунтирган ва ҳар бир аломат юз берганида у халталардан тайин қилинган биттасини ёғга ташлашини буюрган. У киши ўрнидан туриб, ўзини ёғга ташлаган ва унда ҳалок бўлган; кейин парчаланиб титилиб кетган. Подшоҳ халталар тугашига қадар у кишининг айтганини қилиб турган. Ёғга ташланмаган биргина халта қолганида, подшоҳ у кишининг ўзи айтганидай тирилик, мамлакатга эгалик қилишидан кўркиб, охирги халтани ташламаган. У кишининг аъзоси қозонда тўплангунича, қозон совиб қолган. У киши ана шу кумушнинг ўзидир.

Ҳиндлар Валлабҳа шахрининг подшоҳи Валлабҳа<sup>594</sup> ҳақида шундай ҳикоя қилишади: сиддҳа мартабасига эришганлардан бир киши бир чўпондан тхўхар<sup>595</sup> номли ўсимлик (бу сутли ўтлардан бўлиб, узиб олинганда ундан сут оқади) тўғрисида: «Шундан сут ўрнига қон оққанини кўрганмисиз?» – деб сўраганида, у «Ҳа, кўрганман», – деб жавоб берган. Шунда у киши чўпондан ўша гиёҳнинг қаерда ўсишини кўрсатишини илтимос қилган. Чўпон у кишининг илтимосини бажо келтирибди. У киши ўтти кўргач, унга олов ёқиб, чўпоннинг итини оловга ташлаган. Чўпон бундан ғазабланиб, у кишини оловга ташлаб, олов ўчгунича кутиб турган. Олов ўчгач, итнинг ҳам, у кишининг ҳам олтин бўлиб қолганини кўрган. Шунда чўпон итини олиб, у кишини олмай қолдирган. Қишлоқ одамларидан бири бу воқеадан хабардор бўлиб, бориб ҳалиги тиллага айланган кишининг бир бармоғини кесиб олган ва буни «Ранка», яъни «Фақир» лақабли баққолга олиб келган. Чунки бу баққол жуда камбағал<sup>596</sup> бўлиб, иши орқага кетган экан. Қишлоқлик одам у баққолдан кераклигини олиб, тиллага айланган кишининг олдига келганида, у киши бармоғининг ўсиб, ўз ҳолига қайтганини кўрган. Яна унинг бармоғини кесишга тутиниб, ҳалиги баққолдан олаверган. Ниҳоят, баққол буни қаердан олаётганини сўраган. Қишлоқлик одам аҳмоқлик қилиб, баққолни олиб бориб, олтинга айланган кишини кўрсатган. Баққол олтинни дарров уйига олиб келган ва қанчадан-қанча мол-мулкларини қўлга киритиб бойиб кетган. Валлабҳа бундан тама қилиб, бирмунча мол сўраганида, у беришдан тортинган. Кейин ўзига подшоҳнинг душманлик қилишидан кўркиб, Мансуранинг улуғ подшосидан паноҳ топган. Унга кўп моллар берган ва кемаларда денгиз аскарлари билан ёрдам беришини сўраган. Мансуранинг улуғ подшоси унинг илтимосини қабул қилиб, унга ёрдам берган; Валлабҳага кечаси ҳужум қилиб уни ўлдирган, халқи устига бостириб келиб, мамлакатини хароб қилган. Айтишларига кўра, ўша босқин пайтида топилган нарсалар ҳозиргача бор экан<sup>597</sup>.

Ҳинд жоҳил подшоҳларининг айрим қизиқишлари шу даражага бориб етдики, бир вақт улардан бири шундай ишни амалга ошироқчи бўлганида, бундай қилинганда «бирмунча чиройли ёш болалар ўлдирилади-ку», деб унга арз қилишган. Шунда подшоҳ болаларга бу хилда катта жиноят қилишдан тортинмай, «улар оловга ташлансин», деб буйруқ берган.

Одамлар қизикадиган [расаяна] каби фанлар етиб бўлмайдиган узоқ жойларга улоқтириб ташланганида, жуда тўғри иш бўлар эди.

|| (95) Исфандиёд ўлими олдидан шундай деган: «Ковус «Қонун» китобида баён қилинган қудратга ва одамларни ҳайратда қолдирадиган нарсаларга эришди. Чунки у кексайиб, қарилик букчайтирган ҳолда Қоф тоғига борди: у ердан қувнок ва хушқомат, бақувват бир йигит бўлиб, Худо фармони билан булутга миниб қайтди»<sup>598</sup>.

Азайимхонлик ва дуохонликларга келганда, ҳиндлар бунга ишонадилар ва кўплари бунга рағбат қилади. Дуоларга хос китобини Гаруданики, Гаруда эса қушлардан бўлиб, Нараянанинг<sup>599</sup> улови дейишади. Баъзилар бу қушни Сифрид исмли қушга далолат қиладиган ва унинг касбига белги бўладиган сифатлар билан тавсиф қилади. Чунки у баликларга душман бўлиб, уларни овлайди. Ҳайвонларнинг табиатларида зидларидан нафратланиш, душмандан ўзини кўриқлаш одати бор. Лекин у сув тепасида қанот қоқиб қичқирганида, сув остидаги баликлар сув юзига чиқади ва гўё сеҳр билан бойлаб қўйилгандай, баликларни овлаши осон бўлади. Баъзилари уни лайлак сифатлари билан тавсиф қилади. «Ваю-пурана» номли китобда унинг ранги сариқ дейилган. Гаруданинг Сифрид<sup>600</sup> бўлишидан кўра, лайлак бўлиши ақлга мувофиқроқ. Чунки илонларни ҳалок қилиш лайлакнинг табиий ишидир<sup>601</sup>.

Дуоларнинг кўпроғи илон чаққан кишига ўқиладиган дуо бўлиб, ҳиндлар дуоларнинг бундай инсонларга таъсир қилишига ҳаддан ташқари ишонадилар. Улардан бирининг: «Бир одамни илон чақиб ўлган эди, ўлганидан кейин уни азайимхон ўқиди, у одам тирилиб бошқалар сингари дунёда тентираб юрибди. Буни ўзим кўрдим», – деганини эшитдим. Бошқа бирининг: «Илон чаққанидан ўлган бировни кўрдим, уни азайимхон ўқигач, ўрнидан туриб сўзлади, васият қилди, кишиларга омонат қўйган нарсаларининг белгиларини айтиб танитди, таом ҳиди бурнига киргач, ўша ерда ўзидан кетиб ўлиб қолди», – деганини эшитдим.

Ҳиндларда шундай урф бор: бировни илон чаққанда азайимхон топилмаса, уни бир кучоқ қамишга боғлаб, тепасига шу одамнинг аҳволини билиб, уни ўқиб, ҳалокатдан қутқазган кишига атаб дуо ёзилган қоғоз осиб қўйишади.

Ҳақиқатан мавжуд нарсаларга ҳам шубҳа билан қарайдиган бир киши ўзини илон чақиб заҳарланганидаги аҳволини шундай ҳикоя қилади: унинг олдида азайимхонлик сифатини олган ҳиндлар келтирилган, улар заҳарланган кишини қуйлаб ўқиганлар. Шунда у роҳатлана бошлаган. Азайимхонлар

қўллари ва новдалар билан турли ишоратлар қилганлари сари, у ўзида соғайиш сезаверган.

Ҳиндларнинг кийик овида жониворни қўллари билан тутиб олганларини ўзим кўрдим.

Бир киши, кийикларни тутмасдан ҳайдаб ошхонага киргизиб оламан деб даъво қилди. Уларнинг бундай ишларини секин-аста, сабот ва матонат билан кийикларни бир хил куйга одатлантиришдан бошқа нарса деб билмайман. Бизнинг элатларимизнинг ҳам буғуларни овлашда шундай қилганларини кўрамиз. Буғулар аслида кийиклардан кўра ёввойироқ бўладилар. Элатларимиз буғулар галасини кўрганларида уларнинг атрофига давра олиб, бир хилда товуш ўзгартирмай, то буғулар одатлангунларича куйлайверадилар. Кейин даврани аста-секин торайтирадилар, бора-бора буғулар кимираммай қолишади ва шу онда уларга зарба бериб тутиб олиш мумкин бўлади. Ҳатто каклик<sup>602</sup> овлайдиганлар кечаси мис идишларни бир хил оҳангда ўзгартирмай чалавериб, уларни қўллари билан тутиб оладилар. Агар куй ўзгарса [какликлар] ҳар томонга қараб учиб кетишади. Бу хусусиятларга дуохонликнинг дахли йўқ.

|| (96) Тикка қадалган ёғочлар ва тортилган арқонлар устида енгил [ва чакқон] ўйнаганлари сабабли ҳиндларга сеҳргарлик нисбати берилади. Бундай [ўйинлар] бошқа халқларда ҳам мавжуд.

## **XVIII БОБ. ҲИНДИСТОНДАГИ ШАҲАРЛАР, ДАРЁЛАР, ДЕНГИЗЛАР ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР, ТУРЛИ ЎЛКАЛАР ВА ЧЕГАРАЛАР ОРАСИДАГИ МАСОФАЛАР ҲАҚИДА**

Ернинг одамлар яшайдиган қисмини шундай тасаввур қилинг: шу қисми Ернинг шимолий ярмида бўлиб, бу эса ярмининг ярмини ташкил этади. Демак, одамлар Ернинг тўртдан бир қисмида яшайди<sup>603</sup>.

Шу қисмини Ўровчи [ал-муҳит] деб аталадиган денгиз ғарб ва шарқ томондан ўраб туради. Юнонлар бу денгизнинг ўз вилоятлари бўлган ғарбга ёндош қисмини ўкёнус [океан] деб атайдилар. Бу денгиз Ернинг шу қисми билан ўзининг нариги томонида бўлиши мумкин бўлган қуруқлик ёки одамлар яшайдиган қитъа орасини ғарб ва шарқ томонларидан ажратиб туради. Атмосферанинг ўзгарувчан ҳолати, бирдан сув чайқалиб, тўлқин туриши хавfli ва борса қайтмас йўл эканлигидан денгизнинг у томонига сафар қилинмайди<sup>604</sup>. Шунинг учун илгариги одамлар денгиз қирғоқларига у томонга юришга тўсқинлик қиладиган белгилар қўйишган.

Шимол томондан эса, ернинг одамлар яшайдиган қисмини совуқ [ҳаво] ажратиб туради. Лекин кўп жойларга денгизнинг тошқинлари ва кўпиклари кириб боради. Аммо жануб томонга келганда, Ернинг одамлар яшайдиган қисми икки томондан Муҳит денгизига туташган бир денгиз қирғоғига бориб

етади. Бу денгизда одамлар юришади. Бунда ободонлик узилмайди, бу катта ва кичик ороллар билан тўликдир<sup>605</sup>.

Бу денгиз билан куруклик бир-бири билан жой талашиб, денгиз бўлакчалари куруклик ичига ва куруклик бўлакчалари денгиз ичига киришиб туради. Курукликнинг ғарбий ярим қисми эса денгизга кириб, денгиз қирғоғи жанубга томон чўзилган. Мағрибнинг мардикор бўлиб келадиган қора танли халқи шу курукликларда бўладиган ва Нил дарёсининг манбалари бўлган Ой тоғлари<sup>606</sup> ҳам шу курукликда жойлашган. Қирғоқ ва оролларда занжий қабилалари яшайдилар<sup>607</sup>. Ернинг ана шу ғарбий қисмида денгиздан курукликка Барбар<sup>608</sup>, Кулзум<sup>609</sup> ва Форс кўрфазлари кириб, ғарб қисми шу кўрфазлар орқали денгизга бир оз киради.

Шарқий ярим қисмга келганда, шу денгиз жанубда курукликка киргани сингари, шимолда ҳам курукликка кириб туради. Денгиз тошқинлари ва куйилишлари шу курукликнинг баъзи қисмида узок жойларигача ҳам боради.

Бу денгизга кўпинча унга яқин бўлган ҳудуднинг ёки ёндош мамлакатнинг номи берилади. Бунинг бизга керакли қисми ҳинд ери яқинидаги Ҳинд денгизи<sup>610</sup> деб аталадиган қисмидир.

Ернинг одамлар яшайдиган шу қисмидаги туташ баланд тоғлар шарқдан ғарбга томон чўзилиб кетган. Бу тоғлар: Хитой, Тибет, Турклар [ери]<sup>611</sup>, кейин Кобул<sup>612</sup>, Бадахшон, Таҳористон<sup>613</sup>, Бомийён<sup>614</sup>, Ғўр<sup>615</sup>, Хуросон, Жабал<sup>616</sup>, Озарбайжон, Армания, Рум<sup>617</sup>, Франк<sup>618</sup> ва Жалолиқа<sup>619</sup> деб аталадиган мамлакатлардан ўтади. Чўзилган шу тоғларнинг эни бир қанча масофага эга бўлиб, уларнинг бурилишлари кўпгина чўлликларни ва буларда яшовчиларни ўз ичига олади. У тоғлардан шарқ ва ғарбга қараб дарёлар чиқиб туради.

|| (97) Ҳинд мамлақати шу курукликларнинг бир қисми бўлиб, уни жанубдан мазкур Ҳинд денгизи, бошқа томонлардан эса ўша баланд [тизма] тоғлар ўраб олган. [Тизма] тоғларнинг сувлари Ҳинд мамлақатига қуйилади.

Балки Ҳинд мамлақатининг тоғларга яқин жойларида қазиб борилганча учратиладиган юмалоқ силлиқ катта тошларни, дарё сувларининг тез оқишини, тоғлардан узоқлашган сари кичик ҳажмдаги тошларнинг ниҳоятда кўплигидан, сув оқишининг сусайиб боришини, сувлар бориб тўхталган, кўллар-тўқайлар ва денгизга яқин жойлардаги қумликларни кўрганингизда, Ҳинд мамлақатини кучли лой-сув оқимидан ҳосил бўлган қадимги бир денгиз деб ўйлайсиз.

Канauj шахри тевараги, жойлашган ҳудуди жиҳатидан Ҳинд мамлақатининг Мадҳиядеваши, яъни ўртаси ҳисобланади. Иссиқ [ҳаво] билан совуқ [ҳаво] орасида, Ҳинд мамлақатининг шарқий чегараси билан ғарбий чегараси ўртасида жойлашган. Ҳиндларнинг фиръавнлари Канaujда<sup>620</sup> истиқомат қилишган.

Синд ерлари Канaujнинг ғарбида жойлашган. Бизнинг мамлакатдан Нимрўз, яъни Сижистон<sup>621</sup> ерларидан Синдга, Кобул томонидан эса Ҳиндистонга борилади.

Ҳинд ерларини ўраб олган тоғларда ҳиндлардан ҳисобланадиган ёки уларга яқин, саркаш – бўйсунмайдиган ва улар турмайдиган чегаралардан ҳам ўтиб борувчи бир гуруҳ бор.

Канауж шаҳри Ганг дарёсининг ғарб томонига қурилган бўлиб, жуда катта шаҳардир. Подшоҳ пойтахти Канауждан Бари шаҳрига кўчирилганидан ҳозирда унинг кўпроқ қисми хароб бўлиб қолган. Бари<sup>622</sup> шаҳри Гангнинг шарқда жойлашган бўлиб, бу шаҳар билан Канауж оралиғи уч кунлик ёки тўрт кунлик йўлдир.

Канауж Панду авлоди билан машҳур бўлганидек, Матхура шаҳри Васу-дева<sup>623</sup> билан шуҳрат қозонган. Матхура Жаун<sup>624</sup> дарёсининг ғарбида бўлиб, иккаласининг оралиғи йигирма саккиз фарсахлик масофадир. Танешар<sup>625</sup> шу иккала дарё оралиғида, шимол томонларидадир. Танешар Канауждан саксон фарсахча, Матхурадан эллик фарсахча узоқда жойлашган.

Ганг дарёси айтиб ўтилган тоғлардан чиқади, унинг чиқадиган жойи Ганга-двара<sup>626</sup> деб аталади. Шунингдек, дарёларнинг кўпи, ўз жойида айтганимиздек, ўша тоғлардан чиқади.

Ҳиндларнинг шаҳарлари ва булар оралиғидаги масофаларга келсак, уларни кўрмаган кишилар учун [огзаки] хабар ва сўзлар асос бўлади. Птолемей бундай хабарларни ташиб юрувчилардан ва уларнинг бу хабарларга ёлғон кўшишга ўчликларидан доимо шикоят қилади. [Масофаларни белгилашдаги] ёлғон-яшиқлари ҳақида биз мана бундай бошқача қоидаларини учратдик: ҳиндлар бир хўкизга икки-уч минг манли юк ортिलाди, деб фараз қиладилар. Бундан ташиш учун карвон ҳар бир манзилнинг икки томони ўртасида бир неча кун қатнашга мажбур бўлади ва ниҳоят хўкиз юкнинг ҳаммасини бир томондан бошқа томонга ташиб кўчиради, деб ўйлайдилар. Кейин икки шаҳар орасидаги масофани ҳалиги қатновларга кетган кунлар билан [шунча кунлик йўл деб] ҳисоблайдилар. Бундай хабарларни тузатишга ғоят даражада эҳтиёткор бўлишдан бошқа чорамиз йўқ.

Канауждан жанубга қараб Жаун ва Ганг дарёлари орасидан Жажжамауга борилади. Жажжамау Канауждан ўн икки фарсах наридадир. Ҳар бир фарсах тўрт мил, яъни бир куруҳ бўлади.

|| (98) Кейин саккиз фарсах юриб, Абхапурига боради. Сўнгра саккиз фарсах юриб Курахига, сўнг яна саккиз фарсах юриб, Бархамшилга, ундан кейин ўн икки фарсах йўл юриб, Праяга дарахтига боради. Бу дарахт Жаун сувининг Ганг дарёсига қуйиладиган жойидадир. Ҳиндлар шу манзилга келиб, «Мақолалар» китобларида баён қилинган турли азоб-укубатлар билан ўзларини қийнайдилар. Бундан ўн икки фарсах юриб, Гангнинг денгизга қуйиладиган ерига боради<sup>627</sup>. Шу Праяга дарахтидан жанубга қараб, денгиз қирғоғи томонда, бир-биридан ажратилган бошқа ўлкалар бошланади. Бундан Аркутиртҳагача<sup>628</sup> ўн икки фарсах, Уваряҳар мамлакатигача қирқ фарсах, қирғоқдаги Ўрдабишагача эллик фарсахдир<sup>629</sup>.

Сўнгра кирғоқ бўйлаб шарқ томонга юрилади. Ҳозирда бу мамлакатларни Жаур эгаллаб туради. Бу мамлакатларнинг биринчиси Даравр бўлиб, унғача қирқ фарсах, Канжигача ўттиз фарсах, Малайгача қирқ фарсах, Кунгача ўттиз фарсах йўл юрилади. Бу [Жаурга бўйсунган] ҳалиги мамлакатларнинг охир-гисидир<sup>630</sup>.

Бари шахридан Ганг дарёси бўйлаб унинг шарқ томонида юра бошласанг, Баридан Ажодаҳагача йигирма беш фарсах, ҳиндлар улуғлайдиган Банарасигача йигирма фарсах йўл юрасиз<sup>631</sup>. Кейин йўналишни ўзгартириб, жануб томондан шарққа қараб қайтсангиз, Шарваргача ўттиз беш фарсах, Паталипу-трагача йигирма, Муниригача ўн беш, Жанпагача ўттиз, Дугумпургача эллик ва Гангнинг денгизга қуйиладиган ери бўлган Ганга – саярагача ўттиз фарсах йўл юрасиз<sup>632</sup>.

Аммо Канаужнинг шарқ томонида юрсангиз, ундан Баригача ўн, Думгача қирқ беш, Шилаҳат мамлакатигача ўн, Биҳат шахригача яна ўн икки фарсах юрасиз. Кейин ўнг томонга юрилса, Тилват номли жой бор, бунда яшовчилар тару деб аталади. Булар жуда қора тусли ва турклар суратида ясси бурунли бўладилар. Талватдан денгизгача чўзилиб борган Камру тоғларига борилади<sup>633</sup>. Чап томонда Найпал вилояти бор. Шу ерларда юрган бир кишининг айтишича, у [киши] ўша шарқ томондаги Танватдан Найпалдан Бҳотешарга ўттиз кунда етган, бу масофа тахминан саксон фарсахга яқин бўлиб, ўридан кири кўпроқ<sup>634</sup>. Шу ерда бир сув бор, бундан бир неча марта кўприклар билан ўтилади. Кўприклар тахталардан иборат бўлиб, ҳар бир тахтанинг иккала учи бамбукдан ишланган иккита арқонга маҳкам боғлаб қўйилган. Бу арқонлар эса икки тоғ орасидаги масофани билдириш учун қокилган темир қозикларга тортиб қўйилган. Юклар елкага кўтарилиб, кўприклардан ўтказилади. Сув қордек оппоқ кўпириб, тоғларни кўпоргудай бўлиб, кўприклардан юз газгача куйида оқади. Юклар кўприклардан ўтказилгандан кейин эчкилар устига ортилади. Яна шу йўловчининг айтишига кўра, у ерларда тўрт кўзли кийикларни кўрган, бу кийикларнинг [ҳаммаси] шундай жинсдан эканини, уларни табиат янглиш яратмаганини даъво қилган.

Бҳотешар – Тибет худудларининг бошланишидир. Бу ердагиларнинг тили, кийими ва юз тузилиши ҳиндларникидан бошқача бўлади. Бҳотешардан катта тоғ йўли [довон]нинг бошигача йигирма фарсах. Унинг чўққисидан Ҳинд мамлакати туман остида қорайиб, ундан беридаги тоғлар кичик тепаларга ўхшаб, Тибет ва Хитой мамлакатлари эса қизариб кўринади; Тибет мамлакатига тушиш масофаси бир фарсахга етмайди.

|| (99) Канауждан жануби-шарққа Гангнинг гарби бўйлаб юрилганда ҳам Жажахути вилоятигача ўттиз фарсах йўл юрилади; бунинг маркази Кажураҳадир.

Бу билан Канауж орасида тилга олинарли қалъалардан Гвалиор ва Калан-жар қалъалари бор. Яна Канауждан Даҳалага борилади; унинг маркази Тиау-

ри бўлиб, ҳозир унга Гангея эгалик қилиб туради. Бундан Каннакара мамлакатигача йигирма фарсах. Ундан кейин Апсурга, сўнгра денгиз қирғоғидаги Банавасга борилади<sup>635</sup>.

Канaujдан жануб ва ғарб томон орасида юрилганда Асигача ўн саккиз, Саҳанягача ўн етти, Жандрагача ўн саккиз, Ражауригача ўн беш ва Гужарот маркази Базанагача йигирма фарсахдир. Кўпчилик Базанани Нараян деб билади. Базана хароб бўлгач, одамлар Жадуро номли бошқа шаҳарга кўчишган<sup>636</sup>.

Матхура билан Канauj ёки Матхура билан Базана орасидаги масофа бир хил, яъни йигирма саккиз фарсах.

Матхурадан Ужайнга бормокчи бўлган киши бир-бирига яқин, оралари беш фарсах ва бундан камроқ келадиган қишлоқлар бўйлаб юради. Ўттиз беш фарсах юриб, Дудаҳи исмли қатта шаҳарга, кейин етти фарсах юриб, Бамаҳурга, сўнгра беш фарсах юриб, Бҳайлсанга етади. Бҳайлсан ҳиндларнинг энг машҳур жойи. Бунга ўзидаги санамнинг исми берилган. Кейин тўққиз фарсах юриб, Ардинга етади. Бундаги санамнинг исми Маҳакаладир. Сўнгра етти фарсах юриб, Дҳарга боради<sup>637</sup>.

Базанадан жануб томонга юрилса, Майваргача йигирма беш фарсах; бунда Жатгараур<sup>638</sup> номли қалъа бор. Қалъадан Малавагача йигирма фарсах, бунинг маркази Дҳардир.

Ужайн шаҳри Дҳарнинг шаркида бўлиб, икковининг ораси етти фарсах. Ужайндан Бҳайлсангача ўн фарсах, Бҳайлсан Малавадан ҳисоб қилинади. Дҳардан жанубга томон юрилганда, Бҳумихара, Канд ва Алеспургача йигирма, Нармада дарёси чеккасидаги Намавургача ўн, Годавар дарёсининг чеккасидаги Мандагиргача олтмиш фарсах йўл юрилади<sup>639</sup>.

Шунингдек, Дҳардан юрилса, Намийя водийсигача етти, Маҳратта-дешгача ўн саккиз, Кункан вилоятигача йигирма беш фарсах юрилади. Бу вилоятнинг маркази денгиз қирғоғидаги Тҳанадир<sup>640</sup>.

Ҳиндларнинг айтишларига кўра, Кунканнинг Данак<sup>641</sup> деган чўлларида шарабҳа деб<sup>642</sup> аталадиган тўрт оёқли ҳайвон бўлиб, унинг орқасида ҳам оёқларига ўхшаш тўртта суяк юқорига қараб ўсган бўлади. Унинг кичкина хартуми ва иккита қатта шохи бор. У бу шохлари билан филни уриб, иккига бўлиб ташлайди. Бу ҳайвон говмиш – кўтос шаклида бўлиб, гандадан [каркидон] қатгароқ бўлади. Ҳиндлар даъвосича, баъзан бу ҳайвон бирор бошқа ҳайвонни сузиб, уни бутунлигича ёки бир қисмини [шохлари билан] кўтариб орқасига ташлайди. Шунда у шарабҳанинг орқасидаги юқорига қараб ўсган оёқлари орасига тушиб қолиб, сасиб қуртлайди. Шарабҳа бўлса уни орқасида олиб юраверади, доимо дарахтларга ишқалайвериб, охир ўзи ҳам ҳалок бўлади. Ҳиндларнинг айтишларига кўра, гоҳо бу ҳайвон момақалди роқ товушини эшитса, уни бирор жонивор деб гумон қилади, уни сузмокчи бўлиб, ўша гумбурлаётган томондаги тоғ чўққисига чиқади ва шундан момақалди роқ томонга сапчиб, йиқилиб чилпарчин ҳолда ҳалок бўлади.

|| (100) Аммо ганда исмли ҳайвон Ҳиндистонда, айниқса, Ганг дарёси те-  
варагида кўп учрайди. Бу кўтос шаклида, териси танга-танга қора, энгак ости  
терилари осилган, ҳар оёғида учтадан сариқ туёк, битта каттаси олдинга ва  
иккитаси икки ёнга қараган бўлади. Думи эса калтарок бўлиб, одатдаги жой-  
дан кўра юзининг дўнгига томон куйига тушган иккита ва бурнининг учида  
юқорига қараб бир оз қайрилган битта шохи мавжуд.

Ганданинг гўштини факатгина браҳманлар ейишади. Бу ҳайвоннинг битта  
ёшгинасини кўрдим. Ўзига қарши келган филнинг шохи билан олдинги оёғига  
уриб, ярадор қилди ва сузиб юборди. Мен у ҳайвонни каркидон, деб гумон  
қилдим. Ҳатто Сўфала занжийларининг қуйи қисмидан келган бир киши биз-  
га шундай деди: «У ерда пичоқлар дасталарига ишлатадиган каркидон шохи  
шу тасвирланганга ўхшаб кетади. Занжийлар тилида уни инпила деб атала-  
ди. У [шоҳ] турли рангда бўлиб, шакли конуссимон, яъни ости йўғон бўлади.  
Шохи бир оз кўтарилган бўлиб, ичкарисидаги ўзаги қора, қолган қисми оқ  
бўлади. Пешонасида ҳам шу сифатда, лекин ундан кўра узунроқ шохи бўлади,  
сузаётган чоғда бу шохи тик ҳолатга келади. Бу ҳайвон шу шохини тошларга  
қайраб, кесадиған ва тешадиған қилади. Унинг туёқлари ва эшак думи синга-  
ри юнгли думи бўлади»<sup>643</sup>.

Нил дарёсида тимсоҳ кўп бўлганидек, ҳинд дарёларида ҳам тимсоҳ бор.  
Ҳатто Ал-Жаҳиз очик кўнгиллилиги, дарёларнинг оқиб ўтадиган жойларини  
ва денгизлар шаклини билмаслиги сабабли Муҳрон дарёсини Нилнинг шо-  
хобчаси деб гумон қилган<sup>644</sup>.

Яна ҳинд дарёларида: тимсоҳ, мақара<sup>645</sup>, баликнинг ажойиб турлари бур-  
лу<sup>646</sup> деб айтиладиган мешга ўхшаш ҳайвон ҳам учрайди. Бу ҳайвон кемалар-  
нинг юришига ёрдам бериб сузади. У китсимонлар туркумига мансуб дельфин  
ёки шунинг бир тури бўлса керак. Айтишларига кўра, унинг бошида дельфин-  
ники сингари нафас олиш учун ёриғи бўлар экан.

Ҳиндларнинг жануб томонидаги дарёларида граҳа, баъзан жалатанту  
ва тандуа<sup>647</sup> деб аталадиган денгиз ҳайвони бўлиб, у ингичка ва жуда узун  
бўлади. Айтишларига кўра, дарёга ким тушган бўлса, инсонми ёки жонивор-  
ми, дарёда кузатиб турар ва узоқдан уни ўраб олар, ниҳоят, бўйи қисқарар,  
сўнгра буришиб, унинг оёғига бойланиб йиқитар ва ҳалок қилар экан.

Ҳиндларнинг бири бу ҳақда шундай ҳикоя қилди: «У ҳайвоннинг ит боши  
сингари калласи, узун ва кўп шохобчали думи бор, ғафлатда қолган жони-  
ворни ўша шохобчалар ўраб олиб, думига томон тортади ва охир уни маҳкам  
қуршаб олади, жонивор ундан қутулолмайди».

Энди баён қилаётган мақсадга қайтамиз. Базанадан жануб ва ғарб то-  
мон орасида юрилганда Анҳилваргача олтмиш, денгиз қирғоғи бўйлаб  
Соманатҳгача эллик, Анҳилварадан жануб томонга қараб Лардеш ва унинг  
катта шаҳри – Бихрўж ва Риҳанжургача қирқ икки фарсах юрилади. Бу икка-  
ласи денгиз қирғоғида бўлиб, Тхананинг<sup>648</sup> шарқ томонида жойлашган.



Базанадан ғарб томонда Мўлтонгача эллик, Бҳатигача ўн беш<sup>649</sup>, Бҳатидан жануб ва ғарб орасида юрилганда Арўргача ўн беш фарсах (Арўра эса Синд дарёсининг икки тармоғи орасидаги бир шаҳардир) пойтахт Баҳманва – ал-Мансурагача йигирма, Синд дарёсининг куйиладиган жойи бўлган Лоҳаранигача ўттиз фарсахдир<sup>650</sup>.

|| (101) Канауждан бир оз ғарб томонга бурилиб шимолга юрилганда, Ширшараҳагача эллик, Пинжаургача ўн саккиз фарсах; Пинжаур тоғ устида бўлиб, унинг қаршисида, чўлда Танешар шаҳри жойлашган. Тоғ этагидаги Жаландҳарнинг қасабаси – маркази бўлган Даҳмалагача ўн саккиз, Баллаваргача ўн; кейин ғарб томонга юрилса, Ладдагача ўн уч, сўнгра Ражагири қалъасигача саккиз; бундан шимолга юрилса, Кашмиргача йигирма беш<sup>651</sup>, Канауждан ғарб томонда Дихмау, Кути, Аҳар, Мератал ва Панипатгача ўн фарсахдан масофа бўлиб, Канауж билан Панипатнинг ўртасидан Жаун дарёси оқиб ўтади; сўнгра Каветталгача ва Суннамгача ҳам ўн фарсахдандир<sup>652</sup>.

Ғарб ва шимол орасида юрилса, Адиттаҳаургача тўккиз, Жажжаниргача олти, Ирава дарёсининг шарқида Лаухавурнинг Мандахукур марказигача саккиз, Чандраҳа дарёсигача ўн икки, Биятта сувининг ғарбидаги Жайламгача саккиз, Синд сувининг ғарбидаги Қандаҳорнинг маркази Вайҳиндгача йигирма, Пуршаваргача ўн тўрт, Дунпургача ўн беш, Кобулгача ўн икки, Ғазнагача ўн етти фарсахдир<sup>653</sup>.

Аммо Кашмир атрофи чикиб бўлмайдиган баланд тоғлар билан ўралган, чўлликда жойлашган. Кашмирнинг жануб ва шарқ томонида ҳиндлар, ғарб томонида бир қанча подшоҳликлар бўлиб, энг яқини Балүшоҳ, кейин Шугнаншоҳ ва то Бадахшон чегараларигача борган Ваҳаншоҳдир<sup>654</sup>. Унинг шимол ва шарқ томонининг баъзи қисмида Хўтан ва Тибет туркларига тегишли ерлар бор.

Бҳотешарнинг энг баланд чўққисидан тортиб, Тибет еридан то Кашмирга боргунча уч юз фарсахга яқиндир.

Кашмирликлар яёв юрадилар. Уларда ҳеч қандай улов ва фил йўқ. Катталари катт, яъни тахт ва кажаваларга ўтирадилар; уларни эркаклар елкаларига кўтариб элтадилар. Улар Кашмирнинг хавфсизлигини ўз бўйниларига олиб, унинг чегараларини мустаҳкам қўриқлашади. Шунинг учун уларнинг олдиларига одамларнинг кириб, улар билан аралашилари мумкин эмас. Илгариги замонларда мусофирлардан айниқса, яхудийлардан бир-икки киши, кира олар экан. Ҳозирда эса нафақат бошқалар, аниқ танилмаган бирон ҳиндини ҳам киришга қўйишмайди.

Кашмирда кириладиган йўлларнинг энг машҳури Бабрахон қишлоғидадир. Бу қишлоқ Синд ва Жайлам дарёлари орасидаги йўлнинг ўртасида жойлашган. Бу қишлоқдан Қуснари суви билан Маҳва сувининг бирлашган еридаги кўприккача саккиз фарсах. Бу иккала сув Шамилан тоғларидан келиб Жайлам

дарёсига қуйилади. Бу ердан то Жайлам суви чиқадиган тоғ йўлининг бошланишигача беш кунлик йўлдир. Шу масофанинг охирида Двар номли шаҳар бор. Бу шаҳар дарёнинг икки томонига жойлашган ва бунда кузатишхона қурилган. Кейин сув икки масофа билан сахрога чиқиб, Кашмирнинг пойтахти бўлган Аддиштанга боради ва шунча масофада оқиб, Ушкара шаҳрининг сув йўлларига қуйилади. Бу шаҳар, Байрамула шаҳри каби, водийнинг икки ёқасида жойлашган<sup>655</sup>.

Кашмир шаҳри тўрт фарсах узунликда Жайлам дарёсининг икки қирғоғида қурилган бўлиб, икки ўртада кўприклар ва кайиқлар бор.

Жайламнинг суви ҳам, худди Ганг дарёси каби, Ҳарамақўт тоғларидан оқиб келади. Бу тоғлар ён бағрида ҳарорат жуда совуқ бўлиб, у ерда юриб бўлмайди, қорлари эриб тугамайди. У тоғларнинг нариги томонида Маҳачин, яъни «Улуғ Хитой» мамлакати бор. Жайлам суви ўша тоғлардан чиқиб, Аддиштанга, бундан тўрт фарсах ўтиб, бир квадрат фарсахли ботқоқликка киради. Шу ботқоқлик атрофига одамлар экин экишади ва бошпана қилиб туришади. Кейин сув ботқоқдан чиқиб, Ушкара шаҳридан оқиб ўтиб, тоғ оралиғига кириб кетади<sup>656</sup>.

|| (102) Синд суви эса, турк мамлакати чегарасидаги Унанг тоғларидан чиқади. Бу ерни турклар чегараси дейилишининг сабаби шуки, мамлакатга сув кириб, тармоқланадиган ердан сахрога қараб юрганингизда, Бўлғур ва Шамилан тоғлари чап томонингизда қолиб, икки кунлик масофада бҳаттавариян деб аталадиган турклар яшайдилар. Подшоҳлари Бҳатта, шаҳарлари эса Гилгит, Асвира, Шилтас бўлиб, у ерликлар турк тилида сўзлашади. Улар Кашмирни талон-торож қилиб туришади. Шу йўлнинг чап томонида юрган киши то пойтахтга боргунча обод жойларни кўради, ўнг томонида юрган киши эса шаҳар жанубидаги бир-бирига туташ қишлоқлар билан юриб, Куларжак тоғига етиб боради. Бу тоғ тепаси ҳам Дунбованд тоғи сингари куббага ўхшашдир. Бу тоғдан қор аримайди, Танешар ва Лаўховар чегараларидан доимо кўриниб туради. Бу тоғ билан Кашмир саҳросининг ораси икки фарсахдир. Ражагри қалъаси тоғнинг жанубида, Лохур қалъаси гарбидадир. Бу иккаласидан мустаҳкамроқ қалъани кўрмадик.

Бу тоғ тепасида уч фарсах нарида Ражвари шаҳри жойлашган. Савдогарлар шу шаҳарга бориб савдо қиладилар ва ундан нарига ўтишмайди<sup>657</sup>. Ҳинд мамлакатининг шимол томонидан чегараси шудир.

Ҳинд мамлакатининг ғарб томон тоғларида (мамлакат Синд ерига бориб узиладиган қисмигача) афғонларнинг турли гуруҳлари яшайдилар<sup>658</sup>.

Ҳиндистоннинг жануб томонидаги денгиз қирғоғи Макроннинг Тиз номли катта қишлоғидан бошлаб, Дайбал вилоятига қараб жануб ва шарқ оралиғига қирқ фарсах кириб боради. Бу иккаласининг орасида Турон кўрфази бор. Кўрфаз [ғубб] деб денгизнинг қуруқлик ичига бурчакка ўхшаб кирган қисмига айтилади. Бундай жой, айниқса, денгиз сувининг кўтарилиши ва қайтиши

пайтида кемалар учун хавfli бўлади. Қўлтиқча ҳам кўрфазга ўхшайди, лекин бунда денгиз курукликка кирмайди, балки оқаётган дарё денгизга аста-секин қуйилиб, қўшилиб кетади. Бундай жойларнинг кемалар учун хавfli бўлиши ундаги сувнинг мазаси жиҳатидандир. Чунки чучук сув оғир нарсаларни шўр сув кўтаргандек кўтара олмайди<sup>659</sup>. Айтиб ўтилган кўрфаздан кейин Кичик Мунҳа, сўнгра Катта Мунҳа келади, ундан кейин ал-бавориж, яъни «қароқчилар макони» келади. Бу «қароқчилар макони» Качч ва Соманатҳада бўлиб, улар «Ўғри кемачилар» исми билан аталади. Чунки улар бира деган кемаларда сузиб, ўғирлик қилишади. Дайбалдан Таваллешаргача эллик, Лоҳаранигача ўн икки, Багигача ўн икки, муқл дарахти ўсадиган Барўй жойи – Каччгача олти, Соманатҳгача ўн тўрт, Канбаятгача ўттиз фарсахдир. Сўнгра Асавилга икки кунда етиб борилади. Бихрўжгача ўттиз, Сандангача эллик, Субарагача олти, Тҳанагача беш фарсах<sup>660</sup>, кейинги қирғоқ Ларан вилоятига тегишли. Жимур шаҳри, Валлабҳи, Канжи, Дарвада ҳам шу Ларан вилоятида жойлашган. Кейин катта бир кўрфаз келади. Сингалдеб (Сарандиб ороли) шу кўрфаздадир. Кўрфаз четида Панжаявар шаҳри жойлашиб, бу хароб бўлиб қолган. Уларнинг подшоҳи Жаур унинг ўрнига, денгиз қирғоғида, ғарб томонда бир шаҳар бино қилган. Шунинг учун бунга Паднар<sup>661</sup> деб ном берган.

Кейин Уммаланара, Сарандиб яқинида Ромешар келади. Бу билан Сарандиб ораси денгизда ўн икки фарсахдир; Панжаявардан Ромешаргача қирқ фарсах, Ромешардан Сетубандҳа, яъни «денгиз кўприги»гача икки фарсах. Бу Дашаратҳа ўғли Раманинг тўғони бўлиб, Ланка қалъасигача чўзилиб боради. Ҳозирда бу тўғон оралиғига денгиз суви кириб, бир-биридан ажралиб қолган тоғликлардан иборатдир.

Шу тўғондан ўн олти фарсах нарида, шарқ томонда Кихқинд, яъни «маймунлар тоғи» бор. Маймунларнинг подшоҳи ҳар куни ўз подалари билан чиқиб, ўзлари учун тайёрлаб қўйилган жойларга келишар экан. У ернинг одамлари маймунлар учун гуручдан таом тайёрлаб, устига барглар қўйиб, уларнинг келадиган жойларига олиб боришаркан. Улар овқатни еб, ўрмонга қайтиб кетишаркан. Агар бепарволик қилиб овқат берилмаса, маймунлар кўпайиб келиб, у ерлик халқни ҳалок қилар экан.

|| (103) Ҳиндлар маймунларни, Раманинг шайтонларга қарши урушига ёрдам берганлиги сабабли, сураглари ўзгариб қолган инсонлар жамоаси деб биладилар. Рама шу қишлоқларни уларга атаб, вақф қилиб берган. Уларнинг орасига адашиб кириб қолган киши Раманинг шеърини ва дуоларини ўқиб берса, маймунлар қулоқ тутиб, тинчгина уларни эшитади, адашган кишига йўл кўрсатади, унга овқат ва ичимлик беради, деб эътиқод қилишади. Агар маймунлардан шундай ишлар содир бўлса, кийикларни овлаш бобида айтилганидек, мусиқа таъсирида содир бўлади, холос<sup>662</sup>.

Шу денгизнинг шарқ томонидаги ороллар эса Хитой чегарасига яқин-роқдир; бу ерлар Зобаж ороллари бўлиб, ҳиндлар Суварнадвипа деб, яъни «Олтин ороллари»<sup>663</sup> номи билан атади. Ғарб томондагилари занжийлар ороллари, ўртадагилари Рамма<sup>664</sup> ва Дева<sup>665</sup> деб номланади. Қимаёр ороллари ҳам шулар жумласидандир.

Дева оролларининг шундай хусусияти бор: у бир вақт бир парча кумлик ер бўлиб, денгиздан чиқиб кўриниб туради ва ҳамиша кўтарилиб, ёйилиб ўсиб, мустаҳкам ерга айланади. Бошқа бир вақт эса, заифлашиб, эриб, озайиб, охир денгизга ботиб йўқ бўлиб кетади. У ерда яшовчилар буни сезгач, энди ўсиб ётган янги оролни топиб, унга ҳинд ёнғоғи – норжил, хурмо, экин ва уй усқуналарини кўчириб, ўзлари ҳам кўчиб келадилар. Бу ороллар ўзларидан чиқадиغان нарсалар сабабли иккига бўлинади. Бири Дива-куҳа, яъни чиғаноқ ерлари деб аталади; бу чиғаноқларни ҳинд ёнғоғи шохларидан йиғиб олиб, денгизда кўпайтирадилар. Иккинчиси Дива-канбар деб аталади. Бу [канбар] қайиқларни бир-бирига улаш учун ҳинд ёнғоғи пўстидан пишитилган арқондир.

Воқвоқ ороли Қимаёр ороллари жумласидандир. Воқвоқ исмдир. Лекин бу авом халқ гумон қилганидек, меваси одамларнинг бошларига ўхшаш бўлиб, бақириб-чақирадиган дарахт эмас. Лекин Қимаёр, туслари окқа мойил, бўйлари қисқа, киёфалари туркларга ўхшаш, динлари ҳиндча ва қулоқлари тешилган бир гуруҳдирлар. Воқвоқ оролида яшовчилар шулар жумласидан бўлсалар ҳам, ранглари қора бўлади. Одамлар буларни [ишлатишга] кўпроқ рағбат қилишади. Қора эбен дарахти шу мамлакатдан келтирилади. Қора эбен – пўстлари ажратиб ташланадиган дарахтнинг ўзагидир. Аммо муллама, шаухат ва сариқ сандал эса занжийлар мамлакатидан келтирилади<sup>666</sup>.

Сарандиб кўрфазида дарёга шўнгиб, марварид олиб чиқиладиган жой бор эди, бизнинг замонимизда бу йўқ бўлиб қолди. Кейин Сўфала занжийлари мамлакатининг қуйсида шундай жой пайдо бўлган. Бу жой илгарилари бўлмаган экан, шунинг учун бу жой Сарандиб кўрфазидан Сўфалага кўчиб келган, дейишади.

Ҳинд мамлакатаида ёз иссиғида ёмғир жаласи ёғади, буни варшакала<sup>667</sup> деб аташади. Мамлакатнинг шимол томонга кўпроқ кириб борган ва тоғ билан ўралмаган қисмида шундай ёғингарчилик тез-тез бўлиб, узоқ вақт давом этади.

Мўлтонликлардан эшитишимизга кўра, уларда варшакала ёғини содир бўлмас экан. Аммо шимолга қараб ўтилганда тоғларга яқин жойларда содир бўлар экан, ҳатто Бҳатал ва Индравеида<sup>668</sup> *ашадҳа* ойдан<sup>669</sup> бошлаб, тўрт ой давомида худди мешдан куйгандек варшакала ёмғири ёғар экан. Ундан кейинги вилоятларда – Кашмир тоғларидан Жудари тоғигача бўлган теваарақда, яъни Дунпур билан Баршавар<sup>670</sup> орасида икки ярим ойгача шундай ёмғир ёғади. Ёғингарчиликнинг бу тури шраванадан<sup>671</sup> бошланади. Жудари тоғининг нари-

ги томонида бундай ёмғир ёғмайди. Бунга сабаб шуки, бу иссиқ ёмғирнинг булутлари оғир ва ер юзидан унчалик кўтарилмайдиган бўлади. Булутлар ҳалиги тоғларга келганда, уларга урилиб ва қисилиб ёмғир бўлиб ёғади. Булутлар у тоғлардан нарига ўтолмайди. Шунинг учун Кашмирда бундай ёмғир ёғмайди.

Кашмирда магҳа ойдан бошлаб, икки ярим ой кетма-кет қор ёғади, чайтранинг<sup>672</sup> ярмидан ўтганда бир неча кун устма-уст ёмғир ёғиб, қорларни эрилади ва ерни тозалайди. Кашмирда бу қонуният камдан-кам ўзгаради. Аммо об-ҳаво ўзгаришининг тартибдан чиқиши ҳар бир ерда бўлиб туради.

## ХІХ БОБ. САЙЁРАЛАР ВА БУРЖЛАРНИНГ НОМЛАРИ, ОЙ МАНЗИЛЛАРИ ВА БОШҚАЛАР ҲАҚИДА

|| (104) Ҳинд тилида ясама номларнинг ва ўзақдан чиқариб олинган номларнинг жуда кенг ёйилганини, ҳатто у тилда биргина нарсага ҳам кўп номлар берилишини шу китобнинг бошида айтган эдик. Ҳиндлардан эшитишимизга кўра, улар бизда Қуёш учун мингта исм бор, деб уқтиришади. Бундан келиб чиқадики, ҳар бир сайёра учун ҳам уларда шунча ёки шунга яқин кўп ном бўлиши керак, чунки уларнинг бундан бошқача бўлишига иложи ҳам йўқ.

Ҳиндларда ҳафта кунларининг номлари етти сайёранинг энг машҳур номларидан иборатдир. Форсларда ҳафта кунларининг сонига «шанба» сўзи қўшиб айтилгани сингари, ҳиндлар ҳафта кунларига «вара» сўзини қўшиб айтадилар. Шундай қилиб якшанбани «Адития вара», яъни «Қуёш куни»; душанбани Сама вара, яъни «Ой куни»; сешанбани Мангала вара, яъни «Миррих куни»; чоршанбани Будҳа вара, яъни «Уторид куни»; пайшанбани Брихаспати вара, яъни «Муштарий куни»; жумани Шукри вара, яъни «Зухро куни»; шанбани Шанайшчара вара, яъни «Зухал куни» деб айтишади. Кейин яна айланиб Адития варага қайтилади<sup>673</sup>.

Астрономларимиз сайёраларни «ҳафта кунларининг эгалари», дейишади. Куннинг соатлари ҳам сайёралар номи билан айтилади. Санаш тартиби ҳам ўша куннинг эгаси – юқори сфераникидан пастки сфераникига қараб боради. Масалан, Қуёш якшанба кунининг эгаси бўлиши билан бирга, биринчи соатнинг ҳам эгасидир. Сўнгра иккинчи соат эса орбитаси Қуёш орбитасининг энг қуйида бўлган сайёра, яъни Зухроники, учинчи соат Уторидники, тўртинчи соат Ойники бўлади. Энди [бу орбитада] эфир бўйлаб тушиш тугалиб, бу энг қуйи орбита бўлганидан бешинчи соат энг юқори орбитадаги Зухалники бўлади. Шу тартибда санаб борилганда йигирма бешинчи соат Ойники бўлиб, шу соат душанба кунининг биринчи соати ҳам бўлади. Демак, Ой ҳам душанба кунининг, ҳам биринчи соатнинг эгасидир. Булар билан улар [яъни, мусулмон ва ҳиндлар] орасида бир нарсада ихтилоф бор. У эса астрономларимиз эгри соатларни<sup>674</sup> ишлатганларидадир, шу сабабли ҳар бир куннинг ўн учинчи

эгаси [шу куннинг] кундузидан келадиган кечанинг ҳам эгаси бўлади. Кундуз эгасининг учинчиси ўша санаш тартибининг аксичадир, яъни у пастдан юқорига қаратиб саналади.

Ҳиндлар эса кундуз эгасини бутун куннинг эгаси деб ҳисоблашади, демак, куннинг кечаси кундузисига тобе бўлади – кечасининг ўзига махсус эга бўлмайди, дейди баъзилар.

Ҳиндларнинг ислохотларидан улар эгри соатлар билан иш юргизганлари гумон қилинади. Улар соатни ҳора<sup>675</sup> деб аташади. Нимбахрни ҳисоблашда буржнинг ярмини ҳам шу ном билан юритишади<sup>676</sup>.

Ҳинд зижларининг бирида, соат эгасини аниқлаш ҳақида мана буни учратдим: «Қуёш билан толе даражаси оралигини ўн бешта тенг бўлақларга бўлиб, бўлинмадаги бутун сонга бир қўшилади, агар каср бўлса, у олинади. Кейин ҳалиги биттанинг қўшилганидан чиққан сонни юқори орбитадан қуйисига қаратиб санаш тартибида бериб чиқилади». Ҳисобларнинг бу усули текис соат билан ишлашдан кўра, эгри соат билан иш олиб борилганликни кўрсатади.

Ҳиндларда ҳафта кунлари тартиби билан сайёраларни рақамлаш одати бор. Улар зижлари ва китобларида мазкур одатларига мурожаат қилишади; бошқа ҳақиқатга яқинроқ усуллар бор бўлса ҳам уларга қарашмайди.

Юнонларда ҳар бир сайёрага тегишли шакллар бор. Ишни енгиллатиш мақсадида астурлоб четларида у шакллар ёзилган, унда ҳарфли рақамлар ишлатилмайди. Ҳиндлар ҳам қисқартиришда шундай қилишади, лекин шакл билан ифодалашмайди. Аммо ҳар бир сайёра номининг аввалги ҳарфи ўша сайёрани англатади. Масалан, Адитиянинг «а» ҳарфи – Қуёшни, Чандранинг «ч» ҳарфи – Ойни, Будҳанинг «б» ҳарфи – Уторид [Меркурий]ни билдиради.

|| (105) Етти сайёра номининг бош ҳарфларини қуйидаги жадвалда кўрсатамиз:

Сайёралар	Сайёраларнинг хиндча номлари
Қуёш	Адития, Сурия, Бҳану, Арка, Диварқара, Рави, Бибата, Ҳели <sup>677</sup>
Ой	Сўма, Чандра, Инду, Ҳимагу, Шитарашми, Ҳимарашми, Шитамшу, Шитадидхити, Ҳимамаюкха <sup>678</sup>
Миррих	Мангала, Бҳаумия, Кужа, Ара, Вақра, Аванея, Махейя, Круракши, Ракта <sup>679</sup>
Уторид	Будҳа, Саумия, Чандра, Жна [Шна], Бодҳана, Витта, Ҳемна <sup>680</sup>
Муштарий	Бриххаспати, Гуру, Жива, Девежия, Девапуроҳита, Девамантрин, Ангирас, Сури, Девапита <sup>681</sup>
Зухра	Шукра, Бҳригу, Сита, Бҳаргава, Аспати, Данавагуру, Бҳригупутра, Аспхужит <sup>682</sup>
Зухал	Шанайшчара, Манда, Асита, Кона, Адитияпутра, Саура, Арки, Сурияпутра <sup>683</sup>

Куёш исмларининг бунча кўп бўлиши, диншуносларни Куёшнинг ўзи кўп деб эътикод қилишларига сабаб бўлади. Ҳатто у кишилар: «Куёшлар ўн иккита, ҳар ойда уларнинг биттаси чиқади», деб таъкидлашади. «Вишну-дхарма» номли китобда бундай дейилган: «Вишну, яъни Нараяна шундай зотки, замонда унинг аввали ҳам, охири ҳам йўқ. Фаришталар учун ўзини ўн икки қисмга бўлган, улар Кашяпанинг ўғиллари бўлиб қолдилар. Булар ҳар ойда бир чиқадилар»<sup>684</sup>. Шундай дейишга Куёш номларининг кўплиги сабаб деб билмаган киши, ҳар бир бошқа сайёранинг номлари кўп бўлса ҳам, жисмлари биттагина, холос [лекин Куёш кўп], деган.

Шуни ҳам айтиш керакки, Куёш номлари ўн иккита бўлмай, ундан кўпдир. У номлар бир неча маънолардан олинган. Адитя сўзи булардан бири бўлиб, «бошланиш» демакдир. Чунки ҳамма нарса Куёшдан вужудга кела бошлайди. Улардан бири Савитри бўлиб, бу сўзни бола туғдирган ҳар бир шахсга ишлатилаверади. Бутун борлиқ Куёшдан тугилганлиги сабабли Куёшга шу ном берилган. Куёш номларидан бири Равидир. Чунки Куёш рутубатларни қуритади. Ўсимликлардаги сувга раса деб ном берилган, бу сувни [ўсимликлардан] олган кишига рави дейилади<sup>685</sup>.

|| (106) Сўнгра Ой Куёшга ёндаш ва тобедир. Ойнинг ҳам номлари кўп. Улардан бири Сўмадир, чунки Ой бахт демакдир. Бахтли кишига сомаграҳа, бахтсиз кишига попаграҳа дейилади. Кейин ойни Нишеша, яъни «кечанинг эгаси», Накшатранатҳа, яъни «ой манзиллари эгаси», Движешвара, яъни «браҳманлар эгаси», Шитамшу, яъни «нури совук» [каби] исмлар билан атайдилар. Ой нурини совук дейишга сабаб шуки, Ой шари сувлик бўлиб унда саховат бор. «Куёш нурлари» Ойга тушганда Ой уларни ўз сифатига айлантиради – совутади ва Ерга қайтариб, коронғуликни ёритиб, кечани совутади ва Куёш куйдириб, бузган нарсаларни сўндиради<sup>686</sup>. Шунинг учун Ойга Чандра деган ном ҳам берилган. Куёш Нараянанинг ўнг кўзи бўлгани сингари, Чандра – Ой унинг чап кўзидир.

Куйидаги жадвалда ойлардаги қуёшлар [номи]ни кўрсатдик. Бунда [номларда]ги қарама-қаршилиқлар санокдаги чалкашлиққа ўхшайди<sup>687</sup>.

Ойлар	«Вишну-дхарма» даги қуёшлар	«Вишну-дхарма»га кўра номларнинг маънолари	Эшитилган, лекин ҳужжатларда кўрсатилган қуёшлар	«Адития пурана» номли китобдаги қуёшлар
Чайтра	Вишну	Ҳеч бир жойда қарор топмасдан осмонда кўчиб юрувчи	Рави	Амшумант
Вайшакҳа	Арияман	Жиноятчиларга танбех бериб, уларни одобга чакирувчи	Вишну	Савитри

Жияиштха	Вивасвант	Назари билан бирни эмас, ҳаммани қаровчи	Дхатри	Бҳану
Ашадха	Амшу	Нур эгаси	Видхатри	Вивасвант
Шравана	Паржания	Ёмғир сингари сероб қилувчи	Арияман	Вишну
Бҳадравапада	Варуна	Ҳаммага яхшилик қилувчи	Бхатра	Индра
Ашваюж	Индра	Эга ва раис	Савитри	Дхатри
Картикка	Дхатри	Одамларга эҳсон қилиб, уларга одоб ўргатувчи	Пушан	Бҳага
Маргашир-ша	Митра	Оламга севимли	Тваштри	Пушан
Пушан	Пауша	Таом, чунки у инсонларни бокади	Арка	Митра
Бҳага	Магҳа	Неъмат эгаси, ҳамма унга рағбат қилади	Дивакара	Варуна
Тваштри	Пхалгуна	Ҳаммага яхшиликни ўргатувчи	Амшу	Арияман

|| (107) «Вишну-дҳарма» номли китобдан кўчирилган [Қуёш] номлари тартиби сақланган, деб гумон қилинади. Чунки ҳар бир ойда Васудевага [аталган махсус] ном бор. Васудевани улуғловчилар оиларни Миргаширшадан бошлайдилар. Васудеванинг ундаги номи Кешавадир. Васудева номлари саналганда унинг Чайтра ойидаги номи «Вишну-дҳарма»даги сингари Вишну исми Қуёшга тўғри келади. «Гита» номли китобда Васудеванинг ўзи ҳам «Мен йилнинг олтидан бирларидаги *васанте*<sup>688</sup>, яъни мўътадиллик кабирман», деб жадвал бошида кўрсатилганнинг тўғрилигини исботлайди.

Ҳар бир ой бир қанча манзилларга эга бўлиб, Ой номи ўша манзиллар номининг бирдан келиб чиққан бўлади. Ой номлари билан манзиллар номларининг муносабатини яққол кўрсатиш учун уларни жадвалда қизил билан ёздик.

Яна шуниси ҳам борки, Муштарий манзилларнинг бирида кўрина бошласа, шу манзилга тегишли ой йил эгаси бўлиб, йилнинг ҳаммаси унга нисбатан берилади. Агар [жадвалда] оиларнинг номларида илгари кўрсатиб ўтилганга мувофиқлик бўлмаса, бунинг сабаби шуки, бири омманинг талаффузи, бошқаси эса фасих таллаффуздир<sup>689</sup>.



Ойлар	Ман-зиллар рақами	Манзиллар	Ойлар	Ман-зиллар рақами	Ой манзиллари
Карттика –	3 4	Криттика* Рохини	Вайшакҳа	16 17	Вайшакҳа*
Мригаширша –	5 6	Мригаширша* Адра	Жияйшиҳа	18 19	Жейшиҳа Мула
Пауша –	7 8	Пунарвасу Пушия*	Ашадҳа	20 21	Пурва шадҳа* Уттарашадҳа
Мағҳа	9 10	Ашлеша Мағҳа*	Шравана	22 23	Шравана* Дҳаништҳа
Пҳалгуна	11 12 13	Пурвапҳалгуни* Уттарапҳалгуни Ҳаста	Бҳадрапада	24 25 26	Шатабҳишж Пурвабҳадрапада* Уттарабҳадрапада
Чайтра	14 15	Читра*	Ашваюжа	27 1 2	Ревати Ашвини Бҳарани

\* Юлдузча белгиси қўйилган арабча матнда қизил рангда ёзилган – таҳри.

|| (108) Ҳамма миллатларда бўлгани сингари [ҳиндларда ҳам] буржларнинг номи мавжуд бўлиб, ҳар бири ўша номга хос сурат билан тасвирланади.

Учинчи буржнинг номи Митҳуна<sup>690</sup>. Бу ном бир вақтда эгиз туғилган ўғил ва қизга нисбатан ҳам айтилади. Бу бурж икковининг биргаликда туриши билан тасвирланади. «Ал-Маволид ал-кабир»<sup>691</sup> номли китобда Вараҳамиҳира «Бу ном барбат номли мусиқа асбоби ва таёқ тутиб турган эр кишига нисбатан ҳам айтилади», деган.

Гўё у, Жаббор [Орион] суратини айтмоқчи бўлган, кўпчилик халқ ҳам ўшани айтади. Демак, у бурж ўз суратига хос бўлмаган Жавзо [эгизак] номи билан машхур бўлган.

Яна Вараҳамиҳира олтинчи буржни «Кўлида бошоқ тутган кема», деган. Биз кўрган нусхадан бир сўз тушган бўлса керак. Чунки кеманинг кўли йўқ, кўпчилик у буржни Кания<sup>692</sup>, яъни «бокира қиз» деб атайти. Аслида «Кемада кўлига бошоқ олиб турган қиз» дейилган бўлиши керак. Бу манзил ас-Симок ул-аъзал<sup>693</sup> номли юлдуздир. «Кема» Ой манзилларидан бўлган ал-Авво<sup>694</sup> юлдузлари деб гумон қилинади; чунки авво юлдузлари учи юкорига қайрилган чизикқа жойлашган.

Еттинчи буржни олов деган, унинг номи Тула<sup>695</sup>, яъни «Тарозу»дир.

Ўнинчи буржни Вараҳамиҳира боши<sup>696</sup> эчки бошига ўхшайди деган. Бошқалар эса уни Макара деб атаган. Қачон Макара дейилса, унинг бошини эчки бошига ўхшатишга ҳожат қолмайди. Унинг эчки бошли эканини асосан юнонлар маъқуллайдилар. Чунки улар ўнинчи бурж шаклини икки

хайвонлардан таркиб қилиб, кўкракдан юқорисини эчки, куйисини балиқ суратида тасвирлайдилар.

Макара деб аталадиган денгиз ҳайвони ҳам ҳиндларнинг тавсифига кўра икки хил суратдан тузилишига зарурати йўқ.

Ўн биринчи буржни қувача деган. Бунинг номи Кумбҳа<sup>697</sup> бўлиб, Вараҳамиҳиранинг айтганига мувофиқдир. Лекин ҳиндларнинг шу буржни ёки унинг айрим бўлагини киши суратида қилиб кўрсатишлари уларнинг бу ҳақда юнонлар йўлидан юрганларига ва уни сув тўкиб турган киши қилиб тасвирланишини қабул қилишига далил бўла олади.

Вараҳамиҳира сўнгги буржни, гарчи бунинг номи ҳамма халқларда битта балиқ экани тақозо қилинса ҳам, уни иккита балиқ суратида кўрсатган.

Вараҳамиҳира ўша китобда буржларнинг машҳур бўлмаган исмларини кўрсатган. Биз уларни мана шу жадвалга киритдик:<sup>698</sup>

Буржлар	Буржларнинг машҳур номлари	Машҳур бўлмаган номлари
0	Меша	Крия
1	Вришан	Тамбиру
2	Митҳуна	Житума
3	Карката	Кулира
4	Симҳа	Лияйя
5	Кания	Паргена
6	Тула	Жуга
7	Вришчика	Каурба
8	Дҳану	Таукшика
9	Макара	Агокиру
10	Кумбҳа	Удрувага
11	Мина	Анта, шунингдек Житу

Улар буржларни рақамлашда Ҳамални нол билан ва Саврни бир (1) билан рақамламай, одатда Ҳамални биринчи, Саврни иккинчи қилиб, шу тарика Ҳутни ўн иккинчи қилиб кўрсатадилар.

## XX БОБ. БРАҲМАНДА ҲАҚИДА

|| (109) Браҳманда «Браҳманинг тухуми» демақдир. Ҳақиқатда ҳам шаклининг айланма бўлишлиги ва ҳаракати жиҳатидан бутун эфирга ўхшайди. Оламни юқори ва қуйи қисмларга ажратадилар. Ҳиндлар осмонларни сананганларида ҳаммасини бир сўз билан браҳманда<sup>699</sup> дейдилар. Улар астрономия илмини ўрганишга уринмаган ва бу ҳақда тўғри тасаввур қилолмаган кишилардан саналадилар. Шунинг учун улар осмонларни тинч ҳолатда туради, деб

ўйлашади. Улар жаннат неъматларини дунёда – ер юзидида кўрилиб турганга ўхшатиб тавсиф қилганларида, айниқса, осмондаги айланувчи сайёраларни турғун дейдилар ва улар [жойидан] кўчиб куйи томон [ер]га бориб такалади, деб ҳисоблашади.

Уларга етиб келган хабарлардан маълум бўлишича, сув ҳамма нарсадан илгари пайдо бўлиб, олам фазоси сув билан тўлик бўлган. Шубҳа йўқки, нафснинг кундуз бошида, шаклни танлашни қабул қилиш ва таркибланишининг бошланишида [аҳвол] шундай бўлган. Айтишларича, сув тўлқинланиб кўпикланганда ундан оқ бир нарса ҳосил бўлган. Яратувчи шу нарсадан Браҳма тухумини яратган.

Ҳиндларнинг фикрларига кўра, ўша тухум икки паллага ажралиб, бундан Браҳма чиққан. Тухумнинг бир палласи осмон, иккинчи палласи ер бўлган ва икки палла орасидаги синиқлардан ёмғирлар вужудга келган. Агар «ёмғирлар» дейишнинг ўрнига «тоғлар» деганларида синиқлар деган сўзга лойиқ ва мосроқ бўлар эди.

Баъзиларнинг айтишларига кўра, Худои Таоло Браҳмага: «Мен бир тухум яратиб, уни сенга турар жой қилиб бераман», деганда, айтиб ўтилган сув кўпигидан тухумни яратган. Сув сингиб камайгач, шу пайтда тухум икки паллага ажралган<sup>700</sup>.

Юнонларда ҳам табиблик санъатини юзага чиқарган Асклепий ҳақида [сўз борганда] шунга яқин тушунчалар бор. Чунки Галеннинг айтишига кўра, юнонлар Асклепийнинг шаклини ишлаганларида, ернинг шарсимон эканини ишорат қилиб бутун оламга мисол бўлиши учун унинг қўлига тухумни ушлатиб қўядилар. Албатта, олам табобат санъатига муҳтож. Асклепийнинг илм даражаси Браҳмадан паст эмас. Юнонлар бу ҳақда шундай дейдилар: «Асклепий – илоҳий бир қувват. Таъсири ва иши сабабли унга шу исм берилган. Асклепий исмининг маъноси қуруқликка тўсқинлик қилишдир. Чунки қуруқлик ва совуқлик ғалаба қилганда ўлим юз беради, лекин Асклепийнинг табиий насаби ҳақида бундай дейилган: «У, Аполлоннинг ўғли; у эса, Флегийнинг<sup>701</sup> ўғли; у эса Кроноснинг ўғли». Кронос эса Зуҳалдир. Буларнинг ҳаммаси учликни қувватлайдиган исмдир.

Аммо хиндларнинг фикрига кўра, илк яратилган мўъжизалардан бири сувдир. Чунки улар «тўзонга айланган ҳамма нарса сув билан бирикади, ҳамма унадиган нарса сув билан униб чиқади ва ҳамма жон эгаси сув билан тирикдир. Сув санъат эгаси, бирон моддадан маълум бир нарса ишламоқчи бўлганида, унга сув восита бўлади», дейдилар. Куръон ҳам пок ва Аллоҳ Таолонинг шунга ўхшаш сўзини ҳикоя қилиб, «Унинг тахти сув устида эди», дейди<sup>702</sup>. Бобил ва унинг атрофида яшаган диний жамоаларнинг таълимотларидан юқоридаги тухум ҳодисасига ўхшаш ва ҳатто ундан ҳам ақл бовар қилмайдиган ҳикояларини баён қилар эдик.

|| (110) Ўша тухумнинг икки бўлинганига нисбатан ҳиндларнинг фикрига келинганда, бунинг сабаби шуки, у сўз эгаси оми киши бўлган ва Брахма тухуми пўчоғи унинг мағзини ўраб олганидек, осмон ерни ўраб олганини билмаган. Лекин Ер қуйи ва осмон эса Ер паллаларидан фақатгина биттасининг юқорисида деб тасаввур қилган. Агар у киши ҳақиқатни аниқроқ билганида, тухум иккига ажралди, дейишга муҳтож бўлмас эди. Аммо у киши «тухумнинг ярми ёйилиб Ер ва бошқа ярми кўтарилиб, Ер устига кубба бўлди», деб Ер куррасини ясси деган хулосага келган ва шу сўзи билан Птолемейдан кўра ҳам муваффақиятга эришмоқчи бўлган-у, эришолмаган.

Ҳиндларга етиб келган ишоратли хабар ва асарларда ҳамиша шундай сўзларга дуч келасиз ва уларга инонган ҳар бир киши ўз тушунчасига мослаб ишоратларни изоҳлаб боради.

Платон ўзининг «Тимей» номли китобида Брахманда ҳодисасига ўхшаш нарсалардан гапириб бундай деган: «Яратувчи тўғри бир ипни иккига бўлиб, уларни эгиб, учларини икки жойда бирлаштирди-да, ҳар биридан айлана ясади, улар икки нуқтада уринди, кейин улардан бирини етти қисмга бўлди»<sup>703</sup>. Бу сўзи билан [осмоннинг] икки ҳаракати борлигига, бу ҳаракатлар сайёрларга хослигига ишорат қилди.

Брахмагупта ўзининг «Брахма-сиддиханта» номли китобининг биринчи мақоласида осмонлар сонини кўрсатиб, Ойни биринчи осмонга, сайёраларни эса ундан кейинги етти осмонга, Зухални эса ўша еттинчи осмонга жойлаштирган: «Турғун ёриткичлар саккизинчи осмонда бўлади. Бу осмон уларни ўзида тутиб, доимо айланиб туриши учун юмалоқ яратилган. Яхши иш қилган киши унда мукофотга эришади, ёмон иш қилган жазо тортади. Саккизинчи осмоннинг нариги томонида ҳеч нарса йўқ»<sup>704</sup> деган. Шу фаслда осмонларнинг сфералардан иборат эканига, уларнинг тартиб ва сонларида диний хабарларга оид китоблардаги сўзларга қарама-қаршилик борлигига ишорат қилди. Биз у сўзларни ўз жойида ҳикоя қиламиз. Думалоқ шаклга [ташқаридан] таъсир секин-аста бўлишига, сфераларнинг сфера шакли бўлиб, айланма ҳаракатга эга бўлишларига ва сфераларнинг нариги томонида ҳеч бир жисмнинг бўлмаслиги ҳақидаги фикр Аристотель фикрига тўғри келишига ишорат қилди. Шундай бўлгач, Брахманда сфералар тўпламидан иборат экани сирлигича қолмайди. Сфералар тўплами деганда биз эфирни, ҳатто бутун оламни назарда тутаямиз. Уларнинг фикрига кўра, яхши ва ёмон мукофотлар ҳам шу олам ичида бўлади.

Пулиса ўз «Сиддханта»сида: «Буткул олам – тупрок, сув, олов, шамол ва осмон йиғиндисидир. Осмон қоронғуликнинг нариги томонида яратилиб, Қуёш нурлари етиша олмаганидан, у зангори рангда кўринади. У, ер соя қилолмай, Қуёш нури тушган ва қораликлари кетиб, кечаси таналари кўринадиган юлдузлар, жисмлар ва Ой жисмича эмас, ҳатто Қуёшдан сув шарларича ҳам нур олмайди. Демак, ёритувчи биргина Қуёшдир. Бошқа

жисмлар ундан нур олади», деган. Пулиса шу фаслда кўзга илгайдиган чегара – ниҳоятга ишорат қилиб, у чегарани осмон деб атайди ва «Осмон Қуёш нури етмайдиган жойда бўлгани сабабли қоронғиликда туради», – дейди. Осмоннинг нима учун кўк рангда кўриниши тўғрисидаги мулоҳазаларимиз нисбатан давомлидир.

Яна Браҳмагупта мазкур мақолада бундай деган: «Ой даврларини, яъни 57 753 300 000 сонини ой орбитаси узунлигига, яъни 324 000 йўжанага қўпайтирсангиз, 18 712 069 200 000 000 йўжана бўлади; бу эса буржлар сферасининг айланаси узунлигидир». Узунлик бирлиги – йўжана миқдори ўз бобида айтилган\*<sup>705</sup>.

Браҳмагупта бундай [ҳисоблаш]нинг далилини кўрсатмаса ҳам, биз унга тақлид қилиб, сўзини [шу ерда] келтирдик. Лекин Васиштҳа бундай деган: «Браҳманда сфераларни ўраб туради, ўша [юқорида кўрсатилган] сон Браҳманда миқдоридир, чунки буржлар сфераси Браҳмандага туташган».

Тафсир ёзувчи Балабҳадра бу ҳақда шундай деган: «Биз у сон[лар]ни осмоннинг миқдори дея олмаймиз, чунки осмоннинг катталигини аниқлашга қудратимиз етмайди, лекин кўзимиз бориб етган охириги ниҳояни ҳам осмон деймиз. Бошқа сфералар катта ва кичикликда бир-биридан фарқли бўлса ҳам, Браҳмандадан юқоридагисини кўз кўрмайди».

|| (111) Ариябҳатанинг тарафдорлари бундай дейди: «Биз Қуёш нури бориб етадиган жойни билиш билан кифояланамиз, ўзи катта бўлса ҳам, нур етмайдиган жойни билишимиз зарур эмас. Нур бориб етмаган нарсани, албатта, кўриб бўлмайди ва кўрилмаган нарса маълум бўлмайди».

Бу кишилар сўзларидан қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

Васиштҳанинг сўзига кўра, Браҳманда буржлар деб аталадиган саккизинчи сферани ўраб турувчи шар бўлиб, собит ёриткичлар шунда жойлашган; бу иккови бир-бирига тегишиб туради. Биз саккизинчи сферани исботлашга мажбурмиз. Аммо бунинг юқорисида тўққизинчи сферани исботлашга мажбурлайдиган нарса йўқ.

[Тўққизинчи сфера] ҳақида одамлар турли фикрдалар; баъзилари: «[Саккизинчининг шарқдан] гарбга қараб айланишига мажбур қилган нарса, уни ўраб олган [тўққизинчи] сферадир» деса, баъзилари эса: «Ҳаракатнинг сабабчиси бўлса ҳам, у тўққизинчи сферанинг ўзи ҳаракат қилмайди», дейди. Биринчи гуруҳнинг мақсади маълум. Лекин Аристотель: «Ҳаракат қилувчи ҳар бир нарса, ўз ичида бўлмаган ҳаракат қилдирувчи сабабли ҳаракат қилади; шу тўққизинчи сферадан ташқарида уни ҳаракат қилдирувчи нарса бор бўлиши керак. Шундай бўлгач, тўққизинчи сфера бўлмасданоқ, саккиз сферани ҳаракат қилдирувчи зотнинг борлигига нима тўсқинлик қилади?» деб баён қилган.

Иккинчи гуруҳга келганда, гўё улар ҳозирги ҳикоя қилганимизни эшитганларида, биринчи ҳаракат қилдирувчининг ўзи ҳаракат қилмайди, шунинг

учун тўққизинчи сфера ҳаракатсиз бўлса ҳам, ғарбга йўналган ҳаракат унинг ёрдамида содир бўлади, деганлар. Лекин бунда ҳам Аристотель биринчи ҳаракат қилдирувчи жисм эмас, дейди. Ҳолбуки, ўзи шар, ўраб турувчи сфера ва у тинч туради, деб тавсифлаш уни жисм эканини исботлайди. Демак, тўққизинчи сферанинг бўлиши мумкин эмас, деган.

Птолемей ўзининг «Ал-мажистий» номли китобининг бошланишида бу фикр ҳақида шундай дейди: «Биз дастлабки умумий ҳаракатни ягона ва алоҳида, деб гумон қилсак, унинг биринчи сабабчиси бир маъбуд эканини фаҳмлаймиз ва бу хилдаги баҳсни илоҳий баҳс деб атаймиз. Бундай таъсир [эгаси]нинг олам юқори томонининг энг юқорисида бўлишини ва унинг сезилувчан моддаларга, албатта, зид эканини ақл билан биламиз»<sup>706</sup>. Птолемейнинг дастлабки ҳаракат қилдирувчи ҳақида айтган гапи ана шундай: бу гапида Иоанн Грамматик ундан ҳикоя қилган фалакка ишорат йўқ. Иоанн Грамматик эса, «Проклга раддия»сида: «Платон, ичида биронта ёриткичи йўқ, тўққизинчи сферани билмаган, буни Птолемей фаҳмлаган»<sup>707</sup>, деб гумон қилган.

Аммо ҳаракатдаги бу чегара – оламнинг нариги томонида ҳаракатсиз ва чексиз [катта]бир жисм ёки чексиз бўшлиқ борлигини қабул қилувчилар сўзларининг, шунингдек, бўшлиқни ҳам, тўлиқликни ҳам рад этувчиларнинг биз баён қилиб турган масалага алоқаси йўқ.

Балабҳадра эса «Осмон ёки осмонлар оғирликларга чидамли ва уларни кўтариб турадиган пишиқ бир жисмдир; у жисм ҳамма сферанинг устида», деган фикрни маъқуллайди. Кўриниб турган нарсадан кўра, хабарларга инониш Балабҳадрага осон туюлса, шубҳали гапларни равшанлиқдан илгари қўйиш биз учун мураккаб. Лекин Ариябҳата тарафдорларининг сўзи тўғри. Бизнинг фикримизга кўра, улар бу ҳақда ижтиҳод қилганлар. Натижада Браҳманданинг эфир ва унинг ичидаги табиий моддалардан иборат экани равшан бўлган.

## **XXI БОБ. ДИНИЙ ТАСАВВУРЛАРГА ОИД ҚАДИМГИ РИВОЯТЛАР АСОСИДА ЕР ВА ОСМОННИНГ ШАКЛЛАРИ ҲАҚИДА**

|| (112) Ўтган бобнинг бошида айтиб ўтилган маълум гуруҳ ер етти қаватдан иборат бўлиб, бири бошқасининг устига жойлашган ва энг юқори қавати етти қисмга<sup>708</sup> бўлинган, деган фикрни айтган. Лекин буни форсларнинг етти кешварларга бўлишларига ўхшатиб бўлмайди. Кейин ҳиндларнинг диний арбоблари томонидан айтилган ривоятларини баён қилиб, уларни [ўқувчиларнинг] адолатли ҳукмига ҳавола қиламиз. Агар бунда бирон нарса янгилик бўлса ёки бошқа [халқлар] фикри билан бир хил чиқиб қолса, гарчи улар ва ҳалиги бошқалар ҳақиқатни топмаган бўлсалар ҳам, биз уни баён қиламиз. Бу баёнимиз ҳиндларнинг бошқалар олдида ҳимоя қилиш йўсинида бўлмайди, балки мутолаа қилувчиларнинг табиатларини ўткир қилиш мақсадида бўлади.

Ҳиндларнинг ер қаватлари сони ва ер юқори қисмининг сонлари ҳақида фикрлари хилма-хил эмас, аммо уларнинг атамаларида ва атамаларининг олдинма-кейин келишида фикрлари турличадир. Биз кўпинча, ўша хилма-хилликни ҳинд луғати кўламининг кенглигидан деб биламиз. Чунки улар биргина нарсани жуда кўп ном билан атайдилар. Мисол учун қуёшни олайлик: айтишларига кўра, улар қуёшга мингтача ном берадилар. Араблар арслонни мингтага яқин исм билан атаганлар. Бу исмларнинг баъзилари асосий, баъзилари эса унинг ўзгариб турадиган ҳолатидан ёки ундан содир бўладиган феъллардан олинган исмлардир. Ҳиндларнинг айримлари тилларида биргина нарсанинг кўп исми бўлиши билан мақтанадилар. Ҳолбуки, бундай ҳолат тилни бузиш ҳолати саналади. Тилнинг вазифаси мавжудот ва ундаги нарсаларнинг ҳар бирига ўзаро келишиш йўли билан бир исмни беришдир. Уларнинг бири ўша исмни айтган пайтда, бошқаси ҳалиги исмни айтган кишининг мақсадини англаши керак. Биргина ном бир қанча нарсага нисбатан ишлатилса, бу [ҳол] фикр ифодалаш қобилиятининг ниҳоятда суст эканлигини кўрсатади ва бу ҳол исмни нима мақсадда айтилганини тингловчини сўзловчидан сўрашга мажбур этади. Шунда унинг ўрнига эҳтиёж қолдирмайдиган биргина ном айтилиши ёки мақсадни англатадиган изох берилиши керак бўлади. Агар биргина жисмга бир номнинг ўзи кифоя бўлган ҳолда, ҳар бир қабила ё табақа ўзи истаганича унга ҳар хил ном берса, номлар кўпайиб, мақсадга етиш мураккаблашади ва номларнинг биттасидан бошқалари кераксиз, маъносиз ва бутунлай бефойда бўлиб қолади. Устига-устак уларни ёдлашда, тилни ўрганишда қийинчилик туғдиради, умр зое бўлиб, машаққатлар чекишга тўғри келади. Китоб ва хабарларни тўпловчилар, бизнингча, ерларни жойлаштиришда тартибга қарамай, номларни баён қилиб кетаверганлар ёки нусха кўчирувчилар бекорчи нарсаларни ҳам кўчираверишган.

|| (113) Қуйидаги жадвалда бизга маълум бўлган ер қаватларининг номларини кўрсатамиз<sup>709</sup>.

Ерларнинг тартиб рақамлари	«Адития-пурана»		«Вишну-пурана»	«Ваю-пурана»		Оғзаки хабарларда эшитилган номлари
	Қуёшнинг уларга мос аъзолари	Уларнинг номлари		Уларнинг номлари	Уларнинг лақаблари	
Биринчи	Киндик	Тала	Атала	Абхастала	Кришна-бҳуми, «қоронги ер»	Амшу Амиша
Иккинчи	Сон	Сутала	Витала	Ила	Шукла-бҳуми, «ёруғ ер»	Амбаратала
Учинчи	Тизза	Патала	Нитала	Нитала	Ракта-бҳуми, «қизил ер»	Шарқара

Тўртинчи	Тиззадан пасти	Ашала	Габҳастимат	Габҳастатала	Пита-бхуми, «сарик ер»	Габҳастимат
Бешинчи	Болдир	Вишала	Маҳакия	Маҳатала	Пашана-бхуми, «мармар ер»	Маҳатала
Олтинчи	Тўпиклар	Мриттала	Сутала	Сутала	Шилатала «ғиштин ер»	Сутала
Еттинчи	Товон	Расатала	Жагара	Патала	Суварна-варна, «олтинранг ер»	Расатала

|| (114) «Ваю-пурана»га кўра, етти ер қатламларида яшовчи малаклар<sup>710</sup>.

[1] *Данавлардан*: Намучи, Шанкукарна, Кубандҳа, Нишкубада, Шуладанта, Лоҳита, Калинга, Швапада; илонлар подшоҳи Дҳанандава, Калия.

[2] *Дайтиялардан*: Суракшас, Маҳажамбҳа, Ҳаягрива, Кришна, Жанарта, Шанкҳакҳша, Гомукҳа; ва яна рақшаслардан: Нила, Мегҳа, Кратханака, Маҳошниха, Камбала, Ашватара, Такшака.

[3] *Данавлардан*: Рада, Ануҳлада, Агнимукҳа, Таракакша, Тришира, Шисшумара; булар ичида *рақшаслардан*: Чиявана, Нанда, Вишала; бу ерда яна кўп шаҳарлар бор.

[4] *Дайтиялардан*: Каланеми, Гажакарна, Унжара; ва яна *рақшаслардан*: Сумали, Мунжа, Врикавактра ва Гаруда номли улкан кушлар.

[5] *Дайтиялардан*: Вилочана, Жаянта, Агнижихва, Ҳираниякша ва бунда *рақшаслардан*: Видиюжжихва, Маҳамегҳа, Кармара илони, Свастикадава.

[6] *Дайтиялардан*: Кесари; ва яна *рақшаслардан*: Урдхвакужа, Шатраширша, яъни «юз бошли» ва у Индранинг дўсти; Васуки, бу эса илон.

[7] Бали номли подшоҳ ва *Дайтиялардан*; Мучукунда. Бунда рақшасларга тегишли кўп уйлар бор, яна бунда Вишну ва илонлар шоҳи Шеша яшайди.

Етти қават ердан кейин бир-бирининг устига жойлашган етти қават осмонлар келади. Улар локалар деб аталади; лока сўзи «йиғин ва мажлис қилинадиган жой» демакдир<sup>711</sup>. Юнонлар ҳам осмонларни малаклар йиғиладиган жой деганлар.

Иоанн Грамматик «Проклга раддия» [асарини] ёзганида: «Файласуфлардан бир гуруҳи Галактика, яъни «сут», бу эса Сомон йўли бўлиб, уни нотик руҳлар макони» деб ўйлаганлар, деган.

Шоир Гомер: «Сен пок осмонни худолар учун абадий турар жой қилдинг, уни шамоллар кўзгата олмайди, ёмғирлар нам қилмайди, қорлар уни йўқ қилолмайди, балки унда ҳаво кўм-кўк очик бўлиб, уни йўқ қилолмайди, балки бунда ҳаво кўм-кўк очик бўлиб, уни бекитадиган булут йўқ»<sup>712</sup>, дейди.

|| (115) Платон эса бундай деган: «Худо етти сайёраларга қарата: Сизлар худоларнинг худоларисиз, мен ҳамма амалларнинг отасиман ва сизларни кам-



чиликсиз қилиб яратувчингизман, чунки ҳар бир бойланган тугун ечилса ҳам, тартиби яхши бўлса, ҳеч бири бузилмайди, деб айтди»<sup>713</sup>.

Аристотель Искандарга юборган мактубларидан бирида шундай деган: «Олам ҳамма яратилганнинг тартибли тузилишидан иборатдир. Аммо унинг юқорисида бўлиб, ҳамма томондан уни ўраб ўз ичига олган жой худолар турадиган жойдир. Осмон худоларнинг жасадлари билан тўлиқ, биз у жасадларни ёритқичлар деб атаймиз». Яна у мактубининг бошқа жойида бундай деган: «Ер сув билан, сув ҳаво билан, ҳаво олов билан ва олов эфир билан ўралган; шунинг учун энг юқори жой худолар ўрни; қуйи жой эса сувда яшовчи ҳайвонлар ўрни бўлган»<sup>714</sup>.

«Ваю-пурана»да ҳам шунга ўхшаш сўз бор. У мана бундай: «Ерни сув, сувни соф олов, оловни шамол, шамолни осмон ва осмонни эса ўзининг эгаси тутиб туради». «Ваю-пурана»даги бу сўз Аристотель сўзига тартибдан бошқа нарсада қарши келмайди<sup>715</sup>.

Локаларнинг исмларида, ер қаватларининг номларида бўлгандек, фикрлари турлича эмас. Биз осмон қаватлари номларини аввалгига ўхшатиб шу жадвалда кўрсатамиз<sup>716</sup>.

Осмонларнинг тартиб рақамлари	«Адития-пурана»да, Куёш аъзоларининг тугган мавқелари	«Адития-пурана», «Ваю-пурана» ва «Вишну-пурана»да уларнинг номлари
Биринчи	Қорин	Бхурлока
Иккинчи	Кўкрак	Бхуварлока
Учинчи	Оғиз	Сварлока
Тўртинчи	Қош	Маҳарлока
Бешинчи	Пешана	Жаналока
Олтинчи	Пешана тепаси	Тапалока
Еттинчи	Бош усти	Сатиялока

|| (116) Булар [ер ва осмонлар ҳақидаги тасаввурлар] ҳаммаси [барча ҳинд муаллифларида] бир-бирига мувофиқ келади. Фақат «Патанжала» номли китобни шарҳ қилган кишида учраган номлар мувофиқ келмайди. Чунки у киши «Питаралар, яъни «оталар»нинг йиғиладиган жойлари Ой сферасида», деб эшитган. Бу эса, астрономларнинг фикрларига асосланган сўздир. Шундай қилиб, у шарҳ ёзувчи питараларнинг йиғиладиган жойини осмонларнинг биринчиси қилиб кўрсатган. Ваҳоланки, уни Бхурлоканинг ўрнига қўйиши керак эди. Лекин у шундай қилмади-да, бу [қилган] ортиқча иши билан яхши мукофот ўрни бўлган Сварлокани тушириб қолдирди. Кейин у бошқа бир иш қилди; бу иши пураналарда Браҳмалока деб аталган еттинчи лока – Сатиялокани осмонларнинг устига қўйди. Ваҳоланки, икки ном билан

аталган битта [осмон]ни кўйиш тўғрироқ бўларди. Ҳолбуки, унинг Браҳ-малокани бир томонда қолдириб, биринчи осмон [Бхурлока] ўрнига Питрило-кани кўйиши ва Сварлокани [катордан] туширмаслиги керак эди<sup>717</sup>. Етти қават ер ва етти қават осмон ҳақидаги сўзлар ана шулардан иборат.

Энди энг юқори ернинг қаватидаги қисмларини, ундан кейин айтилиши керак бўлганларни баён қиламиз. Ҳинд тилида оролни двипа дейдилар. Биз Сарандиб деб атайдиган ерни улар Сангаладип дейдилар<sup>718</sup>. Чунки Саран-дип оролдир, Дибажот ҳам шунга ўхшайди. Чунки улар кўп ороллар бўлиб, уларнинг баъзиси эскириб, ювилиб, устини сув босиб йўқ бўлиб кетади ва бошқа янги орол бир бўлак кум тўдаси сингари пайдо бўлиб, доимо кўпайиб, кўтарилиб кенгайди. Натижада, аввалги [тарқалаётган] оролнинг яшовчилари бу оролга кўчиб, уни обод қиладилар.

Ҳиндларнинг диний хабарларига асосланган фикрларига қараганда, биз устида яшаб турган Ер айланма [доира] бўлиб, уни денгиз ўраб туради. Ден-гизнинг у ёғида ҳалқага ўхшаган ер бор, шу ернинг нариги ёғида яна ҳалқа шаклли айланма денгиз бор. Шу тартиб давом этиб, куруклик ҳалқаларининг сони ва денгизларнинг сони еттитага тўлади. Лекин курукликлар ва денгиз-лардан иборат икки жинсдан ҳар бири ўзидаги, яъни ёндош жинсдан, албатта, икки марта катта бўлиб, уни ўраб туради. Шундай қилиб, ҳар бир жинснинг миқдори жуфт сонларники сингари кетма-кет бўлади. Шунда ўрталикдаги ер-нинг катталиги битта йўжана, унга ҳалқа бўлган етти бўлак ернинг ҳаммаси 127 йўжана бўлади. Ўртадаги ерни ўраб турган денгиз битта [йўжана] бўлса, унга ҳалқа бўлиб турган етти денгизларнинг ҳаммаси ҳам 127 та бўлиб, ден-гизлар ва ерларнинг ҳаммаси биргаликда 254 [йўжана] бўлади.

Лекин «Патанжала»га шарҳ ёзган киши ўртадаги ерни юз минг йўжана деб фараз қилган; бу ҳолда ерларнинг ҳаммаси 12700 000 йўжана бўлади. Ўртадаги ерни ўраб турган денгизни икки юз минг йўжана, ундан кейингисини эса тўрт юз минг йўжана деб фараз қилган<sup>719</sup>. Бу ҳолда денгизларнинг ҳаммаси 25400 000 йўжана бўлиб, ерлар ва денгизларнинг ҳаммаси 38 100 000 йўжана бўлади. Аммо «Ваю-пурана»да: «Ҳамма оролларнинг диаметри 37900 000 йўжана», дейилган. Бу аввалги сўзга мувофиқ келмайди, балки бундай бўлишининг йўли ҳам йўқ<sup>720</sup>. Лекин денгизлар олтига бўлиб, икки марта ортиши тўртинчи ден-гиздан бошланса, диаметрнинг ўшанча бўлиши мумкин. Денгизларнинг сонига келганда «Ваю-пурана»да еттинчи денгиз айтилмаган бўлиши эҳтимоли бор. Чунки у китобда куруклик тўғрисида гапирилган. Ҳолбуки, қачон куруклик ҳақида сўз юритилса, уни ўраб турган сув ҳақида гапиришга эҳтиёж сезилади.

Аммо икки марта ортишнинг тўртинчи денгиздан бошланишига келсак, асос тутилган қонунда бундан бошланишига важ йўқ, деб гумон қиламан.

|| (117) *Двипа* [орол]лар ва денгизлардан ҳар бирининг номи бор. Унинг маъносини жадвалда кўрсатишга ҳаракат қилдик<sup>721</sup>.

Двипа [орол]лар ва денгизларнинг тартиб рақами	«Матсия-пурана»		«Патанжала» шарҳи Вишну-пурана		Оғизлардан эшитилганлар	
	Двипалар	Денгизлар	Двипалар	Денгизлар	Двипалар	Денгизлар
Биринчи	Жамбудвипа	Лавана, яъни «туз»	Жамбу, дарахт номи	Кшара, яъни «туз»	Жамбу	Лаванда – самудра
Иккинчи	Шакадвипа	Кширодака, яъни «сут»	Плакша, дарахт номи	Икшу, яъни «шакарқамиш» шарбати	Шака	Икшу
Учинчи	Кушадвипа	Гхритаманда, яъни «ёғ»	Шалмали, дарахт номи	Сура, яъни «май»	Куша	Сура
Тўртинчи	Краунчадвипа	Дадхиманда, яъни «қатик»	Куша, ўсимлик номи	Сурпи [сарпис], яъни «ёғ»	Краунча	Сарпис
Бешинчи	Шамалидвипа	Сура, «гуруч ароғи»	Краунча, яъни «гурухлар»	Дадхи, яъни «қатик»	Шалмали	Дадхисагара
Олтинчи	Гўмедадвипа	Икшурасода, яъни «шакарқамиш шарбати»	Шака, дарахт номи	Кшира, яъни «сут»	Гўмеда	Кшира
Еттинчи	Пушкарарадвипа	Сводудака, яъни «чучук сув»	Пушкара, дарахт номи	Свадудака, яъни «чучук сув»	Пушкара	Пания

|| (118) Орол ва денгизларга шундай номлар берилиши ақлга тўғри келмайди. Исmlардаги бундай тартибсизликнинг сабабини қандай тўғри келса, тахминан, шундай санаб ном беришдан бошқа нарса деб билмайман. Бу ривоятларнинг дурустроғи фақат «Матсия-пурана»даги ривоятдир. Чунки унда «фалон денгиз фалон оролни, ундан кейин фалон орол фалон денгизни ўраб туради», деб орол ва денгизларнинг марказдагидан тартиб, то ён томонидагича [тартиб билан] санаб кўрсатади.

Энди «Матсия-пурана»га ўхшайдиган ва унга мувофиқ келадиганни, гарчи бундан аввалги жойларга мос бўлса ҳам, ҳикоя қиламиз. У мана шундай: «Патанжала» номли китобга шарҳ ёзган [киши] олам чегараларини баён қилганида, оламнинг қуйисидан бошлаб, «Қоронғулик подшолигининг миқдорини бир коти ва саксон беш лакша йўжана» деган. Бу 18 500 000 йўжанага тўғри келади.

Яна: «Унинг тепасида нарака, яъни жаҳаннамлар бор, уларни ўн уч коти ва ўн икки лакша» деган. Бу эса 131 200 000 йўжана бўлади.

«Кейин бир лакша қоронғулик бор», дейди. Бу 100 000 йўжана бўлади.

«Унинг тепасида қаттиқлиги сабабли Важра дейиладиган 34000 йўжанали ер бор», дейди. Важра деб олмос ёки осмондан тушиб эриган яшинларга ай-тилади.

«Кейин 60000 йўжана Гарбҳа бор, Гарбҳа ўрта демақдир. Унинг тепасида 30000 йўжана Олтин ер бор ва унинг устида ҳар бири ўн минг йўжанали ет-тита ер, ҳаммаси бўлиб эса 70000 йўжанадан иборат ерлар бор. Уларнинг энг юқорисида эса двипалар ва денгизлар бор. Чучук сувли денгизнинг нариги то-монида Локалока бор», дейди. Локалока – «йиғилиш ўрни эмас», яъни нообод ер ва унда ҳеч бир одамзод йўқ демақдир.

«Ундан кейин бир коти, яъни 10 000 000 йўжанали Олтин ер, унинг тепа-сида 6 134 000 йўжанали Питрилока бор.

Етти локанинг ҳаммаси Браҳманда сўзи билан аталиб, ўн беш коти бўлади. Бу эса 150 000 000 йўжанадир. Бунинг тепасида [юқорида айтиб ўтилган] қуйи [қоронғулик] сингари 18 500 000 йўжанали тамас қоронғилиги бор», дейди<sup>722</sup>.

«Вишну-пурана»да бу ҳақда шундай дейилган: «Қуйидаги еттинчи ер-нинг тагида Шешакҳия номли илон бор бўлиб, уни фаришталар улуғлайди. У Ананта деб ҳам аталади: Унинг мингта боши бор; у ҳамма ерларни кўтариб туради; ерлар унга оғирлик қилмайди. Бу ерлар бир-бирининг устига қаватма-қават бўлиб, энг яхши неъматлар ва қимматбаҳо тошлар билан зийнатлан-ган, қуёш ва ой нурларисиз ўша тошлар нури билан ёришиб туради. У ер-ларда қуёш ва ой чикмайди. Шунинг учун об-ҳаво ўртача бўлиб, унда турли райҳонлар, дарахтларнинг гуллари ва турли мевалар етилган. У ерларда яшов-чиларга замонлар[нинг ўтиши] сезилмайди. Чунки улар замонлар саноғини, миқдорини билдирадиган ҳаракатларни сезмайдилар. У ерларнинг миқдори етмиш минг йўжана ва ҳар бири ўн минг йўжанадир. Риши-Нарада ундаги-ларни кўриш, у ерларда дайтия ва данава жинсларидан яшовчиларни кўздан кечириш учун ўша ерга тушган. У ерларнинг неъматлари олдида жаннат неъматларини камситган, фаришталар олдига қайтиб бориб, шуларни ҳикоя қилган ва ерларни тавсиф қилиб, фаришталарни таажжубда қолдирган»<sup>723</sup>.

|| (119) У яна шундай дейди: «Чучук сувли океanning нариги томонида ҳамма орол ва денгизларга қараганда икки ҳисса келадиган, на инсонлар ва на жинлар билан обод бўлмаган Олтин ер бор, унинг нариги томонида Лока-лока тоғи бор. Унинг баландлиги ўн минг йўжана, кенглиги бундан ўн бара-вар ортиқ бир тоғдир. Бунинг ҳаммаси 500 000 000 йўжана, яъни эллик коти-дир»<sup>724</sup>.

У ерларнинг ҳаммаси ҳинд тилида дҳарти, яъни «ҳамма нарсани тутиб турувчи» ва видҳатри, яъни «ҳамма нарсани қўйиб юборувчи», деб атала-ди<sup>725</sup>. Бу эса бўшлиқ ҳақида ҳар хил ўйга борувчиларнинг фикрига ўхшайди. Бўшлиқнинг борлигини исбот этувчилар, унинг мавжудлиги жисмларнинг

унга қараб тортилишига сабаб бўлади, дейдилар; бўшлиқни [тан олмай] инкор қилувчилар эса унинг йўқлиги жисмларнинг тортилмаслигига сабаб бўлади, дейдилар.

«Вишну-пурана»нинг муаллифлари эса шундай дейдилар: «Оёқ босиш мумкин бўлган барча ер ёки кема юрадиган барча сув Бҳурлока». Гўё бу сўзи билан у энг юқори қават ернинг юзига ишорат қилади. Яна у дейди: «Ер билан Қуёш орасида сиддҳалар, мунилар ва гандҳарвалар – жаннат эгалари кезиб юрадиган ҳаво бор, бу [ҳаво] Бҳувалокадир. Шу уч ернинг ҳаммаси «уч притҳиви» ва уларнинг юқориси Вияса-мандала, яъни Вияса вилояти деб аталади.

Ердан Қуёш турган жойгача юз минг йўжана, Қуёш турган жойдан Ой турган жойгача ҳам шунча, ойдан Уторидгача икки лакша, яъни икки юз минг йўжана; бундан Зухрагача ҳам шунча, бундан Миррих, Муштарий ва Зухалгача бир хил узокликда бўлиб, ҳар бири икки юз минг йўжанадир. Зухалдан бир хил узокликда бўлиб, ҳар бири икки юз минг йўжанадир. Зухалдан Катта Айикгача юз минг, Катта Айикдан кутбгача минг йўжанадир. Бундан юқорида йигирма миллион йўжана узокликда Маҳарлока бор. Бунинг тепасида саксон миллион йўжана узокликда Жаналока, сўнгра тўрт юз саксон миллион йўжана узокликда Питрилока ва бунинг тепасида Сатиялока бор»<sup>726</sup>.

Буларнинг ҳаммаси «Патанжала» китобининг шарҳловчисидан ҳикоя қилганимиз [рақам]лардан уч марта каттадир. Бу ҳамма тилдаги нусха кўчирувчилар учун одат тусига кирган. Пураналарни ёзганлар ҳам бу одатдан холи бўлмасалар керак.

## XXII БОБ. ҚУТБ ВА УНГА ОИД ХАБАРЛАР ҲАҚИДА

Ҳинд тилида кутбни дҳрува ва ўкни шалака дейилади<sup>727</sup>. Ҳиндларнинг осмон қуббаси ҳақида юқорида баён этилган эътиқодлари сабабли, астрономларидан бошқа кишиларидан кутбни битта деган фикрни ўзгалардан кам эшитасиз. «Ваю-пурана» китобида: «Осмон кулолнинг чархига ўхшаб, кутб атрофида айланади, кутб эса турган жойидан қўзғалмай, ўз атрофида айланади ва 30 муҳурга<sup>728</sup>, яъни бир кеча-кундузда тўла айланиб чиқади», дейилган.

Жанубий кутб ҳақида ҳиндлардан шундай ҳикоя эшитдим:

|| (120) Бир вақтлар уларнинг Сумадагга номли бир подшоҳи бўлиб, у яхши амаллари сабабли жаннатга киришга ҳақли бўлган, лекин у бу дунёдан бошқа дунёга кўчганида, бандасининг рухидан ажралиб қолишига кўнгли ҳеч рози бўлмаган. Шунда у Васиштҳа исмли риши – зоҳид олдига бориб, ўз танасини севишини ва ундан ажрашни истамаслигини билдирган. Лекин Васиштҳа тупроқдан бино бўлган танасини кўтариб, бу дунёдан жаннатга боришига унинг умидини узган. Подшоҳ Васиштҳадан кейин унинг болаларига

ҳам шу эҳтиёжини арз қилган, улар подшоҳнинг юзига туфлаб, уни масҳара қилганлар. Уни икки қулоғига зирак тақилган ва янги кўйлак кийгизилган чандолага айлантирганлар. Подшоҳ шу ҳолатда Вишвамित्रа деган ришининг олдига борган. Риши унинг ҳолатига ачиниб, сабабини сўраганида, подшоҳ унга қиссани тўлиқ айтиб берган. Шунда риши қаттиқ ғазабланиб, катта бир қурбонлик қилиш учун браҳманларни йиғган. Браҳманлар орасида Васиштҳа авлоди ҳам бўлган. Зоҳид браҳманларга қараб: «Мен шу яхши подшоҳнинг истагига етишиши учун бошқа олам ва бошқа жаннат ясамоқчиман», деб қутбни ва жанубдаги Катта Айикни ясашни бошлаган. Фаришталар ва уларнинг бошлиғи Индра бундан кўрқишиб, Вишвамитранинг олдига келиб, ундан бошлаган ишини тўхтатишини сўраганлар ва подшоҳ Сумадатгани танаси билан жаннатга олиб боришларини шарт қилиб, буни амалга оширганлар. Шунда ҳалиги зоҳид Вишвамित्रа иккинчи олам ясашни тўхтатган, лекин ўша вақтгача ишлангани қолаверган<sup>729</sup>.

Маълумки, шимолий қутб бизда Катта Айик билан жанубий қутб Сухайл билан белгиланади. Лекин орамизда авом халққа ўхшаб «Осмоннинг жануб томонида ҳам шимолидаги каби Катта Айик юлдузлари бўлиб, улар шу қутб атрофида айланади», деган фикр ҳам бор. Агар шундай фикр денгиз сафарларида кўп юрган, осмон ҳолатларини диққат билан кузатиб борган ишончли, ростгўй киши томонидан берилса эди, ажабланмаслик мумкин. Ҳақиқатдан ҳам жанубий ерларда биз танимайдиган юлдузлар чиқади. Шрипаланинг айтишига кўра, ёзда Мўлтонда Сухайлнинг [осмонда] айланиб турадиган чизигидан қуйроқда қизил бир юлдуз кўринади, уни Шула<sup>730</sup> деб атайдилар. Шула салб ёғочидир. Ҳиндлар уни шум [юлдуз деб] ҳисоблайдилар. Шунинг учун ой Пурвабҳадрапада [манзили]да бўлса, жануб томонга сафарга чикмайдилар, чунки Шула ўша ўқда бўлади.

Ал-Жаҳоний «Китоб ал-Масолик» [«Йўллар китоби»] номли асарида айтишига кўра, Лангабалус номли оролда кишда, саҳар вақтида кун чиқиш томонда кема ўқи<sup>731</sup> қадар баландликда «Иситма юлдуз» деб машҳур бўлган ёруғ бир юлдуз кўринади. Шу жойда бир неча хира юлдузлар Кичик Айикнинг думи сингари узунчоқ шаклни ташкил этади. Бу «Тегирмон чўкичи» деб аталади, дейди. Браҳмагупта эса у шаклни Балиқ дейди. Ҳиндлар буни шаквара ва шишумара деб ҳам атаб, тўрт оёқли сув ҳайвони кўринишида тасвирлашлари тахминий хабарларга асослангандир. Бу ҳайвонни катта калтакесак деб гумон қиламиз, чунки унинг форсча номи сусмор бўлиб, иккала сўз орасида ўхшашлик бор<sup>732</sup>. Бу ҳайвоннинг тимсоҳ ва исқанқур каби турлари сувда яшайди<sup>733</sup>.

[Куйидаги] ҳикоя ҳам шундай афсоналардандир [асотир]. Браҳма одамларни яратишни истаганда, ўзини иккига бўлган, ўнг томонининг исми Вираз ва сўл томонининг исми Ману бўлган. Унинг номи билан аталган давр ман-

вантара дейилади. Манунинг икки ўғли бўлиб, бири Прияврата, иккинчиси қийшиқ оёқ подшоҳ Утганапада бўлган. Бу подшоҳнинг бир ўғли бўлиб, исми Дхрува бўлган. У ўғай онаси томонидан хўрланган, шу сабабли унга ҳамма ёритқичларни истаганча айлантириш қудрати берилган. Дхрува эса манвантараларнинг биринчиси Сваямбхува даврида пайдо бўлиб, у ўз жойида абадий қолган<sup>734</sup>.

«Ваю-пурана»да бундай дейилган: «Шамол юлдузларни қутб атрофида ҳаракат қилдиради. Улар одамлар кўрмайдиган боғичлар билан қутбга бойланганлар ва жувазакшларнинг ёғ кундаларида айлантириладиган ёғоч – ўқ сингари айланиб ҳаракат қиладилар. Ёғочнинг таги қўзғалмай, учи айланиб туради»<sup>735</sup>.

|| (121) «Вишну-дхарма» номли китобда шундай дейилади: «Нараянанинг биродари Балабҳадра болаларига Важра Маркандева деган зоҳиддан қутб ҳақида савол берди. Шунда у: «Брахма оламини яратганида олам қоронғу ва кўрқинчли бўлди. Шу пайт Браҳма куёш кулчасини нур сочувчи қилиб ва юлдузлар кулчаларини сувга ўхшатиб ясади. Уларнинг куёшга рўпара турган юзлари ундан нур олишга қобилиятли бўлдилар, Браҳма шу юлдузлардан ўн тўрттасини шишумара шаклига ўхшатиб, қутб атрофига жойлади. Қутбдан шимол томонда шишумара ҳайъатининг юкори жағи ўрнида Утганапада, қуйи жағи ўрнида Жайпа, бош ўрнида Дхарма, кўкраги ўрнида Нараяна, қутбдан шарқ томонда иккала қўли ўрнида Ашвини табиб дейиладиган икки юлдуз, ғарб томонда иккала оёғи ўрнида Варуна ва Аржаман, пешоб йўли ўрнида Санватсара, орқа йўли ўрнида Митра, думи ўрнида Агни, Маҳендра, Маричи ва Кашияпалар туради», деб жавоб берди.


У яна давом этиб деди: «Қутб – жаннат аҳли бўйсунган Вишну бўлиб, бу ҳам ундириб ўстирувчи, чиритиб йўқ қилувчи замондир». Кейин унда: «Шуни ўқиб ва қутбни аниқлаб таниган кишининг кундалик гуноҳларини Худо кечадди ва тайинланган умри ўн тўрт йил кўпаяди», дейилган<sup>736</sup>.

Бу соддадиллар шундай нарсаларга ажабланарли даражада инонадилар!

Бизда эса бир минг йигирмадан ортиқ юлдузларни танийдиган кишилар бор<sup>737</sup>. Уларнинг нафслари тугалиб, умрларининг кесилишига фақатгина шу ўн тўрт юлдузни танимасликлари сабаб бўлган экан-да! Юлдузларга нисбатан қутб ўрни қандай бўлса ҳам, улар айланиб турадилар.

### XXIII БОБ. ПУРАНАЛАР МУАЛЛИФЛАРИ МЕРУ ТОҒИ ҲАҚИДА

|| (122) Меру тоғи *двинпалар* ва денгизларнинг маркази ва қуруқликлардан бири бўлган Жамбудвипанинг маркази ҳамдир. Браҳмагупта айтган: «Ёр ва Меру<sup>738</sup> тоғининг тавсифи ҳақида одамларнинг, айникса, *пураналар* ва диний



конунлар китобларидан дарс берувчиларнинг турли-туман гаплари кўп. Баъзилар бу тоғни шундай тавсифлайди: у Ер юзидан ҳаддан ташқари баландга кўтарилган, у кутбнинг тагида, юлдузлар унинг этагида айланадилар, улар шундан чиқади ва шунга ботади, шундай қудратли бўлганидан у Меру деб аталган. Бу номнинг яна бир сабаби шуки, тоғнинг боши қувватлилиги сабабли Қуёш ва Ойни

[тўсиқлардан] очиқ кўрсатади. Унда яшайдиган фаришталарнинг кундузлари олти ой, кечалари ҳам олти ойдир». Яна Брамагупта айтишига кўра, «Жина», яъни Будда китобида: «Меру тоғи доира эмас, тўртбурчак шаклидек»<sup>739</sup>, дейилган. Унга шарҳ ёзган Балабҳадра бундай деган: «Одамларнинг баъзилари Ер текис, Меру тоғи ёруғ ва нурлидир<sup>740</sup>, дейишади. Агар улар айтгандай бўлса, – дейди у, – Меру тоғида турувчи кишилар уфқининг устида сайёралар айланмас эди. Агар унда ёруғлик бор бўлса, унинг тепасидаги кутб кўринганидек, баландлиги сабабли ёруғлиги кўринар эди. Баъзи кишилар бу тоғ олтиндан деса, бошқалар жавҳардан дейишади. Ариабҳатанинг фикрига кўра, бу тоғ баланд эмас, фақатгина бир йўжана кўтарилган бўлиб, тўртбурчак, доира шаклидадир. Ёруғ бўлса ҳам кўринмаслигининг сабаби шуки, у барча мамлакатлардан узок, ҳамма жойларга қараганда шимолда<sup>741</sup>, совуқ жойда, «Нандана-вана» чўлининг ўртасидадир. Агар бу тоғ жуда баланд бўлганда эди, олтмиш олти даражали кенгликда [турувчига], Саратон буржигга келганда [бир кеча-кундуз] тўла кўриниб турадиган Қуёш унда кўринмас эди»<sup>742</sup>.

Балабҳадранинг Меру уфқи атрофида юлдузларнинг айланиши сабабли Ер текис эмас дейиши исботга яқинроқдир. Ер текис бўлиб, ундаги тик нарсалар тоғдаги тик [чизик]га параллел бўлганда эди, албатта, ҳамма жойларда ҳам уфқ ўзгармасдан, кундузлар узунлиги тенг бўлар эди.

Ариабҳатадан ҳикоя қилинишига қараганда [гап шундай]:

*AB* маркази *X* да бўлган ер курраси бўлсин, *A* кенглиги олтмиш олти даражали бир жой бўлсин.

Энг катта оғишга тенг қилиб *AB* ёйни ажратсак, *B* нинг зенитида осмон кутби *C* туради. Ер куррасига *A* нуқтасида уринма қилиб *AC* чизикни тортайлик.

Бу чизик теварак атрофда кўзга кўриниб турадиган *A* нуқта уфқининг текислигида ётади. *A* билан *X* ни тўғри чизик билан бирлаштириб, *XBC* тўғри чизигини чизсак, бу *AC* билан *C* нуқтада учрашади. *XC* га *AT* ни перпендикуляр туширамиз. Маълумки, *AT* – энг катта оғишнинг синусидир, *TB* – ўки, *TX* – энг катта оғмани [90° га] тўлдирувчининг синусидир.



Ариабхата билан бахслашиб, иш бошлаганимиз учун синусларни ҳисоблашни ҳам уларнинг кардажалари асосида<sup>743</sup> бажарамиз. Унда  $AT$  1397 га,  $TX$  3140 га,  $BT$  эса 298 га тенг бўлади.

$HAC$  бурчаги тўғри бурчаклиги сабабли  $XT$  нинг  $TA$  га нисбати  $TA$  нинг  $TC$  га нисбати каби бўлиб,  $AT$  нинг квадрати 1951609, бу  $TX$  га бўлинса, натижа 622 чиқади. Демак,  $TB$  айирмаси 324 бўлиб, бу эса  $BC$  узунлигидир. Бунинг  $BX$  га нисбати [оғишнинг] тўла синуси бўлиб, 3438 дир. Бу эса  $BC$  йўжананинг  $BX$  йўжана нисбатига тенг, бу нисбат Ариабхатача саккиз юз. Буни ҳалиги айирмага кўпайтирса, 259290 га тенг бўлади. Бу тўлдирувчи синусга бўлинса, 75 ҳосил бўлади. Бу йўжананинг  $BC$  [бирлигида] узунлиги бўлиб, 600 милга ёки 200 фарсахга тенгдир.

Бу тоғнинг бўйи икки юз фарсах бўлса, унга чиқиш йўлининг баландлиги шунга икки бараварига яқин бўлади. Меру тоғининг катталиги шундай бўлса, олтмиш олти даражали кенгликдаги жойда унинг ҳеч бир жойида кўринмайди ва Саратон тропигининг ҳеч бир жойини бекита олмайди.

Меру у ерда уфқ тагида бўлгани сабабли, унинг ўрни кенлиги ҳалиги кенгликдан камроқ ва уфқлардан пастроқ жойлардан бирида бўлади.

|| (123) Майли, бу тоғ ёруғлик сочишда Куёшдек бўлсин ҳам дейлик. Ахир Куёш Ер остига ўтиб, кўринмай турганида уни қандай қилиб кўриш мумкин? Шу сабабдан бу тоғнинг [Ерга] нур сочиши Куёшниги билан тенг. Бизга кўринмаслиги эса узоқ совуқ жойда бўлганлигидан эмас, балки уфқдан пастлигидадир; бунга эса ернинг думалоқлиги ва оғирликларнинг Ер марказига томон тортилиши сабаб бўлади.

Яна: Ариабхатанинг [географик] кенгликнинг энг катта оғмани [90° даражага] тўлдирувчига тенг бўлган жойларда Саратон тропигининг кўринмаслигини Мерунинг унчалик баланд эмаслигига далил қилиши лозим эмас. Чунки биз ўша жойларда юлдузларнинг кенглик доираларининг ва бошқаларнинг [уфққа нисбатан] вазиятларининг қандайлигини кузатиш билан эмас, балки назария ва хабарларга асосланиб биламиз. У жойларда одамлар яшамайди ва у томонга йўл ҳам йўқ. Агар у жойлардан биров келиб унга [Ариабхатага] ўша кенгликда Саратон тропигининг кўринганидан хабар берса, биров келиб бизга ҳам ўша тропикнинг бир бўлагининг кўринмаганини, Мерудан бошқа бир бўлакни бекитиб турувчи нарса йўқлигини ва Меру бўлмаганда Саратон тропигининг бутунлай кўринишидан хабар берди, деб айта оламиз. Бу икки хабардан қайси бири қабул қилинишга лойикрок? Кусумапуралик Ариабхатанинг китобида: «Меру тоғи Ҳимавант – совуқ ерда бўлиб, у бир йўжанадан ортмайди», дейилган. Ушбу китобнинг таржимасида эса Меру Ҳимавантдан бир йўжанадан кўпроқ баланд, дейилган.

Бу киши Катта Ариабхата эмас, фақатгина суҳбатдошларидандир; у Катта Ариабхатани тилга олиб, унинг йўлидан юради<sup>744</sup>.

Хулоса шуки, бизга бу тоғ турган жойнинг шароити далилли исбот асосида маълум, тоғнинг ўзи эса ҳиндларнинг хабарларидан маълум. Ҳиндлар бу тоғ миқдорини бир йўжана ёки кўпроқ ёхуд тўрт бурчакли десалар ҳам барибир.

Энди риши [зоҳид]ларнинг Меру тоғи ҳақидаги сўзларини баён этайлик. «Матсия-пурана»да бундай дейилган: «У тоғ олтиндан, худди тутунсиз тоза олов сингари ёруглик беради, тўрт томонида тўрт хил ранг бор. Шарқ томонининг ранги браҳманлар ранги каби оқ, шимол томониники кштари рангига ўхшаш қизил, жануб томониники вайшия ранги сингари сариқ ва ғарб томониники шудра ранги каби қорадир. Тоғнинг баландлиги 86000 йўжана, бундан ерга кирган қисми 16000 йўжана, чорраҳасининг ҳар бир томонининг узунлиги 34000 йўжанадир. Бу тоғда чучук сувли дарёлар оқади, мусаффо ҳаволи жойлари кўп. Бу ерда асура, дайтия ва рақшаслар жинси бор. Бунинг атрофида Манаса деган ҳовуз, ҳовузнинг теваарагида – тўрт томонида локапала бор. Булар оламни ва унинг аҳлини сақловчилардир.

Меру тоғининг етгита бўғини бор, бўғинлари катта тоғлардир; уларнинг номлари: Маҳедра, Малава, Сахжа, Шукдибам, Рикшабам, Виндҳия, Парижатра, Кичик тоғлар эса санаб бўлмайдиган даражада кўп бўлиб, бу ерда одамлар яшайди.

|| (124) Меру атрофидаги катта тоғларга келганда, уларнинг бири Ҳимавант; унинг тепасида доимо қор бўлади. Бу ерда рақшаса, пишача ва чакша номли қабилалар жойлашган. Яна бири эса Ҳимакота номли олтинсимон тоғдир. Бунда гандҳарва ва апсараслар яшайди. Яна бири эса Нишадҳа номли тоғдир. Бунда нага илонлари яшайди, улардан етгита энг катталарининг номи қуйидагича: Аната, Васуки, Такшака, Карқўтака, Маҳападма, Канбала ва Ашватара. Яна бири, товусдек кўп рангли Ниладир. Бунда сиддҳи ва браҳмарши зоҳидлар туришади. Яна бири: Швета тоғидир. Бунда дайтия ва данава яшайди. Яна бири: Шрингавант номли тоғдир. Бунда девларнинг ота-боболари питаралар яшайди. Бу тоғларнинг: шимол томони яқинида бутун бир калпа давридан бери сақланиб келаётган жавҳарлар ва дарахтлар билан тўла тоғ йўллари бор. Бу тоғларнинг ҳаммаси Пурушапарвата деб аталади. Ҳимавант билан Шрингавант орасида Кайлоса номли ер бор. Бу ерда истиқомат қилувчи рақшаслар билан апсарасларнинг муносабатлари жуда яқин»<sup>745</sup>.

«Вишну-пурана»да: «Ўрта ернинг катта тоғлари шулар: Шри-парвата, Малайя-парвата, Малиявант, Виндҳия, Трикута, Трипурантика ва Кайласа. Буларда яшовчилар дарёлардан сув ичадилар ва доимо шод турадилар», дейилади<sup>746</sup>.

«Ваю-пурана»да тоғнинг тўрт томони ва баландлиги миқдори юкоридагидек баён қилиниб, кейин бундай дейилади: «Унинг ҳар томонида тўрт бурчакли тоғ бор; шарқ томонида Малиявант, шимол томонида Анила, ғарб томонида Гандҳамадана ва жанубида Нишадҳа»<sup>747</sup>.

«Адития-пурана»да Мерунинг томонлари ҳақида айтиб ўтилган сўзлар келтирилган, лекин унинг баландлиги ҳақида у китобнинг ҳеч бир ерида сўз учратмадим. У ерда айтилишига кўра, Меру тоғининг шарқ томони тилладан, гарб томони кумушдан, жануб томони қизил ёқут ва шимол томони эса турли қимматбаҳо тошлардан иборат.

Бу тоғнинг ҳаддан ташқари катталиқ миқдорлари ернинг айtilган миқдорлари билан юргизилмаганда эди, «Патанжала» китобига шарҳ ёзган киши каби муболага билан сўзловчига ёлғончилик эшиги очилар эди. Чунки ўша шарҳ қилувчи киши Меруни квадрат шаклли дейишдан ўтиб, узунчоқ тўрт бурчакли деб, бир томони ўн беш коти, – бу 15 000 000 йўжана, бошқа томонини беш коти, яъни юкоридагининг учдан бири қилиб кўрсатган. Тўрт томони ҳақида эса, «Мерунинг шарқ томонида Малава тоғи ва денгиз бўлиб, бу иккаласининг орасида Бҳадрашва жойлашган. Шимол томонида Нила, Сита, Шригандри тоғлари ва денгиз, иккаласининг орасида Рамияка, Ҳиранмая ва Куру мамлакатлари бор. Гарб томонида Гандҳамодана тоғи ва денгиз мавжуд; иккаласининг оралиғида Кетумала мамлақати бор. Жануб томонида Мраварта, Нишадҳа, Ҳемакута, Ҳимагири ва денгиз бор; икки орада эса Бҳаратаварша, Кимпуруша ва Хариварша мамлакатлари бор», деган<sup>748</sup>. Меру тоғи ҳақида хиндларнинг фикрлари шулардан иборат.

Буддавийларнинг Меру тоғи ҳақида на бирорта китобини ва на бу тоғ ҳақида уларнинг фикрларини айтиб берадиган бирорта кишини топа олмаганимиз учун, биз уларнинг сўзларини ҳикоя қилганимизда, Эроншаҳрий воситаси билан ҳикоя қилдик. Лекин бу ҳикоя бизнинг фикримизга кўчирилган ҳикоядир. Эроншаҳрий буддавийлардан мана шундай сўзларни ҳикоя қилган: «Меру тўрт томонидаги тўрт оламнинг ўртаси: қуйи томони квадрат, юкориси доира, узунлиги 80 000 йўжана, ярми осмонга кўтарилган ва ярми ерга ботган. Бизнинг оламга ёндош бўлган жанубий томони ҳаво ранг ёқутдандир, шу сабабли осмон кўк кўринади, қолган томонлари қизил, сариқ ва оқ ёқутлардандир. Шундай қилиб, мана шу Меру тоғи ернинг ўртасидир<sup>749</sup>.

|| (125) Аммо бизнинг авом халқимиз Қоф деб атайдиган тоғни хиндлар Локалока деб атайдилар. Улар «Куёш ундан Меру томонга қараб айланади ва унинг фақатгина шимолий ички томонидан бошқа ёғини ёритмайди», деб даъво қиладилар<sup>750</sup>.

Сўғд мажусийлари ҳам шунга ўхшаш фикрга борганлар: Ардия тоғи оламнинг чеккасида бўлиб, ташқарисида эса ҳўм бўлади. Бу эса инсоннинг кўзига ўхшаган, бунда ҳар бир нарсадан бор; ҳўманинг нариги томони бўшлиқдир. Оламнинг ўртасида Гирнагар тоғи бор, бу тоғ иқлимимиз билан олтинчи иқлим орасидадир. Иккала иқлим оралиғида қуйдирувчи иссиқ қумлик бор. Бу ерга [инсон] оёғи бориб етолмайди. Бу ернинг ўзига хос, ҳар йили тақорланувчи одатдаги об-ҳаво шароитида фалаклар тегирмон сингари айланади, бизнинг республикамиз жуда қуруқ иқлим бўлган ҳудудда жойлашган<sup>751</sup>.

## XXIV БОБ. ПУРАНАЛАРГА КЎРА ЕТТИТА ДВИПА ҲАҚИДА

Ўрта орол ўзидаги Жамбу-двипа деб аталадиган дарахт номи билан аталади. Бу дарахтнинг шохлари юз йўжанага чўзилган. Ернинг одамлар яшайдиган қисми ва унинг тақсимланиши баён қилинган пайтда ўрта оролнинг тавсифи ҳам тугал қилиб ёзилади. Энди ўрта оролни ўраб турган бошқа ороллар ҳақида «Матсия-пурана»да келтирилганларга асосланиб ҳикоя қиламиз.

Лекин аввал «Ваю-пурана»да шу орол ҳақида нима дейилганидан бошлаймиз, яъни: «Мадхвадешанинг маҳаллий аҳолиси икки гуруҳга бўлинган, дейишади. Улардан бири кимпурушалар. Уларнинг эркаклари тилла ранглиги билан, аёллари эса сурену деб таниладилар. Улар узоқ умр кўрадилар, ҳаётлари давомида касал бўлмайдилар, гуноҳ иш ва бир-бирларига ҳасад қилмайдилар, мадия номли хурмо мевасининг сувини сиқиб олиб, шу билан овқатланадилар. Иккинчи гуруҳдагилар ҳарипурушлардир. Булар кумуш рангли бўладилар, ўн бир минг йил умр кўрадилар, эркакларида соқол ўсмайди, овқатлари шакарқамишдан иборат»<sup>752</sup>.

Соқолсизликларидан, тилла ва кумуш рангида бўлишларидан, улар турклармикин, деган фикр келади. Лекин хурмо ва шакарқамиш билан овқатланишларидан, ҳаёлингизга жануб томонларда яшовчи халқлар келади. Бирок куйган кумуш рангли киши сифатига ўхшашлар занжийларда бор. Шунингдек, уларнинг табиатида ғамгинлик, бир-бирини кўролмаслик йўқ. Чунки уларнинг феъл-атворида ёмонлик пайдо бўладиган сабабнинг ўзи йўқ. Занжийлар соддаликлари сабабли табиий ўлим воқеа бўлишларини билишмайди, уни заҳардан бўлади деб ўйлайдилар. Агар ўлиқ қурол билан ўлдирилмаган бўлса, унга, албатта, шубҳа билан қарайдилар. Борди-ю, у сил касали билан вафот этса ҳам, заҳарланган деб бировларга тухмат қиладилар.

|| (126) Энди Шака-двипа [баёни]га келайлик. «Матсия-пурана»да ёзилишига кўра, бу оролда еттита катта дарё бор. Буларнинг биттаси покликда Ганг дарёси билан тенгдир. Биринчи денгизда кўп жавҳарларга эга бўлган еттита тоғ бор. Буларнинг баъзисида девлар, баъзисида шайтонлар туради. У тоғларнинг бири олтинли бўлиб, бундан булут кўтарилади, кейин устимизга келиб ёмғир ёғдиради, у тоғларнинг яна бирида турли доривор гиёҳлар бор ва фаришталар раиси Индра бундан ёмғир олади. Яна улардан биттаси Сома<sup>753</sup> деб аталади; унинг қиссаси қуйидагича:

Кашияпанинг иккита хотини: бири илонлар онаси Кадру, иккинчиси қушлар онаси Вината бўлган. Булар иккаласи бир вақтда саҳрода бўлиб қолишди, худди шу пайтда бу ерда кулранг от ҳам бўлган. Шунда илонлар онаси унинг ранги [қора] деган. Иккаласи гаров бойлашиб, кимнинг сўзи ёлғонга чиқса, у сўзи тўғри чиққанга қул бўлишини шарт қилганлар, [ким ҳақ, ким ноҳақлигини] эртасига ҳал қилмоқчи бўлганлар. Шунда илонлар онаси

ўша кечаси қора болаларини отнинг олдига юборган. Улар отга чирмашиб, унинг рангини бекитганлар. Шу билан қушлар онаси бир қанча вақт илонлар онасига қул бўлиб қолган. Қушлар онасининг икки ўғли бўлиб, бири Ануру – бу отлар билан тортиладиган Қуёш минорасини кўриқловчи; иккинчи ўғли Гаруда эди. Гаруда онасига: «Нима билан қулликдан озод қилинишингни кундошинг болаларидан сўра», деган. Онаси сўраганида, унга: «Девлардаги мамнунлик хусусияти билан озод қилинади», деган. Шу пайтда Гаруда дев олдига учиб бориб, улардан мамнунликларини талаб қилган. Шунда улар Гарудага: «Мамнунлик девга хос хусусиятдандир. У бошқаларда ҳосил бўлса, улар дев сингари абадий яшайдилар», деб жавоб беришган. Гаруда, онаси озод қилингунча, мамнунликни ўзига бериб туришларини ва кейин ўзларига қайтариб беришини зорланиб илтимос қилган. Шунда девлар Гарудага раҳм қилиб, мамнунликни унга берганлар. Гаруда уни олиб Сома тоғига келган, онаси кундошининг болалари шу ерда эдилар. Гаруда мамнунликни уларга бериб, онасини озод қилдирган. Кейин Гаруда кундошининг болаларига: «Ганг дарёсида чўмилгунингизгача мамнунликка яқинлашманг», деган. Шунда кундошининг болалари мамнунликни ўз жойига қўйиб, чўмилишга кетишган. Гаруда эса мамнунликни олиб, девга қайтарган. Шу сабабдан улуғликка эришиб, ҳатто қушларга подшоҳ бўлиб Вишнуга улов бўлган<sup>754</sup>.

Айтилишича, ўша оролда яшовчилар яхши одамлар бўлиб, узоқ умр кўрадилар<sup>755</sup>. Улар бир-бирларига ҳасад қилмасликлари ва жанжаллашмасликлари сабабли подшоҳларнинг сиёсатларига ва кўриқлашларига эҳтиёжлари йўқ. Уларнинг замонлари ҳаммаси ўзгармайдиган *третаюгадир*. Уларда тўрт ранг, яъни бир-биридан ажраб турадиган табақалар бор; улар бир-бирларидан қиз олиб, қиз бермайдилар. Улар доимо шод бўлиб, хафаликни билмайдилар. «Вишну-пурана»да айтилишига кўра, улардаги табақаларнинг исмлари шундай: арияка – бу табақаларнинг юқори даражалиси, кейин курура, вивимша, бҳанишйати – улар Васудевага ибодат қиладилар.

Сўнгра учинчи орол Кушадир. «Матсия-пурана»ча, бу оролда жавҳарлар, турли мевалар, гуллар, райҳонлар ва турли экинларга эга бўлган етти та тоғ бор. Улар Дрона деб аталади. Бу ерда доривор гиёҳлар жуда кўп.

Бу оролда қора булутга ўхшаш бошқа бир тоғ мавжуд бўлиб, у Ҳари деб аталади. Бунда Маҳиша номли олов бор. Бу олов сувдан чиққан ва олам йўқ бўлиш вақтигача сувда туради. Оламни куйдириб юборадиган ана шудир. Бу оролда етти мамлакат ва сонсиз дарёлар мавжуд бўлиб, уларнинг суви денгизга оқиб тушади ва Индра ёмғир ёғдириш учун ўша дарёлар сувини олади. Жавну – шўр дарёларнинг улуғларидан бўлиб, гуноҳлардан пок қилувчидир. «Матсия-пурана»да бу орол аҳли ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. «Вишну-пурана»да эса: «Бунда яшовчилар гуноҳ қилмайдиган, тақводорлар бўлиб, ҳар бирлари ўн минг йил умр кўради; улар Жанордана-

га ибодат қилишади. Булардаги табақалар номлари: дамин, шушмин, снеха ва мандеҳадир»<sup>756</sup>.

Сўнгра тўртинчи орол Краунча-двипадир. «Матсия-пурана» бўйича, бу оролда жавҳарлар ва Ганг дарёсининг шохобчалари бўлган дарёлар ва мамлакатлар бор. Бу мамлакатларда оқ рангли, яхши ва пок кишилар яшайдилар. «Вишну-пурана»да: || (127) «Одамлар бу оролда бир жойда йиғилиб, бир-бирларидан табақага ажралмай яшашади» дейилиб, кейин ундаги табақалар номи ҳақида шундай дейилган: «Улар пушкара, пушкала, дҳания ва тишия, булар Жанорданага ибодат қиладилар»<sup>757</sup>.

Сўнгра бешинчи орол – Шалмала-двипа, «Матсия-пурана»даги гапларга кўра, бу оролда тоғлар ва дарёлар бор. Бу ерда яшовчилар узоқ умр кўрувчи бўлиб, улар сира ғазабланмайди ва қаҳатчилик кўришмайди. Уларда кўп меҳнат сарфламай озиқ-овқатга етишиш мумкин. Наслсиз – туғилмай кўпаядилар, касал бўлмайдилар, ғам чекмайдилар, сармоядорлик қилиб, бир-бирларига ўчакишмасликлари сабабли подшоҳларга эҳтиёжлари сезилмайди. Улар қаноат қилиб, тинч яшайдилар, гўзалликни ихтиёр қиладилар, яхшиликни севадилар, ҳавонинг иссиқлиги ва совуқлиги ўзгармайди, шунинг учун улардан сақланишга эҳтиёж йўқ. Уларда ёмғир бўлмайди. Сувлари ердан қайнаб чиқади ва тоғлардан сизиб тушади. Шалмала-двипанинг нариги томонидаги оролларда ҳам аҳвол шундай. Бу оролда яшовчилар бир уруғ бўлиб, табақаларга ажралмайди ва улар узоқ (уч минг йил) умр кўришади.

«Вишну-пурана»да, улар чиройли юзлилар бўлиб, Бҳагаватга ибодат қилиб, олов учун қурбонлик қилишади. Улар узоқ (ўн минг йил) умр кўришади. Улардаги табақаларнинг номлари: капила, друна *пита* ва кришна дейилган<sup>758</sup>.

Олтинчи орол – Гумеда-двипа бўлиб, «Матсия-пурана»га кўра, бу оролда иккита тоғ бор. Буларнинг бири тим қора, бу Сумана деб аталади ва оролнинг кўп қисмини ўраб туради. Иккинчиси олтин рангли ва жуда баланд бўлиб, Кумуда деб аталади; бу тоғда доривор гиёҳларнинг ҳамма турлари топилади.

Оролда иккита мамлакат бор. «Вишну-пурана»да «Бу орол халқлари такводор кишилар бўлиб, гуноҳ қилишмайди ва Вишнуга ибодат қилишади. Булардаги табақаларнинг номлари: мрита, магадҳа, манаса ва мандага. Бу оролнинг гўзаллиги шу даражадаки, жаннатдагилар томоша қилиш учун вақт-вақти билан бу жойга келиб кетадилар», дейилган<sup>759</sup>.

Сўнгра еттинчи орол – Пушкара-двипадир. «Матсия-пурана»да айтилишига кўра, бунинг шарқ томонида Читрашала [Чатрасана], яъни сатҳи нақшли тоғ бор. Бунинг жавҳарлардан таркиб топган шохобчалари бўлиб, баландлиги 34000 ва айланаси 25000 йўжана. Ғарб томонида Манаса номли ва тўлин ойдек ёруғ тоғ бор. Бунинг баландлиги 35000 йўжанага тенг. Унинг кун чиқиш томонида иккита мамлакат бор. Кейинги икки орол халқларининг ҳар бири ўн минг

йилгача умр кўришади. Ичадиган сувлари ердан қайнаб чиқади ва тоғлардан сизиб тушади. Бу ердагилар ҳуснда тенгсиз бўлиб, узоқ умр кўрадилар.

Улар бир уруғ бўлиб, ораларида қарама-қаршилик йўқ, қаҳатчилик кўришмайди ва қаришмайди. Доим роҳатда ва бир-бирлари билан тотув яшайдилар, яхшиликдан бошқани билишмайди, гўё улар жаннат боғида туришади. Бу ердагилар ҳуснда тенгсиз бўлиб, узоқ умр кўрадилар.

Уларда хизматкорлик, хўжайинлик, гуноҳ қилиш, бир-бирини кўролмаслик, қарама-қаршилик, гап-сўзга бориш, экин экиб, меҳнат қилиш ва савдогарчиликка уриниш йўқ<sup>760</sup>.

«Вишну-пурана»да бундай дейилган: «Пушкара-двипа» – ўзидаги катта бир дарахтнинг номи билан аталган. Бу дарахт – нияградҳа деб ҳам юритилади. Дарахтнинг остида Брахма-рупа, яъни Брахма сурати бор. Девлар ва данавалар шу суратга ибодат қиладилар. Бу оролда яшовчилар бир-бирлари билан тенг; улар хоҳ инсонлар бўлсин ва хоҳ девлар бўлсин, бари бир, ўзаро ортикчаликлари йўқ. Бунда Манасўттама деган биргина тоғдан бошқа тоғ йўқ. Орол доирали бўлганидан бу тоғ ҳам доира [шаклида]дир. Унинг чўккисидан ҳамма ороллар кўринади. Чунки унинг баландлиги 50000 йўжана, кенглиги ҳам шунча»<sup>761</sup>.

## XXV БОБ. ХИНДИСТОНДАГИ ДАРЁЛАР, УЛАРНИНГ БОШЛАНАДИГАН ЖОЙЛАРИ ВА ТУРЛИ ЎЛКАЛАРДАН ЎТАДИГАН СУВ ЙЎЛЛАРИ ҲАҚИДА

|| (128) «Ваю-пурана»да машҳур катта тоғлардан бошланадиган дарёлар баён этилган. Биз бу тоғларни Меру тоғининг тизмалари деб айтган эдик. Ўқувчига қулайлик туғдириши учун ушбу тоғлар ва дарёлар номларини куйидаги жадвалда кўрсатдик<sup>762</sup>.

Катта тизмалари	У тоғлардан Нагарасамвриттага оқиб чиқадиган дарёлар номи
Махендра	Трисага, Ришиқулия, Икшула, Трипава, Аяна, Лангулини, Вамшавара
Малавийя	Критамала, Тамраварна, Пушпажати, Утпалавати
Саҳия	Гўдавари, Бҳимаратҳи, Кришна, Вайния, Саванжула, Тунгабҳадра, Супрайога, Пажая, Кавери
Шукти	Ришика, Балука, Кумари, Мандавахини, Кирпа, Палашини
Рикша	Шўна, Маҳанада, Нармада, Сураса, Кирва, Мандакини, Дашарна, Читракута, Тамаса, Пирияла, Шрўни, Карамода, Пишабика, Читрапала, Маҳавега, Банжула, Балувахини, Шуктимати, Шакурна, Тридива
Виндҳия	Тапи, Пайошни, Нирбиндҳия, Сирва, Нишадҳа, Венва, Вайтарани, Сини, Хаху, Кумудвати, Тўба, Маҳагаури, Дурга, Анташила
Париятра	Ведасмрити, Ведавати, Вритрагҳни, Парнаша, Нандана, Саддана, Рамади, Пара, Чарманвати, Лупа, Видиша

«Матсия-пурана» ва «Ваю-пурана»да Жаму-двипага оқадиган дарёлар ва уларнинг Ҳимавант тоғларидан бошланишлари айтилган. Биз дарёларнинг тартибини кўзда тутмадик, балки фақатгина сонига эътибор бердик.

|| (129) Энди ҳиндлар ери чегарасини тоғлар ўраб турганини тасаввур қилишимиз керак. Шимол томонида қорли Ҳимавант тоғлари туради. Ўртада Кашмир жойлашган бўлиб, у турклар мамлакатига туташади. Одамлар яшайдиган ерлар тугаган жойга қадар ва Меру тоғигача ҳавонинг совиши ортиб боради. Чунки бу тоғлар узунлик бўйича чўзилган. Улардан шимол томонга оқиб чиқадиган дарёлар турк, тибет, хазар ва славян ерларидан ўтиб, Журжон денгизига, ё Хоразм кўлига, ё Понт денгизига, ёки Шимолий Славянлар денгизига тушади<sup>763</sup>. Жануб томонларига оқиб чиқадиганлари ҳиндлар еридан ўтиб, агар етиб бора олса, ёлғиз ёки қўшилишиб, Улуғ денгизга қуйилади.

Демак, Ҳиндистоннинг сувлари ё шимол томондаги совуқ тоғлардан ёки шарқ томондаги тоғлардан чиқади. Шарқ томондаги тоғлардан бошланганлари худди шимолдан бошланганлари сингари шарққа қараб чўзилиб, жануб томонга бурилади. Сўнгра Улуғ денгизга етиб, машҳур Рама Тўғони<sup>764</sup> ёнида бўлиниб, денгизга қўшилиб кетади. Албатта, бу тоғлар у ерлардаги иссиқ-совуқлик жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

Қуйидаги жадвалда дарёларнинг номлари кўрсатилган<sup>765</sup>:

Синд ёки Вайханд дарёси	Биятта ёки Жайлам дарёси	Чандрабхага ёки Чандраха дарёси	Биёха Лаҳор ғарбидан чиқади	Иравати Лаҳор шарқидан чиқади	Шатарудра ёки Шаталдар дарёси
Сарсат Сарсат мамлакатидан ўтади	Жаун	Ганга	Сараю ёки Сарва дарёси	Девика	Куху
Гомати	Дхутапапа	Вишала	Баҳудаса	Кауишки	Нишчира
Гандақи	Лўхита	Дришадвати	Тамра Аруна	Парнаша	Ведасмрити
Видасини	Чандана	Кавана	Пара	Чарманвати	Видиша
Венумати	Сипра Парият-радан чиқиб, Ужайдан ўтади	Каритўя	Шмаҳина	—	—

|| (130) Каябиш, яъни Кобул мамлакатига яқин тоғлардан шоҳобчалари билан Ғорванд дарёси чиқади. Бунга қуйиладиганлар: Ғўзак довонидан ўтадиган дарё; Парвон шаҳри қуйисидаги Панжҳир шоҳобчаларининг дарёси; Ланбага, яъни Ламғон шаҳри устидан ўтадиган Шарват ва Сава сувлари қўшилиб, булар Дрўта қалъаси олдида туташади ва шу сувга яна Нур ва Кират<sup>766</sup> суви ке-



либ куйилади. Натижада, бу дарёлардан Пуршовар шаҳри рўпарасида «Кечар жой» деб машҳур бўлган катта дарё вужудга келади. Бу жой ўша дарёнинг шарқ томон киргоғидаги Маханара кишлогидадир. У сув Қандахор шаҳри куйисидаги Битур, яъни Вайҳанд қалъаси<sup>767</sup> олдида Синдх сувиға қўшилади.

Сўнгра, Жайлам деб машҳур бўлган унинг ғарб томонидаги Биятта суви ва Чандараҳа суви келиб, иккаласи Жаҳраварнинг эллик милга яқин юқорисида қўшилиб, Мўлтоннинг ғарб томонидан ўтади. Мўлтоннинг шарқ томонидан Биёх суви ўтиб, уларға қўшилади.

Ирова дарёси оқиб келиб, бунга Баҳатул<sup>768</sup> тоғларидаги Нагаркотдан чиқадиган Гаж дарёси, кейин Шатладара дарёси қўшилади.

Булар [яъни, Биятта, Чандараҳа, Биях, Ирава, Шатладара] Мўлтондан пастроқда, Панчанада<sup>769</sup>, яъни «беш дарёнинг қўшиладиган жойи» дейилган мавзеда бирлашгач, катта дарёға айланади. Қорлар эриш вақтида суви кўтарилиб, ўн фарсахға яқин ерга ёйилиб боради; чўллардаги дарахтларни кўмиб кетади, ҳатто дарахтлар шохларининг тепасида йиғилиб қолган хас-чўшлар кушларнинг уяларига ўхшаб кўриниб туради.

Шу беш дарё сувлари йиғилиб, Синд шаҳарларидан ҳисобланадиган Арўр шаҳридан ўтганда, биз мусулмонлар уни Меҳрон дарёси деб атаймиз. Бу дарё тинч ёйилиб тиниб, оролларға ўхшаган жойларни айланиб оқади ва ниҳоят Ал-Мансураға боради – Ал-Мансура шу дарё шохобчаларининг оралиғида ва икки жойда, бири Лоҳарани шаҳри олдида, иккинчиси Качч чегараларининг шарққа мойилроқ жойида денгизға куйилади. Бу денгиз Синдху-Сагара, яъни «Синд денгизи»<sup>770</sup> номи билан машҳурдир.

У жой «Беш дарёнинг қўшилган ери» [Панжоб] дейилганидек, мазкур тоғлардан шимол томонға оқиб, Термиз шаҳри олдида бирлашиб, Балх дарёсига айланган жойни ҳам «етти дарёнинг қўшилиши» [Еттисув] деб аталади. Суғд мажусийлари бу икки жойни бир-бириға қориштириб, етти дарё бирлашмасини Синдх, бунинг энг юқориси Баридишдир, дейдилар. Бунга тушиб куёш ботишға қараб турган киши (биз бу ерда сўл томонимизда кўрганимиздек) ўнг томонида куёш оғаётганини кўради.

Сарсати дарёси эса Соманатҳнинг шарқидан бир ўқ отимча ерда денгизға қўшилади.

Жаун дарёси Канауж шаҳрининг куйисида Ганг дарёсига куйилади; Канауж дарёнинг ғарб томонида. Сўнгра бу иккала бирлашма Гангасагара<sup>771</sup> ёнида Улуғ денгизға куйилади.

Сарсати ва Ганг дарёларининг денгизға куйиладиган жойлари оралиғида шарқий тоғлардан келадиган Нармада дарёсининг куйиладиган жойи бор. Нармада жануб томондан ғарбға қараб оқади ва Баҳрўж шаҳри яқинида денгизға куйилади. Баҳрўж Соманатҳнинг шарқ томонида бўлиб, ундан олтмиш йўжанача узокдадир.

Ганг дарёсининг нариги томонида Раҳаб ва Кавини дарёлари бирлашиб, Бари шаҳрининг якинида Сарва дарёсига қўшилади.

Ҳиндларнинг фикрига кўра, Ганг дарёси қадимда жаннат ерларидан оқиб ўтган эмиш. Бунинг жаннатдан ерга тушганлиги воқеаси келгусида ҳикоя қилинади<sup>772</sup>.

|| (131) «Матсия-пурана»да айтилишича: «Ганг дарёси ерга тушгач, етти шахобчага бўлинган, улардан узунасига ўртадагиси шу Ганг номи билан машхур бўлган, учтаси шарқ томонга оқади; уларнинг номлари: Налини, Ҳрадини ва Павани; учтаси ғарб томонга оқади; буларнинг номлари Сита, Чакшу ва Синдхуидир.

Сита дарёси эса Ҳимавантдан бошланиб, Салила, Карстуба, Чина, Варвара, Яваса, Баҳа, Пушкара, Кулата, Мангала, Кавара ва Сангаванта мамлакатларидан ўтиб, сўнгра ғарб денгизига қўшилади».

Сита дарёсининг жанубидан Чакша дарёси оқиб, Чин, Мару, Калика, Дхулика, Тукҳара, Барбара, Кача, Паҳлава ва Барванчат мамлакатларини суғоради.

Синдх дарёси эса Синдху, Дарада, Зиндутунда, Гандаҳара, Русара, Крура, Шивапура, Индрамару, Сабати, Сайндҳава, Кубата, Баҳимавара, Мара, Мруна ва Сукурда мамлакатларидан ўтади.

Шахобчаларнинг тик оқадигани ва ўрта қисми бўлган Ганг дарёси гандҳарва – мусикачилар, киннара, йакша, видиядҳара, урага, яъни кўкрак ва қоринлари билан судралиб юрувчилар – булар илонлардир – Калапаграма, яъни яхшилар қишлоғи, кимпуруш, кхас – булар тоғликлар, кирата, булинда-на – булар саҳроларни овловчи ўғрилар, гуруна, бҳарата, панчалан, кавшака, матсийон, магадҳан, брахмуттаран, тамалипутан кабилар узра ўтади. Кейин у филлар кони ва чиқадиған жойи бўлган Виндҳия тоғи ораликларидан ўтиб, сўнгра жануб денгизига қўшилади.

Гангнинг шарқ томонидаги шахобчаларига келсак, Ҳрадини дарёси нишаба, ўпагана, диҳивара, пришака, ниламукха, кикара, уштракарна, яъни лаблари кулоқлари сингари қайтарилган, кирота, калидара, виварна, яъни қораликларидан рангсиз дейиладиган кишилар, кушикана, сваргабхуми, яъни жаннат замини кабилар узра ўтиб, кейин шарқ денгизига қуйилади.

Павани дарёси эса, купатҳ – гуноҳлардан пок кишилар ерлари, Индраюмна исмли подшоҳ ҳавзаларини, кҳарапатҳа, битра ва санкупатҳларни суғоради. У Удиянаму чўлини ёриб, кушаправарана, яъни брахманлар жимжиллоқлари номли хашакни кийим қилиб киювчилар ерларидан ўтади. Сўнгра Индрадвипандан ўтиб, ундан кейин шўр денгизга қуйилади.

Налини дарёси тамаран, ҳамсамарга, самухука, пурна (булар ҳаммалари яхши одамлар бўлиб, ёмонликлардан покдирлар) ерларидан ўтади, кейин тоғлар ўрталарига кириб, карнаправарна, яъни кулоқлари елкаларига тушган

кишилар ерлари, ашвамукха, яъни юзлари от, эшак ва бошқалар юзлари сингари кишилар ерлари, Парватамару – тоғлик саҳролар ва Руммимандалудан ўтиб, кейин денгизга куйилади.

Аммо «Вишну-пурана»да баён этилишига кўра, ўрта ернинг денгизга куйиладиган дарёларининг кагталари: Анутапата, Шикхи, Дипапа, Тридива, Карма, Амрита ва Сукритадир<sup>773</sup>.

## XXVI БОБ. ОСМОН ВА ЕРНИНГ ШАКЛЛАРИ ҲАҚИДА ҲИНД АСТРОНОМЛАРИНИНГ ФИКРЛАРИ

Бу ҳақда ҳиндлардаги ҳолат ўзга бирмунчадир. Чунки Қуръони карим ўзидан олдин нозил бўлган китоблар сингари бу бобда ҳар бир эҳтиёж сезиладиган нарса тўғрисида то зўрма-зўракичасига маълум бўлгунича, турли маъноларга йўйиб, тўғри йўлдан чиқиб кетишга мажбур этадиган мужмалноаниқ қилиб гапирмаган. Қуръони каримда фақатгина маълум ва зарур нарсалар ҳақида шубҳали бўлмаган, аниқ ҳукмлар чиқарган.

Лекин ислом дини бошланғич пайтларида, ўз душманларидан бўлган бир гуруҳнинг макр ва алдов кулоли бўлиб қолган; яъни улар ўзларини ислом динини қабул этган қилиб кўрсатиб, содда кўнгилли кишиларга Аллоҳ (на оз бўлсин, на кўп бўлсин) ҳеч бир яратмаган нарсаларни ўз китобларидан ҳикоя қилганлар. Улар бу сўзларга инониб, иккиюзламачиликларга алданиб, айтганларини ёзиб олганлар. Чунки авом халқнинг қалблари хурофотга жуда мойил; шунинг натижасида хабар ва ривоятлар қоришиб кетган<sup>774</sup>.

Сўнгра Ибн ал-Муқаффа, Абдулкарим ибн Абул-Авжа<sup>775</sup> ва шу каби Монийга эргашган зиндиқлар<sup>776</sup> бошқа бир бахтсизликни келтириб чиқардилар. Улар Биринчи Ягона ҳақида эътиқодлари заиф кишиларни, дунёда адолат ҳам зулмга оид ҳодисалар юз бериб туриши жиҳатидан, шак-шубҳага солиб, Биринчи Ягонани иккита дейишга [дуализмга] мойил қилдилар ва Моний эътиқодини уларга яхши қилиб кўрсатдилар.

Моний, оламнинг ҳайъати ҳақида сўзлашдан ўзини тийса ҳам, ўз мазҳабидаги жоҳилона тушунчаларни бўяма гаплар билан баён қилишда чекланмаган кишидир.

Шу эътиқод турли тилларда тарқалиб, яҳудийларники сингари юқорида айтилган алдовларга кўшилди ва ислом динига мансуб бир фикрга айланди. Аллоҳ [исломни] бундайлардан пок қилсин! Бу фикрга қарши турган ва бу тўғрида Қуръонга мувофиқ бўлган ҳақ гапни маҳкам ушлаган киши кофир ва имонсиз дейилди, қони тўкилишга ҳукм чиқарилди ва сўзини эшитишга руҳсат берилмади. Ваҳоланки, бу Фиръавннинг: «Мен энг олий раббингизман»<sup>777</sup> ва «Сизлар учун ўзимдан бошқа маъбуд бор деб билмайман»<sup>778</sup>, деган сўзларни эшитишдан ҳам ёмон эди.

Асабийлик ва тарафкашлик чўзилиб кетиб, баъзан кизишиб тўғри йўлдан оғиб кетамиз. Тўғри йўлни мақсад қилиб олган ва бу мақсадда ҳақ-ҳақиқатни кўзда тутган кишининг қадамини Аллоҳ барқарор қилсин!

Ҳиндларга келсак, уларнинг диний китобларининг ва бурунги хабарларни билдирадиган пураналарининг ҳаммаси олам тузилиши ҳақида астрономларининг тўғри ва равшан фикрларига зид келадиган фикрларни гапиради. Лекин бу гуруҳлар урф-одатларга амал қилишда ўша [китоб ва пурана]ларга амал қилишга мажбурлар, кўпчилик халқ ҳам астрономик ҳисобларга, астрологик фолларга суяниб хавфли ҳодисалардан сакланиш йўлида ўша китобларга бўйсунушга буюрилганлар. Ҳаммалари астрономларга мойиллик изҳор қиладилар, уларнинг фазилатларини гапирадилар, уларни кўришни яхши иш санайдилар, улардан ҳеч бир киши дўзахга кирмайди, улар жаннати деб ишонадилар. Астрономлар бунга мукофот учун, халқ фикрининг кўпчилиги ҳақиқатга тўғри келмаса ҳам, у фикрларни тасдиқлайдилар; айрим кишиларни керакли даражада руҳлантирадилар. Шунинг учун замонлар оша бу икки хил фикр бир-бирига қоришиб, айниқса, хабарларга тақлид қилиб, шуларга асосланувчи ва бу хабарларни текширмайдиган астрономларнинг сўзлари ишончсиз бўлиб қолди. Бундайлар кўпчиликни ташкил қилади.

|| (133) Энди уларнинг фикрларини баён қилиб шуларни айтамыз: уларнинг фикрига кўра, осмон ва олам айланма шакл ва Ер эса шар шаклидадир. Ернинг шимол томонининг ярми куруклик, жануб томонининг ярми сувга кўмилган. Улар фикрига кўра, Ер катталиги юнонлар ўйлагандан ҳам, кейингилар ва ҳозиргилар назарига нисбатан ҳам каттароқдир. Улар Ерни таъриф қилишда денгизлар, ороллар ва уларнинг миқдорини кўрсатадиган кўп йўжаналар ҳақида гапирмайдилар. Улар Меру тоғининг шимолий қутб остида бўлиши ва Вадавомукҳа оролининг жанубий қутб остида<sup>779</sup> бўлишидан иборат астрономияга монелик қилмаслик ҳақидаги дин уламоларининг фикрларига эргашадилар. Меру тоғи шимолий қутб остида бўлса ҳам, бўлмаса ҳам, бари бир, бундан мақсад ернинг тегирмон сингари айланиш хусусиятларини билдирмоқдир. Ер юзидаги ҳар бир жойга, яъни нуқтага тегишли бўладиган зенит нуқта ҳавода, яъни осмонда бор. Вадавомукҳа оролининг жанубий қутб остида бўлишига келсак, бу хабарнинг зарари йўқ – шундай бўлиши ҳам мумкин. Эҳтимол, Ер чоракларидан бўлган икки чорак курукликка диаметрал қарама-қарши куруклик бордир; худди шунингдек, сув остида кўмилиб қолган бошқа икки чорагининг ҳам диаметрал қарама-қарши бўлиши зарурдек кўринади. Шундай қилиб, ҳиндлар «Ер ўртада ва оғирликлар унинг томонига тортилади», дейдилар. Бундан чиқди, осмон ҳам шар шаклида бўлиши керак.

Пулиса ўзининг «Сиддҳанта»сида айтишига кўра; «Юнонлик Паулиса бир жойда Ерни шар шаклли, бошқа жойда эса юзи ясси шаклда, деган. Ик-

кала гапи ҳам тўғри. Чунки Ер юзи юмалоқ, диаметри эса тўғридир. Паулиса Ернинг шакли шардан бошқа эмаслигига ишонган, бунга ўзининг ҳамда Варахамира, Ариабхата, Дева, Шрешена, Вишнучандра ва браҳма каби<sup>780</sup> олимларнинг бир огиздан Ер шар шаклли дейишлари далил бўлган. Чунки Ер думалоқ бўлмаганида, одамлар яшайдиган жойлар кенглиги географик минтакаларга ажралмас эди, ёзу қишда кеча билан кундуз узунлиги ўзгармас эди, ёриткичларнинг [уфққа нисбатан] вазиятлари ва айланиш йўллари ҳозиргидек кўринишда бўлмас эди.

Ернинг турган жойига келсак, бу ўрта жой осмон маркази бўлиб, Ернинг ярми куруклик ва ярми сувдир. Дев, фаришталар макони бўлган Меру тоғи ернинг куруклик қисмида, шимолий қутб бунинг тепасида; сув билан қопланган ярми – жанубий қутб остида Вадавамукҳа бор. Вадавамукҳа орол сингари курукликдир. Бунда Мерудаги фаришталарнинг яқинлари бўлган дайтия ва нага турадилар. Шунинг учун у Дайтиянтара<sup>781</sup> деб ҳам аталади.

Ернинг куруклик ва ҳўлликдан иборат иккала ярмини [паллаларини] ажратувчи чизик ниракша<sup>782</sup>, яъни кенглик даражаси йўқ жой, деб аталади. Бу чизик экватордир. Бунинг тўрт томонида тўртта катта шаҳар бор: шарқ томонида Ямакўти, жанубида Ланка, ғарбида Рўмака, шимолида Сиддхапура<sup>783</sup>.

Ер икки қутб билан сақланиб [уларга тортик] ўқ билан ушланиб туради. Куёш нури Меру ва Ланка устидан ўтган чизикқа тушган вақтда Ямакўтида кундуз ярми, Юнонистонда кеча ярми ва Сиддхапурада кечкурун бўлади». Ариабхата ҳам худди шундай дейди.

|| (134) Жишну Бҳилламалаликнинг ўғли Браҳмагупта ўз «Браҳма сиддхан-та»сида бундай деган: «Ер шакли ҳақида одамларнинг, айникса, пураналардан ва диний қонунлар китобларидан ўрганувчиларнинг айтганлари турличадир. Баъзилари Ер ойна сингари текис, баъзилари, тоғора каби ичи чуқур, баъзилари эса ойнага ўхшаш сатҳи ясси ва денгиз билан ўралган, кейин уни куруклик, кейин яна денгиз ўраб олган» деган ва ҳоказо. Шундай қилиб, уларнинг ҳар бири ҳалқа сингари айланасимон бўлиб, бири бошқасини ўраб туради. Денгизлардан ва курукликлардан ҳар бир жойнинг миқдори ўз ичидагидан икки марта катта бўлиб, энг четдаги куруклик энг ўртадаги курукликдан олтмиш тўрт марта катта бўлади. Энг узоқдаги ўраб турган денгиз ҳам энг яқин ўраб турган денгиздан олтмиш тўрт марта катта. Лекин чиқиш ва ботиш вақтининг ҳар жойда ҳар хил бўлиб, ҳатто Ямакўтидаги бир кишининг маълум бир вақтда бир юлдузнинг гарбий уфқда бўлганида ва Румдаги бир кишининг худди шу вақтда уфқда «шайтонлар ватани» бўлган – Ланка тепасида турган вақтларида Ланкадагилар эса уни ўзларининг бош устларида кўришлари ҳам осмон ва Ернинг шар шаклида эканидан далолат беради. Буларнинг шарликлари зарур дейилмаса, [астрономик] ҳисоблар тўғри бўлмайди. Демак, осмонни шар шаклида дейишимиз зарур. Чунки осмондаги хусусиятларнинг олам шар шаклида

бўлгандагина тўғри юз беришини кузатиб турамыз. Шундай бўлгач, бу ҳақда бошқа сўзларнинг нотўғрилиги махфий бўлмай қолади».

Ариабхата оламдан баҳс қилиб, дейди: «Олам тупроқ, сув, олов ва шамолдан иборат бўлиб, буларнинг ҳаммаси юмалоқдир».

Шунингдек, Васиштха ва Лата ҳам «Тупроқ, сув, олов, шамол ва осмондан иборат бўлган беш унсур думалоқдир», дейди.

Варахамира: «Кўриниб, сезилиб турган нарсалар уларнинг шар шаклида эканини исботлайди ва уларда бошқа шаклнинг йўқлигини кўрсатади», дейди.

Ариабхата, Пулиса, Васиштха ва Лата, Ямакўтида кундуз ярим бўлганда худди шу вақтда Румда ярим кеча, Ланкада – кундуз боши ва Сиддхапурада – кечанинг боши бўлади, деган фикрга келганлар; булар фақат [Ер] шар шаклида бўлгандагина юз бериши мумкин, [шар шаклдан] бошқа ҳолда бўлганида мумкин бўлмайди. Шунингдек, оламнинг тузилиши думалоқлиги сабаблигина вақт-вақти билан қуёш тутилиши давом этади.

Лата бундай деган: «Ернинг ҳар бир жойида осмон сферасининг фақатгина ярми кўринади. Шимолий кенгликларда [туриб] қараганда, Меру ва кутб уфқдан кўтарилган ҳолда кўринади, жануброқдаги кенгликларда у иккаласи паст ҳолда кўринади. Иккала томоннинг ўрталигида [Ер экваторида] турувчига осмон экватори боши тепасида кўринади. Шимол ва жануб томонларининг бирида бўлган ҳар бир киши фақатгина ўзи турган томондаги кутбни кўради, қарши томондаги кутбни кўрмайди».

Ҳиндларнинг осмон, Ер ва булар оралиғидаги нарсаларнинг шар шаклида эканлиги, Ерни олам марказида деб, осмоннинг кўриниб турган қисмига нисбатан унинг жуда кичик миқдордалиги тўғрисидаги сўзлари ана шулардир. Бу сўзлар гарчи биз ўрганган йўсинда аниқлаб текширилган бўлмаса ҳам, «Ал-мажистий»нинг биринчи мақоласи ва бунга ўхшаш бошқа китоблар ўз ичига олган астрономия фанининг бошланғич тушунчалари ҳисобланади<sup>784</sup>.

Гап шундаки, тупроқ сувдан оғирроқ, сув эса ҳаво каби оқувчан, шунинг учун Ернинг шар шаклида бўлишлиги табиий зарурдир. Йўқса, Ерни бу шаклдан чиқариб юборишлик учун биронта илоҳий ҳодиса бўлиши муҳим.

|| (135) Ернинг шимол томони фақат қуруқлик бўлиб, жануб томони эса сувдир; бир бутун шарнинг ярми қуруқлик, қолган ярми сувдан иборат бўлиш тахмини тўғри эмас.

Бу ҳол фақат икки оролдаги қуруқлик қовлаб олингандан кейингина мумкин бўлади, холос. Аммо бизнинг текширишимизча, ернинг шимолий икки чорагидан бири қуруқлик, шу сабабли бу чоракка диаметрал бўлган чоранинг ҳам қуруқлик бўлишини тахмин қиламыз. Вадавамукҳа деган оролнинг бўлиши мумкин деймиз-у, аммо, албатта, у мавжуд дея олмаймиз, чунки унинг ва Меру тоғининг борлиги аниқланмаган, фақатгина хабарларга асосланган, холос.

Экватор эса, қуруклик билан денгиз оралиғини ажратиб турган чизикда (бизга маълум бўлган чоракда эмас) Мағриб Суданининг чўллари каби жойларда қуруклик денгизни қисиб ичига кириб, экватордан ўтиб кетади. Чунки у чўллар Ой тоғларининг нариги томонидаги жойларгача, Нилнинг биз текшира олмаган манбаларигача денгизни ёриб кирган. Аниқлай олмаганимизга сабаб шуки, у жойларга қурукликдан юриладиган йўл йўқ; денгиз томондан ҳам Софала занжийлари мамлакатининг нариги ёғида бўлиб, бирон кема ўзича адашиб у ёқларга бориб қолган эмас, бирор кимса қайтиб келиб ҳам кўрганларидан хабар берган эмас.

Шунингдек, ҳинд заминидан Синд мамлакатлари юқорисидаги катта бир бўлак ер ҳам экватордан жанубга ўтган деб ҳаёл қилинади. Булар [Судан ва Ҳиндистон] оралиғидаги Араб ва Яман мамлакатлари денгизга кўп ичкари кирмаган, бу кирган қисми экватордан нарига ўтган.

Қуруклик денгизга киргани сингари денгиз ҳам қурукликка кирган ва бирмунча жойларда уни ёриб қўлтиқ ва кўрфазларга айлантирган. Масалан, денгиз Араб мамлакатининг ғарб томонидан тил шаклида Шомнинг ўртасигача ёйилиб кириб, Қулзум деб машҳур бўлган жойда ингичкалашган. Яна шу денгизнинг ундан каттароқ бир қисми араб мамлакатининг шарқ томонидан ёриб кириб, Форс денгизи<sup>785</sup> деб танилган.

Шунингдек, Ҳинд ва Хитой мамлакатлари орасида денгиз шимолга томон кўпгина бурилиб кирган, бунинг натижасида денгиз қирғоғи шакли доимо экваторда бўлишдан ёки ўзгармайдиган даражада экватордан узоқда туришдан чикиб қолган<sup>786</sup>.

Тўрт шаҳар ҳақида кейинги мавзуларда ҳикоя қилинади.

Вактларнинг ҳар жойда ҳар хил бўлишининг сабаби эса Ернинг шарлиги ва доимо олам ўртасига тортилиши натижаларидандир. Ер шари ҳақида гапирилганда ундаги, яшовчилар ҳам кўшиб гапирилади (шаҳарларнинг яшовчилари бўлиши, албатта, зарур) бу эса оғирликларнинг марказ томонга, олам ўртасига тортилиши натижаларидандир.

«Ваю-пурана»даги сўз шунга яқин келади: Амараватида кундуз ярим бўлса, Вайвасватада кун чиқаётган, Сукҳада ярим кеча, Вибҳида кун ботаётган вақт бўлади<sup>787</sup>.

|| (136) «Матсия-пурана»даги сўз ҳам шунга яқин: «Меру тоғидан шарқ томонда Амараватипура шаҳри бор. Бу раис Индраники бўлиб, бунда унинг хотини туради; жануб томонда Самияманипура<sup>788</sup> шаҳри бор; бунда қуёшнинг ўғли Яма туради: у шу жойда одамларни азоблайди ва яхши мукофот беради; ғарб томонда Сукҳапура шаҳри бор. Бунда Варуна, яъни сув туради. Шимол томонда Ойга тегишли Вибҳаварипура шаҳри бор. Қуёш ва сайёралар Меру атрофида айланадилар. Амараватипурада Қуёш меридианга келганида Самияманипурада кундуз бошланади. Сукҳада ярим кеча, Вибҳаварипурада

кеча бошланади. Самияманипурада Куёш меридианда бўлганда, Сукхапурада Куёш чиқаётган, Амараватипурада ботаётган, Вибахаварипурада эса ярим кеча бўлади».

«Матсия-пурана» муаллифининг «Куёш Меру атрофида айланади», дейишидан мақсади Меруда турган одамларнинг юқорисидан Куёш тегирмон сингари айланади, Куёш шундай суръатда айланиши сабабли у ерда шарқ томон ҳам ва ғарб томон ҳам йўқ, дейишидир. У ерда Куёш белгили бир жойдан чиқмасдан, балки турли жойлардан чиқади.

«Матсия-пурана»да бир шаҳар томонини кўрсатиб, уни шарқ деб атаган ва унга қарама-қарши бошқа бир шаҳарни кўрсатиб, у томонни ғарб деб атаган. Ҳинд астрономлари айтган тўртта шаҳар шулар бўлиши мумкин. «Матсия-пурана»да у шаҳарлар билан тоғ орасидаги узоклик кўрсатилган эмас.

Биз ҳиндлардан ҳикоя қилган бошқа нарсалар бу айтганларни исбот этади. Лекин кутбдан гапирганда, у билан бир вақтда шу Меру тоғидан ҳам гапириш ҳиндларнинг одатларидандир.

Брахмагупта бундай деган: «Олимларнинг айтишларига кўра, ер шари маркази осмоннинг ўртасида, Меру тоғи ер шарида бўлиб, унда девлар яшайди; Мерудан энг қуйида Вадавамукҳа ороли бор; бунда уларга қарши *дайтия* ва *данавадан* иборат кишилар туради. Бу олимларнинг қуйилик деб айтгани мартабадан бошқа нарса эмас. Ҳолбуки, Ернинг ҳамма томонида ҳам шароит бир хилдир. Ер устидаги ҳамма кишилар ўзларини юқорида турамиз, деб ҳисоблайдилар. Ернинг нарсаларни тутиб, сақлаб туриши табиий бўлганидек, оғир нарсаларнинг Ерга тушиши ҳам табиий. Сувнинг табиатда оқиш, олов табиатида куйдириш, ел табиатида қўзғотиш бор. Масалан, уруглар сочиб ташланганда Ерга тушади, холос, юқорига кўтарилиб ундан чиқиб кетолмайди».

Вараҳамиҳира бундай деган: «Тоғлар, денгизлар, дарёлар, дарахтлар, шаҳарлар, одамлар, фаришталар – ҳаммалари Ер шарининг атрофидадирлар. Ямақўти билан Рум бир-бирига қарама-қарши жойлашган бўлса ҳам, бирисига нисбатан бошқасини пастда дейиш мумкин эмас, чунки қуйилик бўлмагандан кейин, биридаги ҳолат бошқасидаги каби бўлгач қандай қилиб бирини қуйи [бошқасини баланд] деб бўлади? Шундай қилиб, ҳеч бири қуйиликка муносиб эмас, чунки ҳар бири ўзи ҳақида, ўзича: «Мен баланд, бошқалар паст», дейди. Ҳаммалари Ер шари теварагида, кадамба<sup>789</sup> номли дарахт шохларидан чиққан гулларга ўхшайдилар, у гуллар дарахт атрофида чирмашадилар, ҳар бири ўз жойида худди бошқа бири сингари туради, бири қуйига осилиб, бошқаси юқорига кўтарилиб турмайди. Демак, Ер ўз устидаги нарсаларни тутиб туради. Чунки Ернинг барча томони қуйилик ва осмоннинг барча томони баландликдир».

|| (137) Ҳинд олимлари, гарчи ҳадис ва шариат китоблари эгаларига тилғламалик қилсалар ҳам, уларнинг шу бобдаги сўзлари тўғри қонуларни




ўрганиш натижасида айтилганлиги кўриниб турибди. Шарҳ ёзган Балабҳадра шундай дейди: «Сўзлар кўп ва хилма-хил, лекин улар орасида энг дурусти «Ер ҳам, Меру ҳам ва юлдузлар осмони ҳам шар шакллидирлар», дейилганидир. Апта-пурана-кара<sup>790</sup>, яъни пураналарга эргашувчи садоқатли кишилар шундай дейилар: «Ер тошбақанинг устки қисмига ўхшайди. У таг томонидан думалоқ эмас». Шунда Балабҳадра: «Улар тўғри айтганлар, чунки Ер сувнинг ўртасида, унинг кўриниб турадиган қисми тошбақанинг устки қисмига ўхшаб кўринади. Ерни ўраб турган денгизда юриб бўлмайди, эклиптиканинг шарлиги кўз билан кўрилиб турибди», деган.

Буни қарангки, уларнинг Ер сирти тошбақанинг устки қисмига сингари думалоқ дейишларини тасдиқлаб туриб, «таги думалоқ эмас», деган гапларига эътибор бермаган ва бу хусусга уланмайдиган сўз билан овора бўлиб, яна Балабҳадра бундай деган: «Ерни айлантириб олган чизиқ узунлиги беш минг йўжана бўлиб, бунинг тўқсон олтидан бирини одам кўзи кўра олади, холос. Бу эса эллик икки йўжана бўлади. Шунинг учун Ернинг думалоқ экани сезилмайди. Бу тўғрида сўз кўпайишига ана шу ҳолат сабабдир».

Бундай садоқатли кишилар Ер юзининг думалоқ эканини инкор қилмаганлар. Чунки уни тошбақа устки қисмига ўхшаш деб исботлаганлар. Аммо Балабҳадра эса уларнинг сўзидан думалоқ деган гап чикмайди, деган. Чунки у, уларнинг сўзларини, сув ерни ўраб туради, деган маънога йўяди. Нарсанинг сувдан чиқиб турган юзининг шар сиртининг бўлагидек кўриниши ҳам, тўнқарилган ноғора сиртидек текис ва ғўланинг ярим палласидек айланма бўлиши ҳам мумкин. Одам бўйининг кичиклиги сабабли Ернинг шарлиги сезилмайди, деган сўз тўғри эмас. Чунки одам бўйи баланд тоғники қадар бўлса ҳам бир жойда туриб, ер устига қарасаю, жойдан-жойга кўчиб, ердаги бор турли ҳолатларни бир-бирига солиштириб қарай олмаса, ундай узун бўй ернинг шарлигини билишга ҳам, унинг чегарасини аниқлашга ҳам фойда келтиролмайди.

Лекин бу сўз ҳалиги садоқатли кишилар фикрига қандай уланади? Агар Балабҳадра ернинг думалоқ томонга муқобил томонини, яъни остини, орият тарикасида бўлса ҳам, думалоқ деб исботлаб, кейин ўша гапини гапирса, ҳатто уни ақлга мувофиқ ва кўриб гапирилган гап деб кўрсатса, сўзи бир қадар ўринли бўлар эди.

Балабҳадра томонидан ернинг кўриниб турган бўлаги миқдорининг ҳисобланиши: Ер шари  $AB$  бўлиб,  $E$  маркази бўлсин,  $B$  нуқта атрофга қарагувчи кишининг турган жойи, чизиқ  $BC$  унинг бўйи бўлсин:  $CA$  чизиғи ерга уринма қилинса,  $AB$  чизиқ ернинг кўринган бўлаги бўлади. Шу миқдорни ер айланасининг тўқсон олтидан бир бўлаги деб фараз қилайлик. Агар ер айланасини уч юз олтмиш даража десак, ҳалиги [кўринган бўлак] учтаю, яна ярим ва чорак кам бир даражага тенгдир. Меру тоғи бобидаги ҳисоблаш сингари  $FA$  квадрати-



ни, яъни 50 625 ни  $EF$  га, яъни 3 431 га бўлсак,  $FC - 0^{\circ}14'45''$  чиқиб, одам бўйи  $0^{\circ}7'45'' - BC$  бўлади. Бу ҳисоб  $EB$  нинг тўла синусининг 3 438 бирликка тенглигига асосланган. Лекин Ер диаметрининг ярми айлананинг айтиб ўтилган миқдорига кўра 7 952 716 йўжана бўлади. Энди  $BC$  ни бу ўлчовга айлантирсак, у бир йўжана, 6 кроша, 1 035 газ, яъни 57 035 газ бўлади.

|| (138) Агар  $BC$  ни тўрт газ деб фараз қилсак, бунинг синус миқдори билан  $AF$  га нисбати 57035 нисбати каби бўлади. Бу сон синус, яъни 225 миқдорига кўра қоматнинг  $AF$  га нисбатан 225 миқдорига кўра қоматнинг  $AF$  га нисбатан газлари сони бўлади. Шунда синусни чиқарсак у  $0^{\circ}0'1''3'''$  бўлиб, ёйи ҳам шунча бўлади. Лекин Ер шари айланасида бир

бўлакнинг [бир даражанинг] узунлиги юқорида айтилганича ўн уч йўжана, етти кроша, уч юз ўттиз уч газ ва газнинг учдан бири бўлади. Демак, ердан икки юз тўқсон бир газ ва газнинг учдан иккиси кўришиб туради.

Балабҳадранинг бу ҳисоблаш усули «Пулиса-сиддханта»даги доира айланасининг чорагини 24 кардажага ажратишликка асосланган. У шундай деган эди: «Агар бир киши бунинг сабабини сўраса, билсинки, кардажа Ер айланасининг тўқсон олтидан бири бўлиб, 225 дақиқага тенг бўлади». Бунинг синусини ҳам 225 га тенглаб олинган.

Ҳолбуки, бизга маълумки, кардажанинг синуси Ариабҳата ва Пулиса фикрига кўра, тўла кардажадан кичикдир. Тўлиқ синус диаметрнинг айлана уч юз олтмиш даража бўлган нисбатига тенг бўлгач, Балабҳадра буни сонда тенглик хаёл қилиб, ёй тўғриланди, кўз кўришига тўсқинлик қиладиган букрилиги, баландлиги ва кичиклиги бўлмаган нарса кўринаверади», деб гумон қилди. Бу катта янглишишдир. Ёй тўғри чизиқ эмас. Синус ҳар қанча кичик бўлса-да, ёйга тенг бўлолмайди.

Фақатгина тажрибада маълум кичик бўлақларга [ёй билан унга тегишли синуснинг] бараварлиги фараз қилинади. Аммо Ер айланаси бўлақларида, Хитойнинг энг узок жойига югуриб борсангиз ҳам, ундай тенгликни учратолмайсиз.

Пулисанинг «Ер ўқи ерни тутиб туради», дейишидан мақсад «Агар ўқи бўлмаса, Ер тушиб кетар эди», дейиш эмас. Ер айланасида [диаметрал қарама-қарши] жойлашган тўртта шаҳарнинг борлигига ишонган ҳолда бу сўзни қандай айтсин. Ернинг ҳамма ёқларида оғирликларнинг «пастга» томон тушиши у [шаҳар]ларнинг борлигидан далолат беради. Унинг [Пулисанинг] «Айланаси ҳаракатда бўлувчи жисмнинг маркази ҳаракатсиз бўлади», дейи-

ши «Ер шари икки кутбни туташтирувчи мавҳум чизикда, яъни ўқда айланиб туради», деган фикрга келтиради. У шундай дейди: «Осмон айланиб турганда, ўзининг марказидаги Ерни тутиб туради ва бу маконни [марказни] ерга табиий жой қилиб берган. Ер [осмон] айланишининг ўқида экан, унинг бу макондан бошқа жойда бўлиши мумкин эмас; кейин [иккинчидан] ўқнинг ўртасида бўлиши керак; шардаги ҳар бир диаметрни ўқ деб фараз қилиш мумкин, чунки улар билқувва ўқлардир». Агар Ер ўқнинг ўртасида эмас дейилар экан, албатта, Ер бирор ўқда мавжуд бўлиши мумкин бўлиб, гўё Ер қанча ўқларга тиралиб тургандай тасаввур қилинади.

|| (139) Ернинг ҳаракатсизлиги [масаласи] астрономия фанининг асосий [масала]ларидан бири бўлиб, бу ҳақда юз берадиган шубҳаларни ечиш қийин. Улар ҳам ерни ҳаракатсиз деб инонадилар. «Брахма-сиддҳанта»да Браҳмагупта бундай деган: «Баъзи кишилар, биринчи [шарқдан гарбга] ҳаракат осмон экваториники бўлмай, балки Ернинг ҳаракатига оиддир», деб даъво қилганлар. Лекин Вараҳамиҳира бу фикрни шундай рад қилади: «Бу фикрни тўғри дейилганда, уясидан ғарб томонга қараб учган қуш ўз ўжисига қайта олмаслиги керак». Демак, Вараҳамиҳиранинг айтгани тўғри».

Кейин Браҳмагупта ўша китобнинг бошқа саҳифасида: «Ариабхатага эргашган кишилар, Ер ҳаракат қилади, осмон ҳаракат қилмайди, дейдилар; уларга қарши шундай бўлганда тошлар ва дарахтлар йиқилиб кетар эди, деб жавоб қайтарилган», дейди.

Браҳмагупта бунга рози бўлмай шундай деган: «Тошлар ва дарахтларнинг йиқилиб кетиши мумкин эмас». Шу гапи билан оғирликлар марказга интиладилар, демоқчи бўлган. Яна у: «Шунинг учун осмоннинг дақиқалари, ҳаракати бўлмаганда ҳам, даври пураналар вақтига тенг [бўлиб кўринади]», дейди.

Шу бўлимнинг баъзи саҳифаларида таржимон сўзларни қориштириб юборган. Осмоннинг дақиқалари [даври] 21 600 пуранадир<sup>791</sup>. Пурана нафас демақдир. Чунки уларнинг ўйлашича, экватор [нуқтасининг] бир дақиқа силжиши учун одамнинг бир нафас вақти ўтади. Биз уларнинг ҳисобларини тўғри деймиз. Ер шарққа қараб шунчалик нафаслар давомида тўлик айланиб чиқади, десак, нима тўсқинлик қилади? У [Браҳмагупта]нинг назари шунга тенг вақтда осмон айлангандек бўлади. Кейин ернинг айланиш ҳаракати [назарияси] астрономия фанига ҳеч бир зарар келтирмайди, балки ерда юз берадиган ҳодисалар, унинг ҳаракати билан бирга бир текисда давом этаверади. Аммо бошқа жиҳатлардан имкониятсизлик келиб чиқади. Шунинг учун Ер ҳаракати муаммоси ҳал қилиниши энг қийин масалалардан ҳисобланади. Қадимги олимлар ва улардан кейин етишган фозиллар унинг ҳаракат қилиш ва қилмаслиги ҳақида кўп мулоҳаза юритганлар. Биз «Астрономия илми калити» [«Мифтоху илми-л-ҳайат»] номли китобда, сўзда эмас, амалда бу масалани ҳал қилишга кўпроқ ҳаракат қилдик<sup>792</sup>.

## XXVII БОБ. ҲИНД АСТРОЛОГЛАРИ ВА ПУРАНАЛАР МУАЛЛИФЛАРИ БОШЛАНҒИЧ ИККИ ҲАРАКАТ ҲАҚИДА

Ҳинд астрономларининг бу масала бўйича фикрларини ҳикоя қиламиз.

Пулиса айтади: «Шамол турғун ёриткичлар сферасини айлантиради ва икки кутби уни кўзгатмай туради. Меру тоғида яшовчиларга бу айланиш чапдан ўнгга бўлиб кўринади. Аммо Вадавамукҳада турувчиларга ўнгдан чапга бўлиб кўринади». Бошқа яна бир жойда у бундай ёзади: «Агарда савол берувчи: ёриткичларнинг шарқда чиқишини, кейин ғарбга томон ҳаракат қилиб ботгунича уни кўриб турувчига, улар қай томондан [чапданми ё ўнгданми] ҳаракатланади деб сўраса, билиши керакки, [ёриткичларнинг] ғарбга йўналишининг қай томонга бўлиб кўриниши яшовчиларнинг турар жойларига боғлиқ; агар яшовчи Меру тоғида бўлса, унга ёриткич ҳаракати чапдан ўнгга бўлади. Вадавамукҳа оралиғида эса тескари томонга – ўнгдан чапга бўлиб кўринади. Ер экваторида яшовчи эса фақат ғарбга томон [йўналишини] кўради»<sup>793</sup>. Шу жойлар орасида турганларга [ёриткичларнинг] йўналишлари жойларнинг [географик] кенгламасига боғлиқ. Ҳамма сфераларнинг айланиши шамол [таъсири] билан содир бўлади. Бу таъсир остида кўринишда сайёралар ва бошқалар шарқдан чиқиб, кўндалангига, ғарбга ботади. Аммо сайёралар [ғарбга ҳаракатланишларида] ҳақиқатда ҳам шарққа йўналадилар.

|| (140) Бундай шарққа қараган ҳаракат Шаратайндан Бутайнга томон бўлади. Чунки Бутайн Шаратайнга кўра шарқдадир. Агар савол берувчи Ой манзилларини билмаса, шарққа томон йўналишни тасаввур қилишга ожиздир, у бундай иккинчи ҳаракатни тушуниш учун янги Ойнинг Қуёшга нисбатан шарқда туришини ўйласин; Ой кундан-кунга Қуёшдан узоклаша боради [демак, шарққа юради], кейин унга яқинлаша бориб, охири қўшилишади.

Брахмагупта бундай деган: «Сфера ўзининг кутблари атрофида мумкин қадар тез айланадиган қилиб яратилган, бундан тез ҳаракатланса ҳам бузилмайди, ёриткичлар Ҳут корнида ва Шаратайнда ҳам бўлмайди, балки булар оралиғидаги баҳорги тенгкунлик нуктасида яратилган»<sup>794</sup>.

Мушаррих Балабҳадра бундай деган: «Бутун олам икки кутбга бириктирилган ва айланма ҳаракатга эгадир. Бу ҳаракат калпадан бошланган ва калпада тугайди. Оламнинг бундай узлуксиз ҳаракати туфайли, бу ҳаракатнинг боши ҳам, охири ҳам йўқ, деган ҳукм тўғри эмас».

Брахмагупта бундай деган: «Кенгламаси йўқ жой [экватор] 60 та гҳати-кага<sup>795</sup> бўлинган. Бу чизик Меру ахлларининг уфқида бўлади. Унда [экваторда] шарқ, ғарб ҳам бўлади. Бундан жануб томонда Меруга қарама-қарши жойда Вадавамукҳа бўлиб, у денгиз билан ўралган. Сфера ва ёриткичлар айланганда унда ёриткичларнинг йўли экваторга параллел бўлганидан, экватор

билан уфк бирлашади. Фаришталарга ва дайтияларга доимо экватор кўриниб туради. Лекин уларга ҳаракат йўналишлари зид бўлади, яъни фаришталар ўнгга, дайтиялар эса чапга [ҳаракатлари] кўринади. Бундай тескариликка ўнг кўлда бирор буюмни ушлаб, сувга караб турувчи аксининг ўнги чап томонда кўриниши мисол бўлади. Бу тезлашмайдиган ва секинлашмайдиган ҳаракат сабабчиси шамолдир. Бу шамол бизга таниш – бир тўхтаб, тезлашиб ва секинлашиб ўзгариб турувчи шамол эмас».

Бошқа жойда у яна бундай деган: «Шамол сайёра ёриткичларини ғарбга томон бир кунда бир марта айлантиради. Сайёралар шарққа томон ҳам юради. Бу ҳаракат гўёки айланиб турувчи тегирмон тошидаги заррачанинг унинг тескари томонга қиладиган ҳаракатига ўхшайди. Кузатувчи тош ҳаракатини аниқ кўради-ю, лекин заррачанинг ўзига хос ҳаракатини деярли сезмайди. Бу фикр Лата, Ариябхата ва Васиштха учун умумийдир. Лекин шундай гуруҳ олимлар борки, уларнинг фикрига кўра, Ер ҳаракат қилади, осмон эса тинч туради. Аммо одамларнинг айланиши шарқдан ғарбга томон бўлади, деган фикрига эътибор қилинса, фаришталар бу ҳаракатнинг ўнгга ва дайтиялар чапга томон бўлишини кўрадилар».

Ҳаракатлантирувчи шамолдир, дейишларига келганда, ўйлаймизки, у шамол масалани тушунтиришга яқинлаштиришдир, холос. Чунки улар қанотли нарсаларга, ўйинчоқларга шамол текканда уларнинг айланишини кўрганлар. Биринчи ҳаракатлантирувчини кўрсатишда улар турли сабаблар билан ўзгариб турадиган табиий шамолга уни ўхшатмайдилар. Бу шамол уларнинг фикрига кўра, нарсаларни ҳаракатлантирувчи шамол эмасдир, у жисмга тегмайди; ташқарида эсиб турганидан жисм узлуксиз ҳаракатланади. Осмоннинг бузилиб кетмаслигига сабаб қилиб, бу шамолнинг ўзгармаслик қобилятига эгаллигини кўрсатадилар. Албатта, шамол, ўзгариб ва бир-бирига зид томондан эсиб турса, бузилиш ва бўшашиш бўлади.

|| (141) «Юлдузлар осмони икки қутбга тиралган ҳолда туради», дейишининг маъноси, йиқилмай ўзининг тузилиш ҳолатини сақлайди, демакдир.

Қадимги юнонлардан бирининг ҳикоя қилишига кўра, Сомон йўли бир вақтлар Қуёш йўли бўлган ва кейин ундан кўчган<sup>796</sup>. Бу эса ҳаракатларнинг бир табиий ўрнидан бошқасига ўтишларидан бўлади, аммо турғун юлдузлар сфераси қутблар туфайли сақланади, дейишга ўхшашдир.

Балабҳадранинг ҳаракат охири [қалпа] ҳақидаги жумласининг маъноси шуки, ҳар бир пайдо бўлиб, сон билан белгиланадиган нарсанинг бошланган вақти бўлганидек, албатта, охири ҳам бордир.

Бошланган вақтни билишга келганда [айтишга тўғри келадики], сон бирининг турли таркибларидан, унинг ортиб боришидан иборат. [Нарсанинг] яшаш давомига мувофиқлашиб, кундуз ва кечалар саноғи ортиб боради. Биринчиси, [нарсанинг] пайдо бўлган вақтидир.

Агар инкор қилувчи ўзининг борлигини инкор қилиши баробарида Ер ва ундагиларнинг мавжуд бўлишлиги туфайли кеча ва кундуз бўлишлигини ўйласа-да ва Ернинг олам марказидан кўтарилишини ҳаёл қилса, у ҳолда кундуз ва кеча ҳам кўтарилади [бу иккала тушунча бўлмади]. Шу билан икковининг йиғиндиси [вақт ўлчов бирлиги]дан таркиб этиладиган кунларни санаш ҳам йўқ бўлади.

Балабҳадра [кунларни] биринчи ҳаракатни ифодалашга атаб [белгилайди], аммо иккинчи ҳаракат (сайёралар даврларини Ердан ташқарида) сферада бўлади, деб у [даврлар]ни ўз ичига олувчи калпа деб атаган; кейин уларнинг ҳаммаси [ҳаракати калпа] бошида бошланган, дейди.

Брахмагуптанинг, «экватор 60 та тенг бўлакка бўлинади», дейиши, муаллифларимиздан бирининг 24 та бўлакка бўлинади, деб айтиши ўрнидадир. У, вақтларнинг ўлчов бирлигидир. Бир даври ўз ичига 24 соатни олади; ҳиндларда эса, у 60 та гҳатикани ичига олади. [Уларда] буржларнинг эклиптика нуқталари мутолиъи шу гҳатика билан ифодаланади. Бу эса экватор вақтлари эмас.

Унинг, турғун – юлдузлар ва сайёраларни айлантирувчиси шамол дейиши, кейин сайёранинг шарққа томон ҳам ҳаракат қилишига хос бўлишини айтиши муҳимдир. Лекин у, юлдузларнинг ҳам сайёралар сингари шарққа томон ҳаракатини кўра олмаган. Чунки бу ҳаракатнинг жуда сустигидан, уни сезмаган ва ошқора қила олмаган.

Қавмларнинг қадимгилардан ҳикоя қилишларига қараганда, кўп замонлар ўтиб, уларга маълум бўлганга қадар юлдузларнинг шундай ҳаракати борлигини билмаганлар.

Брахмагупта китобида Куёшнинг даражалари ўзгариб боришига боғланиб, юлдузларнинг [шарқда] кўринишига бошлаши ва [ғарбда] кўринмай қолишлари устида гап борганда, юлдузларнинг биз айтган даври ҳақида сўз бўлмаслиги [бу даврни] билмаганликларини таъкидлайди.

|| (142) Аммо [Брахмагуптанинг] экваторда турувчига ёриткичларнинг биринчи [кунлик] ҳаракати ўнгга ҳам эмас, чапга ҳам эмас, дейишида [қуйидагилар] билинади: кутблардан бирида турувчи қайси томонга қараб турса, ўша томондаги ёриткичнинг албатта, белгили бир томонга йўналишини кўради. Ҳозир қараб турган томонига бир қўлини [яъни, елкасини] айлантириб, бошқа томонга қараса, юзи томондаги ёриткич ҳалиги йўналиш бўйлаб ҳаракат қилади. Бошқа кутбда турувчига ҳам шундай ҳол кўринади, бироқ қўлларга нисбатан йўналишлар тесқари бўлади. Бунга сабаб уларнинг, яъни кутбларнинг қарама-қарши вазиятидир. Бу эса сувга ёки ойнага қараб турувчи одамга ундаги аксининг чапи ўзининг ўнг томонида ёки ўнги ўзининг чап томонида кўрингани кабидир. Кенгламаси бор бўлган жойларда: шимолдаги аҳоли жануб томонда ҳаракатланувчиларга қараса ва жанубдагилар шимол то-

мондаги ҳаракатланувчиларга караса, уларнинг кўз олдидариди йўналишлар Мерудаги ва Вадавамуқҳадагига мувофиқ бўлади.

Аммо экваторда яшовчига унинг юқорисидан ўтиб айланувчи ёриткичлар унинг олд [юзи] томонида бўлмайди. Агар, ҳақиқатан, озгина юқорироқдан ўтса, у ҳолда олд томонида бўлади. Шимол томондаги ҳаракат ўнгидан чапига йўналган бўлади; жануб томондагиларники эса бунинг тескарисичадир. Шу сўзлари воситасида [Брахмагупта] қутблар хосиятини ва шунинг баробарида улардан бирида кўринган ҳолатнинг бошқасида тескари бўлишини ва бош устида айланувчининг [экваторнинг] бўлақларга бўлинишини кўрсатади.

Пураналар муаллифларининг сўзларига кўра, улар осмонни Ер устида гумбаз сингари тинч турувчи ва ёриткичларни эса шарқдан ғарбга юрувчилар, деб тасаввур қилганлар. Улар иккинчи хил ҳаракатнинг борлигини қачон билдилар? Билганларида ҳам, бир нарсанинг айна вақтда бир-бирига тескари бўлган йўналишларда ҳаракат қилиши ҳақида мунозара қилишга қачон етишдилар?

Биз [бу масалада улардан] ўзимизга дуч келган [сўзларини] фойдасиз бўлса ҳам, гапирамиз.

«Матсия-пуранада» бундай дейилган: «Қуёш ва ёриткичлар Меру атрофида айланувчи ўқ тезлигидек [тезлик билан] жануб томонидан ўтади. Қуёшнинг айланиши учи ёниб турувчи ёғочга ўхшайди. Бунинг айланиши тезлаштирилса, ёниши ортади. [Қуёш] ҳақиқатда гойиб бўлмайди; Меру тоғига нисбатан тўрт томонидаги тўрт шаҳардан биридагиларга Қуёш ғойиб бўлса, бошқаларига кўринади. У, Локалока тоғидан чиқиб, Меру атрофида айланади; жануб томонига ўтмайди ва уни ёритмайди; узоқлашуви [жанубда] кечаси кўринмайди. Кўз олдидаги кичик нарса кўринмагани сингари [Қуёш] минг йўжана узоқлашса, кўзига кўринмай қолади.

Қуёш Пушкара-двипа зенитида бўлганда, Ернинг ўттиздан бирини соатнинг бешдан учи қадар вақтда ўтади. Шу вақт ичида 21 лакша ва 50 минг йўжана, яъни 2150000 йўжана юради. Шимол томонга бурилганда бундан уч марта ортиқ юради; шунинг натижасида кундуз кечасидан узун бўлади. Жанубий кундузда Қуёшнинг айланиши 9 коти ва 10045 йўжана, шимолга бурилиб, Кшира, яъни «Сут денгизига» [Сомон йўлига] ўтганда кунлик юриши 3 коти ва 21 лакша йўжанадир<sup>797</sup>.

Ўтиш тезлиги жанубдагига хос бўлибгина қолмай, шимолга ҳам хос. Қуёш жануб томондаги чеккасидан шимолдаги чеккасига қанча вақтда етишса, шимолдаги чеккасидан жанубдагига келгунча ҳам ўшанча вақтда ўтади. Ўқнинг тезлиги ҳам || (143) иккала томонда баробар – шимол томонга ўтишга ҳам ўқ тезлигича бўлиши керак. Лекин [Матсия-пурана] муаллифининг эътиқодига кўра, шимолий қутб баландда, жанубий қутб эса ундан пастда; ёриткичлар худди болаларнинг чана учаётганига ўхшаб, уларга

ҳаракат қилиб туради. Бу ўтиш ҳақиқатда биринчи ҳаракатдир. Агар муаллиф уни иккинчи ҳаракат деб қабул қилса, бу мақсадга мувофиқ эмас. Чунки сайёралар иккинчи ҳаракатда Меру атрофида айланмайди. Уларнинг айланиши текислиги айлана  $[360^\circ]$ нинг қарийб олтидан бирининг ярми қадар Меру уфқидан оғишган бўлади.

Кейин Қуёш ҳаракати ҳақида: уни ёғочнинг ёниб турувчи учи айланишига ўхшатишлиги ҳақиқатдан узоқдир. Қуёш айлана бўйича узлуксиз ҳаракат қилади. Бу таърифимиз келтирилган мисолнинг ноаниқлигини кўрсатишга фойдаси тегади. Ҳолбуки, Қуёш осмондаги бир бўлак жисм кабидир; демак, мисол беҳуда гапдир. Агарда у Қуёш доира бўйлаб айланади, демоқчи бўлса, у ҳолда «ёғочдаги ёнишлик» ортиқча сўздир. Чунки ип учига бойланган тош бош устида айлантирилса, ўшандай айланани чизади.

Агар унинг биз баён этган ақидаси бўлмаганда эди, бир мамлакат узра Қуёш чиқаётган бўлса, худди шу вақтда бошқа бир мамлакатда Қуёш ботиши ҳақиқат бўлган бўларди. Бу аҳволни Локалока тоғини зикр қилиши исботлайди. Бунда Қуёш нурлари унинг ички томонига тушса, уни шимол деб атайди, сирт томонига тушса, жануб деб атайди. Кейин Қуёшнинг бутун кечаси кўринмай қолишига сабаб, унинг узоқлашуви эмас, балки уфққа ботишидир. Муаллиф фикрига кўра, бекитувчи Мерудир. Лекин у, Қуёш Меру атрофида айланади, деб тасаввур қилади. Биз айлананинг бир томонида турамиз; шунинг учун Қуёш биздан турли узоқликда бўлади. Бу фикрни кейинги сўзлари билан ҳам исботлайди. Қуёшнинг кечаси уфққа ботишининг узоқлигидан эмас. Муаллифлар унинг келтирган сонлари ва фикрлари, менимча, янглиш ва бир-бирига боғланмайди. Биз у сонлар билан ҳисоблай олмаймиз.

У Қуёшнинг шимолдаги юриш вақтини жанубдагига нисбатан уч марта ортиқ деган ва шуни кундуз узунлигининг ортишига ва камайишига сабаб қилиб кўрсатган. Ҳолбуки, кундуз билан кеча узунлигининг йиғиндиси доимо битта миқдорга тенг бўлади, яъни шимолдаги [кундуз узунлиги] жанубдагисини ўша миқдорга тенг тўлдирувчиси бўлади. Бу билан ёзда кундуз узунлиги 45 гҳатика, қишда эса 15 гҳатика бўладиган географик кенгламага мос келишини исботлайди. Бу эса Қуёшнинг шимолда тезроқ юришига изоҳ талаб қилади. [Ёриткичнинг кунлик] йўли шимолда қутбга яқин бўлгани учун торайиб боради; жанубда эса экваторга яқин бўлгани учун кенгайиб боради. Қуёш ўзининг бир кунлик айланишида кичик ёйни кезишига кам вақтни, каттасига ортиқ вақтни кетказди. Кичик кунлик йўлида секин айланиб, каттасида эса бунинг акси бўлади [яъни, тез айланади].

Шу сингарилар «Ваю-пурана»да ҳам бор. Масалан, унда бундай дейилган: «Жанубда кундуз узунлиги 12 мухурта, шимолда эса 18 та, [Қуёш] жануб билан шимол [нукталари] оралиғига ўтиб, 183 кунда 17221 йўжанага тўғри келади»<sup>798</sup>.



|| (144) Бир мухутра соатнинг бешдан тўртига [яъни, 48 дақиқага] тенг. Бу сўзнинг ҳукми кундуз узунлиги  $14\frac{2}{5}$  соатли кенгламага тўғри келади.

*Йўжсаналарни* ифода қилган сонларнинг келтирилиши фалак оғишининг икки мартасининг қанчага тенглигини аниқлайди. Уларга кўра, оғиш [ёйи миқдори] 24 даража. Демак, фалак [Қуёш «орбитаси» узунлиги]  $129157\frac{1}{2}$  *йўжсанадир*.

Қуёшнинг икки [тўла оғиш] нуқтаси оралиғини кесиб ўтган муддати унинг ярим йили ҳисобланади; бунга бир куннинг касри – қарийб саккиздан бир кун ҳам кўшилади.

«Ваю-пурана»да шундай деб ёзилган: «Қуёш шимол томонда бўлганда кундузи секин ва кечаси тез айланади, жанубда бунинг акси; шунинг учун шимолда [бўлганда] кундузи узун бўлиб, у 18 мухуртадир»<sup>799</sup>. Бу [Қуёшнинг] шарққа ҳаракатини ҳеч билмаган кишининг сўзидир; кундуз ёйини кузатиб, унинг узунлигини билмаслик ҳам уни шу фикрга олиб келган.

«Вишну-дҳарма»да эса шундай ёзилган: «Катта Айиқ орбитаси кутбдан пастда бўлиб, остида Зухалники, кейин Муштарийники, кейин Миррихники, кейин Қуёшники, кейин Уторидники, кейин Ойникидир. Буларнинг ҳар бири тегирмон тоши айлангандек, бир тезликда шарққа қараб айланади. Ҳар бир ёритқичнинг ўзига хос ё тез, ё секин ҳаракати бор. Энг қадимги замонлардан тортиб [бу ҳаракатлар давомида] уларда ўлим ва ҳаёт минг марталаб такрорланган»<sup>800</sup>.

Бу сўзларга ҳақиқат юзасидан қаралса, нотўғри эканлиги аён бўлади. Меруда турувчиларнинг боши узра турадиган қутбга қараганда, Катта Айиқ юлдузлари [зенитга нисбатан] пастроқда айланади, дейилиши тўғри бўлади.

Лекин у ост сўзини сайёраларга ҳам ишлатиши билан хатога йўл кўяди; чунки бирор сайёра билан қутб оралиғи [ёйи] сайёранинг Ердан узоқлиги миқдорини кўрсатувчи бўлиб қолади. Бунга кўра, Зухалнинг экватордан узоқлиги энг ортиқ, кейин Муштарий, кейин ўз навбати билан бошқалари [узоқ] бўлиши керак. Сайёралардан бирининг экватордан узоқлиги [оғиши] бирор юлдузникига тенг бўлса, у юлдузнинг ердан узоқлиги ҳам сайёра узоқлигига тенг бўлиши керак. Ҳақиқатда эса бундай эмас.

Ҳамма фикрларни тўплаб олсак, биттасида тўғри айтилган; у ҳам бўлса, юлдузларнинг сайёралардан юқорида туришларидир. Лекин Қутб [юлдузи] юлдузлардан юқори эмас.

Тегирмон тошидек айланиш ғарб томонга нисбатан бўлиб, у биринчи кунлик ҳаракат. Бу [китобда] иккинчи ҳаракатга ишора қилинган.

Унда айтилишига кўра, ҳар бир ёритқич инсонга махсус жондир. Инсон хизмати қанчалик ортиқ бўлса, [жони] ўша нисбатда юқорига кўтарилади. Умр охирида [жон] ўз жойига қайтади.

Бизнинг фикримизга кўра, бу гап икки жиҳатдан бири билан [мазкур] минглар сонига ишора қилинади; ёки қувватдан феълга ўтишликни, ёки вужуддаги руҳнинг халос бўлишини ва яна вужудга киришини, улардан бирининг ортиши билан бошқасининг ёритқичларнинг сони камаяди, демоқчи. [Натижада икковининг йиғиндиси ўзгармайди]; камайиб борувчи ҳар қандай нарсанинг чегараси бор.

## XXVIII БОБ. ОЛАМНИНГ ЎНТА АСОСИЙ ТАРАФИНИНГ АНИҚЛАНИШИ ҲАҚИДА

Жисмлар кўлами фазода уч томонга йўналган бўлади: биринчиси, узунлик бўйлаб, иккинчиси, кенглик, учинчиси, чуқурлик ёки баландлик бўйлаб. Жисмнинг мавҳум чўзилганлиги эмас, ҳақиқий чўзилганлиги чегараланган. Шунинг учун шу уч йўналиш ҳам чегараланган, яъни олтита учга (томонга) эгадир. Бу [олти томон] марказида бир жонивор турган бўлиб, унинг юзи шу томонлардан бирига қараган деб тасаввур қилинса, бу ҳолда томонлар унинг олд, орқа, ўнг, чап, уст ва ост томонлари бўлади.

|| (145) Агар бу томонларни оламга нисбатан ишлатилса, бошқа исмлар ҳосил бўлади: уфқдаги кун чиқиш, кун ботиш томонлари, бу билан биринчи ҳаракат [шарқдан ғарбга томон ҳаракат] аниқланади. Бунинг воситасида тўртта машҳур томон: шарқ, ғарб, шимол ва жануб белгиланади. Улардан ҳар иккитаси орасидагининг шуҳрати камроқдир. Шу кейинги [тўртта] билан [асосий] томонлар саккизта бўлиб, баёнига машғул бўлинмаган уст ва ост томонлар билан бирга улар жами ўнта бўлади.

Аммо юнонлар томонларга буржларнинг чиқадиган ва ботадиган томонларини ҳамда шамоллар йўналишини аниқловчи томонларни ҳам қўшиб, томонлар сонини ўн олтитага етказдилар.

Шунингдек, араблар ҳам тўрт томонни шамол йўналишлари билан аниқлаб, икки асосий томон оралиғига йўналган шамолни накба дейдилар<sup>801</sup>. Шамолнинг сийрак учрайдиган йўналишлари махсус номлар билан аталган.

Ҳиндлар эса томонларни аниқлашда шамол йўналишларига эътибор бермайдилар. Биринчидан, тўрт томонни номлар билан атаб, кейин ҳар икки томон оралиғига қўшимча ном берадилар. Натижада, уфқда қуйидаги шаклдагидек саккизта томон ҳосил бўлади<sup>802</sup>.

		Жануб		
Шарқ	<i>огнея</i>	<i>Дакшина</i>	<i>найррита</i>	Ғарб
	<i>пурва</i>	<i>Мадхия деша, яъни мамлакат ўртаси</i>	<i>пашчима</i>	
	<i>айшана</i>	<i>Утгара</i>	<i>ваява</i>	
		Шимол		

Уфқнинг икки қутби учун иккита томон қолади; улар уст ва остдан иборат бўлиб, устни *упари*, остни эса *адҳас* ёки *тала* дейдилар<sup>803</sup>. Ана шу томонлар ҳиндлар ва бошқалар айтган асосий томонлардир. Уфқнинг чексиз кўп бўлақларга бўлиниши мумкин бўлганидан марказдан унга йўналган томонлар ҳам чексиз кўпдир. Ҳар бир исталган диаметрнинг иккита учини олд ва орқа томон деб фараз қилинса, бунга тик бўлган диаметрнинг иккита учи ўнг ва чап томон бўлади.

«Вишну-дҳарма» китобида: «Атри юлдузи – бу Катта Айиққа ёндош юлдуз – ўзлари саккизта бўлса ҳам, битта ҳисоб қилинадиган томонга уйланди ва шулардан Ой туғилди», дейилган<sup>804</sup>.

Яна бошқасида эса: «Дакша, яъни Пражапати бўлса Дҳармани, яъни яхши мукофотни ўз қизларидан ўнтасига, яъни томонларга уйлантирди; қизлардан бирининг исми Васу эди. Васудан Дҳарма кўп болаларни дунёга келтирди; улар Васун; [яъни, Васулар] деб аталдилар. Улардан бири Ойдир»<sup>805</sup>, дейилган.

|| (146) Ҳиндларнинг айтишларига кўра, Куёш Кашияпаннинг ўғли, унинг онаси Адития; Куёш олтинчи манвантарада Вишакҳа манзилида туғилган. Ой – Дҳарманинг ўгли бўлиб, у Криттика манзилида туғилган; Миррих – Пражапати ўгли, у Пурвашадҳа манзилида туғилган. Уторид – Ойнинг ўғли; у Дҳаништҳа манзилида туғилган. Муштарий – Ангираснинг ўғли; у Пурвапҳалгуни манзилида туғилган. Зухра – Бҳругунинг қизи; у Пушия манзилида туғилган, Зухал – Куёшнинг ўғли, у Ревати манзилида туғилган; «Думли» – ўлим фариштаси Яманинг ўғли, у Ашлеша манзилида туғилган; «Бош» эса Ревати манзилида туғилган<sup>806</sup>.

Ҳиндлар ўз одатлари бўйича, саккиз томоннинг ҳар бирига эгаликни тайин қилганлар. Уларни биз қуйидаги жадвалда кўрсатдик<sup>807</sup>.

Олам томонлари	Уларнинг эгалари
Шарқ	Индра
Жануби шарқ	Олов
Жануб	Яма
Жануби ғарб	Притху
Ғарб	Варуна
Шимоли ғарб	Ваю
Шимол	Куру
Шимоли шарқ	Маҳадева
Шимоли шарқ	Маҳадева

Ҳиндлар саккиз томон билан қимор ўйнаш учун танлаган раҳучакра<sup>808</sup>, яъни «Бош шакли» деб атайдиган шакл қуйидагича:



|| (147) Бу шакл билан ўйнаш тартиби: ўзининг турган кун эгасини, яъни қайси кунда турганингизни билиб ва у кун шаклнинг қаерида эканини, сўнгра ўша кундузнинг саккиздан бирларидан қайсисида ўйнаб турганингизни биласиз, куннинг эгасидан шарққа тортилган чизикқача юриб, ғарбга юрасиз ... охири ҳалиги саккиздан бирининг эгасига бориб тўхтайсиз. Масалан, пайшанба куни бешинчи саккиздан бирининг эгасини билмоқчи бўлайлик. Шу куннинг эгаси жанубда Муштарийдир, жануб томондан чиққан чизик шимоли ғарбга бориб тўхтайди. Шунда биринчи саккиздан бир эгаси Муштарий, иккинчи эгаси Зуҳал, учинчиси Қуёш, тўртинчиси Ой, бешинчиси эса шимолда Уторид бўлади. Шундай қилиб, саккиздан бирлар бир кундузга тўлгунча чўзилади ва кундуз охирига туташган кечага киради. Ўзингиз турган саккиздан бир томонини билсангиз, у томон ҳиндларча «Бошга» мансуб бўлади.

## XXIX БОБ. ЕРНИНГ ОДАМЛАР ЯШАЙДИГАН ҚИСМИНИ ҲИНДЛАР ТАСАВВУРИ БИЛАН АНИҚЛАШ

«*Риши* Бхуванакоши китоби»да<sup>809</sup> ёзилишига кўра, Ер [юзи] Ҳимавант [тоғларидан] жанубгача обод бўлиб, киши номи билан Бҳаратаварша дейилади; Бҳарата Ҳиндистонни идора қилган ва [халққа] ғамхўрлик кўрсатган.

Бошқаларга қараганда, бу обод ерлар аҳлига мукофот ва жазо тайин қилинар эди. Бу ер тўққизга бўлиниб, Навакҳанда-пратхама, яъни «тўққизта биринчи бўлак» дейилади<sup>810</sup>. Булардан ҳар иккитасининг орасида денгиз бор. Буларнинг биридан бошқасига сузиб ўтадилар. Шимолдан жанубгача ёйилган маъмур ер эни минг йўжанадир<sup>811</sup>.

Ҳимавант деганда, бу ерда Бҳуванакaши шимолдаги тоғларни назарда ту-тади. Булар одамлар яшайдиган обод жойларга совуқлик ўтишини кесади ва шу туфайли жануб томонларда ободончиликка шароит туғилган.

Бу ерликларнинг баъзилари одамлик мартабасидан фаришталар даражасига кўтарилиб, жавҳарларининг соддалиги, табиатларининг поклиги туфайли гуноҳ иш қилмас эдилар ва кулчиликни бажо келтириш уларга малол келмас эди. Баъзилари эса одамлик даражасидан ақлсиз ҳайвонлар даражасига туширилар эди. Шунинг учун маъмур ерлардан бошқа жойларда ҳеч ким яшамайди.

Бҳаратаварша, ҳиндлар эътиқод қилганидек, фақатгина ҳинд ерлари эмас. Ҳиндлар эътиқодига кўра, дунё – ҳинд ерининг ўзидир, холос. Дунёдаги инсонлар эса фақат ҳиндларнинг ўзидир. Чунки ҳинд ерининг бир бўлаги бошқасидан денгиз билан ажралмаган, яъни у орқали оролларга бориб бўлмайди. Ҳолбуки, Ҳиндистоннинг бир томонидан иккинчи томонига денгиз билан ўтиш мумкин, деб унда очиқ-ойдин айтиб қўйилган. Муаллиф сўзига кўра, ер юзидаги ҳамма халқлар, шу билан бирга ҳиндлар ҳам бир динда бўлишлари лозим.

Ўша тўққиз бўлак пратхама, яъни биринчи [ер] дейилади. Чунки улар ҳинд ерини шу йўл билан яна тўққизга бўладилар. Демак, маъмура аввалги бўлак, ҳинд ери эса иккинчи бўлак бўлади. Астрономлар ҳам ҳар бир мамлакатни шу йўл билан [тўққизга] бўладилар. Бу эса учинчи хил бўлинишдир. Ҳиндлар фикрига кўра, уларнинг баъзилари мусибатли, баъзилари бахтли ерлардир.

«Ваю-пурана»да мана шу айтганимизга ўхшаш сўзлар бор. Унда айтилишига кўра: «Жамбу-двипанинг ўртаси Бҳаратаварша дейилади. Унинг маъноси «давлатга эришиб, ўзларини қувватли қилганлар» деганидир. Уларда тўрт юга бўлиб, мукофот ва укубатларга сазовор бўлган. Ҳиммавант ундан шимол томондадир. У тўққизга бўлакка ажратилган бўлиб, улар оралиғида сузиб ўтиладиган денгизлар бор. Узунлиги тўққиз минг йўжана, эни минг йўжана. У Самнара [мамлақати] дейилади. Шу сабабли ҳар бир бошқарувчининг номи ҳам Самнара бўлган. Ушбу тўққиз бўлакнинг тасвири қуйидагичадир»<sup>812</sup>:

Тамраварна		Жануб	Нага-двипа	
		Габҳастимат		
Шарқ	Кашерумат	Индра-двипа ёки Мадҳиядеша, яъни «мамлакатлар ўртаси»	Саумия	Ғарб
Нагарасамвритта		Шимол	Гандҳарва <sup>813</sup>	

|| (148) Кейин у шарқ билан шимол оралиғидаги ўрта бўлакдаги тоғни ва ундан бошланадиган дарёларни тасвирлашга бошлайди, лекин ундан нарига ўтмайди. Унинг сўзига кўра, одамлар яшайдиган жой шу ернинг ўзидир.

Бошқа ўринда у ўз сўзига шундай тескари гапни айтган: «Жамбу-двипа эса Навакҳанда-пратҳамаларнинг марказидадир, бошқалари саккиз йўналиш томонларида, уларда фаришталар, одамлар, ҳайвонлар, ўсимликлар бор». У бу сўзи билан гўё двипалар борлигини кўрсатади.

Агар одамлар яшайдиган обод ер эни минг йўжана бўлса, узунлиги қарийб 2800 йўжана бўлиши керак.

Илгари аҳоли яшайдиган китъа – бўлак тошбақага ўхшатиш, деб айтган эдик. Чунки тошбақа тўнкарилган косага ўхшаш тўғарак бўлиб, сувда қалқиб туради, у сув билан ўралган ва сирти кабарикдир.

Тошбақанинг шундайлигини назарга олиб, астрономлар ўша томонларни [Ой] манзилларига бағишлаб, буларга мувофиқлаб шаҳарларни ёзганлар. Тошбақага ўхшатиб шакл ясалган. У «Курма-чакра»<sup>814</sup>, яъни «тошбақа доираси» деб ном олган. Қуйидаги шакл Вараҳамиҳиранинг «Самҳита» китобида бор.

|| (149) Вараҳамиҳира, ҳар бир қисми, нава-қҳанданинг варга деб атаган. У дейди: «У [варга] билан Бҳаратаварша, яъни дунёнинг тўққизга бўлинади; биринчиси – марказ, кейингиси шарқдагидир»<sup>815</sup>. Сўнг жануб томонга ўтади ва бутун уфқни айлантириб олади.

Бундай дейиш билан ҳинд ери [Бҳаратаварша дунёда] ёлғиз демоқчи. Унинг сўзига кўра, ҳар бир варга ноҳия бўлиб, ҳукмдор ночорликка учраса ўлдирилган.

Биринчи, марказий ноҳия – Панчала;

Иккинчи – Магадҳа;

Учинчи – Калинга;

Тўртинчи – Аванти, яъни Ужайн;

Бешинчи – Ананта;

Олтинчи – Синдху ёки Саувира;


Еттинчи – Ҳараҳаура;

Саккизинчи – Мадура;

Тўққизинчи – Кулинда<sup>816</sup>.

Ҳинд ерининг ҳамма ноҳиялари шу айтилганларнинг ўзидир. Лекин кўп шаҳарлар номи ҳозиргисидан фарқ қилади. «Самҳита» китобига шарҳ ёзган кашмирлик Утпала бунга тегишли бобда шундай деган: «Шаҳарлар номи, айниқса, югаларда ўзгаради: масалан, Мўлтоннинг асл номи Кашяпапура эди; кейин Хамсапура, кейин – Багапура, кейин Саммбҳапура ва кейин Муластҳана, яъни «Асл жой» деб номланди; мула – «асл», тана – «жой» демақдир<sup>817</sup>.

Юга, узоқ даврдир. Айниқса, тили бошқа бўлган халқнинг ерли халққа ҳукмронлик қила бошлаши билан номлар тезроқ ўзгаради. Кўпинча тиллари бошқа халқ у сўзларни келиштириб айта олмай қабул қилади, натижада ўша номларнинг маънолари ўзгариб, шу ҳолича юнонлар одати сингари, ўз тилла-



рига киради. Масалан, «тош» сўзи асли туркча сўз бўлиб, «шош» кўринишини олган. Тошканд – «тошли қишлоқ», демакдир<sup>818</sup>. «Жуғрофия» китобида у «Бурж ал-ҳижара» [Тош қалъа] деб номланган.

Араблар [чет тилидаги] номларни араблаштириб, асл талаффузни бузганларидек, бир тил бошқа тилдаги ҳарфлар товушини ўз талаффузини енгиллаштирадиган товушларга алмаштиради. Масалан, уларнинг китобларида Пушанг сўзи Фушанж<sup>819</sup> ва Сакилканд [сўзи] эса девонларида Форфаза<sup>820</sup> [кўринишида]дир. Бунисига ақл бовар қилмайди: гоҳо маълум бир халқнинг айрим сўзлари ўз тили билан ўзгара борганининг гувоҳи бўламиз. Натижада ўша тилда фақатгина оз киши фаҳмлайдиган бирмунча бегона сўзлар пайдо бўлади. Бу ўзгариш қисқа йиллар ичида пайдо бўлади. Шу билан бирга, ҳиндлар сўзларни кўпайтиришга ва булардан таркиб топадиган ясама номлар ишлатишга аҳд қилишади ва бу билан фахрланишади.

|| (150) Аммо «Ваю-пурана»да номлари зикр қилинган ўлкалар номи тўртта йўналишга асосланиб тузилган. «Самҳита»да эса саккизта йўналишга асосланган. Юқорида келтирилганларнинг ҳаммаси ҳоли қандай бўлса, шундайлигича қуйида кўрсатилди.

«Ваю-пурана»да<sup>821</sup> ёзилишига кўра, ўрта мамлакатдаги шаҳар ва ноҳиялар: Куру, Панчала, Салва, Жангала, Шурасена, Бҳадракара, Бўдҳа, Патхешвара, Ватса, Кисадия, Кулия, Кунтала, Каши, Кошала, Артҳаяшава, Пухлинга, Машака, Врика.

**Шаркдагилар:** Андхра, Вака, Мудракарака, Пратрагира, Вахиргира, Пратханга, Вангея, Малава, Малавартика, Прагжиутиша, Мунда, Абика, Тамралиптика, Мала, Магадха, Говинда [Гонанда].

|| (151) **Жанубдагилар:** Пандия, Керала, Чавлия, Кулия, Сетука, Мушика, Румана, Ванавасика, Махараштра, Махиша, Калинга, Абхира, Ишика, Атавия, Шавара, Пулинда, Виндхиямули, Видарбха, Дандака, Мулика, Асмака, Найтика, Бхогавардхана Кунтала, Андхра, Удбхира, Налака, Алика, Дакишнатия, Вайдеша, Сурпакарака, Кўлавана, Дурга, Тиллита, Пулея, Крала, Рупака, Тамаса, Тарупана, Караскара, Насикия, Уттаранармада, Бханукаччхра, Махая, Сарасвата, Каччхийя, Сураштра, Анартта, Худвуда.

|| (152) **Ғарбдагилар:** Малада, Каруша, Мекала, Уткала, Уттамарна, Башарна, Бхужа, Кишкинда, Косала, Трайпура, Вайдика, Тхарпура, Тумбура, Шаттумана, Падха, Карнаправарана, Хуна, Дарва, Хухака, Тригартта, Малава, Кирата, Тамара.

**Шимолдагилар:** Ваҳлика, Вадха, Вана, Абхира, Калатояка, Апаранта, Пахлава, Чармакҳадика, Гандхара, Яavana, Синдху, Саувира, яъни Мўлтон ва Жаҳравар, Мадхра, Шака, Дриҳала, Литта [Кулинда], Малла, Кудара, Атрея, Бҳарадва, Жангала, Дасерука, Лампака, Талакуна, Сулика, Жагара.

**Варахамихиранинг «Самхита» китобига мувофиқ тошбақа [симон] шакл [юзида] тасвирланган ўлкаларнинг номлари**<sup>822</sup>

|| (153) [I] **Мамлакат ўртасидаги ўлка ва ноҳияларнинг номлари:** Бҳадра, Ари, Меда, Мандавя, Салвани, Пўжжихана, Мару, Ватса, Гхоша, Ямуна водийси, Сарасвата, Матсия, Матхура, Кўпа, Жиотиша, Дхармарания, Шура-сена, Гаурагрина, Базана яқинидаги Уддехика, Панду, Гуда, Танешар, **Ашватҳа Панчала, Сакета, Канка, Куру – бу Танешар**, Калкўти, Кукура, Париятра, Аудумбара, Капиштҳала, Гажа.

[II] **«Самхита»га кўра, Шаркдагилар:** Анжана, Вришбадҳважа, Падма-Тулия, Виягхрамукҳа – одамларнинг юзи йўлбарсникига ўхшашдир; Сухма, Карвата, Чандрапура, Шурпакарна – одамларнинг кулоқлари ғалвирга ўхшайди; Кҳаша, Магадха, Шипирагира тоғи, Митҳила, Саматата, Одра, Ашвавадана – одамларнинг юзи от башара; Дантура – одамларнинг тиши узундир; Прагжиўтиша, Лохития, Крира – Самудра – сут денгизи, Пурушада, Уда-ягири – қуёш чиқадиган тоғликдир; Бҳадра, Гаурака, Паундра, Уткала, Каши, Мекала, Амбаштҳа, Икапада – одамлари бир оёқлидир; Тамралиптика, Каусалака, Вардхамана.

|| (154) [III] **«Самхита»га кўра, Агнея – жануби шаркдаги ўлкалар:** Кўсала, Калинга, Ванга, Упаванга, Жатҳара, Анга, Садлика, Видарбха, Ватса, Андхра, Чўлика, Урдхвакарна – одамларнинг кулоқлари тепага кўтарилгандир;



Вриша, Наликера, Чармадвипа, Виндхия тоғи, Трипури, Шмашрудхара, Ҳемаккутия, Виялагрива – одамларнинг кўкраги илонникидек, Махагрива – одамларнинг кўкраги кенг; Кишкиндха – маймунлар ўлкаси; Кандакастхала, Нишада, Раштра, Дашарна, Пурика, Нагнапарна, Шавара.

|| (155) [IV] «Самхита»га кўра, жанубдагилар: Ланка – Ернинг куб-басидир; Калажина, Сайрикирна, Таликата, Гирнагара, Малайя, Дардура, Махендра, Малиндия, Бҳарукаччха, Канката, Танкана, Ванаваша – денгиз қирғоғида; Шибика, Пҳаникара, Кўнкана – денгиз яқинида; Абхира, Акара, Вена дарёси; яъни Аванти, яъни Ужайн шаҳри; Дашапура, Гонарда, Кералака, Карнати, Махатави, Чикракута, Насикия, Кўллагири, Чўла, Краунчадвипа, Жатадхара, Кауверия, Ришиямука, Вандуриа, Шанкха, Мукта, Атри, Варичара, Жармапаттана, Двипа, Ганаражия, Кришнавай дурия; Шибика, Шуриядри Кушуманга, Тумбавана, Карманаяка, Ямиодадхи, Тапасашрама, Ришика, Канчи, Маручипаттана, Диварша, Симхала, Ришабха, Баладевапаттана, Дандакавана, Тимингилашана, Бҳадра, Каччха, Кунжарадари, Тамрапарна.

[V] «Самхита»га кўра, найрита – жануби-ғарбдагилар: Камбужа, Синдху, Саувира, яъни Мўлтон ва Жаҳравар, Вадавамукҳа, Аравантбаштха, Капила, Парашава – яъни форсийлар; Шудра, Барбара, Қирата, Кҳанда, Кравия, Абхира, Чанчука, Хемагири, Синдху, Калака, Райватака, Сураштра, Бадара, Драмида, Маҳарнава Наримухка, булар – турклардир; Анарта, Пҳенагири, Явана, яъни юнонлар; Марака, Карнаправарна.

[VI] «Самхита»га кўра, ғарбдагилар: Маниман, Мегҳаван, Ванаугҳа, Астрагири, яъни куёш ботар жой; Апарантака, Шантика, Ҳайҳая, Прашастадри, Вўккана, Панчанада, яъни бешта дарё қуйиладиган жой; Матҳара, Парата, Таракрути, Жринга, Вайшия, Канака, Шака, Мелеччха, яъни араблар.

|| (156) [VII] «Самхита»га кўра, *Ваява* – шимоли ғарбдагилар: Мандавия, Тукҳара, Талахала, Мадра, Ашмака, Тулукалаҳада, Стриражия, яъни унда хотинлар орасида ҳеч бир эркак ярим йилдан ортиқ яшамайди. Нрисимхавана – бунинг одамлари арслон юзлидир; Кҳастха, яъни ундагилар дарахтлардан туғилади, киндикларидан осилган бўлишади, Ванумати, яъни Термиз, Пҳалгулу, Гуруҳа, Марукучча, Чармаранга, яъни одамларининг териси ранглидир; Икавилочана, яъни одамлари бир кўзлидир; Сулика, Диргҳагрива, яъни одамлари узун кўкракли ва узун бўйинлидир; Диргҳамукҳа, яъни одамлари узун юзлидир, Диргҳакеша, яъни одамлари узун сочлидир.

[VIII] Шимолдаги мамлакатлар, «Самхита»га кўра: Кайласа, Ҳимавант, Васумант, Гири, Дҳанушман, яъни камалаклилар: Краунча, Меру, Курава, Уттаракурава, Кшудрамина, Кайкая, Васати, Ямуна, яъни юнонларнинг бир хили; Бҳўгапрастха, Аржунаяна, Агнатия, Ардарша, Антардвипа; Тригарта, Тураганана, яъни одамлари от юзлидир; Швамукҳа, яъни одамлари ит юзлидир; Кешадҳара, Чапитанасика, яъни пучук бурунлилар; Дасера,

Кватадҳана, Шарадҳана, Такшашила, яъни Марикала, Пушкалавати, яъни Пукала, Кайлавата, Кантхадҳана, Амбара, Мадрака, Малава, Паурава, Каччҳара, Данда, Пингалака, Манаҳала, Хуна, Кухала, Шатака, Мандавия, Бхутапура, Гандҳара, Яшавати, Ҳематала, Ражания, Кҳажара, Яундҳея, Дасамея, Шиямака, Кшемадхурта.

|| (157) [IX] **Айшана** – шимоли шарқдагилар, «Самҳита»га қўра: – Меру, Канаштҳаражия, Пашупала, Кира, Кашмира, Абҳи, Шарада, Тангана, Кулута, Сайриндҳа, Раштра, Браҳмапура, Дарва, Дамара, Винаражия, Кирата, Чина, Каунинда, Бҳалла, Палола, Жатасура, Кунатҳа, Кҳаша, Гҳоша, Кучика, Икачарана, яъни одамлари бир оёқлидир; Анувишва, Суварнабхума, яъни ери олтинлидир; Арвасудҳана, Нандавиштҳа, Паурава, Чиранивасана, Тринетра, яъни одамлари уч кўзлидир; Пунжадри, Гандҳарва.

Аммо ҳинд астрономлари обод жойлар географик узунлигини Ланка во-ситасида белгилайдилар. Бу жой Ер экваторида ўрталикда бўлиб, шарқида Ямакўти, ғарбида Румака бор. Сиддҳапура эса [Ланкага] диаметрал қарама-қаршидир. Ёриткичларнинг чиқишлари ва ботишларига тегишли сўзлари менга Ямакўти билан Румака оралигининг ярим айланага тенглигини кўрсатади. Гўёки, уларга [Африканинг ғарбидаги] Мағриб ўлкалари Румака [Рум мамлакати]га киради. Рум шаҳарлари кенгламаларга эга бўлиб, шимол томонга ичкарига киради. Булардан бирортаси экваторгача чўзилган эмас. Уларнинг айтишларига кўра, Рум экватор бўйича жойлашган бўлади. Аммо Ямакўти эса Якубнинг ва Ал-Фазорийнинг айтишига кўра, денгиз ичидаги мавзедадир. Унда Тара шаҳри бор. Ҳиндларнинг китобларида бундай номни сира топа олмадим. Коти<sup>823</sup> эса бир қалъа номи, Яма – ажал фариштаси демакдир; ундан Кангдиз ҳиндлари тарқалиб туради. Форсларнинг ёзишларига кўра, бунини Кайковус ёки Жам энг узоқ шарқда, денгиздан нарида бино қилган. Кайхусрав, турк Афросиёб изидан боришда бу денгизни кезган. У мавзеге борганда зоҳидлар йўлига ўтиб, у мулкдан чиқиб кетишликни қарор қилган<sup>824</sup>. Диз форсчада – қалъа демакдир. Абу Маъшар Балхий<sup>825</sup> ўз зижини Кангдиз шаҳрини [нолинчи меридианли бошланғич] пункт деб, шунга асосланган.

|| (158) Сиддҳапура номини ҳиндлар қаердан олганларини билолмадик. Гарчи улар одамлар яшайдиган қисм ярим айланасининг орқасида сузиб бўлмайдиган денгизлар борлиги ҳақида фикрлари бизникидек бўлса-да, аммо ҳиндлар кенгламани қандай ўлчашлари ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Маъмур ерлар узунламасининг айлана ярмига тенглиги уларнинг астрономлари орасида кенг тарқалган фикрдир. Бироқ улар билан [мусулмон олимлари] фақат бошланғич меридиан ҳақида ихтилофлар мавжуд. Ҳиндларнинг бошланғич меридиан ҳақидаги фикри бизга маълум. У ҳам бўлса, [биринчи] чоракнинг шарқий чегарасидаги Ужайн шаҳридир. Иккинчи чорак охири

ғарбда обод ерлар тугамаган жойдан беридадир. Бу ҳақда узунламалар айир-маси номли бобда гапирамиз.

Ғарб олимларининг таъкидлашларига кўра, бошланғич меридиан ҳақидаги фикрлари икки турлидир. Биринчисига кўра, Баҳрул муҳит [Атлантик океан] соҳилидан бошланиб, узунлама ундан ҳисобланганда биринчи чорак охири Балх атрофида бўлади. Уларнинг фикрларида бир-бирига боғланишлик йўқ, бу қарашда Шопуракон ва Ужайн битта меридианда бўлиши керак экан, ҳолбуки, булар [меридианлари] бир-биридан жуда узоқ. Иккинчи фикрга кўра, биринчи чоракнинг бир учи, Бахтлилар оролларида бўлиб, иккинчи учи Журжон ва Нишопур<sup>826</sup> атрофига тўғри келади. Бу иккала фикр ҳам ҳиндлар назариясига тўғри келмайди. Бу масала хусусида кейинги мавзуларда тўхталамиз.

### XXX БОБ. «ЕР ҚУББАСИ» НОМИ БИЛАН МАШҲУР БЎЛГАН ЛАНКА ҲАҚИДА

Ернинг одамлар яшайдиган қисмининг узунламасига ўртаси, астрономлар айтишига кўра, «Ер куббаси» номи билан машҳурдир. Бу куббадан қутбга томон чиқадиган катта айлана куббанинг меридиани деб аталади. Ернинг табиий шаклини назарга олганда унинг бир жойини кубба деб, бошқа бир жойини кубба эмас дейиш нотўғри бўлади. Лекин ернинг инсон яшайдиган қисмининг шарқ ва ғарб четини ўтовнинг икки қарама-қарши этагига [тагига] ўхшатиш мумкин. Ўтов ўрталигининг тепаси унинг куббасидир. Шунинг учун кубба сўзи ишлатилади. Лекин ҳиндлар у жойни тилимизга таржима қилинганда кубба маъносини берадиган бир лафз деб ишлатмайдилар. Аммо уларнинг фикрига кўра, Ланка – одамлар яшайдиган қисмининг икки чети ўртасидаги кенгламаси йўқ жой. Равана деган шайтон, Рама ўғли Дашартҳа<sup>827</sup> хотинини олиб қочганда шу жойни кўрғон қилиб турган. Унинг кўрғони доира шаклида бўлиб, *Саннката брд* деб аталади. Бизнинг мамлакатимизда эса Равана-коти деб ном берилган. Баъзан, бу кўрғон Румники<sup>828</sup> дейилади.

|| (159) Рама денгиздан ўтиб, Равана томонга борди денгиз кўприги номли жойдаги тепаликда унга қаршилиқ кўрсатиш учун юз йўжана узунликдаги мустаҳкам деворни курдириб урушди. У жой Сарандибнинг шаркида эди. Рама ва Рамайна<sup>829</sup> қиссасида айтилишига кўра, Рама жангда Раванани ўлдирди ва унинг биродари эса Равана биродарини ўлдирди. Кейин тўсиқ деворнинг ўн жойидан ўқ отиб, қирқди.



Ҳиндларнинг айтишларига кўра, Ланка шайтонларнинг қалъаси бўлиб, ердан баландлиги ўттиз йўжана – бу саксон фарсах бўлади. Ланка узунлиги шарқдан гарбга қараганда юз йўжана, шимолдан жанубга қараган кенглиги ҳам баландлиги каби ўттиз йўжана<sup>830</sup>. Шу қалъа ва Вадвамукха ороли жануб томонда бўлганидан, улар бу томонни ёмонлик келтирадиган, деб ўйлайдилар. Улар ҳеч бир яхши ишни жануб томонга қараб бажармайдилар, у томонга қараб қадам ҳам босмайдилар.

Ланка билан Меру оралиғида, астрономик ҳисобларга бошланғич бўлган тўғри чизик устида Малава ҳудудида Ужайн шаҳри, Мўлтон чегараси яқинида Рухитака қалъаси бор. Бу қалъа ҳозир хароб бўлиб қолган. Ўша чизик Қурукшетрани<sup>831</sup> кесиб ўтади, у эса ҳиндлар мамлакатлари ўртасидаги Танешар чўлидир; унинг юқорисида Матхура шаҳри қурилган, [у чизик] Ямуна дарёси узра ва устида доимо қор бўладиган Ҳимавант тоғлари устидан ҳам ўтади. Ҳиндларнинг дарёлари Ҳимавант тоғларидан бошланади. Бу тоғларнинг орасида Меру тоғи бор.

Ужайн шаҳри шаҳарлар жадвалида Узайн дейилади, бу денгиз юқорисидадир; шаҳар билан денгиз қирғоғи оралиғи юз йўжанага яқин келади. Бу ҳам, фарқ қилолмайдиган айрим астрономларимиз гумон қилганидек, Жузжон тарафидаги Шапураканнинг ярим йўлида эмас. Чунки Ужайн, у томоннинг шаркида бўлиб экватордан анча вақт юриладиган узоқликдадир. Одамлар яшайдиган қисм узунлигининг кун чиқиш ва кун ботиш томонларидаги четларини каердалиги ҳақида турли фикрларни қориштириб юборадиган ва у фикрларнинг биридан бирини ажратишга йўл тополмайдиган киши, албатта, Ужайн шаҳрининг ўрнини билолмайди.

Балки Ланка исмидан хаёлимга бошқа шундай нарса келади: қалампир-мунчоқ Ланка деган ердан олиб келиниши сабабли *лаванг* деб аталса керак. Денгизчилар сўзларининг бир-бирига тўғри келишига қараганда, ўша ерга бориш учун кемалар жиҳозлантирилади; у ерга олиб бориш учун тайёрланган нарсалар Мағрибнинг эски тиллалари, шол, белбоғ, туз каби моллардир. Бу моллар чарм қопларга солиниб, кемаларга юкланар, манзилга олиб борилиб, денгиз қирғоғида эгаларининг исмлари ёзиб қўйилган идишларга ағдарилар экан. Эгалари у ердан четлаб, кемалар томонига бориб турар эканлар; эрталаб бўлганда, моллар ўрнига идишларнинг кенг ва торлигига қараб, қалампирмунчоқ тўлдириб қўйилган бўлар экан. Айтилишларига кўра, бу турдаги савдо муомаласи жинлар ва ёввойи одамлар билан бўлар экан.

|| (160) Ўша ерларга яқин турадиган ҳиндлар чечак касаллиги ҳақида шундай эътикод қиладилар: «Чечак, одамларнинг жонларини олиш учун Ланка оролидан ҳинд мамлакатларига томон қўзғоладиган елдир». Ҳикоя қилишларига кўра, ҳиндларда шундай кишилар ҳам борки, у чечак ели туришидан бурун унинг қўзғалишидан ва бир шаҳардан кейин бошқа бир

шаҳарга етиб боришидан дарак беради. Чечак пайдо бўлганда аломатларига қараб, унинг қандайлигини – кўркинчисиз ёки ҳалокатли эканини билиб, ҳалокатлисига қарши тадбир қўллайдиган, ниҳоят, у жонни олиш ўрнига бирор органни бузиб, ишдан чиқариб қўяди. Ҳиндлар шундай ҳалокатли чечакка қарши калампирмунчокни тилла кукуни билан кўшиб беморга ичирадилар, эркаклар хурмо данагига ўхшаш калампирмунчокни бўйинларига боғлаб юрадилар. Шунда чечакнинг ўнтасидан биттаси зарарли бўлиб чиқар экан, холос.

Ҳиндлар агар Ланка, уларнинг тавсифларига тўғри келмаса ҳам, ўша калампирмунчок келтириладиган ер бўлса керак, дея хотима қиладилар. Кейин у томонга ҳеч ким бормайди. Савдогарлардан бирон киши шу оролда қарвондан орқада қолса, ундан кейин ҳеч бир асар қолмас экан. «Рама ва Рамайна» номли китобда: «Мазкур Синд орқасида одамлар гўштани ейдиган гуруҳ бор», деган ибора сўзимизнинг исботидир. Сўнгра Лангабалус ороли кишиларининг ваҳшийликларига сабаб, одам гўштани ейишлари эканлиги баъзи денгизда юрувчиларга ҳам маълум экан.

### **XXXI БОБ. «ИККИ УЗУНЛАМА АЙИРМАСИ» ДЕБ АТАЛГАН ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАР ОРАСИДАГИ МАСОФАЛАР АЙИРМАСИ ҲАҚИДА**

Кимки бу бобда тақиқлаш юзасидан фикр юритса, мақсад икки шаҳар меридианлари орасидаги масофа бўлганини тушунади. Аммо бизнинг муаммоларимиз вақтлар оралиғини Ер экватори [ёйи]га асослайдилар. Бу [ёй]иккала шаҳарнинг биридан ўтувчи меридианга нисбатан [ҳисобланган]мазкур икки [меридиан] доира орасидаги ёйга мосдир. Бу [ёй] икки узунлама айирмаси деб аталади.

Ҳар бир шаҳарнинг узунламаси экватор қутбидан ўтувчи катта айлана [меридиан]ларнинг танлаб олинганидан бошлаб ҳисобланади. Бу [танланган меридиан] обод мамлакатларнинг ғарбий четидан ўтган. [Узунлама] экваторнинг 360 га ва [экватор нуктасининг] бир айланиш вақти бир куннинг 60 га тенг бўлақларга бўлинганига ё узокликнинг қанча фарсах ё йўжана бўлишига аосланиб аниқланади.

Ҳиндларда узунламаларни белгилаш масаласида барқарорлик йўқ. Бизда бўлгани каби бир хил усул уларда йўқ. Турли усуллари туфайли ихтилофлар устига ихтилофлар қўшилган. Бундай бўлиши сабабли улар ҳақиқат йўлидан чикиб кетишган.

Биз ҳар бир шаҳар учун [махсус] узунлама тайин қилганимиздек, улар Ужайн шаҳри меридианидан ўз шаҳригача чўзилган ёйни йўжанада ифода қилишади. Ужайнга нисбатан ғарбда бўлса, ораликни топиш учун қўшув, шарқда бўлса, айириш амалидан фойдаланилади. Ҳосил бўлган сон дешан-

тара<sup>832</sup> дейилади; бу эса «жойлар орасидаги масофа» демакдир; бу [микдор] ёритқичнинг бир айланиш вақтига кўпайтирилса ва кўпайтма 4800 га бўлинса, чикқан сон йўжанада ифодаланари. Бу дешантарани Ужайннинг туш ё ярим кечасига нисбатан ёритқичнинг берилган шаҳарга қанча вақтда юришлигини билдиради.

|| (161) Бўлувчи сонга келсак, бу Ер экватори узунлигининг неча йўжаналигини ифодаловчи сондир. Маълумки, икки шаҳар оралиғидаги [ёйнинг] узунлик [ўлчови бирлигида] ифодаланганининг Ер айланаси узунлигига нисбатан икки шаҳар оралиғини ёритқич ўртача юрган вақтнинг бир кунлик айланиш вақтига бўлган нисбатига тенгдир. Айлана узунлиги 4800 йўжана десак<sup>833</sup>, диаметри қарийб 1527 йўжана бўлиб, Пулиса фикрига кўра, 1600 дир. Браҳмагуптача 1581, шунинг учун ҳар бир йўжана 8 милга тенг. «Ал-Арқанд»<sup>834</sup> зижиди 1050 дир<sup>835</sup>. Лекин Ибн Торикнинг айтишига кўра, бу сон Ер диаметрининг ярмидир; [унингча] Ер диаметри 2100 бўлиб, ҳар бир йўжана 4 милдир; бутун айланаси эса 6596 ва бешдан бирининг 9 тасидир.

Аммо Браҳмагупта 4800 сонини ўзининг «Кҳанда кҳадяка» [номли] зижиди қўллаган. Лекин Ер айланасини топишда уни аниқроқ ҳисоблаш учун бу сон ўрнига Пулисаникини олган. Ер айланаси узунлигини шаҳар кенгламасининг [90 га] тўлдирувчи синусига кўпайтириб, натижани тўлиқ синусга бўлган; бўлинма шаҳар параллелининг йўжана билан ифодаси бўлади. Бу кўпинча «тавқ ал-мадор» [айлана ҳалқаси] дейилади, чунки одатда буни хаёлда чизадилар. Албатта, 4800 йўжана Ужайн шаҳридан ўтувчи узунламача айланасидир. Шу сонга асосланиб ҳисобласак, кенглиги 16 ва чорак даражага тенг бўлади. Ҳолбуки, Ужайн кенглиги шунча эмас, ҳақиқатда 24 даражадир.

«Карана-тилака»<sup>836</sup> зижининг муаллифи бунинг аниғини билишда Ернинг диаметрини 12 га кўпайтириб, ҳосилни шаҳардаги текис сояга бўлган. Миқёснинг бундай сояга нисбати, тўлдирувчи синуси нисбатига эмас, балки шаҳардан ўтувчи [параллел] айлана диаметри ярмининг шаҳар кенгламаси синусига нисбати кабидир.

Равшанки, муаллифнинг бундай ҳисоблаши нисбатларнинг тенглигига асосланади. [Бу усул] ҳиндларда «вийаастарай рашика»<sup>837</sup>, яъни «вазиятларнинг тескарилиги» [«тескари пропорционалик»] демакдир.

Кенглама ортиши билан текис соя ортишини, аммо кунлик йўл диаметрининг камайишини кузатар экан, у бундаги ортиш ва камайиш мутаносиб бўлиши керак, деб ўйлаган. Шунга инониб, Ер диаметрини асосга олиб, текис соя қанча марта ошса, кунлик йўл диаметри ўшанча марта камаяди, деб ҳисоблаган. Кейин диаметрча узунликдан, даврча узунликни топган. Бундан кейин, Ой тутилишини кузатишига кўра, узунламача икки шаҳар оралиғини ҳисоблади. Икки шаҳардаги [тутилиш] вақтларининг айирмасини куннинг

дақиқаларида ифодалаб, Пулиса уни Ер айланаси [узунлигига] кўпайтириб, ҳосил бўлган сонни 60 га бўлди.

Бу [60], бир куннинг дақиқалари сонидир. Чикқан сон икки шаҳар оралиғининг *йўжаналардаги* ифодасидир.

Бу [йўли] тўғри. Лекин Ланканинг энг катта айлана [экватор]да бўлган шартидагина тўғри чиқади. Браҳмагупта ҳам, 4800 га кўпайтириш билан шундай ҳисоблашни ижро этгани ҳақида илгари айтилган эди.

Бунгача уларнинг ғоялари, мақсадлар ва ҳисоблаш [усул]ларнинг тўғрилиги ёки хатолиги кўрсатилади.

Энди икки шаҳар кенгламасига асосланиб дешантарани ҳисоблашларини кўрсатамиз.

Ал-Фазорий бу ҳақда ўз зижиди<sup>838</sup> шундай ёзган: «Икки шаҳар[дан ҳар бирининг] кенгламаси синусининг квадрати топилиб, икковининг йиғиндисидан илдизи – ҳисса чиқарилади, кейин бу иккала синуслар айирмасининг квадрати шу ҳиссага кўшилади. Йиғинди 8 га кўпайтирилиб, ҳосили 377 га бўлинади. Шунда тахминан иккала шаҳар оралиғи чиқади. Кейин кенгламалар айирмаси Ер айланаси узунлигига [*йўжаналарда*] кўпайтирилиб, кўпайтма 360 га бўлинади; маълумки, бу – даража ва дақиқаларда ифодаланган кенгламалар айирмасининг *йўжанада* ифодасидир. Бу миқдор квадрати мазкур тахминий *йўжана* квадратидан айрилиб, қолдиқнинг илдизи ҳисобланади. Бас, бу тўғри [аниқ] йўжаналар бўлади».

|| (162) Равшанки, кейинги [сон], албатта икки шаҳар меридианлари орасидаги ёй [узунлигидир]. Бундан билинадикки, у икки шаҳар оралиғининг тахминийсидир. [Ал-Фазорий китобидан олиниб айтилган] бундай ҳисоблашлар ҳинд зижларида учратилганига мувофиқдир. Лекин бир нарсада [мувофиқ] эмас. У ҳам бўлса, мазкур ҳисса, кенгламалар синусининг квадратлари айирмасининг илдизидир, лекин йиғиндисининг [илдизи] эмас. Нега шундай ҳисоблашлар бўлган? Улар тўғри эмас-ку!

Бу масала юзасидан ёзилган китобларимиз [мазкур ҳисоблаш] нуксонини тўлалигича кўрсатди. Чунки фақат кенгламалар маълум бўлган ҳолдагина шаҳарлар оралиғининг қанчалиги, икковининг бир-биридан узоқлиги [ва узунламалар айирмаси] маълум бўла олмайди. Бунинг учун яна икки шаҳар узунламалар айирмаси маълум бўлиши шартдир. Иккала шаҳар кенгламаларига ва улар оралиғига асосланиб, узунламалар айирмасини топиш мумкин.

Бундай ҳисоблашлардан яна бири топилди. Лекин унинг муаллифи маълум эмас. Унинг ҳисоблаши бундай: «Агар икки мамлакат оралиғидаги *йўжана* 9 га кўпайтирилса ва натижаси бўлинса, бир билан<sup>839</sup>... Улар квадрати оралиғидаги айирма илдизи ва икки кенглама айирмасининг квадрати 6 га бўлинса, узунламалар орасини кун дақиқаларида ифодалангани ҳосил бўлади».

Бундан билинадики, биринчи марта узоқлик [йўжанада] ҳисобланади, кейин у айланиш даврига [вақтга] айлантирилади. Агар биз унинг тескарисини бажарсак, яъни катта айлана даражаларини *йўжанага* айлантурсак, 3200 ҳосил бўлади, бу эса «Ал-Арқанд»никидан олиниб, юқорида айтилганидан 100 йўжана камдир. Унинг икки мартаси 6400 эса Ибн Ториқ айтганига яқин, фарқи – 200 *йўжана*, холос.

Энди ўз томонимиздан кенгламаларнинг тўғрилангани назарга олинган баъзи жойларини кўрсатамиз<sup>840</sup>.

Уларнинг зижларида қуйидаги кўрсатилган сўз умумийдир: Ланка ва Меру тоғидан ўтган чизик [меридиан] узунликча обод худудни иккита яримга ажратиб, Ужайн шаҳридан, Раҳитака қалъасидан, Жамуна дарёсидан, Танешар ва Совуқ тоғлардан ўтади. Бу чизикка нисбатан узунламача шаҳарлар узоқлиги ҳисобланади.

Кусумапуралик Ариабхата китобидаги қуйидаги сўзни мустасно қилсак, улар сўзлари орасида ҳеч хилоф йўқ. Унинг сўзи шундай: «Одамлар айтадиларки, Куркушетра, яъни Танешар чўли, Ланкадан Меруга ўтадиган ва Ужайн шаҳридан ўтган чизикда ётади: Буни Пулисадан ҳикоя қилиб, у энг фозил [киши] бўлган, масалани ёмон билмаган, ҳолбуки, тутилиш вақтлари ҳозир айтилганнинг дуруст эмаслигини кўрсатган, дейдилар. Притхусвамин фикрига кўра, ундаги икки узунламалар айирмаси 120 *йўжанадир*».

Аммо Яъқуб ибн Ториқ «Фалақлар таркиби» [номли китоби]да шундай деган: «Ужайннинг кенгламаси  $4\frac{3}{5}$  даража». Лекин у бизга шаҳар шимолда ё жанубдалигини айтган эмас. Кейин Ал-Арқанддан олиб 4 [даража]лигини айтган. Аммо биз, Ал-Арқандда Ужайн билан Ал-Мансура оралигини кўрсатган мисолни топдик. Уни ал – [Мансурани] Браҳманавата деб айтган. Бу эса Бамҳанвадир. Аммо Ужайн кенгламаси  $22^{\circ}29'$ ; ал-Мансура кенгламаси  $20^{\circ}01'$ .

Ловҳония, яъни Лоҳарони ҳақида айтилганки, унда текис соя 5 бармоқ. Ҳамма зижларида Ужайн кенгламасини  $24^{\circ}$  деб кўрсатилган. Балабҳадра айтишига кўра, Канауж кенгламаси  $26^{\circ}35'$ ; Танешарники  $30^{\circ}12'$ . Ёзги Куёш туриши кунда Куёш зенитдан ўтади.

|| (163) Муфассир шарҳловчи Абу Аҳмад ибн Чатлағтегин<sup>841</sup> деган олим Қарли (?) шаҳри кенгламасини ўлчаб,  $28^{\circ}0'$  эканини, Танешар кенгламасини  $27^{\circ}$  эканини топди. Кенгламача, улар оралиғи уч марҳаладир. Бундай ихтилоф сабабини билолмадик.

«Карана-сара» зижидида шундай [ёзилган]: «Кашмир кенгламаси  $34^{\circ}9'$ ; унда текис соя  $8^{\circ}7''$ ».

Мен ўзим Лаухур<sup>842</sup> қалъаси кенгламасининг  $34^{\circ}10'$  эканини топдим. Бундан Кашмир қасабаси – пойтахтигача 56 милдир. Унинг ярми тепаликлар ва ярми текис даладан иборатдир.



Кузатишларимиз давомида бир қанча жойлар кенгламасини топдик:

Ғазна	33°35';	Ламғон	34°43';
Кобул	33°47';	Пуршовар	34°44';
Канди – амир турар жойи	33°55';	Вайҳанд	34°30';
Дунпур	34°20';	Жайлам	33°20';
Нандна қалъаси	32°0'.		

Нандна қалъаси билан Мўлтон оралиғи қарийб 200 мил.

Сиалкот	32°58';
Мандаккакўр	31°50';
Мўлтон <sup>843</sup>	29°40'.

Агарда жойларнинг кенгламалари маълум бўлса, яна улар орасидаги масофа ўлчанган бўлса, узунламалари айирмасини топса бўлади. Буларни [юқорида] кўрсатилган китобларга мурожаат қилиб топиш мумкин. Ҳиндларнинг ерларида мазкур жойлардан ташқарида бўлмадик. Улар китобларидан [яна бошқа] узунламалар ва кенгламалардан вокиф бўлмадик.

### XXXII БОБ. МУДДАТ, ВАҚТ ВА ОЛАМНИНГ ЯРАТИЛИШИ ҲАМДА ЙЎҚ БЎЛИШИ ҲАҚИДАГИ МУЛОҲАЗАЛАР

Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий<sup>844</sup>, бурунги юнонларнинг, беш нарсани қадимдан бор деб эътиқод қилишларини ҳикоя қилиб, у беш нарса: яратувчи унга саломлар бўлсин, умумий рух, ҳаюла – илк материя, мутлақ замон, мутлақ макондир, деган. Ар-Розий ўз мазҳабининг асосини шу эътиқодга қурган ва замон билан муддат орасида айирма кўрсатиб, «уларнинг бирига сон тўғри келади, соннинг чеки бўлмагани туфайли бошқасига сон тўғри келмайди», деб тушунган. Шунингдек, файласуфлар, аввал ва охири бор нарса учун замонни, аввал ва охири йўқ нарса учун абадиятни муддат қилиб белгилашган.

Ар-Розий юқоридаги беш номнинг шу борлиқда бўлиши зарур деган ва «шу борлиқда сезиладиган ва кўринадиган нарсалар айнан улардан таркиб топиб, шаклга кирувчи ва бирон жойга жойлашувчи материядир. Уларга, албатта, жой керак, аҳволининг турлича бўлишига қараб замон ҳам керак. Чунки материянинг баъзиси олдин, баъзиси кейин вужудга келади. Уларнинг қадимийлиги ва янги пайдо бўлганлиги замон воситаси билан билинади. Демак, борлиқда замоннинг бўлиши, борлиқ-мавжудотда тирик зотлар борлиги сабабли рухнинг бўлиши зарур. Тириклар орасида ақли расолар ва фикрлаш ғоят даражада юқори бўлган моҳир санъат арбоблари бор. Шундай бўлгач, ақлни ниҳоятда чархлатиб, унинг қувватини ўз эгасини халос қила олиш даражасига эриштирадиган ҳикмат эгаси, билимдон ва моҳир яратувчининг бўлиши зарур», деб баён қилишган.

|| (164) Фикр эгаларининг баъзиси абадиятга ҳам, замонга ҳам битта маъно бериб, улардаги ҳаракат ниҳояланади, деган. Баъзилар эса «айланиб турувчи ҳаракат абадий қолиб, у ҳаракат қилувчи билан доимо бирга бўлади ва ҳаракат доим қолиш шарафига эришади. Сўнгра ҳаракат қилувчидан уни ҳаракат қилдирувчига ва бу ҳаракат қилдириб, ҳаракат қилувчидан ҳаракат қилмайдиган дастлабки ҳаракат қилдирувчига тараққий қилиб боради», – деган. Бу баҳс жуда нозик ва чалкашдир. Шундай бўлмаганда бу ҳақда турли фикр юритувчилар бир-бирларидан ғоят даражада узоқлашмас эдилар. Ҳатто баъзилари, замон тубдан йўқ нарса, баъзилари эса, замон ўзича барпо бўлган бир жавҳардир, дейишмаган. Искандар Афродизий шунга қараганда, «Аристотель» «Китобус симо ат-табиий» номли асариди: «Ҳар бир ҳаракат қилувчи, албатта, бир ҳаракат қилдирувчи томонидан ҳаракатга келади»<sup>845</sup>, деб исботлаган. Гален эса «Аристотель бу ҳақда очик гапирган эмас», – дейди.

Аммо ҳиндларнинг бу бобдаги фикрлари оз, тубсиз ва тўла эмас. Вараҳамиҳира ўзининг «Самҳита» номли китобининг бошида, қадимлик хусусиятига эга нарсаларни баён қилганда шундай деган: «Эски китобларда, энг аввалги ва қадимги нарса қоралиғи бўлмаган, аммо ухлаган кишининг ҳолати сингари вужудсизликдан иборат бўлган қоронғуликдир, кейин Тангри Брахма учун шу оламни гумбаз ва қубба қилиб яратди, оламни юқори ва қуйи қисмга ажратиб, бунда Қуёш ва Ойни юргизиб қўйди».

Капила эса бундай деган: «Худо, у билан биргаликда олам ва унинг субстанциялари ва жисмлар ҳамини бор бўлган. Лекин Худо оламга сабаб ва иллатдир; Худо латифлиги сабабли қўпол оламдан юқори босқичда туради». Кумбҳақа бундай деган: «Қадимги нарса *маҳабҳута*, яъни беш унсурнинг тўпламидир».

Бошқаси, қадимги нарса замондир деса, баъзилари, табиатдир деганлар. Бошқа бирлари эса ҳамма нарсанинг тадбирчиси карман, яъни «амалдир»<sup>846</sup>, деган.

«Вишну-дхарма» китобида Вайра Маркандеяга: «Менга замонларни баён қилиб бер», деганида, у бунга: «Муддат – атама пуруша, яъни пурушанинг нафаси, пуруша эса ҳамма нарсанинг эгасидир»<sup>847</sup>, деб жавоб берган. Кейин Маркандея замон бўлақларини баён қилишга ҳаракат қилган.

Ҳиндлар муддатни икки даврга бўлганлар: ҳаракат даври, бу вақт [ўтишини] тақозо қилади ва сокинлик даври, буни фақат хаёлда, ҳаракатдагиси билан солиштириш орқали фарз қилиш мумкин. Ҳиндларнинг фикрига кўра, яратувчининг абадийлигини тасаввур қилиш мумкин, лекин уни сон билан ўлчаш мумкин эмас. Чунки унинг чекланганлиги қатъий равишда рад этилади. Ҳар ҳолда фарз қилиш мумкин бўлган, лекин сон билан ўлчаб бўлмайдиган нарсани тасаввур қилиш жуда қийин ва мумкин эмасдек кўринади.

Ҳиндлар орасида тарқалган яратилиш ҳақидаги тасаввурга келганда бу авом халқнинг тасаввури, чунки биз материянинг абадийлиги ҳақидаги фикрларини ҳикоя қилган эдик. Шунинг учун улар яратишда йўқдан бор қилишни тушунишмайди, балки лойдан турли буюмлар яшаш хунарини, унда пайдо қилинган таркиб ва шаклларни, яратилган ижод маҳсулидаги мақсад ва ғаразларни эриштирадиган тадбирларни тушунишади. Шу сабабдан яратишни фаришталар, жинлар ва ҳатто инсонларга ҳам нисбатан бераверишади ё неъмат ва эҳсон эгасининг ҳақини адо этиш учун ёки бировни кўролмаслик ва нафсоният касалига учраганлиги сабабли даволаниш учун шундай нисбат беришади. Масалан, улар «Одамларнинг кенг фойдаланишлари учун *риши* Вишвамित्रа говмиш сигирларни яратди», – дейди. Бу, Афлотуннинг «Тимей» китобида «Теой, яъни [илоҳлар] инсон яратиш ишини ўз устига олган худоларга, оталари шу ишни буюргач, дастлаб улар сувсиз бир руҳни олиб, кейин унинг учун сувдан жасад ясадилар»<sup>848</sup>, – деган сўзига ўхшайди.

Шу ерда энди муддат ҳақида айтиш керак, бизникилар уни ҳиндлар мазҳабига кўра, «олам йиллари»<sup>849</sup> деб аташади. Ана шундан яратилиш ва йўқ бўлишнинг, йўқдан бор қилишга ўхшаш, ўша муддатнинг икки томонида экани гумон қилинади. Ҳиндлар бу ҳақда тортишмайди. Улар Браҳманинг кундузи ҳақида сўзлашайди. Бу кундузга ўша муддатдек кеча ёндашади. Чунки Браҳма вужудга келтириш ишига муаққилдир. Вужудга келиш эса, вужудга келувчи бошқа нарса томонидан амалга ошириладиган бир ҳаракат бўлиб, бунинг сабабларининг энг равшани юқоридаги ҳаракат қилувчилар, яъни ёриткичлардир. Ёриткичлар уларнинг турли йўналишларда ҳаракатлари ва шакл алмаштиришлари бўлмаганда эди, остларидаги [Ердаги] нарсаларга таъсирлари бир текис бўлар эди. Бундай [ҳаракат ва шакл алмашиш] Браҳма кундузидагина бўлади. Чунки сайёралар, ҳиндлар фикрича, Браҳма кундузида || (165) сайр қилишади ва сфералар ўзларига белгиланган тартибда айланади. Шунинг учун Ерда вужудга келиш доимо юз бериб туради. Браҳманинг кечасида эса сфера ҳаракатдан тўхтайтиди; сайёраларнинг ҳаммаси бир жойда – ўзларининг апогейларида, жавзаҳрларида<sup>850</sup> қарор олади; шунинг учун ердаги турли ҳолатлар ўзгармайдиган биргина ҳолатдан иборат бўлиб қолади. Шунда вужудга келтирувчининг ишдан тўхташи, таъсир ва таъсирланишнинг йўқлиги сабабли яратилиш йўқ бўлади. Унсурлар турли ўзгариш ва аралашилардан ором олиб, энди<sup>851</sup> келгуси кундузда вужудга келувчилар учун тайёрланишади: биз ўз жойида ҳикоя қилганимиздек<sup>852</sup>, Браҳма умри давомида иш шундай айланиб туради.

Демак, уларнинг фикрига кўра, ер юзида, ана шу йўсинда яратилиш ва йўқ бўлиш воқе бўлади-ю, аммо вужудга келмаган нарса – тупроқ ҳосил бўлган ва яратилган бўлмайди; илгари вужудга келган нарса йўқ бўлмайди. Йўқдан бор қилиш деган нарса уларда қандай амалга ошсин? Ҳолбуки, улар

материяни қадимдан мавжуд дейишади ва авом халқларга мазкур икки муддатни Браҳманинг уйғоқ ва ухлаган вақти деб тушунтиришади. Браҳма умрининг ҳаммасини, унда ҳаракат ва ҳаракатсизликнинг бирин-кетин келиб туришига кўра, борлиқ деб ҳисобланади ва унга тупроқ билан бирга шакл ҳам бўлганидан, у йўқлик деб ҳисобланмайди. Браҳманинг бутун умри бир кундир<sup>853</sup>, ундан кейин у яшамайди. Браҳма ўлгач, унинг кечасида мураккаб нарсалар тарқалади ва сақланиши табиатга тегишли бўлган иш уларнинг тарқалишлари сабабли йўқ бўлади. У [вақт] пурушанинг роҳат ва идора қиладиган вақтидир.

Уларнинг авомлари, Пуруша кечаси, сифат жиҳатидан Браҳма кечасига ўхшайди, дейишади. Пуруша эр кишининг исми бўлганидан унга уйку ва бедорлик сифатини қўшадилар; у ухлаб хуррак отганда ҳар бир узлуксиз туташ нарса парчаланиб кетади, пешонаси терлаганда ҳар бир тик турган нарса унга ғарқ бўлади, дейишади. Улар мана шуларга ўхшаш ақл бовар қилмайдиган, кулоқ эшитишни истамайдиган [фикрлар]ни юргизадилар. Шунинг учун ҳиндларнинг маърифатли табақалари авом табақанинг бундай [тушунча]ларига қўшилишмайди. Чунки улар уйқунинг ҳақиқатини бир-бирига ёрдам берадиган айрим хилт [қўшилма]лардан тузилган баданнинг уйку билан ором олишини ва ҳар бир керакли нарсанинг табиийлигига ўрнига қайтиши учун уйкуга эҳтиёжи борлигини билишади. Масалан, танада доимий тарқалишнинг бўлиши сабабли, тарқалганини қайтадан тўлғазиш учун овқатланишга, ўзи йўқ бўлиб кетиши ва ўзидан кейин ўз турини ўрнига қолдириш учун ишқи пинҳонга, басит жавҳарлар ва улардан юқори турадиган ўхшаши йўқ зот муҳтож бўлмаса ҳам, бизнинг эҳтиёжимиз тушадиган бошқа ёмон нарсаларга муҳтож бўлади.

Яна улар оламнинг бузилиб, йўқ бўлиши ҳақида шундай даъво қиладилар: «Ҳар бир ойда навбати билан кетма-кет келадиган ҳаммаси бўлиб ўн иккита куёш йиғилиб, доимий равишда тупроқни куйдириб, майдалайди ва намликларни тортиб қуритади. Сўнгра фаслларда навбати билан ёғадиган тўрт турли ёмғирлар йиғиндисини қуриб қукунланган тупроқ ўзига тортади ва шу сабабли ёмғир тарқалади. Кейин ёруғлик кетиб, қоронғилик ва йўқлик ҳукмрон бўлади, ниҳоят, оламнинг сочилиб кетишига шароит пайдо бўлади».

|| (166) «Матсия-пурана»да «Оламни куйдирадиган олов, сувдан чиқиб, шу вақтгача Куша-двипадаги Маҳиша тоғида тинч турибди ва шу тоғ номи билан аталади», – дейилган. «Вишну-пурана»да эса: «Маҳарлока қутбнинг юқорисида туради, унинг шунда туриш [вақти] бир калпадир. Локалар учта, улар куйганида қаттиқ иссиқ тутун ундаги кишиларга тоқатсизлик беради, шунинг учун улар кўтарилиб, Жаналокага кўчадилар; унда Браҳманинг илгари яратилган ўғиллари, яъни Санака, Сананда, Санатака, Асура, Капила, Водху ва Панчашикҳа турган бўладилар»<sup>854</sup>.

Шу ҳикоялар мазмунидан маълум бўлишига кўра, оламнинг шу хилда йўқ бўлиши *калпанинг* охирида бўлади. Абу Маъшарнинг: «Сайёралар [бир жойда] йиғилишганда дунёда Тўфон бўлиб, оламни сув босади» – деган фикри шу ҳикоялардан олинган. Чунки уларда мукамал суръатда бўлмаса ҳам, ҳар бир *чатурюга* охирида ҳар бир *калиюганинг* бошида сайёраларнинг йиғилиши воқе бўлади. Демак, Тўфонда ҳам, бутунлай бузилиш ва ҳалокат юз бермайди.

Ал-Эроншаҳрий ушбу хурофотга ўхшаш ақидани буддавийлар тилидан шундай ҳикоя қилган: «Меру тоғи томонларида тўртта олам бор, улар навбати билан обод ва хароб бўлишади. Еттита Куёш кетма-кет чиқиб, еттинчи чиқиши тамом бўлгунча, хароб бўлувчи оламга олов ҳукмронлик қилади, булоқларнинг суви қуриydi, ёрқинлашувчи олов у [бузилувчи олам]нинг ичига жойлашиб олади<sup>855</sup>. Олов унга чиқиши билан [хароб олам] обод бўлади. [Олов] чиқиб кетганда шамол кучаяди, булутларни сиқиштириб, ёмғир ёғдиради, ниҳоят [ёмғирлар] денгизларга айланиб, [денгиз] кўпигидан садаф пайдо бўлади. Бунга [садафга] руҳлар бирикади ва сув чуқур сингиб садафдан инсонлар вужудга келади».

### XXXIII БОБ. КЕЧА ВА КУНДУЗ ҲАҚИДА

Бизларнинг урф ва одатларимизда ҳам, ҳиндларда ва бошқаларда ҳам, Куёшнинг тўла айланишига катта айлананинг бир ярмидан ўтиб ва қайтиб, яна шу ярмига келгунга қадар кетган муддат кун дейилади. Кун яққол иккига бўлинади: бири кундуз – берилган маълум жойда яшовчиларга Куёшнинг кўринаётган вақти, [иккинчиси] кеча – уларга кўринмаган вақти. Бу икки [ходиса]: кўринишлик ва кўринмаслик фақат уфқ туфайли бўлади. Маълумки, ҳиндларнинг кенгламаси йўқ, деб айтадиган экватордаги уфқ [ёриткичларнинг] кунли параллелларининг ҳар бирини кесиб, икки яримтага ажратади. Шунинг учун у ерларда доим кундуз кечага тенг бўлади.

Қутблардан ўтмайдиган уфқлар билан [экватордан] кичик кунли параллелларнинг ҳар бири кесишиб, тенг бўлмаган бўлақларга ажралгандан бундай уфқларнинг тегишли жойлардаги кундузлари ҳам, кечалари ҳам турли [узунликда] бўлади. Лекин тенгкунлик пайтларида Ернинг Меру ва Вадавамукҳадан бошқа ҳамма жойларида кундуз кечага тенг бўлади. Экватордан узоқлашган сари жойлардаги кундуз билан кеча узунлигининг фарқи ортиб боради.

|| (167) Куёшнинг уфқдан чиқиш пайти кундуз боши ва унга ботиш пайти эса кеча бошидир. Ҳиндларда кундуз кечадан илгари деб ҳисобланади. Кеча кейинда келувчидир. Шунинг учун улар кунни савана<sup>856</sup>, яъни «[Куёш] чиқишга боғланувчи кун» демакдир. Уни манушия хўратра – «одамлар куни» деб ҳам атайдилар. Чунки улардан кўпчилиги шундай кундан бошқасини эъ-

тироф қилишмайди. Бундай кунни аниқлаб, бошқаларни ўлчашлик учун буни асосга [бирликка] қабул қиламиз. Энди одамлар кунидан бошқалари борлигини айтсак, ундан кейин питринам аҳўратра<sup>857</sup>, яъни «қадимги аждодлар кунни» келади. Ҳиндларнинг эътиқодларига кўра, аждодларнинг жонлари Ой сферасида туради. Бундай куннинг кундузи ва кечаси уфққа нисбатан чиқиш ва ботиш билан эмас, ёруғлик натижасида намоён бўлади. Гап шундаки, Ойнинг ёруғлиги ортиб, тўлин Ой бўмагунча, яъни ойнинг ёруғлиги энг ортган вақт уларнинг кундузлари [ўртаси] бўлади, ёруғлиги энг камайган вақт уларнинг кундузлари [ўртаси] бўлади, ёруғлиги энг камайган вақт кечаларининг [ўртаси] бўлади.

Равшанки, ҳиндларда кундуз ўртаси тўлин Ой чоғида, кеча ўртаси эса янги Ой турган чоғида бўлади. Демак, «аждодлар кунлари тўлик» битта Ой ойига тенг; Ой доирасининг ярми ёритилиб, ёришиш ортиб бориш билан «аждодлар кунларининг» кундузи бошланади, камайишга томон боришда, ярми ёришган вақтда кечаси бошланади. Бунда кундуз ва кеча «ярми» [сўзини] ишлатишлик ўхшатиш юзасидандир. Чунки Ой тўгарагининг яримта бўлиб кўриниши Куёш чиқаётганда ва ботаётганда тўгарагининг ярми кўринган [пайти] сингаридир. «Аждодлар кундузи» деганда, Ойдаги биринчи квадратурадан иккинчи квадратурагача ўтган муддатни, кечаси деганда, иккинчи квадратурадан биринчи квадратурагача ўтган муддатни тушуниш керак. Бундай кундуз билан кеча йиғиндиси аждодларнинг тўлик<sup>858</sup> кунни бўлади.

«Вишну-дҳармоттара»нинг муаллифи шундай сўзларни биринчи квадратурагача таърифлаган. Бироқ Ойнинг қоронғулик ярмини қарама-қаршиликдан бирлашишгача [бўлган даврни] – аждодлар кундузи деб, иккинчи ярми бўлган ойдин вақтни – кечаси деб кўрсатган. Ҳолбуки, бундан илгари айтилгани тўғрироқдир. Ҳаттоки, уларнинг маълум вазиятларида бирлашиш кунда ота-боболари учун садақа қилиш одати бор. Кундуз ўртаси ўзларининг овқатланиш чоғи бўлиб, ота-боболари [руҳи]га ейишни таклиф қиладилар.

|| (168) Аждодлар кунидан кейин, навбатда дивияҳўратра,<sup>859</sup> яъни «фаришталар кунни» келади. Маълумки, кенгламаларнинг энг ортиғи бўлган 90° ли жой уфқида [турувчининг] боши узра осмон қутби туради. Бу уфқ, тахминан, осмон экваторининг ўзидир. Осмон экватори эса кўринмас уфқдан пастроқда, Ердаги Меру тоғи устидан ё этагидан [қараганда] осмон экваторига нисбатан кўринма уфқ анча пастда бўлади. Равшанки, эклиптика экватор билан кесишиб, бир-бирини иккита бўлакка бўлади; [эклиптика] ярми уфқ устига ва [иккинчи] ярми остига ўтади. Куёш эклиптиканинг шимолий томонида бўлган муддатда ҳар кунни уфққа параллел бўлиб, гумбазларда ҳаракат қилгандек, [ярим йил] айланади. Шимолий қутб остидаги жойда [Ер қутбида] доимо уфқ устида [Куёш] кўринади. Бу муддат [у жой] учун кундуз бўлади. Аммо жанубий қутб остидаги жойда [Куёш] уфқ остида бўлиб, кўринмайди. Бу жойнинг

кечаси бўлади. Куёш эклиптиканинг жанубида бўлган вақтида уфқ остида айланиб, шимолий кутб остидагилар учун кечаси бўлади, лекин жанубий кутб остидагилар учун эса кундузи бўлади.

Иккала кутб ости девакалар, яъни руҳларнинг турар жойларидир. Шунинг учун [ҳозир айтилган] кун уларникидир<sup>860</sup>.

Кусумапуралик Ариабхата шундай деган: «Девлар ярим йил [давомида] Куёшни кўриб туради, данавалар эса иккинчи ярмида Куёшни кўриб туради. *Питаралар* эса Ойни ярмида, одамлар иккинчи ярмида Ойни кўришади. Куёш эклиптика бўйича бутун бир айланиб, дева ва данава учун ҳам бир кундуз ва кеча бўлади, бунинг йиғиндиси улар учун кундир. Демак, бизнинг бир йилимиз деваларнинг бир кунидир. Унинг кундузи кечасига тенг эмас, чунки Куёш [эклиптикада] шимолий огишида бўлганда, апогейдан ўтиши туфайли секин юради. Шунинг учун кундуз кечага нисбатан узунроқ бўлади. [Бу тафовут] кўринма уфқ билан ҳақиқий уфқ айирмасидан ҳосил бўладиган [вакт]га тенг эмас. Чунки унда Куёш доирасидаги фарқлар сезилмайди. Шу билан бирга уларнинг фикрига кўра, ўша жойда яшовчилар Ер юзига нисбатан баланддандир. Чунки улар Меру тоғида турадилар. Бу фикрга ишонувчи, бу тоғнинг жуда баландлигига кўра ишонади<sup>861</sup>.

Тоғнинг анча баландлиги уфқ [чизиғи]нинг узайишига сабаб бўлиб, кундузни кечага нисбатан узайтиради. Агарда бу хабар шаръий ва унга мувофиқ бўлмаса эди, бу [тафовут] миқдорини ҳисоблаб кўрар эдик.

«Вишну-дхарма» муаллифи бу ҳақда у шундай деган: «Бошланиши Жадий бўлган ярим [айланага тегишли муддат] асура, яъни данава кундузидир. Боши Саратон бўлгани[га тегишлиси] эса кечасидир». Кейин у яна шундай деган: «Боши Ҳамал бўлган ярим [айлана]га тегишли муддат девалар кундузидир»<sup>862</sup>. У [бу масалани] тушунмаган, яъни [ярим йиллар] кеча ва кундузнинг кутблар учун бўлишлигини билмаган.

|| (169) Девлар кунидан кейин брахма-хоратра<sup>863</sup>, яъни «Брахма куни»дир. Бу кун ёруғ ва қоронғидан иборат эмас: [ёритқичнинг] чиқишидан ва ғойиб бўлишидан эмас, балки табиатдагиларнинг физик ҳолатидан – кундузи ҳаракатланишларидан, кечаси тинч туришларидан юзага келади. Брахма куни, йилимизнинг 8 640 000 000 тасига тенгдир. Бунинг ярми кундузи бўлиб, унда эфир бор, бунда [доимо] ҳаракат мавжуддир. Ер ободдир; унинг юзида ҳаёт пайдо бўлиб ва бузилиб [емирилиб] туради. Ер ундаги ўзгарувчиларнинг тинчланиши билан ҳеч қандай ўзгаришга эга бўлмайди. Тундаги ҳаракатларнинг йўқлиги эса гўё табиатнинг қишда дам олишига ўхшайди.

Брахманинг ҳар бир кундузи ва кечаси бир калпадир. Муаллифлар буни «Синдхинд йили» дейишади.

Бу кундан кейингиси пурушахоратра, яъни «бутун жонлар куни»дир; буни маҳакалпа, яъни «улуғ калпа»<sup>864</sup> деб ҳам юритилади. Аммо улар буни

бекор килмай, бошқа муддатлардан ажралувчи муддатни тайинлаш учун ишлатадилар; уни кундуз ва кечага бўлмаганлар; ўйлаш мумкинки, кундузи жоннинг бошланғич материяга боғлиқ муддати бўлиб, кечаси эса уларнинг бир-бировидан ажралишган – руҳларнинг истироҳат муддатидир. Бундай кун боғланиш бошланган чоғдан ажралиш муддатининг охиригача давом этади.

«Вишну-дҳарма» китобида шундай дейилган: «Брахма умри пурушанин<sup>865</sup> бир кундузига тенг: кечаси ҳам худди шунчадир». Улар Браҳма умрининг [ўзи номидаги] йилнинг юзтасига тенг, деб келганлар. Уларда йиллар 360 га кўпайтириш билан таркиб этилади. Илгари, Браҳманинг бир куни миқдори айтилган эди. Унга асосланганда бир йили бизларнинг 3 110 400 000 000 йилимизга тенг, юз йили эса иккита ноль орттирилганига тенгдир. Шунда ноллар саноғи 10 та бўлади. Бу эса *пурушанин*г кундузи бўлиб, куни эса икки бараварига, яъни 622 080 000 000 000 га тенг.

«Пулиса-сиддиҳанта»га кўра, Браҳма умри пурушанин<sup>866</sup>г бир кундузига тенг. Лекин у пуруша кундузни парардҳакалпа<sup>866</sup> деб ҳам айтган. Бошқаларнинг айтишларига кўра, парардҳакалпа кҳанин<sup>866</sup>г кундузидир; кҳа нуқта демакдир. Бу биринчи сабабни тушутиради ва бунга бутун мавжудот боғлиқдир.

Ундай *калта* [парардҳа] ҳисоб марталабларидан 18-мартабани олган. Маъноси – ярим осмон бўлиб, икки мартаси бутун осмон – бутун кун бўлади. Демак, *кҳа* куни<sup>864</sup> мингни ўнг томонига 24 та ноль қўйилганида [ҳосил бўлган сон қадар] йилимиздир.

Бу [иборалардан ҳар бири] кўп рақамлардан иборат сонларни ифодалаш бўлмай, вақтнинг [абстракт] тушунчасини бериши учун [фалсафий аҳамиятга эга] бўлиши керак. Чунки улар тузиш ва бузилиш, вужудга келиш ва йўқ бўлиб кетишдан бошқа маънони беролмайди.

### **XXXIV БОБ. КУННИНГ КИЧИК БЎЛАКЛАРГА БЎЛИНИШИ ҲАҚИДА**

Ҳиндлар кун бўлакларини майдалаб кўрсатишда меъёр доирасидан чиққанликлари сабабли, бу масалада катта чалкашликлар мавжуд. Шунинг учун бўлаklar миқдорлари ҳақидаги маълумотларни икки китобда бир хилда кўролмайсиз ёки бу ҳақда икки кишидан бир хил сўзни эшитолмайсиз. Уларнинг биринчиси шуки, кун олтмиш дақиқага бўлиниб, буларнинг ҳар бири гҳати деб аталади<sup>867</sup>.

Кашмирлик Утпаланин<sup>867</sup>г «Срудҳава» номли китобида ёзилишига кўра: «Бир ёғочни цилиндрсимон қилиб кавлаганин<sup>867</sup>гизда, у айлана ғовакнинг диаметри ўн икки бармоқ бўлиб, чуқурлиги олти бармоқ бўлса, бунга уч ман сув сиғади. Шунда агар у ёғоч тагидан, кекса аёл ёки қиз бола сочидан эмас, балки



ёш аёл сочининг олти толасидан ўрими сиғадиган тешик килинса, ҳалиги уч ман сув бу тешикдан бир гҳати муддатида чиқиб кетади».

|| (170) Кейин куннинг [бунда ҳар бир бўлаги] 60 та сонияга бўлинади. Улардан ҳар бири чашака ё чакҳака дейилади; яна вигҳатика деб ҳам айтилади<sup>868</sup>. Бу иккинчилик бўлақлардан ҳар бири 60 тага бўлиниб, уларнинг ҳар бири прана<sup>869</sup>, яъни нафас дейилади. Мазкур «Срудҳава» китобида прана бундай аниқланган: «Касал бўлмаган, захар қистамаган, оч бўлмаган, қорни тўлмаган, фикрлаш билан машғул бўлмаган ҳолатда одам уйқусида мўътадил нафас олиб туради. Агар хурсандликдан ё қўрқишдан, ё очликдан, ё хаддан ортик тўйганликдан, ё яхши аҳволни бузиш сабабидан руҳий ҳолат ўзгарар экан, ухловчининг нафас олиши ўзгаради».

Прана миқдорини [кеча ва кундуз йиғиндисини 21600 прана бўлишига мувофиқлаб], юқорида айтганимиздек, олиш ёки ҳар бир гҳати 360 та [пранага] ҳисобланса, ёки осмон [айланаси]нинг ҳар бир даражаси 60 [прана] деб ҳисобланса бари бирдир.

Бу жойгача маънода бир-бири билан ихтилофга келмаганлар; аммо номларда ихтилофлари бор. Браҳмагупта сонияни ёки чашакани ванади деб атаган. Кусумапуралик Ариабхата ҳам шундай [номни] ишлатган, лекин у, куннинг дақиқаларини ҳам нади<sup>870</sup> деган. Иккови ҳам, осмоннинг дақиқаларига мос пранадан кичик бўлақларга ўтмаган.

Пулиса бундай деган: «Осмон сферасининг дақиқалари 21 600 та бўлиб, кундуз кечага тенг бўлган кунларда<sup>871</sup> соғ одам шу сон қадар нафас олади. Осмон сфераси бир дақиқали [ёй]ни битта нафас олиш муддатида кезади».

Уларда дақиқалар билан сониялар оралиғида ҳам миқдор бор. Дақиқанинг чорагига тенги кшана дейилиб, бунинг 15 дан бири кала дейилади. Дақиқанинг 16 дан бирига тенги *чашакадир*; бу кала<sup>872</sup> деб ҳам айтилади.

Бу бўлақлардан ҳам майда учта исм бор, уларнинг тартибида хилоф йўқ. Уларнинг биринчиси нимеша кўзнинг [ёпилиб] табиий ҳолда, икки томонга очилгунча ўтган вақт. Ўртадагиси лава бўлиб, энг сўнггиси трутидир. Бу эса кўрсаткич бармоқни бош бармоқнинг ички юзига тегизиб кўтаргунча ўтган вақт, бу эса бирор нарсага [ё сўзга] таажжубланиш ишоратидир. Бу [уч миқдор]нинг ораларидаги нисбат – фарқ жуда катта. Кўпларнинг даъвосича: 2 трути – 1 лава, 2 лава – 1 нимеша<sup>873</sup>. Сўнгра нимеша билан ундан катталари ҳақида ихтилоф қиладилар. Баъзиларининг сўнгра, кейингиси 15 та, яна бошқаларникига кўра эса 30 та нимешадир. Бошқалари ҳалиги 3 миқдорнинг ҳар бирини 8 га бўлиб боришликни олган [яъни, 8 трути – 1 лава, 8 лава – 1 нимеша; 8 нимеша – 1 коштҳа(?)]<sup>874</sup>.

Айнан ана шу муносабат «Срудҳава» китобида бор.

Шммий<sup>875</sup> ҳам ўшандай деган, у яхши таҳсил олган астрономлардандир. У [ҳалигиларга] энг кичик трутидан кичикларни ҳам киритади. Охиргидан ки-

чигини ану<sup>876</sup> деган; бунинг 8 таси бир трутидир. Нимешадан олдинда каштха ва кала бор. Калани юкорида айтилгандек, баъзилар чашака деб атаб, уни 30 та каштха дейишган. Ҳар бир каштха 15 нимеша, ҳар бир нимеша 2 лава ва ҳар бир лава 2 трути<sup>877</sup>. Бошқалари 1 калани кун дақиқасининг 16 дан бири деб, ҳар бир бўлакни 30 каштха ва ҳар бир каштхани 30 нимеша деганлар. Кейинги бўлақлар, юкорида айтганимиздек, баъзиларнинг ҳисобига кўра, 1 чашака – 6 нимеша, 1 нимеша – 3 лава.

Шу ерда [Утпала] сўзи тугайди.

«Ваю-пурана»га кўра, 1 мухурта – 30 кала, 1 кала – 30 коштха, 1 коштха – 15 нимеша. Бундан кичиги кўрсатилмаган<sup>878</sup>.

|| (171) Бу маъноларни аниқлаш учун йўл-система йўқ. Шунинг учун Утпала ва Шммий тутган йўлни, яъни пранадан пастдагиларни 8 га бўлиб боришини қабул қилсак яхшидир. У ҳам бўлса 1 прана – 8 нимеша, 1 нимеша – 8 лава, 1 лава – 8 трути, 1 трути – 8 ану бўлинишидир. Бу [система] ушбу жадвалда кўрсатилади.

Исмлар	Каттасида кичиклари	Бир кунда булардан ҳар бирининг сони
<i>Гҳати, нади</i>	60	60
<i>Кшана</i>	4	240
<i>Чашака, винади, кала</i>	15	3600
<i>Прана</i>	6	21600
<i>Нимеша</i>	8	172800
<i>Лав</i>	8	1382400
<i>Трути</i>	8	11059200
<i>Ану</i>	8	88473600

Ҳинд оммаси кунни 8 *праҳарга*<sup>879</sup> бўлади. Бу эса коровулликда битта навбат вақтидир. Мамлакатларнинг баъзи қисмларида гҳати билан ифодаланувчи сув соатлари ишлатилади. [Навбатда] 8 мухуртача сувни кузатади. Бундан кейин навбати [бошқасига] ўтади.

Агар етти гҳатидан кейин бир навбат ўтса, ноғора урилади ёки чиганоксимон айланма карнай-шанкха чалинади, форсларда спед-муҳра дейилиб, пуфланиб чалинади. Буни мен, Пуршура<sup>880</sup> шаҳрида кўрдим. Унинг товуши билан бирор иш ва ҳодиса вақтлари белгиланади.

Яна, кун 30 мухуртага бўлинади. Бу бўлиниш ҳам шубҳали бўлишдан холи эмас. Гоҳо уни гҳатига нисбатан тенг деб гумон қилиш мумкин. Айтишларига кўра, икки гҳати битта мухуртага тенг ёки битта навбатга тенг, яна баъзилари, ҳар бир навбат учта мухурта-ю уч чорак бўлади, дейдилар. Ўзгармас соатлар юриши шунга асосланади. Лекин бундай соатларнинг кундузлик ва кечалик миқдори кенгламага боғлиқ ҳолда ўзгаради.

Демак, муҳуртанинг кундузлик миқдорининг кечалигига тенг эмаслиги гумон бўлиб қолади.

Кейин [вақт] эгалари рўйхати кўрсатилганда, бу фикрнинг тескариси пайдо бўлади. Чунки улар ҳар кундузни ҳам, ҳар кечани ҳам 15 та [тенг бўлак]га бўлишади ва шунга асосланиб ишларни муавважа [ўзгарувчан] соатлар бўйича юргизишади. Белгили вақтда одам соясининг бармоқларда ифодаланган узунлигидан туш чоғидаги сояси узунлигининг айрилганига қараб муҳурта аниқланади. Қолдиғи [қуйидаги] жадвалнинг ўрта [сатрида] кўрсатилади, биз уларни шеърларига муносиб кўчирдик.

[Кундуз бошидан] туш чоғигача ўтган муҳурталар сони	1	2	3	4	5	6	7	
Тушдан кейинги соянинг кўпайган бармоқлари	96	60	12	6	5	3	2	0
Тушдан кейинги ўтган муҳурталар сони	14	13	12	11	10	9	8	

|| (172) «Сиддиҳанта»ни шарҳ қилган Пулиса кейинги фикрни очиқ айтиб, муҳуртани икки гҳатиغا тенг дейишни инкор қилиб, кундузнинг гҳатилар саноғи йил бўйича ўзгариб боради, лекин муҳурталар саноғи ўзгармайди дейдиганларни танқид қилади. Шу билан, муҳурта миқдорини белгилашида ўз сўзини ёлғонга чиқаради, уни 720 прана, яъни нафасга тенг қилади. Нафаснинг ўзи икки хилдан иборат: бири – апана, яъни нафас олиш, иккинчиси – прана, яъни нафас чиқариш. Иккаласи яна ниҳшаса ниҳшваса ва *авашаваса*<sup>881</sup> деб номланади. Булардан бириси юқорида айтилган ва у ўз ичига иккинчисини ҳам олади, деб тушунилган. Бу эса, кун дейилганда, унга ўзига тегишли кечани ҳам қўшилгани сингаридир. Демак, муҳурта 360 та нафас олиш шунча нафас чиқариш [вақти]га тенгдир, дейди<sup>882</sup>.

Гҳати миқдорини таърифлашда у шу икки турлидан фақат бир нафасни олиб, унинг 360 тасига тенг қилди. Энди муҳурта нафасларга асосланган ўлчов бирлиги бўлар экан, гҳати ва текис соат учун ҳам бирлик бўлади. Лекин унга мойил бўла туриб, унинг муҳолифига, яъни кундузнинг муҳурта [сони] экваторда ёки ундан бошқа соҳаларда тенг кунлик чоғларида ҳақиқатан 15 та бўлади, деганларга қарши бўлган. Унинг фикрига кўра, абҳижит туш вақтига ва кундузнинг иккинчи ярми бошидан бошланишига тўғри келади. Агар муҳуртанинг кундуздаги сони ҳар хил бўлса эди, сони абҳижит дейилиб, туш чоғи учун ном ҳар хил бўлар эди<sup>883</sup>.

Виясанинг айтишига кўра, Юдҳиштҳира туғилиш чоғи оклик ярмида, тушда саккизинчи муҳуртага тўғри келган<sup>884</sup>. Шунинг назарга олиб, қарши [киши] кеча ва кундуз бир-бирига тенг бўлган деса, Маркандея жиайшитҳа ойининг тўлган кунда бўлган, бу эса тенгкунликдан узоқдир, деган. Кейин,

Вияса айтганки, Васудева абҳижит чоғида кечанинг ўртасида бҳадрапа ойининг қоронғулик ярмининг саккизинчи [кунида] туғилган. Бу ҳам тенгкунликдан узокдир. Васиштҳа Васудева ҳамшираси Кансанинг ўғли Шишупалани абҳижитда ўлдирган, деган. Уларнинг ҳикоя қилишларига кўра, у тўрт кўллик бўлиб туғилган эди. Онасига юкоридан келган ушбу овоз эшитилган: «Унга ўлдиргувчиси тегса, ортиқча кўллари ажралиб тушади». Кейин уни у ерда ҳозир бўлганлар кўкрагига тегиздилар. Васудева тегиши билан, айтилгандек, [гўдакнинг] икки кўли ажралиб тушди. Сўнгра унга [Васудевага] холаси: «Шаксиз, бир куни сен боламини ўлдирасан», деган. Буни эшитгач, Васудева шундай дейди: «Ҳозир бундай қилмайман, қасддан жиноий иш қилмагунча жазоламайман ва ёмонлик ҳаракати ўнтадан ошмагунча уни ўлдирмайман».

Кўп вақтлар ўтгандан кейин Юдҳиштҳира олов учун қурбонликка ҳозирлик кўрди; Виясага ишорат қилдики, у ҳозир бўлувчи [меҳмон]ларни даражасига қараб жойлаштиргай ва улардан бирини [зиёфатга] бошлиқ қилгай, олдига сув ва гул қўйгай. Бошлиқликка Васудева кўрсатилди. Холасининг ўғли [Шишупала] ҳам ҳозир бўлган эди. Энди у такаббурликка ўтиб, ўзини Васудевага нисбатан ортиқ ҳурматга сазоворман деб ўйлаб, фахрланиб, ҳатто Васудева отасини ҳақорат қилди. Унинг адабсизлигини омма кўрди. Шунда ҳам Васудева унга индамади; ёмон ҳаракати ўндан ҳам ортди. Шу сабабли [Васудева] жомни [қўлга] олиб, камондан ўқ отгандек [шиддат билан] унга қараб отди ва [Шишупаланинг] калласини кесди. Ўша айтилган гап шундан иборат<sup>885</sup>.

Абҳижитнинг тушга – саккизинчи мухурта ўртасига мос келишини аниқламасдан туриб, ҳеч ким айтганларимизни далил қилиб келтира олмайди. Ҳинд ери [географик] кенгламача катта бўлмаганидан [жойларда] кундузи билан кеча фарқи оз бўлганидан, тенгкунликлардан узок турган кунларда ҳам туш чоғи саккизинчи мухуртанинг бир четида, умуман ичида бўлиб ўтади.

|| (173) Натижа чиқариш учун келтирган нуқсонли далиллардан бири [Пулисанинг] Гаргадан олган шу ҳикоясидир: «Экваторда, абҳижит чоғида соя йўқ бўлади». [Бу сўзи] фақат тенгкунликлар куни учун доимо тўғридир. [Тенгкунликлардан] ташқаридаги кунлар учун [сўзи] тўғри келмайди. Айтайлик, [экваторда] доимо ўша айтилгандек бўлса ҳам, бироқ унинг [текширилаётган] масалага алоқаси йўқ.

Мухурта эгалари ушбу жадвалда келтирилди<sup>886</sup>:

Мухурта рақами	Кундузлик мухурта эгалари	Кечалик мухурта эгалари
1	Шива ва у Маҳадева	Рудра, яъни Маҳадева
2	Бҳужага, яъни илон	Ажа, яъни барча туёкли [хайвонлар] эгаси
3	Митра	Ахирбудхния, яъни Уттарабҳадрапада эгаси
4	Питри	Пушан, яъни Ревати эгаси

5	Васу	Дасра, яъни Ашвини эгаси
6	Апас, яъни «сув»	Антака, яъни ӯлим фариштаси
7	Висва	Агни, яъни олов
8	Виринчия, яъни Браҳма	Браҳма
9	Кешвара, яъни Маҳадева	Сома, яъни Мригаширши эгаси
10	Индрагни	Гуру, яъни Муштарий
11	Раис Индра	Ҳари, яъни Нараяна
12	Нишакара, яъни Ой	Рави, яъни Куёш
13	Варуна, яъни булут эгаси	Яма, яъни ӯлим фариштаси
14	Арияман	Тваштри, яъни Читра эгаси
15	Бҳагея	Анила, яъни шамол

Ҳиндларда астрологлардан бошқалари соатни ишлатишмайди, улар фақат соатларнинг ва шу билан бирга кунларнинг ҳам эгалари ҳақида гапиришади. Кунларнинг эгалари кечаларнинг ҳам эгаси бўлади. Улар кундузларникини кундан ажратмайдилар; кечалари зикр қилмайдилар. Кейин эгаларни текис соатларга мувофиқлаб тартибга қўядилар.

|| (174) Соатни ҳиндлар *хўра*<sup>887</sup> дейдилар, бу ном ўзгарувчан соатларга нисбатан ҳам ишлатилади. Буржлардан ҳар бирининг ярми нимбаҳр деганимиз ҳам *хўра* дейилади. Бир кундуз ва бир кеча [давоми]да доим олти бурж [180°ли ёй уфқдан] чиқади. Буржнинг ярми исми билан аталадиган соат воситасида кеча ва кундуз [ҳисобланар экан], уларнинг ҳар бири 12 соат бўлади ва у шаҳарларимизда ишлатилиб, астурлобларда ўзгарувчан соатларнинг эгалари расми берилади.

Бу сўз «Карана-тилака», яъни «Зижларнинг энг яхшиси»да, Вижаянандиннинг [қуйидаги ҳукми билан] таъкидланади; унда йил ва ой эгасини билишдан кейин [шундай] дейилган; «Хўрадахипати»<sup>888</sup>, яъни соат эгасини [топишда] эрталаб чиққан ёритқичдан [берилган соатда чиқувчигача] даражаларни дақиқаларга айлантириб, уни 900 га бўл; чиққан сонни кун эгасидан бошлаб сфералар тартибида қуйига санаб бор: [санаш] соат эгасида битади». Уни шундай дейиш лозим эди: «Чиқувчининг экваториал даражасини сана», деганда эди, у ҳолда натижаси ўзгармас соатни берар эди.

Уларда, яна ўзгарувчи соатлар учун номлар бор. Уларни қуйидаги жадвалда кўрсатдик; ўйлаймизки, улар «Срудҳава» [китоби]дан олинган<sup>889</sup>.

Хўра сони	Кундузги хўра номлари	Бахтлими ё омадсиз	Кечаги хўра номлари	Бахтлими ё омадсиз
1	<i>Раудра</i>	Омадсиз	<i>Каларатра</i>	Омадсиз
2	<i>Саумия</i>	Бахтли	<i>Родҳине</i>	Бахтли
3	<i>Карала</i>	Омадсиз	<i>Вайраҳма</i>	Бахтли

4	<i>Саттра</i>	Бахтли	<i>Трасания</i>	Омадсиз
5	<i>Вега</i>	Бахтли	<i>Гўҳания</i>	Бахтли
6	<i>Виала</i>	Бахтли	<i>Мая</i>	Омадсиз
7	<i>Мритюсара</i>	Омадсиз	<i>Дамария</i>	Бахтли
8	<i>Шубҳа</i>	Бахтли	<i>Живаҳарани</i>	Омадсиз
9	<i>Крода</i>	Бахтли	<i>Шзишани</i>	Омадсиз
10	<i>Чандала</i>	Бахтли	<i>Вришани</i>	Бахтли
11	<i>Криттика</i>	Бахтли	<i>Даҳария</i>	Энг омадсиз
12	<i>Амрита</i>	Бахтли	<i>Чантима</i>	Бахтли

|| (175) «Вишну-дҳарма» китобида нагалар, яъни илонлар қаторида Нага-кулика<sup>890</sup> номли илон эслатилган. Ёритқичлар соатларидан маълум қисмлари буники бўлиб, у омадсиз ҳисобланади. У соатлар ейилган таом зарар қилади, фойда бермайди; заҳар билан тузатиш [чораси] ҳам натижасиз бўлади; ҳатто ўладилар ва ҳалокатга йўлиқадилар; [илон] чакқанда дуоғўйнинг авраши фойда қилмайди, чунки авраш, Гарудани эслаш билан ижро этилади. Шундай ўта қийин вақтларда лайлак ҳам ўзига фойда етказмайди, бунинг зикри ортикча [сўздир].

Шундай соат вақтлари 150 бўлакка бўлиниб, ушбу жадвалда кўрсатилади:

Соат эгалари	Қуёш	Ой	Миррих	Уторид	Муштарий	Зухра	Зуҳал
Кулика қисмигача	67	71	0	0	17	144	86
Булардан кейин					2		
Кулика таъсирида бўлган бўлақлар	16	8	37	2	1 2	6	64

### XXXV БОБ. ОЙЛАР ВА ЙИЛЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ҲАҚИДА

Табиий ой – [бир тўлин Ойдан иккинчи тўлин Ойгача ўтган вақтдир. Шунинг учун у табиий ҳисобланади, чунки Ой жисмидаги ёруғ [сатҳ] табиатдаги [ўсимлик] аҳволига ўхшаб, йўқдан пайдо бўлиб, униб, ўса бориб, кўтарилиб, камолига етиб, гўё ўсишдан тўхтагандай бўлади, кейин эса пастлашиш, қариш ва гойиб бўлиш томонига ўтиб, охири йўқ бўлиб кетишгача боради. Ойнинг ёруғ сатҳи ҳам худди шу равишда бўлади. Кўринмай қолганидан кейин ўрок шаклини, кейин ярим, кейин тўла кўринишини олиб, кейин юқоридагидек тартибда [кичрая бориб], ингичка чизикқа айланиб, сўнгра [икки-уч кун] кўринмай қолиш ҳолига қайтади.

Кўпчиликка ойсиз кечаларнинг канча вақт бўлишлиги маълум, лекин Ойнинг қайси вақтда тўлган бўлишини ҳар ким ҳам билвермайди. Ой жисмининг кичиклиги ва Қуёшнинг қанчалик катталигини билган киши Ойнинг ёруғ қисмининг қоронги қисмига нисбатан қанчалик катта бўлишини кўз олдига келтира олади. Бу эса, албатта, Ойнинг тўлишган ҳолатида бир қанча вақт туриб қолишини тақозо этувчи кайфиятлардандир.

Ойнинг суяқ [жисм]ларга таъсири бўлиши, унинг айланишига боғланиб сув кўтарилиши ва пасайиши сувнинг ортиши ва камайиши, бу ҳодисаларнинг ҳаммаси денгиз қирғоқларида яшовчиларга ва денгизда кезувчиларга яширин эмас. Худди шунингдек, Ой билан касалликнинг ҳолатлари ва касалнинг хуржлари даврларининг боғланиши табибларга яширин эмас. Тиббиётчилар жониворларда ва ўсимликларда бўладиган ҳолларни ҳам унга боғлашади.

|| (176) Тажрибалар ой охирида мия ва иликка тухум, шаробнинг хумлар тагидаги қуйқасига таъсирини ҳамда Ой тўлган кунларда қаттиқ уйқудагининг ҳаяжонланиши ва ойдинли жойга қўйилган каноп кийимнинг айланишини биладилар. Дехқонларга полиздаги қовун, тарвуз, пахта ва ҳоказоларда зоҳир бўладиганлар [маълумдир]. Ҳатто улар [Ойга қараб] уруғлар сочиш, экиш, қўчатлар ўтказиш, пайванд қилиш ва чангитиш, ҳайвонларни урчитиш ва бошқалар вақтларини аниқлашади. Астрономларга Ой фазалари ва ҳаракатларига атмосферик ҳодисаларнинг олдиндан бўладиган таъсири [маълум].

Мана шу ойдир. Унинг 12 тасини «ой йили» деб аташ расм бўлган.

Аммо табиий йил – Қуёшнинг буржлар бўйича [эклиптикада] бир марта айланиб келиш муддати бўлиб, экин экиш ва уруғланиш даврини ўз ичига олган тўрт фаслга тенг. Бу муддатда Қуёш нури ер юзида бир даврни ўтказиши. Микёс сояси белгили узунликдан, жойдан ва йўналишдан ўтиб, яна уларга қайтиб келади. Шундай йилни ой йилидан ажратиш учун уни Қуёш йили дейилади. Ой оyi ўз йилининг олтидан бирининг ярмига бўлгани сингари, қуёш йилининг ўн иккидан бири унинг бир оyi бўлади. Бу эса ўртача ҳаракатчандир. Лекин Қуёшнинг ҳар бир буржда бўлиш муддати улардаги ҳаракат [тезлигича] ҳар хилдир. Юқоридаги икки хил ой ва йил машҳурлардандир.

Ҳиндлар янги оyi авамасия, Ой тўлиш вақтини пурнима ва икки чорагидан ҳар бирини атвахха<sup>891</sup> дейдилар. Улардан баъзилари Ой йиллари, Ой ойлари ва кунларини қўллайдилар. Баъзилар [Қуёшнинг ] эклиптикадаги вазиятига асосланиб, Қуёш ойлари қўллашади. Бир буржда бўлиш вақти санкранти<sup>892</sup> дейилади. Бунинг муддати тахминий ҳисобланади. Агар улар шундай Қуёш йили ва ойлариининг аниғини ишлатиб борсалар эди, кабиса йилларни кириштишга ҳожат қолмас эди.

Баъзилари Ой ойини янги ой кунидан бошлайди, бу эса дуруст қоида; баъзилари Ой тўлиши кунидан бошлайди. Эшитишимизга кўра, Вара-

хамихира шундай қоидага асосланган, лекин уни китобларидан текшириб аниқлай олмадик. Бу қоида дуруст эмас [ман этилишига сазовордир]. У эски қоида бўлса керак, чунки «Веда»да шундай дейилган: «Одамлар айтадилар: – Ой тўлди, демак, ой тамом бўлди». Бу эса бизнинг изоҳимизни билмасликларидандир; изоҳимизда айтилганки, яратувчи оламни ойнанинг ойнаси ярами ўртасида яратишга киришган; қоронғилик ярмида эмас»<sup>893</sup>. Эҳтимол, бу сўз халқдан олингандир.

Ой ойнанинг биринчи кунни янги ойдан бошланади ва у «брбах»<sup>894</sup> дейилади, Ой тўлганидан кейин эса ҳисоб яна ўша брбахдан бошланади. Иккаласидан бир хил узоқдаги кунлар бир хил номли бўлиб, Ой жисмидаги ёруғлик ва қоронғулик ҳам шу икки кунда бир-бирига тенг бўлади. Биринчидаги Ой чиқиш вақти иккинчисидagi ботиш соатига тенг бўлади. Ҳисоблаш шундай тенгликка асосланган:

|| (177) Ой ойдан ўтган кунлар 15 дан кам бўлганда, у сон ёки 15 дан ортиқ бўлса ортиқча сон, у кечада гҳати сонига кўпайтирилиб, кўпайтмага доимо 2 кўшилади, йингинининг 15 га бўлинмаси оқ кунларда кеча бошидан Ой ботганигача ёки чиққанигача ўтган гҳатига тенг бўлади. Чунки бир кечада бу муддат айирмаси икки дақиқа [кунни 60 дақиқа деганда] кеча узунлиги 30 дақиқа атрофидадир. Кўпайтма [кеча] ярмига бўлинса, ҳар бирлик учун 2 дақиқа чиқади. Кеча узунлиги ҳар хил бўлганидан, кеча миқдорининг худди ўзига кўпайтирилади. Агар ҳисоблашнинг аниқроқ бўлишини исталса, берилган кечага ой бошидаги кеча узунлиги кўшилиб, икковининг ярми топилади. Бунга икки дақиқани кўшиш фойдасиздир; чунки [Ойнанинг Қуёш билан] бирлашиш чоғи бу икки дақиқага мос бўлиб, ҳилолнинг кўриниш чоғи ой бошига мос келар эди.

Ойлар кунлардан таркиб топгани учун кунлар сонига қараб, ойлар ҳам ҳар хил бўлади. Улардан ҳар бири 30 [кун] деб ҳисобланади, бу эса стандартдир.

Аммо *калта* муддатидаги икки ёриткич [Қуёш ва Ой] даврлари сонини ҳисобга олганда, Ой ойна хиндларда  $29 \frac{189005}{356222}$  кун. Бу сон калпадаги кунлар сонини ундаги ой ойналари сонига бўлганда чиқади. [Калпадаги] Ой кунлари сони эса икки ёриткич [Қуёш билан Ой] даврлари сони орасидаги айирма – 53 433 300 000 га тенг. Аммо ойга келсак, у 30 ой кунларига тенг, чунки бу шамсия йилни 360 кун деб айтилганидек шартлидир. Шамсий ой 30 кун, аммо ўртача Ой  $30 \frac{1362987}{3110400}$  кун бўлади. Аждодлар ойна бизларнинг ойнаримизнинг

30 тасига ёки 885 ва  $\frac{163410}{178111}$  ўртача кунга тенг. Фаритшалар ойна 30 йил ёки

$10957 \frac{241}{320}$  ўртача кун.

Брахма ойна 60 калпа ёки 94674987000000 ўртача кун.



*Пуруша* ойи 2 миллион ва 160 минг *калта* ёки 340 829 9532 ёнига – 9 та ноль ёзилгандаги сонли кунга тенг.

*Кҳа* ойи 94674987 ёнига 23 та ноль ёзилгандаги сонга тенг.

Мазкур ойларни 12 га кўпайтирсак, йилнинг кунлари ҳосил бўлади.

Ой йили  $354 \frac{65364}{178111}$  ўртача кундир.

Куёш йили  $354 \frac{827}{3200}$  ўртача кундир.

Аждодлар йили 360 Ой ойи ёки  $10631 \frac{1699}{178111}$  ўртача кундир.

Фаришталар йили 360 йилимизга тенг ёки  $131493 \frac{3}{80}$  ўртача кундир.

Брахма йили 720 *калта* ёки 1 136 099 844 ёнига олтита ноль ёзилган сон қадар ўртача кундир.

Аммо *пуруша* йили 25 920 000 *калта* ёки 40 899 594 384 ўнгига тўққизта ноль ёзилган сон қадар ўртача кундир.

*Кҳа* йили 1 136 099 844 ўнгига 23 та ноль ёзилган сон қадар ўртача кундир<sup>895</sup>.

|| (178) Бу [кейинги сон] уларнинг китобларида ёзилган бўлиб, нарсанинг энг бошидан энг охиригача [яшаган вақт] *пуруша* кунидан таркибланмайди. Биринчиликда ундан аввалги [нарса] йўқ ва охирикда ундан охириги нарса йўқ. Бундан бошқа кунлардан ойлар ва йиллар таркибланади. Улар вақтнинг узунлиги жиҳатидан *пуруша* кунидан камдир. Бу [пуруша кун] улардан юқорида; пуруша билан руҳ бир-биридан фақат тартиб жиҳатидан фарқ қилади. Улар, *пуруша* ҳақида сўфийлар сўзи сингари фикр қилишади. У биринчи ҳам эмас. Аммо хаёлга, ҳозирги замондан икки томонга қаратиб, яъни бўлиб ўтган муддатни ва келажакдаги муддатни келтириш мумкин. Ҳар бир томондаги [муддат]га бир кундан, ё бир ойдан, ё бир йилдан кўшилиб боришни хаёл қилиши мумкин. Уларнинг фикрига кўра, йўллар [буткул] ҳаётнинг бошланишидан уларнинг йўқ бўлиб кетгунича ишлатилади. Лекин яратувчи Худо буларнинг икковидан юқорида [ҳаёт бўлмаган вақтида ҳам] бўлган. Шунингдек [уларча] басит жавҳарлар [ҳаво, олов, тупрок, сув]нинг бўлишлик даври [*пуруша*] кунидан кам бўлиб, ундан ортиқ эмас.

Энди шуни айтамыз: фикрларнинг ҳаммасини кўрсатишга ҳожат ҳам йўқ. Улар бир-бирига хилоф, терминларнинг шохланиши [яъни, ҳар хил маъно олиши] билан ҳам фикрлар саногии ортишига йўл берилган. Улардан ўзаро мувофиқлари тартибли ва қоидалидир. Баъзилари улардан маҳрум. Кейинги фикрларидан бири эсимга келади, бунинг қайси манбадан эканлиги ёдимда йўқ. Унда шундай дейилган: «Одамларнинг 33 000 йили Катта Айиқ учун бир

йилдир. Одамларнинг 36 000 йили Брахма учун бир йилдир. Одамларнинг 99 000 йили кутб учун бир йилдир».

Ҳолбуки, майдонда икки саф оралиғидаги жанг борганда, Васудева Аржунага шундай деган эди: «Брахма кун икки *каптага* тенг<sup>896</sup>. «Брахма-сиддханта»да Парашара ўғли Виясадан ҳикоя қилинишига ва «Смрити»<sup>897</sup> китобида дейилишига кўра, *капта* Деваканинг, яъни Брахманинг бир кундузига тенг, унинг кечаси ҳам ўшанчадир. Булар яққол беҳуда сўздир. Албатта, 36 000 йил собитларнинг эклиптика бўйича ҳар бир даражани юз йилда кезиши шартда бир марта айланиши [вакти]дир. Катта Айиқ эса у [юлдуз]лардандир. Бу [Катта Айиқ қадимги ҳинд китобларида] бошқа [юлдузлар]дан ажратилган ҳолда бўлганидан ердан узоқлигини бошқалардан кўра фарқ қилганлар; бошқаларда бўлмаган ҳолат бунда бўлиши керак [деган фикрга келишган].

Унинг даври тез бўлиб, у ҳам бўлса бир йилдир, аммо ўшанчалик йил деб кўрсатиш тамоман нотўғридир. Кутбнинг эса бир йиллик даври йўқ.

Буларни назарга олиш, сўзлагувчининг илмдан жиддий узоқлигини ва билимсизлар орасида ўзини шарафли қилиб кўрсатмоқчи бўлганлигини билдиради; зикр қилганларга бундай йилларни қўшиш билан гўёки ўз улуғлигини кўрсатиш ва сонларни зўрайтириш билан шуҳратини орттириш важҳидан бўлган.

### XXXVI БОБ. МАНА ДЕБ АТАЛАДИГАН ТЎРТ ХИЛ МИҚДОР ҲАҚИДА

*Мана* ва *прамана* ўлчов демақдир<sup>898</sup>. Шу тўрт вақт ўлчов бирликлари, Ёқуб ибн Торик уларни аниқ билмай, номларини хато равишда – агар бу хато нусхани кўчиришда юз бермаган бўлса – «Осмон таркиби» номли китобида баён этган. Улар мана будир:

Саура-мана, яъни «Қуёш ўлчами», *Савана-мана*, яъни тулуий [Қуёш чиқишига боғлиқ ўлчов]. *Чандра-мана*, яъни «қамарий Ой ҳаракатига тегишли ўлчов». *Накшатра-мана*, яъни «Ой манзиллари ўлчови»<sup>899</sup>.

Бу ўлчовлардан ҳар бирининг махсус кун бор, агар бирининг бу кун бошқа кунлар билан солиштирилса, у катталиги билан фарқ қилади. 360 сони уларнинг ҳаммаси учун умумийдир. Тулуий кун [яъни, ўртача қуёш кун] бошқа кунларни чиқаришга уларнинг ҳар бири учун ўлчов бирлигидир.

|| (179) Аммо *саура-манага* келсак, маълумки, қуёш йили  $365 \frac{827}{3200}$  ўртача

кундир. Агар буни 360 га бўлинса ёки ўн сонияга  $\frac{1}{360}$  кўпайтирилса  $1 \frac{5609}{384000}$  ўртача кун, яъни шамсий кун чиқади. «Вишну-дҳарма» китобида, буни Қуёш ўз *бхуктисини*<sup>900</sup> ўтишига кетган [вақт] дейилган.

Савана-мана – бошқа кунлар миқдорини аниқлашдаги ўлчов бирлиги.

Чандра-мана эса *титҳи* деб аталган ой куни учундир. [Ой] йили 360 га ёки ой оyi 30 га бўлинса, [ой] куни ҳисоби маълум бўлади. У эса  $\frac{10519443}{10686660}$  ўртача кунга тенг<sup>901</sup>. «Вишну-дҳарма»да Ойнинг Куёшдан узоклашганида шунча вақт давомида у кўриниб туради, дейилган.

*Накшатра-мана* эса Ойнинг 27 манзилидан ўтиш муддатидир. Бу  $27 \frac{11259}{365002}$  кун, яъни *калтадаги* кунлар [сонини] ундаги ойлар давр сонига бўлинмасдир. Бу муддат 27 га бўлинса, Ойнинг бир манзилни кезиш вақти  $1 \frac{417}{35002}$  ўртача кун чиқади. Ҳалиги муддатнинг 12 таси Ой ойида бўлган ҳисобдек бир-бирига қўшилса,  $327 \frac{15051}{17501}$  ўртача кун ҳосил бўлади. Агарда Ойнинг манзиллардан ўтиш муддати 30 га бўлинса, натижа  $\frac{318771}{350020}$  ўртача кун бўлади. Бу манзилий кун муддатидир. Бу эса «Вишну-дҳарма» муаллифининг *накшатра-мана* ойи 27 кун деганига асосланган. Ҳолбуки, бошқа маналарнинг ойлари 30 кундир. Бундан йил тузилса, у 327 кунга тенг бўлади.

*Савра-мана* воситасида калпа, чатурюгадаги тўрт *югаларда*, туғилгандан бошлаб ўтган ёшлар, икки тенгкунлик, икки куёш турадиган кунлар, йилнинг олтидан бирлари ва бир кундаги кеча билан кундуз айирмаси вақтлари ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси куёш йиллари, ойлари ва кунларида ифодаланади.

Аммо *чандра-манага* келсак, у 11 *каранани*<sup>902</sup>, кабиса ойни, нуқсон кунлардан йиғиладиганларни, икки [ҳили] тутилиш учун бирлашиш ва қарама-қарши туриш [вақтларини] аниқлашда ишлатилади. Буларнинг ҳаммасида титҳи деб номланган Ой йиллари, ойлари ва кунлари ишлатилади.

Аммо *савана-мана* воситасида эса *вора*, яъни ҳафта кунлари ва аҳаргана, яъни эра кунлари [аниқланади]; тўйлар ва рўза кунлари аниқланади; сутака, яъни тукқан хотиннинг тозаликка ўтиш, ўлган хонасининг ва идишларининг ифлослик кунларини аниқлашда, *чикитсу*, яъни тиббиётда дориларни қабул қилишнинг ойлари ва йилларини тайинлашда, *праяшчитту*, яъни гуноҳ қилганларнинг кафорати учун, браҳманлар фарз қилган рўзани тутиш ва ўзига ёғ ва гўнг суриб қўйиш кунларини аниқлашда ишлатилади, буларнинг ҳар бири ўртача кунлар, уларнинг ойлари ва йиллари билан ҳисобланади<sup>903</sup>. Бирор нарса тўртинчи миқдор – манзилий билан тайинланмайди, у Ой ойига киради. Тоифанинг вақт миқдорини ўлчашликда кун номини қандай атаса ҳам, у кун маналар жумласидан бўлади. Ўшандай кунларнинг баъзилари илгариги бобларда зикр қилинди, лекин бу тўрт хили ҳақида айтилмагани учун уларга бу бобни ажратдик.

## XXXVII БОБ. ОЙ ВА ЙИЛ БЎЛАКЛАРИ ҲАҚИДА

|| (180) Бир йил [Қуёшнинг] эклиптика бўйича бир марта тўлиқ айланиб келиши даври бўлганидан у эклиптика бўлакларга бўлинади. Қуёшнинг иккита қуёш туриш нуқталари билан эклиптика икки яримга бўлинади. Шунга мосланиб йил ҳам иккига бўлинади. Бу бўлақлардан ҳар бири аяна дейилади.

Қуёш қишки туриш нуқтасидан ўтиши билан шимолий қутб томонга ҳаракат қилади. Шунинг учун, бу бўлақда Қуёш йилнинг ярми қадар бўлиб, шимолда бўлгани учун *уттараяна* дейилади, у ўз ичига Қуёшнинг олти буржни кезган муддатини олади; бу бўлақ Жадий буржидан бошланади. Эклиптиканинг Жадийдан бошланган бу ярми мақаради – «Жадийдан бошланадиган» дейилади.

Қуёш ёзги туриш нуқтасидан ўтиши билан жанубий қутб томонга ҳаракат қилади. Шунинг учун, бу бўлақ йилнинг иккинчи ярмига тегишли ва жанубда бўлгани учун *лакшинаяна* дейилади; у ҳам ўз ичига Қуёшнинг Саратондан бошлаб олти буржнинг кезган муддатини олади. Саратон буржидан бошлангани учун бу бўлақ *какади*, яъни «Саратондан бошланадиган» дейилади<sup>904</sup>. [Қуёшнинг] туриш кунлари яққол билинадиган бўлганидан халқ [вақт ҳисоблашда] шу иккита бўлақдан фойдаланади.

Эклиптика [бундан] бошқа яна икки бўлаққа бўлинади. Булар эса [Қуёшнинг] экватордан оғиш кунларига асосланган. Омма бу оғишни аввалгини билгандек билмайди. Буни аниқлаш [астрономларга] хос [иш]дир, чунки улар бу борада чуқур мунозара ва мушоҳада воситасида кузатадилар. Унинг ҳар бир ярми кула дейилади; шимолга оғган бўлақ утгаракула ёки мешади дейилади, бу «бунинг боши Ҳамалда» демакдир. Жанубга оғган бўлақ дакшакула ёки тулади дейилади; бу «боши Мезонда» демакдир<sup>905</sup>.

Бу икки бўлинишга кўра эклиптика тўрт чоракка бўлинади. Қуёшнинг бу бўлақлари ўтиш муддати йилнинг фаслларига тенг бўлиб, бу [фасл]лар; баҳор, ёз, куз ва қишдир, буларнинг ҳар бирига тегишли буржлар бор.

Лекин ҳиндлар йилни тўртга бўлмай, олтига бўладилар. Олтидан бирларнинг ҳар бири риту<sup>906</sup> деб номланган. Демак, ҳар бир риту икки шамсий ойдир. Бу муддат Қуёшнинг ёнма-ён икки буржни ўтиш вақтига тенг. [Олтидан бирларнинг] кўпроқ тарқалган номлари ва эгалари куйидаги жадвалда ёзилди.

Эшитишимга кўра, Соманатх ерларида халқ йилни учга бўлади, демак, ҳар тўрт ой бўлиб, биринчиси – варшакала ашадх ойдан бошланади; иккинчиси – шитакала, яъни қиш, учинчиси – ушнакала, яъни ёз<sup>907</sup>.

|| (181) Бизнинг фикримиз, улар эклиптикани 6 та тенг бўлақларга бўлади-лар; [маълумки] бундай бўлақ[ка тегишли ватар] радиусга тенг. Булар иккита қуёш туриши нуқталаридан бошланади. Шундай экан, уларники бизнинг ҳар бир олтидан бирни иккига [айланани 12 га] бўлиш билан, бўлақни ҳам иккита

Уттараяна, девлар фариш- таларники	<b>Риту буржлари</b>	<b>Жадий ва Далв</b>	<b>Хут ва Ҳамал</b>	<b>Савр ва Жавзо</b>
	<i>Риту исмлари</i>	<i>Шишира</i>	<i>Васанта ёки Кусумакара</i>	<i>Гришма ёки Нидагха</i>
	<i>Риту эгалари</i>	Нарада	Агни-Олов	Индра-Раис
Дакшинааяна Питаралар – оталарники	<i>Риту буржлари</i>	Саратон ва Асад	Сунбула ва Мезон	Ақраб ва Қавс
	<i>Риту исмлари</i>	<i>Варшакала</i>	<i>Шарад</i>	<i>Хеманта</i>
	<i>Риту эгалари</i>	<i>Вейшнава</i>	<i>Пражапати</i>	<i>Вайшнава</i>

куёш туриши нуқталаридан, ҳам иккита тенгкунлиги нуқталаридан бошланадиган қилиб, [уларни] тўртдан бирликларда ҳам ишлатишимиз сингаридир.

Аммо [камарий] ойларнинг ҳар бири иккига бўлиниб, улар[дан ҳар бири] янги ойдан тўлин ойгача оралиқлар [вакти]га тенг.

«Вишну-дҳарма»да зикр қилинган ярмининг эгалари кўрсатилган. Уларни биз ушбу жадвалда келтирдик<sup>908</sup>.

<b>Ойларнинг номлари</b>	<b>Ҳар ойнинг ёруғ ярми эгаси</b>	<b>Ҳар ойнинг қоронғи ярми эгаси</b>
Чайтра	Тваштри	Ямия
Вайшакха	Индрагни	Агня
Жайшитха	Шукра	Раудра
Ашадха	Вишведевах	Сарпа
Шравана	Вишну	Питрия
Бхадрапада	Ажа	Санта
Ашваюжа	Ашана	Майтра
Карттика	Агни	Шакра
Маргаширша	Саумия	Ниррити
Пауша	Жива	Вишну
Магха	Питрия	Варуна
Пхалгуна	Бхага	Пушан

### **XXXVIII БОБ. БРАҲМАНИНГ УМРИ ҲАМ ҚЎШИЛГАНДА КУНЛАРДАН НИМАЛАР ҲОСИЛ ҚИЛИНИШИ ҲАҚИДА**

Кундузни *димас* дейдилар, бироқ адабийси – *диваса*, тушни – *ратри*, кеча ва кундуз икковини – *аҳоратра* деб аташади. Ойни маса ва унинг ярмини *пакша*<sup>909</sup> деб номлашади. Ойнинг аввалги ярмини «ойдин» ёки шуклапакша дейилади. Чунки аввалги кечалари одамлар ухламайдиган вақтларда ойдин бўлиб туради ва ойнинг ёруғ шакли ортиб боради. Қора қисми бўлса кундан-кун камайиб боради. Ойнинг иккинчи ярмини тавсиф қилиб, «қоронғи» ёки

*кришнапакша* дейилади; гарчанд одамларнинг ухлаш вақтларида ёруғлик сочиб турса ҳам, ойнинг иккинчи қисмининг аввалги пайтлари қоронғи бўлади. Ойнинг юзида ёруғ камайиб, қоронғилик кўпайиб боради.

Икки ой йиғиндиси *риту* дейилади. Бу сўз тахминан шундай, холос. Икки пакша битта қамарий ойга тенг. Бир *риту* эса иккита куёш ойдан бироз кўп. Олти риту битта Куёш йилига баробар. У одамларнинг куёш йилидир. Уни *барх* ёки *барш* ва ёки *барш* деб аташади. Бу уч ҳарф [х,х,ш] хиндларда кўпинча бир-бирига алмашилиб туради<sup>910</sup>.

Одамлар йилнинг уч юз олтмиштаси фаришталарнинг бир йилига тенг, уни *дивия-варш*<sup>911</sup> деб аташади. Фаришталар йилидан ўн икки мингтаси бир чатурюга бўлишида ихтилоф йўқ. Лекин ихтилоф унинг тўрт бўлагида ва ундан таркиб топган калпа билан манвантарага қўшилган микдорида бўлади<sup>912</sup>.

Аммо икки калпа Браҳманинг бир кунини ҳисобланади. Уни икки калпа дейиш ўрнига йигирма саккиз манвантара десак ҳам бўлаверади, чунки бу микдорни топиш учун уч юз олтмишни ўз-ўзига қўшсак, Браҳманинг бир йили чиқади, яъни бу етти юз йигирма калпа ёки ўн минг саксон манвантара бўлади.

Сўнгра [хиндлар] Браҳма умрининг узунлиги ўзига махсус йил билан юз йил бўлади, дейдилар. Бу ё етмиш икки минг калпа ёки бир миллион саккиз минг манвантара бўлади.

Шундай қилиб, бу бобда сонларнинг чегарасини шу даражага етказдик. Аммо «Вишну-дҳарма» китобида Маркандея ҳақида ҳикоя қилинишига кўра, у Важра саволига шундай деб жавоб берган: «*Калпа* Браҳманинг бир кундузидир. Унинг кечаси ҳам *калтани* ташкил этади. Демак, ҳар бир етти юз йигирма *калта* унинг бир йили деб ҳисобланади, унинг умри эса бундай йилларнинг юзтаси давомида бўлади. Юз йиллик умр эса Пурушанинг бир кундузига тенг ва унинг кечаси ҳам шунча. Бунга қараганда, Пуруша Браҳмадан қанча вақт илгари бўлган – буни билиб бўлмайди. Буни фақат Ганга дарёси кумини ёки осмондан ёғган ёмғир томчиларини санашга қодир бўлган кишигина билиши мумкин, холос»<sup>913</sup>.

### XXXIX БОБ. БРАҲМА УМРИДАН ҲАМ ОРТИҚ МУДДАТЛАР ҲАҚИДА

Ҳиндлар шундай бир халқки, улар кўп отларни зикр қилишади ва бу атаган исмларини Аввалги Ягонага ёки ишора билан кўрсатиб бўлмайдиган бирон ягонага қаратилишини даъво қилишади. Агар шу боб мавзуига ўхшаш мавзуга дуч келишса, ўша отларни яна қайтадан кўп нарсаларга нисбатан ҳам қўллайверадилар, умрига ўлчам тайин этиб, ададини узайтирадилар. Уларнинг ғаразлари шундан иборат: майдон бўш, сонларга чек йўқ, тўхтамайди,

яна улар қандай қўллаган бўлишса, биз ҳам улар билан бирга ўшандай қилиб қўллайлик десак, бу тўғрида ҳеч келишолмайдилар<sup>914</sup>.

|| (183) Утпаланинг «Срудҳава» номли китобида айтилади. «Манвантара – раис Индра умри муддатидир, йигирма саккиз манвантара Питомаҳанинг бир кунига тенгдир. Питомаҳа Браҳма бўлиб, унинг умри юз йилдир ва бу юз йил бир Кешава кунидир. Кешава умри юз йил бўлиб, бир Маҳадева кунига тенгдир. Маҳадева умри юз йил бўлиб, Ишвара Муқаррабнинг бир кунига тенгдир. Бунинг умри ҳам юз йил бўлиб, Садашиванинг бир кунидир. Садашива умри ҳам юз йил бўлиб, бу – айтиб ўтилган беш зот йўқ бўлиб кетгандан кейин ҳам ҳамшиша боқий қоладиган Виранчана Азалийнинг бир кунидир»<sup>915</sup>.

Юқоридаги бобда айтиб ўтилишига кўра, Браҳма умри 72 000 калпа бўлиб, куйида айтиб ўтадиган сонларимиз ҳам калпадан иборатдир.

Агар Браҳманинг умри Кешаванинг бир куни бўлса ва бу йил уч юз олти миш кун деб ҳисобланганда, Кешава умрининг бир йили 25 920 000 [калпа] бўлади. Кешава умри эса бунинг ёнига икки ноль орттирилганига, яъни 2 592 000 000 [калпа]га тенгдир<sup>916</sup>. Бу сон Маҳадеванинг бир куни бўлиб, унинг умри, шунинг учун ҳам 93 312 ёнига тўққизта ноль қўйилганда ҳосил бўлган рақамга [93 312 000 000 000 калпага] тенг бўлади. Бу эса Ишваранинг бир кунига тенг. Шунинг учун Ишваранинг умри 3 359 232 000 000 000 000 калпа пайдо бўлган рақамга тенг. Мана шу кейинги ҳосил бўлган сон Садашиванинг бир кунига тенг. Шунинг учун Садашиванинг умри 120 932 352 000 000 000 000 000 калпага тенгдир. Бу эса Виранчанинг бир кунига тенг бўлиб, парадҳа калпадир<sup>917</sup>. Бу ҳам шу кунга нисбатан жуда кичик қисмдир<sup>918</sup>. Мана шу тартибда – биттасининг 100 йилини бошқасининг бир кунига тенглаштириш йўли билан ҳисоблашни давом эттириб бораверсак, нақадар катта сонлар чиқар эди!

Лекин баъзилар бир кунни юқоридагидек тартибда майда бўлақларга ажратиб борганлар<sup>919</sup>. Уларнинг тузилишларида ҳам келишмовчилик бор. Масалан:

- Бир *гҳати* – 16 кала;
- Бир кала – 30 *каштҳа*;
- Бир *каштҳа* – 30 *нимеша*;
- Бир *нимеша* – 2 лава;
- Бир лава – 2 *трутидир*.

Бундай бўлинишга сабаб, Шиванинг куни шу каби бўлақлардан таркиб топган. Браҳма умри Хари, яъни Васудева учун бир гҳати. Васудеванинг умри 100 йил; бу эса Ишвара учун бир каштҳа. Ишваранинг умри 100 йил; бу эса Садашива учун бир *нимеша*. Садашиванинг умри 100 йил; бу эса Шакти учун бир лава. Шақтининг умри 100 йил; бу эса Шива учун бир *трутидир*.

Агар Браҳма умри 72000 *калпа* бўлса, Нараяна умри 155 520 000 000 *калпа* бўлади; Рудра умри 5 374 771 200 000 000 000 *калпа* бўлади; Садашива умри 17 332 899 271 409 664 ёнига 22 ноль қўйилганига, Шакти умри 1 078 244 997 875 852 378 112 ёнига 28 та ноль қўйилганига баробар калпа. Кейинги сон бир трутини ифодалайди.

Агарда кун мана шу айтилган тартибда ҳисобланса, у эса 3 7 26 4 14 7 12 6 58 9 45 8 187 55 072 ёнига 31 та ноль ёзилганга қадар калпа бўлади. Кейинги сон Шиванинг бир кунига тенг бўлади. Унга Азалий деб сифат берганлар – у туғилган эмас, ундан бошқа биров ҳам туғилмайди; махлукларда бўладиган ҳоллардан ва сифатлардан у холидир. Бу сон 56 ракамидир.

## XL БОБ. САНДҲИ, ЯЪНИ ИККИ ВАҚТ КЕСМАЛАРИНИ БИРЛАШТИРУВЧИ ОРАЛИҚ ҲАҚИДА

|| (184) Аслида сандҳи кеча билан кундуз оралиғидаги вақт бўлиб, у эрта-лабки ғира-шира вақт – сандҳи-удая, яъни «тонг отиш сандҳиси» демақдир. Кечқурунги шафақ [ғира-шира вақти] сандҳи-астамана, яъни «кун ботиш сандҳиси» демақдир<sup>920</sup>. Бу икки сандҳига уларда диний эҳтиёж бор. Чунки бу вақтларда браҳманлар таҳорат қилишган. Бу икки вақт ўртаси – туш вақтидаги таҳорат овқат ейиш учун бўлса ҳам, буни билишмаган, учинчи сандҳи деб гумон қиладилар. Аммо бошқалари фақат икки сандҳини билишди, холос.

Пураналардаги сўзларга қараганда, Дайтиялардан бўлган подшоҳ Ҳираньякашипу афсонасининг нақл этилишига кўра, у подшоҳ то дуоси мустажоб бўлгунига қадар узоқ муддатлар ибодат қилган. Кейин подшоҳ дунёда абадий қолишни сўраганида [уни абадий қолиш эмас, балки] узун умр кўриши қабул қилинган, холос. Аммо унга дунёда абадий қолиш муяссар бўлмаганидан кейин, шунингдек, ўлимим ерда ҳам, кўкда ҳам, кеча ва кундузда ҳам бўлмасин, деб сўраган. Унинг бу талаби ўлимдан қочиш учун бир хийла эди.

Подшоҳнинг Прахлада деган ўғли бўлиб, шахзодани ўсмирлик чоғида илм ўрганиши учун муаллимга топширади.

Бир куни билимини синаш учун олдига чақирганида, ўғли бир шеър ўқиб беради. Шеър ёлғизгина Вишну бор, ундан бошқа ҳеч нарса йўқ, деган маънони ифода қиларди. Бу сўз отасига ёқмади. Чунки у Вишнунини ёмон кўрарди. Ўғлига муаллимини ўзгартиришни ва дўст билан душманни таниб олишни буюради. Шундан сўнг бир муддат вақт ўтиб, у яна ўғлидан имтиҳон олганида, ўғли шундай дейди: «Буюрган нарсаларингни ўргандим, лекин уларга эҳтиёж йўқ, чунки менимча, дўстликда ҳамма баробардир, ҳеч кимни душман тутмайман». Бу гапга ғазабланиб, фарзандига захар беришни буюрди,



ўғли заҳарни олиб, Худо номи ва Вишнунинг ёди билан ичиб юборди, лекин натижаси кўринмади. Ўғлига қараб, «жоду ва афсунни биласанми» деганида, ўғли: «Йўқ, билмайман, лекин сизни яратган ва ризқ берган Худо мени сақлаб қолди», деди. Подшоҳнинг ғазаби ортиб, ўғлини денгизнинг гирдобига ташлашга буюрди. У гирдобга тушган ҳамоно денгиз уни чиқариб ташлади, бола яна ўз ўрнига қайтди. Сўнгра ўғлини қаршисида алангаланиб турган ўтга ташлади. Ўт куйдирмади, у ўтнинг ичида ва ёлкинида туриб, Худонинг қудрати ҳақида отаси билан мунозара қилаётган вақтда, [Вишну ҳар бир жойда бор], деди. Отаси [равокнинг шу устунда ҳам Вишну борми], деганида, [ҳа, бор], деб жавоб берди. Отаси сакраб устунни бир урганида, ундан Нарасимҳа чиқади. Нарасимҳа бадани одам баданидек, боши эса арслон бошидек бўлса ҳам, аммо шакли одам ёки фаришта ва ё жин кўринишида эмас. Подшоҳ ўз одамлари билан мунозаарага киришди. Нарасимҳа бўлса кеч киргунча ҳужумга ўтмай турди. Чунки шу вақт кундуз эди. Охирида кеч ҳам, кундузи ҳам бўлмаган, ғира-шира вақт *сандҳида* подшоҳни ўз одамлари билан топди ва уни ҳавога кўтариб, ўша ерда ўлдирди. У ер осмон ҳам, ер ҳам эмас эди. Нарасимҳа подшоҳ ўғлини ўтдан чиқариб, отаси ўрнига подшоҳ қилди<sup>921</sup>.

|| (185) Баъзи буржларнинг бу вақтда ортиқроқ таъсирли бўлишига қараб [ҳинд] астрологлари бу икки вақтни назарга оладилар. Бу икки вақтдан ҳар бирини тахминан ҳисоблаб, ундан фойдаланишади. Ҳар бирининг муддати муҳурга ёки икки гҳати бўлади ва соатнинг бешдан тўрттасига тенгдир. Аммо Вараҳамиҳира бу сифатда афзал бўлиб, кеча-кундуздан бошқанинг бўлишини эътироф қилмади ва кўпчиликнинг *сандҳи* ҳақидаги раъйига кўшилишни ўзига мувофиқ кўрмади. У ҳақда халқнинг тўғри фикрларини баён қилди. Унинг фикрига кўра, сандҳи – ғира-ширалик куёш жисмининг маркази ҳақиқий уфқ доирасида бўлган вақтда пайдо бўлади. Унинг муддатини Куёшнинг эклиптикадаги ўрнига жуда ҳам боғлиқлигини ошкор қилди.

Бундан кейин мунажжимлар ва бошқалар ҳам табиий кундузнинг икки сандҳисидан яна бир сандҳи мавжудлигини қабул қилишди. Буни билиш кузатиш йўли билан бўлмай, вазъий йўл [Куёш ҳаракатига тегишли нуқталар ўрни ўзгариши] билан бўлади. Маълумки, Куёш маркази ярим йилча кўтарилиб бориб, иккинчи ярмида пастлашиб боради. Буларнинг ҳар бири аяна деб аталади. Кўтарилиш ва пастлашиш бошланишидан етти кун илгари сандҳи ўзгармай туради. Ақлдан узоқ бўлмаган бир нарса ҳаёлимга келди. У ҳам бўлса қадимда бўлмай, Искандарнинг тахминан 1300-йилидан шу вақтгача [Куёшнинг пастга ё юқорига] бурилиш нуқтаси силжишининг [кашф қилинишидир]. «Кичик Манаса» китобининг муаллифи Пунжаланинг айтишига кўра, *шакакола*<sup>922</sup> эраси бўйича 854-йилда ёзги куёш туриш нуқтаси 6°50' илгарига сурилган.

Келажакда, ҳар йилда бир дақиқа ортиб боради. Бунинг шундайлигини текшириш ишларини бажарувчи астроном ва қадимги расадхоналарда аниқ кузатишларни ҳисоблаш мумкин. Бундай натижага келиш ёки шунга яқин фикрларни бериш туш вақтида тик нарсанинг сояси узунлигига ва [йиллар ўтиши билан] унинг энг қисқарган кунларини ҳисобга олиш йўли билан бўлади. Кашмирли Утпала ҳам бундай силжишнинг борлигини тасдиқлаган. Ҳиндларнинг йилнинг ҳар бир олтидан бирида сандҳи миқдори ўзгаради, дейишлари ҳам буни қувватлайди. Қуёш эклиптикада, ҳатто  $23^\circ$  ҳаракат қилганидаёқ сандҳи ўзгариши аниқланади. Улар манвантаралар оралиғида сандҳиларни жойлаштиргандек, уларни югалар оралиғига ҳам қўядилар. Бу назариялар фаразий бўлганидан, тафсиллари ҳам фаразийдир. Булар ҳақида изоҳ берилади.

## XLІ БОБ. КАЛПА ВА ЧАТУРЮГА ИБОРАЛАРИНИНГ ТАЪРИФИ ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ҲАҚИДА

[Юқорида] *дивия* йили миқдори 12000 йил бўлиб, бу бир чатурюга бўлади, деб изоҳлаган эдик<sup>923</sup>. *Чатурюганинг* мингтаси бир *калпа*дир. Шунча муддатнинг бошида ва охирида етти ёритқич, уларнинг апогеялари ва кўтарилувчи тугунлари Ҳамал буржининг бошида қўшилишади. Кунлари [саноғи] калпа дҳаргана, яъни «калпа кунлари йиғиндиси» дейилади, аҳа – «кунлар» ва ар-гана – «йиғинди» демақдир<sup>924</sup>. У кунлар тулуийдир [яъни, Қуёш чиқишига асослангандир]. Шунинг учун улар «ер кунлари» деб ҳам аталади. Чунки [кун] чиқиш [вақти жойнинг] уфқига боғлиқ бўлади; уфқ вазияти эса ерга боғлиқ.

Калпа бошидан берилган вақтгача ўтган кунларни ҳам шу ном калпа [дҳаргана] билан аташади. Бизнинг ҳамкасбларимиз уни «синд хинд кунлари» ёки «олам кунлари» деб номлашади. У 1 577 916 450 000 [ўртгача кун] ёки 4 320 000 000 қуёш йили ёки 4 452 775 000 ой йилидир. Йилларнинг ҳар бири 360 тулуий кун деб ҳисобланган 4 383 101 250 йилга, *дивия* йили билан эса 12 000 000 га тенг бўлади.

«Адития-пурана»да айтилишига кўра: «*Калтана* икки [сўздан] тузилган, [бири] *кал* – Оламдаги ҳамма нарсаларнинг вужудга келиши, [иккинчиси] *пана* – бузилиш ва ғойиб бўлиш. Бунинг йиғиндиси – тузилиш ва бузилиш – калпадир»<sup>925</sup>.

|| (186) Браҳмагупта бундай деган: «Сайёралар ва одамларнинг Оламда пайдо бўлиши Браҳма кундузининг бошида ва уларнинг йўқ бўлиб кетиши эса охирида бўлганлиги учун бошқаларсиз шу [бош билан охир оралиғидаги] кунни калпа, деб қабул қилишимиз керак». Яна у шундай деган: «Минг *чатурюга* – бир Деваканинг, яъни Браҳманинг бир куни 2000

чатурюга бўлади». Парашара ўғли Вияса ҳам шундай деган: «Кимки, 1000 чатурюгани бир кундуз ва ўшанча кеча бўлади, деб ишонса, у [одам] Браҳмани таниган бўлади».

*Калпа* ичидаги ҳар 71 чатурюга бир мануга, яъни манвантарага ёки Ману даврига тенг; 14 ману бир калпага тенг. 71 ни 14 га кўпайтирилса, 994 чатурюга чиқиб, бу манвантаралар [ййғиндиси]дир. Бир калпага тўлдириш учун яна 6 чатурюга чиқиб, бу манвантаралар [ййғиндиси]дир. Бир калпага тўлдириш учун яна 6 чатурюга керак<sup>926</sup>.

Лекин [ғира-шира вақт миқдорини топиш учун] 6 чатурюгани манвантаралар саногидан битта ортик бўлган 15 га бўлинса, 5 дан 2 чиқади. [Чунки ҳар бир манунинг икки тарафида келувчи кетма-кет миқдорлар санои 14 дан битта ортик]. Манвантараларнинг биринчисидан бошлаб, ҳар бирининг олдига, шу 5 дан 2 чатурюгаларни қўйиб чиқилса, кетма-кетлик манвантаралар оралиғига битта 5 дан 2 тўғри келиб, энг кейинги манвантара охирига ҳам ўшанчалик [миқдор] тегади. У  $\frac{2}{5}$  эса сандҳи, яъни [ёнма-ён] манвантаралар учун умумийдир. Бу [сандҳи]лар билан калпа [миқдори] юқорида айтилган 1000 чатурюгага етади.

*Калпа* аҳволи ҳар бир бўлагининг бошқасига узлуксиз равишда туташ бўлишига шоҳиддир. Унинг аввалги баҳорги тенг кунлик [нуктасида] ва якшанба кунда ҳамда сайёралар, уларнинг апогейлари ва кўтарилувчи тугунлари у [нуктада] бирлашган чоғда бошланади. Бу [нукта] Реватида ҳам, Ашвинида ҳам бўлмай, икковининг оралиғидадир. Чайтра ойининг бошида ва [Күёшнинг] Ланкада чиқар чоғидандир. Шу шартлардан бири бўлмай қолса, бошқаларига таъсири бўлиб, [тартиб] бузилади.

*Калпадаги* кунлар ва йиллар сонини айтган эдик. Чатурюга кунлари калпанинг  $\frac{1}{1000}$  – и эканлиги, 1 577 916 450 кун ёки 4 320 000 йили эканлиги маълум бўлади. Энди калпа билан чатурюга нисбати маълум бўлганидан; икковидан бирини билиб олиб, сўнгра иккинчиси [ҳисоблаб] топилади.

Бу [айтилган]ларнинг ҳаммаси Браҳмагупта фикрига асосланди ва булар далиллар билан тасдиқланади. Аммо Катта Ариабхатача ва Пулисача манвантара 72 чатурюгадан таркиб топади ва калпа эса 14 манвантарадан таркиб топади, буларга сандҳи [ғира-шира] аралашмайди. Шунинг учун, уларнинг фикрига кўра, бир калпа 1008 чатурюга, демак, 12 096 000 *дивия* йили ёки 4 354 560 000 одамлар йилидир. Пулисанинг айтишига кўра, чатурюга 1 577 917 800 ўрта куёш кунидир. Демак, калпа 1 590 541 142 400 кундир. Ариабхата китобларидан бирортасини топа олмадик. Бу ҳақда Браҳмагуптанинг ундан нақл қилиб олиб бергани сабабли биламиз. Улар, Браҳмагуптанинг «Зижлар танкиди» [номли] рисоласида зикр қилинган. Бунга кўра, чатурюга 1 577 917 500 кун,

яъни Пулиса айтганидан 300 кун камдир. Демак, ҳикоя қилинганига қараганда, Ариабҳатача калпа 1 590 540 840 000 кундир. У икковига, калпа ва *чатурюга* кечанинг ўртасидан бошланган; бу кеча Браҳмагуптагача, иккови калпа ва *чатурюга* учун бошланғич бўлган кундуз кетидан келади.

|| (187) Катта Ариабҳатага эргашган кусумапуралик Ариабҳатанинг «аннутаор»<sup>927</sup> ҳақидаги кичик китобида айтилишига кўра: «1008 *чатурюга* Браҳманинг бир кундузи бўлиб, бунинг биринчи ярми – 504 утсарпини дейилади. Бунинг давомида Қуёш кўтарилиб боради ва иккинчи ярми авасарпини дейилиб, бунинг давомида Қуёш қуйилашиб боради. Бу [муддатларнинг] иккала чети шундай номланган: ўртаси сама дейилиб, кундуз ўртасига [тушга] мосдир, боши ҳам, охири ҳам дуртама дейилади»<sup>928</sup>.

Кундуз билан калпа орасида ўхшашлик бўлгунга қадар бу айtilган сўз тўғри, лекин Қуёшнинг кўтарилиб ва қуйилашиб бориши бунга кирмайди. Агар у бу билан бизнинг кунимиздаги Қуёшни назарда тутган бўлса, буни Қуёшнинг кўтарилиши ва қуйилашиш кайфиятларини изоҳлаб бериши керак эди. Агар Браҳма кунига тегишли Қуёшни назарда тутган бўлса, уни бизга кўрсатиш ёки унга ишора қилиши керак эди. Ўйлаймизки, бу икки ифода [кўтарилиш ва қуйилашиш] маъноси, биринчи яримда, ишларнинг олдинга томон ўсиб боришига ва иккинчи яримда, орқага қараб пасайиб боришига ишора қилади.

## ХЛП БОБ. ЧАТУРЮГАНИНГ ТЎРТ ЮГАГА БЎЛИНИШИ ВА БУ МАСАЛА ХУСУСИДАГИ ИХТИЛОФ ФИКРЛАР ҲАҚИДА

«Вишну-дҳарма» муаллифининг айтишига кўра: «Дивия йилларидан бир минг икки юз йили бир юга бўлиб, бу тишия дейилади ва унинг икки баравари двапара, уч баравари – трета, тўрт баравари – крита дейилиб, ҳаммасининг йиғиндиси бўлган ўн икки минг йил *чатурюга*, яъни тўрт югадир. Юганинг маъноси йиғиндисидир».

Яна у бундай деган: «Етмиш бир *чатурюга* бир манвантара бўлиб, ўн тўрт *манвантара* ораларидаги сандҳи [ортиклик]лари билан бирликдаги муддат критаюга даврига тенг бўлиб, бу бир калпадир; икки калпа эса Браҳма умрининг бир кунига тенг бўлиб [калпа ҳисоби билан] унинг умри юз йилдир. Бу юз йил Пурушанинг бир кундузидир. У энг биринчи одамдир, унинг аввали ҳам, охири ҳам ҳозиргача билинмаган»<sup>929</sup>.

Яна у бундай деган: «Бу сўзлар сув Эгаси Варунанинг Дашаратҳа ўғли Рамага қадимги замон ҳақида берган хабарларидандир»<sup>930</sup>. Шунингдек, бу хабарни Бҳаргава, яъни Маркандея ҳам берган. Маркандея эса вақтлар ҳисобини яхши билар эди, санашда ҳеч ким унга тенг келмас эди. У эса ҳиндлар учун

ўлим фариштасидек бўлиб, душманини доим ёнида осифлиқ гурзиси билан ўлдирар эди. Уни апритидхришия дейдилар»<sup>931</sup>.

Брахмагупта бундай деган<sup>932</sup>: «Смрити» китобида ёзилишига кўра, *девака* йилларининг тўрт минги бир критаягадир. Бунга ораларидаги 400 йилли сандҳи ва 400 йилли сандҳиямши кўшилса, йиғиндиси 4800 крита бўлади.

Ундан кейин агар 3 000 йил бир *тритаюга* бўлса ва бунга 300 сандҳи билан 300 сандҳиямши кўшилса, йиғиндиси 3600 йил бўлиб, бу эса бир *третадир*.

Бундан ташқари, 2000 йил – бир двапара бўлиб, бунга 200 сандҳи йили ва 200 сандҳиямши йили кўшилса, йиғиндиси 2400 бўлиб, бу бир двапара бўлади.

1000 йил бир кали бўлиб, бунга 100 сандҳи йили ва 100 сандҳиямши йили кўшилса, йиғиндиси 1200 бўлиб, бу бир *калиюгадир*».

Брахмагупта «Смрити» китобида яна қуйидагиларни маълум қилади:

«Дивия йилларини одамлар йилига айлантириш учун 360 га кўпайтириш керак».

Тўрт югаларни ҳам шундай қилиб одамлар йилига айлантирилади. Шунда: «*Критаюга* 1 440 000 йил бўлиб, *сандҳи* ҳам, *сандҳиямиши* ҳам 144000 йилдан бўлса, [учовининг] йиғиндиси 1 728 000 йил бўлиб, бу эса бир критадир».

|| (188) Аммо *третаюга* 1 080 000 йил бўлиб сандҳи ҳам, сандҳиямиши ҳам 108 000 дан бўлса, йиғиндиси 1 296 000 йил бўлади. Бу эса бир третадир.

Энди двапарага келсак, у 720 000 йил бўлса, сандҳиямиши билан сандҳининг ҳар бири 72 000 йилдан бўлиб, булар йиғиндиси 864 000 йил бўлади; бу эса бир двапарадир.

Аммо кали бўлса, у 360 000 йил, сандҳи ва сандҳиямишининг ҳар бири 36 000 йилдан бўлиб, уларнинг йиғиндиси 432 000 йил бўлади; бу эса бир *калиюгадир*.

Крита ва трета йиғиндиси 3 024 000 йил бўлса, двапара билан кўшилиб 3 888 000 йил бўлади<sup>933</sup>.

Кейин Брахмагупта Ариабхатадан нақл қилиб шундай дейди: «Унинг фикрига кўра, тўрт югадан ҳар бири, яъни *чатурюганинг* 4 та чораги бир-бирига тенг. Бу эса «Смрити» китобидан нақл қилганимизга хилоф. Демак, унинг мухолифлиги аниқ<sup>934</sup>.

Бошқа жойда Брахмагупта шундай деган:

«Пулисанинг қилган ишига қараб мақтаса бўлади, чунки у «Смрити» китобига хилоф иш қилмаган. У 4800 критаягадан ўзининг чораги, яъни 1200 йилни «Смрити»га мувофиқ, югалар қолгунича чоракдан айириб-айириб бораверган. Гарчи бунда сандҳи ва сандҳиямиши қолмаса ҳам, барибир, «Смрити»да айтилганга мувофиқ югалар чиққан. Лекин юнонлар «Смрити» йўлидан четда бўлиб, вақтларни юга, манвантара ва калпа билан ўлчашмади».

Брахмагуптанинг бу масалада айтганлари ана шулардир.

Маълумки, барча *чатурюга* йилларида ҳам ихтилоф йўқдир. Шу ҳисобга қараганда *чатурюгадаги* ҳар бир юга миқдори, Ариабхата назарига кўра, 3000 дивия йилига ва 1 080 000 одамлар йилига, икки юга йили эса 6000 дивия йилига ва 2 160 000 одамлар йилига, уч юга эса 9000 дивия йилига ва 3 240 000 одамлар йилига тенгдир.

Аммо Пулисадан ҳикоя қилишига қараганда, у ўзининг «Сиддиҳанта»сида сонларни аниқлашда баъзан қулай тартибни қўллаган. Шу жиҳатдан у югаларни [ҳисоблаш] учун 48 ни асос қилиб, ундан чорагини айирганда, 36; бундан ҳалиги чоракни айирганда 24 ҳосил бўлган.

Ундан ҳам ҳалиги чоракни айирганда, 12 қолган. Кейин қолдиқлардан ҳар бирини юзга кўпайтирилса, кўпайтма дивия йиллари ҳисобида *юга* йилларини ифодалайди.

Агар 60 ни асл ҳисобланганда (чунки кўп ишлар ҳисоби шунга асосланган) унинг бешдан бирини [яъни, ўн иккини] айиришга асос қилиб ёки ҳар бир қолдиқдан кетма-кет касрлари айирилиб борилса, яъни 60 дан бешдан бири – 12 айирилганда, қолдиқ 48 дан тўртдан бири [12] айирилса, ундан ҳосил бўлган қолдиқ 36 дан учдан бири [12] айирилса, яна аввалгидек 12 қолади.

Паулисадан нақл қилинган бу нарсалар ўзининг ижодий фикри бўлмасдан, балки бошқалардан нақл қилинган бўлиши ҳам мумкин.

Амалий мақсадларда унинг тушунчалари равшан бўлганидан китобнинг ҳаммасини араб тилига кўчириш мувофиқ кўрилмади. Пулиса бўлса, ҳозирги *калпамиздан* илгари ўтмиш Брахма умрининг қанчалигини билиш учун уни йилимизга айлантиришда ўзи тузган тартибдан четга чиқиб кетди. Бу эса Брахма умрининг саккиз йил беш ой ва тўрт кунидир; калпа билан санаганда эса 6068 ҳосил бўлади. Кейин уни калпадаги *чатурюгалар* саноғи 1008 га кўпайтирилса, кўпайтмаси 6 116544 *чатурюга* бўлади. Сўнгра уни югага айлантириш учун тўртга кўпайтирилса, 24 466 176 юга бўлади. Буни йилларга айлантириш учун бир югадаги йиллар саноғига кўпайтириш керак. Унинг айтишига кўра, бир юга || (189) 1 080 000 йил бўлиб, бунга ҳалиги сон кўпайтирилса, кўпайтма 26 423 470 080 000 [йил] га тенг бўлади. Бу эса Брахма умрининг ҳозирги калпамиз бошланишидан илгариги қисмидир.

Брахмагуптага эргашувчилар, Пулиса, *чатурюгаларни* югаларга айлантиргани йўқ, деб ўйлашлари ҳам мумкин. Лекин у *чатурюгалардан* ҳар бирини 4 та чорак деб олиб, у чораклар [саноғи]ни чоракдаги йиллар саноғига кўпайтирди.

*Чатурюгалардаги* бутун сонни бир бутун [*чатурюга*]даги йиллар сонига, яъни 4 320 000 га кўпайтирилади. Бундай бўлишлиги ҳисоблашни чўзишдан кўра қулайдир. Ҳозирги калпамиз, бошигача ўтган йилларни [дастлабкига] кўшиб, [йигиндисини] ўтган ҳамма бутун манвантаралар саноғини ўз эътиқодларига кўра 72 га яна кўпайтирилса ва кўпайтмани *чатурюгадаги* йил-

ларга кўпайтирилса, 1 866 240 000 йил ҳосил бўлади. Ўтган бутун чатурюгалар сонини бутун бўлмаган ҳозирги бир манвантарага кўпайтирилса, кўпайтма 1 16 640 000 йилга тенг бўлади. Манвантаралар саноғи битта манвантарадаги чатурюгадан учта бутун югага ўтган. Уларнинг фикрига кўра, бу учта юга 3 240 000 йилдир. Бу эса чатурюганинг учта чорак йилини ташкил қилади. Шундай ҳисобланиши юкоридагига ўхшаб ҳафта кунларининг ўз ўринларига тушишларига қараб намуна сифатида олинган. Илгариги қоидага ишонса эди, уч югани чатурюганинг ўндан тўққизига тенглаб ҳисоблар эди.

Бундан маълум бўладики, Браҳмагуптанинг ундан нақл қилиб ва унга рози бўлган сўзлари асоссиздир. Чунки у Ариабҳатага дуруст назар билан қарамай ва унга эътироз қилиши билан бу сўзларнинг асоссизлигидан кўз юмди. У [Браҳмагупта] ва Пулиса бу масалада ҳамфикрдирлар, чунки унинг [Браҳмагуптанинг]: «Ариабҳата, Бош ва Ой апогеи даврлари санокларини камайтириб, тутилиш вақтларини ҳисоблаш бузилди. Чунки бу ҳисоблар даврлар саноғига боғлиқ», – дейиши менинг сўзимни тасдиқлайди. Унинг билим-сизлигига, [Браҳмагупта] мисол қилиб ёғоч куртини олади; ёғоч курти ёғочни ейди, у ёғоч ичида туриб худди ҳарфга ўхшаш нақш ясайди. Ҳолбуки, у нақш ясаётганини хаёлига ҳам келтирмайди ва [унга] қасд ҳам қилмайди<sup>935</sup>. «Лекин кимки адолат изласа, у Ариабҳата, Шришана ва Вишнучандралар қаршисида, кийикларга қарши турувчи шердек туради. Кийикларнинг довланиб, шерларга юзма-юз қарши чиқишлари ва ўзларини кўрсатишлари мумкин эмас»<sup>936</sup>. Бундай мақтаниши билан у Ариабҳатага ҳужум қилиб, уни нодонликда айблайди.

Биз юкорида уч кишининг назарича, *чатурюганинг* неча тулуий кунларга тенглигини ёзган эдик. Пулисанинг айтгани Браҳмагуптанинг айтганидан 1350 кун ортиқ. Лекин *чатурюга* йиллари саноғи икковининг фикрига барабардир. Шу жиҳатдан Қуёш йилидаги кунлар Браҳмагуптага кўра қанча бўлса, Пулисага кўра ундан ортиқ бўлиши аниқ.

Ариабҳата эса Браҳмагупта [китобидан] олиб беришига қараганда, унинг ҳисоби Пулисаникидан 300 кун кам; аммо Браҳмагуптаникидан 1050 кун ортиқ. Демак, Ариабҳатанинг ҳисобига кўра, қуёш кунлари Браҳмагупта айтганидан ортиқроқ. Пулиса деганидан эса камроқдир.

## XLIII БОБ. ТҶРТ ЮГАГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР ВА УЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯ

|| (190) Юнонларнинг ер ҳақида [турлича] эътиқодлари бор. Улардан бирини мисол тариқасида келтирамиз. Аниқки, ер усти ва остида кетма-кет бўлиб турадиган ҳар бир офатларнинг ҳолат ва миқдор жиҳати турлича бўлиб, кўпинча уларнинг сифати ёки миқдори ёки бараварига иккови зўрайиб, ерга кенг тарқалади. Ундай вақтда [улардан сақланишда] хийла иш-

латиш ва кочишнинг фойдаси бўлмайди, ерга келадиган офатлар эса омманни фарқ қиладиган тўфон ва ютиб ҳалок қилувчи ер кимирлаш, ердан отилиб чиқадиган қайноқ сувга ботиш, ўт тушиб ёндириш, киздирилган чўғу тош ва куллар отилиши, яшин тушиш, девор, томлар қулайдиган даражада қаттиқ овоз чикиш, жуда кучли шамол кўтарилиши, вабо сингари касалликлар пайдо бўлиши, инсонларга ва тўрт оёқли йирик жониворларга қирғин келиши каби ходисалардир. Агар кенг бир ерда яшаб турган халқ бир офатга учраб ҳалок бўлса, у ер бўшаб қолади, лекин у ердан офат кўтарилиши билан бундан илгари тоғ тепаси ва унгурларга, ваҳший ҳайвонларга ўхшаб, қочиб тарқалган халқ қайтадан ўз жойига тўплана бошлайди ва бир-бирларига ёрдамлашиб душманлари бўлган йиртқич ҳайвонлар ёки инсонларга қарши туриб, шаҳар қуриб яшай бошлашади, улар бир-бирларини қўллаб-қувватлаб, тинчлик ва хурсандчиликда яшайдилар. Кўпайганларидан кейин уларда бир-бирига қаршилиқ ва ғурурланиш пайдо бўлади. Ҳасад билан ғзаб икки қанот бўлиб ҳаракатга келиб, осуда ва чиройли ҳаётларини хира ва кудуратли қилиб юборади<sup>937</sup>.

Кўпинча, у жамоалардан бири пушт – насабда ажралади, у эса бошқалардан илгари ўша ерга келганлигидан ёки ўзга бирор нарса сабаб бўлиб, бошқалардан айирилади. Кўп вақтлар ўтиши билан [жамоат] ўшанда бошқани танимайди. Платон юнонлар учун ёзган «Қонунлар» [номли] китобида ўшандай сиймо Зевс-Муштарий, деб зикр этган. Китобнинг иловасида фаслларнинг охирида Гиппократ пушти Зевсга бориб тақалади, деб ёзилган. Лекин бундаги зикр қилинган насаб номлари оз, уларнинг сонлари фақат ўн тўрттадир, холос. Унда айтилишига кўра; Гиппократ ибн Гносидик ибн Небр ибн Сострат ибн Теодар ибн Клеомитгад ибн Крисам ибн Дардан ибн Сострат ибн Анлол ибн Ипполох ибн Подалир ибн Махаон ибн Асклепий ибн Аполлон ибн Зевс ибн Кронос, яъни Зуҳалдир»<sup>938</sup>.

*Чатурюга* ҳақидаги маълумотлар шунга ўхшаш. Чунки улар лаззат, ҳаловат, эминлик, арзончилик, барақат, қувват, тана соғлиғи, куч, билимдонлик, браҳманларнинг кўпайиши *критаюга* бошида бўлади, деганлар. Ҳатто ундаги савоб тўртдан бир чоракларнинг тўртталовида ҳам тўлиқ бўлишига ишонадилар. Умр бўлса, *юганинг* ҳаммасида ҳам барчага баробар тўрт минг йил бўлган. Кейинчалик камайиб бориб, унга зид бўлган ёмонликлар билан аралашиб кетган. Нагижада яхшилиқ *третаюга* бошида бошланган ёмонликдан уч хисса ортган. Савоб эса тўртдан учига борган, *киатрийлар* бўлса браҳманларга нисбатан кўпаяверган<sup>939</sup>. «Вишну-дҳарма» [китобида] ҳам умр кўриш аввалгидек [тўрт минг йил] бўлади, деган. Бунда нуқсон қанчалик кам бўлган бўлса, савоб ҳам шунчалик камайган. Олов қурбонликлари учун бу вақтда инсонлар илгари қилмаган ишларни қилишади, ҳайвонни сўйишади, улар ўтламасдан илгари ўтларни ўриб олишади.



Ёмонлик борган сари ортиб боради; *дванара* бошига етгунча ёмонлик яхшилик билан баробарлашади. Кейин унда яхшилик икки марта камаяди. У чоғда орзу-ҳаваслар ортиб, ноҳақ ўлдиришлар кўпаяди ва [турли] динлар пайдо бўлиб, умрлар ҳам қисқаради. Юқорида зикр қилинган «Вишну – дхарма» китобида баён қилинишига кўра, умр тўрт юз йилга келади. *Тишиянинг*, яъни *калиюганинг* бошида ёмонлик яхшиликдан сақланиб қолган ҳиссага нисбатан уч марта ортади.

|| (191) Ҳиндларнинг *трет* ва *дванарадаги* каби ҳаммага маълум қиссалари бўлган. Масалан, Раванани ўлдирган Рама ҳақида *кшатрийдан* ким қўлга тушса, уни ўлдирадиган браҳма Парашурама қиссаси – чунки у ўз отаси учун *кшатрийлардан* зулм кўрган эди. Уларнинг эътиқодига кўра, у браҳман осмонда тирик бўлиб, дунёга йигирма бир марта келган, яқинда яна келади<sup>940</sup>; [бундан ташқари] Панду болаларининг Куру болалари билан уришиши қиссалари [кабилар]дир<sup>941</sup>.

Аммо *калиюгага* келганда, унда яхшилик бутунлай тугаб, ёмонлик кундан-кун ортиб, ёлғиз ўзигина қолади. Бу бўлса, ер юзида қарор олиб турганларга офат етиб, ҳалок бўлишининг вақти етганлиги ва тоғларга тарқалган ҳамда инсон шайтонларининг ёмонларидан қочиб, ибодат учун ғорларга бекинган авлодларининг қайтиб тўпланган замонидир. Шунинг учун бу вақтни *критаяога*, яъни «кетиш учун [дунё] ишларидан бўшаш» ва [иккинчи дунёдан] кутулиш демакдир<sup>942</sup>.

Браҳмадан Зухранинг нақл қилган сўзини Шаунака шундай изоҳлайди. Худо унга [Браҳмага] эшиттирган сўзидан «*Калиюга* замони кирганда тақводор Шудҳадана ўғли Буддҳаданани халқ орасида яхшиликни ёйиш учун юбордим. Кейин ўзини [Буддҳаданага] нисбат берган ҳақни яширмоқчи бўлган одамлар келган амру фармонларни ўзгартиришади. Ана ўша вақтдан бошлаб браҳманларнинг қадри кетиб, ўзларининг хизматчилари бўлган *шудралар* улар устидан ғалаба қозонишга журъат қиладилар. Келадиган ҳадяларни *чандоллар* уларга бўлиб беради.

Айрим инсонлар ҳаромдан мол йиғиш ва бу борада қилган гуноҳ ва ёмонликларига заррача парво қилишмайди. Бу ҳол уларда кичикларининг катталарига, болаларининг оталарига ва хизматчиларининг хўжа ва эгаларига қарши исён қилишгача олиб келади. Турли табақаларнинг бошқа табақаларга уйланиши сабабли насаблари ҳам бузилиб кетиши натижасида тўрт табақа браҳманлар йўқ бўлиб кетади. Динлар, мазҳаблар ва ўзаро фойдаланиладиган китоблар шу қадар кўпаядики, шулар сабабли илгари бирлашган халқ ва ҳар бир ишда бир тан, бир жон бўлиб бирикиб турган тўдалар тарқалиб кетади, ибодатхоналар бузилади, мактаблар хароб бўлади, адолат кўтарилади. Подшоҳлар бўлса зулм қилишдан, халқларнинг ҳақини ва молини босиб олишдан, тўхташмайди. Улар маккор қиликлари билан худди одамларни егандай

бўладилар. Гуноҳлари сабабидан умрларининг қисқа бўлишига ҳам эътибор бермасдан, гўёки дунёда туришга умидларининг узунлигига мағрур бўлиб, инсонларни кириб битиришади. Ниятлари қанчалик бузилса, вабо офатлари ҳам шунчалик кенг тарқалади<sup>943</sup>. Ҳиндларнинг фикрига кўра, у даврда кўп ишлар юзасидан осмон ёритқичларига боғлаб ҳукм чиқариш ёлғон ва бекорчи бўлиб чиқади.

Моний шу фикрни қабул қилган. У бундай дейди: «Билинглари, оламнинг ишлари алмашинган, ўзгарган ва ўзгарилган. Шунингдек, ғойибдан хабар бериш [фолбинлик] ҳам осмон сфералари, яъни фалаклари ўзгариши билан ўзгарилиб кетди. Эндиликда юлдузларни ўз доирасида таниш фолбинларнинг ота-боболарига муяссар бўлгандек, уларнинг фарзандларига муяссар бўлмайди. Бироқ булар одамларни алдаш билан йўлдан оздирадилар. Буларнинг сўзлари баъзида тўғри чиқса ҳам, лекин кўпинча тўғри чиқмайди».

|| (192) Бизнинг баён қилганимиздан кўра «Вишну-дҳарма»даги сўзларда ортиқлик бордир. Унда айтилишига кўра, «Одамлар савоб ва азоб моҳиятини билишмайди. Фаришталарни ҳақиқатлари билан танишни инкор қилишади, уларнинг умри узун-қисқа бўлса ҳам, аммо миқдори номаълумдир. Баъзилари онасининг қорнидалигидаёқ, баъзилари ёш болалигида, баъзилари йигитлигида ўлади. Холис бандалар узун умр кўрмай бандаликни бажо келтиради. Ёмонлик ва хато ишларни қилган ва динни инкор қилувчи кишилар кўпроқ яшайди. Подшоҳлик *шудраларга* айланиб, улар бўридек кўрганини юлқиб олишади. Браҳманлар ҳам бу феълларда уларга ўхшаб, кўпроқ *шудра* ва ўғри бўлишади. Шу билан браҳманларнинг ҳуқуқлари тугайди. Ўз нафсини риёзат билан қийнаётган сўфилар камайиб кетганлигидан онда-сонда кўриниб қолганларга қўл билан ишора қилинадиган бўлиб қолса ҳам, халқ уларни менсимайди ва хўрлайди. Шундай ҳолатга тушиб туриб, яна Вишнуга сиғинганларга таажжубланади ҳам, шунинг учун дуо тезда ижобат бўлиб, озгина амалга кўп савоб берилади ҳамда озгина ибодат ва андек хизмат қилган улуғ мартабага ва зўр даражаларга етишади.

Ишнинг оқибатида, *юганинг* охири ва ёмонликлари ниҳоятига етиш олдиди, браҳман Жешв ўғли Гарга, яъни Кали [юзага] чиқади; Кали юга билан лақабланади. У чиққанда шундай куч-қувват билан чиқадики, унга ҳеч ким баробар келолмайди. У ҳар бир уруш асбобларининг энг ўткири билан чиқади ва уни ишлатишда жуда моҳир бўлади. Қиличини ялангочлаб ноқобил авлодларнинг устига келади. Ер юзини авлоднинг ифлослигидан тозалайди, улардан ерни бўшатади; насл тарқатиш учун пок ва яхшиларни йиғиб, *критаягани* улардан бошлайди. Дунё ва замон қайтадан хушҳоллик, осудалик, яхшиликка айланади»<sup>944</sup>.

*Чатурюгадаги югалар* ахволининг айланиш даври мана шундай.

Али ибн Зайн ат-Табарийнинг<sup>945</sup> ҳикоя қилишига кўра, «Чарака» китобида бундай дейилган: «Ерда қадимги замонда доимий арзончилик ва кенгчилик бўлиб, офатлардан саломат бўлган. Сезиш унсури – *махабҳута* ўрта ҳолда бўлиб, инсонлар бир-бирлари билан дўстлашиш ва улфатлашиш натижасида ўрталарида ҳеч қандай низо ва бир-бирига ҳасад қилиш бўлмаган. Инсонлар нафси ва танасини касал қиладиган сабаб ҳам бўлмаган. Ҳасад пайдо бўлганидан кейин кетидан ҳарислик ҳам келган. Ҳарис бўлишлари билан баробар дунё йиғишга киришганлар. Бу иш баъзиларига осон бўлса, баъзиларига қийин бўлди. Уларда ҳар хил фикрлар тугилиб, машаққат, ғам-андухлар юзага кела бошлади. Бу ҳол уларни ўзаро урушиш, таллашишга, бир-бирларини алдашга ва ҳатто ёлғон сўзлашгача етаклар эди. Натижада, диллари қорайди, табиатлари ўзгарди. Ҳар турли касалликлар пайдо бўлиб, Худога ибодат қилиш ва илм ҳосил қилиш йўлига ғов бўлди. Шу сабабли илмсизлик ўрнашиб қолди, балолар кундан-кунга кучайди, шунда яхши кишилар йиғилишиб қаландарлари бўлган Атрия ўғли Кришна<sup>946</sup> олдида бордилар, сўнгра у тоққа чиқиб, муножот ва зору нола қилди. Шунда Худо унга тиб илмини ўргатди».

Юнонлардан қилинадиган ҳикоямиз ҳам шунга ўхшашдир. Чунки Арат ўзининг еттинчи буржга нисбатан «Очиқ баёноти» – «Зоҳироти»да қилган ишоратида бундай дейди: «Подачининг, яъни ал-Аввонинг икки оёғи остига, шимолий осмондаги юлдуз туркумларига, қўлида энг ёруғ бошоқ тутувчи Азро [қиз], яъни Симак ал-Аъзалга қараб бир ўйлаб кўр<sup>947</sup>. У шундай юлдузлар жинсиданки, уни қадимги юлдузлар отаси дейишади. Ёки иккинчи бир жинсдан туғилган бўлиб, уни биз танимаймиз. Айтишларига кўра, ўтган замонларда у инсонлар билан бирга бўлганда фақат аёллар орасида бўлиб, эрларга кўринмаган, эрлар олдида унинг исми «Адолат» бўлиб, у кўча-кўйларда турган одамларни йиғиб, баланд овоз билан уларни тўғри йўлга даъват қиларди. Ҳисобсиз молларни бахшиш қилар эди. Ҳақ эгасига ўз ҳақини берарди. Ўша вақтларда ер «олтин» деб аталар эди. Ер юзида яшаган кишилардан ҳеч бири сўзида ва феълида ҳалокатга туширадиган уруш-жанжални билмас эди. Уларнинг ичида ёмон фирқалар ҳам йўқ бўлиб, халқ бекорчилик билан кун кечирарди. Дарёлар ёйилиб оқадиган ва кечиб ўтиладиган бўлиб, кемага ўтирилмас, озик-овқатларни сигирлар, ҳўкизлар келтирарди.

|| (193) Орадан олтин жинс даври ўтиб, кумуш жинс даври келгач, Симак ал-Аъзал улар билан очиқ юзли бўлиб ҳаёт кечири олмади. Балки илгаригидек аёлларга аралашмасдан тоғларда беркиниб юрди. Ундан кейин катта шаҳарларга келиб шаҳар халқига насихат қилди ва азоб билан кўрқитди.

Булардан ёмон жинсларнинг келиши, уруш, қон тўкиш ва катта мусибатлар бўлажигидан хабар бериб турди.

Бундай сўзларидан бўшаган вақтларида кумуш жинсликлар тугаб битгунча тоғларда ғойиб бўлиб турди. Кейин инсонлар мис жинсларга ўтди. Улар ёмонлик учун ишлатишга қилишни чиқардилар ва қорамол гўштини ейишни бошладилар. Улар буни биринчи марта амалга оширганлардан ҳисобланишади. Бундан кейин Адолат газабланиб, уларнинг ёнида туришни истамай, осмонга қараб учди»<sup>948</sup>.

Аратнинг китобига изоҳ берувчи айтади: «Аниғи шуки, бу қиз Азро-Зевснинг қизидир, у одамлар йигилган ерларда халқ оммасига керакли қоидалардан хабар берар эди. Ул вақтларда инсонлар ҳокимларига бўйсуниб, бир-бирларига хилофлик ва ёмонлик қилишни билмас эдилар. Фитна, фасод ва бир-бирларига ҳасад қилишни ўйламас эдилар, деҳқончилик қилиб ҳаёт кечирар эдилар. Савдо қилиш ёки ҳарислик билан денгизда кезмас эдилар ва уларнинг табиатлари олтиндек мусаффо эди. У яхши сифат ва хислатлардан бошқа ҳолга ўтиб, тўғрилиқ ва ҳақликни сақламайдиган бўлганларидан кейин Адолат ҳам уларга араллашиб улфат бўлмади. Лекин тоғларда туриб, уларни вақти-вақти билан кузатиб борар эди. Чор-ночор йигилган жойларига келиб қолса, уларни кўрқитар эди. Улар ҳам оталаридек кўриб, унинг сўзига қулоқ солиб, жим турар эдилар. Шунинг учун аввалги вақтдагидек уларнинг чақириши билан келмайдиган бўлган эди. Кумуш давридан кейин мис жинси [даври] келганда урушлар кўпайиб кетди ва ёмонликлар ошқор бўлди. [Адолат] улар билан бирга бўлмасликни, албатта, ўзига жазм қилди ва уларни ёмон кўриб қолди, осмонга чиқиб кетди». У ҳақда кўп афсоналар бўлиб, улардан бирида шундай дейилади: «Унинг Деметр эканлиги аниқ, чунки бошоқ у билан биргадир, дейди ва баъзиларининг айтишларича, у бахт ва иттифокдир».

Афлотуннинг «Қонунлар» [номли китобининг] учинчи мақоласида шундай дейилган:

«Афиналик айтди: «Ерда тўфонлар ва ҳар хил касаллар, даҳшатли воқеалар бўлган. Ер юзидаги инсонлардан бу офатларда омон қолганлари мол кетида далаларда юрган подачилар ва тоғларда макон тутганлар бўлди. Булардан бошқалари қирилган. Инсон жинсидан қолган ана шулар – маккорликка кўникмаган ва ғалабага кўнгил кўймаганлардир».

Кносслик айтади: «Улар аввалги ҳолда оламнинг хароб бўлиши ваҳшатидан кўрқиб, холисона бир-бирини дўст тутар эдилар. Чунки уларнинг кенг соҳалари ўзларига торлик қилмас, ранж ва машаққатлар тортишга ҳожат қолмас эди. Уларда бахиллик бўлмаганидан кейин олтин ва кумуш ҳам йўқ, бойлар, фақирлар ҳам йўқ эди. Агар улар ҳақидаги китобларни топамиз десак, тасдиқловчилар кўпайиб кетарди»<sup>949</sup>.

## XLIV БОБ. МАНВАНТАРАЛАР ҲАҚИДА

72 000 калпа Браҳма умрининг миқдори бўлганидек, манвантара, яъни «Ману даври» Индранинг умри миқдоричадир, бунинг ҳокимлиги шу манвантаранинг тугаши билан тамом бўлади. Унинг ўрнини янги манвантарада оламда ҳукм сурувчи бошқа [Индра] олади.

Браҳмагупта бундай деган: «Кимки, ҳар бир ёнма-ён манвантара орасида сандҳи бўлмаса, деб фараз қилса ва манвантара 71 чатурюгача бўлади деса, у ҳолда калпа [1000 чатурюгадан] 6 чатурюга кам бўлади; 1000 дан ўша қадар ортиқ бўлиши ҳам камчиликдандир. Бу эса «Смрити» китобидагига зиддир<sup>950</sup>.

Кейин у шундай деган: Ариабхата ўзининг «Дашагитика», иккинчи «Ариашташата» деб аталган икки китобида ёзилишига кўра, ҳар бир манвантара 72 чатурюгадир. Унинг бу сўзига кўра, калпа 1008 чатурюга бўлади».

|| (194) «Вишну-дҳарма» китобида Маркандеянинг Важрага берган жавобида [бундай дейилган]: Пуруша Оламнинг эгасидир, аммо калпа эгаси эса Браҳма бўлиб, у дунё эгасидир, лекин манвантара эгаси Манудир. Улар 14 та бўлиб, ҳар бир манвантара бошида ердаги ҳукмронлар улар авлодидан бўлади<sup>951</sup>. Улар исмларини ушбу жадвалга киритдик<sup>952</sup>.

|| (195) *Манвантараларнинг* еттинчисидан кейингиларида номларнинг ҳар хиллиги сабаби, ўйлашимизча, двипаларда кўрсатилгандек, халқнинг тартибга аҳамият бермай, номлар [кўпайтирилиши]га қасд қилишидир. «Вишнупурана»дан кўчирилган ададлар, номлар, шундай нарсаларни тавсифлаганки, бевосита унда айтилган тартибга ишонч ҳосил қилишга тўғри келади. Ҳикояларнинг фойдаси оз бўлганлиги учун изоҳлаб ўтирмаймиз. Ўша китобда<sup>953</sup> кшатрия бўлган подшоҳ Майтрея, Вияса отаси Парашарага, ўтган ва келажакдаги манвантаралар ҳақида саволлар берганлиги [ёзилган]. Кейин у худди жадвалимизда ёзилгандек қилиб, ўзига маълум ҳар бир Мануни айтиб берди. Таъкидлашларига қараганда, Ману болалари ер юзида ҳоким бўлганлар, Мануни эса, исмларини юқорида келтирганимиздек, энг аввалгиларидан деб атади. Уларнинг фикрига кўра, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи манвантарадаги Манулар Прияврата насллари бўлиб, бу зоҳидликда Вишнуга яқин ҳисобланиб, насллари шундай шарафга муяссар бўлган<sup>954</sup>.

## XLV БОБ. КАТТА АЙИҚ ЮЛДУЗ ТУРКУМИ ҲАҚИДА

Катта айиқ хиндлар тилида Саптаршаяс<sup>955</sup>, яъни «етти риши» дейилади. Айтадиларки, улар етти зоҳид бўлиб, ҳалоллик билан тирикчиликни ўтказиб туришган. Улар орасида ас-Суҳо<sup>956</sup> номли солиҳа аёл [яшаган]. Ҳовузлардаги нилуфарнинг таналарини еб ўзларини тўйғизганлар. Диний қонун [дҳарма] келиб, улардан уни бекитди. Улардан ҳар бири бошқасидан уялиб, дин қабул

Манвантара ракамлари	«Вишну-пурана» бўйича исмлари	«Вишну-дхарма» бўйича исмлари	Бошқа манба бўйича исмлари	«Вишну-дхарма» бўйича исмлари	«Вишну-пурана» бўйича исмлари	«Вишну-дхарма» бўйича Индра исмлари	«Вишну-пурана»ча ҳар давр бошидан ҳукмронлик қилганлар исмлари
1	Сваямбхува	Сваямбхува	Сваямбхува	Сваямбхува	Сваямбхува	Ману	[Биринчи манвантара] бошқарувчиси Индра каби бирор нарсанинг шериги бўлмаган
2	Сварочиша	Сварочия	Сварочиша	Сварочия	Сварочиша	Випашчит	Ману болаларининг биринчиси Чайтрака
3	Аутами	Аутами	Аутами	Аутами	Аутами	Сушанти	Судивия
4	Стмаса	Стамаса	Утамаса	Стамаса	Утамаса	Шикхин	Нара, Кхяти, Шантахая, Жанужангха
5	Райвата	Райвата	Райвата	Райвата	Райвата	Аутата	Балабандху, Сусабхания, Сагьяка,
6	Чакпуша	Чакшукха	Чакпуша	Чакшукха	Чакпуша	Маножава	Пуру, Синдху Ребха, Муру, Шатадюдма, Прамукха
7	Вайвасвата	Вайвасвата	Вайвасвата	Вайвасвата	Вайвасвата	Пурандара	Икшваку, Набаса, Дхришна, Шарияти
8	Саварни	Саварни	Саварни	Саварни	Саварни	Бали-камалган хукмдор	Виравас, Ашчарвари, Нирмогха
9	Дакша	Вишну-дхарма	Брахма-путра	Вишну-дхарма	Брахма-путра	Махарвирия	Дхритакиту, Нирамия, Панчахаста
10	Брахмасавари	Дхармапутра	Вишну-путра	Дхармапутра	Вишну-путра	Шанти	Сукшестра, Уттамаужас, Бхуришена
11	Дхармасаварии	Рудрапутра	Рудрапутра	Рудрапутра	Рудрапутра	Вриша	Сарватрага, Деваника, Судхарматман
12	Рудрапутра	Дакшапутра	Дакшапутра	Дакшапутра	Дакшапутра	Ритадхаман	Девага, Ванунадевашча, Девашриештха
13	Раучия	Райбхия	Райбхия	Райбхия	Райбхия	Диваспати	Читрасеи, Вичитрадия
14	Бхаутия	Бхаутия	Бхуми	Бхаутия	Бхуми	Шучи	Урар, Габхира, Будхияадлия

этган касамлар билан онт ичди. Буларнинг иши динга маъқул тушганидан хурматлаб, уларнинг ҳаммасини ҳозир кўриниб турган жойларига кўтарди.

Биз, ҳиндлар китобларини қофияли шеърлар билан тартибга олганлар, деб айтган эдик. Улар шеър билан [ҳар хил] ўхшатишлар [танқид ва масхара қилишларни] ва бадий мадҳлар ёзишни яхши кўрадилар.

Вараҳамиҳира «Самҳита» китобида Катта айиққа қараб астрологик ҳукм чиқариш олдида унинг тавсифини келтирган. Қуйида унинг таржимасини келтирамиз:

«Шимол томон шу юлдузлар билан зийнатланган. У, марварид терилган шодани ва оқ нилуфарга боғланган маржонларни [бўйнига] таққан гўзал раққоса кизнинг айланиб ўйнаб туришидек, қутб атрофида айланиб туради. Қадимги кекса Гаргага асосланиб, ҳикоя қиламиз: Катта айиқ Мағҳада – оининг ўнинчи манзилида бўлар эди. У замонда Юджиштҳира Ер юзида подшоҳ эди, шакакала ундан 2526 йил кейин бошланган. Катта айиқ ҳар бир манзилда 600 йил турган ва у шимоли-шарқда тулуъ қилади. Катта айиқнинг шарққа ёндашиб тургани [бири] Маречи, унинг ғарб томонида тургани Васиштҳа, кейин Ангира, кейин Атри, кейин Пуластия, кейин Пулаҳа, кейин Кратудир. Васиштҳа яқинида Арундҳати исмли пок аёл бор»<sup>957</sup>.

Кўпинча бу номлар билан юлдузларни ифодалашда чалкашлик бўлади. Шунинг учун биз уни Катта айиқ туркумидаги [юлдузлар] билан аниқлаймиз. Улардан Маричи 27, Васиштҳа 26, Ангира 25, Атри 18, Крату 16, Пулаҳа 17 ва Пуластия 19 юлдуздир. Бу ёритқичлар [ўринлари] ҳозирги замонда, яъни *шакакала* эрасида 952-йилда Асад [буржи]нинг  $1\frac{1}{3}$  даражаси билан Сунбуланинг  $13\frac{1}{3}$  даражаси оралиғидадир.

|| (196) Турғун ёритқичлар ҳаракатини ҳисобга олганда, Юджиштҳира замонида Катта айиқ Жавзонинг  $8\frac{2}{3}$  даражасидан Саратоннинг  $20\frac{5}{6}$  даражасигача узунламада жойлашганлигини топамиз. Қадимгилар ва Птолемейнинг кўрсатган ҳаракат миқдорига кўра, у вақтда [улар жойи] Жавзонинг  $26\frac{1}{2}$  даражасидан Асаднинг  $8\frac{2}{3}$  даражасига қадар бўлган. Мазкур манзил [Мағҳа] Асад бошидан тортиб, унинг 800 дақиқасигача [узунликни] ишғол қилган. Шу муддат ичида Катта айиқни Юджиштҳира замонидан Мағҳага нисбат бериш яхшироқдир. Лекин ҳиндлар шунда Асад Қалби ёритқичига нисбат берганлар, чунки у муддат ўша вақтда Саратон бошларида бўлган.

Гарганинг гаплари бирор асосга эга эмас, балки у ёритқичлар бурж даражаларини [ўрнини] оддий кўз билан кузатиш ва асбоблар ёрдамида белгилашларнинг эҳтиёжи бўлган ҳолда керагидан кам билганини кўрсатади.

Кашмирдан келтирилган *шакакаланинг* 958 951 йили учун ҳисобланган йиллар дафтарларида шуни кўрдик, унда Катта айиқ Анурадҳа манзилида 77 йил бўлибди. Бу манзил Акрабнинг  $3\frac{1}{3}$  даражасидан  $16\frac{2}{3}$  охиригача жойни ўзига олиб турди. Ҳолбуки, Катта айиқ ундан бир бурж ва 20 даража [50°] илгаридида жойлашган. Улардан узоқ турган одам уларнинг ҳар турли назарияларини қандай қилиб била олади?

Аввало, фараз қилайликки, Гарга тўғри айтган бўлсин: у Катта айиқнинг Мағҳадаги жойини аниқ айтмаган бўлса ҳам майли. Айтайлик, унинг ўрни Мағҳа бошида бўлсин. У эса Асад бошидир. Юдҳиштҳира замонидан ҳозирги йилимиз Искандар эрасининг 1340-йилигача 3479 йил ўтган. Вараҳамиҳиранинг «Катта Айиқ ҳар бир манзилда 600 йил тўхтаган», деганини тасдиқласак, у ҳолда унинг ҳозирги йилимиздаги ўрни Мезоннинг 6°17' бўлади. Бу манзил Сватининг 10°38' га мос келади. Агарда Мағҳанинг ўртасида бўлганини фараз қилсак, Вишакҳанинг 3°58'га мос келади. Мағҳа охирида бўлган десак, Вишакҳанинг 10°33'га мосдир. Шунинг учун Кашмир тақвимида айтилгани «Самҳита»дагига мувофиқ эмас. Тақвимдаги [ҳозирги] ўрнини ва ҳаракат тезлигини асосга олиб, орқа томонга [ўтган вақтларга] қаратиб ҳисобласак, албатта, Мағҳада бўлганлиги чиқмайди.

Шунгача, турғун ёритқичларнинг тезлиги, илгариги вақтларда қабул қилинган секин ҳаракатидан ортиқ, деб иш кўриб, бунинг сабаби осмон сферасининг шаклида деб қарадик. Бизнинг фикримизга кўра турғун ёритқичларнинг ҳаракати 66 қуёш йилида бир даража бўлади. Вараҳамиҳиранинг 45 йилда бир даража ҳаракат қилади, деб ҳукм чиқариши кишини ажаблантиради. У эса бизнинг замонамиздан қарийб 525 йилча илгари яшаган.

«Карана – сара» зижида Катта айиқнинг ҳаракати ва унинг ўрнини билиш учун муаллиф қуйидаги коидани айтган: «Шакакаладан 821 айирилади, қолдиқ асл бўлиб, у калиюга бошидан 4000 йил ўтганига қўшиладиган [сондир]. Аслни 47 га кўпайтириб, кўпайтмага 68000 қўшилади, йиғинди 10000 га бўлинади. Бўлинма Катта айиқнинг топилмоқчи бўлган буржиги ва касрига [узунламасига] тенгдир.

Қўшилган сон, 10000 га кўпайтирилган аслнинг бошида Катта айиқнинг албатта ўрни эди. Агар бу кўшилган сон, бунга [10000 га] бўлинса, 6 бурж ва 24° [204°] чиқади. Маълумки, биз агар 10000 ни 47 га бўлсак, у ҳолда Катта айиқнинг бир буржини [Қуёш йили билан] 212 йил 9 ой ва 6 кунда ўтиши чиқади. Демак, 1° ни эса 7 йилу 1 ой ва 3 кунда, манзилни эса 94 йилу 6 ой ва 20 кунда ўтган бўлади.

Агарда кўчиришда хатога йўл қўйилмаган бўлса, Вараҳамиҳира билан Витешвара берган микдорлар орасида катта айирма бор. Агар шунинг сингари ҳисобни ҳозирги йилимизга жорий қилсак, Катта айиқнинг [ой манзили] Анурадҳанинг 9°17' да бўлиши чиқади.



## Манвантаралардаги Етти Риши ёки Катта айик юлдузлари:

Манван- таралар рақамлари	1	2	3	4	5	6	7
1	Бу манвантарада Индра ҳам, Катта айик ҳам бўлмаган, фақат Ману бўлган						
2	Уржастамбха	Прана	Датта	Нишабха	Нишвара	Шарвари	Вамшча
3	Васиштха авлодлари						
4	Жиоти	Дхаман	Приху	Кавия	Чайтра ва Агни	Варака	Пивара
5	Харанироман	Ведашри	Рурдхвабаху	Апара	Велабаху	Субаху	Паржания
6	Сумедхас	Виразас	Хавишмаг	Мадху	Атинаман	Сахишну	Чаршях
7	Васиштха	Кашияпа	Агри	Жамадагни	Гаутама	Вишвамитра	Бҳарадважа
8	Диптимаг	Галава	Крипа	Дрона ўғли Ашватҳоман	Парашара	Парашара ўғли Вияса	Ришашринга
9	Савана	Диотимаг	Хавия	Васу	Медхадхрити	Жиотишмаг	Сагия
10	Хавишмаг	Сукрити	Сагия	Апаммурги	Надхага	Апратимажас	Сукшестра
11	Нишчара	Агнидхара	Ванушмаг	Вишну	Аруни	Ҳанишмант	Нагха
12	Тапасвин	Сутая	Таномурги	Тапорати	Таподхрити	Диоти	Ишчания
13	Нирмоха	Таттвадаршич	Нишпраканпа	Нирутсука	Дхритимант	Вияя	Суталас
14	Агниба	Шучи	Шукра ёки Зухра	Магадха	Агиндрха	Юкстага	Жита

Кашмир ахлининг эътиқодига кўра, Катта айиқ ҳар бир манзилда 100 йил бўлади. Мазкур таквимда ёзилганига 23 қўшилса, 100 йилга тўлади.

|| (197) Буларнинг ҳаммаси [улар] астрономиясида математиканинг йўқ бўлишлиги [нуқсонидир] ва [иккинчидан илмий] масалаларни диний гаплар билан аралаштириб юборишдандир. Масалан, ҳинд муаллифларидан баъзилари Катта айиққа эътиқод қиладилар, уни бошқа ёриткичлардан баланд, деб даъво қиладилар. Ҳар бир *манвантарада* Ману янгиланади ва авлодлари Ер юзида ҳукмронлик қилади, деб ўйлашади. Уларнинг ҳукмронлигини Индра янгилатади, фаришта тоифалари ва Катта айиқ ҳам шундай [янгилашиб туради], деб хаёл қиладилар. Фаришталарда туғилган эҳтиёж шунинг учунки, одамлар уларга деб қурбонликлар қилади; оловга ўз насибаларини беради. Аммо Катта айиққа эса ведани янгилаш учун одамларнинг ҳожатлари тушади, чунки у ҳар манвантара охирида ҳалок бўлади.

Бу фасл «Вишну-пурана»да бор. Биз ўшандан кўчирдик. Ҳар бир *манвантарадаги* Катта айиқ исмларини [қуйидаги] жадвалга ёздик.<sup>959</sup>

#### XLVI БОБ. НАРАЯНА, УНИНГ ТУРЛИ ВАҚТЛАРДА ЗУҲУР ҚИЛИШИ ВА НОМЛАРИ ҲАҚИДА

|| (198) Нараяна ҳиндлар тасаввурида олий қувватлардан бири бўлиб, у яхшилиқни яхшилиқ воситаси билан ва ёмонликни ёмонлик воситаси билан яратишга ҳаракат қилмайди, балки бузуқлик ва ёмонликларни барча воситалар билан йўқотади. Унинг назарида яхшилиқни ёмонликдан афзал кўрган, лекин борди-ю яхшилиқ доимий мавжуд бўлмаса ва ундан фойдаланиш мумкин бўлмаса, чор-ночор у ёмонлик билан амал қилади, бу эса ҳар доим, ҳар ерда бор. Масалан, етилган экин майдонига от миниб кириб қолган киши эсини йиғиб олгач, бу феълларининг ёмонлигини сезиб, экинига зарар келтирмасдан чиқишни хоҳласа, отини орқага қайтаради ва кирган йўлидан қайтиб чиқади, бошқа чораси йўқ; кирганда қанча экинларни вайрон қилган бўлса, чиққанда ҳам шунча балки, кўпроқ вайрон бўлади. Аҳволини тузатиш учун бундан бошқа унинг чораси ҳам йўқ.

Ҳиндлар мана шу кун билан биринчи сабабчини фарқ қилишмайди. Нараяна дунёга зуҳур қилишида жисм, шакл ва ранг жиҳатидан дунё халқига ўхшаб келади. Бундан бошқа суратда бўлиши мумкин ҳам эмас.

Дунёга кўп марта зуҳурларининг бири биринчи манвантаранинг охирида бўлиб, унда у дунёда раисликни Валакҳилиядан<sup>960</sup> олиб қўйиш учун эди. Бу эса оламларга исм қўйган ва уларни олиб қўймоқчи бўлган, Нараяна раисликни олишни хоҳлаб келди-ю, олиб қурбонликлар [саноғини] юзга етказган Шатакратуга топширди ва уни Индра қилиб тайинлади.

Нараяна зуҳур қилишларидан яна бири олтинчи манвантара охирида юз берди. Ўшанда у Вирочана ўғли подшоҳ Балини ўлдирган эди<sup>961</sup>. Бали бўлса, дунёга подшоҳ бўлиб, Зуҳрани ўзига вазир қилиб олган. Чунки у она-сидан отасининг даврини ўз давридан ортиқлигини эшитди. Отасининг даври *критаюга* бошига яқин эди. Одамлар у вақтдаги роҳатга гарқ эди, ранжу машаққатдан узоқ эди. Балининг ҳиммати ҳаракатга келиб, бу ишларда отасидек иш олиб боришга киришиб, яхши ишларни қилишга бошлади, халққа хайр ва эҳсон қилиб, мол ва дунёсини соча бошлади. Қурбонликни юзга етказганда дунё ва жаннат раислигига лойиқ бўларди. У қурбонлигини тамомига етказиб, тўқсон тўққизинчисини бажариб фароғатга ўтганда, фаришталар ўз даражаларидан айрилиб қолиш учун Нараянадан қўрқдилар. Инсонлардан ўзларига тегадиган манфаатнинг узилиб қолишига кўзлари етди. Ҳаммалари йиғилишиб ва додлашиб Нараяна олдига бордилар. Нараяна уларнинг илтимосини қабул қилиб, Вamana шаклида бўлиб, ер юзига тушди. У бўлса шундай бадбашара бир одам эдики, икки қўли ва икки оёғи баданига мутаносиб бўлмай, гавдасига нисбатан калта бўлиб, ҳатто шаклининг хунуклигидан чиркин ҳисобланарди.

|| (199) Нараяна подшоҳ Бали олдига келганда, у қурбонлик қилиб турган эди. Брахманлар унинг олдида, оловлар тевагагида турганларини ва Зуҳра, вазири ҳам унинг хизматида бўлганини, хазиналар эшигининг очиқлигини ва жавохирларнинг садақа, тортиқ ва ҳадялар учун тўкиб қўйилганини кўрди. Вamana брахмандларга ўхшаб, веданинг ҳозирда «Самаведа» номли бўлимини хуш овоз билан ўқиб турди. Шунда подшоҳ халқларга хайр ва эҳсон қилишга бошлади. Зуҳра секингина унинг олдига бориб қулоғига: «Мана бу, Нараяна, мулкингни тортиб олишга келди», – деди. Подшоҳ завку шавққа тўлиб, хурсандлигидан бу сўзга қулоқ солмай, Нараянага қараб: «Истаган нарсангни сўра», – деганида: «Мулкингдан тўрт қадамлик миқдорини берсанг, мен унда ҳаёт кечирсам», деди. У бўлса: «Қанчасини хоҳласанг, ўшани ол», – деди. Шунда у қўлига қуйгани сув сўради, чунки унинг воситасида буйруғи жорий бўлар эди. Бу эса уларда расм эди. Подшоҳга муҳаббатининг кучли-лигидан Зуҳра обдастага бекинади. Сув чиқиб кетмасин, деб жўмрагининг тешигига қўлидаги узугининг чўпини суқиб, уни бекитди, Зуҳра кўзининг ғилайлигидан чўп сурилиб, сув оқа бошлади. Вamana шарққа қараб хатлади, иккинчи марта ғарбга хатлади ва учинчи марта юқорига қараб хатлаб, Сварлокага етди, тўртинчи қадами учун дунёда ўрин қолмади. Шу билан уни [подшоҳни] қул қилиб, ўз тасарруфига олди ва оёғини икки кафтининг ўртасига қўйди. Бу эса қул қилиб олганлигига аломат эди. Шу сабаб уни ерга киргизиб юборди, ҳатто у пастликлардан энг пастга [Паталага] етти қат ер остига бориб чўқди ва ундан оламини олди. Дунёга раис бўлишликни эса Пурандарага берди.

«Вишну-пурана»да айтилишига кўра, «Подшоҳ Майтрея Парашарадан югалар ҳақида сўради. Шунда у жавобда шундай дейди: «Югаларда Вишну ўзи учун машғул бўлади, сўнгра *критаюгада* у Капила кўринишида бўлиб, илм [таркатиш] учун келади, *тритаюгада* Рама кўринишида бўлиб, ботирлик кўрсатиш, ёмонларга зарба бериш, куч ва ғалаба билан уч *лока* [дунё]ни сақлаш ва унга яхшилик етказиш учун келади ва *двапарада* эса Вияса суратида бўлиб, ведани тўрт боб ва фаслларга бўлиш учун келади. *Двапара* охирида Васудева суратида жабр ва зулм қилувчиларни йўқотиш учун келади. *Калиюгада* Брахман Жашу ўғли Кали суратида келиб, ҳаммани ўлдириб, даврини қайта қуриш учун келади. [Вишнунинг] *югадаги* машғулоти шулардан иборат»<sup>962</sup>.

Шу китобнинг бошқа бир саҳифасида қуйидаги сўзлар бор: «Вишну, бу Нараяннинг бошқача номидир, у ҳар бир *двапара* охирида инсонларнинг веданинг ҳаммасини ўқишга ва унга риоя қилишга ожиз бўлганликлари учун уни тўртга бўлиб енгиллатиш учун келади ва у ўз келишларида исмлари бошқа-бошқа бўлса ҳам, Вияса суратида бўлиб келади»<sup>963</sup>. Унинг Виясанинг отлари бу еттинчи манмантаралардан ўтган *чатурюгаларда* келтирилди».

**Ушбу номлар жадвалда кўрсатилмоқда<sup>964</sup>:**

1	Свачамбху	16	Дханамжая
2	Пражапати	17	Критамжая
3	Ушанас	18	Ринажештха
4	Брихаспати	19	Бхарадважа
5	Савитри	20	Гаутама
6	Мритю	21	Утгама
7	Индра	22	Ҳасиятман
8	Васиштха	23	Веда-Вияса
9	Сарасвата	24	Важашрувас
10	Тридхаман	25	Сомашумма
11	Тривриша	26	Бхаргава
12	Бхарадважа	27	Валмики
13	Антарикша	28	Кришна
14	Вапра	29	Дрона ўғли Ашваттхаман
15	Трахдруна		

Вияса–Пардшара ўғли – Кришна Двайпаяна. Виясанинг йигирма тўққизинчи марта зухури кутилади, лекин ҳозиргача у келгани йўқ.

«Вишну-дҳарма» китобида айтилишига кўра: «Хари, яъни Нараяна номлари югаларда ҳар турли бўлди. Улар эса: Васудева, Санкаршана, Прадйумна ва Анируддха бўлиб келади»<sup>965</sup>.

Бизнинг фикримизча, унда тартибга риоя қилмаган, чунки Васудева тўрт юга охирида бўлади. Шу китобда яна айтилади: «Нараяна ранги югаларда ҳам

хар хил бўлади; *критаюгада* оқ, *третаюгада* кизил, *двапарада* сарик бўлади, бу эса унинг инсон шаклида бўлиб, жисмга киришининг бошланишидир, *калиюгада* эса қора бўлади»<sup>966</sup>.

Бу ранглар бирламчи уч қувват рангидекдир.

Уларнинг айтишларига кўра, [фалсафаларидаги] уч қувватдан бири: саттва – тиниқ оқ, иккинчи: ражас – кизил, учинчи: тамас – қорадир.

|| (200) Нараянанинг дунёга охирги зуҳур қилиш холини келгуси мавзуларда яна баён қиламиз.

## XLVII БОБ. ВАСУДЕВА ВА БҲАРАТА УРУШЛАРИ ҲАҚИДА

Экин экиш ва насл қолдириш билан дунё тўлиб бораверади. Гарчи дунё чекланган бўлса ҳам кунлар ўтиши билан бу икки ўсиш натижасида кўпайиш чекланмайди.

Гоҳо узлуксиз ривожланиш ўсимлик ёки жониворлардан фақат бирор хилигагина хос бўлиб қолади. Шу турнинг хар бири вужудга келишида фақат бир марта яшайди, лекин ҳалок бўлишидан олдин у ўз ўхшашини ёки кўплаб ўхшашларини қолдириб кетади. Шунда, ер юзини бир хил дарахт ёки бир хил хайвон бутунлай қоплаб олади.

Дехқончилик қилувчи эса экинларини ўтоқ қилиб, кераксизларини юлиб ташлайди. Боғбонлар ҳам дарахтларнинг яроқсизларини кесиб ташлайди. Ҳатто асаларилар ҳам ўз жинсидан бўла туриб, ишламай кувадаги [асални] бекорга еб ётадиганларини ўлдириб ташлайди.

Табиат ҳам худди мана шундай иш қилади. Лекин табиат яхшини ёмондан айирмасдан, ҳаммасига бир хилда таъсир қилиш орқасида дарахт барглари тўкиб, мевасини бузиб, ахири қуритади. Дунё ҳам шунга ўхшашдир. Қачон халқларнинг кўпайиши билан дунё бузилса ёки бузилишига якин етса, дунё ва дунёдаги бор нарсаларни сақлагувчилигидан унинг хар бир бўлагига марҳамати умумий бўлган, тадбиркор [Худо] кўпчиликни камайтирадиган ва ҳамма ёмонлик илдизини тагидан қирқадиган бир зотни юборади<sup>967</sup>.

Ҳиндларнинг даъвосига кўра, Васудева ана шуларнинг жумласидан бўлиб, ер юзи жабру зулм билан тўлиб, унда яшовчиларнинг кўплигидан, оёқ босиб юришларидан ер чайқалиб турган вақтда энг охирги марта Матхура шаҳри ҳокими Канса сингисидан инсон шаклида туғилади. Булар жатта – чорвадорлар уруғидан бўлиб, энг қуйи шудра табақасига мансуб эди.

Аммо Канса сингисининг тўйи кунларида: «Сенинг ўлимнинг синглингни боласи тарафидан бўлади», – деган нидони эшитган эди. Шунинг учун сингиси туғиши билан махсус одам юбориб, боласини келтиртирар ва у бола ўғил бўлса ҳам, қиз бўлса ҳам, тезда ўлдиришга ҳукм қилар эди. Бу иш Балабҳадра тугилгунгача давом этиб, бола туғилганда уни қорамол боқувчи Нанданинг

хотини Яшода ўз тарбиясига олди, у Кансанинг айғоқчиларидан ҳар доим яширишга ҳаракат қилар эди. Сўнгра Кансанинг синглиси Балабҳадрадан кейин саккизинчи болага ҳомиладор бўлиб, Васудева туғилди. Бу эса ёмғирли кечада, бҳадрапада ойининг қоронғи ярмининг саккизинчисида ой Роҳини манзилида тулуъ қилганида бўлди.

Кансанинг қўйган пойлоқчилари қаттиқ уйқуга кетган вақтида отаси болани ўғирлаб, Нанда-кулга, яъни Яшоданинг эри қорамол боғлайдиган оғилга кўтариб борди, у жой Матҳуранинг яқинида бўлиб, иккови ўртасида Ямуна дарёси оқар эди. Васудева келтирилган чоғда Яшода ҳам бир қиз тукқан эди. Уни қизга айирбош қилиб кўтариб, пойлоқчиларга олиб бориб, ўғлининг ўрнига берди. Ҳоким Канса ўлдиришга қасд қилиши билан қиз ҳавога кўтарилиб учиб кетди. Яшода бўлса кизининг ўрнига ўғилни алмаштирганидан беҳабар энага ўрнида сут эмизди. Васудева унинг қўлида тарбия топди. Бу ишдан Канса хабардор бўлиб, буни [йўқотиш учун] кўп макр-ҳийла қилди, лекин ҳаммаси ўзига [зарар бўлиб] қайтди. Ниҳоят, Канса Васудеванинг отонасидан ўз олдида полвон сифатида [хизмат қилиб] туришини сўрайди. У барча курашларда ғалаба қозонган эди.

|| (201) Бир кун йўлда кетатуриб тоғаси – Кансанинг ғазабини кўзгайдиган бирмунча ишлар қилди; Кансанинг нилуфарини кўриқлаб ётган илонни енгиб, тумшуғидан боғлаб қўйди, кийим ювадиган кишисини эса курашга тушишга кийиладиган омонат кийим бермаганлиги сабабдан ўлдиради; Кансанинг хотини курашадиган полвонларнинг баданларига суртиладиган сандал [хушбўйлик]ларга боғлиқ эди. Унинг қўлидан сандални тортиб олади. Кейин ўзини ўлдириш учун ўз эшигида боқилиб тайёр турган, қутурган маст филни ўлдиради. Унинг ҳамма ғазаблантирадиган ишлари Кансанинг қулоғига етиши билан шу онда унинг юраги ёрилиб ўлади.

Кейин синглисининг ўғли – Васудева унинг ўрнига подшоҳ бўлди<sup>968</sup>. Унинг ҳар бир ой учун аталадиган номи бор. Унга эргашувчилар маргаширша ойдан бошлайдилар. Васудеванинг она қорнидан чиқиши ойнинг ўн биринчисида бўлгани учун ҳар бир ойнинг ўн биринчи кунига алоҳида эътибор берадилар<sup>969</sup>.

#### Ойлар:

- [1] маргаширша
- [2] пауша
- [3] магҳа
- [4] пҳалгуна
- [5] чайтра
- [6] вайшакҳа
- [7] жайштҳа
- [8] ашадҳа

#### Васудева номлари:

- Кешава  
Нараяна  
Мадҳава  
Говинда  
Вишну  
Мадҳусудана  
Тривикрама  
Вамана

[9] <i>шравана</i>	Шридҳара
[10] <i>бҳадрапада</i>	Хришикеша
[11] <i>ашваюжжа</i>	Падманабҳи
[12] <i>картттика</i>	Дамўдара

Бу воқеаларни эшитиб, Кансанинг куёви ғазаб билан ўз қароргоҳидан чиқиб, Матхурага келади; Васудеванинг мамлакатини истило қилиб, уни денгиз томон суриб юборади. Васудева [у ерга] борганида, денгиз яқинида деворлари олтиндан бўлган бир қалъа – Барўда кўринадиди ва шу қалъага жойлашди<sup>970</sup>.

Бунга қадар у ерда Каураванинг ўғиллари<sup>971</sup> жойлашган бўлиб, улар Васудевага амакивачча эдилар. Васудева улар учун зиёфат уюштиради ва улар билан қимор ўйнаб, ҳамма мол-мулкларини ютиб олади. Ҳатто уларни неча ўн йил ўз ватанларидан сургун бўлиб туришларини, охириги йилларда эса ҳеч кимнинг кўзига кўринмай, ўзларини ҳеч бир кишига танитмай, махфий юришларини шарт қилиб кўйди. Агар улар бу шартга риоя қилмасалар, ушбу шартдаги муддатни ўтказиш учун иккинчи марта бадарғага қайтиши лозимлигини билдирди<sup>972</sup>.

Улар бу шартдаги муддатни тугатиб, ўзларини ошқора қилиш вақти ҳам етиб келади. Сўнгра ҳар бир гуруҳ ўз кишилари билан бирикиб ва катта куч тўплаб, ёрдамлашишлари натижасида Танешар даласига беҳисоб қўшин жам бўлади. Уларнинг сони тахминан ўн саккиз *акшауҳини* ташкил қилар эди<sup>973</sup>.

Ҳар бир гуруҳ Васудевани ёрдамга чақирарди. Васудева уларга: «Сизлар ёлғиз менинг ўзимнинг [ёрдам беришимни] хоҳлайсизларми ёки акам Балабҳадрани бутун аскар билан [ёрдам беришини] хоҳлайсизларми», деб савол берганида, Панду ўғиллари Васудевани танладилар. Улар бешта эди: Надҳиштҳира – бошлиқ, Аржуна – ораларида энг ботири, Саҳадева, Бҳимасена ва Накула<sup>974</sup>. Улар билан бирга етти *акшауҳини* аскар билан ҳам бор бўлиб, душманлари жуда кучли эди. Агар Васудеванинг уларга кўрсатган ҳийласи ва ўргатган [ҳарбий] таълимоти бўлмаганида, улар ғалаба қозона олмас эдилар<sup>975</sup>.

Оқибатда ҳамма йиғилган қўшинлар тугаб, юқорида кўрсатилган беш оғаниндан бошқа ҳеч ким қолмади. Шу вақтда Васудева ўз жойига қайтиб бориб, ўша ерда Ядав деб аталган қабиласи ва беш биродари билан уруш битганига бир йил етмасдан, ҳаммаси ўлди. Аммо Васудева эса Аржунага, агар бирор ҳодиса юз берадиган бўлса, чап кўз ва биллак мушаги учади, деган эди<sup>976</sup>.

|| (202) Ўша замонда Дурваса деб аталган фариштасифат зоҳид – риши бор эди. Васудеванинг биродарлари ва унинг фитна кўтаришга касд қилган қабиласи бор эди. Уларнинг ҳар бири кийими остига темир товани бекитиб туриб, зоҳидни масҳара қилиб: «кани қурсоғимда нима бор, топинг-чи», деб

сўраганда, зоҳид: «Қурсоғингда ўзингни ва ҳамма аҳлларингни ўлимига сабаб бўладиган нарса бор», деб жавоб берган. Бу жавобни эшитиб Васудева, жуда қайғуга ботади, чунки у зоҳид нима деса, унинг айтгани тўғри келишини билар эди. Сўнгра Васудева ўша темир товани эгов билан эговлаб, майдалаб сувга ташлашга буюради. Буни шу айтилгандек қилган киши тованинг озгина парчаси колганида, менсимасдан дарёга ўша ҳолича ташлаб юборади. Уни бир балиқ ютиб юборади. Балиқчи балиқни овлаб, қорнидан уни топиб олади. Кейин уни тузатиб, ўкнинг учига тиг қилиб олади.

Иттифоқо тақдирнинг вақти етиб Васудева дарё яқинида бир дарахтнинг соясида оёғини чалиштириб ухлаб ётганида, овчи уни кийик деб гумон қилиб, отганда, ўк келиб ўнг оёғининг турақи тагига тегади. Ўшанда олган жароҳати унинг ўлимига сабаб бўлади.

Худди шу вақтда Аржунанинг чап кўзи ва юқори билаги уча бошлайди. Саҳадева Аржунага, Васудеванинг мадори куриб қолмасин деб, унга кўп ҳаракат қилдирмасликни буюради. Аржуна Васудеванинг олдига келиб, унинг ҳаракат қилишига уринаётганини кўриб, бунга йўл қўймайди. Кейин Васудева ўз ёйини келтириб беришларини сўрайди. Аржуна уни келтиради. Кўзғалиш ва қимирлаши жуда оғир бўлса-да, Васудева ёй билан ўз қувватини синаб кўради. Сўнгра Васудева Аржунага, ўзини ва қабиласининг жасадларини қуйдиришларини, хотинларини эса қалъадан олиб чиқиб кетишни васият қилиб вафот этади.

Аммо тованинг қириндиларидан қамиш униб чиқади. У жойга Ядавлар келиб, тагига солиб ўтириш учун ундан бир богини боғлаб олишади, кейин унга ўтириб олишиб ичкилик ичишади. Сўнгра ўрталарида жанжал чиқиб, уришишади ва ўша бир боғлам қамиш сабабидан бир-бирларини ўлдиришади. Бу воқеаларнинг ҳаммаси Сарсата дарёсининг денгизга қуйилишига яқинроқ, Соманатҳа бутхонаси тикланган жой яқинида бўлган эди<sup>977</sup>.

Аржуна акасининг ҳамма васиятларини бажариб, хотинини қалъадан олиб чиқиб кетаётганида ўғрилар йўл тўсади. Аржуна ёйини олиб отишга кодир бўлмайди. Шунда ўзининг бутун кучи кетганлигини билиб, ёйини олиб бошидан айлантира бошлайди, ёйининг остига киришга улгура олган кишилар қутулиб қолади, четга чиққанлар ўғриларга тутилади. Аржуна ва унинг ака-укалари шимол тарафга юриб бориб, ёз вақтида қори эримайдиган бир тоққа кирадилар ва у жойда совуқда қолиб, бирин-кетин жон таслим қиладилар. Ниҳоят Юдҳиштҳиранинг бир ўзи қолади. Ўз биродарлари ва Васудеванинг сўрашига мувофиқ биргина ёлгон сўз гапирганлиги сабабли дўзахни босиб ўтгандан кейин жаннатга киришга ижозат берилади. Унинг айтган сўзи бўлса, брахман Дронанинг қулоғига етадиганчалик яқин жойда «Ашваттҳаман «фил ўлди», деб икки сўзининг ўртасида тўхтади. Бундан Дрона ваҳимага келди, чунки у ўғлим [Ашваттҳаман ўлибди] деб ўйлади.



Юдхиштҳира фаришталарга: «Агар менинг жаннатга киришим лойиқ топилса, дўзахийларга шафоатим тегиб, ҳаммаси дўзахдан озод бўлсин», деб сўради. Шу билан унинг тилаги қабул бўлиб, жаннатга киради<sup>978</sup>.

## XLVIII БОБ. АКШАУҲИНИ ЎЛЧАМИНИНГ ШАРҲИ

|| (203) Ҳар бир акшауҳини ўн аниқини; ҳар бир аниқини уч чамудан ташкил топган. Ҳар чаму уч пританадан, ҳар бир притана уч ваҳинидан, ҳар ваҳини уч ганадан иборат. Ҳар бир гана – уч гулма, ҳар гулма – уч сенамуқха, ҳар сенамуқха – уч патти, ҳар патти – бир *ратҳит*<sup>979</sup>, шатранжда уни *рукх*<sup>980</sup> дейилади. Юнонлар шатранжни уруш араваси деб атайдилар. Улар аравани аввал бошлаб Афина шахрида Манкалус ижод қилди, дейдилар. Ваҳоланки, бундан илгари тўфондан тўққиз юз йиллардан кейин Мисрда Афродисий Ҳиндий подшоҳлик вақтида ижод қилинган бўлса ҳам, унинг ижод қилган араваси икки от билангина юрар эди<sup>981</sup>. Лекин афиналиклар, аравани энг аввал таркиб бериб, шу ҳолига келтирган бизлар эдик, деб даъво қиладилар. Юнон афсоналарида айтилишига кўра, Гефест Афинага ошиқ бўлиб, уни йўлдан оздирмоқчи бўлган; Афина бокиралигини сақлаб қолиш учун ўзини ундан узоқ тутган. Гефест Афина ўлкасида бекиниб юриб, уни эгаллашга қасд қилганида, Афина унга тиғ тортиши билан, у қўйиб юборишга мажбур бўлган. Аммо ундан маний ерга тўкилиб, Эрихтоний пайдо бўлган. Эрихтоний қуёшдек ярқираб аравага ўтириб олган. Отининг устига эса жиловини ушлаган хизматкори миниб олган. Аммо бизнинг замонимизда майдонда от сакратиш, чоптириш ода-ти Эрихтонийнинг аравада ўшандай келишига ўхшатишдир<sup>982</sup>. Ратҳида бир фил, уч отлик ва беш пиёда бўлиб, тартиблар жангда юриш, тизилиш ва [жой-жойига] қўйилишда сақланади.

Аравалар 21 870 ва филдан ҳам шунча, отлиқлардан 65 610 ва пиёдалардан 109 350 йиғилса, буларнинг барчаси бир *акшауҳинидан* иборат бўлади. Лекин ҳар бир аравага тўрт от қўшилиб, бу тўрт от ҳайдовчиси ва араванинг бошлиғи қуролланган ҳамда икки кўк найзали бўлади. Бошлиқнинг сақловчиси ва аравани тузатишга белгиланган киши орқадан юради. Ҳар бир фил учун бир етакловчи ва унга бир ўринбосар орқасида юради. Фил ҳайдовчиси тахтнинг орқасидан юради. Бунда ҳам бошлиқ қуролланган ва икки кўк найзали бўлади. Ўйинчиси *а-ҳава*<sup>983</sup> эса унинг олдида чошиб боради.

Шундай қилиб, рух ва филлар сонига қараганда одамлар сони 284 323 984 га, отлар сони эса 87 480 та ортади. Битта *акшауҳинидаги* ҳамма филлар сони 21 870 га етади; шунга қараб арава ва отлар сони 153 090 га, одамлар сони эса 459 283 га боради. Ҳамма жониворлар – филлар, отлар ва одамлар сони йиғилганда 634 243 бир *акшауҳини* бўлади. Шундай миқдордан 18 та

акшауҳинида эса 11 416 374 та бўлади, [18 акшауҳинидаги] филлар сони 393 660 та бўлиб, отларнинг сони 2 755 620 та бўлади ва одамлар сони эса 82 67 094 тадан иборат бўлади.

## XLIX БОБ. ЭРАЛАР ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Эралар воситаси билан замоннинг маълум бир вақтларига ишора қилинади. Гарчи ҳиндлар тақвимда кўп [рақамли] сонлар ишлатишни мушкул иш демай, балки у билан фахрланишса ҳам, лекин уни истеъмол қилишда камайтиришга муҳтож бўладилар. Ҳинд эралари қуйидагичадир:

[I] Браҳманинг вужудга келиш вақти;

[II] Браҳма куни кундузнинг боши бўлиб, калпанинг бошланиш вақти;

[III] Ҳозир биз [яшаб] турган еттинчи манвантаранинг боши;

[IV] Ҳозир биз [яшаб] турган йигирма саккизинчи чатурюга боши;

[V] Тўртинчи юга боши. Бу бошланғич эса каликала, яъни «Кали замони»<sup>985</sup> демақдир. Бу [замон тўртинчи] юга охирига тўғри келса ҳам, [Кали шарафига] кейинги бутун югани Кали югаси деб айтиладиган бўлди;

[VI] Пандава – кала<sup>986</sup> эраси бўлиб, у Бҳаратлар урушларининг вақти.

Бу эраларнинг барчаси ҳам бир-биридан қадимроқдир. Эралар бўлиб ўтганига эса юз йиллардан тортиб минг йиллар ва бундан ортиқ вақтлар ўтган. Бундай катта сонлар билан амал қилиш астрономларнинг ўзларига ҳам қийинчилик тугдиради.

Буни таърифлаш учун биринчи мисол қилиб Яздигард эрасининг тўрт юзинчи йилига мос келувчи ҳинд йилларини келтирамиз. Чунки бу юзлик [рақам]дан иборат бўлиб, бирлар ва ўнлардан холидир. Бу йил бошқа йиллардан ўз хусусияти билан ажралиб қолган. Бундан ташқари [400-йил] шуҳратига энг мустаҳкам бир устуннинг йиқилиши ва жаҳоннинг шери ва ўз асрининг нодири бўлган султон Маҳмуддай (унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) бир одамнинг вафоти ундан бир йилча камроқ вақт илгари юз бериши сабаб бўлди. Ҳинд йилига келсак, у шу йилнинг наврўздан 12 кун илгари бўлиб, мазкур ўлим [кунидан] форс ойлари [ҳисоби]га кўра 10 бутун ой кейин келган.

|| (204) Энди биз учун ўша санани маълум десак, ўтган йилларни ҳисоблаш учун бунинг бир-бирига яқинлигини назарга олиб, 200-йил бошини бошланғичга қабул қиламиз, чунки ҳинд йили шундан сал илгари тугаб, ўша наврўз унга яқиндир ва у ҳинд йилидан кейин келади<sup>987</sup>.

«Вишну-дҳарма» китобида шундай ёзилган: «Важра Маркандеядан Браҳма умридан қанчаси ўтди, деб сўраганда, унга «Саккиз йил, беш ой ва тўрт куни олти манвантара ва етти сандҳи, йигирма етти чатурюга ва йигирма саккиз куни чатурюганинг уч югаси ва то ўзинг ишлаган ашвамедҳини вақтигача ўн дивия

йили ўтган», деб жавоб берган. Сўзини давом эттираркан, у яна шундай деган: «Ҳар ким шуларни тафсили билан билса, етарли даражада тасаввур қила олса, у ориф бўлади. Ориф ўзи шундай бир кишики, у ягона эгасига ибодат қилади ва парампада деб аталган унинг маконига кўшни бўлишни истайди»<sup>988</sup>.

Агар айтилган [миқдорлар]ни асосга олиб, уларни тўғри деб ҳисобласак, бу миқдорлар Браҳма ҳаёти бошланишидан тортиб, то мисолга олинган чоғимизгача қанча йил ўтганини билишга кифоя қилади.

Браҳма ҳаёти бошланишидан то мисолга олинган йилимизгача 26 215 732 йил ўтган. Браҳма кунининг [кундузи] бошидан, яъни калпа бошидан 1 972 948 132 [йил ўтган], еттинчи манвантара [боши]дан 120 532 132 [йил ўтган]<sup>989</sup>.

Бу кейинги эра подшоҳ Балининг асирга олиниш эраси бўлган. Чунки бу воқеа манвантаранинг биринчи чатурюгасида юз берган<sup>990</sup>.

Эралар ҳақида айтганларимиз ва келажакда айтадиганларимизнинг ҳаммасида бутун йиллар хусусида гап боради, чунки ҳиндларда тўлмаган йилларни амалда қўллаш одат бўлмаган.

«Вишну-дҳарма»да, Маркандея Важрага берган жавобида бундай деган: «Мен олти калпа ва еттинчи калпадан олти манвантара, еттинчи манвантарадан йигирма уч третаюга яшадим. Йигирма тўртинчи третаюгада Рама Раванани ўлдирган ва Раманинг биродари Лакшман эса Равана биродари Камбҳакарнани ўлдирган, дейишади. Бу иккови ҳамма Ракшасларни ўзларига бўйсундирадилар. Шу йилларда риши – Валмеки «Рама ва Рамайна» [деган] асар ёзиб, унда бу ҳодисаларнинг бўлиб ўтганлигини битиб, [улар номи-ни] абадийлаштирди. Буларни мен Панду ўғли Юдҳиштхирага Камякавана ўрмонида айтиб берганман»<sup>991</sup>.

«Вишну – дҳарма» муаллифи буни *третаюгага* киритганлигининг сабаби шуки, мазкур аҳвол шунинг ичида бўлган эди. Биринчидан, бир [бутун] билан ҳисоблашдан ўнғайдир. Ўша аҳвол туфайли третаюгага охири бошидан кўра яхши [деб ҳисобланган], чунки унинг боши ёмонлик [асри]га яқин.

Шак-шубҳасиз, Рама ва Рамайна эгаси ҳиндларга яхши маълум бўлган. Лекин биз уни аниқлай олмадик. Чунки йигирма уч чатурюга 99 360 000 йил бўлади ва третаюганинг охиригача 102 384 000 йил бўлади.

Агар буни [еттинчи] манвантара эгасидан то ўз йилимизгача ўтган йиллардан айирсак, натижа 18 148 132 йилга тенг бўлади. Тахминий айтилганига қараганда, Раманинг эраси то ишончли далиллар ёрдам бериб, исботланмагунга қадар бўлган бир вақтдир. Мазкур йил 28 – чатурюганинг 3 892 132 йилига мос келади.

|| (205) Буларнинг ҳаммаси Браҳмагупта аниқлаган миқдорлардир. У билан Пулисанинг Браҳма ҳаёти бошланишидан ҳозирги *калпамизгача* 6 068 калпа ўтган дейишлари бир-бириникига мувофиқ. Лекин бу сонларни чатурюга миқдорига айлантиришда мувофиқлик йўқ. Пулиса бўйича, у 6 116 544 бўлса,

Брахмагупта бўйича, бундан 48 544 камдир. Агар Пулиса усулича ҳисобласак, бир манвантара сандҳисиз 72 чатурюга бўлиб, калпа эса 1008 *чатурюга* бўлади. Ҳар бир юга чатурюганинг тўртдан бир қисмидир. Шундай қилиб, Браҳма умри бошидан мисолимиз вақтигача 26 425 456 200 000 йил ўтган. *Калпа* [боши]дан 1 986 124 132, манвантара [боши]дан 119 884 132, чатурюга [боши]дан 3 244 [йил] ўтган. Аммо калиюгага келганда шуни айтиш керакки, унинг бутун йиллар санокларида хилоф йўқ. [Брахмагупта билан Пулиса] икковининг ҳисобига кўра, калиюга [боши]дан 4132 [йил] ўтган. Бу эса каликала эраси бўлиб, Бҳаратлар жанги вақтидан то [мисолга олган йилимизга қадар] 3479 [йил] ўтган. Бу пандав – акала<sup>992</sup> эрасини ташкил қилади.

Ҳиндларда *калаявана* номли эра бор. Мен уни текшириб аниқлай олмадим. Айтишларига кўра, у энг яқиндаги двапара охирида бўлган. Мазкур Явана уларнинг мамлакатларини эгаллаб, динларини ўзгартириб юборган<sup>993</sup>.

Бу эраларнинг барчаси ҳам кўп сонли ва ҳар бирининг бошланиши жуда узок-узокларга бориб тақалади. Шунинг учун уларни ишлатишни хоҳламай, Шри-Ҳарша, Викрамадития, Шака, Валабҳа ва Гупта<sup>994</sup> эраларини қўллаганлар.

Ҳиндларнинг Шри-Ҳарша ҳақида шундай эътиқодлари бор: Шри-Ҳарша тупроғини текшира туриб, унинг остидаги, еттинчи қаватидаги қимматбаҳо конларни кўриб ва кўмилган хазиналарни топиб, уларни [турган жойларидан] чиқариб, у билан бойиган ва фуқароларини қийинчиликлардан қутқазган эмиш. Унинг эраси Матхура ва Канауж тарафларида қўлланади. Ўша ўлкада яшаган баъзи кишиларнинг айтишларига кўра, у [эра]дан Викрамадития [эраси]гача 400 йилдир. Лекин мен кўрган ўша кашмирликлар календаридида у Викрамадития [эраси]дан 664 йил кейин келган. Шунинг учун унинг тўғрилигига шубҳаландик. Кейинчалик ҳам аниқ далил топилмай, [бу масала] ойдинлашмади<sup>995</sup>. Викрамадития эрасини қўллайдиган ҳинд ерининг жанубий ва ғарбий шаҳарларидагилар 342 ни ёзиб, уни учга кўпайтириб, ундан 1026 сонини чиқарадилар. Кейин унга шаштиябда, яъни олтмишли самватсарадан ўтган йилларни қўшадилар. Ана шу Викрамадития эрасининг [йили] бўлади. Унинг исмини Махадеванинг «Срудҳава» деган китобида чандрабижа деб айтилишини топдик<sup>996</sup>. Бундай ҳисоблашлар ноқулай, чунки 342 ни назарга олмай, бирданига 1026 ни олсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Олтмишли [система] да бу [усул] яхши; агар бир шаштиябда бу усулни тўғри десак, у ҳолда икки марта ортиқ бўлганда [ҳисоблаш] усули қандай бўлади?

Аммо Шака эрасига келгач, уни шак-кала ҳам дейишиб, у Викрамадитиядан 135 йил кейиндир. Мазкур Шака ҳинд ерларидан Синд дарёси билан денгиз орасини ўзига мустамлака ва ўрталикдаги Ариявартани ўзига қароргоҳ қилиб, ҳинд халқига Шака эрасидан бошқаларини қўллашни ман қилди. Баъзи ҳиндларнинг айтишларига кўра, у ал-Мансура шаҳридан бўлиб, ўзи шудра эди. Баъзиларининг айтишига кўра, ўзи ҳинди ҳам эмас, балки ғарб тарафдан

улар томонга келган эди. Викрамадития шарқ томонлардан унга то қасд қилиб ёрдамга келмагунгача [халқ] неча балоларга дучор бўлган. Охирида [Викрамадития] келиб, уни тор-мор қилиб, Лони қалъаси билан Мўлтон ўртасидаги Каркур деган жойда уни ўлдирган. Бу ҳақдаги хабар тарқалишган кундан буён шу эра бошланган. Уни, хусусан, ҳинд астрономлари қўллай бошладилар. Викрамадитияни эъзозлаб, унинг исмига Шрини қўшдилар. Унга нисбатан берганимиз эра билан Шаканинг ўлдирилиш вақти оралиғи жуда узун бўлганидан, бизнинг фикримизча, Шакани ўлдирувчи Викрамадития бўлмай, эҳтимол унга отдош бўлган бир киши бўлса керак<sup>997</sup>.

|| (206) Аммо Валабҳа эрасига келсак, у Валабҳа шахри ҳокими бўлиб, Анхилвара шахрининг жанубида ўттиз *йўжана* нарироқдадир. Валабҳа эрасининг бошланиши Шака эрасидан 241 йил кейиндир. Уни қўлловчилар олти сонининг кубу билан бешнинг шакакаладан квадрати йиғиндисини айирадилар, қолдиғи Валабҳа тақвимига кўра йил саноғи бўлади<sup>998</sup>. Унинг баёни ўз ўрнида келтирилди<sup>999</sup>.

Аммо айтишларига қараганда, гуптакала кучли ва золим бир халқ бўлган. Эрани уларнинг тамомила инқирозга юз тутган йилидан бошлаганлар. Гўёки, Валабҳа уларнинг охиридир, чунки унинг эраси шакакаладан 241 йил кейин<sup>1000</sup>.

Астрономлар эраси эса *шакакаладан* 587 йил кейин келади. Браҳмагуптанинг «Кҳандакҳадяка» деган зижи шунга асосланган. У биз [мусулмонлар]да «ал-Арқанд» номи номи билан машхур, натижада, биз асос қилиб олган [Яздигарднинг 400] йиллигига ҳиндлар эраларининг ушбу йиллари мос келади:

- [1] Шри-Ҳаршанинг 1488-йили;
- [2] Викрамадитиянинг 1088-йили;
- [3] Шакакаланинг 953-йили;
- [4] Валабҳанинг 712-йили, у гуптакаланинг худди ўзидир;
- [5] «Кҳандакҳадяка» зижи – эрасининг 366-йили;
- [6] Вараҳамиҳиранинг «Панча – сиддихантика» зижи 526-йили;
- [7] «Карансара» зижи эрасининг 132-йили;
- [8] «Карана-тилака» зижи эрасининг 65-йили [кабилар].

Зижларга оид бўлган бу тақвимлар ўз муаллифлари томонидан ҳисоб юриш учун тузилган. Эраларнинг ўзларидан илгариги замонда бўлиши мумкин бўлганидек, ўз замонларида бўлиши ҳам мумкиндир.

Ҳинд оммаси йилларни юз-юзлаб санади. Бундай санашни самватсара, яъни «юз» деб атади<sup>1001</sup>. Ҳар бир юз йил битгандан кейин, ундан сўнг келадиган юз йилни санашга бошлайдилар. Уни *локакала* дейдилар. *Локакала* «халқ эраси» демакдир. Лекин ҳиндларнинг бу эра ҳақида берган хабарларида шунчалик кўп ихтилоф борки, уни аниқлашга имконият бўлмади. Йил бошланишига нисбатан ҳам эрага бўлган қарашларига ўхшаб фикрлари ҳар хил. Бунда бирор умумий қоида аниқлангунича қараб турмасдан, бу тўғрида эшитганларимизнинг худди ўзини келтирамиз.

Мен айтаманки, Шака эрасини ишлатадиганлар фақат астрономлардир. Чунки унда йил чайтра ойидан бошланади.

Айтишларига кўра, Кашмирга яқин бўлган Канир ўлкасининг халқи йилни бҳадрапада ойидан бошлайди. Уларнинг эраси бизнинг [мисолдаги 400-йилнинг] 84-йилига тўғри келади. Аммо Бардари билан Маригала оралиғида яшовчилар йилнинг бошини карттика ойидан бошлайдилар. Мисолдаги йил улар эрасининг 110-йилига мувофиқдир. Аммо даъво қилишларига кўра, кашмир таквимида у янги «юз» йилнинг олтинчисига тўғри келади.

Маригала орқасидаги Нираҳарадан то Танешар ва Лоҳавар чегарасининг охиригача яшайдиганлар [йилни] маргаширша ойидан бошлашади. Уларнинг эраси мисолга олган йилимизнинг 108-йилига тўғри келади. Ланбага, яъни Ламғон аҳолиси бу тўғрида уларга эргашадилар. Улар шундай дейишади: «Бу ҳисоб Синдх ва Канауж халқининг фикрларичадир. Чунки улар йилни маргаширша ойининг ҳилол кўринишидан бошлашади. Лекин Мўлтон аҳли бўлса, бир неча йил илгари бу ҳисобдан кечиб, Кашмир халқининг фикрига қўшилиб, йилни чайтра ойининг ҳилол кўринишидан бошлашни мувофиқ кўришди»<sup>1002</sup>.

|| (207) Ушбу бобда келтирилган баъзи ҳисобларни аниқлай олмаганимизнинг сабаби, чунки уларда «юзлардан» ортиб кетадиган сонлар бор. Шундайлигини Соманатх бутхонасини бузиб ташлаш йилида кўрган эдик; у йил хижрий йили билан 416 йил ёки шакакала эрасида 947 йил эди. Улар шуни билишни хоҳласалар, 242 ни ёзиб остига 606 ни, бунинг остига 99 ёзиб, ҳаммасини қўшсалар, шакакала йили келиб чиқади. Бизнинг фикримизга кўра, бу 242 [йил] юз-юзлаб санаш бошланишдан илгари ўтган вақт бўлса керак. [Юзлаб санаш] гуптакала [эраси]дан бошланган; 606 эса тўла самватсара – «юз йилликни» билдиради. Ҳар битта [юз йили] 101 йил бўлиши керак эди. Лекин 99 [йил], бўлса, у бошланган чала юз йилликдан ўтган йиллар бўлиши керак эди. Шундай эканлигини Мўлтонли Дурлабҳада топилган бир варақ ҳам тасдиқлайди. У шундай дейди: «848 ни ёзинг, унга халқ эраси – лаукикалани қўшсангиз, шакакала [йили] чиқади»<sup>1003</sup>.

Агар мисолга олган йилимизга мос қилиб, шакакаланинг 953 [йили]ни ёзиб, ундан 848 ни айирсак, қолдиқ 105 лаукикаланинг йили бўлади. Соманатхни бузилиш йили [юз йилликнинг] 98-си бўлади.

Дурлабҳа яна шундай деган: «Йил маргаширша [ойи]дан бошланади. Мўлтон астрономлари эса уни чайтрадан бошлайдилар».

Ҳиндларнинг Кобулда турклардан подшоҳлари бўлган: келиб чиқишига кўра, улар тибетлилар бўлган, дейишади. Улардан биринчи бўлиб келган Барҳатекин<sup>1004</sup> эди. У ҳеч ким кириши мумкин бўлмаган бир ғорга чалқанча ётиб, сурилиб кирган ва унинг ичида сув бор бўлиб, у бир неча кунларга етадиган таомни ҳам шу жойга ғамлаган. Бу ғор ҳозиргача ҳам маълум бўлиб, Вар<sup>1005</sup> деб аталади. Ушбу ғорни табаррук деб ишонган киши қийналиб бўлса

хам у ерга кириб, ўша сувдан олиб чиқади. Ғор оғзида бир тўда дехқонлар кечаю кундуз ишлар эдилар. Чунки бу жойни кимсасиз қолдириб бўлмаслигига ва мабодо шундай ҳолат юз берса, ишлари юришмай қолишига ишонишарди.

Бархатекин ғорга кирган вақтидан бир неча кун ўтгандан кейин, одамлар тўпланишиб турган чоғда, худди онадан туғилгандек, гордан биров чиқиб келади ва уни ҳамма кўради. У туркларга ўхшаш, эғнида тўн, бошига узун қалпоқ, оёғига маҳси кийган ва яроғ тақиб олган эди. У киши худди подшолик учун яратилган инсон учрайдиган ҳурматга сазовор бўлди. Кейин ўша ерларни эгаллаб, ўзини Кобул шоҳи деб атади. Подшоҳлик анча вақтгача, олтмиш йиллар чамаси унинг авлодига насиб этган.

Агар ҳиндлар тарихий ҳодисалар жараёнида тартиб билан иш олиб боришда бепарво бўлмасалар эди, подшоҳларнинг кетма-кет келиши тарихида ғофил бўлиб, зарурат вақтларида ҳайратда қолиб, тахмин билан [бўлмагур нарсаларни] ҳисобламаганларида эди, биз улар тарихчиларининг баён қилган сўзларини келтирган бўлар эдик. Эшитишимизга кўра, ипак товарга ёзилган шу насабнома Нагаркот қалъасида сақланар экан.

Уларнинг подшоларидан бири Каник бўлиб, бунга Пурушовардаги бутхона виҳоранинг қурилишига нисбат берилади, шунинг учун у Каник-чай-тўя<sup>1006</sup> дейилади. Айтадиларки, Канауж рожасининг юборган ҳадялари орасида кўркам ишланган ва мақташга арзийдиган кийимлик мато бўлган. Каник ундан ўзига мос либос кийишни хоҳлаб, тикувчига буюртма қилган. Тикувчи, матода одам қадамининг сурати бор, қандай бичсам ҳам, у икки кифти ўртасига тўғри келяпти, деб тикишга рози бўлмаган. [Подшоҳ] Бали ҳақидаги киссасида баён қилганимиз шу ҳақда эди. Шундай қилиб, Каник билса, Канауж ҳокими уни хўрлаш ва пастлатишга қасд қилган экан<sup>1007</sup>. У тезликда аскарлари билан отланиб, Канауж томон юриш қилган.

Рожа унинг бостириб келиши хабарини эшитиб ҳаяжонга тушади. Чунки унга қарши туришга тоқати йўқ эди. Сўнгра вазири билан кенгашди. Вазир унга: «Ўзингга лозим бўлмаган ишни қилиб, тинч турганни қўзғаб қўйдинг! Энди бурнимни ва лабимни кесиб қийнагин, ана шундан кейин бу ишга ҳийла қилиш учун йўл топаман, ошқора қаршилик кўрсатишга ҳеч имкониятим йўқ», дейди. Рожа унинг айтганидай қилади ва уни ташлаб, мамлакатнинг узоқ жойларига кетади. Ногоҳ Каник қўшинлари вазирни ушлаб Каникнинг олдига олиб келишади. Каник вазирдан ҳол-аҳвол сўрайди. Вазир шундай дейди: «Мен рожага хайрихоҳлик қилиб, уни сизга қарши туришдан қайтариб, итоат қилишга чақирган эдим. У бўлса менга тўхмат қилиб, қулоқ ва бурунларимни кесиб, роса кийнади. Ўзи бўлса бош олиб жуда олис йўл билан етадиган жойга кетди. Лекин ўзимиз билан бир неча кунга сув олиб юришимиз мумкин бўлса, у билан бизнинг ўртамиздаги оғир машаққатлар билан босиб ўтиладиган биёбонни кесиб ўтиш осон бўлади». Бунга Каник жавобан: «Бу иш осон», деди. Кейин Каник вазир айтганидек қилиб, [кўп] сув олишни

буюрди. Вазир уни ўша тарафга бошлади ва унинг олдига тушиб, чексиз бир биёбонга киргизди. Мўлжалланган кунлар ўтса ҳам йўллар тугамади. Кейин вазирдан нима қилиш кераклигини сўради. Шунда вазир Каникка бундай деб жавоб беради: «Подшоҳимнинг душманларини йўқотиб ўзини ҳимоя қилиш йўлида юрганимдан кейин мени коймагайлар. Бу биёбондан чиқадиган энг яқин йўл – сенинг келган йўлингдир, мени нима қиламан десанг қил. Бу биёбондан ҳеч ким қутулиб чиққан эмас», дейди.

|| (208) Каник отга миниб, бир пастлик ер атрофида отини чоптириб чиқди. Кейин бориб найзасини ўша жойнинг ўртасига санчди, у ердан сув отилиб чиқа бошлади. Кейин у сувдан аскарлар ичиб, йўлга ҳам гамлаб олдилар. [Буни кўриб] вазир: «Мен ҳийла қилишдан ожиз бўлган инсонларга қасд қилган эдим, аммо бу ишга бўлган фааришталарга қасд қилганим йўқ эди. Иш шундай бўлгандан кейин, менга неъмат берган подшоҳим ҳақида илтимосимни қабул қилиб, унинг гунохидан ўтгин», – дейди. Шунда Каник дейди: «Мен бу ердан орқага қайтаман, илтимосингни қабул қилдим, подшоҳинг ўз қилмишига лойиқ [жазо]ни олди». Кейин Каник орқасига қайтди. Вазир подшоҳи олдига бориб қараса, унинг икки кўли ва икки оёғи, Каник найзани ерга санчган кундаёқ, йўқ бўлиб қолган экан<sup>1008</sup>.

Подшоҳларнинг энг кейингиси Лагатурман бўлиб, унинг вазири брахманлардан бўлган Каллар деган одам эди. Замон унга бахт бериб, у тўсатдан ер ости бойликларини топди ва улар билан кучли бўлиб кетди. Шу сабабга кўра, давлат ўз сулоласи билан узоқ вақт идора қилиб келган Лагатурмандан брахманлар қўлига ўтди. Кейинги вақтларда Лагатурманнинг ахлоқи бузилиши натижасида феъли ҳам ёмон бўлиб, устидан вазирга шикоятлар кўпайган эди. Шу сабабдан вазири уни боғлаб, жазолаш учун қамади, кейин вазир ёлғиз ўзи подшоҳ бўлишни яхши кўриб, мулкни ўзига қаратиш учун барча молларни босиб олди. Ундан кейин подшоҳлар брахманлардан бўла бошлайди: [аввал] Саманта, Камалу, Бҳима, Жаяпала, Анандапала ва Трилочанапала. Айтишларига, ҳижрий 412 йилда Анандапала ўлдирилган; беш йилдан сўнг унинг ўғли Бҳимапала ўлдирилган. Шу билан ҳинд шоҳлиги сулоласи тугади.

У хонадонлар олов ёқар [яъни, тирик] бирорта киши ҳам қолмади. Улар хушмуомалали, карамли, ўз ваъдаларида туриб яхшилик қилувчилар эди. Анандапаланинг Султон Маҳмудга юборган хати менга жуда ҳам маъқул тушди, холбуки уларнинг ўрталарида ҳийлагина совуқчилик мужассам бўлиб, хат мазмуни шундай эди: «Эшитишимча, турклар сенга қарши чиқиб, Хуросонга тарқалган эмишлар. Агар хоҳласанг, беш минг отлик аскар, ўн минг пиёда аскар ва юзта фил билан ёрдамга чиқаман. Ёки айтганимга икки ҳисса куч кўшиб, ўғлимни чиқараман. Менинг шундай қилишимга сенда ҳеч қандай андиша туғилмасин. Чунки мен сенинг тарафингдан синдирилганман, энди мен ўзимдан бошқанинг сенга ғолиб бўлишини истамайман». Анандапаланинг ўғли асир бўлгандан бошлаб, у мусулмонларга ашаддий душман бўлиб қолди. Аммо ўғли Трилочанапала отасининг акси эди<sup>1009</sup>.



## L БОБ. ҲАР БИР КАЛПА ВА ЧАТУРЮГАГА ҚАНЧА ЮЛДУЗ ДАВРИ КИРИШИ ҲАҚИДА

Калпанинг таърифларидан бири шуки, унинг давомида сайёралар ўзларининг апогейлари билан биргаликда бир марта Ҳамал буржининг бошида, яъни баҳорги тенгкунлик нуқтасида тўпланадилар. Демак, калпадаги ҳамма кунлар ичида ёриткичлардан ҳар бири бир неча марта тўлиқ айланиб чиқиши керак.

Ал-Фазорий ва Яқуб ибн Торик зижида келтирилган бу даврлар Ал-Мансур ҳузурига Синддан ҳижрий 154-йилда келтирилган элчилик таркибида бўлган бир ҳинд кишидан ёзиб олинган. Бу маълумотларни ҳиндларнинг ўзлариники билан солиштирадик, орасидаги ихтилофликни топамиз. Бунинг сабаби маълум эмас, булар ўша икки кишининг нақл қилишлариданми ёки [ҳалиги] ҳинд имлосиданми, ёки Браҳмагуптанинг тузатишиданми, ёки бошқаларданми бирортасидан юзага келган. Агар бир синчков киши сайёраларга тегишли ҳисоблашларга эътибор берса, албатта, ундаги хатоликларни топади. Уларни тузатиш бобида Муҳаммад ибн Исҳоқ ас-Сарахсий<sup>1010</sup> сингарилар уриндилар. У, Зухалга тегишли ҳисобда ихтилофни топди. Ўрганишни давом эттириб, ихтилофнинг тенглама жиҳатидан эмаслигини аниқлади. Сўнгра даврлар сонига кетма-кет кўшиб бориб, то ҳисоб [Зухалнинг] кузатилган жойига мос келгунига қадар давом этди. Кейин буларни ўз зижига киритди.

|| (209) Браҳмагупта Ариабхатаникидан олиб, Ойнинг апогеи ва жавзахри даврлари ҳақида ихтилофлар борлигини айтган. Биз уни қуйида ўзи айтган жойида баён этамиз. Чунки биз уни ўзимизча мутолаа қилмай, у айтганидек қилдик. Буни тўла ўрганиш учун уларнинг ҳаммаси қуйидаги жадвалда кўрсатилади.

Ёриткичлар		Калпадаги даврлари	Апсидлари даврлари	Жавзахрлари даврлари
Қуёш		432 000 000	480	Жавзахри йўқ
Ой	Браҳмагупта		488 105 858	232 311 168
	Ал-Фазорий таржимасида			232 312 138
	Ариабхата			232 316 000
	Браҳмагуптада Ой аномалияси			57 753 300 000
Миррих		2 296 828 522	292	267
Уторид		17 936 998 984	332	521
Муштарий		364 226 455	855	63
Зухра		7 022 389 492	653	893

Зухал	Брахмагуптада	146 567 298	41	584
	Ал-Фазорий таржимасида	146 569 284		
	Ас-Сарахсийнинг тузатишида	146 569 238		
Турғун ёриткичлар		120 000		Ал-Фазорий таржимасида

|| (210) Бу даврлар ҳисоби сайёралар ўртача ҳаракатига асосланган. Брахмагуптада, чатурюга *каланинг* мингдан бири бўлгани учун бунда берилган ҳар бир давр саноғининг мингдан бирини топсак, у чатурюгадаги ҳаракат [даврлар саноғи] бўлади. Агар биз шу мингдан бир бўлак ўрнида [даврлар саноғининг] 10 000 дан бирини топсак, калиюгадаги саноғи чиқади. Чунки калиюга чатурюганинг ўндан биридир. Агар каср сони чатурюга бўлиб, уни махражидаги сон билан кўпайтирилса, чиққан [бутун] сон [номи] чатурюга бўлади. Агар калиюга бўлса, чиққан сон калиюга бўлади. Иккови [чатурюга ва калиюга] учун манвантараларсиз [даврлар] жадвалини бердик. Чунки [манвантараларда] чатурюгалар саноғи бутундир. Уларга сандҳи киритилса, ҳисоблаш қийинлашади.

Ёриткичлар		Чатурюга давомида			Калиюга давомида		
		Даврлар саноғи	Даврлар саноғи	Каср	Махраж	Каср	Махраж
Кўёш		4320 000	0	0	432 000	0	0
Унинг ажида		0	12	25	0	60	1 250
Ой		5773 300 <sup>1011</sup>	0	0	577 330 <sup>1012</sup>	0	0
Апсиди Ариабхатада Аномалияси	Брахмагуптада	488 105	429	500	48 810	2929	5000
		488219	0	48 821	9	10	
		57 265194	71	572 6519	2071	5000	
Кўтарилуви туғуни Ал-Фазорий таржимасида Ариабхатада	Брахмагуптада	232 321	21	125	23 231	292	2 500
		232 312	69	23 231	1069	5 000	
		232 316	0	23 231	3	5	
Миррих		2296 828	262	500	229 682	4261	5000
Апсиди		0	73	250	0	73	2 500

Кўтарилувчи тугуни	0	267	1000	0	267	10 000	
Утроид	17 936 998	123	125	1793699	1123	1250	
Апсиди	0	83	250	0	83	2500	
Кўтарилувчи тугуни	0	521	1000	0	521	10 000	
Муштарий	364 226	91	200	36 422	1291	2 000	
Апсиди	0	171	200	0	171	2 000	
Кўтарилувчи тугуни	0	63	1000	0	63	10 000	
Зухра	7 022 389	123	250	702238	2 373	2 500	
Апсиди	0	653	1000	0	653	10 000	
Кўтарилган тугуни	0	893	1000	0	893	10 000	
Зухал	146 567	149	500	14 656	3 649	5 000	
Апсиди	0	41	1000	0	41	10 000	
Кўтарилувчи тугуни	0	73	125	0	73	1 250	
Зухал	Ал-Фазорий таржимасида	146 569	71	250	14 656	2 321	2 500
	Ас-Сарахсий тузатишида	146 569	119	500	14 656	4 619	5 000
	Тургун юлдузлар	120	0	0	12	0	0

Брахмагуптанинг фикрига кўра, *калма* муддати ичидаги даврлар саноғи бўйича *чатурюга* ва *калюгадаги* хиссаларини ҳосил қилганимиздек, Пулиса фикрига кўра, *калмадаги* даврлар саноғидан *чатурюгадаги* даврларни ҳосил қилдик. Биринчи навбатда *калмада* 1000 та *чатурюга* ва иккинчида эса 1008 та қилиб олинди.

Биз уларни шу жадвалда кўрсатдик:

Ёритқичлар номи	Чатурюгадаги даврлар	Калпадаги даврлар минг чатурюга дейилганда	Калпадаги даврлар 1008 чатурюга дейилганда
Қуёш	4 320 000	4 320 000 000	435 460 000
Ой	57 753 336	57 753 336 000	58 215 362 688
Ажиди	488 219	488 219 000	492 124 752
Кўтарилувчи тугуни	232 226	232 226 000	3 244 083 808
Миррих	2 296 824	2 296 824 000	2 315 198 592
Уторид	17 937 000	17 937 000 000	18 080 496 000
Муштарий	364 220	364 220 000	367 133 760
Зухра	7 022 388	7 022 388 000	7 078 567 104
Зухал	146 564	146 564 000	147 736 512

Ҳайратланарлиси шуки, Ал-Фазорий ва Ёқуб кўпинча ўша ҳинддан даврларни катта сиддҳанта зижига асосланиб ҳисоблашни эшитганлар. Ариабҳата ҳисоби калпанинг мингта бўлак чатурюга бўлишига асосланган. Икковлари ҳам мингинчи бўлак ҳақини тушунмай, Ариабҳатани бўлак номи деб ўйлаганлар. Ҳиндлар бу «д»ни «р» орлиғидаги товуш билан талаффуз қиладилар, шунинг учун у сўз аржабҳарага айланган, кейинроқ ўша аввалги «р» ва «з»га айланган. Энди азжабҳара ҳиндларга қайтганда улар буни [Ариабҳата] эканини билмаганлар.

|| (212) Кейин Абул-Ҳасан ал-Ахвазий<sup>1013</sup> сайёралар даврларини ал-аржабҳара йили, яъни *чатурюга* воситасида ифода қилган. Биз уларни мумкин қадар ўша ҳинддан ёзиб олиб, ўша ҳолида жадвалларда келтирдик. Ариабҳатаникига мос келганлари ҳам бўлиши мумкин. Бизнинг берганларимиздан баъзилари *чатурюгаларда* бўлиб, даврлар Браҳмагупта фикрига мувофиқдир. Хилофлари Пулисаникига мувофиқдир. Икковиникига мувофиқ бўлмаслиги ҳам мумкин.

Ёритқичлар номи	Абул-Ҳасан ал-Ахвазийнинг олиб беришича, <i>чатурюгадаги югалар</i>
Куёш	4320 000
Ой	57 753 336
Апсиди	488 219
Кўтарилувчи тугуни	232 226
Миррих	2 296 828
Уторид	17 937 020
Муштарий	364224
Зухра	7 022 388
Зухал	146 564

## Ў БОБ. КУНЛАРДАН ТУЗИЛГАН ТУРЛИ ДАВРЛАРНИ БИЛДИРУВЧИ – АДҲИМАСА, УНАРАТРА ВА АҲАРГАНА ИБОРАЛАРИНИ ТУШУНТИРИШ ҲАҚИДА

Ҳиндларнинг ойлари қамарий ва йиллари куёш йиллари бўлганлиги сабабидан ой йилининг боши куёш йилидаги маълум кунига тўғри келса, кейинги ой йили боши [куёш йилидаги ҳалиги кундан] куёш ва ой йили фарқи [11 кунча] илгари бошланади. Илгарилаш кунлари бир ойга тўлганда, улар яҳудийларнинг ой йилидаги охириги ой азарни иккинчи марта такрорлаб, йилни 13 ойли қиладилар. Шудай усул арабларнинг даврида бўлган. Улар «насий» ойини тўхтатиб туриб, эски йилни 13 ойли қилганлар<sup>1014</sup>.

Ҳиндлар битта ой такрорланган йилни бузиб *маламаса* деб атайдилар, мала – «кафтда ёпишган кир»дир. Шундай кирнинг тозаланиб йўқотилгани сингари, қўшимча ой ҳам ҳисобдан ташқарига чиқади ва кейин 12 ойли бўлиб қолади. Аммо китобларда қўшимча ой адҳимаса дейилади<sup>1015</sup>. Бу такрорланувчи ой охирида иккита ой тугалланиши керак; ҳақиқатда Ой ойнинг охири Қуёш ойнинг бошига биринчи кунига тўғри келиб, Қуёш оyi бошланмасдан илгари ёки Ой оyi бошланиши ёки бошлангандан кейин бошланиши ҳам мумкин.

|| (213) Агар бир ой такрорланувчи бўлса, у икковини бир-биридан ажратишда биринчиси асл исми билан айтилади, аммо иккинчиси эса асл исм олдига «дура» сўзини қўшиш билан айтилади<sup>1016</sup>.

Масалан, агар ашадҳа оyi такрорланса, биринчиси, *ашадҳа*, иккинчиси *дурашадҳ* дейилади. Биринчи ой эътиборли эмас, уни нахс ой деб ҳисоблайдилар; бошқа ойлардаги каби байрам-тантаналар ўтказилмайди, у оyi тугатувчи кун ой охири – энг нахс кун ҳисобланади.

«Вишну-дҳарма» муаллифи айтган: «Чандра сованадан кичик, яъни ой йили қуёш йилидан 6 кун кам. Бу камчилик унаратра дейилади, *уна* – кам демакдир. Саура чандрадан 11 кун ортиқ. Бу ортиқлик икки йилу етти ойда қўшимча адҳимаса оyiни ташкил қилади. Бундай оyнинг ҳаммаси нахсли, бу ойда [урф-одатга кўра]» ҳеч нарса қилинмайди<sup>1017</sup>.

Қисқача масала шундай, энди биз уни катта аниқлик билан муфассал кўрамиз.

Ой йили ўзининг куни билан 360 кундан иборат, Қуёш йили ой кунда  $371\frac{31}{480}$  кундир. Бу иккови айирмасининг *адҳимаса* учун 30 кунга тўлишлигига

$976\frac{4156}{47799}$  ой куни ўтиши керак, яъни 32 ой ёки 2 йил 8 ой 16 кун ва яна ўша

айтганимиз каср:  $\frac{4176}{47799}$  ой куни ўтиш керак; бу каср эса қарийб 5 дақиқа ва 15 сониядир<sup>1018</sup>.

Шу ҳисобларга қаратилган қонуний ишлар ҳақида Ведадан бизга ўқиганлари мана бундай мазмунда: «Агар бирлашиши куни, яъни оyнинг биринчи куни Қуёшнинг бурждан буржга ўтар куни бўлмаса ва иккинчи куни ўтар кун бўлса, у ҳолда келажак ой ҳисобдан тушади».

Бу сўзлар аниқ эмас, эҳтимол, бу бизга ўқиб берувчи мутаржимнинг хатосидир. Қамарий кунлардан иборат ой 30 кундир. Қуёш йилининг олтидан бирининг ярми  $30\frac{5311}{5760}$  ой кунига тенг. Бу [каср сон] куннинг  $55'19''22'''30''''$  ни ташкил қилади. Энди мисол учун, бирлашиш [ой боши] чоғининг буржнинг бошида [0°да] бўлишини фараз қилсак, кейинги бирлашиш чоғига шу қадар

каср кун кўшасак, Қуёшнинг кейинги буржга ўтиш вақтини биламиз. Бу икки ёритқич ойлариининг айирмаси бир кундан кам бўлганлиги туфайли Ой [ойи] бўлади, унда Қуёш буржидан буржга кўчмайди. Қуёшнинг бир бурж бошидан бошқасига кўчишгача икки марта бирлашиш бўлиши мумкин. Агар илгариги бирлашиш кўчиш чоғидан  $4'40''37'''30''''$  камроқ кун ўтганда бўлса, кейинги бирлашиш кўчишга  $55'19''23'''30''''$  кунгача қолганда воқе бўлади. Бу иккала каср йиғиндиси бир кунга етмайди. Шунинг учун Ведадан олинган юқоридаги сўз тўғри эмас.

Тўғриси бундай бўлиши керак: Қуёшнинг бир бурждан бошқасига кўчмаган ҳолда Ой ойи бўлиб ўтса, бу ой ҳисобдан тушириб қолдирилади. Агар кўчиш ойнинг 29-кунида бўлиб, бирлашиш чоғигача қолган вақт  $4'40''37'''30''''$  дан кам бўлмаса, кейинги ой Қуёш кўчишидан холи бўлади. Чунки иккинчи кўчиш ойнинг биринчи кунига тўғри келади.

Маълум буржнинг  $0^\circ$  дан мисолга олинган бирлашиш чоғидан бошланган кетма-кетли кўчишлар чоғи 29-куннинг  $30'20''$  ида воқе бўлиши топилади. Кейингиси эса 35 ойнинг биринчи кунининг  $25'30''22'''30''''$  ида воқе бўлади. Шу билан ҳисобга олинмас бу ойнинг бахтсизлиги ошкор бўлади. Бу ой савоб олишга қаратилган вақтлардан маҳрумдир.

*Адҳимаса* сўзи «биринчи ой» демакдир, бунда «ад» – «бошлангич» демакдир<sup>1019</sup>. Яқуб ибн Торик ва Ал-Фазорий китобида бу сўз бадамаса деб ёзилган, *баданинг* маъноси – «охир»дир. Шунинг учун ҳам ҳиндлар кўшимча ойни бу иккала сўзнинг бири билан атасалар керак. Демак, иккала муаллиф буни бузиб кўрсатганлар<sup>1020</sup>.

Буни шунинг учун эслатиб ўтаяпмизки, Пулиса бир хил исм билан аталган икки ойнинг кейингисини ортиқча деб кўрсатиб ўтган.

Ой деб бир кўшилишдан ўшандай кўйишгача ўтган муддатга айтилади. Чунки ой ўша Ой кулчасининг кетма-кет буржлар сари узоклашиб, яна Қуёшга томон қайтиш вақтидир. Бу эса иккала ёритқич ҳаракати орасидаги фарқдир. Чунки иккови бир томонга қараб йўналади.

Демак, Қуёшнинг бир калпа муддатидаги даврлар саноғи, яъни шу муддатдаги Ой даврлари саноғидан айирилса, қолдиқ сон калпадаги қамарий ойлари саноғининг Қуёш даврларидан шунча ортиқлиги бўлади.

Ҳар бир калпадаги бутун нарсаларни сонни ўнғайлик учун «куллий» деб, бўлагидагини эса «жузъий» деб атаймиз.

Қуёш йилида 12 та шамсий ойи, Ой йилида ҳам ўшанча қамарий ойи бўлади. Бу икки йилнинг айирмаси бўлиб, айирмалар йиғиндисидан ҳосил бўладиган кўшимча – адҳимасали 13 қамарий ойдан иборат қуёш йили ҳам бўлади. Тушунарлики, икки ёритқичнинг «куллий» ойлари айирмаси 13 ойли йилларни таркиблайдиган кўшимча ойлари саноғидир, яъни улар «куллий» адҳимаса ойлари.

«Куллий» шамсий ойлар *калтада* 51 840 000 000, «куллий» қамарий ойлар 53 433 300 000, икковининг айирмаси 1 593 300 000 *адҳимаса* ойлардир. Булардан ҳар бири 30 га кўпайтирилса, уларнинг *калтадаги* кунлари сони келиб чиқади. Масалан, Қуёш кунлари 1 555 200 000 000, Ой кунлари 1 602 999 000 000 ва *адҳимаса* ойлари кунлари 47 799 000 000.

Бу сонларни қисқартириш учун ҳар бирини энг катта умумий бўлувчи 9 000 000 га бўламиз. Шу бўлишда, Қуёш ойлари 172 800 кун бўлганда қамарий ойлари 178 111 кун, *адҳимаса* ойлари эса 5 311 кунга тенг бўлади.

Энди «куллий» шамсий, тулуий ва ой кунларидан ҳар бирини «куллий» *адҳимаса* ойларига бўлсак, бўлинмаларидан ҳар бири ўз кунларининг сони бўлиб, ўз ичида тугал бир *адҳимаса* оyi борлигини аниқлайди. [Бир *адҳимаса*] 976 шамсий [кунда], 1006 ой [кунида] бўлиб, икковига каср  $\frac{464}{5311}$  эргашади, тулуийда эса  $990 \frac{3663}{10622}$  [кунда] бўлади.

Бу ҳисобларнинг ҳаммаси, Брахмагупта назарига кўра, бир *калтадаги* юлдузлар даврлари микдорига асосланган.

|| (215) Лекин Пулиса ҳисоби бир чатурюгадагига қаратилган. *Чатурюгада* шамсий ойлар 51 840 000, қамарий ойлар 53 433 336 *адҳимаса* ойлар 1 593 336. Демак, шамсий ойлар кунлари 1 555 200 000, қамарий ойлари кунлари 1 603 000 080, *адҳимаса* ойлари кунлари 47 800 080.

Агар биз, бу сонларни камайтиришни истасак, ҳар бирини умумий бўлувчи 24 га бўлсак, шамсий ойлар 2 160 000 га, қамарий ойлар 2 226 389 га ва *адҳимаса* ойлари 66 389 га айланади.

Кунларни умумий бўлувчи 720 га бўлсак, 2 160 000 шамсий кун, 2 226 389 қамарий куни ва 66 389 *адҳимаса* оyi куни ҳосил бўлади.

Илгариги сингари ҳисоблашлар билан тугал *адҳимаса* учун 976 шамсий кун, 1006 қамарий куни ва 990 тулуий кун чиқади, буларга тартиб билан  $\frac{4336}{66389}$ ,  $\frac{4336}{66389}$ ,  $\frac{21465}{66389}$  касрлари эргашиб келади. *Адҳимаса* ҳисоблаш усули ана шулар бўлиб, бу келажак учун тайёрланган.

Нуксон кунларига [унаратра] зарурият бўлади. Бир йил ёки бир неча йил берилган бўлсин; ҳар бирини 12 шамсий ой қилиб, ойларнинг 30 га кўпайтмаси шамсий кунларни беради. Равшанки, қамарий ойлари ёки кунлари саноғини ҳисоблаш билан бир ёки бир неча *адҳимаса* оyi чиқарилади. «Куллий» шамсий ойларнинг куллий *адҳимаса* нисбатларига қадар берилган йилларга хос ортиқчалардан *адҳимаса* ойлари ташкил этилса ва булар берилган ойлар ёки кунларга кўшилса, йиғинди «жузъий» ой кунларини ифодалайди, яъни берилган йилларга хос ортиқчалардан *адҳимаса* ойлари ташкил этилса ва булар берилган ойлар ёки кунларга кўшилса, йиғинди «жузъий» ой кунларини ифодалайди, яъни берилган йилларга мос бўлади: лекин у из-

ланган сон бўла олмайди, чунки тулуийнинг кунлари камария кунларидан узун бўлади. Шу сабабдан, изланганни топиш учун унинг сонини камайтиришга эҳтиёж тугилади. Мана шу камайтирилган *унаратра* дейилган миқдор бўлади.

Жузъий ой кунлари *унаратраси* «куллий» тулуий кунларнинг ой кунларидан кам бўлганидек, «куллий» ой кунлари билан белгили бошланишда бўлади. «Куллий» ой кунлари 1 602 999 000 000. Бунинг куллий тулуий кунлардан ортиқлиги 25 082 550 000 куллий унаратрани ифодалайди. Икковини 450 000 га бўлиш билан қисқартирсак, 3 562 220 «куллий» ой кунлари ва 55 739 «куллий» унаратра нуқсон кунлари чиқади.

Пулисага кўра, *чатурюгада* 1 603 000 080 ой кунлари ва 25 082 280 унаратра кунлар бор. Икковини умумий бўлувчиси 360 га қисқартирилса, 4 452 778 ой кунлари ва 69 673 унаратра кунлари чиқади.

Нуқсон *унаратра* топилиш усули ана шундай, бу келажакда *аҳарганани* ҳисоблашда зарур бўлади. Ибора маъноси: кунлар йигиндисидир; *аҳ* – «кун»лар, *аргана* йигиндидир<sup>1021</sup>.

|| (216) Якуб ибн Торик шамсий кунларни ҳисоблашда хато қилган. У ўзича уни *каптадаги* кунлар, яъни «куллий» тулуий кунлардан камлиги билан ҳосил қилинади, деб ўйлаган. Лекин бундай эмас, даврлар саногини 12 га кўпайтириб, ойларга айлантдириб, кейин 30 га кўпайтириб кунларга айлантдирилади ёки даврлар 360 га кўпайтирилса тўғри ҳисобланади. У ой кунларини ҳисоблашда тўғри иш кўради, лекин ойларни 30 га кўпайтиргандан кейин унаратра кунларини олишда хатога йўл қўйди; у *унаратра* ой кунларидан шамсий кунларни айириш билан топилади, деган. Ҳолбуки, ой кунларидан тулуий кунлар айирилса, мақсадга мувофиқдир.

## **ЛII БОБ. АҲАРГАНЛАРНИ ҲИСОБЛАШНИ УМУМИЙ ТУШУНТИРИШ, ЯЪНИ ЙИЛЛАР ВА ОЙЛАРНИ КУНЛАРГА АЙЛАНТИРИШ ҲАМДА БУНИНГ АКСИ – КУНЛАРНИ ЙИЛЛАРГА АЙЛАНТИРИШ ҲАҚИДА**

Йиллар ва ойларни кунларга айлантдиришда ушбу умумий қоидадан фойдаланилади: тўлиқ йиллар 12 га кўпайтирилиб [кўпайтирмага] ўтаётган йилдан ўтган ойлар қўшилади ва йигинди 30 га кўпайтирилиб, кўпайтмага ўтаётган ой кунлари қўшилади. Бу йигинди *саураҳаргана* дейилиб, бу шамсий кунлар, яъни жузъий шамсий кунлар йигиндисидир.

Бу сонни икки жойга ёзилади; икковидан бирини 5 311 га, яъни «куллий» *адҳимаса* кунларига кўпайтирилади. Кўпайтмани 172 800 га, яъни «куллий» шамсий кунларга бўлинади, бўлинмани, яъни бутун кунларни иккинчи



жойдагига қўшилади. Йиғинди *чандраҳаргана*, яъни жузъий ой кунлари йиғиндиси бўлади<sup>1022</sup>.

Бу йиғиндини ҳам икки жойга ёзилиб, бири 55 739 «куллий» ноқис кунлар [унаратра]га кўпайтирилиб, кўпайтмаси 3 562 220 – «куллий» камарий кунларга бўлинади, бўлинмадаги бутун кунлар иккинчи жойдагидан айирилади. Қолдиқ *саванаҳаргана* – изланган тулуий кунлардир<sup>1023</sup>.

Билиш керакки, бу ҳисоб *адҳимаса* ва *унаратра* кунлар бутун бўлган ҳолга – қаср бўлмаганга ярайди. Агар йиллар калпа, *чатурюга* ёки *калиюга* бошидан бошланган бўлса, ушбу оддий ҳисоб амали тўғридир. Агар берилган йил бошқа вақтдан бошланса, иш тасодифан тўғри бўлиши мумкин; текшириш натижаси *адҳимаса* борлигини кўрсатиши ҳам мумкин, акс ҳолда ҳисоб тўғри бўлмайди.

Ҳалиги учта маълум [давр] ичида [берилган] йилнинг олган жойи маълум бўлса, у даврларнинг ҳар бири учун хос ҳисоблаш усуллари бор, улар энди мисоллар билан берилади.

Ҳиндча шака-кала 953-йилининг боши учун ҳисоблашни кўриб чиқамиз. Браҳмагупта қоидаларига мувофиқ, Браҳма умрининг бошланишидан ҳисоблаймиз. Ҳозирги калпамизгача ундан 6 068 *калпа* ўтганлиги аввал ҳам айтилган эди. Калпадаги кунлар сони маълум, у – 1 55916 450 000 кун демак, 6 068 *калтадаги* кунлар 9 547 757 018 600 0001024. Бундан 7 га бўлсак, 5 қолади. Калпамиздан аввалгисининг охири куни – шанбадан орқага қараб 5 кунни санасак, сешанбада тўхтаимиз. Ушбу сешанба Браҳма ҳаётининг биринчи кунидир.

|| (217) *Чатурюга* кунларининг қанчалигини юқорида кўрсатган эдик. Критаюга эса шунинг 14 таси, яъни 631 166 580. *Манвантара* бундан 71 марта катта, демак, 112 032 067 950 кун, 6 манвантара ва 7 критаяуга сандҳи бўлиб, у 676 610 573 760 кун. Бу 7 га бўлинса, натижа 2 га тенг бўлади. Шунинг учун 6 манвантара охири душанбада тўхтатмайди, еттинчи манвантара сешанбадан бошланади. Ундан эса 27 *чатурюга* ёки 42 603 744 150 кун ўтган. 7 га бўлинса 2 қолади, демак, 28 *чатурюга* сешанбадан бошланади. Бундан ўтган югалар кунлари 42 603 744 150, демак, *калиюга* жумадан бошланади.

Энди мисолимизга қайтамиз. *Калтадан*, у *калтагача* ўтган йиллар 1 972 948 132 бўлса, буни 12 га кўпайтурсак, у 23 675 377 584 ойга айланади. Мисолимизда ой йўқ эди. Шунинг учун унга ҳеч нарса қўшмаймиз, лекин уни 30 га кўпайтурсак, олдинги натижа ҳосил бўлади ва бу жузъий куёш кунларидир. Буни 5 311 га кўпайтириб, кўпайтмани 172 800 га бўлсак, бўлинма *адҳимаса* кунлари 21 829 849 018 чиқиб  $\frac{103}{120}$  қолдиқ қолади. Агар ойларни кўпайтириб, сўнгра бўлишни амалга оширсак, *адҳимаса* ойлар саноғи чиқар эди, энди ойларни 30 га кўпайтурсак, яъни ҳалиги *адҳимаса* кунлари

саноғи чиқади. Кейин *адҳимаса* кунларини жузъий куёш кунларига кўшсак, 732 091 176 538 га айланади, бу жузъий қамарий кунлардир. Буни 55 739 га кўпайтириб, кўпайтмани 3 562 220 га бўлсак, жузъий *адҳимаса* кунлари  $11\,455\,224\,575$  чиқиб,  $\frac{1747541}{1781110}$  қолдик қолади. Бу қасрни ташлаб, бутун сонни жузъий қамарий кунлардан айирсак, 720 635 951 963 кун чиқиб, бу эса мисолимиздаги йилга тегишли тулуий кунлардир, уни 7 га бўлсак, 4 қолади. Бу кўрсатадики, ҳалиги кунлар охири чоршанба бўлади, демак, ҳинд йили пайшанбадан бошланган.

Агар биз *адҳимаса*, вақтини топишни истасак, [*адҳимаса*] кунларини 30 га бўлганимизда, 727 661 633 га тенг бўлади, бу ўтган *адҳимасалар* бўлиб, 28 кун, 51 дақиқа, 30 сония ортиб қолади. Бу ортиқча *адҳимаса* ойдан ўтган вақтдир, шу кунни 30 га тўлиши учун 1 кун, 8 дақиқа, 30 сония қолади<sup>1025</sup>.

Биз бу ерда *калта* [боши]дан ўтган қисмини аниқлаш учун шамсий ва қамарий ҳамда *адҳимаса* ва *унаратра* кунларини қўлладик. *Чатурюгадан* ҳам ўтган қисмини аниқлаш учун шундай иш кўрамиз. Белгили бир қоидача [Брахмагуптагача] ҳисоблашлар олиб борилиб, қоидалар алмаштирилмаганда, *чатурюгага* ёки *калтага* асосланса, натижа ўзгармайди.

Энди *гунақора* ва унинг *бҳогабҳораси* билан танишамиз. Бу икки иборадан биринчиси ҳамма ҳисобларда ҳар бир кўпайтирувчини ифодалайди. Кўпинча [арабча] зижларимизда ва форсча зижларда *гунжар* кўринишида ифодаланади. Иборалардан иккинчиси бўлувчини ифодалайди ва *зижларда баҳжар*<sup>1026</sup> кўринишида ифодаланади.

|| (218) Браҳмагупта назариясида *чатурюга* билан бўладиган мисолни келтириш фойдасиздир. Чунки у *калтанинг* мингдан бир бўлагидир, юқоридаги *калтага* тегишли сонлардан учта нолни олиб ташласа, натижада барибир олдинги сонларнинг ўзи ҳосил бўлади. Шунинг учун энди биз Пулиса назариясига кўра *чатурюга* билан ҳисоблаймиз, албатта, бу усул *калта* билан амалга оширилганга жуда ўхшайди.

Пулиса назариясига кўра, мисол қилиб олинган вақтгача *чатурюгадан* 3 244 132 йил ўтган бўлиб, бу 1 167 887 520 шамсий кунни ташкил қилади. Агар ойлар сонини *чатурюгадаги адҳимаса* ойлари сонига ёки ундаги мос кўпайтириш сонига кўпайтирсак ва кўпайтмани ундаги шамсий ойларга ёки мос бўлиш сонига бўлсак, 1 966 525 *адҳимаса* чиқиб  $\frac{44837}{45000}$  қолдик қолади.

*Чатурюгадаги* ўтган йиллар 1 203 783 270 қамарий кун бўлади<sup>1027</sup>. Агар уни *чатурюгадаги унаратра* кунларига кўпайтириб, кўпайтмани *чатурюгадаги* қамарий кунлари сонига бўлсак, *унаратра* кунлари 18 835 700 чиқиб  $\frac{598055}{2226389}$  қолдик қолади. Бу билан *чатурюга* бошланишидан бери 1 184 947 570 тулуий кун ўтган деб ҳисобланади, биз излаган натижа келиб чиқади.

|| (219) Энди юкоридагидек хисоблаш ифодасини Пулиса «сиддханта»-сидан кўчирамиз, бундан мақсад, маънони очиқ англатмоқ ва хотирага муҳрламоқдир. Пулиса шундай деган: «Брахма ҳаёти бошланишидан ҳозирги *калпагача* 6 068 *калпа* ўтган. Буни *калпадаги чатурюгалар* сонига, яъни 1 008 га, кўпайтирамиз, кўпайтма 6 116 544, кейин буни *чатурюгадаги югалар* сонига, яъни 4 га кўпайтирамиз, кўпайтмаси 24 466 176. Кейин уни югадаги йиллар саногига, яъни 1 080 000 га кўпайтирамиз. Ҳосил бўлган кўпайтма 26 423 470 080 000 – бу калпамиздан олдинги йиллардир. Буни 12 га кўпайтирсак, 317 081 640 960 000 ой чиқади. Буни икки жойга ёзиб биринчисини *чатурюгадаги* ойлар сони 1 593 336 га кўпайтирамиз ёки илгаридан шундай жойда ёзилган сонга кўпайтирамиз. Сўнгра кўпайтмани *чатурюгадаги* шамсий ойлар 51 840 000 га бўламиз, шунда адҳимаса ойлари 9 745 709 750 784 га тенг бўлади. Буни иккинчи жойидагига кўшамиз; йиғинди 326 827 350 710 784 1028 ни 30 га кўпайтирсак, 9 804 820 521 323 520 ҳосил бўлиб, бу қамарий кунлар бўлади. Уни икки жойга ёзиб, биринчини *чатурюгадаги* нуқсонга унаратрадаги, яъни тулуй ва қамарий кунлар орасидаги айирмага кўпайтириб, кўпайтмани қамарий кунларга бўлсак, натижа 1 534 168 692 432 001 029 чиқади. Бу эса унаратранинг ноқис кунлари бўлади. Буни иккинчи жойидан айирамиз; шунда 9 651 403 652 083 200 қолади. Бу эса калпамизга қадар Браҳма ҳаётидан ўтган кунлар ёки 6 068 *калпа* кунларидир. Бу калпаларнинг ҳар бири 1 590 541 142 400 кундир. Бу кунлар сони 7 га қолдиқсиз бўлинади. Демак, у кунлар шанбада тугайди ва ҳозирги *калпа* якшанбадан бошланган. Шунинг ўзи кўрсатадики, Браҳма ҳаёти ҳам якшанбадан бошланган». Пулиса шундай деган: Чала калпадан 6 *манвантара* ўтган; уларнинг ҳар бири 72 *чатурюга* ва ҳар бир *чатурюга* 4 320 000 йил. Демак, ҳаммаси 1 866 240 000 йил. Энди олдинги мисолдагига кўра иш кўрамиз. Бунда 6 та бутун *манвантара* кунлари 681 660 489 600 1030 ҳосил қилинади. Агар буни 7 га бўлсак, 6 қолдиқ қолади, демак, кун жума билан тугайди. Шунинг учун ҳам еттинчи *манвантара* шанбадан бошланади, бундан эса 27 *чатурюга* ўтган. Олдинги мисолдаги каби унинг кунлари 42 603 780 600 бўлиб, 27 *чатурюганинг* охири душанба, 28 *чатурюга* эса сешанбадан бошланади. Бу *чатурюгадан* 3 *юга* ўтган бўлади. Буларнинг йиллари йиғиндиси эса 3 240 000 дир. Аввалги мисолдагига кўра, бунинг кунлари 1 183 438 350 дир ва булар пайшанба кунини тугайди, *калиюга* эса жумадан бошланади.

Демак, *калпадан* ўтган кунлар 725 447 708 550 кун бўлиб, Браҳма ҳаёти бошланишидан<sup>1031</sup> ҳозирги калиюга бошигача ўтган кунлар сони 9 652 129 099 791 750 кундир. Ариабхатанинг сўзларига қараганда<sup>1032</sup>, чунки биз унинг ҳеч қандай китобини кўрмадик, унда *чатурюгадаги* кунлар йиғиндиси 1 577 917 500<sup>1033</sup> кун, *калпа* бошидан бизнинг *калиюга* бошигача 725 447 570 625 кун, аммо мисолимиздаги<sup>1034</sup> йил бошигача 725 449 079 845

кун ўтган. Брахма ҳаёти бошланишидан ҳозирги *калта* бошигача ўтган кунлар 9 651 401 817 120 000 дир<sup>1035</sup>.

Йилларни кунларга айлантиришнинг осон усули ана шундан иборат. Вақтнинг тушунса бўладиган барча бошқа миқдорлари бунга солиштириш билан аниқланади.

Биз Якуб ибн Торик «куллий» шамсий ва «куллий» *унаратра* кунларини ҳисоблашда янглишганлигини кўрсатган эдик<sup>1036</sup>. Ҳинд кишидан келтирилган ҳисобларининг боғланишларини у тўлиқ англаб етмаган. Унинг вазифаси, сонларнинг ўзаро боғланишларини текшириш ва ўрганиш эди. Китобида *аҳаргана* ҳисоблашни, яъни йиллар таҳлилини ечишни айтган, лекин бу билан хатога йўл қўйган. У шундай деган: «Берилган йил ойларини адҳимасанинг масаладаги вақтигача ўтган ойларига баён этилган қоидаларига мувофиқ кўпайтиринг; нимаки чиқса, уни шамсий ойларга бўлинг, ҳосил бўлгани ва бўлаклари масаладаги вақтигача адҳимасалардан ўтганидир».

Якубнинг китобида тўғри таҳлил учун иккинчи ҳисоблаш усули бор, у шундай амалга оширилади: «Йиллар ойлари ҳосил бўлса, у қамарий ойларига кўпайтирилади, кўпайтма шамсий ойларга бўлинади, шунда йиллар ойларига қўшиладиган адҳимаса ойлари келиб чиқади. У 30 га кўпайтирилса, кўпайтма чала ойгача ўтган кунларга қўшилса, ой кунлари келиб чиқади. Борди-ю, бунинг ўрнида, аввало, ойлар 30 га кўпайтирилиб, кўпайтмага чала ойдан ўтган кунлар қўшилса, жузъий шамсий кунлар ҳосил бўлади. Сўнгра илгаригидек ифодалар амалга оширилса, шамсий кунларга қўшиладиган адҳимаса кунлари чиқади».

Тўғриси бундай: ифодаларни илгари айтилгандек усулда адҳимаса ойларига кўпайтирсак ва «куллий» шамсий ойларга бўлсак, бўлинма *адҳимасадан* кўпайтириладиган ҳисса чиқади. Маълумки, қамарий ойлари эса шамсий ойлар билан *адҳимаса* ойлариининг йиғиндисидир, энди уни қамарий ойларга кўпайтирамиз; бўлинма ўз ҳолича қолдирилади; бу бўлинма эса кўпайтирилган билан изланганнинг, яъни қамарий кунларнинг йиғиндисидир.

|| (220) Юқорида, қамарий кунлар куллий *унаратра* кунларига кўпайтирилса ва кўпайтма куллий қамарий кунларга бўлинса, биз *унаратра* кунлари ҳиссасини чиқарамиз, деган эдик. Лекин калпадаги тулуий кунлар *унаратра* кунлари билан биргаликда қамарий кунлардан камдир. Калпадаги ой кунларидан *унаратра* кунлари ҳиссасини айириш нисбати, тугал қамарий кунлардан тугал *унаратра* кунларини айириш нисбати каби. У [айирма] «куллий» тулуий кунлардир. Энди қамарий кунларнинг «куллий» тулуий кунларга кўпайтириб, кўпайтмани «куллий» ва қамарий кунларга бўлсак, берилган эранинг тулуий кунлари ҳосил бўлади. Калпадаги ҳамма тулуий кунларни кўпайтириш ўрнига 3 506 481 га кўпайтирамиз ва ҳамма қамарий кунларни бўлиш ўрнига 3 562 220 га бўлаамиз<sup>1037</sup>.

Бу борада ҳиндлар бошқача ҳисоблайдилар. Улар калпадаги ўтган йилларни 12 га кўпайтиришади ва кўпайтмага чала йилдан ўтган ойларни қўшишади; йиғиндини 69 120 устига ёзадилар<sup>1038</sup> ва чиққан натижани ўртадаги сондан айирадилар ва қолганини икки марта кўпайтириб, 65 га бўладилар; шунда жузъий адҳимаса йиллари келиб чиқади. Уни юқоридаги сонга қўшиб кейин йиғиндини 30 га кўпайтирадилар ва унга ойдан ўтганларни қўшадилар: йиғиндида жузъий шамсий кунлар<sup>1039</sup> ҳосил бўлади. Уни икки жойга ёзадилар, икковидан остидагисини 11 га кўпайтирадилар ва кўпайтмани унинг остига ёзадилар, уни 403963 га бўладилар ва бўлинмани ўртадагига<sup>1040</sup> қўшадилар, кейин уни 703 га бўладилар. Шунда жузъий нокис *унаратра* кунлари чиқади; уни юқори жойдагидан айирадилар, изланган тулуий кунлар қолади.

Бундай ҳисоблашнинг мантиқий асоси бундай: «куллий» шамсий ойлар куллий *адҳимаса* ойларига бўлинса, битта адҳимаса ойига тўғри келадиган унинг шамсийнинг 32 оyi ва яна  $\frac{8544}{15933}$  каср ой чиқади. Бунинг икки баробари  $65\frac{1155}{15933}$  дир. Агар бунга берилган йиллар ойларининг икки баробари бўлинса, жузъий адҳимасалар чиқади. Агар касрли бутун сонга бўлиш тўғри келса ва бўлинувчидан бир бўлагини ташлаш лозим бўлса, қолдиқ фақат бутун сонга тўғри йўлни олиш билан бўлинади. Чунки бўлинувчининг, ташланган бўлагига маълум нисбати бор бўлганидек, бутун бўлувчининг ўзининг касрига ҳам маълум нисбати бўлиши керак<sup>1041</sup>.

Мисолимиздаги бўлувчига қаратсак, каср  $\frac{1155}{1036800}$  бўлади. Агар касрнинг сурат ва маҳражи 15 га қисқартирилса,  $\frac{77}{69120}$  кўринишни олади.

Бу иш *адҳимасанинг* икки баробари ўрнида биттасини ҳисоблашга имкон беради ва ҳатто қолдикни икки баробарлаштиришга эҳтиёж бўлмайди. Албатта, у қошиф сонларни шундай қилиб камайтиришни маъқул кўради. Битта *адҳимаса* учун ҳисобланганда,  $\frac{8544}{518400}$  каср чиқади, буни 96 га қисқартирилса, 89 кўпайтирувчи ва 5400 бўлувчига айланади<sup>1042</sup>.

Қамарий кунларнинг ҳосилини олишда кўпайтирувчини жуда камайтириб, ечимни қулайлаштирди.

Брахмагуптанинг *унаратра* нокис кунларини ҳисоблаш усули эса қуйидагича:

|| (221) «Куллий» қамарий кунлар «куллий» *унаратра* кунларига бўлинса, 63 чиқиб, каср қолади, агар умумий бўлувчини 450000 га қисқартирсак, каср  $\frac{50663}{55739}$  га айланади. Бу қамарий кунлардан бўлиб, бунчалик вақт адҳимаса кунларидан биттасига тўғри келади. Агар каср маҳражи 11 бўлса, сурати

9 га айланиб ва  $\frac{55642}{55739}$  каср қолади, бу эса дақиқаларда ифодаланса,  $0'59''54'''$  бўлади. Бу бирга яқин бўлганидан, осонлаштириб  $\frac{10}{11}$  билан ифодалайдилар ва  $63\frac{10}{11}$  қамарий кунларида *унаратра* кунлари бир кунга тўлади. Буни каср кўринишига келтирсак,  $\frac{703}{11}$  қамарий кунлар ҳосил бўлади. Тўла ифодали қамарий кунлар унга тегишли *унаратра* кунларининг  $63\frac{50663}{55739}$  га кўпайтирилганига тенг, лекин  $63\frac{10}{11}$  га кўпайтирилганда кўпайтма анигидан ортиқроқ бўлади. Демак, қамарий кунларни 703 га бўлиш керак бўлса, бўлинманинг аввалига тенглашуви учун унга бирор бўлакни қўшиш лозим ва у бўлак тахминий бўлиб чиқади.

Энди «куллий» *унаратра* кунларини 703 га кўпайтирсак, 17 633 032 650 000 чиқади, бу эса «куллий» қамарий кунларнинг 11 га кўпайтмасидан ортиқроқдир. Унинг 11 га кўпайтмаси 17 632 989 000 000 дир. Иккала сон айирмаси 43 650 000; бу сонга куллий қамарий кунларнинг 11 га кўпайтмаси бўлинса 403 963 чиқади. Бу эса усул ихтирочиси фойдаланган сондир. Агар бундан бирор қолдиқ қолмаса, ҳисоблаш натижаси аниқ бўлар эди. Бироқ  $\frac{405}{4365}$  қолдиқ қолади, бу эса  $\frac{9}{97}$ , яъни бўлинма ҳосил бўладиган миқдор. Бу касрни эътиборга олмай, жузъий ой кунларининг 11 га кўпайтмаси унга бўлинса, бўлинувчининг ортиқча бўлаги бор бўлганидан чиқишлиги керагидан ортиқчадир. Ҳисоблашларнинг қолганлари қандай бўлиши равшан<sup>1043</sup>.

Йилларни ҳисоблашда ҳиндларнинг кўпчилигининг *адҳимасага* эҳтиёжлари бор. Шунинг учун, бундай ҳолатда *адҳимасага* хос сўзларни ва ҳисоблашларни муфассал ёзадилар, чунки бусиз *унаратра* кунларини ва турли кунлар йиғиндисини топиб бўлмайди.

*Калтадаги, чатурюгадаги ёки калиюгадаги* йиллар учун *адҳимасани* ҳисоблаш усулларида бири бундай:

Йилларни уч жойга ёзиб, юқоридагини 10 га, ўртадагини 2 481 га, пастдагини 77 139 га 1044 кўпайтирадилар, сўнгра ўртадагини ҳам, пастдагини ҳам 9600 га бўладилар, ўртадаги бўлинма кунлар ва пастдаги *авама* бўлади. Иккала бўлинма йиғиндисини юқоридагига қўшилади; натижа ўтган бутун *адҳимаса* кунларидир. Икки бошқа жойдагидан қолдиқлар йиғиндисини чала *адҳимасанинг* касридир. Кунлари 30 га бўлинса бўлинма ойлари ифодалайди.

|| (222) Яъқуб бу усулнинг тўппа-тўғриси зикр қилган. Бунга бир мисол куйидагидир. Ўша юқоридаги мисолимиздаги вақтгача<sup>1045</sup> *калпанинг* йиллари

1 972 948 132 эди. Буни уч жойга ёзамиз; юқоридагини 10 га кўпайтириш учун ўннга бир ноль ёзамиз, ўртадагини 2 481 га кўпайтирсак, 4 894 884 315 492 ҳосил бўлади, пастдагини 7739 га кўпайтирсак, 15 268 645 593 548 ҳосил бўлади. Кейинги икковининг ҳар бирини 9600 га бўламиз; ўртадагисида бўлинма 509 883 782 бўлиб, 8 292 ортиб қолади, пастдагисида бўлинма 1 590 483 915 бўлиб, 9 548 ортиб қолади. Бу иккала қолдиқ йиғиндиси 17840, демак, каср  $\left[ \frac{17840}{9600} \right]$  бирдан ортиқдир. Шунинг учун, уч жойдаги бутунлар йиғиндиси 21 829 849 018 адҳимаса кунларидир, қолдиқ чала куни  $\frac{103}{120}$  дир.

Буларни ойларга айлантирсак, бутуни 727 661 663 ой бўлиб, 28 кун ортиб қолади: бундай қолдиқ *шадда*<sup>1046</sup> дейилади ва бу четлаштирилмайдиган *чайтра* ойи боши билан баҳорги тенг кунлик вақти оралиғидадир. Ўртадагидан чиққан бўлинмадаги йилларга қўшилса, 2 482 831 914 га айланади. Уларни 7 га бўлса, 3 қолади. Демак, у йилда Куёшнинг Ҳамал [буржига] кириш кунинда сешанба бўлади.

Ўрта ва паст жойдаги кўпайтириладиган иккита сон ҳақида [гап куйидагидай]:

*Калпадаги* тулуий кунлар Куёшнинг ундаги даврлар сонига бўлинса, куёш йили кунлари чиқади. Бунинг 360 дан ортиқлиги 5 ва унга эргашгани  $\frac{1116450000}{4320000000}$  кундир. Каср 450 000 га қисқартирилса  $\frac{2481}{9600}$  га айланади; бу каср яна 3 га қисқарса ҳам бир хил жинсда бўлишлик учун махражни шу кўринишда қолишини истайдилар.

Куллий *унаратра* кунлари *калпадаги* куёш йилларига бўлинса, битта куёш йилига тўғри келадиган *унаратра* кунлари 5 чикиб, бунга эргашувчи қолдиқ  $\frac{3482550000}{4320000000}$  чиқади, бу ҳалиги 450000 га қисқартирилса  $\frac{7739}{9600}$  ҳосил бўлади.

Куёш ва ой йилининг миқдори 360 кунга яқин: икковининг тулуий миқдори шунга яқин; лекин бириники 360 дан ортиқ, иккинчисиники ундан ўшанча кам. Икковидан бири – ой йили ҳисоблашга киритилган, иккинчи куёш – шамсий йил эса излангандир. Икки четдаги сон йиғиндиси шу икки хил айирмасидир. Юқоридагиси икки йилнинг бутун сонлари йиғиндисига кўпайтирилади, икки касрдан бири ўртадагига, иккинчиси пастдагига кўпайтирилади.

Агар биз ҳисоблашни қисқартириш тилагида, ҳиндларнинг Куёш ва Ойнинг ўртача ҳаракатларини топиш ифодасини бажаришни истамасак, ўрта ва паст жойлар учун кўпайтмаларни қўшамиз, йиғинди 10 220 га юқори жой учун бўлувчи бўлагининг 10 га кўпайтмасини, яъни 9 600 ни қўшамиз, йиғинди 106 220 нинг 9600 га нисбатини 2 га қисқартирсак, 5211 нинг 480 га нисбати ҳосил бўлади.

Бундан олдинги баён этилганга монанд, кунларни 5311 га кўпайтириб, кўпайтмани 172 800 га бўлсак, адҳимаса кунлари келиб чиқади. Кунлар ўрнига йиллар сонини кўпайтирсак, кўпайтмаси эга кунлар кўпайтмасининг 360 дан бирига тенг бўлади. Шунинг учун бўлишдан биринчи [ҳисоблашдаги] ҳосил қилинганнинг натижасини билишни истасак, [ҳалиги] бўлувчини, яъни 480 ни 360 дан бирга бўлишимиз керак. Чунки  $\left[ 480 : \frac{1}{360} = 172800 \right]$ .

Шунга ўхшаш усулни Пулиса ёзган: жузъий ойлар икки жойга ёзилади, бири 1111 га кўпайтирилиб, кўпайтма 675000 га бўлинади, натижа адҳимаса ойлари бўлиб, қолдиғи чала ойдан ўтганидир. Агар 30 га кўпайтмаси 32 га бўлинса, кунлари ва унга эришгани чиқади.

Бунинг сабаби: *чатурюгадаги* шамсий ойлар, ундаги *адҳимаса* ойлари-га бўлинса, у ҳолда бутун 32 чиқиб,  $\frac{35552}{66389}$  қаср қолади. Агар ойлари бунга бўлинса, *чатурюгадаги* ёки *калтадан* ўтган бутун адҳимаса ойлари чиқади. Лекин у бутун сонларгагина бўлишни қасд қилган, демак, аввал айтилганидек, бўлинувчидан бирор бўлакни камайтиришга унинг эҳтиёжи бўлган. Мисолимиздаги бўлувчига ўхшагани бунда махраж 2 160 000, сурати эса 35 552 дир. Буларни 32 га қисқартирилса, биринчиси 67500 га, иккинчиси 1 111 га айланади<sup>1047</sup>.

Пулиса бу ҳисобида ойлар ўрнига шамсий кунлар билан иш тутган [ва мисолидаги] саналарни чиқаришда ишлардан фойдаланган. Бу борада у шундай деган: «Бу кунлар икки жойга ёзилади. Улардан бири 271 га кўпайтирилиб, кўпайтма 4 050 000 га бўлинади, чиққан сон иккинчидан айирилади, кейин қолдиқ 976 га бўлинади. Бўлинмада адҳимаса ойлари ва ундан кейин кунлари ҳамда адҳимаса кунларининг қасри келади»<sup>1048</sup>.

Кейин у яна бундай деган: «Бунинг сабаби шуки, агар биз чатурюга кунларини адҳимаса ойларига бўлсак, 976 ва 104 064 қолдиқ қолади. Бу сон билан бўлувчининг умумий бўлувчиси 384 дир; иккови бунга қисқартирилса,  $\frac{271}{2050000}$  қаср қолади».

Мен бундаги хатони ё нусха кўчирувчи, ё таржимонники деб ўйлайман, чунки Пулиса жуда йирик олим эди ва у бундай хатога йўл қўймасди.

*Адҳимаса* ойларига бўлинган кунлар албатта шамсийдир, бўлинмадаги бутунлар тўғри, қолдиғи эса кўрсатилгандек, сурат ва махражи 24 га қисқартирилганда  $\frac{4336}{66389}$  қаср ҳосил бўлади. Энди аввал айтилган усулни ойларга нисбатан ишлатсак ва *адҳимаса* миқдорини қаср билан ифодаласак, махражи 47 800 000 нинг ва суратнинг умумий бўлувчиси 16 дир; бунга қисқартирилганда  $\frac{271}{2800000}$  қаср қолади<sup>1049</sup>.



Бўлиш учун Пулисанинг ёзган сонига келсак, уни умумий бўлувчи 384 га кўпайтирсак, 1 555 200000 натижа чиқади. Бу эса *чатурюгадаги* шамсий кунлар сонидир. Ҳисоблашнинг ушбу қисмида бу сондан бўлувчи сифатида фойдаланиш мумкин эмас<sup>1050</sup>.

|| (224) Бундай ҳисоб Браҳмагупта усулига асосланганда куллий шамсий ойлар *адҳимаса* ойларига бўлинади, натижаси *адҳимасанинг* икки мартасига асосланиб ҳисоблаш усулидагидек чиқади. Унаратра кунларини ҳисоблашда шу усулдан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун, жузъий ой кунлари икки жойга ёзилади. Бири 50 663 га кўпайтирилиб, кўпайтма 3 562 220 га бўлинади; ҳосил бўлгани иккинчи жойдагидан олинади ва қолдиқ 63 нинг ёлғиз ўзига каср сонсиз бўлинади<sup>1051</sup>.

Ҳиндларнинг бундан кейинги узун ҳисоблашлари фойдасиз, чунки жузъий унаратра қолдиғини унга хослаб авама деб ишлатилиши ноўрин. Иккала бўлишдан ҳосил бўлган икки қолдиқ иккита турли махражга эгадир.

Кимки масалани аввал айтилгандек ўзлаштирган бўлса, энди аксинча, *кална* ёки чатурюга кунларидан қанча ўтганлиги маълум бўлган ҳолда уларни йилларга айлантиришни ҳам била олади. Шундай бўлса ҳам эҳтиёт юзасидан қоидасини қайтараман. Бизнингча шундай: кунлар берилганда, фараз этайлик, йилларни топиш лозим бўлсин, албатта, кунлар тулуий, яъни қамарий кунлар билан унаратра ноқис кунлари айирмаси бўлиши зарур. Бу айирманинг унаратрага нисбати куллий қамарий кунлар билан куллий унаратра кунлари айирмаси каби бўлиб, у эса 1 577 916 450 000 нинг куллий унаратра кунларига нисбатидир. Кейинги сондан 3 506 481 ҳосил қилинади. Берилган сон 55 739 га кўпайтирилса ва ҳосили 3 506 481 га бўлинса, жузъий кунлар чиқади. Буни тулуий кунларга қўшилса, қамарий кунлар ҳосил бўлади ва у жузъий шамсий кунлар билан жузъий адҳимасалар йиғиндисидир. Қамарий кунларнинг ўзига мос адҳимаса кунларига нисбати қандай бўлса, куллий шамсий кунлар ҳам ўзига мос адҳимаса кунларига ўшандай нисбатда бўлади. Бу эса 160 299 900000 нинг куллий адҳимаса кунларига нисбатидир. Ундан 178 111 келиб чиқади.

Агар жузъий қамарий кунлардан ҳосил бўлгани 5 311 га кўпайтирилиб, кўпайтма 178 111 га бўлинса, жузъий адҳимаса кунлари келиб чиқади. Бу, қамарий кунлардан айирилса, шамсий кунлар қолади. Энди буни 30 га бўлиш билан ойларга айлантириб, ойларни 12 га бўлиш билан йилларга айлантирилади. Топилмокчи бўлган нарса худди мана шу эди.

Масалан, аввалги мисолимиздаги вақт учун жузъий тулуий кунлар 720 635 951 963 эди. Бу сон берилган бўлиб, бунинг қанча ҳиндий йил ва ой бўлишини билиш талаб этилади.

Биз уни аввал 55 739 га кўпайтирамиз ва кўпайтмани 3 506 481 га бўлсак, 11 455 224 575 *унаратра* ноқис кунлари келиб чиқади. Буни тулуийларга

қўшсак, 732 091 176538 қамарий кунлар чиқади. Буни 5 311 га кўпайтириб, ҳосилни 178 111 га бўлсак, 21 829 849 0181052 адҳимаса кунлари келиб чиқади. Буни қамарий кунлардан айирсак, 710 261 327 520 қолади, бу эса жузъий шамсий бўлиб, уни 30 га бўлсак, натижа 23 675 377 584 чиқади: бу эса шамсий ойлардир. Уни 12 га бўлсак 1 972 948 132 чиқади: бу эса ҳинд йиллари ҳисоби бўлиб, худди аввалги мисолда [чиққан натижанинг] айнан ўзига тенгдир<sup>1053</sup>.

Шунинг учун ҳам Яъқуб [ибн Торик] шундай дейди: «Берилган тулуий кунлар куллий қамарий кунларга кўпайтирилиб, кўпайтма куллий тулуий кунларга бўлинади. Чиққани икки жойга ёзилади; бири куллий адҳимаса ойларига кўпайтирилиб, кўпайтма куллий қамарий кунларга бўлинса, адҳимаса ойлари чиқади. Уни 30 га кўпайтириб, иккинчи жойдагидан айирилса, жузъий шамсий кунлар ҳосил бўлади. У ойларга ва йилларга айлантирилади».

|| (225) Масаланинг тўғри ечилиши бундай: илгари айтганимиздек, берилган кунлар қамарий кунлар билан унаратра ноқис кунлари айирмасидир ва, шунингдек, куллий тулуий кунлар ҳар иккала куллий қамарий билан *унаратра* айирмасига бир хил нисбатдадир. Шунинг учун, икки жойга ёзилган жузъий қамарий кунлар келиб чиқади. Куллий қамарий кунларнинг шамсий кунлар билан адҳимаса кунлари йиғиндисига тенг бўлганидек, у ҳам шамсий билан адҳимаса кунлари йиғиндисига тенг. Чунки жузъий ва куллий *адҳимасалар* нисбати улар ойлар ёки кунлар билан ифодаланганларида ҳам бир хилдир.

Аммо Яъқубнинг жузъий *унаратра* кунларини жузъий адҳимаса кунлари воситасида ҳисоблашнинг йўли китобнинг ҳамма нусхаларида бор. У қуйидагича амалга оширилади:

«Ўтган адҳимасалар касри билан куллий унаратра кунларига кўпайтирилиб, кўпайтма куллий шамсий ойларга бўлинади; бўлинма адҳимасага қўшилади. Йиғинди ўтган унаратра сони бўлади».

Ўйлаймизки, бу қоида билан бирор нарсани ўрганиш ва исботлаш мураккаб ва у амалий ҳам эмас.

Пулиса назарига кўра, мисолимиздаги вақтгача чатурюгадан ўтган адҳимаса ойлари  $1196525 \frac{1337}{1500}$  дир. Агар бунга чатурюгадаги унаратра кўпай-

тирилса, кўпайтма  $30\,011\,600\,068\,626 \frac{51}{125}$  га тенг бўлади; буни шамсий ойларга бўлсак, 578 946 натижа чиқади; *адҳимасага* қўшсак, 1 775 471 ҳосил бўлади. бу топиладиган сон эмас. Чунки *унаратра* кунлари 18 825 700 дир; 30 га кўпайтирилгани ҳам топиладиган [сон] эмас: чунки у 53 264 130 дир. Бу иккови ҳам ҳақиқатдан узоқ<sup>1054</sup>.

## ЛШ БОБ. ЭРАЛАРДАГИ БАЪЗИ ВАҚТЛАР УЧУН ЙИЛЛАРНИ ЖУЗЪИЙ АМАЛЛАР БИЛАН [ОЙЛАРГА] АЛМАШТИРИШ ҲАҚИДА

Зижлардаги кунларга айланттирилган эралар бошлари, кўпинча адҳимаса ва унаратра ноқис кунлари тутаган вақтларга тўғри келмайди, албатта. Шунинг учун биз зиждлар муаллифлари шартли қабул қилинадиган сонларга эҳтиёжлари тушади, амаллари боғлиқ ҳолда у сонларни кўшиб ёки айириб, ҳисобларини тартибга келтиришади. Бу ерда ҳиндларнинг зиждларини ўрганиб чиқиш давомида улардан олинган барча қоидаларни келтирамиз.

Аввало, «Кҳандакҳадяка» жижидаги қоида келтирамиз. Бу қоида ҳинд астрономлари ҳам доим қўллаб-қувватлайдилар<sup>1055</sup>.

Брахмагупта айтган: «*Шакакала* йилини ёзиб, ундан 587 ни айиринг. Қолдикни 12 га кўпайтириб, унга йилдаги ўтган бутун ойларни кўшинг ва йиғиндини 30 га кўпайтириб, унга бошланган ойнинг ўтган кунларини кўшинг. Йиғинди жузъий шамсий кунлар бўлади.

|| (226) Уни учта жойга ёзинг, ўртадаги ва пастдаги сонларга 5 ни кўшинг ва кейин пастдагисини 14 945 га бўлинг. Бўлинмани ўртадаги сондан айиринг, лекин бўлишдаги қолдикни ташланг. Кейин ўртадагини 976 га бўлинг. Бўлинма адҳимасанинг тўлиқ ойлари дир, қолдиғи ўтган адҳимасаларнинг қасри дир. У ойларни 30 га кўпайтиринг ва кўпайтмани юқорида ёзилганга кўшинг. Йиғинди жузъий қамарий кунлар бўлади. Буни юқорида қолдириб, ўшанча сонни ўрта жойга ёзинг уни 11 га кўпайтиринг ва унга 497 ни кўшинг. Йиғиндини пастдаги жойга ёзиб, кейин буни 111 573 га бўлинг ва бўлинмани ўртадагидан айиринг, бунда бўлинмадаги қолдикни ташланг. Кейин ўртадагини 703 га бўлинг, натижа унаратра ноқис кунларидир. Қолдиқ авамадир<sup>1056</sup>. Унаратра ноқис кунларини юқоридагидан айиринг, қолгани тулуий кунлар дир».

Бу эса «Кҳандакҳадяка»нинг *аҳарганасидир*. Унинг сонини 7 га бўлиб борилса қолдиқ сананинг ҳафтадаги куни бўлади.

Бу усулни биз мисолимиз йили учун ишлатайлик. У *шакакаланинг* 953 йили эди. Ундан 587 ни айирсак, 366 қолади. Уни ойларга ва кунларга айланттириш учун 12 нинг 30 га кўпайтмасига кўпайтирамиз, чунки санамизда ойлар ҳам, кунлар ҳам йўқ. Кўпайтма 131 760 шамсий кунлар дир. Уни уч жойга ёзиб, улардан остдагиларнинг ҳар бирига 5 ни кўшсак, ҳар бири 131 765 бўлади, энг пастдагини 14 945 га бўлсак, 8 ҳосил бўлади, буни ўртадагидан айирсак, 131 757 натижа чиқади. Бўлишдан қолган сонни ташлаймиз.

Кейин ўртадаги сонни 976 га бўлсак, 134 чиқади. Бу эса ойлар сонидир;  $\frac{973}{976}$  қолдиқ қолади. Ойларни 30 га кўпайтурсак 4020 ҳосил бўлади, буни шамсий кунларга кўшсак, 135 780 қамарий кунлар чиқади. Буни ҳалигиларнинг

энг остига ёзиб, уни 11 га кўпайтириб, кўпайтмага 497 ни қўшсак, 1 494 077 ва уни энг пастга ёзиб, 111 573 га бўлсак, бўлинмада 13 чиқади, қолган 43 628 ни ташлаймиз. Бўлинмани ўртадагидан айирсак, айирма 1 494064 қолади, буни 703 га бўлсак, 2 125 чиқади; қолдик –  $\frac{189}{703}$  авамадир<sup>1057</sup>. Бу бўлинмани

камарий кунлардан айирсак, 133 655 қолади<sup>1058</sup>. Бу эса изланган тулуий кунлар бўлиб, буни 7 га бўлсак, 4 ҳосил бўлади: демак, чайтра ойининг боши чоршанба кундир<sup>1059</sup>.

Яздигард эрасининг бошланиши бу эра бошидан илгариги вақтдир. Иккала эра оралиғи 11 968 кундир. Демак, Яздигард эрасидан биз мисолимизда излаган кунгача 145 623 кун ўтган бўлади. Буни форс йиллари ва ойларига айлантирсак, Яздигарднинг 399 йили исфандармуза ойининг 18-и бўлади. Адҳимаса ойининг 30 кунига тўлишига 5 гхати, яъни 2 соат ўтиши керак. У йил кабиса бўлганидан чайтра ойи унда қайтарилади.

Қуйидаги мисол «Ал-Арқанд» зижидан камчилиги билан кўчирилган.

«Агар «Ал-Арқанд»ни, яъни аҳарганани билмоқчи бўлсангиз, 90 ни олиб, уни 6 га кўпайтиринг, унга 8 ни ва Синд подшоҳлигининг йилини қўшинг. Бу эса 117-йилнинг сафар ойигача ўтган вақтдир. Шунда бу 109-йили чайтра ойига мувофиқ келади. Ундан 587 айирилса, қолдиғи шака йилларини ифодалайди.

Қулай усул шундай: Яздигардча бутун йилларни олиб, ундан 33 айирилса, қолдик шака йиллари бўлади ёки Арқанднинг асл йили 90 ни 6 га кўпайтириб, кўпайтмага 14 ни қўшиб, кейин унга Яздигард йилини қўшиб, 587 айирилса, қолдиғи шака йиллари бўлади».

Ўйлаймизки, мана шу шака, шакакаладан бўлак нарса эмас, лекин тарихдан чиқарилган ҳисоб шака тақвимига тўғри келмайди, балки у бу ерда кунларга ажратилган гуптакала тақвимига мос келади. Агар ёзувдаги бу 90 ни 6 га кўпайтириб, кўпайтмага 8 қўшилса, 548 бўлади ва у йиллар ўтиши билан ўзгармас бўлиб, аниқ ифода саналади.

|| (227) Муаллиф кўрсатган сафар ойининг биринчиси Яздигард эраси 103 йилининг 8 даймоҳига мувофиқдир. Шу билан чайтра ойи даймоҳдаги янги ойга боғланади. Лекин форс ойлари унга нисбатан илгарилаб кетган, чунки кейинчалик унга йилнинг чораклари қўшилмайдиган бўлган. Баён этилишига кўра, Синд подшоҳлигининг эраси Яздигард эрасидан 7 йил илгари бўлиши керак. Демак, мисолимиздаги<sup>1060</sup> вақтгача 405 йил бўлиши лозим. Бу Ал-Арқанд йилининг аслига, яъни 548 га қўшилса, натижа 953 бўлади; бу шакакала йилидир. Бундан муаллиф айтгани айирилса, гуптакала йилига ўтади.

Ечиш учун ҳисоблашлардан қолгани «Кҳандакҳадяка»дан олиб ёзганимиз сингаридир. Баъзи нусхаларда, 976 га бўлиш ўрнига 1000 га бўлинган. Бу эса нусхалардаги хатоликлардан дир. Чунки ундай бўлишига ҳеч қандай асос йўқ.

Энди бунга Вижаянандиннинг «Карана-тилака» номли зиждаги усулни қўллаймиз.

«Шакакала [йили 953]дан 888 ни айиринг, қолдикни 12 га кўпайтириб, кўпайтмага йилдаги ўтган бутун ойларни қўшинг, йиғиндини икки жойга ёзиб, улардан бирини 900 га кўпайтиринг. Кўпайтмага 661 ни қўшинг ва йиғиндини 29 282 га бўлинг. Шунда адҳимаса ойлари чиқади, буни иккинчи жойидагига қўшинг; йиғиндини 30 га кўпайтириб, кўпайтмага кейинги ойдан ўтган кунларни қўшинг, йиғинди қамарий кунлардир. Уни икки жойга ёзиб, бирини 3 300 га кўпайтиринг, кўпайтмага 64106 ни қўшинг, йиғиндини 210 902 га бўлсангиз, унаратра кунлари келиб чиқади ва авама қолади. Кейин унаратра кунларини қамарий кунлардан айирсангиз, шунда ярим кечадан ҳисобланган аҳаргана қолади»<sup>1061</sup>.

Бу усулни биз мисолимизда олган йил учун кўрсатамиз. Биз шакакала 953 дан 888 ни айирсак, 65 қолади. Бу 780 ойга тенг. Уни икки жойга ёзиб, бирини 900 га кўпайтирамиз, кўпайтмага 661 ни қўшамиз, кейин йиғиндини 29 282 га бўламиз. Шунда 23 адҳимаса ойлари чиқади ва  $\frac{29175}{29282}$  қолдик қолади. Аммо унинг 30 га кўпайтирилиши ойна кунларга айлантиради. Демак, у яна 30 га кўпайтирилади<sup>1062</sup>.

Аммо бўлувчи, яъни 976 билан унга эргашувчи қасрни бир жинсли этиб 30 га кўпайтирилмасидир. Кейин уни ойлардан чиққанга қўшамиз. Йиғиндини 30 га кўпайтирсак, қамарий кунлар 24 090 ҳосил бўлади. Буни икки жойга ёзамиз, бирини 3 300 га кўпайтирсак, 79 497 000 чиқади. Ушбу сонга 69 603 ни қўшсак, 79 566 601 бўлади. Буни 210 902 га бўлсак, 307 унаратра кунлари чиқади ва авама  $\frac{56547}{210906}$  қаср ортиб қолади. Буни иккинчи жойдаги қамарий кунлардан айирсак, тулуий аҳаргана 23713 қолади<sup>1063</sup>.

Вараҳамиҳиранинг «Панча-сиддихантика»сида бундай ёзилган:

|| (228) «Шакакала йилини ёзинг, ундан 427 ни айиринг, буни 12 га кўпайтириб, ойларга айлантинг ва уни икки жойга ёзиб, бирини 7 га кўпайтиринг, кўпайтмани 228 га бўлинг. Шунда адҳимаса ойлари чиқади. Энди буни иккинчи жойдагига қўшиб, йиғиндини 30 га кўпайтиринг, кўпайтмага бошланган ойнинг ўтган кунларини қўшинг; йиғиндини икки жойга ёзиб, қуйидагисини 11 га кўпайтиринг ва кўпайтмага 514 ни қўшинг; йиғиндини 703 га бўлинг ва чиққан сонни иккинчи жойдаги сондан айиринг. Айирма тулуий кунлар сони бўлади. Вараҳамиҳиранинг айтишига кўра, «Сиддиханта»сининг усули шудир»<sup>1064</sup>.

Унинг усулини мисолимиздаги йилга қўллаб кўрамиз. Шакакала йилдан 427 ни айирсак, 526 қолади; бу 6312 ойдир. Бунга мос адҳимаса ойлар 193 ва қолдик  $\frac{15}{19}$  дир. Бу ҳалиги ойларга қўшилса, 6505 ой бўлиб, 195 150 қамарий кундир.

Ҳисоблашдаги ортикчалар эса берилган эранинг кириш вақтини аниқлаш учун касрларни ҳам назарга олишдан юзага келади; 7 га кўпайтириш сонни еттидан бирларга айлантриш, бўлувчи эса бир адҳимасанинг еттидан бирини билиш учундир. Бу бўлак 32 ой, 17 кун, 8 гҳати ва қамарий 34 чашакага 1065 тенг деб олинган.

Сўнгра қамарий кунларни икки жойга ёзиб, остдагисини 11 га кўпайтириб, кўпайтмага 514 ни кўшамиз, йиғинди 2 147 164 дир. Бу сонни 703 га бўлсак, 3 054 чиқади. Бу эса унаратра ноқис кунлари бўлиб, ундан  $\frac{202}{703}$  қолдиқ қолади. Кунларни иккинчи жойдагидан айирсак, 192096 қолади. Бу эса китобда асосга олинган эра учун тулуий кунлар демакдир.

Вараҳамиҳиранинг адҳимаса ҳақида айтганлари Браҳмагупта фикрларига ўхшаш. Берилган вақт учун қолдиқ  $\frac{15}{19}$  дир. *Калпа* бошланишидан ҳисобласак,

$\frac{103}{120}$  чиқар эди, бу тақрибан  $\frac{15}{17}$  га тенг.

«Ал-ҳаркан жижи» деб аталадиган ислом жижида шундай ҳисоблаш бор. Ундаги эра боши Яздигард эраси бошидан 4008 кун кейин келади. Бу китобга қараганда, ҳинд йилларининг боши Яздигарднинг 110 йили 21 даймоҳнинг якшанбасига тўғри келади<sup>1066</sup>. Ундаги усул қуйидагича:

«72 йилни ёзинг, уни 12 га кўпайтириб, ойларга айлантисангиз, 864 бўлади. Бунга 197 йилнинг шаъбон бошидан тортиб ўз замонангиздаги ойгача ўтган ойларни кўшинг<sup>1067</sup>. Йиғиндини икки жойга ёзиб, кейин пастдагисини 7 га кўпайтиринг, кўпайтмани ва унга ўзингиз яшаб турган ойгача ўтганларни кўшинг: кейин бу йиғиндини икки жойга ёзинг; остидагисига 38 ни кўшинг ва ҳосилни 11 га кўпайтириб<sup>1068</sup>, 703 га бўлинг; чиққанини юқоридагидан айиринг. Юқорида қолган сон тулуий кунлар бўлиб, энг остидагиси авамадир. Унга бирни кўшиб, 7 га бўлсангиз, бу санани кўрсатувчи ҳафта кунининг рақами қолади»<sup>1069</sup>.

Агар дастлаб ёзилган 72 йил ойлари қамарий бўлганида, ҳисоб тўғри бўлар эди. Лекин у шамсийдир, шунинг учун унда яна қарийб 27 ойни 864 ойга кўшиш лозим<sup>1070</sup>.

Бу усул учун яна бир мисолимиз бор:

|| (229) Ҳижрийнинг 422 йили рабиул аввал ойининг бошланиши мазкур шаъбон бошидан 2695 ой кейин туради. Шунга муаллифнинг усулида қабул қилинган ойларга 864 кўшилса, 3559 ой бўлади. Буни икки жойга ёзиб, бирини 7 га кўпайтириб, кўпайтмани 228 га бўлсак, адҳимаса ойлари чиқади. Иккинчи жойдагига кўшсак, 3668 бўлади, 30 га кўпайтисак, 110 040 ҳосил бўлади. Агар икки жойга ёзиб, пастдагига 38 ни кўшсак, 110 078 ҳосил бўлади. Буни 11га кўпайтириб, кўпайтмани 703 га бўлсак, 1722 чиқиб, 292 қолдиқ қолади;

бу эса авамадир. Бўлинмани юқоридагидан айирсак, 108318 қолади. Бу эса тулуй кунлардир.

Ушбу усулни шундай тузатиш мумкин: маълумки бу эранинг бошланиши билан асосга олинган мазкур шаъбоннинг биринчи куни орасида 25 958 кун ёки 876 арабий ой ёки 73 йил 2 ой бор. Энди бунга ҳалиги мисолимиздаги шаъбон бошланиши билан рабиул аввал бошланиши орасидаги ойлар қўшилса, 3 571 ой чиқади, адҳимаса ойлари билан бирлашиб, 3 680 ой ёки 110 400 кун бўлади. Буни бўлгандан кейин мос унаратра ноқис кунлари 1 727 бўлиб, 319 авама қолади. Демак, тулуй кунлар айиргандан кейин 108 673 дир. Бундан бирни олсак, кейин 7 га бўлсак, ҳисоб тўғри бўлади ва 4 қолиб, аввалги мисолимиздагига мос бўлади<sup>1071</sup>.

Аммо Мўлтонли Дурлабҳа усули<sup>1072</sup> шундай: у 848 йилни ёзиб, бунга лаукикакалани қўшган; йиғинди шакакала йилидир. Бундан 854 ни айириб, қолганини ойларга айлантириб, кейинги йилнинг ўтган ойлари кўшган. Йиғинди 3 жойга ёзилган. Остидагисини 77 га кўпайтириб, кўпайтмани 69 120 га бўлган. Бўлинмани ўртадагисидан айирган, қолдикнинг икки мартасини ёзиб, унга 29 ни қўшиб, йиғиндини 65 га бўлган ва адҳимаса ойлари ҳосил қилган. Кейин уларни юқоридагига қўшган ва йиғиндини 30 га кўпайтирган. Кўпайтмага кейинги ойдан ўтган кунларни қўшиб, йиғиндини икки жойга ёзган. Остидаги сонни 11 га кўпайтириб, кўпайтмага 686 ни қўшган. Йиғиндини унинг остига ёзиб, 403 963 га бўлган. Бўлинмани ўртадагига қўшиб, йиғиндини 703 га бўлган. Натижада, бўлинмада унаратра ноқис кунлари ҳосил бўлган. Буни юқоридагидан айирганда, тулуй аҳаргана қолган.

Бу усул умумий равишда берилган эди, ўша киши берилган вақтни аниқроқ ечилишини истаб қўшимча ҳисобларни орттириб, асосий йўлни ўз ҳолича қолдирди. Лекин «Каранасара» муаллифи эса [Дурлабҳа] усулидан бошқа йўл танлашни ман этган. [Афсуски, китобидан] олинган таржималар бузук ҳолда етиб келган: уларнинг баён этишга арзийдиганлари куйидагилардир.

Шакакала йилидан 821 айирилса, айирмада асос қолади. У бизнинг мисолимизда 132 дир, буни уч жойга ёзиб, биринчисини 132 даражага кўпайтирилади, кўпайтмаси бизнинг йилимиз мисолида 17 424 дир. Иккинчиси 46 дақиқага кўпайтирилса, 6072 чиқади. Аммо учинчи рақамни 34 га кўпайтирганда 4 488 ва буни 50 га бўлганда дақиқалар ва унинг кетидан келадиган улушлари чиқади; улар эса 89'46". Кейин юқорида ёзилган даражалар йиғиндисига 112 қўшилади. Йиғиндилар юқорига кўтарилса, сониялар дақиқаларга, дақиқалар даражаларга кўтарилади, даражалар эса айланаларга айлантирилади. Натижада, 48 айлана 358°41'45" ҳосил бўлади. Бу эса Қуёшнинг Ҳамалга кириш вақтида Ойнинг ўртача узунлама даражасидир.

|| (230) Кейин ойнинг ўртача даражаси 12 га бўлинса, кунлари чиқади. Даражадан қолганлари 60 га кўпайтирилиб, йиғиндисини 12 га бўлинса, *ҳатилар*

ва шу усул давомида кейингилари [кичиклари] чиқади. Чикарилганлар  $27^{\circ}23'29''$  адҳимаса кунларидир<sup>1073</sup>.

Шубҳасизки, бу биздаги адҳимасадан ўтганларидир. Муаллиф миқдорларни топишда шундай йўлни олган: ойнинг биз зикр этган сонини, яъни  $132^{\circ}46'34''$  ни 12 га бўлганда<sup>1074</sup> йил ҳиссаси  $11^{\circ}3'52''30'''$  ни ҳосил қилган. Ундан ой ҳиссаси  $0^{\circ}55'19''24'''10''''$  бўлади. Бу ҳиссадан бирлашиш муддати 30 кун ҳисобланади. Натижада 2 йил, 8 ой, 16 кун, 4 гҳати ва 45 чашака чиқади. Кейин, асосни 29 га кўпайтирганда 3828 чиқади, бунга 20 қўшилиб, йиғинди 36 га бўлинганда унаратра кунлари келиб чиққан. Бироқ ҳисоблашнинг изидан охирига бормай, ўз ҳолича қолдирдим. Чунки битта адҳимасага мос унаратра кунлари  $15 \frac{7887}{10622}$  кун бўлади.

### LIV БОБ. САЙЁРАЛАРНИНГ ЎРТАЧА ҲОЛАТЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ ҲАҚИДА

Сайёраларнинг калпадаги ёки чатурюгадаги даврлари саноғи ва қанча давр ўтгани маълум бўлса, ундаги ҳамма кунларнинг ҳамма даврлар саноғига нисбати унда ўтган кунларнинг ўзларига тегишли даврлари саноғи нисбати-га тенгдир. Бу ҳолда умумий амал усули бундай: калпадан ёки чатурюгадан ўтган кунлар сайёранинг ёки апогейнинг, ёки тугуннинг ундаги даврларига кўпайтирилади ва кўпайтма калпанинг ёки чатурюганинг ҳамма кунларига бўлинади. Иккови калпа ёки чатурюга воситаси билан ҳисобланганда ҳам умуман бутунлардан ва қолдиқдан иборат даврлар саноғи чиқади. Бутунлари кераксиз бўлганидан ташланиб, қолдиғи 12 га кўпайтирилади ва кўпайтма калпа ёки чатурюганинг ҳамма кунларига бўлинади. Шунда буржлар саноғи чиқади. Кейин қолдиқ 30 га кўпайтирилиб, кўпайтма ҳалиги бўлувчига бўлинса, даражалар ҳосил бўлади. Қолдиқ 60 га кўпайтирилиб, кўпайтма ҳалиги бўлувчига бўлинса, дақиқалар ҳосил бўлади, бундан кейинги кичик миқдорларни топиш лозим бўлса, шу ҳозирги тартибда бўлиш давом эттирилади. Бу чиққан бурж, даража, дақиқалар у сайёранинг ёки апогейнинг, ёки тугуннинг ўртача тезлигидаги ўрнидир [ўртача узунламасидир].

Буларни Пулиса ҳам ёзган. Лекин унинг усули бошқачароқ, яъни: бутун даврлар чиққанидан кейин қолдиғи 131 493 150 га бўлинса, ўртача буржлар ҳосил бўлади, кейин қолдиқ 4 383 105 га бўлинса, даражалар келиб чиқади. Навбатдаги қолдиқнинг 4 марта кўпайтирилганини 292 207 га бўлинса, дақиқалар аниқланади. Бундан кейин қолдиқ 60 га кўпайтирилса ва кўпайтма бундан кейинги сонга бўлинса, сониялар ҳосил бўлади. Бу бўлишни исталганча [кичик – учинчи, тўртинчи... миқдорларни топиш учун] давом эттириш мумкин. Натижада изланган ўртача узунлама ҳосил бўлади.



Мана бунда, унга яъни Пулисага бутун даврлардан қолдиғини 12 га кўпайтириб, кўпайтмани чатурюгадаги кунларга бўлиш зарур бўлган. Демак, ҳисоблаш шу чатурюгага асосланган. Лекин бунинг ўрнида чатурюга кунларига бўлинганни 12 га бўлди. Шунда у юқорида айтган учта сондан биринчиси дир.

|| (231) Кейин бутун буржлардан қолдиқни 30 га кўпайтиришга ва кўпайтмани илгариги бўлувчига бўлиши лозим эди; лекин бундай ҳисоблаш ўрнига биринчи соннинг 30 га бўлинганини бўлди. Бўлинма эса иккинчи сондир. Шу равишда, даражанинг қолдиғини иккинчи соннинг 60 га бўлинганда чиқадиган бўлинмага бўлишни истади. Лекин у бу амални бажарганида, натижа 73 051 чиқар эди. Кейин буни аралаш касрга айланттириш учун бутунни 4 га кўпайтирди. Шундай тартиб учун кейинги қолдиқни ҳам 4 га кўпайтирди. Лекин аввалгидек, бутун сон чиқмаганидан сўнг 60 га кўпайтиришга ўтди.

Агар биз, бу усулни Браҳмагупта йўли билан калпага қўлласак, даврлардан қолдиқни бўладиган биринчи сон 131 493 037 500 дир. Буржлардан қолдиқни бўладиган иккинчи сон 4 383 101 250 дир, учинчиси 73 051 687 дир. Бундай бўлишда қолдиқ қолади. Буни икки бараварланса, 146 103 375 га айланади. Бу сонга қолдиқнинг икки маргаси бўлинади.

*Калпа* ва *чатурюгада* кунлар сони кўп бўлганидан, Браҳмагупта ҳисоблашни осонлаштириш учун калиюгани асосга олди. Аҳаргананинг аввалги айтилган усулини калиюгадаги тарихга ишлатишда сайёранинг калпадаги даврлар саноғини кунларига кўпайтирилади ва кўпайтмага асос, яъни калиюга бошига тўғри келган даврлар қолдиғи қўшилади. Йиғинди калиюгадаги тулуий кунлар 157 791 645 га бўлинади. Бўлинмадаги тўлиқ даврлар сони олиб ташланади. Кейин қолдиғи билан илгариде кўрсатилган тартибда ҳисоб давом эттирилиб, натижада, сайёранинг ўртача ўрни ҳосил бўлади<sup>1075</sup>.

Айтилган асослар қуйидагилардир<sup>1076</sup>:

Миррихники	4 308 768 000
Уторидники	4 288 896 000
Муштарийники	4 313 520 000
Зухраники	4 304 448 000
Зухалники	4 305 312 000
Қуёшнинг апогейиники	933 120 000
Ойнинг апогейиники	1 505 952 000
Кўтарилувчи тугунники	1 838 592 000.

Калиюга бошида Қуёш ва Ой ўртача тезликда Ҳамал бошида 0° да бўлган ҳамда улар орасида айирма бўлмаган.

Аммо юқорида эслатилган зижларда ушбу усул бор: «Аҳаргана, яъни сайёра сана кунлари йиғиндиси, ҳар бир ёриткич учун берилган сонга кўпайтирилиб,

кўпайтма берилган соннинг иккинчисига бўлинади. Шунда бўлинма ўртача ҳаракатини тугал даврлари ва кейинидан келадиган касри ҳосил бўлади. Баъзида ҳисоблаш шу иккови [кўпайтириш ва бўлиш] билан тугатилади, баъзида эса аниқроқ ечиш учун яна сананинг кунларига қайтилади. Кейин унга бўлинади ёки маълум сонга кўпайтирилиб, иккинчи сонга бўлинади ва бўлинмани биринчи натижа билан бирлаштирилади. Баъзида маълум сонлар асос деб фараз қилиниб, у сон Ҳамал бошидаги ўртача ҳаракатга асосланиб, сайёранинг санага мос ўртача ҳаракатини топиш учун мақсадга мувофиқлаб кўшилади ёки айирилади. Бу усул «Кҳандакҳадяка» ва «Карана-тилака» китобларидандир. Лекин «Карана-сарада» сайёраларнинг баҳорги тенгкунлик учун ўртача ўрни ҳисобланиб, аҳаргана ўша вақтдан бошлаб саналган. Бу усуллар жузъий бўлиб, жуда кўплигидан, воқифсизлиги туфайли ҳикояси узоққа чўзиладиган бўлганидан уларни ёзишнинг фойдаси йўқ. Сайёралар ҳолатларини ва бошқаларни ҳисоблаш масаласи шу ерда тўхтатилади. Чунки бундай амаллар китобимизга алоқадор эмас.

## LV БОБ. САЙЁРАЛАРНИНГ ТАРТИБИ, УЛАРНИНГ МАСОФАЛАРИ ВА ЎЛЧАМЛАРИ ҲАҚИДА

Локалар ҳақида гапирганда орбиталар тартибида Қуёш Ойдан пастда бўлиши керак, деган фикр «Вишну-пурана»дан ва «Патанжали» шарҳидан олиб айтилган эди. Бу эса уларнинг миллий диний фикридир. Айниқса бу фикр «Матсия-пурана»да яққол ифода этилган:

«Осмоннинг Ердан масофаси Ернинг ярим диаметри қадардир. Қуёш ҳамма сайёрадан пастда; Ой ундан юқори. Ой манзиллари ва унинг юлдузлари Ойдан юқоридадир; ундан юқорида Уторид, кейин Зухра, кейин Миррих, кейин Муштарий, кейин Зуҳалдир. Бундан кейин Катта Айиқ юлдузлари, кейин юқорида Кутб юлдузидир. Кутб юлдузи осмонга туташган. Юлдузлар саноғини санашга инсоннинг имконияти йўқдир». Бу фикрни ёқловчиларнинг таъкидлашларича, Ой Қуёш яқинига келиши билан кўринмай қолади, бу эса чироқ ёруғлиги Қуёш олдида сезилмай қолгани сингаридир. Қуёш ундан узоқлашган сари ёруғлиги зоҳирроқ бўлиб боради<sup>1077</sup>.

Энди, Қуёш, Ой ва бошқа юлдузлар ҳақидаги китоблардан уларнинг тавсифларига оид фикрлар ҳақида тўхталиб ўтамиз. Гарчи булар ҳақида жуда кам маълумотга эга бўлсак ҳам, кейин уларни астрономик фикр билан таққослаймиз.

|| (232) «Ваю-пурана»да бундай дейилган: «Қуёш шар шаклидадир, табиати олов бўлиб, мингта шуълага эга. Мана шулар орқали сувни ўзига тортиб, ундан 400 таси ёмғир, 300 таси қор ва 300 таси ҳаво учун кетади».

Китобнинг бошқа жойида бундай дейилган: «Шуълалардан бир бўлаги девларнинг фаровонлик билан яшашлиги, баъзиси инсоннинг ўзига зарур нарсалар билан кун кечириши ва баъзиси ота-боболар учундир». Бошқа яна бир жойида «Ваю-пурана» муаллифи Куёш шуълаларининг йилнинг олтидан бир қисмига бўлингани айтилган. Унда бундай дейилган: «Йилнинг Хут бошидан бошланган учдан бир бўлагида нурларнинг 300 таси Ерни ёритади – иситади. Кейинги учдан бирида ёмғир ёғдириш учун 400 таси ва қолган учдан бирида 300 таси дўл ва қор ёғдириш учундир».

Унда яна бундай дейилган: «Куёш нурлари ва шамол сувларни денгиздан Куёшга томон кўтардилар. Агар улар Куёш олтидан томса эди, илик ёмғирга айланган бўлар эди. Лекин Куёш сувни совитиб томдириш учун Ойга узатади. Шу билан олам жонланади».

Унда, яна бундай дейилган: «Куёшнинг иссиқлиги ва ёруғлиги олов иссиқлиги ва ёруғлигининг тўртдан бирига тенг. Шимолда нурлари кечаси сувга тегиб, уни қизартиради».

Унда яна: [оламда] «Азалдан тупроқ, сув, шамол ва осмон бўлган. Брахма тупроқ остидаги оловни кўриб қолиб, уни юзага чиқарган ва уч бўлакка бўлган. Бир бўлаги одатдаги олов бўлиб, у ёғочларга керак бўлган ва у сув билан ўчирилган, иккинчи бўлаги Куёш, учинчиси чакмоқ бўлган. Жониворларда ҳам олов бор, лекин у сув билан ўчирилмайди. Албатта, Куёш сувни ўзига тортади. Чакмоқ ёмғир оралиғида ялтиллади. Жониворлар ва ўсимликлардаги олов рутубатлар орасида ёйилган бўлиб, уларга овқат бўлади», дейилган<sup>1078</sup>.

Ҳиндлар худди осмон жисмлари буғлар билан овқатланади, дегандай бўлади. Аристотель ҳам шундай фикрнинг қайси бир халқда борлигини айтган. «Вишну-пурана» муаллифи Ой ва бошқа ёриткичлар Куёшдан ғизо олиб турадилар, агар Куёш бўлмаганда эди, битта ҳам юлдуз, фаришта ва одам ҳам бўлмас эди», деб аниқ ёзган<sup>1079</sup>.

Уларнинг эътиқодига кўра, осмон жисмларининг ҳар бири шар шаклида, табиати суюқ бўлиб, ўзидан ёруғлик чиқармайди. Куёш эса улар орасида табиати олов бўлиб, ўзидан ёруғлик чиқариб, рўпарасидаги бошқа юлдузларни араз билан ёритиб туради. Ёриткичлар бўлиб кўринадиганлар ҳақиқатда юлдузлар эмас. Улар мартабаси юқорилашган, осмоннинг энг юқорисидан тиниқ курсиларда жой олган одамлардан тарқалувчи нурлардир. «Вишну-дҳарма»да шундай дейилган: «Юлдузлар суюқликдан иборат, Куёш шуъласи уларни кечаси ёритади. Яхши ишлар қилган одам энг юқори ўринни эгаллаши лозим бўлганидан аршда ўтиради. Ёруғлик бергани туфайли уларни юлдузлар, деб ўйлайдилар».

Ҳамма юлдузлар тара деб аталган: бу тарана, яъни ўтувчи ва кечма [маъносидаги] сўздан олинган. Аммо ўша авлиёлар дунёдаги ёмонликларни кечириб, неъматга етишганлар, юлдузлар эса айланма ҳаракатда осмондан ке-

зиб ўтганлар<sup>1080</sup>. Накшатра номи Ой манзилларидаги юлдузларга нисбатан қўлланилади. Турғун ёритқичлар деб аталган ҳамма юлдузларга ҳам накшатра номи берилган, унинг маъноси «ортмас» ва «камаймас» демакдир<sup>1081</sup>. Аммо ўйлаймизки, бу ортиш ва камайиш сўзлари улар саногининг ва бири-бирига нисбатан оралигининг ўзгармаслигига қаратилган. Лекин ўша китоб [«Вишну-дҳарма»] муаллифи Ойда бўлгани каби, ёруғ юзанинг ортишини ва камайишини айтган.

Кейин, у Маркандеянинг ушбу сўзларини келтирган: «Калпа тугалмасдан илгари ҳалок бўлмайдиган юлдузлар сони бир нахарабга, яъни 100 000 000 000 га тенг. Калпа тугашидан олдин, турғун юлдузлар саногі маълум эмас. Уни фақат юқорида бир калпа давомида яшаган кимсагина билиши мумкин, холос».

Важра бундай деган: «Эй Маркандея, сен тўлиқ олти калпа яшадинг, ҳозиргинг эса еттинчи калпадир. [Шунча яшаб] нега улар [саногини] била олмадинг?»

У жавоб берган: «Агар турғун юлдузлар ҳозирги ҳолатларида қола берсалар, [яшаш] муддатларича ўзгармасалар, мен уларни таниган бўлардим, лекин яхшиларининг доимо юқорига чиқишлари ва бошқаларининг [Ерга] тушишлари бўлиб туради; шунинг учун ҳам уларни танишим қийин».

Энди, Куёш ва Ойнинг диаметрлари ва улар соялари катталигига келсак, бу ҳақда «Матсия-пуранада» шундай дейилган: «Куёш жисмининг диаметри 9000 йўжана, Ой диаметри ундан икки марта катта ва Бошники эса икковининг йиғиндисига тенг»<sup>1082</sup>. «Ваю-пурана»да ҳам шундай дейилган, бироқ Бош ҳақида унда айтилгани шу: «Куёш билан бўлганда катталиги Куёш қадар, Ой билан бўлганда Ой қадардир».

|| (233) Бошқа муаллиф Бош ҳақида: «У 50 000 йўжана» деган, аммо сайёралар диаметри ҳақида «Матсия-пурана»да бундай дейилган: «Зухра айланаси Ой айланасининг ига тенг. Муштарий айланаси Зухра айланасининг ига тенг; Зухал ва Миррихнинг ҳар бири айланаси Муштарий айланасининг ига тенг; Уторид айланаси Миррих айланасининг ига тенг»<sup>1083</sup>. «Ваю-пурана»да ҳам шундай.

Аммо турғун ёритқичлар ҳақида иккала китобда «катта юлдузлар айланаси Уторид айланасига тенг дейилган. Ундан кичикроғиники 500 йўжана; кейин 100 тадан кичиклашиб, 200 гача келади; 150 дан кичиги бўлмайди»<sup>1084</sup>. Охириги сўз «Ваю-пурана»да айтилган. Лекин «Матсия-пурана»да эса бундай дейилган: «Кейин 100 гача кичрая бориб, 100 га етади, лекин ярим йўжанадан ками бўлмайди». Гумонимизча, булар нусха кўчиришда юзага келган хато бўлса керак.

«Вишну-дҳарма» муаллифи Маркандея сўзлари билан айтади: «Абхжит – ан-Наср ал-Воқий, Ардра – Шиъра ал-Ямония, Роҳини – Ал-Дабаран ва Пунарвасу – Жавзонинг икки боши; Пушия, Ревати, Агастия – Канопус.

Катта Айиқ, Ваюнинг Эгаси, Ахирбудҳния Эгаси ва Васиштҳа Эгаси – булар ҳаммасининг айланаси – беш йўжанадир, бошқа ҳар бир юлдузники тўрт йўжанадир. Масофалари ўлчамсиз бўлган юлдузлар айланаси тўрт йўжанадан икки қуруғгача, яъни икки милгачадир; икки қуруғдан кам бўлганни одам кўра олмайди, уларни паризодлар кўради»<sup>1085</sup>.

Ҳиндларнинг ёритқичлар катталиги ҳақида ўзларининг назарияси бор бўлиб, бирор машҳур одамга таянилмаган. Ўша назарияга кўра, Қуёш ва Ой ҳар бирининг диаметри 67 йўжанага тенг;

Бошники – 100;

Зухраники – 10;

Муштарийники – 9;

Зухалники – 8;

Миррихники – 7 ва Уторидники – 6 [дейилган].

Булар ҳаммаси ҳиндларнинг бу соҳадаги ноаниқ фикрларидан билиб олишга улгурганларимиздир. Энди булардан ҳинд астрономларининг бу масаладаги фикрларига келсак, улар билан ёритқичларнинг жойлашиш тартиби борасида бизлар билан уларнинг қарашлари орасида хилоф йўқ. Чунончи бизда ҳам улар каби Қуёш ўрталикда бўлиб, Зухал ва Ой икки чеккададир. Турғун ёритқичлар улардан юқорида. Бу тартиб масаласида илгари сўзлар орасида айтилган.

Вараҳамиҳира ўзининг «Самҳита» номли китобида шундай деган: «Ой доимо Қуёшдан пастда Қуёш нурлари унга тушади ва Ой жисмининг ярмини ёритади, иккинчи ярми қоронғи бўлади. У офтобга қўйилган кўвача сингари сояга эга; Қуёшга қараган ярми ёруғ бўлиб, қарамаган ярми қора бўлади. Ойнинг асли суюқлик бўлиб, юзига тушган нурларни сув ва ойна сингари ўзидан акс эттиради.

Ой Қуёш билан «бирлашганда» унинг нариги ёғи оқ [офтобли] бўлиб, биз томони қора бўлади. Кейин Қуёшдан узоклаша бориб, оқ томони биз тарафимизга бурилади»<sup>1086</sup>.

Ҳиндларнинг мунажжимлари, ҳатто диншунослари ҳам, Ойнинг Қуёшдангина эмас, балки ҳамма сайёралардан қуйида [Ерга энг яқин] бўлганига ишонади. Юлдузларнинг масофалари ҳақида бизга етиб келган хабарларидан бири Яъқуб ибн Торикнинг «Фи таркиб ал-Афлок» номли китобида зикр қилингандир. У бу [маълумотни] 161 ҳижрий йилда бир ҳинддан эшитиб фойдаланган экан. [Биринчи мартаба] у ўлчов бирликларини аниқлаган. Шунда у бир бармоқ эни олтига арпанинг ёнма-ён терилиб қўйилганига тенг, деган, бир зираъ эса 24 бармоқ, бир фарсах 1600 зираъга тенгдир.

Кейин Яъқуб бундай деган: «Ер диаметри 2100 фарсах ва айланаси  $6596\frac{9}{25}$  фарсах». Шу асосда у ёритқичларнинг масофаларини топган; биз уларни қуйидаги жадвалда кўрсатдик. Унинг Ернинг ўлчамлари ҳақида айтганлари

билан ҳиндларнинг фикрлари бир-бирига мувофиқ эмас. Масалан, Пулисага кўра, унинг диаметри 1600 йўжана, айланаси –  $5026 \frac{14}{25}$  йўжана. Браҳмагуптача эса, диаметри 1581 йўжана ва айланаси 5000 йўжана.

Агар биз бу сонлардан ҳар бирини икки мартаба кўпайтирсак, Яъқуб ёзганига тенг келиши керак эди, лекин [аслида] тенглашмайди. Аммо зираъ ва мил миқдорлари бизларда ва уларда бир хил.

|| (234) Бизнинг ҳисоблашимизча, Ер радиуси 3 184 мил. Мамлакатимизда одатда қабул қилганимиздек, бир фарсахни уч мил десак, даври 6 728 фарсах бўлади. Агар Яъқуб ёзганидек, бир фарсахни 16 000 зираъ деб олсак, у ҳолда 5 046 чиқади. Агар 32000 зираъ бир йўжана десак, у 2523 йўжана ҳосил бўлади.

Яъқуб китобидагилар қуйидаги жадвалда кўрсатилган:

Ёриткичлар	Уларнинг Ер марказидан масофалари ва диаметрлари	Вақт ва жой ўзгаришларига қараб ўзгарувчи масофаларнинг фарсахлардаги шартли миқдори. Бир фарсах 16 000 зираъ (газ) дейилганда миқдорлари	Уларнинг ўзгармайдиган, яъни бир деб қабул қилинган Ер радиусига асосланган миқдорлари
	Ернинг ярим диаметри	1050	1
Ой	Энг кам масофа Ўртача масофа Энг катта масофа Ой диаметри	37 500 48 500 59 000 5 000	35 6/7 46 4/21 56 4/21 4 16/21
Уторид	Энг кам масофа Ўртача масофа Энг узок масофа Уторид диаметри	64 000 164 000 264 000 5 000	60 20/21 156 4/21 251 3/7 4 16/21
Зухра	Энг кам масофа Ўртача масофа Энг катта масофа Зухра диаметри	269 000 709 500 1 150 000 20 000	256 4/21 675 5/7 1095 5/21 19 1/21
Қуёш	Энг кам масофа Ўртача масофа Энг катта масофа Қуёш диаметри	1 170 000 1 690 000 2 210 000 20 000	1114 2/7 1609 11/21 2104 16/21 19 1/21
Миррих	Энг кам масофа Ўртача масофа Энг катта масофа Миррих диаметри	2 230 000 5 315 000 8 400 000 20 000	2123 17/21 5061 19/21 8000 5/21 19 1/21

Муштарий	Энг кам масофа	8 420 000	8019 1/21
	Ўргача масофа	11 410 000	10866 2/3
	Энг катта масофа	14 400 000	13714 2/7
	Ой диаметри	20 000	
Зухал	Энг кам масофа	14 420 000	13733 1/3
	Ўргача масофа	16 220 000	15447 13/21
	Энг катта масофа	18 020 000	17161 19/21
	Зухал диаметри	20 000	19 1/21
Буржлар сфераси	Ташки диаметри	20 000 000	
	Ички ярим диаметри	19 962 000	19047 13/21
	Ташки айланаси	125 664 000	1866 2/3

|| (236) Бу назария Птолемей, масофалар ҳақида ёзган «Китоб ал-маншурот»<sup>1087</sup> дагига муҳолифдир. Буни қадимги астрономлар ва ҳозиргилар тан олган. Ҳиндлар принципига кўра, ҳар бир ёритқичнинг энг ортиқ узоқлиги катта масофаси унинг тепасидагининг энг кичик масофасига тенг.

Шу қарашга кўра, икки сфера орасида уларни айланиб туришига имкон берувчи ўқ сингари тутиб турувчи бўлиб, айланиш шунинг атрофида бўлади. Демак, улар эътиқодига кўра, эфир ичида оғирликка эга бўлган нарса бор, у ичкаридаги сферада туриб ташқарисидаги сферани тутиб – кўтариб туради.

Билим аҳллари орасида шундай фикр бор, у ҳам бўлса шуки, юқоридаги ёритқичларни пастдагилардан ажратиш [яъни, паст ва баландлигини билиш] мумкин эмас: агар бири иккинчисини бекитиб ўтадиган бўлса ёки параллакслар сезилса, [шуларга асосланиб узоқликларини] билиш мумкин. Лекин бекитиш [ҳодисасининг] бўлиш эҳтимоли жуда оз; Ойдан бошқаларининг параллакслари сезилмайди.

Шунинг учун [масофаларни билишда] ҳиндлар сайёрлар бир хил тезликда ҳаракат қиладилар турли хил масофалардир, деб фараз қилиб [улар масофалар топмоқчи бўлганлар]. Шу фаразда, юқоридагиси [узоқдагиси] секин ҳаракатланаётганга ўхшаб кўринадиган ва сфераси кенг – катта, аммо пастдагисининг сфераси кичик бўлади. Масалан, Зухал сферасининг бир дақиқа узунлиги Ойникининг 262 дақиқасига тўғри келади. Шунинг учун уларнинг фикрига кўра, икковининг ҳаракат тезлиги баробар бўлса ҳам, кезган вақтлари ҳар хилдир.

Вараҳамиҳира ҳисобига кўра, [Ердан] Куёш масофаси 2 598 900, турғун юлдуз масофаси эса 321 362 683 дир. Пулиса эса унинг биринчиси дақиқалар билан, кейингиси йўжаналар деган. Шу билан бирга у яна шундай деган: «Турғун юлдузлар масофаси Куёш масофасидан 60 марта катта». Шунга кўра, турғун юлдузлар масофаси 155 934 000 дир.

Ҳиндларнинг ёриткичлар масофаларини ҳисоблашдаги биз ишора қилиб ўтган усули бир асосга қурилган. У асос, Аллоҳ менга уларнинг китоблари таржимасини осонлаштиргунича, [ҳиндлар ҳақидаги ҳозирги] билимимга кўра менга номаълумдир.

Бу асос шундан иборатки, Ой орбитасидаги бир дақиқа ёй узунлиги 15 йўжана. Лекин бу асоснинг моҳияти Балабҳадранинг изоҳланмай айтилган ушбу сўзлари билан ёритилмайди: «Кузатишлардан маълумки, Ой жисмининг уфқига келиб, усти кўринган пайтдан ҳаммасининг кўздан йўқолгунича ўтган вақтдаги сфера айланасининг  $[0^\circ] 32'$  га тенглиги топилган». Ҳолбуки, кузатиш билан даражаларни аниқлаш мураккаб; дақиқаларни аниқлаш эса ундан ҳам мураккаб.

Кузатиш билан ҳиндлар Ой жисми диаметрининг 480 йўжаналиги топилган. [Бу сон ойнинг] жисм дақиқаларга бўлинганда бир дақиқа ҳиссаси 15 йўжана, бу сон айланадаги минутлар сонига кўпайтирилганда эса 324 000 ҳосил бўлган. Бу сон Ойнинг бир марта айланишида кезган йўли – орбитаси айланаси узунлигининг йўжанада ифодаланганидир. Бу сон Ойнинг калпа ёки чатурюга ичидаги айланишлари сонига кўпайтирилса, у даврларнинг ҳар бир давомида ўтган йўли узунлиги чиқади. Браҳмагупта фикрига кўра, калпа муддатида 18 712 069 200 000 000 йўжана бор. Браҳмагупта буни эклиптиканинг йўжаналари деб олган. Маълумки, бу сон бир сайёранинг калпа ичидаги айланишлар саноғига бўлинса ва у сайёранинг бир айланиш саноғига бўлинса, ўша сайёранинг бир айланиши учун ўтган йўли узунлигининг неча йўжана эканлиги келиб чиқади. Бўлинма сайёра сферасининг ўтган йўлидир. Браҳмагуптага кўра, диаметрнинг айланага нисбати, тахминан, 12 959 нинг 40 980 га нисбатидек бўлгани учун сайёра сферасининг йўли узунлигини 12 959 га кўпайтириб, кўпайтмани 81 960 га бўлса, чиққан сон радиуси ёки сайёранинг Ердан масофаси бўлади.

|| (237) Биз Браҳмагупта назариясига асосланиб, ҳамма сайёралар масофасини ҳисоблаб, натижани ушбу жадвалга жойлаштирдик<sup>1088</sup>.

Ёриткичлар	Ҳар бир ёриткич сферасининг айланаси йўжанада	Уларнинг, радиуси, яъни Ер марказидан узоклиги, йўжанада
Ой	324 000	51 229
Уторид	$1043210 \frac{1561237670}{2242124873}$	164947
Зухра	$2664629 \frac{1627580383}{1755597373}$	421 315



Куёш	$4331497 \frac{1}{2}$	684 869
Миррих	$8146916 \frac{82430924}{1148414261}$	1 288 139
Муштарий	$51374821 \frac{548089^{1089}}{72845291}$	8 123 064
Зуҳал	$127668787 \frac{25236237^{1090}}{73283649}$	20 186 186
Турғун юлдузлар. Уларнинг Ер марказидан масофаси Куёшнинг шундай масофасидан олтмиш марта катта	259889850	41092140

Пулиса чатурюга билан ҳисоблагани сабабли Ой сфераси масофасининг чатурюгадаги даврлари саноғига кўпайтирилса, 18 712 080 864 000 йўжана ҳосил бўлади. Бу сонни у «осмон йўжанаси» деб атаган. Бу эса Ойнинг бир чатурюга ичида ўтган йўлининг узунлигидир.

Пулиса таъбирига кўра, диаметрнинг айланага нисбати 1 250 нинг 3 927 га нисбати кабидир. Ҳар бир сайёранинг сфераси айланасининг узунлиги 625 га кўпайтирилса ва кўпайтма 3 927 га бўлинса, у сайёранинг Ер марказидан бўлган масофаси келиб чиқади. Илгариги жадвалдаги сонларни ҳисоблаб чиқиш сингари ишларни Пулиса йўлига мувофиқ қилиб, ҳосилларни жадвалда кўрсатдик. Радиуслар миқдорини ёзишда яримдан кичик касрни олиб ташладик: ортик бўлса, бутунга бирни кўшдик. Бундай ҳисоблаш соннинг аниқ бўлишлиги даврлардаги ҳаракатларни ҳисоблашда зарурдир.

|| (238) *Калтадаги* ёки *чатурюгадаги* осмон йўжанаси ўртача куёш кунларига бўлинса, 11 858 бутун чиқади ва Браҳмагуптача  $\frac{25498}{35419}$ , Пулисача  $\frac{209554}{292207}$  қолдиқ каср қолади. Бу чиққан сон Ойнинг бир кунда ўтган йўли узунлигидир, ҳамма сайёраларнинг ҳаракати бир хил бўлганлиги учун демак, бу ҳар бир сайёранинг бир кунда қанча йўжана ўтган йўлидир. Бунинг кунлик йўли узунлигининг орбитаси узунлигига нисбати, кунлик ҳаракати ёйининг айлана ёйига, яъни  $360^\circ$  га нисбатидекдир. Ҳамма сайёраларга умумий бўлган ҳаракат  $360^\circ$  га кўпайтирилиб ва кўпайтма берилган сайёранинг йўжанада ифодаланган айланасига бўлинса, ўртача бухти, яъни кунлик ўртача тезлиги чиқади.

Ўритқичлар	Ўритқичлар сфераларининг айланалари узунлиги <i>йўжаналарда</i>	Ўритқичларнинг Ер марказидан масофаси, <i>йўжаналарда</i>
Ой	324 000	51 566
Уторид	$1043211 \frac{573}{1993}$	166 033
Зухра	$2664632 \frac{90232}{585199}$	424 089
Қуёш	$4331500 \frac{1}{5}$	690 295
Миррих	$8146937 \frac{18163}{95701}$	1 296 624
Муштарий	$51375764 \frac{4996}{18211}$	8 176 689
Зухал	$127671739 \frac{27301}{36641}$	20 319 542
Турғун юлдузлар: Қуёшнинг Ер марказидан масофаси булар масофасининг	259 890 012	41 417 700

|| (239) Ой диаметри дақиқалари айланаси дақиқаларига, яъни 21 600 га нисбати, Ой йўжаналари, яъни 480 йўжананинг бутун сфера айланаси йўжаналари нисбатига тенгдир. Шундай нисбатлар Қуёш диаметри дақиқаларига татбиқ қилиниб, Браҳмагуптагача унинг йўжанаси 6 522, Пулисага кўра 6 480 бўлган. Пулиса Ой диаметрини 32' деб олган. Бу сонни 2 ларга 1 чиққунча бўлиб борган. Бўлинмалар сайёраларнинг дақиқалари бўлган. Шунга кўра, у дақиқаларнинг ярми [16'] Зухраники [8'] Муштарийники, чорагининг ярми [4'] Уторидники, саккиздан бирнинг ярми [2'] Зухалники, саккиздан бирнинг чораги [1'] Миррихники деган. У шундай тартибни дуруст деб ҳисоблаган. Лекин Зухранинг диаметри кўринишича, Ой диаметрининг ярми эмас; Миррихники [Зухранинг] саккиздан бирининг ярми эмас.

Қуёш ва Ой жисмларини ҳисоблаш ҳар қандай вақт учун уларнинг Ердан масофаларига асосланган бўлиб, бу унинг орбитаси диаметридан иборат; буни иккала ўритқич учун тузатишларни ҳисоблашда топилади.

*AB* Қуёш жисми диаметри ва *CD EP* диаметри бўлсин; *CDH* Ер сояси конуси, *HL* унинг ўқи бўлсин. *BD* параллел қилиб *RC* ни чизамиз. У ҳолда *AR AB* билан *CD* унинг айирмасидир, *CT* чизик эса Қуёшнинг Ердан ўртача ма-

софаси, яъни осмон йўжанасига асосланиб ҳисобланган орбитасининг радиусидир.

Куёшнинг бу кўринма ярим диаметри ўртачадир, чунки у доимо ўзгариб туради; у бундан узун ҳам, қисқа ҳам бўлган. *СК* ни чизамиз; бу эса синус қисмлари ёрдамида топилади. Бунинг *СТ* га, яъни тўла синусга нисбати *СК* йўжананинг *СТ* йўжанага нисбати кабидир. Бу нисбатлардан кўринма ярим диаметр йўжанага айлантирилади.

*АВ* йўжананинг *СК* йўжанага нисбати *АВ* дақиқанинг *СК* дақиқага яъни тўла синусга нисбати каби. *АВ* эса сферанинг дақиқалари билан маълумдир. Чунки тўла синус айлана миқдорига асосланиб ҳисобланади. Шунинг учун Пулиса бундай деган:

«Куёш ёки Ой сфераси радиуси йўжанасини ҳақиқий ярим диаметрига кўпайтиринг, кўпайтмани тўла синусга бўлинг. Куёш учун чикқанини 22 278 240 га, Ой учун чикқанини эса 1 650 240 га бўлсангиз, бўлинма ҳисобланувчи жисмнинг диаметри дақиқалардир».

Кейинги икки сон икки ёриткич Куёш ва Ойнинг йўжанада ифодаланган диаметрларининг тўла синус сони 3 438 га кўпайтмасига тенг.

Брахмагупта ҳам бу ҳисоблаш усулини маъқуллаб, шундай деган: «Ёриткич йўжанасини тўла синус сони 3 416 га кўпайтиринг, бу тўла синус дақиқаларидир, кейин кўпайтмани унинг сфераси радиусига бўлинг». Лекин бу каби бўлиш усули тўғри эмас, чунки бундай жисм миқдори ўзгармайди.


Зижларимизда жавзаҳр сферасининг ўлчаш дейилган соя диаметрини топиш учун Браҳмагупта шундай деган: «Ер диаметри йўжанаси 1 581 ни Куёш диаметри йўжанаси 6522 дан айиринг. Қолдиқ 4 941 бўлувчи деб ёдда сақланувчи бўлиб, шаклдаги *AR* дир. Кейин Ер диаметрини, яъни икки бараварланган тўлиқ синусини, Куёшнинг диаметрига, яъни Куёш ҳолатини тузатишда ҳисобланадиган ҳақиқий масофа йўжаналарига кўпайтиринг. Кўпайтмани ёдда сақлаган бўлувчига бўлинг. Шунда бўлинма тузатилган диаметр, яъни соя учининг ҳақиқий масофаси чиқади».

Учбурчаклар *ARC* ва *CDH* бир-бирига тенг, чунки перпендикуляр *СТ* миқдори ўзгармасдир. *АВ* миқдори аслида ўзгармаса ҳам, у масофанинг мавжудлиги уни ўзгартиради. *СК* ўша масофа бўлсин.

Бир-бирига параллель бўлган *AJ* ва *RV* чизикларни чизамиз; яна *АВ* га параллеллаб, *JKV* ни чизамиз. Бу чизик ёдда сақланган *AR* га тенг. *JCM* чизик чизамиз. Бунга берилган *М* нуқта шу вақтдаги соя конусининг учи бўлади.

|| (240) Ёддаги *JV* нинг ҳақиқий масофа *СК* га нисбати Ер диаметри *CD* нинг тузатилган ҳақиқий диаметр дейилган *ML* га нисбати кабидир. Бундан кейингиси эса синус бўлаклари билан топилади. Чунки *КС...*<sup>1089</sup>.

Бизнинг фикримизга кўра, бундан кейинги матнда айрим сўзлар тушиб қолган бўлса керак. Чунки муаллиф шундай дейди: «Уни [яъни, бўлинма *КС*



ни] Ер диаметрига кўпайтиринг. Кўпайтма Ер маркази билан соя ўртасидаги масофа дир. Бундан Ойнинг ҳақиқий масофасини айириб, айирмани Ер диаметрига кўпайтиринг. Кўпайтмани [соя учининг] ҳақиқий масофасига бўлинг; бўлинма соянинг Ой сферасидаги диаметридир. Энди Ойнинг ҳақиқий масофаси  $LS$  деб фарз қилсак,  $FN$  сферасининг бир қисми бўлиб,  $LS$  унинг радиуси бўлади.

$LM$  синуснинг дақиқалари бўлгани учун унинг тўла синуснинг икки мартасига тенг бўлган  $CD$  га нисбати синус дақиқаларидан иборат бўлган  $MS$  нинг синус дақиқаларидан иборат  $XZ$  чизигига нисбати кабидир.

Ўйлаймизки, Браҳмагупта соя учининг тузатилган масофаси  $LM$  ни йўжанага айлантиришни хоҳлаган. Буни эса Ер уни диаметри йўжанасига кўпайтириш билан ва кўпайтмани тўла синуснинг икки мартасига бўлиш билан амалга ошириш мумкин. Асл нусхада бу охириги бўлиш сўзи тушиб қолган. Чунки соя учи тузатилган масофасини Ер диаметрига кўпайтириш бутунлай ортиқчадир, яъни ҳисоблашда бунга эҳтиёж йўқ. Шунингдек, агар  $LM$  йўжанада сони маълум бўлса, яъни ҳақиқий масофаси йўжанада маълум бўлса,  $MS$  ни ҳам шу миқдор билан ифодалаш мумкин бўлади. Шундай қилиб соя диаметри ҳам йўжана билан ифодаланади.

Браҳмагупта яна бундай деган: «Кейин тўлиқ синус ёрдамида топилган сояни кўпайтириб, чиққанини Ойнинг ҳақиқий масофасига бўлинг. Чиққани изланган соя дақиқалари бўлади».

Агар топилган соя йўжанада топилган бўлса, уни тўла синуснинг икки бараварига кўпайтириши керак эди, кўпайтмани эса Ер диаметрининг йўжанаси сонига бўлганда, соя дақиқалари ҳосил бўлар эди. Лекин у йўжанада ифодаланишни бажармаган. У шундай сояни топдики, соя жойлашган доиранинг [ $L$  дан узоклиги] радиуси  $LS$  – тузатилган диаметр дир; буни ҳисоблашга радиуси тўла синусга тенг бўлган доирага эҳтиёж бор.

Натижа  $ZX$  нинг ҳақиқий масофа  $LS$  га нисбати, изланган миқдор  $ZX$  нинг  $LS$  га нисбати кабидир.

Бунга пропорцияга асосланиб, у йўжанага айлантирилади.

Браҳмагупта яна бошқа жойда шундай деган: «Ер диаметри 1 581, Ой диаметри 480, Қуёш диаметри 6 522, соя диаметри 1 581. Ер йўжанасини Қуёш йўжанасидан айирсангиз, 4941 қолади. Бу қолдиқни Ойнинг ҳақиқий масофасига кўпайтиринг, ҳосилни Қуёшнинг ҳақиқий масофаси йўжанасига бўлинг ва чиққан сонни 1 581 дан айиринг. Қолдиқ Ой сферасидаги соя миқдоридир. Сўнгра бу сонни 3 416 га кўпайтириб, ҳосилни Ойнинг сфера-

сининг ўрта радиуси йўжанасига бўлсангиз, соя диаметрининг дақиқалари, чиқади».

Маълумки, Ер диаметри йўжанаси Қуёш диаметри йўжанадан айирилса,  $AR$ , яъни  $JV$  қолади. Чизик  $ICF$  ни чизинг ва перпендикуляр  $CK$  ни 0 гача давом эттиринг. Ортиклик  $JV$  нинг Қуёш ҳақиқий масофаси  $CK$  га нисбати  $ZF$  нинг Ойнинг ҳақиқий масофаси  $OC$  га нисбатидек; бу икки ҳақиқийлар йўжанага айланса ҳам, айланмаса ҳам, барибирдир, чунки йўжана миқдори билан чиқади.

$OF$  га тенглаб  $XN$  чизамиз; бу ҳолда  $ON$  албатта диаметр  $CD$  га тенг бўлади. Топилиши керак бўлган миқдор  $ZX$  дир; бу эса чиққан миқдорни Ер диаметридан айирганга тенг.

|| (241) Бу ҳисоблашлардаги камчиликни муаллиф Браҳмагуптага туҳмат қилмай, нусха кўчиришда хато юз берган дейиш мумкин. Хатоли бўлса ҳам буни бекор қилмаймиз, чунки тўғри ёзилгани бизда йўқ. Сояси деб олган унинг миқдори [аниғидан] кичикдир, у ўртача миқдор бўла олмайди, негаки ўртачаси энг кичик билан энг ортиқ оралиғида бўлади<sup>1090</sup>. Иккинчидан ортиқчани тушириш билан соянинг катталарини ҳосил қилиш ҳам мумкин эмас. Ҳолбуки,  $ZF$  кам миқдор бўлиб,  $CF$  томонга эга бўлган учбурчакнинг асосидир. Бу соя учи томонда бўлмай, Қуёш томонидаги  $SL$  га учрашади. Шунинг учун  $ZF$  ҳам сояда бўлмай, балки нуқсоннинг Ой диаметрида бўлиб қолади. Кейин йўжанада ҳосил  $ZX$  нинг Ой ҳақиқий сфераси  $SL$  йўжанага нисбати дақиқаларнинг тўла синус  $SL$  га нисбатидек, шу [пропорция] воситасида изланганнинг аниқ миқдори Ой сферасининг ўртача радиусига бўлинмай ҳосил бўлади ва осмон сфераси йўжанасидан ҳисоблаб топилади.

Ҳиндларнинг Қуёш ва Ой диаметрларини ҳисоблаш уларнинг «Кҳандакҳадяка» ва «Карансара» каби зиждларида ҳисоблашларига келсак, бундай ҳисоблаш зижида<sup>1091</sup> ҳам бор. «Кҳандакҳадяка»даги соя диаметрини ҳисоблаш усули ҳам Ал-Хоразмий зиждидагидекдир.

Лекин «Карансара»да ёзилишига кўра: «Ой бҳуктиси 4 га ва Қуёш бҳуктиси 13 га кўпайтирилади; иккала кўпайтма айирмаси 30 га бўлинса, соя диаметри келиб чиқади».

Аммо «Кҳандакҳадяка»да Қуёш диаметрини ҳисоблаш учун: «Қуёш бҳуктиси иккига бўлиниб, ярми икки жойга ёзилади. У икковидан бири 10 га бўлиниб, бўлинма иккинчи жойдагига кўшилади; йигинди Қуёш диаметрининг дақиқаларидир» дейилади.

Ой диаметрини ўлчаш учун бҳуктиси ёзилиб, унга шу бҳуктининг ни кўшилади; йиғинди 25 га бўлинса, Ой диаметрининг дақиқалари чиқади.

Соя ҳақида ёзилишига кўра: «Қуёш бҳуктисини 3 га кўпайтириб, кўпайтмадан унинг  $\frac{1}{24}$  ини айириш керак. Қолдик Ой бҳуктисидан айирилади: қолдикнинг икки баравари 15 га бўлинса, Жавзаҳр дақиқалари келиб чиқади».

|| (242) Агар биз ҳиндлар зижларида бўлганларнинг ҳаммасини кўчириб олсак, мақсадимиз чегарасидан ташқарига чиқиб кетади. Шунинг учун биз улардан мавзуимизга боғлиқ бўлган энг қизиқарлиларини олишга ҳаракат қилдик.

## LVI БОБ. ОЙ МАНЗИЛЛАРИ ҲАҚИДА

Ҳиндлар Ой манзилларидан худди буржлардан фойдалангандек, фойдаланишади. Эклиптика буржлар билан ўн иккита тенг бўлакка бўлинганидек, у Ой манзиллари билан 27 та тенг бўлакка бўлинади ва ҳар бир манзилнинг ҳиссаси даражаларда  $13\frac{1}{3}$  даража, дақиқаларда 800 дақиқа бўлади. Сайёра-лар бу манзилларга киради ва ташқарисига чиқа олади, яъни шимол ва жануб томонга ўтиб, кенгламаларини ўзгартириб боради. Астрологик жиҳатдан буржларнинг сифати, табиати, далолати ва хосияти бор бўлганидек, ҳар бир манзилнинг ҳам ўзига хос махсус хосияти бордир.

Мазкур соннинг олинишига сабаб шуки, Ой бир мартаба айланишидаги йўлини  $27\frac{1}{3}$  кунда кезади, бунда  $\frac{1}{3}$  ни олиш мумкин. Бу эса худди араблар Ойнинг ғарбда биринчи марта кўринганидан бошлаб, шарқда энг кейин кўринганича ўтган вақтни олганига ўхшайди.

Ҳисоблаш усули қуйидагича: Қуёшнинг битта қамарий ойда кезадиган йўлига бир айланани  $[360^\circ \text{ ни}]$  кўшиб, йиғиндидан Ойнинг икки кундаги — миҳоқдаги<sup>1092</sup> юрган йўлини айириб, қолдиқни Ойнинг бир кунда юрган йўлига бўлинса, натижа  $27\frac{2}{3}$  дан ортиқроқ чиқади, бундаги касрни 1 га яхлитлаб ҳисоблаш лозим.

Лекин араблар бу каби ҳисоблашларнинг урдасидан чиқолмайдилар<sup>1093</sup>. Шунинг учун улар сонга ва кўз билан кўрганларига суяниб иш олиб боришади. Чунки улар кўз билан қарашдан бошқа воситаларга эга бўлмаганлари сабабли турғун юлдузлари бўлмаган Ой манзиллари чегарасини била олмаганлар. Ҳиндлар ҳам араблар сингари, ёруғ юлдузлари бўлмаган манзиллар чегарасини белгилай олишмайди. Ҳиндларда, манзилларга кирувчи айрим юлдузлар арабларда кирмайди, лекин араблар Ой билан бирлашган ёки яқинлашадиган юлдузлардан фойдаланиб, Ой йўлидан узоқда бўлганларига эътибор беришмайди.

Ҳиндлар эса [Ойдан узоқда], ҳатто унга рўпара турувчи ва Ой билан битта оғиш чизигида бўлган юлдузларни ҳам эътиборга оладилар. Наср ал-Вокиъ<sup>1094</sup> юлдузини манзиллар жумласига киритиб, улар [манзиллар] сонини 28 та деб олганлар. Бу масалада астрономларимиз ва анво китоблари муаллифлари нотўғри фикрга келишган. Уларнинг фикрига кўра, ҳиндларда манзиллар сони

28 та дейилган, лекин битта манзил Куёш шуъласи ичида бўлиб яширинганидан, уни ҳисобдан чиқариб ташлашган. Улар гўё хиндлардан, Куёш турган манзил – қуювчи, қучоғига олиниб ўтилгани айрилувчи ва энди ўтиладигани тутунланувчи деб айтилганини эшитишган. Муаллифларимиздан баъзиси Зубанай [юлдуз]ини [ўша манзиллар қаторидан] туширилганини очик айтиб, бунга Мезон охири билан Ақраб бошидаги қуювчи йўл ҳолатини сабаб қилиб кўрсатган. Уларнинг тахминларига кўра, хиндлар 28 та манзил борлигини айтиб, сўнгра биттасини олиб ташлайдиган бўлишган. Аслида эса бундай эмас, чунки хиндларда манзиллар 27 та бўлиб, гоҳо унга [биттани] қўшадилар.

Брахмагуптанинг айтишига кўра, «Веда» китобида [шундай ёзилган]: «Меру тоғида турувчи икки Куёш ва икки Ойни ҳамда 54 манзилни кўради, яна у ерда кунлар саноғи ҳам икки марта ортиқ бўлади». Браҳмагупта бу фикрнинг нотўғрилигини айтиб, шундай деган: «Биз қутбий соҳадаги Балиқ юлдузининг бир кунда икки марта айланишини кўрмай, биттасини кўрамиз»<sup>1095</sup>.

Бирор юлдуз жойини ёки манзиллардан бирининг ихтиёрий даражасини ҳисоблаш усули: юлдузнинг Ҳамал бошидан масофаси дақиқаларга айлантдирилади. Кейин у 800 га бўлинса, бўлинмада ўтган бутун манзиллар ёйи келиб чиқади, қолдиги эса ўтилаётган манзилнинг ўтилган қисмига тенг. Аммо 800 га нисбати олинишига келсак, у, албатта, ё иккала сон дақиқаларда, ё иккови даражада ифодаланган бўлиши керак<sup>1096</sup>, ё даражалар 60 га кўпайтирилиб, дақиқалар йиғиндиси 800 га бўлиниши керак. Бўлинма манзилнинг шу онгача ўтилган қисмини кўрсатади, чунки ҳар бир манзил олтишдан бир деб ҳисобланади.

Бу усуллар Ой, сайёралар ва бошқа юлдузлар учун умумийдир. Ойнинг фақат ўзига хос [иш усули] бор: қолдикнинг 60 га кўпайтмаси Ойнинг бҳуктисига бўлинса, бўлинма қамарий куннинг қанча қисми [накшатраси] ўтганини кўрсатади.

|| (243) Ҳиндлардан бирортасининг манзилларга тегишли юлдузларни амалий равишда қўли билан бизга кўрсатиб берадиганини кўришга муваффақ бўлолмадик. Манзиллардан кўплари ҳақида маълумотларни тўплаб, уларни бир-бирига солиштириш йўли билан жиддий текширишлар натижасида «Ой манзилларини аниқлаш ҳақида»ги рисолаи манзиллар юлдузларининг жойлари узунламаси ва кенгламасини ҳамда улар саноғини «Кҳандакҳадяка» зижидагига мувофиқлаб билишни осонлаштириш учун уларни қуйидаги жадвалда келтирамиз<sup>1097</sup> [матннинг 243–244-бетларидаги жадвалга қаранг].

|| (245) Ҳиндларда юлдузларга эътибор бермаслик, [асбоблар воситасида] кузатишда тажрибалари ва ўлчовлари оз бўлганидан турғун юлдузлар ҳаракати борасида уларда тўғри фикр йўқ. Улар юлдузларнинг ўзларига хос ҳаракати борлигини билишмайди. Масалан, Вараҳамиҳира «Самҳита» номли китобида бундай деган: «Реватидан тортиб Миргаширшагача бўлган олти

манзилда кузатиш ҳисоблашдан илгарироқдир. Яъни бу манзиллардан ҳар бирига Ойнинг кириши кузатишга кўра ҳисобланган олдинроқ юз беради.

Ардрадан бошланиб Анурадҳагача бўлган 12 манзилда ярим манзилча хатолик бор, яъни кузатишга кўра Ой манзил ўртасида турганда ҳисоблашга кўра эса манзил бошида эканлигини кўрсатади.

Жиештҳадан бошланган Уттара-бҳадрападагача 9 та манзилда кузатиш ҳисоблашдан кечикади, яъни кузатишга кўра Ой ҳар бир манзилга энди кираётган бўлса, ҳисоблашга кўра эса манзилдан ўтиб, кейингисига кираётган бўлади».

Бу келтирганларимиз ҳиндлардаги мазкур аҳволнинг ноаниқлигини исботлаш учундир. Вараҳамиҳиранинг, масалан, мазкур олти манзил жумласидан бўлган аш-Шаратанни «кузатиш уни ҳисоблашдан илгари бўлади», деган сўзи ўзларига эҳтимол зоҳир эмасдир. Бу икки юлдуз замонимизда Ҳамалнинг учдан иккисидадир<sup>1098</sup>. Вараҳамиҳира замони бизникидан қарийб 526 йил илгари бўлганидан юлдузлар ҳаракати назарияси бўйича у иккала юлдуз жойи Ҳамалнинг учдан биридан [яъни, узунламаси  $10^\circ$  дан] ортик эмас.

Куёш ва Ой жойлари тўғри берилган, деб фараз қилинса, у ҳолда унинг кўрсатган жойи билан бизнинг кўрсатганимиз орасидаги айирма  $8^\circ$  бўлади. Агар Ой у иккита юлдузга яқин бўлганда биринчи манзилнинг тахминан учдан иккисида бўлса, у вақтда кузатиш жойи ҳисобланганидан қанча олдинда бўлган? Бошқа манзиллар ҳақида ҳам шуларни айтиш мумкин.

|| (243) Албатта, ҳар бир манзилдаги юлдузлар жойларини ўзаро ўзгартирмайдилар. Лекин манзиллар катталики жихатидан кенг ва тор соҳаларни ишғол этган. Шундайлиги қадимги ҳиндларнинг ёзишларида Катта Айиқ юлдузлари ҳақида ҳикоя қилганимизда кўрсатилган. «Уттара» – кҳанда-кҳадяка, яъни «Кҳандаҳадякани тузатиш» китобида Браҳмагупта бундай деган: «Манзиллардан баъзиларининг катталиги Ойнинг бир кунлик ўртача ҳаракатидан ярми қадар ортик. Яъни,  $19^\circ 45' 52'' 18'''$  қадар бўлганлари ҳам бор. Улар олти манзилдир, номлари қуйидагича: Роҳини, Пунарвасу, Уттара-пҳалгуни, Вишакҳа, Уттара-ашадҳа ва Уттара-бҳадрапада. Йиғиндиси  $118^\circ 35' 13'' 48'''$ . Олтитаси қисқалари бўлиб, буларнинг ҳар бири Ойнинг бир кунлик ўртача ҳаракатининг ярмига тенг; демак, манзил катталиги  $6^\circ 35' 17'' 26'''$ . Уларнинг номлари: Бҳарани, Ардра, Ашлеша, Свати, Жиештҳа ва Шатабҳишаж. Йиғиндиси  $39^\circ 31' 44'' 36'''$ . Қолган 15 тадан ҳар бири Ойнинг кунлик ўрта ҳаракати [йўлига], яъни  $13^\circ 10' 34'' 52'''$  га тенгдир. Булар йиғиндиси  $197^\circ 38' 43''$ . Бу уч хил йиғиндиларнинг йиғиндиси  $355^\circ 45' 41'' 24'''$ , демак, бутун даврга тўлиш учун  $4^\circ 14' 18'' 36'''$  қолади. Бу эса тарк этилган Абҳижит, яъни Ан-Наср ал-Воқий ўрнидир»<sup>1124</sup>.



Манзил-лар рақами	Ой манзил-ларининг номлари	Юлдуз-лар			Узулмаси			Кенгласи			Юлдузларга ишорат ва уларни таърифлаш
		Бурж-лар	Даража-лар	Дақиқа-лар	Кисм-лар	Дақиқа-лар	Кисм-лар	Кенгласи тарифи	Дақиқа-лар	Кисм-лар	
1	Ашвини	2	0	8	0	0	10	0	0	Шимолӣ	аш-Шаратан <sup>109</sup>
2	Бхарани	3	0	20	0	0	12	0	0	Шимолӣ	ал-Бутай <sup>100</sup>
3	Криттика	6	1	7	28	0	5	0	0	Шимолӣ	ас-Сурайё <sup>101</sup>
4	Роҳини	5	1	19	28	5	0	0	0	Жанубӣ	ал-Дабиран <sup>102</sup> , Савр бошидаги юлдузи билан
5	Миргашира	3	2	3	0	0	5	0	0	Жанубӣ	ал-Ҳакъа <sup>103</sup>
6	Ардра	1	2	7	0	0	11	0	0	Жанубӣ	Номаълум; эҳтимол, аш-Шуъба, аш-Шамиядир <sup>104</sup>
7	Пунарвасу	2	3	3	0	0	6	0	0	Шимолӣ	аз-Зирёъ <sup>105</sup>
8	Пушиа	1	3	16	0	0	0	0	0	Узулмаси йўк	ан-Насра <sup>106</sup>
9	Ашлеша	6	3	18	0	0	6	0	0	Жанубӣ	Номаълум <sup>107</sup> ; эҳтимол, Саратоннинг икки юлдузи ва ундан ташқаридаги түрт юлдузлар
10	Магха	6	4	9	0	0	0	0	0	Узулмаси йўк	ал-Жабха <sup>108</sup> билан яна икки юлдуз
11	Пурва-пхалгуни	2	4	27	0	0	12	0	0	Шимолӣ	аз-Зубра <sup>109</sup>
12	Утгара-пхалгуни	2	5	5	0	0	13	0	0	Шимолӣ	Ас-Сарфа <sup>110</sup> аз-Зафиранинг 3-юлдузи
13	Ҳаста	5	5	20	0	0	11	0	0	Жанубӣ	Қарга юлдузларидан <sup>111</sup>
14	Читра	1	6	3	0	0	2	0	0	Жанубӣ	ас-Симақ ал-Аъзал <sup>112</sup>
II (244) 15	Сваги	1	6	19	0	0	37	0	0	Шимолӣ	ас-Симақ ар-Ромиҳ <sup>113</sup>
16	Вишака	2	7	2	5	1	30	0	0	Жанубӣ	Номаълум <sup>114</sup> .
17	Анурадха	4	7	14	5	3	0	0	0	Жанубӣ	Ал-Иқлил, бошқа юлдуз билан <sup>115</sup>
18	Жишгха	3	7	19	5	4	0	0	0	Жанубӣ	Ақраб қалби, ёнидаги – Ниёт юлдуз билан <sup>116</sup>
19	Мула	2	8	1	0	9	30	0	0	Жанубӣ	аш-Шава <sup>117</sup>
20	Пурва-ашадха	4	8	14	0	5	20	0	0	Жанубӣ	ан-Наъом ал-Варида <sup>118</sup>
21	Утгара-ашадха	4	8	20	0	5	0	0	0	Жанубӣ	ан-Наъом ас-Садра <sup>119</sup>
22	Абҳижит	3	8	25	0	62	0	0	0	Шимолӣ	Ан-Наср ал-Воқеъ <sup>120</sup>
23	Шравана	3	9	8	0	30	0	0	0	Шимолӣ	Ан-Наср ат-Таир <sup>121</sup>
24											
23	Дханишгха	5	9	20	0	36	0	0	0	Шимолӣ	Номаълум; Делфин бўлса керак <sup>122</sup>
24											
25	Шагабхи-шаж	1	10	20	0	0	0	18	0	Жанубӣ	Номаълум; эҳтимол, Сувчининг сонидоги юлдузлар <sup>123</sup>
24											
26	Пурва-бхалпада	2	10	26	0	24	0	0	0	Шимолӣ	Номаълум
25											
27	Утгара-бхалпада	2	11	6	0	26	0	0	0	Шимолӣ	Эҳтимол Катта От юлдузлари бўлса керак
26											
28	Ревати	1	0	0	0	0	0	0	0	Узулмаси йўк	Номаълум; эҳтимол, икки балиқ орасидаги Пахта ипининг айрим юлдузларидир
27											

|| (246) Ҳиндларнинг турғун юлдузлар ҳаракати ҳақида хабардорликларининг озлигини Вараҳамиҳиранинг «Самҳита»сидаги сўзи кифоя этарлик даражада кўрсатади. Унда у бундай деган: «Қадимгиларнинг китобларида ёзилишига кўра, ёзги қуёш туриши Ашлеша ўртасида ва қишқиси эса Дҳаништха бошида бўлади. Бу ўша замонлар учун тўғри, лекин ҳозирги вақтларда қуёш туришларидан ёзгиси Саратон бошида ва қишқиси Жадий бошида бўлади. Кимки бунга шубҳаланса ва қадимгиларнинг бу масалада айтганлари бизнинг айтганимиздек эмас, деб ўйласа, ёзги қуёш туриши яқинлашган кунда текис ерга чиқиб, битта айланани чизсин, марказига эса таёкни санчиб, уни уфққа тиклаб қўйсин. Шарқ ва ғарб томонлардан бирида сояси учи айланага тегиб ўтган нуқтани нишонлаб қўйсин. Эртасига худди шу вақтда у ерга бориб, илгаригидек кузатиш ишини бажарса, соя учининг айланадаги биринчи марта қилинган нишондан жануброқда айланага тегиб ўтишини билади. Демак, Қуёш бурилгунича шимолга томон ҳаракат қилиб бормоқда. Агар соя учининг шимол томонга силжиб боришини кузатса, демак, Қуёш жанубга томон ҳаракатидадир. Шундай кузатишларни бажариш давомида у Қуёшнинг экваторга томон бурилиш кунини билиб олади. Мана шу ҳол бизнинг айтганларимизни тасдиқлайди»<sup>1125</sup>.

Вараҳамиҳиранинг бу сўзи унинг турғун юлдузлар шарқ томонга ҳаракат қилишларини ҳисобга олмаганлигини кўрсатади. Турғун юлдузлар деб номланишига берилиб, Қуёш туриш нуқтаси ғарбга йўналади дейди, шундай ҳаёл туфайли у манзиллар ҳақида икки нарсани бир-бирига аралаштириб юборган. Энди биз шубҳани йўқотиш ва унинг фикрини танқид қилиш учун у икковини бир-биридан ажратайлик.

Қуёш ўзининг иккинчи ҳаракати билан экваторни кесган жойидан шимол томонга қараб эклиптика бошланади. Буржлардан ҳар бири эклиптиканинг олтидан бирининг ярмига тенг бўлганидан, Қуёшнинг ёзги туриши доимо тўртинчи буржнинг бошида воқе бўлади: қишқиси эса ўнинчи бурж бошида бўлади. Ҳар бир манзил эклиптиканинг тўққиздан бирининг учдан бирига тенг бўлиб, биринчи манзил биринчи буржнинг бошидан бошланганда ёзги туриш доимо еттинчи манзилнинг тўртдан бирида бўлади<sup>1126</sup>. Бу тартиб оламнинг мавжудлиги мударатида сира ўзгармайди.

Лекин манзилларнинг юлдузлар билан аталишига сабаб, албатта, уларнинг ўша номли юлдузларга тобе бўлиб, улар билан ҳаракат қилишларидандир. Ҳар бир манзил ўзи турган юлдузлардан илгариги замонларда муайян буржларда [даражаларда] бўлган. Кейин улардан кўча бориб, ҳозирги вазиятга келган. Келажакда ҳар бир манзил эклиптиканинг анча шарқий қисмини кезиб, кейин бутун эклиптика бўйлаб айланиб ўтади.

Масалан, ҳиндларнинг айтишларига кўра, Ашлеша манзилининг юлдузлари Саратон буржининг  $18^\circ$  ида бўлган. Демак, қадимгиларнинг айтганича,

[бахорги тенг кунлик нуқтасининг ғарбга] силжиб боришига мувофиқ ҳозирги вақтда 2 800 йил<sup>1127</sup> илгари, у Ашлеша тўртинчи бурж бошида бўлган; Саратон юлдузлари эса учинчи буржда жойлашган, Куёшнинг туриш нуқтаси ҳам шунда бўлган<sup>1128</sup>. Демак, туриш нуқтаси жойидан қўзғалмай, Вараҳамиҳира фикрига зид равишда, юлдузлар кўчган.

## LVII БОБ. ЮЛДУЗЛАРНИНГ ШАМСИЙ ТУЛУЪЛАРИ ВА ҲИНДЛАРНИНГ ШУ ПАЙТДА ЎТКАЗАДИГАН РАСМ-РУСУМЛАРИ

Ҳиндларда ёриткичларнинг ва янги Ой кўринишини белгилаш учун ишлатадиган усуллари, бизнинг «Синдҳинд» деб аталадиган зижларимизнинг айнан ўзидек. Юлдузнинг Куёшдан неча даража узокликда тулуъ қилишлари учун зарурий даража, *каланшака*<sup>1129</sup> деб аталади. «Фуррат аз – зижот» муаллифининг баёнига кўра, бу даражалар ушбулардан иборат: Суҳайл, Яман Сириуси, ан-Наср ал-Воқе, Айюк, Икки Симак ва Ақраб қалби учун бу 13° ал-Бутайн, Ҳақъа, ан-Насра, Ашлеша, Шатабҳишаж ва Реватилар учун – 20°, қолганлари учун 14° ҳисобланади<sup>1130</sup>.

|| (247) Бу масалада ёриткичлар уч гуруҳга бўлинади. Уларнинг бирданига эсга келадиган биринчи гуруҳига, юнонлар ҳисобига кўра, биринчи ва иккинчи катталиқдаги юлдузлар, иккинчи гуруҳига учинчи ва тўртинчи катталиқдагилар, охири гуруҳига бешинчи ва олтинчи катталиқдаги юлдузлар киради. Бундай бўлинишни Браҳмагуптанинг ўзи ҳам «Кҳандакҳадякани тузатиш»ида келтириши керак эди, лекин у бундай қилмади ва тахминан, ҳамма манзилларнинг кўриниши учун 14° қабул қилди.

Вижаянандин «Куёш тўсмайдиган ва ёруғлиги бекилмайдиган юлдузлар ҳам бор. Улар: Айюк, Симак ар-Рамах, иккала Насра, Дҳаништҳа ва Утгара – бҳадрападалардир. Буларнинг бекинмаслигига сабаб, кузатувчи шаҳарларининг географик кенгламасининг ортиқлиги билан баравар у юлдузларнинг шимолий кенглигининг катталигидир. Булар узок [шимолий кутбга яқин]да бўлганликларидан кечанинг бошидан охиригача кўринадилар», дейди.

Ҳиндларда Агаestia – Суҳайлнинг [Куёш ёруғлигидан] чиқишини ҳисоблаш усуллари бор. Улар қачон Куёш Роҳини номли манзил ичига ўтганда [Суҳайлнинг] кўринмай қолиб, Ҳаста манзилига ўтиши билан пайдо бўлишини кўрадилар. Пулиса шундай дейди: «Куёш апогейини икки бараварга кўпайтиринг, агар у [кўпайтма] Куёшнинг тузатилган узунламаси даражасига тенг бўлса, у вақт [Агаestia] нинг кўринмай қоладиган вақти бўлади».

Пулиса фикрига кўра, Куёш апогейи икки бурж ва яна учдан икки, яъни, [80°] дир. Унинг икки баробари Сунбуланинг учдан бирига, яъни [10°сига]

тўғри келади. У эса Ҳаста манзилининг бошидир. Апогейнинг ярми Саврнинг учдан бири [10°]да бўлади. У Роҳини манзилининг бошланишидир.

Аммо Браҳмагупта «Кҳандакҳадяка»ни тузатиш»да бундай деган: «Сухайлнинг ўрни Жавзонинг йигирма етти даражасига ва жанубий кенглиги 71° бўлагига тўғри келади. Унинг [Куёшдан] кўриниши эса ўн икки даражага тўғри келади. Мригавиядха<sup>1131</sup>, яъни Яман Сириуси Жавзонинг йигирма олтинчи даражасида 40° жанубий кенглигида бўлиб, кўриниш даражаси ўн учдир. Агар бу икки юлдузнинг туғилиш вақтини билишни истасангиз, Куёшни шу юлдуз ўрнида деб ўйланг ва кундузидан ўтганини кўриниш даражалари, деб ҳисоблаб, туғилувчи юлдузни шунинг ўрнида тутинг. Қачон Куёш туғилувчи даражасида пайдо бўлса, юлдуз биринчи марта кўринади. Ғойиб бўлиш кунини билиш учун юлдуз даражаларига олти буржни кўшиб, йиғиндидан унинг кўриниш даражаларини айириб, туғилувчини колдиқ ўрнида тутинг. Унинг даражасига кирса, ғойиб бўлган вақти бўлади».

«Самҳита» китобида баъзи юлдузларнинг кўрина бошлаши олдидан қилинадиган маросим ва қурбонликлар ҳақида ёзилган. Биз уларнинг фикрларини беришда улар қандай кўринишда ёзилган бўлса, ўшандай қилиб тўлиқ ҳолда таржима қиламиз.

|| (248) Вараҳамиҳира дейди: «Аввал Куёш тулуъ қилиб, зенитга етганида Виндҳия тоғи баланд жойи устидан ўтиб боришида тоғ унинг баландлигини менсимаслигини кўрсатиб, ўзининг улуғлигини кўрсатиш ва устидан Куёшнинг тезлик билан ўтишини тўхтатиш учун юкорига кўтарила бориб, Видиядҳара руҳлари турган жойига яқинлашади. Булар тоғнинг муаттарлиги, тозаллиги, боғу бўстонларнинг кўнгили очарлигини кўриб, унга ўрнашишга ошиқишиб, хурсандлик билан ўринлашади. Аёллари унга бориб келадиган ва болалари унда бир-бири билан ўйнашиб юрадиган бўлади. Агар шамол оқбадан қизларнинг кийимларига тегса, улар байроқдек ҳилпирайди. У тоғнинг камарларида шерлар ва йиртқич хайвонлар бўлиб, уларга «бҳрамара» номли кўп майда [пашша сингари] хашарот ёпишганидан қоп-қора бўлиб кўринади. Бҳрамаралар улар устига кўп йиғилишининг сабаби шуки, йиртқичлар ифлос панжалари билан баданларини қашиганларида, таналари кирланади ва улар озикланиш учун шунга уймалашади. Агар улар кутурган урғочи филларга ёпишсалар, улар бўғилдилар. Маймун ва айиқларнинг бу тоғ тепаларига чиқиб юрганини кўриб, гўёки улар осмондан озик олишга қасд қилган деб ўйлайсиз. У тоғнинг чангалларида зоҳидлар меваларини фахрланиб еб, қорин тўйдириб юрганларини кўриб, кўплигидан санай олмайсиз.

Варуна ўғли Агаestia, яъни Сув ўғли Сухайл тоғдаги шу аҳволни кўргач, ўз мақсадини ижро қилишда ўзининг бунга ёрдамчи бўлишини таклиф этди. Қайтиб келгунича ундаги қоронғиликнинг ўз ҳолича туришлигини айтди. Кейин денгизга томон йўл олиб, ундаги сувни симиради ва ниҳоят, дарё суви

курийди. Шундан сўнг Виндхия тоғи этаги кўриниб қолади. Макар ва сув жониворлари тоққа тирмашиб чиқиб, раҳналар, ўпконлар ясайди. Шу билан уларда сакланиб келган гавҳару марварид тошлар юзага чиқиб ялтиллаб бошлайди. Сўлиган дарахтлар яна тирилади, илонлар у ёк-бу ёкқа югуришиб, ўзича ўралиб, кулча бўлиб қолади. Сухайлнинг унга қилган зулми эвазига пайдо бўлган зийнатлардан фаришталар ўз тожлари ва тилла кош учун фойдаланадилар. Мана шунга ўхшаб денгиз суви тугаб, унинг ўрнига балиқларнинг питиллаб ярқиллаб кўриниши, гўзаллиги ва остидаги жавохирларнинг пайдо бўлиши, илон ва [денгиз] филлари эса денгиз тагида қолган кўлмак сувларга бориб келиб туриши мавжуд бўлган. Денгиздаги балиқ, шиллик, садафлар йилнинг олтидан бири шарада фасли куз пайтида юқори чикса, сувнинг юзини оқ нилуфар ўраб олган ҳавз деб гумон қилинади ва денгиз гавҳарлари уни гўёки юлдузлар билан зийнатланган осмондек қилиб кўрсатади. Унда кўп бошли илонлар Қуёшдан тортилган нурлар ипига ўхшаб шуъла-шуъла сингари, денгиздаги ярқиллаган оқ тошларнинг ҳар бири тўлин ойдек кўринади ва сувдан кўтарилган буғлар осмондаги булут билан аралашиб кетганлигидан осмон билан ерни айиролмай қолиш мумкинدير.

Шунчалик катта ишларни вужудга келтирган ва тожларини дур-жавохирлар билан зийнатлашга фаришталарни ундаган, денгиз билан Виндхия тоғини улар учун хазина қилиб берган мана шу Сухайлни мактамай иложимиз борми! Ахир унинг воситасида сувлар ер кирларидан, яъни ёмонлар билан ҳамсухбат бўлган яхшиларнинг дилларига ўрнашган кораликлардан пок ва тоза бўлдилар. Ҳар гал, Сухайл юлдузи кўпайишиб, дарё ва водийлардаги сувлар озайса, дарё ва ариқлар сувлари ўзларидаги ҳар хил оқ, қизил нилуфарларни, сув юзида сузиб юрган ҳар хил рангдаги ўрдак, ғозларни Ойга тақдим қилганини кўрасиз.

Қизил ўрдаклар дарёнинг икки лабида жуфт-жуфтлари билан туриши дарё ўрталаридаги оқ ўрдакларнинг овоз чиқариб сузишлари худди гўзал маҳбубаларнинг шодланиб кулганларида икки лаблари оралигидан садафдек тишлари кўринишини эслатади.

Мабодо келажакдаги варшакала селлари у ҳовузларга илонлар, заҳарли моддалар ва ифлосларни оқизиб келса ҳам, Сухайлнинг туғилиши уни ифлослардан тозалайди ва офатлардан қутултиради.

|| (249) Агар бир киши эшигининг ўзидагина Сухайлни эсласа, унинг азобланишига мувофиқ гуноҳлари ювилади, тили билан мактаса, савоблар топишга сазовор бўлади. Қадимги ришилар, Сухайл юлдузи туғилиши олдида лозим бўладиган қурбонликлар ҳақида гапирган. Мен уларнинг ҳикоясини подшоҳларга туҳфа қилиб ва у туҳфамни Сухайлга қурбон қилиб айтаман:

«Сухайлнинг туғилиши шарқдан Қуёшнинг ёруғлиги пайдо бўлиб, ғарбда кечанинг қоронғулиги тугамаган вақтида бўлади. Биринчи марта

пайдо бўлганида уни кўриш кийин бўлиб, қаровчи тезда топиб ололмайди. У вақтда уфқдан чиқар жойини астрономдан сўранг! Аргҳа деб аталган қурбонликни шу тарафга қаратиб қилинг! Гул, хушбўй райҳонлардан борларини ўша жойнинг шароитига қараб ерга ёзинг! У жойга хоҳлаганича олтиндан, кийимлардан ва денгиз жавохирларидан ташланг. Хўкиз ва сигирлар билан бирга хушбўй тутатки, заъфарон, сандал, мушк, кўп таом ва ҳолвалар келтиринг!

Билингки, ҳар ким тоза ният ва кучли ишонч ҳамда кўнгил қўйиш билан етти йил узилмасдан шуни қилар экан. Кшатрия бўлса, ер юзининг ҳаммасига, яъни тўрт тарафи денгизлар билан ўралганига подшоҳ бўлади. Бордию агар браҳман бўлса, муродига етади ва Ведани ўргангани ҳамда чиройли хотин олиб, ундан кўп яхши одобли фарзандлар кўради. Агар вайшия бўлса, жуда кўп ерга эга бўлади. Агарда шудра бўлса, моли кўп бўлади. Сўнгра уларнинг ҳаммаси офатлардан қутулиб, саломатлик ва хотиржамликда бўлиб, кўп савобларга етишади»<sup>1132</sup>.

Сухайлнинг қурбонлиги ҳақидаги Вараҳамиҳиранинг баён қилган сўзлари шулардан иборат. Аммо роҳини ҳақидаги ҳукмларга келсак, Вараҳамиҳира бундай дейди:

«Гарга, Васиштҳа, Кашияпа ва Парашаралар ўз шогирдларига айтишларига кўра, Меру тоғи олтин тахталардан ясалиб, унда гуркираб гуллаган хуш исли ҳар хил гул ғунчали дарахтлар ўсган, у дарахтлар устидан браҳманлар кулоққа ёқадиган хуш овозлари билан ҳар доим куйлаб, айланиб туришади. Деваларнинг нағмачи кизларини хурсандликка туширадиган нағмалар ва хуш овозлар, ўйинга туширадиган ўйинлар қилиб, доимий хурсандчилик билан бориб-келиб туришади. Бу тоғ Нанданавана водийсида жойлашган бўлиб, у жаннат бўстониدير. «Бир вақтларда Муштарий шу жойда бўлган», дейдилар. Ундан риши Нарада Роҳини ҳукмлари ҳақида сўраганда, у шундай баён қилиб берган. Мен ундан лозим бўлганларини ҳикоя қиламан:

|| (250) Ашадҳа ойининг қоронғи кунларида Ой [кулчасининг] Роҳини [манзили]га етиши кузатилиши керак. Шаҳарнинг шимол ёки шарқ тарафида бир баланд жойни топиб, подшоҳларнинг қимматбаҳо нарсаларига мутасадди бўлган браҳман шу жойга чиқиб ўт ёқади. Унинг яқинида сайёраларни, Ой манзилларини тасвирлайди. Уларнинг ҳар бирига лозим бўлган ўқишларни ўқийди. Кейин гулдан, арпадан, ёғдан насибасини бериб, уларни ўтга ташлаш билан рози қилиб, лозим ишларни адо қилади. Мумкин бўлган қадар, тўрт тарафига жавохирлардан ясалган кўзаларни ширин сувлар билан тўлдириб қўйиши керак. Бу ўша вақтда етишган мевалар, дарахтларнинг хўл шохлари ва ўтлар илдизининг ҳам атрофида бўлиши керак. Тўшак учун ўроқда ўрилган ўтларни ёйиш лозим бўлади. Сўнгра ҳар хил уруғликлар ва доналарни сув билан ювиб, ўртасига олтин қўйиб, бир идишга солинади ва бир чеккага қўйиб,

хома тайёрлайдилар. Бу эса Веданинг турли Варуна-мантра ва Сома-мантра томонларга мансуб бўлган мавзуларидан ўкиб туриб, арпа, ёғларни оловга ташлашдан иборатдир.

Шунда брахман дандани тикланади, у эса узун найза бўлиб, бошидан икки кокил [печга ўхшаш] осилади. Уларнинг ҳар бири найзага баробар бўлиб, иккинчиси уч баробар ортик бўлади. Буларнинг ҳаммасини Ой Роҳини манзилига етмасдан қилиш лозим. Агар етиб қолса, шамол эсиш замонларини ўлчаш учун ижтиҳод қилади. Шамолнинг эсишлари найзанинг осилган кокилидан билинади. Агар ўша кунда шамол тўрт тарафнинг ўртасидан эсадиган бўлса, яхшилик [нишони]дир. Икки томон оралиғидан кўзғалса, ёмонлик [нишони]дир. Агар ўзгармасдан бир тарафгагина кучли кўзғалиб турса, бу ҳам яхшилик [нишони]дир. Шамолнинг юриши куннинг ҳар бир саккиздан бирида ўлчаниб, ҳар бир саккиздан бири ойнанинг ярмига мосдир. Агар Ой Роҳини манзилдан чиқса, бир чеккага қўйилган уруғликка қаралади, ундан униб чиққани шу йилда тоза бўлади.

Шунда Ойнинг Роҳини манзилига яқин бўлган кунига қаралади, агар осмон очик бўлиб, ҳаво айнаса ва шамол зарар келтирадиган ҳолда кўзғалмаса, ваҳший ҳайвонлар ва қушлар табиатини яхшиласа, у [шамол]га яхши белги деб қаралади.

Булутни ҳам текшириб кўрилади. Агар булут қорин [шакли]нинг қатқатига<sup>1133</sup> ўхшаш ўркачлаб, ундан чакмоқ пайдо бўлиб, оқ нилуфар очилганидек очилса, Куёш шуъласидек ўраб олса, сурма ёки бҳрамара ва ёки заъфарондек турланиб турса ёки булут осмонни қоплаб олса, лекин орасидан олтиндек чакмоқ чақиб турса, худди келинларнинг ясанган кийими ёки кизил шафақдек турланиб, камалак айланиб олса ва агар момақалди роқ худди кичкириб турган товусдек гумбурласа ёки ичгани сув тополмай турган қушнинг осмондан ёккан ёмғирни кўриб севинганидек, ховузда сув кўпайиши билан қурбақаларнинг вақирлашлари ортганидек, дарахтзор атрофида ёниб турган олов ёруғлигида хуркишиб юрган ургочи филлар ва қўтослардек осмоннинг изтиробини кўрсангиз, булутлар ҳаракатланса ва дур, марварид, чиғаноқ ва музлар ялтираб гурганидек, Ой ёғдуси билан ёришса, буларнинг ҳаммаси ёмғирнинг кўп-кўп бўлиб, кенгчилик ва арзончилик келишидан нишонадир».

Варахамихира шундай дейди: «Брахман сув идишининг ёнида ўлтирганида юлдуз учиш, чакмоқ чақиш, яшин яшнаш, ҳаво қизариш, қуюн, зилзила ва дўл ёғиш, ваҳший ҳайвоннинг овоз чиқаришлари ёмонликка далил ҳисобланади.

Агар шимол томондаги кўзада сув ўзича камайса ёки тешиқдан сизиб чиқиб камайса, *шравана* ойида ёмғир бўлмайди, агар шарқ томондаги идишда камайса, *бҳадрапада* ойида ёмғир бўлмайди. Агар жануб томондаги идиш-

да камайса, *ашваюжа* ойида ёмғир бўлмайти. Агар гарб томондаги идишда камайса, *карттика* ойида ёмғир ёғмайти ва бордию, агар камаймаса, ёзги ёмғирлар мўл бўлади.

Шунингдек, бу кўзалар ҳам ҳар қайси каста учун кўрсаткичлар [вазифасини ўтай]ди. Масалан, шимолдаги кўза браҳманлар учун, шарқдаги кўза кшатрия учун, жанубдаги кўза вайшия учун, ғарбдаги кўза шудра учун белгиланади. Агар кўзага одамларнинг исмлари ва аҳволлари ёзилса, шу одамларга аталган кўзанинг синиши ёки сийқаланиши билан аниқланади».

|| (251) Аммо Свати ва Шравана ҳақида айтадиган бўлсак, унда ҳам Роҳинига берилган ҳукмлардек бўлади. «Ашадҳа ойининг ойдин кунларида Ой икки ашадҳа манзилнинг бирида, яъни Пурва ёки Уттарарада бўлса, Роҳинида бир жойни танланг! Шунда олтиндан тарози тайёрланг! Кумушдан бўлгани ўрта даражада бўлса, олтиндан бўлгани яхшироқдир. Агар улар мавжуд бўлмаса, хаяр номли ёғочдан ясанг! У гўёки кхадира ёғочининг ўзидир. Бунда ҳам бўлмаса, темирдан ясалган ўқнинг тиғидан ясанг! Энг кичик шайининг узунлиги бир қарич бўлиши керак, бунда қанча узун бўлса, яхши бўлиб, қисқаси яхши эмас. Унинг иплари тўртта, ҳар бир [узунлиги] ўн бармоқ, паллалари пахтадан тўқилиб, катталиги олти бармоқ бўлади. Тарозининг тошлари олтиндан бўлиб, у билан баробар миқдорда қудук суви, ховуз суви, анҳор суви, фил тиши, ҳайвонлар юнги, подшолар исми ёзилган олтин парчалар ва подшоҳдан бошқа одамлар ва ҳайвонларнинг номлари ёзилган ёки йиллар, кунлар, томонлар ва мамлакатларнинг номлари ёзилган металл парчалар тортилади.

Тортган вақтда шарққа қаранг, тарози тошини ўнг палласига қўйинг! Сиз ўқиб туриб, тарозига қараб шундай дейсиз: «Сен баробар тортувчисан! Сен – девасан ва деванинг хотинисан, сен Браҳма кизи – Сарасватисан! Сен ҳақ ва тўғрилиқни ошқора қиласан, сен тенглиқнинг ўзидан ҳам дурустроқсан! Сен шарқдан ғарбга ўтишда бир хилда кезувчи куёш ва юлдуздексан! Сен туфайли оламнинг интизоми тўғри бўлади. Фаришта ва браҳманларнинг ҳаммасида бўлган ростлик ва тўғрилиқни ўзингда бирлаштирасан. Сен Браҳманинг қизисан! Кашяпа – сенинг уй аҳлингдир».

Аммо бу тортиш иши кечкурун бўлсин, тортиб уни бир чеккага қўйинг! Эрта билан уни яна қайтадан тортиб турунг! Тортганингиздан ортиқ келса, шу йилда у пок ва макбул бўлади. Агар кам келса, ярамас ва мардуд бўлади. Тортишни ашадҳадагина қилмай, Роҳинида ва Сватида ҳам бажаринг! Йил адҳимаса бўлса, яъни бир ой иккинчи марта келганда тортиш тўғри келса, шу йилда тортиш ишини такрор қиласиз! Агар у йилнинг ҳукмлари мувофиқ бўлса, ҳукм шудир, агар мувофиқ бўлмаса, Роҳини талабига қараб бўлади. Чунки у ғолиброқдир»<sup>1134</sup>.



## LVIII БОБ. ОКЕАН СУВЛАРИ КЎТАРИЛИШИ ВА ҚАЙТИШИНING КЕТМА-КЕТЛИГИ ҲАҚИДА

|| (252) Океан сувларининг доим бир ҳолатда бўлиб туриши ҳақида «Матсия – пурана»да шундай ҳикоя қилинади: «Илк замонда ўн олти қанотли тоғ бўлган. Улар ҳавога кўтарилиб, уча олган. Ҳоким Индранинг шуълалари уларнинг қанотларини куйдирган ва улар пастга океан атрофига, ҳар тарафга тўрттадан йиқилиб тушганлар: шарқда – Ришабха, Балаҳака, Чакра, Майнака; шимолда – Чандра, Канка, Дрона, Сухма; ғарбда – Вакра, Вандхра, Нарада, Парвата; жанубда – Жимута, Дравина, Майнака, Маҳашайла. Учинчи билан тўртинчи шарқий тоғлар орасида океан сувини ичадиган Самвартака олови жойлашган; агар шу бўлмаса, дарёларнинг доимий куйилиб туриши билан океан тўлиб кетарди. Айтишларига кўра, бу олов уларга подшоҳ бўлиб турган Аурвага тегишли бўлган. У ҳали онасининг кўрсоғида эканлигида отаси ўлдирилган бўлиб, унинг мулкани мерос олган эди. У дунёга келиб, вояга етганида, отасининг тарихини эшитиб, фаришталарга ғазабланиб, уларни ўлдириш учун қиличини яланғочлади. Унинг бундай қилишига сабаб, инсонлар уларга сажда қилиб, яқин бўлишни хоҳлаган пайтда улар оламни сақлашда бепарволик қилганликлари эди. Шу онда улар тавба-тазарру қилиб, ундан меҳрибонлик қилишни сўрадилар. У ҳам чидаб туролмай, фаришталарга: «Ғазабим ўтини нима қиламан?» – деганида, улар океанга ташлашни маслаҳат бердилар. Океан сувини ичиб турадиган мана шу оловдир. Бошқалар бундай дейдилар: «Ҳоким Индра дарё сувларини булутга айлантириб, ёмғир қилиб юбориши жиҳатидан дарёлар океан сувини орттиролмайди»<sup>1135</sup>.

«Матсия-пурана»да айтилишига кўра, «Ой сиртидаги қора доғ шашалакша, яъни куён сурати демақдир. У бўлса ўн олти тоғ шаклининг ой юзидан акс этилишидир»<sup>1136</sup>.

«Вишну-дхарма» китобида эса шундай дейилган: «Ойни шашалакша дейилади, чунки у шар шакли суюқ жисм бўлиб, олдида келган нарса шаклини кўрсатувчи ойна сингари, Ер шаклини ўзига қабул қилиб, ўзида акс эттиради. Ердаги ҳар хил шаклли тоғлар, дарахтларнинг Ойдаги акси Куён сурати бўлиб кўринади. Яна уни мригаланчала ҳам дейилади, бу кийик сурати демақдир. Чунки баъзи одамлар Ойнинг юзидаги доғни кийик суратига ўхшатганлар»<sup>1137</sup>.

Ой манзиллари тўғрисидаги сўзларга қараганда, Ой манзиллари Пражапати кизлари бўлиб, Ой уларга уйланган<sup>1138</sup>, сўнгра уларнинг ҳаммасидан Роҳинини ортиқ кўрган ва унга жуда ишқивоз бўлган. Унинг сингиллари Роҳини танланишига чидолмай, ғайирлик қилиб, оталарига бориб, ойдан шикоят қилганларида, оталари ҳаммаларини баробар тутиш учун Ойга жуда кўп насиҳат қилса ҳам, таъсир қилмаганидан кейин уни қаргаган. Шундан кейин Ойнинг юзи доғ бўлиб қолган. Ой ўзининг қилганига пушаймон бўлиб ва

гуноҳига тавба қилиб, қайтиб келганда Пражапати шундай деган: «Оғзимдан чиққан сўзим битта, уни қайтариб бўлмайдди, лекин мен ҳар бир ойнинг ярмида расво бўлишингни бекитаман».

Ой буни эшитгач, «Ўтган гуноҳимнинг асари мендан қандай кетади?» – деб сўраганида, Пражапати: «Маҳадева санамга ибодат қилсанг, асари кетади», – деган. У айтганидек қилган. У бўлса Соманатҳ тошидир. Сома – ой, натҳа эса эга демақдир. Икки сўзнинг бирлашуви – Соманатҳ санамини султон Маҳмуд (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ҳижрий тўрт юз ўн олтинчи йилда буздириб ташлади ва устки тарафини синдириб, дуру гавҳар билан зийнатланган олтин зийнатларни ўзининг пойтахти Ғазнага олиб кетди. Баъзи бўлаклари Танешардан келтирилган Чакрасвамнининг жез санамини билан бирга Соманатҳ майдонига ташланган, баъзи бўлаклари эса шаҳар жоме эшигининг олдида қўйилган бўлиб, жомега кирувчилар оёқларининг лойини ва тупроғини суриб киришар эди.

Ҳинд океанидаги сувнинг кўтарилиши ва қайтишини ҳиндлар ўз тилларида бхарна [тошқин] ва вуҳара, дейдилар<sup>1139</sup>. Уларнинг назарида, денгизда вадаванала номли бир олов бор. У ҳамма вақт нафас олиб туради<sup>1140</sup>. Нафасини тортганда кирган ел билан денгизда сув кўтарилади ва нафасини чиқарганда [пуфлашида] сув қайтади.

Моний ҳам ҳиндлардан «денгизда бир дев яшайди, ўша дев нафас олиши ва чиқариб туришидан сўнг кўтарилиш ва пасайиш бўлиб туради», деб эшитганидан кейин шундай эътиқодга келган. Лекин уларнинг мутахассислари бу кўтарилиш ва қайтишнинг табиий сабабини тўғри изоҳлай олмасалар ҳам, ҳар куни ҳодисанинг Ойнинг чиқиш ва ботиш вақтига ва бир ойлик муддатда Ойнинг ёруғ қисмининг ортиши ва камайиши билан аталишига сазовор бўлди. Бу линга тош эса Сарсати дарёсининг денгизга қуйилган жойининг ғарбида уч милдан камроқ наридаги соҳил жойда – Барўй олтин қальасидан шарқда ўрнатилган. Бу ер Васудевага макон бўлган ва унинг кабилалари ўлдирилган ва куйдирилган жойга яқин эди. Ой чиқиши ва ботиши вақтида денгиз кўтарилиб, уни бекитади. Кундузи ёки кечаси Ой меридианга келган пайтда денгиз суви пасаяди. Бу шуни билдирадики, гўё Ой Соманатҳ хизматида ва уни ювишга доим тайёр туради. Шунинг учун унинг номига ой сўзи киритилган. Аммо Соманатҳ атрофи ўралган қалъа ва унинг ҳовлисидаги қимматли ёдгорликлар қадим вақтда ишланмай, бундан юз йилча илгари қилинган бўлиши мумкиндир.

|| (254) «Вишну-пурана»да айтилишига кўра, «Сувнинг кўтарилиши бир минг беш юз бармоқ қалинлигигача етади»<sup>1141</sup>. Бу миқдор анча кўп. Чунки агар денгизнинг чўнқирли қисми ва усти олтмиш газ кўтарилса, денгиз соҳилидан узоқ ерларни илгари кузатилгандан ҳам кўпроқ сув босишини кўриш мумкин эди. Лекин бундай бўлиши имкониятдан узоқ эмас. Аммо бу денгиз суви ости-

дан кўрғонларнинг юзага чиқиши таажжуб эмас, чунки ад-Дибажот ороллари бунга мисол бўла олади. Булар кумлардан тепаликлар пайдо бўлганига ўхшаб, денгиз суви остидан чиқиб, кундан-кунга кўтарилиб ва ёйилиб узоқ вақтгача туради, сўнгра бориб-бориб эскириб, сувга ёйилиб, йўқ бўлиб кетади. Бундай оролларда яшовчилар унинг йўқ бўлиб кетишини пайкаб қолсалар, у ердан кўчиб, янгидан пайдо бўлган оролга бориб, ҳатто унга норжил [ҳинд ёнғоғи] дарахтларини кўчириб ўтқазиб, обод қиладилар. [Сувдан кўринган] кўрғонни «олтин» деб нисбат бериш аслида ўзига қўйилган от бўлиши ёки унга ҳақиқий бир васф бўлиши мумкин. Масалан, аз-Забаж ороллари «олтин ер» деб аталади, чунки ундаги озгина тупроқ чайқалса, ўрнида кўп олтин ўтириб қолар экан.

### ЛІХ БОБ. ҚУЁШ ВА ОЙ ТУТИЛИШЛАРИ ҲАҚИДА

Ойнинг тутилиши Ер соясидандир ва Қуёш тутилиши эса унинг Ой томонидан тўсилишидандир; ҳинд астрономлари буни яхши билиб, ўз зижларини тузиш ва бошқа ҳисобларида шу ҳақиқатга асосланганлар. «Самҳита» китобида Вараҳамиҳира бундай дейди: «Баъзи олимларнинг фикрлашига кўра, Бош дайтия жинсидан бўлиб, унинг онаси Симҳикадир. Чунки фаришталар дарёдан ёқимли таом [амритани] чиқарган вақтларида улар ораларида баробар бўлиб беришни Вишнудан сўрадилар ва у бўлиб берди. Шунда Бош ҳам фаришта суратида келиб, уларга аралашди. Вишну унга таомдан бир бўлагини узатганда, у тановул қилиб олди. Сўнгра Вишну уни таниб қолиб, айланма тиғи-чакраси билан бир уриб, Бошни кесди. Ҳозир егани – ҳаёт таоми оғзида бўлганлиги сабабидан Бош тирик қолиб, бадани ўлди. Чунки у таом ҳаётига етарли бўлиб, қуввати танага тарқаманган эди. Сўнгра Бош зорланиб туриб: «Қайси гуноҳ учун менга шундай қилинди?» – деганидан сўнг, Бош мукофотланиб, осмонга кўтарилди ва унда яшовчилардан бўлди».

Баъзиларнинг айтишларига кўра: «Бошнинг – икки ёриткич – Ой ва Қуёшга ўхшаш жасади бор. Лекин бу қоп-қора, шунинг учун осмонда кўринмайди. Аввалги Браҳма-аждод унга осмонда тутилишлардан бошқа пайтларда асло кўринмасликни буюрди.

Баъзилар унинг илон бошига ўхшаш боши, думига ўхшаш думи бор, деб айтса, бошқалар уни шу кўриниб турган қоралиқдан бошқа танаси йўқ, дейди».

Вараҳамиҳира бу хурофий афсоналарни тугатиб, деди: «Агар Бошнинг танаси бўлса эди, у [тана] билан [Ойнинг] суркалиш ҳодисаси бўлар эди. У [Бош] билан Ойнинг оралиғи олти бурж [180°] бўлса ҳам, узоқдан туриб тутилтирганини кўрамаиз. Бундан ташқари Ойнинг ҳаракати ортмайди ҳам, ка-

маймайди ҳам. Демак, [Бошнинг] танаси тутилиш жойига етишини тасаввур қилиб бўлмайди».

|| (255) Агар кимки бундай хато фикрга ишонган бўлса, қани айтсин-чи, нимага Бошнинг ҳаракати учун даврлар ишлатилади ва нима учун у даврлар баробардир? Агар бу тўғрида бошли ва думли илонни тасаввур қилиш ва унинг узунлиги олти бурж [180°] бўлсин дейилса, шундай фаразда нима учун боши билан думи оралиғида икки ёритқич [Қуёш ва Ой] турганда, бу оралиқдаги Ой манзиллари юлдузларидан бири тутилмайди? Энди бир-бирига қарама-қарши турган икки бошнинг борлиги фараз қилинса, булардан бири билан Ой тутилиб шарқдан чиқса, иккинчиси билан ботаётган Қуёшнинг тутилиб ботиши лозим бўларди. Худди шунингдек, агар Ой тутилиб ботса, Қуёш ҳам тутилиб чиқиши керак. Лекин бундай ҳодисалар ҳеч бўлган эмас.

Уламоларнинг айтишларига кўра, Ойнинг тутилишига сабаб, унинг [Ер] соясига киришидир. Қуёшнинг тутилиши, Ой билан Қуёшнинг биздан тўсилишидир. Шунинг учун Ойнинг қорайиши ғарб томондан ва Қуёшнинг тутилиши шарқ томондан бошланмайди. Ернинг сояси, дарахт сояси сингари [фазода] чўзилган бўлади. Ой Қуёшга нисбатан еттинчи буржда [180°] бўлганда, Ойнинг кенгламаси шимолга ёки жанубга томон кўпаймаса, Ернинг сояси ичига киради ва тутилади. Энг аввал унинг шарқий қисми сояга тегишади.

Қуёш тутилиши олдида, Ой ғарб томондан келиб, бир парча булут бекитганидек, уни бекитади. Турли жойларда [шаҳарларда] бекиладиган сатҳи турлича бўлади.

Аммо Қуёшнинг бекитувчиси катта эмасдир. Ойни бекитувчи [соя] каттадир. Тутилганда ҳамда унинг ярми қорайганда, ёришиши битади. Шунинг учун унинг [тўла] ёритиши кучли бўлади. Уламолар ўз китобларида Бошнинг иккала тутилишга ҳам дахли йўқлиги ҳақида бир фикрга келишган».

Вараҳамиҳира ўз билимига асосланиб, иккала тутилиш моҳиятининг сифатини айтишдан бўшаб, буни билмайдиганларга ачиниб, бундай дейди: «Лекин кўпчилик иккала тутилиш Бош туфайли бўлади, деб фикр билдирди. Улар: Бош пайдо бўлиб, у тутилишни келтириб чиқармаганида эди, тутилиш вақтида браҳманлар ғусл қилишни ўзларига лозим кўрмас эдилар, деб айтдилар».

Вараҳамиҳира яна шундай дейди: «Бунинг сабаби шуки, Бош кесилган вақтида у зорланганида, унинг учун Браҳма ўша тутилиш вақтида браҳманларнинг олов учун қиладиган қурбонликларидан унга насиба тайин қилди, деб айтадилар. Уларнинг фикрига кўра, Бош ўз хиссасини истаб тутилган ерга яқин боради, шунинг учун одамлар тутилиш вақтида уни кўп ёд этадилар ва тутилишини ҳам унга нисбат берадилар. Ҳақиқатда тутилишга Бошнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Лекин тутилиш, Ой йўлининг эклиптика билан тўқнашувига ва унга оғмалигига боғлиқдир»<sup>1142</sup>.

Ўзидан илгари келтирилган далилларнинг олам тузилиши ҳақида таҳқиқлашни Вараҳамиҳирадан чиқиши, брахманларнинг гоҳо унга эргашишлари ва унга йўл қўйишлари бўлмаганда, [улар томонидан] инкор қилишга лойиқ бир фикр эди. Ундан кейин биз бу тўғрида *сандҳи* кайфияти ҳақида баён қилганимизда, унинг айтганларидан баъзиларини ҳикоят қилган эдик. Шунингдек, у ҳақ сўзни ошкора этиб ва ҳақиқатга қадам қўйганидан бошқа камчиликларни кечирса бўлади.

Олимлар орасида Брахмагупта астрономлик соҳасида фозиллардан ҳисобланиб, ўзи ҳам брахманлардан эди. Брахманлар эса пураналардан Қуёшнинг Ойдан пастда бўлишини, бунинг учун ҳатто Қуёшни Бошга эҳтиёжи туғилишини ўқийдилар. Брахмагупта ҳақиқатни қабул қилмай, уни бузувчига ёрдамчи бўлди. Эҳтимол, уларга нисбатан қаттиқ ғазабланишга ва камситишга андиша қилгани ёки ўлим даҳшатидан қўрқиб, ихтиёрсиз бўлиши ҳам мумкин.

|| (256) «Брахма-сиддҳанта»нинг биринчи бобида<sup>1143</sup> бор: «Одамлар орасида, тутилишга Бош сабабчи эмас, деювчилар бор. Бундай фикр бўлмаган гап, чунки тутилтирувчи Бошнинг ўзидир. Олимларнинг кўплари ҳам тутилтирувчи Бошнинг ўзи дейдилар. «Веда»да Аллоҳнинг Брахма оғзидан айтилган сўзида ҳам «Бош тутилтиради» дейилган. Манунинг ёзган «Смрити» номли китобида ва Брахма ўғли Гарга ёзган «Самҳита» номли китобида ҳам Бош сабабчи деб кўрсатилган. Аммо Вараҳамиҳира, Шришена, Ариабхата ва Вишнучандралар тутилиш Бошдан эмас, балки фақат Ойдан ва Ер соясидан, дейдилар. Уларнинг бу фикри кўпчиликка қарама-қарши ва айтилган сўзларга зиддир. Чунки агар тутилтирувчи Бош бўлмаса эди, Қуёш тутилиш вақтида брахманларнинг киздирган мойларни суришлари, тутилиш вақтида ибодат маросимларини ўтказишлари бекор бўлиб, унга савоб ҳам бўлмаслиги мумкин эди. Буларни бекор қилиш кўпчилик иттифоқидан четга чиқишдир, бу бўлса тўғри эмасдир. «Смрита»да Ману бундай деган: «Агар Бош икки ёритувчининг бирини тутилтиришга бошласа, ер юзидаги ҳамма сувлар Ганг дарёсининг сувидан пок ва тоза бўлади». «Веда»да баён қилинишича, «Бош датия кизларидан бўлмиш Сайнҳика исмли аёлнинг ўғли»<sup>1144</sup>. «Ҳар бир яхши ишлар шунинг учун ишланади». Энди кўпчиликка қарши туришни тарк қилиш лозим. Чунки «Веда», «Смрити» ва «Самҳита»лардаги ҳамма сўзлар тўғридир».

Агар Брахмагупта, шу мавзуда улар ҳақида Аллоҳ таолонинг айтганидай «Гарчи уларнинг кўнгиллари оятларимизни тан олса-да, ўзлари зулм ва кибрга берилиб, уларни инкор қилдилар»<sup>1145</sup> бўлса, у ҳолда исбот қилиб ўтирмай, қулоғига секингина шундай деймиз: «Одамларнинг диний китобларга қарши турмаслиги лозим бўлса, нега сен инсонларни яхшиликка даъват қилиб туриб, ўзингни унутиб қўйдинг ва шу сўзларингдан кейин ҳам Қуёшнинг неча фои-

зани тутилишини билишда Ой диаметрини ва Ойнинг неча фоиз корайишини билиш учун [Ер] сояси диаметрини хисоблашга киришдинг? Нега сен иккала тутилишга тегишли усулингни ўз фикрингга мувофиқ қилмай, ўша мухолифлар фикрига мувофиқ қилдинг?»

Мабодо брахманлар тутилиш вақтида ибодат қилиш ёки бошқа маросимларни ўтказишга тайинланган бўлсалар ҳам, тутилиш вақти уларнинг ибодатлари вақти учундир, лекин ибодатлари тутилиш учун эмасдир. [Бу эса] Қуёшнинг [уфққа нисбатан] вазиятларига ва ёруғлик беришига қаратиб, биз мусулмонларда намоз вақтларини аниқлашга имкон берса ҳам, унинг ибодатимизга дахли йўқдир.

Агар Брахмагупта «кўпчилик одамлар шу фикрда», деган гап замирида обод ерлардаги халқларни назарда тутмоқчи бўлса, ундаги халқларнинг қарашларини аниқ илм билан ёки хабарлар билан билиб олиш ҳақиқатдан узоқдир.

|| (257) Аммо биз Брахмагуптанинг, ёши кичик бўлиб, ёшлиги, табиати тоза ва илми кўп бўлиши билан у фақат Суқрот назариясига мубтало бўлган бир фирканинггина ортидан етаклаб [кейтиши мумкину, лекин] бошқаларга бу фикрини ўтказа олади, деб ўйламаймиз. Чунки у «Брахма-сиддҳанта»ни ёзган чоғида ўттиз ёшда эди.

Бироқ юқорида ёд этилган ва уларга қарши фикр айтиш лозим бўлмаган гуруҳ астрономларининг, Қуёшни Ой тутилтиради, деган фикрларига қачон кўнардилар? Уларнинг пураналарида Ой [жисми] Қуёш устида дейилади; ҳолбуки устидаги [жисм] остидагини тўса олмайди. Мана бундан кейин, балик нон кулчасини ушлагандек, Қуёш ва Ойни бир ушлагувчига ушлатиб, бирини бошқаси билан бекилган қилиб суратини ясашга муҳтож бўладилар. Ҳар бир халқ илмсизлардан ва унга бош бўлиб турган жуда ҳам онгсизлардан холи бўлмайди. «Улар ўз юкларини кўтариб, бошқаларнинг юкларини ҳам қўшиб кўтарадилар»<sup>1146</sup> ва уларнинг ақлга ташналиклари устига яна ташналиклари ортади.

Вараҳамиҳиранинг яна бир фикри шуки, агар уларга қарши туриш лозим бўлмаса ҳам, хатоларини кечириш лозимдир. Чунки улар ойнинг кунларидан саккизинчи кунда таги текис кенггина бир идишга озгина сув қуйиб ва ўшанча миқдорда мой солиб, мойнинг йиғиладиган ва бўлиниб кетадиган жойларини назарга олиб, тутилишга белги – нишон қилиш учун мойнинг йиғилишини тутилиш бошланишига ва тарқалишини эса тутилиш охирига нисбат берадилар.

Вараҳамиҳиранинг ҳикоя қилишига кўра, баъзилари ёруғлиги ўзгариб турувчи ёритқичларнинг йиғилишлари тутилишига сабаб бўлади, деб ўйлайди ва баъзилари эса тутилишга юлдузларнинг учишлари, кометалар пайдо бўлиши, Ойнинг қўтонлаши, қоронгилик босиши, бўрон кўтарилиши,

момақалдирок бўлиши ва ер қимирлаши каби мусибатли ҳодисаларни далил қилдилар. У шундай дейди: «Ҳамма вақт тутилиш билан бу ҳодисалар тўғри келавермайди ва тутилишга сабаб ҳам эмас. Лекин наҳслик ва иримга ишо-ниш [одам] табиатига сингиб қолгандир. Аммо ақл [йўли] бу хурофотлардан четдадир».

Бу киши ўз миллатининг мошдан ловияни айиролмай, аралаштириб юбо-ришдаги табиатларини билганиданми, нақл қилувчини айтмай шундай деган: «Агар тутилиш вақтида қаттиқ шамол турса, кейинги тутилиш ундан олти ой кейин келади; агар юлдузлар сочилса, ундан кейинги тутилиш ўн икки ой ке-йин бўлади; агар ҳаво тўзон бўлиб кетса, ўн саккиз ойдан кейин яна тутилади ва агар ҳавони қоронғилик босса, ундан ўттиз ой кейин яна тутилади. Агар дўл ёгса, ўттиз олти ой кейин яна тутилади»<sup>1147</sup>.

Бу сўзларга жавоб бериш ўрнига индамасликни лойиқ кўраман. Лекин мен айтаманки, Хоразмий «Зиҳ»идаги тутилишлар турларининг баёнида тартиб бўлса ҳам, кўзга кўринадиганга хилофдир<sup>1150</sup>. Ундагидан кўра ҳиндларда ишла-тилиб турилган зиҳлар тўғрироқдир. Бу эса мана бундай: «Агар Ой тўғарагининг ярмидан камроғи тутилса [қорайса], ранги тутун рангидек бўлади. Агар ярмига етса, ранги қора бўлиб, ярмидан ошиб тугал тутилгунча, қоралиғига қизиллик аралашиб, ундан кейин сариқликка қизиллик аралашади».

## LX БОБ. ПАРВАНА ҲАҚИДА

|| (258) Тутилиш мумкин бўладиган икки чегара орасининг неча ой бўлиши «Ал-Мажистий»нинг олтинчи китобида баён қилинган. Боши ва охирида Ой тутилиши юз берадиган даврни ҳиндлар парван дейдилар.

Бу ҳақидаги маълумот «Самҳита»да бор. Унинг муаллифи Вараҳамиҳира шундай деган: «Ҳар олти ойда битта парван бўлиб, унда тутилиш бўлиб ўтади. Унинг етти даври бор. Ҳар бир даврнинг эгаси бор бўлиб, ҳукми ушбу жадвалда берилмоқда».

<i>Парваналар тартиблари</i>	<i>Парваналар эгаси</i>	<i>Ҳукмлари</i>
1	Брахма	Брахманларга мувофиқ бўлиб, бунда чорвачилик ишлари авж олади, экинлар мўл ҳосил беради, ҳамма ёқда соғлиқ билан омонлик ҳукм суради
2	Шашин, яъни Ой	Биринчи парванда бўлгани сингаридир, бироқ бун-да ёмғир кам ёғиб, олимлар кўп касал бўладилар
3	Индра, яъни ҳоким	Ҳокимларнинг бир-бирлариға нафрати ортади, тинчлик бузилади, кузги экинлар нобуд бўлади

4	Кубера, яъни шимол эгаси	Экинлар ҳосили мўл бўлиб, фаровонлик ҳукм суради. Бойлар эса ўз молларини йўқ қиладилар
5	Варуна, яъни сув эгаси	Ҳокимларга муваффақиятли бўлмай, бошқа ҳаммага муваффақиятлидир; бу даврда экинлар мўл бўлади
6	Агни – олов, Митракия ҳам дейилади	Сув кўпаяди, экинлар яхши ўсади, тинчлик ва омонлик бўлиб, вабо ва киргин бўлмайди
7	Яма, бу ўлим малаги	Ёмғирлар камаяди, экинлар қуриydi ва бу аҳвол очарчиликни келтиради <sup>1151</sup> .

|| (259) Сиз турган вақтдаги парванни «Кҳандакҳадяка» зижида ҳисоблаш куйидагича: бу «Зиж»га кўра ҳисобланган *аҳарганани* икки жойга ёзилади. Бири 50 га кўпайтирилиб, кўпайтма 1296 га бўлинади; агар қолдиқ касри яримдан кам бўлмаса, бир деб ҳисобланади. Бўлинмага 1063 ни кўшиб, йиғинди иккинчи жойидагига қўшилади, кейин йиғинди 180 га бўлинса, чиққан бутун сон тўлиқ парванларни ифодалайди. Буни 7 га бўлинса, қолдиқ сон Браҳмадан бошланган *парван* рақами бўлади. Бўлганинда 180 дан кам қолдиқ сон сенинг вақтингдаги *парвандан* ўтган вақтдир. Уни 180 дан айирганда қолдиқ 15 дан камроқ бўлса, Ойнинг тутилиши мумкин бўлади. Қолдиқ анча кам бўлса, тутилиш албатта бўлади. Агар қолдиқ [15 дан] ортиқ бўлса тутилмайди. [180 дан] тутилиш мумкин бўладиган қолдиқ ўтгунча ҳам тутилиш мумкин.

Бошқа жойда бундай иборалар топилади: «Калпа аҳарганасини, яъни калпа кунларидан ўтганини олиб, ундан 96 031 ни айиринг ва қолдиқни икки жойга ёзинг. Тагидагисидан 84 ни айириб, қолдиқни 561 га бўлинг. Чиққанни юқоридагисидан айиринг ва қолдиқни 173 га бўлинг, чиққанини ташланг, лекин қолдиқни 7 га бўлинг; бўлинма парван рақами бўлиб, унинг биринчиси эса браҳманикидир»<sup>1152</sup>.

Бу иккала ҳисоблаш бир-бирига мувофиқ эмас. Эҳтимол, иккинчи хил ҳисоблашда бирор нарса тушиб қолган ёки нусхани кўчиришда ўзгарган.

Вараҳамиҳрининг парван ҳукмлари ҳақида айтган фикрлари илгаригисига муҳолифдир. Бу ҳол юзаки [ўқиш] ўрганишдан бўлса керак. У шундай деган: «Берилган бир парванда тутилиш бўлмай қолса ва кейин иккинчисида тутилиш бўлса, у даврда ёмғирлар бўлмай, очлик ва ўлдиришлар содир бўлади»<sup>1153</sup>. Агар бу таржимоннинг хатоси бўлмаса, у тутилиш содир бўладиган илгариги ҳар бир парванга умумий алоқадор ҳисобланади.

Унинг куйидаги сўзлари жуда қизик: «Тутилиш ҳисобланган [кунига] нисбатан илгари кузатилса, ёмғир камаяди, қиличлар яланғочланади. Агар куза-



тиш [вакти] ҳисобланганидан кейин содир бўлса, вабо касали тарқалиб, ўлим кўпаяди, экинлар, мевалар ва райҳонлар – хушбўй ўтлар қурийди». У шундай деган: «Қадимгиларнинг китобларидан топганларимни [шу ерга] кўчирдим. Агар бирор киши ҳисоблашни яхши билса, ҳисоби [кўрсатган кун] тутилиш содир бўлган кундан илгари ҳам, кейин ҳам бўлмайди. Агарда Қуёш *парвандан* ташқари [вақтда] тутилса, ҳатто кундуз қоронғилашса, билгинки, уни Тваштри номли фаришта тутилтиради».

Унинг бу сўзлари аввал ҳам айтган фикрларини тасдиқлайди: «Қуёш Жадий буржига кирмасдан илгари шимол томонга бурилса, жанубий ва ғарбий соҳилларда ҳалокат юз беради. Агар Қуёш Саратон бошига ўтмасдан жануб томонга бурилса, шарқий ва шимолий соҳилларда ҳалокат юз беради. [Қуёшнинг] бу икки бурж бошига кириш [кунида] ёки [экватордан энг] узок бўлганда бурилса, тўрт томонда тинчлик ҳукмрон бўлиб, кишилар саломатлиги ортади»<sup>1154</sup>.

Афтидан, бу айтилганлар ақлдан озганлар сўзига ўхшайди. Эҳтимол, бу сўзларнинг ортида яширин маънолар бордир...

## LXI БОБ. ШАРИАТ ВА АСТРОНОМИЯГА КўРА ВАҚТНИНГ ЭГАЛАРИ ВА БУ БИЛАН БОҒЛИҚ БОШҚА МАСАЛАЛАР ҲАҚИДА

Вақтни мутлақ маънода фақат Аллоҳ таолога (Унга ҳамдлар бўлсин) нисбат берилади. Чунки вақт Аллоҳнинг замони бўлиб, икки тараф билан чекланмайди ва унинг билан Аллоҳнинг абадий мавжудлиги билинади. Ҳиндлар вақтни пуруша деб юритиладиган «нафас» билан атаганлар. Аммо ҳаракатлар билан саналадиган оддий вақтни эса Аллоҳдан бошқа табиий нарсаларга нисбат берганлар. Чунки булар унинг куни ва туни бўлиб, умри шулар билан ўлчанади.

|| (260) Манвантаралар эгаси Ману деб аталади. У ўзига хос сифатлар билан танилади ва бу сифатлар ўз жойида зикр қилинади.

*Чатурюга* ва *югаларнинг* шунга ўхшайдиган сифатлари ҳақида эшитмадик. Вараҳамиҳира ўзининг «Маволид ал-Кабир» номли китобида ёзган: «Абда, яъни йил – Зуҳалга; аяна, яъни ярим йил – Қуёшга; риту, яъни йилнинг олтидан бири – Уторидга; бир ой – Муштарийга; пакша, яъни ой ярми – Зуҳрага; васара, яъни бир кун – Миррихга, мухурга, яъни бир соат – Ойга нисбат берилган»<sup>1155</sup>.

Шунингдек, ушбу китобда йилнинг олтидан бирларининг тартиби бундай кўрсатилади: «Унинг биринчи бўлаги киш фаслидаги кеча ва кундузнинг ўзгаришидан бошланиб, у Зуҳал учун, иккинчиси Зуҳра учун, учинчиси Миррих учун, тўртинчиси Ой учун, бешинчиси Уторид учун, олтинчиси Муштарий учун махсусдир».

Биз ҳозир қисқа ва илгариги тегишли бобларда узун ва қисқа муддатлар – мухурталар, соатлар, ойнинг биринчи ва иккинчи яримлари, ёруғ ва қоронғи кечалари, тутилишларнинг парванлари ва манвантараларнинг ҳар бири учун эгаларини кўрсатиб ўтдик. Энди айтганларимиздан бошқаларини баён қиламиз.

Ҳиндлар «йил эгаси» ҳақида ғарбликларнинг йил толеини ҳисоблашдаги шартларини топишда ихтиёр қилган усулларни эътиборга олмаганлар.

Аммо «йил эгаси»нинг ҳоли ойнинг кетма-кет келувчи бўлакларидек, кунлар ва соатлар «эгаларининг» навбатига қараб ҳисобланади.

Агар «йил эгасини» билишни хоҳласангиз, берилган сана кунлари йиғиндисини «Кҳандакҳадяка» зижидида кўрсатилишига мувофиқ ҳисобланг. Чунки ундаги усул улар орасида кенг қўлланилади. Шу сондан 2201 ни айиринг ва қолдиқни 360 га бўлинг. Натижани учга кўпайтиринг ва кўпайтмага доимо учни қўшиб, йиғиндини 7 га бўлинг. Шунда қолдиқ сон етти кундан ортиқ бўлмайди, уни якшанбадан бошлаб санаганда, тўхталган кун эгаси «йил эгаси» ҳисобланади. Бўлинмадаги қолдиқлар бундай усулда «йил эгаси»ни топгандан илгариги кунлардир. Бироқ бундан қолдиғи бўлса, уч юз олтишгача ўтмиш, яъни йил эгасини топгандан илгариги кунларни тўлдириш ҳисобланади. Сўнгра мазкур кунларга 319 ни қўшинг.

Агар ой эгасини топишни хоҳласангиз, берилган сана кунларидан 71 ни айиринг, қолдиғини 30 га бўлинг. Кейин бўлинманинг икки бараварига бирни қўшиб, йиғиндини 7 га бўлинг. Шунда қолдиқ сон якшанбадан бошлаб санаганда ҳафта кунининг тартиб рақами бўлиб, у кун ойнинг эгаси бўлади. Бўлишдан қолдиғи ой эгасини топгандан илгариги кунлар бўлиб, ундан қолдиғи ўттизгача ўтганни тўлдириш ҳисобланади.

Ёки айириш ўрнига берилган сана кунига 19 ни қўшиб, кейин йиғиндининг икки ҳиссасига бир ўрнига иккинчи қўшинг.

|| (261) Кун эгасини зикр қилишнинг фойдаси йўқ, йил кунларидан 7 га бўлганда ҳосил бўлади. Шунингдек, соат эгасини зикр қилиб ўтиришнинг ҳам фойдаси йўқ, чунки у айланувчи сферани ўн бешга бўлишдан ҳосил бўлади. Улардан маҳорат кўрсатувчиси Қуёш даражаси ўртасидан то тулуъ қилувчи юлдуз даражасигача масофани, яъни тенг даражаларни ўн бешга тақсим қилади<sup>1156</sup>.

Маҳадеванинг «Срудҳава» номли китобида баён қилинишига кўра: «Куннинг ва кечанинг ҳар биттаси учдан бирининг эгаси бор. Биринчи кеча ва кундуз учдан бирининг эгаси – Браҳма, иккинчи учдан бирининг эгаси – Вишну, учинчи учдан бирининг эгаси – Рудра».

Ҳиндларда бошқа одатлар ҳам бор. У ҳам бўлса, йил эгаси билан бирга нагани, яъни илонлардан бирини зикр қилмоқликдир. Уларнинг номи ушбу жадвалда кўрсатилганидек, сайёралар билан боғлиқдир<sup>1157</sup>.

**Нагалар, яъни илонлар жадвали**

Йил эгаси	«Йил эгаси» билан бирга бўлган илонлар икки хил ибора билан аталади
Куёш	Сука, Нанда
Ой	Пушкара, Читрангада
Миррих	Пиндарака, Такшака, Бҳарма
Уторид	Чабраҳаста, Каракта
Муштарий	Элапатра, Падма
Зухра	Каркотака, Маҳападма
Зуҳал	Чакшабҳадра, Санкха

Ҳинд халқи сайёраларнинг ҳукмлари Қуёшга боғлиқ бўлганлиги учун уларни Қуёшга нисбат берадилар, турғун юлдузларни эса Ойга нисбат берадилар. Чунки Ойнинг манзиллари улар жумласидандир. Астрологлари-миз орасида бўлганидек, уларнинг астрологлари ҳам 12 та бурж белгилари-учун қандайдир руҳий эгаларни тиркаб қўядилар. «Вишну-дҳарма» китобида кўрсатилган эгаларни биз ушбу жадвалга киритдик<sup>1158</sup>.

Сайёраларнинг эгалари	
Сайёрлар ва икки тугун	Уларнинг эгалари
Куёш	Агни
Ой	Вияна
Миррих	Калмаша
Уторид	Вишну
Муштарий	Шукра
Зухра	Гаури
Зуҳал	Пражапати
Бош	Ганапати
Дум	Вишвакарман

|| (262) Ушбу китобда, шунингдек, Ой манзиллари учун ҳам сайёралар эгалари сингари эгалар бор<sup>1159</sup>.

**Манзиллар эгаларининг жадвали**

Манзиллар	Эгалари	Манзиллар	Эгалари
Криттика	Агни	Анурадҳа	Митра
Роҳини	Кешвара	Жиештҳа	Шакра
Мригаширша	Инду, яъни Ой	Мула	Ниррити
Ардра	Рудра	Пурва-ашадҳа	Апас
Пунарвасу	Адити	Утгара-ашардҳа	Вишве – [деवास]
Пушя	Гуру, яъни Муштарий	Абҳижит Шравана	Врахим Вишну

Ашлеша	Сарпас		
Мағха	Питарас	Дҳаништха	Васавас
Пурвапҳалгуни	Бҳага	Шатабҳишаж	Варун
Утгарапҳалгуни	Арияман	Пурва-бҳадрапада	[Ажа-экапад]
Ҳаста	Савитри, яъни Савита	Утгара-бҳадрапада	Аҳирбудхния
Читра	Тваштри	Ревати	Пушан
Свати	Ваю	Ашвини	Ашвин
Вишакха	Индрагни	Вҳарани	Яма

## ЛХII БОБ. ОЛТМИШ [ЙИЛЛИК] – САМВАТСАРА ҲАҚИДА. У ШАШТИЯБДА ДЕБ ҲАМ АТАЛАДИ

|| (263) Самватсара – «йиллар» демакдир; бу Муштарий билан Куёшнинг ҳаракатига асосланган йиллар давридир. Давр боши [Муштарийнинг] биринчи марта шарқ томонда кўринганидан бошланади. Унинг битта тўла айланиш муддати 60 йил бўлгани учун бу давр шаштиябда, яъни «60 йил» дейилади<sup>1160</sup>. Юқорида эслатиб ўтганимиздек, манзил номлари ойлар номига қараб бўлинган, бу бўлинишда манзилларда ҳам ном бўлмаган Ой йўқдир. [Танишиш] осон бўлсин деб, уларни жадвалга ёздик<sup>1161</sup>. [Куёш] ёруғлиги остидан четга чиқиб кўринган Муштарийнинг қайси манзилда эканлигини билгач, уни шу жадвалдан топинг. Берилган йилнинг ўнг томонида ва манзил тўғрисида тегишли ойни топасиз, шунда йилни ойга солиштириб, уни шундай фараз қилингики, масалан, бу чайтранинг йили ёки вайшакҳанинг йили ёки бошқа бир ойнинг йили деб айтинг. У [ой]ларнинг ҳар бири учун китобларида маълум ҳукмлар ва лозим ишлар бор.

|| (264) Аммо Муштарийнинг [биринчи мартаба] кўринган [жой] қайси манзил эканини билиш ҳақида Вараҳамиҳира ўзининг «Самхита» [номли] китобида шундай деб ёзган: *Шакакалани* олиб, 11 га кўпайтиринг, кўпайтмани яна 4 га кўпайтиринг. Ҳисобни шу йўл билан амалга оширсангиз ҳам ёки бунинг ўрнига шакакалани 44 га кўпайтирасизми, барибир. Кейин кўпайтмага 8589 ни қўшиб, йиғиндини 3750 га бўлинг. Ҳосил бўлган сон йиллар, ойлар, кунлар ва бошқалар бўлади. Буларни *шакакалага* қўшиб, йиғиндини олтмишга бўлинг. Натижа катта олтмишлик *югалар* бўлиб, у бутун шаштиябадир; унга эҳтиёж бўлмайди. Қолдиқни 5 га бўлинг. Шунда бутун кичик бешли *югалар* чиқади. Қолдиғи 5 дан кам эса самватсара, яъни йиллар бўлади. Уни икки жойга ёзиб, бирини 9 га кўпайтиринг; кўпайтмага иккинчи жойдагининг 6 дан бирининг ярмини қўшинг. Сўнгра йиғиндининг чорагини топсангиз, унинг бутунлари манзиллар саногини кўрсатади. Каср қолдиғи чала манзилга тегишли бўлади.

Санашни Дҳаништҳа [манзилидан] бошланг. Санаш тўхталган манзил муштарийнинг дастлаб шарқда кўринган жойидир. Мана шундан, юқорида айтилганидек, йил ойини билиб оласиз. Бу катта югалар Дҳаништҳанинг боши манзилида ва Мағҳа ойининг бошида Муштарий пайдо бўлганидан бошланади. Кичик югалар учун унинг ҳар бир каттасида бир қанча йилга муносиб махсус тартиблар бор. Унинг махсус эгаси ҳам бор<sup>1162</sup>. Буларни биз жадвалда кўрсатдик.

Олтмиш йиллик юга йиллари	Бирлик хонасида бир бўлган сонлар	Бирлик хонасида олти бўлган сонлар	Бирлик хонасида икки бўлган сонлар	Бирлик хонасида етти бўлган сонлар	Бирлик хонасида уч бўлган сонлар	Бирлик хонасида саккиз бўлган сонлар	Бирлик хонасида тўрт бўлган сонлар	Бирлик хонасида тўққиз бўлган сонлар	Бирлик хонасида беш бўлган сонлар	Бирлик хонаси бўлмаган сонлар
	1	6	2	7	3	8	4	9	5	10
	11	16	12	17	13	18	14	19	15	20
	21	26	22	27	23	28	24	29	25	30
	31	36	32	37	33	38	34	39	35	40
	41	46	42	47	43	48	44	49	45	50
	51	56	52	57	53	58	54	59	55	60
Ҳар ўн икки йиллик даврга умумий отлар	Самватсара		Париватсара		Идаватсара		Ануватсара		Удаватсара	
Уларнинг эгалари	Агни, яъни олов		Арка, яъни Куёш		Шитамаюк-хамалин, яъни «Совук нурлар эгаси» бу Ой		Пражапати, яъни Ой манзилларининг отаси		Шайласу-тапати, яъни «Тоғ қизининг эри», бу Маҳадева	

|| (265) Агар катта югадан шу йилнинг ўрнини билиб, жадвал тепасидаги йиллар саноғида унинг сонини топсангиз, остидаги қаторда йил номини ва йил эгасининг номини ҳам топа оласиз<sup>1163</sup>.

Биринчи юга мактовга сазовор, унинг эгаси Ману, яъни Нараяна	1 Парабҳава	2 Вибҳава	3 Шукла	4 Прамада	5 Пражапати
Иккинчи юга, бу ҳам мактовга сазовор, унинг эгаси Сурайя, яъни Муштарий	6 Ангирас	7 Шримукҳа	8 Бҳава	9 Йуван	10 Дҳатри

Учинчи юга, бу ҳам яхши, унинг эгаси Балабхит, яъни Индра	11 Ишвара	12 Бахудхания	13 Прамагхин	14 Викрама	15 Виша
Тўртинчи юга ҳам яхши, унинг эгаси Хуташа, яъни Олов	16 Читрабхану	17 Субхану	18 Партхива	19 Тарана	20 Вийая
Бешинчи юга ўртача, унинг эгаси Твашрти манзиллардан Читра эгасидир	21 Сарважит	22 Сарвадхарин	23 Виродхин	24 Викрита	25 Кхара
Олтинчи юга ўртача, унинг эгаси Проштхапада, яъни Утгара-бхадрарапада манзилнинг эгаси	26 Нандана	27 Вижая	28 Жая	29 Манматха	30 Чадур
Еттинчи юга ўртача, унинг эгаси Питара, яъни Оталар	31 Хемаламба	32 Виламбин	33 Викарин	34 Шарвари	35 Плава
Саккизинчи юга ўртача, унинг эгаси шива, яъни Халойик	36 Шокакрит	37 Шубхакрит	38 Кродхин	39 Вишвавасу	40 Паравасу
Тўққизинчи юга ёмон, унинг эгаси сома, яъни Ой	41 Плаванга	42 Килака	43 Саумия	44 Садхарана	45 Родхакрит
Ўнинчи юга ёмон, унинг эгаси Шакранала, яъни Индра билан олов	46 Паридхавин	47 Прамадин	48 Викрама	49 Ракшаса	50 Анала
Ўн биринчи юга ёмон, унинг эгаси Ашвин у, шу билан бирга, ашвини манзилнинг эгаси ҳамдир	51 Пингала	52 Калаюкта	53 Сиддхартха	54 Раудра	55 Дурмати
Ўн иккинчи юга ёмонлик, унинг эгаси Бхага, бу эса Пурва – Пхалгуни манзилнинг эгасидир	56 Дундубхи	57 Ангора	58 Рактоқша	59 Крудха	60 Кшава [Крава]

Ҳар бир олтмишлик йилларнинг ўзининг махсус номи бор, югалар учун худди шундай, бу отлар йил «эгалари»нинг ҳам номлари бўлиб, барчасини жадвалга ёздиқ. Ундан кераклигини топиш учун аввалдагига ўхшаш йил рақамлари номи кўрсатилган. Аммо бу номлар изоҳи ва уларнинг ҳукмлари жуда узун ва улар «Самхита» китобида бор<sup>1164</sup>.

|| (267) Китобларига киритилган усуллар шулардир. Улардан баъзи кишиларни кўрдимки, у Викрамадита йилидан учни айириб, қолганини 60 га бўлиб, ортиб қолгани қанча бўлса, қатта юга бошидан ўшанчасини санайди.

Шундай ҳисоблаш ҳам мумкин ёки шакакала йилига 12 ни қўшиш йўли билан ҳам ҳисоблаш мумкин.

Канауж томонидан бир неча киши билан учрашиб қолдим. Уларнинг айтишига кўра, самватсара даври уларда 1248 йил бўлиб, уларнинг 12 тасидан ҳар бири 104 йилдир. Унинг қондасига кўра шундай ҳисобланади: Шакакала йилидан 554 ни айириб, қолдиқни қуйидаги жадвалдаги сонларга солиштирилса, [берилган йил]нинг қайси самватсарада бўлгани ва унғача қанча самватсара ўтганлиги билинади<sup>1165</sup>.

Йиллар	1	105	209	313	417	521
Номланиши	Рикмоқшу	Пелавант	Қадару	Қалавринта	Науманд	Меру
Йиллар	625	729	833	937	1041	1145
Номланиши	Барбара	Жанбу	Крити	Сарпа	Ҳинду	Синду

### ЛXIII БОБ. БРАХМАНЛАРНИНГ УМР БЎЙИ БАЖАРИШЛАРИ ЗАРУР БЎЛГАН ВАЗИФАЛАРИ ҲАҚИДА

|| (268) Браҳманнинг ёши еттидан ўтганда, умри тўрт даврга бўлинади. Биринчи қисмининг боши ёшининг саккизинчи йили бўлиб, у йилда браҳманга зарур гапларни айтиш ё огоҳлантириш ва сўнги нафасига қадар гарданига қўйилган хизматларни адо қилишга ўргатиш учун браҳманлар уникага йигилишиб, белига зуннор боғлаб, бўйнига тўққиз пишиқ ипдан тўқилган бир жуфт яжнопавитни ва учинчи ипдан тўқилган парчани бўйнидан ўнг биқинигача тушадиган қилиб тақиб, сўнгра қўлидан ушлаб юриши учун асо беришлари билан бирга, *дарбҳа* деган куруқ ўтдан ишланган узукни ўнг қўлининг жимжилоғи ёнидаги бармоғига тақиш учун берадилар. Бу узукни *навитра* дейилади. Буни тақишдан мақсад, шу қўли билан берган нарсалари баракатли бўлсин, дейиш учундир. Бу узук тақишдаги қоида яжнопавит тақишдагидан қаттиқ эмас. Чунки у [тақувчидан] айрилмайдиган нарсалардан бўлиб, таом еганда ва таҳоратхонага борганда тақиб борса, гуноҳқор бўлади ва бу гуноҳидан рўза тутиб, садақа бериб каффорат қилишдан бошқа ҳеч нарса қутқаролмайди<sup>1166</sup>.

Аммо браҳман умрининг биринчи қисмига йигирма бешгача етган йиллари киради, дейилса ҳам «Вишну-пурана»да қирқ саккизгачалик ёши киради, дейилган сатрларни ўқидим<sup>1167</sup>. Бу муддат браҳманга таркидунё қилиш, тупрокни ўзига тўшак этиш, устозига кеча-кундуз хизмат қилиб, ундан «Веда»ни ва унинг изоҳини ҳамда диний илм ва қонунларни ўрганади. Браҳман ҳар куни уч марта ювиниши, эртадан кечгача олов қурбонлигини адо этиб, қурбонлиқдан кейин ўз устозига сажда қилиши керак. Бир кун рўза тутиб, бир кун ифтор қилиб, асло гўшт емайди. Яшайдиган жойи устозининг уйи

бўлиб, ундан ҳар куни бир марта тушда ё кечкурун беш уйгагина чиқиб тиланчилик қилиши ва топганини устозим хоҳлаганини олсин, деб олдига қўйиши керак. Устози керагини олиб, қолганини унга беради. Ундан ортганини ейди. Олов қурбонлиги учун палаша<sup>1168</sup> ва дарба дарахтларидан ўтин олиб келади. Ҳиндларнинг қарашларига қўра, олов жуда ҳам улуғ тутилиб, унга гулларни келтириб ташлайдилар. Шуларга ўхшаш бошқа халқлар қарашларида ҳам олов улуғ саналган; ҳатто қилинган қурбонликларига олов тушиб куйдирса, қилган эҳсонимиз даргоҳида қабул бўлди, деб ишонганлар, санам ё сайёра, ё сигир, ё эшак ва ҳатто ҳайкалларга чўқиниш уларни оловдан қайтармайди. Шу сабабдан Башшар ибн Бурд бундай деган: «Олов пайдо бўлганидан буён маъбуддир»<sup>1169</sup>.

Аммо браҳман умрининг иккинчи қисми йигирма беш ёшидан эллик ёшига етган вақти бўлиб, «Вишну-пурана»да эса эллик ўрнига етмиш ёзилган<sup>1170</sup>. Бу қисмда устози браҳманнинг уйланишига рухсат беради. Уйланиб, оила куриб, ўз хўжалигига эга бўлиб, ўзидан насл қолдиришини қасд қилади.

Браҳманнинг ҳаёт кечириши браҳман ва кшатрийларга илм ўргатиш йўли орқали бўлиб, улар тарафидан илм ўргатиш учун берилган ҳадялар хизмат ҳақи бўлмай, ҳурмат юзасидан берилган ҳисобланади. Ёки бошқалар олов қурбонлигини ижро этишда бош бўлиб, бошқариб борганлиги учун ҳадялар бериш сабаби билан ёки подшоҳлар ва қатта даражали кишилардан сўрашда хиралик қилмай, садақа берувчининг кўнглини қолдирмаслик йўли билан бўлади. Мазкур кишиларнинг уйларида браҳман пуроҳита<sup>1171</sup> дейилган, диний ишлар ва яхши амалларни бажариб турувчи браҳман яшайди. Ёки браҳманнинг ҳаёт кечириши ерга тушган нарсаларни йиғиш ва дарахтдаги меваларни териб олиш орқали бўлиб, агар олди-сотди қилса, ёлғизгина мато ва фуфал<sup>1172</sup> билан тижорат қилиши мумкин. Агар у бу ишни ўз бошига қилмасдан, унинг учун вайшия тижорат қилса, бу афзалроқдир. Чунки олди-сотди қилишга хиёнат, алдамчилик, ёлғон кўп аралашганлиги сабабидан аслида улар бу ишдан ҳазар қиладилар. Лекин зарур бўлганлигидан ва ночорлигидангина бунга рухсат этилади.

|| (269) Бошқа кастадагилар каби солиқлар тўлаш ва бошқа хизматлар браҳманга лозим бўлмайди. Аммо йирик ҳайвонлар кетида юриш – сигир ва от боқиш ва фойдахўрлик қилишлар ҳаммаси браҳманга ҳаромдир. Бўёқлар ичида нил бўёғи браҳман учун нопокдир. Агар бўёқ унинг баданига тегса, ювиниб, тозаланиши лозим бўлади. Олов учун ўқилиши одат бўлган дуоларни ўқиб, доимо ноғора чалиб туриши керак.

Аммо браҳман умрининг учинчи қисми ёшининг элликдан то етмиш бешгача бўлган муддати ҳисобланса ҳам, бироқ «Вишну-пурана»да етмиш беш ўрнига тўксон дейилган. Бу қисмда браҳман таркидунё қилади. Хотини ва болалари орасидан чиқиб, далаю даштларга кетади. Агар унинг хотини ҳам



ортидан далага кетмаса, уни болаларига топшириб, ободонлик ердан чиқиб, ҳаётининг биринчи қисмида томи бор уйда яшамайди. Остига палос солмасдан куруқ ернинг ўзида ётиб ухлайди. Дарахтлар мевасини, ўтларни ва уларнинг илдизини ейди ва сочини қўйиб юборади; ўзига ёғ сурмайди.

Брахман умрининг тўртинчи қисми умрининг охиригача бўлиб, бу қисмда кизил кийим кийиб, қўлига асо олади. Дўстлашиш ва душманлашиш каби ишлардан кўнглини холи қилиб, дунёга ҳарис бўлиш ва нафс орзусига берилиш вазларини тарк этиб, ҳеч ким билан суҳбат қилмай, доим тафаккурда бўлади. Агар савоб излаб, фазилатли жойларга боришни қасд қилса, юрган йўлида дуч келган қишлоқларда бир кун, шаҳарларда эса, беш кундан ортиқ турмайди. Мабодо, бир киши унга бир нима берса, эртаси кун учун қолдиғини олиб қўймайди ва унга дунёдан кутулиш, қайтиб дунёга келиш мумкин бўлмаган мокша [охират дунёси]га етиш йўлида васила бўлган шароитлар устида ижтиҳод билан заҳмат чекишдан бошқа нарса бўлмагай.

Бутун умри давомида брахманга лозим бўлган вазифаларга келсак, улар яхши ишларни қилиш, садақа бериш ва олишдир. Чунки брахманларга берилган садақа савоби ота-боболарга етади. Брахман доим кироат қилиб муқаддас китоблар ўқиши ва қурбонлик ишларини ижро қилиши керак. У ҳар доим олов ёқишга тайёр туриб, унга қурбонлик қилиши ва унга хизмат қилиб, уни ўчишдан сақлаши керак. Чунки вафотидан сўнг ўзи ҳам шу олов билан куйдирилгай. Бу олов ҳўма деб аталади.

Брахман ҳар куни уч марта: эрталабки сандҳи – ғира-ширада, яъни субҳда, кечки сандҳи – шафақда ва булар оралиғидаги туш вақтида ювинади<sup>1173</sup>.

Намоз брахманларда ҳамдлар айтиш, улуғлаш, икки кафтини бириктириб Қуёш тарафга қараб туриб ерга қўйиш, икки бош бармоғини устига сажда қилишдан иборатдир. Қуёш уларга жанубдан бошқа қай ерда бўлса ҳам, қибла бўлиб<sup>1174</sup>, у тарафга қараб яхшилик амалларидан бошқа ишларни қилиб бўлмайди, ҳаром ишлар вақтида Қуёш турган томонга ва ўтиб кетадиган томонга қарамайди.

Туш вақти савоб ишларни қилиш учун тайинланган бўлиб, бу чоғда брахман пок бўлиши лозимдир. Кечки вақт бўлса, кечки таом ва намоз вақти бўлиб, бу икковини ювинмасдан қилиш ҳам дурустдир. Демак, учинчи ювинишнинг лозимлиги биринчи ва иккинчидек эмас, тунда ювиниш лозимлиги Қуёш ва Ой тутилган вақтларда қилинадиган шароит ва қурбонликлар сабаби билангинадир.

|| (270) Брахман бутун умри давомида кунда икки марта овқат ейди: биринчиси туш вақтида, иккинчиси кун ботгандан кейинги шафақ ғойиб бўлган вақтдадир.

Агар брахман таом ейишни хоҳласа, аввал бошлаб, таомдан бир ёки икки кишига садақа йўли билан беради. Айниқса, халқдан қочиб юриб, кечки вақтда

кундалик емагини сўраниб ейиш учун келиб-кетадиган браҳманларга бериши лозим. Чунки уларга таом беришда бепарво бўлиш катта гуноҳ ҳисобланади. Ундан кейин ҳайвонлар, қушлар ва олов учун бериб, қолдиғини дуо ўқиб еб, яна шу таомдан ортганини эшиқдан ташқарига қўяди. Ейиши ҳалол бўлмагани учун унга яқин бўлмайди ва бу таомга муҳтожлиги аниқланган одам бўлсин ёки қуш, ит ва бошқалар бўлсин, у шулар учундир.

Браҳманнинг сув ичадиган, таом ейдиган идиши алоҳида бўлиши лозим. Агар алоҳида бўлмаса, идиш синдирилади. Браҳманлардан ўз қариндошлари билан бир лагандан таом ейишни маъқуллаганларини ҳам кўрдим. Лекин бошқалари бунинг қилганини номаъқул деб ҳисоблайдилар.

Браҳман шимол тарафдан Синд дарёси билан, жануб тарафдан Чаманвати дарёси оралиғида ўрин тутиши лозим. Браҳман бу икки чегара оралиғидан Турк ва Карната тарафларига ўтмайди, у ҳатто шарқ ва ғарбни ўраган океанга ҳам ўтмайди. Айтишларига кўра, браҳман жимжилоғининг ёнидаги бармоққа узук бўладиган ўт унмайдиган, қора юнгли кийиклар ўтламайдиган ерларда браҳманнинг яшаши мумкин эмас. Чунки бу сифатли ерлар кўрсатилган чегараларнинг нариги томонидадир. Агар чегарадан ўтса, гуноҳкор бўлиб, гуноҳларини ювиши лозим бўлади.

Шаҳарларда таом ейиш учун тайёрланган хоналар ери сувалган бўлса, ҳар бир таом еювчи учун бир дастурхон берилиб, таом ейдиган ерга сув сочиб, қорамол тезаги билан суваши лозим. Лекин браҳманнинг дастурхони чорси шаклида бўлиши керак. Дастурхон ёйишга сабаб, таом еган жой таом ейиш билан ифлос бўлади, деб ўйлашларидир. Таом еб бўлингандан кейин тозалаш учун ювиб, лойлаши лозим. Агар булғанган ер маълум бўлмаса, шубҳали бўлганлиги учун бошқа жойлар ҳам ифлос ҳисобланади. Браҳманга ўсимликлардан беш турлиси ҳаром қилинган; улар – пиёз, саримсоқ, қовоқ ва бир хил сабзига ўхшаш ўсимликнинг илдизи, уни *гаринжана* деб аталади, яна бошқа бири ҳовузлар бўйларида ўсадиган нали деб аталган ўсимликдир<sup>1175</sup>.

#### LXIV БОБ. БРАҲМАНЛАРДАН ЎЗГА КАСТАЛАРДА АНЪАНАГА АЙЛАНГАН УРФ-ОДАТЛАР ТЎҒРИСИДА

*Кшатрий* «Веда»ларни ўқийди ва ўрганади, лекин ўзи бировга уни ўргатмайди. У олов учун қурбонлик қилиб «Пурана»лардаги сўзларга амал қилади. Ўз ўрнида айтганимиздек, *кшатрий* таом учун дастурхон ишлатиладиган жойларда дастурхонини учбурчак шаклда ёзади ва ўз халқини ҳимоя қилиб, [душманга қарши] уруш эълон қилади. Уч ўрамлик яжнопавитадан ва бир ўрамлик матодан қилинган богични ёши ўн иккига тўлган вақтда бўйнига тақади<sup>1176</sup>.

|| (271) *Вайшияга* келсак, унга деҳқончилик қилиш, иморат қуриш, брахманларнинг иллат-касалларини тузатиш ишлари топширилади. Унга икки ипдан ўрилган биргина яжнопавита тақиш маъқулдир. Аммо *шудра* брахманга қул ўрнида бўлиб, унинг ҳамма хизматларини бажаради. Агар *шудра* яжнопавитадан айрилмасликни хоҳласа, ўзининг ўта фақирлигидан, ёлғиз матодан бўлган боғични такади. Брахманга хос бўлган ҳар бир ишлар, яъни дуо айтиш, «Веда»ни ўқиш, олов қурбонлигини қилиш *шудра* учун ман қилингандир. Ҳаттоки, *шудра* ёки *вайшиянинг* «Веда» ўқиганлиги аниқланса, брахманлар бу икковини волийга етказадилар, улар буларнинг тилини кесади. Аммо Худо ни ёд этиш, хайрли ишларни амалга ошириш ва садақа бериш ман қилинган эмасдир. Брахманга савдо ва *шудрага* деҳқончилик лойиқ бўлмаганидек, ҳар бир киши ўз табақасига лойиқ бўлмаган иш билан машғул бўлиши, гарчи гуноҳининг миқдори ўғирлик гуноҳидан кам бўлса ҳам, ўшандай гуноҳкор ҳисобланади.

Ҳинд ривоятларидан бирида шундай ҳикоя қилинади: «Подшоҳ Рама даврида иттифоқо бир брахманнинг ўзи тирик туриб, ўғли ўлиб қолган бўлса, брахман ўғлининг жасадини кўтариб подшоҳ хузурига олиб бориб, унга шундай деган: «Бу ҳол сенинг даврингда бошланишига сабаб, ер юзида бир бузуклик пайдо бўлиши ва мамлакатдаги вазирнинг нолойиқ иш қилишидандир». Шу воқеанинг сабабини текширишлари жараёнида бир *чандаланинг* Ганг дарёсининг қирғоғида одоб қондаларига тўғри келмайдиган ҳолатда ижтиҳод билан ибодат қилиб турганлиги аниқланган. Рама отланиб унинг олдида бориб караса, ҳақиқатан ҳам, у ўзини оёғидан осган экан. Шунда Рама қўлига ёйни олиб, унинг ичагига тўғрилаб, ўқ отган ва ўқ нариги томонидан чиққан. Кейин унга шундай деган: «Мана бўлмаса! Сени яхшилик юзасидан ўлдирдим, сен бу ишни қилмаслигинг керак эди». Рама қайтиб келса, эшигига келтириб қўйилган брахманнинг ўғли тирилган экан<sup>177</sup>.

Шундан кейин *чандаладан* ташқари ҳинд бўлмаган барча бошқа халқларни паст даражада кўриб, уларни млечҳалар, яъни палидлар деб атайдилар. Млечҳалар шундай кишиларки, улар одамларни ўлдирадилар, сигирларни сўйиб, гўштини ейдилар.

Бу сўзларнинг ҳаммаси халқларнинг бир-бирини ортиқ-кам, кадрли ва кадрсиз кўриш, бир-бирларини камситиб, масҳара қилишларидан келиб чиқади. Васудева дунёдан қутулиб кетишни истаган кишилар ҳақида шундай деган: «Аниқ ҳақиқати шуки, ақлли кишилар олдида брахман билан *чандала* иккови дўст-душман, адолатли билан хиёнатчи, ҳатто илон билан чиябўридек баробар тутилади. Бу баробар тутилиш ақлдан келиб чиқса, халқларни табақаларга бўлиш ва ортиқ-кам кўриш нодонликдан келиб чиқади». Васудева Аржунага шундай деган: «Агар мақсад оламни обод қилиш бўлса, унга эришиш йўлида фиску фасод ва бузукликларни йўқотиш зарур. Лекин

биз ақлли тўдаларга, ўзимиздаги камчиликларни тўлдирибгина қолмасдан, дунёдаги харобликларни тузатиш ва уларга чора кўриш учун ишлаш ва бу йўлда вайроналикнинг олдини олиш чораларини кўришимиз лозимдир. Зеро, ақлсиз нодонлар бизнинг қилган ишларимиз ортидаги ҳақиқатга тушунмай ва бу ишлардаги арзимизни билмай, худди ёш болалар катталарга эргашганидек, бу ишга эргашадилар. Улар ақл ўрнига фақат зўрликдан фойдаланадилар ва ўз манфаатларига етиш йўлидаги амалга ошмаган ниятларининг рўёбга чиқмаслигидан афсус-надомат чекадилар»<sup>1178</sup>.

## LXV БОБ. ҚУРБОНЛИКЛАР ҲАҚИДА

«Ведалар»нинг кўпроқ қисми оловга қурбонлик қилиш ва унинг тавсифини ўз ичига олади. Бу қурбонлик шундан иборатки, унинг учун аталган бия от эркин ўтлаб юриши учун бўшатилиб қўйиб юборилади, кетидан аскарлар ҳайдаб юриб, баланд овоз билан бақириб: «Бу – ҳақиқатан олам подшоҳидир, бунга рози бўлмаганлар унга қарши чикиб кучини кўрсатсин», – дейдилар.

|| (272) Браҳманлар ҳам жониворнинг кетидан юриб, унинг тезаги тушган жойида олов қурбонлигини адо қиладилар. Қишлоқларни кезиб келганларидан сўнг, жониворни сўйиб, гўштидан унинг эгасига ва браҳманларга таом тайёрлайдилар.

Айрим қурбонликлар узоқ вақтга чўзиладиган бўлади. Ҳатто умри жуда узоқ бўлганларнинг баъзилари уни адо этишга ҳам улгурмаган. Айни пайтда бундай қурбонликларнинг кўплари бекор қилинган.

Ҳиндларнинг эътиқодларига кўра, оловга, масалан, сув аралashi би-лан у булганиб қолади. Шу сабабдан ҳиндлар олов билан сувга нисбатан ўта эҳтиёткорлар. Қурбонликлардан оловга берилганларининг ҳаммаси девага етади, чунки олов девалар оғзидан чиқади. Браҳманнинг оловга едирадигани: мой ва ҳар хил дон-дунлар, чунончи, буғдой, арпа, гуруч кабилардан иборат бўлиб, буларни оловга ташлаганда «Ведалар»нинг олов қурбонлиги учун ўқилиши лозим бўлган матнларидан ўкиб туради. Аммо бунда қурбонлик ўзи учун бўлса, ўқийди, агар бошқалар учун бўлса, олов устида ҳеч нима ўқимайди.

«Вишу-дҳарма» китобида ёзилишига кўра: «Ўтган замонда *дайтия* жинсидан қувватли ва шижоатли, мулки кенг бир Ҳираниякша деган киши бўлиб, унинг Дукиш исмли бир қизи бўлган. Бу киз доим ўз нафсини синаб, рўза тутиб, таркидунё қилиб, ибодат қилишда ижтиҳод қилганлиги учун савоб юзасидан олий бир жойда туришга лойиқ бўлиб, унга Маҳадева уйланади. Олов эса, бу икковидан ўзларига ўхшаш олов туғилишидан кўрқиб, ғайирлиги келиб қасд қилди.

Маҳадева оловни кўрган ҳамон аччиғи чиққанлигидан пешонаси терлай бошлади, ҳатто тери ерга ҳам оқиб тушди, ер ўзига шимиб олди ва у тердан Миррихга ҳомиладор бўлди. Миррих, яъни Сканду – дева кўшинларининг бошлиғидир.

## LXVI БОБ. ҲАЖ ВА МУҚАДДАС ЖОЙЛАРНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

|| (273) Ҳиндларда ҳаж қилиш фарз бўлмай, балки ихтиёрий ва фазилатли амаллардандир. Уларда ҳаж қилиш пок деб танилган шаҳарлар ёки улуғ саналган санамлар ва дарёлардан бирига боришдан иборат. Дарёга борилганда чўмилиб, санамга борилганда сажда қилинади ва унга атаб ҳадялар бериб, дуо қилишларни кўпайтиради. Рўза тутиб, браҳманлар, ибодатхона хизматчилари ҳамда бошқаларга садақа берадилар, соч ва соқолини олдирадилар.

Пок ва муқаддас саналган сув ҳовузларига келсак, улар Меру тоғи атрофидаги совуқ тоғларда жойлашган бўлиб, «Ваю-пурана» ва «Матсия-пурана» китобларида ёзилишига кўра: «Меру этагида жойлашган Арҳата ҳавзаси; жуда ҳам катта бўлган бу ҳавза ойдек товланади, деб макталади. Дарё суви жуда ҳам пок бўлиб, тоза олтин устидан оқади ва ундан Занба дарёси бошланади<sup>1180</sup>».

Швета тоғининг яқинида Утгара Манаса ҳавзаси жойлашган. Унинг атрофида ҳар бири кўлдек келадиган ўн иккита ҳавза бор. Улардан Санди ва Мадҳиянда сувлари оқиб келиб, Кимпуруша<sup>1181</sup> томонига йўналади. Нила тоғи олдида нилуфарлик Пиюз ҳавзаси бор<sup>1182</sup>.

Нишадҳа тоғи ёнида эса Вишнупада ҳавзаси жойлашган бўлиб, бу ердан Сарасвати, яъни Сарсути дарёси оқади. Гандҳарви дарёси ҳам шу ердан оқиб ўтади<sup>1183</sup>.

Кайласа тоғида денгиздек келадиган катта Манда ҳавзаси жойлашган. Ундан Мандакини дарёси оқиб келади. Кайласанинг шимоли-шарқида Чандрапарвата тоғи жойлашган. Унинг этагида Ачуд ҳавзаси бор. Ундан Ачуд дарёси оқади.

Кайласанинг жануби-шарқида Лоҳита тоғи жойлашган. Унинг этагида Лоҳита ҳавзаси бўлиб, бу ердан Лоҳитанади дарёси оқади.

Кайласанинг жанубида Сараюшати тоғи жойлашган. Унинг этагидаги Манаса ҳавзасидан Сараю дарёсига сув оқиб келади.

Кайласанинг ғарбида доим қорли, тепасига чикиб бўлмайдиган Аруна тоғи жойлашган. Унинг ёнбағрида Шайлода ҳавзаси бор. Ундан Шайлода дарёсига сув оқиб келади.

Кайласанинг шимолида Гаура тоғи жойлашган. Унинг этагида Бандасару, яъни «олтин қумли» деган ҳавза бор. Ҳавзанинг яқинида подшоҳ Бҳагиратҳа хилватнишин бўлиб, бу ерда одамлар ибодат қилар эдилар.

Ибодат қилишнинг тарихи шуки, ҳиндларнинг Сагара номли подшоҳи бўлиб, унинг фосих ва безори олтмиш минг ўғли бўлган. Иттифоқо, уларнинг бир оти йўқолиб, ҳамма ёққа жарчи солган, қидирув жараёнида ер устида оёқларини қаттиқ босаверганликларидан ер ўпирилиб, ўпқон шаклига кирган. Охири отларини ернинг ўртасида бошини қуйи солиб, кўзини тикиб турган одамнинг олдида тўхтаб турган ҳолда топганлар. Улар бу одамга яқин борганларида, у ғазаб билан ўқрайиб қараган. Шунда улар қилмишларининг ёмонлиги ва одобсизликлари сабабли турган жойларидаёқ қуйиб кетиб, қилган гуноҳлари учун дўзахга тушишга маҳкум бўлганлар. Уларнинг ана шу юрган йўлларининг ўрни Буюк денгизга айланган.

|| (274) Сўнгра шу подшоҳнинг наслидан бўлган подшоҳ Бҳагиратҳа ўтмиш ота-боболарининг ҳаётлари ҳақида эшитиб, уларга жуда ачинган. Сўнгра қуми олтин ҳавза ёнига бориб, Маҳадева унинг мақсад – ҳожатини сўрагунча кечалари ибодат қилиб, кундузлари рўза тутиб кун кечирган. Маҳадева ундан ҳожатини сўраганда, у: «Жаннатда оқадиган Ганг дарёсини сўрайман», деган. Чунки Ганг дарёсининг суви кимнинг устидан оқса, унинг гуноҳлари ювилишини билар экан. Маҳадева унинг илтимосини қабул қилган.

Осмонда кўринадиган Сомон йўли шу Ганг дарёсининг оқишидир. Ганг дарёси ўзига бино қўйган, ҳеч ким мени тасарруф қилишга қодир эмас, деб билар экан. Маҳадева уни ушлаб, бошига қўйган. Ганг дарёси ҳавзадан чиқишга қодир бўлмаган; шунда у ғазабдан мавж уриб, тўлқинлана бошлаган. Маҳадева уни чангаллаб турган, ҳатто унга шўнғиш ҳам мумкин бўлмаган. Сўнгра ундан бир бўлакни олиб, Бҳагиратҳага берган. Ниҳоят, у Ганг дарёсининг етти шахобчасидан ўрта шахобчасини Бҳагиратҳа ота-боболарининг суяги устидан оқизган. Шу билан улар азобдан қутулганлар. Ана шу сабабли ҳиндларда ўликнинг ёндирилган кули Ганг дарёсига оқизилади ва дарё унинг номи билан [яъни, «Бҳагиратҳа»] деб аталади<sup>1184</sup>.

Ганг дарёсининг поклигидек пок бўлган дарёларни двипаларда борлиги ҳақида ҳикоя қилган эдик. Ҳар бир мўътабар жойга ҳиндлар ювиниш нияти билан ҳавзалар ясайдилар. Бу иш улар учун бир санъат ҳисобланади. Бу ҳавзаларни қуришда шу қадар ҳунарларини ишга соладиларки, уни кўрганлар ҳайратда қоладилар. Улар керакли миқдорда жуда катта тошларни йўғон қозиклар билан ҳавза атрофига ўрнатиб, одам бўйидан узунроқ келадиган тахмонга ўхшаган зинапоялар ва ҳар икки зинапоянинг ўртасига кунгирага ўхшатиб, чиқиб тушадиган пиллапоялар ишлайдилар. Аввалги баланд зинапоялар йўлак ўрнида бўлиб, кунгирага ўхшашлари пиллапоя ҳисобланади. Агар бу зинапоялардан қанчалик кўп халқ тушиб чиқса ҳам, ҳаргиз улар бир-бирларига урилмайдилар.

Мўлтон шахрида ҳам бир ҳавза бор. Одамлар бу ерда ювиниш йўли билан ибодат қиладилар.

Вараҳамиҳиранинг «Самҳита»сида [айтилишича]: «Танешарда бир ҳавза бор, ҳиндлар узоқ ерлардан ният қилиб келиб, бу ҳавза сувида чўмиладилар. Уларнинг даъволарига кўра, кун тутилган бошқа жойлардаги кароматли ҳавзаларнинг суви бу ҳавзага зиёратга келар экан. Шунинг учун бу ҳавзада ювиниш бошқаларнинг ҳар бирида навбат билан ювинганнинг ўрнига ўтар экан».

Вараҳамиҳира яна ҳиндлардан ҳикоя қилиб шундай дейди: «Ой ва кунни тутилтирган Бош [аждар боши] бўлмаса, бошқа ҳавзалар асло бу ҳавзани зиёрат қилмас эди, дейишади»<sup>1185</sup>.

|| (275) Ҳавзаларнинг поклиги ва мусаффолиги билан одамлар ўртасида довруқ қозониши иттифоқо [шу ҳавзада] бир катта воқеанинг бўлиши билан ёки [муқаддас] китоб ва хабарларда [унинг ҳақида] бирор ҳикоя ёзилиши билан вужудга келади. Зухранинг Браҳмадан олган сўзини Шаунака ҳикоя қилганини айтган эдим. Чунки бу сўз билан унга хитоб қилинган эди. Яна у ерда подшоҳ Бали ҳам зикр этилган бўлиб, Нараяна томонидан уни ернинг энг остки қабатига шўнғитгунгача қиладиган ишлари ҳақида ёзилган. Ушбу ривоятда яна шундай дейилган: «Мен подшоҳ Балига нисбатан бундай йўл тутганимнинг сабаби шундаки, унинг нияти одамлар орасидаги тенгликни йўқотиш эди. Инсонлар бир-бирларидан ортиқ-кам бўлишлари керак; инсонлар подшоҳга итоат қилиш ва бўйсунушдан қайтиб, менга имон келтиришлари лозимдир».

Маданияти юксак даражада бўлган миллатларда ҳам бир-бирларига ёрдамлашиш уларнинг ортиқ-кам бўлишларига ва бирлари иккинчиларига муҳтож бўлишларига қараб амалга оширилади. Аллоҳ оламдаги барча нарсаларни турфа табиатда намоён қилиб, Ер юзидаги қитъаларни ҳам бир-биридан фарқли қилиб яратди. Баъзи жой совуқ, баъзи жой иссиқ, бир жойнинг тупроғи, ҳавоси ва суви тоза, иккинчи жой эса сизот, шўрли ва сассиқ, сувлари бузилган, хидланган ва ҳавоси зарарлидир. Шунга ўхшаб баъзи жойлар ва неъматларининг кўп ва озлигига ҳар турли офатларни кетма-кет етиб туриши ёки омонликда ва тинч ҳолда ҳаёт кечириш мумкин бўлишлигига қараб, хилма-хилликлар бордир. Шаҳарларда турувчиларнинг шаҳар бино қилиш учун ўрин танлашлари ҳам жойларнинг хилма-хиллиги сабабидан келиб чиқади. Булар ҳаммаси расму одатларга кўра бўлади.

Аммо қонуният буйруқларига келсак, у булардан ҳам қувватлироқ бўлиб, расм ва одатлар табиатидан ғолиброкдир. Мана шундан билса бўладики, расм ва одатнинг боиси қидирилади ва ўрганилади. Ўрганиш сўнгида қабул қилинади ёки воз кечилади. Ахир шариат амрларининг боиси суриштирилмайди, балки кўпчилик уни тақлид йўли билан қабул қилади. Бу тўғрида келтирилган далил ва ҳужжатлар, бир ёмон ерда тугилиб ва шу ерда яшаб, бошқа жойни кўрмай ва бошқасига кўчишни мураккаб билиб, ночор

туғилган жойини суйган кишининг далил ва ҳужжатидан ортиқ эмас. Агар жойларни ортиқ-кам кўриш диний сабаблар юзасидан бўлса, бунга амал қилувчиларнинг диллари ўз жойини яхши кўради; бу севиш одати уларга сингиб абадий бўлади<sup>1186</sup>.

Ҳиндларда Банараси шаҳрига ўхшаш диний жиҳатдан муқаддас ҳисобланган масканлар мавжуд. Уларнинг ибодат қилувчилари худди Маккадаги Каъбага бориб, қўзғолмасдан ибодат қилган кишилардек, у жойларга қасд билан бориб айрилмасдан туриб ибодат қиладилар<sup>1187</sup>. Инсон кейинги оқибатлари яхши бўлишлиги учун у жойларда жон беришни ҳам орзу қиладилар. Агар кон тўкувчилар бўлса, гуноҳи учун ушланади ва гуноҳининг жазосини тортади, лекин улар Банараси шаҳрига кирса, гуноҳи кечирилиб, ёрликланади, дейдилар. Бунинг сабаби ҳақида мана бундай даъво қиладилар: «Брахма аслида [яратилишда] тўрт бошли бўлган эди; у билан Шамкара, яъни Маҳадева ўртасига бир низо тушиб, ўртадаги жанжал унинг бошларидан бирини юлиб олишгача етади. У вақтлардаги одатга кўра, ўлган кишининг боши ўлдирувчининг расволигига белги ва ўлдирганига аломат бўлиши учун қўлида осилиб қолар эди. Шу одатга кўра, Маҳадева қўлида Браҳма бошининг косаси осилиб қолди. Ўша билан ҳар ерга бориб айланиб келар эди. Сафар давомида сира айрилмаган бош охири Банараси шаҳрига кирган вақтида қўлидан тушиб кетиб йўқолади»<sup>1188</sup>.

Муқаддас ҳисобланган жойлардан яна бири Танешардир. Уни Курукшетра деб ҳам атайдилар. Бу эса «Курунинг юрти» демакдир. Куру бўлса, бир дарвеш ва солих деҳқон киши эди. Худонинг унга берган қуввати билан ажойиб ишлар қилар эди. Оқибатда юртни ҳам шунга нисбат берилди ва у хурматга лойиқ бўлди. Бундан ташқари, Бҳарата урушларида Васудева ишлари ва ахлоқсиз кишиларнинг ҳалокати ҳам иттифоқо шу ерда бўлган.

|| (276) Муқаддас саналган шаҳарлардан яна бири браҳманлар билан тўлган Матхура шаҳридир. Бу шаҳарда Васудева туғилиб ва бунинг ёнидаги Нандакулада тарбия топганлиги учун бу шаҳар муқаддас ҳисобланади. Ҳозирги вақтда Кашмир ҳам табаррук жойлардан биридир. Мўлтон ибодатхонаси ҳам бузилмасдан илгари зиёратгоҳ эди.

## LXVII БОБ. САДАҚА ВА МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ ҲАҚИДА

Ҳиндлар ҳар куни мумкин қадар садақа бериши лозимдир ва уларнинг ёнларидаги пуллари йил ўтиши учун эмас, ҳатто ой ўтиши учун ҳам қолмаслиги керак. Чунки бундай қилиш уларнинг фикрича, мажбуриятни номаълум вақтга қолдириб қўйиш, деб ҳисобланади. Инсон эса у вақтга етиш-етишмаслигини ўзи ҳам билмайди<sup>1191</sup>.



Дехқончилик ва чорвачиликдан келадиган даромадларнинг олтидан бирини фуқаронинг ўзини, молини ва оиласини ҳимоя қилаётганлиги учун хизмат ҳақи ҳисобида ҳокимга бериши лозим. Шу хилдаги солиқни бериш мажбурияти қора халққа ҳам шарт бўлса-да, уларнинг вакиллари даромадлари ҳақида ёлғон сўзлайдилар ва буни баҳолашда хиёнат, алдашга ҳаракат қиладилар. Савдо ишидагиларга ҳам шунга ўхшаш ўзларига белгиланган миқдорда солиқ тўлаш лозим бўлади. Бу айтилган солиқлардан браҳманларгина озод қилиниб, бошқалар тўлашга мажбурдирлар.

Солиқлардан кейин қолган молк-мулкни сарфлаш ҳақидаги фикрлар турлича бўлиб, баъзилар бу йиғиндининг тўққиздан бирини садақа учун беришни лойиқ кўрадилар, чунки улар мулкни уч қисмга бўладилар. Ундан бир қисмини захира қилиб, кўнгил тўқ бўлиши учун сақлаб қўйилади. Иккинчи учдан бирини олди-сотдисиға даромад келтириши учун ишлатади. Охириги учдан бири яна учга бўлиниб, бунинг бирини садақа учун бериб, қолган икки қисмини оиласиға сарф қилади.

Баъзилар бутун молни тўртга бўлиб, тўртдан бир бўлагини уй харажатлари учун, иккинчи чорагини зеб-зийнат ва орзу-ҳавас учун ва учинчи чорагини садақа учун, тўртинчи чорагини эса захира қилиб сақлаб қўйиш учун белгилайдилар.

Аммо захира учун олиб қолинган маблағнинг чораги уч йиллик уй харажати учун етарли бўлиб, ортмаслиги лозим. Агар бу миқдордан ортиб қоладиган бўлса, уч йиллик харажатга етадиган қисми олиб қолиниб, ортиғи садақа қилинади.

Молни фоиз баробарига орттириш учун ижарага бериш ҳаром ҳисобланади. Шундай гуноҳи учун тўланадиган миқдорга келсак, бош молининг устига қанча нарх қўйиб олган бўлса, гуноҳи ҳам шу миқдорда бўлиб, кўп бўлса кўп, оз бўлса оз бўлади. Судхўрлик, яъни бош молнинг ўндан бирининг бешдан биридан ортмаслик шарт билан фақат *шудрагагина* руҳсат этилиб, бошқа халқларга руҳсат этилмайди.

## ЛХVIII БОБ. ҲАЛОЛ ВА ҲАРОМ ҲИСОБЛАНГАН ЕГУЛИК ВА ИЧИМЛИКЛАР ҲАҚИДА

Насоролар ва монавийларда бўлгани сингари ҳиндларда ҳам аслида қорамолни сўйиш мутлақо ман қилинган. Лекин инсонларнинг гўшт ейишга иштаҳалари ғолиб бўлганлигидан бундай эътиқодга амал қилмайдилар. Шунинг учун бу ман қилиниш фақат браҳманларгагина хос бўлиб қолган. Чунки улар диний урф-одатларга қатъий амал қилганликлари сабабли, дин уларни ҳар бир нафсоний орзуларга эришишдан қайтаради. Масалан, насоро руҳонийларининг епископларидан юқори даражадаги митрополит, жасалиқ<sup>1192</sup>

патриархлар паст даражада бўлган қиссу ва шаммосалар билан [дин тутишда] баробар эмас. Лекин улар ҳам ўз даражаларини кўтариш учун мустаҳкам диний эътиқодли бўлсалар сақланадилар.

Баъзи ҳайвонларнинг нафасини тўхтатиб, бўғиб ўлдириш ҳалол ҳисобланади. Ҳалол бўлган ҳайвонлардан ўз ҳолича, тўсатдан ўлиб қолганлари ҳаром қилинади.

|| (277) Бироқ ҳалол бўлган ҳайвонларга келсак, улар: қўй, эчки, кийик, қуён, каркидон – гандха, қўтос, балиқ, куруклик ва сувда яшайдиган қушлар, жумладан, чумчук, тустовук, каклик, товус ва шуларга ўхшаш инсон табиати жирканмайдиган ва истеъмол қилиш ман қилинмаган жониворлардир.

Аммо китоб сўзи билан ҳаром бўлган ҳайвонларга келсак, улар: қорамол, от, ҳачир, эшак, туя, фил, уй товуғи, қарға, тўти, майна ва бу қушларнинг туҳумидир.

Ҳамр [ичимлик] бошқалар учун ҳаром ҳисобланса, *шудра* учун ичиши ҳалол бўлиб, унга гўштни сотиш ҳаром бўлганидек, ичимликни сотиш ҳам ҳаромдир.

Баъзи ҳиндларнинг айтишларига кўра, Бҳарата [уруши]дан илгари, қорамолни истеъмол қилиш ва қурбонлик қилиш ҳалол ҳисобланган экан<sup>1193</sup>. Сўнгра одамларнинг табиатлари ўзларига лозим бўлган нарсаларни адо қилишдан ожиз бўлганлиги учун инсонларга осон бўлишлигини эътиборга олиб, аслида тўрт бўлакли «Веда»ни бир бўлакка келтирганидек, буни ҳам ҳаром қилинди, дейишлари маъносиз сўздир. Чунки қорамолнинг ҳаром қилиниши рухсат ва ёки енгиллик учун бўлмай, балки қатъий талаб ва уларнинг нобуд бўлишини камайтириш учундир.

Бошқалардан эшитишимизга кўра, брахманлар қорамол гўштини ейишдан озор чекадилар. Чунки мамлакат иссиқ бўлиб, у ерда яшайдиган кишилар танасининг ички аъзолари совуқ бўлганлигидан туғма ва табиий ҳароратлари суут ва ҳазм қилиш қуввати заиф бўлади. Шунинг учун улар таомдан кейин бетел дарахти баргини истеъмол қилиб, арек ёнғоғини чайнаш билан овқат сингдириш қувватини кучайтирадилар. Чунки бетел ўзининг ўткир таъми билан табиий ҳароратни кўтаради, унинг таркибидаги оҳак намликни қуритади, арек ёнғоғи эса тишни ва тиш милқини мустаҳкамлайди ҳамда меъдани тўқ тутади. Шу ҳолатларга кўра, қорамол гўштини истеъмолдан ман этган эдилар. Уларнинг ман этишлари қорамол камайиб кетиб, худди ас-Савод<sup>1195</sup> хароб бўлганлиги ҳақида Ҳажжожга<sup>1196</sup> шикоят қилишганида, у қорамолни сўйишни ман қилганидек бўлади.

Ҳикоя қилишларига кўра, ҳинд китобларининг бирида бундай ёзилган:<sup>1197</sup> Ҳалол ва ҳаромликда ҳар бир нарса баробар, лекин буларнинг хилма-хил бўлиши учун кучли ва кучсиз бўлиши сабабидан келиб чиқади. Масалан, бўри қўйни қиришга қодир, қўй унга қарши туришдан ожиз; мана шу

жихатдан бўри ўлдириб, уни ўзига озик қилади». Биз уларнинг китобларида бунга шаҳодат берадиган бошқа нарсаларни ҳам учратдик.

Бу фикрлар худди бир олим амалига тўғри келади, чунки у ўз устида ишлаб, бирор мартабага кўтарилади. У маълум даражага етганда, унинг олдида брахман ва чандалга баробар бўлиши билан бирга, сақланиши лозим бўлган нарсалар ҳам, хоҳ ҳалол бўлсин ва хоҳ ҳаром бўлсин, баробар бўлади. Чунки агар ҳалол бўлса, унинг эҳтиёжи йўқ бўлади ва агар ҳаром бўлса, унга рағбати ҳам йўқ бўлади. Аммо нодонлик истило қилган кишиларнинг бундай нарсаларга эҳтиёжи бўлганлиги учун уларга баъзи нарсалар ҳалол ва баъзи нарсалар ҳаром қилиниб, ўртага чек қўйилган.

## LXIX БОБ. ҲИНДЛАРДА НИКОҲ ВА ҲОМИЛАДОРЛИК ДАВРИ МАСАЛАЛАРИ

|| (278) Бирор миллат ҳам никоҳдан холи эмасдир. Никоҳ ақлан хунук бўлган сифат – ўз урғочисини қизғаниш ва талашиш каби [ёмон аҳволлар] га йўлиқишдан сақлайди. Ҳайвонларнинг бир-бирига қарши ғазабини кўзгатадиган сабабларни кесиб, ҳалокатга тушишдан қутқазади. Кимки ҳайвонларнинг жуфтлашишини ва ҳар бир ҳайвон ўз урғочисини кўриқлаб, бошқа ҳайвонларни йўлатмаслигини ва ундан бегона ҳайвонлар ҳам умид узишини ўйласа, ақл-идроксиз ҳайвонлардан тубан даражада қолишдан ор қилиб, зиндан сақланади ва никоҳни жуда ҳам лозим топади.

Никоҳ хусусида ҳар бир миллатнинг ўзига хос расми ва одати бор. Айниқса, шариатга бўйсуниб, Яратганнинг амрини бажаришни даъво қилувчилар бу тўғрида алоҳида ўрин тутаяди. Ҳиндларда болаларни ёшлик вақтида уйлантириш одати бор бўлиб, ўғил отаси билан қизнинг онаси иккови учрашиб, ўзаро никоҳ тўхтамини бажо келтирадилар. Ана шу муносабат билан брахманлар қурбонлик маросимини ўтказадилар. Ота-оналар тарафидан брахманларга ва халққа садақа берилиб, хурсандлик тантаналари ўтказилади ва ўғил-қизлар ўртасида маҳр тайин қилинмайди, [аммо йигит тараф] хотин учун ўз ҳимматига лойиқ кўрмана ва нақд ҳадялар беради. Лекин берган нарсаларини кейин қайтиб олиш ҳуқуқи йўқ. Аммо хотин ўз розилиги билан қайтиб бериши ҳам мумкин. Эр билан хотин ўртасини ўлимдан бошқа ҳеч нарса айиролмайди, хиндларда талоқ қилиш ҳам йўқ. Эрларда бирдан то тўртгача хотин олиш ҳуқуқи бор бўлиб, тўртдан ортиғи эрлар учун ҳаромдир. Агар никоҳида бўлган тўрт хотиндан бири вафот этса, яна бир хотин олиб уларни аввалгидек тўрттага етказиши мумкин. Лекин тўртдан юқорига ўтолмайди<sup>1198</sup>.

Агар хотиннинг эри ўлса, унинг иккинчи эрга тегиши мумкин эмас. У икки йўлдан бирини танлашга ихтиёри ўзида: биринчиси, ҳаётининг

қолган даврини эрга тегмай, бевалиқда ўтказиш, иккинчиси, ўзини оловга ташлаб ёндириш<sup>1199</sup>. Агар у шундай қилиб қутулмаса, азобда қолади. Ҳинд подшоҳларида ўлгандан кейин, расм бўйича, хотинларини тасодифий зиноликда тушиб қолишдан сақлаб [хотинлар] хоҳласин ё хоҳламасин, барибир, уларни ёндириб юбориш одати бор. Улардан ҳеч бирини тирик қолдирмайдилар. Фақатгина кекса бўлса ёки болали аёл бўлиб, ўгиллари уни хатоликдан сақлашга кафил бўлсалар ва ўз ҳимояларига олсалар, шундагина ўлдирмай қолдирадилар<sup>1200</sup>.

Ҳиндларнинг никоҳ қонунларида бегоналарга уйланиш қариндошга уйланишдан афзалроқдир. Насабда узоқ бўлган қариндошлар, насабда яқин бўлганларидан афзалдир. Аммо уйланувчига тубанга қарата олмаганда, яъни болаларининг, қизлари ва набираларининг қизларига никоҳланиш қатъиян ҳаром бўлганидек, юқорига қарата онаси, бувиси ва бу икковининг онаси ҳам ҳаромдир. Ота-онадан икки тарафга айрилган бўғинлар: опа, сингил ва уларнинг қизлари, амма, хола ва бу икковининг қизларига никоҳланиш ҳам юқоридагидек ҳаромдир.

Ҳиндларнинг баъзилари хотинлар сони касталарга боғлиқ бўлишини айтганлар, чунончи, браҳман учун тўрт, *кшатрий* учун уч, *вайшия* учун икки, *шудра* учун битта хотин олиш мумкин, дейдилар. Ҳар бир кастага мансуб кишилар ўз кастасидагилардан ёки ўзидан паст касталардан уйланиши мумкин бўлиб, паст касталарга [мансуб киши]нинг ўз кастасидан юқорисига уйланиши мумкин эмас<sup>1201</sup>.

Болалар отасининг кастасига мансуб бўлмай, балки онасининг кастасига мансуб бўлади. Масалан, агар браҳманнинг хотини браҳманлардан бўлса, туғилган бола ҳам браҳман бўлади, агар *шудра* бўлса, бола ҳам *шудра* бўлади. Лекин бизнинг замонамиздаги браҳманларга ўз кастасидан бошқаларга уйланиш ҳалол бўлса ҳам, ундай қилмайдилар ва бошқа касталарга уйланмайдилар<sup>1202</sup>.

|| (279) Агар браҳман ўз аёлларидан биридан бола кўришни хоҳласа, у олов учун *гарбҳадҳана* деб аталган қурбонликни қилиши керак. Лекин бу қурбонлик ўтказилаётганда аёлнинг ўзи ҳам иштирок этиши лозим<sup>1203</sup>. Агар иштирок этишдан уялса, ҳалиги ҳозирлик кечиктирилади ва аёл ҳомиладор бўлгандан кейин, тўртинчи ойда келадиған симантонняна<sup>1204</sup> номли қурбонликка қўшиб ўтказилади. Аёл бола туққандан кейин туғилиш билан сут эмизиш ўртасидаги вақтда жатакарман<sup>1205</sup> деган учинчи қурбонликни қилиб, то туғилишдан тамомила пок бўлиб, намакарман<sup>1206</sup> деб аталган исм қўйиш қурбонлиги ўтказилмагунча, унга исм қўйилмайди. Аёл чилласи пайтида идишларга яқинлашмайди ва унинг уйдан ҳеч нима ейилмайди ҳамда уйга браҳман олов ёқмайди. Бу [сақланишга тегишли] кунлар браҳман учун саккиз кун, *кшатрий* учун ўн икки кун, *вайшия* учун ўн беш кун, *шудра* учун

ўтгиз кун бўлади. Булардан паст касталар санокқа кирмаган ва уларга одатда аниқланган муддат ҳам йўқ.

Кўпинча, сут эмизиш муддатини кўрсатиш зарур бўлмаса-да, бола уч йилгача эмизилади. Биринчи марта сочи олиниши ва бунга аталган қурбонлик уч ёшида қилинади. Қиз болалар етти ё саккиз ёшга кирганида қулоғи тешилади<sup>1207</sup>.

Ҳиндларда фоҳишабозлик учун қаттиқ жазоламаслик подшоҳлари томонидан киритилган бир офатдир. Подшоҳлари шаҳарларга зийнат, халқнинг кўнгил очиши учун деб аёлларни ибодатхоналарга ўйнаш ва ҳар хил созлар чалиб турли оҳангларда ашулалар айтиш учун қўйган бўлса ҳам, бундан тилаклари уларнинг хизмати орқали тушадиган пулга хазинани тўлдириш эди. Аскарларни таъминлашда сарфланган чиқимларни қоплаш учун жарима ва солиқ солиш йўли билан маблағ тўплаб, уни хазинага қайтариш эди.

Шунга ўхшаш ишларни Азудаддавла<sup>1209</sup> ҳам амалга оширган.

## LXX БОБ. СУДЛАНИШ ДАЪВОЛАРИ ҲАҚИДА

Қози даъвогарнинг даъвосини эшитиш учун унинг ёзма аризасини ва даъвони исбот қиладиган ҳужжатларни талаб қилади. Лекин ариза шу баробаридаги кишиларнинг даъвосида ёзилганидек мантиқли бўлиши керак. Агар ёзма ариза ва ҳужжатлар бўлмаса, даъво гувоҳлар ёрдамида ҳал қилинади. Гувоҳлар сони энг камида тўрт киши бўлиши керак ва ундан ортиқ бўлиши ҳам мумкин. Агар гувоҳнинг рост гапираётгани қозининг қаршича муқаррар бўлса, у ҳолда у шу биргина кишининг гувоҳлиги билан ишни кўриб чиқиб ҳукм чиқариши мумкин<sup>1210</sup>. Шунда қози махфий текшириш ва ошқора аломатларни излашга йўл қўймаслиги керак. У, шунингдек, маълум бўлган ҳодисаларни бир-бирига солиштириш йўли орқали ўзига аён бўлиб кўринган ҳолатлардан ҳукм чиқариш ва ҳақиқатга эришиш учун Иёс ибн Муъовияга<sup>1211</sup> ўхшаб маккорлик чораларини кўришдан ўзини тийиши керак.

Агар даъвогар хат, ҳужжат кўрсатишдан ожиз бўлса, жавобгар қасам ичиши лозим бўлади. Аммо қасам ичишни даъвогарнинг ўзига айлантириш ва унинг бўйнига қўйиш ҳам жоиз бўлиб, қози даъвогарга қараб: «Даъвонгни ростлигига қасам ичсанг, даъвонгни сенинг фойдангга ҳукм қиламан», дейиши мумкин.

Даъвонинг катта-кичиклигига қараб қасамнинг ҳам турлари кўпдир. Аввало жавобгар қасамга рози бўлиб, даъво ҳам кичик муаммо учун бўлса, жавобгар бош браҳман олдида шундай деган: «Агар шу сўзим ёлгон бўлса, менга даъво қилинган нарсанинг саккиз ҳиссаси баробарида қилган амалларимнинг савоби даъво қилувчига бўлсин».

Бундан ҳам устунроқ қасам шуки, жавобгар қози вайша деган заҳарнинг браҳмана деб аталган хилини ичишга буюради. Бу энг ёмон хилидир. Агар рост бўлса, вайшани ичиш зарар бермайди<sup>1212</sup>.

|| (280) Яна ҳам кучлироқ қасам: жавобгарни чўнқир, тез оқар дарёга ёки таги чўнқир, суви тўла қудуққа олиб келинади, жавобгар сувга қараб туриб: «Сен малоикларнинг покизасисан, ошкора ва махфий ишларни билувчисан, агар ёлғончи бўлсам мени ўлдиргин, агар тўғри бўлсам, мени асрагин», дейди. Сўнгра уни беш киши ўраб келтириб, дарёга ташлайди. Агар ростгўй бўлса, дарёдаги ёки қудуқдаги сувга ғарқ бўлмас ва ўлмас [эмиш]<sup>1213</sup>.

Бундан ҳам устунроқ қасам бор; бунда қози даъвогар билан жавобгар турган шаҳарда ёки мамлакатда шарафлироқ деб танилган санам турган ерга ҳар икковини юборади, жавобгар ўша куни санамнинг олдида рўза тутиб, эртасига янги кийимларини кийиб, даъвогар билан биргаликда шу ерда туради. Ибодатхона хизматчилари санамга сув сочиб, ундан тушган сувни жавобгарга ичиради, агар сўзи ёлғон бўлса, у шу соатдаёқ қон қусади<sup>1214</sup>.

Яна бундан ҳам кучлироқ қасам бор; бунда жавобгарни тарозининг бир палласига қўйиб, иккинчи палласига унинг оғирлигига баробар келадиган тош қўйиб, тортилади. Сўнгра уни тарозидан туширилиб, тарозини ўз ҳолига қўйилади. Шунда айбланувчи жинлар, фаришталар ва осмондаги зотларни кетма-кет ёд қилиб, уларни ўзининг ростгўйлигига гувоҳ қилади ва унинг огзидан чиққан сўзларини қоғозга ёзиб, бошига боғланади. Сўнг қайтадан тарозининг палласига қўйиб тортилади, агар сўзи ҳақ бўлса, аввалгидан оғир келади<sup>1215</sup>.

Бундан ҳам устунроқ қасам бор. Бунда сариеғ ва кунжут ёғидан баробар миқдорда олиб, бир қозонда қайнатилади. Тоза қизиганлигини билмоқ учун бир гул бошини узиб, қозонга ташланади. Гулнинг боши қозонга тушиши биланок қовжираб куйиб, тоза қизиганлиги маълум бўлади. Қизигандан кейин бир бўлак олтинни қозонга ташлаб, айбланувчига қўлини солиб олтинни олишга буюрилади. Агар сўзи ва ўзи ҳақ бўлса, чиқариб олади<sup>1216</sup>.

Булардан ташқари ҳиндларнинг энг катта қасами бор. Бунда бир бўлак темирни чўғланиш даражасига етказиб қиздирилади. Сўнгра айбланувчи қўлининг кафтига бир оз шоли сочиб, устига катта япрокли ўтнинг бир баргини қўйиб, унинг устига чўғланган темирни темирчиларнинг махсус омбури билан ушлаб қўйилади. Етти кадам юргандан кейин уни ерга ташлашга буюрилади<sup>1217</sup>.

## ЛХХІ БОБ. ЖАЗОЛАШ ВА ГУНОҲЛАРНИ ЮВИШ ҲАҚИДА

Ҳиндларнинг бу соҳадаги одатлари насронийларникига ўхшашдир. Насроний [христиан] динининг асоси яхшиликка қурилган бўлиб, аслан кишини ўлдирмаслик, уст кийимини тортиб олган кишига қўйлагини ечиб бериш,

бир юзига урган кишига иккинчи юзини тутиб бериш, душман ҳаққига яхшилик билан дуо қилиб ва унга раҳмат айтиш каби ишлардан иборат эди. Лекин дунёдаги инсонларнинг ҳаммаси файласуф ва доно эмас. Нодон ва тўғри йўлдан адашганлар кўпдир. Уларни фақат қилич ҳамда қамчидан бошқа нарса тўғри йўлга сололмайди. Ғолиб Константин<sup>1218</sup> ғалаба қозониб, насоро динини қабул қилган кунидан бошлаб, қилич билан қамчи ҳаракатдан тўхтагани йўқ.

|| (281) Ҳиндларда ҳам шунга ўхшаш ҳарбий тадбирлар брахманлар қўлида бўлиб, улар фақат мушоҳада йўли билан тузилган диний китоблар тақозосига қараб сиёсат юргиздилар. Бузуқ ниятли ва ёмон ахлокли кишилар ўртага кириб олиши билан иш тўғри бормайди, ижро қилиши лозим бўлган диний ишларни юргизишдан ҳам ожиз қолиб, ўз худоларига ёлбордилар, охирида Брахма брахманларга тегишли ишларни *кшатрийга* берди. Шунинг учун брахманларнинг тирикчилиги гадоёчилик ва тиланчилик йўли билан ўтарди. Халқларнинг гуноҳкорлиги учун уларни уламолар эмас, подшоҳларгина жазолашга ҳақлидир.

Аммо ўлим жазосига ҳукм қилиш ишларида, ижрочи брахман бўлиб, қатл қилган бошқа касталардан бўлса, гуноҳни ювишдан бошқа нарса бўлмайди. Гуноҳлар рўза тутиш, намоз ўқиш ва садақа бериш орқали ювилади.

Агар қатл қилинган ҳам брахман бўлса, унинг иши охиратга қолади ва унга гуноҳни ювиш лозим бўлмайди, чунки брахманда гуноҳни ювадиган ҳеч нарса йўқ. Гуноҳларнинг энг каттаси брахманни қатл қилишдир. Унинг гуноҳини важра – брахмахатия<sup>1219</sup> деб атайдилар. Ундан кейинги гуноҳлар қорамолни ўлдириш, ичкилик ичиш, зино қилиш жуда оғир гуноҳдир. Аммо валий ва ҳокимлар брахман ва *кшатрийдан* қасос олмайдилар ва лекин молу-мулкани мусодара қилиб, ўзини мамлакатдан сургун қиладилар<sup>1220</sup>.

Агар брахман ва *кшатрийдан* куйи касталар орасида ўлим билан боғлиқ жиноят содир бўлса, жиноятчи қотил гуноҳини ювишга ҳақ беради. Лекин валийлар эса фуқаролар ўртасида ибрат бўлиши учун ўлдирувчини жазолашни ижро қилади.

Ўғрилиқка келсак, ўғирланган нарсанинг миқдорига қараб жазо берилади. Баъзан, зўр даражада ва баъзан ўрта даражада, халқларга ибрат бўлгудек, жазо бериб, гоҳо қийнаш ва товон тўлатиш лозим тугилади, гоҳо халқ ўртасига чиқариб ёйиш ва ошқора қилиб расво қилиш билангина тўхтатилади. Агар ўғирланган буюм миқдори катта бўлса, валийлар брахманнинг қўлини қўл кафтига қўшилган еридан кесишга қарор қиладилар. *Кшатрийда* ҳам шундай йўл тутадилар<sup>1221</sup>.

Зино қилган хотинларга келсак, уларни эрининг уйдан чиқариб, ҳайдаб юборилади. Ҳиндилар мамлакатидан қочиб, четга чиққан киши қайтиб ўз шаҳрига ва ўз динига келса, гуноҳкор ҳисобланиб, гуноҳини ювиш учун рўза тутиши лозим бўлади.

Шу ҳақда брахманлардан сўрасак, Брахман бир неча кун *шудра* уйидан овқат еса, ўз вазифасидан айрилиб қолади, қайтиб ўз ўрнига ўтиролмайдю, қайтиб келиб, қандай қилиб аввалгидек ўз ўрнида бўла оларди, дейишди.

## LXXII БОБ. МЕРОС МАСАЛАЛАРИ ВА МАРҲУМНИНГ МЕРОСЛАРИДАГИ ҲАҚИ

Ҳиндлардаги мерос ҳақидаги қоидалардан асл мақсад – аёлларни меросдан маҳрум қилиш, фақат кизлар бундан мустасно. Чунки «Ману» китобларининг<sup>1222</sup> ҳукмига кўра, ўғлига бериладиган мероснинг тўртдан бири қизига берилиши керак. Агар киз турмушга чиқмаган бўлса, то турмушга чиққунига қадар унинг бутун сарф-харажатлари ана шу мерос ҳисобидан бўлади. Лекин турмушга чиқарилишида унинг сепларига керак бўлган тўй харажатлари ҳам қизнинг ўз меросидан ушланади. Турмушга чиққанидан кейин эса унга берилган барча тўлов-харажатлар тўхтатилади.

Аммо аёл ўзини ёндиришни хоҳламаса, емак-ичмаги ва кийим-кечаги умрининг сўнгги дақиқасигача турмуш ўртоғининг ворислари зиммасида бўлади.

Марҳум ўзидан бирор нарса қолдирган бўлсин ё бўлмасин, қарзини тўлаш меросхўрлар зиммасига тушади, агар мерос қолмаган бўлса, улар ўз молидан тўлайди. Шунга ўхшаш юқорида айтилган тўловларни меросхўр ҳар қандай шароитда ҳам тул хотин учун тўлаши керак.

|| (282) Аммо меросни эрларга беришга қатта эътибор берилади. Марҳумадан тубанга қарата бўлган ўғли ва унинг болалари юқорига қарата бўлган отаси ва бобосидан кўра мерос олишга ҳақлироқдир. Наслнинг бошланишидан тарқалган сингиллар ворисликда кучсизроқ бўлгани учун меросга эга бўлмайдилар. Агар яқин ворислар бўлмаса, шундагина эга бўлишлари мумкин. Бундан маълум бўладики, қизнинг ўғли, набира сингилнинг ўғли жияндан меросга ҳақли бўлиб, бу икковидан ҳам ака-уканинг ўғиллари ҳақлироқдир. Агар эр жинсидан ёки хотин жинсидан бир неча киши бўлса, мерос улар ўрталарида баробар тақсимланади<sup>1223</sup>.

Мабодо марҳумнинг меросхўри бўлмаса, қолган мулк ва молини ҳокимнинг ҳазинасига олинади. Марҳум вафотидан брахман бўлса, ундан қолган мол-мулкни ҳокимнинг сарф қилишига ҳаққи йўқдир. Қолган мол-мулкни фақат садақа қилса бўлади.

Марҳум вафотининг биринчи йилида ўликнинг ердаги ҳақидан деб, ўн олти марта зиёфат бериш ворисга лозим бўлган ишлардан ҳисобланади. Бу маросимларда меҳмонларга таом бериш билан бирга садақалар ҳам беради. Бу маросимлар ва садақалар марҳум вафотидан кейин ҳар ўн биринчи ва ўн олтинчи кун бўлиб, кейин йил давомида ҳар ойда бир марта ўтказилади. Олтинчи ойда қилинадиган маросим мўл-қўллик ва сифати-



нинг яхшилигида бошқа ойларникидан ортиқроқ бўлади. Йил тўлишдан бир кун олдин қилинадиган маросим ва бериладиган садақа марҳумга ва унинг ота-боболарига бағишланади. Йил тугаши билан марҳумнинг ҳақи ҳам тугайди<sup>1224</sup>.

Агар ворис ўғил бўлса, йил тугагунча у мотам кийимларини ечмасдан, ғамгинлик билан юриб, хотинлардан ҳам йироқ туриши лозим. Шуни ҳам билмоқ лозимки, вафот этган йилининг бошида бир кун ҳамма ворисларга таом емак ҳаромдир.

Юқорида кўрсатилган ўн олти маросим ва садақадан бошқа яна ҳовли эшигининг тепасида девордан тоқчага ўхшатиб бир жой тайёрлаб, марҳум вафот этган кундан бошлаб то ўн кунгача ҳар куни бир лаган пиширилган таом билан бир кўза сувни у жойга қўймоқ ворисларга лозимдир. Чунки марҳумнинг руҳи ҳали бирор жойга жойлашмаган бўлиб, уй атрофида айланиб туриши мумкин<sup>1225</sup>. Сукрот ҳам «Федон» номли китобида шунга яқинроқ бир ишора билан руҳнинг қабр атрофида ташна бўлиб, айланиб юриши вужудга бўлган муҳаббатидан нишона бўлса керак, деган. Сукрот руҳ ҳақида бундай деган: «Бу дунёда турганда ва ўлим сабаби билан бу дунёдан айрилиб кетгандан кейин ҳам ўзига қўшиладиган ва ўзига ўрин бўладиган қувватни жасаддаги ҳар бир аъзодан йиғиш руҳнинг одатидандир»<sup>1226</sup>.

Сўнгра шу кунларнинг ўнинчисида марҳумга бағишлаб кўп таомлар ва совуқ сувлар садақа қилинади. Ўн биринчи кундан кейин ҳар куни бир кишилик таом билан бир дирҳам тангани брахманнинг уйига юборади. Бу ҳол йил бўйи ҳар куни давом эттирилади.

### **ЛХХІІІ БОБ. МАРҲУМНИНГ ЎЗ ЖАСАДИГА НИСБАТАН ҲАҚИНИ АДО ЭТИШ ВА ТИРИКЛАРНИНГ ҲАМ ЎЗ ВУЖУДЛАРИГА НИСБАТАН ҲАҚЛАРИ ҲАҚИДА**

Энг қадимги замонларда вафот этган кишининг жасади очиқ ҳавога чиқариб қўйиларди. Яъни, касалларни ҳам ялангоч ҳолида дала-даштга олиб чиқилар ва ўша ерда қолдириларди. Агар жон таслим қилса, айтганимиздек, ўша ерда қолаверарди. Бемор тузалса, ўзи уйига қайтиб келарди.

|| (283) Кейинчалик қонун ижод қилувчи келиб, маййитларни шамолга ташлашни буюрди. Шунга қараб халқ ҳозирги мажусийлар мазорига ўхшатиб, ўлик устидан ел ўтиб турадиган қилиб, тўрт тарафи панжарали ва усти томли наус<sup>1227</sup> бино қура бошладилар. Нараяна ўликни оловга ташлашни буюргунча бирмунча вақт шу ҳолда ўтиб, сўнгра ўликни ёндира бошладилар.

Бизнинг замонимиздаги славянлар ҳам жасадларни ёндирадилар. Юнонларда кўмиш билан ёндириш ўргасида ихтиёрийлик бўлган. Сукрот «Федон» номли китобида шундай ёзади: «Критон мендан сени қандай қилиб кўмамамиз?»—

деб сўраганида, мен айтдим: «Сизлардан кочиб кетолмаганимдан кейин қандай хоҳласангиз, ўшандай йўл тутинглар». Сўнгра Сукрот атрофидаги кишиларга қараб шундай деди: «Критон қозининг олдида менинг доимий туришимга кафил бўлган эди. Сизлар Критоннинг кафиллигига қарши унинг олдида ўлимдан кейин доимий турмаслигимга, балки кетишимга кафиллик беринглар, ҳар қачон жасадимни ёндирилганини ё кўмилганини кўрса, у беҳабар қолиб, фарёд қилмасин. Балки кўникиб: «Сукрот чиқариб ташланадими, ёндириладими ё кўмиладими, деб ўлтирмасин», деган. Шунда у Критонга қараб, «Ҳой Критон, жасадимни кўмиш ҳақида кўнглингни тинчит, кўмиш маросимини ўзинг хоҳлаганингча, асосан, қонун буюрганидек қил», – деди»<sup>1228</sup>.

Гиппократ «Васиятнома»сига Гален шундай шарҳ ёзган: «Дионис, Геракл ва булардан ҳам бошқа, халқ фойдасини кўзда тутувчи ҳамда шу йўлда курашувчи одамлар ҳақидаги воқеалардан бири Асклепий ҳақида бўлиб, у оловдан иборат устунга тирмашиб, фаришталар томонга кетган. Чунки худо уларнинг ерга мансуб бўлган қисмларини ўт билан йўқ қилиб, ўлимни қабул қилмайдиган руҳ кимни ўзига тортади ва руҳларини осмонга кўтаради, дейилган»<sup>1229</sup>.

Бу сўзларда ҳам ёндиришга ишора бор. Гўёки бу ёндириш фақат машҳурлар учунгина бўлгандайдир.

Ҳиндлар ҳам худди шундай дейдилар, улар инсонда бир нуқта борки, инсон ана шу нуқта билан инсондир. Оловда ёндириш билан аъзолари ечилиб, бўлак-бўлак бўлиб кетиш олдида айрилиб чиқадигани шу нуқтадир, дейдилар. Руҳнинг дунёдан [худога] қайтиши эса осмонга кўтарилиш, баъзи руҳнинг Қуёш нурларига бўлган алоқаси билан ва баъзиси ўтнинг алангаси билан бўлади, деб ишонадилар ва баъзилари: «Худо унга тўғри йўл билан ўзига томон йўл берсин», деб дуо қиладилар. Чунки бундай йўл масофаларнинг энг яқини деб ҳисобланади, юқорига кўтарилишига нур ёки оловдан бўлак йўл йўқ.

Сувга ғарқ бўлганлар тўғрисида ўғуз турклари ҳам шунга ўхшаш йўл тутиб, вафот этган кишини сув лабида турган тахта устига қўйиб, катнинг оёғига бир ип боғлаб, тирилганда руҳи шу билан қайта тирилишга кўтарилиб ўтсин, деб ипнинг бир учини сувга ташлайдилар.

Васудеванинг банддан озод бўлувчининг белгилари ҳақидаги: «Ўлим киши билан баҳор фасллариининг бирида – уттараянада, яъни Қуёшнинг қишки туриш чоғидан ёзги туриш чоғига қадар вақт давомидаги ой бошидан тўла ойга қадар даврларда бўлиши», – деган сўзи ҳиндларнинг ишончини янада қувватлайди<sup>1230</sup>.

|| (284) Моний ҳам шу фикрга боради ва у ўз сўзида: «Бошқа халқлар бизни Ойга ва Қуёшга сажда қилиб, бу икковини санам ўрнида тутишимизни

айблайдилар, чунки улар Ой ва Куёш ҳақиқатини билмайдилар. Ой ва Куёш бўлса, бу оламга чикишимизнинг йўли ва эшигидир», – деб даъво қилади.

Ҳиндлар жасадни оқар сувга оқизишни Будда буюрган дейдилар. Шунинг учун буддачилар ўз кишиларининг жасадларини дарёларга ташлайдилар.

Аммо ҳиндлар ўлик жасадини ювиб, кафанлаб, атир сепиб, мумкин бўлса, сандал ёғочи, бўлмаса, ўтин билан ёндириб, ёндирилган суяклар кулини Ганг дарёсига олиб бориб ташлашни марҳумнинг ва вориснинг ҳақидан деб билладилар. Чунки Ганг шу Сагара болаларининг ёндирилган суяклари устидан оқиб дўзахдан кутулиб, жаннатга узатилганларидек, буларнинг суяклари устидан ҳам сув оқиши учун шундай қилинади. Қолган кули эса сув оқадиган ўзанларнинг бирига ташланади. Ёндирилган ерда кичиккина минора шаклида қабр қилиб, устки қисми ганчлаб қўйилади. Ёши учга тўлмаган болаларнинг жасадлари ёндирилмайди.

Ҳалок бўлган инсон билан бу ишни амалга оширганлар ўликнинг нопоклиги сабабли, икки кун давомида кийимлари билан ювинишлари керак. Яқинларининг жасадларини ёндиришга қурби етмаганлар уларни узоқ дала-ларга олиб борадилар ёки оқар сувга оқизадилар.

Аммо тирик кишининг ўз танасига нисбатан бўлган ҳақиқа келсак, у ўз танасини ёндиришга мойил бўлмайди. Лекин баъзи бева аёллар ёки киши-лар тузалмас касалликка учраб, ёки шол бўлиб, бир ерда ўтириб қолса, ё кексалик, ҳолсизликдан ўз ҳаётидан тўйиб, ўлимни ихтиёр қилиши мумкин бўлса ҳам, фазилатли кишилар бу ишни қилмайдилар. Аммо дунёга қайтиб келгандаги ҳолларидан ҳам яхши ва ортиқроқ бўлишни истаб, *вайшия* ёки *шудрагина* ўлимни ихтиёр қилади. Бироқ қоидага кўра, браҳман ва *кшатрий* ўлим ихтиёр қилиши жоиз эмас. Улардан ўзини ўлдирадиганлар шунинг учун кун тутилиш пайтида ўз жонига қасд қилади ёки Ганг дарёсига ғарқ қилиб юборишлиги учун то ўлгунича чўктириб туришга одам ёллайди<sup>1231</sup>.

Жамуна дарёси билан Ганг дарёсининг қўшилиш ерида Праяга деб номланувчи қадимий дарахт бор<sup>1232</sup>. Унинг шохларидан икки шох пайдо бўлиб, бири бошқа дарахтлар шохидек юқорига ва бири илдизга ўхшаб, барг чиқармасдан пастга қараб ўсиши, агар ерга қараб ўсса, шох учун тирговучдек бўлиб қолиши у дарахтнинг хусусиятидан ҳисобланади. Унинг шохлари кўп тарафга ёйилиб кетганлигидан шу шаклга кирган бўлиши мумкин. Ҳиндлар бу дарахтнинг олдида ўз жонларига қасд қиладилар. Бунинг учун улар дарахт устига чиқиб, ўзларини Ганг дарёсига ташлайдилар.

Яхё ан-Наҳвий шундай ҳикоя қилади: «Юнонларнинг жоҳилият давридаги қавмларидан баъзилари (мен уларни шайтонга топинувчилар деб атайман) қилич билан ўз аъзоларига урадилар ва ўзларини оловга ташлайдилар. Лекин бу иккови билан ҳам ўзларида ҳеч қандай оғриқ сезмайдилар»<sup>1233</sup>.

Сукрот бу борада шундай деган: «Шу кунда бизнинг бошимизга келгандек ихтиёрсиз қолиш ва ғазабга дучор бўлиш, Худо сабаб топмасдан олдин ўзини ўлдириш ҳеч бир кишига лойиқ эмас»<sup>1234</sup>.

У яна шундай деган: «Биз – инсон тўдаси – хибсада турган кишиларга ўхшашмиз. Бизга ундан қочиш ва ўзимизни бўшатиш лойиқ эмас, чунки Худо бизга ғамхўрлик қилади, биз эса унинг хизматчиларимиз»<sup>1235</sup>.

## LXXIV БОБ. РЎЗА ВА УНИНГ ТУРЛАРИ ҲАҚИДА

|| (285) Рўзаларнинг ҳамма турлари хиндларда ихтиёрий бўлиб, бирор-таси зарурий эмас. Рўза бирмунча муддат таом [емак ва ичмакдан]дан ўзни тиймоқдир. Рўзалар муддатининг чўзилганлиги ва тутиш қондасига қараб фарқ қилади.

Аммо рўзанинг ҳосил бўладиган барча ўртача шартларига келсак, у рўза тутадиган кунни тайинлаб, Худо учун ё фаришталарнинг бири ёки булардан бошқалари учун рўза тутиш билан яқин бўлишни хоҳлаган зотларнинг исми-ни кўнглида хотирлашдан иборатдир.

Рўзадор киши рўза тутадиган кунидан олдинги куннинг ўртасида таом еб тишларини тозалаб чайиб, эртанинг рўзасини тутишга ният қилади. Тутиш вақтидан бошлаб таом ейишдан тўхтайтиди.

Рўза тутган куни тонг отган вақтда иккинчи марта тиш тозалаб ювилади. Шу кундан бошлаб лозим ишларни адо қила бошлаб, кейин қўлига сув олиб, тўрт тарафга сочади. Кимга атаб рўза тутган бўлса, унинг исмини овоз чиқариб айтади. Рўза тутган куннинг эртасигача шу ҳолда туриб кун чиқар вақтида ифтор қилади. Истаса эртаси кунгача ифторни қолдиради. Бу хилда рўза тутишни *упаваса* деб атайдилар, бу «рўза» демакдир. Агар таом ейиш туш вақтидан то эртаси тушгача давом этса, *эканакша* деб атайдилар. Бу рўза ҳисобланмайди<sup>1236</sup>.

Яна бир хил рўзани *криччхра* дейдилар, яъни рўзадор рўза бошлаган куни тушда таом еб, эртасига кун ботгандан кейин шафақ ғойиб бўлган вақтда ейди. Учинчи куни ҳеч нарса емайди. Ўзи истамаган ҳолда, биров берса ейди ва тўртинчи куни ҳам емасдан рўза тутади<sup>1237</sup>.

Рўзадан яна бир тури *парака* деб аталади. Унда ейдиган таомини кетма-кет уч кун давомида туш вақтида еб, ундан кейин ейишни уч кунгача ҳар куни Қуёш ботиб, шафақ ғойиб бўлган вақтга қадар етказилади. Сўнгра уч кун ҳеч бир оғиз очмасдан давомли рўза тутади<sup>1238</sup>.

Рўзанинг *чандраяна* дейиладиган турининг қондаси куйидагича: унда ойнанинг тўлган кунидан бошлаб рўза тутилади. Ундан кейинги кунда рўзадор оғзи бир марта тўлиб чайнай оладиган таом ейди. Иккинчи кунда шу миқдордагидан икки марта ортиқ, учинчи кунда уч марта ортиқ таом истеъ-

мол қилиб, Ой билан Қуёш бирлашадиган [яъни, ой боши] кунига етгунча шу хилда орттириб бориб рўза тутади. Сўнгра таом ейишнинг етган миқдоридан кейинга қайтариб, ой тўлган кунгача ҳар куни озгинадан камайтириб боради<sup>1239</sup>.

Рўзанинг яна бир турини *масаваса* деб атайдилар. Бунда рўзадор бир ой давомида огиз очмай, туташ рўза тутади<sup>1240</sup>. Бундан тутган рўзанинг савобини ўлгандан кейин қайтилган вақтдаги ойларга бўлиб берилади.

Айтишларича, кимки *чайтра* ойининг ҳамма кунида рўза тутса, у бойликка эришиб, фарзандлари тарбияли бўлиши билан хурсанд бўлади.

Агар *вайшакҳа* ойида бирор кун қолдирмай рўза тутса, ўз қабиласига бош ва аскарлари ичида юқори лавозимга эришиши кутилади.

Кимки *жсиештҳа* ойида тўлиқ рўза тутса, аёллар билан бахтли ҳаёт кечиради.

Кимки *ашадҳа* ойида тўлиқ рўза тутса, бойликка эришиши мумкин.

Кимки *шравана* ойида туташ рўза тутса, олим бўлиши эҳтимоли бор.

Кимки *бҳадрапада* ойида тўлиқ рўза тутса, саломатлигига зиён етмай кўпгина бойликка эришиши эҳтимоли бор.

Кимки *ашваюжса* ойида тўлиқ рўза тутса, душманлари устидан ғалаба қозониши муқаррар.

Кимки *карттика* ойида тўлиқ рўза тутса, халқ кўзига улуғ кўриниб, кўпгина ниятлари амалга ошади.

Кимки *маргаширша* ойида тўлиқ рўза тутса, ўлгандан кейин кўркам ва арзончилик мамлақатида қайтадан туғилишга етишади.

Кимки *пауша* ойида тўлиқ рўза тутса, юқори мансабларга эришади.

Кимки *магҳа* ойида тўлиқ рўза тутса, ҳисобсиз мол-мулкка эгалик қилади.

Кимки *пҳалгуна* ойида тўлиқ рўза тутса, ҳамма уни севиб эъзозлайди.

Ҳар ким бир йилда фақат ойига бир мартадан, йилига ўн икки марта очиб, йил бўйи рўза тутса, жаннатда ўн минг йил туриб, ундан шарофатли ва юқори даражали бир оилага қайтади.

|| (286) «Вишну-дҳарма» китобида айтилишича, Яжнвалкиянинг Майтрей эридан: «Одамлар нима қилса, болалари офатдан ва жисмоний нуқсонликдан кутулади?», деб сўраганида, у хотинига бундай деган: «Ҳар ким пауша ойининг дуве кунидан, яъни ўша ойнинг ҳар бир ярмининг иккинчи кунидан бошлаб, тўрт кун кетма-кет рўза тутиб, биринчи кунда сув билан, иккинчи кунда кунжут мойи билан, учинчида эгир [ўсимлиги] билан, тўртинчида хушбўй атирлар аралашмаси билан чўмилса, бу тўрт куннинг ҳар бирида садака бериб, фаришталар номи билан дуо айтса ва йилнинг охиригача ҳар бир ойда бундави дам эттирса, келажак ҳаётда болалари қийинчиликка йўликмасдан Дилепа, Душянга ва Ятилар ўшандай қилиб хоҳлаган нарсаларига етишганларидек, у ҳам ҳамма мақсадларига етишгай»<sup>1241</sup>.

## LXXV БОБ. РЎЗА КУНЛАРИНИ АНИҚЛАШ ҲАҚИДА

Умуман билиб олиш керакки, ҳар бир ойнинг ойдинли ярмининг саккизинчи, ўн биринчи кунлари рўза кунларидир. Аммо адҳимаса ойида рўза тутилмайди, чунки у ой наҳс ойи бўлиб, бекордир<sup>1242</sup>.

Ойнинг ўн биринчи куни Васудевага хосдир. У Матҳура шахрига подшоҳ бўлмасдан илгари, шаҳар аҳолиси ҳар ойда бир кун Индра номига бағишлаб байрам ташкил қилар эди. Ойнинг ўн биринчисида Васудева ўз номига атаб байрам қилишга уларни мажбур қилди. Улар Васудева айтганидай қилган эдилар. Индра ғазабга келиб, Матҳура аҳолисини хо-наки ҳайвонлари билан бирга ҳалок қилиб юбориш учун сув тошқинидек ёмғирни юборди.

Васудева эса ўз кўли билан бир тоғни ясаб, уни аҳоли устида кўтариб турди ва тоғ билан одамларни селдан сақлаб қолди. Бу воқеани Матҳура аҳолиси шаҳар яқинидаги тоғда тасаввур қилдилар. Шунинг учун аҳоли агар фарз бўлмаса ҳам, фарз ўрнида тутиб, кечалари ухламасдан, покиза ҳолда шу кунда рўза тутадилар<sup>1243</sup>.

«Вишну-дҳарма» китобида бундай айтилади: «Ой ўзининг Роҳини манзилида, яъни тўртинчи манзилида, турганида тун ярмининг саккизинчи кунида бўлган вақти *жаянти* деб аталган рўза куни бўлиб, бу кунда садақа бериш ҳамма гуноҳларни ювиш бўлади»<sup>1244</sup>.

Уларнинг фикрига кўра, бу шарт ҳамма ойларга жорий бўлмай, фақат Бҳадрапада ойигагина хосдир. Чунки Васудева бу ойнинг юқорида кўрсатилган кунида Ойнинг Роҳини манзилида бўлган вақтида туғилди.

Ойнинг қоронғи кечаларида Роҳини манзилида бўлиши ва йилларнинг адҳимаса ва [олдин, кейин сурилиши сабабли] Ойнинг тайин топган куни ва манзили ҳар доим шарт қилингандай тўғри келавермайди. Балки бир неча йилда бир марта [тўғри] келади.

Юқорида эслатилган китобда яна шундай гап бор: «Бҳадрапада ойининг ойдинли ярмининг ўн биринчи куни манзилларидан еттинчи манзили – Пунарвасуда бўлган кундаги рўзани *атаж* деб аталади. Бу кунда яхши ишларни амалга ошириш худди Сагара, Какутҳа ва Дандахамаралар шундай иш қилиб барча муродларига ва подшоҳликка етишганларидай, ҳамма хоҳлаган нарсасига эришиши мумкин»<sup>1245</sup>.

Чайтра ойининг олтинчи кунида ҳам Куёшга атаб рўза тугилади.

Ашадҳа ойида эса, Ой манзилларидан ўн еттинчи манзил – Анурадҳада бўлган вақтда Васудева учун девасини, яъни «дева ухлаяпти» деб аталган рўза тугилади. Васудева бу уйкуда бўладиган тўрт ойнинг биринчи ойи ҳисобланади<sup>1246</sup>. Улардан баъзилари ойнинг ўн биринчи кунини ҳам шартга қўшадилар.

|| (287) Маълумки, бу вақтлар ҳар йилда ҳам тўғри келавермайди. Васудева тарафдорлари шу ойларда гўшт, балиқ ва ҳолва ейишдан ҳамда аёллари билан яқин муносабатдан сақланиб, кун давомида бир маротаба тановул қиладилар. Остига тўшама солмасдан ва ердан юқори сўрида ўтирмай, [тўшамасиз] ерда ўтиради.

Одамларнинг айтишларича, бу тўрт ой «фаришталар кечаси» ҳисобланиб, булардан биринчи ойнинг бошидаги шафақ вақти ва кейинги [тўртинчи] ойнинг охиридаги тонг отиш вақти мустаснодир. Лекин Қуёш шу вақтда Саратоннинг бошига яқин бўлади. Бу эса «фаришталар куни»нинг туш вақтидир.

*Шравана* ойдаги Ой тўлган кунда Соманатхга атаб рўза тутилади.

*Ашваюжа* ойда Ой Саратон буржида, Қуёш эса Сунбула буржида бўлганда рўза тутилади ва бу ойнинг саккизинчи кунда Бҳагавати учун рўза тутилиб, Ой кўриниши билан ифтор қилинади.

*Бҳадрапада* ойининг бешинчи кунда Қуёшга атаб *шат* деб аталган рўза тутилиб, бу рўзада Қуёшнинг ерга тушган ва туйнуқлардан ўтиб, ерни ёритган нурларига турли хил хушбўйликларни сурадилар ва устига райҳонлар ҳамда чечаклар қўядилар<sup>1247</sup>.

Яна шу ойда Ой Роҳини манзилида бўлган муддатда Васудеванинг туғилишига аталган рўза тутилади.

Карттика ойда Ой манзилларидан охири Реватида бўлганда Васудеванинг уйқудан туришига аталиб *деоттҳини*, яъни «деванинг туриши» рўзаси тутилади<sup>1248</sup>. Бҳишма панчаратри деб аталган беш кунлик рўзанинг биринчи куни фақат аёл Васудева учун рўза тутадилар. Иккинчи кунда эса, браҳманлар оғиз очгандан кейингина бошқалар оғиз очадилар<sup>1249</sup>.

Пауша ойининг олтинчисида Қуёшга атаб рўза тутадилар.

Мағҳа ойининг учинчи куни аёллар рўза тутадилар. Бу кавратр<sup>1250</sup> деб аталиб, эркаклар рўза тутмайдилар. Ушбу рўза бир кеча-кундуз давом этиб, тонг отганда аёллар [эрларининг] яқин қариндошларига ҳада берадилар.

## ЛХХVI БОБ. БАЙРАМЛАР ВА ШОДИЁНАЛАР ҲАҚИДА

*Ятра* деб сафарда шоду хуррамлик билан юришга айтилади. Шунинг учун байрамни ҳам *ятра* деб атайдилар. Кўпинча [ҳинд] байрамлари аёллар ва болалар учун ташкил қилинади<sup>1251</sup>.

*Чайтра* ойининг иккинчи кунда Кашмир халқининг *агдус* байрами нишонланади. Бу байрамнинг ўтказилишига сабаб, подшоҳлари Миттайнинг турклар устидан ғалаба қозонганидир<sup>1252</sup>. Улар ўз подшоҳлари [Миттай]ни дунёда жуда кўп нарсага эга деб тушунадилар. Юнонлар, румлар, бобилликлар, форслар [дунёни] истило қилгандек, ҳиндлар ҳам [дунёни] истило қилишлари

мумкин бўлган. Подшоҳ [Миттай] бўлса, фақат ҳинд ерларига эга бўлган, холос. Ҳиндлар бошқа халқларнинг ҳам мавжудлиги ҳақида деярли билмасдилар.

[Бу] ойнинг ўн биринчи кунини *ҳиндола чайтра* деб атайдилар. Бу кунда девагриҳага, яъни Васудева ибодатхонасига йигилишиб, худди болалик кунларида беланчақда тебратилгандек, унинг ҳайкалини тебратадилар. Уйларида, кун бўйи хурсандчилик қиладилар<sup>1253</sup>. Бу ойнинг ўн тўртинчи куни *баҳанд*<sup>1254</sup> номли байрам аёллар учун бўлиб, шу куни улар ўзларига оро берадилар ва турмуш ўртоқларидан ҳадялар талаб қиладилар.

Чайтра ойнининг йигирма иккинчи куни *чайтра-чашати*<sup>1255</sup> деб аталади. Бҳагавати шаънига аталган ушбу шодиёнада одамлар чўмиладилар ва ғамхўрликка муҳтож ва ночор кишиларга саховат кўрсатадилар.

|| (288) Вайшакҳа ойнининг учинчи куни аёллар учун *гаур* байрами бўлиб, бу байрам Ҳимавант тоғининг кизи Маҳадев Гаури шарафига бағишлангандир. Бу Гаури санамига сажда қиладилар, олдида чирок ёкиб, унинг пойига хушбўй гиёҳлар кўядилар ва ҳеч нима емасдан фақат ўйин-кулги қиладилар. Эртаси куни садақа беришиб, сўнг таом ейдилар.

Вайшакҳа ойнининг ўнинчи куни подшоҳ браҳманларни чақиради ва ҳозир бўлганлари далага чиқиб, қурбонлик қилиш учун то ой тўлгунча беш кун мобайнида олов ёқади. Далада олов ёқадиган ерлари ўн олти ўринда бўлиб, ҳар тўрт ўринда алоҳида бўлади. Оловга қурбонлик қилишда ҳар бир тўртликка биттадан браҳман бошчилик қилади. Чунки «Веда» бўйича [ўша ўн олти ўринда], албатта, тўрт киши бўлиши лозим. Ўн олтинчи куни қайтиб кетишади.

Шунингдек, ушбу ойда баҳорги тенгкунлик бўлиб, уни *васанта* деб айтилади. Одамлар ўз ҳисоблари бўйича нишонлайдиган ушбу байрамда улар браҳманларни зиёфат қиладилар.

*Жиештҳа* ойнининг биринчи куни ҳилол кўринган кун [яъни, Куёш билан Ойнинг бир томонда бўлган вақти – бир ой тугаб, иккинчи ойнинг туғилган куни]. Рупа-панча<sup>1256</sup> деб номланган ушбу байрам асосан аёллар учун бўлиб, унда янги чиққан экинларни табаррук қилиб сувга соладилар.

*Ашадҳа* ойнининг ҳар бир кунида садақа берилади. Бу кунларни *аҳари*<sup>1257</sup> деб атайдилар. Бу ойда уй бекалари идишларни янгилайдилар.

Шравана ойнининг тўлган кунида браҳманлар учун зиёфат тайёрланади.

*Ашваюжа* ойнининг саккизинчи куни, Ой ўз манзилларидан ўн тўққизинчи манзил – Мулада бўлиб, шакарқамиш йигими бошланишида Васудева синглиси Маҳанавами<sup>1258</sup> шарафига байрам нишонланади. Бҳагавати санам пойига янги чиққан ҳосилдан олиб келиб кўядилар. Унинг олдида кўплаб садақа бериб, улоқлар сўядилар. Муҳтож киши санам олдида ўтирмасдан тикка туради.

Ўн бешинчи кунида, Ой охириги манзили Реватида бўлганида, Васудева шаънига аталган *пўҳая*<sup>1259</sup> байрами бўлади. Чунки бу кун Васудевани тоғаси



Канса кураш учун чакирган куни бўлиб, унда [хиндлар] бир-бирлари билан курашиб, ҳайвонлар билан ўйнайдилар.

Бу ойнинг ўн олтинчи куни ҳам байрам бўлиб, бунда брахманларга садақа берадилар.

Шунингдек, ушбу ойнинг йигирма учинчи кунда ашока байрами нишонланиб, буни *аҳой*<sup>1260</sup> ҳам дейишади. Бу кунда Ой еттинчи манзили – Пунарвасуда бўлиб, одамлар хурсандчилик қилиб, кўнгил очиб, ўзаро кураш мусобақалари ташкил қиладилар.

*Бҳадрапада* ойида, Ой ўнинчи манзили Магҳага ўтганида нишонланган байрам питрипакша деб аталади. Бу эса «оталарнинг ярим ойи» демакдир. Чунки Ойнинг бу манзилда бўлиши Ой билан Куёшнинг бирлашувига яқин бўлганда оталар исмига атаб ўн беш кун давомида садақа берадилар<sup>1261</sup>.

*Бҳадрападанинг* учинчи кунда аёллар учун *ҳарбали*<sup>1262</sup> байрами ўтказилади. Бундан бир неча кун илгари саватларга турли уруғликлар экилади ва ўша кунга қадар кўкартириб қўйилади.

*Бҳадрападанинг* олтинчи кунини гайҳат<sup>1263</sup> деб атайдилар. Бу кунда [камбағал ва қашшоқларни] тўйдирадилар.

Саккизинчи куни тўла ойнинг ёруғлигига нисбатан икки марта кам бўлиб, [бу кун] байрамини *дҳрувагриҳа*<sup>1264</sup> даб атайдилар. [Бу кунда] ювинишиб, болаларининг саломат бўлиши учун униб чиққан донларни ейдилар. Бефарзанд аёллар фарзандли бўлишни ният қиладилар.

|| (289) *Бҳадрапада* ойининг ўн биринчи кунини *парвати*<sup>1265</sup> деб атайдилар. Ибодатхона хизматчисига ҳадя қилиб берилган ипнинг номи бўлиб, унинг бир қисмини заъфаронлаб, бошқа қисмини ўз ҳолида қолдиради. Узунлигини Васудева санами бўйи баробарида ўлчаб, сўнгра бўйнига оседи. У то оёғига тушиб турадиган бўлиши лозим. Бу жуда катта байрам ҳисобланади.

Бу ойнинг ўн олтинчи куни ойнинг қоронғу ярмининг бошидир. Илгариги етти куннинг исми қарара<sup>1266</sup> бўлиб, бу вақтда болаларни ясантириб, уларга хушбўй ифорлар сепилади ва улар турли ҳайвонлар билан ўйнайдилар. [Караранинг] еттинчи кунда эркаклар ясаниб, байрам қиладилар. Ойнинг қолган кунларидаги ҳар бир куннинг охирида болаларни [қайтадан] ясантирадилар, брахманларга садақа бериб, хайрли ишларни бажо келтирадилар.

Агар Ой тўртинчи манзили бўлган Роҳинида бўлса [у чоғни] гуналаҳид<sup>1267</sup> деб атайдилар. Бунда уч кун давомида Васудева туғилганлигига севинч ва хурсандчиликларини билдириб, тантаналар ўтказадилар.

Живашарманнинг ҳикоя қилишига кўра, Кашмир халқи бу ойнинг йигирма олтинчи ва йигирма еттинчи кунларида гана ёғоч бўлақларини Адҳиштҳана қишлоғи ўртасидан ўтадиган Витаста<sup>1268</sup> дарёси узра оқиб келиши сабаби билан байрам қиладилар. Улар дарёдаги сувни Маҳадева юборади, деб ўйлайдилар. Ёғоч бўлақларининг хусусиятлари шуки, агар

бирова кўл узатиб, уни ушлайман деса, тутишга қурби етмайди. Чунки у тургиниб-сургиниб, узоқлашиб кетади, деб даъво қиладилар. Бироқ [оқиш] вақти ва жойи тўғрисидаги буларнинг фикри бир-бирига хилофдир. Улар Витаста дарёси чиқадиган ерининг чап томонида, *Кудайшахр*<sup>1269</sup> деган кўлда бўлади, деб даъво қиладилар ва бу ёғочларнинг оқиб келиши *Вайшақха* ойининг ўрталарида содир бўлади. Чунки бу сувнинг кўпаядиган вақтига тўғри келганлиги учун [бу сўз] ҳақиқатга яқинроқдир. Ёғоч оқиб келиши жараёни худди Журжоннинг чашма-манбаида сув кўпайиб, тошқин бўлган вақтда ёғоч пайдо бўлганига ўхшашдир.

Яна Живашарманнинг айтишига кўра, Сват ҳудудининг Кири ўлкаси тоғларининг яқинида эллик уч дарёча қўшилган бир водий бўлиб, уни Транжай<sup>1270</sup> деб атайдилар. [Юқорида айтилган] икки кунда суви оппоқ бўлади. Буни Маҳадева ювинишига нисбат берадилар.

*Карттика* ойининг биринчи кунида, Мезон буржида янги ой кўринган вақтга тўғри келиб, [у кунни] *дипали* деб атайдилар<sup>1271</sup>. Унда одамлар покланиб, зеб-зийнатлар тақадилар. Бир-бирларига бетел ва фуфал барглари беришиб, ундан кейин, *девагриҳига* садақа бериш учун отланадилар. Кун ярмигача хурсандчилик қиладилар. Васудеванинг хотини Лакшми еттинчи қават куйи ерда қамокда бўлган подшоҳ Вирочана ўғли Балини озодликка чиқарган. Бу байрам «балиражия» деб номланади. Бу эса «Бали ҳукмронлиги»<sup>1272</sup> демакдир. Улар: «Бу яхшилик замони критаяга даврида бўлган. Биз мана шу кунимизнинг ўша замондагига ўхшашига хурсанд бўламиз», – деб таъкидлайдилар.

|| (290) Маргаширша ойининг учинчи кунида нишонладиган *гувана-батриж*<sup>1273</sup> байрами ҳам Гаури шарафига аёлларнинг байрам [куни] бўлиб, бой аёллар уйига йиғилишади. Бу ерда кумушдан ясалган Гаури санамлари курсилар устига йиғилиб, хушбўй атирлар сепилади ва туни билан ўйин-кулги қилиниб, эрта туриб, садақа берадилар. Бу ойнинг тўлган кунида яна аёлларнинг байрами бўлади.

Пауша ойининг кўпгина кунларида ширин егуликлардан пуҳавални<sup>1274</sup> тайёрлайдилар.

Бу ойнинг ойдинли ярмидаги саккизинчи куни *аштака*<sup>1275</sup> дейилади. Бу кунда браҳманларни *баста*, яъни сармоқдан тайёрланган таомга йиғадилар ва уларга ҳадялар берадилар.

Шу ойнинг қоронғу ярмининг саккизинчи куни *шакаштаи*<sup>1276</sup> дейилади. Бу кунда шолғом ейилади.

Мағха ойининг учинчи кунини маҳатрития<sup>1277</sup> дейилади, бу кун аёллар учун Гаури шаънига аталган байрам нишонланади. Тантанада аёллар Гаури санамни ён-берисидаги хонадонларга йиғилишиб, ушбу санам пойига рангбаранг қимматбаҳо кийимлар, атир ва хушбўй гиёҳлар ва мазали таомлар-

ни қўядилар. Ҳар бир йиғилишларида бир юз саксон дона сув идишида сув тўлдириб, совутилади. Сўнгра шу кечани тўрт қисмга бўлиб, ҳар бир қисмида бир марта ювиниб, эрта билан садақа бериб, тўй ва зиёфатлар давом эттирилади.

Мағҳа ойида ой тўлган кун чамаҳа дейилади. Бунда баланд жойларда ўтлар ёқилади.

Шу ойнинг йигирма учинчи кунини *мансаиштака* ва мағҳатан деб ҳам айтилади. Бу кунда йирик қора мош ва гўштдан иборат таомлар тайёрлаб, зиёфат ўтказадилар.

Пҳалгуна ойининг саккизинчи кунини *пураштака* дейилади. Бу кунда браҳманлар учун ун ва ёғдан ҳар хил таомлар тайёрлайдилар<sup>1278</sup>.

Ойнинг тўлган куниди аёллар байрами бўлиб, буни *одад* ва *дҳола*<sup>1279</sup> ҳам дейилади. Бу кунда *чамаҳа* [байрамида] баландликда ёқилган жойлардан бироз қуйи жойларда ўт ёқиб, кишлокнинг сиртига ҳам ўт ташлайдилар.

У кечадан кейингиси, яъни ўн олтинчи кеча *шиваратри* дейилади, бунда улар тун бўйи Маҳадевага хизмат қилиб, бедор бўлиб ухламайдилар. Унга хушбўй атир ва райҳонлар ҳадя қиладилар<sup>1280</sup>.

Яна [шу ойнинг] йигирма учинчи кунини пуюттану<sup>1281</sup> дейилади. Бу кунда гуручни сариеғ, ёғ ва шакар билан пишириб истеъмол қиладилар.

Мўлтон шаҳрининг ҳиндлари Куёш шаънига бағишланган байрамни самба-пураятра<sup>1282</sup> деб атайдилар. Бу кунда улар Куёшга сажда қиладилар. Маросим вақтини белгилаш усули шундай: «Кҳандакҳадяка» [қоидаси]ча, аҳарганани олиб, ундан 98040 ни айириб, қолдиғини 365 га бўлиб, бўлинмага эътибор қилинмайди. Бўлинганда қолдиқ қолмаса, у ҳолда шундай байрамнинг куни бўлади. Агар қолдиқ бўлса, у байрамдан кейин ўтган кунлар бўлиб, қолдиқни 365 га тўлдирувчи сон эса келажак йилгача ўтар кунлар [сони]дир.

## ЛХХVII БОБ. АЛОҲИДА НИШОНЛАНАДИГАН ВА САВОБ ОЛИШГА БЕЛГИЛАНГАН САОДАТЛИ КУНЛАР ҲАҚИДА

Кунлар уларга бериладиган сифатлар сабабли у ёки бу даражада бири бошқасидан афзал қўрилади. Масалан, якшанба – Куёш куни ва ҳафтанинг боши бўлганлигидан ҳиндларда улуғланади (мусулмонларда жума куни муборак кун ҳисобланганидек).

Яна улуг кунлардан бири авомасия ва пурнима, яъни [Ойнинг Куёш билан] бирлашиш ва қарши [тўлин Ой] туриш кунларидир. Икковини улуғлаш сабаби шуки, [биринчида] Ойнинг ёруғ сирти йўқ бўлади [иккинчисида] тўлик ёришади. Бу [ёруғ сирт]нинг ортиб ва камайиб боришида шундай эътиқодлари бор. || (291) Браҳманлар савоб учун олов қурбонлигини ижро этишларида ўтга ташлаш билан едириб турган садақалардан бўлмиш фаришталарнинг насибалари

Ойнинг бирлашиш [куни]дан қарши туришигача [15 кун] тўпланиб боради. Кейин қарши туриш [Ой тўлиш] кунидан бошлаб, бирлашиш кунигача фаришталарга насибалар улашилади, лекин насибалардан ҳеч нарса қолдирилмайди.

Илгари биз Ойнинг янгиланиши ва тўлишидан иборат оталарнинг кундуз ўртаси ва кеча ўртасидир, деб айтган эдик. Бу иккала вақтда оталар учун садақа берилади.

Бундай кунлардан 4 таси улуғ ҳисобланади, уларнинг таъкидлашларига кўра, ҳозирги чатурюгадаги 4 югадан ҳар бирининг боши шулардан бошланади.

[1] Вайшакҳа [ойи]нинг учинчи куни қшайрита дейилади. [Ҳиндлар] *критаяога* шу кундан бошлаб кирган, деб таъкидлайдилар.

[2] Карттиканинг 9-кунида *третюга* бошланган.

[3] Мағҳа ойининг 15-кунида *двапараюга* кирган.

[4] Ашваюжанинг 13-кунида калиюга кирган<sup>1283</sup>.

Бизнинг фикримизга кўра, бу кунлар *югалар* номига аталган байрамлар бўлиб, садақалар бериш учун ёки насронийларнинг диний маросимларига ўхшаш баъзи маросимларни адо қилиш учун тайинланган. Бу кунларда *югаларнинг* ҳақиқатан киришига ишонч йўқ. Лекин критаяога ўрни маълумдир. Чунки унинг боши Қуёш ва Ой даврларининг бошланиш чоғидир. Уларда каср бўлмайди, чунки у чатурюга бошланиши бўлиб, чайтра ойининг боши ҳам баҳорги тенгкунлик вақтидир. Бошқа *югалардан* бири ҳам шундай [вақтда бошланади]. Улардан ҳар бирининг қанча [кунлиги] муаллифлар фикрига кўра; масалан, Брахмагуптанинг назарида, чатурюгада: 1 577 916 450 тулуий кунлар; 51 840 000 шамсий ойлар; 1 593 300 адҳимаса ойлар; 1 602 999 000 ой кунлари; 25 082 550 унаратра кунлари бор.

Бу сонларга асосланиб тақвим [вақтлари кунларга] таҳлил этилади ва тескарича [кунларидан тақвимлар] таркиб этилади. Бунга кўра, [ҳар бир] югадаги шундай сонлар ўнликдир, [яъни, 10 га бўлинганда] бўлинма бутун [сон] чиқади. Югаларнинг бошланиш вақти чатурюга бошланиш вақтидекдир. Пулуса назарида, чатурюгада: тулуий кунлар – 1 577 917 800; шамсий ойлар – 51 840 000; адҳимаса ойлар – 1 593 336; ой кунлари – 1 603 000 0101284; *унаратра* кунлари – 25 082 280 дир.

Демак, Пулисанинг фикрига кўра, уч сонларидан ҳар бири тўртликларга асосланган. Бу сонлардан ҳар бирининг чораги бутундир.

*Югаларнинг* бошланиш чоғи чатурюга бошланиш чоғидек, яъни ҳар бирининг боши чайтра [ойи] бошидан ва баҳорги тенгкунликдан ташқарига чиқмайди; фақат ҳафта кунларида.

Савоб [олиш] вақтлари уларда пунякала<sup>1285</sup> дейилади. Балабҳадра «Кҳандакҳадяка»га қилган шарҳда бундай деган: «Агар бир киши *югадек* зоҳид бўлса, яъни худони таниса, яхши амалларни қилиб ёмон ишлардан қочса ва

бу одатини узоқ йиллар давом эттирса, унинг олган савоби пуњякалада садаќа бериш, гусул қилиш, баданини мойлаш, намоз ўқиш, тасбећ ўгириш кабиларни қилган киши савобига етишмайди».

Юқорида баён этилган байрам кунларининг кўпи, шубҳасиз, шундай [савоб олиш] чоғларига киради. Чунки ушбу байрамлар ҳам || (292) садаќа ва зиёфатлар бериш учундир.

Аммо пуњякалалар шунчалик бўлса ҳам, бахтли чоғлари бўлиши билан бирга наҳслари ҳам бор. Бахтли чоғлардан сайёраларнинг, айниқса, Куёшнинг бир бурждан иккинчисига кўчиш ваќти *санкронти* деб аталади. Уларнинг яхшироқлари иккита тенг кунлик ва иккита Куёш туриши кунларидир. Ваќтларнинг энг яхшиси баҳордаги тенгкунлик бўлиб, у *биху* ва *бишу* дейилади ва бу икки сўз бир-бирининг ўрнига ишлатилаверади, бир-биридан олдинма-кейин ҳам келаверади<sup>1286</sup>.

Бу онлар [жуда тез] ўтиб кетиши ва бу ваќт ичида олов учун шантш<sup>1287</sup> деган қурбонлик қилиниб, [оловга] ёғ ва донлар сочишга тўғри келгани учун хиндлар у ваќтларни кенглик эгаси қилиб, Куёш кулчасининг шарқий чеккаси бурж бошига теккан пайти у ваќтларнинг боши, ўша бурж бошига Куёш маркази тўғри келган пайтни бу, ҳисоб билан кўчиш пайти – у ваќтларнинг ўртасидир. Куёш кулчасининг ғарбий чеккаси ҳалиги бурж бошига теккан пайтни у ваќтларнинг охири, деганлар. Демак, бу ваќт бошидан охиригача Куёш ҳисобида қарийб икки соат бўлади.

Ҳиндларда Куёшнинг бир бурждан иккинчисига ўтиш ваќти ҳафтанинг қайси кунига тушишлигини билиш усуллари бор. Уларнинг бирини Самая менга мана бундай айтиб берган эди: «*Шакакаладан* 847 ни айтириб, қолдиғи 180 га кўпайтирилади; кўпайтма 143 га бўлинади. Бўлинма эса кунлар ва [куннинг] дақиқалари ҳамда сониялари бўлади. Бу асл сондир. Шу [берилган] йилда Куёшнинг буржга [ҳафтанинг қайси кунда] кўчишини [билишни] исталса, у [буржнинг] тўғрисидаги [сонларга] асл [сонлари] бобларининг ҳар бири ўз бобига, яъни кунлар кунларга, дақиқалар дақиқаларга, сониялар сонияларга қўшилади. [Йиғиндидан] 7 ва ундан ортиғи олиб ташланади. Якшанбадан бошлаб, қолган сонлар саналса, [сон] битган чоғ санкранти ваќтидир.

Буржлар	Аслга қўшиладиганлар		
	Кун	Гхати	Чашака
Ҳамал	3	19	0
Савр	6	17	0
Жавзо	2	43	0
Саратон	6	21	0

(375-бетдаги жадвалнинг давоми)

Асад	2	49	0
Сунбула	5	49	0
Мезон	1	14	0
Ақраб	3	6	30
Қавс	4	34	30
Жадий	5	54	0
Далв	0	30	0
Хут	2	11	20

Қуёш йиллари [га келсак], бир Қуёш йили ўзидаги ҳамма ҳафта кунларидан бир бутун ва унга оид каср [кун] ортиқ. [Бутун билан каср] икковининг аралаш каср  $\left(\frac{180}{143}\right)$  [сурати] кўпайтирувчи бўлиб, махражи эса бўлувчидир. Бу ҳисобларга қараганда Қуёш йилининг охирида каср  $\frac{37}{143}$  бўлади; шунга кўра Қуёш йили 365 кун 15'31''28'''6''''<sup>1288</sup> дир. Бу [касрни] бир бутунга тўлдириш учун  $\frac{106}{143}$  етишмайди.

Чатурюга кунларини Браҳмагупта назариясидаги йиллар саноғига бўлинса, Қуёш йилининг 365 кун 15'30''22'''30'''' лиги чиқади. Демак, гунакара, яъни кўпайтирувчи 4 027, || (293) аммо бҳагабҳара, яъни бўлувчи 3 200 бўлади.

Пулиса назариясига кўра, Қуёш йили 365 кун 15'31''30'''0'''' дир. Шунга қараганда гунакара 1007, бҳагабҳара 800 бўлади.

Ариабҳата назариясига кўра, Қуёш йили 365 кун 15'31''15''', гунакара 725, бҳагабҳара 572 кун бўлади<sup>1289</sup>. Пулиса назариясига асосланган [қуйидаги] ҳисоблашни бизга Саҳави ўғли Авлиатта<sup>1290</sup> айтиб берди.

Шакакаладан 918 ни айириб, қолдиқни 1007 га кўпайтирилади. Кўпайтмага 79 ни қўшиб, йиғинди 800 га бўлинади. Бўлинманинг бутун қисми 7 га бўлинса, бўлинма асл сон қолади.

Бу асл сонга ҳар бир бурж учун қўшиладиган сонлар ушбу жадвалда келтирилган:

Буржлар	Аслга қўшиладиганлар	
	Кунлар	Ҳати
Ҳамал	1	35
Савр	4	33
Жавзо	0	39

Саратон	4	37
Асад	1	6
Сунбула	4	6
Мезон	6	31
Акраб	1	23
Қавс	2	41
Жадий	4	10
Далв	5	37
Хут	0	28

Вараҳамиҳиранинг «Панча-сиддихантика»да таъкидлашига кўра, *ша-дашитимукҳа*<sup>1291</sup> фазилатда *санкрантига* тенглашади, [байрам кунларида] савоби бениҳоят кўп, улар эса Қуёшнинг Жавзо буржнинг 18° сига кириш [вакти], Сунбуланинг 14° сига, Қавснинг 26° сига, Хутнинг 22°сига [кириш вақтидир].

Буржларнинг бу аниқланган [жойларига] Қуёш кирганида ҳосил бўладиган савоб бошқаларникидан тўрт марта ортиқдир. Бу вақтларнинг ҳар бири учун Қуёшнинг [кўринмас] радиусига асосланиб, Қуёш кулчасининг буржга кирганидан чиққунича ўтган вақт ҳисобланади. Ҳисоблаш усули, Қуёш тутилган вақт учун тугилиши бошланиш пайтидан сиртининг тугал очилгунича ўтган вақтни ҳисоблашга ўхшайди. Буларнинг ҳаммаси зижлардан маълум. Уларнинг бизга қизиқарли бўлганини ёки уни билсак ҳам «Синдихинд» китобидан бошқаларидаги ҳисоблаш йўлларида хабарсиз бўлганлар учун келтирамиз.

Қуёш ва Ой тутилган вақт муқаддас вақтлардан бўлиб, уларнинг фикрига кўра, Ер юзидаги сувларнинг ҳаммаси Ганг дарёсининг сувидек пок бўлади. Бу икки хил тугилиш чоғини улуғлашлари шу даражага етадики, ҳиндлардан баъзилари шундай фазилатли вақтда жон бермоқ афзал деб, ўзларини суиқасд қилиб ўлдирадилар. Лекин бу ишни фақат *вайшия* ва *шудралар* қилади. Браҳман ва *кшатрийга* ўз жонига қасд қилиш ман этилган.

Парван вақтларида, яъни тугилишнинг бўлиши даврида тугилиш бўлмас ҳам, фазилатли вақт ҳисобланади. Юга вақтлари ҳам тугилиш вақтлари сингаридир. Йоголар ҳақида келгусида алоҳида ҳикоя қилинади<sup>1292</sup>.

|| (294) Бир тулуғий кун ичида, Ой бир манзил охирида бўлиб, кейингисига ўтса ва унинг ҳаммасини кезиб, учинчисига ўтишга муваффақ бўлса, яъни ўша куннинг ўзидаёқ кетма-кет уч манзилда бўлса, шундай [кун] триҳаспака ва яна *триҳаркаша*<sup>1293</sup> дейилади. Уни наҳс ҳисоблаб, гарчи у пуңякала кунлари жумласига кирса-да, уни шум [кун] дейдилар.

Бир қамарий куннинг охирини, кейинги қамарий куннинг ҳаммасини, яна ундан кейингининг бошини ўз ичига олган тулуғий куннинг ҳолати ҳам шун-

дай бўлиб, *траҳагаттата*<sup>1294</sup> дейилади. У наҳс ҳисобланиб, савоб олиш учун танланган кундир.

Кунларнинг *унаратрасидан*, яъни нуксонидан йиғилишлар бир кунга тўлган чоғ наҳс бўлиб, *пуњякала* жумласидан ҳисобланади. Брахмагупта коидасига кўра, ҳар  $62 \frac{50663}{55739}$  тулувий кунда, ҳар  $62 \frac{182}{55739}$  шамсий кунда, ҳар  $63 \frac{50663}{55739}$  камарий кунда бўлади. Пулиса фикрича эса бу ҳар  $62 \frac{63379}{69673}$  тулувий кундан кейин, ҳар  $63 \frac{63379}{69673}$  камарий кундан кейин ва ҳар  $62 \frac{274}{69673}$  шамсий кундан кейин бўлади.

Аммо *адҳимасага* [келсак], унинг бир ойга тўлиш чоғи наҳс бўлиб, у *пуњякала* кунларига кирмайди. Брахмагуптага кўра, унинг бир ойга тўлгунича ҳар  $990 \frac{3663}{10622}$  тулувий кун,  $976 \frac{464}{5311}$  шамсий кун;  $1006 \frac{464}{5311}$  камарий кун ўтади.

Шундай вақт онлари борки, буларнинг наҳсликдан бошқа бирор дуруст хусусиятлари йўқ, масалан зилзила пайтлари. Ҳиндлар шундай вақтлардан жирканиб фалокат изини йўқотиш ва омад келтириш учун ошхона идишларини ерга уриб синдирадилар.

«Самҳита» китобида ёзилишига кўра, қаттиқ товуш таъсирида гулдурашлар, учар «юлдузлар» тушиши, осмоннинг кизиши, яшин тушиш, думли «юлдузлар» пайдо бўлиши ва табиий бўлмаган ҳамда одатдагидан ташқари ҳодисалар содир бўлиши, йирткич ҳайвонларнинг кишлоқларга кириши, ёмғирнинг ўз вақтидан бошқа вақтда ёғиши, дарахтларнинг ўз вақтига хилоф равишда барг ёзиши, йилнинг олтидан бир фаслидаги ўзига хос ҳолатини бошқасига кўчириш ва шуларга ўхшаш ҳодисалар вақти наҳсдир<sup>1295</sup>.

Маҳадевага нисбат бериладиган «Срудҳава» номли китобда ёзилишига кўра: «Ёнган кунлар, яъни бахтсиз кунлар қуйидагилар: *чайтра* ва *пауша* ойларининг ойдин ҳам қоронғи ярмининг иккинчи куни, *жиештҳа* ва пҳалгуна ойлари иккала ярмининг тўртинчи куни, *шравана* ва *вайшакҳанинг* иккала ярмининг олтинчи куни, *ашадҳра* ва *ашваюжанинг* иккала ярмининг саккизинчи куни, *маргаширша* ва *бҳадрапаланинг* иккала ярмининг ўнинчи куни, *карттиканинг* иккала ярмининг ўн иккинчи куни»дир.

## LXXVIII БОБ. КАРАНАЛАР ҲАҚИДА

Биз юқорида *титҳи* деб номланган камарий кунларни баён қилиб, камарий кун тулувий кундан кичиклигини, чунки камарий ой 30 та камарий кун бўлиб, бу 29 ярим тулувий кундан салгина ортиклигини айтиб ўтган эдик. Ҳиндлар бир кеча-кундузни *титҳи* деганлари учун *титҳининг* биринчи ярми кундуз деб,



иккинчи ярми кечаси деб айтилади. Шунингдек, қамарий ойининг ҳам биринчи ва иккинчи ярми учун махсус ном бор. Иккала ярми бирга *қарана* дейилади.

Бир марта келиб иккинчи қайтарилмайдиган исмлар тўртта бўлиб, улар бирлашишга яқин бўлади. Улардан ҳар бири ойда бир марта келадиган, кундуз ва кеча бўйича ўрни силжимайдиган бўлганидан «турғун» деб айтилади. Лекин улардан даврий бўлганлар, ойда саккиз марта келадиганлари «қўзғалувчан» дейилади. Фақат кундузи ё кечаси келадигани еттита бўлиб, энг кейинги – еттинчиси [*бава*] наҳс ҳисобланиб, унинг номини айтиб ёш болаларни кўрқитадилар.

|| (295) Бу ҳақда ҳиндларнинг математикага оид китобларининг барчасида баён этилган.

Агар қараналарни билмоқчи бўлсангиз, энг илгари ой кунларини аниқлаб чиқиб, берилган вақт уларнинг қайси бирида бўлишини аниқланг.

Ой узунламасидан Қуёш узунламаси айирилса, икковининг оралиғи [неча даражалиги] чиқади. Агар айирма  $180^\circ$  дан кам бўлса, вақт [ойининг] ёруғ ярмидадир. Агар ортиқ бўлса, қоронғилик ярмидадир. Кейин [даражалар]ни дақиқаларга айлантириб, уларни 720 га бўлсангиз, бўлинма титҳи бўлиб, ойнинг тўла кунларидир. Қолдиқни 60 га кўпайтириб, кўпайтмани ўртача бҳуктига бўлинг. Бўлинма *ғхатиларни* ифодалайди. Бундан қолган қаср чала кундан ўтганидир.

Ҳиндларнинг зижларидаги усули ана шундай. [Мазкур] икки узунламалар айирмаси ўртача *бҳуктига* бўлиниши, кунлар саноғи кўп бўлган ҳолда маъкул бўлмайди. Ундай ҳолда икки ёритқичнинг кунлик тезликлари айирмасига бўлишга тўғри келади. Ойнинг [кунлик] тезлиги 13 даража, Қуёшники эса бир даражадир. Бундай масалада ҳиндларга махсус усуллардан яхшиси ўртача тезликни қўллашдир. Қуёшнинг ўртача ўрни Ойнинг ўртача ўрnidан олинади. Қолдиғи 732 га бўлинади, бу эса икковининг ўртача бҳуктилари айирмаси бўлиб, натижа кунлар ва *ғхатиларни* ифодалайди.

Бухт уларнинг сўзларидан бўлиб, [асли] бҳукти [кунли] ҳақиқий тезлик (бҳукти-спхута, ўртачаси эса бҳукти-мадҳияма ва тўғриланма бухт) – бҳукти-антара дейилади. Бу кейинги иккала бҳукти айирмасидир<sup>1296</sup>.

Қамарий ой кунларининг номларини қуйидаги жадвалда кўрсатдик. Агар сиз ўзингиз яшаган ой кунининг номини билсангиз, унинг ёнида кун исмини ва қаршисида қарана исмини топасиз. Агар чала кундан ўтгани ярмидан кам бўлса, қарана кундузга тегишлидир, ортиқ бўлса, кечасига тегишлидир<sup>1297</sup>.

Ёруғ ярми				Қоронғи ярми				Умумий қараналар	
Рақам-лари	Исм-лари	Кун-лари	Исм-лари	Кун-лари	Исм-лари	Кун-лари	Исм-лари	Кундузда	Кечасида
1	Авамасия	0	0	0	0	0	0	Чатушпада	Нага

(379-бетдаги жадвалнинг давоми)

2	Баракху	0	0	0	0	0	0	Кинс-туғхна	Бава
3	Бийя	10	Навин	17	Баркху	24	Атин	Балава	Клаулава
4	Трийя	11	Даҳин	18	Бийя	25	Навин	Тайтила	Гара
5	Чаут	12	Яҳи	19	Трийя	26	Даҳин	Баниж	Вишти
6	Панчи	13	Дуваҳи	20	Чаут	27	Яҳи	Бава	Балава
7	Сат	14	Троҳи	21	Панчи	28	Дуваҳи	Каулава	Тайтила
8	Сатин	15	Чаудаҳи	22	Сат	29	Троҳи	Гара	Баниж
9	Атин	16	Пурнима Панчаҳи	23	Сатин	0	0	Вишти	Бава
0	0	0	0	0	0	30	Чаудаҳи	Вишти	Шакуни

|| (296) Улар одатлари бўйича [қараналардан] баъзиларига эга тайин қилганлар. Астрологик ҳукмларга ўхшатиб, улардан ҳар бирининг давомида нималарни бажариш [ва бажармаслик]га эҳтиёж борлиги ҳақида ёзганлар. Агар биз уларни бу жадвалда кўрсатсак ва [юқорида] айтганларимизни таъкидласак, ноаниқликларни такрорласак, маълумотимиз кенгайди, чунки билим қайтариш ва такрорлаш мевасидир.

Тўртта кўзғалмас қараналар<sup>1298</sup>

Ойнинг иккита ярмидан қайсисига тўғри келиши	Қараналар исмлари	Эгалари	Қараналар ҳукмлари ва булардан ҳар бирида бажарилиши лозим бўлган ишлар
Қоронғисиди	Шакуни	Кали	Даволаш, илон чақишларга қарши дори-лар, маслаҳатлар бериш, санамлар олдида ўқишларни бажариш маъқулдир.
Ёруғида	Чатушпада	Савр буржи	Подшоҳларни тахтга ўтказиш, ота-боболар номига садақалар бериш, тирикчилик ишларида тўрт оёқли ҳайвонларни ишлатиш учун қулай.
	Нага	Илон	Уйланиш, иморатлар пойдеворини куриш, илон чаққанларга қараш, одамларни оғохлантириш, қўрқитиш ва уларни тутиш учун қулай.
	Кинстугҳна	Шамол	Ҳамма ишлар учун ёмон, бироқ уйланишга тайёргарлик кўриш, соябонлар ясаш, қулоқлар тешиш, [умуман] яхши ишларни бажариш лозим.

## Етгита даврли караналар

Ойнинг иккита ярмидан қайсисига тўғри келиши	Караналар исмлари	Эгалари	Караналар ҳукмлари ва булардан ҳар бирида бажарилиши лозим бўлган ишлар
Ойнинг қоронғи ва ёруғ кечалари	Бава	Шукра	Бу қаранада санкранти бўлса, у «ўтирувчи» бўлади, мевалар мўл бўлиб, ҳосилга офат етади, сафарга чиқиш, иморатларни қуриш учун хайрлидир. Ўзини покизалаш, ортиқча вазндан халос бўлиш, браҳманларнинг олов қурбонликларини ўтказиш хосиятли.
	Балава	Брахма	Бунда санкранти бўлса, бу «ўтирувчи» саналиб, мевали дарахтлар учун ижобий эмас; охираги учун савобли ишларни кўпроқ бажариш лозим.
	Каулава	Митра	Бунда санкранти бўлса, бу «турувчи» бўлиб, экинлар яхши ўсиб, сершарбат бўлади, дўстлик алоқаларини мустаҳкамламоқ афзал.
	Тайтила	Ариаман	Бунда санкранти бўлса, у «ётувчи» ҳисобланади. Арзончилик бўлиб, турли фойдали ўтлардан дори ва хушбўй гиёҳларни яратиш хосиятли.
	Гара	Парвата	Бунда санкранти бўлса, у «ётувчи» ҳисобланади, арзончилик ҳукм суради. Донларни кўпроқ сочиб, уйлар қуриш маъқул.
	Баниж	Ўри	Бунда санкранти бўлса, у «турувчи» бўлади. Экинлар, донлар мўл-қўл бўлади. Савдо ишлари учун хайрлидир.
	Вишти	Марут	Бунда санкранти бўлса, у «ётувчи» ҳисобланади, арзончилик, фаровонлик ҳукм суради. Шакарқамишни сиқишдан бошқа ишларни бажаришга маслаҳат берилмайди. У муваффақиятсиз бўлиб, сафарга чиқиш маъқул эмас.

|| (297) Ҳисоблаш билан караналарни билмоқчи бўлсангиз, Ойнинг узунламасидан Қуёш узунламасини айириб, қолдиқни дақиқаларга айлантинг. Сўнг 360 га бўлинг, шунда бутун караналар келиб чиқади. Қолдиқни 60 га кўпайтириб, ўртача *бҳуктига* бўлсангиз, чала *қаранадан* ўтгани чиқади. Ундан ҳар бири ярим гҳатидир.

Энди бутун караналарга қайтилади. Агар, у икки ё иккидан кам бўлса, вақтингиз иккинчи қаранададир. Уларга бирни қўшиб, чазушпададан бошлаб, йиғинди сони қадар санаб чиқинг. Агар караналар саноғи 59 бўлса, сиз турган

Рақамлари	Ойдаги ўринлари	Вишти исм-лари	Чикадиган томони	Вишти ҳолати ва унинг сифатлари	«Срудхава» китобидаги исмлари
Биринчи	Бешинчи титҳи кечаси	Шулпи	Шарк	Уч кўзли, бошидаги сочлари камишдек тикка, бир кўлида темир найза, иккинчисида тез оқар сувдек ҳаракат қилувчи қора илон, тили узун. Бу кунда урушдан бошқа ишларни бажариш маъқул эмас, ундаги вазифалар алдаш ва кўзбўямачиликдан иборатдир.	Вадовамуққа
Иккинчи	Тўққизинчи титҳи кундузи	Ямдуд	Айшана	Кўлида яшил қилич ушлаганнинг ўрни, гулдураб чакмоқ чақиб, совуқ турғизган булут ичиладир. Бу вақтда доривор ўсимликларни етиштириш, дориларни ичиш, савдо қилиш ва олтиндан [зейнат асбобларини] ясаш хосиятли.	Билва
Учинчи	Ўн иккинчи титҳи кечаси	Гҳўра	Шимол	Қора юзли, лаблари қалин, кўзлари қабоғи билан ёпик, сочи узун, осилган, новча ва кун бўйи отда юрувчи, кўлида қиличи бор, одамларни емоқчи бўлади, оғзидан олов пурқайди ва «ба-ба-ба» деб овоз чиқариб туради. Унинг вақти уруш, қотилликка барҳам бериш, ахлоқсиз аёлларни жазолаш, касалларни даволаш ва илонларни чиқариш учун маъқулдир.	Гҳўра
Тўртинчи	Ўн олтинчи титҳи кундузи	Настаринша	Ваява	Унинг бешта юзи ва ўнта кўзи бор. Бу вақт кўзголончиларни босиш ва уларга яширинча аскарларни юбориш учун қулай пайт, лекин уларни ўзи хоҳлаган жойига юбормаслик керак.	Қрала

Бешинчи	Ўн тўққизинчи титҳи кечаси	Доруни	Ғарб	Жвала
Олтинчи	Йигирма учинчи титҳи кундузи	Қаяли	Найррити	Ранги оқ, уч кўзли, филга минган, афтини ўзгартирмайдиган, бир кўлида қатта харсангни, иккинчисида темир ваҳра [пичоқ]ни ушлаган; қаршисига чиккан хайвонларга шу пичоқни отади. Қимки, унинг чиккиш томонига [орқасига] ўтиб уришса, енгади. Доривор ўтларни териш, қонларни қазиб чикариш, унинг зарур бир талабини қондиришда тесқари қарамаслик керак.
Еттинчи	Йигирма олтинчи титҳи кечаси	Баҳаямани	Жануб	Қаларатри
Саққизинчи	Ўттизинчи титҳи кундузи	Бикага	Ағния	Тўти сингари, листа тусли, юзи қийшиқ, уч кўзли, бир кўлида илмоқли гурзи ва иккинчисида ўткир ханжар бор, қурсисига ўтирганда «са, са, са» деб, одамларни қўрқитади. Бу вақтда баъзи режалаштирилмаган ишларни бошлаш гуноҳдир, бироқ қариндошларига хизмат қилиш, уй ишларини бажарган маъқул.

вақт шакуни бўлади. Бундан кам ва иккидан ортиқ бўлса, уларга бирни қўшиб, йиғиндини 7 га бўлинг, қолдиғи 7 дан ортиқ бўлмаган сон қадар қўзғалувчан қарана бошидан вақтингизда чала бўлган қарана исмига тўхталасиз.

Усулни яратувчилар қараналар учун алоҳида ҳисоблашни ўйлаб топиб ва тартибга солиб, аслига нисбатан яхшисини ҳавола қилганлар. Бу усул шундай;

Улар янги ойдан бошлаб ярим кунни ҳисоблаб олганлар. Биринчи ярим кун, яъни 12 соатни Қуёшга тегишли ва у «ёндирувчи» ва наҳс деганлар. Кейинги ўшанчасини [яъни, 12 соатни] Зухрага, ундан кейингисини Уторидга ва ҳоказо тегишли бўлиб, сфералар тартиби бўйича навбат яна Қуёшга келади. Ҳар гал навбат Қуёшга келгандаги 12 соатли даврни «албист соати» дейдилар, бу эса вишти деганидир.

Лекин ҳиндлар қарана вақтларини тулувий кунлар билан ўлчамай, қамарий кунлар билан ўлчайдилар. Янги ой чоғига яқин бўлган ҳалиги «ёндирувчи» соатдан бошламайдилар.

Улар Ал-Киндий ҳисобига кўра, янги ой бошланишидан кейин Муштарийдан бошлайдилар. Шунинг учун Қуёш даври «ёндирувчи» дейилмайди. Лекин ҳинд усулига кўра, янги ойдан кейин Қуёш билан бошланса, вишти соати Уторидга тегишли бўлади. Шунинг учун Ал-Киндий усули ва ҳиндлар усули ҳар бири бошқача бўлиб, уларни алоҳида кўриш тавсия қилинади.

|| (298). Бир ойда 8 та вишти бор; уфқнинг [асос] томонлари ҳам 8 та. Биз бу ҳақда ҳиндларнинг айтганларини [шу] жадвалда ёзамиз. Астрологлар ўша ёритқичлар ва буржларнинг учдан бирида тулуъ этувчилар шаклларини кўрсатишда ҳиндларнинг шу айтганларига рия қиладилар<sup>1299</sup>.

### LXXIX БОБ. ЙОГАЛАР ҲАҚИДА<sup>1300</sup>

|| (299) Йогаларни ҳиндлар, жуда ҳам насҳ вақт даврлари бўлиб, уларда иш қилишни ман этадилар. Йогаларнинг даврлари кўп.

Лекин [ҳиндлар] уларнинг иккитасида фикрлари бир хил бўлган. Улар қуйидагилар:

[1] Бу шундай даврки, икки катта ёритқич [Қуёш ва Ой] симметрик оғиш чизиқларида, яъни икковининг оғиши бир-бирига тенг ва бир тарафда бўлса, бу йога виятепата<sup>1301</sup> дейилади.

[11] Бу даврда иккови бир-бирига қарама-қарши оғиш чизиғида ва оғишлари бир-бирига тенг ёки турли жиҳатда бўлса, бу вайдиҳрита<sup>1302</sup> дейилади.

Биринчининг белгиси шуки, Ҳамал бошидан ҳисоблашда иккала ёритқич узунламалари йиғиндиси 6 буржга тенг, иккинчида эса бундайлар йиғиндиси 12 буржга тенг бўлади.

Агар берилган вақт учун уларнинг узунламалари йиғиндиси икки аломатдан бирига тўғри келса, у ҳолда бу вақт икки йогадан бириники бўлади. Агар

йиғинди аломат миқдоридан кам ёки ортик бўлса, бу йиғинди билан берилган вақтга тегишли айирма ҳисобланади. Зижларда Қуёш ва Ойнинг бирлашиш ва қарши туриш вақтини ҳисоблаш сингари, бу икки ёритқич бҳуктилари йиғиндисига асосланиб ўртача бҳукти ўрнига топилади<sup>1303</sup>.

Берилган вақтнинг тушдан ёки ярим кечадан масофаси маълум бўлса, бу вақт ўртача вақт дейилади. Чунки агар Ой ҳам Қуёш каби эклиптика бўйлаб аниқ юрганида эди, бу ҳолда истаганимиз амалга ошган бўлар эди. Лекин Ой кенгламага эга ва у умуман эклиптикадан ташқарида бўлган пайтда, у кўз билан кўриш мумкин бўлган айланада эмас, балки Қуёш билан бир айланади. Шунинг учун Қуёш ва Ой ўртача узунламалари, Ой орбитасининг кўтарилиш ва тушиш тугуни узунламалари ўртача вақт учун ҳисобланади.

Шунингдек, ҳиндлар бу вақтга мос равишда Қуёш ва Ойнинг қандай оғишларини ҳам топадилар. Агар бу оғишлар тенг бўлса, мазкур вақт топилмоқчи бўлганнинг айнан ўзидир. Агар тенг бўлмаса, Ойнинг оғишига қаралади. Агар Ой кенгласи оғишдан ортик бўлса, Қуёш оғишидан айирилади. Агар кенгласи оғишидан кам бўлса, у ҳолда Қуёш оғишига кўшилади. Кейин натижаси чиққан [даража] оғишларнинг қардажот [жадвали] воситасида ёйга айлантрилади ва бу ёй хотирада сақланади. Бундай жадваллар «Карана-тилака» зижида ишлатилган.

Шундан кейин ўрта вақтдаги Ой ўрни кузатилади. Агар Ой эклиптикада бўлиб, тоқ рақамли чораклар [дан бири]да, яъни баҳорги ёки кузги тенгкунлик нуқтасига яқин бўлса ва оғиши Қуёшниқидан кам бўлса, бу ҳолда иккала оғишнинг тенглашиш вақти топилган бўлиб, ўрта вақтдан ўтгандан кейиндир. Агар [Ой] оғиши [Қуёшниқидан] ортик бўлса, у ўрта вақтдан олдинда бўлади, яъни илгари ўтади.

Жуфт рақамли, яъни қишки ва ёзги чоракларда бунинг тесқариси бўлади.

Пулиса икки ёритқич, [Қуёш ва Ой] тенгкунлик нуқтасидан, икки тарафда бўлса, уларнинг оғишларини виятипатага бирлаштирган ва агар улар айнан *вайдхритада* бир жиҳатли бўлганда бир тарафда бўлса, оғишларини вайдхритага кўшган. Сўнгра виятипатада бир тарафда ва вайдхритада иккала тарафда бўлганида эса икковининг ҳам оғишлари айирмасини олган. Булар биринчи ёдда сақланувчи миқдорлар бўлиб, ўрта вақт учундир.

Кеча-қундуз дақиқаларини, агар улар чорак кундан кам бўлса, машага айлантриади. Сўнгра булар учун иккала ёритқич, Бош ва Дум бҳуктилари ёрдамида уларнинг ҳаракатлари ҳисобланади. Булар воситасида эса ўтган ва келажакдан ўртача вақт учун уларнинг жойлари ҳисоблаб топилади. Булардан иккинчи ёдда сақланадиган ифода ҳосил бўлади.

|| (300) Бу билан у ўтган давр ва келажак учун ҳолатни аниқлаб, уни ўртача вақт билан солиштиради. Агар Қуёш ва Ой учун иккала оғишлар

тенглик вақти ўтмиш ёки келажакда бўлса, иккала ёдда сақланганлар айирмаси «бўлиш қисмлари», яъни бўлувчи бўлади. Лекин агар (вақт) улардан бири учун ҳали етиб келмаган ва иккинчиси учун ўтиб кетган бўлса, «бўлиш қисмлари» ёдда сақланган икки миқдор йиғиндиси бўлади. Кейин у ёзилган кун дақиқаларини биринчи сақланувчига кўпайтириб, кўпайтмани «бўлиш қисмларига» бўлади, бўлинма ўрта вақтдан масофанинг дақиқалари бўлиб, улар ўтмишники ё келажакникидир. Шу усулда иккала оғишнинг тенг бўлгандаги вақт аниқланади.

«Карана-тилака» зиж бизни яна ёдда сақланган оғиш ёйига олиб келади. Агар Ой узунламаси уч бурждан кам бўлса, бу айнан бўлганнинг ўзидир. Ортиқ бўлса, жадвал муаллифи уни олти бурждан айиради. Агар [олти бурждан] ортиқ бўлиб, тўққиз буржгача бўлса, унга олти буржни қўшади. Тўққиз бурждан ортиқ бўлса, уни ўн икки бурждан айиради. Бу усул билан Ойнинг иккинчи ўрнини топади. Унда Ойнинг тузатилган вақтига тегишли жойи билан солиштиради. Агар Ойнинг иккинчи ўрни бундан кичик бўлса, икки оғишнинг тенг бўлиш вақти бундан кейин бўлади. Бордию ортиқ бўлса, илгари бўлади.

Кейин Ойнинг иккала ҳолати айирмаси Қуёшнинг бҳуктисига кўпайтирилиб, кўпайтма Ой бҳуктисига бўлинади. Мабодо Ойнинг иккинчи [ўрни] биринчисидан ортиқ бўлса, чиққан сони Қуёшнинг тузатилган вақтига тегишли жойига қўшилади. Агар Ойнинг иккинчи [ўрни] биринчисидан кам бўлса, Қуёшниқидан айирилади. Шундай қилиб, у иккала оғиш тенг бўлган пайт учун Қуёш ўрнини аниқлайди.

Буни топиш учун Ойнинг иккала ўрни айирмасини Ой бҳуктисига бўлинади ва кун дақиқалари келиб чиқиб, бу масофани кўрсатади. Улар ёрдамида иккала ёриткич, Бош ва Дум ҳамда иккала оғиш ўринлари ҳисобланади. Оғишлар тенг бўлса, бу мақсадга мувофиқдир. Агар оғишлар тенг бўлмаса, у ҳолда амални то улар тенг бўлиши ва тўғри вақт топилишигача давом эттирилади. Кейин у иккала ёритқичнинг миқдорларини ҳисоблайди. Бунда у иккови йиғиндисининг ярмини олиб ташлайди, иккала миқдорнинг ярми қолади. [Бу қолдиқни] 60 га кўпайтириб, кўпайтмани ўртача бҳуктига, [бҳукти антарага] бўлади. Бўлинмага тушиб дақиқалари [nama] келиб чиқади<sup>1304</sup>.

Тўғри вақт кўрсаткичлари уч жойга ёзилиб, тушиш дақиқаларининг биринчисидан айирилади ва охиргисига қўшилади. Шунда биринчи сон виятепата ёки вайдхрита йоганинг бошланиш вақти, иккинчиси ўртасининг вақти, учинчиси эса тугаш вақтидир.

Бундай ҳисоблашлар [усулини] теорема ва исботлар билан [махсус] китобда муфассал бердик. Ушбу китоб Шиявапала ал-Кашмирий учун тузилган бўлиб, уни «Хаёл ал-кусуфайн» деб номлади<sup>1305</sup>.



Бҳаттила<sup>1306</sup> ўша икки йоганинг тўлиқ кунларини бахтсиз деб ҳисоблайди. Лекин Вараҳамиҳира, ҳисоблаб чиқарилган улар мудлатинигина бахтсиз дейди ва уни кийикнинг заҳарланган ўк тегишидан бўлган ярасига ўхшатади: [заҳар яранинг] ён қисмларига ёйилмайди, заҳарланган жойи кесилиб ташланса, зарари тугайди.

Пулисанинг Парашарадан қилган ҳикоясига кўра, ҳиндлар виятепаталар саногини манзилларга қараб кўпайтирганлар. Бу санокнинг кўпайтирилишига Парашаранинг баёни асос бўлган. Нав эса манзиллар билан кўпаймайди, фақат унинг айрим бўлақларигина кўпаяди, холос. [Бу ҳақда] браҳман Бҳаттила ўз зижида бундай деган:

«Унда саккизта вақт они бор. Улардан ҳар бирида иккала ёриткич узунла-маларининг йиғиндилари бир-бирига тенг бўлади ва улар бахтсиздир<sup>1307</sup>.

Улардан биринчиси *вакшута* бўлиб, чекларининг оралиғи – меъёри тўрт буржга тенг.

Иккинчиси – *ганданта*, меъёри тўрт бурж ва  $13\frac{1}{3}$  даража.

Учинчиси *лата* ва у умумий *виятпата*, унинг меъёри 6 бурж.

Тўртинчиси – *наса*, меъёри олти бурж ва  $6\frac{2}{3}$  даража.

Бешинчиси – *варши* кўпинча *варшавиятипата* дейилиб, меъёри етти бурж ва  $16\frac{2}{3}$  даража.

Олтинчиси – *каладанда*, меъёри саккиз бурж ва  $13\frac{1}{3}$  даража.

Еттинчиси – *виякҳията*, меъёри бурж ва  $23\frac{1}{3}$  даража<sup>1310</sup>.

Саккизинчиси – *вайдҳрита*, меъёри 12 бурждир».

Бу машҳур йогалар бўлиб, лекин учинчи ва саккизинчи сингари бир қонунга киритилмаган. Улар учун тушиш дақиқалари асосида муддат ҳам аниқланмай, бизга номаълум усулда ҳисобланади. Масалан, Вараҳамиҳиранинг айтишига кўра, *виякҳията* ва *вакшута* муддати бир муҳурта бўлиб, *ганданта* ва *варши* муддати эса икки муҳуртадир.

«Карана-тилака» зижида йогаларнинг 27 та эканлиги ҳақида айтилган. Уларни ҳисоблаш усули қуйидагича:

|| (301) Қуёш узунламаси Ой узунламасига қўшилса ва йиғинди дақиқаларга айлантрилиб, 800 га бўлинса, бўлинманинг бутун қисмида йогалар ҳосил бўлади. Қолдиги 60 га кўпайтрилиб, кўпайтма иккала ёриткич бҳуктилари йиғиндисига бўлинади. Бўлинма кун дақиқаларидир. Бўлинмага эргашувчи [қаср] чала йоганинг ўтган қисмидир.

Йогалар исмлари ва сифатларини Шрипала китобидан кўчирилган қуйидаги жадвалда келтирдик<sup>1308</sup>.

## Йигирма етти йогалар жадвали

Тартиб рақамлари	Номлари	Яхши ёки ёмон	Тартиб рақамлари	Номлари	Яхши ёки ёмон
1	Вишкамбха	яхши	15	Важра	ёмон
2	Прити	яхши	16	Сиддхи	яхши
3	Ражакама	ёмон	17	Канната	ёмон
4	Субҳагия	яхши	18	Варияс	ёмон
5	Шўбҳана	яхши	19	Паригҳа	ёмон
6	Атиганда	ёмон	20	Шива	яхши
7	Сукарман	яхши	21	Сиддҳа	яхши
8	Аҳрити	яхши	22	Садхия	ўрга
9	Шула	ёмон	23	Шубҳа	яхши
10	Ганда	ёмон	24	Шукра	яхши
11	Вриддхи	яхши	25	Бараҳма	яхши
12	Дхрува	яхши	26	Индра	яхши
13	Виягҳрата	ёмон	27	Вайдҳрита	ёмон
14	Харшана	яхши			

### LXXX БОБ. ҲИНД ЮДИЦИАР АСТРОЛОГИЯСИНИНГ БОШЛАНҒИЧ АСОСЛАРИ ВА УНДАҒИ ҲИСОБ УСУЛЛАРИ ҲАҚИДА

|| (302) Бу мамлакатлардаги муаллифларимиз ҳинд астрологияси ва бу ҳақда ёзилган бирор китобдан хабардор эмаслар. Шунинг учун, улар ҳиндлар ҳақида сохта тушунча ҳосил қилиб, ўз усулларини уларникига мувофиқ деб, хикоя қиладилар.

Авалло, шуни айтиш керакки, ҳиндлар бирор астрологик ҳукм чиқаришда фолга таянадилар, сўнгра кишининг юзига термулиб, унинг истакларини билиб олишга интиладилар. Унинг авзойи ва соғлиғига ҳам алоҳида аҳамият берадилар.

Ҳиндлар сайёраларни граҳа дейдилар. Бу ёритқичларнинг баъзилари фақат бахтли бўлиб, улар учтадир: Муштарий, Зухра ва Ой. Булар саумия-граҳа дейилади. Учаси мутлақо бахтсизлик [ёритқичлари] бўлиб, крураграҳа<sup>1309</sup> дейилади. Булар: Зухал, Миррих ва Қуёшдир. Бош, сайёра бўлмаса ҳам, бахтсизлик қаторига киради. Сайёралардан биттасининг сифати ўзгариб туради. У, бахт [ёритқичи] билан бирликда ё бахтли, ё бахтсиз бўлади. У эса Уторид бўлиб, ёлғиз холида бахтникидир. Сайёралар сифатини шу жадвалга ёздик<sup>1310</sup>.

Сайёраларнинг улкан ёки кучлилиқ даражаларини билдирадиган бу жадвалдан мақсад шуки, баъзи икки сайёра далолатда бир-бирига тенглашади, қувватликда баробарлашади. Демак, ишонч сон ҳам баробар. Икковидан қайсиси бу жадвалда илгари бўлса, ўша олдинга қўйилиб, улкан ёки кучлироғи ҳисобланади.

Сайёраларнинг номи	Қуёш	Ой	Миррих	Уторид	Муштарий	Зухра	Зухал
Бахт ёки бахтсизлик келтириши	Бахтсизлик келтиради	Бахтли билан бирлашганда бахт келтиради; ойнинг биринчи ўн кунда ўртача, иккинчисида бахт келтиради, охиригисида бахтсизлик	Бахтсизлик келтиради	Ёлғиз ўзи бўлганда бахт келтиради, сўнгра бошқаси билан бирлашганига қараб	Бахт келтиради	Бахт келтиради	Бахтсизлик келтиради
Унсурларга далолати	—	—	Олов	Тупроқ	Осмон	Сув	Шамол
Эркаклик ёки аёлликка далолати	Эркак	Аёл	Эркак	Эркак ҳам, аёл ҳам эмас	Эркак	Аёл	Эркак ҳам, аёл ҳам эмас
Кундуз ёки кечага далолати	Кундузлик	Кечалик	Кечалик	Кеча-кундузлик	Кундузлик	Кундузлик	Кечалик
Томонларга далолати	Шарқ	Шимол-ғарб	Жануб	Шимол	Шимол-шарқ	Шарқ ва Ғарб орасида	Ғарб
Рангларга далолати	Мис ранг	Оқ	Оч қизил	Барги қарам	Тилла ранг	Ҳар хил ранг	Қора

<b>Вактларга далолати</b>	<b>Аяна</b>	<b>Мухурга</b>	<b>Кундуз</b>	<b>Риту, яъни йилнинг олтидан бири</b>	<b>Ой</b>	<b>Пашка, яъни Ойнинг ярми</b>	<b>Йил</b>
Йилнинг олтидан бирига далолати	–	Варша	Гришма	Шарад	Хеманта	Васанта	Шишира
Таъмга далолати	Аччиқ	Шўр		Ҳар хил таъмларнинг аралашгани	Ширин	–	–
Маъданларга далолати	Мис	Биллур	Тилла	Марварид	Кумуш, агар юлдуз кувватли бўлса, тилла	Дур	Темир
Кийим-кечакларга далолати	Қалин	Янги	Куйган	Хўл	Янги билан тutilган ораста	Тузук	Қалин
Фаришталарга далолати	Нема	Амбу-сув	– Агни-олов	Брахма	Махадева	Индра	–
Қасталарга далолати	Қшатрийлар ва лашкарбошилар	Вайшийлар ва бошликлар	Қшатрийлар ва лашкарбошилар	Шудралар ва шахзодалар	Брахманлар ва вазирлар	Брахманлар ва вазирлар	–
Ведаларга далолати	–	–	Самаведа	Атхарванаведа	Ригведа	Яжурведа	

Ҳомиладорлик ойлари	Тўртинчи ойда суяклар қота бошлайди	Саттва	Иккинчи ойда бачалондаги [бола] зич кўриниш тусини олади	Еттинчи ой, бунда бола етила бош- лайди	Ўнинчи ой, бунда органлар тараққиёти бошланади	Биринчи ой, бунда уруғ билан хайз қони аралашади	Олтинчи ой, бунда соч ўсади
Учта биринчи кучга эга хулқлар		Саттва	Тамас	Ражаслар	Саттва	Ражаслар	Тамас
Митра – унга дўстона сайёралар	Муштарий, Миррих, Ой	Муштарий, Уторид	Муштарий, Куёш, Ой	Куёш, Зуҳра	Куёш, Ой, Миррих	Зухал, Уторид	Зуҳра Уторид
Шатру унга душман сайёралар	Унга душман сайёра йўқ	Уторид	Уторид	Ой	Зухра, Уторид	Куёш, Ой	Миррих, Ой, Куёш
Вимишира унга бефарқ сайёралар	Зухал, Зуҳра Уторид	Зухал, Зухал	Зухал, Зухал	Зухал, Муштарий, Миррих	Зухал	Муштарий, Миррих	Муштарий
Бадан аъзоларига далолатлари	Рух ва суяк	Тил ости ва қон	Гўшт ва мия	Овоз ва тери	Ақл ва ёғ	Уруғ	Асаб, гўшт ва оғрик
Микдорнинг қўл-озлиги	1	2	6	5	4	25	7
Шадая йиллари	19	25	15	12	15	21	20
Найсарғха йиллари	20	1	2	9	18	20	50

Ҳомиладор аёлларнинг ойлари жадвалнинг энг охиридадир. Улар ҳомиладорликнинг саккизинчи ойида толе [нома] белгилайдилар<sup>1311</sup>. Қориндаги бола шу ойда энг латиф озикларни талаб қилади, агар шуларни тугал олиб туғилса, бола яшаб боради. Тугал олмасдан туғилса, камчилик сабабли нобуд бўлади, дейдилар. Тўққизинчи ойни Ой учун, ўнинчини Қуёш учун белгилайдилар. [Боланинг] коринда туриши ўн ойдан нарига ўтмайди, деб даъво қиладилар. Иттифоқо ўтса, бунга шамолдан бирор офат теккан дейдилар. Ҳомила илк шакланган вақт ҳисоб воситасида || (304) топилмай, хабардан маълум бўлса, сайёраларнинг ўша вақтдаги ҳолат ва қувватларига қараб навбатдаги ойлар ўртасида ҳукм чиқарадилар.

Уларда [сайёраларнинг] дўстлик ва душманлиги «хона эгалари» қуввати сингари жуда кучлидир. Баъзан, вақтда асл табиатни ўзгартиради. Қувватга ва йилларга тегишли мисоллар кейин келади. Буржларнинг 12 талигида, улардаги юлдузларнинг кетма-кетлигида ва эгаликлариди улар билан бизлар ўртамазда хилоф йўқ. Ҳамма буржларга хос ҳолатни ушбу жадвалда келтирдик<sup>1312</sup>:

Буржлар		Ҳамал	Савр	Жавзо	Саратон	Асад
Уларнинг эгалари		Миррих	Зухра	Уторид	Ой	Қуёш
Шараф-лар	Шараф	Қуёш	Ой	0	Муштарий	0
	Даража	10	3	0	0	0
Мулатрикона эгалари		Миррих	Ой	0	0	Қуёш
Жинси		Эркак	Аёл	Эркак	Аёл	Эркак
Бахтли ва бахтсиз		Бахтсиз	Бахтли	Бахтсиз	Бахтли	Бахтсиз
Ранглар		Қизгиш	Оқ	Яшил	Сарғиш	Қорамтир
Томонлар		Шаркнинг ўзи	Шарқий-Жанубий	Жануби-Ғарбий	Ғарбий-Шимолий	Шимоли-шарқий
Чиқиш ҳолати		Оғма	Оғма	Ёнига	Оғма	Тиккасига

Айланадиган, турғун ёки бир неча жисмлилар	Ҳаракатчан	Қўзғалмас	Ҳаракатчан ва никови бирга қўзғалмас	Ҳаракатчан	Қўзғалмас
Баъзилар фикрича, кечки ёки кундузги	Кечки	Кечки	Кечки	Кечки	Кундузги
Баданнинг қисмларга далолати	Бош	Юз	Елкалар ва қўллар	Қўкрак	Қорин
Йилнинг олтидан бир қисми	Васанта	Гришма	Гришма	Варши	Варши
Уларнинг тасвирлари	Қўй	Буқа	Қўлида лура ва тўқмоқли	Сарата	Асад

Улар тааллуқли бўлган жинслар		Тўрта ёқли	Тўрта ёқли	Инсон [жинси] икки оёқли	Судралиб юрувчи	Тўрт оёқли
Уларнинг жинсларига кўра энг кучли бўлган пайтлари		Кечаси	Кечаси	Кундузи	Синдхи пайти	Кечаси
Сунбула	Мезон	Ақраб	Қавс	Жадий	Далв	Хут
Уторид	Зухра	Миррих	Муштарий	Зухал	Зухал	Муштарий
Уторид	Зухал	0	0	Миррих	0	Зухра
15	20	0	0	28	0	27
Уторид	Зухра	0	Муштарий	0	Зухал	0
Аёл	Эркак	Аёл	Эркак	Аёл	Эркак	Аёл
Бахтли	Бахтсиз	Бахтли	Бахтсиз	Бахтли	Бахтсиз	Бахтли
Турфа хил ранг	Қора	Тилла ранг	Кодб Алҳр	Ола [қора ва оқ]	Жигарранг	Кулранг
Жанубнинг ўзи	Ғарбнинг ўзи	Шимолнинг ўзи	Жануби-Шарқий	Ғарбий-Жанубий	Шимоли-Ғарбий	Шарқий-Шимолий
Тиккасига	Тиккасига	Тиккасига	Оғма	Оғма	Тиккасига	Тиккасига
Ҳаракатчан ва иккови кўзгалмас	Ҳаракатчан	Кўзгалмас	Ҳаракатчан ва иккови кўзгалмас	Ҳаракатчан	Кўзгалмас	Ҳаракатчан ва иккови кўзгалмас
Кундузги	Кундузги	Кундузги	Кечки	Кечки	Кундузги	Кундузги
Киндик	Киндик ости	Закар ва фарж	Сонлар	Тиззалар	Болдирлар	Қадамлар
Шарад	Шарад	Хемента	Хемента	Шишира	Шишира	Васанта
Қўлида бошок-сунбула ушлаган киз	Мезон	Ақраб	Боши от, юқориси одамга ўхшаш	Боши эчкиникига ўхшаш шаклда	Қайик	Икки балиқ
Икки оёқли	Икки оёқли	Судралиб юрувчи	Биринчи ярми икки оёқли, иккинчиси тўрт оёқли	Биринчи ярми тўрт оёқли ва иккинчиси сувли	Биринчи ярми икки оёқли, иккинчиси сувли ва танаси одамга ўхшаш махлук	Сувли
Кундузи	Кундузи	Сандхи пайтида	Кундузи одам, кечаси бошқача	Сандхи пайтида	Кундузи одам, кечаси бошқача	Сандхи пайтида

Сайёра шарафини уларнинг тилларида *уччастҳа*, шараф даражасини *парамоччастҳа*<sup>1313</sup>, пастлашишни *ничастҳа* ва даражасини *параманичастҳа* дейилади. *Мулатрикона* эса маълум сайёранинг ўз хонасига келганидан унга етишган қувватдир.

Улар учбурчакликларни, бизда бўлганидек, унсурларга ва табиатларга нисбат бермай, балки барча томонларига нисбат берадилар, хусусий ҳоллар эса жадвалда муфассал кўрсатилди.

Улар буралувчи буржни чарараши дейдилар, яъни бу дегани «ҳаракатли» бурждир, собитини эса *стҳирароши*, яъни турувчи бурж дейдилар, икки жадвали буржни двисвабхава, бу эса иккаласи бирга деганидир<sup>1314</sup>.

Буржларни жадвалда кўрсатганимиздек, сайёралар уйларининг ҳолатини ҳам жадвалда кўрсатдик. Улар буржларнинг ер устидаги || (306) ярмини *чҳаттра*, яъни «соябон», ер остидаги ярмини *ну*, яъни «кема» дейдилар. Осмоннинг ўртасигача кўтарилган ярмини ҳам, ер «ўқи»гача тушувчи ярмини ҳам *дҳани*, яъни «камон»<sup>1315</sup>, «ўқ»ларни *кендра*, кейинидан келувчи [уй]ларни панпҳара, оғиб борувчини апаклима<sup>1316</sup> дейдилар. || (307) Ана шу айтилганлар [ҳиндларнинг] астрологияда сайёраларга, буржларга ва «уй»ларга доир асосий қоидаларидир.

Бундан кейин буржларни қисмларга ажратиш лозим бўлади. Қисмларнинг энг аввалгилари *нимбаҳрлар*, бошқачасига *ҳора*, яъни соатлар дейилади, чунки буржнинг ярми чиққунича бир соат вақт ўтади. Ҳар бир эркак буржнинг биринчи ярми энг ёрқин икки ёритқичдан бири [Куёш] таъсирида бўлгани учун [бахтсизликка] мансубдир. Иккинчи ярми эса аёллар буржи бўлиб, Ой таъсирида бўлганидан бахтлига мансубдир. Ҳар бир аёл жинсидаги буржда бунинг тескараси бўлади.

Булардан сўнг *дреккана*<sup>1317</sup> «учбурчаклар»и келади. Улар биздаги драйжанат деб номланганининг айнан ўзидир.

Кейин нуҳбаҳрлари келиб, улар *навамшака*<sup>1318</sup> деб ном олган. Нуҳбаҳрлари топилмоқчи бўлган буржнинг бошидан тегишли бўлагигача бўлган масофалар дақиқалар айлантрилиб, кейин дақиқаларни 200 га бўлинади. Бўлинма берилган учбурчак буржларда тўққиздан бирликлардан қанча бутун марта борлигини кўрсатади. Кетма-кет буржларнинг ҳар биридан шунча сонни санайсизки, бир буржнинг тўққиздан бирига бир нуҳбаҳр мос бўлсин. Охириги тўққиздан бир қисмга мос келган бурж изланган нуҳбаҳрнинг эгаси бўлади. Ҳар бир айланувчи буржнинг биринчи нуҳбаҳри, собит буржнинг бешинчиси, икки танали буржнинг тўққизинчиси варготтама, яъни «энг катта қисм» дейилади<sup>1319</sup>.

Сўнгра ўн иккилик қисмлар келиб, уларни *двадашеша*<sup>1320</sup> дейилади. Буржнинг берилган жойи учун уни топишда [буржнинг] бошидан [берилган жойигача ораликни] дақиқаларга айлантрилиб ҳосил бўлган сонни 150 га бўлинади.



Бўлинма ўн иккидан бирларнинг қанча бутун марта борлигини кўрсатади. Кейинги буржларнинг ҳар бирида ҳам кетма-кет биттадан эга бўлади. Касрга етиб келган қисмнинг эгаси ўша ўн иккиликнинг ҳам эгаси бўлади.

Кейинги даражалар келиб, уларни триншамшака деб атайдилар, бу эса 30 даража демакдир. Уларнинг тартиби шундай: эркаклик жинсидан бўлган бурждан ҳар бирининг бошидаги 5 даража Миррихники, кейин беш даража Зухалники, 8 даража Муштарийники, 7 – Уторидники, 5 – Зухраники. Лекин урғочи буржларникида мазкур тартибнинг тескариси бўлади, яъни бурж бошидан 5 даража – Зухраники, кейинги 7 – Уторидники, 8 – Муштарийники, 5 – Зухалники ва 5 – Миррихникидир.

Мана шу айтилган қоидаларга асосланиб толе ҳукмлари чиқарилади<sup>1321</sup>.

Ҳар бир буржнинг [берилган вақтдаги] аспект ҳоли уфқдан кўтари-лувчи – толенинг ҳолига боғлиқ. [Аспект ҳақидаги] қоида [бундай]: бир буржга иккала томондан кўшни бўлган икки бурж аспектда бўлмайди, иккита буржнинг бошлари орасида сферанинг чораги ёки учдан бири, ёки ярми ётса, улар [иккита буржлар] ўзаро аспектда турганлар деб айтилади. Агар иккита бурж оралиғи сферанинг 6 дан бирига тенг бўлса, аспектда турган буржлар фақат, санашнинг тўғри тартибига мосдир, лекин агар бу масофа чорак билан 6 дан бир йиғиндисига тенг бўлса, аспектда турган буржлар тескари тартибда саналади.

Аспектлар хили бундай: [берилган] бурж билан унга нисбатан тўртинчи бурж ёки ўн биринчи бурж чорак аспекти [ташқил қилади], у [берилган] билан бешинчи ёки тўққизинчи ярим аспекти, у билан олтинчи ёки ўнинчи эса тўртдан уч аспекти, у билан еттинчи бурж эса бутун аспекти ташқил қилади. Ҳиндлар битта буржнинг ўзида бўлган икки қатга ёритқич ҳақидаги аспекти зикр қилмайдилар.

Аммо дўстлик ва душманликнинг ўзгаришлари || (308) қоидаси мана бундай:

Сайёра ўзининг юлдузлар жадвалига нисбатан ўнинчи, ўн биринчи, биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи буржларда бўлса, у ҳолда ўз ҳолатидан яхшироқ ҳолатга ўтади, яъни агарда ёмон душманлик ҳолатда бўлса, ўртача ўтади, ўртачалардан бўлиб, дўстликлардан бўлса, ундан ҳам яхши дўстликка ўтади.

[Юқорида] айтилганлардан бошқаларига [келишида] ҳолати ёмонроққа кўчади, яъни яхши дўстлик бўлса, ўртачасига, ўртача бўлса, душманликка, душманлик бўлса, ўта ёвузликка кўчади. Асл вақтга нисбатан кейинги келувчи [вақтлардаги сайёра] ҳолати тасодиғийдир.

Юқоридагилардан сўнг сайёра учун хос тўрт қувват ҳақида сўзлаймиз<sup>1322</sup>.

Улардан биринчиси – оддий қувват бўлиб, *стҳанабала* деб аталади. Унинг ҳосили учун сайёранинг ўз шарафида, уйда ёки дўстининг уйда,

Уй-лар	Далолатлари	Толега нисбатан аспектда туриши	Уларда буржлар таъсири	Уларда сайёралар таъсири	Уларда «қўй»нинг бахтли йилларидан тушиб қоладиган-лари	Уларда «қўй»нинг бахтли йилларидан тушиб қоладиган-лари	Уфққа бўлиниши	Тушдаги сояга қараб бўлиниши
Толе	Бош ва рух	Ҳисоблаш учун асбоб	Инсоний нишонлар	Уторид ва Мушга-рий	0	0	Кўтари-лиш ёйи	Кема Ёйи
II	Юз ва мол	Толега аспектда эмаслар	0	0	0	0		
III	Икки қўл ва биродар	0	0	0	0	0		
IV	Юрак, ота-она, дўстлар, уй ва хурсандчилик	0	Сувли	Зухра ва Ой	0	0		
V	Қорин бола ва ақл	0	0	0	0	0		
VI	Икки бикин, душман ва минилади-ган ҳайвон	0	0	0	0	0		

							Куйлашиш
							Куйлашиш ёйи
Соён							
VII	Киндик ости ва аёллар	Иккиси ҳам толе билан аспектда	Ҳашаротга тегишли	Зухал	$1 \frac{1}{6}$	$1 \frac{1}{6}$ нинг ярми [яъни] $12 \frac{1}{12}$	
VIII	Қайтиш ва ўлим	Толе у билан аспектда, лекин у толе билан аспектда эмас	0	0	$1 \frac{1}{5}$	$1 \frac{1}{10}$	
IX	Икки бўкса, сафар ва қарз	Иккаласи ҳам толе билан аспектда	0	0	$1 \frac{1}{4}$	$1 \frac{1}{8}$	
X	Икки тизза ва амал	Иккаласи ҳам толе билан аспектда эмас	Тўрт оёқликлар	Миррих	$1 \frac{1}{3}$	$1 \frac{1}{6}$	
XI	Икки болдир ва кириш	У толе билан аспектда, лекин толе у билан аспектда эмас	0	0	$1 \frac{1}{2}$	$1 \frac{1}{4}$	
XII	Икки кадам ва чиқим	Иккиси ҳам толе билан аспектда эмас	0	0	Бутун	$1 \frac{1}{2}$	

уйнинг нухбахрида ёки шарафида, *мулатриконасида*, яъни «бахтли» сатиридаги «хурсандчилигида» бўлиши керак. Куёш ва Ой «бахтли» буржларида, бўлганларида шундай куч-қувватга эга бўладилар. Улар «бахтсиз» буржларда бўлган вақтларда эса [бешта] равшанлиги ўзгарувчи сайёралар [биринчи қувватга] эга бўладилар. [Бу қувват] Ойнинг биринчи учдан бирида Ойга хос бўлиб, [Ой] аспектида бўлувчи ҳар бир сайёрага шу қувват орқали ёрдам беради. Толе икки оёқли бурж шаклига кирганда, ушбу қувватга эга бўлади.

Аммо иккинчи қувват – *дриштибала*, яъни «чеккадаги» маъносини англатиб, *дригбала* деб айтилади. Сайёра кучаядиган қозикда бўлганда шу қувватни ҳосил қилади. Баъзида қозик ёндашган иккала «уй»да ҳам [шу қувватга эга бўлади]. Агар толе икки оёқли бўлса-ю, кундузи чиқса ёки тўрт оёқли бўлса-ю, кечаси чиқса, ана шундай қувват ҳосил қилади. Иккала сандҳи вақтида эса бошқа буржлар бу қувватга молик бўлади. «Масалалар»ига келганда, улар шундай даъво қиладилар: бурж агар тўрт оёқли бўлса, ўнинчи [уй]га, Ақраб ва Саратон бўлса, еттинчи, Далв ва Саратон бўлса, тўртинчи келганда шу қувватни олади. Учинчи қувват – «ғолиб қувват»дир. Бу чештабала дейилади. Сайёра тескарига [шарқдан ғарбга] ҳаракат қилган [кунлари] да кўринмай кетиб, кўринишга бошлашдан тўрт бурж қадар сурилгунча, сайёра шимолий кенгликда бўлган ойларда шундай қувватга эга бўлади. Бу ҳол Зухрадан бошқалар учундир, чунки шимол бошқа сайёралар учун бўлганидек, жануб Зухра учундир. [Куёшнинг] кўтарилувчи ярмидаги ёзги кун туришидан илгари икки буржда бўлган чоғида икки уйга ўшандай [қувват] хос бўлади. Ойнинг Куёшдан бошқа ёритқичлар билан бирга бўлиши хусусияти учинчи қувватнинг унга нисбатан таъсир кучидир. Толедан эгаси бўлса ва улар аспектида Муштарий ва Уторид бўлса ва толе [эгасиз] бахтсиз сайёралардан ҳоли бўлса, у [толе] бу қувватга эгадир. Агар унда бахтсиз бўлса, Муштарий ва Уторид аспектида бўлишлиги бекорга чиқиб, бу қувватга эгалик бўлишдан маҳрум бўлади.

|| (309) Аммо тўртинчи қувват – калабала, яъни «вақтинча» бўлиб, кундузги сайёралар кундузи ва кечалик сайёралар кечаси бунга эга бўладилар. Уторид эса ғира-шира вақтида эгадир. Зеро, улардан баъзиларининг фикрича, бу қувват кеча ва кундуз давомида таъсир этади, [ғира-шира эса] кундуз билан кеча оралиғидадир. Буни Ойнинг оқлик ярмидаги бахтлилар ва коронғилик [ярмида]ги бахтсизликлар ҳам ҳосил қилади. Тўртинчи қувват доимо толе учундир. [Сайёралардан] бири бошқасига қараганда қувватларининг саноғига нисбатан ғолиб саналади. Агар улардан иккитаси бир хил қувватга эга бўлса, улуғликда ортиғи уларнинг энг кучлиси ҳисобланади. Бу жадвалда найсарги-кабала<sup>1323</sup> деб аталади.

Ўртача йиллар учун сайёраларга уларнинг уч хил ҳисобланиши кўрсатилган, шундан иккитаси узоқлигига қараб ҳисобланган. Биринчи ва иккинчи хил миқдорлар жадвалда кўрсатилган.

Шадаё ва найсаргика шараф даражаларига асосан ҳисобланади. Биринчи хили Куёшнинг юқорида айtilган қуватлари Ойнинг ҳар бир ва толенинг ҳар бир [қувватидан] ортиқ бўлганда ҳисобланади. Аммо иккинчиси ойнинг қувватлари. Куёшнинг ва толенинг ҳар бир қувватидан ортиқ бўлганда ҳисобланади. Учинчи хили *амшя*<sup>1324</sup> дейилади, толе қувватлари икковини [Куёш ва Ойни]кидан ортиқ бўлганда ҳисобланади. Ўзининг даражасида бўлмаган ҳар бир сайёра учун биринчи тур йиллар сонини ҳисоблаш усули бундай:

Агар ёритқичнинг [шараф даражасидан] узоқлиги олти бурждан ортиқ бўлса, унинг 12 буржга тўлдирувчисига ёки олти бурждан кам бўлса, у жадвалга киритилган йилга кўпайтирилади ва кўпайтмага буржларга [мос] ойлар, даражаларга [мос] кунлар, дақиқаларга [мос] кун бўлаклари қўшилади. Кейин ҳар бир 60 дақиқа бир кун, ҳар бир 30 кун бир ой ва ҳар бир 12 ой бир йил деб ҳисобланади.

Толе учун ҳисобланиши [бундай]: Ҳамал бошидан саналган масофа даражаси аниқланади; ҳар бир бурж бир йил, икки ярим даража бир ой; беш дақиқа бир кунга, беш сония бир кун дақиқаси мосдир.

Ёритқичлар учун иккинчи тур йиллар сонини ҳисоблаш усули [бундай]: илгариги сингари шараф даражасидан узоқлиги аниқланади, уни жадвалдаги йилга кўпайтирилади, кўпайтма устида худди илгарига сингари иш бажарилади. Толе Ҳамал бошидан саналган узоқлик даражасига олинади. Ҳар бир нуҳбахр учун йил, ойлар ва ундан кичиклари ҳалигидек ҳисоблаш билан [бажарилади]. Чиққан йиллар сонини ўн иккига бўлинади, ўн иккидан кам қолдиқ толе йилидир<sup>1325</sup>.

Ёритқичлар ҳам толе учун учинчи тур йиллар сонини ҳисоблаш иккинчи турдаги толе йилини ҳисоблаш сингаридир, яъни [ёритқичнинг] Ҳамал бошидан масофа даражаси олинади. Ҳар бир нуҳбахр бир йилга мос бўлади. Шу билан тўла масофа 108 га кўпайтирилади, кўпайтма яхлитланса [рафъланса] буржлар ойларга, даражалар кунларга, дақиқалар [кун] дақиқаларига мос қилинади. Йилларни 12 га бўлинса, қолган қолдиқ изланган йилларнинг ўзидир<sup>1326</sup>.

Бундай йилларнинг умумий исми *юрдая*, тузатишдан илгари *мадҳиямая* дейилиб, кейин эса *схутая* дейилади, бу эса «узунламаси» деганидир<sup>1327</sup>.

|| (310) Аммо ҳамма навлардаги толе йиллари тузатилганнинг ўзи бўлиб, қайта тузатишнинг ҳожати йўқдир. Икки турдан бирдан сайёранинг фазодаги ўрнига қараб, иккинчида [кузатувчининг Ер юзидаги] уфққа нисбатан вазиятига қараб айириш билан тузатиш лозим. Учинчи навга қуйидаги

холларда кўшиш билан тузатиш лозим бўлади. Сайёра ўзининг энг катта улушида, ўз уйида, шараф нуҳбахрида ёки шулардан ортиқроқда бўлганда тузатиш керак бўлади. Агар сайёра тескари томонга ҳаракатда бўлса, йиллари ўртасидан икки марта ортиқ бўлади, агар шу иккала ҳолатда бўлса, йиллари ўртачасининг уч мартасига тенг бўлади.

Ёритқичнинг «душман» «уйи»да бўлганида, йилларининг қуввати камаймайди.

Қуёш шуъласи таъсирида яшириниб, эътибордан қолган Зухра ва Зухалда бошқа сайёранинг йиллари уч хил кайфиятда [йиллари] ярмига етади. Лекин Зухра ва Зухалнинг яшириниши билан уларнинг йиллари ҳеч камаймайди.

Иккинчи усулда айиришли тузатишга келсак, у жадвалга киритилади, [унда] бахтсиз ва бахтли сайёраларнинг уфқдан юқорида бўлганларида, йиллардан қай бирининг тушиб қолиши [кўрсатилган].

Бир «уй»да иккита ё улардан ортиқ сайёра турганда тартиб бўйича уларнинг улуғликларига ва қувватларига қаралади. Йилларидан айирма эътиборга олинмайди, қолдиқ эса ўз ҳолича қолаверади.

Агар бирор сайёранинг учинчи турида иккита кўшиш икки томондан кўшиладиган бўлса, аввало, икковидан бирини, яъни каттасини кўшиш керак. Иккови айириш бўлса, улардан бири илгари, иккинчиси эса кейин келади, бунга эътироз йўқ.

Шундай тузатилган йиллар ҳосил қилинса, уларнинг йиғиндиси бизга керак бўлган пайтда туғилувчи кишининг умридан иборат бўлади.

Энди бизга ҳиндларнинг даврлар ҳақидаги усулларини баён этиш қолди. Умр мана шу уч хил йилларга бўлинади. Ҳисоб энг аввалги туғилиш чоғида икки ёритқич [Қуёш ва Ой] йилларидан бошланади. Икковидан қайси бирининг ҳам қуввати, ҳам бали<sup>1328</sup> ортиқлиги аниқланади. Агар икковиники тенг бўлса, вазиятига қараб қайсинисининг ҳиссаси ортиқлиги белгиланади. Агар «қозик»ларда бир неча сайёра бўлса, улардан қувватлироғи, насаби ортиқроғи «қозик»ларга яқинроқ турувчиси, кейин ундан кўра пастроғи навбатни олади. Илгариги мисолда кўрсатилганидек, умр бўйича ҳар бир сайёра йилларича мавқеи топилади. Ҳолатлар битта сайёра йилларига боғланмай, балки унга мувофиқлашган шериклари, яъни у билан аспектдаги сайёралар таъсирида бўлади<sup>1329</sup>.

Йиллар бўлаклари шериклиги ҳақида шундай таъбир унга хос бўлади.

Бир буржнинг ўзида у билан бўлса, шериклиги унинг ярмига тенг. Агар сайёра бешинчи билан тўққизинчи буржларда бўлса, учдан бирида иштирок этади. Тўртинчи билан саккизинчи буржда бўлса, тўртдан бирида, агар еттинчи бўлса, еттидан бирида иштирок этади. Бир ўринда бир нечта сайёра тўпланса, ҳар бир сайёра учун ўз жойига мувофиқ махсус каср бўлади<sup>1330</sup>.

Шериклик йилларни ҳисоблаш усули бундай: йиллар эгаси учун шундай каср ёзилади: унинг сурати ҳам бир, махражи ҳам бир бўлади. Чунки у бутун сонларни бошқаради, кейин ҳар бир шерик учун касрнинг фақат махражи олинади, ҳамма махражларни эса суратларига кўпайтирилади, бунда биринчи ёритқич ва унинг касри олиб ташланади. Шундай қилиб ҳамма касрлар умумий махражга келтирилади. Бир хил суратлар умумий ҳар бир касрнинг махражга бўлинади. Кейин ҳар бир сурат йилларининг йигиндисига кўпайтирилади. Кўпайтма эса суратлар йигиндисига бўлинса, сайёранинг каламбука йилларининг сони келиб чиқади<sup>1331</sup>.

|| (311) Энди ёритқичлар таъсирининг ортиши масаласи аниқланганидан сўнг уларнинг тартиби аввал тушунтирилганидек, аввал «қозикдан» ёритқич кучи бўйича олдинроқ қўйилади, ундан кейин олган [бурж]ларга ўтилади. Сайёраларнинг жойлари ва вақтига қараб ҳиндларда бўлақларининг муддати билинади.

Туғилиш толеига тегишли масалаларда бошқа халқлар шугулланмаган усулларни ҳам келтирамиз. У бундай: туғилиш чоғида [туғилганнинг] отаси ҳозир бўлгани ё йўклигини, Ойнинг толе билан аспектдалигини аниқлайди. Ой турган бурж Зухра билан Уторид буржлари орасида, ё бўлмаса, толеда зуҳал ёки Миррих манзилда бўлган ёки бўлмагани ҳақида билиб оладилар. Балоғатга етишни икки катта ёритқич [Қуёш ва Ой]га қараб биладилар. Агар иккови битта буржда бўлиб, улар билан бахтсиз сайёра бўлса ёки Ой ва Муштарий толе билан аспектда бўлмаса, ёки Муштарий икки энг ёруғ ёритқич билан аспектда бўлмаса, у ҳолда туғилган балоғатга етиша олмайди<sup>1332</sup>.

Чироқ масаласига келсак, бунда Қуёш турган буржга қарайдилар. Агар у [бурждан буржга] ўтаётган бўлса, чироқ ҳаракатчан бўлиб, бир мавзудан иккинчисига ўтади. Мабодо турғун бўлса, [у ҳолда чироқ ҳам] турғун бўлади. Агар бурж икки танали бўлса, [чироқ] бир марта ҳаракатчан бўлиб, иккинчи танада қарор топади. Кейин толе даражаларининг 30 [даража] нисбатига эътибор берадилар, чироқ пилиги ўша нисбатда ёнган бўлади. Агар Ой тўлишган бўлса, чироқнинг ёғи тўла бўлади. Кейин миқдори Ойнинг ёруғ қисмига мувофиқ камайиб боради.

Кейин уй эшигига келган энг қувватли сайёранинг «қозик»дан далил келтирадилар. Агар «қозик»лар бўш бўлса, сайёра йўналиши ўз йўналишида ёки толе буржига томон бўлади<sup>1333</sup>.

Ҳиндлар қайси ёритқич ёритганлигига ҳам эътибор берадилар: агар ёритувчи Қуёш бўлса, уй бузилади, агар Ой [бўлса, уй] саломат бўлади, Миррих [бўлса уй] ёнади, Уторид бўлса ёй бўлиб эгилади, Муштарий бўлса, бақувват, Зуҳал бўлса, уй тез эскиради<sup>1334</sup>. Муштарий ўз шарафида, ўнинчи ўринда

бўлса, уй икки ёки уч устунли бўлади. Агар унинг шаҳодати Қавс буржида пишиқ бўлса, уй уч «устунли» бўлади, бошқа икки танали буржларда «устуни» ҳам иккитадан бўлади<sup>1335</sup>.

Тахт ва унинг кўтарувчи [оёқ]ларига, далолат қилиш керак бўлса, унинг катталиги ва узунлиги учун буржларнинг ўн иккинчисидан учинчи хонадагига қарайдилар. Агар бахтсизлардан бўлса, устунли ёки пойдевори бахтсиз миқдорига нисбатан бузилади. Унда Миррих бўлса [уй] ёнади, Қуёш бўлса синади. Зухал бўлса[уй] эскиради<sup>1336</sup>.

Оиладаги аёлларнинг кўплиги толе буржидаги ва Ой буржидаги сайёралар сонича бўлади. Аёлларнинг сифатлари юлдуз туркумларининг тасвири кабидир.

Ердан юқоридаги юлдузлар сони нечта бўлса, шу ҳисобдаги аёл уйдан ташқарига чиқади. Қолган аёллар уй ичига кирадилар.

Кейин бола жонининг келиб чиқиш жойини қарайдилар, бунда икки энг катта ёритқичдан кейин кучли сайёра дреккана эгасига қарайдилар. Агар *дреккана* – Муштарий бўлса, жон келиш жойи Девалокадан: агар Зухра ёки Ой бўлса, Питрилокадан; Миррих ёки Қуёш бўлса, Вришчикалокадан, Зухал ва Уторид бўлса, жон Бҳригулокадан келади<sup>1337</sup>.

|| (312) Вафот этгандан кейин жоннинг чиқиш жойини билиш учун илгариги мисолдагидек, уйдаги дреккананинг эгасидан кейин кучли бўлганига қаралади.

Агар Муштарий ўз шарафида олтинчи ё саккизинчи уйда, ё «қозик»лардан бирида, ё Хут толеида, ё Муштарий сайёралардан кучли бўлса, ё вафоти чоғидаги туркумлар туғилиш чоғидагига тўғри келса, жон ором олиб изтироб чекмайди<sup>1338</sup>.

Юқоридагиларни астрологияда бизнинг халқ усуллари билан ҳиндларники орасида қандай фарқ борлигини билиш учун келтирдик.

Аммо атмосфера ва осмон ҳодисалари ҳақидаги назариялари чўзиқ бўлиши билан бирга жуда нозикдир. Туғилганлар ҳақидаги масала устида фақат умрлар зикри билан чекланиб, сўзни қискартиришимиз каби бу фан ҳақида уларнинг кометалар турлари ҳақидаги фаразларини сўзлаш билан чекланамиз.

Аждар боши [ҳиндларда] Раху, думи эса Кету дейилади. Одатда улар Бошни кўпроқ ишлатадилар. Осмондаги дум шакли [кометалар] ҳам уларда Кету дейилади<sup>1339</sup>.

Вараҳамиҳира бундай деган: «Бошнинг ўттиз учта ўғли бор, улар *та-маса-килака* дейилади. Улар турли [кўринишдаги] кометалар бўлиб, чўзилганлари ва чўзилмаганлари бор. Уларга қараб астрологик ҳукм чиқариш шакллариغا, ранглариغا, катталигига ва вазиятларига кўра бўлади. Ёмонроқлари қарға, бўйни кесилган одам, қиличсимон қурол, ханжар, ёй ва ўк суратига ўхшайди.



Кометалар доимо икки энг катта ёриткич атрофида [кўринадилар], сувларни шундай чайкатадиларки, ҳатто уни булғатиб ҳам юборадилар. Ҳавога таъсир қилиб, уни сарғайтириб юборади ва тўлқинлантирганидан кўп йиллик дарахтлар илдизи билан ағдарилади, тошлар [юмалаб] одамларга урилади, замонлар табиатини ўзгартириб, ҳатто йил фаслларида бирини бошқасига ўтказиб юборади. Ер қимирлаш, вайронлик, бузилиш, иссиқлик [шиддати] кўпайиши билан осмон қизариб, ҳайвонларнинг ваҳимали бақириқлари, қушларнинг қичқириғи бир-бирига уланиб, зўрайиб кетса, шуни билинги, буларнинг ҳаммаси Бошнинг ўғиллари туфайли бўлади. Бу ҳолат тугилиш ва кометанинг пайдо бўлиши билан бирликда воқе бўлса, бунинг сабабчиси Бошнинг болаларидан бошқаси эмаслигига ишониш мумкин. Шунда у ёмонлик ўрнига Қуёш жисмига нисбатан саккиз томонда ёмонлигини қилади<sup>1340</sup>.

Вараҳамиҳира «Самҳита» номли китобида бундай деган: «Мен кометалар ҳақида «Гарга», «Парашара», «Асита», «Девала» ҳамда бошқа кўп китобларда ёзилганларни ўрганмасдан илгари сўзламайман. Уларни ҳисобга олиш, пайдо бўлиш ва кўринмай кетиш вақтини билиш имконияти йўқ. Чунки уларнинг турлари кўпдир. Улардан жуда баландда, Ердан узокда Ой манзиллари юлдузлари орасида пайдо бўлувчи *дивия* дегани бор. Улардан ўртacha узокликларда, яъни осмон билан Ер орасида пайдо бўлувчилари – *антарикишия* бор. Улардан бири Ерга яқин бўлиб, унинг юзига, тоғларга, ҳовлиларга ва дарахтларга тушадиганлари бор. Кўпинча, ер юзига ёруғ нарса тушиши кўриниб туради. Уни олов деб ҳам гумон қилишади. Агар у олов бўлмаса, бу – кетурупа, яъни кометасимон [жисмдир].

|| (313) Аммо ҳавода учадиган, ёруғ учкун ёки пишоча, ҳовлисида олов қолдиғи [чўғ]га ўхшаш ҳайвонлар эса иблис ва шайтонлардир ёки ёруғлик сочувчи қандайдир жавҳарлардир, лекин булар кометалар жинсидан эмас. Шунинг учун ҳукм чиқаришдан илгари уларнинг табиатини ҳисобга олиш лозим. Ҳукм ҳавода [ялтираб] кўринишига кўра, байроқлар, аслаҳалар, ҳовлилар, дарахтлар, миниладиган ҳайвонлар ва филлар устига тушишига қараб чиқарилади. Булар юқорида, манзиллар юлдузлари орасида қараб турадиган бирорта эга туфайли бўлади. Агар [ўша эга] шулардан бирортасига мувофик зоҳир бўлмаса, шулар кўринишига ўхшамаса, у Ер юзининг ўзида бўладиган кетудир».

У [яна] шундай қўшимча қилган: «Кометаларнинг саноғи ҳақида олимларнинг фикрлари [бир-биридан] фарқлидир. Баъзиларнинг айтишича, улар 10 та, бошқа бирларнинг айтишича эса 1000 тани ташкил этади. Нарада исмли ҳақимнинг [фикри]га кўра, фақат биттадир. У билан кийимни ечиб, бошқасини кийиб, турли шаклларга ўтиб турганидан [бизга] кўп [бўлиб кўринади]».

Унинг таъсири ҳақида эса шундай дейилган: «Бир неча кун кўринса, [таъсири] бир неча ойгача, агар [комета] бир ярим ойдан ортик кўриниб турса, у [муддат]дан 45 кунни, ташласангиз, қолдик қанча бўлса, ўшанча ойда таъсири бўлади. Агар кўриниши икки ойдан ортик бўлса, кўринган ойлар [саноғи]ча таъсир йиллари бўлади. Шунда комета саноғи мингдан ошмайди»<sup>1341</sup>.

|| (314) Ўрганишни осонлаштириш учун қуйидаги жадвални келтирдик. Жадвалнинг айрим катакларидagi бўшлиқ ўрнидаги ёзувни аниқлаб бўлмади. [Жадвални беришда] муаллиф мақсади қадимгиларнинг комета сонлари ҳақида ёзганларини тасдиқлаш бўлиб, ҳатто улардан ҳикоя қилиб, унинг саноғини минггача етказишга интилган.

Кометалар жадвали<sup>1342</sup>

Комета уларнинг номлари	Комета уларнинг насаблари	Ҳар биридаги юлдузлар сони	Ҳам-маси	Комета уларнинг сифатлари	Кўриниш томонлари	Улардан келиб чиқадиغان ҳукмлар
1	2	3	4	5	6	7
–	Қирана болалари	25	25	Кавсар сувидаги марварид тизмаларига ўхшаш ёки тилларангдир	Фақат шарқ ва ғарб	Подшоҳлар ўзаро урушиб, бир-бирини ўлдиришидан дарак беради
–	Олов болалари	25	50	Яшил, олов, қон рангида ёки бандҳиживака дарахти рангида	Жануби-шарқий	Ўлат касалидан дарак беради
–	Ўлим болалари	25	75	Эгри думлилар, улар қора мурт рангига мойил	Жануб	Очлик ва ўлат касалидан дарак беради
–	Ер болалари	22	97	Юмалок, тиник сув, кунжут	Шимоли-шарқий	Фаровонлик ва тўқисликдан дарак беради
–	Ой болалари	3	100	Атиргул, ок нилуфар ёки кумуш, ярқиллаган темир ёки тилла сингари. Ой сингари ярқирайди	Шимол	Бу бахтсизликдан дарак беради, ҳатто дунё остин-устин бўлади

Брахманда	Брахма ўғли	1	101	Уч хил ранг ва учта думи бор	Ҳар томондан	Ёмонланиш ва вайронликдан дарак беради
–	Зухра болалари	84	185	Оқ, кенг, ялтироқ	Шимол ёки шимоли шаркий	Ёмонлик ва хавфдан дарак беради
Канака	Зухал болалари	–	–	Шуъласи шохларга ўхшаш	Ҳар томондан	Бахтсизлик ва ҳалокатдан дарак беради
Викача	Муштарий болалари	65	–	Ялтироқ, оқ думсиз	Жануб	Бу бузилиш ва бахтсизликдан дарак беради
Тасқара ёки ўғри	Уторид болалари	51	–	Оқ, ингичка, узун. Улардан кўзлар қамашади	Ҳар томондан	Бахтсизликдан дарак беради
Каункума	Миррих болалари	60	–	Унинг учта думи бор, олов ранг	Шимол	Офатнинг зўрайишидан дарак беради
Тамасаклака	Бош болалари	36	–	Шакллари ҳар хил	Куёш ва Ой атрофида	Ёнғиндан дарак беради
Вишварупа	Олов болалари	120	–	Аланга сингари, ёруғлиги ҳаракатчан	–	Офатдан дарак беради
Аруна	Шамол болалари	77	–	Улар ҳеч қандай танага эга эмас. У билан юлдуз кўринади. Шуъла-лари йиғилиб, сарик ва яшил рангга мойил думлар кўринади	–	Умумий бузилишдан дарак беради
Ганака	Пражапати болалари	204	–	Тўртбурчакли ва саккизбурчаклилар кўринишида, саноғи эса 304 та	–	Бахтсизлик ва бузилишнинг кўплигидан дарак беради
Канка	Сув болалари	32	–	Улар бирлашиб, ой сингари ёритади	–	Пундрада катта хавф ва офатдан дарак беради

(405-бетдаги жадвалнинг давоми)

Кабандҳа	Вакт болалари	–	–	Калласи кесилган одамга ўхшаш.		Катга бузилишдан дарак беради.
–	–	9	–	Кўринишида битта ва думининг сони тўққизта, оқ ва кенг.	Ҳар томондан	Ўлаг касалидан дарак беради

Вараҳамиҳира кометаларни || (315) уч гуруҳга ажратди: энг юқоридаги юлдузларга яқин, оқувчилар – ерга яқин туради ва ўртадагилар – ҳавода бўлувчилардир. Энг юқоридагилар ва айрим ҳолда ҳаво ичида бўладиганлар жадвалда ҳам зикр этилди.

Шунингдек, Вараҳамиҳира кометалари ҳақида қуйидагиларни ҳикоя қилган: «Ҳаводаги гуруҳлардан бирининг нурлари подшоҳлик қуролларига, байроқларга, соябонларга, елпиғич ва қарсилдоқларига тушса, ҳукмдорлар ҳалоқатига далолат қилган бўлади. Агар у уйга, дарахтга ёки тоққа тегса, мамлакатнинг хароб бўлишига далолат қилгани бўлади. Уй анжомларига тегса, [уй] аҳли ҳалок бўлади. Ҳовлининг супуриндиларига тегса, уй бошлиғини ҳалок қилади<sup>1343</sup>.

Агар метеор комета думига қарши учса, соғлиқ кетади, ёмғирлар ҳам, Маҳадевага мансуб дарахтлар ҳам битади. Шу билан бирга у Гур [Чола], Сита, Хунн ва Хитой мамлакатадаги аҳволни ҳам изтиробга келтиради»<sup>1344</sup>.

Кометанинг охириги қисми йўналишига эътибор беринг! [Қисми уфққа нисбатан] тўғри чизилган, ё юқорига кўтарилган ва ё оғма бўлса, учига тегишган юлдузлар туркуми томондан бузуклик ҳукм суради, уларнинг халқларига аскарлар ҳужум қилиб, [улардаги озикларни] илонларни товуслар қандай ютсалар, ўшандай ютадилар<sup>1345</sup>.

У [комета]лардан яхшиликка далолат қиладиганларини чиқариб ташланг, кейин қолганлари ҳақида, уларнинг қайси манзилларда кўринишини ёки охириги қисми [қайси манзилда] ажралганини, ёки учлари [қайси биригача] етганини билишингиз керак. У ҳолларда манзиллар ҳолати атроф мамлакатларда ҳалокат бўлишидан далолат беради».

### || (316) Эфирда юрадиган олий кометаларнинг жадвали<sup>1346</sup>

Комета рақами	Комета номи	Кометанинг кўриниш томони	Кометанинг сифати	Ҳукм
1	2	3	4	5
1	Васа	Ғарб	Ялтироқ ва зич, ўзи ши- молга томон чўзилади.	Тез ўлим келишидан, фаровонлик ва унумдорлик бўлишидан дарак беради.

2	Астхи	Ғарб	Биринчисидан камрок ялтирайди.	Очлик ва ҳайвонларда ўлат касаллигидан дарак беради.
3	Шастра	Ғарб	Биринчисига ўхшаш.	Подшоҳларнинг бир-бири билан урушишлари ва бир-бирларини ўлдиришларидан дарак беради.
4	Капалакету	Шарк	Бунинг думи осмон ўртасига яқинроқ чўзилган. У тутун рангида ва янги ой кунда кўринади.	Сув тошқини, қаҳатчилик, касаллик ва ҳалокатдан дарак беради.
5	Раудра	Шарқдан Пурвашадҳа ёки Пурвабҳадра- пада ва Реватида	Уч томони ингичка, шуь- лалари бир-бирига ўтган жез ранг. Осмоннинг уч- дан бирини ишғол қилади.	Подшоҳларнинг бир-бири билан урушишлари ва бир-бирларини ўлдиришларидан дарак беради.
6	Чалакету	Ғарб	Кўринишининг бошида бармоқ узунлигида жанубга қараган «дум»га эга. Кейин шимолга чўзилиб, Катта Айиқгача, Кутбгача чўзилади. Кейин Вегага қайтиб, Жанубга ўтиб, кўздан ғойиб бўлади.	Праягадан Ужайнгача бўлган ерлардаги дарахтларни нобуд қилади. У ўнга яқин мамлакатни вайрон қилади. Бошқа жойларда эса аҳвол ҳар хил бўлади. Бир ерда вабо, иккинчисида сувсизлик, учинчисида уруш бўлади. 10–18 кун ўша ерда қолиб кетади.
7	Шветакету	Жануб	Кечаси бошланиши билан пайдо бўлади ва етти кун давомида кўринади. Унинг «дум»и осмоннинг учдан бир қисмидан кўпрогига чўзилади. Ранги яшил, ўнгдан чапга ўтади.	Агар шу икки комета ёруғ ва ялтираб турса, саломатлик ва фаровонликдан дарак беради. Агар улар етти кун ортиқ кўриниб турса, одамларнинг аҳволи ёмонлашиб, обод ерларнинг учдан иккиси хароб бўлади. Қилич ялангочланади, фитналар кўпаяди ва ўн йил давомида бахтсизлик ҳукм суради.
8	Кха	Ғарб	Туннинг биринчи ярмида пайдо бўлади. Алангаси сочилган нўхатларга ўхшайди ва етти кун давомида кўриниб туради.	

9	Раשמике	Сурайё	Ранги тутун рангидекдир	Ахвол ёмонлашиб, фитналар кўпаяди.
10	Дхрувакету	Қаерни истаса, ўша жойда бўлади – осмонда, ерда, баъзан икковининг орасида ҳам бўлади.	Жуссаси улуг, шакл ва ранглари ялтирок.	Саломатликдан дарак беради.

### || (317) Ҳаводаги ўртача кометалар жадвали

Комета рақами	Комета номи	Кометанинг кўриниш томони	Кометанинг сифати	Ҳукми
1	Кумуда	Ғарб	Нилуфарга ўхшаганлигидан у билан номланади. Бир кеча кўринади, «дум»и шарққа йўналган.	Ўн йил давомида экинлар ҳосили мўл бўлиб, фаровонликдан хабар беради.
2	Маникету	Ғарб	Кечанинг чорагидан кўринади. «Дум»и тўғри, ранги оқ сутдек, ҳар томонга сочилиб туради.	Йиртқич ҳайвонлар ва қушларнинг кўпайишидан ҳамда тўрт ярим ой давомида экинларнинг мўл бўлишидан дарак беради.
3	Жалакету	Ғарб	«Дум»и ялтирайди, ғарбга бироз эгилган.	Тўққиз ойга қадар халқда маъмурчилик ҳукм суриши ҳамда одамларнинг саломатлиги яхшиланишидан дарак беради.
4	Бҳавакету	Шарқ	«Дум»и шер думига ўхшайди, жанубга томон йўналган.	Кўриниши бир неча давомидан ошмайди. Бир мухурта қадар кўриниб турса, бир ойнинг ҳамма мухурталарида фаровонлик ва неъматлар мўллиги давом этади. Агар ёруғлик хира бўлса, вабо ва [ҳайвонлар] киргини бўлишидан далолат беради.

5	Падмакету	Жануб	Оқлиги нилуфар гулининг оқлигига ўхшайди. Бир кеча давомидагина кўринади.	Экинлар серҳосил бўлиб, етти йилгача халқнинг шодлиги давом этади.
6	Аварта	Ғарб	Кечанинг ўртасида кўринади. Кулранг ёруғликни беради. «Дум»и ўнгдан чапга томон чўзилган.	Кечалардаги кўринишнинг мухурталар сони канча бўлса, ўшанча ой давомида фаровонлик бўлишидан далолат беради.
7	Самварта	Ғарб	Икки «дум»ли, уч томонлари тиғдай. Тутун ёки жез рангига эга. Чўзиқлиги осмоннинг учдан бирини олади, сандҳи [ғира-шира] вақтида кўринади.	Унда кўринган манзил бахтсизлик манзили бўлади. Манзилга далолат берадиган манзилнинг ўзи ҳам бузилади. Бу эса куруллар қайралиши, подшоҳларнинг халок бўлишидан дарак беради. [Кометанинг] кўриниш мухуртаси канча бўлса, унинг таъсири ҳам шунча муддат қолади.

|| (318) Кометалар ва уларга асосланган ҳукмлар ҳақида хиндларнинг усуллари ана шулардир. Улардан бир қанчаларигина қадимги юнонларнинг табиётшунослари сингари кометаларнинг ва [бошқа] осмоний ҳодисаларнинг физик табиатларини ўрганиш билан шуғулланадилар. Лекин хиндлар бу борада ўзларининг диний уламолари сўзларини инкор қила олишмайди. [Масалан], «Матсия-пурана»да шундай дейилган:

«[Оламда] тўртта ёмғирлар [оқими] ва тўртта тоғ бўлиб, [тоғлар] тагида сув бўлган. Ер эса сувда тўрт томонда турган тўртта фил устига қўйилгандир. Харгумлари билан сувларни кўтариб, экинлар ўстириш учун ёзда ёмғир, кишда эса қор қилиб сепадилар. Ёмғирларидан ҳосил бўлган буғлар юқорига кўтарилиб, қора булутни безайди»<sup>1347</sup>.


Тўртта фил ҳақида гапирилганда, «Филларни даволаш» китобида шундай сатрлар бор: «Филларнинг эркаклари ичида ҳийлагарликда одамлардан ўткирлари бор. Шунинг учун улар пода олдида борса, шумлик юзага келади, деб ўйлайдилар. Уларни мангуниҳа дейишади». Улардан баъзиларида битта тиш ўсади. Баъзиларида учта ва тўртта тиш бўлади. Улар Ерни кўтариб турувчилар наслидандир. Улардан бири овда [тузокқа] тушса, уни ушлаб олмай, ўз холатича қолдирадилар»<sup>1348</sup>.

«Ваю-пурана»да дейилади: «Шамол ва нурлар иккови сувни денгиздан Қуёшга кўтаради. Агар сув Қуёшдан томса, ёмғир иссиқ бўлган бўлар эди.

Бироқ [Куёш] уларни Ойга томон улоқтирганда, [Ой олдида совуқ] томчиларга айланади. У [томчилар] билан ер юзи жонланади»<sup>1349</sup>.

Атмосфера ҳақида айтишларича, момақалдирик – бу Айраната, яъни раис Индра<sup>1350</sup> минган филнинг Манаса [номли] ҳовуздан [сув] ичганда [чикқан] каттиқ қуруллашидир. Камалак эса, шу раиснинг камалаги.

Ҳиндлар билан баҳслашиб, улардан ўз таълимотларини асослаб беришларини истаб, [исбот] талаб қилган киши учун мана шу айтиб ўтганларимизнинг ўзи етарли деб ўйлаймиз.







# ИЗОҲЛАР

## ИЗОҲЛАР

<sup>1</sup> Асарнинг узун номининг бир неча вариантлари маълум. Э. Заҳау нашрида: «*Kitāb ... fī taḥqīq mā li-l-ḥind min maqūla maqḅūla fī-l-‘aql av marzūla*» деб қабул қилинган. Инглиз тилига кўчирилган таржиманинг изоҳида Заҳау махсус кўрсатиб, *taḥqīq* ҳақиқатни аниқлашни, *maqūla* эса Аристотель фалсафасидаги «категория» тушунчасини билдиришини айтган. Беруний ўз асарида ҳиндлар тафаккурига оид барча категориялар ҳақида ҳақиқатни аниқлашни ўзига мақсад қилиб қўйганини айтган. Аммо Беруний ижодини кейинги ўрганишлар натижасида айнан ана шу икки сўз алмаштирилган ва энг сўнгги тадқиқотларда асарнинг номи ушбу: «*Kitāb fī taḥrīr mā li-l-ḥind maqāla maqḅūla fī-l-‘aql av marzūla*» кўринишида қабул қилинди.

Заҳау мазмунига кўра асарни 80 та бобга ажратган.

I боб. Умумий кириш.

II–XI боблар. Диний, фалсафий ва буларга яқин мавзулар.

XII–XVII боблар. Адабиёт, узунлик ва оғирлик ўлчамлари. Ғалати одатлар ва хурофотлар.

XVIII–XXXI боблар. Тавсифий, математик ва мифик, яъни пураналар географияси.

XXXII–LXII боблар. Хронология ва астрономия, Нараяна, Васудева ва б. ҳақидаги диний қарашлар ҳам бор.

LXIII–LXXVI боблар. Қонунлар, урф-одатлар, байрамлар ва рўзалар.

LXXVII–LXXX боблар. Астрологияга оид боблар.

Қаранг: *Sachau. India, transl.*, II, p. 249–250; Крачковский И.Ю. Арабская географическая литература, Изб. произв. Т. IV, с. 259; Boilot, №78.

<sup>2</sup> Заҳау ҳам, асар биринчи ўзбекча таржимасининг ноширлари ҳам бу ерда ҳадис иқтибос қилиб келтирилганини англамаганлар (*Ибн Ҳанбал*, Муснад. I, Б. 215, 271). Муаллиф ҳадисга фалсафий тус бериб, билим олишнинг икки турини бир-бирига қарама-қарши қўйяпти: хабар – ҳар хил хабар, эслатиш, ҳикоя, ривоят ва ‘ийāн – кўз билан кўриб инониш, айнан кўриш, бевосита кузатиш.

<sup>3</sup> Куръон: 4, 134.

<sup>4</sup> Бу ерда Инжиллардан Матфейники: 10, 18; 19, 28; Луканики: 12, 4 иқтибосланган. Беруний насронийларга ғайридин бўла туриб, ўз фикрини исботлаш учун уларнинг муқаддас китобидан иқтибос келтириши ва бунинг устига иқтибосларнинг асл матнга жуда яқинлиги берунийшуносларни хайратга солган.

<sup>5</sup> Абу Саҳл Абд ал-Мунъим ибн Али ибн Нуҳ ат-Тифлисий (яъни, тбилисилик), фақат Берунийнинг шу асаридан маълум, олим уни хурмат билан «устоз» дейишига қараганда, ёши ундан каттароқ замондоши. Беруний асарлари орасида яна кимнингдир илтимосига кўра ёзилганлари бор. Бу «илтимос»ларни юз фоиз тўғри деб қараш шарт эмас, бизнингча бу ўша даврдаги асар ёзишнинг бир стилистик усули деб қараса бўлади.

<sup>6</sup> Муътазилалар (ёки муътазилийлар – араб., ажралиб чиққанлар, узоклашганлар) – илк исломда илоҳиёт оқимларидан бирининг тарафдорлари. Бу оқим VIII аср ўртасида Аббосий халифалар даврида пайдо бўлган, баъзиларнинг фикрича, унга Восил ибн Ато (699–748) асос солган. Халифа Ал-Маъмун (813–833) даврида муътазилийлар таълимоти расмий тан олинган; халифалар Ал-Маъмун, Ал-Муътасим ва Ал-Восиқ хукмронликлари даврида (827–851) муътазила расмий эътиқод сифатида тарқалган. Аммо Ал-Мутаваккил (847–861) халифалиги даврида бу таълимот тақиқланган ва қаттиқ таъқиб остига олинган. Муътазилийлар антик давр фалсафаси ва усулларини ислом илоҳиёти билан яраштиришга уринганлар. Бунинг натижасида кўплаб юнон тилидаги илмий асарлар араб тилига ўгирилган ва пировардида бундан ислом маданияти юксак ютуқларга эришган.

Бу ерда муаллиф муътазилаларни ёмонлашга ҳаракат қилган қайси кимсани назарда тутганлигини аниқлаб бўлмади (қаранг: ЕҲ, III, S. 850–856; *Шмидт А.Э.* Очерки истории Ислама, как религии. «Мир Ислама», т. I, СПб, 1912, с. 569–575; *Беляев У.А.* Мусульманское сектанство. – М., ИВЛ, 1954, С. 39–44).

<sup>7</sup> Заҳау бошқача тушуниб, қуйидагича шаклда таржима қилган: a farrago of materials never sifted by the of sieve of critical examination.

<sup>8</sup> Абул Аббос ал-Эроншаҳрий (IX аср иккинчи ярми), асли нишопурлик, файласуф, астроном ва табиатшунос. Беруний ўз асаридаги яҳудийлар, насронийлар ва монийлик ҳақидаги маълумотларни ундан олганлиги эҳтимол. Аммо у ҳақидаги кўп хабарлар асосан Берунийнинг асарларида сақланган. «Қонуни Масъудий»да у 873 йил 29 июлида Нишопурда Қуёшнинг ҳалқасимон кўринишидаги тутулишини кузатганлиги айтилади. Беруний ал-Эроншаҳрийнинг Ер геологияси ҳақида айтганларини ўз «Геодезия»сида келтирган «Осор ал-боқия»да эса турли халқларнинг тақвимлари ҳақида айтганларини келтиради. Ал-Эроншаҳрийнинг «Масоил ат-табиъийя» («Физик масалалар»), «Китаб ал-асйр» (Эфир ҳақида китоб), «Китаб ад-далйл» («Далиллар китоби») номли асарлар ёзгани маълум (қаранг: *Матвиевская Г.П., Розенфельд Б.А.* Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII–XVII вв.), т. 2, С. 103–104; *Sachau.* India, p. 124, 166; *Sachau.* Chronologie, S. 222, 225; *Validi.* Biruni's Picture of the World, p. 55, 58; *Minorsky.* Marvaz i, p. 129).

<sup>9</sup> Моний тарафдорлари – монавиялар, гностик диний таълим тарафдорлари: бу таълим III асрда Моний томонидан асосланган ва тез орада кенг тарқалган. Христианликдаги ва исломдаги баъзи мулҳидий оқимлар монавийликка мансуб бўлган. Моний (215 йили туғилган ҳисобланади) «Шапуракан» деган китоб ёзган ва унда айтишича, диний эътиқод ва яхши амаллар вақти-вақти билан Худо элчилари орқали юборилиб туради. Бир маҳаллар бу яхши амалларни Ҳиндистонда Будда, Эронда Зардушт, Ғарбда Исо ёйган эди. «Ана шулардан кейин, – деб ёзади Моний, – худодан менга ваҳий келиб, Бобил ерларига мен орқали ёйилди». Бу айтганлари учун уни ўлдириб, терисига сомон тикилган ва Жундишопур шаҳрининг дарвозасига осиб қўйилган. Беруний айтишича, бу дарвоза «Моний дарвозаси» деб аталган ва унинг даврида шарқий турклар, Хитой, Тибет ва ҳиндларнинг бир қисми Моний динида бўлган (қаранг: *Беруний.* «Осор ал-боқия», 211–213–6; *Аш-Шахрастани.* Книга о религиях и сектах. – М.: 1984, С. 8, 48; *Flügel, Mani; Kessler, Mani.*)

<sup>10</sup> Шамания деб араблар буддавийлик динидагиларни айтганлар, яъни шаманий – будпараст дегани; санскритча *срамана* (*шрамана* – яъни, «ибодатхона зоҳиди, шайхи» маъносида) сўзидан келиб чиқади, деб ҳисобланади.

<sup>11</sup> Зуркон – кўп вақтларгача шахсияти номаълум бўлган. В.Ф. Минорский, С.Х. Тақизаденинг ёрдами билан, араб манбаларидан унинг номини аниқлаган. Асида у – Муҳаммад ибн Шаддод ибн Исо Абу Йаъла ал-Басрий ал-Мусаммибийдир Зуркон лақаби билан машҳур бўлган, Басрада, Самиъа маҳалласида туғилган, машҳур муътазиллий илоҳиётчи Наззомнинг (ваф. тах. 220/835 – 230/845) ё шогирди ёки хизматкор (ғулом)и бўлган. Айтарлик муваффақиятга эришмаган бўлса ҳам муътазиллий илоҳиёт билан шуғулланган, қарматийларни рад этувчи мунозарали китоблар ёзган. Халифа ал-Восиқ (227/842–232/847) иштирокидаги катта мунозарада қатнашган. Зуркон яна шу билан маълумки, Ар-Розий унинг ғайриматериалистик қарашларини танқид қилиб, иккита асар ёзган. Унинг ҳиндлар ва буддавийлар ҳақидаги Берунийга ёкмаган асари кам ишончли, бировлар орқали топилган маълумотларга тўла кўринади (*Ал-Масъудий*. Танбйх, 395-б; *ал-Фихрист*, 300–301-б; *Йоқум*. Муъжам ал-бурдон, IV, 523-б; *Sachau*. India, transl., II, p. 253; *Minorsky*. *Marvaz* i, p. 128).

<sup>12</sup> Сўфийлар (бирлиги сўфий) – тасаввуф, яъни сўфизм исломдаги шарият амалларига тўла амал қилувчилар, баъзан эса таркидунёчилик оқимининг вакиллари. Тасаввуф билан бир илдизли мутасаввиф, сўфий ибораларининг келиб чиқиши ҳақида турли гипотезалар мавжуд. Лекин ҳозир кўпчилик тадқиқотчилар томонидан қабул қилинган умумий фикрга кўра, «тасаввуф», «сўфий», «мутасаввиф» ва б. сўзларнинг асосий ўзаги «суф» бўлиб бу юнгни (ёки жунни) англатган. Чунки таркидунёчи, рўдапо одам илк ўрта асрларда одатда юнгдан ясалган кўпол бир кийимга ўралган бўлган. Улар одатда ночор кўринишга эга бўлиб, юмшоқ кўнгил ва доим худони эслаб юрадиган бўлганлар. Уларга, одатда, худонинг ночор бандаси деб, раҳм, шафқат билан қаралган.

Таркидунёчилик ва зоҳидлик деярли ислом бошланган кезларданок пайдо бўлган. Хусусан, Муҳаммад алайҳиссаломнинг энг садоқатли ва изчил саҳобаси Абу Зарр ал-Ғифорий шундайлардан эди: у тўйиб овқат ейишни ҳам, дурустрок либосга ўралишни ҳам ёқтирмаган. Кечаю кундуз сажда қилиб, намоз ўқийверганидан пешонаси чақа бўлган озғин, қотма, узун бўйли, лекин ислом учун жонини фидо қилишга тайёр шахс бўлган. Бироқ Пайғамбар даврида ва ундан бироз кейин ҳам сўфийлар ҳали машҳур бўлмаган ва бу сўз билан аталмаган эдилар. Уларни зоҳид (кўпликда «зуҳҳад») дейилар эди. Тасаввуф ижтимоий бир мавжудлик сифатида VIII аср ўртаси ва IX аср бошида кўзга ташлана бошлайди. Ўша даврдаги машҳур сўфийлардан Ал-Ҳасан ал-Басрий, Рабоҳ ибн Амр, Робиъя-ал-Адавия ва Ад-Даронийнинг номларини эслатиш мумкин. Булар, асосан, басралик сўфийлар эди. Уларнинг кўпчилик олдиданги чиқишларида ва хутбаларида Аллоҳга бўлган чексиз севги (муҳаббат, хубб), Усиз зерикиш; ғам-ғусса, ҳасрат, У билан яқинлашишга интилиш ғоялари айтилар эди.

X асрга келиб, тасаввуфдаги ички кечинмалар ва руҳийлик ҳолати шу даражага бориб етдики, уларнинг йирик вакили Мансур ал-Ҳаллож (858–922) Бағдод масжида «истиғроқ» ҳолатига тушиб, ўзи истамаган ҳолда «Мен худоман» деб айтди. Шарият зоҳирга кўра ҳукм қилгани боис, у шу қилмиши учун ҳибс қилинди ва сўнг

каллеси олинди. Шундан сўнг Аббосий халифалар сўфийларни таъкиб қила бошлади ва ҳ.к. (Яна қаранг: Ислам. Энциклопедический словарь, – М, 1991, С. 225–231; Сўфийлар ҳақида яна муфассалроқ қаранг: Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в Исламе / Пер. с англ, под ред. и с предисл. О.Ф. Акимушкина. – М.: 1989).

<sup>13</sup> Ҳулул ва иттиҳод – ўрнашиш ва бирлашиш – икки жисм бирлашиб, бир-бирига қўшилиб кетганида, бирини аташ билан бошқа бирини ҳам у билан бирга тасаввур қилишдан иборатдир. Ҳулул тарафдорларининг таъбирича, Худо ҳар ерда ҳозир ва нозир, у ҳар бир нарсага ва нарсаларнинг ҳар бир бўлагига бирлашиб, унда зухур этади. Демак, уларнинг таъбирича, ҳар бир нарсага ҳам худонинг инъикоси деб қараш жоиз бўлади.

<sup>14</sup> Санкхия (*Sāṃkhya*, *sāṅgu*, *sāngu*, *sāṅk*, санскритча «сон», ҳисоб, «мулоҳаза») – ҳиндуизмнинг олтита анъанавий фалсафий мактабларидан бирининг номи, Қадимги Ҳиндистонда классик даврда унинг таълимоти катта таъсир кўрсатган ва кенг тарқалган эди (мил. авв. I мингйиллик охиридан то ислом давригача). Беруний бу ерда «Санкхия» деб Гаудапада томонидан Ишвара-Кришнанинг «Санкхия-карика» рисоласига ёзган шарҳлари назарда тутилаётган кўринади. Бу ерда Беруний эслатган таржима сақланган, у ҳақда қуйида ушбу асарда келтирилаётган иктибосларга кўра бирор фикр айтса бўлади.

<sup>15</sup> «Патанжала» (*Pātañjala*, *pātñjāl*, *bātñjāl*) – бу ном билан Ҳиндистонда санкхияга туташувчи йога фалсафий мактабига асос солган Патанжалининг (*Pātañjali*), «Йогасутра» номли машҳур рисоласи назарда тутилаётир. Заҳау Беруний таржимасининг номини – *Pātañjali* деб транскрипция қилган ва кўчирувчи биринчи бўғинни чўзиб, хато қилган деб ўйлаган (*Sachau*. India, p. 257); лекин бу ноўрин. Чунки «Ҳиндистон» матнининг ҳамма жойида «*bātñjāl*» деб Беруний, муаллиф номини эмас, китоб номини назарда тутган (И.В. Хауер ҳам OLZ, 1930, № 4, S. 274–275 да шуни назарда тутган). Лекин Берунийнинг таржимаси «Йога сутра»нинг бизга маълум матнидан анча фарқ қилади ва биз замонамизгача етиб келмаган асл матн ҳақида аниқ бир нарса айтолмаймиз (қуйида II бобнинг 45-изоҳига қаранг). Беруний таржимасининг қўлёзмаси XX асрнинг 20-йилларида Л. Массиньон томонидан Истанбулда (Кўпрулу, № 1589) топилган, матн Г. Риттер томонидан нашр этилган (*Oriens*, Vd. 9, 1956, S. 165–200); бу таржима ҳақида юқорида сўзбошида муфассал айтилди.

## I БОБ

<sup>16</sup> Беруний «соф тил» (масън фасих) деб бу ерда, шубҳасиз, санскрит тилини назарда тутаяпти, «оддий халқ» ... «тили» деб – Ҳиндистоннинг Маҳмуд Ғазнавий томонидан забт этилган ерларининг, яъни асосан, Ғарбий Панжобнинг маҳаллий тилларини назарда тутаяпти. Беруний ушбу асарининг бирор жойида «санскрит» деган иборани ишлатмаган. У оддий халқ сўзлашадиган оғзаки тил билан ёзма адабиёт тили – санскритни бир тилнинг икки стилистик – услубий шакллари деб қараган, одатда ўрта аср ҳинд тилшунослари ҳам шундай қараганлар (қаранг: Chatterji S.K. *Al-Biruni and Sanskrit*, ACV, p. 88). Берунийда бундай қараш ўша пайтда санскрит билан пракрит, яъни янги ҳинд тилларида қатъий чегараланиш бўлмаганидан ҳосил

бўлган. Шунинг учун кўп ҳиндча атамаларни ёзув оркали ифодаланишида бу ҳол аксланган. Берунийда «праkrit» ва «апабхрамша» иборалари ҳам ишлатилган. XI асрдаги шимоли-ғарбий Ҳиндистондаги оғзаки тилга келсак (буни ҳиндларнинг ибораси билан bh̄āṣā дейилади), Берунийнинг ушбу асари унинг характерли хусусиятлари ҳақида мулоҳаза қилиш имконини берадиган ягона ҳужжатдир. Э. Захаунинг айтишича (*Sachau. India*, p. XXV), ҳозирги замон ҳинд-орий тилларидан унга энг яқини синдхидир, яъни ҳозирги Покистоннинг жанубидаги Синд ўлкасида тарқалган тил. Чаттержининг айтишича, ўша пайтда Берунийга маълум бўлган Ғарбий Панжобдаги тил. Синд тилига қариндош бўлиб, ғарбий апабхрамшага – бража ва ҳинди'дан аввалги ўлкалараро тилга яқин бўлган. Яна Чаттержининг айтишича, ўша даврда ички Ҳиндистонда муомалада бўлган бошқа пракрит тиллар Берунийга номаълум қолган (*Chatterji*, ўша асар, 93-б.).

<sup>17</sup> Шу ерда матн яхши тушунарли эмас: *ya taḥṣīdudhā bi-I'rāb imma maṣḥūr imma ma'lūl. I'rāb* – араб грамматикасининг техник ибораси бўлиб, сўзларни турлашда улар охиридаги унлиларнинг ўзгариши ва феълларнинг нотугал шаклларидаан майлларни ясашда ҳам улар охиридаги унлиларнинг ўзгаришини англатади. Бу сўз ясалишига асос бўлган *a'rāba* феъли «араблаштирмак» маъносини англатади. Демак, бу ерда Беруний ўзи бажарган (*ma'lūl*) ёки унгача ҳам маълум бўлган (*maṣḥūr*) ҳиндча сўзларни фонетик ва график жиҳатдан «араблаштириш»ни назарда туттади.

<sup>18</sup> Бу ерда Беруний ҳиндларда ҳали ёзув юзага келмаган ёки ривожланмаган ва Ведаларни кохинлар уруғлари ёдлаб олиб, авлоддан-авлодга оғзаки, ёддан айтиб қолдириш анъаналарини назарда туттади. Ёдлаб, авлоддан-авлодга айтиб бериш анъанаси ёзув ихтиро қилинганидан анча кейин ҳам сақлангани ҳақида Беруний асарининг ушбу қисми гувоҳлик беради.

<sup>19</sup> «Млеччҳа» (*mleccha*, *mlīḥ*) сўзи қадимги тилда ҳаром, ифлос маъносини бермайди. Бу сўзнинг илк маъноси: «барбар; санскритни билмайдиган одам» (ўзаги «*mlīch*» ёки «*mlech*» минғирламок, тушунарсиз гапирмок). Веда даврида Ҳиндистоннинг асл маҳаллий аҳолисини, яъни орий бўлмаи, орий тилларида гапирмаган ва тўртта *варнга* – қадимги ҳинд жамиятининг табақаларига кирмаган аҳолисига нисбатан айтилган. Ҳиндистонда ўрта асрларда млеччҳа деб келгиндилар ва куйи кастадагилар айтилган; ортодоксал ҳиндуларнинг уларга муносабати бу ерда Беруний айтганидек эди.

<sup>20</sup> *Sagara* (*Sagara*, *saṅgar*, 3 – *sr*), Бахунинг ўғли, Айодхиянинг афсонавий подшоҳи, Қуёш сулоласидан (Икшваку йўналиши бўйича). Сагара ҳақида бу ерда келтирилган ривоят *пурана*лар адабиётида учрайди. Сагара Берунийнинг ватандошлари билан урушган эмас, балки. Ой сулоласи вакиллари билан ҳамда уларнинг хорижий иттифокдошлари: скифлар, юнонлар, пахлавийлар ва б. билан урушган. «Вишну-пурана»да баён қилинишича, душманларини енганидан сўнг Сагара душманларининг баъзиларига – сочларини устара билан олишни, бошқаларга – узун соқол қўйиб юришни ва б. буюрган ва бу билан уларни ҳиндча одатларни бажаришга йўл қўймаган ва уларни «млеччҳа»лар даражасига тушириб қўйган.

<sup>21</sup> Шамания ва бу билан бирга шаман, шуман сўзлари араб тилига «будпараст», «санампараст», «ҳар қандай ғайриисломий динга топинувчи» маъноларида кирган

(Муқаддима, 10-изоҳига қаранг). Баъзи фикрларга кўра суғдча šmn – «роҳиб» сўзидан келиб чиққан; ўз галида суғдча сўз санскритча śrama – буддавий роҳиб – сўзидан келиб чиққан. Берунийнинг буддавийлар ғарбга то Сурия худудларигача тарқалган, деган хабари хато бўлса керак. Берунийнинг бу хабари у буддавийлик Ҳиндистонда зуҳур қилганидан хабарсиз эканлигини кўрсатади.

Шуни ҳам айтиш керакки, юқорида келтирилган иборага жуда яқин ас-суманийя ибораси билан мусулмонлар заминиди, Басрада ҳиндларнинг таъсири натижасида VIII асрда юзага келган мулҳидияга мансуб фалсафий оким шундай аталган (*Horten M. Die philosophischen Probleme der spekulativen Theologie in Islam, Bonn, 1910, S. 20; Horten M. Die Indische Strömungen in der islamischen Mystik, Heidelberg, 1927, S. 4, Amm. 2; Massignon, Essai, p. 83*).

<sup>22</sup> Зардушт – асли Заратуштра, қадимги форсчада «Туя боқувчи» демақдир, юнончада Зороастр – оташпарастлик динининг пайғамбари ҳисобланади, энг сўнгги маълумотларга кўра, у мил. авв. 1200–700 йиллар орасида Волга билан Орол денгизи ораллиғида зуҳур қилган ҳисобланади. Шунинг учун уни Қадимги Хоразм билан боғланади (қаранг; *Мэри Бойс. Зороастрийцы. Верования и обычаи / Пер. с англ. И.М. Стеблин-Каменского – М.: 1987; 2-и изд., М.: 1988*).

<sup>23</sup> Мажусий дини – европа тилларида маздеизм (мажусийя) – қадимги Хоразм, Суғд ва Эроннинг давлат дини, унинг асосида Мазда (Ахура Мазда, Ормузд) илоҳига топиниш ётади. Мажусийлик дини Зардуштдан (юқорида 22-изоҳга қаранг) аввал ҳам бўлган, лекин у бу қадимги диннинг ислохотчиси (реформатори) бўлган. Зардуштнинг ислохоти Ҳиндистонда буддавийлик пайдо бўлишидан анча илгари амалга оширилган; шунинг учун буддавийликни мажусийлик сиқиб чиқарганлиги ҳақидаги сўзлар ҳақиқатга зиддир. Кейинчалик мажусийлик таълимоти Авесто номли алоҳида, муқаддас китоб шаклида ёзиб олинган (қаранг: *Авеста. Избранные гимны / Пер. С авестийского и комментарии проф. И.М. Стеблин-Каменского. Душанбе, 1990*).

<sup>24</sup> Гуштасп ёки Виштаспа ва унинг ўғли Исфандиёд, тарихий шахслар эмас. Бу ерда уларни ҳам Зардушт каби мил. авв. VII асрга мансуб деб хато айтилаяпти. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Қадимги Эрон подшоҳи Доро I нинг отаси ҳам Виштаспа деб аталган, лекин у мил. авв. VI асрда яшаган.

<sup>25</sup> Рум деб бу ерда Византияни назарда тутилган. Китобнинг биринчи нашрида бу исми Румо деб, Римга боғланиб, хато қилинган.

<sup>26</sup> Мага (қадимги форсчада магу, яъни муғлар) – қадимги Мидияда оташпарастлик динининг коҳинлари; мага, яъни муғлар дини Беруний даврида Ҳиндистонга анча синган эди. Милодий I минг йилликдаги санскритча ёзма манбалар – Варахамхирага тегишли «Брихат-самхита», «Бхавишия-пурана» ва бошқа китобларда куёшпараст мага'лар (санскритча-мага) эслатилади.

<sup>27</sup> Муҳаммад ибн ал-Қосим ибн Муҳаммад (Берунийдаги Ал-Мунаббих – хато) ибн ал-Ҳакам ибн Абу Уқайл ас-Сақафий – Синдни забт этиб, 89/708 йилдан то 95/714 йилгача уни бошқарган. Араблар Синдни забт этишни 42/662 йилиёқ бошлаганлар, бироқ тез-тез алмашиниб турган араб лашкарбошилари фақат вақтинча галабага эриша олганлар; Муҳаммад ибн ал-Қосим эса доимий хужум билан жанглари олиб бориб, тез орада Синдни фатҳ қилди. Унинг кўшинлари Сеистон орқали кел-

ган, лекин юкларини денгиз орқали кемаларда олиб келган (қаранг: *Ал-Балозурий*. 436–441-б; *Zambaur*, 279-б.)

<sup>28</sup> Сижистон – Сеистонни қадимда Сакастан дейилган, шундан бу арабийлаштирилган атама пайдо бўлган.

<sup>29</sup> Синд – ҳозирги Покистондаги шу номли дарёнинг қуйи оқимидаги ўлканинг номи. Дарёни эса қадимда хиндчасига Синдху дейилган, буни қадимги форслар охирги бўғинини олдинга қўйиб Ҳинду деганлар. Ана шу иборадан «хинд» ва «Ҳиндистон» деган номлар келиб чиққан.

<sup>30</sup> Баҳманва (*Bahmanvā*, *бамханова*, санскритча *Bṛāhmaṇavata* сўзидан, кейинроқ – *Бāḫmānābād*) VIII аср бошида Синднинг пойтахти, Синд подшоҳи Дахирнинг Муҳаммад ибн ал-Қосим (27-изоҳга қаранг) билан жанглирида мустаҳкам қалъа ва остона вазифасини бажарган. Муслмонлар уни ал-Мансура («Енгилган») деб атаганлар. Гўё уни забт этганидан сўнг Муҳаммад – Насарту [(«Енгдим»)] деганмиш. Унинг харобалари Синд Ҳайдарободидан 47 мил шимоли-шарқда жойлашган (қаранг: *Minorsky*, *Ḥudūd al-‘Ālam*, p. 372).

<sup>31</sup> Муластхана (*Mūlasthāna*, *мўластān*) – ҳозирги Покистондаги Мўлтон, Муҳаммад ибн ал-Қосим уни 713 йили забт этган.

<sup>32</sup> Канауж – Ганг бўйидаги шаҳар (ҳозирги Ҳиндистоннинг Уттар Прадеш штатининг марказида), илк ўрта асрларда Ҳиндистоннинг йирик сиёсий ва маданий марказларидан бири бўлган. Бирок ўша даврда Муҳаммад ал-Қосимнинг шунчалик ичкари ерга кириб боргани шубҳа уйғотади. Беруний истеъмолида бўлган манбалар Канауж билан ҳозирги Ражпутананинг шимоли-ғарбидаги Киннауж мулкини чалкаштираётган бўлса эҳтимол (қаранг: *CNI*, vol. 3, p. 2–7).

<sup>33</sup> Ўрта асрлардаги Ал-Қандаҳор (Гандаҳара) шаҳрини ҳозирги Афғонистон ва Панжобдаги шу номли шаҳарлар билан чалкаштириш керак эмас, у Камбей бўғозининг шарқий бурчагида Нарбада дарёсининг қуйилиш жойида бўлган (*Minorskiy*. *Ḥudūd al-‘Ālam*, p. 245).

<sup>34</sup> Синд суви – Синд дарёси.

<sup>35</sup> Сомонийлар (819–1005) – Аббосий халифаларидан биринчи марта тўла мустақил бўлган Марказий Осиёдаги маҳаллий сулола, пойтахти Бухоро бўлган.

<sup>36</sup> Ғазна – Афғонистоннинг жануби-шарқидаги кичик шаҳар.

<sup>37</sup> Афғонистонда энг биринчи муслмон сулоласига Сомонийларнинг Ғазнада 35/962 йили ноиби бўлган турк Алптегин асос солган.

<sup>38</sup> Носуриддин Сабуктегин – Ғазнавийлар сулоласининг ҳақиқий асосчиси, Алптегиннинг Бухорода сотиб олинган турк ғуломи, кейинчалик унинг куёви, 367/977–387/997 йиллар ҳукм сурган (қаранг: *Стенли Лэн – Пул*, 241–245-б; *Бартольд*. Туркестан, II. 273–275-б; *Zambaur*, p. 282). Унинг Носуриддин деб лақабланиши Заҳау ғозий бўлганидан деб тушунган (*Sachau*. *India*, transl, II, p. 22).

<sup>39</sup> Ямин ад-Давла Маҳмуд (997–1030) – Сабуктегиннинг ўғли, тарихий адабиётда кўпроқ Маҳмуд Ғазнавий номи билан машҳур бўлган (Гардизи. 90–103-б.).

<sup>40</sup> Бу ерда Беруний кескин танкид қилаётган миллий ва ирқий чегараланганлик ҳинд халқига эмас, балки унинг даврида тушкунликка юз тутган классик ҳинд фани ва маданиятининг браҳманлар орасида сақланган ночор ва ожиз гуруҳига



нисбатан айтилган. Муаллиф бу гуруҳнинг халқдан ажралиб қолганлиги сабабли «илмга алоқаси йўқ» ҳиндларга ҳам илм ўргатишни истамаганликларига урғу берапти.

<sup>41</sup> Вараҳамиҳира (*Vaṛāhamihira*, *брахм хр*) милодий VI асрда яшаган йирик хинд астрономи ва астрологи. У яшаган давр Ҳиндистонда фан ва маданият гуркираб ривожланган классик давр эди. Беруний бу ерда унинг астрологияга бағишланган йирик асари «Брихат-самхита»дан иктибос келтирган. Вараҳамиҳира айнан бундай деган: «Юнонлар – ҳақиқатан ҳам варварлардир; бироқ уларда бу фан чуқур ривожланган. Шунинг учун уларни ҳатто донолар (*rṣi*) деб улуглаш керак; лекин астрология соҳасида хабардорроқ (*daivavid*) киши икки марта туғилганидекдир» («Брихат-самхита», II, 14). Бу келтирилган иктибос Вараҳамиҳиранинг ўзига тегишли эмас. «Брихат-самхита»нинг шу жойида у ўзидан ҳам қадимги Гарга (тах. мил. авв. I аср) номли астрологнинг сўзларини келтирган.

<sup>42</sup> Ўзининг жамият – ҳиндий, исломий, юноний – ҳақидаги назарий мулоҳазала-рида Беруний жуда кенг маънодаги икки иборадан фойдаланади; хосса (кўплиги ҳавосс) – сараланганлар, аъёнлар, зодагонлар, аслзодалар, олийжаноблар, яхшилар, маърифатлилар; омма (кўплиги авом) – паст табақалар, қора халқ, ялангоёқлар, маълумотсизлар, муттаҳамлар. Олимнинг баъзи муҳокамаларидан кўринадики, у фақат аташ учун оддий сўз танламай, балки бирор табақанинг мафкурасини акс эттиради. Лекин Беруний бу ибораларни қўллашда уларга моддий ва молиявий маъно бермай, кўпроқ кишиларнинг интеллектуал, ақлий, маънавий жиҳатдан эришган поғоналарига урғу беради.

<sup>43</sup> Сукрот мил. авв. 399 йили судланган эди, унга ёшларни йўлдан уриб, Афинада ҳамма тан олган илоҳларга сиғинмай, бошқа ўзи ихтиро қилган илоҳларга топинишга даъват этаётганлик айби қўйилиб, ўлимга ҳукм қилинган эди. У қўйилган барча айбларни рад этиб, ҳукм бажарилишидан олдин, захар ичиб ўлган.

<sup>44</sup> Беруний бу айтган сўзларида жон бор бўлса ҳам шуни айтиш керакки, унинг дунёқараши барибир ислом доирасида бўлгани сабабли хинд фалсафасига хос баъзи нозик тарафлар унга етиб бормаган бўлиши ҳам мумкин. Фақат кейинги йиллардаги тадқиқотлар хиндларнинг фалсафа ва мантиқда эришган ютуқлари юксак даражада бўлганлигини кўрсатади.

## II БОБ

<sup>45</sup> Беруний бу ерда «Патанжала» деб атаган китобнинг асл нусхаси ва ўзи номаълум. Гарбенинг таъбирига кўра, бу ерда Патанжаланинг «Йогасутра» китоби ва у билан бирга Бҳожининг шарҳи «Ражамартанда»нинг таржимасидир (*Garbe R. Die Samkhya-Philosophie, 2. Aufl., S. 91*). Бироқ бу асар билан Беруний «Патанжала» деган асар орасидаги фарқ жуда каттадир; Захау шу ҳақида таъкидлаган эди (*Sachau. India, transl., II, p. 264*), Беруний таржима қилган китоб билан Виясанинг «Йогасутра»га шарҳи орасида катта ўхшашлик борлигини кўриш мумкин (ўз асарининг биринчи нашрида Гарбе иккала китобни бир нарса деб ўйлаган; қаранг: *Garbe R.S. 63*). Беруний таржимасининг Истанбул қўлёзмасини тадқиқ қилган Хау-

ернинг фикрича, булар иккиси орасида ҳам катта фарқ бор (қаранг: Hauer I.W., *Des neugefundene arabische Manuskript von al-Bī rūnī s̄ Übersetzung des Patan̄ gala*, OLZ, 1930 №4 S. 273–282). Балки бу ерда бизнинг замонимизгача етиб келмаган, Патанжали таълимотининг принциплари баён қилинган диний-фалсафий рисоланинг ёки Патанжали «Йогасутра»сининг бизга номаълум шарҳи таржимасига дуч келгандирмиз. С.Н. Дасгуптанинг айтишича, Беруний таржима қилган китобда Патанжалининг ғоялари бироз ўзгарган. Бу ерда биз веданта ва тантра мактаблари ғоялари билан яқинлашиш аломатларини кўрамиз. Дасгупта бу асар Патанжали «Йогасутра»сидан анча кейин милодий III аср атрофида ёзилган деб ҳисоблайди. Ушбу асарнинг муаллифи бошқа Патанжали, яъни «Патанжалатантра»нинг муаллифи бўлиши мумкин, дейди у (Dasgupta S.N. *Yoga philosophy*, p. 59–64).

<sup>46</sup> «Йогасутра»да илоҳнинг бундай таърифи келтирилган. «Илоҳ» (Iṣvara) махсус руҳ (puruṣa) бўлиб, у азоб чекмайди, ҳаракат қилмайди ёки ҳаракат маҳсули эмас. Унда ҳамма нарсани билиш моддаси юқори туради. Унинг ўзи замонда чегараланмаган, қадимгиларнинг устози. Муқаддас сўз (аум) – унинг белгисидир» (I. 24–25). Шуни ҳам айтиш керакки, «Ҳиндистон»нинг таржима қилинган матнида илоҳнинг (Iṣvara) Браҳмага (Brahman) муносабати кузатилади – бу тушунча эса «Йогасутра»да умуман йўқ.

<sup>47</sup> «Гита» (Gītā, *g(u)mā*) – Беруний «Бхарата» (Bhārata, *bhārṣ*) деб атайдиган машҳур фалсафий поэма, қадимги ҳинд эпоси «Маҳабҳарата»нинг олтинчи китобига кирган «Бҳагавадгита»нинг бир қисми; «Гита» қисқартирилган атамаси «Ҳиндистон»да кўп ишлатилади. «Бҳагавадгита» («Эгамнинг куйи») Қадимги Ҳиндистоннинг анъанавий фалсафасининг энг қимматли ёдгорликларидан ҳисобланади ва у мил. авв. I минг йилликнинг ўрталарида тузилган ҳисобланади. Кўп асрлар давомида бу асар Ҳиндистонда катта эътиборга эга бўлган ва у ҳинд фалсафасининг кейинги ривожланишига катта таъсир кўрсатган; «Гита»га кўпроқ вишнуизм диний-фалсафий таълимоти асосланади. Ўз вақтида Заҳау Берунийдаги «Гита»дан олинган барча иқтибосларни бизга маълум асл нусха матни билан солиштирган; уларни уч гуруҳга бўлган (қаранг: *Sachau*. India, transl., II, p. 265): (1) «Бҳагавадгита»нинг санскритча матнига озми, кўпми мос келадиган парчалар; (2) асл нусханинг баъзи жойлари билан фақат мазмунига кўра мос келадиган жойлар ва (3) асл матн билан ҳатто тахминий мос келмайдиган жойлар. Кейинги икки гуруҳ ҳақидаги савол кизиқарлидир, хусусан шу нуқтаи назарданки, агар эътиборга олинса, «Бҳагавадгита» қадимги ҳинд адабиёти намуналари орасида бошқача ўқиладиган жойларнинг ёки вариантларининг деярли йўқлиги билан ажралиб туради. Эжертон поэмани тўлиқ нашр қилганида (1925 йил) айтган эди: «Ҳозирги пайтда Ҳиндистонда «Гита» қачонлардир ҳозир бизнинг кўлимиздагидан фарқли бошқа шаклда ҳам бўлганлиги ҳақида, гарчи бу ҳеч қачон вариантлар бўлмаганлигини исботласа-да, бирор ҳужжатли далил йўқ. Бироқ бу ҳолат ўтмишда вариантлар бўлганлигини исботламокчи бўлганларнинг ҳафсаласини пир қилади» (Appendix, p. 99). Кейинчалик Шрадер томонидан топилган «Бҳагавадгита»нинг «кашмир» варианты (қаранг: Schrader O. *The Kashmir recension of the Bhagavadgita*. Stuttgart, 1930) каноник матндан фарқ қилмайди ва Берунийнинг иқтибослари масаласини ҳал қилмайди. Берунийдаги ҳар хил ўқишлар у қандайдир

вариантдан фойдаланган бўлиб, кейин бу вариант йўқотилган эмасмикан, деган савол туғилади. Эҳтимол, у поэманинг асосий матнидан ташқари қандайдир шарҳдан ҳам фойдалангандир; бироқ бунга Захау шубҳа билан қараган (қаранг: *Sachau. India, transl., II, p. 265*). Таржималарда ва ҳинд адабиётидан фойдаланишда Берунийга хос бир одат шу эдики, у асосий матн билан унинг шарҳига эътибор билан қарамас эди, «Санхҳия» китобининг мисолида бу кўзга аниқ кўринади. Лекин шуни айтиш керакки, иқтибосларнинг биринчи гуруҳи Захау айтганига нисбатан анча кенг қўламли ташкил қилади. Қатор иқтибослар асл нусхага аниқ мос келади, лекин Захау уларни идентификация қила олмаган.

<sup>48</sup> Васудева (*Vāsudeva, bāśudēva*) – Кришнанинг исмларидан бири, Вишнунинг ердаги тажассуми, ҳиндуизмнинг энг юқори илоҳларидан ҳисобланади. «Бҳагавадгита» матни «Маҳабҳарата»нинг олтинчи китобида Кришна билан эпоснинг бош қаҳрамонларидан бири Аржуна (*Aṛjuna, arjuna*) ўртасидаги суҳбат шаклида баён қилинади. Поэмада Аржуна ўз биродарлари – Бҳимасона (Бҳима), Некула, Саҳадевалар билан бирга иштирок этади. Поэманинг сюжетида Аржуна Васудеванинг қизини ўғирлаб, унга уйланиб олган.

<sup>49</sup> Бу парча бизга маълум матнга айтиш яқин эмас, гарчи унда «Бҳагавадгита»нинг ғоялари анча тўғри баён қилинган бўлса-да, Захау иқтибосга яқин бўлган ушбу бандни кўрсатган Ҳ.З: «Мени ким билади, тугилмагани, ибтидосизни, оламнинг буюк раббини, инсонлар орасида кезиб юрмайдигани, ҳамма гуноҳлардан халос қилувчини». «Мен ҳамма мавжудотлар учун бир хилман, мен учун манфур ҳам йўқ, қадрли ҳам йўқ...». Иқтибоснинг Беруний таъкидлаётган асосий мазмуни бошқа шаклда III. 21–25 бандларда баён қилинган.

<sup>50</sup> Бу иқтибос (Захау эътиборга олмаган) билан «Бҳагаватгита»да ушбу ўхшашликни топамиз. II. 29: «Бири унга мўъжизадан қарайди, бошқаси у ҳақда худди мўъжизадек сўзлайди, яна бошқаси у ҳақида худди мўъжизадек тинглайди, лекин эшитиб ҳам ҳеч ким билмайди». Яна ўша ерда: «Мен ҳамма учун тушунарли эмасман, йогамайюга ўралганман; бу адашган дунё мени, тугилмагани, ўтиб кетмайдигани тушунмайди. Мен ўтиб кетган махлукларни, ҳозирликларини ва бўлажакларини билман, Аржуна; мени эса ҳеч ким билмайди». (VII. 25–26).

<sup>51</sup> Қуйида, қўлёзманинг 63-бетида Беруний санхҳия илмий мактабига асос солган қадимги файласуф Капилани «Санхҳия»нинг муаллифи қилиб кўрсатган. Лекин Захаунинг таъкидлашича, Беруний иқтибослаган асар билан Капиланинг рисоласи деб ҳисобланадиган (бу ҳолда ҳам Капиланинг муаллифлиги шубҳали дейилади) «Санхҳия-правачана» орасида жуда узок ўхшашлик бор, у ҳам бўлса асосан ғояларда, лекин уларни баён қилиниш шаклида эмас (*Sachau. India, transl., II, p. 266*). Захау кўпроқ ўхшашликни Беруний иқтибослаган «Санхҳия» билан Гаудападанинг ўша мактабга мансуб Ишвара Кришнанинг машҳур рисоласи «Санхҳия-карика»га ёзган шарҳи («*Bhasya*») орасида ўхшашлик борлигини; унинг айтишича, иккала асар ҳам – Беруний таржима қилган китоб ва Гаудападанинг «Бҳашья»си ҳам (бизга етиб келмаган) бир манбага асосланган. Захаунинг айтишича, Берунийнинг таржимасида тасвирий материал кенгроқ келтирилган, яъни Гаудападанинг мазкур китобига нисбатан (ўша ерда, 267-б.). Гарбе эса, иккала асарнинг бир

нарсалигида шубҳаланган (қаранг: *Garbe R.S.* 63, 66). У Захау гумон қилиб айтган умумий манба борлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқлигини айтган. Гарбенинг фикрича, Беруний матнининг Гаудапададан фарқи фақат таржиманинг анча эркин бажарилганлиги билан белгиланади. Гарбенинг кўрсатишича, Санкҳия тизимида «азобларнинг тамомила тугаши» ва «мокша» (халосланиш) тушунчалари тўла ўхшашдир. (*Garbe R. S.* 66–67).

<sup>52</sup> Шу иқтибосга ўхшашликни Гаудападанинг «Бҳашия»сида топамиз, у ерда бундай дейилади: «Сабаб (к̄арана – бу ерда Беруний фоилни шундай таржима қилган) деб илоҳни (Iṣvara) аталади: «Майли бизнинг руҳимиз – кўр ва заиф – Тангрининг иродаси билан осмонга ё дўзахга борсин». Бошқаларнинг айтишича, сабаб табиатда (Svabhāva) мавжуд бўлади: «Оққушнинг оклиги қаердан келиб чиқади, товуснинг ранг-баранглиги қаердан келиб чиқади? Табиатдан». Лекин санкҳия мураббийлари эътироз билдирадилар: «Қандай қилиб сифатга эга бўлганлар илоҳдан келиб чиқади, унинг хусусияти ёки руҳи (puruṣa) бўлмаса, бунинг ҳам хусусияти бўлмаса?» Шунинг учун аниққи, (сабаб) материядан (prakṛti) иборат. Оқ иплардан оқ кўйлак, кораларидан – қораси келиб чиққанидек, табиатдан (pradhana – синономи prakṛti) учта хусусиятга (guṇa) эга бўлгани учун шу учта хусусиятга эга бўлган уч олам пайдо бўлади, – шундай деб ҳисобланади. Илоҳ (Тангри) хусусиятларга эга эмас, шунинг учун хусусиятларга эга бўлган руҳларни ундан келтириб чиқариш тўғри бўлмайди. Руҳ ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Кейин баъзилар сабаб деб вақтни айтадилар: «Вақт бешта асл (стихия) дан (bhūta) иборат; вақт оламни бузади. [Ҳамма] ухлаганда вақт тетик туради, вақтни олтиш қийин». Учта категория мавжуд: амал қилган, амал қилмаган ва руҳ, [ишлардан] бирига, яъни амал қилганига вақт қўшилади; ўзининг умумиятатувчилигига кўра материя сабаб ва вақтлардир; табиат эса унга (материяга) тегишли. Шунинг учун вақт сабаб бўлолмайди. Табиат ҳам [сабаб] бўлолмайди. Шунинг учун фақат материя сабабдир; материядан фарқли сабаб эса йўқдир» (Гаудапада, 61). Биз бу ерда кўрамизки, бу ерда Берунийнинг баёни шаклан Гаудападанинг шарҳидан катта фарқланади.

<sup>53</sup> Ишвара – (Iṣvara, *Ишфар*, яъни «эга қудратли» – ўзаги Iṣ – «эга бўлмоқ»). Берунидан, илоҳнинг таърифида Х. Херас адвайта мактабининг қарашлари баён қилинганлигини кўрган, гарчи «Ҳиндистон» матнининг ҳеч қаерида на бу мактаб, на унинг бирор намоянчасининг номи эслатилмаган бўлсада. Бу ерда келтирилган илоҳнинг табиати ҳақидаги мулоҳазанинг ўхшашини Х. Херас «Брихадаранькопанишад»нинг матни IV, 4, 19–21 да гарчи биринчи қарашда улар орасида зиддият кўрилса-да, топади (*Heras H. The advaita doctrine in Alberuni, ACV, p. 119*).

<sup>54</sup> Жабарийа (жабарийа, ал-муҷбира) – бу иборанинг ўзаги жабр бўлиб, бу ибора билан қадарийларга зид бўлган ва худони ҳақиқатан ягона ҳаракат қилувчи (фозил ҳақиқий, фозил би-л-ҳақиқа) ва инсон ҳаракат қилдирилувчи (мажбур) бўлиб амал қилувчи ва у ўз қилмишларини эркин бажармайди, деб ҳисоблаганлар. Ҳақиқий жабарийлар деб жаҳмийлар, меъёрдаги жабарийлар деб Ал-Ҳусайн ан-Нажжор, Дирор ибн Амрнинг тарафдорлари аталган.

<sup>55</sup> Шу ерда бироз сукут (тушиб қолган сўзлар) бор.

## III БОБ

<sup>56</sup> Қадимги Юнонистоннинг етти доноси ёки ҳикмат устунлари атамаси билан тарихга кирган афиналик Солон, приеналик Биас, коринфлик Периандр, милетлик Фалес, лакедемонлик Хилон, лесбослик Питтак, линдослик Клеобул мил.авв. 620–550 йиллар оралигида яшаган бўлиб, улар чуқур маъноли ҳикматли сўзлари ёки фавқуллода фаолиятлари билан машҳур бўлганлар. Масалан, Солон (тах. мил. авв. 638–559 йиллар) афиналикларни тарихда биринчи бўлиб демократияга ўргатган. У мил. авв. VII аср охирларида қонунлар ёзиб бериб, ўн йилгача подшоҳсиз, қонунлар билан уларни ўзгартирмай яшашларини шарт қилиб, ўзи шу муддатда Шаркка кетган. У ўн йилдан кейин қайтиб келиб, Солон афиналикларнинг подшосиз, фақат қонунлар асосида яшашлари уларга маъқул келганини кўрган. Шундан бошлаб Қадимги Юнонистонда демократия (халқ ўзини ўзи бошқариши) тушунчаси ўрнашиб қолган. Бошқа олти доно билан ҳам шу каби ҳодисалар бўлган.

<sup>57</sup> Нарсанинг махфий (қумўн) ёки ошкор эмас хусусияти ҳақидаги таълимот қайси фалсафий мактабга алоқадорлиги маълум эмас. Захау фақат Рейскеннинг «ошкор эмаслар (қумўн) таълимотининг тарафдорларига» таъриф беради – «барча руҳлар бир вақтда ва алоҳида яратилган ва Одамда қайта тикланган деб ҳисобловчи файласуфлар» (*Sachau. India, transl., II, p. 269; Freytag. Lexucon, IV, p. 60*).

<sup>58</sup> Сўфиялар (*ас-сўфийа*) – юнонча σοφία (донолар) сўзининг бироз ўзгарган шакли бўлиши эҳтимол.

<sup>59</sup> Сўф – юнонча σοφία (донолик) сўзининг бироз ўзгарган шакли.

<sup>60</sup> Пилосупо – бу аслида юнонча φιλόσοφος сўзининг бу ерда келтирилган шакли, муаллиф бу сўзни сурён тилидаги манбадан олганлигини кўрсатади (*Sachau. India, transl., II, p. 269*).

<sup>61</sup> *Асхāб ас-сўффа*, ёки оддийроқ ахл *ас-сўффа*, – «суфада ўтирган кишилар», – Муҳаммад алайҳиссалом замонидаги Мадинада уйсиз, ётоқсиз, қувгиндаги кишилар, кечга яқин Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга яқин жойлардаги суфаларда ётганлар. Уларни уст-бош ва емак-ичмак билан бой ансорлар – мадиналик мусулмонлар таъминлаганлар.

<sup>62</sup> Беруний сўфӣ сўзини изоҳлашда уни арабий асосда эмас, балки юнонча – σοφία асосда изоҳлашга майли бор. Лекин кўпчиликнинг фикрига кўра, бундай қараш асл маънодан бироз четлашади. Исломдан илгари христиан роҳиблари, ислом даврида ҳар хил қаландар ва дарвешлар така юнгидан тўқилган жулдир чакмонлар кийиб юрганлар. Шу сабабли уларни сўфийлар деб аташ расм бўлган. Кейинчалик тасаввуф маслаги мутахассислари ҳам сўфий, арабча суф – жун сўзидан олинган деб ҳисоблашди.

<sup>63</sup> Абул Фатх Бўстий – шоир, Хуросондаги (ҳозирги Шимолий Афғонистондаги) Буст (Байтуз) шаҳридан келиб чиққан, Сомонийлар саройида шеърлар ёзган; 401/1011 йили Бухорода вафот этган. Уни кўпинча Ғазнавийлар саройида хизмат қилган шу номли киши билан чалкаштирилган (*Sachau. India, transl., II, p. 270; Кабус-намэ, перевод, статья и примечания Е.Э. Бертельса, – М.: 1953, С. 269, прим. 3 к гл. 42*).

<sup>64</sup> Қуйида келтирилган Бўстий маснавийсини ўзбекча таржимада шеър шаклига келтиришнинг иложи бўлмади.

<sup>65</sup> Ҳайкал – бу сўзнинг ўзбекча маъносидан ташқари, яъни ибодатхона, черков маънолари ҳам бор. Насронийлар ўз қурбонликларини ана шундай ибодатхоналарда бажо келтирганлар.

<sup>66</sup> Гален (тах. 131-тах. 200) – машҳур юнон табиби ва ҳакими.

<sup>67</sup> Захау Гален асарининг юнонча номини: «Логос протрептикос» келтирган (*Sachau. India, transl., II, p. 271*). Берунийдаги китобининг номи: «Китаб ал-хасс ‘алā та’аллум ас-синā’ат.

<sup>68</sup> Асклепий – қадимги юнон адабиётида шифо маъбуди, исми лотинчасига Эскулап дейилган. Ҳикоя қилинишича, Асклепий Аполлон ва Корониданинг ўғли бўлган. Отаси уни Ҳироннинг тарбиясига топшириб, табибликни ўргатибди. Натижада Асклепий ўлганларни ҳам тирилтириб, даволай оладиган ҳозик табиб бўлиб етишибди. Бундан юнонларнинг бош маъбуди Зевс ғазабланиб, Асклепийни чакмоқ чакиб ўлдирганмиш. Шу жиҳатдан Асклепий шифо маъбуди деб аталганмиш.

<sup>69</sup> Дионис – қадимги юнонларда май, май ясаш, ҳосилдорлик, осмондаги ердаги намлик маъбуди.

<sup>70</sup> «Гиппократ васияти»нинг («Ухўд Ибуқрāt) юнонча асли сақланмаган. Гиппократ (мил. авв. 460–377) қадимги дунёнинг машҳур табиби.

<sup>71</sup> *Кӣмӯс* – қадимги юнонларнинг эътиқодига кўра, тирик жониворларнинг ҳаёт шарбати бўлиб, у юнончада химос (арабча *кӣмӯс*) деб аталган.

<sup>72</sup> Деметра – қадимги юнонлар диний тасавурида ер, деҳқончилик ва ҳосилдорлик маъбудаси.

<sup>73</sup> Беруний «Ҳиндистон»да Платоннинг (мил. авв. 427–347 йиллар) «Тимей» асаридан келтирилган барча иқтибослар асарнинг юнонча асли билан тўла мос келганлиги учун, Захау юнон фалсафаси тарихидан мутахассис Э. Целлер (E. Zeller) билан биргаликда муаллиф ўз қўлида бирор христиан шарҳчисининг, масалан, Иоанн Филопоннинг, «Тимей»га шарҳидан фойдаланган, деган ғояни айтган (*Sachau. India, transl., II, p. 271–272*).

<sup>74</sup> Ҳанйф – сўзи арабий тилидан олинган ва Куръонда «яккахудолик» маъносида қўлланилган (Кашталева К.С. О термине ханйф в Коране. ДАН СССР, 1928, С. 157–162); кейинчалик уни араб тилидаги адабиётда турлича талқин қилинган: таркидунёчи, яккахудолик, мусулмон; исломгача динлардан бирининг (лекин яҳудий ва насроний эмас) тарафдори, бутпараст (E I, II, S. 274–275). Эҳтимол, бу ерда шу охириги маънода қўлланилган, лекин у билан қандай юнонча сўзни ифодалангани номаълум; уни Захау: *barbarians* («варварлар») деб таржима қилган.

<sup>75</sup> Эҳтимол, Берунийда энг сўнгги талаффузда: *тей* назарда тутилган.

<sup>76</sup> Захаунинг фикрича, ушбу иқтибос Платон «Тимейи» (§40)га шарҳнинг таржимасидир (*Sachau. India, transl., II, p. 271*). Шу парчани проф. Карпов шундай талқин қилган: «Кейин бошқа генийлар ҳақида гапириш ва уларнинг келиб чиқишини аниқлаш – бунга бизнинг кучимиз етмайди. Бу ерда илгариги бахшийларга ишониш керак, улар, ўзларининг айтишларича, илоҳлардан келиб чиққанларку, ана улар ўз якин аجدодларини яхши биладилар-ку» (*Платон. Сочинения, VI, С. 408*).

<sup>77</sup> Шу иқтибосга мос жойни Захау (*Sachau. India, transl., II, p. 271*) юнонча асл нусхадан (§40 А) келтиради: «Бу оламни яратган сизга билдиради: Сизлар илоҳлар,

илоҳлар қабиласи!.. Шунинг учун, гарчи сиз ҳеч ўлмас бўлмасангиз ва бузулмас бўлмасангиз-да, бироқ бузулиб кетмайсиз. Чунки менинг иродам билан боғлиқсиз, – бу боғлиқлик эса шунчалик кучли ва шу қадар маҳкамки, булар билан сиз туғилганингизда маҳкамлангансиз» (*Платон. Сочинения, VI, С. 409*).

<sup>78</sup> Бу иқтибосда Захау монофизитликка майл борлигини сезади ва бу Иоанн Филопоннинг Платон «Тимейи»нинг §32 В ёки 92 В га шарҳидан олинган бўлиши мумкинлигини айтган (*Sachau. India, transl., II, p. 271*).

<sup>79</sup> «*Ассокино*т» – куръоний ибора, қадимги яҳудийчадан олинган, мазмуни турлича талқин қилинган; қандайдир инс-жинс махлук; кўнгил ором олган ҳолат; муқаддас рух (Е J, IV, S. 83–84). Эҳтимол, бу ерда сўз биринчи маънода олинган ва қадимги юнонларнинг музаларига ўхшатишган.

<sup>80</sup> Иоанн Грамматик (Иоанн Филопон ёки схоластик) – Йаҳйё ан-Наҳвий – византиялик VII аср бошидаги олим, асли Искандариядан; унинг кўплаб асарларидан «Проклга раддия» бизгача етиб келган. Ушбу парчани Захау идентификация қилган (*Sachau. India, transl., II, p. 272*).

<sup>81</sup> Прокл Диадох (410–485 йиллар) – энг сўнгги неоплатонизмнинг асосий намояндаси.

<sup>82</sup> Захау юнонча асл нусхадан шу иқтибосга мос парчани келтирган (*Sachau. India, transl., II, p. 272*).

<sup>83</sup> Ликург – юнон мифологиясидаги персонаж, Дриаснинг ёки Ареснинг ўғли, Фракиядаги эдонларнинг подшоҳи.

<sup>84</sup> Захау кўрсатганидек, бу иқтибос Галеннинг «Протрептикос»ида келтирилган Геродотнинг шеърига мос келади (*Sachau. India, transl., II, p. 271*).

<sup>85</sup> Элоҳим ўғиллари – яъни, худонинг ўғиллари. Христианликда Исони худонинг ўғли, дейилади. Беруний бу ерда сурёний ва яҳудий тилларидаги «элоҳим» сўзи арабчадаги Аллоҳ сўзи билан илдизи бир эканлигига урғу қиляпти.

<sup>86</sup> Таврот, Мавжудлик китоби, VI, 4.

<sup>87</sup> Таврот, Айюб китоби, I, 6.

<sup>88</sup> Таврот, Хуруж китоби, VII, 1.

<sup>89</sup> Таврот, Мазомир китоби, LXXXII, 1.

<sup>90</sup> Матнда – *ба'лā*. Захаунинг таъкидлашича, бу ерда Ваал исмини Баало шаклда берилишига караганда, Беруний Тавротнинг сурёнчадан арабчага қилинган таржимасидан фойдаланган (*Sachau. India, transl., II, p. 272*). Лекин олим сурён тилини яхши билганлиги бошқа кўп ҳужжатлар билан тасдиқланади.

<sup>91</sup> Матфей Инжили, VI, 9.

<sup>92</sup> Иоанн Инжили, XX, 17.

<sup>93</sup> Лука Инжили, XXII, 69.

<sup>94</sup> «Подшолар китоби» (*Сифр ал-мулук*) деб одатда Мусога нозил бўлган Бешинчи китобни (русча адабиётда Пятикнижие), яъни Библиянинг Инжилдан олдинги Қадимги аҳд деб аталадиган беш китобининг охиргиси – бешинчиси назарда тутилади.

<sup>95</sup> Бу ерда ҳам Тавротдан иқтибос келтирилган. Қадимги аҳд, XXII, 9–10.

<sup>96</sup> Монавиялар – Моний тарафдорлари ҳақида Муқаддима 9-изоҳига қаранг.

<sup>97</sup> Моний ҳақида Мукаддима 9-изоҳга қаранг.

<sup>98</sup> «Канз ул-ихё» («Тирилтириш хазинаси») ёки «Канз ул-аҳё» («Тириклар хазинаси») – Монийнинг асари, Беруний «Осор ал-боқия»сида, Ибн ан-Надим «Фихрист»ида ва Ал-Масъудийда ҳам эслатилади. Черков киборлари ҳам бу ҳақда айтган (*Flügel, Mani, S. 73, 103, 367–369*). Асар бизнинг замонимизгача сақланган. Берунийнинг ундан фойдаланганлиги аниқ сезилади.

<sup>99</sup> «Бҳагавадгита»да Кришна-Васудева айтади: «Ерга кириб, [ўз] кучим билан мавжудотларни ушлаб тураман; мен барча ўсимликларни ўстириб, мазали сома (шарбат) бўламан. Олов бўлиб – Вайшванара, жониворларнинг баданига кириб, прана ва апана билан кўшилиб, мен тўрт баробар овқатни ҳазм қиламан. Мен ҳар кимнинг юрагидаман; мендан – хотира, билим ва мулоҳаза; мен – Веданта яратувчисиман, шунингдек Ведаларни билувчиман» (Бҳагавадгита, XV, 13–15). Праҗа – нафас; арапа – шамоллар. Вишнунинг (*Viṣṇu, бишну, бишна*) исми «Бҳагавадгита»да олий илоҳга (*Bhagavān*) нисбатан қўлланишда деярли учратилмайди.

<sup>100</sup> Шу ерда матнда *блīнас*. Бир фикрга кўра, бу исм билан қадимги римлик олим ва табиатшунос Катта Плиний (27–79) аталган дейилади. Бироқ кўпчилик олимлар Сильвестр де Сасининг бу ерда неопифагореизм мактабининг вакили файласуф Аполлоний Тианлик (мил. авв. Ia.) деб исботланишига қўшилганлар. Аполлоний Тианликнинг «Нарсаларнинг сабаблари ҳақида» номли асарининг асл нусхаси сақланмаган. Унинг Сильвестр де Саси томонидан тадқиқ қилинган арабча варианты у сурёнчадан таржима қилинган деган фикрга олиб келади. Унинг турлича сарлавҳали қўлёзмалари В. Перчнинг Гота каталогида келтирилган. Россия ФА С.-Петербург бўлимида С 653 рақами билан сақланадиган қўлёзмасида эса яна бошқа сарлавҳа билан берилган: «*Ар-рисāлат ал-жāми'а лил-ашийā мин сирр ал-халўқа ва ҳан'ат ат-табӣ'а*» («Яратилиш сири ва табиат санъатидан ҳар хил хабарлар йиғувчи рисола»), (қаранг: *Notices et Extraits, IV. P. 107–158; Pertsch W. Die arabischen Handschriften der herzoglichen Bibliothek zu Gotha, 1878, S. 145–146, 82, 3*).

<sup>101</sup> Беруний йигирма бешта *таттва* – космик принципларни ҳисоблашни *пуруша* (*puruṣa*, – *пӯриш* – кўнгил; биринчи маъноси: «инсон», «эркак») тушунчасидан бошлайди, булар коинот эволюцияси ҳақидаги санхқия таълимотининг асосини ташкил қилади. Санхқиянинг дуалистик системасида *пуруша* – кўнгил, пассив ва кузатувчи – ва унга қарама-қарши *пракрити* – актив ва онгсиз материя – олам яратилишининг иккита бош принципини белгилайди. Пуруша – субъектив онг, «мен», жисмоний хусусиятлар ва ўзгаришлардан ҳоли, тоза тафаккур. Санхқия ва йога таълимотига кўра, пуруша ва *пракрити* кўшилишидан ҳаракат келиб чиқади, сабаби – «билмаслик» – *avidya* бўлади (қаранг: *Вижнянабхикшу, I, 49; Йога-сутра, II, 23–24*).

<sup>102</sup> *Авиакта* (*avyakta, абйакта*) – «зоҳир эмас» – санхқия фалсафасида материяни объектлар дунёсининг бош сабаби сифатида белгилаш учун ишлатиладиган ибора. Одатда «материяни» ифодалаш учун *пракрити* ва шунингдек *pradhana* сўзлари қўлланилади. Лекин Беруний *авиакта* сўзини махсус қўллаяпти.

<sup>103</sup> Беруний бу ерда учта гуна (*guṇa*) тушунчаларининг таърифини келтираяпти: *саттва*, *ражас*, *тамас* (*sattva, сату; rajas, ражу; tamas, таму*), бунда у санхқия фалсафасига кўра йўл тутаяди. Гуналар – материянинг учта кучи ёки элементлари, улар



моддий дунёнинг барча предметларини тешиб ўтади. Саттва хурсандчиликка мос келади; ражас азоб чекиш табиати, нарсалардаги фаоллик ибтидоси; тамас – салбий ибтидо, харакатсизлик ва билмаслик сабабчиси. Бу уч ибтидо ўртасидаги мувозанат материянинг аниқланмаган ҳолатини белгилайди; пуруша иштирок этишининг таъсири остида улар мувозанат ҳолатидан чиқадилар ва ўзаро ҳар қандай муносабатларда кўшилиб, кўрилаётган нарсалар дунёсининг ранг-баранглигини ҳосил қиладилар. Лекин бу ерда буддавий иборалари билан параллеллик олиб борилиши муваффақиятсиз бўлган. Учта буддавийлик қудслари, яъни *triratha* (уч муқаддас) санкҳиянинг учта гунасига ҳеч қандай алоқаси йўқ. «Буддҳа» (*Buddha*, *будд*) бу учликда «онг»ни эмас, исмни – «Будда» англатади. Иккинчи ибора (*dharmā*, *дхрм*)ни Беруний тўғри таржима қилган; «сангҳа» (*saṅgha*, *снг*) ушбуларни билдиради: «буддавийларнинг диний жамоаси, роҳиблар ордени». Захаунинг кўрсатишича, Берунийни яна Зуркон адаштирган. Буддходана (*Buddhodana*, *бддхуди*) исми – хато; Захаунинг тахминига кўра бу Буддҳа ва Шуддходана (Будданинг отасининг исми) исmlарининг чалкаштирилишидан ёки Шауддходана, яъни «Шуддходанинг ўғли» исмининг бузилиб ёзилишидан келиб чиққан хатолик (*Sachau*. India, transl., II, p. 273).

<sup>104</sup> Учинчи (пуруша ва пракрити'дан кейин) космик принцип – материя ривожланишининг биринчи маҳсули – санкҳия системасида маҳат – «буюк (принцип)» деб аталади. Санкҳия адабиётида янада кўпроқ қўлланиладиган ибора буддхи – «интеллект» – ўша тушунча ўзининг психологик аспектини ифодалайди (маҳат унинг космологик аспектини ифодалайди). Санкҳия фалсафасида буддхи принцинга алоҳида маъно берилади. Чунки у орқали кўнгил билан материя орасидаги фарқ ўрнатилади. Материя – пракрити'нинг – маҳсулоти бўлиб, буддхи шу вақтнинг ўзида, худди ойнадек, пурушани «акс эттиради», мана шу акс эттириш туфайли онгга эришади. Лекин Беруний бу ерда масаланинг шу тарафини бутунлай эътиборга олмади ва тушунчанинг фақат космологик аспекти билан қизиқади. Шу нуқтаи назардан у вийакта (*vyakta*, *бийкт*) иборасини ишлатишини тушунса бўлади – «кўринган [материя]» маҳат ёки буддхи ўрнига, гарчи ҳинд адабиётида у қабул қилинмаган бўлса ҳам.

<sup>105</sup> Пракрити ҳақида юқорида 101, 102-изоҳларга қаранг.

<sup>106</sup> Аҳанкара (*ahaṅkāra*, *ахангар*) – «мен ҳисси» – материя ривожининг иккинчи маҳсули. Бу индивидуаллик принципи, ўзини ўзи англаш, «эгаменлик»; шу туфайли пуруша ўзини ҳаракат эгаси деб ҳис қилади (у аслида пракрити'га тегишли бўлади). Аҳанкара материянинг уч гун'ининг кейинги ривожланишига йўл очиб беради.

<sup>107</sup> Беш физик элемент – маҳабхуталар (*mahabhūta*, *мҳабвт*; бу ерда Беруний таржимаси жуда тўғри) – санкҳия таълимотида космик эволюциянинг сўнгги поғонасини ташкил қилади. Демак, Беруний бу ерда йигирма беш принципнинг пурушадан пракритгача шаклланиш жараёнидаги кетма-кетликни бузаётир; кейин у уларни тескари йўналишда ҳисоблайди. Беш маҳабхута куйидагилардир; *akāṣa* – «эфир» (сўз яна «осмон» маъносини ҳам англатади); *vāyu* – «ҳаво» (биринчи маъноси «шамол»); *tajas* – «олов»; *ap* – «сув»; *pṛthivi* – «ер».

<sup>108</sup> Оловнинг келиб чиқиши ҳақидаги ҳикоянинг Беруний иқтибос қилганидек ҳолдагиси «Ваю-пурана»нинг (*Vāyu purāṇa*, *бажпран*) космологик бўлимларидаги маълум матнда топилмади. Тўрт унсурнинг «нозик элементларидан» (кейин-

ги 109-изоҳга қаранг) санкҳия таълимотига кўра келиб чиқиши ҳақида «Вау-пурана»нинг 4-бобида баён қилинади. Оловнинг уч кўриниши ёки уч жойи ҳақидаги тасаввур (*parthiva*, *партибу* – «ердан», *divya*, *дабту* – «осмондан» ва *vidyut*, *бидуд* – «чақмоқдан», яъни атмосфера олови) «Ригведа»га бориб тақалади (қаранг: Ригведа, X, 45,1; X, 88 ва б.).

<sup>109</sup> Физик элементлар бешта *tanmatra* – Беруний айтишича, «содда элемент»дан (баса'ит) вужудга келади. Беруний «она» эмас, элемент, «ўлчам» маъносини билдирадиган *matra* иборасини таржима қилишда хатога йўл қўйганини Захау (*Sachau. India, transl., II, p. 273*) кўрсатган эди. Ҳозирги таржимада «нозик элементлар» (*райса-matra* – «беш элемент», *райса-matraḥ*, *панжматар* – «беш она» эмас) овозларнинг (*ṣabda*, *шабуд*) моҳиятини, сезгиларни (*sparṣa*, *сапирас*), рангларни (*gūra*, *pūn*), мазани (*rasa*, *расу*) ва ҳидни (*gandha*, *ганда*) билдиради. Беш назик элемент ҳақидаги таълимот ва уларнинг беш унсур билан боғлиқликларини Беруний санкҳия таълимотининг талабларига кўра баён қилади. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, *ākaṣa* деб бу ерда «осмон»ни эмас, эфирни – овоз тарқатувчи муҳитни тушуниш керак.

<sup>110</sup> Бу абзацни, биринчи гапидан ташқари, И.Ю. Крачковский таржима қилиб, уни «Гомер и ал-Бўрўнў» (Избр. сочинения, II, С. 585) номли мақоласи таркибида келтирган. Мақолада у С.А. Жебелев ўзининг 1915 йил 24 ноябрида унга йўлланган мактубида Берунийнинг иқтибосини «Илиада»нинг I, 601 шеъри билан идентификация қилганлигини ёзган эди. И.Ю. Крачковский, шунингдек, Беруний етти осмон сферасини «етти оҳанг эгалари» жумласида акланган етти муза билан чалкаштирилганлигини айтган.

<sup>111</sup> Порфирий (232–305) – Платоннинг асосий шогирди ва унинг асарларини ёзиб, тарқатувчиси, Порфирийнинг фалсафий, астрологик ва тарихий асарларининг кўпчилиги фақат парчалари ёки номлари билангина маълум. Бу ерда Порфирийдан келтирилган иқтибос – «Ҳиндистон»даги ягона иқтибосдир. Захау таъкидлайдики, (*Sachau. India, transl., II, p. 274*), бу ерда иқтибосланаётган Порфирийнинг «Фозил файласуфларнинг фалак табиати ҳақидаги қарашлари» асари «*Liber Historiarum Philosophorum*» асарининг тўртинчи китобига мос келиши мумкин, бунинг сурёнча таржимаси мавжудлигини Венрих кўрсатган эди (*Wenrich, p. 287*).

<sup>112</sup> Шу ерда бир-икки сўз тушиб қолганга ўхшайди.

<sup>113</sup> Захаунинг фикрича, бу иқтибос Платон «Тимей»ининг §77 А, В сида ёки унинг шарҳидан олинган.

<sup>114</sup> Берунийнинг баёни санкҳиянинг беш сезги, ёки идрок этиш (санкр. *N.Pi – indriani* ёки *buddhīndriyāṇi*, *ндриан*) органлари ҳақидаги қондасига мос келади: кўриш (*cakṣus*) эшитиш (*śratra*), ҳидлаш (*ghrāṇa*), маза (*rasa*), бадан билан сезмок (*sparṣana*), беш орган ёки ҳаракатланиш (*karmendriyāṇi*, *карм'ндриан*): нутк (*vās*), ушлаш (*pani*), юриш (*pāda*), чиқариш (*pāun*), ҳомиладорлик (*upastha*) – ва марказий орган «манас» (*manas*). Манас – усиз ўнта «ташқи» (*bahya*) органнинг, яъни қабул қилиш ва амал органларининг фаолияти мумкин эмас – уларнинг буддхи ва аҳанкара билан алоқасини ўрнатиш мумкин эмас. Буддхи, аҳанкара ва манас «ички органни» (*antaḥkāraṇa*) ташкил қиладилар. Берунийда буддхи ва аҳанкаранинг психологик аспекти эътиборга олинмаслиги мумкин, бу ўз галида веданта фалсафасининг таъсири билан ифодала-

нади, бу эса фақат биргина, ведантистларда «манас» деб аталадиган, ички органи тан олган (Deussen. *Sistem des Vedanta*, S. 357).

<sup>115</sup> Вияса (*Vyāsa*, *бийās*), Парашаранинг (*Parāśara*, *пrāшара*) ўгли – афсонавий донишманд, ҳинд анъанасига кўра у «Махабхарата»нинг муаллифи бўлган ва Ведаларнинг тўрт муқаддас тўпламини тузган. Келтирилган иқтибосга мосликни «Махабхарата»нинг XIV китобига киритилган фалсафий поэма «Анугита»да кўриш мумкин (35-боб): «...Йигирма тўрт ва бир принциплар (*tattva*) сони аниқланди. Барча таттваларнинг келиб чиқиши ва бошланишини билган киши, тириклар орасида (фақат) у донишманд янглишмайди. Кимки барча таттвалар, гуналар ва илоҳларни ҳақиқатан тушунса, у гуноҳлардан халос этилиб – занжирларни улоқтириб, барча оламларда эркин бўлиб яшайди» (Махабхарата, XIV; 984–986).

#### IV БОБ

<sup>116</sup> «*Bhūḥ*», «*bhuvah*» ва «*svaḥ*» – ведалар мифологиясида учта мистик сўз бўлиб, улар ёрдамида худо кетма-кет ер, ҳаво ва осмонни яратган. «Бхурлока» (*Bhūrloka*, *бхурлөк*) – ер олами, «Бхуварлока» (*Bhuvarloka*, *бхөврлөк*) – ҳаво дунёси ва «Сварлока» (*Svarloka*, *сфрлөк*) – осмон дунёси – ҳинд космографиясида учта «буюк дунё» (*mahāvūyāhṛti* – яъни: «буюк сўз»), улар бошқа тўрт дунё билан бирга оламни ташкил қилади.

<sup>117</sup> «Нозик бадан» – ҳинд адабиётида бу тушунчага лингашарира (*lingaśarira*) ибораси мос келади – «зич баданга» – стхулашарира (*sthulāśarira*) – карама-қарши кўйилади. Санкҳия таълимотига кўра лингашарира ички органдан, сезгилар ва беш оддий материядан, яъни физик элементлардан (санкҳякарика, 40) яратилади. «Нозик бадан» – мангу ҳаёт ва жонни ўлимдан кейинги саргузаштларида кузатиб боради.

<sup>118</sup> «Зич бадан» (юқорида 2-изоҳга қаранг) «олти қопламдан» ташкил топади (*ṣaṭkaucika*): суяклардан, томирлардан ва миядан (ёки мани сувидан), булар оталардан келиб чиқувчи ва оналардан келиб чиқувчи гўштдан, қондан (ёки теридан); (қаранг: Капила «Санкҳия-сутра»сига III, 7, 11 Вижнянабхикшу шарҳи; Гаудапада, 39 – унда қон, гўшт, томирлар, мани суви, суяклар ва мия санаб кўрсатилган; Махабхарата, XII – Мокшадҳарма, 307-боб, шл. 11332–11333).

<sup>119</sup> Беш хил кўринишдаги нафас (*grāṇa*) танага кириб, унга ҳаёт бағишловчи, ҳақидаги қараш энг қадимги упанишадаларга бориб тақалади. Санкҳия таълим берувчи беш «нафас» ушбулардир: *grāṇa* – нафаснинг ўзи, бутун бадандан ўтади, *arāṇa* – нафас чиқариш, шамоллар; *samāna* – нафаснинг овқат ҳазм бўлишига ёрдам берадиган тури; *udāna* – нафас чиқариб тўхташ; *vyāna* – терининг нафаси, қонни юритади, тер ва бадандаги бошқа суюқликларни юритади (қаранг: Санкҳия – таттва – каумуди, 29).

<sup>120</sup> Санкҳияга кўра, барча руҳлар (*riguṣa*) табиати бўйича бир хил; аммо фақат нозик тана – *лангашарира* – ўзида индивидуаллик хусусиятини олиб юради, шунга кўра алоҳида пурушаларни ажратиш мумкин. Умуман олганда шуни таъкидлаш лозимки, Беруний баён қилаётган жоннинг материя билан боғланиши ҳақидаги таъ-

лимот умумий тарзда санхия фалсафасига мос келади, лекин бу ташки таъсирга берилган кўринади. Буни шундан сезиш мумкинки, бу ерда Беруний санхиянинг жонлар кўплиги ҳақидаги муҳим принципи ҳақида айтмаган. Аксинча, унинг баёнига кўра, ягона жон кўплаб нозик таналарда акс этади, худди қуёш ойналарда акс этганидек; бу ўхшатиш кўпроқ пураналар тасаввурига яқинлашувчи нуқтаи назарни акс эттиради. «Фаол жон» (бу ҳақда Беруний бобнинг бошида айтган) хинд адабиётида *jīva* деб аталади, – эмпирик «мен»; санхия таълимотига кўра, фаол эмас, сифатларга эга эмас ва ўз ҳолича хоҳишларга эга бўлолмайди. Беруний баёнида пуруша ва жива тушунчалари аралашиб кетади. Бироқ шуни ҳам таъкидлаш зарурки, гарчи хинд файласуфлари пуруша ва живани фарқ қилишга катта аҳамият берсалар ҳам, санхия адабиётининг ўзида бу масала етарли даражада ёритилмаган. Радхаккришнаннинг айтганидек, «...бутун санхия бўйлаб пурушани жива билан қориштириш ўтиб боради» (*Радхакришнан*, II, 285-б.).

<sup>121</sup> Яна санхия ибораларидан чекиниш юз берапти. Жон (пуруша) фаолиятга кодир эмас; фаолиятли принцип аҳанкарадир, яъни ўз-ўзини англаш, бу материяга тегишли, жон билан контакт қилади. Жоннинг фаолиятига алоқаси йўқлиги ҳақида Беруний куйида, «Санхия» китобига ҳавола (куйида 7-изоҳга қаранг) қилиб айтади.

<sup>122</sup> Бу ерда Беруний санхиянинг қарашларини жуда аниқ баён қилган. Материяни раққоса билан солиштириш «Санхия-карика» 59 да ва «Санхия-сутра», III, 69 да келтирилган. Кўр ва чўлоқ ҳақидаги мажозий равишда фаол, лекин онгсиз материя билан ва нофаол жон орасидаги муносабатни ифодаловчи ҳикоя Гаудападада «Бҳишия»си 21 да келтирилган. Иккала солиштириш ҳам санхия адабиёти учун характерли бўлиб, унинг анъанавий иллюстратив материалга тегишли.

<sup>123</sup> «Вишну-пурана» (*Viṣṇu-purāṇa*, *бшипран*) унга Беруний бундан буён кўп марта ҳавола қилади, – вишнуийлар адабиётининг бош ва энг обрўли ёдгорлиги, энг қадимги пураналардан биридир. Материянинг оламнинг бошланиши (*jagadyoni*) эканлиги, Вишну яратилиши сабаби эканлиги ва у материяни мувозанат ҳолатидан чиқариб, ҳаракатга келтириши ҳақида «Вишну-пурана» I-китобининг 2-бобида айтилади; лекин бизга маълум матнда бу иқтибосга тўғри келадиган жой йўқ. Албатта, бу ерда баён қилинаётган қарашлар атеистик санхияга ётдир.

<sup>124</sup> Бу ерда олинган қисми эслатилмай келтирилган иқтибос юқорида эслатилган «Канз ул-ихё»дан олинган (III бобнинг 98-изоҳига қаранг).

<sup>125</sup> Яъни *самтва*, *ражас* ва *тамас*, буларни хинд фалсафаси худолар дунёси, инсонлар дунёси ва ҳайвонот дунёси билан боғлайди (юқорида матннинг 20-саҳифасига қаранг).

<sup>126</sup> Бу бобдаги «Санхия» китобига ҳавола қилишлар унинг Гаудапада шарҳининг айнан ўзлигини кўрсатади. Жонни қишлоқда дам олаётган кузатувчи – йўловчи билан ва б. «Бҳашия»да келтирилади (*Sachau. India, transl., II, p. 275*) Берунийнинг баёни Гаудапада китобига асосланганлиги кўринади, чунки у санхия қарашларини тўғри акс эттирган. Фақат бунда худо ҳақида айтганлар мустасно бўлиб, улар пураналардан олинган кўринади ва санхия таълимотини оддий диний қарашлар билан аралаштиради.

## V БОБ

<sup>127</sup> Беруний ушбу бобда (балки, асосан санкҳия адабиётига ёки «Бҳагавадгита»га таяниб) баён қилаётган ҳиндлардаги таносух, яъни жонларнинг танадан танага кўчиб юриши ҳақидаги қарашлари ҳақиқатан ҳам қадимги ҳинд диний ва фалсафий системалари (Ведалар бундан мустасно, чунки уларда ҳали бу таълимот шаклланмаган, лекин чарвакалар мактаби буни инкор этади) учун жуда характерлидир. Гаунинг гипотезасига кўра, жонларнинг кўчиб юриши ҳақидаги таълимот примитив халқларнинг диний қарашларига кўра ўлгандан кейин жон дарахтлар ва ҳайвонларга кўчади деган қарашларига бориб тақалади (*Goudh. The Philosophy of the Upanishads*, p. 24–25). Кейинчалик бу қарашлар ўлгандан кейин яхши ва ёмон қилмишлар учун ажри берилажак деган ғоялар билан мураккаблашади; карма ҳақидаги таълимот ривожланади (*Garbe R.S.* 176–177).

<sup>128</sup> Ҳинд фалсафасида бу тушунча (ажри берилиш дунёси ва шу дунёда кезиб юриш) *samsāra* ибораси билан ифодаланади.

<sup>129</sup> Беруний баёни кўпроқ санкҳия қарашларига яқин, бироқ нирвана ва мокшанинг, яъни жонни халос қилиш моҳиятини, охириги жумлалари веданта ғояларининг таъсирини кўрсатади.

<sup>130</sup> Бу ерда қуйидаги жумлаларнинг: «Чунки мен бўлмаган вақтнинг ўзи бўлмаган, худди сен ҳам ва бу замин одамларининг ҳокимлари ҳам ва келажакда бизнинг борлигимиз тугамайди. Бу танада мужассамлашган ёшлик, катталиқ ва кексалиқ сингари у бошқа танага эга бўлади; саботли бундан уялмайди» (Бҳагавадгита, II 12–13) ёки шу жумлалар бошқача вариантнинг ноаниқ таржимаси келтирилган.

<sup>131</sup> «Бҳагавадгита»нинг ушбу Беруний иқтибосига мос келувчи ерининг ўзбекча таржимасини келтирамиз: «У ўлдираяпти деб ким ўйлайди ёки ким ўйлайди ўзининг ўлдириладиган бўлиши мумкинлигини, уларнинг иккиси ҳам буни билмайди: у ўлдирилмайди ва ўлдириладиган бўлиши ҳам мумкин эмас. У ҳеч қачон туғилмайди ва ўлмайди ҳам; пайдо бўлмай, у келажакда ҳам пайдо бўлмайди; туғилмаган, доимий, чексиз, у, қадимги, тана ўлдирилганида, у ўлдирилмайди. Ким Йўқ қилинмайдиганни, Бор бўлиб турганни, Туғдирилмаганни, Ўткинчимасни, шундай одам, Партха, қачонлардир ўлдиришга мажбур қилади, қандай қилиб кимнидир ўлдиради? Инсон эски кийимларини ташлаб янгисини олганидек, бошқалар, шундай эски вужудларни ташлаб, Мужассамлашга, бошқаларига, янгиларига киради. Чунки уни қиличлар кесмайди, олов ёндирмайди ва уни сув ҳўл қилмайди, шамол қуритмайди... Агар сен уни доимо туғилиб турадиган, доимо ўладиган деб ҳисобласанг ҳам, ўшанда ҳам, эй кудратли, сен у ҳақида қайғуришинг керак эмас. Туғилган учун ўлим муқаррардир, ўлган учун туғилиш муқаррардир; шунинг учун муқаррар бўладиган ҳақида сен ҳам чекмаслигинг керак» (II, 19–23, 26–27). «У», «Йўқ қилинмайдиган», «Мужассамлашган» (*epad, avinācin, dehin*) ва ҳ.к. – «Гита»да ўлмас жоннинг белгилари.

<sup>132</sup> «Бҳагавадгита»нинг IV боби бошида Васудева, ўзини олий илоҳ билан айнанлаштириб, Аржунага хабар берадики, бир пайтлар у ўз таълимоти – йогани – Вивасвантга (Куёшга) билдиради, у ўз галида бу таълимотни ўз авлодларига, подшолик қилаётган Куёш сулоласининг доноларига билдиради. Аржуна қандай қилиб Васуде-

ва қадимги Куёш маъбудига йогани айтиб берганини ҳеч тушунолмади ва сўрайди. «Кейинроқ сен туғилдинг, илгарироқ Вивасвант туғилган эди; мен қандай тушунмай, сен аввал уни хабардор қилганингни? – Шри-Бхагаван деди: – Менинг аввалги туғилишларим кўп бўлган, сенда ҳам шундай, Аржуна; мен уларнинг ҳаммасини билман, сен эса, Парантапа, ўзингникиларни билмайсан ... Ҳар гал, дҳарманинг (имон, қонун), сусайганида, эй, Бхарата ва қонунсизлик кучайганида, ўшанда мен ўзимни яратаман» (Бхагавадгита, IV, 4–5, 7).

<sup>133</sup> «Бхагавадгита» матнида бу ҳикоя келтирилмаган.

<sup>134</sup> «Бхагавадгита»да Аржуна савол беради: «Четлатилган эмас, лекин ишончи тўла ..., йогада муваффақиятга эришмаган, қандай қилиб, эй Кришна, у борапти?» – бунга Васудева жавоб берди: «...Бу ердаям, у дунёдаям бундайга ўлим йўқ, яхши хислатли, эй ўғлим, ҳеч қачон ёмон йўлдан юрмайди. Такводорлар дунёларига етиб, у ерларда жуда кўп йиллар яшаб, тоза ва бахтли йогадан ажралган туғилади. Ёки у доно йогачилар уйида туғилади ... У ерда илгариги мужассамлашишларда эришилган доноликка эга бўлади ва яна мукамаллашишга интилади ... Ҳатто йогани тушуниб етмоқчи бўлган ҳам Браҳманнинг сўзини гуноҳлардан тозаланиб, бир неча туғилишлардан кейин камолотга етиб, ўшанда Олий йўл билан боради» (Бхагавадгита, VI, 37, 40–45).

<sup>135</sup> Бу иқтибос кўйидаги парчанинг кенгрок талқин қилинишидан иборат: «Ҳар қандай ҳаракатлар табиат гуналари томонидан амалга оширилади, лекин ўзлиги (аҳамкара) билан алданган бундай ўйлайди: Мен ўзим бажарувчиман» (Бхагавадгита, III, 27).

<sup>136</sup> Қаранг: «Бхагавадгита»да: «Улардан (худони улуғловчилардан) доноси доимо садоқатлилиги, Ягонани ардоқловчи, ажралиб туради. Доно учун мен жуда қимматлиман, у ҳам менга қимматли ... Бир неча туғилишлардан кейин доно менга етишади...» (VII, 17, 19). Бизнингча, Берунийнинг иқтибоси ана шу келтирилган парчага алоқадор бўлиб, Захау шарҳида кўрсатилган парча XII, 14–20 га алоқаси йўқ, чунки у «Ҳиндистон»да келтирилгандан маъно жиҳатидан анча йироқ. «Бхагавадгита»дан олинган барча иқтибослар асл нусханинг бизга маълум матнида у ёки бу даражада аниқ мослигини топади. Шуниси ажабланарлики, Захау ўз шарҳида булардан фақат бирини (тўртинчи боб бошида) идентификация қилган, қолганларида эса фақатгина «Гита»нинг ғоялари билан умумий йўналишда эканлигини кўрсатган (*Sachau. India, transl., II, p. 275*).

<sup>137</sup> Беруний «Вишну-дҳарма» (*Viṣṇu-dharma, биндхрм*) иқтибос қилаётган асар Захауга санскрит асл нусхасида маълум бўлмаган, лекин у бу китобни «Вишну-дҳарматтара-пурана» (*Viṣṇu-dharmottara-Purāṇa*) билан айнан бир нарса деб ўйлаган; бу охириги китобни Кольбрук ўзининг «Essays», (II, p. 348) асарида эслатган. Бундан ташқари Захау бу китобдан «Ҳиндистон»да келтирилган иқтибослар вишнуийларнинг бхагаватлар (*Sachau. India, transl., II, p. 276*) сектасининг баъзи доктриналарини баён қиладилар, деб тўғри айтган. Кейинчалик Бюлер кўрсатганидек, Беруний ҳақиқатан ҳам бхагаватлар адабиётининг ёдгорлиги бўлган «Вишну-дҳарматтара-пурана»дан ташқари яна бир шунга ўхшаш номли китобдан ҳам фойдаланган (бу китоб кўлбукнинг тавсифини А. Вебер ўзининг Берлин кироли кутубхонаси

учун тузилган каталогда келтирган: *Weber A. Verzeichniss der Sanskrit ind Prakrit Handschriften*, Berlin, 1886, Bd., 2, Abth. I, S. 338–341), лекин иккала китобни битта нарса деб ўйлаган (*Bühler G. I A*, XIX, 1890, p. 382).

<sup>138</sup> «Вишну-дҳармоттара»нинг асл нусхасида бу иқтибосга аниқ мос келадиган жой йўқ, лекин бу ёдгорликнинг бир неча жойларида баъзи илоҳлар эслатилиб, улар Вишнунинг иродаси билан кўп марталаб пайдо ва ғойиб бўлганлар, дейилган (*Bühler G. Ўша асар*, 402-б.). Карттикая (*Kārtikeya*, *кārтикйв*), Маҳадеванинг ўғли (*Mahādeva*, *мхādйв* – Шива, хиндуйи учликнинг бир – вайрон қилувчи маъбуд, уларнинг қолган иккитаси – Брахма – *Brahma*, брāхм – яратувчи маъбуд ва Вишну – сақловчи маъбуд), хинд мифологиясида уруш маъбудиди. Лакшми (*Lakṣmī*, лкшмй) – бахт ва хусн маъбудаси; мифларга кўра, Лакшми «денгиздан яхши егулик ясамади», лекин ўзи океан кўпигидан туғилган, ўша пайт океандан «амрита» – обихаётни олиш учун маъбудлар ва девлар уни чайқатиб булғатаётган эдилар (*Рамаяна*, I, 45 ва бошқа ёдгорликлар). Захаунинг айтишича, Беруний Лакшмини эркак маъбуд деб ўйлаган ва бунда унинг номи Раманинг акаси Лакшманин (*Lakṣman*) номи билан чалкаштирган. Хинд мифологиясида Дакша (*Dakṣa*, *дкш*) ижодий кучни билдирувчи маъбуд. Қадимги хинд адабиётининг кўп ёдгорликларида «Дакшанинги қурбонлик келтиргани» ҳақида афсона келтирилади. Дакша шу қурбонлик келтиришга Шивани (Маҳадевани) таклиф қилмаган. Бундан ҳақоратланган Шива қаттиқ ғазабланиб, маросимни тўхтатган ва ҳозир бўлганларга хужум қилган, бошқа бир таъбирга кўра, Дакшанинги калласини олган. Умадеви (*Umādevī*, *умādйв*) – Шиванинги рафиқаси Дурганинги исмларидан бири. Калпа (*kalpa*, *клп*), «Брахма кунлари», 4320 миллион йилдан иборат. Хиндларнинг дунёқарашлари бўйича, ҳар бир калпанинги охирида олам йўқ қилинади, кейинги калпанинги бошида янгидан яратилади. Маркандея (*Markandeya*, *маркидйв*) – афсонавий доно. «Вишну-дҳармоттарада» Маркандеянинг номидан ҳикоя олиб борилади, у подшоҳ Важрага олам яратилиш сирларини очиб беради.

<sup>139</sup> «Очарчиликдан озиб кетганлар, ҳатто ақл-хушли бўлсалар ҳам қонунни ва эзгуликни унутдилар, озгин болаларининг қўлларидан ушлаб, умидсизликка мубтало бўлиб, ўзга мамлакатларга кетадилар. Қароқчилар томонидан таланиб, қотиб кетган, оғир нафас олган бечора одамлар, кўзлар тўла ёш билан боқиб, оламга чидолмай йиглайдилар. Бу тарашадай озгин ва ночор бахтсизларни ўз подшоҳлари ҳам, душман ҳам қийноққа солади. Баъзилар ўз подшоҳларини бу азобларнинг сабабчиси деб ҳисоблайдилар, бошқалар эса, йўқ – бу кармадан дейдилар» (*Брихат – самхита*, III, 13–15).

<sup>140</sup> Эроншаҳр деб мусулмон муаллифлар то XII асргача ё тор маънода Нишопур шаҳри ва унинг атрофларини тушунганлар ёки кенг маънода бутун Сосонийлар империясини тушунганлар. Бу ерда шу иккинчи маъно кўзда тутиляпти, чунки Моний номи одатда Бобил ва Ироқ билан боғланади.

<sup>141</sup> «Сирлар китоби» (*Kitāb al-Asrār*) – Монийнинг асарлари қаторида Ибн ан-Надимда ҳам эслатилади (*Flügel. Mani*, S. 72, 102; *Ал-Фихрист*, 336-б.).

<sup>142</sup> Мусулмон муаллифлари Ибн Дайқан, христиан муаллифлари Бар Дайсан ёки Бардесан (154–222) деб – сурёний гностик ва Монийнинг замондоши ҳамда ғоявий душманини назарда тутганлар. Унинг номи Ироқдаги Дайқан дарёси билан

боғланади. (*Flügel. Mani*, 160–161; *Paym B.* Краткий очерк истории сирийской литературы // Пер. с. англ. К.А. Тураевой под ред. и с дополнениями П.К. Коковцева. СПб., 1902, с. 21–22).

<sup>143</sup> «Пантанжала» китобидан олинган бу парчадаги муаммолар «Йогасутра»да ҳам, Виясанинг шарҳида ҳам кўринмайди. Бу ерда «амал ҳамиша руҳ билан бирга» дейилиши ўз-ўзи билан санхсия-йоганинг асосий принципларига зиддир; балки бу ерда материя (жисм-тана) фақат руҳнинг борлигида ҳаракат қилади деган таъкид на-зарда тутилади.

<sup>144</sup> «Ҳиндистон»да Платоннинг «Федони» жуда кўп марта иқтибос қилинади. Кўпинча бу иқтибослар матни асл нусхага жуда мос келади, баъзан ундан анча узоқлашади. Аммо баъзи ҳолларда унга умуман мос келмайди ва суҳбат оддий ба-ёнга айланади: эҳтимол, Беруний «Федон»нинг қандайдир матни шарҳдан аниқ аж-ратилмагандир. Захаунинг тахминига кўра, шундай асар Проклнинг шарҳи бўлиши мумкин. Иқтибоснинг биринчи ярми «Федон»дан §70 С га мос келади.

«Биз ўз мулоҳазамизни келтирамиз: жаҳаннамда ўлган одамларнинг жони шу тарика бор бўладими ёки бўлмайди. Битта қадимги ривоят бор, менинг ёдимда бўлганига кўра, гўё жонлар бу ердан у ерга келиб, сўнг яна қайтадилар ва ўлимдан ҳаётга тириладилар. Агар шундай бўлса, агар одамлар, ўлимдан кейин ҳаётга яна туғилиб келсалар, бу фақат шуни билдириши мумкинки, бизнинг жонларимиз ўша ерда, [Жаҳаннамда] турадилар». (Творения Платона. I, С. 141; юнонча матнини қаранг: *Sachau. India, transl.*, II, p. 277).

Иқтибоснинг «Ҳар бир инсоннинг жони ...» сўзлари билан бошланадиган иккин-чи қисми асл нусхада йўқ ва у шарҳлардан олинган кўринади.

<sup>145</sup> Бошқа бир иқтибос икки қисмдан иборат: §72 Е – «...таълимот биз учун хо-тирага ўхшаган бир нарсадир. Агар шундай бўлса, бундан келиб чиқадики, биз ушбу онда эслаётганимиз, биз қачонлардир ўрганган нарсамиз. Бу эса, агар бизнинг руҳимиз қачонлардир илгари инсон кўринишида пайдо бўлишидан олдин бир жойда бўлган бўлса мумкин бўларди»; §73 – «Ахир сенга маълум эмасмики, агар севиш-ганлар лира, ёпинчоқ ёки улардан бошқача, одатда улар хирслари кўзгаганда қандай ҳаяжонга тушадилар? Улар лирани таниб, хаёлларида шу лира тегишли бўлган эга-сининг сиймосини тасаввур қиладилар. Мана шу ўша хотирлашдир» (Творения Пла-тона. I, С. 145; юнонча матнини қаранг: *Sachau. India, transl.*, II, p. 278).

<sup>146</sup> Захау асосли кўрсатганидек, «Ҳиндистон»да келтирилган «Прокл айтган» сўзлар билан бошланадиган иккала иқтибос ҳам Проклнинг Платон «Тимей»ига ёзган қандайдир шарҳи бўлиб, бу шарҳнинг ҳозиргача сақланган ва нашр этилган матнидан анча фарқ қилади. Кейин, Захаунинг таъкидлашича, «Прокл айтган» деган сўзлар билан бошланадиган ва Беруний «Тимей» деяётган асар иккаласи айнан бир асардир. Бундан кўринадики, ё Прокл «Тимей»ни икки марта ҳар хил шарҳлар билан эълон қилган, ёки Беруний фойдаланган асар Проклга алоқасиз бўлиб, фақат номи билангина хато қилиниб, унга ёндашилган (*Sachau. India, transl.*, II, p. 278–279).

Иқтибос қилинган сўзлар «Тимей»нинг §44 ABC сига тегишли бўлиши мумкин: «Агар [бунда] қандайдир сезгилар, четдан келиб ва ўрнашиб, унинг бутун ҳажми би-лан жалб қилиб, жонини ҳам тортиб кетса, гарчи бўйсунган бўлишига қарамай, у ҳолда



хукмронлик ҳолатини оладилар ва жон, бу биринчи паллада, ҳали у ўлимга маҳкум тананинг тузоғида бўлса, у ҳолда барча ҳалиги таъсирлар сабабли, бошида онгсиз бўлади ... Ва кимки, аксинча, уни эътиборга олмаса, у чўлоқланиб, ўз ҳаёт йўлини ўтайди ва яна жаҳаннамга қайтади, лекин мукаммал бўлмаган ва муваффақиятсиз ҳолатда ...» (Платон. Сочинения, VI, С. 414; юнонча матни қаранг: *Sachau. India, transl., II, p. 278*).

## VI БОБ

<sup>147</sup> Ҳинд космографияси асосида оламни етти дунёга бўлиш (*loka, лвк*) концепцияси ётади. IV боб, 116-изоҳига қаранг.

<sup>148</sup> Ер ости дунёси қадимги ҳиндларнинг тасавурида еттита ер ости подшолигидан – патала (*pātāla, пātāl*) иборат бўлган, уларнинг энг пастдагиси «Патала» ёки «Нагалока» (*nāgaloka, нāглвк*) – «Илонлар дунёси» деб аталган. Паталадан нарака (*naraka*) – гуноҳлар учун жазо бериладиган жой – фарқ қилган. Манбаларнинг кўпчилиги нарака дўзахларини «илонлар подшолиги» – «Патала»дан куйирокка жойлаштиради. Наралока (*naraloka, назалвк, 3 – нрлвк*) – «инсонлар олами», яъни ер, манушиялоканинг (кейинги изоҳга қаранг) ўзи; Беруний бу исми нарака – «дўзах» – билан чалкаштирган кўринади.

<sup>149</sup> Мадҳиалока (*madhyaloka, мātлвк, 3 – мадлвк*) – «ўрта дунё» ёки манушиалока (*manuṣyaloka, мāншлвк, 3 – мадлвк*) «инсонлар олами» – ер.

<sup>150</sup> Трияглока (*Tiryagloka, трэжклвк*) – «Tiryaksrotas» – ҳайвонот ва ўсимликлар оламининг айнан ўзи, Браҳма билимга эга эмаслар учун яратган дунё (қаранг: Вишну-пурана, I китоб, V боб). Рухларнинг ҳайвонларга кўчиши ҳақида баъзи буддавий манбаларда муфассал баён қилинади (Маджихима-никая, III; Панчагати-дипана, 45–50); бироқ бундай қараш барча ҳинд динларига умумийдир (V боб, 127-изоҳига қаранг).

<sup>151</sup> «Вишну-пурана»нинг бизга маълум матнида барча дўзахларнинг сони кўрсатилмаган. Унинг иккинчи китобининг олтинчи бобида 28 та асосий дўзахлар кўрсатилган ва яна «мингта бошқалари» эслатилган; пураналарга кўра дўзахлар сони инсонлар гуноҳларининг сонига тенг.

<sup>152</sup> «Вишну-пурана»да (II китоб, VI боб, 2–5 шлоклар) дўзахларнинг таърифи ушбу тартибда келтирилган: Ravava, Rodha (*рўху*), Čūkara, Tala, Taptakumbha (*сббат-гунб, 3 – тбткунб*) ёки Тантакунда, Taptalona, Mahajvāla (*мҳājжāl*), Lavana, Vimoha, Kṛmibhakṣa, Kṛmīca (*кирмиш*), Lālobhaksa (*лāранки*), Vedhaka, Viṣasana (*бишасуни*), Adhomukha (*зўмука*), Pūyavaha, Rudhirandha (*радҳаранд*), vaitaraṇi (*байтарин*), Kṛṣṇa (*карашина*), Asipatravana (*асипатрабан*), Vahnijvāla (*бахунажжāl*), Saṁdamaṇca (*санданшак*), Čvabhajana. Номлари келтирилган 23 дўзахдан («Вишну-пурана»нинг 6-бобида булардан ташқари бошқаларининг номлари ҳам келтирилган) Берунийда 9 таси келтирилмаган. Бошқа жиҳатдан, Берунийдаги Шабала (*Ṣabala, шавал*) ва Рудхира (*Rudhira, равудр*) дўзахлар санскрит асл нусхада йўқ; бу дўзах атамалари бошқа пураналарда санаб (Шабала «Вишну-пурана»даги Лавана дўзахига мос келади) кўрсатилган. Берунийдаги дўзахларнинг санаб кўрсатилиши «Брахманда-пурана» ва «Ваю-пурана»га тўғри келади; лекин бу манбаларнинг тегишли жойла-

рида 29 тадан ном келтирилган бўлиб, Беруний улардан 14 тасини ҳисобга олмаган, фақат «Рудхиранҳа»дан кейин «Рудхира»ни кўшимча қилган (жадвалларни Kirfel, S. 149–151 дан қаранг). Берунийдаги ҳар бир дўзахга ўз гуноҳларини таърифлаш «Вишну-пурана»дагидан анча фарқ қилади. Масалан, брахманни ўлдирган ва олтин ўғирлаган «Вишну-пурана» (ва бошқа пураналар)га кўра, Шукара дўзахига тушади, Берунийдагидек, Таптакумбҳага эмас; Берунийда Кримиша дўзахининг гуноҳлари пуранада Кримибҳакша дўзахига тушади. Ўқлар ва уларнинг учларини ясовчилар – Ведҳақа дўзахига тушади. Асл нусха билан у ёки бу даражада аниқ мосликни биз Раурава, Рўдҳа, Шавала (Лавана), Вишасана, Вайтарани, Асипатравана, Ваҳнижвала («Брахманда» ва «Ваю-пурана»да Агнижвала), Сандамшақа дўзахларининг таърифланишида кўрамиз. Рудхира дўзахни «Вишну-пурана»даги Рудхиранда дўзахига мос келади. Гонданинг тахминига кўра, Беруний фойдаланган матн «Вишну-пурана» билан «Брахманда-пурана»нинг аралашмаси бўлса керак ёки Берунийнинг ўзи шу икки манбани аралаштирган (Gonda G. Remarks on Al-Bīrūnī's quotations from Sanskrit texts, ASV, p. 113).

<sup>153</sup> Беруний бу ерда қадимги ҳинд адабиётида кенг тарқалган руҳлар таносуҳи ҳақидаги қарашларни баён қилаяпти. Руҳнинг жаннатда бўлиши масаласи «Санкҳия-карика»да ҳам, Гаудападанинг шарҳида ҳам махсус қаралмаган. «Бҳашия», 2 да Гаудапада фақат «Индра бошлиқ худолар ҳам ўлади» дейилган. Ҳар ҳолда, «Санкҳия»нинг асосий уруғларидан бири шу таъкидки, жаннатга тушиш халосликни тўла равишда бермайди ва бундан кейин ҳам яна оғирроқ шароитда янги туғилишларга олиб келади (āvr̥tti – қаранг: *Garbe R.S.* 188). Заҳау бу фикр аниқроқ ёритилган «Санкҳия-сутра», IV 32 га ҳавола қилади *Sachau. India, transl.*, II, p. 279).

<sup>154</sup> Ативахика (atīvahika ёки ātīvāhika, 'таҳк – сўзма-сўз: «шамолдан тез») – веданта адабиётида ва охирги пайтлар санкҳиясида қўлланилган ибора, яъни liṅgaṣaṅgā – «нозик бадан»нинг айнан ўзи, юқорида IV бобдаги 2, 5-изоҳларга қаранг. «Нозик бадан» – руҳнинг оламдаги қайта туғилишлардаги кўчиб юришларида жонни олиб юрувчи тана. Санкҳия таълимотига кўра, ўлим «нозик бадан»нинг «зич бадан»дан (IV бобнинг 2, 3-изоҳларига қаранг), яъни жисмоний бадандан ажралишидир (*Garbe R., S.* 272).

<sup>155</sup> Барзах – Қуръонда (23, 102; 25, 55; 55, 20) ишлатилган форсча сўз: «тўсик», «ҳаёт ва тирилиш» маъноларида қўлланилган.

<sup>156</sup> Таъзия расм-русуми (ṣrāddha) ведалар замонига бориб такалади. Ўлимдан кейин маййитнинг жони «preta» (руҳ) ҳолатига тушиб қолади. Бир йил ўтгунича у аждодлар подшолигига, яъни жаннатга тушади (бунинг учун piṇḍa) маросими бажарилади. Ўлганидан бир йил кейин pitṛmedha маросими бажарилади, яъни ёдгорлик ўрнатилади; бироқ бундан кейин ҳам бошқа маросимлар шраддҳа амалга оширилади (*Macdonell A.A. A history of Sanskrit literature. London, 1900, p.* 257).

<sup>157</sup> «Вишну-пурана» доно Парашара (III бобдаги 55-изоҳга қаранг) билан унинг шогирди Майтрея (Maitreya, *майтрӣ*) ўртасидаги суҳбати тарзида ёзилган; баён этиш асосан Парашара томонидан олиб борилади. Асарнинг бизга маълум матнида Майтреянинг бу ерда келтирилган саволи йўқ; Парашара жавобининг бошланғич ибораси ҳам йўқ; 2-қисмнинг 6-бобида бутунлай бошқача айтилган: «... Дўзах ва осмон айнан

гуноҳ ва хайрликнинг аталишларидир ... Бир нарсанинг ўзи ҳам роҳатнинг манбаи, ҳам азобнинг сабаби бўлиши мумкин» (II, 6, 44, 45 шлоқлар). Юқорироқда ўша бобнинг ўзида Вишнуга қуйидагича ибодат билдиради: «... Оғир гуноҳларга оғир таъзирлар, енгил гуноҳлар учун Сваямбхува ва бошқалар юмшоқроқ таъзирлар белгилаганлар. Аммо Кришнага ишониш ҳар қандай тавбадан ҳам афзал ... Айбини бўйнига олиб, тавба қилаётган ҳар бир киши билсинки, тавбаларнинг энг яхшиси – Харини ёд этишдир. Инсон тонгда ва кечада, кун ботишида ва тушда фикр-ёдини Нараянага бағишласа, бу киши тез орада гуноҳларидан тозаланади» (36–39). Кришна, Хари, Нараяна – булар Вишнунинг турли исмлари. Олтинчи бобда яна «қуртлар, балиқлар, қушлар, ҳайвонлар» ва бошқалар мавжудликнинг (яшашнинг) турли босқичлари сифатида эслатилади.

<sup>158</sup> Захау Берунийнинг бу иқтибосига мосини «Санкхия-карика»да ҳам, Гаудападада ҳам топмаган (*Sachau. India, transl., II, p. 280*). Бирок Гаудапада шарҳидаги мана бу сатрлар назарда тутилади дейиш мумкин: «Хайрлик орқали кўтарилишга эришиш мумкин, яъни хайрлик юқорига кўтарилишга сабаб бўлиши мумкин. Бу ерда «юқори» деб саккизта «ўлка» кўзда тутилади: Брахма, Пражапати, Сома, Индра, Гандҳарвлар, Якшалар, Ракшалар ва Пишачаларники. Беруний айтган «саккизта руҳоний жинслар» айнан шулар бўлиши эҳтимоли бор. Гуноҳ эса [adharmā, яъни «қонунсизлик»] пастга тушишга сабаб бўлади, яъни жон ҳайвонларга, антилопага, қушга, илонга, ўсимликларга, минералларга» кўчади (Гаудапада, 41). Кейин Гаудапада таъкидлайдики, фақат «билим» (ज्ञानेन) билан халос бўлишга эришилади (Ўша жойда).

<sup>159</sup> Таносухнинг тўрт поғонаси ҳақидаги унинг бошланишидаги ибора билан бирга форсчага таржима қилинган. Буни Абул Маъли Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ «Байъан ал-адйъан» асарида амалга оширган (қаранг: *Schefer C. Chrestomathie Persane, I, Paris, 1883, p. 148, 3–8*).

<sup>160</sup> Абу Яъқуб ас-Сижизий (Сеистонлик) – Исмоилий ёзувчи, 942 йили Бухорода қатл қилинган. «Ҳиндистон» қўлёзмасида унинг лақаби ўрни очик қолдирилган.

<sup>161</sup> Иоанн Грамматик – Йахё ан-Нахвий ҳақида юқорида III бобнинг 80-изоҳига қаранг. Захаунинг фикрига кўра, бу ерда унинг асари эслатилмай келтирилган иқтибос унинг «Проклга раддия» номли асаридан олинган.

<sup>162</sup> «Федон», 81, С, Д: «– Ўйлаш керак, дўстим, тана билан бундай муносабатда бўлинганидан кўнгили роҳатсизланади, оғирлашади, ерсимон бўлади ва кўзга кўринади. Шундай бўлганидан кейин, оғирликнинг босимидан йиқилади; уни яна илгариги жойига тортади, кўринмасдан ва [Аиддан] кўрққанидан; ривоятда айтилганидек, у қабристонларда кезиб юради, у ерларда гўё руҳларнинг қандайдир сояларга ўхшаш жонларнинг излари кўринармиш; бу жонлар худди ана шу сиймолардир. Чунки улар ҳали танадан тўла ажралганлари йўқ ва кўринадиганга алоқадор бўлиб кўринишлари ҳам мумкин» (Творения Платона, I, С. 159; юнонча матнни қаранг: (*Sachau. India, transl., II, p. 281*).

<sup>163</sup> «Федон», 81, Д-82, А; «Эҳтимол, Сукрот, – Албатта, эҳтимол, Кебет. Шу ҳам эҳтимолки, бу жонлар яхши одамларники эмас, ёмон одамларники; улар энди ўзларининг илгариги аҳмоқона ҳаётлари учун шу мазкур атрофда кезиб азоб чекишга мажбурлар. У жонлар токи ўзларига яқин таналарга хирс қилиб, уларга яна кўшилмагунларига қадар кезадилар».

## 31.

– Шу гал сен нимани назарда тутасан, Сукрот?

– Масалан, тўхтовсиз овқат ейишга, бузукиликка, ичкиликбозликка берилган одамлар, эҳтимол эшакларнинг бир навига ва бошқа ҳайвонларга айланадилар. Ёки, сенингча, бундай эмасми?

– Йўқ, лекин сен айтаётганинг жуда эҳтимол.

– Адолатсизликни, босқинчилик, зулми севиб қолган одамлар бўрилар, киргий, калхатлар жинсига айланиб қоладилар» (Творения Платона, I, С. 159–160; юнонча матн: (*Sachau. India, transl.*, II, p. 281).

<sup>164</sup> «Федон», 63 В: «... агар мен бу ердан аввал доно ва яхши худоларнинг хузурига боришимга, кейин ўша ўлган одамларнинг (улар эса бу ердагилардан яхши), олдига боришимга ишонмаганимда, мен ўз ўлимимга ранжиб қараб, хато қилган бўлардим» (Творения Платона, I, С. 131; юнонча матн: (*Sachau. India, transl.*, II, p. 281).

<sup>165</sup> «Федон», 107 DE, 108 А: «Ривоятга кўра, ҳар бир ўлганни, унга тириклигида тегишли бўлган ажинаси, шундай бир жойга олиб борадики, у ерда ўлганлар йиғилишади ва у ерда улар судланадилар ва кейин ўша кузатувчи ажина билан Аидга кўчади. Чунки буни кузатиб бориш унга топширилган. У ерда қилган ишларига лойиқ жазоларни олгач, яъни кўн ва узоқ муддат ўтганидан кейин бошқа кузатувчи билан бу ерга олиб келинадилар. Ўлганларнинг Аидга юришлари Эсхилда Телеф тавсифлаганидек эмас. Унинг айтишича, Аидга оддий йўл олиб боради; бизнинг тасаввуримизда эса у [йўл] оддий ва ягона эмас: акс ҳолда кузатувчиларнинг ҳам кераги йўқ эди...

Жон эса, танага қаттиқ ёпишиб, аввал айтилганидек, узоқ муддат тананинг олдида учиб юради токи унга топширилган ҳалиги ажина, ниҳоят, уни зўрлик ва қийинчилик билан олиб кетмагунича қаршилиқ кўрсатади, қаттиқ азоблар чекади. Жон бошқа жонлар ҳам турган жойга келганида, у жонлар қочади, тесқари бўлиб оладилар ва ҳозиргина келган жонни кузатиш ёки у билан бирга боришни истамайдилар. Чунки бу жон [тозаланишни талаб қиладиган] гуноҳни қилганидан сўнг тозаланмагани учун, у билан адолатсиз ўлдиришлар ёки унга ўхшаш ишларни қилган бўлса, у [ўлдирилганлар] эса бу жонларга яқинлиги бўлган. Шунда жон кезиб юради, токи бирор вақт ўтиб, заруран ўзига хос бир жойга ўрнашмагунича кўпгина қийинчиликлар кўради. Аксинча, нариги жон, ҳаётини гозалиқда ва меъёрда ўтказган бўлиб, унинг кузатувчилари ва йўлдошлари маъбудлардан иборат бўлади ва ҳар бирлари ўзларига хос жойга жойлашадилар» (Творения Платона, I, С. 197–198; юнонча матн: (*Sachau. India, transl.*, II, p. 281–282).

<sup>166</sup> «Федон», 113D: «Ўлганлардан ўртacha ҳаёт олиб борганлари, Ахеронтга борадилар, у ерда қайиқларга ўтирадилар ва кўлга етиб оладилар. У ерда яшаб, ўзларининг барча адолатсизликларидан покланиб, жазоларини оладилар ва қилган гуноҳларидан тозаланадилар ва ҳар бири ўз қилмишига яраша қилган яхшиликлари учун мукофотланадилар. Ўлганларнинг айримлари [тирикликларида] гуноҳи азимларни, кечирилмас разолатликларни қилганликлари сабабли гуноҳларини ювиб бўлмаса, уларни тақдир Тартарга ташлайди, у ердан ҳеч қачон чиқмайдилар. Катта айбларни қилган бўлсалар ҳам, ҳар ҳолда тузалишга лойиқ бўлсалар, масалан, ҳажд

устиди отаси ёки онасига нисбатан зўрлик қилган ва ҳаётларининг қолган қисмида тавба қилиб яшаган ёки қандайдир бир шароитда қотил бўлиб қолганлар, албатта, Тартарга тушадилар. Бир йил давомида у ерда турадилар, кейин қотилларни тўлқин Кокитга падаркуш ва модаркушларни Пирифлегеронтга чиқариб ташлайди. Оким Ахерусиа кўлига суриб борганида, улар бақириб, қичкириб, чақира бошлайдилар. Бирлари ўлдирганларини чақирадилар, бошқалари ҳақорат қилганларини, тавбаларини қабул қилсинлар деб ёлвориб сўрайдилар. Уларни кўндира олган ҳолда, [дарёдан кўлга ўтсалар] азоблари тугайди. Мабодо кўндира олмасалар, уларни тўлқин яна Тартарга ва у ердан оқимларга олиб кетади. Токи азоб чекканлар уларнинг гуноҳларидан кечмагунларигача бу азоблардан кутулолмайдилар ҳакамлар томонидан уларга белгиланган жазо ана шундайдир. Ҳаётликларида фақат хайрли ишлар билан шуғулланганлар бу ерларда бўлишдан ҳалослар, бу азоб чекаётганларнинг жойларига келмайдилар, у ерлардан худди зиндонлардан қочгандек қочадилар ва покиза жойларда яшайдилар» (Творения Платона, I, С. 204–205; юнонча матн: (*Sachau*. India, transl., II, p. 282–283).

<sup>167</sup> Дурўр – гирдоб, пўртана, тубсиз чуқурлик.

## VII БОБ

<sup>168</sup> Қаранг: «Санхия-карика», 44 ва Гаудападанинг шу шеърга шарҳи.

<sup>169</sup> Келтирилган иқтибосига моси «Йогасутра»да ҳам, Виясанинг шарҳида ҳам топилмади. Заҳау Бҳожаражи, XIV шарҳига ва Гаудападанинг «Бҳашия»сига ишора қилади (*Sachau*. India. transl., II, p. 283). «Бҳашия», 23 да Гаудапада «Патанжала» китобига ҳавола қилиб, билимга эришиш саккиз хил қобилият (*siddhi*) бермоқчилигини айтган, яъни: 1) ўз танасини атом миқдорича кичрайтира олиш қобилияти, 2) улканликкача катталашиш қобилияти, 3) енгиллашиш қобилияти шу даражадаки, гул япроқларининг учида тура олади, 4) истаган узоқликдаги жойни хоҳласа, ўшанга ета олиш қобилияти, 5) ўз хоҳишларини амалга ошира олиш қобилияти, 6) уч дунё устидан ҳокимлик қила олиш қобилияти, 7) мамлакат аҳолисини тўла бўйсундира олиш қобилияти, 8) барча нарсалар ҳаракатини йўналтира олиш қобилияти ва уларни ўз хоҳиши бўйича ҳаракатлантира олиш. Бу ҳолда Беруний ҳам, Гаудапада ҳам бир манбага ҳавола қилаяптилар. Шваса (*śvāsa*) – «нафас, нафас чиқариш» ва прашваса (*praśvāsa*) – «нафас олиш», нафас олиш машқлари – йога системасида мистик транс, ҳолатига эришиш учун асосий чораларидан бири.

<sup>170</sup> Фикрга чўмишнинг тўрт поғонаси (*samāpatti*) ҳақида «Йогасутра»нинг, I, 44 сутраларига Виясанинг шарҳларида ҳам айtilган. Биринчи поғонада унинг маъноси ва гоё фарқ қилинмайди. Иккинчи босқичда ақл объектнинг табиатига сингиб, ўзини у билан айнанлаштиради, сўзлик атамаларнинг шартли эканлигини эътиборга олмайди. Учинчи босқичда онг объектнинг нозик элементига (*sūkṣmaviśaya*) сингиб, макон, замон ва таъсир қилувчи сабаб чегаралари сақланади, тўртинчи поғонасида ҳамма чегаралар ғойиб бўлади. Заҳау «Йогасутра», II, 27 ва Бҳожа шарҳига ишора қилади, унда билишнинг беш поғонаси ҳақида айtilган (*Sachau*. India, transl., II, p. 283–284).

<sup>171</sup> *Мўкша* (*mokṣa*, *tūki*) сўзма-сўз, «бўшаш», «холис бўлиш» демақдир. Бу сўз арабча астрономик ибора *макснинг* (балки бу сўз хиндлардан олингандир? – А.А.) айнан ўзидир. Астрономияда бу ибора Ой ва Куюш тутилишларида уларнинг тутилишдан «бўшаганлари», яъни «очилганлари»да ишлатилади.

<sup>172</sup> «Бҳагавадгита»да шу келтирилган иктибосга моси йўқ (*Sachau*. *India*, transl., II, p. 284). Фақат у жумлаларда бироз ўхшашлик кўриш мумкин. «... Лаззатланишлар сурканишда юз бериб, – балоларнинг кучоғидир...» (Бҳагавадгита, V, 22). Бу фикр «Санхья-сутра», VI, 6–9 да муфассалроқ баён қилинган.

<sup>173</sup> Иктибос иккита парчадан ҳосил қилинган. «Федон», 65 В-D: «– Қачон рух ҳақиқат билан туташади? – деб сўради Сукрот. – Очиқ-ойдинки, у тана билан бирга бирор нарсани кўриб чикмокчи бўлганида, тана уни адаштиради.

– Жуда тўғри.

– Демак, рух учун у асосан мулоҳаза қилаётгани ҳолдагина катта аҳамиятга эга бўларкан-да?

– Ҳа, шундай.

– Рух мулоҳаза қилади-ку, албатта, бу қачонки у бирор нарса билан – кўриш, эшитиш, азоб чекиш, бирор лаззатланиш билан чалғимаган бўлиб, танадан ажралиб, ўз ҳолига қолса ва имкон борича суҳбатлашмай ва танага сурқалмай, асосий мақсадга интилганида.

– Шундай.

– Ўша пайтда файласуфнинг руҳи танага жирканиш билан қарамайдими, ундан ўзини олиб қочиб, ўз-ўзича қолмайдими?

– Ҳа, шундай бўлса керак.

67 А: «Ҳаётимиз давомида биз ҳақиқатни билишга ҳам яқинлигимиз шекилли, айниқса, бу борада тана билан яқинлашмасликка интиламиз, у билан фақат жуда зарур бўлган кам ҳоллардагина муносабат қиламиз ва унинг табиати билан тўлмаймиз, лекин ўзимизни танадан тозалаймиз, токи худонинг ўзи бизни ундан ажратмагунича. Мана шундай ўзимизни танага хос мулоҳазаликлардан тозалаб, биз (бу табиий ҳол) бошқа эркин мавжудотлар билан бирга бўламиз, ўзимиз ва ўзимиз орқали тўғрилиқ ва пок ҳақиқатни ўрганамиз» (Творения Платона, I, С. 134, 136; юнонча матн). (*Sachau*. *India*, transl., II, p. 284).

<sup>174</sup> Бу иктибоснинг моси «Бҳагавадгита»да йўқ.

<sup>175</sup> «Бҳагавадгита»даги халос қилувчи билимнинг уч тури ҳақидаги таълимот, асосан, ушбулардан иборат: 1) ички сафарбарлик; 2) фикр ё амалнинг кучайиши; 3) таълимни бошқалардан олиш (XIII боб, 24, 25 шлоқлар ва классик санхьяда: 1) бевосита қабул қилиш; 2) хулоса; 3) ишончли хабар (санхья-карика, 4 ва бошқа манбалар), яъни ҳақиқатни бевосита ички кўриш билан, мантикий муҳокамалар билан қабул қилиш ёки уни бошқалардан ўрганиш. Капила (*Kapila*, *кпи*) II бобнинг 51-изоҳига қаранг.

<sup>176</sup> «Кимки ёмонликлардан юз ўтгирса, уни ақл билан била олмайди» (Катха-упанишад, II, 24).

<sup>177</sup> Амалдан икки йўл билан тийиниш ҳақида қаранг: «Бҳагавадгита», III, 6–7. Уч бирламчи куч – уч гуналар» (III бобдаги 99-изоҳга қаранг); иккинчиси – ра-

жас, учинчиси – тамас. Ёмонликдан тийинишнинг моҳияти ҳақидаги мулоҳазалар «Бҳагавадгита»нинг 16-боби таъсири остида бўлганлиги эҳтимол.

<sup>178</sup> «Сафарбар бўлмаганга онг йўк ... тинчлик ҳам йўк, йўксил дунёга эса қаердан бахт бўлсин? Чунки қалбини санқиб юрувчи туйғуларга кўра йўналтирилганда, улар ҳушини олиб кетади...» (Бҳагавадгита, II, 66, 67). Яна юқорида: «Кимки ҳеч нарсага қизиқиш билдирмаса...» унинг онги тетик. Агарда у «бутун ҳис-туйғуларини ҳиссий жисмлардан чалғита олса, унинг онги тетик». У сафарбар бўлиб ўтирсин, мени олий мақсад деб қўйсин... Кимки туйғулар соҳасини жозибалар ва жирканишларни ўз иродасига бўйсундирган ҳислар билан, [фақат] Агтанга бўйсуниб, ўтса, у руҳининг тетиклигига эришади. Руҳий тетикликда унинг чеккан барча азоблари йўқолади...» (II, 57, 58, 61, 64, 65). Ёнаётган шам билан солиштириш (ҳинд адабиётида бу жуда кенг тарқалган) яна бир жойда учратилади: «Шамолсиз жойда турган шамдек» – бу ўхшашлик мана бу йогинга тааллуқли «йога машқини қилаётганнинг бўйсундирилган онгидек» (Бҳагавадгита, VI, 19; бу мисра ҳақида қаранг: Смирнов, с. 305).

<sup>179</sup> Бҳагавадгита»нинг ушбу мисрасида Заҳау океан билан солиштиришга ҳавола қилади *Sachau. India, transl.*, II, p. 286): «Тўлиб-тошган, кимирламай турган океанда сувлар келаётгандек, бутун хоҳишлар унга келиб тушади, у дунёга эришади, хоҳишга интилувчи эмас» (II, 70).

<sup>180</sup> Йога этикасига хос бўлган бешта уатага қуйдагилар киради: 1) жониворларга (ahimsa) зарар етказмаслик; ростгўй бўлиш (satya); ўғирламаслик (asteya); ўзини тутати билиш (brahmacharya); қизғанчиқ бўлмаслик (aparigraha) ва беш piyama; тозаликни сақлаш, оз билан қаноатланиш, тавбага берилиш, халослик йўллариини излаш, бутун ҳаракатларини худога бағишлаш (Йогасутра, II, 30, 32). Муқаддас мистик сўз ўм (ом, ўм) сўзининг маъноси ҳақида, уни доим қайтариб туриш ва халос бўлишни истаган киши у ҳақидамулоҳазақилаолишитўғрисидакўпманбалардаайтилади (Бҳагавадгита, VIII, 13; Йогасутра, I, 27–29 ва б.).

<sup>181</sup> Шу учта танбихатни биттага бирлаштириш ҳақида йога адабиётида учратилади (*Dasgupta. Yoga philosophy*, p. 302).

<sup>182</sup> Келтирилган афоризм мажозий характерга эга бўлса керак, чунки унинг юнонча исми йўк. Тана руҳни банд қилиб туриши ҳақидаги ғоя неопифагорчиларда кўп учрайди. (*Sachau. India, transl.*, II, p. 285–286).

<sup>183</sup> Заҳау бу иқтибоснинг «Санқия-қарика», 68 да жуда узоқ бир ўхшашини топган, у ерда ҳам шу ғоя илгари сурилган. (*Sachau. India, transl.*, II, p. 286).

<sup>184</sup> Бу ерда асл матннинг ушбу мисраси назарда тутилаётган кўринади: «Кимки қайси нарсани эслаб, охирида танани ташлаб кетаётган бўлса, у ўша нарсанинг олди-га боради... ва ҳар доим ўша нарсага айланади» (Бҳагавадгита, VIII, 6).

<sup>185</sup> Бу иқтибос ушбу мисрага алоқали бўлса керак: «Мени Олий Борлик, Олий Худо, Олий Қурбон деб билганлар, руҳан садоқатли [бўлсалар], кетиш соатида мени билиб оладилар» (Бҳагавадгита, VII, 30) ёки «Кимки кетиш соатида, мени эслаб, танани ташлаётиб, кетса, шубҳасиз, у менинг Борлигимга келаётир» VIII, 5).

<sup>186</sup> Бу иқтибосга бироз ўхшашлик «Гита»нинг ушбу мисрасида кўринади: «Кимки ҳеч бир нарсага қизиқмай, ёқимли ёки ёқимсизни қабул қилиб, жавабаси тутма-

са ва ёмон кўрмаса, унинг иродаси қатъий... Барча мавжудотлар учун дам олиш – муни‘ни кўра оладиган кечадир. Кучли ҳислар ҳатто жозибали, доно кишининг ҳам қалбини зўрлаб жалб қилади» (Бҳагавадгита, VII, 57, 59, 60). Захай «Гита»да охирги уч иқтибоснинг умуман ўхшашларини топмаган (*Sachau. India, transl., II, p. 286*).

<sup>187</sup> «Федон», 84 E-85 B: «Сизлар мени мантика бобида окқушлардан ҳам кучсиз деб ўйлаётганга ўхшайсизлар. Улар эса, ўлим муқаррарлигини сезиб, гарчи илгари ҳам қуйлаган бўлсалар-да, энди илгаригидан анча узун ва гўзал қуйларни айтаптилар. Улар ўзлари учун хизмат қилаётган илоҳларининг олдига кетаётганларидан хурсандлар. Инсонлар эса, ўлимдан кўрққанлари учун, окқушлар ҳақида ҳам ёлғон сўзлайдилар ва дейдиларки, гўё улар ўзларининг бўлажак ўлимлари ҳақида қайғуриб, ёлвораяптилар ва оламдан аза тутаяптилар. Бу одамлар ўйламайдиларки, ҳеч қандай қуш, агар у совуқдан ва очликдан азият чекаётган бўлса, қуйламайди-ку, деб булбул ҳам, қалдирғоч ҳам, сассиқпопишак ҳам, – айтишларича, ўз аламларидан, қайғуриб қуйласалар-да, – худди окқуш қабидир. Менимча, бу қушлар ҳам, окқуш каби, аламларидан қуйламайдилар, балки аксинча, улар Аполлон қушлари каби, мантика каромати билан тақдирланган бўлиб, жаҳаннамда уларни қанчалик хайрликлар қутаётганини олдиндан билиб, хурсандликларидан қуйлаяптилар. Шунинг учун ўлимлари куни бу қушлар учун аввалги вақтлардагидан ҳаддан зиёд хурсанд бўлиб қуйлаяптилар. Мен ҳам ўзимни шундай хизматкор деб биламан ва худди улар каби ўша илоҳга қараман. Мен ҳам ўз раббимдан окқушлардан кам бўлмаган даражада мантика каромати билан тақдирланганман, ва улар каби жасорат билан ҳаётим билан видолашаман» (Творения Платона, I, с. 164; юнонча матн: *Sachau. India, transl., II, p. 286*).

<sup>188</sup> Бу ерда Беруний айтаётган халос бўлиш йўлининг уч поғонаси «Гита»даги уч йўл ҳақидаги таълимот билан боғлиқ бўлиши мумкин: *Jñāna-mārga* – билиш йўли, *Karma-mārga* – ҳаракат йўли ва *Bhakti-marga* – ҳурмат йўли. Карма-марга – биринчи йўл – худога хизмат қилишдан иборат, холисона самарасини кутмасдан, яхши ишлар қилиш керак (Бҳагавадгита, 3, 5-боблар). Бирок Дасгупта «Йогасутра» таълимоти билан параллел ўтказди: биринчи йўл Патанжалидаги «машққа» (*abheāsa*) – мос келади, иккинчиси – «воз кечишга» (*vairagya*), учинчиси – худони «инонишга» (*prañidhāna*) (*Dasgupta. Yoga philosophy, p. 61*).

<sup>189</sup> Бюлер кўрсатганидек (I A, XIX, 1890, p. 403–404), бу парча асл нусха бўлиб, биринчи бобининг чалкаштириб баён қилинишидир. «Вишну-дхармоттара»нинг биринчи бобида айтилишича, Шаунака (*Ṣaunaka, швнк*) бошлиқ ҳикматшунослар ҳаким Бҳригу (*Bhrigu, биргу 3 – брг*) билан бирга подшоҳ Шатаника (*Ṣatanika, штаник*), Парикшитанинг (*Parikṣit ёки Parirsa, Берунийда – прикш, афсонавий шоҳ Шамсий сулоладан, у ҳеч Бҳригу наслига тегишли бўлмаган*) невараси олдига боришди. Шатаника ҳакимлардан Нараянага (яъни, Вишнуга) тоат қилишнинг маъносини тушунтириб беришни сўрадилар); Шаунака жавоб бериб, бу ҳақдаги билимини ўз отасидан олганини айтди, у эса – ўз отасидан, у ҳам – ўз отасидан ва бу охирги эса – Ушанасдан (*Uṣanas, вшана*), Ушанас – Бҳригудан, Бҳригу – Брахмадан (Вишну-дхармоттара, I, 40, 41). Беруний таржимаси билан солиштириш учун Шаунаканинг жавобларидан парчалар келтирамыз: «Энг олий, ҳамма жойда ҳозир Брахма барча мавжудотларда яшайди; унинг бошланиши йўқ, унинг танаси йўқ, у борликдан ҳам



ёки йўқликдан ҳам юқори. «Брахма буюк ҳакимларга олий йогани очганида, яъни барча функциялар тугаши [манаса] орқали эътирозни берувчини, шунда Браҳмага... буюк ҳакимлар мурожаат этдилар: «Манаса функцияларининг тугашидан ҳосил бўладиган йога, бу ҳақда сен эълон қилган эдинг, ...бир неча туғилишлар давомида эришилиши мумкин. Эй, раббим, инсонларнинг туйғуларини камраб олувчи, лаззат нарсаларига интилишини енгиш кийин... Қандай қилиб хирс ва бошқа душманларни юз йилда ҳам енгиш мумкин?...Олтин асрда (kṛtayuga) инсонлар киска умр кўрганлар, эй Браҳма, кумуш асрда (tretāyuga) ҳам ва мис асрда (dvāparayuga) ҳам шундай бўлган; энди бошланган темир асрида (kaliyuga) уларнинг умрлари қанчалик киска? Эй раббим, энди марҳамат қилиб, туғилишлар уммонидан қандай қилиб ўтишни менга айт...». Бунга Браҳма бундай жавоб берди...: «Эй, ташки ёрдамга муҳтожлар! Кундузи ва кечаси курбонликлар билан, покизалик, макташлар ва бўйсунушлар, тавбалар ва браҳманларга меҳрибонликлар билан тўхтовсиз Нараянага ибодат қилинг... Бу билан тегишли маросимларни бажариб, бутун қалбингиз билан Кешавни (Вишну) улуғланг, унинг буюклиги ўлчаб бўлмасдир. Садоқатингиз Унга бўлсин, фикрингиз Унга қаратилсин, қалбингизни У билан тўлдилинг, У ҳамма жойда мавжудлигига ишонинг, барча ҳаракатларингизни Унга бағишланг... Кимки Жаганнатҳга (Вишнуга) имон келтирса», «халосликка эришади...» (Вишну-дҳармоттара, I, 34, 43–49, 51–56, 59).

<sup>190</sup> «Гита»да айтилган: «Овқатда ва ўзини тутишда меъёрга амал қилса, фаолияти ва ишларида ўртача йўл тутиб, бирор томонга ён босмаса, уйқуда ва ухлаганда ҳам мўътадил бўлганда йога бўлади, қайғу-аламини олиб кетади» (Бҳагавадгита, VI, 17).

<sup>191</sup> Шу иқтибосга бировз яқинлик ушбу мисраларда кўринади: «Ўзи учун пок жойни ясаб, жуда баланд бўлмасин, жуда паст ҳам бўлмасин, ниқоб билан копланган, кийикнинг териси билан ва куша ўти билан; ўша ерда қалбни [манас] бир нарсага тиркаб, фикр фаолиятини йога билан тийиб, покланиш учун... мен тўғримда ўйлаб, садоқат билан менга интилиб ўтирсин» (Бҳагавадгита, VI, 11, 12, 14). «...Лаззатланишлар, [ўзаро] сурканишдан келиб чиқади, бу бало-казонинг кучоги; булар ўткинчидир» [таъби] нурланган булардан севинмайди. «Кимки, илгарироқ танадан кутулиб, хирс ва ғазабдан келиб чиқувчи интилишдан ўзини тия олса, у садоқатли ва бахтли кишидир. Кимки ичи-ичидан бахтли хурсанд бўлса, кимки яна ичидан ёришса, у йогали бўлиб, Браҳманинг моҳиятига ва унинг нирванасига эришади» (VI 22–24). Иқтибоснинг охири ҳинд фалсафасида ниҳоятда муҳим бўлган *jīvantukta* доктринасига, яъни ҳаётлик давридаёқ холисликка эришиш мумкинлигига алоқадордир. (Deussen, S. 460, *Garbe*, 180).

<sup>192</sup> Бу иқтибосга ўхшаши асл нусхада йўқ. Тананинг «тўққиз дарвозаси» (*navadvāra*) ҳақида V.13-бобда айтилади: «Қалби билан ҳамма ишлардан юз ўгириб, бахтли ҳолда яшар мужассамлашган ҳоким тўққиз дарвозали шаҳардан, ҳеч қандай ҳаракат қилмайди ва ҳаракат қилишга мажбур қилмайди».

<sup>193</sup> Бу ерда жияна марга – билиш йўли (*Радҳакришнан*, I, с. 474) ёки Патанжалининг *vaigāya* си назарда тутилган кўринади.

<sup>194</sup> Асл нусхада бу иқтибосга ўхшаши йўқ.

<sup>195</sup> Билдирилган фикрларга уйғунликни «Бхагавадгита»да топамиз. Унинг XVI, 1–3-бобларида ахлокий мажбуриятлар ҳисоблаб келтирилган: «Ашъвий қурбонликлардан энг яхшиси донолик қурбонлиги, ҳаракат килувчи; барча ҳаракатлар тўлалигича... донолик билан қамранади... Буни билгандан кейин, сен энди бошқа адашиш [йўлига] тушмайсан... Нодон ва имонсиз, ичи тўла шубҳа, ҳалок бўлади; шубҳаланувчиларга бу дунё ҳам, у дунё ҳам йўқ, бахт ҳам йўқ» (IV, 33, 35, 40).

<sup>196</sup> «Бҳакти-марга» – Худони эъозлаш, уни севиш йўли, «Гита» танлаган йўл (Радҳакришнан, I, с. 477). Дасгупта (қаранг; юқорида 188-изоҳ) Патанжалининг *pranidhāna* си ўртасида параллел ўтказади (Йогасутра, I, 23).

<sup>197</sup> «Бхагавадгита»да биз бундай таърифни топмадик. Унинг XVII-3 бобида ахлокий вазибаларнинг ҳисоблаб кўрсатилиши келтирилган: кўркмаслик, рухий поклик, Ведаларни ўрганиш, интизомлилик, сафарбарлик, тўғрилиқ, куч ишлатмаслик (*ahunsa*), ҳақиқатгўйлик, ғазабдан йироқлик, бетарафлик, ҳаракатчанлик, муғамбирликнинг йўқлиги, жониворларга ҳамдардлик, очкўзликнинг йўқлиги, мулойимлик, камтаринлик, ишни бажаришда шошмаслик, руҳан олийжаноблик, сабртоқатлилик, жасурлик, поклик, аччиқланмаслик.

<sup>198</sup> Патанжалининг «Йогасутра»сида халос бўлишликнинг расаяна (*rasayana*, *rsāyin* – «дори узоқ яшаш эликсири») йўли ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Дасгуптанинг айтилишича, бу янги таълимнинг киритилишида энг сўнги даврдаги ведантик, тантрик ва шиваик қарашларнинг таъсири сезилади ва шу хулосага келадики, Беруний таржима қилган китобнинг муаллифи Нагаржунадан кейин яшаган (*Dasgupta. Yoga philosophy*, p. 63).

<sup>199</sup> Дасгуптанинг айтишига кўра, халосликнинг моҳияти ҳақида бу ерда баён қилинган қараш Патанжалининг таълимоти билан деярли мос келади ва «Йогасутра», II, 25 ва IV, 34 га ҳавола қилади. Лекин шуни таъкидлайдики, халосликнинг таърифини «Худо билан бирлашиш» деб қараш йога фалсафасига зид (*Dasgupta* ўша асар 61–62-б.) – бу ерда веданта ғоясининг аниқ таъсирини кўриш мумкин. «Патанжала» китобидан олинган иқтибосни «Йогасутра»нинг охири мисралари билан солиштирайлик: «Халослик (*kaivalya*) [келади, қачонки] гуналар («учта бирламчи куч»), сўз фаолиятининг сабабларидан маҳрум бўлиб, руҳан (*prigusa*) ўзининг аввалги ҳолатига қайтса; ёки [қачонки] онг имконияти ўзининг [Бошланғич] табиатида ўрнашиб қолса» (IV, 34).

<sup>200</sup> Бу ерда Гаудапада «Бҳашия»сидан ғализ таржима келтирилган: «Гарчи тўла билиш, яъни йигирма беш принципни билиш, эришилса-да, [ҳар ҳолда] бошланғич импульсининг кучи билан йогин танадаги яшашини давом эттиради. Қандай қилиб? Филдиракнинг айланишига ўхшаб; кўзача каби, доирасини айлантириб кўйиб, унга лой парчасини кўярди, кўзасини ясаб, уни олади, доирасини эса айлантириб кўйберади... Нега билимдан ўша пайтда мавжуд бўлган яхшилик ва ёмонлик ҳалол бўлмайди? Айнан ҳозирги пайтдан кейинги онда [улар] ҳалок бўлади ва билим ҳамма бўлажак қилинажакларни ёндиради, жумладан, инсон айнан шу пайт тана ҳолатида бажараётганларини ҳам... Бошланғич импульсининг тугаши билан тана ўлади ва ўшанда халослик [ҳукм суради]» (Гаудапада, 67).

<sup>201</sup> Тошбакага ўхшатишни «Бҳавадгита»да топамиз: «Ва агар у тошбакага ўхшаб, барча туйғуларини сезги жисмларидан тия олса, унинг онги тетикдир», (II, 58).

<sup>202</sup> Ҳаёт давомида халос бўлиш (кутулиш) ҳақидаги таълимот, Гарбенинг фикрига кўра, Қадимги Ҳиндистондаги кўпчилик фалсафий системалар учун характерли бўлиб, умумий ғоялар доирасига киради. (*Garbe*, S. 181).

<sup>203</sup> Заҳау «Йогасутра», III, 42, 44, 45 га ҳавола қилади, унда мукамал йогачининг гайритабиий имкониятлари, жумладан, танадан ташқарида ҳаракат қилдира олиши ва б. айтилади (*Sachau*. India, transl., II, p. 287).

<sup>204</sup> Курьон, 18 53. Заҳаунинг айтишига кўра, оятга сўфийлар берган тафсиф йога фалсафаси таълимотига тўла мос келади (*Sachau*. India, transl., II, p. 287–288).

<sup>205</sup> Бу иқтибос «Гаудапада»нинг «Санкция-карика»даги 45-шеърига келтирилган ушбу шарҳига мос келиши мумкин: «Агарда кимки зухдликка эришган бўлиб, лекин принципларни (*tattva*) билмаса, бу аввал билимга асосланган зухдлик табиатга сингиб кетади, ўлган саккиз унсурда... сингиб кетади, лекин бу билан у халосликка (*moksa*)» эришмайди... Шунингдек, шижоатли (*rajasa*) истак ҳам: «мен қурбонликлар қиламан, садақалар бераман, бу ерда, бу дунёда самовий ва инсоний эзгуликларга эришармиканман деган умидда»; бунда шижоатли истаклардан қайта тугилишлар дунёсидаги кезиб юришлар юз беради» (Гаудапада, 45).

<sup>206</sup> Иқтибос қилинаётган ҳикоя Гаудападанинг 30 шеърига шарҳда келтирилган масалнинг ёйиб келтирилган баёнидир (*Sachau*. India, transl., II, p. 288; *Garbe*, S. 64–65).

<sup>207</sup> Аммоний – бу ерда милодий V асрда яшаган юнон файласуфларининг Искандария мактаби вакили Аммоний, Гермин ўғли, назарда тутилаётган кўринади. Арабларда ҳам, Европада ҳам уни Аристотелнинг мушаррихи сифатида билишган. Унинг асарининг Пифагор, Эмпедокл ва Гераклитдан келтирилган иқтибосларини ўз ичига олган орфико-пифагореик таълимотни баён қилувчи асл нусхаси фанга номаълум.

<sup>208</sup> Заҳау бундай таржима қилган: «Empedocles and his successors as far as Heracles...» ва изоҳидаги тушунтиришида Геракл деб понтлик Гераклид назарда тутилган деган (*Sachau*. India, transl., I, p. 85; II, p. 288). Бироқ шубҳасизки, матнда Эмпедоклдан (мил. авв. 490–43) аввал ўтган олимлар назарда тутилган, аниқроғи, «ундан олдин ўтганлар» (ман тақаддамаҳу). Демак, Геракл деб ёдга олинган файласуф фақат эфеслик Гераклит (мил. авв. 530–470) бўлиши мумкин, лекин понтлик Гераклид эмас, чунки у мил. авв. IV асрда яшаган.

<sup>209</sup> «Федон», 79 Д: «– Аксинча, тадқиқ қилаётганда руҳ ўзлигича қолади, лекин у тозалик, абадият, ўлимсизлик, ўзгармаслик соҳасига олиб кетилмасмикан? У мана шуларнинг ҳаммасига қариндошлиги сабабли, ҳозирча ўзлигида қолишга қодир бўлиб, улар билан ҳамиша муносабатда эмасмикан? Бундай ҳолда руҳ кезишдан тўхтамасмикан? У ўзгармасликка эга бўлган нарсалар билан суркалишда бўлиб, ҳамиша ўзлигича қолармикан? Рухнинг ана шундай ҳолати фикрлаш деб аталмайди-ми?» (Творения Платона, I, с. 156).

<sup>210</sup> «Федон»дан иккинчи иқтибос уларнинг асл нусхадаги кетма-кетлиги ўзгартирилган бир неча парчадан тузилган. 80 В:

«– Энди, Кебет, – давом этади Сукрот, – биз айтганларнинг ҳаммасидан руҳ кўпроқ илоҳийликка, ўлмасликка, ақл бовар қила оладиган, бир жинсли, ўзича ҳар доим ўзгармас [нарсага] ўхшайди, деган хулоса келиб чикмайдими; тана эса фақатгина инсоний ўлимга маҳкум, ақл бовар қилмайдиган, бузилувчан, ўз-ўзида ҳамиша ўзгарувчандир».

80 А:

28.

«– Яна шунга эътибор беринг: ҳамонки, руҳ ва тана биргаликда мавжуд экан, табиат танага қулликда ва бўйсунишда бўлишни руҳга – ҳукм суриш ва бўйсундиришни буюради».

81 А-В:

«– Ана шундай бўла туриб, руҳ ўзига ўхшаш кўринмас, илоҳий, ўлмас, онгли жойга ўрнашиб олмайдами? Ўша ерга келганида уни роҳатланиш кутмайдами? У кезиб юришлардан, мулоҳазасизликдан, кўркувдан, ёввойи хирслардан ва бошқа инсоний разолатлардан холис бўлмайдами? Ва, одатда, мансабга кўтарилганлар ҳақида айтилганидек, у қолган барча вақтини илоҳлар билан ўтказмайдами? Айт-чи, Кебет, шундайми ёки шундай эмасми?»

– Ҳа, Зевс билан қасамёд қиламанки, шундай, – тасдиқлади Кебет.

30.

Аксинча, мен ўйлайманки, агар руҳ танадан ҳаром бўлгани ва ифлослиги сабабли, ажралса, чунки у доимо тана билан муносабатда бўлганлиги, унга хизмат қилгани, уни севгани, танага хос хирсларга эга бўлганлиги ва лаззатланганлиги, фақат тана кўринишига эга бўлганигина тан олганлиги, яъни қўл билан ушлаб кўришни, кўз билан кўришни, ичишни, ейишни ишқий ўйинларда фойдаланиш мумкинми, аксини тақозо қилади...» (Творения Платона, I, с. 157–159; юнонча матни: (*Sachau. India, transl., I, p. 288–289*).

<sup>211</sup> Иқтибос «Тимей»нинг §44 D сига тааллуқли бўлиши керак: «Оламнинг думалок шаклига ўхшатиб, иккала илоҳий даврани илоҳлар шарсимон танага боғладилар, биз буни энди бош деб атаймиз, – бу энг илоҳий қисм бўлиб, бошқа қолган барча қисмлари устидан ҳукмронлик қилади...» (Платон. Сочинения, VI, с. 414–415; юнонча матн: (*Sachau. India, transl., II, p. 279*; яна II бобнинг 20-изоҳига қаранг).

<sup>212</sup> Асл нусхада Аржунанинг саволи келтирилмаган. *Ашваттха* (*aśvattha, швт*) – ҳиндуистларнинг муқаддас дарахти (*Ficus religiosa*, баниян билан ҳамжинс. Ашваттханинг горизонтал шоҳларидан ҳавога илдизлар чиқаради. Кейинчалик улар ерга етиб, тана ташкил қилади. Натижада бош оғоч атрофида у билан туташган кичик бир ўрмон ҳосил бўлади. «Бҳагавадгита»да айтилган: «Илдизлари тепага, шоҳлари пастга қараган ашваттха туганмас ҳисобланади; гуналар – унинг барглари, кимки буни билса у Ведаларни билади. Унинг гуналардан ҳосил бўлган шоҳлари тепага ва пастга қарайди; [туйғулар] объектлари[унинг] ўсимталари; унинг илдизлари ҳам ерга интилади, буни инсонлардаги карма билан боғланади. Унинг на бундай шаклини, на охирини, на бошланиш жойини ва на таянчини топиб бўлмайди; бу ашваттханинг ўсиб кетган илдизларини ҳеч алоқасиз бақувват қилич билан кесиб ташлаб, шундай

янги йўлга интилиш керакки, унга тушиб, оркага бошқа қайтмайдилар...» (XV, 1–4). Экспертнинг фикрига кўра, бу сиймо «Катҳопанишад», VI, 1 дан олинган. Шанкаранинг ҳисоблашича, ашваттҳа бу ерда сансарани – қайта туғилишлар дунёсини сиймолаштиради (қаранг: *Смирнов*, с. 344).

<sup>213</sup> Л. Массиньон бу ердаги жумлалар машхур сўфий Мансур ал-Ҳалложга (ваф. 922) тегишли эканлигини аниқлаган, лекин Патанжали таълимотидан фарк қилади, чунки унда худога тўла айланиш ғояси билдирилган (*Massignon. Essai*, p. 97; *Massignon. La Passion*, p. 643, 787).

<sup>214</sup> Иккинчи номсиз иқтибос, Л. Массиньоннинг фикрига кўра, Ал-Ҳаллож доктринасидаги «Мен»ни худо билан бир деганни ифодалайди (*Massignon. Essai*, p. 97–98).

<sup>215</sup> Абу Бакр аш-Шиблий (861–945) – сунна мазҳабидаги сўфий, Ал-Ҳалложга яқин бўлган, асли келиб чиқиши Мовароуннаҳрдан бўлиб, Бағдодда яшаб, ўша ерда вафот этган. Унинг қисқа илтижолардан иборат адабий мероси сўфийлар нутқлари тўпламига кирган (EI, IV, S. 388). Аш-Шиблийнинг сўзларида Ал-Ҳалложнинг таъкиди акс этган (*Massignon. Essai*, p. 98).

<sup>216</sup> Абу Йазид ёки Бойазид ал-Бистамий (ваф. 260/874) – машхур сўфий, унинг тарки дунёчиликдан иборат ҳаёти тўғрисида кўп ривоятлар тўқилган. Эҳтимол, у биринчи бўлиб, хинд мистицизмни исломга киритувчилардан бўлган ва фоний дунё (нирвана) ҳақидаги таълимотни ҳам биринчи бўлиб киритган. (*Massignon. Essai*, p. 98, 273–286; *Horten M. Indische Strömungen in der islamischen Mystir. Heidelberg, 1927, S. 17–24; Massignon, La Passion*, p. 547; EI, I, S. 715).

<sup>217</sup> Куръони каримнинг, (2,73); бу оятида агар ўлдирилган одамни қурбонликка сўйилган сигирнинг бир парчаси билан урилса, у тирилиб, котилининг номини айтиб бериши ҳақида сўз боради.

<sup>218</sup> Юқорида сўз бошида айтганимиздек, Берунийнинг «Ҳиндистон» асари синчков муслмон олимнинг хиндлардаги илмий, маданий ва диний қарашларидан муваффақ бўлганларига танқидий қараб, баҳо беришдан иборат. Энди ушбу бетнинг охирида ислом дунёсига алоқадор бўлган тасаввуф вакиллари тўғрисида фикр юритаяпти. Бизнингча, у бу билан тасаввуф таълимотининг хинд фалсафасига алоқадорлигини кўрсатапти. Шу билан бирга ўз танқидий қарашларини уларга ҳам йўллаяпти. Бу тасодифий эмас. Беруний ушбу асарни ёзишидан анча аввал тасаввуф вакиллари танқид остига олган ва бу ерда эслатилган Ал-Ҳалложни ўзининг 1004 йилда ёзиб тугатилган «Ал-Осор ал-боқия» асарининг сохта пайғамбарларга бағишланган VIII бобида қаттиқ танқид остига олган (қаранг: *Абу Райхан Беруни. Памятники минувших поколений (Хронология)*. Издатель А. Ахмедов. – Ташкент, 2015, С. 302–303).

## VIII БОБ

<sup>219</sup> «Илоҳий [жинслар] саккиз хилдир: браҳманийлар (*Brahma, brāḥm*), пражатийлар (*Prājāratya, parjāpati*), Соманики (*Saṃyā, sūmī*), Индраники (*Aindra, āndr*), гандҳарники (*Gandharva, gandḥrb*), жакшаларники (*Yākṣa, jkṣi*), рақшасларники (*Rakṣasa, rākṣasya*), пишачларники (*Paicāsa, piṣach*). [Ўй] ҳайвонлари, ёввойи ҳайвонлар, қушлар, судралиб юрувчилар ва ўсимликлар бешта судралувчи [мавжу-

дотларни] ташкил қилади. Инсоният – битта жинсни ташкил қилади. Жами ўн тур мавжудотлар бор, улар уч оламда учта гунани ташкил қилади ...» (Гаудапада, 53). Беруний келтирган санаб кўрсатиш рўйхати асл нусха рўйхатига айнан мос келади (Aindra тўртинчи ўриндан иккинчига кўйилгани мустасно).

<sup>220</sup> «Санкхия»дан олинган иккала иқтибос ҳам Захау томонидан идентификация қилинган (*Sachau. India, transl., II, p. 290*). Захау иккинчи ҳолда «Гаудапада – бҳашия», 44 га ҳавола қилади; лекин бу матнда ҳам ҳисоблаб кўрсатиш шарҳдаги тартибга тўғри келади; учинчи ўринда Сом кўрсатилган, «питаралар» эса (*Pitarah, ntp*) кўрсатилмаган. *Pitarah* (кўпликада, бирлиги *pitṛ*) – «аждодлар»; аждодларга сизиниш Ҳиндистонда қадимдан одат бўлган.

<sup>221</sup> Захау «Бҳагавадгита»нинг 14- ва 17-бобларида ҳавола қилган. «Улардан (яъни, учта гунадан – «бирламчи кучлардан») саттва – аниқ, бақувват, ўзининг кирчил эмаслиги сабабли бахт ва билим ришталари билан боғлайди ... Ражас табиатан хирсли, шахват ва сурканишдан юзага келади; у ҳаракат ришталари билан боғлайди ... Тамас билимсизликдан юзага келади; у барча сафарбар бўлганларни адаштиради, бепарволик, ўтмаслик, уйқу ғафлати билан боғлайди ...» (XIV, 6–8). «Саттвачилар худоларга қурбонликлар келтирадилар, хирсликлар (*rājasāh*) – жакша-ракшасларга, қолганлари зулмат (*tāmasāh*) одамлари – ўликларга (*pretān*) ва кўп бҳутларга қурбонликлар келтирадилар» (XVIII, 4). Жакшалар ва рақшаслар ҳақида кўйида 8- ва 9-изоҳларга қаранг. «Малаклар» – қаранг: 5-изоҳ. Бҳутлар (*bhūta, бҳўт*) ҳинд мифологиясида – ўлганларнинг руҳлари, одатда баджаҳл, мазорларда (ўликлар ёндирилган жойларда) ва одамсиз жойларда бўладилар. Пишачалар (*piçasa, пйшач*) – ёмон руҳлар, қадимги ҳиндларнинг тасаввурича, – энг жирканч ва инсонга душман мавжудотлар. Преталар (*preta, прўт*) – ёмон руҳлар, шайтонлар, ёмон одамларнинг руҳлари, бҳутлар каби ўликларда ва уларнинг атрофларида ўрнашиб оладилар.

<sup>222</sup> «Бҳагавадгита» XVI бобининг бошида (1–3) «илоҳий ҳаётга туғилганларнинг» фазилатлари (*daivi*) ҳисоблаб кўрсатилган; «асурлар (*āsuri*) ҳаётига туғилганларнинг» нуқсонлари уларга қарама-қарши кўйилади. «Асурий одамлар» (*āsuraḥ*) «... айтадиларки, [кечувчи] дунё ҳақиқатсиз, асоссиз, Ишварасиз; сабаблар ва хулосалар натижасида юзага келмаган ... Шу қарашларга ўрнашиб қолиб, ўз-ўзларини ҳалок қилувчи, нодонлар, улар зараркунандалар бўлиб туғилдилар, кечувчи дунёни ҳалок қилдилар, зарар келтирадилар» (XVII, 8–9). Асурлар (*asura, асур*) ҳинд мифологиясида – шайтонлар, ёмонликни бошловчилар. Худолар ва асурлар ўртасидаги кураш мавзуси бутун ведик мифология бўйлаб кечади. Дева ва рақшаса ҳақида кўйида 223-ва 227-изоҳларга қаранг.

<sup>223</sup> Дева (*deva, дўв*) – Беруний малā'ика, яъни «малаклар», «фаришталар» деб таржима қилаётган сўз – «худо эмаслар», ведик мифологиядаги илоҳлар. Уларнинг мавжудлик соҳаси – шарқ, «Шатапахта-браҳмане»га кўра (қаранг: *Kirfel, S. 8*), Беруний ҳиндлардаги ибора дева – «худо» билан форслардаги дев – «ёмон малак» (санскр, *deva*, авеста. *Daēheha*) келиб чиқиши бир дейиши тўғри. Аммо унинг тушунтириш усулини жуда ҳам тўғри деб бўлмайди. Ҳиндларда дева илк буддавийликда муҳим роль ўйнамаган, чунки бу дунёқараш у пайтда атеистик характерга эга бўлган. Зо-роастризм ҳақиқатан ҳам халқ орасида баъзи қадимги илоҳларга ибодат қилишни

коралаган (қаранг: ERE, VII, p. 419). Лекин ҳиндлар билан эронийлар орасидаги иборга маъно бериш бошқа сабабларга кўра ўзгарган.

<sup>224</sup> Дайтия (*daitya*, *дайтиа*) ва данава (*dānava*, *данава*) – ҳинд мифологиясида ажиналар, улканлар. Дайтиялар – Дити маъбуданинг ўғиллари – ёмон улканлар, илоҳларнинг душманлари, қурбонлик келтиришларни бузувчилар. Данавалар (Данунинг ўғиллари) – уларнинг илоҳлар билан урушларда доимий иттифокдошлари. Бериш нега уларни жанубий ўлкага, яъни ҳиндларнинг тасаввурига кўра, аждодларга (*pitaraḥ*) тегишли бўлган ерларга жойлаштираётганлиги тушунарли эмас.

<sup>225</sup> Гандҳарвлар (*gandharva*, *гандҳарб*) – ҳинд мифологиясида сеҳрли мавжудотлар синфи, самовий ашулачилар, мусикачилар, илоҳларнинг (*deva*) базмларида косагуллар. Апсарлар (*apsaras*, *āncrc*) – самовий гўзаллар, гандҳарвларнинг маъшуқалари; хирсни кўзгатувчи фаришталар, илоҳлар ва ўлимга маҳкумларнинг кўнгилларини олувчилар.

<sup>226</sup> Жакшалар (*yakṣa*, *жаки*) – бойликлар маъбуди Куберанинг хизматкорлари, унинг бойликларини сақловчилар (қуйида 223-изоҳга қаранг).

<sup>227</sup> Ракшаслар (*rākṣasa*, *рākшс*) – демоник мавжудотлар синфи; қадимги афсоналарда баджаҳл улкан одамхўрлар кўринишида тасвирланган.

<sup>228</sup> Киннарлар (*kinnaṛa*, *киннр*) – одам танали ва отбошли афсонавий махлуқлар; самовий куйчи ва мусикачилар.

<sup>229</sup> Нагалар (*nāga*, *нāг* – «илон, кобра») – ҳинд мифологиясида – ғайритабиий кучга эга махлуқлар, одам-илонлар, ерости подшолигида яшовчилар.

<sup>230</sup> Видиядҳаралар (*vidyādharma*, *виддāзар*) – қуйи синф илоҳлар, осмон ва ер оралигидаги сфераларда яшовчилар, одатда инсонларга нисбатан хайрихоҳлар. Герман мифологиясидаги эльфларни эслатади.

<sup>231</sup> Пражапати (*Prajāpati*, *пржāпт*, яъни: «Махлуқлар Эгаси») – бу исм Ведаларда кўплаб илоҳларга нисбатан энг бошлиқ илоҳнинг исми сифатида қўлланилади; лекин кейинчалик («Ману қонунлари» ва б.). Пражапатини Брахма билан айнанлаштирилади.

<sup>232</sup> Индра (*Indra*, *индр*) – ведик пантеондаги ҳаво маъбуди, ведик даврдаги энг эътиборли маъбуд ҳисобланади; кейинчалик ўз ўрнини ҳинд учлигига бўшатиб берди (қуйида 247-изоҳга қаранг). Самовий подшоликнинг эгаси, маъбудларнинг подшоси.

<sup>233</sup> Қаранг: «Бҳагавадгита», XVII, 4.

<sup>234</sup> Ҳақиқатан ҳам, ҳинд мифологиясида жакшалар кўпинча яхши руҳлар (*ṛiṣya-jana*) бўлиб чиқади, лекин баъзан демоник махлуқларга қўшиладилар.

<sup>235</sup> Кўти (*koṭi*, *кўртӣ*) – ўн миллион. Илк бор, ведик замонларда илоҳларнинг умумий сони 33 та ҳисобланарди. Маҳадеванинг (Шива) мазкур рақам билан боғлиқ лақаби ҳақида бизда маълумот йўқ.

<sup>236</sup> Нандикешвара (*Nandikeśvara*, *нандкишфр*, 3 – *нидкӣшфр*) – Шиванинг хизматкорларидан бири; «Хариванше»да (Маҳабҳарата, 10783) ёдга олинади.

<sup>237</sup> Наҳуша (*Nahuṣa*, *наҳуш*), Аюснинг ўғли; Шамсий сулоладан қадимги подшоҳ. Ривоятларга кўра, Наҳуша Индранинг рафиқаси Индранинг севгисига эришишга ошиқиб юрган, у пайтда бу илоҳ браҳманни ўлдириб қўйиб, бекиниб юрган эди. Наҳуша осмонларга кўтарилаётганида, оёғи билан буюк ҳоким Агастияга тегиб ке-

гади, шунинг учун Агастия уни ерга улоктириб, илонга айлантириб қўяди (қаранг: Махабхарата, Удьога-парва, 10–16-боблар; Вана-парва, 180-боб ва б.). «Брахман» деб Беруний кимни назарда тутгани номаълум.

<sup>238</sup> *Риши* (*ṛṣi, rāṣi*) – муқалдас ҳақимлар. Ведик адабиётда шоир-ҳақимларни шундай аталган, уларнинг ёзган мадҳиялари Ведаларни ташкил қилган. Ришилар – қудратли коҳинлар ва таркидунёчилар, қадимги ҳинд адабиётида муҳим аҳамият касб этадилар.

<sup>239</sup> *Сиддха* (*siddha, sidd*) – «муқаммал» – авлиё, пайғамбар; ҳақим, мажусликдан хабардор ва ғайритабиий қобилиятларга эга бўлган.

<sup>240</sup> *Муни* (*muni, muni*) – «илҳомланган» – авлиё ҳақим, таркидунёчи.

<sup>241</sup> *Брахмарши* (*brahmarṣi, браҳиращи*) – доно браҳман; авлиё ҳақимларнинг поғоналаридан бири, ражаршилар (қаранг: куйида), маҳаршилар – «бууюк доно», де-варшилар – «илохий доно» – ҳам улар тоифасидан.

<sup>242</sup> *Кшатрия* (*kṣatriya, кшатир*) – браҳманлардан кейинги иккинчи асосий каста (варна), ҳарбий зодагонлар кастаси.

<sup>243</sup> *Ражарши* (*rājarsi ражраши*) – «донолик подшоси», яъни келиб чиқиши бўйича подшолардан бўлган авлиё ҳақим.

<sup>244</sup> Билимли коҳинларнинг илоҳлардан юқори туриш ғояси сўнгги ведик даврга тўғри келади; бу қадимги ҳинд адабиётида катта имтиёзларга эга.

<sup>245</sup> Нараяна (*Narāyaṇa, нāрайин*) бу ерда: ҳиндуистик учликни сакловчи-маъбудиди, Вишнунинг исмларидан бири.

<sup>246</sup> Махадева, Шанкара (*Ṣamkara, шангар, 3 – шмкр*), Рудра (*Rudra, рудру*) – маъбуд Шиванинг исмларидан бири, у табиатнинг бузғунчи кучларини ўзида мужассамлаштирган ҳисобланади. Ведик мифологияда Рудра – бўронлар илоҳи, кейинчалик ҳиндуий динида Шива.

<sup>247</sup> Ҳиндуий учламчи илоҳларини учта «бирламчи куч», яъни гуналар билан айнанлаштириш пураналар таълимотида кўринади. «Матсия-пурана»да учта илоҳ билан маҳатни (юқорида, III бобнинг 99-изоҳига қаранг) айнанлаштирилади; учта гунанинг таъсири остида маҳат, яъни бу ерда Беруний эслаётган «мутлак материя» учта илоҳ: Браҳма, Вишну, Махешвара сифатида намоён бўлади, гарчи улар учта индивидуал мавжудот бўлсалар-да, шу вақтнинг ўзида битта илоҳни ташкил қиладилар (*Colebrook, I, p. 254; Farquhar J.N. Religious literature of India, Oxford, 1920, p. 149*). Беруний баёни мазкур «Матсия-пурана» таълимотини тўла акс эттиради. Уччасини Вишну исми остида бирлаштириш вишнуизм таълимотига хосдир («Матсия» асосий вишнуистик пураналардан биридир).

<sup>248</sup> Матнда: мубаҳ (ҳалол) ва махзур (харом) – шариат мажбур деганлиги даражасини кўрсатувчи иборалар (*Шмидт А.Э. Очерки истории ислама как религии, «Мир ислама», Т. I, Спб., с. 1912, С. 199*).

<sup>249</sup> Захау Галеннинг «Нутқлар китоби»дан (Китаб ал-майāмир) олинган иқтибосларнинг юнонча оригиналлари келтирган (*Sachau. India, transl., II, p. 291*).

<sup>250</sup> Филон – юнон табиби, Тарсдан, император Августнинг (мил. авв. I а. – мил. I а.) замондоши.

<sup>251</sup> Мисқāl – оғирлик ўлчами, тах. 4, 24 граммга тенг.



<sup>252</sup> Диктавун – юнон мифологиясида бир ғорнинг номи.

<sup>253</sup> «Машҳур тарих китоблари» деб Беруний Евсевийнинг (тах. 264–340) хроникасини назарда тутди. Бу асарда энг қадимги муаррихлардан то муаллиф давригача ўтган юнон ва бошқа халқлар тарихчиларининг асарларидан парчалар ва уларни солиштириш учун синхронистик жадваллар ҳам келтирилган.

<sup>254</sup> Европа – юнон мифологиясига кўра, Финикия подшоҳи Агенорнинг ёки Фойникнинг қизи.

<sup>255</sup> Бу ерда Сино яримролидаги саҳро назарда тутилади.

<sup>256</sup> Диоснинг – Зевснинг иккинчи номи, буни биринчи номининг юнон грамматикасида қаратқич келишиги ҳам дейилади.

<sup>257</sup> Македониялик Александр (мил. авв. 336–323) – Искандар Зулқарнайн – ҳақидаги ҳикоялар (романлар) асосан Шарқ мамлакатларида тарқалган бўлиб, улар гайритарихий асар, Искандарнинг сарой муаррихи Каллисфенга тегишли деб ҳисобланади. Беруний баёнидаги иқтибосларни Заҳау Псевдо-Каллисфеннинг юнонча асл нусхасидан олиб келтирган (*Sachau. India, transl., II, p. 291*). Афсонавий тарихий воқеаларнинг иштирокчилари – ҳақиқий тарихий шахслар, улар: фиръавн Некта-неб II (мил. авв. 359–341), аҳамоний подшоҳ Артахшас III Ўх (мил. авв. 358–338) ва Филипп II (мил. авв. 336).

<sup>258</sup> Заҳаунинг таъкидлашига кўра, Галеннинг «Китаб ал-бурҳон» («Исботлар китоби») асари сақланмаган (*Sachau. India, transl., II, p. 292*).

<sup>258</sup> Арат (мил. авв. III а. 1-ярми) – Пелладаги македон подшоҳларининг сарой шоири. Унинг астрономик асари «Зоҳирот», гексаметр вазнида ёзилган бўлиб, фақат унинг парчаларигина сақланган. Заҳау Беруний таржималарига мос келувчи парчаларнинг юнонча аслини келтирган (*Sachau. India, transl., II, p. 292*).

<sup>259</sup> Бу ерда Беруний «руҳонийлар» деб музаларни назарда тутган.

<sup>260</sup> Кратес ёки Кратет – афиналик актёр ва комедиялар муаллифи, мил. авв. 470 йиллар атрофида яшаган.

<sup>261</sup> Арат «Зоҳирот»ининг лотинча таржимасига келтирилган шарҳнинг Беруний иқтибосига мосини Заҳау келтирган. Шунингдек, у Гомер «Илиада»сидан олинган иқтибоснинг асл юнончасини аниқлади («Илиада», XIX, 357):

«Худди қалин қор парчаларидек Зевсдан учиб келади». С.А. Жебелев яна «Иллиада», XII, 278–279 ни ҳам солиштиришни таклиф қилган:

«Худди қордек, йирик парчалари ерга тушар,  
Қиш пайтларида тулуъ қилар Кронион чакмоқ етар».

Берунийнинг Гомерга алоқаси ҳақида И.Ю. Крачковский ҳам ёзган (қаранг: *Sachau. India, transl., II, p. 492*; Крачковский И.Ю. Избр. соч.-я, II, С. 585).

## IX БОБ

<sup>263</sup> Сосонийлар сулоласининг асосчиси Ардашир Бобак ўғли – Ардашир Попакон (226–241) – қадимги Эрон жамиятининг табақалар тизимини мукаммаллаштириш соҳасидаги ислохотлари ҳақида бу ерда келтирилган маълумот «Тансарнинг мактуби» номли асарнинг тегишли қисмини Беруний томонидан эркин баён қилаётганлигини

кўрсатади. У бу асарнинг арабча таржимасидан фойдаланган бўлиши мумкин (қаранг: куйида Х бобга 15-изоҳ; яна: *Darmsteter*, p. 517–518; *Seyyed Taghi Hasr. Essai sur L’Histoire du Droit Persan a L’Epoque des Sassanides*, Paris, 1932, p. 167–175).

<sup>264</sup> Варна (*varna*, *барну*) – «ранг». Қадимги Ҳиндистонда варналар деб тўрт асосий каста ёки табақага айтиларди. Бу ибораларнинг келиб чиқишини қадимги ҳинд жамиятининг ирк бўйича табақаланиши, яъни оқ рангли келгинди орийлар билан маҳаллий қораларга ажратиш билан боғланади (қаранг: *Muir*, I, p. 176); бундай қарашдан бошқача ёндашишлар ҳам мавжуд.

<sup>265</sup> Жатака (*jātaka*, *жāтаку*, «туғилган»), ўрта асрларда *jāti* (шу ўзакдан *jan* – «туғдирмоқ») сўзи билан «*varṇa*», яъни «каста» сўзи ўрнига ишлатилган ибора.

<sup>266</sup> Шу ерда матнда кичик сукут бор, биз уни Захауга кўра тиклаймиз (*Sachau. India*, transl., I, p. 101, 3–4; II, p. 293).

<sup>267</sup> Тўрт варннинг Брахма танасидан келиб чиқиши ҳақидаги миф – брахманларни унинг лабларидан, кшатрийларни – қўлларидан, вайшияларни (*vaīśya*, *байш*) – сонларидан, шудраларни (*śūdra*, *шўдар*) – оёқларидан: бу ҳақида «Ману қонунлари» (I, 87) ва бошқа манбаларда ҳам айtilган. Бу Ведаларга бориб такалади, уларда оламни яратилгани ва тўрт варнни биринчи яратилган инсон – Прушанинг танасидан ясалгани айtilган (Ригведа, X, 90, 1).

<sup>268</sup> Антыяжа (*antyaḥa*, *антазу*) Қадимги Ҳиндистонда – еттита энг қуйи касталардан бирининг вакили (*Monier-Williams*, p. 44): кир ювувчилар, кўнчилар, мимиклар, сават тўкувчилар (*varuḍa*), балиқчилар, медлар (*meda* – бекорчилар), тоғликлар (ёки ўрмонларда яшовчилар). Куйида Беруний уларни эслайди.

<sup>269</sup> Захау Кольбрукка (*Essais*, II, p. 169) ҳавола қилиб, у хади (*hādi*, *хādū*) ва дома ёки домба (*ḍomba*, *двт*) эслатилганини айтган. Хади, балки, бу луғатларда эслатилган *Ṛadika* – хизматкорлар бўлса, эҳтимол. Дома – куйчилар ва мусиқачилар кастаси. Чандаллар (*caṇḍala*, *чидāl*) – аралашган касталардан энг пасти ва манфури, ота-шудра ва она-брахманнинг боласи. Бадҳатава (*badḥataḥa*) ҳақида Захау уларнинг Кольбрук ишлатган бедия’нинг айнан ўзи бўлиши керак деган (*Sachau. India*, transl., II, p. 293). Берунийнинг тавсифига кўра, бадҳатавалар швапака кастасига яқин бўлган.

<sup>270</sup> Иштин (*iṣṭin*, *айштинхй*, 3 – *йштинхй*) – кохин, (овкат) бериб қурбонлик қилади.

<sup>271</sup> Агнихотрин (*agnihotrin*, *агинхўтрй*) – агнихатра маросимида олов ёқиб турувчи – бу қурбонлик олов маъбуди Агнига қилинади.

<sup>272</sup> Дикшита (*dīkṣita*, *дйкшит*) – *дикша* (бағишлаш) маросимни олиб боровчи кохин.

<sup>273</sup> «Осойишталик, ўзини тута билиш, камтаринлик, сабрлилик, билимни амалга ошириш, имон-браминларнинг мажбуриятлари ... Жасорат, салобат, сабот, истегдод, жангда қаҳрамонлик, сахийлик, олийжаноблик – кшатрийларнинг вазифаси ... Дехкончилик, чорвадорлик, савдогарлик – вайшияларнинг вазифаси ... Хизматкорлик иши – шудраларнинг вазифаси ... Ўзининг вазифасидан қаноатланган киши, камолотга эришади ... Ёки, ундан барча махлуқотлар келиб чикқан, у томонидан олам ёйилган, ўз кармаси билан ардоқлаб, онгли камолотга эришади. Ўзининг энг яхши кармаси, камтуклик билан бажарилгани, бегонанинг кармасига нисбатан, яхши бажарил-

ган; ўз табиати лозим топган кармани бажараётган гуноҳ қилмайди» (Бҳагавадгита, XVIII, 42–47).

<sup>274</sup> «... Кшатрий учун адолатли урушдан яхши нарса йўқ... Агар сен бу адолатли жангга кирмасанг, у ҳолда ўз вазифанг ва виждонингга хилоф қилиб, ўзингга гуноҳ оласан. Ва ҳамма сенинг абадий виждонсизлигинг ҳақида сўзлайди, шарафли киши учун виждонсизлик ўлимдан огирдир. Буюк баҳодирлар сени кўрқоклигинг сабабли жангдан қочди деб ўйлайди; илгари улар учун шарафли бўлган, сен энди жирканч бўласан. ... Ўлдирмаганингда, сен осмонга насиб бўласан, тирикликда, ерда роҳатланасан ... Бахтлилик ва бахтсизлиكنинг, муваффақият ва муваффақиятсизлиكنинг, ғалаба ва мағлубиятнинг тенглигини тан олиб, гуноҳга тушмаслик учун, энди жангга ҳозирлан» («Бҳагавадгита» II, 31, 33–35, 37, 38).

<sup>275</sup> Юқоридаги изоҳга қаранг. «Халос бўлиш истисносиз ҳамма учун ҳослиги ҳақидаги фикр кўпроқ санкхья таълимотига характерлидир; шунга зид ўларок веданта муаллифлари одатда таъкидлайдиларки, шудралар учун Ведаларни ва фалсафани ўрганиш тақиқланган» (*Garbe*, S. 139).

<sup>276</sup> Захау «Бҳагавадгита» IX, 32, 33 га ҳавола қилади (*Sachau*. India, transl., II, p. 293): «... Мен, Партханинг, хузурумда бошпана изловчилар, гарчи келиб чиқишлари номаълум бўлса-да; аёллар, вайшиялар, ҳатто шудралар, олий йўлдан бораётирлар. Айниқса пок браминлар, аслзода шахзода ришилар...». Ўша бобнинг юқорида яна бир ўхшашликни топамиз: «Ҳатто жуда ёмон иш қилаётган ҳам, менга ибодат қилаётган бўлса, ... уни имонли деб караш мумкин...» (IX, 30). Шуниси диққатга сазоворки, Беруний Васудева-Кришнанинг келиб чиқиши паст эканлигини қаердан излаб топган. Эпик адабиётда Кришна – олий илоҳнинг ердаги мужассамлашгани – кшатрий сифатида Ядавлар уруғидан намоён бўлади. Бироқ кўп ҳикояларда, айниқса, Кришнанинг болалик чоғлари ҳақидаги ҳикояларда, бу қахрамоннинг авом халқдан келиб чиққанлиги таъкидланади.

## Х БОБ

<sup>277</sup> Минос – Крит оролининг ривоятлардаги подшоҳи, Зевснинг ўғли ҳисобланган, фанда у яшаган давр деб мил. авв. XIII аср иккинчи ярми ҳисобланади. Агар Мусо алайҳиссаломнинг Мисрдан чиқиш вақти милоддан 1400 йилча илгари бўлганини эътиборга олсак, Миноснинг Мусодан, Беруний айтишича, «икки юз йил кейин» бўлгани ҳақиқатга яқинлиги кўринади. Лекин у фойдаланган манбада Крит подшоҳини ҳам Минос, ҳам Мианос дейиши чалкашликни келтириб чиқарган.

<sup>278</sup> Куруш (мил. авв. 555–529) – Қадимги Эрон Ахамонийлар (мил. авв. 555–329) подшоҳлиги сулоласининг асосчиси, Европада Кир номи билан машҳур. Доро I (мил. авв. 522–489) унинг амакисининг ўғли.

<sup>279</sup> Нума Помпилий (мил. авв. VIII а. охири – мил. авв. VII а. боши) – Қадимги римнинг ярим афсонавий подшоҳи.

<sup>280</sup> Захау Евсевий «Хроника»сида шу ерда айтилганларга яқин иқтибосни келтирган (*Sachau*. India, transl., II, p. 294).

<sup>281</sup> Куйидагини солиштиринг: «*Афиналик*. Худоми ёки одамлардан ким, эй мусофирлар, сизнинг қонунларингизнинг сабабчиси эди?

*Клиний*. Худо, эй бегона, Худо, ростини айтсам сенга. Бизда у, Зевс, македонияликларда эса, Мегилл ўша ердан келган эди, – менимча, улар Аполлонни атайдилар. Шундай эмасми?» (Творения Платона, XIII, книга первая, 1, С. 2).

<sup>282</sup> Солиштиринг: «*Афиналик*. Менимча, илоҳиёна давлат тузуми ҳақида суҳбатлашаётганда, яъни қонун чиқарувчи, қонунларни ўрнатаётиб, хайрликнинг фақат бир тарафини, яъни энг арзимасини ўйламаган, балки хайрликнинг барча тарафини ўйлаган деб таъкидлаш ҳаққоний ва адолатлидир ... Чунки айнан шу хайрликдан бошлаш керак ва қонун чиқарувчи ўз қонунларини айнан шунинг учун чиқарган деб таъкидлаш тўғри бўлади» (Творения Платона, XIII, книга первая, 6, С. 25).

<sup>283</sup> Солиштиринг: «*Афиналик*. Мана бундай дейиш керак эди: Крит қонунлари, мусофир, бекоргаём барча эллинлар орасида шуҳрат қозонган эмас. Улар ҳаққонийдир, чунки улардан фойдаланувчиларни бахтли қилиб, барча яхшиликларни эҳсон қилади. Яхшиликлар икки хилдир: бири инсоний, бошқалари илоҳийдир. Биринчилари илоҳийларига боғлиқ» (Творения Платона, XIII, книга первая, 6, С. 25).

<sup>284</sup> Солиштиринг: «*Афиналик*. ...Шунинг учун илоҳлар, меҳнат учун яратилган, инсоният уруғига раҳм қилиб, уларнинг дам олишлари учун мослаб, илоҳий байрамлар жорий қилдилар: Музаларни ҳадя қилдилар, Аполлонни, уларнинг бошлиқларини ва Дионисни ...» (Творения Платона, XIII, книга первая, С. 52). Беруний иктибосининг охири асл нусхасига тўғри келмайди.

Яна қуйироқда: «... Ўша биз эслатган илоҳлар, улар бизлар учун юборилган, ўйинларимиз ва рақсларимизда иштирок этиш, мусиқа оҳангларига мослаштириш учун» (ўша ерда).

<sup>285</sup> Нараяна, яъни Вишну, олий илоҳ, ҳиндуизм таълимотига кўра, у ҳар доим, қачонки қонунсизлик ҳаддан ташқари ривожланиб, ҳалокат юзага келган ва худонинг аралашishi керак бўлган пайтда пайдо бўлган. Вишнунинг шунақа ерга «тушиши» (*avatāra*) тўққиз марта бўлган деб ҳисобланади.

<sup>286</sup> Ҳақиқатан ҳам, Ведаларда сигир гўштини ейиш ҳаромга чиқарилиб, ман қилингани бўлмаган.

<sup>287</sup> Шантану (*Śāntanu*, *шантан*), Қамарий сулоланинг афсонавий подшоҳи, у Пандунинг отаси эмас, бобоси ҳисобланган (*Rāṇḍu*, *nāṇḍay*). «Махабҳарата»нинг биринчи китобида унинг авлодларининг тарихи келтирилган. Шантунинг катта ўғли – Бҳишма – уйланмасликка қасамёд қилган. Шантанунинг икки кейинги ўғлидан бири болалик чоғидаёқ ҳалок бўлган, иккинчи – Вичитвирия – фарзанд кўрмай, иккита ёш хотинни тул қолдириб, вафот этган. Буюк ҳаким Вияса, Вичитвириянинг тул хотинидан бола туғдириши учун чақирилади. Вияса ниҳоятда бадбашаралиги билан кўзга ташланарди. Шу сабабли, Вияса икки тул хотиндан каттасининг олдига кирганида, у даҳшатдан кўзини юмади ўғли Дҳритараштра (*Dhṛtarāṣṭra*, *дритраштар*) кўр бўлиб туғилади. Иккинчи хотин, Виясани кўрганида кўркувдан ранги оқариб кетади; у рангида қони қочган ўғил туғади, унга Панду, яъни «қони қочган, сарик», – деб ном қўйилади. Учинчи ўғил – Видурани эса чўри қиз дунёга келтиради.

<sup>288</sup> «Маҳабхарата»да ҳикоя қилинишича, бешта қаҳрамон пандавларнинг (Пандунинг ўғилларининг) битта умумий хотини бўлган. Бу аёл Драупади (беш пандавнинг хотини) ҳақидаги ривоят Ҳиндистонда узок ўтмишда полиандрия – кўп эрлилик асосий қонуний никоҳ шакли бўлгани ҳақида сақланган саркит ҳисобланади.

<sup>289</sup> Виясанинг туғилиш тарихи «Маҳабхарата»нинг биринчи китобида (57-60б) баён қилинади. «Кемачининг қизи» Сатиявати, ҳинд ривоятларига кўра, подшоҳ Васу билан апсара Адриканинг қизи бўлган ва у ота-онаси томонидан ташлаб кетилган. Балиқчининг асранди қизи Сатиявати одамларни қайиқда Ямуна (ҳозирги Жамна) дарёсидан ўтказиб қўйиш билан шуғулланган. Бу ерда авлиё дарвеш Парашара қизни кўриб қолиб, уни севиб қолади. Қиз билан одамларнинг кўзидан бекиниш мақсадида Парашара дарёнинг нариги бетида қалин булут ҳосил қилади. Кейинчалик Сатиявати унга бир ўғил туғиб беради. Боланинг исмини Вияса ёки Двайпаяна («оролда туғилган») деб қўядилар.

<sup>290</sup> Панҷхир – ҳозир Афғонистоннинг шарқидаги Панжшер ўлкаси, у ернинг аҳолиси XX аср ўргаларигача кофир бўлган ва оила, никоҳ масалаларида уларда кўпгина тартибсизликлар бўлган.

<sup>291</sup> «Таврот», Иккинчи қонун, 25-бет, 5–6-оятлар.

<sup>292</sup> Йабҳом ёки Йабом – йаҳудийча амакивачча. Йабёли – Pi.imp. ўлган эрнинг (укаси)га турмушга чиқиш демакдир. Бу феълнинг илдизи аниқланмаган (Lexicon in veteris Testamenti Libros, ed. Ludwig Koehler, Leiden, 1953, p. 359; Encyclopedia Biblica, Ed., Institutum Bialic, Hierosolymis, MCMLVIII, p. 444).

<sup>293</sup> Қўлёзма матнида: *бршвārgrshāx*; Заҳау бу атаманинг ўкилишини Падашвāгир – шāх шаклида тузатиб, уни Падавāрнинг ёки Табаристоннинг шоҳи деб тушуниш кераклигини айтган (*Sachau. India, transl., II, p. 295*). Бироқ шуни айтиш керакки, Падатвāгар (пахлавийча *Patash-khwar*) атамаси бутун Табаристонга эмас, фақат унинг жанубидаги тоғ тизмасига алоқадордир. «Тансар мактуби»да шу илоҳнинг исми – Жашнасф ва унвони – «Фаршвādгар ва Табаристоннинг шоҳи» (*Darmsteter, p. 507*) келтирилган.

<sup>294</sup> Хербед – зардуштий коҳин; хербедāн хербед – олий коҳин, Тансарнинг унвони (қаранг: *Darmsteter, p. 507*).

<sup>295</sup> Арабча матндаги китāб сўзини фақатгина «китоб» маъносида эмас, балки «мактуб» деб тушунса ҳам бўлади. «Мактуб» муаллифи исмининг Берунийдаги ёзилиши Тйсар унинг пахлавий тилидаги исми Тōсар бўлганлигини айнан акс эттириш экани кўрсатилган (қаранг: *Boyce M. The Indian Fables in the Letter of Tansar, «Asia Major», New series, v. V, part I, p. 50*). Сосонийлар даврига тааллуқли, фанда «Тансар мактуби» номи билан машҳур бўлган манбани араб ва эрон анъанаси Ардашир Попакон номи билан боғлайди, лекин ҳозирги замон тадқиқотчиларининг фикрига кўра, бу манба Хусрав Анушервон (531–579) даврига тааллуқлидир (*Boyce M. ўша китоб, 53-б.*). «Тансар мактуби»нинг Абдуллоҳ ибн ал-Муқаффаъ бажарган арабча таржимаси сақланмаган, уни қатор арабийнавис муаллифлар эслатади. Лекин ундан иқтибосни фақат Беруний келтирган. Дармстетер «Тансар мактуби»нинг арабчадан янги форсча қилинган таржимасининг нашрида Беруний куйида келтирган иқтибосни Заҳаунинг таржимасида параллел сифатида келтирган (*Darmsteter, p. 529–530*). Бошқа жойда

(юқорида IX бобнинг 263-изоҳига қаранг) Беруний «Тансар мактуби»дан парчанинг эркин баёнини келтирган.

<sup>296</sup> Бу ерда Беруний «ҳақ йўл» деб ислом йўлини назарда тутаётгани, шубҳасиз.

## XI БОБ

<sup>297</sup> Саруғ – Инжилдаги Серуг.

<sup>298</sup> Бу ерда Беруний келтирган Ромул ва Рем ҳақидаги маълумотлар Иоанн Малаланнинг (VII а. биринчи ярми) «Солнома» китобидан олганлигини Захау исботлаган (*Sachau. India, transl., II, p. 295*).

<sup>299</sup> Захаунинг кўрсатишига кўра, Амбариша ҳақидаги ривоят «Вишну-дхармот-тара»дан олинган (*Sachau. India, transl., II, p. 295*).

<sup>300</sup> Амбариша (*Ambarīṣa*), Набҳагининг ўғли, афсонавий Шамсий сулоладан подшоҳ, ўзининг фазилатлари ва Вишнуга чексиз садоқати сабабли ривоятларда таърифланган.

<sup>301</sup> Бали (*Bali*, *бали*) – дайтиялар (демонлар ёки улканлар) подшоҳи, уч оламни босиб олган. Вишну, бир пакана кўринишига кириб, ундан осмон ва ерни олиб қўйган, лекин қўл остида фақат ерости дунёсини қолдирган, Хираньякша (*Hiranyakṣa*, *хиранькиш* – «олтин кўз») – *дайтия*, ерни денгиз остига чўктиришга оз қолган. Вишну ўзининг учинчи турланишида (*avatāra*), Қўбон кўринишини олган ва ерни денгизга чўкишдан сақлаган.

<sup>302</sup> Гаруда (*Garuda*, *гарду*, *гурду*) – афсонавий қуш, қушларнинг қироли. Шанкха (*śaṅkha*, *шанк*) – денгиз чиганоғи, қадимги ҳинд аскарларининг жанг қарнайи. Чакра (*śakra*, *чкр*) – ҳарбий қурол, атрофлари ўткирланган лаганча шаклида бўлган, душман тарафига улоктирилган. Падма (*padmā*, *пзм*) – нилуфар. Тўрт қўллик Вишну, Гаруда устига минган, чиганокни ушлаган, чакра, қалқон ва нилуфар билан тўрт қўлида тасвирланган, ҳинд мифологияси учун характерли сиймо. Одатда Вишнунинг тўқ қўқ одам сифатида шоҳона либосларда тасвирланган. Вишнунинг сариқ либосда тасвирланиши «Брихатсамхита»да, LVIII, 32 да айtilган.

<sup>303</sup> Васиштҳа (*Vasiṣṭha*, *басишт*) – афсонавий доно, қадимги даврнинг етти буюқ ришиларидан бири.

<sup>304</sup> Нарада (*Nārada*, *нāразу*) – етти буюқ ришидан бири, маъбудлар ва инсонлар дунёлари орасидаги муросачи. Баъзи ривоятларга кўра, Брахманнинг бошидан яратилган. Беруний олган хабарнинг манбаи бизга номаълум.

<sup>305</sup> Адития (*Āditya*, *ādm*) – «Адитининг ўғли», ведик пантеоннинг етти илоҳига нисбатан ишлатилган атама, жумладан шамсий илоҳлар Митра, Сурия ва Савирага нисбатан ҳам ишлатилган.

<sup>306</sup> Крита-юга (*kṛtāyuga*, *кртāжүк*) – «олтин аср», тўртта олам даврининг биринчиси, у даврларни юга деб аталган (қуйида XLII бобнинг 971-изоҳига қаранг).

<sup>307</sup> Захау таъкидлашига кўра, шу ерда Беруний йилларни ҳисоблашда хатога йўл қўйган экан. Ҳар бир юганинг давомийлигининг таърифланишига кўра, крита-юганинг охиридан 2 164132 йил ўтган бўлиши керак эди. Беруний юзлар хонасидаги рақамни тушириб қолдирган кўринади (*Sachau. India, transl., II, p. 296*). Лекин шун-

дай хатоликка Захаунинг ўзи ёки нусха кўчирувчилар йўл қўйган бўлиши ҳам мумкин.

<sup>308</sup> «Ҳиндистон»нинг иккала тилдаги нашрида ҳам исм ж – л – м шаклида ёзилган, Захау уни Жалам деб ўқиган (*Sachau. India, transl., II, p. 296*). Берунийдаги Жалам ибн Шайбон Мўлтоннинг қарматий ҳокими Ҳалим ибн Шайбон билан айнан бир шахс бўлса керак. Мисрнинг фотимий халифа Ал-Муъизз (953–975) унга мактуб йўллаган бўлиб, уни В.А. Иванов Саййидна Идриснинг «‘Уйўн ал-ахбār» асаридан топган (қаранг: *Бертельс А.Е. Насир-и Хосров и исмаилизм. – М.: ИВЛ, 1959. С. 86*). демак, шу қарматий «боскинчи» Х асрнинг 50-йилларида Мўлтоннинг ҳокими бўлган. Қуйроқда Беруний қарматийлар у ерларда «бизнинг замонимиздан» қарийб юз йил аввал пайдо бўлган, деган. Бироқ бу таъкиддан келиб чикиб, Ҳалим ибн Шайбон Баҳрайдан чикиб Синд дарёси ҳавзасига бориб тахминан 930 йили Мўлтонни босиб олгани шубҳали (*Бертельс. Ўша асар, 87-б.*). Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Бертельснинг мазкур ишида (85–86-б.) қандайдир англашилмовчиликка кўра, (سليج) номи пайдо бўлиб, Захау асарига ҳавола қилинган.

<sup>309</sup> Танешар (*Thāneṣar, Sthāeṣvara, mānīṣar*) – Шимолий Ҳиндистондаги қадимги шаҳар, ҳозирги Дехлидан шимолроқда, мукаддас Курукшетра майдонида жойлашган. Илк ўрта асрлар пайтида Ҳиндистоннинг муҳим сиёсий ва маданий марказларидан бири бўлган.

<sup>310</sup> Чакрасвамин (*Ṣakrasvāmin, чакрсвām*) – чакра эгаси, яъни Вишну. Танешар яқинида «Чакратиртха», яъни Вишну-Кришна, ривоятларга кўра, чакрани кўтариб, бҳаратларнинг буюк жангида Бхишунни ўлдирмокчи бўлган (қаранг: *Canningham, p. 336*). Балки Танешарда Вишнуга қўйилган ҳайкал шу воқеанинг хотирасига ўрнатилгандир.

<sup>311</sup> Соманатх (*Somanātha, смнāt*) – «ойнинг эгаси», линга (*Liṅga, лнг*) – эркаклар жинсий аъзоси. Лингамлар – тўғри ёки конус шаклидаги устунлар – Шива (Маҳадева)нинг фаллик культининг рамзлари сифатида Ҳиндистоннинг турли ерларига ўрнатилган. Энг машҳур лингамлардан бири Беруний эслатаётган Гужаратда Сомнат-Паттан шаҳридаги Соманатх эди, уни Маҳмуд Ғазнавий буздирган.

<sup>312</sup> Яъни «Маҳабҳарата»да тасвирланган буюк урушлар.

<sup>313</sup> Болор (*Bolor, блвр*) – Беруний бу ном остида ҳозирги тоғли Балти ўлкасини ёки Кашмирдаги Кичик Тибетни назарда тутди.

<sup>314</sup> Шарада (*Ṣarada, шāрyда*), балки Дурганинг ҳайкалдир, Дурганинг исмларидан бири – Шарада (*Ṣārādā*).

<sup>315</sup> Қуйидаги парча Вараҳамиҳира «Брихат-самхита»си LVIII, 30–48, 56–57, 49–52; LX, 19, 4, 5-бобларининг анча аниқ таржимасидир (*Sachau. India, transl., II, p. 296–297*).

<sup>316</sup> У санамлар ҳақида «Брихат-самхита»да, LVII, 30 бундай дейилган «... бошқа [маъбудлар] эса – катта, ўртача ва кичик ўлчамларда – 108, 96 ва 84 (бармок)», Рама (*Rāma, рам*) Дашаратҳа ўғли (*Daṣaratha, дашрат*) – Айодҳийининг афсонавий подшоҳи, хинд афсоналарининг энг машҳур қаҳрамонларидан. Вишнунинг тимсолларидан бири сифатида эътиқод қилинади. Бали, Вирочаннинг (*Virocana, брвчи*) ўғли ҳақида юқорида 301-изоҳга қаранг.

<sup>317</sup> Ўша асар, LVIII, 31, 33. (Ҷгī, *шрī*) – ҳинд мифологиясида – бахт ва гўзаллик маъбудасининг исмларидан бири. Асл нусхада шриватса – Вишну кўкрагидаги бир тутам юнг каби белги ҳақида айтилади. Вараҳамиҳира ҳам бу ерда Вишнунинг кўкрагини беагаган афсонавий олмосни эслайди.

<sup>318</sup> Ўша асар, 34, 35: «... чап кўлида чиғанокни ушлаган».

<sup>319</sup> «Баладева кўлида омон билан тасвирланади, мастликдан кўзлари сузилган, фақат бир кулоғида зирак...» (ўша ерда, 36). Баладева (*Baladeva*, *баладйв*) – ҳинд афсоналарининг қаҳрамони, Кришнанинг биродари.

<sup>320</sup> Ўша ерда, 37. Бҳагавати (*Bhagavatī*, *бҳагат*) – Шиванинг хотини Дургининг исмларидан бири. Бизга етиб келган асл нусхада Дургининг бошқа исми – Экананша келтирилган. Ҳинд мифологиясида Экананша – табиатнинг инсонга нисбатан душманона ва сеҳрли бўлган кучларини ўзида мужассамлаштирган илоҳ. Вараҳамиҳирада ҳам, бошқа манбаларда ҳам Даруга Вишнунинг синглиси (опаси) дейилмаган.

<sup>321</sup> Ўша ерда, 38, 39 – сўзма-сўз таржимаси. Камандалу (*Kamaṇḍalu*, *кмндл*) – лойдан ёки ёғочдан ясалган хўқача одатда уни дарвешлар ишлатган.

<sup>322</sup> Ўша ерда, 40. Самба (*Sāmba*, *сәнб*) – Кришнанинг ўғли, Қуёшга топинишга асос солган афсонавий илоҳ. Прадйумна (*Pradyumna*, *праддмун*) – Кришнанинг ўғли, севги маъбуди Каманинг мужассамланиши деб эътибор қилинади. Асл нусхада у чиройли қилиб тасвирлансин дейилган.

<sup>323</sup> Ўша ерда, 41. Сканда (*Skanda*, *скнд*) – ҳинд мифологиясида уруш маъбуди, Шиванинг ўғли. Шакти (*Ṣaktī*, *шакад*) – қуролнинг номи; одатда найза ёки қилични англатади.

<sup>324</sup> Ўша ерда, 42. Ваяра (*vajra*, *вачр*, 3 – *бчр*) – момақалдирак келтирувчи ўқ, Индранинг аънанавий қуроли. Гоҳо ўзаро кесишиб турган иккита (терақ ёки эман) дарахти сифатида тасвирланади.

<sup>325</sup> «Шабҳунинг – пешонасида ҳилол, буқа – унинг рамзий белгиси, унинг қошлари ўртасида – учинчи кўз; бир кўлида – уч тишли найза, бошқасида – пинақ камалаги. Ёки унинг чап тарафини Тоғ кизининг, яъни Парватининг ярми ташкил қилади» (ўша ерда, 43). Шамбху ҳам, Маҳадева каби, – Шиванинг исмларидан бири. Шула (*śūla*, *швл*) – уч тишли. Гаури (*Gaurī*, *гавр*) Ҳимаванта (*Himavant*, *ҳимамант*) Тоғ кизи – Парвати (Даруга)нинг, Шиванинг рафикасининг исмларидан бири.

<sup>326</sup> «Будда нилуфарда ўтирган бўлиб тасвирланиши керак, кўллари ва оёқларида ҳам нилуфарлар, қаноатли кўринишида, сочлари қисқа (ўша ерда, 44). Жина (*Jina*, *жин*) – «Ғолиб», Будданинг исмларидан бири.

<sup>327</sup> «Арҳатларнинг маъбуди кўллари тиззасига тушган ҳолда тасвирланади, кўкрагида триватса белгиси, хотиржам кўринишда, чиройли яланғоч ўспирин» (Брихат-самҳита; 45). Арҳант (*Arhant*, *арханта*) ёки Арҳат – сўнги жайнистларда олий илоҳнинг номи, шунингдек фақат «жайнист» деганни билдиради.

<sup>328</sup> «... Реванта отлик тасвирланади, Ов, Ўйин ва бошқалар билан бирга. Яма – гурзи билан, буқа минган ...» (ўша ерда, LVIII, 56–57). Реванта (*Revanta*, *ривтат*, 3 – *ривнт*) – Қуёшнинг ўғли афсонавий руҳлар гуҳияқларнинг дохийси. Яма (*Yama*, *жм*) – ўлим маъбуди, ҳинд мифологиясида ўликлар подшолигининг ҳокими.

<sup>329</sup> Ўша ерда, 57. Кубера (*Kubera*, *кубайр*) – ҳинд мифологиясида бойлик маъбуди.



<sup>330</sup> Ўша ерда, 46–48.

<sup>331</sup> Асл нусхада фақат айтилган: «Оналарни тасвирлашда улар қайси маъбуданинг исмида бўлса, ўшанинг тегишли белгилари бўлсин» (LVIII, 56), исмлар ва белгилар изоҳларда тушунтирилади. Илохий Оналар ҳинд мифологиясида – маъбудлар кучларининг тимсоли; баъзи манбаларда еттита Оналар эслатилади, бошқаларида – саккизта, тўққизта ёки ўн олтита. Еттита Оналар: Брахмани (Brahmāṇī, *брхмāни*), брахма энергиясини мужассамлаштиради; Каумари (Kaumārī, *квмāри*), уруш маъбуди Кумара (Сканда)ни ифодалайди; Вайшнави (Vaiṣṇavi, *байшниви*), Вишнуга тегишли; Вараҳи (Vāraḥi, *бāрāх*), вишну энергиясини ифодалайди, афсонавий Қобон билан мужассамлашган; индрани (Indrāṇī, *айиндарāни*) – Индранинг *шактиси*; Бҳагавати (юқорида 320-изоҳга қаранг), кўпинча Маҳешвари дейилади, – Шиванинг мужассамлашган кучи; ва шунингдек, Шива Чамундага (Cāmuṇḍa, *чāмунда*) тегишли.

<sup>332</sup> (Кшетрапāла, *кшйтрпāла*) – Шиванинг тахаллуси ёки далаларни кўриқловчи яхши илоҳларнинг (сони 49 та) номлари. Беруний кимнинг тасвирини назарда тутаетгани номаълум. «Брихат-самхита»нинг бизгача етиб келган матнида Кшатрапаланинг тасвирлари ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Винаяка (Vināyaka, *бнāйк*) – донолик маъбуди Ганеша, Шива ўғлининг исмларидан бири. «Брихат-самхита»да Ганеша ҳақида айтилган: «Шайтонларнинг бошлиғи (pṛamathādhipa) фил юзли тасвирлансин, катта қорни, болтаси ва қўлида қора шолғоми билан» (LVIII, 58).

<sup>333</sup> Кутара (kuṭhāra, *катāрāт*) – «болта».

<sup>334</sup> «Бир газли [Қуёш маъбудининг] санам [устага] яхшилик келтиради; уч газли сиймо тинчлик келтиради; икки газли [санам] бойлик келтиради; уч газли сиймо тинчлик келтиради, тўрт газлиги – сероблик. Аъзолари ҳаддан ташқари катта санам ҳокимнинг ҳалокатини кўрсатади; аъзолари кичрайтирилган санам – уста учун бахтсизлик; озғин қоринли санам – болалар ёки очарчилик; ҳаддан ташқари озгини – фаровонликнинг йўқолиши. Агар унда жароҳат бўлса – устанинг қиличдан ўлими; чап томонга оғиб қолган бўлса, унинг хотинига разолат келади; ўнг тарафга оғгани – унинг хаётини тугатади. Агар унинг кўзи, ҳаддан ташқари очик бўлса – бу кўрликни олиб келади, агар кўзи пастга қараб қолган бўлса – ташвишлар келтиради» (Брихат-самхита LVIII, 49–53).

<sup>335</sup> «Ёғоч ёки лойдан ясалган санам узоқ умр, омад, қудрат ва ғалабадан далолат беради; кимматбаҳо тошдан ясалгани – бутун халқнинг фаровонлигини кўрсатади; олтиндан ясалгани – бойликни кўрсатади. Кумуш санам шуҳрат келтиради, мисдан ясалгани – авлодларнинг кўпайиши; тошдан ясалган санам ёки лингам ер мулкига эга бўлишни таъминлайди» (ўша ерда, LX, 4–5).

<sup>336</sup> Балки бу ерда Шри Ланка билан Декканнинг жанубий учи оралиғидаги Рамисерам оролидаги Рамеша ёки Рамешвара – машҳур қадимги лингам ва шива қасри назарда тутилаётгандир; у ерда қадимги ривоятларга кўра, Ралга рақшаслар билан жангда ўша ер орқали денгиздан ўтган. Ривоятларга кўра, Раманинг ўзи томонидан барпо қилинган. Қаср ҳозирги кунгача сақланган.

<sup>337</sup> Шунга ўхшаш кўрсатмалар «Брихат-самхита»нинг 60-бобида келтирилган (1–3, 7–12, 14–18), лекин у ерда улар Рама номи билан боғланмайди.

<sup>338</sup> «Вишнунинг (коҳинлари) деб бхагаватларни, Савитар (Куёш)никини мажуслар, оналарникини эса – Оналар ибодати маросимини билувчиларни; Брахманинг коҳинлари деб – ҳақимларни (*vipra*), ҳамма севган Будданинг коҳинлари деб шанкияларни, Жинларни эътиборга олувчилар – яланғоч монахлар. Бу ҳар хил коҳинлар – ҳар бир диний таълимотнинг одатига кўра, қайси маъбудга тоат қилсалар, ўшанга кўра маросимларини бажаришлари керак» (Ўша ерда, LX, 19). Бхагаватлар (*bhāgavata*, *бахъагавт*) – Вишну-Кришнага тоат қилувчи қадимги секта, улар вишнуизмни, ўрта асрлардаги Ҳиндистонда кенг тарқалган таълимотни бошлаб берганлар (юқорида VIII бобнинг 247-изоҳига қаранг). *Aṣṭa-mātarah*, *ҳитмāтрйн* – «Саккиз Оналар» ҳақида юқорида 331-изоҳга қаранг. Нагна (*Nagna*, *нагну*) – «яланғоч [монахлар]» – бу ерда: жайнистлар сектасининг аъзолари.

<sup>339</sup> Бу икки иқтибосга мос келгани асл нусха матнида топилмади. Захаунинг кўрсатишича, биринчи иқтибос IV, 25-мисрага бироз ўхшайди *Sachau*. India, transl., II, p. 297). Шунингдек, ушбу VII, 20–23-сатрларни ҳам кўрсатиш мумкин: «Ҳар қандай хирсларга берилганлар бошқа илоҳларга мурожаат этадилар, ўзларининг табиатларига мос равишда ҳар хил маросимларни бажарадилар. Обид қандай сиймога ибодат қилмасин, матонатли имонни унга мен бераман. Шу имонда садоқат билдириб шу сиймонинг унга хайрихоҳ бўлишини кутади. У ундан ўзи истаган яхшиликни олади, лекин буни унга мен бераман. Бироқ ақли камларда самара ўткинчи бўлади. Илоҳларга қурбонлик келтирувчилар илоҳларга боради, лекин менинг бҳактларим ўзимга келади».

<sup>340</sup> Солиштиринг: «*Афиналик*. Олийжаноблик мақсадига, энг аввало давлатни асровчи худоларга тоат қилгандан кейин ерости худоларга жуфтларни, иккинчиларни ва чапдагиларни, юқоридаги худоларга – тоқларни ва ҳозир айтганларнинг тескарисини бажо келтирса, шу кишиларгина эришади. Бу худолардан кейин оқил одам маросимлар билан ажиналарга, улардан кейин қаҳрамонларга ҳам тоат қилади. Кейин эса, қонунларга кўра, уруғ худоларининг хусусий ибодатхоналарига ва ҳозирча тирик ота-оналарни ҳам эъзозлаш керак: ахир биз уларга энг буюк ва дастлабки қарзларни тўлашимиз керак, булар эса ҳамма қарзлардан ҳам энг каттасидир...» (*Платон*. Творения, XIII, книга четвёртая, 8, С. 131).

<sup>341</sup> Захаунинг таъкидлашига кўра, Галеннинг бу асарининг юнонча асл нусхаси маълум эмас (*Sachau*. India, transl., II, p. 270).

<sup>342</sup> Коммод (161–192) – Рим императори (180–192 йиллар).

<sup>343</sup> Му‘овия ибн Абу Суфйон (661–680) – умавий халифа.

<sup>344</sup> Сицилия – Сицилия ороли.

<sup>345</sup> Ал-Балозурий ва бошқа муаррихларнинг хабарларига кўра, арабларнинг Сицилия оролига қилган ғазавот юришлари Му‘овия ибн Ҳудайж томонидан 46/666 йили қилинган; Беруний айтаётган олтин санамлар ва катта бойликларни араблар томонидан қўлга киритилиши қатор манбалар томонидан тасдиқланади (*Ал-Балозурий*, 235-б.; *Amari M. Storia dei musulmani di Sicilia*, ed. 2, V.I, Catania, 1933, p. 197–198, 218).

<sup>346</sup> Беруний бу ерда умавий халифа Му‘овия ибн Абу Суфённинг ишидан очикдан-очик нафратланапти.

## XII БОБ

<sup>347</sup> Ведалар (*Veda*, *бйз*). *Veda* сўзи қадимги ҳинд тилида «билим» (ўзаги *vid* – «билмоқ, англамоқ») маъносини англатади. Ведалар худолар томонидан яратилган бўлиб, одамларга улар томонидан илҳомлаштирилган донишмандлар – пайғамбарлар орқали хабар қилинган ҳисобланади. Ведаларнинг тиллари Берунийдан анча илгарик ҳатто брахманларга ҳам тушунарсиз бўлиб қолган эди.

<sup>348</sup> «Ману-Қонунлари» ва бошқа ҳинд манбаларига кўра, Ведаларни ўрганиш учта юкори кастадагиларга; брахманларга, кшатрийларга ва вайшияларга, буюрилар эди. Булардан фақат брахманларга Ведаларни ўқитиб, ўрганишга рухсат бериларди (қаранг; *Законы Ману*, гл. X, шл. 1). Баъзи манбаларда Ведаларни ўқитиш ва ўргатиш истисно қилиб, кшатрийларга ва вайшияларга ҳам рухсат этилган (қаранг: *Апастамба – шраўта – сутра*, II, 2, 4, 25 – 28). Шудралар учун Ведалар формулаларини эшитиш ва оғзаки айтиш ман қилинарди. Агар шудра Ведаларни эшитгани аниқланган бўлса, унинг қулоғига эритилган сакич қуйиш керак эди. Ведаларни баланд ўқиётгани аниқланса – унинг тили кесиб олиниси керак эди (*Законы Гаутама*, гл. XII, шл. 4).

<sup>349</sup> Захаунинг тахминига кўра, бу – «Вишну-дҳармоттара»дан парча (*Sachau. India*, transl., II, p. 297). Бу ерда Вишнунинг биринчи ва учинчи мужассамлашишлари – Баликка айлангани ва Қобонга айлангани – ҳақида сўз кетаяпти, ўшанда у икки марта ерни тўфондан сақлаган. Зухра – бу ерда, Шукра ёки Уманас, афсонавий донишманд, Зухра сайёрасини билдиради. Балки Беруний «Вишну-дҳармотта»ни иқтибос қилаётгандир, унинг 3-бобида Шукра билан Прахладанинг суҳбати баён қилинади (қаранг: *Weber A.*, S. 339).

<sup>350</sup> Двапара-юга (*Dvāpara*, *дувāпар*) – «мис даври», оламий даврларнинг учинчиси.

<sup>351</sup> «Ҳар бир юга [даврининг] охирида Ведалар ғойиб бўлиши юз беради; бу эса Етти донишманднинг [яъни, Катта Айикнинг] ишидир – осмондан ерга тушмоқчи бўлади ва у [даврларни] қайта бошламоқчи бўлади. Ҳар бир олтин асрда [яъни, давр бошида] Ману – Қонунни (*smṛti*) ўтказувчи; ҳар хил кўринишдаги худолар ўзлари тегишли бўлган манвантара давомида қурбонликлар қабул қиладилар; Ману ўғиллари ҳам, уларнинг авлодлари ҳам шу муддат давомида ерда ҳукмронлик қиладилар» (*Вишну-пурана*, кн. III, гл. 2, шл. 44–46). Манвантара (*Mahvantara*, *мннантар*) – «Ману асри», 12000 «илоҳий» йил ёки 4320 минг нисоний йил. Шу даврларнинг ҳар бири ўз Манусига эга. Ҳинд мифологиясида Ману – инсоният уруғининг аждоди, бир манвантара давомида дунёда ҳукмронлик қилади.

<sup>352</sup> Васукра (*Vasukra*, *басукр*); «Ригведа»да ведик гимнларнинг муаллифларидан икки кишининг номи шундай бўлганлиги эслатилади; бироқ бу ерда Беруний Ведаларнинг ўрта асрлардаги мушаррихларидан бирини назарда тутаяпти.

<sup>353</sup> Уржуза – арабча энг содда ражаз вазнида ёзилган шеър, одатда бунини юнонча диямб билан солиштирилади. Лекин уни энг содда туркий вазн бармоқ билан ҳам солиштириш мумкин.

<sup>354</sup> Шлока (*śloka*, *шлвк*) – санскрит адабиётида кенг тарқалган шеърини вазн; эпик поэмаларда одатий вазн. Шлока – маснавийга ўхшаш икки сатрли шеър, тўрт пададан, ҳар биридан 8 бўғин, сатрда 16 бўғиндан иборат; узун ва қиска бўғинларнинг эркин

жойлашишини ҳам тақозо қилади, аммо 5-, 13-, 14-, 15-бўғинлар ўз ўрнида қатъий жойлашиши керак.

<sup>355</sup> Яъни, *хата үевт* («турлари бўйича») – Галеннинг дорилар тайёрлаш ҳақидаги асарининг номидан охириг икки сўз, Захау унинг асл нусхасидан тегишли парчаларни олган (*Sachau. India, transl., II, p. 298*).

<sup>356</sup> Дамократ – мил. авв. I асрда яшаган табиб; ямбик триметрлар вазнида шеърий рецептлар ёзган.

<sup>357</sup> Матнда сукут.

<sup>358</sup> Ведаларнинг шеърий қисмлари ҳар хил вазнларда ёзилган, улар орасида ануштубх ҳам учратилади, у санскритча шлока'га яқин. Умуман, ведик ўлчам санскритчадагидан катта фарқ қилади.

<sup>359</sup> Ҳинд анъанаси Вияса номи билан тўртта Ведалар тўпламини тузганлигини боғлайди: Ригведа (*Rgveda, ругабайз*), Яжурведа (*Yajurveda, жужарбўиз*), Самаведа (*Sāmaveda, сāmабўиз*) ва Атҳарваведа (*Atharvaveda, 'арбанабўиз*). Шишия (*ṣiṣya, шашу*) – санскритча «шожд».

<sup>360</sup> Пайла (*Paila, пайру*) – Виясанинг афсонавий шогирди ва ёрдамчиси, Ригведа тўпламини йиғиш ва уни тарқатиш билан шуғулланган. Вайшампаяна (*Vaiṣampāyana, байшанпайану*) – Қора Яжурваданинг афсонавий устози; ўз устози Виясадан у «Маҳабҳарата»ни ҳам билиб олган. Жаймини (*Gaimini, чайаман, 3 – жўми*) Виясанинг фармони билан Самаведани ўргатиш билан шуғулланган, Суманту эса (*Sumantu, саманту*) Атҳарваведа билан шуғулланган.

<sup>361</sup> *Pur (rc, ричу)* – «жмн». Ригведа – «Гимнлар Ведаси» – асосан мактов гимнлари ва турли илоҳларга бағишланган дуолардан иборат.

<sup>362</sup> Бу ерда Беруний айтаётган Ригведани ўқишнинг иккинчи усули – пада – матннинг «сўзма-сўз» таҳлили (ҳар бир сўзни алоҳида шаклда). Пада узоқ қадимдаёқ муқаддас китобнинг қонуний матнини сақлаб қолиш учун тузилган эди. Учинчи усул – крама-патҳа, унда пада матнининг ҳар бир сўзи икки марта қайтарилади, олдинги ва кейинги билан боғлиқликда (а, в, с, d; ab, ав, вс, cd). Крама-патҳа ҳам узоқ ведик ўтмишда яратилган бўлиб, «Ригведа»даги янада мураккаб сўзлар бирикмаси унга асосланган эди.

<sup>363</sup> Яжурведа – «Қурбонлик формулаларининг Ведалари» – асосан маросимлар ва қурбонликларни бажариш билан боғлиқ одатларга бағишланган. Бу манба бизгача беш таҳрирда етиб келган бўлиб, улар «Қора» ва «Оқ» Яжурведалар деб аталувчи иккита асосий вариантдан иборат. Беруний бу ерда «Қора Яжурведа»нинг таҳрирларидан бирини назарда тутаётган бўлса керак, улар бир неча китобга – канда (*kāṇḍa, – kāṇḍī*) – бўлинган.

<sup>364</sup> Яжнавалкия (*Yājñavalkya, жājāмилк, жājāнжибилк*) ҳақидаги ривоятни Беруний «Вишну-пурана»дан (III китоб, V боб, 1–29) олган бўлиши мумкин. Бироқ бу ривоят Ригведанинг эмас, Яжурведанинг келиб чиқиши ҳақида ҳикоя қилади ва унда Ведаларни ўқигандаги бўғинларга ажратиш тўғрисида ҳеч қандай гап йўқ. Асл нусхада хома (*homa, ҳўм* – эритилган ёғни оловга қурбон қилиш) маросими ҳам ёдга олинмаган. «Вишну-пурана»га кўра, Яжнавалкия, Вайшампаянанинг шогирди, ундан Яжурведани ўрганган, устозининг беихтиёр қилган гуноҳини ювиш учун бошқалар

билан бирга тавба қилишдан бош тортган. Хафа бўлган Вайшампаянинг таъналарига жавобан Яжнавалкия ундан ўрганган Яжурведани қайт қилиб, қусади, буни унинг бошқа шогирдлари йиғиб олади. Кейин Яжнавалкия дуо билан Куёшга ёлворади ва шунда бу илоҳ унга Яжурведанинг Вайшампаянага маълум бўлмаган қисмларини ўргатади. Куёшнинг доимо сурилиб туриши ҳақидаги сўзлари ҳинд адабиётида йўқ.

<sup>365</sup> Саман (*sāman, cām*) – «қуйлаш». Самаведа – «Қуйлашлар Ведаси» – гимнлардан иборат (уларнинг матни асосан Ригведадан олинган), улар браҳманлар-қуйчилар томонидан маълум маросимлар даврида ўқилган.

<sup>366</sup> «... Маълум тарих» – қуйида 345-бетга қаранг. Вамана (*Vāmana, bā-manu*) – «Пакана», Вишнунинг бешинчи мужассамлашуви (аватара).

<sup>367</sup> Атҳарваведа – «Афсунлар ведаси» – тузилиш вақти бўйича энг охириги веда, унда орийларгача бўлган маҳаллий халқ маданиятининг қаттиқ таъсири сезилади. Бу манбанинг қонуний характерга эгаллигини ортодоксал браҳманлар инкор этиб, фақат учта муқаддас веданинг қонунийлигини тарғиб қилганлар. Атҳарваведанинг вазн ўлчамлари бошқа ведаларнинг вазнларидан фарқ қилмайди; манбанинг бир қисми насрда ёзилган. Сандхи (*saṁdhi*) – санскрит фонетикасида сўзнинг боши, ўртаси ва охирида оҳангнинг ўзгариш қоидаси бўлиб, Атҳарваведага махсус алоқаси йўқ. Бҳара (*bhāra, баҳра*) – ведик гимнларни айтиш ва қуйлашда овозни кўтариш; лекин бу ерда қайси вазн назарда тутилаётгани номаълум.

<sup>368</sup> Пурана (*purāna, purān*) сўзи «илгариги, қадимги» маъноларини англатади. Пураналар – «қадимги давр ҳақида ривоят» – эпик дostonлар давраси, асосан, илк ўрта асрлар пайтида тузилган. Анча қимматли ва кенг кўламли тарихий материалларни ўз ичига олади. 18 та асосий ва кўплаб иккинчи даражали пураналар (*urapurāṇa*) маълум.

<sup>369</sup> Ади-пурана (*Ādi purāna, адипурān*) – «Биринчи пурана», кўп ҳолларда «Брахма-пурана» деб аталади. Матсия-пурана (*Matsya – purāna, мр, ёки митсапурān*) – «Балик ҳақида пурана» (ёки «Балик пуранаси»). Курма-пурана (*Kṛma – purāna, кўрма ёки кўррмапурān*) – «Тошбака ҳақида пурана». Вараҳа-пурана (*Varaha-purāna, brāḥa-purān*) – «Қобон ҳақида пурана». Нарасимҳа-пурана (*Narasimha-purāna, нāрсингҳа-пурān*) – «Одам-шер ҳақида пурана». Вамана-пурана (*Vāmana-purāna, bāmanapurān*) – «Пакана ҳақида пурана». Ваю-пурана – «Ваю ҳақида пурана» [Ваю – уруш маъбуд]. Нанда-пурана (*Nandā-purāna, нандпурān*) – «Нанд (Дурга) ҳақида пурана», Сканд-пурана (*Skanda-purāna, 'скинда ёки аскиндапурān*) – «Сканда ҳақида пурана» [Сканда – уруш маъбуд]. Адития-пурана (*Aditya-purāna, адитипурān*) – «Адития ҳақида пурана» (юқорида XI бобнинг 305-изоҳига қаранг). Сом-пурана (*Soma-purāna, сўма прān*) – «Сом-Ой маъбуд». Сомба-пурана (*Sāvba-purāna, сāнба прān*) – «Самба ҳақида пурана» (юқорида XI бобнинг 322-изоҳига қаранг). Браҳманда-пурана (*Brahmāṇḍa-purāna, барҳāнда прān*) – «Брахма тухуми (яъни, олам) ҳақида пурана». Маркандея-пурана (*Mārkandeya-purāna, мārкандивпурān*) – «Пурана Маркандея ҳақида». Таркшия – пурана (*Tārksya-purāna, тārикшапурān*) – «Тарикшия (Гаруда) ҳақида пурана» – юқорида XI бобнинг 302-изоҳига қаранг, – одатда буни «Гаруда-пурана» ҳам дейилади. Браҳма-пурана (*Brahma-purāna, brāḥмпурān*) – «Брахма ҳақида пурана», «Вишну-пурана», – «Вишну (Нараяна) ҳақида пурана».

«Бхрaвишия-пурана» (Bhāriṣya- purāṇa, *баббиша ёки баҳабдиш, пуран*) – «Келажак ҳақида пурана». 18 та энг асосий пурананинг рўйхати ҳар хил манбаларда бир хил эмас. Беруний келтирилган тартибни қаердан олганлигини аниқлаш қийин. Нарасимха-пурана «Вараҳа-пурана»да 18 та энг асосий пураналар қаторида эслатилади. Бироқ «Нарасимха-пурана» иккинчи даражали пураналар қаторида эслатилиши маълум. Упапураналар қаторига, шунингдек, «Нандна-пурана» ҳам киради. «Самба-пурана» кўп ҳолларда «Самбо-пурана» деб аталади. «Адития-пурана» ва бизга номаълум «Сома пурана», «Ади-пурана» ва «Брахма-пурана», Берунийда алоҳида эслатилган бўлсалар ҳам, аслида биргина асарнинг турлича номларидир.

<sup>370</sup> Берунийда пураналарнинг ҳисоблаб ўтиш тартиби бу ерда «Вишну пурана»-нинг матнига мос келади (III китоб, VI боб, 18–22). «Падма-пурана» (Padma, *пазму – нилуфар*), «Шива-», ёки «Шайва-пурана» (одатда упапураналарга кўшиладиган), «Нарада-», ёки «Нарадия-пурана», «Агни-» (Agni, *агина – «олов»*) ёки «Агней-пурана», «Брахмавайварта» (Brahmavaivarta, *браҳмабайбарту*, «Брахма метаморфоза'лари»), «Линга-пурана» олдинги рўйхатда тушириб қолдирилган.

<sup>371</sup> *Смрити* (smṛti, *смрити*) – «хотира, ривоят»; бу ерда қонунлар тўпламларининг силсиласи, ривоятга кўра, Беруний ҳисоблаб ўтган ярим афсонавий муаллифлар томонидан тузилган. Бу кодекслар Қадимги Ҳиндистон қонуншунослиги асосини ташкил қилади. Смритилар муаллифлари қаторига ҳинд аънанаси Апастамбани (Apastamba, *апастанту*, 3 – *апстнб*), Парашарни, Шатапати (Ṣātāpata, *шāтампа*), Самвартани (Samvarta, *симврату*), Дакшани, Васиштҳани, Ангирасани (Aṅgīras, *ингр*), Ямани, Вишнуни, Мануни, Яжнавалкияни, Атрини (Atri, *'три*), Харитани (Harita, *хāрит*), Ликхитни (Likhita, *ликиту*), Шанкҳани (Ṣāṅkha, *шанку*), Гаутамани (Gautama, *гу-там*), Брихаспатини (Brahaspāti, *бирхаспати*), Катияянани (Kātāyana, *катāйану*), Виясани, Ушанасни ва бошқаларни киритган. Турли матнларда муаллифларнинг рўйхати турлича, уларнинг сони ҳам турлича, Беруний сингари Яжнавалкия (Яжнавалкия қонунлари, I, 4–5) ҳам 20 муаллифни эслайди. Номлари эслатилган муаллифларнинг кўплаб кодекслари бизгача етиб келган, баъзилари фақат иқтибосларга кўра ва бошқа матнларда эслатилишига кўра маълум. Уларнинг ҳаммаси турли даврларга тааллуқли.

<sup>372</sup> Гауда – дарвеш (Gauḍa, *гавр*), бу Гаудапада бўлиши эҳтимол, у Ишвара – Кришнанинг «санхия-карика»сига шарҳ ёзган (юқорида II боб 51-изоҳига қаранг).

<sup>373</sup> Капила – II бобнинг 51-изоҳига қаранг.

<sup>374</sup> II бобнинг 46-изоҳига қаранг.

<sup>375</sup> «Нияябҳаша» (Захау шундай транскрипция қилган, «Nyāyabhāṣā», *нāйāйāш* ёки *нāйāйāш*, 3 – *найбҳāш*); Капиланинг шу номли асари ҳақида биз маълумотга эга эмасмиз. «Nyāyabhāṣya» номли китоб Ватсияянага тегишли («Нияясутра»га шарҳ), асосан буддавий мантиқни танқид қилишга бағишланган. Аммо Ведалар фармойишлари масаласи ҳақида у тўхталмаган. Шунингдек, Удаянанинг ҳам ўша номли китоби маълум, муаллифнинг ўзи нияя-вайшешиқ диний-фалсафий мактабига мансуб бўлган. Захаунинг айтиши бўйича, миманса мактабининг асари ҳақида сўз кетиши мумкин. Балки Жайминининг Nyāyasutra асарига ёзилган номаълум шарҳ назарда тутилаётгандир.

<sup>376</sup> Миманса (Mīmāṃsā, *мймāнаса*), албатта, бу ерда Жаймини (Jaimini, *чйман*, 3 – *жймн*) «Mīmāṃsāsu t̄ra»си – миманса ёки пурва-миманса фалсафий мактабининг асосий асари назарда тутилади, унда ведик матнларнинг талабларини беистисно ба-жариш буюрилган.

<sup>377</sup> «Локаята» (Lokāyata, *лўкайт*) – Қадимги Ҳиндистоннинг материалистик фалсафий мактаби, «чарвака» деб ҳам аталади. Локаята тарафдорлари ҳиссий қабул қилишни билишнинг биргина шакли деб тан олишарди, рухнинг ўлмаслигини ва худонинг мавжудлигини инкор этишарди. Шу мактабнинг афсонавий асосчиси Брихаспати Юпитер сайёраси билан айнанлаштирилади. Қадимги ҳинд материалистларининг асарлари бизгача етиб келмаган; уларнинг қарашлари бизга улар билан баҳслашган идеалистлар асарларининг матнидан маълум.

<sup>378</sup> Агастия (Agastya, *āгаста*) – афсонавий донишманд. Унинг «Агастиямата» (Agastyamata, *āгастамату*) номли асари бизга маълум эмас. Балки «Agastyasamhitā» деб аталадиган ва машҳур вишнуий тўплам «Панчататра» таркибига қирадиган асар назарда тутилаётгандир.

<sup>379</sup> Dharma сўзи «қонун, дин» маъносини англатади. Гоҳо «адолат» (мукофот, адолатли жазо) маъносида қўлланилади.

<sup>380</sup> Девала (Devala, *дйбул*), Бхаргава (Bhārgava, *бахāргав*; «Бхригунинг ўғли») – бу номлар ярим афсонавий донишмандлар ва муаллифларга тегишли. Шукра (Śukra, *шкир*) – Ушанаснинг айнан ўзи. Брихаспати, Яжнавалкия, Ману ҳақида юқорида айтилди. Бу муаллифларнинг қайси китоблари ҳақида сўз кетаётгани аниқ эмас.

<sup>381</sup> Яъни, «Маҳабхарата». Юқорида II бобнинг 47-изоҳига қаранг.

<sup>382</sup> Панду ҳақида X бобнинг 287-изоҳига қаранг. Куру (Kuru, *каврав*) – Қамарий сулоласидан подшоҳ. Пандунинг аждоди. Куру авлодлари – қауравлар – деб, одатда Гандунинг акаси, Дхритараштрининг болалари аталган. «Маҳабхарата»нинг асосий маъноси – иккита қариндош подшоҳлик сулоалари – Панду ўғиллари (пандавлар) ва Дхритараштра ўғиллари (қауравлар) ўртасида Шимолий Ҳиндистонда ҳокимиятни қўлга олиш учун курашдан иборат.

<sup>383</sup> «Маҳабхарата» – улкан эпик дoston – бизга етиб келган кўринишида тахминан 100000 маснавий (шлока) бор ва қуйидаги 18 қисмдан иборат: 1. «Ади-парва» – «Биринчи китоб», Беруний буни ўз ҳисобида тушириб қолдирган. 2. «Сабҳа-парва» (Sabhā-parva, *сабахāпарбу*) – «Мажлис (подшоларда), ҳақида китоб. 3. «Арания-парва» (Araṇya, *ārн* – «ўрмон»), одатда «Вана-парва» – «Ўрмон китоби» – дейилади, бешта оға-ини пандаваларнинг ўрмонларда бекиниб яшаган саргузаштлари ҳақида. 4. «Вирата-парва» – «Вирата ҳақида китоб». Вирата (Virāṭa, *бирāта*) – подшоҳнинг исми, пандавлар, қауравлардан бекиниб, қувғинликда яшаганларида, бошқа исмлар билан унинг хизматига келганлар. 5. Удиога-парва» – «Кучайиш ҳақида китоб». Удиога (Udyoga, *ўддўга*) – «кучаниш», бу ерда пандавлар ва қауравлар ўртасида уруш хавфи туғилаётганида урушни бартараф қилиш ва тинчликни сақлаб қолиш учун «кучайиш», яъни курашиш. 6. «Бҳишма-парва» – «Бҳишма ҳақида китоб», Бҳишма (Bhīṣma, *бахйшма*), Шантанунинг ўғли, Панду ва Дхитараштрининг амакиси, Курукшатрадаги буюк жанг бошида қауравларнинг аскарлари устидан қўмондонлик қилган. 7. «Дрона-парва» – «Дрона ҳақида китоб». Дрона (Droṇa, *дрўна*) – браҳман, пандавлар ва қау-

равларни ҳарбий санъатга ўргатган. Буюк жангда кауравлар тарафида жанг қилган ва Бхишма ҳалок бўлганидан сўнг уларнинг лашкарига қўмондонлик қилган. 7-китоб буюк жангнинг тўрт кунини ўз ичига олади, ўша кунлар давомида Дрона кауравлар лашкарига қўмондонлик қилган ва охири куни ўлдирилган. 8. «Карна-парва» – «Карна ҳақида китоб». Карна (Карṇа, *гарн*, 3 – *кри*) – Ангининг (Ҳозирги Бенгалия), Қуёшнинг ўғли, Дронанинг ҳалокатидан сўнг кауравлар лашкарига қўмондонлик қилган. 9. «Шалия-парва» – «Шалия ҳақида китоб». Шалия (Śalya, *шала*) – мадрлар подшоҳи, пандавларнинг энг асосий ва шафқатсиз душмани бўлган Дхритарашатра-нинг катта ўғли Дуриодхананинг (Duryodhana, *даржўсан*) укаси эмас эди. Панду-нинг кайноғаси Шалия буюк жанг пайтида пандавлар тарафидан кауравлар тарафига ўтган ва урушнинг охири куни, Карнанинг ҳалокатидан сўнг, уларнинг лашкарига қўмондонлик қилган. Пандунинг катта ўғли Юдҳиштҳира томонидан ўлдирилган. 10. «Сауптика-парва» (Sauptika, *савпитака*) – «Ухлаётганларга ҳужум қилиш ҳақида китоб», унда буюк жанг тугаганидан кейинги тунда тирик қолган каурав-аскарлар Ашваттхаман (Aśvatthāman, *уштām*), Дронанинг ўғли бошчилигида пандавларнинг лагерда ухлаётган аскарларини кириб ташлагани ҳақида баён қилинади. 11. «Стри-парва» (Strī, *стри* – «аёл») – «Аёллар ҳақида китоб» – буюк жанг майдонида ҳалок бўлган қаҳрамон аскарларга атаб аёлларнинг йиғиси. 12. «Шанти-парва» (Śānti, *шāнта* – «тинчлик») – «Тинчлик ҳақида китоб», бизгача етиб келган кўринишида 14 минг шлока бор. Уч қисмга бўлинади: 1) «Ражадҳарманушасана» (Rājadharmānuśāsana, *рāжадаҳарм*) – «Подшонинг вазифалари ҳақида қўлланма»; 2) «Ападдҳарма» (Apaddharma, *āпадаҳарму*) – «Офат бўлган ҳоллардаги мажбуриятлар»; 3) «Мокша-дҳарма» (Mokṣadharmā, *мўкшадаҳарму*) – «Қутулиш қонуни». «Данадҳарма» (Danadharmā, *данадаҳарм*) – «Садақа берувчи учун қонун» – «Маҳабҳарата» 13-китоби бобларидан бирининг номи. 13. «Анушасана-парва» – «Мажбуриятлар китоби». 14. «Ашвамедҳа-парва» – (Aśvamedha, *шмйз*) – «Отни қурбонлик қилиш ҳақида китоб». 15. «Ашрама-парва» – «Қаландарлик ҳақида китоб» – Берунийда «Ашрамаваса» (Aśramavāsa, *ашраманабāсу*) – «Қаландар ҳужрасидаги ҳаёт». 16. «Маусала-парва», унда (Mausala, *мавасал*) – «Гурзи ҳақида китоб», унда қандай қилиб ядавлар (yāda, *жāдав*) – Кришна-Васудеванинг қабиласи ўзаро ички низо жангида бир-бирларини қирганлари ҳақида айтилади. 17. «Маҳапрастҳаника-парва» – «Буюк оқибат ҳақида китоб»; Берунийда – Прастҳана (Prasthāna, *прастāн*). 18. «Сваргароҳана-парва» (Svargārohaṇa, *сфаргаравҳана*) – «Осмонга кўтарилиш ҳақида китоб». Берунийда «Ади-парва» ва «Анушасана-парва» китобларнинг номи тушириб қолдирилган, шунинг учун алоҳида китобларни билдирувчи тартиб рақамлари ўзгарган; 16- ва 15-китоблар ўрни алмашиб қолган. Бошқа тарафдан, «Маҳабҳарата»даги китоблар рўйхатига иккита китоб номини киритган бўлиб, бу номлар биз юқорида келтирган рўйхатда йўқ. «Гада» (Gadā, *газа*) – «Сўйил». «Жалапраданика» (Jalapradanika, *чалапарданика*) китоби – «Сув келтириш ҳақида китоб» – аслида ўн биринчи китоб – «Стри-парва»нинг бир қисми (115 боблар)ни ташкил қилади. Беруний даврида «Маҳабҳарата»нинг, балки бошқача тақсимланиши бўлгандир.

<sup>384</sup> «Ҳариванша» (Harivaṃśa, *ҳарбаншапарб*) – «Ҳарининг насл-насаби» – «Маҳабҳарата»нинг қўшимча 19-китоби анча кейин тузилган, характери бўйича маз-



муни пураналарга яқин. Асосан Кришна (Ҳари)нинг ҳаёт тарзини тасвирлашга бағишланган.

<sup>385</sup> Винаяка ёки Ганеша – юқорида XI бобнинг 332-изоҳига қаранг. Ҳинд афсоналарида Ганешани Шиванинг (Брахманинг эмас) ўғли дейилади. Ривоятга кўра, Ганеша «Маҳабхарата»ни Виясанинг айтганларидан ёзиб олган.

### ХIII БОБ

<sup>386</sup> Виякарана (*vyākaraṇa*, *бийāгари*, *3-бийāкри*) – «грамматика».

<sup>387</sup> «Айндра» (*Aindra*, *айандру*); балки бу ерда Вараҷучининг сўзлари «*Aindra-nighaṇṭu*» назарда тутилган бўлиши мумкин ёки аниқроғи, бизгача етиб келмаган «*Indravākaraṇa*», Индрагомининг асари кўзда тутилган. «Чандра» (*Cāndra*, *чāндру*), Чандрогамининг «*Cāndravākaraṇa*» асари бўлиши керак, муаллифнинг санскрит грамматикасига бағишланган ва Ҳиндистон ҳамда қўшни мамлакатлар (айниқса Тибет) буддавийлари орасида машҳур бўлган. «Шакатма» (*Ṣākata*, *шāкату*) – қадимги ҳинд тилшуноси, Панинидан аввал яшаган Шакатаянанинг (*Ṣakatāyana*, *шāктāйан*) бирор асари бўлса керак. Панини (*Pāṇini*, *pāṇрити*) – йирик қадимги ҳинд тилшуноси, бизгача етиб келган энг қадимги грамматик асар *Aṣṭadhyāyī* (тахм. мил. авв. IV а.)нинг муаллифи. «Катантра» (*Kātantra*, *kāтантар*) – Шарваварманнинг (*Ṣarvavarman*, *шарбаврам*) асари – машҳур санскрит грамматикаси, мил. I а.да тузилган (Панини грамматикаси асосида). Шашидева (*Ṣaṣideva*, *шашадив*) – грамматик асар «*Vyākhyānaprakriyā*» нинг муаллифи; «Шашидевавритти» (*Ṣaṣidevavṛitti*, *шашадйивирит*) асари бизга номаълум. «Дургавивритти» (*Durgavivṛitti*, *дўрагаввайрит*, *3 – дургевбрт*) – Дургасимҳининг «Катантра»га – «*Kātantravṛitti*» – шарҳи бўлиши, эҳтимол. «Шишияхитавритти» (*Ṣiṣyahitāvṛitti*, *шиқҳитнрит*, *3 – шиқҳитбрт*) – бу ерда Уграбхутининг (*Ugrabhu ti*, *ўграбвт*) «Катантра»га шарҳи назарда тутилаётган бўлиши мумкин.

<sup>388</sup> Жаяпала (*Jayarāla*, *жйпāl*) ёки Жайпал I – Панжобнинг подшоҳи. 1001 йил 27 ноябрида Жайпал Маҳмуд Ғазнавий томонидан Пешовар ёнидаги жангда тамоман енгилган ва асир олинган. Жайпалнинг ўғли Анандпал (*Ānandarāla*, *анандпāl*), Уграбхутининг шогирди бўлган, ўша йили отаси ўрнига тахтга ўтирган; Маҳмуд Ғазнавий билан шиддатли, лекин муваффақиятсиз жанглари олиб борган ва тах. 1010 йили ўлган.

<sup>389</sup> Сатаваҳана (*Satavāhana*, *cāтабāхан*), шунингдек Салаваҳана ёки Шалаваҳана деб ҳам аталган – ярим афсонавий подшоҳ; «Самалваҳана» ўқилиши санскрит манбаларида номаълум.

<sup>390</sup> «*Mā udakam dehi*» (*мāвадакандаҳи*) – санскритчада сўзма-сўз «сув берма» («сув сепма» маъносида), «*Modakamdehi*» (*мўдакндхй*) – «ширинликлар бер».

<sup>391</sup> Абўл-Асвад ад-Ду'алй (ваф. 69/688) – ўртамиёна араб шоири, кейинги муаллифлар унга араб грамматикасини «асослаган» ёки «ихтиро қилган» ибораларини боғлаганлар. Ривоятларга кўра, уни бу ишга шу ерда айтилганга ўхшаш ҳолат ундаган, яъни сўз бирикмаларини нотўғри ишлатиш натижасида юзага келган англашилмовчилик сабаб бўлган. Беруний бу ерда уни таърифлаган сўзларни Ибн Қутайба ҳам келтирган эди (*Brockelmann. GAL, I, S. 42; SB, I, S. 72; EI, I, S. 82–83*).

<sup>392</sup> Чандас (Chandas, *чанду*) – «метрика, ўлчам», ҳинд фанининг анъанавий тармоқларидан бири.

<sup>393</sup> Евклид (мил. авв. III а.) «Негизлар»нинг (Тахрйри Уклйдис) ва Птолемей (II а.) «Алмажистий»сининг (Μεγίστη σύνταξις) VIII–IX асрлардаги арабча таржималари мусулмон мамлакатларида математик географиянинг ривожланишига улкан туртки берди (*Юшкевич А.П.* Математика в странах Ислама. М: 1961). Беруний бу ерда эслатган унинг санскритдан арабчага қилган таржималарининг тақдири номаълум.

<sup>394</sup> Пингала (Pin gala, *пнгалу*) – шеърият вазни («метрика») бўйича «Chandaḥsu tra» ёки «Pin galasu tra» номли энг қадимги дарсликнинг муаллифи; ҳинд анъанаси уни метрика ҳақидаги фанни асословчи ҳисоблайди. Беруний келтирган иккинчи муаллифнинг номи (*чалиту, calitu*) аниқлаштириб бўлмади.

<sup>395</sup> Бу китобнинг номи ҳам аниқлаштириб (*гайситу, gaisita?*) бўлмади. Асарнинг номи ҳам, унинг муаллифининг исми ҳам бизга номаълум. Балки бу ерда «гаятра» (Gāyatrīnyāsa) ўлчамига мансуб қандайдир асар ҳақида сўз кетаётгандир. Самаведанинг шу номга яқин «Gāyatrīyāsita» асари маълум.

<sup>396</sup> «Мригалчана» (Mṛgalañcana, *миргланчану*) маъноси: «Ой». Бундай номли асар бизга номаълум.

<sup>397</sup> Бу атамани ҳам (*аулийанду, anliyāndu*) аниқлаштириб бўлмайди.

<sup>398</sup> «Брахма-сиддҳанта» (Brāhmasiddhānta, *браҳмсдҳнд*) ёки «Брахма спхута-сиддҳанта» – ҳинд математиги ва астрономи Браҳмагуптанинг (VIII а.) асари. Заҳау айтганидек, бу китобнинг 21-боби метрикага бағишланган (*Sachau. India, transl., II, p. 301*).

<sup>399</sup> «Бўғин» ва «турок» иборалари бизда шартли қўлланилган, чунки булар арабларда бўлмаган. Араб метрикасида энг кичик бирлик деб ундош товуш-ҳарф ҳисобланади, узун унли ҳам шунга тенглаштирилади. Ундошларнинг қисқа унлилар билан ёки уларсиз, бирлашмаларидан тўртта йирик бирлик, (иккита ҳар хил *сабаба* ва *ватида*), бу кейингилардан «улушлар» ёки «устунлар» (ажзо, аркон), европа тилларидаги «турок»қа мос келади. Арабча асосий 16 та ўлчам 8 тур ҳар хил «улуш»лар бирикмаларидан ҳосил бўлади, улар шартли равишда фа’ала («қилмоқ») феълидан сунъий ясалган парадигмалар дейилади. Шу метрик назариядан келиб чиқиб ва ўзига хос иборалардан фойдаланиб, Беруний санскрит метрологиясини катта қийинчиликлар билан тавсифлайди.

<sup>400</sup> Ҳалил ибн Аҳмад (ваф. 160/777, 170/791) – буюк араб филологи, араб грамматикаси, лексикографияси ва метрикасига асос солган (*Brockelmann. GAL, I, S. 100; SB, I, S. 159*).

<sup>401</sup> *Лағҳу* (Laghu, *лағу*) – «енгил (яъни, қисқа бўғин)».

<sup>402</sup> *Гуру* (guru, *гуру*) – «оғир (яъни, узун бўғин)».

<sup>403</sup> Беруний таърифи жуда тўғри. Санскрит метрикасида «енгил» деб, қисқа унли очик, бир матрага тенг бўғинни айтилади. Қисқа унли ёки ёпиқ бўғин икки матрага ёки битта «оғир» (гуру) бўғинга тенг (яна қуйида қаранг).

<sup>404</sup> *Матра* (mātrā, *мāтр*) – «ўлчам», санскрит метрикасида бўғинларни санашда бирлик сифатида қабул қилинган (юқоридаги изоҳга қаранг).

<sup>405</sup> Танвйн – нунлаш, яъни исмларнинг ноаник ҳолда келишикларнинг ун, ин, ан ёпиқ бўгинлар билан тугаши.

<sup>406</sup> Ла (La, *lā*) ва га (ga, *gā*) – лагху ва гуру ибораларининг қисқа кўринишда ифодаланиши. Аммо кали (Kali; *кал*), рупа (rūpa, *рўпа*), чамара (cāmaṅga, *чāмар*), граҳа (graham, *граҳа*), нивра (nivra, *ниўура*), амшака (amśaka, *нīm*, *'нишака*) сўзларига келсак, уларнинг кўрсатилган маъноларда қўлланиши бизга маълум эмас.

<sup>407</sup> Бу ерда Беруний бизга номаълум шеър ёзиш системасидан фойдаланяпти. Криттика (kṛttikā, *криттак*) сўзининг ҳақиқий маъноси бизга маълум эмас; бу бобда келтирилаётган бошқа иборалар ҳам шундай.

<sup>408</sup> Пакша (pakṣa, *пакишу*) – «қанот»; 2 рақамининг мажозий атамаси. Шунингдек, «қамарий ойнинг ярми» маъносида ҳам қўлланилади. Жвалана (jvalana, *жлн*, *чалуну*) – «аланга»; «3 рақами». Мадхия ёки мадху (madhya; *madhy*, *мз*) – «ўртача» ёки «ширин». Парвата (parvata, *парвата*) – «тоғ», «7 сони». Ҳара (hāra, *ҳār*) – «гулчамбарак»; узун бўгин ва б. Раса (rasa, *рас*) – «маза»; «6 сон». Гҳана (Ghana, *гҳану*) – «куб». Мадхия, мадху, ҳара, раса иборалари санскритча рисоаларда ҳар хил шеър вазнларининг белгиси сифатида ишлатилади.

<sup>409</sup> Ҳастин (hastin, *ҳасту*) – «фил». Кама (kāma, *кām*) – «истак, севги». Касума (kusuma, *гусма*, 3 – *ксм*) – «гул». Кама деган шеърий вазн мавжуд, лекин у Беруний айтган тuroк билан ҳеч қандай умумийликка эга эмас.

<sup>410</sup> Шахмат тошларининг бу ердагидай аталиши бизга маълум эмас.

<sup>411</sup> Ҳарибҳатта (Haribhaṭṭa, *ҳари' удду*) – Заҳау шундай ўқийди. Лекин бизга лексикографик асар ёзган шундай исми муаллиф маълум эмас. Балки Беруний Ҳалаюдху-Бҳаттани (Halāyudha-bhaṭṭa) – Пингала сутраларига шарҳ ёзган муаллифни назарда тутмадимикан? Шунингдек, X асрда яшаган ва Пингалага шарҳ ёзган лексикограф ҳам маълум.

<sup>412</sup> Бу ерда Беруний гаға деб аталадиган, бўгинларнинг сонига асосланган саккиз бўгинли тuroкларнинг шартли ҳарфий белгиларини келтираяпти. Лекин бу ерда тuroкларни белгиловчи иборалар бизга нотаниш.

<sup>413</sup> 'Аруз – бу ерда ибора ўзининг илк тор маъносида ишлатилган: биринчи ярим шеърнинг охириги тuroқи. Аруз – шеърий ўлчов.

<sup>414</sup> Зарб – иккинчи ярим шеърнинг охириги тuroқини билдиради.

<sup>415</sup> Матнда: рижл, «тuroк», санскритча rāda – «оёк» сўзининг сўзма-сўз том маънодаги таржимаси.

<sup>416</sup> Матннинг шу ерида озгина сукут бор.

<sup>417</sup> Матнда юнонча силлаба («бўгин») сўзи арабча ёзилиши келтирилган.

<sup>418</sup> Ария (āryā, *арал*) – оммавий шеърий ўлчам; икки сатрнинг ҳар бирида 71/2 тuroк, ҳар бир тuroқда тўрттадан матра, 2-сатрдаги олтинчи тuroк мустасно, унда 1 матра, яъни қисқа бўгин бўлади. Шундай қилиб ҳар бир биринчи сатрда 30 матра, иккинчида – 27 матра бўлади.

<sup>419</sup> Скандҳа, скандҳақа (skandhaka, *'скид*) – ария ўлчамининг бир тури.

<sup>420</sup> Санскрит шеърлятида шеърий вазнлар икки гуруҳга бўлинади: вритта (vṛtta, *пирт*, 3 – *брт*), улар ҳар бир тuroқдаги бўгинларнинг сонлари ва ҳолати билан ва ҳар бир тuroқдаги матралар сони билан аниқланадиган жатилар билан ифодаланади.

<sup>421</sup> Санскритча шеърятнинг классик назариясида айтилган чегараланиш йўқ. Вриттанинг 26 та турлари маълум бўлиб, улар самавритта деб аталади, у турлар ҳар бир туроқдаги 1 дан 26 гача бўғинлари билан фаркланади.

<sup>422</sup> Бу ерда эслатилган ўлчам шеърий кания ўлчамига тўғри келади. Бу ерда ва қуйида Беруний йигирма учта самавритта шеърий ўлчамларни эслатапти. Лекин ҳар бир самавритта кўп ўлчамлар билан кўрсатилиши мумкин. Тўрт туроқли самавритта, кания вазнида бўлиб, пратиштха деб аталади; олти туроқли самавритта (Беруний рўйхатида учинчи), бу ерда келтирилган шашиванда ўлчамидан ташқари, ўз ичига яна бир нечта шеърий ўлчамларни (танумадҳияма, видиюллекҳа ва б.) олади, улар умумий гаятри ибораси билан бирлаштирилади; етти бўғинли самавритта ушник деб аталади; саккиз бўғинли самавриттага бошқа ўлчамлардан ташқари, машҳур шлока (қаранг: қуйида), – ануштибх киради ва ҳоказо.

<sup>423</sup> Юқорида XII бобнинг 354-изоҳига қаранг. Бу ўлчамнинг бир неча турлари мавжуд, аммо уларнинг энг кўп ишлатиладигани, одатда, шлока номи билан назарда тутилиб, бу ерда баён қилинган қодаларга аниқ мос келади.

<sup>424</sup> Араб шеърий метрикасининг мустақиллиги ҳозирги замон олимлари томонидан тан олинади, юнон ва ҳинд системаларининг билвосита таъсири илмий исботини топмаган (*Brockelmann. GAL, SB, I, S. 155–156; EI, I, S. 481–489*).

<sup>425</sup> *Гаятри* (*gāyatrī, gāyatrī*) – қадимги шеърий вазн; йигирма тўртта бўғин, одатда ҳар бир туроқда 8 та бўғин (*гаятрининг* бошқа турлари ҳам бўлган).

<sup>426</sup> Юнонча асл нусхадан мос иқтибосни Захау келтирган (*Sachau. India, transl., II, p. 303*).

<sup>427</sup> Менекрат – милодий I асрнинг биринчи ярмидаги рим табиби.

<sup>428</sup> Матнда: *мисрā'*, яъни «яримшеър»; бу сўз билан Беруний юнонча «триметр» иборасини ифодалаган.

#### XIV БОБ

<sup>429</sup> «Синдҳинд» – ҳиндлардаги астрономиянинг араб халифалигига кириб келиш тарихини араб анъанаси бундай тавсифлайди. Ҳиндистондан халифа Ал-Мансур ҳузурига 154/771 ёки 156/773 йили келган элчилик таркибида Пандит Манка ёки Канка исмли олим ҳам бўлиб, ўзи билан бирга ичида жадваллари бўлган астрономияга оид асар келтирган. Уни халифанинг олимлари Ал-Фазорий ва Йаъқуб ибн Торик араб тилига таржима қилиб, қайта ишлаганлар ва «Китоб ас-Синдҳинд» деб атаганлар. Бу ҳиндча асарнинг асл манбаи Браҳмагуптанинг «Браҳма-сиддҳанта» (юқорида XIII бобнинг 398-изоҳига қаранг) бўлган; асар номининг иккинчи қисми араблар заминида «Синдҳинд» бўлиб қолиб, бунда Ҳиндистоннинг икки қисми – Синд ва Ҳинд тушуниладиган бўлди (қаранг: *Крачковский, Географическая литература. – Т. IV, с. 66*). Бу таржиманинг камчиликлардан холи эмаслиги ҳақида Беруний бир неча асарида қайд этган. Бу камчиликларни Муҳаммад ал-Хоразмий (тах. 783–тах. 850) бартараф қилган.

<sup>430</sup> Сиддҳанта (*siddhānta, сиддҳанд*) – «пировард мақсад; хулоса, ақида». Махсус маънода: тан олинган қонуний қўлланма ёки фаннинг бирор тармоғи бўйича дарслик; одатда бу ном билан математика ва астрономиядан рисола, дарслик тушунилади.

<sup>431</sup> Зиж – аслида Марказий Осиё халқлари тилларига хос сўз; сўзнинг бу кўринишида унда араблаштириш бор – сўзнинг охиридаги «ж» товуш-харфи назарда тутилади. Пахлавий форчасида ҳар қандай катак ёки жадвалга нисбатан «зиг» сўзи қўлланилган. Бу сўзнинг арабийлашгани «зиж» бўлади. Ўзбек тилида «зич» сўзи ҳам катак ёки жадвал маъносида қўлланилади. Масалан, икки хил катак дафтарни солиштирсак, катакларнинг масштабларида кичик масштабдаги катаклар катта масштабдаги катаклардан «зич» (ёки «зичроқ») жойлашганини қайд қиламиз. Бу ҳолда ҳам арабийлаштиришда «зич» сўзи «зиж» кўринишини олади.

Илк зижлар асосан жадваллардан иборат бўлган. Беруний бу ерда ўз давридаги зижларни назарда тутаяпти. XI аср бошларига келиб зижлар анча такомиллашган бўлиб, улар назарий қисмга ҳам эга бўлган.

<sup>432</sup> Қуйида келтирилган 5 сиддҳанта «Брихатсамхита»нинг 2-бобида келтирилган; унда фақат «Брахма-сиддҳанта» ўрнига «Пайтамаха» эслатилган. Вараҳамиҳира бу рисолаларни ўзининг «Панча-сиддҳантика»сида таҳлил қилади. Беруний эслатган 5 сиддҳантадан аввалги тўрттасини одатда милодий III–IV асрларга мансуб дейилади.

<sup>433</sup> «Сурия-сиддҳанта» (Surya – *siddhānta*, *сўрдна* – *сиддҳанд*) – бизнингча, ҳинд астрономик асарларининг энг қадимгиси. Лата (*Lāta*, *лātu*)ни Беруний шу асарнинг муаллифи деган бўлса ҳам, у ҳинд манбаларида қайд қилинишича, «Паулиша-сиддҳанта» ва «Ромака-сиддҳанта»нинг мушарриҳи бўлган. Ҳинд анъанасига кўра, «Сурия-сиддҳанта»нинг келиб чиқиши илоҳийдир. (қаранг: *Winternitz*, III, S. 558).

<sup>434</sup> «Васиштха-сиддҳанта» (*Vāsiṣṭha-siddhānta*, *басиштмасиддҳанд*) – астрономиядан қадимги рисола. Браҳмагупта «Васиштха-сиддҳанта»ни Вишнучандра (*Viṣṇu-sandṛa*, *бишаначандру*) қайта ишлаганини эслатади (қаранг: *Thibaut*, S. 57). Васиштха (XI бобнинг 303-изоҳига қаранг) ҳиндларда еттита афсонавий донишмандлардан бири бўлиб, улар Катта Айик юлдуз туркумининг етти юлдузига ўхшатилади.

<sup>435</sup> «Пулиса-сиддҳанта» (*Pulisa-siddhānta*, *пулиссиддҳанд*) – ҳинд адабиётида «*Pauliṣa-siddhānta*» номи билан маълум бўлган астрономик асар, бизгача етиб келмаган. Вебернинг тахминига кўра, юнон Паулиса (*Pulisa*, *пвлс*), шу асарнинг муаллифи ва машҳур астролог Павел Алискандарий – битта шахс (*Weber*. IS, II, S. 260). Пулиса китобининг муҳаррири (ёки бу ерда бир исмнинг икки хил ёзилишидир).

<sup>436</sup> «Ромака-сиддҳанта» (*Romaka-siddhānta*, *рўмаксиддҳанд*) ҳам «Пулиса-сиддҳанта» каби бизга фақат Вараҳамиҳиранинг «Панча-сиддҳантика»даги баёнидан маълум. Бу асарда юнон фанининг катта таъсири сезилади; унинг номининг ўзи келиб чиқиши бўйича ғарбга алоқадорлигини кўрсатади. («Рома» – Рим, Византия). Бироқ Беруний бу ерда ушбу рисоланинг анча кейинги (Вараҳамиҳирадан кейин) қайта ишланганини назарда тутаяпти ва бунинг муаллифи Шришана (*Śriṣeṇa* *'шрйхйну*) эканлигини айтаяпти. Шришенанинг «Ромака-сиддҳанта»си ҳақида Браҳмагупта «Брахма-сиддҳанта»сида эслади ва бу асар аввалги астрономик рисолалардан умуман фарқ қилишини таъкидлаган (*Thibaut*. S. 57).

<sup>437</sup> «Брахма-сиддҳанта» (юқорида XIII бобнинг 398-изоҳига қаранг) 628 йил атрофида ёзилган. Браҳмагупта (*Brahmagupta*, *браҳмагупт*), Жишнунинг (*Jiṣṇu*, *жаши*) ўғли – Қадимги Ҳиндистоннинг энг йирик математик ва астрономларидан. Анҳилвара (*Anhilvāra*, *'нхлвāрх*) – Аналавата – Гужаратдаги ҳозирги Патан. Бҳилла-

мала (Bhillamāla, бхиллимāла, Брахмагуптанинг ватани, эхтимол, Мервардаги ҳозирги Бҳинмал бўлса керак. Йўжана (yojana, *жвжнā*) деб тахм. 8 км га яқин ма-софа тушуниляпти. Йожана – Қадимги Ҳиндистонда узунлик ўлчами, аниқ миқдори йўк, тахм. 4 км дан 8 км гача ва ундан узун бўлиши мумкин.

<sup>438</sup> Матнда кичик сукут.

<sup>439</sup> Пайтмаҳа (Paitāmaḥ, *пайтамаҳ*) – «Биринчи Отанинг [яъни, Брахманинг] кито-би» – қадимги ҳинд астрономик рисоласи, юзага келиш даври ведик даврлардан клас-сик даврга ўтиш пайтига тўғри келади. Бизгача етиб келмаган. «Пайтамаҳа» қадимги даврда юқори обрўга эга бўлиб, ўрта асрларда Брахмагуптанинг «Сидҳанта»си томо-нидан сиқиб чиқарилган.

<sup>440</sup> «Панча-сидҳантика» (Pañca-siddhāntikā, *пнчсиддҳāндк*), Варахамихиранинг асари, астрономияга махсус бағишланган. Беруний бу асарнинг факат бир қисми би-лан таниш бўлган кўринади, чунки у асарга тўла баҳо бера олмаган (қаранг: *Kern*. p. 24–25). «Pañca» санскритчада 5 ни англатади.

<sup>441</sup> Сиддҳанталардан «Инду – (Indu, *инду*) сиддҳанта» бизга номаълум. «Ява-на» (Yavana, *жабан*) деб юнон (шундан «явана»)ларнинг Брахмагупта даврида Ҳиндистонда маълум бўлган бирор астрономик асари назарда тутиляётган кўринади.

<sup>442</sup> «Брахма-спухта-сиддҳанта»нинг бизгача етиб келган матнида 24 боби бошқачароқ тартибда жойлашган. Биз уларнинг сарлавҳаларини (Вебер тавсифла-ган қўлёзма: HVKBV, V, Bd, 2, Abth. 1, S. 292–297) келтирамиз: 1. Сайёраларнинг ўртача ҳаракатлари ҳақида. 2. Сайёраларнинг ҳақиқий ҳаракати ҳақида 3. Уч муаммо ҳақида. 4. Ой тутилишлари ҳақида. 5. Қуёш тутилишлари ҳақида. 6. Тулуъ ва ботиш ҳақида. 7. Ой тулуъ этиши ва унинг «шоҳлари» ҳақида. 8. Ой сояси ҳақида. 9. Сай-ёраларнинг яқинлашиши ҳақида. 10. Зухра билан қўшилиш. 11. Астрономик рисо-лаларга (tantra) танкидий қараш. 12. Арифметик прогрессия ва бошқалар ҳақида. 13. Сайёраларнинг ўртача ҳолати ҳақида. 14. Номсиз боб; унда Ариабҳата билан баҳс келтирилади. 15. Уч саволга жавоб. 16. Номсиз боб; Ариабҳата, Шришена ва Вишнучандрага ҳаволалар келтирилган. 17. Жадваллар ҳақида. 18. Куттаклар ҳақида (kuṭṭaka, *катака*, «сочувчи» – ҳинд математикасининг махсус ибораси,  $ax + v = cy$  кўринишидаги ноаниқ биринчи даражали тенгламаларни ечиш усули, умуман олган-да, ҳозирги замондаги узлуксиз касрлар усулига мос келади). 19. Номсиз. 20. Шеърӣй вазнлар ҳақида. 21. Ер сфераси ҳақида. 22. Асбоблар ҳақида. 23. Ўлчамлар ҳақида. 24. Рамзлар ҳақида.

<sup>443</sup> «Дҳияна-градҳия» («Dhyā-grahādhyāya, *дихāнагрҳāддхā*) – «Боб: Сайёралар ҳақида мулоҳаза»; аниқроғи: «Боб, сайёраларга бағишланган, абстракт мулоҳаза би-лан қаралади».

<sup>444</sup> «Тантра» (Tantra, *тантр, тантру*) – «система, доктрина». «Карана» (карада, *гарану, гаран, З – крн*) – «(астрономик) ҳисоблаш» Астрономик системани тўлалигича батафсил баён қиладиган «сиддҳанта»лардан фарқли ўлароқ, «тантралар» одатда астрономиядан бошланғич курс деб тушуниланган. «Караналар»га эса энг қулай ва тез астрономик ҳисоблар бажариш учун қўлланмалар деб қаралиши мумкин.

<sup>445</sup> Ачария (ācārya, *āжāрж*) – «устоз». Ҳинд фанининг турли соҳаларида тан олинган ва эътиборли шахснинг унвони.

<sup>446</sup> Катта Ариабхата (*Āryabhaṭa*, *āryabḥḍ*, *ārjabḥḍ*) – мил. авв. 476 йили туғилган, буюк ҳинд астрономи ва математиғи. Катта Ариабхатанинг Беруний эслатаётган «Тантра» номли асари бизгача етиб келмаган (қуйида 461-изоҳга қаранг. Лекин таҳмин қилиш мумкинки, бу ном билан Беруний Ариабхатанинг «Сурия-сиддхантага» «Тантра-Bhaṭīya» номи билан ёзган шарҳини назарда тутаётган бўлса керак (қаранг: *Lassen*. II, S. 1162; *Bhao Daji*. JRS, V. I, 1865, p. 395).

<sup>447</sup> Балабҳадра (*Balabhadra*, балбахадр) – ҳинд астрономи. Унинг Вараҳамиҳиранинг «Бриҳад-жатака»сига ёзган шарҳи маълум.

<sup>448</sup> Бҳануяшас (*Bhānuyaśas*, *бахънаржус*) – Г. Бюлер таклиф қилган транскрипция ёки *Bhāmeṅajas* (қаранг: *Sachau*. India, transl., II, p. 306). Бу муаллифнинг ўзи ва асари «Расаяна» (*Rasāyana-tanta*, *рсайнтнтр*) ҳам бизга номаълум.

<sup>449</sup> Матнда кичик сукут.

<sup>450</sup> «Карана-Кҳандакҳадйака» (*Kaṛaṇa-khaṇḍa-khādyaka*, *гаранкандкātик*, 3 – *крнкндкāt*) – Браҳмагуптанинг машҳур асари. *Khaṇḍa-khadya* санскритча «ширинликлар». Ҳиндча *khaṇḍa* билан ўзбекча қанд сўзларининг асли ўзаклари бир.

<sup>451</sup> Сугриванинг (*Sugrīva*, *сугурӯм*) «Дадҳисагара» (*Dadhisāgara*, *даддсāгар*) бизгача етиб келмаган.

<sup>452</sup> Рисолалар «Кура-бабая» (*Kūra-babāya*, *курабабайа*; *kūra* – «қайнатилган гуруч», «*babāya*» маъноси номаълум) ва «Анда-лавана-мушти» (*Aṇḍa-lavaṇa-muṣṭi*, *индлӯнамшт* – «тухум ва бир кафт туз») сақланмаган ва уларнинг муаллифи бизга номаълум. Ҳайдаробод нашрида асарнинг номини «Лавана-мушти» ва муаллифнинг отини «Инд» деган.

<sup>453</sup> «Утгара Кҳандакҳадйака» (*Uttara-khaṇḍa-khādyaka*, *’втракндкātк*), яъни «Кҳандакҳадйаканинг давоми». Браҳмагуптанинг бу асари бизгача етиб келмаган.

<sup>454</sup> «Кҳандакҳадйака типпа» (*Khaṇḍa-khādyaka – tippā*, *кандгātктиппа*, 3 – *кндкатктиппā*), яъни «Кҳандакҳадйакага шарҳ». Бу шарҳ ҳам сақланмаган, шунингдек, у ҳақиқатан ҳам Балабҳадрага тегишли экани номаълум.

<sup>455</sup> Вижа्यानдин (*Vijayaṇandin*, *бажайāнанд*) – X асрда яшаган ҳинд астрономи, асли Банорасдан. Унинг «Карана тилака» (*Kaṛaṇa-tilaka*, *грнтлк*, 3 – *крнтлк*) номли астрономик асарини Беруний араб тилига «Фуррат-аз-Зижот» номи билан таржима қилган. Покистонлик олим Саййид Ҳусайн Ризвий уни изоҳлар билан инглиз тилига таржима қилган (қаранг: *Biruni*. *Ghurṭar al-zijāt*). Балуч (*Baluch*) номли яна бир покистонлик олим асарнинг арабча танқидий матнини нашр этган.

<sup>456</sup> «Карана-сара» (*Kaṛaṇa-sāra*, *гаранасāра*, 3 – *крнсāр*), «қараналарнинг олийси», Виттешваранинг (*vitteśvara*, *биттешвар*), шунингдек Бҳануяшаснинг «Карана-паратилака» (*Kaṛaṇa-paratilaka*, *гаранпартлк*. 3 – *крнпртлк*) асарлари бизгача етиб келмаган, муаллифларининг ўзи ҳам номаълум. Утпаланинг Вараҳамиҳиранинг «Бриҳат жатака» асарига ёзган шарҳида астроном Бҳадатта (*Bhadatta*, михдатт) эслатилади. Нагарapura (*Nagarapūra*, *нагарпур*), – Шимоли-Ғарбий Ҳиндистонда ҳозирги Жалоллобод яқинидаги қадимги шаҳар Нагара.

<sup>457</sup> Утпала (*Utpala*, *ўпл*), ёки Бҳатапала – Вараҳамиҳира (*Ха.*) асарларининг машҳур мушарриҳи. Бу ерда эслатилган рисоалар «Раҳу-пракарана» (*Rāhurākaraṇa*, *рāхурагарāн*, 3 – *рāхунрā*, *крн*), яъни «Тутилишларни қилувчи Раҳу аждари ҳақида

рисола» ва «Карана-пата» (Kaṛaṇapāta, *гаранпāt*; 3 – *крнпāt*), яъни «Караналарни йўқ қилиш» сақланмаган.

<sup>458</sup> «Карана чудамани» (Kaṛaṇa-cūdāmani, *гаранчарāман*, 3 – *крнчварти*) бизга номаълум.

<sup>459</sup> Кўп асарларда, инсониятнинг афсонавий аждоди Ману, буюк астроном деб таърифланади ва астрономик асар «Самҳита»нинг муаллифи ҳисобланади. Бирок «Манаса» (Mānasa, *мāнас*) ҳам, Утпаланинг шарҳи ҳам сақланиб қолмаган.

<sup>460</sup> Мунжаланинг (Muñjala, *пунчал*; Захау бўйича Puñcala) «Laghumānasa» («Кичик Манаса») асари сақланган.

<sup>461</sup> Катта Ариабхатанинг иккита асари сақланган: «Дашагитика-сутра» (Daśagītika, *дашагītтака*) ва «Ариашташата» (Āryāṣṭaśata, *ārжашташт*); одатда булар битта «Laghvāryabhaṭṭya» ёки «Ārya-siddhānta» ном билан бирлаштирилади.

<sup>462</sup> «Локананда» (Lokānanda, *лвкāнанд*) ва Бхаттиланнинг (Bhaṭṭila, *баҳаттал*), китоби бизгача етиб келмаган.

<sup>463</sup> Брахма, Балабхадра, Дивиятаттванинг (Divyatattva, *дбйатт*) «Самҳита»лари (saṁhitā, *сангаҳит* – «тўплам») бизга номаълум. Парашара энг қадимги хинд астрономи ҳисобланади; ундан кейингиси Гарга (қаранг: Weber. Indische Literaturgeschichte, S. 225). Парашаранинг «Самҳита»си бизгача етиб келмаган, лекин классик давр астрономларининг кўпчилиги уни ўз асарларида эслатадилар. Шунингдек, Вараҳамиҳира ва ундан анча кейинги астрономлар ҳам ўз асарларида Мандавия (Maṇḍavya, *мāндабб*) ва Гарганинг (Garga, *грғ*), мил. авв. II а., «Самҳита»ларини тез-тез ёдга оладилар.

<sup>464</sup> «Жатака» (Jataka, *жатк*) – «Туғилишлар ҳақида китоб» – хинд астрологик адабиётида мунажжимларнинг юлдузлар жадвалини тузишга бағишланган бўлим. Вараҳамиҳира ўзининг «Брихад-жатака»сида машҳур муаллифлар қаторида Сатия (Satya, *стт*), Живашарман (Jivaśarman, *жйбшрм*), Маниттха (Mañittha, *мнитт*) каби астрономларни эслайди. Сатия Вараҳамиҳирадан биров олдин яшаган. Маниттхани Вебер Apotelesma'ининг (*Kern*. p. 51 – 52) муаллифи Монетхо билан айнанлаштиради. Юнон Мау (Maou, *мав*) ҳақида бир нарса дейиш қийин.

<sup>465</sup> Вараҳамиҳиранинг машҳур рисолалари «Bṛhajjātaka» (Катта Жатака) ва «Laghujātaka» (Кичик Жатака) назарда тутилади. Балабхадранинг шарҳи сақланмаган.

<sup>466</sup> Калиянаварманнинг (Kalyāṇavarman, *клāнабарма*) «Саравали» (Sārāvali, *сāравл*) ёки «Жатака-саравали» рисоласи бир неча вариантда сақланган, тахминан VI аср охирида ёзилган.

<sup>467</sup> Келиб чиқиши бўйича юнон бўлган Яванешвара томонидан мил. авв. 169 йили юнончадан таржима қилинган астрологик рисола «Yavana-Jātaka» (Юнон Жатакаси) бизгача сақланган.

<sup>468</sup> «Шат-панчашика» (Ṣaṭpañcāśika, *хаттпнчашик*) ёки «Хора-шатпанчашика» китобини Вараҳамиҳира эмас, унинг ўғли Притхияшас 600 йили ёзган. «Хора-панчохотрия» (Hoḡā-pañca-hotriya, *хвrabнжхатарй*) китоби бизга номаълум.

<sup>469</sup> Вараҳамиҳиранинг «Йогаятра» (Yogayātra, *жвгжāтр*) асари – астрологик рисола, подшоҳларнинг саёҳатга чиқиши учун қулай аломатларни аниқлашга бағишланган. «Тиканиятра» (Tikaniyātra, *тигнйжāтруб* 3 – *тиканйжāтр*) китоби бизга номаълум. «Виваха-патала» (Vivāha-pāṭala, *ббāхптл*) китобига келсак,



Варахамихирага тўй ва уйланиш ҳақида иккита астрологик асар тегишли бўлган: «Bṛhadvivāha-ṛaṭala» ва «Svalpa-vivāha-ṛaṭala».

<sup>470</sup> Матнда сукут бор.

<sup>471</sup> Беруний қайси китобни назарда тутаётганини аниқлаш қийин. Захау таклиф қилган транскрипция (*çrotavua, çvezava*) бироз шубҳали. Шунингдек, номлари қайд этилган муаллифлар: Маҳадева, Вималабуддхи (*Vinalabuddhi, бмалбудд*) ва Бангала (*Ban gāla, бангāла*) ҳақида ҳам бизга ҳеч нарса маълум эмас.

<sup>472</sup> «Гудҳамана» (*Gūdhāma, жўрāмана*) – Захау шу транскрипцияни келтирган, лекин унинг ўзи келтирган иккинчи транскрипция тўғрироқ (*Sachau. India, transl., II, p. 308*); «Чудамани» (*cuḍāmaṇi*) – келажакни таъбир қилишнинг махсус усулини англатади. Номи «Чудамани», «Чудаманисара» ва б. бўлган қатор астрологик асарлар маълум. Беруний қандай шаманий (буддавий) асарни назарда тутаётганини аниқлаб бўлмади.

<sup>473</sup> «Прашна-чудамани» (*Prāṣṇa-sūḍāmaṇi, паршанажўрāман*) – шу номли астрологик асарнинг қўлёзмаси Ауфрехтда (*CC, p. 357*) кўрсатилган; лекин у Утпала номи билан боғланмайди.

<sup>474</sup> Бу ерда эслатилган астрономлардан Дивакара (*Divākara, дубāгару, 3 – дбāкр*), Нрисимҳа ўғли маълум, у қатор астрологик рисолаларнинг муаллифи. Прадиюмнани (*Pradyumna, пурддмун* Браҳмагупта «Брахмасиддҳанта»да иқтибос қилади, Девакирттини (*Devakīrtti, дйвкīрту*) – Утпала ўз шарҳларидан бирида эслайди. Притхудака (*Prīthūdakasvāmin, пртўтаксвām*) «Брахмасиддҳанта»га ёзилган шарҳнинг муаллифи сифатида маълум. Парешвара (*Pareshvara, парйсфар*) – балки Прамешварадир (*Pramesvara*) «Ария-сиддҳанта»га ёзилган шарҳнинг муаллифи. Астроном Сарасвата (*Sārasvata, сāрасфату*) бизга номаълум. Сангаҳилла (*San gahila, ёки Grn khala, снгаҳил*) ва Пуруванага (*Pīrūvana, пīрўвāна*) келсак, бу исмларни Захау транскрипцияси шубҳали (*Sachau. India, transl., II, p. 308*).

<sup>475</sup> Чарака (*Caraka, чараку*) – ҳинд тиббий адабиётининг уч қадимги муаллифларидан бири (тахм. II а.). Унинг «Чарака-самҳита» номли китоби оригинал эмас, аммо у қадимги рисола – «Тантра» – Агнивеши (*Agniveṣa, аганабўта*) асарининг қайта ишланганидир. Ҳинд ривоятларига кўра, Агнивеша – афсонавий донишманд – ришилардан бири. «Сутра болалари» (*Sūtra, сутра*) ибораси тушунарли эмас; сутра – ҳинд илмий адабиётининг бир тури. Балки Савитар (*Savitṛ, қадимги Куёш* маъбуди назарда тутилаётгандир.

<sup>476</sup> Ҳинд ривоятларига кўра, тиббиёт фани Браҳма томонидан асосланган, кейин уни Пражапатига берган, Пражапатидан у Ашвинларга (*Aṣvin, ашванй*) ўтган – ҳинд Диоскурларига, худонинг табибларига, Ашвинлардан – Индрага, Индрадан – ришиларга ўтган. Кейинги ҳинд мифологиясига кўра, Пражапатини Браҳма билан айнанлаштирилади.

<sup>477</sup> «Панчатантра» (*Pañcatantra, пнжтантр, 3 – пнчтнтр*) – машҳур қадимги ҳинд афсоналар тўплами, милодий VI асрда паҳлавий тилига таржима қилинган. «Панчатантра» паҳлавийдан 750 йили Абдуллоҳ ибн ал-Муқаффаъ (142/759 йили Басрада қатл қилинган) томонидан араб тилига «Калила ва Димна» номи билан таржима қилинган. Бу манбанинг арабча таржимаси ўрта асрларда Европа ва Осиё тилларига кўплаб таржималарга асос бўлди.

<sup>478</sup> «Чарака» китобининг мавжуд бўлган пахлавийча таржимасидан бажарилган арабча таржимаси ҳақида Ибн ан-Надим ўз «Ал-Фихрист»ида (303-б.) эслатади, бошқа муаллифлар ҳам буни эслайди; бироқ таржиманинг ўзи фақат иктибосларда сақланган. Бармакийлар – Аббосий халифаларнинг 750–803 йиллардаги вазирлар сулоласи, уларнинг энг биринчиси Бармак асли Балхдан бўлган (EI, I, S. 691–693).

<sup>479</sup> Матнда *тараддада* феъли қўлланилиб, у «форсча билан ҳиндча» маъносида қўлланилган.

<sup>480</sup> Барзўйя – ривоятга кўра Эроннинг сосоний подшоҳи Хусрав Анушервоннинг (531–579) вазири бўлиб, Ҳиндистонга саёҳатдан «Калила ва Димна» билан ша-транж (шахмат)ни келтирган. Барзўйянинг сўз бошиси ёки табиб Барзўйянинг тари-хи ҳақидаги «Калила ва Димна»даги боби, Абдуллоҳ ибн ал-Муқаффаъ томонидан қўшилган эмас, у асарнинг пахлавийча матнида илгаридан мавжуд бўлиб, у томони-дан анча тахрирланган ва тўлдирилган. Берунийнинг Ибн ал-Муқаффаъни танқид қилиши бежиз эмас, чунки у зиндикликда айбланиб, қатл қилинган эди.

## XV БОБ

<sup>481</sup> *Дирҳам* кумуш танганинг вазни ўша пайтда (VIII–X асрлар) В. Хинц бўйича 2,9645 г. ни ташкил қилган (*Хинц В. Мусульманские меры и веса с переводом в метрическую систему.* – М.: 1970б С. 12). Унинг мисқолга доимий муносабати 7:10 (EI, I, S. 1020); қуйида келадиган «еттилик вазни» шу муносабатни билдиради. Фалс – май-да мис танга; унинг вазни, кумуш дирҳам билан муносабати каби доимий бўлмаган. (EI, I, S. 49).

<sup>482</sup> *Суварна* (*suvaṇṇa, sūraṇ*) – яъни, «олтин»; вазн ўлчами, 176 гранга тенг бўлган.

<sup>483</sup> *Тола* (*tola, tvaḥ*) – оғирлик ўлчами, 3/4 суварнага, 12 машага ва метрик тизимда 12, 0504 г. га тенг бўлган (қаранг: *Хинц ўша асар* 40-б.),

<sup>484</sup> *Маша* (*māṣa, māṣḥ*) – оғирлик ўлчами, 1/16 карша (суварнага тенг. Бир толада 12 маша бор, бу оғирлик бирлигини 1,0042 г.га тенг дейилади. (қаранг: *Хинц ўша асар*, 32–33-б.).

<sup>485</sup> *Анди* (*aṇḍī, aṇḍī*) ёки *aṇḍika* – «тухумча», 4 явага тенг оғирлик ўлчами. Га-ура (*gaura, garvu*) – ўсимлик; уруғи оғирлик ўлчами сифатида ишлатилади. Ява (*yava, java*) – «арпа дони», оғирлик ўлчами, 6 ёки 12 гаура донига тенг (сарша-па). Кала (*Kala, kala*) – «зарра, атом»; бу ерда келтирилган каланинг оғирлик ўлчами сифатидаги таърифи ҳинд адабиётида ишлатилмайди. Пада (*pāda, pāṣaḥ*) – «қадам, тuroк», узунлик ўлчами (фут) сифатида ишлатилади. Бу ерда келтирилган оғирлик ўлчамларининг охиригисини (мдрй) аниқлаб бўлмади.

<sup>486</sup> *Дранкшана* (*draṇkṣaṇa, drkṣim*) – оғирлик ўлчами, «талака»нинг ўзи, 12 маша-га тенг.

<sup>487</sup> Матнда: бешдан бирнинг чораги.

<sup>488</sup> *Руву* (*ruvu, ruvaḥ*) – кастор дарахти (*Ricinus Communis*) пали (*pāli, pāli*) – «бит».

<sup>489</sup> Бу ўлчамлар «Брихат-самхита»да, LVIII боб, 1 шл., келтирилган. Улардан энг майдасини Вараҳамиҳира «параману» (атом) деб атайди. Кейин у ража (*raja, radжу* – чанг), бālāgra (*bālāgra, bālāgy*) – «соч толасининг учи», ликхья (*likhya, lik* – «йи-

ринг»), юка (ука, *жуға*, 3 – *жвк*, «бурга»), ява, шуларнинг ҳар бири олдингисидан 8 баравар катта деб кўрсатади. «Ману Қонунлари»да VIII боб, 132 шл. энг майда ўлчам «трасарену» дейилади. Рену (*renu*, *райну*) – «чанг зарраси [куёш нурида]».

<sup>490</sup> Биз «Брихат-самҳита»да мос таърифни топмадик. Пала (*pala*, *палу*) – оғирлик ўлчами, 4 каршага (суварна) тенг.

<sup>491</sup> Пала кудава (*kuḍava*, *краву*, *курабу*, *краву*, *краву*), прастха (*prastha*, *прсту*, *прасту*), адҳака (*ādḥaka*, *арҳа*) – Қадимги Ҳиндистонда кенг тарқалган, сочилувчи донларни ўлчаш бирликлари. Берунийнинг таърифлари ҳинд адабиётида эслатилган маълумотларга мос келади. Бироқ Ҳиндистонда турли ўлчам бирликлари мавжуд ва айнан бир хил атамалар ҳар хил ўлчамларга нисбатан айтилган бўлиши мумкин, буни қуйидаги атамалардан кўриш мумкин.

<sup>492</sup> Дрона (*drone*, *друн*, *дарун*, «челак») – суюқликлар ва сочилувчи донлар ўлчам бирлиги, одатда 4 адҳакала (гоҳо – 2 адҳакала) тенг дейилади.

<sup>493</sup> Яъни «бировнинг тилидан ушлаб (тутиб) олди».

<sup>494</sup> Атрея (*Atreya*, *'трй*) – Қадимги Ҳиндистонда табобат фанига асос солган афсонавий табиблардан бири. «Чарака-самҳита»да материалнинг деярли ҳаммаси унинг тилидан баён қилинган ва унинг ҳурматига ҳавола қилинган. Ўлчамларнинг таърифи «Чарака-самҳита»нинг *Kalpa-sthāna* бўлимининг 12-бобида баён қилинади. Беруний келтираётган арабча таржимадан олинган ўлчамлар рўйхати, «Чарака»да келтирилган «калинг» ўлчамлар системасига тегишли бўлса керак. Аммо бу бизга маълум бўлган асл нусха матнидан анча фарқ килади. Маричи (*marici*, *мйрч*) – «куёш заррачаси», калинг системасига кўра 6 ваншига (заррага) тенг; 6 маричи = 1 ражика (*rājika*, *Sinapis Rmosa* дони); кейин фарқлар бошланади; Чаракада 3 ражика = 1 саршапа, 8 саршапа = 1 ява; 4 ява = 1 гунжа (*Abrus prekatarius* дони). Анди ўлчами асл нусхада йўқ. 6 гунажа = 1 маша. Чҳана (*chāna*, ж х ā н) арабча таржимада – тушунарсиз ибора, оригиналдаги шана (*сҳпа*) назарда тутилса керак, у 4 машага тенг, 4 шана = 1 карша (суварна); кейин каршадан то шурпагача (*сўгра*, ш р п) таржима асл нусхага аниқ мос келади, фақат баъзи оралик ўлчамлар тушириб қолдирилган. Жана (*janā*, *жнā*) – тушунарсиз ибора. Калинг системасида 2 шурпа = 1 дрони.

<sup>495</sup> Матнда: бешдан бирнинг учдан бири.

<sup>496</sup> *Манā* – арабча оғирлик ўлчами тахминан 850 граммга тенг бўлган.

<sup>497</sup> *Ратл* – арабча оғирлик ўлчами, юнонча *litron* дан келиб чикқан, турли араб мамлакатларида у турлича вазнда бўлган ва улар бир неча юз граммдан то бир неча килограммгача фарқ қилган. Берунийнинг ватани Хоразмда у 1035, 25 граммга тенг бўлган (қаранг: *Хинц*, ўша асар 34–39, алоҳида 38-б.).

<sup>498</sup> *Даниқ* – форсча данг'нинг арабийлаштирилгани, дирҳамнинг ёки динорнинг  $\frac{1}{6}$  ига, оғирлик ўлчами сифатида тахминан 0,5 граммга тенг бўлган.

<sup>499</sup> Қаранг: «Брихат-самҳита», XXIII боб, 2 шлока. Қуйидаги 500-изоҳга қаранг.

<sup>500</sup> Шрипала (*Śṭrīpāla*, *шрйпāl*) – Берунийнинг замондоши ва унинг хабардорларидан бири кўринади. «Брихат-самҳита»нинг бизга етиб келган матни. Шрипалнинг таърифига мос келади: 1 адҳака = 50 пала (XXIII, 2).

<sup>501</sup> Захаунинг фикрига кўра, Живашарман ҳам, Шрипал каби Берунийга замондош ҳинд олими ёки шахсий таниши бўлган (*Sachau*. India, transl., II, p. 309). Шубҳасиз, бу

ерда эслатилган Живашарман ва юқорида эслатилган, Вараҳамиҳирадан олдин яшган Живашарман (юқорида XIV бобнинг 36-изоҳига қаранг) ҳар хил шахслар.

<sup>502</sup> *Кҳари* (khāri, ҳар) – оғирлик ўлчами 16 дронага тенг.

<sup>503</sup> *Қарастун* – юнонча ибора, матнда у кўпликда келтирилган; маъноси «кумуш ва мис тангалар тортиладиган тарози» (қаранг: *Dozy*, II, p. 327).

<sup>504</sup> *Тула* (Tulā, тулх) – «тарози», «оғирлик».

<sup>505</sup> «Маҳабхарата»нинг иккинчи китобида (Śiṣupālavadhā parva) қандай қилиб Кришна уни ҳақорат қилган подшоҳ Шишупалани (Śiṣupāla, шушупāl) ўлдиргани ҳақида ҳикоя қилинади.

<sup>506</sup> Абу Исоҳ Иброҳим ибн Ҳабиб ибн Сулаймон ибн Самура ибн Жундаб ал-Фазорий (ваф. тахм. 777 й.) – илк мусулмон астрономи ва таржимони, у мусулмон мамлакатларида биринчи бўлиб астуриб ясаган; ўзининг асарлари ва таржималари билан астрономия ва математиканинг ривожланишига улкан ҳисса қўшган. Хусусан, у Брахмагуптанинг «Брахма-спхута-сиддҳанта» асарини араб тилига таржима қилгани маълум. Бундан ташқари у «Сферани текисликка проекциялаш» (Китāб фй тастйх ал-кура), «Араб йиллари бўйича зиж» (аз-Зйж ‘алā синй ал-‘араб), «Текис астуриб билан амал қилиш китоби» (Китāб ал-‘амал би-л-астурлāб ал-мусафтах) ва бошқа ўнга яқин астрономик рисола ёзгани маълум. Одатда фан тарихига оид асарларда уни ўғли Муҳаммад ал-Фазорий (VIII а. иккинчи ярми) билан чалкаштирилади (*Sachau*. India, transl., II, p. 310). Беруний уни ўзининг кўп асарларида эслатади ва танкид қилади (*Brockelmann*. GAL, SB, S. 391, № 1a; *Крачковский*. Арабская географическая литература, Т. IV, с. 66–68; *Матвиевская Г.П., Розенфельд Б.А.* Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII–XVII вв.) кн. 2, – М.: 1983, С. 29, №1).

<sup>507</sup> *Пала* ибораси санскритда тахминан 24 сонияга тенг бўлган вақт бирлигини ҳам англатади.

<sup>508</sup> *Бҳара* (bhāra, бхār), «юк» – оғирлик ўлчами 2000 паллага тенг.

<sup>509</sup> *Буси* (bīsī, сбй), панти (panti, патн), мора (mora, мўраҳ), каласи (kalasī, каласй), мана (māna, мāна) – сочилувчи донларни ўлчаш бирликлари. 100 мана = 5 пала ҳисобланади.

<sup>510</sup> *Ангула* (an-gula, ’нгул – «бармоқ»), дханус (dhanus, даҳану – «камалак»), налва (nalva, нил), кроша (kroṣa, крўш) – Қадимги Ҳиндистонда тарқалган узунлик ўлчамлари. Ҳаттха (hattha, ҳатту) санскритча hasta – «тирсак» – иборасининг ўрта ҳинд шакли. Рама (rāma, рām) ва даста (dasta, дасту) иборалари узунлик ўлчамлари сифатида бизга маълум эмас. 4 бармоқ 1 «dhanurgraha»ни («камалак ўртаси») ташкил қилади. Ўлчамларнинг муносабатларини Беруний умумҳинд меъёрида мос кўринишда келтирган. Фақат налва одатда 400 тирсак ёки  $\frac{1}{10}$  крошага тенг деб ҳисобланади.

<sup>511</sup> *Шанку* (ṣaṅ ku, шнга, 3 – шнк) – «қозикча»; узунлик ўлчами, 12 бармоққа тенг.

<sup>512</sup> Матнда: олтидан бир [қисмнинг] ярми.

<sup>513</sup> *Витастн* (vitastī, батст) – узунлик ўлчами, одатда чўзилган катта бармоқ билан жимжилок оралиғи деб қаралади; 12 бармоққа тенг. Кишку (kiṣku, кишаку) – «қўндок» – узунлик ўлчами, газга тенг ҳисобланади.

<sup>514</sup> *Гокарна* (gokaṛṇa, гӯгарн) – «сигирнинг кулоғи»; Берунийнинг таърифи умумҳинд қабул қилинганига мос келади.

<sup>515</sup> *Карабҳа* (karabha, курб) – қўлнинг билақдан бармоқ учигача узунлиги.

<sup>516</sup> *Тала* (tāla, тāлу) – «кафт»; катта ва ўрта бармоқлар учлари ораллиги.

<sup>517</sup> «... Кафтни эни 6 ангула, бўйи 7 ангула қилинади. Ўрта бармоқ 5 ангула, кўрсаткич [бармоқ] ярим бўғинга кичик; «ҳожимерак» бармоқ кўрсаткич бармоқка тенг, жимжилок – бир бўғинга кичик. Катта бармоқ икки бўғинга эга, бошқа бармоқларда – учтадан [бўғин]...» (Брихат-самхита, LVIII, 26–28).

<sup>518</sup> Одатда йўжанани (юқорида XIV бобнинг 437-изоҳига қаранг) 4 *крошага* тенг деб қаралади.

<sup>519</sup> *Двипа* (dvīpa, дйб) – «орол, китъа». Одатда пураналарда китъанинг «диаметри» йўжаналарда кўрсатилади (масалан: Жамбу-двипа – 100000 йўжана), айланани эса учта диаметрга тенг деб қаралади.

<sup>520</sup> Матнда: етмишдан ўн бир.

<sup>521</sup>  $\pi$  («пи») сонини аниқлашда уни  $\sqrt{10}$  деб кўрсатиш «Сурия-сиддҳанта»даёқ келтирилган. Ариабҳата  $\pi=3,1416$  деб келтирган; Бҳаскара уни «тахминан  $\frac{22}{7}$  га тенг» деган (қаранг: *Thibaut*, S. 74). Шуни ҳам айтиш керакки, геометрия соҳасида ҳиндлар юнонлардан анча орқада қолган эдилар.

<sup>522</sup> *Яъқуб ибн Торик* – халифа Ал-Мансур саройида ишлаган, Ал-Фазорийнинг замондоши (юқорида 26-изоҳга қаранг); асосан ҳинд астрономларининг асарларини таржима ва тарғиб қилиш билан шуғулланган; VIII асрнинг 70-80 йилларида фаолият олиб борган ва тахминан 796 йилга яқин вафот этган. Унинг асосий астрономик асари «Осмоннинг тузилиши» («*Таркиб ал-афлок*») бўлиб, бундан ташқари «Кардажаларни синусларга алмаштириш («Такти‘ кардажāt ал-жайб»), Меридиан ёйидан кўтарилиб турган нарса ҳақида китоб» («*Китāб мауртафа‘а мин қаус нишф ан-наҳār*») ва бошқа асарлар ёзган (қаранг: *Sarton*. *Introduction to the history of science*, p. 530; *Матвиевская Г.П., Розенфельд Б.А.* Ўша асар, 32-б.).

<sup>523</sup> *Яъқуб ибн Торик* бу маълумотларни олган манба бизга маълум эмас (*Sachau*. *India*, transl., II, p. 311).

## XVI БОБ

<sup>524</sup> Сукротнинг асарларида бу ерда айтилган сўзлар йўқ. Терини ёзувда қўлланилиши Пергамда Сукротдан анча кейин бошланган.

<sup>525</sup> 628 йил февраль-март ойларида Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бошчилигида мусулмонлар Мадинадан 150 км шимолдаги Хайбар яҳудийларига қарши юриш қилиб, уларни енгади. Шундан сўнг Хайбар яҳудийлари билан битим тузилиб, унга кўра хайбарликлар мусулмонларнинг хирож тўловчилари бўлиб қолади (қаранг: *Большаков О.Г.* *История Халифата*, Т. I, *Ислам в Аравии*, 570–633, – М: 1989, С. 147–150).

<sup>526</sup> Ривоятларга кўра, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам – 628 йили Византия императори Ираклийга, Эрон подшоҳи Хусрав II га, Ҳабашистон нажошийсига (негус), Фассоний амирга, Мисрдаги Византия ноиб Ал-Муқавқисга,

Уман «подшоҳига», Йаман «подшоҳига», Баҳрайн ва Йамома ҳокимларига мактуб йўллаб, улардан исломни қабул қилишларини талаб қилади. Жавоб фақат «Ал-Муқавқисдан» – Византия императорининг Мисрдаги ноиб Георгийдан келади. У Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга тортиқлар: опа-сингил (бири Мария ал-Кибтия) иккита чўри, бир ахта хизматкор, хачир, қибт газламаларидан кийимлар ҳам юборади (қаранг: *Большаков О.Г.* История Халифата, Т. I, Ислам в Аравии, 570–633. – М.: 1989, С. 153–155).

<sup>527</sup> Қуръони карим, VI, 91. *Қирмас* – юнонча сўз, аввалига папирусни, кейин қоғозни англатган.

<sup>528</sup> Туморлар (матнда: *Тавамир*) – юнонча сўз, аввалига папирус ўрамини, кейинчалик – қоғоз ўрамини англатган.

<sup>529</sup> Бу ерда мусулмонлар 134/751 йили Талос яқинидаги жангда хитойларни енгганлари ва асир олинган бир неча хитойлар қоғоз ишлаб чиқаришдан хабардор бўлганликлари ва улар Самарқандда қоғоз ишлаб чиқаришни йўлга қўйганликлари назарда тутиляпти.

<sup>530</sup> Тари (*tāri*, *tārī*) – аслида тала (*tala*) – елпиғичга ўхшаш эман (*Borassus flabelliformis*) – сўзининг бузиб айтилиши. Эман дарахтининг япроқлари Ҳиндистоннинг жанубида қадим ва ўрта асрларда энг кенг тарқалган ёзув материали ҳисобланган.

<sup>531</sup> Туз дарахти ёзув материали учун манба сифатида қатор араб манбаларида эслатилади. Бу сўзнинг келиб чиқиши форсча бўлса керак (қаранг: *Dozy*, I, p, 154). Шимолий Ҳиндистонда ёзиш учун одатда *бхурша* дарахтининг пўстлогидан фойдаланилган (*bhūrjā*, *бхўч*, *3-бҳөж*) – *Betula Bhojpatra*.

<sup>532</sup> *Путҳи* (*pūthi*, *nīthī*) санскритча *pustaka* – «китоб, қўлёзма» сўзининг маҳаллий талаффузи.

<sup>533</sup> *Акшара* (*akṣara*, *кшар*) – «Ҳарф». Баъзи муаллифлар қадимги ҳинд (деванагари) алифбосининг ҳарфларини турлича ҳисоблайдилар; 48 дан 63 гача.

<sup>534</sup> Захаунинг таъкидлашига кўра, юнон алифбоси ҳақидаги ривоят Дионисий Фракийнинг (мил. авв. I а.) «Грамматик санъат» китобига қандайдир шарҳдан олинган бўлиши мумкин, синхронистик маълумотлар эса кўпроқ Иоанн Малалага ишора қилади. Асўзас исми Паламеднинг ўрнига хато ёзилиб қолган, Агенон эса – Агенор ўрнига (*Sachau*. India, transl., II, p. 314). Симонид деб Симонид Кеослик (мил. авв. 556–469) назарда тутилади.

<sup>535</sup> *Ҳамза* (арабча) – томоқдан чиқадиган ундош товуш. Бу ерда Захаунинг фикрича, санскритча *visarga* назарда тутилади.

<sup>536</sup> *Сиддҳаматрика* (*siddhamatṛika*, *соддаматрка*) – ўткир бурчакли, пона шаклли шрифт, VI асрда Шимолий Ҳинд Гупта шрифти асосида ривожланган.

<sup>537</sup> Варанаси (*Varānāsī*, *бārāнсī*) – Банорас, ҳинд илмларининг қадимги маркази.

<sup>538</sup> Мадҳиядеш (*Madhyadeśa*, *маддйиш*) ёки Арияварта – (*Āryavarta*, *ārjāvartu*) – тарихий вилоят, Ҳимолай ва Виндҳия тоғлари орасида жойлашган, қадимги ҳинд цивилизациясининг бешиги.

<sup>539</sup> *Нагари* (*Nāgarī*, *нāгар*) – VII асрга яқин мамлакатнинг ғарбида аниқланган чўзинчоқ кўринишдаги шрифт. Гоҳо бу ибора *деванагари* шрифтини англатади. Малава (*Malava*, *мāлва*) ёки Малива – Марказий Ҳиндистондаги ўлка.

<sup>540</sup> *Ардҳанагари* (ardhanagaṛī, *ардһнйҗри*) – «ярим нагари». Бхатия (Bhātiya, *бахәтйх*) – Синднинг асосий қалъаларидан бири, Мўлтон билан Алор оралиғида жойлашган. Маҳмуд Ғазнавий томонидан 1003 йили олинган.

<sup>541</sup> *Малавари* (malavāri, *млвārй*) – «малабарий». Малабарда Маливатау, (Malavaṣau, *мявашав*) деган жой ҳам бўлган.

<sup>542</sup> *Сайндҳава* (saindhava, *сайндаб*) – «синдий». Баҳманво ҳақида юкорида айтилди.

<sup>543</sup> *Карната* (Karnaṭa, *крнат*) – «карнат алифбоси», Карнатадешда (Karnātadeṣa, *крнатдйш*) қўлланилади – ҳозирги Майсур штати. Каннаре (канпага, *каннраҳ*, 3- *каннарх*) ёки канада – Ҳиндистоннинг жанубида дравидий элат.

<sup>544</sup> *Андҳри* (andhri, *антарй*) – шрифт, қўлланилган жойи Андхрадеш (Andhradeṣa, *анердйш*) ҳозирги Андхрапрадеш штати.

<sup>545</sup> *Дирвари* (Dirvari, *дирварй*) ёки дравиди (Dravudi) – «дравидий» – жанубий ҳинд шрифти, дравидий мамлакатларда (*дирварадти*) қўлланилган.

<sup>546</sup> *Лари* (lari, *лари*), Латадешда (Latadeṣa, *ларадйш*), яъни жанубий Гужаротда қўлланиладиган шрифт.

<sup>547</sup> *Гаури* (gaugī, *гаври*) ёки гауди (gaudi), яъни «гаудий» (Гауда – ҳозирги Бенгалиянинг марказий қисми). Пурвадеша (Pūrvadeṣa, *пврбадйш*) – «шарқий мамлакат».

<sup>548</sup> Бендал *бхайкшуки* (bhaiksuki, *байакушука*), яъни очик ёки «ўксимон» деб идентификация қилади, бу шрифт Шарқий Ҳиндистонда тарқалган (*Bühler. Indischt Paleographie, 9.59*). Удунпур (Udunpūr, *аудунпйр*), балки Удандапурига (Udandapuri), Магадҳадаги машҳур буддавий монастырга мос келади (*Sachau. India, transl., II, p. 314*).

<sup>549</sup> Ўм (ўм, ўм) – мистик бўғин, одатда шу билан қадимги ҳинд муаллифлари ўз асарларини бошлаганлар.

<sup>550</sup> Ўрта асрлардан яхудий қўлёзмалар худонинг номи қисқартирилиб, иккита йўд орқали ёзилган. Бунда сўзнинг устида қисқартириш белгиси қўйилади, график жиҳатдан у йўд ҳарфига ўхшайди ва кўпинча у билан устма-уст тушади.

<sup>551</sup> *Анка* (aṅka, *ангу* 3-н к) – «белги рақам».

<sup>552</sup> *Папардҳа* (paṅārḍha, *парārд*) – ибора 10 ни, яъни 100 квадриллионни билдирган. Ибора икки қисмдан иборат: paṅa – «бошқа, олий» ва arḍha – «қисм, ярим». *Папардҳа* Браҳма ҳаётининг 50 йилини ташкил қилувчи кунларнинг сони деб ҳисобланади.

<sup>553</sup> Санскритча санок сонлар: экам (ekam, *йкан*) – «бир», дашам (daṣam, *дашан*) – «ўн», шатам (ṣatam, *шазан*) – «юз» саҳасрам (sahasram, *саҳасран*) – «минг»; аюта (ayuta, *ансут*) – 10000; лакша (lakṣa, *лакш*) – 100000; праюта (prāyanta, *паржст*) – «миллион»; кати (koti, *кўртй*) – 1000000; ниярбуда (nyarbuda, *нарбуду*) – «юз миллион»; падма (padma, *пазит*) ёки маҳарбуда – «миллиард», кхарва (kharva, *харбу*) – «биллион»; никхарва (nekharva, *нахрабу*) – «юз миллиард»; маҳападма (mahāpadma, *маҳапазум*) – «триллион», шанку (ṣaṅku, *шанг, шнк*) – «ўн триллион»; самудра (Samudra, *самудру*) – «100 триллион»; мадҳия (madhya, *мадху*) – «ўн квадриллион». Демак, Беруний мадҳия билан анитиянинг ўрнини алмаштириб қўйган.

<sup>559</sup> Нолнинг рамзий белгилари: сйпуа (*шўн*) ва kha (kā) – viyat, akāṣa, ambara, ablira (*ггн, байту, ākāsh, анибари, абру*) – ҳаммаси «осмон» маъносини билдиради. Пунаравишурана (punara viṣṭhana) ибораси аниқланмади.

<sup>560</sup> «Бир» рақамининг рамзий белгилари: ādi (*ad*) – «бошланиш»; ṣaṣin (*шашу*), indu (*инду*), sandra (*жандру*), ṣītāmṣu (*шйтāншу*) – «Ой, Ṣita (*шйта*) «совук» демакдир, gaṣṣmī (*рашалий*) – «нур»: мураккаб сўз ṣītaṣṣmī ҳам «Ой»ни билдиради. Uṣṣara (*рбфрх*), dharaṣ (*дхāрн*) маъноси «ер»; pītāmaha (*питāмах*) – «ота, аждод, гура (*рўп*)» – «намуна, ягона».

<sup>561</sup> «Икки» рақамининг рамзий белгилари: yama (*жама*) ёки yamala (*жамала*) – «эгизак (иккаласидан бири), дўст, қиёфадош»; Aṣvin (*ашфи*) ёки Dasra (*дср*) – «Ашвин» (осмон табиблари, икки биродар Ашвинлардан бири – юкорида XIV бобнинг 476-изоҳига қаранг); Ravisandra (*рбчандру*) – «Қуёш ва Ой»; locana (*лўжан*), akṣi (*аки*), netra (*нйтрф*) – «кўз»; pakṣa (*пакша*) – «қаноат», қамарий ойининг ярми.

<sup>562</sup> «Уч» рақамининг рамзий белгилари: trikala (*таркал*) – «куч замон (ўтган, ҳозирги ва келаси)»; trijagat (*трижагат*) – «уч олам»; trayam (*трйнна*) – «уч, учта»; pāvaka (*пāvк*), vaiṣvanara (*байшфāнар*), dahana (*дхана*), tarana (*тапана*), hutaṣana (*хташана*), jvalana, agni – оловнинг турли номлари (олов 3 шаклда бўлади деб ҳисобланган: ерда, ҳавода – чакмоқ ва осмонда – қуёш). Triguṣa (*трғн*) – «учта гуна», loka (*лвк, лўк*) – «олам», trikaṣu (*тракта*) – «учта зиравор (мурч, қалампир, занжабил)».

<sup>563</sup> «Тўрт» рақамининг рамзий белгилари: veda-юкорида қаранг; samudru (*самудру*), sāgara (*сāгр*), abdhi (*авида*), jalaṣaya (*жалāшай*) – «денгиз, океан» (ерни оламининг тўрт тарафидан ювиб турувчи тўрт океан бор деб ҳисобланади); dadhi (*дади*) – «қаттик»; diṣ (*диша*) – «йўналиш, дунёнинг томони»; kṣta (*кṣита*) – «... томони, 4 билан белгиланган (ютукли)».

<sup>564</sup> «Беш» рақамининг рамзий белгилари: ṣara (*шара*), sayaka (*сāйака*) vāṣa (*бāна*), isu (*ишу*), patrin (*пттрй*); mārgana (*мāргн*) – синонимлар, – «ўқ» маъносида (севги маъбуди Камада, – бешта ўқ); artha (*арта*) – «объект (бешта ҳиссиётнинг)»; indriya (*индрй*) – «ҳис»; bhūta (*бахўта*) – «элемент» (юкорида, III боб, mahābhūta ҳақида). Пандава (Pāṣava, pāндава), «Пандунинг ўғли» (юкорида «Маҳабҳарата»нинг қахрамонлари беш оға-ини Пандавлар); ихвна ибораси (3 – *ихўну*) аниқланмади.

<sup>565</sup> «Олти» рақамининг рамзий белгилари: gasa (*гс*) – «таъм» (улар олтига: ширин, нордон, ўткир, аччиқ, ёпишқоқ); anga (*анга*) – «қисм, бўлинма» (бу ерда назарда тутилаётган олти веданг, ведик фанларнинг олти тармоғи бўлимлари); ṣaṣ (*шату*) – «олти»; māśārḍha (*мāсāрдан*) – «ярим-маса (māsa – «ой», 12 ни ифодаловчи рамз); ṣu (*харту*) – «мавсим» (Ҳинд таквимидаги олти мавсум). Ибора *лбрм, ал-брм*, Берунийнинг айтишича, «йил»ни билдирувчи, аниқланмади.

<sup>566</sup> «Етти» рақамининг рамзий белгилари: aga, mahdhara, parvata, naga, adri (*ага, маҳйтара, парбата, нага, адри*) – синонимлар, «тоғ»ни билдиради (тоғнинг 7 чўққиси бўйича шу сонни билдиради); saptam (*субата*) – «етти»; munī (*мунис*) – «пайғамбар, донишманд» (Катта Айиқнинг етти донишмандларича).

<sup>567</sup> «Саккиз»нинг рамзий белгилари: Vasu (*Vasu, басав*) – ведик илоҳларининг маҳсус синфи, сони 8 та; dh (*дхй*) – «фикр, илм»; gaja, dantin, nāga (*гдж, дантину, нāга*) – «фил» (саккизта фил-олам тарафларини кўриқлаб турувчилар), aṣṣa (*арта*) – «саккиз»; mangala (*мангала* – «яхшилиқ, фазилат»).



<sup>568</sup> «Тўққиз» рақамининг рамзий белгилари: *go* (*заву*) – «сигир; ер»; *Nanda* (*нанда*) – Нанда, подшолар уруги, 9 аъзодан иборат бўлган (Паталипутрада, мил. авв. IVа. охиригача ҳукм сурган); *gandhā* (*ранда*), *chindra* (*чихдра*), *antara* (*антара*) – «тешик, ковак» (одам танасида 9 та тешик бор деб ҳисобланади); *navam* (*нава*) – «тўққиз»; *Ravana* (*нўна*) – «шамол, нафас».

<sup>569</sup> «Ўн» рақамининг рамзий белгилари: *diç* (*dik*, *дак*) ёки *āçā* (*āша*) – «томон, йўналиш» (ҳинд адабиётида кўпинча уфқнинг 10 томони аниқланади); *Ravanaçigās* (*рāванашара*) – «Равананинг боши» (ракшасларнинг афсонавий подшоси, ўнта бошли бўлган; улар Рама томонидан чопиб ташланган). *Khendu* (*кхўнду*) ибораси аниқ эмас.

<sup>570</sup> «Ўн бир» рақамининг рамзий белгилари: *Rudra*, *Mahādeva*, *Içvara* – Шиванинг исмлари (юқорига қаранг); Рудранинг ведик мифологиясида – ўн битта илоҳ – бўрон. *Akṣan̄hin* (*акшўҳани*) – «черик» (маълум сондаги филлари, жанг аравалари, отлиқлари ва пиёдалари бўлган); нега бу ибора 11 ни билдириши аниқ эмас.

<sup>571</sup> «Ўн икки» рақамининг рамзий белгилари: *Sūrya* (*сўржа*), *āditya*, *arka* (*арк*), *bhānu* (*бахāнава*), *sahasrām̄ṣu* (*сахасрāнша*) – «Кўёш (12 бурждан ўтади). *Māsa* (*мас*) – «ой».

<sup>572</sup> *Viçva* (*вишва*), вишва – ҳамма нарса – илоҳлар синфи, сони ўн учта.

<sup>573</sup> *Manu* (юқорида XII бобнинг 351-изоҳига қаранг) афсонавий 14 та аждоднинг номи, ҳар бир космик катастрофадан кейин 14 олабий манвантара даврлар давомида инсоният ҳаётини янгилаб туради.

<sup>574</sup> *Tit̄hi* (*tithi*, *тти*) – «қамарий ой кунни», 15 *tit̄hi* қамарий ой ярмини ташкил қилади.

<sup>575</sup> Ўн олтининг белгилари: *aṣṭi* (*арту*) – «ашти», 64 бўғиндан иборат шеър вазни; *p̄ra* (*нирпу*), *bhūra* (*бхўн*) – «подшоҳ».

<sup>576</sup> *At̄yāṣṭi* (*atyāṣṭi*, *аттиарту*) – шеър вазни; 4 сатр ҳар бирида 17 бўғиндан.

<sup>577</sup> *D̄hṛiti* (*dh̄ṛti*, *тарта*) – шеър вазни, сатрда 18 бўғин.

<sup>578</sup> *At̄id̄hṛiti* (*atidh̄ṛti*; *аттарта*) – шеър вазни, сатрда 19 бўғин.

<sup>579</sup> «Йигирма» рақамининг рамзий белгилари: *nak̄ha* (*нака*) – «панжа»; *kṛti* (*крити*) – крити – шеър вазни, сатрда 20 та бўғин.

<sup>580</sup> *Ut̄kṛiti* (*utkṛti*, ‘*втакрити*) – шеър вазн, сатрда 26 бўғин.

<sup>581</sup> *Tatt̄va*-юқорида III бобнинг 101-изоҳига қаранг.

<sup>582</sup> *Ruṣaṇ̄dila* (*нушандл*).

<sup>583</sup> *Kuṭhāra* (*kuthāra*, *ал-ктāрту*) – «ханжар; болта».

<sup>584</sup> *Yaj̄nopavita* (*yaj̄nopav̄ita*, *жинжува*) – «муқаддас ип», уни қадимги Ҳиндистонда уч олий каста вакиллари чап елкаларига ташлаб юрганлар.

<sup>585</sup> Бу ерда Беруний нимани назарда тутгани аниқ эмас. Балки у I суффикси ёрдамида кичрайтириш сўзларини яшашни назарда тутаетгандир.

<sup>586</sup> Шахмат ўйинининг бу тури биринчи марта VI асрнинг иккинчи ярмида яшаган, ҳинд адабиётидан маълум бўлган Рагҳунанд тавсифлаган ва у *sat̄ūgāji* («тўрт подшоҳ ўйини») деб аталган. Рагҳунанднинг тавсифи Берунийнинг келтирганига ўхшашдир. «Тўрт подшоҳ ўйини» ундан анча илгари Ҳиндистонда пайдо бўлган «икки тарафли» шахматдан (*sat̄ugaṅga*) ривожланган (қаранг; *Macdonnell A.A. IRAS*, 1898, p. 139).

## XVII БОБ

<sup>587</sup> Tālaka (*талк*) – опермент.

<sup>588</sup> Rasa (юкорига қаранг) бу ерда «олтин» эмас, симоб ёки ҳар қандай эритилган металл. Симоб ҳинд алхимёчиларида уларнинг турли эритмалари ва аралашмаларида муҳим компонент ҳисобланган.

<sup>589</sup> Анъана бўйича алхимёдан қатор рисоаларни Нагаржуна ёзган деб ҳисобланади, уни Канишка давридаги машҳур буддавий арбоб билан айнанлаштирилади. Алхимёчи-буддавий Нагаржунани Сюань Цзян 630 йил атрофида эслайди (қаранг: *Filliozat I. Al-Birūni et l'alchimie indienne*, ACV, p. 101–102). Бу ерда, балки *Rasaratnākara* Нагаржуна, унинг гувоҳлигича, X асрга тааллуқли бўлиши керак.

<sup>590</sup> Викрамадитя (*Vikramāditya, бирмдāt*) – Ужайиннинг (*Ujjayini, вжйн*) машҳур подшоҳи, мил. авв. I а. да ҳукм сурган. Ужайн (ҳозир Уттар-Прадеш штатида) классик давр бошидаги Қадимги Ҳиндистоннинг йирик сиёсий ва маданий маркази.

<sup>591</sup> Вияди (*Vyādi, бйār* – й) алхимё бўйича шуҳрат қозонган киши сифатида «Расарайна-самуччай»да ва «Раса-ратка-прадип»да иқтибос қилинади. Тибетча «Ганжур»да унинг «*Rasasiddhiśāstra*»сидан таржималар келтирилган. Баъзи тадқиқотчилар уни мил. авв. V а. билан боғлайдилар (қаранг: *Filliozat, Ibid*, p. 103). Қуйида келтирилган афсонавий вариантини Фильоза Кампучия тарихидаги пес подшоҳ ҳақидаги ривоятда кўради (қаранг: *Porée G. et Maspero E. Moeurs et coutumes des khmers*, Paris, 1938, p.73).

<sup>592</sup> Рактамала (*raktāmala, рктāmал*) ҳақиқатан «қизил миробалан» деганидир. *Rakta* «қизил» ёки «қон»ни англатади. *Amala*, шунингдек, «тоза» демакдир.

<sup>593</sup> Дҳара (*Dhāra, дҳār*) – Марказий Ҳиндистонда (Индорадан жануби-ғарброкда) – бир пайтлар қудратли давлатнинг пойтахти бўлган, Малаванинг сиёсий маркази. Бҳожадева (*Bhojadeva, бужадйв*) – Дҳаранинг машҳур ҳокими, подшолиги 1010 йили бошланган.

<sup>594</sup> Валабҳи (*Valabhī, балабҳа*) – Гужаротдаги (Котҳиявар ярим ороли) шаҳар, Қадимги Ҳиндистоннинг йирик маданий маркази, шу номли подшоҳликнинг пойтахти, Валлабҳа (*Vallabha, балаба*) – «севгили»; шу лақаб билан Чалукия сулоласидан (шимолий Декан) иккита подшоҳ маълум бўлган: Пулакешин I (535–566) ва Киртиварман I (566–597).

<sup>595</sup> Тхўҳар (*thoḥar, тўҳара*) – ўсимлик, кактуснинг тури.

<sup>596</sup> Ранка (*Raṅka, ранка*) – «ифлос, камбағал, малъун».

<sup>597</sup> Валабҳи ймперияси VIII а. охирида емирилган. Империянинг ҳалокати сабаблари номаълум қолган; Валабҳи Синддан келган араблар томонидан фатҳ қилинган деб тахмин қилинади, лекин бунинг асосий гувоҳлиги сифатида Беруний келтирган ҳикоя олинади. Р. Мужумдорнинг тахминига кўра, Берунийнинг ҳикояси арабларнинг Валабҳига 725–735 йиллар оралиғида қилган ҳужумларининг акс садосидир; лекин бу ҳужумдан кейин ҳам Валабҳи давлати ҳукм сурган (*Н С I P*, p. 152).

<sup>598</sup> Исфандийād – қадимги Эрон ҳикояларидаги персонаж. Ярим афсонавий Қоф тоғи (*Кўҳи Қоф*) ҳақидаги қадимги эроний космогонияга тегишли деб қаралади (*Крачковский. Арабская географическая литература*. – Т. IV. С. 45). Лекин аслида та-

саввур жуда ҳам афсонавий эмас. Масалан, осетин тилида Қаф кази – «Қоф тоғи»ни билдиради, Кафказ атамаси шундан келиб чиқади.

<sup>599</sup> Афтидан, илонларни сеҳрлашга бағишланган «Гарудопанишад» назарда тутилаётир.

<sup>600</sup> Сифрид куши қадимги араб шеърлятида кўрқоклик рамзи сифатида эслатилади.

<sup>601</sup> Одатда Гаруда яримқуш, ярим инсон сифатида, оқ юзли, қизил қанотли ва олтин танали деб тавсифланади.

<sup>602</sup> Матнда – қатā-Арабистондаги каклик, тури – *pteroles melamogaster*.

## XVIII БОБ

<sup>603</sup> Беруний ўрта асрлардаги бошқа мусулмон географлари каби қадимги юнонларнинг «ернинг маъмур чораги» ҳақидаги назарияга амал қилган. Ўрта асрларда бу назарияга мусулмон олимларидан биринчи бўлиб, Берунийнинг буюк ватандоши Муҳаммад ал-Хоразмий ўзининг «Китоб сураат ал-ард» асарида асос солган (қаранг: *Муҳаммад ибн Мусо ал Хоразмий*. Танланган асарлар. Математика, астрономия, география. Кириш мақолалари, таржима ва изоҳлар муаллифи Ашраф Аҳмедов. – Тошкент, 1983, 223–466-б.).

<sup>604</sup> Бу ерда Беруний Ернинг ғарбий шарида қуруқлик бўлиши мумкинлигини тахмин қилапти. Унинг сўзларидан иккинчи жиҳатдан, унинг замонида ёки ундан олдин у тарафга сузишга уринишлар бўлганлиги ва бундан «қайтиб келишлар бўлганлиги» ҳақида қандайдир хабарлар қулоғига етиб келганлигидан гувоҳлик беради.

<sup>605</sup> Албатта, Беруний бу ерда Ҳинд океани ҳақида гапиряпти.

<sup>606</sup> Ой тоғлари – *жибал ал-қамар* – шарқий Африкадаги тоғлар. Нилнинг ва унинг ирмоқлари Викториа кўли ва унинг атрофидаги тоғлардан бошланади.

<sup>607</sup> Занжийлар – *аз-зунўж* – Шарқий Африкадаги қора танли банту қабилалари.

<sup>608</sup> Барбар кўрфази – ҳозирги Адан кўрфази.

<sup>609</sup> Қулзум кўрфази деб Беруний Қизил денгизни назарда тутаяпти.

<sup>610</sup> Юкоридаги 3-изоҳга қаранг.

<sup>611</sup> Турклар еридан ўтадиган тоғларни тавсифлаётиб, Беруний Олтой тоғлари ва уларга жанубдан туташган Помир, Ҳиндикуш тоғлари ва Ҳимолай тоғларининг жануби-ғарбий қисмини назарда тутган.

<sup>612</sup> Кобул Ҳиндикуш тоғларининг жанубида, шу номли дарё бўйида жойлашган.

<sup>613</sup> Таҳористон – Сурхон воҳаси ва Амударёга жанубдан туташ ерлар.

<sup>614</sup> Бамиён – Афғонистоннинг шимолидаги тоғли ўлка.

<sup>615</sup> Ғўр – Афғонистоннинг шимоли-ғарбидаги тоғли ўлка.

<sup>616</sup> Жабал – Эроннинг ғарбидаги тоғли ўлка, бош-шаҳри Ҳамадон, қадимги Мидияга тўғри келади.

<sup>617</sup> Рум бу ерда Рим ва Италияни англатади.

<sup>618</sup> Франк – бир пайтлар франк қабилаларига қарам бўлган ерлар, ҳозирги Франция, Германия ерлари.

<sup>619</sup> Жалолика – Испаниядаги Галисия вилояти.

<sup>620</sup> Канауж (Каниякубжа) «Маҳабхарата»да эслатилади, лекин унинг асосланиши ва гуллаши Пандавлар тарихига тўғридан-тўғри алоқадор эмас. Беруний Канаужда турган ҳинд подшоҳларини фиръавнлар билан тенглаштириб, уларнинг қудратлари ва эътиқодларини назарда тутган бўлиши мумкин.

<sup>621</sup> Нимрўз – ўрта асрларда Сижистон ёки Сеистоннинг иккинчи номи. Сеистон ҳозирги пайтда Эрон ва Афғонистон ўртасида иккига бўлинган: шарқий қисми бош шаҳри Заранж билан Афғонистонда, ғарбий қисми бош шаҳри Зоҳидон билан Эроннинг жануби-шарқида.

<sup>622</sup> Бари (*Bāri*, *bārī*), Канауждан шарқроқдаги шаҳар, мамлакат пойтахтини подшоҳ Трилочанापала XI асрнинг бошида кўчирган.

<sup>623</sup> Матхура (*Mathurā*, *māḥvṛḥ*) ёки Мадхура, Ямуна (Жамна) бўйидаги қадимий шаҳар, ҳозирги Муттра (Аградан шимоли-ғарброқда) ўрнида бўлган, Ҳиндистоннинг етти муқаддас шаҳридан бири ҳисобланган. Ривоятга кўра, Раманинг биродари Шатругхна томонидан асос солинган; Кришна (Васудева)нинг туғилган жойи ҳисобланади.

<sup>624</sup> Жаун (*жвн*) – Ямуна (Уажйпа), ҳозирги Жамна дарёси.

<sup>625</sup> Танешар ҳақида юқорида XI бобнинг 309-изоҳига қаранг.

<sup>626</sup> Ганга-двара (*Ganga-dvāra*, *гндвār*) – «Ганг дарвозаси» – Гангнинг Ҳимолай тоғларидан сайхонликка чиқиш жойи ва ўша жойдаги шаҳар.

<sup>627</sup> Беруний бу ерда кўрсатган йўл йўналиши Канауждан қуйига Ганг бўйлаб ушбу шаҳарлар: Жажжамау (*Jajjamau*, *жажжамав*), Абхапури (*Abhāpūri*, *абхāпурī*), Кураҳа (*Kuraha*, *кураҳа*) ва Бархамил (*Barhamsīl*, *Brahmaśāila*, *бархамшил*) орқали Праягагача (*Prayaḡa*, *пайғаг*), яъни ҳозирги Аллоҳободгача боради. Беруний айтган қадимги шаҳарларнинг жойлашиши ҳақида унинг «Қонуни Масъудий»сида келтирилган координаталардан аниқлаш мумкин. (*Абу Райҳон Беруний*. Танланган асарлар, V ж., 1-китоб. Таржимонлар А. Аҳмедов ва А. Расулов. Сўз боши, изоҳлар ва кўрсаткичларни А. Аҳмедов ва Б. Абдуллаев тузган. – Тошкент, 2016, 400, 402–403, 404–406, 414-б., *Sachau*. India, transl., II, p. 316) Беруний масофаларни фарсахларда ҳисоблаган. Бир фарсахнинг узунлиги 5,95 км дан 8,5 км гача ораликда дейилган. Лекин бу ердигидан фаркли ўлароқ, 1 фарсахни 4 мил эмас, мазкур «Қонуни Масъудий»да 3 мил деган (қаранг: *Беруний*, ўша асар, 387-б.).

<sup>628</sup> Аркутиртха (*Arkutirtha*, *аркутирт*) – Бағҳелиқханда ўлкасида жойлашган.

<sup>629</sup> Уваряҳар (*Uvayahār*, *уварйаҳар*), Захаунинг тахмин қилишича, бу Орисса (*Ūṛiyādeśa*) бўлиши мумкин. Ўрдабишай (*Oʻrtabisau*, *ўрдабийшгав*) – балки бу *Urdvaviṣaya* дир (*Sachau*. India, transl., II, p. 318).

<sup>630</sup> Жаур (*Jaug*, *жвр*) – Жанубий Ҳиндистондаги Чола империяси. Дараур (*Daraur*, *даравр*) – бу ерда Дравида (*Dravida*) назарда тутилаётган бўлиши мумкин; Канжи (*Kaṅjī*, *канжй*), эҳтимол, бу – Канчи, Дравидахнинг Талар (ҳозирги Канживерам) дарёси бўйидаги қадимги пойтахти; Малая (*malaya*, *малайаҳ*) Малаякушага тўғри келади (ҳозирги Мадура), ёки Маллайдир (Маҳабхилипурам). Кунка (*Kunka*, *кунк*) – Конкан ёки Конгудеша (ҳозирги Майсор) бўлиши мумкин. Беруний Ҳиндистоннинг жанубида бўлмаганлиги учун у тараф ҳақидаги маълумотлари бировлар орқали олинган бўлиб, аниқликка эга эмас.

<sup>631</sup> Ажодаха – бу ерда, албатта, Айодхия (Ayodhiyā, *ажудаҳх*), шамсий сулоланинг қадимги пойтахти, Раманинг пойтахти, назарда тутилаяпти, Ҳиндистоннинг муқаддас шаҳарларидан бири (ҳозирги Рудх). Айодхия Ганг дарёсида эмас, балки Гангнинг ирмоғи Гўграда жойлашган; Гўгра эса Гангга параллел равишда ундан катта масофада оқади.

<sup>632</sup> Шарвар (Ṣarvar, *шрвār*) ҳозирги Чхапрага анча яқин жойлашган эди. Паталипутра (Pāṭaliputra, *пātлйнупт*) – ҳозирги Патна, Ҳиндистоннинг қадимги пойтахти. Беруний даврид, у ўзининг қадимги аҳамиятини анча йўқотган эди. Мунгири (Mungīrī, *мунгйрй*) – Бихардаги ҳозирги Мангхир. Жанпа-Чампа (Campa, *жанпах*), шаҳар, ҳозирги Бҳагалпурдан шарқроқда бўлган. Дугугумпур (Dūgumpur, *дгвмпвр*) – Гангнинг қуйи окимидаги қадимги шаҳар. Гангасагара (Gaṅgāsāgara, *гнғасāйр*) – Гангнинг Бенгал кўрфазига қуйилиш жойи, муқаддас деб ҳисобланган.

<sup>633</sup> Дугумнинг (Dūgum, *дўгм*) каерда жойлашганлиги бизга маълум эмас. Шилаҳат (Ṣilahatī, *шилаҳат*) давлатини Захау Ассамдаги ҳозирги Силҳат билан айнан ўхшатади. Бихат ҳам ўша Ассамда ўрин олган. Тилват (Tilvat, *талват*), Захаунинг айтишига кўра, ҳозирги Тирхут бўлиши керак; Камру (Kāmaū, *қамрв*) – Камарупа, Ассамнинг қадимги номи. Тару (Tarū, *тарў*, чамаси, тибет – бирма турига кирувчи мўғилсимон кўринишга эга элат.

<sup>634</sup> Найпал (Nepāla, *нйпāl*) – Непал. Танват (*битанват*) – «Талват» ўрнига хато ёзилиб қолган. «Бҳотешара» (*бҳвтйшр*) мавзеининг номини Захау bhautta-iṣvara-«тибетликларнинг ҳақими» деб ўқиган (Sachau. India, transl., II, p. 318).

<sup>635</sup> Жажаҳўти (Jajahotī, *жажҳāҳўтй*) – ҳозирги Бунделикханд. Кажураха (Kajūgāha, Khaḡjūrauāhaka, *кажўрāҳх*) – ҳозирги Кхажрахо (Чхатарпурдан шарқроқда), у ерда қадимги пойтахтнинг қасрлари сақланган. Кхажраходан Канаужгача ҳақиқий масофа Беруний айтгандан икки баравар ортиқ (қаранг: Cunningham, p. 481). Гвалиор (Gvāliyaḡ, *гвāлийар*) – ҳозир ҳам шу номдаги шаҳар; Каланжар (Kālanjar, *кāланжар*) – Банди яқинида, Кажураҳадан шарқроқда жойлашган, Праягага бориш йўлида. Даҳала (Dahala, *дахāла*) – Дабҳала ёки Чеди – Виндхия тоғларидан шимоли-шарқроқда, Бунделикханддан жануброқда жойлашган мамлакат. Тиаури (*тйврй*) шаҳри, ҳозирги Деари ўрнида бўлган. Гангея (Gaṅgaḡa, *гангйв*) – шубҳасиз, бу ерда машҳур Гангеяева Калачури Чедий (1015–1040) назарда тутилаяпти. Беруний даврида у Шимолий Ҳиндистоннинг кудратли ҳокимларидан эди. Каннакара (Kannakara, *каннакарах*) Захаунинг тахминича, бу ал-Мас‘удий эслagan «Камкар мамлақати» (Elliott, I, p. 25). Апсурнинг (Apsūr, *’псвр*) жойлашган ўрни аниқ маълум эмас. Банаваси (Banavāsī, *банвāс*) шимолий Малабарда денгиздан бир неча ўн километр ичкарида жойлашган.

<sup>636</sup> Аси (Asī, *āсй*) қалъаси Манайч яқинида, мусулмонлар уни 1193 йили олган. Саханния (Sahanya, *саханийā*) Жандра (Jandrā, *жндрā*), Базан (*бāзанх*) ёки Нараян (Narāyaṇ, *нāрāйн*), Жадур (Jadūga, *ждврх*) шаҳарларига келсак, – улар номларининг транскрипцияларини Захау тахминан келтирган; аммо уларнинг жойларини аниқлаш қийин (қаранг: Archeological survey of India, II, p. 242, 399). Ражаури (Rajaurī, *рāжврй*) ёки Ражапури – Беруний даврида шу номли шаҳар Кашмирнинг жанубида бўлган.

Гужарот (Gujarāt, *гузрāt*) деб бу ерда ҳозирги Гужаротни эмас, балки Синд ҳудудида ва ғарбий Ражпутанада бўлган Гужар сулоласининг империяси назарда тутиляпти (*Sachau. India, transl., II, p. 319*).

<sup>637</sup> Дудаҳи (Dūdahī, *дўдфҳӣ*) – эҳтимол, бу ҳозирги Дудҳан, Жҳансида, Саугордан шимоли-ғарброкда. Балсахур (Bāmahūr, *бāмахӯр*), буни Заҳау Птолемейдаги Ҷаццоуоура билан мослаштирган (*Sachau, ўша ерда*). Бҳаилсан (*бҳайлсан*) – ҳозирги Бҳилса. Ардиннинг (*'рдйн*) ўрни аниқ маълум эмас. Маҳакала (Mahākala, *махакал*) – Шива вайрон қилувчи маъбуд тимсолида.

<sup>638</sup> Майвари (Maivāgā, *мйвар*) – Ражпутандаги ҳозирги Мевар. Жаттараур (Jattaraur, *жаттарав-р*) – эҳтимол, бу ҳозирги Жаор (Ужайндан шимоли-ғарброкда).

<sup>639</sup> Бҳумиҳара (Bhūmidhara, *бҳумиҳарҳ*) – шимолий Декандаги Бҳум шаҳри. Канду (Kandū, *кндвҳв*) – балки бу Кҳандешдир, Нарбада ёки Нармада (Narmadā, *нармада*) ва Тапти дарёлари оралғидаги ўлка. Заҳау таҳмин қилишича, Намавур (Namāvur, *намāvур*) Нарбада дарёсининг юқори оқимидаги Нимар ўлкасидир, Алиспур (Alispūr, *'лйства*) эса – Бирардаги Элличпур. Мандагир (Mandajir, *мандакир*) – кейинчалик Мундарги, Годавари (Godāvāgī, *кўдавр*).

<sup>640</sup> Намийя (Namīya, *нмййҳ*) – ўрни номаълум. Маҳратта-деша (Mahratta-deṣa, *мҳртадши*) – «маратлар мамлакати» ёки Маҳараштра (Ғарбий Ҳиндистон). Кункан ёки Конкан (Konkan, *гунган*) – Деканнинг ғарбий соҳилидаги мамлакат. Тҳана (Thāna, *тāнҳ*) – ўрта асрлар Ҳиндистонининг энг муҳим портларидан бири, Салисет бўғозида, ҳозирги Мумбайдан шимоли-шарқроқда жойлашган.

<sup>641</sup> Данак (Dānak, *дāнак*) – муаллиф қандай чўлни назарда тутаётгани номаълум. Ҳозирги Кункан денгиз соҳилидаги ўрмонли ҳошияни ташкил қилади, чўл зоналари фақат Пуна атрофида мавжуд.

<sup>642</sup> Шарабҳа (ṣarabha, *шарав*) – афсонавий, саккизоёқли ҳайвон, ривоятларга кўра баланд тоғларда яшаган.

<sup>643</sup> Каркидоннинг номлари: арабчада одатий – каркаданн (санскритча-khaḍgadanta – «қиличтиш») ёки карк (khaḍga); санскритча-ганда (gaṇḍa); «занжийлар тилида», яъни банту тилида – инпўлā, аниқроғи mpela, солиштиринг: суаҳили тилида – рега, макуа тилида – rela (қаранг: EI, IV, S. 508). Занжийлар Сўфаласи – Мозамбикдаги ўлка ва порт. Беруний бу ерда умуман ҳинд каркидони (бир шохли) билан африкан каркидони (икки шохли) орасидаги фарқни тушунтираяпти.

<sup>644</sup> Ал-Жаҳизнинг (767–868) соддалик қилиб Нил ва Синд дарёлари бир манбадан чиқади деганига Берунийдан аввал ал-Масъудий таъна қилган эди. (қаранг: *Крачковский. Арабская географическая литература, т. IV, С. 124–125*);

<sup>645</sup> Макара (makara, *мгр*) – афсонавий балиқ, денгиз махлуқи.

<sup>646</sup> Бурлу (burlū, *брлв*) – бизга номаълум жонивор.

<sup>647</sup> Граҳа (grāhā, *грāҳу*) – сувда яшовчи йиртқич ҳайвон (тимсоҳ, йиртқич балиқ); жалантанту (jalatantu, *жалатанту*) сўзма-сўз: «сув арқони». Тандуа (tandua, *тандаваҳ*) – қандай йиртқич назарда тутиляётгани маълум эмас.

<sup>648</sup> Лардаш (Lāradeṣa, *лāрдйш*), Латадешнинг айнан ўзи – юқорида XVI бобнинг 546-изоҳига қаранг. Бихрож (Bihroj, *бихрўж*) – Броач ёки Бҳарукаччҳа, – Нарбада дарёси қуйилиш жойидаги порт. У Тҳанадан шарқроқда эмас, шимолроқда жой-

лашган. Риханжур (Rihañjūr, рх̣анжӯр). Захаунинг фикрига кўра, бу Птолемейдаги 'Αυρινάγαρα га мос келади (*Sachau. India, transl.*, II, p. 319).

<sup>649</sup> Бҳати (Bhāti, бх̣ātī), кўринишича, юқоридаги Бҳатиянинг (қаранг) ўзи, ҳозирги Уч, Сатлеж ва Чиноб дарёларининг кўшилган ерида.

<sup>650</sup> Арора (Agora, 'рвр) – балки Алордир, Роҳри тоғларидан жанубда, Синд дарёсида Лоҳарани (Loharāñī, лх̣рāñī), Захау буни, Птолемейдаги λωνιβαρε шаҳрига мослаштиради (*Sachau. ўша асар*). Лекин ҳозирги Ларкхана бўлиши ҳам мумкин.

<sup>651</sup> Ширшараҳа (Śiṣāraha, ширшāраҳа) – бу Ҳисорнинг шимоли-ғарбидаги Сирса бўлса, эҳтимол. Панжаур (Piñjaur, пинжавр) ҳозирги Пундра атрофида бўлган бўлиши мумкин. Даҳмала (Dahmāla, даҳмāлх) – шарқий Панжобдаги (қадимги Трепарта) тоғли мамлакат Жаландҳара (Jālandhara, жāландҳар)нинг пойтахти; Балләвар (Ballāvāg, балләвр) ёки Валлапура – Жаммуда тоғли ўлка; Захау уни ҳозирги Пҳиллар билан айнан ўхшатади. Ладда (Ladda, ладдх), Ражагири (Rājagiri, рāжкрī) – жойи аниқ эмас.

<sup>652</sup> Диямау (Dyāmau, дийāмав), Кути (Kuti, китū), Аҳар (Āhār, āхār) – Канауж ва Мирут (Mīrat, мīрат) оралиғидаги шаҳарлар. Аҳар ҳозирги пайтда Уттар Прадешдаги Буландшаҳр худудига киради. Панипат (Panipat, пāнпт) – Дехлидан шимолроқдаги тарихий шаҳар. Кавитан (Kavītal, кавītал) – Капиштҳала, ҳозирги Кайтҳал, Тҳанешардан жануби-ғарброкда. Суннам (Sunnam, суннāм) – ҳозирги Сунам, Паткала яқинида.

<sup>653</sup> Суннамдан шимоли-ғарбга йўналиш: Адиттаҳаур (Ādittahaur, āдттахавр), Жананир (Jajāñīg, жажжñīр), Мандахукур (Mandahūkūr, мандахӯкӯр) ёки Мандҳиявала (қаранг: *Elliot*, p. 530) – Лауҳавурнинг (Lauhāvur, лахāvур), яъни Лоҳурнинг пойтахти. Ирава (Irāvati, 'ирāvх) – Рави дарёси, Чинобнинг ирмоғи, бу ерда у «Чандраҳа» (Candrāha, жандрāх) деб аталади. Жайлам (Jailam, жйлм) – ҳозирги Желам, «Биятта сувининг ғарбидаги» (Byatta, бйфтт) – эҳтимол, Сатлежнинг ирмоғи Биас назарда тутилгандир. Вайхинд (Vaihind, вйхнд) – Гандҳара (Gandhāra, ал-қндхār) – Ҳиндистоннинг Шимоли-Ғарбидаги ўлканинг пойтахти. Пуршавар (Purshāvāg, пуршāvр) ёки Пурушапура – ҳозирги Пешовар: Дунпур (Dunpūr, дунбӯр), ҳозирги Жалолобод яқинида, Кобул дарёсида бўлган.

<sup>654</sup> Болор (*Балур*), Шуғнан (*Шикинāн*) ва Воҳон (*Вāхāн*) – Ҳиндикуш ва Помир тоғли ўлкалари оралиғидаги «подшоҳликлар» ҳақида қатор араб ва форс манбаларида ҳам айтилади, лекин худди Берунийдаги каби жуда қисқа тарзда.

<sup>655</sup> Бабраҳан (Babrahān, бабраҳāн) қишлоғи шимолий Панжобда жойлашган. Шамилан (Ṣamīlān, шамилāн) тоғлари – Катта Ҳимолайнинг ғарбий тарафи, ўшандан Қуснари (қуснāрй, қуснāрй) – ҳозирги Қунҳар ва Маҳви (Мақвī, маҳвī) – ҳозирги Кишен – Ганга дарёлари бошланади (қаранг: *Sachau. India, transl.*, II, p. 320). Двар (Dbār, дvār – «дарвоза») қалъаси сақланмаган. Аддиштан (Addiṣṭan, 'ддитāн) – Кашмирнинг пойтахти ҳозирги Сринагар ёки Кашмир. Ушкара (Ūškārā, Нушкарпа, ушкārā) – ҳозирги Ашкур, Вилур қўли бўйида; ундан юқорироқда Барамула (Barāmūlā, Varāhamūla, брāмvла) жойлашган.

<sup>656</sup> Ҳарамакўт (Haramakot, ҳарамаквт) – тоғлари – Суннагордан шимолроқдаги Ҳарамок тоғлари. Бу ерда Гималай тоғлари назарда тутилади. Маҳачин (Mahācina, мх̣ājин) – «Улуғ Хитой».

<sup>657</sup> Унанг (Unang, унанг) – тоғлари – балки «Нанги Парбат» атамасининг бузилиб ёзилишидир. Беруний даврида Синд дарёси Кичик Тибетда бошланиб, у тор жарликлардан оқиб чиқиб келади, дейилади. Аслида Синднинг ирмоқлари бошланиши Тибетнинг узоқ жануби-шарқий чегарасида Манасаровар кўли яқинида бошланади. Болор (Bolor, блор) тоғлари ҳақида XI бобнинг 313-изоҳига қаранг. Беруний гувоҳлигича, бхаттавариян номли туркларга XI асрда тегишли бўлган ўлка, ҳозирги Дардистонга тўғри келади. Гилгит (Gilgit, килкит) – ҳозир ҳам Шимолий Кашмирнинг бош шаҳри. Шилтас (шилтас) – ҳозирги Чилас бўлиши мумкин. Асвиранинг (’свирх) – жойи аниқ маълум эмас. Куларжак (қулārжак) – тоғи – Колаҳол бўлиши мумкин? Лекин унинг ўрни Беруний айтган жойга тўғри келмайди. Такешар (Тāкешар, тāкишр) – жанубий Кашмирдаги ўлка. В.Ф. Минорскийнинг таъкидлашига кўра, Берунийдаги Такешар илк араб ва форс географларидаги Тāқӣ ёки Тāкинга мос келади; Лоухāвар ёки Лоҳавар (лвҳавр) эса Лохур шаҳрига эмас, Тоҳи юкорисидаги, Кашмирнинг ғарбий чегарасидаги Лоҳāрега мос келади (Minorsky. Hudūd al-‘Ālam, p. 249). Лохур (Lohur, лхур) – жанубий Кашмирдаги 900 йил атрофида барпо этилган қалъа. Ражавари (Rājavarī, рājāvрий) – шубҳасиз, Тоҳининг юқори қисмидаги Ражаори.

<sup>658</sup> Берунийнинг XI аср бошларида афғон қабилалари Сулаймон тоғларидан ғарбда Синд дарёси водийсигача ерларни эгаллаганликлари ҳақидаги хабари энг қадимги ва энг қимматлиси ҳисобланади. Мусулмон муаллифларидан биринчи бўлиб афғонларни эслаган ал-Масъудий эди. В.В. Бартольд таъкидлаганидек, «Худūd ал-‘Āлам»да Гардез билан Баниҳар орасидаги аҳолини афғонлар дегани шубҳасиз, иккинчи эслаган Ал-Утбий ва учинчи – Беруний эди.

<sup>659</sup> Тиз, Макроннинг (қадимги Гедросия) пойтахти. Дайбал (Debal, Ад-дайбл) – қадимги шаҳар, Синднинг жанубида бўлган (Elliot, I. p. 375). Турон кўрфази – шубҳасиз, Сонмиани кўрфази.

<sup>660</sup> Мунҳа (хиндча mūḥa, маннх) – «қуйилиш» (санс. mukha); Синднинг қуйилиш жойи назарда тутилади. Качч (Касча гж, кч) – ҳозирги Качч – Мумбай штатининг шимоли-ғарби. Кейин Берунийда Таваллешар (Tavallešar, теллийшр), Лоҳарини (Lohaḡam, лвхрāнӣ), Бага (бгфх), Барои (Bāroī, бāравӣ) – ҳозирги Барода, Сомнатх, Канбаят (Kambāyat, кнбāйт) – Камбай, Асавил (савл), Бйхрож (Броч), Сандан (Sandhāna, сндāн) ва Субира (свбārх) – Птолемейдаги – Σουπαρα ва араблардаги Сўфала (Sachau. India, transl., II, p. 320) келади.

<sup>661</sup> Ларан (Lāḡān, лāрāн) Жимур (Jīmūr, жīmвр) шаҳри билан, Канжи (кāнжӣ), Дарвад (дарвд) – Деканнинг ғарбий чегарасидаги вилоятлар. Ларанни ларадеш (юқорида айтилди) билан солиштириш мумкин. Сингалдиб (Simhaladvīpa, снглдйб) – Цейлон, ҳозирги Шри Ланка Панжаявар (Pañjāyavar, пнжйāвр), Захаунинг фикрича, қадимги ном Панжоранинг бузилиши бўлиши мумкин (Sachau. Ibid). Жаур (қаранг: юқорида) – Чола сулоласидан подшоҳ; Паднар (пднār) – Пандия подшолиги худудидаги шаҳар.

<sup>662</sup> Уммаланара (Ūmmalnāra, ’вммланāраҳ) – Майнар кўрфазининг соҳилида жойлашган мавзе бўлиши керак. Рамешар (Ramešvaram, рāммӣр) – Деккан билан Цейлон оралиғидаги шаҳар. Сетубандҳа (Setubandha, сайашбид) – «кўприк» – Рамешвар билан Цейлон оралиғида Декканнинг жануби-шарқий чеккасидаги ороллар ва қоялар занжири. Ривоятларга кўра, қачонлардир Рама Цейлонга ўтишида курган



кўприкнинг қолдиқлари деб ҳисобланади. Ланка (Lañkā, *лнҗ*) – Цейлоннинг қадимги номи. Кишкиндха (Kiṣkindha, *киҳкинд*) – афсонавий маймунлар мамлакати (шимолий Майсорда тоғли мавзе); «Рамаяна»да маймунлар – Кишкиндҳи аҳолиси – Раманинг Цейлонга юришида унга ёрдам берган ҳисобландилар («Рамаяна»нинг 4-китобига қаранг).

<sup>663</sup> Суварнадвипа (Suvarṇadvīpa, *сўварндӣб*) – «Олтин орол» – Суматранинг қадимги номи. Зāбaж (санскритча Jāvaka номдан) – унинг арабча аталиши.

<sup>664</sup> Ар-Рамм, ёки ад-дум («Чудеса Инди», с.105), ороллари Ферран Сейшел ороллари деб ҳисоблайди (*Ferrand. Les îles*, p. 505–506).

<sup>665</sup> Дива (*diva, дӣвах*, ҳиндча «орол») ороллари одатда Малдив ва Лаккадив ороллари деб ҳисобланади; Ад-Дӣбaжaт (арабча «дӣб»)нинг кўплиги) деганнинг айнан ўзи.

<sup>666</sup> Воқ-воқ – бошқа географларда Ал-Вақвақ – Мадагаскар (идентификацияси ни қаранг: *Ferrand. Les îles*, p. 502, 505; атама Суматрага тааллуқли бўлиши мумкин, унинг келиб чиқиши ҳақида қаранг: EI, IV, S. 1196–2000). Мусулмонларда қабул қилинган птолемейча назариясига кўра, Африка қитъасининг охири жанубга эмас, шарққа чўзилган деб қарашга кўра, Беруний Воқ-воқни қандайдир архипелаг Қмайрнинг (арабча *қмӣр* ни Ферран шундай ўқишни таклиф қилади ва бу билан Кхмер ўқиганлар – қаранг: *Ferrand. Relations*, I, p. 163) бир қисми деб қарайди. Араб географик адабиётида тарқалган қандайдир афсонавий мевали дарахт ҳақидаги ривоят, эҳтимол, Pandanus дарахтига алоқадордир; уни малгашчасига vakuea (EI, IV, S. 1196–2000) дейилади. Де Гуге ва ундан кейин Ферран ҳам Буруний матнига «Бакириб-чақирмоқ» иборасидан кейин: «воқ-воқ: Вақвақ унинг ҳақиқий номи» ибораларини кўшиб қўйиш керак, деб ҳисобландилар. Оролнинг аҳолисини тавсифлаб, Беруний, шубҳасиз, унинг аҳолиси-абориген-негроидларни назарда тутган. «Қулоқлари тешилган» деб, Беруний абориген аҳолисининг эркаклари ҳар хил зирак ва ҳалқаларни қулоқларига тақиб юришларини назарда тутади. Муламмо – «ола-була», дарахтнинг номи сифатида луғатларда келтирилмаган. Шауҳат – форсча-инглизча луғатда найзалар ясаладиган дарахт дейилган.

<sup>667</sup> Варшакала (*varsakāla, бришкāl*) – «ёмғирлар мавсуми».

<sup>668</sup> Бҳатал (*Bhātal, бҳāтл*), Захаунинг тахминига кўра, бу Птолемейдаги Παταληνῆν атамасига тўғри келади. Индраведи (*Indravedī, ндрвӣз*), Захау буни қуйидаги номга алмаштириш керак, деб ҳисоблайди. Яъни, Антарведи – Қуйи Дуобнинг қадимги номи (*Sachau. India*, transl., II, p. 321).

<sup>669</sup> Ашадҳа (*āśādha, āшар*) – ҳинд тақвимидаги ой, июнь-июлга мос келади.

<sup>670</sup> Дунпур (*Dunpur, днбвр*) – балки Дунгарадир, – ҳозирги Жамму ўлкаси. Баршвар (*Barṣāvar, бришāвр*), балки Ураса (*Varsa Regio* – Птолемейда) – ҳозирги Эбботабад ўлкаси назарда тутилгандир. Беруний номи Жудари (*Jūdaḡī, жвдрӣ*) бўлган қайси тоғни назарда тутаётгани маълум эмас.

<sup>671</sup> Шравана (*Śravana, шрāбн*) – ҳинд тақвимидаги ой, июль-август ойларига тўғри келади.

<sup>672</sup> Чайтра (*Caitra, чйтр, жйтр*) – баҳорнинг иккинчи ойи: март – апрель ойларига тўғри келади.

## XIX БОБ

<sup>673</sup> Вара (*vāga*, *bār*) – «хафта куни». Адития вара (*Ādityavāra*, *ādītibār*) – «якшанба». Сама-вара (*Samavāga*, *sūmabār*) – «душанба». Мангала – вара (*Maṅgalāvāra*, *мангалбār*) – «сешанба, сайёра Миррик – Марс куни». Будха-вара (*Budhavāra*, *будабār*) – «чоршанба, сайёра Уторид – Меркурий куни». Брихаспати-вара (*Bṛhaspativāra*, *брхсптбār*) – «пайшанба, сайёра Муштарий – Юпитер куни». Шукра-вара (*Śukravāra*, *шукрабār*) – «жума, сайёра Зухро – Венера куни». Шанайшчара-вара (*Śanaīścavāra*, *шнйшчрбār*) – «шанба, сайёра Зухал – Сатурн куни».

<sup>674</sup> Ўрта аср мусулмон астрономлари икки хил соатни қўллаганлар: бири – оддий, кундалик турмушда ишлатиладиган 60 дақиқага тенг соат, буни улар – текис, тенгловчи, тенгкунлик ва экваториал соат (*cā'at mуставийа, му'аддала, u'тидолийа ва истивоййа*), яъни куннинг тенг 24 дан бир бўлагини атаганлар; иккинчиси – нотекис, эгри, замоний ва қиёсий соат (*cā'at му'авважа, замāнийа ва қиёсийа*) – куннинг ёруғ ва коронги қисмининг тенг 12 дан бир қисми. Бу иккинчи соат йил давомида ўзгариб турган ва фақат баҳорги ва кузги тенгкунлик пайтларида оддий текис соат билан бир хил бўлган.

<sup>675</sup> Ҳора (*hogā*, *хўр*) – «соат», бу санскритча сўз юнонча 'орá – «соат» билан бир хил маънога эга.

<sup>676</sup> Нимбахр астрологик тушунча. Берунийнинг савол-жавоб тарзида тузилган «Мунажжимлик китоби» – «Тафҳим» асарининг 448 саволида айтилган: «Нимбахр нима? Бу буржнинг ярми. Ҳиндлар уни часим деб аташади». (*Абу Райҳон Беруний. Мунажжимлик санъати (астрология) негизларини тушунтириш китоби – «Тафҳим» / Сўз боши, таржимон, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи: профессор Ашраф Аҳмедов. – Тошкент-Урганч-Хива – 2006, 178-б.*)

<sup>677</sup> Бу атамаларнинг бир қисми юкорида келтирилган эди: дивакара (*divākara*, *дйбāкар*), рави (*ravi*, *раби*), хели (*heli*, *хйлу*, юнонча 'ηλίός – «Күёш»). Бибата (*bibatā*, *бибата*) сўзи аниқланмади.

<sup>678</sup> Сўма (*soma*, *сўм*), кандра, инду, химагу (*himagu*, *ҳимагу*), шитарашми (*ṣitarāṣmī*, *шитарашму*), ҳимарашми (*hīmarāṣmī*, *ҳимарашм*), шитамшу, шитадидхити (*ṣītadīdhitī*, *шитадйдат*), ҳимамаюкҳа (*hīmamaūykha*, *ҳимамажуку*) – Ойнинг ҳар қандай атамалари; охирги олти атаманинг маъноси: «нурлари совук».

<sup>679</sup> Мангала; бҳаумия (*bhauma*, *бҳўмж*); кужа (*kuja*, *гужу*); аванея (*āvaneya*, *āванйву*); маҳея (*māheya*, *мāхйв*) – «Ердан тугилган»; ара (*āra*, *āру*, юнон. Ἀρης); ва-кра (*vakra*, *бакру*) – «ғилай»; круракша (*krūrākṣa*, *крўрāкши*) – «қизил кўз»; ракта (*rakta*, *ракту*) – «қизил» – Марс сайёрасининг ҳар хил атамалари.

<sup>680</sup> Будха (*budha*, *буду*), жна (*jña*, *шнаҳ*), бодҳана (*bodhana*, *бўдҳану*), вид (*vid*, *биту*) – «билувчи, донишманд»; саумия (*sauma*, *савту*), чандра (*cāndra*, *чāндрү*) – «қамарий»; ҳеман (*heman*, *хймуна*) – Меркурий сайёрасининг турли номлари.

<sup>681</sup> Брихаспати (*Bṛhaspati*, *бирҳаспати*), гуру (*guru*, *гуру «устоз»*), жива (*jīva*, *жйб*, юнонча Ζεύς), девежия (*devejya*, *дйвйжу* – «илоҳлар устози»), девапуроҳита (*devapurohita*, *дйвпурўхиту* – «илоҳлар коҳини»), ангирас (*agiras*, *ангира*), сури (*sūri*, *сўра*), девапита (*devapita*, *дйванүта*) – Юпитер сайёрасининг турли номлари.

<sup>682</sup> Шукра, бхригу, сита (sita, *ситу* – «оқ»), бхаргава (bhargava, *бҳаргав*), данавагуру (dānavaguru, *дәнбагуру*), бхригупутра (bhṛguputra, *биргупутру*), аспхужит (asphujit, *аспадж*, юнон. Αφροδίτη) – Венера сайёрасининг турли номлари.

<sup>683</sup> Шанайчара (śanaiścara, *инийшчр*), Манда (manda, *манду*) – «охиста»; адитияпутра (ādityaputra, *адитанупт*), сурьяпутра (sūryaputra, *сўржанупт*) – «Қуёшнинг ўғли»; саура (saura, *савру*), арки (arḱi, *ārb*) – «шамсий»; асита (asita, *асту* – «қоронғи»), кона (kana, *зўну*, юнон. Κρόνος) – хинд астрономиясида Сатурн сайёрасининг турли аталишлари.

<sup>684</sup> Асл нусхадаги тегишли иктибоснинг таржимаси: «Буюк шоҳ Вишну – Нараяна, боши ҳам, охири ҳам йўқ, бир вақтлар ўн икки марта келди, илоҳларнинг мақсадларини амалга ошириши учун ва шоҳ Адити билан Қашияпадан туғилишни лозим топди» (Қасуара, кашшп, калишабу) – Вишну-дҳармоттара, I, 106, 27–28. Бюлернинг айтишига кўра иктибоснинг охири бизга етиб келган асл қўлёзма нусхаларда сақланмаган (Büler. J R, 1890, p. 398).

<sup>685</sup> Қуёш номларининг Берунийдаги талқини жуда ҳам аниқ эмас. Савитри (Savitṛ, *сāбита*) – «тириштирувчи, ҳаёт берувчи» – қадимги ведик қуёш илоҳи. Бу ерда «Рави»нинг этимологияси брахманий диний илми руҳида, сунъий. Rasa – «шарбат» демак.

<sup>686</sup> Сома – қадимги ведик илоҳ, кейинчалик Ой билан айнанлаштирилган. Сомаграҳа (somagraha, *свмгрҳ*) – «Ой тутилиши» демак; папаграҳа (pāragraha, *пāпагрҳ*) – «даҳшатли, ношукур сайёра» (Марс, Сатурн). Ойнинг бошқа номлари: нишеша (niśeṣa, *нийш*), накшатранатҳа (nakṣatra – *шитамшу* – Беруний томонидан аниқ таржима қилинган).

<sup>687</sup> «Адития-дҳарма» (Aditya-dharma, *адитдҳрм*; X бобда – «Вишну-пурана», Захаунинг таржимасида – «Адития-пурана») – бу ном билан Беруний қандай асарни назарда тутаётгани номаълум. «Вишну-дҳармоттара»нинг бизгача етиб келган қўлёзмасида бу ерда келтирилган жадвал йўқотилган. Жадвалда келтирилган ойлари – вайшакҳа (vaiśakha, *бйшāг*) – апрель-май; жияйтҳа (jyaiṣṭha, *жйрйт*) – май-июнь; бҳадрапада (bhādrapada, *вхāдрв*) – август-сентябрь; ашваюжа (āśvauja, *швж*) ёки ашвина – сентябрь-октябрь; карттика (kārttika, *кāртк*) – октябрь-ноябрь; маргаширша (mārgaśiṣa, *мнгр, мнгашир*) – ноябрь-декабрь; пауша (pauṣa, *пвш*) – декабрь-январь; пҳалгуна (phālguna, *пагн, пālгун*) – февраль-март; бошқа ойлари ҳақида юқоридаги изоҳга қаранг. Қуёшлар номларининг маънолари: Вишну – гоҳо буни viṣ – «кирмоқ» ўзагидан деб талқин қилинади, «ҳамма ёққа қирувчи» маъносида; Арияман (Aryamaṇ, *аржаму*) – маъноси «дўст», Беруний талқинини ағи – «душман» сўзидан чиқараётганга ўхшайди; Вивасвант (Vivasvant, *бибасва*) – «ажабланарли»; Амшу (Amṣu, *амшу*) – «нур»; Паржания (Parjanya, *парчаний*) – қадимги ёмғир илоҳи; Варуна (Varuṇa, *парну, барну*) – қадимги илоҳ, осмони фалакни билдиради, олам қонунлари бажарилишини кузатувчи; Индра – илоҳлар бошлиғи; Дҳатра (Dhatṛ, *дҳата*) – «йўлга қўювчи», Митра (Mitra, *митру*) – «дўст»; Пушан (Pūṣan, *пўш, пўша, пўх*) – «валинеъмат»; Бҳага (Bhaga, *бҳагау*) – «қисмат, тақдир; неъматларни таксимловчи»; Тваштри (Tvāṣṭri, *дуварта, тувашта*) – «яратувчи»; Амшумант (Amṣumant, *нимāн*) – «нур ёғдирувчи»; – Видҳатри (Vidhātṛ, *бидҳатā*) –

кадимги илоҳ, Дҳатрининг биродари; Дивакāра (Divākāra, *дибāгару*) – «кунни яратувчи». Бошқа атамалар юкорида учратилган эди.

Шуниси ажабланарлики, Беруний жадвалда келтирган ойларга мос келувчи куёшлар рўйхатини «Вишну-дҳарма»дан олган бўлса ҳам, «Брахма-пурана»даги рўйхатга мос келади. (қаранг: *Kefel. S. 131*).

<sup>688</sup> «Йил фаслларида мен – баҳорман (*Vasanta, басинт*)», – деди Кришна «Бҳага-вадгита»да, X, 35.

<sup>689</sup> Қуйидаги жадвалда кўрсатилган Ой манзиллари Беруний «Қонуни Масъудий»сига кўра ушбу юлдузлардир: Криттика, 3 – манзил, Сурайё юлдуз туркумига мос келади; Роҳини (*Rohiṇī, рвҳрй*) – 4-манзил. Савр (α, ν, ρ, δ, ε) Альдебараннинг 11, 12, 13, 15 юлдузлари; Мригаширша (*Mṛgaśirṣa, мргшйр*) 5 – манзил, Орион (η), φ<sub>(1)</sub>, φ<sub>(2)</sub>); Ардра (*Ārdrā, āрдра*) – 6-манзил, Орион α си; Пунарвасу (*Punarvasu, пвнирбс*) – 7-манзил, эгизакларнинг α, β юлдузлари; Пушия (*Puṣya, пвиш*) – 8-манзил, насра юлдузи; Ашлеша (*Aśleṣa, ашлиш*) – 9 манзил. Саратондан 2 та юлдуз ва унинг ташқарисидан 4 та юлдуз; Магҳа (*Magha, мз*) – 10-манзил, Асаднинг 10, α, η, γ, μ, ε юлдузлари; Пурва-пҳалгуни (*Pūrva-phalgunī, прбāплгнй*) – Асаднинг 11, δ, ν юлдузлари; Утгара-пҳалгуни (*Uttara-phalgunī*) – 12-манзил, Асаднинг 12, β, 93 юлдузлари; Ҳаста (*Hasta, ҳст*) – 13-манзил, Қарғанинг ромб ташкил қилувчи α, δ, ε, η юлдузлари; Читра (*Citra, читра*) – 14-манзил, Сунбуланинг μ юлдузи; Свати (*Svāti, свāти*) – 15-манзил – Ҳўкизбоқарнинг α юлдузи (Найзадор Симок); Вишака (*Viśakha, бйшаку*) – 16-манзил, Тарозининг α, β юлдузлари; Анурадҳа (*Anurādhā, анурāда*) – 17-манзил, Ақрабнинг δ, β, π юлдузлари; Жайтштҳа (*Jyeṣṭhā, журт*) – 18-манзил, Ақрабнинг α, σ, τ юлдузлари; Мула (*Mūla, мула*) – 19-манзил, Ақрабнинг λ, υ, ι, ι юлдузлари; Пурва-ашадҳа (*Pūrvaśādhā, прбāшāр*) – 20-манзил, Ўқчининг γ, δ, ε, η юлдузлари; Утгара-ашадҳа (*Uttarāśādhā, втрāшāр*) – 21-манзил, Ўқчининг ζ, σ, τ, γ юлдузлари; Шравана (*Śrāvana, шрвн*) – 22-манзил, Бургутнинг α, β, γ юлдузлари; Дҳаништҳа (*Dhāniṣṭha, даҳаништи*) – 23-манзил, Дўлфин юлдуз туркуми; Шатабҳишаж (*Śatabhiṣaj, шадабуш*) – 24-манзил, Далвнинг λ юлдузи; Пурва-бҳадрапада (*Pūrvabhādrapāda, прбāнпрпт*) – 25-манзил, юлдузи номаълум; 26-манзил, номи номаълум, Пегаснинг α, β юлдузлари; Утгара-бҳадрапада (*Uttara-bhādrapāda, втрāнпрпт*) – 27-манзил, Пегас υ юлдузи, Андромеданинг α юлдузи; Ревати (*Revatī, ривтй*) – 28-манзил, Ҳутнинг ζ юлдузи; Ашвини (*Aśvinī, ашупай*) – 1-манзил, Ҳамалнинг β, γ юлдузлари; Бҳарани (*Bharaṇī, бҳарнй*) – 2-манзил, Ҳамалнинг 35, 39, 41-юлдузлари (қаранг: *Беруний Абу Райҳон*. Танланган асарлар V жилд, 2-китоб, 374–376-б.).

<sup>690</sup> Митҳуна (*Mithuna, митну*) – «Эгизаклар».

<sup>691</sup> «Ал-Маволид ал-кабир» деб Беруний Вараҳамиҳиранинг «*Bṛihajjātaka*» китобининг номини арабча таржимада ҳамда ундан иктибос келтиришига кўра, асарнинг ўзини ҳам арабчага таржима қилган кўринади.

<sup>692</sup> Кания (*Kanyā, гану*) – «Азро».

<sup>693</sup> «Ас-Симок ал-Аъзал» – «Қуролсиз Симак» – Азронинг α юлдузи.

<sup>694</sup> Ал-‘Авво – «Ҳурувчи» – Сунбуланинг β, γ, ε, η юлдузлари.

<sup>695</sup> Туло (*Tula, тлуҳ*) – «Тарози».

<sup>696</sup> Том маъноси – «юзи».

<sup>697</sup> Кумбха (Kumbha, *кунб*) – «Кувача» ёки «Хурмача».

<sup>698</sup> «Буржларнинг хиндлардаги машхур номлари»: Меша (Meṣa, *мйш*) – «Ҳамал»; Вриша (Vṛṣa, *бриш*) – «Савр»; Карката (Karkata, *каркатā*) – «Саратон»; Симха (Simha, *сингу*) – «Асад»; Вришчика (Vṛṣeika, *барезику*) – «Акраб»; Дхану (Dhanu, *дхан*) – «Камон»; Макара – «Жадий»; Мина (Mina, *мйну*) – «Хут»; қолганлари юқоридаги изоҳларда келтирилди: *kiya* – *κείός*, *tāmbiru* – *ταυρος*, *jituma* – *διδυμου*, *pārtina* – *παρθενοῦς* ва х.к.

## XX БОБ

<sup>699</sup> Браҳманда (Brahmāṇḍa, *брахмāнд*) – яъни, «Браҳманинг тухуми» – коинот, қадимги хиндларнинг тасаввурига кўра, шарсимон.

<sup>700</sup> Қаранг: «Ригведа», X, 190; X, 121 ва б. X китобининг 121 гимнида айтилишича, коинотни тўлдирган буюк сувдан «олтин пушт» пайдо бўлди, хаосдан олам яратилди.

<sup>701</sup> Заҳау шундай ўқиган, матнда: *فلاغوراس*.

<sup>702</sup> Қуръони карим, XI, 9.

<sup>703</sup> «Тимей», § 36 В-D да айтилган (Платон. Сочинения, VI, с. 399–400; юнонча матни: *Sachau*. India, transl., II, p. 323).

<sup>704</sup> Ҳинд астрономларининг саккизта осмони ёки осмон сфералари анъанавий олти осмон оламлари билан мос келмайди, уларнинг пастдан иккинчиси – сварлока – Қуёш, Ой, бешта сайёра ва юлдузларни ўзига олади. Ҳинд астрономик рисолаларидаги осмон сфералари юнонлардаги Аристотель – Евдокс астрономик назариясига асосланган.

<sup>705</sup> Бу ерда Браҳмагуптанинг ҳисоблари «Сурия-сиддҳантага» асосланган; хинд астрономларида Браҳманданинг айланаси 18712080864000 000 йожана деб ҳисобланади. Ой сфераси чўзилганлигини 324000 йожана деб аниқлаш хинд астрономиясининг классик даврига хос эди (қаранг: *Thibaut*, S. 37).

<sup>706</sup> Тегишли юнонча матн Заҳау (*Sachau*. India, transl., II, p. 324) томонидан иқтибос қилинган.

<sup>707</sup> Заҳаунинг таъкидлашига кўра, бу иқтибос ҳақиқатан ҳам «Проклга раддия»дан олинган бўлиши мумкин, лекин уни идентификация қилиб бўлмади (*Sachau*. India, transl., II, p. 272).

## XXI БОБ

<sup>708</sup> Беруний «еттита ер қатлами» деб етти «патала»ни (*pātāla*), яъни ер ости оламининг етти қатламини (ҳар бири бошқасидан узунлиги 1000 йўжана бўлган «етти ерлар» (*bhumi*) билан ажралган) – назарда тутаяпти. Шундай қилиб, бу «юқоридаги ер» эмас, олам тухумини ер юзаси билан ажратилган пастки ярми.

<sup>708</sup> Беруний жадвалда келтирган паталлар у ҳавола қилаётган ва бизга маълум бўлган матнларнинг ҳеч бири билан тўла мос келмаяпти. «Адития-пурана»даги рўйхат қисман «Бҳавишия-пуранага» мос келади (I, 126, 14–15): Тāла (*māl*), Sutāla (свтāя),

Пāла (*nāṭāl*); бироқ Аçāла (*aṣāḷ*) ўрнига – Ṭālātāла, Viçāла (*бишал*) ўрнига – Ātāла, Mṛttāла (*мараталу*) ўрнига – Vītāла; Rasātāла (*расāтил*) – яна мос келади. «Вишну-пурана» (II, 5, 2) рўйхатидаги номлар мос келадиганлар: Atāла (*āталу*), Vītāла (*би-талу*), Nītāла (*ниталу*), Gabhastimat (*габҳасим*) ва Sutāла (*суталу*); бироқ Mahākhyā (*маҳаҳху*) ўрнига – Mahātāла; Jāgara (*чāгару*) ўрнига Pātāла. «Ваю-пурана» (50, 9) рўйхатида мос келадиганлар фақат: Gabhastāла (*габҳасталу*), Māhātāла (*маҳāталу*) ва Pātāла; Ābhastāла (*бҳāсталу*) ўрнига Atāла кўрсатилган, Ilā (*'лу*) ўрнига – Sutāла, Nītāла ўрнига – Vītāла, Sutāла ўрнига – Ṣṛitāла кўрсатилган. Ерларнинг ранги «Ваю-пурана»да бошқача кўрсатилган. Kṛṣṇa (*крин*) – қора ва çukla (*шкл*) – оқ, бу ерда «Брахманда-пурана»нинг (21, 1) матнига – «Ваю-пурана»да бу ранглар sitātara ва sita дейилган. Rakta (*рхта*) – «қизил» ўрнига «Ваю-пурана»да vidrumarabha – «коралл ранги» дейилган, rāṣāṇa (*nāxān*) – «тошранг» ўрнига – çarkara – «мармарранг» дейилган. Çilātāла (*шилāталу*) – «ғиштранг» мос келади, асл нусхада çaila – «тошранг», suvaṇṇavaṇṇa (*суварнбарну*) – «олтин ранг» hema (олтин). Фақат pitabhumī (*пйтбҳум*) номи тўла мос келади. «Оғзаки хабарлардан эшитилган» номлардан: amṣu, amīça (*анса*) ва ambarātāла (*'нбаратāл*) номлар пурана адабиётларидан маълум эмас. Çarkara (*саккару*), юкорида айтилганидек, – ернинг бешинчи ранги. Çabhastimat ва Sutāла бу ерда: габҳастимāну ва сутāлу транскрипцияларида берилган.

<sup>709</sup> Эттита малакларнинг исмлари, уларнинг этти ерости дунёсида жойлашган шаҳарлари, қасрлари ва саройларининг номлари Берунийда анча аниқ, бизга маълум манбалардагига мос кўринишда келтирилган, улар «Ваю-пурана»га кўра (50 боб, шл. 15 ва б.), биринчи паталада яшайдиган асурлар: Намучи (Namuci, *намжу*), Шанкукарна (Çaṅkukarna, *шангагрн*), Кабандҳа (Kabandha, *куванту*), Нишкулада (Niṣkulāda, *нишкубāз*), Лоҳитакша (Берунийда – Lohita, *лўхит*), Калинга (Kalinga, *клингу*), Швапада (Çvāpada, *швāпазу*); ракшас Шуладанта (Çūladanta, *швалтатт*), илон Калия (Kāliya, *калйв*) ва б. «Дҳанандава» (Dhanaṇḍava, *дананжаву*), бизнингча, Dhanaṁjaya (шл. 18) ўрнига бўлса керак. Иккинчи паталада: ракшаслар ва дайтиялар Маҳажамбҳа (Mahājambha, *мҳāчнбу*), Хаягрива (Hayagrīva, *ҳйрйв*), Кришна (Kṛṣṇa, *карши*), Шанкҳакхия (Çāṅkhākhyā, *шанкакаш*), Гомукҳа (Gomukha, *қўмак*), Нила (Nīla, *нилу*) ракшаслари, Мегҳа (Megha, *мйк*), Кратҳана (Kṛathana, *картанак*), Маҳашниша (Mahošṇīṣa, *маҳушнйш*), Камбала (Kambala, *гнбл*), илонлар, Ашватарада (Açvātara, *ашватр*) ва Такшакада (Takṣaka, *джик*). Surakṣas (суркашу) – «Ваю-пурана» матнида «ажойиб ракшас», Маҳажамбҳи таърифини Беруний одам исми деб ўйлаган. Жанарта (Janarta, *чнарту*) асл нусхада йўқ. Учинчи паталада: дайтиялар. Ануҳлада (Anuhlāda, *'нирāз*), Тарака (Берунийда Tarakākṣa, *таркākш*), Триширас (Triçiras, *триру*), Шишумара (Çiṣumāra, *шишмār*), ракшас Чиявана (Çuavana, *чавану*), илонлар Нанда (Nanda, *нинду*) ва Вишала (Viçāла, *бишāl*); Агнимукҳа (Agnimukha, *'гнмх*) фақат «Брахманда-пурана»да кўрсатилган, Рад (Rada, *рāз*) ҳеч қаерда кўрсатилмаган. Тўртинчи паталада: дайтиялар Каланеми (Kālanemi, *кālнйм*), Гажакарна (Gajākarṇa, *кзгрн*), Кунжара (Kuṅjara, *ўнчр*); ракшаслар Сумали (Sumāli, *сўмал*), Мунжа (Muṅja, *мнч*) ва Врикавактра (Vṛkavaktra, *барикабактр*), унинг саройларида улкан кушлар ва б. Бешинчи паталада: дайтиялар Вирочана (Virōcana, *блвчн*), Агнижихва (Agnijihva, *'гнчбб*), Хираниякша (Hiraṇyākṣa, *ҳиранākш*), ракшаслар Видиюжжихва (Vidyujjihva,

бидучбу), Махамегха (Mahāmegha, *мāмйк*), илонлар Кармара (Karmara, *маркирмйру*), Свастика (Svastika, *асф-стāгучав*) ва Жая (Jaya – Берунийда Jayanta, *чайант*). Олтинчи паталада: дайтия: Кесари (Kesari, *кйсару*), Шаташиршин (Ṣataṣirṣin, *шāташйрсу*), яъни «Юзбошли»; «Ваю-пурана» Индра билан дўстлиги тўғрисида ҳеч нарса демайди; илон Васуки (Vāsuki, *бāсуги*). Урдхвакужа (Ūrdhvakuja, *урдагўж*) эслатилмайди. Еттинчи паталада, ракшаслар дайтиялар ва б. шаҳарлари кўп ва ҳ.к. у ерда яшайдиганлар Бали (Bali, *бал*) ва дайтия Мучукунда (Mucukunda, *мзгунд*). Вишну ва Шеша (Ṣeṣa, *шйш*), дунё илони ҳақида «Ваю-пурана»нинг тегишли жойида эслатилмайди.

<sup>710</sup> Ҳиндларнинг анъанавий этимологиясида Loka сўзини «Lok» – «кўрмоқ, кузатмоқ» ўзагига мансуб дейилади.

<sup>711</sup> Юнонча оригиналда на бу иқтибос, на Гомернинг шеъри топилмади (Sachau. India, transl., II, p. 324). Галактика – матнда юнонча γαλαξίας сўзининг транскрипцияси келтирилган.

<sup>712</sup> Бу иқтибос «Тимей»даги § 41 А га мос келади (Платон. Сочинения, VI С. 409; юнонча матни: (Sachau. India, transl., II, p. 324).

<sup>713</sup> Иккала иқтибос ҳам «Псевдо – Каллисфендан» олинган кўринади (қаранг: VIII боб, 257-изоҳ).

<sup>714</sup> Пураналар космографиясининг тасаввурига кўра, ерни (олам тухумининг қобиғини) қалин пўстлоқ (anḍakaṭāha) ўраб туради, уни эса кетма-кет қатламлардан куюк сув (ghanatoya), қалин олов (ghanatejas), қалин ҳаво (ghanavāta) ва ниҳоят, эфир (ākāṣa – буни Беруний доимо «осмон» деб таржима қилади) ўраб туради. Осмон олам «ўзанглашмаси» (chaṅkara) билан ўраб турилади, бу эса космик бошланғич: mahān, билан ўраб турилади. Бутун оламнинг охириги қобиғини «аниқланмаган чексизлик» (ananta avyakta), яъни материя (prakṛti), оламнинг биринчи сабабчиси (қаранг: Kirfel, S. 55), дейилади, илохий айнанлаштиришда худога тенглаштирилади.

<sup>715</sup> Ҳинд космографиясида қабул қилинган етти оламнинг номлари: Бхурлока, Бхуварлока, Сварлока, Маҳарлока (Maharloka, *маҳарлвк*), Жанарлока (Janarloka, *жаналвк*), Таполока (Tapoloka, *тпалвк*), Сатиялока (Satyaloka, *саталўка*).

<sup>716</sup> «Патанжаланинг шарҳчиси», албатта, бу – Вияса (юқоридаги изоҳларга қаранг), ўз шарҳида у етти оламини тавсифлашда анъанавий системадан чекинади (қаранг: Вияса, III, 25). Хусусан у учинчи оламини Сварлока демай, «Махендралока» (Mahendraloka) дейди; «Сварлока» атамасини у беш юқори осмонларга нисбатан қўллайди. Бироқ у Сатиялока билан Брахмалокани (Brahmaloka, *браҳмавк*), ажратмайди, аммо пураналар билан мосликда уларни битта оламнинг иккита номи деб билади. Вияса «аждодлар олами» (Pitṛloka, *пйтралвк*) ҳақида ҳам ҳеч нарса демайди. Ҳинд мифологияси одатда аждодларни «Бхуварлока»га ёки Ой атрофига жойлаштиради.

<sup>717</sup> Сангалдип (Simhaladvīpa, *сангаладўп*) – Цейлон, ҳозирги Шри Ланка. Ад-Дибāжат – Мальдив ва Лаккадив ороллари.

<sup>718</sup> Марказий қитъанинг (Жамбу-двипа) диаметри ҳинд космографиясида 100000 йўжана (умумий қабул қилинишича) дейилади. Вияса ўз шарҳида уни ўровчи океаннинг ўлчами – бундан икки баравар кўп; кейин ҳар бир кейинги қитъа ёки океаннинг ўлчами олдингисидан икки баравар кўп. Сўнгра Вияса океанларнинг умумий

ҳажмини: 500 миллион йўжана дейди, бу эса унинг ўзининг кўрсатмаларига зиддир (III, 25).

<sup>719</sup> «Ваю-пурана»нинг бизга маълум матнида хулосавий рақам келтирилмайди. Одатда пураналарда фақат, Виясадагидек (юқоридагига қаранг), олам тухумининг умумий диаметри – 500 миллион йўжана келтирилади.

<sup>720</sup> «Матсия-пурана»нинг бизга маълум матнларида (113, 122, 123-боблар) ва «Вишну-пурана»да (2-китоб, 2-боб) китъалар ва океанлар айнан Беруний келтирилган тартибда унинг жадвалига тўла мосликда келтирилади. «Матсия-пурана»даги рўйхат тамомила мос келади: Жамбу-двипа (Jambudvīpa, *тибдўн*), Шака-двипа (Śakadvīpa, *шākдўн*, P – *шāку*, *шāгу*), Куша-двипа (Kuṣadvīpa, *кидўн*, P – *ги*), Краунча-двипа (Krauñcadvīpa, *кравнчдўн*, P – *карванч*, *гравнж*), Шалмали-двипа (Śalmaladvīpa, *шалмаладўн*, «Вишну-пурана» – *шālмалу*, P – *шālмала*), Гомедха – двипа (Gomedhadvīpa, *гāмиз* ёки Gomedā), Пушкара-двипа (Puṣkaradvīpa); океанлар: Лаванда («шўр океан», *Lavaṇa*, *лван* – «туз»дан), Кширадака (Kṣīrodaka, *кушўрзк* – «сут океани»), Гхритаманда (Ghṛtamaṇḍa, *гртмнд* – «эритилган сариеғ кўпиғи»), Дадҳиманда (Dadhimaṇḍa, *дадиманд* – «зардоб»), Сура (Surā, *сур* – «арак»), Икшура-сода (Ikṣurasoda, *кирасўз*, P – *икша* – «Океан [ранги] шакарқамишдек»). Свадудака (Svādudaka, *свāдардак*, – «чучук сув»). «Вишну-пурана»даги рўйхат ҳам оригиналга мос келади, фақат Кшара (Kṣāra, *кушār* – «туз») ўрнига, «Вишну-пурана»да Лавано-да аталган, Кшира (*кишр*) ўрнига – Дугдха (Dugdha – «сут»), Свадука ўрнига – Жала (Jala – «чучук сув»). Лаванда ўрнига Кшарода исми бошқа пураналарда учратилади. Сарпис (Sarpis, *сарпа*, *сурп* – «эритилган ёғ») оригиналда тегишли жойда келтирилган. Беруний тўғри таъкидлаганидек, олти китъанинг номи ҳар хил ўсимлик ва дарахтларнинг номидан олинган. Бирок «крауñса» сўзи «оломон» эмас, кушнинг номидир. Энди «Патанжала»га ёзилган шарҳга келсак, Виясадаги (III, 25) китъалар ва океанларнинг рўйхати айнан «Матсия-пурана» билан мос келади; демак, Беруний бу ерда қандайдир бошқа шарҳни назарда тутган. Оғзаки номлардан *Lavanasamudra* (*лвансамудр*)нинг маъноси «Шўр океан»ни билдиради, *Dādhisāgara* (*дарсāгар*) – «Қатик океан»ни. Пания (*Pāṇiṇa*, *pāṇi*)нинг маъноси «ичиладиган сув».

<sup>721</sup> Шу тавсифнинг ҳаммаси Виясанинг шарҳида йўқ ва унинг манбаи номаълум. Нарака (*paraḥka*, *нарка*) – жаҳаннамлар, қадимги хиндларнинг тасаввурича, ер ости патала оламларидан пастда жойлашган (юқоридагига қаранг); жаҳаннамларнинг сони ва уларнинг ўлчамларини турли муаллифлар турлича кўрсатганлар. Ваяра (юқорида қаранг) маъноси «олмос» ёки «момақалдирок ўқи»ни англатиши мумкин. Гарбха (*garbha*, *гарбу*) «қорин» демакдир. Локалока (*Lokāloka*, *лвкālвк*) – «дунё ва дунё эмас» – хинд космографиясида – тоғлар тизмаси, булар етти океандан охиригисини ўраб туради ва кўринмас дунёни зулмат подшолигидан ажратиб туради; оламнинг чеккаси. Тамас (*Tamas*, *таму*) – зулмат. Брахманданинг умумий ўлчами, биз юқорида кўрсатганимиздек, хинд космографияси 150 миллион эмас, балки 500 миллион йўжана деб белгилайди.

<sup>722</sup> Бу иқтибоснинг бошланиши «Вишну-пурана»нинг бизга маълум матнига (китоб 2, 5-боб, шл. 13–15, 21) анча аниқ мос келади: «Еттита ерости олам (*pātāla*) остида Вишнунинг терис рамзи жойлашади, у зулматнинг (*tamas*) сифатидан пайдо бўлган, номи



Шеша (Ṣeṣākhyā, *шйшāгу* – «Шеша аталувчи», буни Беруний битта исм деб қараган ва илон исми ҳосил бўлган)... Бу мавжудот сиддҳи»ни Ананта дейилади (Ananta, ананту – «чексиз») ва буни донишмандлар ва илоҳлар ардоқлайди. Унинг мингта боши бор... ва мингта жавохир учларида жойлашиб ҳамма ёқни ёритади ... Шеша бутун дунёни тож каби бошида тутиб туради ...» – бироқ кейинги қисмда оламларнинг тавсифи, уларнинг ўлчамлари ва Нарадага зиёратлар бу жойда ҳам, оригиналда ҳам йўқ.

<sup>723</sup> «Чучук сувли океаннинг нариги томонидаги мамлакат [океанга нисбатан] икки ҳисса келади, у ерда тупроқ олтиндан ва унда тирик жониворлар яшайди. Унинг нариги томонида Локалока тоғи жойлашган, унинг эни ҳам, баландлиги ҳам ўн минг йўжана ... Ер ана шундайдир, у китълари, тоғлари, денгизлари ва ташки пўстлоғи билан беш юз миллион йўжанага чўзилган» («Вишну-пурана», 2-китоб, 4-боб, шл. 94, 95).

<sup>724</sup> Дҳатри (*dhātṛ, даҳатр*) – «ҳакими олий, сакловчи, яратган» ва видҳантири (*vidhātṛ, видҳатра*) – ўшанинг ўзи – ҳинд мифологиясида илоҳларнинг сифатлари Беруний кўрсатган маъно мавжуд адабиётда учратилмайди.

<sup>725</sup> «Бутун [борлик], курук ер мавжуд бўлган, оёқ қўйиш мумкин бўлган жойларнинг ҳаммаси Бҳурлока сферасини ташкил қилади ... Ердан Куёшгача бўлган оралик, сидҳи ва мунилар кезиб юрган бўшлиқ, Бхуварлокадир» («Вишну-пурана», 2-китоб, 7-боб, шл. 16, 17). Сўнгра асл нусхада айтиладики, уч куйи олам (яъни, Бҳурлока, Бхуварлока ва Сварлока) яратилган (*kr̥taka*, яъни ўткинчи) дейилади, учта юқориги – яратилмаган (*akr̥taka*, яъни ўткинчи эмас) дейилади. Беруний «учта притҳиви» (*pr̥thivi, притавй* – «ер») деб нимани назарда тутаётгани аниқ эмас. Яна номаълуми шуки, Вияса-мандала (*Vyāsamaṇḍala, вйасмндл*) асл нусхада йўқ, нимани билдириши номаълум. Бундан кейин 7-боб бошидаги парчанинг таржимаси келтирилган (оригиналга нисбатан матнда жойлаштириш бор): «Куёш Ердан юз минг йўжана масофада жойлашган, Куёшдан ана шунча масофада Ой жойлашган. Яна шунча масофада Ойдан – камарий юлдуз туркумлари орбитаси (*nakṣatra*) жойлашган. Камарий юлдуз туркумларида 200 000 (икки лакша) йўжана тепада – Меркурий (Будха), Меркурийдан ана шунча масофада – Венера (Шукра); Венерадан шунча масофада Марс (Ангаренка) жойлашган; худди шунча масофа – Марсдан Юпитергача (Брихаспати); ва Юпитердан Сатурн гача (Саура) баландликка – икки юз минг йўжана. Катта Айик Сатурндан юз минг йўжана юқорида жойлашган; ва Катта Айикдан шунча масофада – Кутб юлдузи (Дхрува) жойлашган ... Кутб юлдузининг тепасида 10 млн йўжана масофада Маҳарлока жойлашган... [Маҳарлокадан] ана шу масофанинг икки ҳиссасида – Жаналока; Жаналокадан тепада шу масофанинг тўрт бараварида – Тапас деб аталадиган олам. Бундан олти баравар масофада (шарҳларга кўра – 480 млн йўжана) Сатиялока жойлашган (шл. 5–10, 12, 15)». Бундан кўринадики, Беруний таржимасида турғун юлдузлар сфераси тушириб қолдирилган.

## XXII БОБ

<sup>727</sup> Дхрува (*dhruva, дхрубб, дхрупи*) – «кутб юлдузи»; шалака (*śalāka, шлāk*) – «ўқ». Ҳиндлар шимолий кутб деб Меру тоғини назарда тутганлар (қуйида қаранг: XXIII боб, 738-изоҳ).

<sup>728</sup> Мухурта – куннинг ёруғ ёки қоронғи қисмининг 1/15 бўлаги, яъни эгри соатнинг 4/5 қисми ёки куннинг 1/30 қисми, яъни 48 дақиқа.

<sup>729</sup> Бу тарих «Рамайна»да ҳикоя қилинади (1-китоб, 57–60-боблар); бироқ унинг қаҳрамони Сатияварта ёки Тришанку деб аталади, Сомадатта (Somadatta, сӯмадатт) эмас. Вишвамित्रа (Viśvāmitra, *бишфамитр*) – афсонавий донишманд, кўп қадимги ҳинд ривоят ва афсоналарининг қаҳрамони. «Рамайна»да Вишвамित्रа Васиштҳа, ўзининг доимий рақиби, ўғилларининг кўпини кукунга айлантиради; Индранинг Сатиявартани осмонга қабул қилишни истамаганидан ғазабланган Вишвамित्रа «бошқа Индра»ни яратажагини айтиб, дағдаға қилади. Шу ривоятнинг бошқа вариантлари (Беруний ҳикоясидан анча узок) «Вишну-пурана» ва «Ҳариванша»да ҳам келтирилган.

<sup>730</sup> Шула (ṣūla, *шӯл*) «найза, ўқ, қозик».

<sup>731</sup> «Китāб ал-масāлик [ва-л-мамāлик]» – «Йўллар [ва мамлакатлар] китоби» – Сомонийларнинг машҳур вазири Ал-Жайҳонийнинг (IX а. охири – X а. I чораги) асари, X–XI асрлар муаллифлари томонидан энг эътиборли географик асар сифатида кўп иктибос қилинади. Бизгача етиб келмаган (қаранг: *Крачковский*. Арабская географическая литература, т. IV, С. 219–226). Лангабалус ороллари, яъни Никобар ороллари (қаранг: *Ferrand*. Relations, I, p. 26–27).

<sup>732</sup> Шишумара (Ṣiṣumāra, *шишмар* – дельфиннинг тури; тимсоҳ) – юлдуз туркуми, шакли дельфинни эслатади. Шаквара (*шāквара*) номи аниқланмади.

<sup>733</sup> Исканқур – Скинк (δχιγγος, scincus) – калтакесакка ўхшаш жонивор, ҳам курукликда, ҳам сувда яшайди.

<sup>734</sup> Брахма инсоният уруғини яратиш учун ўзини икки яримга бўлгани ҳақида ҳинд манбаларида ҳар хил фикрлар билдирилган. «Вишну-пурана»да Брахма ўзини Ману – эркак ярим ва Шатарупа – аёл яримга ажратади (1-китоб, 7-боб); «Ваю-пурана»да Вираж (Virāj, *бирāз*) – эркак ярим – ва ўша Шатарупа аёл яримга бўлади (33-боб). Ману (I 32, 33) конунларида Вираж – Брахма яратгани, Ману – Вираж яратгани. «Вишну-пурана» ўша 7-бобида Манунинг икки ўғлини эслайди – Приявратани (Priyavrata, *прийарбату*) ва Уттанападани (Uttanapada, *уттанāпāзу* – «узатилган оёқ»). Бу ерда Беруний келтирган Дхруве ҳақидаги ривоят, «Вишну-пурана»да (1-китоб, 12-боб) ҳам бор. Сваямбхува (Svāyambhuva, *свайанбхуба*) – ўн тўртта Манудан биринчиси, ҳар хил олам даврларида (манвантара) инсониятнинг илк аجدодларининг биринчиси.

<sup>735</sup> Матнда шу иктибосга моси топилмади.

<sup>736</sup> «Важра деди: Эй икки қарра туғилганларнинг энг яхшиси, мен сендан сайёралар кутбнинг (dhruva) ва қамарий юлдузларнинг келиб чиқиши ҳақида батафсил эшитмоқчиман, эй шоҳ. Маркандея деди: Брахма, яратишни истаб, энг аввал қуёшни яратди..., ёруғлик кулчасини, эй оламни бузувчи, ... ва у бошқа сайёралар кулчаларини ва сувдан иборат юлдузларни яратди; ва кутб яқинидаги 14 юлдузни... Унинг юқоридаги жағида Уттанапада, қуйидагисида – яжна; Дхарма унинг бошида жойлашган... Думида – Агни, Маҳендра, Марича ва Кашияпа ... Кутб оламни айланишга мажбур қилади, кутбга уч олам боғлиқ. Чунки буюк Вишну кутбдир, у – замон, оламларни ҳаракатга келтиради. Кимки, Шишумарани ташкил

қилувчи юлдузларни билса... унга [белгиланган умр муддатини] яшаганидан сўнг ... яна 14 йил яшайди ва келажакда кундузи ёки кечаси қилган гуноҳларидан халос қилинади. Куёшнинг кудратли нурлари сув сайёралари ва юлдузларини ёриштишга мажбур қилади ...» («Вишну-дҳармоттара», I китоб. 106-б., 1–13). Дҳарма эслатилганидан кейин асл нусха матнида сукут бўлиб, уни Г. Бюлер «Вишну-пурана»нинг (2 к., 12-б., 33–34) матнига кўра тиклаган: «Нараяна қалбда яшайди, иккала Ашвин – олдинги оёқларда; Варуна ва Арияман – унинг кейинги оёқларида, Самватсара – унинг асбоби, Митра – унинг орқасида» (қаранг: IA, 19, 1890, p. 396). Важра (*Vajra*, *бачр*), Индрапрастҳининг подшоҳи, «Вишну-дҳармоттара»да Маркандея унга олам яратилиш тарихини ҳикоя қилиб берган, у Кришна (Нараяна)нинг жияни эмас, эвараси. Яжна (*Yajña*, *жагму*) – қурбонлик келтиришни гавдалантирувчи илоҳ. Дҳарма (*Dharma*, дҳарму) – афсонавий донишманд, Пражапатининг ўғли. Самватсара (*Samvatsara*, *снбчр*) – бу ерда Шиванинг исмларидан бири. Махендра (*Mahendra*, *мҳйндр*) – Индра, Маричи (*Marīci*, *мрйн*) – афсонавий донишманд, марутларнинг – тўфонлар илоҳларининг бошлиғи, Кашияпанинг отаси.

<sup>737</sup> Беруний ушбу асарини ёзаётганида машҳур Абдурахмон ас-Сўфийнинг (903–998) «Китаб сувар ал-кавакиб ас-сабита» («Турғун юлдузлар тасвирлари китоби») асари муомалада бўлиб, унда 1017 та юлдузнинг каталоги бор эди. Беруний ўзининг «Қонуни Масъудий»сида эса 1029 юлдузнинг каталогини келтирган (*Беруний Абу Райҳон*, V жилд, 2-китоб, 361-б.). Демак, бу ерда «бир минг йигирмадан ортик юлдузларни танийдиган кишилар» деб ўзи ва, балки атрофдагиларни назарда тутган.

## XXIII БОБ

<sup>738</sup> Меру (*Meru*, *мйрв*) – Ер марказидаги афсонавий тоғ, ҳиндларнинг Олимпи. Ҳимолай тоғларидан шимолда жойлашган.

<sup>739</sup> Ҳиндларнинг буддавий космографиясига кўра, Меру тоғи цилиндрик шаклга эга, баъзи пураналар (Матсия, Ваю) Меру тоғини «тўртбурчак» (*saturasra*) дейди; лекин шуни ҳам айтиш керакки, буддавий манбалар қадимги, ведик даврга бориб тақалувчи анъана бўйича, ерни Меру тоғидан тўрт тарафдаги тўрт мамлакатга бўлади, браҳманий ва жайний космографияга кўра эса етти мамлакатга бўлиш қабул қилинган. Беруний «Жина» (*Jina*, *жини*) деб қайси китобни назарда тутаётгани номаълум.

<sup>740</sup> Баъзи тадқиқотчилар Меру тоғининг номини *smi* – «ёритмоқ» (*Kirfel*, S. 182) илдиздан келтириб чиқарадилар.

<sup>741</sup> Захау таржимасида: «бутунлай чекка, шимолда туради» – *bein situated entirely in the highnorth*.

<sup>742</sup> Меру тоғи олтин ва қимматбаҳо тошлардан ташкил топган деб тасаввур қилиш ҳинд космографиясида анча кенг тарқалган. Нанданавана (*Nandanavana*, *нанданаману*) – Меру тоғидан жанубдаги ўрмон, бошқа фикрга кўра – Меру тоғининг ўзида жойлашган (Вияса, III, 25).

<sup>743</sup> Кардажа – хиндлардаги ўлчам бирлиги, ёй ёки айлана 1/96 қисмининг синуси; кардажа санскритча *kramaṅja* сўзининг янглиш ёзилиши бўлиши ҳам мумкин (қаранг: *Sarton. Indroduction*, p. 387, 530 not o.). Захаунинг фикрига кўра, бу сўз форсча карда – «кесим; сегмент»дан (*Sachau. India*, transl., II, p. 326) келиб чиққан.

<sup>744</sup> Кусумапуралик Ариабхата – Беруний машҳур хинд астрономини шундай атаяпти, у қуйида тўғри таъкидлаганидек, буни Катта Ариабхата (юқорида XIV бобнинг, 446-изоҳига қаранг) билан чалкаштирмаслик керак. Кичик Ариабхата ёки Ариабхата II (X а.) «*Āryābhaṭa – Siddhānta*», астрономик рисоланинг муаллифи, Браҳмагуптадан бироз кейин яшаган. Кусумапура (*Kusumarupa, касманӯр*) – Магадҳанинг пойтахти Паталипутранинг номларидан бири. Бу ерда Беруний Ариабхатани Кусумапурали деб, янглишган. Чунки аслида Катта Ариабхата ёки Ариабхата I (туғ. 475 й.) Кусумапуралидир.

<sup>745</sup> «Матсия-пурана»га кўра хиндларнинг анъанавий географик қарашларини баён қилишда Беруний қатор ноаникликларга йўл қўйган: «... Меру – тўрт рангли олтин тоғ ... унинг томонлари – ҳар хил рангда ... Шарқ тарафидан у оқ рангга эга – браҳманчасига; жанубдан – сариқ рангли, вайшиялар табақасини англатади; ғарб тарафидан Меру тоғининг [ранги] анжирнинг баргига ўхшаш, бу ранг билан шудра тоифасидагилар белгиланади; унинг шимол тарафи – табиатан қизил ранг, бу [ранг] билан кшатрийларни белгилайдилар ... Мерунинг ... юксаклиги 84 000 йўжана; у 16 000 [йўжанага] ер остига кетган, чўзилганлиги 28 000 [йўжанага], икки қарра шу микдорга узунлиги чўзилган. Бу ажойиб тоғда бекиёс ўтлар ўсади; унда олтин билан безалган қасрлар туради. У подшоҳлар тоғида илоҳлар (*deva*), гандҳарвлар, асурлар ва рақшасларни апсараслар галаси ҳурсанд қилади» («Матсия-пурана», 113-боб, шл. 12–16, 40–42). Апсарлар (*apsaras 'ncrc*) – хинд мифологиясидаги самовий парилар. Манаса (*Mānasa, mānasyu*) кўл, Меру тоғидан жанубда жойлашган кўл (Тибетдаги Мансаровар йўллари назарда тутилади). Саккиз илоҳ – оламни қўриқловчилар (*Lokāra, лвкпāl*) яшаш жойлари кўл атрофида эмас, – Меру тоғининг тепасида, Браҳма шаҳрининг атрофларидир. Меру тоғининг етти «туғуни», аслида – Бҳарата (Ҳиндистон)нинг етти асосий тоғи, бу Жамбу-двипа қитъасидаги етти мамлакатнинг бири; бу тоғларнинг Меруга бевосита алоқаси йўқ. «Матсия-пурана»да айтилган: «Бу буюк мамлакатда (Бҳаратада) еттита асосий тоғ маълум; бу тоғлар: Махендра (*Mahendra, маҳиндру*), Малая (*Malaya, млаву*), Саҳия (*Sahya, сажу*), Шуктимат (*N.Sg. Śuktimān, шукдабāли*), Рикшават (*N.Sg. Rkṣavān, рикшабām*), Виндхия (*Vindhya, бинду*), ва Париятра (*Pāriyātra, пāржāтр*) ..., уларнинг атрофларида эса – мингта бошқа тоғлар. У ерда турли халқлар яшайди...» (114-боб, шл. 17, 18, 20). «Меру атрофидаги катта тоғлар» – етти тоғ тизмаси (хиндларнинг тасаввурига кўра) Жамбу-двипани етти мазкур мамлакатга ажратади. «Рақшаслар, пишачалар ва яқшилар Ҳимаватда яшайдилар. Ҳемакутда (*Hemakūta, ҳимакута* – «олтин чўкки») эса, маълумки, гандҳарвлар апсараслар билан бирга яшайди. Барча илонлар Шеша (Анатанинг ўзи), Васуки, Такшака [ва б.] яшайдиган жойлари [Нишадҳа]. Нилда (*Nīla, нил*), зумрад тоғида, сиддҳилар ва браҳмаршилар яшайди; Швета тоғи дайтиялар ва данавларга тегишли; гўзал тоғ Шрингават (*Śṛṅgavat, ашрангунат*) – ажодлар (*pitaraḥ*) маскани» (114 боб, шл. 82–85). Асл нусханинг шу ерида илонлар

Каркотака (Karkotaka, *каркутаку*), Махападма (Mahāhadma, *махāпазму*), Камбала ва Ашватаранинг номлари айтилмаган. Илаврита (Pāvṛta, *шлāбарт*) – етти мамлакатдан ўртадаги тўртинчиси, китъани мазкур тоғлар шуларга ажратиб туради. Илавританинг ўртасида, ҳинд космографиясига кўра, шу Меру тоғи кўтарилиб туради. Кайласа (Kailāsa, *кйлāсу*) – ўлка эмас, Ҳимолайнинг марказидаги тоғ (Ғарбий Тибетда Кайлаша чўккиси). «Прушапарвата» номи (Puruṣāparvata, *припарбата* – яъни: «инсоний тоғ») асл матнда келтирилмаган.

<sup>746</sup> «Вишну пурана»да бу иқтибосга моси йўқ. Маляват (Mālyavant, *мāлливанту*) ва Трикута – (Trikuṭa, *тркўт*) тоғлари 2-бобда Меру тоғи этагидан ажралувчи тармоқлари сифатида эсланган. Шрипарвата (Śrīparvata, *шрīпарбт*) тоғи пуранада Бхаратанинг иккинчи даражали тоғи деб қайд этилган. Трипурантика (Tṛipurāntika, *тирпурāнтаку*) тоғи, ҳеч қаерда эслатилмайди.

Маляват (*мāлийану*) тоғлари шарқда, Гандҳамадана (Gandhamādana, *гандумāдану*) – ғарбда, Нила (Берунийда Anila, *āнилу*) тоғи шимолда ва жанубда Нишадҳа Илаврита ўлкасини чегаралайди, улар ўртасида Меру тоғи («Ваю-пурана», 34-боб) кўтарилиб туради.

<sup>747</sup> Нараянатиртҳининг кейинги шарҳи («Йога-сиддҳанта-чандирика» бошқача таърифни келтиради: Меру тоғи шарқда кумушдан, жанубда – зумраддан, ғарбда – кристаллдан, шимолда – олтиндан ташкил топган. (р. 123).

<sup>748</sup> Виясанинг шарҳи (III, 25) билан Беруний баёни орасида жуда узок ўхшашлик бор. Вияса Мерунинг ёки ернинг тўртбурчак шакли ҳақида ҳеч нарса демайди, Беруний келтирган ўлчамларни олган манбаси ҳам номаълум. Виясанинг кўрсатишича, Жамбу-двипанинг шимолида учта тоғ тизмаси, – уларнинг оти айтилмаган, – улар уч мамлакатни (varṣa) ўраб туради: Раманака (*рмнк*, Берунийда шундай бўлган, лекин нусха кўчирувчи уни *дмнк* деб ўзгартирган; Захау уни тўғрироқ килиб, *Рауака*, *рмис-га* ўзгартирган), Ҳиранмая (Ніғаптауа, *ҳаринмāййа*) ва Утгаракура (ёки бошқа манбаларга кўра, Кичи, *кур*). Вияса назарида тутган тоғ тизмалари бизга маълум: Нила, Швета (Śveta, *шйт*; 3 – Sita, *сйт*) ва Шрингават (ёки Śrīngādri, *шрингāдар*). Жанубда, давом этади Вияса, тоғ тизмалари Нишада, Ҳамекута ва Ҳемашринга (Берунийда Himagiri, *ҳимагару* – иккала ҳолда ҳам Ҳимават назарда тутилади) мамлакатлар Ҳариварша (Harivarṣa, *ҳаривурш*), Кимпуруша (Kimpuruṣa, *кйппри*) ва Барага (ёки Bharatavarṣa, *бахāраспри*)ларни ўраб туради. «Сумеру (Меру)нинг шарқий ўлкалари Бҳадраша (ёки Bhadrāśva, *бахāдрāс*) мамлақати ва Малаяват» (Берунийда – Mālava, *мāлава*, аслида Malavanta бўлса керак) тоғи, ғарбдагилари – Кетумала (Ketumāla, *кйтумāла*) мамлақати ва Гандҳамадана тоғи билан ўралган (Вияса, III, 25). Беруний Мраварта атамасини қаердан олгани номаълум.

<sup>749</sup> Юқорида 740-изоҳга қаранг. Буддавийларнинг тасаввурига кўра, Меру тоғи ер юзасидан 84 000 йўжанага кўтарилган ва шунчага ернинг қаърига кирган; унинг кенглиги ҳам шунча (қаранг: *Kirfel*, S. 184).

<sup>750</sup> XXI боб, 722-изоҳига қаранг.

<sup>751</sup> Ардийā ва Гирнагир – Авестода ана шу тоғлар *hara berezaiti* ва *taera* шаклида келган (*Sachau. India, transl.*, II, p. 327): *хўма* – қадимги эроний *hauma* –, Авестада: *haoma* –, санскритча: *soma*.

## XXIV БОБ

<sup>752</sup> «... Кимпурушада олтинранг кишилар минг йил яшайдилар; уларнинг хотинлари апсарасларга ўхшайдилар. Ҳеч қандай касаллик ва ғам-ғуссани билмай, ҳаммаларининг кўнгиллари пок, у ерда одамлар олтинга ўхшаб, ялтирок туғиладилар, гуноҳлардан тозалар. Гўзал мамлакат Кимпурушада асал берувчи ажойиб дарахт плакша ўсади; барча кимпурушаликлар унинг ширин шарбатини ичадилар. Кимпурушанинг ортида Ҳариварша деган мамлакат бор. У ерда одамлар олтинранг бўлиб туғилади. Ҳариваршада барча одамлар шакарқамиш сувини ичадилар. Ҳариваршада одамлар ўн бир минг йил бахтли яшайди, кўнгиллари хушвакт» («Ваю-пурана», XLVI, 5–10). «Сурену» (*сурйнайа*), эхтимол бу *apsarasopamāḥ* сўзининг нотўғри ўкилиши, бу сўзнинг маъноси – «апсарасларга ўхшаш», «мадҳаваҳа» (*madhavaḥa, мадубҳ*) – «асал берувчи».

<sup>753</sup> Шака – двипанинг дарё ва тоғлари «Матсия пурана»нинг 122-бобида тавсифланади. Хусусан, Сукумари дарёси матнда «Муқаддас сувли Ганга» дейилган (шл. 30). Тоғлардан эслатилгани Удая – олтин тоғ, у билан булутлар кучоклашади ва унда илоҳий донишмандлар (*devarṣi*) ва гандҳарвлар яшайди ва Чандра, дори ўтларга бой, бу тоғдан Индра ёмғир учун сув олади (шл. 8–10). Шунингдек, Сомака тоғи ҳам эсланган (*Somaka, Берунийда – Soma, с в м*), бу билан боғлиқликда Гаруда ва унинг онаси ҳақидаги ривоят эсланган. («... Сомака тоғи, у ерда бир вақтлар илоҳлар амритани сақлаганлар ва у ердан уни Қанотли (яъни, Гаруда) ўз онаси учун олган», шл. 15).

<sup>754</sup> Бу ривоят «Маҳабхарата»да (к. 1, боб 18–30) келтирилган. Кашияпанинг хотинлари Кадру (*Kadru, кадру*) ва Вината (*Vinatā, бинату*) Индранинг оқ отининг думи ҳақида баҳслашади. Илонлар – Кадрунинг болалари – отнинг думини бекитиб туришади ва Вината қулликка тушиб қолади. Гаруда амритани илоҳлардан хўрланган ҳолда ялиниб сўраб олмай, қаттиқ жангдан сўнг олади... Амритани келтириб ва онасини қулликдан озод қилиб, илонларга танбех берадики, таҳорат қилмасдан олдин амритани ейишмасин, дейди. Аҳмоқ қилинган илонлар таҳорат қилаётганларида, Гаруда амритани илоҳларга қайтариб беради. Винатанинг қатта ўғлига келсак, унинг ҳақиқий исми – Аруна (*Агуца, анур – «қизил»*); Аруна – қуёшнинг араваси, ҳинд мифологиясида шафакнинг ифодаси.

<sup>755</sup> Шу пайтгача Шака-двипа қитъасини тавсифлашда Беруний «Матсия-пурана»га таянаётган эди, бу ерда эса у «Вишну-пурана»га ўтаяпти, шундан чалкашлик келиб чиқаяпти, чунки бу икки манба қитъаларни тавсифлашда бир-биридан фарқ қилади. «Матсия-пурана»га кўра, Шака-двипа ороли Жамбу-двипанинг шундай орқасида жойлашган, фақат бир океан билан ажратилган; «Вишну-пурана»да Жамбудан кейин иккинчи бўлиб Плакша-двипа аталган ва бу ерда Берунийнинг баёни «Вишну-пурана»даги (2-к., 4-боб, 1–21-шл.) тавсиф билан аниқ мос келади. Плакша-двипанинг аҳолиси ғам-ғуссани билмай абадий роҳатда яшайдилар; уларнинг ерида «кумуш аср» (*Tretāyuga, трѐтажвю*) абадий ҳукм суради; улар Ҳари (Вишну)га ибодат қиладилар ва тўрт кастага бўлинадилар: арияка, (*āryaka, аржак*), курура (*kuruga, курара*), вивимша (*vivimṣa, бибанша*) ва бҳавин (*bhāvin, бихāнишжати*), булар

брахманлар, кшатрийлар, вайшиялар ва шудраларга мос келади. Бироқ асл нусхада, Беруний баёнига зид ўларок, бу китъани подшоҳлар бошқаради, деган кўрсатма бор.

<sup>756</sup> Етти тоғ, етти дарё ва Куша-двипанинг етти мамлакати «Матсия-пурана»нинг 122-бобида тавсифланади. Тоғлар каторида эслатилган тоғлар Дрона (Dṛoṇa, *дрўн*), унда доривор ўтлар ўсади, жумладан, афсонавий ўтлар вишалиякарани (*viśalyakaraṇī*, *биллгари*) – «ўқлар жароҳатини тузатувчи» ва мритасанживани (*mṛtasamjīvani*, *миржанжйбана*) «ўликларни тирилтирувчи» (56-шл.), ва Маҳиша (*Mahiṣa*, *маҳишу*), бошқача аталиши Ҳари (*Harī*, *хари*), «Булутга ўхшаш» (59-шл.). Дарёлардан эслатилгани Иони (*Yonī*, *жвн*, *жвну*), бошқача номи *Dhūtārāṇā* – яъни «гуноҳларни тозаловчи» (71-шл.). Куша-двипада яшовчилар ҳақида ростданам «Матсия-пурана»да ҳеч нарса дейилмаган. «Вишну-пурана»да (2-қт., 4-боб, 39, 40-шл.) Куша-двипанинг аҳолиси ҳақида Жанарданани (*Janārdana*, *жанāдан*), яъни Кришнани улуғлашлари айtilган; тўрт кастага бўлинадилар: дамин (*damin*, *димана*), шушмин (*śuśmin*, *шушмина*), снеха (*sneha*, *сйна*) ва мандеҳа (*mandeha*, *манйҳа*) Умрларининг муддати ҳақида айtilмаган.

<sup>757</sup> «Матсия-пурана»га (2-қт., 4-боб, 53-шл.) кўра, Краунча-двипанинг аҳолиси Жанарданага (яъни, Вишнуга) Рудра тимсолида ибодат қиладилар ва ушбу касталарга бўлинадилар: пушкара (*puṣkara*, *пушкара*), пушкала (*puṣkala*, *пушкала*), дҳания (*dhanya*, *дҳанна*) ва тишия (*tiṣya*, *тишāкҳа*).

<sup>758</sup> «Матсия-пурана»га (122-боб, 93-шл.) ва бошқа пураналарга кўра, Шалмала-двипа ерида ёмғир бўлмайди, иссиқлик ва совуқлик ўртасида фарқ йўқ; унинг аҳолиси такводор, касталар фарқига бормайдилар, йўқсилликни билмайдилар. Дарёлар тоғлардан оқиб чиқади; овқатнинг ўзи аҳолининг олдига келади, касалликлар ва мусибатни билмайдилар. Уларнинг ҳар бири 30 000 йил яшайди. «Вишну-пурана»да Шалмала-двипа – учинчи китъа (Плакша-двипадан кейин). Унинг аҳолиси ҳоким (*Bhagavat*, *бҳагабанта*) Вишнуга ибодат қиладилар; касталарга бўлинадилар: капила (*kapila*, *капил*), аруна, (*āruna*), пита (*pita*, *пйта*), кришна (*kṛṣṇa*, *карашна*) (2-қт., 4-боб, 31, 32-шл.).

<sup>759</sup> «Матсия-пурана»га кўра, Гомеда-двипада иккита тоғ бор: Суманас (*Sumanas*, № Sg. *Sumanā*, *суманā*) – қора ранг ва Кумуда (*Kumuda*, *кумуду*), доривор ўсимликларга сероб (123-боб, 3-шл.), «Вишну-пурана»да бу китъа ўрнини Шака-двипа олган, унинг аҳолиси «ерга осмондан учиб келади»; улар тўрт кастага бўлинадилар: мрига (*mṛga*, лекин оригиналнинг кўп қўлёзмаларида: *maḡa*, *мага*), магадҳа (*maḡadhā*, *мāгада*), манаса (*mānasa*, *мāнаса*) ва мандага (*mandaga*, *мандага*) (2-қт., 4-боб, 67, 69-шл.).

<sup>760</sup> «Матсия-пурана»га кўра, Пушкара-двипанинг шарқий қисмида Читрасану (*Citrāsānu*, *чтрсāн*) тоғи кўтарилиб туради, «қимматбаҳо тошлардан ранг-баранг чўққилари бор», айланаси 27 000 йўжана баландлиги 24 000 йўжана; гарбда – Манаса (*Mānasa*, *мāнасу*) тоғи, Ойга ўхшаб ёришиб туради баландлиги 50500 йўжана. Бу китъанинг аҳолиси ҳар бири 30 000 йил яшайди. Беруний тавсифининг қолган қисми оригиналга мос (123-боб, 14–26-шл.).

<sup>761</sup> «Вишну-пурана»нинг тавсифи (2-қт., 4-боб, 72–87-шл.) умуман олганда Берунийда тўғри келтирилган. Ниягродҳа (*nyagrodha*, *ниграза*) дарахти, Брахманинг яшаш жойи, «Матсия-пурана»да ҳам келтирилади. «Вишну-пурана»га кўра, Пушка-

ра-двипада фақат битта тоғ бор – Манасоттара (Manasottara, *манасутан*), баландлиги 50000 йўжана ва эниям шунча; билагузук шаклига ўхшаб, у қитъани икки мамлакатга – ички ва ташқи – бўлади.

## XXV БОБ

<sup>762</sup> Қуйидаги жадвалда келтирилган дарё номларининг «Ваю-пурана»га (45-боб, 97-шл. ва б.) кўра транскрипцияси: Trisāmā (*трисāм*), Rtikūlya (*ришчулли*), Ikṣulā (*икшула*), Lāṅgūlinī (*лāнгўлини*), Vaṃṣadharā (*виншадара*) – Махендра (Tripavā ўрнига – *трипва*) дарёлари; асл нусхада: Tridivā, Āyana (‘йна) умуман йўк: Kṛtamālā (*критамāl*), Tāmravarṇa (*tāmрабарна*), Puṣṣajāti (*пушпарāti*), Utpālavatī (*утлāбини*), Tāmravarṇā (*tāmрабарна*), Puṣṣajāti (*пушпачāti*), Utpālavatī (*утлāбини*) – Малайяда бошланувчи дарёлар: Ṣadāvati (*қвзāбарй, гвзāварй*), Bhīmarathi (*бахīmртти*), Kṛṣṇā (*крйшна*), Vaini (*бйна*), Vañjula (*сабанжалу*), Tuṅgabhadrā (*тунгубаҳадру*), Suprayogā (*саппарйавук*), Kāveri (*кайбйра*), – Саҳйининг (Pājaya – пāжжа), ўрнига – асл нусхада Āragā; Rṣikā (*ришука*), Sukumāuī (*кумāри*), Mandavāhinī (*мандабāҳини*), Kūpā (*купна*), Palācinī (*палāшини*) – Шуктимата дарёлари (Bālūka, ўрнига – *бālвка* – асл нусхада Mandagā); Ṣoṇa (*шўна*), Mahānada (*мхāндир*), Narmadā (*нармада*), Surahā (*сураса*). Mandākinī (*мндāкини*), Daṣṭma (*дашкарна*), Citrakūṭa (*жатракūта*), Tamaṣa (*тамса*), ṣroṇī (*шрўна*), Piṣācikā (*пишāбака*), Vañjula (*панжул*), Bāluvahini (*бālубāҳима*), Ṣuktimatī (*шактимат*), Makruṇā (*шакану*), Tridiva (*Тирйдаба*) – Рикшавата дарёлари (Kirva ўрнига – *кирва* – асл нусхада Druma, Piriyaala ўрнига – *бийалла* – Pippala, Karatoda ўрнига – *кармўза*) – Karatoya, Citrapala ўрнига – *жтрапалу* – Nilotpalā, Mahāvega ўрнига, маҳāбик – Vipāṣā); Tapī (*тапи*), Payoṣṇī (*байврн*), Nirbandhūyā (*нрмдддх*), Niṣadhā, нихазах), Venreā (*бийанн*), Vaitaraṇī (*байтарни*), Kumudvati (*кумддбт*), Toyā (*туба*), Mahāgaṇī (*маҳāнвр*), Durgā (*дурга*), Antaṣila (‘нташил) – Виндхия тоғидан келувчи дарёлар (Sirva ўрнига *сирв* – асл нусхада Madrā; сини ва ҳаҳв – Ṣitibāhu, буни Беруний икки дарёнинг номи деб қабул қилган); Vedasmṛti (*бйдасмрт, бйзасмата*), Vedavatī (*бидабт*), Vṛtraghni (*бийангахна*), Varṇāṣā (*барнāша, «Матсия-пурана»да Раṇāṣā, парнāса*), Candana (нандана), Paṛā (*nāра*), Carmaṇvatī (чарманмти, чарманда), Vidiṣa (*бидиша, бидишу*) – Парятранинг дарёлари (Saddānā ўрнига – саддан – асл нусхада Sadātīrā; ўрнига Ramādī – *рамади* – Mahati; дарё Lūpa – *лўпа* – келтирилмаган, шундай бўлса-да, яна Беруний келтирмаган ушбу дарёлар номи бор: Sindhu, Vetravati, Ṣiprā ва Avantī.

<sup>763</sup> Журжон Денгизи – Каспий денгизи; Хоразм кўли – Орол денгизи; Понт денгизи – Қора денгиз; Шимолий славянлар денгизи – Болтиқ денгизи.

<sup>764</sup> Балки Беруний Цейлонни қитъа билан боғловчи ороллар тизими: Рамешварам, Адам кўприги ва б.ни назарда тутаётгандир.

<sup>765</sup> Гималай тоғларида бошланадиган дарёлар «Ваю-пурана», 45-бобнинг, 93–96-шлокаларида кўрсатилган: Синдху яъни Синд; Витаста (Берунийда – сўнги шакли Биятта, *бйтт* – ҳозирги Желам); Чандрабҳага (Sandrabhāgā, *жандрбҳāк*), ўрта асрлардаги номи – Чандраҳа, ҳозирги – Ченоб; Випаша (сўнги – Бияҳа, ҳозирги номи: Биас), Лаҳордан шарқроқда жойлашган, лекин Иравати (Iṛavatī, *йрāvата*, ҳозирги



Рави) эса бу шаҳардан шимоли-ғарбда ўтади; Шатадру (Çatadra, Беруний бу ёзувни Çatarudra деб қабул қилган; *шатади* – қаранг: *Elliot*, II, 41; ҳозирги номи Сатлеж) – Панжобнинг бу беш дарёсининг номлари гарчи оригиналда ажратилиб келтирилган бўлса-да, Беруний ўз жадвалининг биринчи қаторида келтирган. Оригиналда сўнгра ушбу номлар келтирилган: *Sarasvatī* (Берунийда *сарсат*), *Yamunā* (*жвн*), *Gaṅgā* (*гнг*), *Sarayu* (*счажу*), *Devikā* (*дйвкү*), *Kuhū* (*кухү*), *Gamati* (*гумату*), *Dhūtarpārā* (*тутбаба*), *Bāhuda* (*бāхүдāса*), *Kauçiki* (*кавишика*), *Niçirā* (*нисжюра*), *Çaṇḍaki* (*гандиг*), *Lohita* (*лүхита*), *Dṛṣadvatī* (*дришадвади*). Шу дарёларнинг ўзи «Матсия-пурана»да (114-боб, 20–22-шл.), шунингдек, уни *Viçālā* (*вишāлу*) келтирилган. Дарё Тамра – Аруна (*Tāmraṅgā*, *тāмна* – *аруна*) «Маҳабхарата»нинг 13-китобида эслатилади; Венумати (*Veṇumatī*, *бйнмади*) – Варахамихиранинг «Брихатсамхита»сида эслатилади. Ведасини (*Vedāsini*, *бйзасана*) дарёси Париятранинг дарёлари орасида «Вамана-пурана»нинг 13-бобида эслатилади. Кавана (*kāvana*), Каритўя (*каритўйа*), Шамаина (шмйхина) дарёларининг номи матнларда учратилмайди. Бошқа дарёлар Париятранинг дарёлари қаторида «Ваю-пурана»да ёки «Матсия-пурана»да аталган (юқорида 1-изоҳга қаранг). Ужжайн шаҳри Сипра (санск. *Çirgā*, *сйбра*) дарёси бўйида жойлашган.

<sup>766</sup> Киябиш (*kāyabishi*) подшоҳлигини Кобул билан тенглаштирилади. Горванд (*гураванд*) дарёси – Кобул дарёси; унинг бу ерда эслатилган ирмоқлари ва Парвон (*бравāн*) шаҳри ҳақида қаранг: *Sachau. India, transl.*, II pp. 329–330.

<sup>767</sup> Вайҳанд (*vīhnd*), Гандхаранинг қадимги пойтахти, Синднинг ўнг соҳилида Аттоқдан 15 мил. юқорида жойлашган бўлган (қаранг: *Sunnigham*, p. 52).

<sup>768</sup> Бҳатул (*бҳāтул*), Захаунинг фикрича, – Сатлеж билан Биас оралиғидаги тоғлик ўлка (қаранг: *Sachau. India, transl.*, II pp. 330).

<sup>769</sup> Панчанада (*Pañcanada*, *пнжнадд*), – «Бешдарё» – Панжобнинг қадимги номи.

<sup>770</sup> Синдху – Сагара (*Sindhusāgara*, *сндсāгар*) – Синд дарёсининг қуйилишидаги тармоқлари ва денгиз орасидаги ўлка шундай аталган.

<sup>771</sup> Гангасагара (*Gaṅgāsāgara*, *гнāсāйар*) – «Гангнинг қуйилиши».

<sup>772</sup> Ганганинг ерга тушиши ҳақидаги ривоят, Гангадан ажралган дарёларни санаш, бу дарёлар оқиб ўтадиган мамлакатлар ва у ерларда яшовчи халқлар «Матсия-пурана»нинг 121-бобида келтирилган: «... Дарёни ... тўқди ўшанда [Шива ерга], етти оқим бўйлаб. Учтаси Гангадан шарққа оқди, ўзи ўртада колди, яна учтаси – ғарбга оқди ... Шарққа оққанлар Налини [*Nalinī*, *налини*], Ҳладини [*Hlādini*, *лāдини*], ва Павани [*Rāvānī*, *пāvани*], Ғарбга учтаси оқди – Сита [*Sītā*, *сīта*], Чакшус [*Caḡṣus*, *жагша*] ва Синдху [*Sindhu*, *синда*]» (38–40-шл.). Бундан кейин Берунийнинг тавсифи оригиналга мос келади. Беруний келтирган номларнинг транскрипциялари: *Salila* (*салила*), *Kaustubhā* (*карстуба*), *Śina* (*чйна*), *Varvara* (*барбара*), *Yavasa* (*жабара*, *Yavana* ўрнига хато бўлган кўринади; *Yavasa* Плакша-двипада жойлашган), *Baha* (*баҳа*), *Puṣkara* (*пушкара*), *Kulaṭa* (*кулата*), *Maṅgala* (*мангала*), *Kavara* (*кавара*), *Saṅgavata* (*сангаванта*); *Maru* (марв), *Kālika* (*кāлика*), *Dhūlika* (*дхўлика*), *Tukhāra* (*тукҳара*, *Barbara* (*барбр*), *Kāsa* (*кāра*), *Palhava* (*балҳава*); *Bārvancat* (*бāрвāнчат*); *Sindhu* (*снд*), *Darada* (*дарза*), *Zindutunda* (*зиндутунда*), *Gāndhāra* (*гāндхāра*), *Rūrasa* (*рўрас*), *Krūra* (*крўра*), *Givaraura* (*сибавр*), *Indramaru* (*индрамарув*), *Sabāti* (*басāти*), *Saindhava* (*сайиндва*), *Kubata* (*кубата*), *Bahūmarvata* (*бāхўмарвада*), *Mara* (*мара*),

Mgūna (*мруна*), Sukūṭya (*сукӯрда*); Kinnara (*киннару*) – ўрмон эльфлари, Uṅga (*ўрагъан*) – илонлар ва бошқа юқорида эслатилган афсонавий мавжудотлар, қадимги хиндларнинг тасаввурига кўра, Ганганинг юқори қисмида яшайдилар; Kimpuruṣa (*кинпурс*) ҳам улардан ҳисобланади; бундан кейин ҳақиқий илонларнинг номи келди: Khasa (*кшана*), Kīrāta (*кирāта*), Pulinda (*булиндāна*), Matsya (*маччāн*), Magadha (*магадāн*), Kuru (*куруна*), B̥hārata (*байрӯт*), Pañcala (*пнчālāн*), Kauṣika (*квшака*), Tāralipta (*tāmлпутāн*), Brahmottara (*бархамуттрāн*); Niṣadha (*нишаба*), Uṅgāna (*ўпакāна*), Dhivara (*дхивара*), Pr̥ṣaka (*пришака*), Hīlamukha (*һиламуху*), Kīkaṭa (*кйкара*), Uṣṭrakarṇa (*ўштагарн* – яъни, «туякулок»), Kalidara (*кālйзара*), Vivarṇa (*вибарна*), Kuṣikāna (*кушикāн*), Svargabhumī (*суфаркабхӯми*); Kupatha (*купати*) Indrayamnasaras (*удрруддаманасарāн* – «Индрадиюмананинг кўли»), Kharapatha (*карбата*), Bitra (*бйтра*), Ṣankupatha (*санкуптāна*), Udyānamarūa (*ўжāнамрвра*), Kuṣarḡavagaṇa (*кушапаварана* – «куш ўтига кийинганлар»), Indradvīpa (*индадвйпāн*); Tām ara (*tāmрāн*), Hamsamārga (*хансмарга*), Samudgaka ёки Sahūhuka (*самӯҳал*), Pūṅga (*пӯрна*), Kaṅṅarḡavagaṇa (*грнапрāбарна*) – «ўзини қулоғи билан бекитувчилар»), Aṣvatukha (*ашмак* – «отбашаралар»), Parvatamaru (*парпатмар* – «тоғли сахро»), Rūmirāṇḍala (*румиймндя*).

<sup>773</sup> «Вишну-пурана»нинг мос матнида (2-қт., 4-боб, 11-шл. ва давоми) Плакшадвипанинг асосий дарёлари кўрсатилган: Anutapta (*анутаната*), Ṣikhī (*шхи*), Vipāṣā ёки Vipārā (*двпāн*), Tridivā (*тридиба*), Ktamu ёки Kratu (*карму*), Amr̥tā (*амрита*) ва Sukṛta (*сукрита*).

## XXVI БОБ

<sup>774</sup> Бу ерда исломнинг илк тарихида Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳижратдан кейин Йасрибда яхудийликка эътикод қилган араблар билан олиб борган курашига ишора қилинган.

<sup>775</sup> Абдул Карим ибн Абдул Ава' – зиндикларнинг бири, унинг зиндик сифатида 155/772 йили Кўфада қатл қилинганлиги ҳақидаги хабар Ат-Табарийда (ж. III, 375–376-б.) келтирилади ва Беруний «Осор ал-Боқия»сида қайтарилган (*Беруни, Абу Райхан*. «хронология», с. 138).

<sup>776</sup> Зиндик – форсий сўз, маъноси «мулҳид, монавийчи».

<sup>777</sup> Қуръони карим, 79, 24.

<sup>778</sup> Қуръони карим, 28, 38.

<sup>779</sup> Ҳинд астрономларининг тасаввурига кўра, ер курраси сиртининг шимолий ярмини то экваторгача Жамбу-двипа эгаллайди, жанубий ярмини – бошқа қитъалар ва денгизлар (қаранг: *Kirfel*, S. 174). Вадавамукҳа (*Vaḍavātmukha*, *барвāмух*) – «Биянинг оғзи», Жанубий қутбда жойлашган, афсонавий сувости ғорга кириш жойи; катта Ариабҳата томонидан эслатилган.

<sup>780</sup> Браҳма – бу ерда, афтидан, Браҳмагупта ёки қадимги «Браҳма-сиддҳанта»нинг гумон қилинадиган муаллифи. Лекин Дева (*Deva*, *дйв*) кимлиги номаълум.

<sup>781</sup> Дайтиянтара (*Daityāntara*, *дайтāнтарра*) – «дайтйилар яшайдиган жойи»?

<sup>782</sup> Ниракша (*nirakṣa*, *налакши*) – «кенгламага эга эмас» – экватор.

<sup>783</sup> Ҳинд астрономларининг тасаввурига кўра, тўрт машхур шаҳар иккала кутбдан ва бир-биридан бир хил масофада ернинг катта айланасида жойлашган; Ямакоти (Yamakoṭi, *жмквт*) шарқда, ланка жанубда, Ромака (Romaka, *рўмак*) ғарбда ва Сиддхапура (Siddhapura, *сиддһур*) шимолда.

<sup>784</sup> Матнда сукут.

<sup>785</sup> Форс денгизи – ҳозирги Форс кўрфази ва Арабистон денгизи.

<sup>786</sup> Матнда сукут.

<sup>787</sup> «Ваю-пурана», 50-боб, 94–96-шл. Пушкара – двипадаги ёруғликни сақлайдиган тўрт афсонавий шаҳар назарда тутилаётир: Амаравати (Amaṛāvati, *амрāvр* ёки Amaṛavātipura, *амрāvадапур*) – Индранинг шаҳри шарқда; Салиямана (Беруний асл нусхадаги сўз Vaivasvata, *байбсвту* – «қуёш»ни хато равишда шаҳар номи деб қабул қилган) – Яманнинг шаҳри жанубда; Сукҳа (Sukhā, *суха* ёки vib – Sukhāpura) – Воруна шаҳри ғарбда; Вибҳа (Vibhā, *бибҳа* ёки Vibhāvapura) – Сомашаҳри шимолда. Куйида қаранг.

<sup>788</sup> Беруний баёни асл нусха матнига мос келади (Матсия-пурана, 124-боб, 21–32-шл.). Бу ерда Беруний шаҳар номи (Saṁyuṭanapura, *сунжсамананур*)ни тўғри ўқиган.

<sup>789</sup> Қадамба (kadamba, *казанбу*) – дарахт.

<sup>790</sup> Āpta-purāṇa – kāra (*āбутануранакар*) санскритдаги аниқ маъноси номаълум; балки бунди: «пураналарнинг эътиборли муаллифлари» деб таржима қилиш керакдир.

<sup>791</sup> Прана (rāṇa, *рrān* – «нафас») – вақт ўлчами (тўрт сония).

<sup>792</sup> «Мифтах ‘илм ал-ҳай’а» («Астрономия илми калити») – бу рисола фақат Берунийнинг ўзи эслатиши орқали маълум; рисоланинг ҳажми катта бўлмай, 30 варақни ташкил қилган (*Sachau. Chronologie, S. XXXI*). Бу асар қандайдир қози Абул Қосим ал-Амирийга бағишланган (қаранг: *Булгаков П.Г. Жизнь и труды Беруни. – Ташкент, 1972, С. 160, 218*).

## XXVII БОБ

<sup>793</sup> Бу ерда «Меру тоғида яшовчилар ...» иборасидан то «ғарбга томон йўналиши ...» ибораларигача «Сурия-сиддханга», XII, 55 матни билан деярли тўла мос келади (*Sachau. India, transl., II, p. 334*).

<sup>794</sup> Аш-Шаратан (тушум ва қаратқич келишикларида аш-Шаратайн) – икки белги, Ҳамал юлдуз туркумининг β ва γ юлдузлари; Ал-Бутайн – «Жоринча» – Ҳамалнинг δ, ε ва ρ юлдузлари; Батн ал-Хут – «Балиқнинг қорни» – Мирак – Андромеданинг β юлдузи.

<sup>795</sup> Гҳатика (ghaṭika, *шҳрйā*) – вақт ўлчами (24 дақиқа).

<sup>796</sup> «Қадимги юнонлардан бирининг ҳикоя қилишига қараганда», – Захаунинг таъкидлашича, бу хабар Порфирийнинг китобидаги машхур файласуфларнинг осмон сфераси табиати ҳақидаги қарашларидан олинган (*Sachau. India, transl., II, p. 334*); юқорида III бобнинг 111-изоҳига қаранг.

<sup>797</sup> «Қуёш олов ғилдирак каби тез айланади. Кезувчи [юлдузлар] билан у ҳам кезади, тўрт тарафдан жанубий йўналишда ҳаракатланади ... Қаерда унинг тулуғ қилишини кўрсалар, уни тулуғ қилувчи деб ҳисоблайдилар. У йўқолганида, уни

ботган деб ўйлашади. Қуёш ердан узоклиги сабабли ... кечаси у кўринмайди. Тулуъ килган Қуёш, юз минг нурлари билан яркираб, кўринадиган бўлади. Қуёш Пушкара-двипанинг маркази устида бўлганида, бир мухуртада ернинг ўттиздан бир қисмидан ўтади. Бу масофа 3 100 000 йўжана ва яна 50 йўжана деб ҳисобланади ... Кейин у жануб тарафига бурилади. Манасаттра билан Меру орасидаги масофа бундан уч баравар кўпдир. Жанубий йўналишдаги ҳаракатда бир маротаба тўлиқ айланиш 9 коти ва 4 500 000 йўжана ҳисобланади... Қачонки Қуёш тенгкунлик пайтида жанубдан шимолга Кширода денгизи томонига йўналганида ... (бир) айланиш 3 коти ва 2100000 йўжана ҳисобланади» (Матсия-пурана, 124-боб, 32, 33, 37–43, 45–49-шл.).

<sup>798</sup> Бу иқтибосга мосини «Ваю-пурана»да топамиз, боб 50, шл. 142–143; бироқ Беруний келтирган Қуёш оғиши рақами асл нусхада йўқ. Пураналарга кўра, Қуёш ҳар куни шимол ва жануб орасида 25 йўжанага оғади (қаранг: *Kirfil*. S. 136).

<sup>799</sup> «Шимолда у [Қуёш] ғарбга секин ҳаракат қилади ва кун 18 мухуртага етади» («Ваю-пурана», 50-боб, 146-шл.).

<sup>800</sup> «Катта Айиқнинг (Saptarṣi) орбитаси доим кутб остида бўлади... Ундан пастда турғун юлдузлар сфераси, ... Сатурн, – Юпитер, Марс, – Меркурий ундан пастда – Ой. Ва ёриткичларнинг жануби-шарқ йўналишидаги ҳаракати ғилдиракнинг [айланишига ўхшаш] ҳисобланади. Барча сайёралар шарққа ҳаракат қилишади. Ва уларнинг аввалги минглаб туғилишлардаги мақсади қандай эди...» («Вишну-дҳармоттара», I боб, 21–27-шл.)

## XXVIII БОБ

<sup>801</sup> Яъни, шамоллар, эсиш йўналишлари: шимоли-ғарбдан, шимоли-шарқдан, жануби-шарқдан ва жануби-ғарбдан.

<sup>801</sup> Олам тарафларининг ҳиндча номлари: *pairṛta* (*найрит*) – жануби-ғарб; *dakṣiṇa* (*дакшин*) – жануб; *āgneya* (*агнй*) – жануби-шарқ; *raścīma* (*расчим*) – ғарб; *puṅva* (*пурба*) – шарқ; *vāyava* (*байб*) – шимоли-ғарб; *uttara* (*уттар*) – шимол; *aiśāna* (*йшана*) – шимоли-шарқ.

<sup>802</sup> *Upari* (*упару*) – тепага, тепада; *adhā* (*ада*) – пастга, пастда; *tala* (*тāl*) – пастки қисми, асоси.

<sup>803</sup> Сома, Ой маъбуди, ҳинд мифологиясида Атри (бу Катта Айиқ туркумидаги юлдузлардан бири ҳисобланади) билан Анасуянинг ўгли ҳисобланади. Лекин Анасуя уфқнинг саккиз томонини гавдалантиргани маълум эмас. Сома «Ригведа»да (IX, 113, 2) «йўналишларнинг эри» (*diśam pati*) деб қаралади, ўгли эмас.

<sup>804</sup> «Вишну-пурана», 1-кн., 15-боб. *Vasūn* (*басўн*) – *Vasu* (*басу*) сўздан ассоциатив кўплик. *Vasu* – ведик илоҳлар синфи (ҳаммаси саккизта), улар орасида Сома – Ой маъбуди ҳам келтирилади.

<sup>805</sup> Бу ривоятнинг манбаи бизга маълум эмас. Ой манзиллари (*накшатра*) ведик адабиётда илоҳларнинг турар жойи ҳисобланади; уларнинг ҳар бири бир маъбудга бўйсунди деб ҳисобланади; лекин Берунийдаги рўйхат ведалар матнларига мос келмайди (қаранг: *Kirfil*. S. 35, 36). Пураналар мифологиясида Қуёш Кашияпа билан Адитянинг (Адитя – Қуёшнинг исмларидан бири) ўғли; Марс-Ернинг ўғли; Мер-

курий – Ойнинг ўғли; Юпитер – Ангираснинг ўғли; Венера (Шукра) – Бхригунинг ўғли; Сатурн – Куёшнинг ўғли. Бу ерда «Дум» ва «Бош» деб мос равишда Кету – Ой орбитасининг эклиптика билан қуйилашувчи йўналишда кесишиши ва Раху – Ой орбитасининг эклиптика билан кўтарилувчи йўналишда кесишиш нуктасидир. Ҳинд мифологиясида Кету ва Раху Аждарнинг Думи ва Боши сифатида гавдалантирилади.

<sup>806</sup> Бу ерда ҳинд мифологиясига кўра жадвалда «олам тарафлари саккизта кўриқловчилар», локапалалар (lokapāla) номлари жадвал тарзида келтирилган. Ань-анадан четлашга йўл қўйилганлиги фақат жануби-ғарбга нисбатан бўлган, унинг кўриқловчиси Притху (Pṛthu, *пирту*) эмас, Куёш; шимоли-шаркнинг кўриқловчиси одатда Сома (гоҳо Ишани, Шиванинг хотини) ҳисобланади. Куру (*курва*) бу хато – Кубера – шимолни кўриқловчи – бўлиши керак.

<sup>807</sup> Рахучакра (Rāhusakra, *рāхучакр*) – «ғилдирак (ёки доира) Рахунинг» (Rāhu, *рāху*, юкоридаги 6-изоҳга қаранг).

## XXIX БОБ

<sup>809</sup> «Риши Бхуванакоши китоби» ҳақида маълумотга эга эмасмиз. Номига кўра, Бхуванакошали олимнинг китоби назарда тугилади. Бхуванакоша (Bhuvanakoṣa, *бхубанакоша*) – «Ер курраси». Шундай номли бир неча географик асар маълум, жумладан, «Матсия-пурана»нинг бир қисми, Ражашакхаранинг (IX а.) рисоласи ва б.

<sup>810</sup> Navakhaṇḍaprathama (*навкандпрсм*) – «(Мамлакатнинг) тўққизта биринчи бўлаги»; асл нусхада: navaprathamakhaṇḍa бўлиши керак эди.

<sup>811</sup> Пураналар Бхаратваршани (Ҳиндистонни) тўққиз зонага бўлади; улардан ҳар бирининг шимолдан жанубга кенглиги 1000 йўжанага тенг ҳисобланади.

<sup>812</sup> «Бу [мамлакат] (яъни, Бхарата) ўртада, океандан шимолда ва Ҳиндистондан жанубда [жойлашган]. Мамлакат аҳолисини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда кўпгина меҳнати сингган Бхарата авлодлари шарафига мамлакат унинг номи билан аталган. Шу сабабдан бу ерда самовий мукофот ва гуноҳларни кечириш ҳамда ўртача йўл мавжуд. Бхарата мамлакатига тўққизта зоналар бўлиб, улар денгизлар билан бўлинган ва биридан бирига ўтиб бўлмайди. [Ҳар бир] зона шимолдан жанубга 1000 йўжанага чўзилган. Узунлиги бўйича қитъа 3000 йўжанани эгаллайди» («Ваю-пурана», 45-боб, 75–78, 80, 81-шл.). Бу ерда «Самнара» нимани англатиши аниқланмади.

<sup>813</sup> Бхаратанинг тўққиз зонаси, пураналарнинг баёнига кўра, шимолдан жанубга йўналишда бирининг орқасида бошқаси жойлашган: Индра-двипа (Indradvīpa, *индрудйп*), Кашерумат (Kaṣerumat, *кишйрума*), Тамраварна (Tāmravarna, *тāарабарн*), Габхастимат (Gabhastimat, *губхастамāн*), Нага-двипа (Nāgadvīpa, *нāг, дйп*), Саумия (Saumya, *савумм*), Гандхарва (Gāndharva, *гāндахарба*), Варуна; пураналарнинг кўпчилигида тўққизинчи зонанинг номи келтирилган. Nagarasamvṛtta (*нāгрсумбирт*) атамаси бизга маълум эмас; Самвритта – Варунанинг номларидан бири.

<sup>814</sup> Kūrma-sakra (*кврмачакр*) – «тошбақа доираси» ҳақида қаранг: «Брихат-самхита», XIV, «Kūrmavibhāga».

<sup>815</sup> «Накшатраларнинг учта сфераси билан жануби-ғарбийдан бошлаб, Бҳаратаварша тўққиз мамлакатга бўлинади, марказдан шарққа қараб ва ҳоказо» («Брихат-самхита», 14-боб, 1-шл.). Варга (*varga*, *барг*) – «сфера, бўлинма, синф».

<sup>816</sup> Ҳиндистоннинг турли халқларининг бу номлари «Брихат-самхита»да ҳисоблаб кўрсатилган (14-боб, 32–33-шл.) бу ерда эса ўлимга бўлган маҳкум подшоҳлар ҳақида айтилган: магадҳа (*magadha*, *мгада*), ҳинд географлари буларни шарқ халқларига мансуб деб ҳисоблайдилар. Калинга (жануби-шарқдаги элат); аванти (*avanti*, *афант*), Виндхия тоғларида, яъни жанубда яшайди; ананта (анант – аслида *ananta* ўрнига хато ёзилган – жануби-ғарбдаги элат); синдху ва саувира (*sauvira*, *свбйр*, *свиёр*) – ғарб халқлари; Ҳарахаура (*Narahaura*, *ҳарахавр*) – шимоли-шарқда яшаган бир халқнинг подшоҳи; мадра (*madra*, *мадра*) – шимолдаги элат; каулинда (*kaulinda*, *квлинда*).

<sup>817</sup> Кашияпапура (*Kaṣyapapura*, *кашиштпур*), Наһсарпура (*hanṣapura*, *хансанпур*), Вһагарпура (*bhāgura*, *бгпур*), Сәмбарпура (*sāmbhura*, *сәнбпур*), Мӯлаштһана (*mūlasthāna*, *мӯлстән*) – Мўлтоннинг қадимги номлари. Булардан энг охири номининг маъноси: «бош (туб) жой».

<sup>818</sup> Бу ерда Беруний Тошкент атамаси ҳақида айтган фикр жуда диққатга сазовор. Птолемей «География»сидаги *λίθινος πύργος* атама арабча «бурж ал-хижора» каби «Тош қалъа» маъносини билдиради. Лекин шаҳарнинг арабча номи «аш-Шош» туркча «Тош»дан эмас, суғдча «Чоч»дан олинган бўлиб, бу ҳам шевада «тош» маъносини билдирган. Ҳар ҳолда Птолемейдаги ном шахримизнинг ҳозирги номи 1000 йил бурун эмас, камида 2000 йил бурун ҳам шу кўринишда бўлганлигини билдиради.

<sup>819</sup> Пушанг, араб тилига, одатда, Бўшанж шаклида ўтказилади ёки бу ерда келтирилган Фушанж, ҳозирги Ҳиротдан ғарброкда Ҳирируд бўйидаги Гурион қишлоғига тўғри келади.

<sup>820</sup> В.Ф. Минорский Сакалкандни Сурҳоб бўйлаб водийда Барфакдан жанубда жойлашган Искар (ёки Искан) билан айнанлаштиради ва бу номни у Берунийдаги Фәрфаз атамасида акланган деб ҳисоблайди (*Minorsky. Hudūd al-‘Ālam*, p. 338–340).

<sup>821</sup> «Ваю-пурана», 45-боб, 109-шл. ва давоми. Юқорида учратилмаган номларнинг транскрипциясини келтирамыз: *Ṣālva* (*сāла*), *Jāngala* (*чангула*), *Ṣūrasena* (*шўрасйна*), *Bhadrakāra* (*баҳадркāла*), *Bodha* (*мўта*), *Patheṣvara* (*патаччара*) ёки *Ṣatapatheṣvara*, *Vatsa* (*маччйа*), *Kisajya* (*куста*), *Kulya* (*куллайя*), *Kuntala* (*кунтала*), *Kāṣi* (*гāша*), *Koṣala* (*кавсала*), *Arthara* (*артайāша*), *Tilanga* – *Puhlinga* (*пуҳлингa*) ўрнига, *Mogadha* – *МаҶака* (*мишака*) ўрнига, *Vṛka* (*прака*); *Andhavaka* (буни Беруний иккита ном деб келтирган: *андра* ва *бāг*); *Mudrakaraka* (*мудиграга*; балки *Mudakara* ўрнига «Маркандея-пурана»даги ёки *Mudgaraka* «Брахманда-пурана»даги; «Ваю-пурана» бу жойда келтиради: *Sujaraka*); *Antargiri Pratragera* (*парāтрагера*) ўрнига; *Bahirgera* (*бахиргера*), *Pravānga* (*парсанка*); *Vangeya* (*банкйя*), *Mālada* (*мāлава*), *Mālavartin* (*малабартика*, *мāлайартка*), *Prāgjyotiṣa* (*прагчутиша*), *Muṇḍa* (*мундла*), *Videha Abika* (*āбика*) ўрнига, *Tāmrāiptaka* (*тāмрāлиптика*, *тāмрāлайутка*), *Māla* (*маллу*), *Govinda* (*гўнанда*): *Pāṇḍya* (*бандйа*), *Kerala* (*кйрала*), *Caulya* (*чўла*), *Kulya* (*куллай* ёки *куллā*), *Setuka* (*сйтўжа*), *Mūṣika* (*мўшика*), *Kumana* (*румана*), *Vanavasika* (*банабāсака*), *Mahārāstra* (*махārāштра*), *Māhiṣaka* (*маҳиша*), *Ābhira* (*āбҳйра*), *Caiṣika* (*йшика*: *cai* ўрнига *ī*), *Āṭavya* (*āддабйа*), *Ṣavara* (*шабача* – «Маркандея-пурана»да

шундай; «Ваю-пурана»да бу ерда: Vara), Pulinda (*пулинда*), Vindhyaṃlīka (*биндмули*), Vaidarbha (*бидарба*), Daṇḍaka (*дандаку*), Maulīka (*мулика*) – шундай «Маркандея-пурана»да ва б.; «Ваю-пурана»да: Maunika), Asmaka (*ашмака*), Nairṛika (*найтика*: ṛ ўрнига t), Bhodavardhana (*бхўгабардаҳана*), Kuntala (*куттл*); Andhra (*андра*); Udbhinda (*удбира*: d ўрнига r); Nalākālika (Берунийда иккита ном: налака ва алака). Dākṣiṇātya (*дākшинātт*) ва Vaideṣa (*бидйш*) халкларнинг номи эмас; бу ерда Беруний асл нусхани бошқачароқ тушунган, унда бундай дейилади: dākṣiṇātyāḥ sa vai deṣā..., яъни «Жануб мамлакатлари шундай» (45-боб, 128-шл.). Бундан кейин Ғарб мамлакатлари ҳисоблаб ўтилади, уларни Беруний жануб халқлари рўйхатининг давоми деб ўйлаган: Sūrākāra (*шўрпāрика*: r ва k ўрни алмашган), Kalavana (*кālбана*), Durga (*дурга*), Kālitaka (Берунийда Tillita *тиллит*), Puleya (*пулийа*), Sulala (*кrap*: sur ўрнига kr), Rūpaka (*рўпака* – «Брахма-пурана»да шундай; «Ваю-пурана»да Rūpasa), Tāmāsa (*тāmаса* – «Вамана – пурана»да шундай, «Ваю-пурана»да Tāpasa); Turasita Tagūraṇa ўрнига (*трўпана*), Kāraskara (*караскара* – «Матсия-пурана»да шундай; «Ваю-пурана»да Parakṣara), Nāsikya (*нāсика*), Uttaranarmada (*ўттаранармаза* – «Маркандея-пурана»да шундай; «Ваю-пурана»да Antaranarmada). Bhārikaccha (*бахārкж*), Māheya (*махй*) Sārasvata (*сāрасфата* – пураналарнинг кўпида шундай, лекин «Ваю-пурана»да Ṣaṣvata), Kacchiya (*каччийа*), Surāstra (*сурāтра*), Anarta (*āнарта*), Arbuda (*хурбуда* – хато ўкилиши); бундан кейин Беруний, асл нусхада «Виндхия тоғларида яшайдиган» элатлар деб кўрсатилган халқларни ғарб мамлакатлари деб кўрсатади: Malada (*малаза* – «Брахманда-пурана»да шундай; «Ваю-пурана»да Malava), Karuṣa (*карўша*), Mekala (*мйкала*), Utkala (*ўтакала*), Uttamāṅga (*ўтамāрна*), Daṣāṅga (*башārна*: d ўрнига b), Bhoja (*бхўча*), Kiṣkindhaka (*кишкинда*), Kosala (*кўсала*), Traipura (*трўпура*), Ṣaṣura Ṣaṣtumāna (*шаттумāна*) ўрнига; Padha (*паза*) асл нусхада йўқ; бундан кейин Беруний виндхия халқларидан бир нечасини тушириб, асл нусхада «тоғ халқлари» деб аталган халқларни ҳисоблаб келтиради (бу рўйхатнинг ҳам бош қисмини тушириб қолдиради): Kaṇṇarāvāgana – «Брахма-пурана»да шундай; «Ваю-пурана»да Kuṣarāvāgana, Нуṇa (*хўна*), Darva (*дарба*, «Ваю-пурана»да Dārva), Sahūhuka (*хўхўка*) – «Вамана-пурана»да шу; «Ваю-пурана»да Sahūdaka; Trigarta (*тиркарта*), Mālava (*мāлава*), Kirāta (*кйрāта*), Tāmāra (*тāmара*) – «Брахманда-пурана»да шундай, «Ваю-пурана»да Tāmāsa; шимол халқлари: Vāhlika (*бāхалйта*), Vāḍhadhāna (Берунийда иккита ном: *bāта* ва *bāна*), Abhira (*āбхйра*), Kālatoyaka (*кālтуйака*), Aparānta (*барāнта* – қатор пураналарда шундай, аммо «Ваю-пурана»да Aparita), Pahlava (*бхлува*), Sarmakhaṇḍika (*жамагандика*), Gāndhāra (*кāндхār*), Madraka (*мадра* «Ваю-пурана»да Bhadraka), Ṣaka (*шака*), Drihāla (*дрхāла*), Malla (*млл*), Kodara (*квзр*) – булар асл нусхада йўқ; Litta (*литта*) бунга ўхшаш Lalittha «Вамана-пурана»да; бундан кейинги атамалар асл матнда кшатрийлар, вайшиялар ва шудраларнинг яшаш жойлари сифатида эслатилади: Ātreya (*āтрийа*), Bharadvāja (*пāраза*), Jāngala (*жāнгала* – «Матсия-пурана»да), Daseraka (*дшййарга* – «Матсия-пурана»да шундай; «Ваю-пурана»да Kaseruka), Lamṛāka (*лабāга*), Talagāna Tālakūna ўрнига ва фақат «Матсия-пурана»да; Ṣūlika (*сўлика* – «Маркандея-пурана»га кўра; «Ваю-пурана»да Culika), Jāguḍa (*жāгура* – «Маркандея-пурана»да). Беруний асл нусхадаги баъзи номларни тушириб қолдирган.

822 «Брихат-самхита», 14-боб, 2–31-шл. Қуйида асл нусхадаги географик номларнинг транскрипциясини келтирамиз (бу ерда халқлар номларидан ташқари жойлар, тоғлар, денгизлар ва б. номлар ҳам келтирилган. Қуйидаги рўйхатда халқларга тегишли бўлмаган номлар махсус кўрсатилади); ўрта подшолик: Bhadra (*бфҳадра*), Arimeda (Берунийда иккита ном: *ари* ва *мўза*). Māṇḍavya (*мāндабб*), Sālva, Nīpa, Ujjihāna (Берунийда учта ном ўрнига иккита келтирилган: *сāллийу* ва *пвжхāн*), Maṅu (*марва*; жой), Vatsa (*бадса*), Ghoṣa (*гхўха*; жой), Yāmuna (*жавн*), Sārasvata (*сарсата*), Matsya (*мадса*), Māthuraka Урајуотиша (Берунийда иккита ўрнига учта ном: *мāтура*, *кўна*, *чуватха*), Dharmāraṇya (*дҳармāранна*; жой), Śurasena (*шўрасинна*), Gauraguīva (*гаврагўйма*), Uddehika (*уддихаку*), Paṇḍu (*пāнду*), Guḍa (*кур*), Aśvattha (*ашвата*), Pañcāla (*пāнжāl*), Sāketa (*сāкўта*; жой), Kaṇka (*ганка*), Kuru, Kālakoti (*кāлакут*, жой), Kukura (*кукр*), Pariyātra (тоғ), Audumbara (*авданбура*), Kāpiṣṭhala (*кāбиштала*), Gajāhvaya (*гаж*); шарк: Añjana (*анжана*; тоғ), Vṛṣabhadhvaja (*бирихбаддхажжа*; тоғ), Padma, Mālyavat (тоғлар; Берунийда бунинг ўрнига: Padma-Tulya, *пазаматулла*); Vyāghramukha (*бийакарармукҳа*), Suhma (*суммах*), Karvaṭa (*карбата*), Cāndrapura (*жандрабўра*), Śūrpakarṇa (*шўрабакарн*), Khasa (*хаша*), Magadha (*жой*), Śibira-giri (*шибрагира*; тоғ), Mithila (*митла*; жой), Samataṭa (*саматата*; жой), Udra (*ўдра*), Aśvavadana (*ашвабадана*), Danturaka (*дантур*), Prāgiyotiṣa, Lauhitya (*лўхита*; дарё), Kṣīrasamudra (*кўрасамудра*, оригиналда синоним: Kṣīroda), Puruṣāda (*пархāда*), Udayagiri (*ўдаугар*; тоғ), Bhadra, Gauḍaka (*кўрак*), Pauḍra (*навундра*), Uthala (*ўтикала*), Kāci, Mekala, Ambaṣṭha (*‘ибаштаҳа*), Ekarada (*‘икапāз*), Tāmraliptaka, Koṣalaka (*кавсалак*), Vardhamāna (*пардамāна*); жануби-шарк: Koṣala (*кавсал*), Kaliṅga, Vaṅga (*банга*), Uparaṅga (*‘впбанга*), Jāthara (*жатра*), Āṅga (*анга*), Śūlika (*сўлика*), Vidarbha (*визарба*), Vatsa, Andhra, Cedika (*жўлика*), Ūrdhvakaṇṭha (*Ūrdhvakarṇa*, *уридакарна* ўрнига), Vṛṣadvīpa (Vṛṣa *пирх*; жой), Nālikeradvīpa (*нāмпўра*; жой), Sarmadvīpa (*жармаддўб*; орол), Vindhīyāntavasin (халк; Берунийда бунинг ўрнига (Vindhīya, *бинда* тоғининг номи), Tīpuri (*тирпура*; шаҳар), Śmaśrudhara (*шумаширадҳара*), Hemakudya (*ҳўмакўта*; жой), Vyālagrīva (*бийāлкирўма* – «илонбўйин одамлар»), Mahagrīva (*махāкирўма*), Kiṣkindha (*кишкинд*; мамлакат), Kaṇṭakasthala (*кандакастал*; жой), Nisādarāṣṭra (Берунийда иккита ном: *нишāда* ва *рāштра*), Dāśarṇa (*dāшārна*), Purika (*пурика*), Nagnaṣabara, Paṅgaṣabara (Берунийда: *наганпарна* ва *шамара*); жануб: Laṅkā (Цейлон ороли, ҳозирги Шри Ланка; пураналарга кўра, бир пайтлар Ланка Меру тоғининг чўққиси эди, аммо кейин шамол маъбуди уни у ердан йикитиб, океанга ташлаган; хиндларнинг тасаввурига кўра, ернинг номини меридиани Ужжайн шахри ва Ланкадаги Ер Куббаси деб аталадиган бино орқали ўтган), Kālājina (*кālжина*), Saurikīrna (*сайрангўран* ёки Savri ва Kīrna; Қаранг: Kern. JRAS, NS, 5, 1871, p. 83), Tālikaṭa (*tāликата*), Girinagara (*киранагра*; шаҳар), Malaya (*мlāйя*), Dardura (*дфрдўра*), Mahendra (*махиндра*), Māliṇḍya (*мāлинда*); охириги тўртта – тоғларнинг номи; Bharukaccha (*бҳарукажжа*), Kaṇkaṭa (*канката*), Kaṇkana (*танагна*: k ўрнига t), Vanivāsin (*банавāса*), Śibika (*шибика*), Phaṇikāra (*паргāра*), Kaṇkaṇa (*кункана*), Abhīra, Ākara (*āкара*; кон), Veṇā (*бйна*; дарё), Avantī (*āбанта*; халк; Ужжайн – Авантининг пойтахти), Daśapura (*дашапўра*; шаҳар), Goparda (*кўнанда*), Kerala (*кўралака*), Kaṇṭaṭa (*ганнāта*; тоғ), Mahatavi (*махāтиба*; ўрмон), Citrakūṭa (тоғ), Nāsikya (жой), Kollagiri (*кўллигира*; тоғ), Cola (*жула*), Krauñca –



dvīpa (орол), Jaṭadhara (*жфатра*), Kaveri (дарё; Берунийда: Kauvarya, *кабўржа*), R̥ṣyamūka (*рашўмўга*; тоғ), Vaidūryaṣamkhamukṭa (олмос ва жавохирлар кони; Берунийда уч хил алохида ном; *байрўраж, санка, мукита*), Atri (*адра*; каландарлик), Vārikara (*паржара*), Dharmapaṭṭana (*жармапттана*: dh ўрнига j; шаҳар), Dvīpaḥ (*дбипт*; ороллар), Gaṇagaṃyā (*канарāжж*; жой), Kṛṣṇavellūra (жой; Берунийда: Kṛṣṇavaiḍūrya, *кирашнабайрўраж*), Śibika (*шибика*) ўрнига оригиналда Piśika; Āṣṭadri (тоғ; Берунийда: Āṣṭadri, *сўржāтр*), Kusimanaga (*кушманака*; тоғ), Tumbavana (*тунбабана*; жой), Kārmāṇayaka (*кармайяка*), Yamudadhī (*жаммўдада*; денгиз), Tāpasācraṃa (*тāбасасрама*; каландарлик), R̥ṣika (*рухика*), Kāñcī (*канж*, жой), Maṅguci-ṣaṭṭana (*мрўжпатан*; шаҳар), Ceryāryaka (Берунийда: *дйбārша*, Divārṣa?), Sindhala (*сангахала*), R̥ṣabha (*рихаба*), Baladevaraṭṭana (*баладўвпатана*; шаҳар), Daṇḍakāvāra (*дндакаāбана*; ўрмон), Tīmīṅgilācāna (*тинкалāсана*), Bhadra, Kaseha (*кжжа*; жой), Kuṅjaradāri (*кунжардара*; жой), Tāmrapaṭṭī (*тāмбарабари*; дарё); жануби-ғарб: Kāmbhoja (*канбўж*), Sindhu, Sauvīra, Vaḍavamukha, Ārava, Ambaṣṭha (Берунийда охирги икки ном битта атама бўлиб қолган: *арвāнбашта*), Kapila (*капила*), rāgaṣava (*бārшав*; Беруний бу халқни форслар деб қабул қилган; бу хато бўлиши ҳам мумкин), Āṣṭra, Barbara (*шадра, барбара*), Kirāta, Khaṇḍa (*канда*), Kṛavyāda (*кравба*), Ābhīra, Cañcūka (*жунжўг*), Hemagiri (*хймакир*; тоғ), Sinhu (дарё), Kālaka, Raivataka (*райватака*), Surāṣṭra, Bādara (*бāдара*), Draviḍa (*дармира*), Mahānava (*махāрнава*; океан), Nāṅimukha (*нāрймух*), Ānarta (*āнанта*), Pheṇagiri (*пйнагира*; тоғ), Yavana, Mārgara (*māрг*), Kaṇḍarāveya; ғарб: Maṇimān (*маримāн*; тоғ), Maghavān (*мйхбāн*; тоғ), Vanaugha (*банавант*; жой), Astagiri (*'стагира*; тоғ), Aragāntaka (*'прантака*), Āntika (*шантика*), Naihaya (*хйхайя*), Praśastātri (*партāдара*; тоғ), Vokkāna (*пугāн*), Pañcanada (мамлакат), Ramṭha (Берунийда бўғинлар ўрни ўзгартирилган: *матара*), Pārata (*nāрата*), Taraṣṭi (*tāракрўта*; жой), Jṅg-na (*зирика*), Vaiṣya, Kanaka (*канака*), Saka; Mleccha (халқлар); шимоли-ғарб: Māṇḍaveya (*māндабб*), Tuṣāra (*тухара*; ṣ ўрнига kh), Tala, Hala (Берунийда битта ном: *tāлхала*), Madra (*мадра*), Aṣṭaka (*ашмака*), Kulūta – Halaḍa (Берунийда битта ном: *клўтархара*), Strīgāya (*'старираж* – «аёллар подшоҳлиги»), Nṛṣimhavana (*ничсинкабанн* – «одам-арслон ўрмони»), Khastha (*кста*), Venumati (*бйманата*; дарё), Phalguluka (*палклу*), Guluha (*клах*), Marukucca (*маркужжа*), Carmaṅga (*жармаранк*), Ekavilokana (*икаблужжана*), Āṣṭika (*сўлик*), Dirghagrīva (*дйрккрйм*), Dirghāsyā (Берунийда синоними Dirghamukha, *дйракамх*), Dirghakeṣa (*дйраккйш*); шимол: Kailāsa, Himavān Vasuman (*басуманата*), Dhanuṣmān (*танухама*), Krauñca (*карванж*), Meru – тоғ номи; giri (*гир*), – «тоғ» (мажозий); Kaurava (*курава* – Куру халқи), Uttarakaurava (*ўтаракурава*), Kṣudramina (*сруддарамйна*), Kaikaya (*кйкайя*), Vasati (*басати*), Yamuna (*жāмуна*), Bhogaprastha (*бахўкбраса*), Arjunayana, (*аржунāйин*), Āgnidhra (Берунийда: Agñita, *акнийāt*), Ādarṣa (*āзарша*), Antardvīpin (*андардйба*), Trigarta (*тиркрт*), Turagānata (*тиркāнана*), Āumukha (*швамх*), Keṣadhara (*кишадхара*), Cīṣṭānāsika (*жибитанāсика*), Dāseraka (*dāсйра*), Vaṭadhāna (Берунийда: *кабātдхана*); Āradhāna (*шаратāна*), Takṣaṣila (*такрашила*, яъни *māрйкалх*), Puṣkalāvata (*бухкалāvата*, яъни *бўкалх*), Kailāvata (*кайлāvата*), Kaṇṭhdhāna (*кантадхāна*), Ambara (*анбара*), Madraka (*мадрака*), Mālava, Paṅgava (*навлаба*), Kaschāra (*кажāра*), Daṇḍarīngalaka (Берунийда иккита ном: *данда ва тинкалака*), Māṇahala (*māнахала*), Hūṇa, Kohala (*кўхала*), Āitaka

(*шамāла*), Māndavya, Bhūtapura (*бхутпūra*), Gāndhāra, Yaçovati (*жасубата*; шаҳар), Hematala (*ҳйматāла*), Rājanya (*рāжана*), Khacara (*кажара*), Yaundeya (*жyндаҳy*), Dāsameya (*дāсамийа*), Çyamāka (*шйāmāка*), Kṣemadhūrta (*кṣīмадупарт*); шимолишарк: Meruka (тоғ) ва Naṣṭarājya (жой) – Берунийда (*мйрв* ва *кнаштрāжса*); Raçurāla (*башупāла*), Kīra (*кйра*), Kaçmīra (*киммйр*), Abhisāra, Darada (Берунийда: *абҳа* ва *шāраза*), Taṅgaṇa (*тангана*), Kulūta (*кулyта*), Sairindhra (сайрадда), Vanaraṣṭra (Берунийда фақат атаманинг иккинчи ярми: *рāштра*), Brahmapura (браҳмапур; шаҳар), Dārva (*дārба*), Dāmara (*дāмара*), Vanarājya (*банаражжса*; жой), Kīrata, Cina (*жйна*), Kauṇḍina (*кавнинда*), Bhalla (*бҳала*), Paṭola (*палyла*: † ўрнига l), Jaṣura (*жамāсура*), Kuṇṭa (*кунарта*), Khasa (*каша*), Kucika (*кужика*), Ghoṣa, Ekacaraṇa (*йкажсаран*), Anuviçva (*анувишва*), Suvarṇabhumi (*суварнбҳy*; жой), Vasudhana (Берунийда: арбасдахану; жой), Diviṣṭha (Берунийда: *нандабитта*, Nandiviṣṭha), Paurava, Ciranivāsin (*жйнанибсана*), Trinetra (*трйнтара*), Muñjādrī (*пунжāдра*: m ўрнига p; тоғ), Gandharva (*гандаҳарба*). Беруний ўз рўйхатида баъзи арзимас сукутларга йўл қўйган, лекин атамаларнинг у қилган таржимаси ҳамма жойда аниқ.

<sup>823</sup> Koṭa (*квт*) – маъноси «қалъа».

<sup>824</sup> Кайковус, Жам, Афросиёб, Кайхусрав – Фирдавсий «Шоҳнома»сининг қаҳрамонлари.

<sup>825</sup> Абу Маъшар Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Балхий (тах. 786–886) – машҳур астроном ва астролог, Балхда туғилган, Бағдодда ишлаган ва Воситда (Жанубий Ироқ) вафот этган, гарб мамлакатларида Albutasag исми билан шуҳрат қозонган.

<sup>826</sup> Шопуракон – ҳозир Афғонистоннинг шимолида Сарипул дарёси бўйидаги Шибиргон шаҳри. Бахтлилар ороллари – Жазоиру-л-Холидот – Канар ороллари; шу ороллар ғарбдагисининг меридиани мусулмон географларида бошланғич меридиан ҳисобланган. Журжон – Эроннинг шимоли, Каспийнинг жануби-шарқидаги Гургон шаҳрининг арабийлаштирилган номи.

### XXX БОБ

<sup>827</sup> Равана (Ravaṇa, *равн*) – ўн бошли дев, рақшасларнинг подшоси, ривоятларга кўра Ланка оролида ҳукм сурган. Раманинг хотини Ситани Равана томонидан ўғирланиши тарихи ва шу сабабли юз берган жанглар «Рамаяна» достонининг асосий маъносини ташкил қилади.

<sup>828</sup> Равананинг Ланкадаги бош шаҳри ва қалъаси ҳам Ланка деб аталади. Бу ерда шартли равишда «Санката брд» деб ўқилган иборанинг маъносини аниқлаш имкони бўлмади. Яватна – котининг «Рум» билан боғлиқлигини ҳам аниқлаб бўлмади.

<sup>829</sup> «Рамаяна» (Rāmāyaṇa, *рāмāйн*) – машҳур қадимги ҳинд достони, унинг муаллифи Валмика ҳисобланади. Ланкани босиб олиниши ҳақида достоннинг бешинчи китобида ҳикоя қилинади. Достонга кўра, Раманинг акаси Лакшмана жангда Равананинг ўғлини ўлдирган ҳисобланади.

<sup>830</sup> Ланка шаҳри, Трикута тоғи тепасида жойлашган бўлиб, ҳинд афсоналарига кўра, у Беруний келтирган ўлчамларга эга бўлган.

<sup>831</sup> Курукшетра (Kurukṣetra, *куркйтр*) – «Куру майдони», тарихий жой, Деҳли яқинидаги текислик, Тҳанешардан жануби-шарқда; Курукшетрада «Маҳабҳарата»да тасвирланган буюк жанг юз берган.

### XXXI БОБ

<sup>832</sup> Deçāntara (*дйшантри*) – «узунлама, нолинчи меридиандан масофа».

<sup>833</sup> Ҳинд астрономлари Ер айланаси узунлигини 3200 йўжана деб ҳисоблашади (қаранг: *Kifer*, S. 173).

<sup>834</sup> «Ал-Арқанд» жижи – Браҳмагуптанинг «Кҳанда-кҳадияка» номли астрономик асарининг арабча қайта ишлангани.

<sup>835</sup> Заҳау билан ҳамкорликда бўлган математик Шрамнинг кўрсатишича, 1050 йўжаналик диаметрга – агар ҳиндлардаги диаметрнинг айланага муносабатини 7:22 деб олинса – 3300 йўжаналик айлана мос келади. Бу ҳолда Берунийнинг қуйида 3200 йўжана «ал-Арқанд»да келтирилгандан 100 йўжана кам деган таъкиди тушунарли бўлади (*Sachau*. India, transl., II, p. 339).

<sup>836</sup> Вижаянандин ва унинг «Карана тилака» жижи ҳақида юқорида XIV бобнинг 455-изоҳига қаранг.

<sup>837</sup> «Вийастатрай-рашка» – Vyastatrairāṣika (*бийастатрāйшйк*) – ҳиндча математик ибора, «учта қарама-қаршилиқлар қоидаси».

<sup>838</sup> Юқорида, XV бобнинг 506-изоҳига қаранг.

<sup>839</sup> Матнда сукут, 80 рақами туширилган. Шрам уни қуйидаги ҳисоблашларга кўра тиклаган (*Sachau*. India, transl., II, p. 340).

<sup>840</sup> Қўлэзмада очик жой қолдирилган; шу ерда сукут бўлиши эҳтимол.

<sup>841</sup> Абу Аҳмад ибн Чатлағтегин – отасининг исмига кўра, у турк бўлган ва, балки Берунийдан биров аввал Ҳиндистонда яшаган астроном. У ҳақида маълумот фақат Берунийнинг ушбу асарида келтирилган. Ибн Чатлағтегин ҳам Беруний каби Мовароуннаҳрдан султон Маҳмуд Ғазнавий томонидан келтирилганлиги эҳтимол.

<sup>842</sup> Лаухур (Лоҳур билан чалкаштирилмасин) шахрининг ўрни қаердалиги аниқланмади.

<sup>843</sup> Мандакқакўр (*мндкквр*) – Лоҳур қалъаси; Нандна (*ннднх*) – Желам дарёсида, Балнатҳ тоғидаги қалъа, ҳозирги Тилла (*Elliot*. II, p. 346, 347, 366). Канди (*кндй*) ёки Кири ва Дунпур (*днбвр*), Заҳаунинг фикрича, булар Ғазнадан Пешоварга олиб борадиган йўлда бўлган (қаранг: *Elliot*, IV pp. 138, 199, II, pp. 112, 150, 273). Заҳау Дунпурни ҳозирги Жалолобод билан айнанлаштиради. Кандини эса Гандамак яқинида жойлаштиради (*Sachau*. India, transl., II, p. 340–342).

Аслида Беруний бу боб охирида ўзининг султон Маҳмуд Ғазнавий давлатининг қайси шаҳарларида ва аҳоли пунктларида астрономик кузатишлар олиб борганлиги ҳақида аниқ маълумот келтирган. Бу пунктлардан учтаси, яъни Ғазна, Кобул, Ламғон Афғонистонда бўлиб, қолган 10 таси, яъни Лаухур, Канди, Дунпур, Пуршовар, Вайҳанд, Жайлам, Нандна, Сиалкот, Мандакқакўр, Мўлтон Ҳиндистонда бўлган. Олимнинг илмий биографиясида бу ниҳоятда муҳим ҳабардир.

## XXXII БОБ

<sup>844</sup> Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий (856–925) – машҳур табиб, Европада ўрта асрларда Разес номи билан шуҳрат қозонган (*Brokelman. GAL, I, S. 233–235; SB, I, S. 417–421*); Беруний унга ниҳоятда катта ҳурмат билан қараган ва унинг бизнинг кунларимизгача сақланган илмий асарлари рўйхатини тузган (*Ēpître de Bèrūni content le répertoire des ouverages de Muḥammad b. Zakariyā ar-Rāzi publiè par Paul Kraus, Paris, 1936*).

<sup>845</sup> Искандар (Александр) Афродизий – файласуф – перипатетик, Аристотель асарларини шарҳловчи бўлган, милодий II–III асрларда Афинада яшаган. Иқтибос Аристотелнинг «Физика» асаридан олинган (*Sachau. India, transl., II, p. 342*).

<sup>846</sup> «Бир пайтлар бу дунё қоронғулик (*tamas*) бўлган. Унинг сувларида ёруғликнинг олтин тухуми [сузиб] юрган, унинг ярми осмон, ярми ер эди. Ундан ҳамма нарсаларни яратувчи Браҳма туғилди, унинг кўзлари Қуёш ва Ой эди. Капила оламнинг биринчи сабабчиси деб материяни (*pradhāna*) атади, Канада – субстанцияни (*dravya*) атади; бировлар биринчи сабабчи деб вақтни атайдилар, бошқалар – ўзиштиёрликни (*svabhava*), [яна бошқалар] «амални» (*kaṃtan*)» («Брихат-самхита», 1-боб, 6–7-шл.). Беруний Канадани Қумбҳақага (*Kumhaka, кунбаҳақа*) алмаштирган.

<sup>847</sup> «Ваҳра айтди: ... Мен вақт ва унинг бўлақларининг илоҳлари ҳақида эшитмоқчиман. Маркандея деди: Пурушанинг кундузи ва кечасининг, улар ҳақида сен эшитгансан, ... эгаси Прүшадир, у ҳамма нарсаларнинг эгасидир, унинг ўзи ҳам вақтдир» («Вишну-дҳармотгара, 1, 81, 1–2). Асл нусхадаги «*kalāṭma puruṣas ...*» – «Пуруша, унинг ўзи вақтдир» сўзларини Беруний: «*kala ātmāpuruṣa*» ва: «вақт (муддат) – бу «*ātmāpuruṣa*» (*āтимпүриш*)» деб ўқиган.

<sup>848</sup> Қаранг: «Тимей», § 42 DE: «... у [Худо] кичик илоҳларга ўладиган таналарни ва бошқа барча инсон кўнглига керакли нарсаларни яратишни амр этди ...; ... болалар, Ота томонидан тузилган тартибни англаб, унга эргашдилар ва ўлик жониворни ўлмас ибтидосини қабул қилиб ўз яратувчиларига таҳассуб қилиб, космосдан, қайтиб бериш шarti билан, олов, ер, сув ва ҳаво зарраларини тилаб олдилар ва ҳаммасини бирга ёпиштирдилар ...» (*Платон. Сочинения, VI, с. 411–412*; юнонча матнни қаранг: *Sachau. India, transl., II, p. 342–343*).

<sup>849</sup> «Олам йиллари» ҳақида юқоридаги бобларга қаранг.

<sup>850</sup> Жавзаҳр – Ой орбитасининг кўтарилувчи ва тушувчи «тугунлари», яъни унинг эклиптика билан кесишиш нуқталари.

<sup>851</sup> Матннинг шу ерида суқут бор, балки «ал-лайл» – «кечада» сўзи тушиб қолган.

<sup>852</sup> Қуйида XXXVIII ва XXXIX бобларга қаранг.

<sup>853</sup> Яъни, пуруша кунда. Қуйида XXXV бобга қаранг.

<sup>854</sup> «Қутбдан «ўн миллион» йўжана [масофада] ... Маҳарлока жойлашган, унда яшовчилар бир калпа давомида унда бўлинадилар» («Вишну-пурана», 2-кн., 7-боб, 12-шл.). Браҳманинг ўғиллари, пураналарга кўра, Жанарлокада яшайдиганлар: Санака (*Sanaka, сангу*), Сананда (*Sananda, сананда*), Санатана (*Sanātana, сананднāди*), Асури (*Asuri, асур*), Капила (*Kapila, капил*), Водху (*Vodhu, бвди, бвзй*) ва Панчашикха (*Pañcaśikha, бнжшика*).

<sup>855</sup> Буддавийлик эътиқотида («Ангуттара – никая» 4) баён қилинишича, қиёмат кунида қаттиқ иссиқ келишидан дарёлар, денгизлар, океанлар қурийдди, ер эса Меру тоғи билан ва уни ўрвчи тўрт мамлакат билан бирга еттинчи қуёш чикқанида ёниб кетади.

### XXXIII БОБ

<sup>856</sup> *Savana* (*сāбана*), сома ичимлигини кунига уч марта (эрталаб, тушда ва кечқурун) қуйиш билан боғлиқ вақт; «қуёш» куни, ой ва йилини билдиради. *Manuṣyaḥorātra* (*манушахўратра*) – «инсоний кунлар».

<sup>857</sup> *Pitṛaṃ aḥorātra* (*пitrīнахўратр*) – «ажодлар куни».

<sup>858</sup> Солиштириш учун мос иқтибосни асл нусхадан келтирамыз: «Аждодлар куни камарий ойга [тенг] деб ҳисобланади. Қоронғи яримнинг саккизинчи [куни], [қундуз] ўртасида улар учун бир бурж тулуь қилади. Унинг ботиши эса мос равишда ёруғ яримнинг саккизинчи кунига тўғри келади. Аждодлар учун ярим кеча Ой тўлган куни ҳисобланади. Қоронғи яримнинг охирида улардаги туш пайти бўлади. Шунинг учун аждодларга қурбонликлар ойнаинг қоронғи яримининг охирида қилинади» («Вишну-дхармоттара», I, 73-боб, 14–16-шл.). Бюлернинг кўрсатишича, Беруний фойдаланган кўлёмзада, хато равишда, «ёруғ» ва «қоронғи», шунингдек, «ярим кеча» ва «қундуз ўртаси» сўзлари ўрин алмашган кўринади (қаранг: JA, 19, 1890, p. 386).

<sup>859</sup> *Divyāhorātra* (*дйвахўратр*) – «осмоний кунлар», бир йилга тенг ҳисобланади.

<sup>860</sup> *Devaka* (*дйбак*) – «Худо, илоҳ» (*deva*’нинг синоними), куннинг қандай тури назарда тутилаётгани аниқ эмас, бу ҳам «дивияхўратра»нинг ўзи бўлса керак.

<sup>861</sup> Юқоридаги XXIII боб назарда тутилаяпти.

<sup>862</sup> «Қуёш Ҳамалдан (*meṣa*) бошлаб олти буржни Қуёш ўтиши учун кетган [даврни] маъбудлар куни дейилади; Қуёш Мезондан (*Tula*) бошлаб олти буржни ўтиши учун кетган даврни, худолар кечаси дейилади» («Вишну-дхармоттара», I, 73-боб, 13-шл.).

<sup>863</sup> *Brahmāhorātra* (*брāхмхўратр*) – «Брахма куни», 8640 000 000 йил.

<sup>864</sup> *Puruṣāhorātra* (*пўришахўратр*) – «Пуруша куни», *māhakaṭra* (*мҳаклп*) – «буюк калпа», 622 080 000 000 000 йилга тенг.

<sup>865</sup> «Пуруша куни Браҳма умрига тенг ҳисобланади ва унинг кечаси ҳам шунча давом этади...» («Вишну-дхармоттара», I, 73 боб, шл. 60).

<sup>866</sup> *Paḡārdha* – яъни, «юқори ёки узок ярим»; бу ибора Браҳма умрининг 50 йилини ташкил қилувчи кунлар сонини билдиради. «*Kha* сўзининг маъноси кўп, жумладан, осмон, Браҳма ва б.

### XXXIV БОБ

<sup>867</sup> *Ghati* (*гхрий*) – ёки гхатика, бир куннинг 1/60 қисми, 24 дақиқага тенг.

<sup>868</sup> *Caṣaka* (*жашака*, *жашх* ёки *жакак*) – сония; *Vighatīkā* (*бакҳатика*) – вақт ўлчами, гхатиканинг 1/13 қисми.

<sup>869</sup> *Prana* – вақт ўлчами, 4 сонияга тенг; винадининг 1/6 қисми.

<sup>870</sup> Винади (*Vinādī*, *банарӣ*) – 24 сония; 1/60 нади (*nāḍī*, *нарӣ*), яъни «хинд соатининг» (бир гхатига тенг).

<sup>871</sup> Захау бўйича шундай, лекин руҳий ва жисмоний мувозанатлик ҳолати назарда тутилаётган бўлиши ҳам мумкин.

<sup>872</sup> Қшапа (*кшин*) – «Он» – ҳар хил вақт ўлчамлари тизимларида 4 дақиқа, 1 дақиқа, 1,3 сония ва б. англатади. *Kalā* (*кала*) – вақт бирлиги, 2 ёки 12 сония, ёки 1,5 ва б. деб олинади.

<sup>873</sup> «Артхашастра» (II, 20, 38) қуйидаги мутаносибликларни келтиради: 2 трута (*truta*) – 1 лава (*lava*, л б); 2 лава = нимеша (*nimeṣa*, *нмйш*).

<sup>874</sup> 1 каштҳа (*kaṣṭha*, *кашт*) – 5,15 ёки 18 нимеша дейилади.

<sup>875</sup> Бу исмни аник ўқиб бўлмади. Балки Беруний, баъзи ҳоллардагидек, китоб номини одам номи деб қарагандир; вақтни ўлчашга бағишланган асар «*Samaya*» (*шаммӣ*) сўзи билан бошланган бўлиши мумкин.

<sup>876</sup> Пураналарда ану (*ану*, 'ин) одатда 1/9 трутига тенг дейилади.

<sup>877</sup> «Артхашастра» системасига яқин, лекин у ерда 1 каштҳа = 5 намеша.

<sup>878</sup> «Ваю-пурана»да (6-боб, 69-шл.) вақт бирликларидан кетма-кет: лава, каштҳа, кала, мухурта ва б. келтирилган.

<sup>879</sup> Праҳара (*prahaṛa*, *парихр*) – «зарба», «вақт бирлиги» (тахм. 3 соат – 6 ёки 7 нади).

<sup>880</sup> Бу Пешовар (*Puruṣāvar*, *пуришвр*) бўлса керак.

<sup>881</sup> Арāпа (*āran*) – «шамоллар» – «прана» – «нафас»га қарама-қарши қўйилади. *Niḥsvāsa* (*нишвас*) ва *avaṣvāsa* ('*вишвас*) нафас чиқариш.

<sup>882</sup> Мухурта (куннинг 1/30 бўлаги) 720 пранага тенг.

<sup>883</sup> Абҳижит (*abhijit*, *абчатӣ*) – 8-куннинг мухуртаси, туш пайти.

<sup>884</sup> Захаунинг тахмин қилишига кўра, Беруний «Адинарва»нинг 107-бобига эмас (*Sachau*. India, transl., II, p. 344), 114-боб, 6-шл. га ҳавола қилган. Чунки у ерда Юдҳишитҳира (*Yudhiṣṭhira*, *жузаштир*), бешта Пандавларнинг энг каттаси, куннинг саккизинчи мухуртаси, яъни абҳижитда жуда қулай ой кунда туғилди дейилган. «Ўшанда Қуёш осмоннинг қок ўртасида ва Айндра юлдуз туркуми Ой билан туташган эди»: Маҳабхарата; Адинпарва, рус. тар. 335-б.). Кейинги Маркандеяга ҳавола тушунарли эмас.

<sup>885</sup> Шишупалани Кришна томонидан ўлдирилиш тарихи «Маҳабхарата»да ҳикоя қилинади (2-китоб), («сабҳапарва»), 33–42-боблар). Ҳинд афсонасини баён қилишда Беруний қатор ноаникликларга йўл қўйган. Шишупала Кансанинг (*Kaṁsa*, *кнс*), яъни Кришнанинг бошқа қариндошининг эмас, Кришна отасининг сингисининг ўғли эди. Шишупаланинг тўрт қўлидан ташқари, учинчи кўзи ҳам бор бўлиб, у Кришнага тушиб қолган эди. Юдҳишитҳирага Кришнани подшоҳлар мажлисига бошлик қилишни Вияса эмас, Бҳишма маслаҳат берган эди. Бу ерда Васиштҳага ҳавола тушунарли эмас.

<sup>886</sup> Қуйида илгари учратилмаган номларнинг транскрипциясини келтирамиз: *Bhūjaga*, (*бахужаку*) – «илон», *Pitṛ* (*пипру*) – «Аждод»; *Apas* (*āp*) – «сувлар» (кўпликада); *Viśva* (*вишв*) – «ҳамма илоҳлар»; *Vigīṣya* (*биринч*) – Брахманнинг исми; *Keśava* (*кишф*) – кўп илоҳларнинг исми бўлиши мумкин: Пражапати, Виш-

ну, Шива ёки бошқаларининг; *Indrāgn̄i* (*'ndrākn̄i*), яъни Индра ва Агни; *Niçākara*, (*нишāкр*) – «тунни яратувчи, Ой»; *Bhāgeya* (*бхāкйв*), балки *Bhāgya*; *Aja* (*ажс*), яъни – «туғилмаган» – кўп илоҳларнинг номи, шунингдек «така» маъноси ҳам бор, балки Берунийнинг изоҳи шунга алоқадордир; *Ahirbudhnyā* (*ахрабудан*) – «Қаърнинг илони» – қадимги ведик илоҳ, Ой манзили Уттарабҳадрападаннинг ҳомийси; *Dasra* (*дасра*) – Ашвинлардан (*Dasrau* – «Ашвинлар») бирининг исми; *Anṭaka* (*антака*) – «Ўлим», Яманинг исмларидан бири; *Anila* (*анила*) – «шамол, шамол илоҳи». Ой манзилларининг ҳомийларини Беруний тўғри атаган, фақат Мригаширас мустасно, унинг ҳомийси Марута ҳисобланади.

<sup>887</sup> *Hoḡā* (*хур*) – «соат» (куннинг 1/24 қисми); «бурж»; юнонларда ҳам «соат» худди хиндлардагидек *hora* деб аталади.

<sup>888</sup> *Hoḡādhipati* (*хурāтапта*) – «соат эгаси».

<sup>889</sup> Куйидаги жадвалдаги соатлар номларининг транскрипциясини келтирамыз: *Raudra* (*равудра*) – «бахтсиз, наҳс», *Saumya* (*савма*) – «бахтли», *Karala* (*крāl*) – «тешик», *Sattra* (*сатра*), *Vega* (*вйга*), *viçāla* (*бишала*), *Mṛtyusāra* (*мрритусāри*), *Çubha* (*шубҳа*), *Kroda* (*крӯра*), *Caṇḍāla* (*жндāли*), *Kṛtikā* (*критика*), *Amṛta* (*амрита*), *Kālārātri* (*кāларāтра*), *Rodhini* (*рӯзанй*), *Vairahma* (*байраҳма*), *Trāsan̄i* (*трāсанй*), *Guhniya* (*гӯханй*), *Māya* (*мāйā*), *Damaḡi* (*дамарй*), *Jivaharaṇ̄i* (*чйбҳāранй*), *Çoṣini* (*шӯшанй*), *Vṛṣni* (*баршнй*), *Dāha* (*дахарй*), *Cāntima* (*чāнтима*).

<sup>890</sup> *Nāga Kulika* (*нāгакулика*), яъни «Илон Кулика» – Раху'нинг (юқорида қаранг) исмларидан бири. «Вишну-дҳармоттара»дан тегишли матннинг таржимасини келтирамыз: «Бироқ Куликага тегишли вақтдан ҳар қандай ишда ҳам ўзини олиб қочиш керак. Кимки шу пайтда тановул қилаётган бўлса – касал бўлади; кимки заҳар еса – [овқат] хазм бўлмайди. Шу пайт илон чаққан одам [гарчи] у Таркшйанинг (Гаруда) хузурида бўлса-да, яшолмайди; Бу пайт ичилган дори фойда бермайди ... Ҳар бир соат 150 вигҳатикадан (винадика, чашака – сония) ташкил топсин... Қуёш [соатининг] 67 сониясидан кейин ундан кейинги 16 сонияси Куликанинг фалокатли вақти ҳисобланади; [соатнинг] қолгани Қуёшга тегишли бўлади. Лекин Зухра [Шукра] соатининг охириги 4 сонияси Рахуга тегишли, қолгани – Зухра (Сита)га, Зухал (Саумия) соатининг бошида 2 сония Куликанинг фалокатли вақти ҳисобланади; қолган вақт Зухал (Будҳа)га тегишли. Бироқ Ой соатида 71 сония ўтганидан сўнг кейинги 8 таси Куликага тегишли; қолган вақт Ойга тегишли. Уторид [соатининг] 86 сонияси ўтса, қолган вақт Куликага тегишли бўлади. Муштарий [Гуру] соатининг 771/2 сонияси ўтса, 1 сония Рахуга тегишли бўлади, қолган вақт – Муштарийники. Бироқ Миррих (Бҳаума) соатининг бошланғич 32 сонияси Куликанинг вақти ҳисобланади; қолган вақт Миррих (Кужия)га тегишли» («Вишну-дҳармоттара», 1, 83, 50–51, 54–61-шл.).

### XXXV БОБ

<sup>891</sup> *Avāmāsyā* (*авāmāс*) – «янги ой»; *pūrṇimā* (*пӯрнимāх*) – «ой тўлиши»; «ātvaḡḡā» ибораси аниқланмади.

<sup>892</sup> *San̄krānti* (*санкрāнт*) ибораси умуман сайёранинг осмондаги бир пунктдан бошқа пунктга ҳаракатини билдиради.

<sup>893</sup> Бу иктибоснинг манбаси аниқланмади.

<sup>894</sup> «Брбах» сўзининг маъноси англолмади. Бу ерда, Захаунинг фикрича, ёзишда хатоликка йўл қўйилган ва аслида барқху ёзилиши керак эди деган (*Sachau. India, transl., II, p. 345*). Лекин «барқху» ҳиндча сўз эмас.

<sup>895</sup> Бу рақамларнинг ҳаммаси сунъий йўл билан йилнинг Қуёш кунларини қўпайтириш натижасида ҳосил қилинган (бу рақам ҳам ой кунларининг сонини 12 га қўпайтириш билан ҳосил қилинган). Берунийда бу сон 365872/3200 кун; ўша даврдаги ҳинд астрономик асарларининг кўпчилигида Қуёш йилининг узунлиги 365 кун 6 соат 12 дақиқа 36 сония дейилган («Сурия-сиддҳанта» ва б.).

<sup>896</sup> «Улар, Брахма кунини билдирувчилар, бу минг юга билан чегараланган ...» («Бхагавадгита, 8-боб, 17-шл.).

<sup>897</sup> Захау фикрига кўра, «Смрити» деб (*Sachau. India, transl., II, p. 345*), бу ерда Мāну қонунлари назарда тутиляпти: «илоҳларнинг (Deva) минг асри, Брахманинг бир кунига тенг ва шуна – унинг кечаси» (1-боб, 72-шл.).

### XXXVI БОБ

<sup>898</sup> Māna ва pramāna (*прмāн*) – «ўлчаш, ўлчов».

<sup>899</sup> «Артхашастра»га кўра, ойни бўлишнинг тўрт системаси мавжуд: шамсий – (*Saura, Савр*), ўртгача – *Prakarma*, Берунийда – *Sāvana*), қамарий (*Candra, чандра*) ва юлдузий (*Naṣatra*). «Оддий ой» 30 кунга тенг, шамсий – тахминан 301/2 кун, қамарий – 291/2 кун, юлдузий – 27 кун («Артхашастра», шл. 2, 20, 28).

<sup>900</sup> «Қуёш куни (*sauro divasa*) қуёш улушининг қаноатлантирилиши (*bhoga*) билан аниқланади» («Вишну-дхармоттара», 1, 72-боб, 17-шл.). Берунийда *bhoga* ўрнига – «қондирилиш» – синоними келтирилган: *bhukti* (*бҳт*). «Бҳукти» сайёранинг кундузги ўтишини билдиради.

<sup>901</sup> «Юлдуз ойининг ўлчами 27 кун билан [аниқланади]. Бошқа ойларда ой 30 кунга тенг ҳисобланади» («Вишну-дхармоттара», 1, 72-боб, 18–19-шл.).

<sup>902</sup> Карана (*караṇа*), бу ерда – куннинг астрономик тақсимланиши; барча қараналарнинг сони – 11 та. *Uparātra* – «бир кечага кам» – маҳсус ой кунининг аталиши (агар икки ой куни бир қуёш куни билан тамом бўлаётган бўлса, у ҳисобланмайди).

<sup>903</sup> *Vāra* (*бар*) – «ҳафта куни»; *ahargaṇa* (*āҳарган*) – «қатор кунлар, ой»; *sūta* (*сўтак*) – «ҳаром кун; туғиш куни», *sikitsā* (*жакитсу*) – «табобат; дори»; *Prāyaścitta* (*пайайашжату*) – «гуноҳни ювиш».

### XXXVII БОБ

<sup>904</sup> *Ayana* (*айан*) – йил ярми; *uttarāyana* (*ўтарайан*) – [қуёшнинг] шимолга ҳаракати: совуқ фасл, баҳор ва ёз; *makarādi* (*макрāди*) – «Жадийдан бошланувчи» эклиптиканинг ярми. *Dakṣiṇāyana* (*дакшанайан*) – [Қуёшнинг] жанубга ҳаракати: ёмғирлар фасли, куз, қиш; *karkādi* (Берунийда *какрāди*; г ва к ўрни алмашган) – «Саратондан бошланувчи» эклиптиканинг ярми.

<sup>905</sup> *Kūla* (*кўла*) – «оғиш»; *uttarakūla* (*ўтаракузўла*), *meṣadi* (*мўсāди*), *dakṣakūla* (*дакша-кўла*, аниқроғи: *dakṣiṇakūla*), *tulādi* (*тулāд*) иборалари ҳинд астрономиясида Беруний айтган маъноларда ишлатилади.



<sup>906</sup> Rti (*pityu*) «фасл»; хинд таквимида йил олти фаслдан иборат ҳисобланади.

<sup>907</sup> Varṣakāla (*брикāl*) – «ёмғир пайти»; çītakāla (*ситакāl*) – «совуқ пайт»; uṣṣakāla (*ушнакāl*) – «иссиқ пайт». Куйидаги жадвалда анъанавий хинд фасллари-нинг номлари келтирилган: çīçira (*шиишару*) – «совуқ фасл», vasanta (*басанту*) ёки kusumākara (*кусмāкр*) – «баҳор»; grīṣma (*крйшм*) ёки nidagha (*ндāгу*) – «ёз»; çarad (*шараду*) – «куз»; hemanta (*ҳиманту*) – «қиш». Vaiṣṇava (*байшанб*) маъноси: «Виш-нуга тегишли»; Viçve devah (*бишвадйв*) – «барча илоҳлар». Ҳиндлар одатда йилнинг ҳар бир ойни аниқ илоҳ – ҳомий билан боғлайдилар, лекин улар манбаларининг кўрсатишлари ҳар хил.

<sup>908</sup> Куйидаги жадвалда кўрсатилган илоҳлар – пакшаларнинг, ой яримлари ҳомийларининг номлари, асосан асл нусхага мос. Берунийда «Вишну дхармоттара»-дан (1, 83, 3–9) четлашишлар куйидагилардир: «Индрагни» ўрнига – «Агни»; «Шукра» ўрнига – «Шакра» (Çakra, *шикру*), яъни Индра; «Ашана» (Āçana, *āшунд*) ўрнига – Açvinau («иккала *Ашвин*»), Pitriya (*пиптру*) ўрнига – «аждодларга тегишли» – икки жойда: Pitarah – «аждодлар», Yamyā (*жаāmму*) ўрнига – «Yama»; Āgnsya (*аганй*) – «Агнига тегишли» – ўрнига – Agni; Raudra (*равудра*) – «Рудрага тегишли» – ўрнига – Rudra; Sārpa (*сāрпу*) – «Илонга тегишли», ўрнига – Sarpāḥ, «илонлар»; Sānta (*сāнит*) ўрнига – Savitṛ; Maintra (*майантру*) – «Митрага тегишли», ўрнига – Митра. Бошқа номлар аниқ мосликда.

### XXXVIII БОБ

<sup>909</sup> Divasa (*дибас*), gātrī (*парт*), ahorātra, māsa, pakṣa, çuklapakṣa (*шуклпакш*), kṛṣṇapakṣa (*каршинапкш*) – санскритча сўзлар. Димас (*дмас*), бу сўз divasa сўзининг Беруний даврида Шимоли-Ғарбий Ҳиндистондаги халқ шеvasидаги синоними бўлса керак. Заҳау таъкидлашича, санскритча v ни m га алмаштириш китобда кўп учратилади (*Sachau. India, transl, II, p. 346*). V ва m нинг алмашиб туришига Гернле аҳамият берган: санскритча pṛthvi га шарқий ҳиндийда pṛhumi мос келади ва ҳ.к. (*Hoernle, p. 74*).

<sup>910</sup> Бу номларнинг ҳаммаси санскритча varṣa сўзига бориб тақалади. Праkrit тилларидаёқ санскритчадаги «ш», «х»-ловчи товушлар йўқ бўлиб кетган ва s, kh ёки h га алмашган эди. Шарқий ҳиндийда санскритча S kh билан алмашди (қаранг: *Hoernle, p. 24*; яна қаранг: *Sachau. India, transl, II, p. 347*).

<sup>911</sup> Divya-varṣa – пракритча ёки янги хиндча шакли dibba-barth (*дбббрх*) «илоҳлар йили, 360 йил»; 1200 та шундай «йил» 4 югани ташкил қилади.

<sup>912</sup> Калпа, манвантара ва Браҳма кунининг давомийлиги ҳақида турли даврлардаги хинд адабиётида катта ихтилофликлар бор. Говиндаражанинг «Ману қонунлари»га (1, 79) ёзган шарҳига кўра, манвантара Браҳма кунининг 1/14 ига тенг. Беруний бу ерда «Браҳма куни» деб, Браҳма бир кеча-кундузини айтаяпти. Кейинги ҳисоблашлар ана шу муносабат билан боғлиқ.

<sup>913</sup> Бу иқтибос, балки «Вишну-дхармоттара»дандир, 1, 73, 38–39: «калпа Браҳма-Парамештҳин кунига тенг ҳисобланади; ва унинг кечаси ҳам ... шундай муддатда. Браҳма ана шундай кунлардан ташкил топган йил давомида яшайди...»

## XXXIX БОБ

<sup>914</sup> Юқорида XXXIV бобга қаранг.

<sup>915</sup> Виранчана (*Virañcana*, *байранжан*) – Браҳманинг номи; Садашива (*Sadāçiva*, *садāшива*) – Шиванинг номи.

<sup>916</sup> Матнда: [олдинги сонга] икки нолни кўшиб.

<sup>917</sup> *Paṅārdhakaḷpa* (*пṅāрдклий*), яъни 100 квадриллион калпа.

<sup>918</sup> Юқорида XVII бобга қаранг.

<sup>919</sup> Юқорида XXXIV бобга қаранг.

## XL БОБ

<sup>920</sup> *Samdhi* (*снд*) – «боғланиш, бирлашиш; шафақ (тонгги ва кечки)». *Samdhi udaya* (*сндауда*) ва *samdhi astamana* (*санд'стиман*) – бу иборалар ҳиндча адабиётда учратилмайди. Грамматик жиҳатдан тўғрироқлари *udayasamdhi* ва *astamanasamdhi*.

<sup>921</sup> Дайтияларнинг подшоҳи Ҳираньякашипу (*Hirañyakaçipu*, *хираннқи*), унинг ўгли Прахлада (*Prahlāda*, *брхрād*) ва «Одам-арслон», Вишнунинг тимсоли, ҳақидаги афсонани Беруний ҳинд анъанасига аниқ мосликда баён қилган («Вишну-пурана» 1-к., 17–20-боб; Ҳираньякашипунинг ҳалок бўлиши «Бҳагавата-пурана»да, 7-к., 8-шл., баён қилинган).

<sup>922</sup> *Ṣaka-kāla* (*шгкāl*) – «скиф эраси», милодий 78 йили бошланган: ўша йили Ўрта Осиёдан Амударёнинг жанубига сакларнинг йирик хуружи юз берган. Улар дарёдан ўтиб икки гуруҳга бўлинган: бири Ҳиндистонга ўтиб Синд дарёсининг бўйларини эгаллаган. Шунинг учун у ерлар кейинчалик Птолемей «География»сида Индо-скифия деб аталган; иккинчи гуруҳ саклари Эроннинг жануби-шарқидаги Дрангианага ўрнашади ва у ерлар Сакастан (кейинчалик Сейистон) деб аталади.

Шунинг учун шака-кала эрасининг 854-йили милодий 932 йилга тўғри келади (яна қаранг: *Sachau. India*, transl., p. 347).

## XLI БОБ

<sup>923</sup> Юқорида XXXV бобга қаранг.

<sup>924</sup> *Kalpāharṇa* (*клтāхаркн*) – «калпа кунлари йигиндиси; бунда Беруний «Аҳаргана»ни этимология қилиши аниқ эмас, аслида: *aḥar* – «кун» дегани ва *дапа* – «йигинди».

<sup>925</sup> «Адития-пурана»да берилган сохта этимология қадимги ҳинд схоластик адабиётига хосдир. *Калпа* сўзи қадимги ҳиндчадаги *klp* – «тузилган тартибланган; мос келган» – ўзагига бориб тақалади.

<sup>926</sup> Қаранг: «Ману конунлари», 1,79.

<sup>927</sup> Бу сўзни аниқ билишнинг иложи бўлмади.

<sup>928</sup> *Utsarpiṇī* (*ўчарпана*) – «кўтарилувчи давр» ва *avasarpiṇī* (*ābāсрбн*) – «қуйилашувчи давр» – Арнабҳатанинг асарларида учрайдиган иборалар «Дуртама» сўзининг маъноси англалмади.

## XLII БОБ

<sup>929</sup> «Маълумки, тишия асри 1200 илоҳий (divya) йилга тенг. Билгинки, двапара [бундан] икки баравар узун, трета уч баравар, крита – тўрт баравар. Чатурюга эса, эй Рама, улар йилларининг йиғиндисича ҳисобланади, яъни ўн икки минг. Маълумки, бир манвантара 71 чатурюгадан иборат бўлади. Бирок, билгинки, эй бама, ўн тўрт ману бир калпани ҳосил қилади. Бошида, ўртасида ва манула [яъни, манвантаралар] орасида сандҳи жойлашади, муддати бир крита-юга, эй Бҳригунинг энг яхшиси. Бирок донолар мингта чатурюгани бир калпа дейдилар. Ва калпа Брахма таолонинг кундузи тенг деб эълон қилинади; унинг кечаси ҳам... ўша муддатда Брахма мана шундай кунларнинг юз йилича яшайди...» («Вишну-дхармоттара» 1, 7, 18–19, 35–40). Таржима пайтида Беруний «бошида» ва «орасида» (ādi... antarālesu) сўзларни тушириб қолдирсак, натижада калпа муддатини ҳисоблашда хатога йўл қўйилган. Тишия асри (tisyā, *тишшу* tisyāyuga) – калиюганинг ўзи – «темир асри».

<sup>930</sup> Ҳақиқатан ҳам «Вишну-дхармоттара»га кўра, 72–73 бобларнинг (1-китоб) маъноси Варуна томонидан Рамага айтиб берилган, лекин Беруний айтганидек, Рама, Дашаратҳа ўглига эмас, бошқа Рамага – Жамадагни ўглига. Яна шу хабар Беруний айтганидек, Маркандея Бҳаргавага ҳам айтилган.

<sup>931</sup> Apradithṛṣya (*апрудариша*) – «унга қаршилик кўрсатиб бўлмайдиган шахс». Бюлернинг тахминига кўра, Беруний бу ерда Маркандеяни Парашурама-Бҳаргава билан чалкаштирган, яъни кшобрийларни афсонавий қирувчиси билан [JA, 1890, 8. 387].

<sup>932</sup> Қуйидаги баён «Ману конунлари»га, I, 69, 70 мос келади.

<sup>933</sup> Брахмагуптада материал қисқача баён қилинган: «Тўрт юга, критадан бошлаб шафақнинг қисмлари билан бирга» (saṁdhyāṅṣa) [чатурюгани ташкил қилади]: крита – 4 қисм, трета – 3, двапара – 2, калиюга – 1. Югаларнинг муддати [кетма-кет тенг]: 1728000, 1296000, 864000, 432000 [қуёш йилига] («Брахма-спхута-сиддҳанта», 1, 7–9). Saṁdhyāṅṣa (*сдд – ҳāниш*) – «шафақнинг қисми» – ҳар бир юганинг охиридаги давр.

<sup>934</sup> «Арлабҳата эса, тўрт юга, критадан бошлаб, муддати бўйича тенг ва ҳар бири бир миллион йилни ташкил қилади. Бу билан у Смрити кўрсатганларига зид келади» («Брахма-спхута – сиддҳанта», 1, 9). Қуйида Беруний Пулисага қилган ҳавола асл нусхада йўқ.

<sup>935</sup> «Брахма – спхута – сиддҳанта», XI боб, 8–10-шл.

<sup>936</sup> «Сайёралар ўргача ҳаракатини [менинг асаримдан] ўрганганнинг олдида, Шришена, Ариабҳата ва Вишнучандрага эргашувчилар, худди охулар арслон олдида чиқишга ботинмаганларидек, мажлисда муҳокамада чиқолмайди» («Брахмаспхута – сиддҳанта», 1, 6).

## XLIII БОБ

<sup>937</sup> Захаунинг таъкидлашига кўра, ушбу бобнинг бош қисмини ёзишда Беруний Платоннинг «Тимей»идаги ушбу сўзларидан хабардор бўлган кўринади, §22 С: «Инсонлар кўп ва ҳар хил вайронагарчиликларга дучор бўлганлар, дучор бўлавердилар;

улардан энг дахшатлиси ўт ва сувдан бўлади, бошқалар тез юз берадиганлари – бошка кўп сабаблардан» (*Платон* Сочинения, VI, С. 380; юнонча матни Захау келтирган: *Sachan, India, transl.*, II, p. 348).

<sup>938</sup> Сўнгги юнон аънасига кўра, Гиппократ Асклепийнинг 16-авлоди ҳисобланади: Асклепий, Подалеирий, Гипполох, Сострат I, Дардан, Крисам I, Клеомиттад, Теодор I, Сострат II, Крисам II, Теодор II, Сострат III, Небр Гносидик, Гиппократ I, Гераклеид, Гиппократ II. Бу ерда биз шартли равишда Анлосос деб ўқиган исмнинг арабча ёзилиши аниқ эмас, аслида у Гипполох исмининг катта ёзилгани бўлиши мумкин.

<sup>939</sup> Асл нусхада трета-югада инсонларнинг яшаш муддати минг йил деб белгиланади («Вишну-дхармоттара», I, 73, 23).

<sup>940</sup> Парашурама (*Paraśurama, прирам*), афсонавий қахрамон, кшатрийларни қирувчи, ривоятларга кўра, трета-югада яшаган. Унинг кшатрийларга нафратининг сабаби шуки, Парашурама томонидан ўлдирилган подшоҳ Картавириянинг ўғиллари унинг отасини ўлдиради. Ривоятларга кўра, Парашурама ерни йигирма бир марта кшатрийлардан тозалаган ва ҳокимликни браҳманларга ҳадя қилган.

<sup>941</sup> «Маҳабхарата» кассаси ана шу воқеаларга бағишланган.

<sup>942</sup> *Kṛtāyuga* – «олтин аср, фазилатлар асри», *kṛta* сўзи «ишлар; натижа; фазилат» маъноларини англатади.

<sup>943</sup> Бу иктибос иккинчи «Вишну-Дхармоттара»дан олинган кўринади (юқорида V боб 137-изоҳига қаранг), унинг маъносини Шаунака гўё отасининг номидан баён қилади, у эса уни бобосидан эшитган, у-Ушанасдан (Берунийда – Зухра, исмнинг таржимаси), Ушанас – Бҳригудан, Бҳригу – Браҳмадан эшитган. «Буддходана» (хато, Будда) ҳақида юқорида, III боб 98-изоҳига қаранг. Шуддходана (*Śuddhodana*) – Гаутама Будда отасининг исми.

<sup>944</sup> «Вишну-дхармоттара» 1-китоби 74-бобининг охирида айтилган: «Ҳозирги калиюга охирига етганида, ... Каркин, Вишнуяшас деб аталмиш, ернинг ҳокими бўлади; у, душман лашкарларини қирувчи, бутун млеччҳларни қиради. У млеччҳлар билан тўлиб ётган ерни млеччҳлардан тозалагач ва Қонунни (*dharma*) ўрнатгач, у ўз жойига қайтади. Тирик жониворлар тиришиб Қонунни бажараётганларида кали – [юга] тикланади; шундай қилиб эгам Вишну ҳар доим юганинг охирида, Қонунни ўрнатиш учун туғилади...» (I, 74, 39–43). Бюлернинг фикрича, «Берунийдаги Гарга (*gog*) хато, аслида Каркин (*Karṅi*) ёки Калкин – Вишнунинг охирги, ўнинчи, зуҳуридаги исми» (IA, 19, 1890, p. 401). *Жешв* Захау айтганидек (*Sachau, India, transl.*, II, p. 349), Яшода эмас, Вишнуяшас (*Viṣṇuayaśas*) – «Вишну-Дхармоттара»га кўра, – Каркиннинг исмларидан бири; лекин баъзи манбаларда («Вишну-пурана»), 4-к.т., 24, 26-боб), шу ном билан Калкиннинг отаси аталади. Кали (*Kali? kal*) – Вишнуяшнинг иккинчи исмига келсак, бу ерда, шубҳасиз, хатолик; Беруний Калини, ёмон кучлар жумласини, унинг қарама-қаршилиги билан чалкаштирган (*J. Gonda, ACV*, p. 112). Бюлернинг фикрича, шу ерда арабча манбада кўчирувчи томонидан киритилган хатоликлар матни бузиб, чалкашликлар келтириб чиқарган.

<sup>945</sup> Али ибн Зайд ат-Табарий – машҳур табиб Абул Ҳасан Али Ибн Раббоний ат-Табарий (тахм. 808 йили Марв яқинида туғилган, вафоти 855 йилдан кейин) назарда

тутилаётир, унинг «Фирдавс ал-Ҳикма» асарида хинд асарларидан иқтибослар келтирилган (*Brockelmann. GAL, SB, S. 413*).

<sup>946</sup> Атрия (ёки Санрити) ўгли Кришна, табобат соҳасида обрўга эга қадимги табиблардан, «Чарака»нинг биринчи қисмидаги 12-бобда эслатилган.

<sup>947</sup> Ал-Авво – «Хурувчи» ва Симак ал-Аъзал — «Қуролсиз Симак» Азро (Сунбула) юлдуз туркумининг юлдузлари ҳақида юқорида XIX боб 693– 694-изоҳларига қаранг.

<sup>948</sup> Арат (*Aratos*) – эрамиздан аввалги III асрда яшаган юнон шоири у Пелла шаҳрида македон подшоҳлари саройида хизмат қилган. Зоҳирот (*Phainomena* – «Феномена») номли астрономик поэманинг муаллифи. Бу асарда юлдуз туркумлари ва улар билан боғлиқ бўлган ҳар хил афсоналар муфассал баён қилинган (қаранг: *Германик. Звездное небо по Арату / Пер. с лат. размером подлинника В. Фохта, СПб., 1911*). Аратнинг «Зоҳирот» китобидан мос иқтибосларни Захау келтирган (*Sachau. India, transl., II, p. 349–350*).

<sup>949</sup> Платон «Қонунлари»дан олинган (III, 677) ушбу иқтибосни солиштиринг: «*Афиналик*. Тез-тез бўлиб турадиган тошқинлар, касалликлар ва бошқа фалокатларда кўп одамлар ўлиб, инсоният уругидан анча камчилик қолди.

*Клиний*. Бунинг барчаси ҳаммага мумкиндек кўринади.

*Афиналик*. Кўп ҳолатлардан бирини, яъни: сув тошқинидан ҳалокатларни тасаввур қилайлик.

*Клиний*. Биз нимани назарда тутишимиз керак?

*Афиналик*. Ўшанда ҳалокатдан қутулганлар фақат тоғ чўққиларида юрган чўпонлар бўлди.

*Клиний*. Балки.

*Афиналик*. Бу турдаги одамлар [содаликлари туфайли] санъатлардан хабардор бўлмайдилар, шаҳарлардаги бўладиган бир-бирига қарши ғаламисликларни билмайдилар, шаҳарликларда бўладиган манманлик, бир-бирига зарар етказишга интилиш, гина-кудуратлар ва бошқа маразликларни билмайдилар» (Творения Платона, т. XIII, С. 82; юнонча матн: *Sachau. India, transl, II p. 351*).

Яна қуйироқда: «*Афиналик*. Энг аввал ўша пайтдаги одамлар бир-бирини кадрлаган ва атрофдан ўралиб қолганликлари сабабли, бир-бирларига хайрихоҳ бўлганлар; кейин бир-бири билан овқатни талашмаганлар, чунки яйловлар ва қирларда боқиладиган қўйлар кўп бўлган... Шу туфайли камбағаллик ҳам деярли бўлмаган, чунки камбағалчилик бир-бирига нисбатан душманликни келтириб чиқаради. Бошқа тарафдан, улар жуда бой бўлиб ҳам кетмаганлар: ахир у пайтда олтин ва қумуш бўлмаган-ку. Энг яхши жамият шундай бўладики, агар унда бойлик ва камбағаллик ёнма-ён бўлиб қолмаса» (ўша ерда, 84–85-б.).

#### XLIV БОБ

<sup>950</sup> Қаранг: «Брахма-спхута-сиддҳанта», 1-боб, 9–10-шл.

<sup>951</sup> «Қалпанинг илоҳи Брахмадир, бутун олам унга тегишли, бироқ манвантара-ларнинг [эгалари] ўн тўрт Манудир...» («Вишну-дҳармоттара», 1, 83, 3).

<sup>952</sup> Қуйидаги жадвалда келтирилган 14 та Ману исмлари «Ваю-пурана»дан олинган бўлиб, асл нусхадагига жуда ўхшаш (III кт., 1-боб ва 2-боб): Svāyambhuva (*свāйнбхуба*), Svārocīṣa (*свāрўжиша*), Auttauī (*ўтам*), Tāmasa (Берунийда *стāмиш*), Raivata (*райвата*), Cākṣuṣa (*жākишиша*), Vaivasvata (*байвасват*), Sāvartī (*сāбарн*), Dakṣasāvartī (*даку*), Brahmasāvartī (*брхмсāбарн*), Dharmasāvartī (*дхрмсāбарн*), Rudraputra (*рудрануптр*), Raucya (*равч*), Bhautya (*бахвута*). «Вишну-дхармоттара»нинг матни тегишли жойида (1, 81, 4–6) бузилган, ammo Беруний исмларни тўғри келтираётган кўринади, бироқ Svarocīya (*свāрўжж*) ўрнига асл нусхада Svārocīṣa, худди «Вишну-пурана»дагидек, Savartī ўрнига Sāvartī, Viṣṇu-Dharma (*биндхрм*) ўрнига – Brahmaputra; Stāmasa, Cakṣukha (*жākикх*) ва Raibhya (*рйбай*), балки буларда «Вишну-пурана»дагига нисбатан хато ёзилиш бордир. «Бошқа манба» (қайсилиги номаълум) бўйича рўйхатда хато ёзилишлар Utāmasa (*'втамш*), Raibhya (*рйб*) ва Bhumi (*Бхем*) бўлса керак. Viṣṇuputra (*бинбтр*) – «Вишнунинг ўғли». «Индраларнинг», яъни ҳар бир манвантаранинг бош илоҳи рўйхати асл нусхага деярли мос келади: Viraṣcit (*ббсж*), Suṣāntī (*шушанти*), Çikhin (*шихи*), Vibhu (Autata? *'втату* ўрнига), Manojava (*манвазабу*), Purandara (*пўрандру*), Bali (*бл*), Adbhuta (Mahāvīrya) *мхāфайражсу*, бу исм эмас, шу илоҳнинг эпитети: «қудратли, жасур», Çāntī (*шāнти*), Uṣa, (*бриу*), Rtadhāman (*ритадхām*), Divaspati (*диваспати*), Çuci (*шижсу*). Ману ўғилларининг исмлари Берунийда «Вишну-пурана»га нисбатан тўлиқ эмас; тўғри ёзилишлар билан бирга хато ёзилишлар ҳам бор; асл нусхада бошқа исмлар билан бирга яна ушбулар келтирилган: Caitra (Берунийда Caitraka, *жйтрк*), Divya (Берунийда Paḡaṣu, Divya айтилганидан кейин хато: Sudivya, *сиуибб*) Nara (*нр*), Khyāti (*кйāt*), Çantahaya (*шāнтах*), gānujangha (*жāнзнк*); Balabandhu (*блбнд*); Susambhāvyā (*свснбхб*). Satyaka (*сātк*); асл нусхада Sindhu (*сийд*) ва Rebha (*рйв*) исмлари йўқ; Uru, Puru (Берунийда Puru, Muru, *пвр, мр*), Çatadyumna (*стдмн*); келтирилмагани Pramukha (*прмх*); Ikṣvāku (*кишвāk*) Nabhaga (Берунийда Nabasa, и б с), Dhṛṣṭa (Dhṛṣṭa, *дрин* ўрнига), Çaryāti (*сржāt*) ва б.; Virajas (*брз*), Arvaṅivat (Берунийда Aṣṣārvari? *шжārбрй*), Nirmoha (Nirmogha, *нирмвк* ўрнига); Dhṛtaketu (*дрткйт*), Nirāmaṡya (*нрāmй*), Pañcahastā (*бнжхст*) ва б.; Sukṣetra (*суқшитр*), Uttamaṡjas (*'вмз*), Bhurisenā (*бхвришин*); Sarvatraga (*србтрк*), Devānika (*дйбāник*), Sarvadharmān (тўғриси Sudharmātman, *сдрматм, сдхрматм*); Devavat (Берунийда: Devavata, *дйвт*), Upadeva (Берунийда: Vānupadevaṣṣa, *банзйвашж*; Devavān Upadevaṣṣa бўлиниши хато), Devaṣrestha (*дйвшрйшт*); Citrasena (*читрсйн*), Vicitra (Берунийда: *бжстрātā*); Uru (*'врр*), Gabhira (*гбхй*), Bradhna (*будхнādй*, Берунийда *будхнādй*).

<sup>953</sup> Бу ерда, албатта, «Вишну-пурана» назарда тутилган, чунки айнан шу китобда саволни Майтрея берган ва баён Парашара номидан айтилган.

<sup>954</sup> Приявратанинг ўгиллари ҳақида «Вишну-пурана»да (2-кт., 1-боб, 3-шл.) баён қилинади, бироқ уларнинг исмлари Ману-аждодларининг исмлари билан мос келмайди.

## XLV БОБ

<sup>955</sup> Saptarṣayas (*сббтршийн*) – «Етти риши; Катта Айик».

<sup>956</sup> Ас-Сухо – Арундхати юлдузининг арабча номи.

<sup>957</sup> Қаранг: «Брихат-самхита», 13-боб, 1–6-шл. Maṅici, Vasiṣṭha, Angiras, Atri, Pulastya (*плста*), Pulaha (*булаху*), Kratu (*акрату*) – Катта Айикни ифодаловчи «етти риши»нинг исмлари. Agundhati – Васиштҳанинг хотини, тонгги юлдузни ифодалайди.

<sup>958</sup> Śakakāla (шгкāl) – «Шака йил ҳисоби» («скиф эраси»), мил. 78 йили бошланган. Яна ХЛ бобнинг 922-изоҳига қаранг.

<sup>959</sup> Беруний куйида келтирган жадвал «Вишну-пурана» 3-китобининг 1–2-бобларидан олинган. Бу ерда Индра ва биринчи манвантарадаги етти Риши номлари келтирилмаган, лекин асл нусха матни илгариги тавсифларга ҳавола қилади, яъни улар ўша ерда санаб кўрсатилган бўлиши керак. Демак, Беруний таъкиди асл нусхага мос келмайди. «Вишну-пурана»даги иккинчи манвантарадаги етти Риши: Ūrja Stambha (Берунийда иккала исм қўшиб битта қилинган: *'вржстнб*), Prāṇa (*пран*), Dattoli (Берунийда: Datta, *датту*), Rṣabha (Берунийда: Nirṣabha, *нйршаб*), Niṣcara (Niṣvara? *нирашву*), Uṅvarivat (асл нусхада: Niṣcaraḥ c'oṅvarivāṅṣ ca; Беруний сўзларни бундай ажратган: Niṣcara ṣoṅvar<sup>957</sup> vāṅṣca – *сжārбрфāшуж*). Учинчи манвантарадаги етти Риши асл нусхага кўра, – Васиштҳанинг ўғиллари, тўртинчиниқи – Jyotirdhāman (бир исми Беруний иккита деб ўқиган: Jyoti, жути ва Dharmān, *дхām*), Pṛthu (*прту*), Kāvu (кабу), Caitra, Agni (Беруний иккита исми биттага қўшган: *чйтрген*), Varada (асл нусха қўлғезмаларида ҳар хил ёзилишлар кўп; Берунийда: Varaka, *барагу*), Pivara (*пйўру*); бешинчиниқи – Niraṅgoman (*храннрўма*), Vedāṅgī (*бўзашири*), Ūrdhvaḥu (Берунийда: Pūrdhvaḥu, *рўратбāх*), Vedabāhu (*бўзбāх*), Sudhāman (тўғриси Subāhu, *субāх*), Paṅgava (*пргиннху*) ва Mahāmuni (кейинги исм Берунийда йўқ, лекин асл нусхада исм Арага, (*апар* йўқ); олтинчиси – Sumedhas (*сутмўзха*), Virajas (*бириза*), Naviṣmat (*ҳабишма*), Madhu (*мадху*), Atināman (*атимāн*), Sahiṣṇu (*суҳатн*); са ṛṣayaḥ («ва [саҳишну-]риши») сўзларидан Беруний *чаршай* исмини ясаган, асл нусхада улар орасида турган Uttama сўзини тушириб қолдирган; еттинчиси – Vasuṣṭha, Kaṣyapa, Atri, Jambhagni (*чамадагна*), Gautama, Viṣvāmitra, Bharadvaja (*баҳарадабаāза*); саккизинчиси – Diptimat (*дйбатмāн*), Gālava (*гāлаб*), Kṛpa (*криб*), Vyāsa, Rṣyaṣṅga (*ришаширанк*), Drauṇi (яъни, «Дронанинг ўғли» – Ашваттхаман); Парашара ўрнига асл нусхада – Paṅgava; тўққизинчиси – Savana (*сабану*), Dyutimat (*дутимāну*), Havya (*ҳаббу*), Vasu (*басу*), Medhādhṛti (*бўзхādити*), Jyotiṣmat (*чивтишма*), Satya (*сату*); ўнинчиниқи – Naviṣmat, Sukṛti (*сукриту*), Satya (*саттайў*), Apāmmurti (*пāmўрти*), Nābhāga (*набаҳагу*), Apratimaujas (*парутмавза*), Satyaketu, Sukṣetra (*сушйру – риши эмас*, Манунинг ўғли); ўн биринчиси – Niṣcara (*бишжару*), Agnitejas (Берунийда: Agnidhra, *акнйтру*), Varuṣmat (*бабашма*), Viṣṇu, Āruni (*аруну*), Naviṣmat, Anagha (Берунийда: Nagha, *нгу*); ўн иккинчиси – Tapasvin (*тапасв*), Sutapas (Берунийда: Sutaya, *сутай*), Tapomūrti (*танўмўрти*), Taporati (*танўрату*), (Tapodhṛti (*табўдрити*), Tapodyuti (матнда Dyuti, *дуги*), Tapodhana (... иҗ с'ануа... ибораси Берунийда ашжанн); ўн учинчиси – Nirṃoha (*нирмўҳа*), Tattvadarṣin (Tattvadarṣi са ... «ва Таттвадаршин ...») Берунийда исм *тттдрйшж*), Niṣprakamra (*нишбарканду*), Nirutsuka (*ниритсука*), Dhṛtimat (*дуртимана*), Avya (Берунийда Vyaya, *байа*), Sutapas (*сутпара*) ўн тўртинчиси – Agniḥu (*агниба*), Śuci (*шуч*), Śukra, Māgadhā (*мāгадху*), Agnidhra, Yukta (*жагитаста*), Ajita (*чита*).

## XLVI БОБ

<sup>960</sup> Валакхилия (*Vālakhilya*, *бālкл*) – афсонавий донишмандлар – паканалар, гайритабиий катта имкониятларга эга ҳисобланадилар. Шатакрат (*Ṣatakratu*, *шта-крит*) – «юз марта отни қурбонлик келтирган» – Индранинг ёки Индра даражасига етганининг эпитети.

<sup>961</sup> Беруний бу ерда трета-югада юз берган Вишнунинг бешинчи аватари ҳақидаги ривоятни баён қилапти. Ўшанда Вишну бир пакана (*vāmana*) сиймосига кириб олган эди. Зухра – Шукра, бу ривоятда шу сайёрани гавдалантирувчи, донишманд, даятияларнинг ҳомийси. Бу ривоятда (қаранг: «Бҳагавата-пурана», 8-кт., 15–23-боблар ва б.) Вишнунинг уч қадами ҳақида айтилади; Вишну Балини ўлдирмади ва уни кул қилмади, лекин ундаги хайрликларни эътиборга олиб, унинг қўл остида паталани қолдирди. Пурандара – Индранинг лақаби.

<sup>962</sup> «Вишну-пурана»да (3-кт., 2-боб) Парашара Майтреяга дейди: «Крита-югада Вишну Капила сиймосида ... ҳамма мавжудотларнинг хайрлиги устида ғамхўрлик қилиб, унга ҳақиқий билимларни ўргатади. Трета-югада Чакраварти сиймосида золимларга жазо беради ва уч оламни кўриқлайди. Двапара-югада Вишну Ведавияса сиймосида ягона Ведани тўртга бўлади ва уни сон-саноксиз тармоқларга ажратади ... Кали-юганинг охирида у Калкин сиймосида пайдо бўлади ва қонунбузувчиларни ҳақиқат йўлига қайтаради» (54–57-шл.). Бу ерда Беруний Калкин исмини – Вишнунинг ўнинчи аватарасини – Кали исми, унинг антагонисти, ёмонликни гавдалантирувчининг исми билан алмаштирган. *Жив*, Ганданинг фикрига кўра, Яшода эмас (Захау ўйлаганидек, қаранг: *Sachau*. India, transl., II, p. 382), балки Вишнуяшас, Калкиннинг отаси «Вишну-пурана» ва бошқа матнларга кўра (қаранг: *Gonda*. ACV, p. 112).

<sup>963</sup> «Вишну-пурана»да (3-кт., 3-боб) Парашара дейди: «Ҳар бир двапарада Вишну Вияса сиймосида ягона Ведани инсоният равнаки учун кўп қисмларга бўлади ... У Ведани, бандаларнинг имкониятларига яқинлаштириб, тўрт қисмли қилади; бу ҳолатда у қабул қилган сиймо... Ведавияса номи билан маълум. Сен бу манвантаранинг ҳар бир Виясалари ҳақида билиб ол...» (5–8).

<sup>964</sup> Беруний келтирган рўйхат то йигирма биринчи исмгача асл нусхага аниқ мос келади («Вишну-пурана», 3-кт., 3-боблар, 11–20). Биринчи марта учраётган исмларнинг транскрипциясини келтирамиз: *Mṛtyu* (*мриту*), *Tridhāman* (*дритхām*), *Tṛivṛṣan* (*тирварту*), *Antarikṣa* (*антркушу*), *Vapra* (*бабрӣ*), тўғрироғи *Varivan*, *Траууāгуца* (*тиржāрун*), *Kṛtaṃjaya* (*кританжа*), *Ṛṇajya* (Берунийда: *Ṛṇajyeṣṭha*, *рнчӣрт*). Йигирма биринчи асл нусхада – *Uttama* (*ўтам*), шунингдек *Naryātman* (*ҳржāтм*) аталади, 22-*Vena*, шунингдек *Pājaṣṭavas* (*бāзсарвх*) аталади. 23-*Saumaṣuṣmāyaṇa* (Берунийда: *Somacuṣma*, *сумишушам*), 24-*Ṛkṣa Bhārgava*, шунингдек *Vālmiki* (*бāлмику*) исми билан маълум; 25-, 26- ва 27-лар Берунийда тушириб қолдирилган; 28-, асл нусхага кўра – *Kṛṣṇa Dvaipāyana* (*кршдбӣпайан*), 29-Дронанинг (*Drauni*) ўғли, яъни Ашваттхаман.

<sup>965</sup> «Эгам Васудева, кейин – Самкаршана (*Samkarṣana*, *снгаришан*), Прадюдма ва Анируддха (*Aniruddha*, *анирудд*) – крита-юга илоҳлари ва кейинги уч юганинг ҳам» («Вишну-дхармоттара», I, 82, 1).

<sup>966</sup> Бу иктибоснинг олинган ери аниқланмади.



## XLVII БОБ

<sup>967</sup> Бу ерда назарда тутилаётган нарса, хиндуизмдаги аватарлар ҳақидаги доктрина, яъни Вишнунинг ердаги оёқости килинган адолатни тиклаш учун вақти-вақти билан ерга тушишларидир.

<sup>968</sup> Бу ерда Беруний Кришнанинг болалиги ва ўспиринлиги ҳақидаги афсонани пураналардаги ривоятлар билан бирга умумий тарзда баён қиляпти. («Вишну-пурана», кт. 5-кт., «Бҳагавата-пурана», «Ҳариванша»). Лекин тафсилотларда баъзи чекинишларга йўл қўйяпти. Фақат Кришна-Васудеванинг (Vāsudeva) ўзи худонинг гавдаланиши деб қаралган, лекин унинг отаси Васудева (Vasudeva) эмас. Беруний иккала исмини (отанинг ва ўглининг) бир хил (*bāsdōv*) транскрипция қилган, аслида булар иккиси ҳам икки хил исм. Пураналарга кўра, Кришнанинг отаси Васудева, онаси Деваки бўлган, яъни Кансанинг ҳамшираси, Ядавлар уруғидан. Улар ўша пайтларда чўпонлик қилиб кун кўришар, лекин ҳарбийлар варнасига тегишли бўлганлар. Кришнанинг жаттлардан (*jatta*, *жамт*) келиб чиққанлиги ҳақида пураналарда ҳеч нарса дейилмайди; балки Беруний бу тафсилни ривоятнинг бирорга оммавий вариантдан олгандир. Балабҳадра (ёки Баларама), Кришнанинг ўғай укаси (Васудеванинг иккинчи хотини Роҳинининг ўғли) . «Вишну-пурана»га кўра, Кришна карттика ойида туғилган. Ривоят қилишларига кўра, у Девакининг еттинчи ёки саккизинчи боласи бўлган. Нандакула (Nandakula, *нандаквл*), яъни «Нанда уруғи»; шу уруғда Нанда ва унинг хотини Яшада (Yāśoda, *жасу*) томонларидан асраб олинган ўғиллари Баларама ва Кришна тарбиялаганлар. Қачонки Канса, унга Кришна ўрнига олиб келишган қизни тошга улоқтирганида, қиз ҳавога кўтарилган ва даҳшатли маъбуда Дурга кўринишини олиб, Канса ҳалок бўлишини каромат қилган.

Ривоятнинг маълум вариантларида ёш Кришнанинг баъзи шўхликлари ҳақида ҳикоя қилинади, бу шўхликлар унинг ўғай онасининг газабини келтиради. Лекин бу ерда энг муҳими – Кришнанинг жасорати: у Жамунанинг ўрамасида туриб олиб, дарёни ўз захри билан захарлаётган улкан илон Калийни қувиб юборгандир. Кансанинг Матҳурадаги қасрига келаётганда йўлда Кансанинг кир ювувчиси (*raja*) кирларни ювиб, қуритиш учун осиб қўйганида, Кришна ва Баларама ҳазиллашиб бу кирларни ерга улоқтирадилар. Хафа бўлган кир ювувчининг ҳақоратли сўқинишларидан жаҳли чиққан Кришна, уни уриб, ўлдириб қўяди. Бҳасанинг «Бала-чарита»сида шаҳар дарвозаси олдида Кансанинг маслаҳатчиси томонидан унга қарши қўйиб юборилган кутурган филни ҳам Кришна ўлдиради Кришна унга қарши чиқарилган муштумзўр курашчини, сўнг Кансанинг ўзини ҳам ўлдиради. Бироқ у Матхурани бошқаришни хоҳламайди ва илгари зўравон Канса томонидан зиндонга ташланган, сўнгра шаҳарнинг қонуний ҳукмдори кекса Уграсенани юртни бошқаришга ўтказиб қўяди.

<sup>969</sup> Қуйидаги жадвалнинг келиб чиқиш манбаи бизга номаълум. *Mādhava* (*мādҳав*), *Madhusūdana* (*мдасўдан*), *Trivikrama* (*тирбикарм*), *Ṣṛidhara* (*шрйдҳр*), *Hṣikeṣa* (*ршйкйш*), *Padmanabhi* (*пазмунāб*), *Damodara* (*дāmўзар*) ва б. – Вишну-Кришнанинг қадимги хинд адабиётида умуман кенг тарқалган исмлари. Шу исмлардан айнан Кришнанинг фақат ўзига тегишли исмлар қуйидагилар: Кешава, Мадҳава, Говинда, Мадҳусудана, Хришикеша ва Дамодара.

<sup>970</sup> Кансанинг қайнотаси Жарасандха, Магадҳанинг подшоҳи, Канса йикитилганидан кейин Матхурага ўн саккиз марта ҳужум қилган ва Кришна ўз халқи билан денгиз кирғоғига (ҳозирги Гужарот) ҳудудига кўчишга мажбур бўлган. У ерда мустаҳкам Дварака шаҳар барпо қилади. У ўзининг муҳташамлиги билан шуҳрат қозонади, – пураналар шундай ҳикоя қилади. Беруний бу афсонавий шаҳарни Барўда (*Barodā, bārūīa*) билан идентификация қилади, у ҳам Гужаротда, денгизга яқин жойлашган.

<sup>971</sup> Каурава (*Kaurava, каврав*), яъни «Курунинг авлоди». Каурава деб ҳинд эпосида одатда Дҳритараштранинг ўғилларига айтилади, гарчи Куру, шунингдек, Панду ва унинг ўғилларининг (булар Кауравадан фарк қилиб, Пандавлар деб аталганлар) аждоди бўлган бўлса ҳам.

<sup>972</sup> Бу ҳақда «Маҳабҳарата»нинг иккинчи китобида («Сабҳа-парва», яъни «Мажлис ҳақида китоб») ҳикоя қилинади. Пандавларга қарши фитнанинг асосий ташаббускорлари Дурйодхана, Дҳритараштранинг катта ўғли ва Шакуни, Куравларнинг тоғаси эди. Дҳритараштранинг ўзи бу шароитда бетараф бўлиб турган Юдҳишитҳира, Пандавларнинг энг каттаси билан ўйинни асосан Шакуни олиб боради. Шакуни Юдҳишитрадан Пандавларнинг барча мулкларини ютиб олади, натижада булар ўйин шартига кўра, ютқизган ерларидан 13 йил қувгин бўлишлари керак ва шу муддат давомида ҳеч кимга кўринмасликлари керак эди. Агар уларнинг бу даврдаги манзили ошқор бўлиб қолса, улар яна 13 йилга қувгин бўлишлари керак эди.

<sup>973</sup> Бу ҳақда «Маҳабҳарата»нинг бешинчи китобида («Удиога-парва», яъни «Тинчликни сақлашга уриниш китоби», 7-боб) баён қилинади.

<sup>974</sup> Беш оға-ини Пандавларнинг исмлари (каттадан кичикка): Юдҳиштҳира, Бҳимасена (*Bhimasena, баҳймасйну*), Аржуна, Саҳадева (*Sahadeva, сұхāдйв*), Накула (*Nakula, наклу*).

<sup>975</sup> Курукшетрада жанг қилган 18 акшаҳинидан, эпосга кўра еттитаси Пандавларники, ўн биттаси – Кауравларнинг аскарлари эди (қаранг: «Маҳабҳарата», 5-к., 151-боб, 155).

<sup>976</sup> Қаранг: «Маҳабҳарата»нинг 16–18-китоблари. Бироқ эпосга кўра, Кришна ва беш Пандавлар буюк жангдан 36 йил ўтганидан сўнг ўлганлар («Маҳабҳарата», 16-к., 1-боб).

<sup>977</sup> Кришна ва бутун Ядавлар уруғининг халок бўлиши тарихини Беруний «Маҳабҳарата»нинг 16-китобига кўра («Маусола-парва», яъни «Гурзи ҳақида китоб») баён қилган. Баъзи тафсилотлар, балки «Вишну-пурана»нинг қандайдир кўринишидан олинган (к. 5, 37). Асл манбадан асосий четланишларни кўрсатамиз. Ҳиндлар ривоятига кўра, ёш Ядавлар ҳазилкашликларини Дурвасас (*Durvāsas, дрбāсх*, қаранг: Калидасанинг драматик тахминиди Шакунтала ҳақида ҳикоя) устидан эмас, бошқа риши (Вишвамित्रа, Канва, Нарада) устидан қилганлар. Аёллар кийимига ўралиб олган Шамбада, темир гурзи туғилади. Уграсена, Ядавлар подшоҳи уни майдалаб, кул қилиб, денгизга сочиб юборишни буюради. Кришна, уни антилопа деб ўйлаб, билмай отиб қўйган овчининг ўқидан ўлади. Бу воқеа Ядавларнинг ўзаро киргинларидан кейин (бу ҳам унда иштирок этган эди) Прабҳасада денгиз соҳилида (ҳозирги Гужарот ҳудудидаги Соманатх яқинида) содир бўлади. Аржуна Ядавларнинг хотинлари ва

болаларини кутқариш учун Кришнанинг ўлиmidан кейин келган; ўшанда у Кришна билан эмас, Кришнанинг отаси Васудева билан учрашади.

<sup>978</sup> Пандавларнинг Гималайга охирги саёҳати ҳақида «Маҳабҳарата»нинг ўн еттинчи китобида баён қилинади. Фақат Юдҳиштхира йўлнинг охиригача етади ва жаннатга тушади. Юдҳиштхиранинг вақтинча дўзахга тушиши (аввалги қилган гуноҳи – Дронани алдагани учун) ва унинг осмонга қайтиб келиб, ака-укалари билан учрашгани ҳақида эпоснинг охирги, ўн саккизинчи китобида баён қилинади.

## XLVIII БОБ

<sup>979</sup> Акшауҳини (akṣauhiṇī, *акшўҳанӣ*) – қадимги Ҳиндистонда анъанавий ҳарбий бирикма: 21870 та фил, яна шунча ҳарбий арава, 65610 та отлик аскар ва 109350 пиёда аскардан иборат бўлган. Акшауҳини 10 аникинича (anikini, *анӣганӣ*) бўлинган, аниқини ўз галида яна майда бўлинмаларга бўлинган: чаму (*сати, чаму*); притана (pṛtanā, *партану*), ваҳини (vāhiṇī, *бāҳину*), гана (*гаға, ган*), гулма (*gulma, гули*; гоҳо ваҳини билан тенглаштирилади), сена ёки сенамукҳа (senāmukha, *сӣнāмуҳ* – «илфор, айғоқ»); 3 фил, 3 арава, 9 отлик, 15 пиёда, гоҳо – уч марта катта бўлим), патти (*patti, патт*) – Берунийдаги бўлинишда. Шунда бир патти – бир фил, бир арава, 3 отлик ва 5 пиёдадан иборат бўлади. Ратҳа (*ratha, рутв*) – «ҳарбий арава».

<sup>980</sup> Биздаги рух – ҳиндча рухнинг варианты, лекин асли тўғриси ратҳа.

<sup>981</sup> Захауниг тахмин қилишича (*Sachau. India, transl., II, p. 355*), Иоанн Малаланинг хроникасидан ёки шунга ўхшаш асардан фойдаланган. Манкалус – балки Муртiлoс – Миртилий Зевснинг ўғли ёки Гермес ўғли, Энемеос араваси билан боғланса, эҳтимол. Негадир Александр Афродизий бу ерда «Афродисий Ҳиндий» деб аталган. Албатта, у ҳинд бўлмаган, лекин ҳинд фалсафаси билан шуғулланган. Балки шунинг учун унга шу лақаб берилгандир.

<sup>982</sup> Бу нақл Аратнинг «Зоҳирот»идан (VIII бобнинг 259-изоҳига қаранг) олинган ва Эратосфенда учратилади (*Sachau. India, transl., p. 355*). Ер – Гея назарда тугилади, Эрихтоний – асл нусхада юнонча Ἐριχθόνιος – Гефест ва Геянинг ўғли – атамасининг транскрипцияси. Куёш – бу ерда Феб назарда тугилади.

<sup>983</sup> Науһава (*ҳавҳав*) – иборанинг келиб чиқиши маълум эмас.

<sup>984</sup> Захауниг фикрича (*Sachau. India, transl., p. 355*), 284323 рақами 284310 ўрнига хато кўрсатилган. Лекин бу рақам ўзгартирилмаслиги керак, чунки қуйида муаллиф у билан амал қилади.

## XLIX БОБ

<sup>985</sup> Kalikāla (*каликāl*) – «Кали даври», *кали-юганинг ўзи*.

<sup>986</sup> Pāṇḍavakāla (*пāндавакāl*) – «Пандавлар асри».

<sup>987</sup> Беруний ҳар хил эраларни солиштириш учун бошланғич вақт деб, Шака эраси 953 йили чайтра ойининг биринчи кунини танлаган; бу 1031 йил 25 февралга (хижрий 422 йил 28-сафарига ёки Яздигард эраси 399 йилининг 19-исфандар музмоҳига тўғри келарди). Яздигард 400 йилининг Наврўз куни, яъни йилнинг

биринчи куни милодий 1031 йил 9 мартага, юлиан даврининг 2097686 кунига тўғри келган (*Schram*: қаранг: *Sachau*. India, transl., p. 358).

<sup>988</sup> «Важра айтди: «Мен эшитмоқчиман, шу порлок Браҳма туғилганидан бери қанча вақт ўтди?» ... Маркандея деди: «Ҳозирги Браҳма туғилганидан бери саккиз йил ўтди ... ва беш ой – унинг кунлари ўлчамиди; кейин ҳозирги [Браҳма] кунидан тўрт кун ўтди ... шунингдек, олти Ману (манвантара) ва етти сандҳи ва 27 чатурюга ўтди. Ҳозирги чатурюга бошланганидан бери уч юга ўтди ва сенинг ашвамедҳийинггача кали-юганинг ўн йили икки ҳафтаси билан ўтди... Билағон, до-нишмандлар ҳар бир олам ҳокими (яъни, Браҳма) ўз ниҳоясига етишини билиб, ўша чўққига, яъни Вишнуга олий қадам (*parama-pada*, *paramapada*) йўлини излайди» («Вишну-дҳармоттара», I, 80-боб, 1–6, 8–9). Беруний 5-мисрадаги ярим ой дивияни тушириб қолдирган.

<sup>989</sup> Беруний бу ерда Браҳманинг ҳаёти муддатини ўзи асос қилиб олган санагача, яъни кали-юганинг 4132 йилигача ўтган муддатини ҳисоблаган. Унинг ҳисоблари ҳиндларнинг вақт ўлчамлари нуктаи-назаридан тўғри (*Schram*: қаранг: *Sachau*. India, transl., II, p. 358–359).

<sup>990</sup> Вишнунинг Бали устидан афсонавий (пакана аватара) давридаги ғалабаси еттинчи манвантара бошига тўғри келган («Вишну-пурана», 3-қт., 1-боб).

<sup>991</sup> «Маркандея (Важра саволига жавобиди) деди: Эшитгин, эй шоҳим, калпалар ўхшашлигига қарамай, улар орасидаги фарқни...» (Бундан кейин матнда сукут бор.) «...Худди ўтган калпадагидек, олтинчи манвантара ўтганидан кейин еттинчисининг йигирма тўртинчиси трета-югасида, ўшанда, эй шоҳ, Рама жангда Равани лашкари билан йўқ қилганида, ўшанда, эй шоҳ, ўша Рама Кумбҳақарани ўлдирди...» («Вишну-дҳармоттара» I, 81-боб, 23–25). «Шу калпада олтинчи манвантара ўтганидан кейин [еттинчисининг] йигирма тўртинчи трета-югасида, Рамани лашкари билан йўқ қилди, Лакшманани ҳам, эй шоҳ, Кумбҳақарни ўлдирди» (ўша асар, 82-боб, 7–9). «Ва Раманинг бу муқаддас умри ... Валмики томонидан куйланган. Ўтган калпада юз берган нарса, мен айтдим, эй шоҳ, Юдҳишитҳарага ...Камияка ўрмонида» (ўша асар, 81-боб, 26–27). Бюлернинг фикрича, 81-бобда асл нусха матни бузилган; маъноси бўйича 23-шлокадан кейин келадиган байт, хато бўлиб, 82-боб (7–9) бобга ўтиб қолган, у ерда эса матн тартиби билан ҳеч боғлиқ эмас. Беруний таржимаси шу фикрни тасдиқлайди; бироқ у фойдаланган матнда ҳам сукут бўлганга ўхшайди (биринчи жумладан кейин «...еттинчи манвантарадан кейин» қаранг: IA, 1890, vol. 19, pp. 390–391). Лакшмана (*Lakṣmana*, *лкимн*) – Раманинг ўғай укаси, унинг саргузаштларида ва Ланкага юришида ҳамроҳ бўлган. Кумбҳақарна (*Kumbhakarṇa*, *суҳнбакарн*) – махлук, Раванинг акаси, Рама томонидан Ланкадаги жангда ўлдирилган. Калиякавана (*Kātyakavana*, *кāmкабан*) – «Камияка ўрмони» Сарасватининг қирғоғида, у ерда, ривоятларга кўра, Пандавлар қувғинликни ўтказганлар. Бу ерда Маркандея Юдҳишитҳарага Раманинг тарихини айтиб берган (қаранг: «Маҳабхарата», 3-қт., 273–290-боб).

<sup>992</sup> Браҳма ҳаётининг 6608 калпаси 26423470080000 йилни ташкил қилади; олти манвантара – 1866240000 йил; йигирма етти чатурюга – 116 640000 йил; учта юга –

3 240 000 йил. Бу сонларнинг ҳаммасини қўшиб ва йиғиндига 4132 ни қўшиб, 26 425 456 204132 йилни ҳосил қиламиз (*Schram*; қаранг: *Sachau*. India, transl., II, p. 359).

<sup>993</sup> Кала-явана (*Kālayavana*, *кālжмн*), тўғрироғи: «*Yavanakāla*» – «варварлар (юнонлар) эраси», ҳинд манбалари бўйича бизга номаълум эра. Балки бу мусулмон мамлакатларида ўрта асрларда машҳур бўлган ва милоддан аввалги 312 йил 1 октябрида бошланган «Искандар эраси»дир.

<sup>994</sup> Кўрсатилган йил ҳисобларидан фақат «Викрамадития» ва «Шака» кенг тарқалиб, ҳинд адабиётида бизнинг замонимизгача етиб келди. Шри Ҳарша (*Śriharṣa*, *шрихриш*), Валабҳа (*Valabha*, *билаба*) ва Гупта (*Gupta*, *қубита*) эралари уларнинг номи билан аталган сулола ёки подшоҳлар тугаши билан муомаладан чиқиб унутилган.

<sup>995</sup> Шри Ҳарша ёки Ҳаршавардҳана (606–677), Канаужнинг ҳокими, шимолий Ҳиндистоннинг кўп қисмини ўз ҳукми остида бирлаштирган. Ҳарша империяси унинг ўлимидан кейин тарқалиб кетган. Викрамадития эрасининг 664 йилига бизнинг 606 йилимиз мос келади, яъни Ҳарша ҳукмронлигининг биринчи йили. Лекин баъзи тадқиқотчилар Ҳаршанинг биринчи йили деб 612 йилни ҳисоблайдилар (қаранг: *NCIP*, vol. 3, pp. 115–116).

<sup>996</sup> Шаштиябда (*ṣaṣṭyabda*, *шадабуд*) – «олтмиш йиллик [юпитер цикли]». Чандрабижа (*sandrabija*, *санбаджар*, *жндрбйр*; яъни «қамарий ҳисоб») – ибора ҳинд адабиётидан бизга маълум эмас. Викрамадития эраси мил. авв. 58 йилдан бошланиб, кўпчилик ҳозирги замон тадқиқотчиларининг фикрига кўра, скиф-парфий келиб чиқишга эга. Бу сана Дрангиананинг биринчи мустақил парфий ҳокими подшоҳлигининг бошланиш йили бўлса керак. Кейинчалик Ҳиндистонда уни афсонавий подшоҳ Викрамадитиянинг номи билан боғланган ва у скифларни мамлакатдан ҳайдаган дейилади (қаранг: *NCIP*, vol. 2, pp. 125).

<sup>997</sup> «Шака эрасининг» («Скиф эраси») боши эрамизнинг 78 йили ҳисобланади. «Шака эраси», одатда, «Канишка эраси»нинг айнан ўзи дейилади. Бу ерда Беруний «Шака» номи остида Шимолий Ҳиндистон ва Жанубий Ўрта Осиёда ҳукм сурган кушон подшоҳи Канишка I ни назарда тутаётган бўлиши мумкин. Лекин Канишка афсонавий Викрамадития томонидан енгилмаган ва Ҳиндистондан қувғин қилинмаган. Карура (*Karūra*, *карўра*) номли мавзе Мўлтон билан Лони (*Loni*, *лвнӣ*) орасида жойлашган «Шоҳнома»да эслатилади (қаранг: *Elliot*, vol.I, pp. 139, 143, 207).

<sup>998</sup> Валабҳа эраси милодий 318 йили бошланган ва ҳозирги Гужарот худудида бўлган давлат, сулола ва шаҳар билан боғлиқ.

<sup>999</sup> Гупта империяси, Шимолий Ҳиндистонни мил. IV–V асрларда бирлаштирган, милодий 320 йили бошланган эрага ном берган.

<sup>1000</sup> «Самватсара» иборасининг маъноси «Викрамадития эрасининг йили» ёки «йил».

<sup>1001</sup> *Lokakala* (*лвқакāl*) атамасини «халқ йил ҳисобга» деб таржима қилса бўлади.

<sup>1002</sup> Канир (*Kanīr*, *кнӣр*), Бардари (*Bardarī*, *брдрӣ*), Маригала (*Mārigala*, *марӣклҳ*) шаҳарларининг ўрни аниқланмади. Беруний Маригалани Такшашила билан айнанлаштиради. Канингэм Шаҳдесдан икки мил масофадаги Маргала тоғ тизмасини эсла-

тади (қаранг: *Sachau*, India, transl., p. 360). Нираҳара (Nirāhāra, *нираҳара*), Нагараҳара бўлса керак, Кобул ва Суркҳар дарёларининг қўшилиш жойида, Жалолобод яқинида жойлашган (*Nundo Lal Dey*. pp. 134, 141).

<sup>1003</sup> Дурлабҳа Мўлтоний (Durlabha, дурлаб) – икки марта эслатилади. Laukikāla (*лвакакала*) – «дунёвий йил ҳисоби».

<sup>1004</sup> Барҳатекин (*брхткйн*) – Кобулнинг исломгача давридаги турк подшоҳи, сулолага асос солган; Кобул ва шимоли-ғарбий Ҳиндистонга турклар, одатдагидек, Ўрта Осиёдан эмас, Тибет орқали келган. Беруний Кобулдаги турк подшоҳлиги ҳақида «Қонуни Масъудий»сида ҳам айтган (қаранг: *Беруний Абу Райҳон*. Танланган асарлар, V ж., 1-китоб, 424-б.). Яна куйида 25-изоҳга қаранг.

<sup>1005</sup> Вар – Var ёки Var (*бвр*).

<sup>1006</sup> Каник (Kanik ёки Kanikki, *канк*), Захаунинг кўрсатишича, исм Kaniṣka исмининг ўрта ҳиндча кўриниши бўлиши мумкин. Viḥara (*бвр*) – буддавий монастыр, Puṣṣavāg (*бртāvр*) – ҳозирги Пешовар. Kanikkucāitya (*кнкжйт*) – «Канишканинг чайтияси (ҳарам, одатда – ғордаги ҳарам)».

<sup>1007</sup> Яъни, бўйсундириш белгиси.

<sup>1008</sup> Бу тарих Муҳаммад Ауфийда келтирилган (қаранг: *Elliot*, vol. II, pp. 170); бироқ Низомуддинда бу хабар йўқ (қаранг: Introduction to the Jawāmi‘u‘l-Hukāyat of Muḥammad ‘Aufī, by M. Nizāmu‘ddin (GMS, NS, VIII), London, 1929).

<sup>1009</sup> Лагатурман (Lagatūrmān, *лгатурмāн*) – Гандҳара ва Кобул дарёси водийсида ҳукм сурган Шоҳия турк сулоласидан подшоҳ (IX а.). Каллар, унинг вазири – браҳман, Лагатурманни тахтдан тушириб, ҳиндча Шаҳи сулоласига асос солган; уни «Ража-гарантни»да эслатиладиган Лаллия-Шаҳи билан айнанлаштирилади. Лаллиянинг ўлимидан кейин унинг тахтини қандайдир Саманта (Sāmanta, *сāманд*), зўрлик билан олади; бироқ тез орада Лаллиянинг ўғли Тўраман, ўз ҳуқуқини тиклаб олади ва тахтга Камалука (Kamalū, *камалӯ*) номи билан ўтиради. Камалукадан кейин тахтга ўғли Бҳима (Bhīma, *бҳйм*) ўтиради. X аср охири чорагида тахтга ўтирган Жаяпала (Jayapala, *жйпāl*) ёки Жайпал Бҳиманинг ўғли эмас эди. Аммо Бҳима билан Жайпал оралиғида ҳукм сурган подшоҳларнинг номи маълум эмас. Бу сулоланинг охири намояндалари: Анандапала, Трилочанापала (Trilocanapāla, *трвжнпāl*) ва Бҳимапала (Bhīmapāla, *бҳймпāl*) ислом давридаги подшоҳлар эди (қаранг: NSIP, vol. IV, pp. 111–114).

## L БОБ

<sup>1010</sup> Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Устоз Бундод ас-Сарахсий (IX–X а.) математик ва астроном, Хуросондаги Сарахс шаҳридан. Беруний ўзининг «Геодезия» (158-б.), «Қонуни Масъудий» (2-китоб, 57, 251-б.) асарларида ҳурмат билан тилга олган. Лекин «Ҳиндистон»ни рус тилидаги нашрининг муаллифлари L-боб 1-изоҳида бу олимни Аҳмад ибн ат-Таййиб ас-Сарахсийга нисбатан салбий муносабатда бўлиб, уни сохтакорликда айблаган (қаранг: *Беруни Абу Райҳан*. Памятники минувших поколений [Хронология] / Перевод с арабского М. Салье / Дополнения, исправления,

подготовка к печати, а также вводная статья, комментарии и указатели А. Ахмедова. 2-е издание – Ташкент. 2014, С. 220, 292, 293, 294).

<sup>1011</sup> Инглиз тилидаги нашрда бу рақам: 57 753 300.

<sup>1012</sup> Инглиз тилидаги нашрда бу рақам: 5 775 330.

<sup>1013</sup> Абул Ҳасан Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ал-Аҳвазий ал-Котиб (X а.) – асли Ҳузистоннинг бош шаҳри Аҳваздан, Бағдодда яшаган, ал-Хоразмий зижига шарҳ ёзган (қаранг: *Матвиевская, Розенфельд*. Математики и астрономы, т. 2, С. 148–149).

## ЛИ БОБ

<sup>1014</sup> Исломдан аввал араб тақвими шамсий-қамарий бўлган, яъни араблар қамарий йил – 354 куннинг шамсий йил – 365 кундан 11 кун камлигини «насий» деб атаб, уни икки йил ёдда сақлаб, учинчи йили «насийлардан» йиғилган 33 кунни «насий» оёи деб йил ҳисобига қўшганлар. Шунда уч йилдаги шамсий ва қамарий кунлар йиғиндиси бир-бирига тенг бўлган, яъни  $365+365+365=354+354+387=1095$ . Бу йил ҳисоби илк ислом пайтида ҳам амал қилган.

Лекин 632 йил январиди Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом умра ҳажини адо этиш учун 1000 тача ҳажжожлар ва кўп сонли қурбонликка мўлжалланган ҳайвонлар билан Маккага келди. Ўша кунлар «насий» ойининг кунлари кечаётган бўлган. Кейин ҳаж бошланганида, «Тавба» сурасининг 37-оят, яъни «насий» ойини бекар қилувчи оят, нозил бўлиб, ислом тақвими ҳақиқий қамарий тақвимга айланади.

<sup>1015</sup> *Malamāsa* (*млмāсх*) – кўшимча (ўн учинчи) ой, унинг давомида диний тадбирлар ман қилинган; *adhimāsa* (*'дмāсх*) – «кўшимча ой» ҳам шунинг айнан ўзи. Мала (*мл*), яъни «ифлос, гуноҳ» демакдир.

<sup>1016</sup> *Dūra* (*дурā*) – «давоми, кейинги» демакдир. *Dūrāśādha* (*др'шāр*) – «кейинги, кўшимча ашадҳа» демакдир.

<sup>1017</sup> «Бироқ Қуёш ўлчамига кўра (*sauga-māna*) йил ўтганидан кейин, диний ўлчамга кўра (*sāvāna-māna*), унга олти кун қўшиб, тўлдирилиши керак; шунинг учун ҳар бир йилда олти нафар унаратра бор, дейилади. Лекин шамсий йилнинг охирида қамарий ўлчамдагидан (*sāndra-māna*) ортиқ ўн бир кун қолади. Икки йил-у саккиз ой ва ўн олти кун ва тўрт нал (надика) кейин бир ой ортиқлик бўлади. Уни «адҳимаса» дейилади ва у мукофотга мўлжалланган диний маросимларга қулай эмас» («Вишну-дхармоттара», I, 72-боб, 19–23).

<sup>1018</sup> Шамсий йил ва қамарий йил орасидаги фарқ  $11 \frac{31}{480} \cdot 360 : 11 \frac{31}{480}$  ни ташкил қилади, буни 30 га кўпайтирсак, топамиз  $976 \frac{464}{5311} = 976 \frac{4146}{47799}$  (*Schram; Sachau*. India, transl., II, pp. 363, 364).

<sup>1019</sup> Беруний санскритча сўз *ādi* – «боши» – билан кўшимча *adhi* – «ортиқ, бошқа кўшимча»ни адаштираяпти ва ҳ.к. *Adhimāsa* – «кўшимча ой».

<sup>1020</sup> Ибора *padamāsa* (*базмāсх*) ҳинд адабиётида маълум эмас; *pada* (*пз*) – «қадам, турак». Захаунинг кўрсатишича, бу хато китобга Ал-Фазорий ва Яъқубнинг асарларидан кирган бўлиши мумкин (*Sachau*. India, transl., II, p. 364).

<sup>1021</sup> *Ahar* (*'хр*) – «кун»; *gana* (*гн*) – «йиғинди».

## LII БОБ

<sup>1022</sup> Бу қоида, аниқроқ айтганда, қуйидагича: аввал тўлиқ ўтган йиллар сонини 12 га кўпайтирилиб, кўпайтмага жорий йилнинг ўтган тўлиқ ойларининг сони кўшилади. Йиғиндида жузъий шамсий ойлар (*saugāhargaṇa*, *саврāхаргн*) ҳосил бўлади. Бу йиғинди сонни икки жойга ёзиб қўйилади; биринчи жойдагини 5311 га кўпайтирилиб, кўпайтмани 172800 га бўлинади. Бутун ойлардан иборат бўлинмани иккинчи жойдаги сонга кўшилади. Сўнгра йиғиндини 30 га кўпайтирилади ва кўпайтмага ўтаётган ойнинг ўтган кунларининг сони кўшилади. Йиғинди жузъий камарий кунлар йиғиндисидан (*sandrāhargana*: *жандрāхаргн*) иборат бўлади. Қаранг: *Sachau. India, transl., II, pp. 364 ff.*

<sup>1023</sup> Захауга ҳисоблашларга ёрдамлашган Шрамнинг айтишича, Беруний бу ҳисобда хатога йўл қўйган. Лекин Браҳмагуптанинг ҳисоблаш усулини Беруний томонидан баён қилиниши эканлигини унутмаслик керак.

<sup>1024</sup> «Ҳиндистон» русча нашрларининг муаллифлари шу ерда гўё Беруний ҳисоблашда хатога йўл қўйган ва агар Шрам усулига кўра ҳисобланса, натижа 720 535 951935 бўлиши керак деб, Захауга ҳавола қилишган (*Sachau. India, transl., II, pp. 365, 366*). Лекин Беруний баён қилаётган Браҳмагупта усулига кўра шакакала эрасининг 953-йилининг бошигача 6068 калпа ўтган, бир калпадаги кунлар сони эса 1 577916 450 000 бўлгани учун 6068 калпадаги кунлар сонини аниқлаш учун фақат бу икки сонни бир-бирига кўпайтирилса, натижа 9574757 018 600 000 бўлиб, Берунийдагининг айнан ўзи ва Шрам айтганидек, 720535951935 ҳосил бўлади. Бундан ташқари, ҳисобнинг давомида Беруний мазкур натижани 7 га бўлганда қолдиқ 5 бўлади, деб тўғри айтган. Лекин Шрам айтган натижани 7 га бўлсак, қолдиқ 2 бўлиши эса хато.

<sup>1025</sup> Аслида бу ерда юкорида келтирилган *адҳимаса* кунлари  $21829849018 \frac{103}{120}$  ни 30 га бўлинганда, адҳимаса ойлари  $727661633 \frac{3463}{3600}$ , яъни каср билан чиқади. Беруний  $\frac{3463}{3600}$  касрни олтишлик системага ўтказиб, унинг 28 кун 51 дақиқа ва 30 сония эканлигини таъкидлапти. У ҳолда бу муддат тўлиқ ойга тўлиши учун 1 кун 8 дақиқа 30 сония етмайди.

<sup>1026</sup> *Guṇakāga* (*гунгāр*) – «кўпайтирувчи»; *bhāgahāra* (*бхāгабахарх*) – «бўлиш, бўлувчи».

<sup>1027</sup> Бу рақам – 1 203 783 270 адҳимаса кунлари 35895750 (яъни, 1 196525 × 30) билан шамсий кунлар 1 167887520 йиғиндисидан иборат (*Schram; Sachau. India, transl., II, p. 366*).

<sup>1028</sup> Бу йиғинди 326 827 350 710 784 адҳимаса ойлари 9 745 709 750 784 ни «калпамиздаги» ойлар сони — 317 081 640 960 000 га қўшишдан ҳосил бўлади. Инглизча нашрда адҳимаса ойлар йиғиндиси – 326 827 535 710 784 хато берилган.

<sup>1029</sup> Рус тилидаги нашрда хатога йўл қўйиб, – «лунных лет», яъни «камарий йиллар» дейилган.

<sup>1030</sup> Шу рақам инглизча нашрдагидек, 153 416 869 240 320 бўлиши керак. Акс ҳолда айирма 9651 403 652 083 200 бўлмай, 9651 403652 080 320 бўлади.



<sup>1031</sup> Русча нашрда шу рақамга тузатиш деб 6816689600 рақами келтирилган. Лекин бу рақам 7 га қолдиқсиз бўлиниб, матнда кўрсатилганидек, 6 қолдиқ қолмайди.

<sup>1032</sup> Бу ерда «Брахма ҳаёти бошланишидан» деган ибораларни мажозий деб тушунмоқ керак, чунки бу ерда келтирилаётган рақамлар афсонавийлиги аён.

<sup>1033</sup> Шрамнинг айтишига кўра, Ариабхата усули юқорида келтирилган усулнинг айнан ўзи. Лекин у кўпайтириш ва бўлиш учун бошқа рақамларни келтирган. Юқоридаги жадвалда шундай рақамлар келтирилган: 4 320 000 Қуёш учун ва 57 753 336 Ой учун, яъни «Ариа-сиддханта»дагиларга мос келади (қаранг: *Sachau. India, transl., II, p. 367*).

<sup>1034</sup> Бу рақам «Ариа-сиддханта» матнидагига айнан мос келади (қаранг: *Bentley. Historical viva of the Hindu astronomy, p. 181*).

<sup>1035</sup> Яъни, 1031 йил 25 феввали, бунда кали-юга бошланган кундан (мил. авв. 3102 йил 18 феввалидан) ўтган кунлар сони 1 509 220 кун бўлади.

<sup>1036</sup> Бу охирги рақам калпадаги кунлар сони 1 590 540 840 000 ни калпалар сони 6068 га кўпайтиришдан ҳосил қилинган.

<sup>1037</sup> LI боб охирги абзацига қаранг.

<sup>1038</sup> Юқорида 1024-изоҳда кўрсатилган хатонинг қайтарилиши.

<sup>1039</sup> Шу ерда матнда бир неча ибора тушиб қолган. Шрам уни тахминан бундай тузатади: «... уч жойга ёзиб қўядилар; улар пастдаги сонни 77 га кўпайтирадилар ва кўпайтмани 69120 га бўладилар» (*Sachau. India, transl., II, p. 369*).

<sup>1040</sup> Бу ерда «шамсий кунлар»ни «камарий кунлар» деб ўқиш керак.

<sup>1041</sup> Яъни, жузъий камарий кунларнинг 11 га кўпайтмасига (*Schram; Sachau. India, transl., II, p. 369*).

<sup>1042</sup> Бу айтилган муносабатни Шрам ушбу  $\frac{A}{63\frac{1155}{15933}} = \frac{A-X}{65}$  тенглама билан ифода-лайди; бунда  $A$  – ойлар сони,  $X$  – айрилаётган қисм. Демак,  $65\frac{1155}{15933} : \frac{1155}{15933} = A : X$  (*Sachau. India, transl., II, p. 369*).

<sup>1043</sup> Яъни, каср  $\frac{89}{5400}$  кўринишни олади.

<sup>1044</sup> Беруний баёнини Шрам қуйидаги тенгламага келтирган:  $\frac{A+X}{\frac{703}{11}} = \frac{A}{63\frac{50663}{55739}}$ ;

$X = \frac{A}{403963\frac{9}{97}}$  Каср  $\frac{9}{97}$  ташланади (*Sachau. India, transl., II, p. 369*).

<sup>1045</sup> Шрамнинг айтишича, бу рақам 7739 бўлиши керак эди (*Sachau: ўша ерда*).

<sup>1046</sup> Яъни, шака-кала эраси 953 йилининг бошигача.

<sup>1047</sup> Бу шадда сўзининг ўқилиши шартли, чунки у, хинд тилида бўлиб, маъноси аниқланмади.

<sup>1048</sup> Бу ерда ҳам 1042-изоҳидагидек ҳол юз бераяпти: Бу гал тенглама  $\frac{A}{32\frac{35552}{66389}} = \frac{A-X}{32}$  кўринишни олади, бундан  $X = A \left( \frac{35552}{66389} \right) = A \left( \frac{1111}{67500} \right)$  (қаранг: *Sachau. India, transl., II, pp. 370–371*).

<sup>1049</sup> Бу ерда бўлувчи учун адҳимаса ойлари ўрнига шамсий кунлар сони 1 555 222 000 олинган. Бўлинма  $976 \frac{4336}{66389}$  га тенг бўлиши керак (*Sachau. India, transl., II, p. 371*).

<sup>1050</sup> Шрамнинг айтишига кўра, Пулиса келтирган рақамлар ва ҳисоблари тўғри. Чатурюганинг шамсий кунлари сони адҳимаса ойлари сонига бўлинади:  $1555200000 : 159226 = 976 \frac{4336}{66389}$ ; мавжуд шамсий кунлар сонини шу сонга бўлинса, мос адҳимаса ойлари сони ҳосил бўлади. Пулиса касрни ташлаб, 976 га бўлади. Берилган шамсий кунлар сонини  $D$  билан белгиласак, ушбу тенглама ҳосил бўлади:

$$\frac{D}{976 \frac{4336}{66389}} = \frac{D-X}{976}; X = D \left( \frac{104064}{1555200000} \right) = D \frac{241}{4050000}; \text{ (*Sachau. India, transl., II, p. 371*).$$

<sup>1051</sup> Шрамнинг айтишича, аксинча, айнан шу сон бўлувчи бўлиши керак. Чатурюгадаги шамсий кунларни  $S$  деб белгилайлик,  $A$  – чатурюгадаги адҳимаса ойлари сони бўлсин.  $S$  ни  $A$  га бўлиб, бутун сон ва касрини ҳосил қиламиз.  $Q$  ни бутун сон,  $R$  – касрнинг сурати десак,  $\frac{S}{A} = Q + \frac{R}{A}$  тенгламани ҳосил қиламиз.  $D$  – мавжуд шамсий кунлар сони. Адҳимаса ойлари сони тегишли сонини ҳосил қилиш учун  $D$  ни  $Q + \frac{R}{A}$  га бўламиз. Лекин агар биз  $Q$  га бўлишни истасак,  $D$  дан  $X$  сонини айиришимиз лозим, шунда ушбу тенглама ҳосил бўлади:  $\frac{D}{Q + \frac{R}{A}} = \frac{D-X}{Q}; X = D \frac{R}{AQ+R} = D \frac{R}{S};$  (*Sachau. India, transl., II, p. 372*).

<sup>1052</sup> Китобнинг рус тилидаги нашрида шу рақамга изоҳ берилиб, у 28 кун қисқа бўлиши керак, шунингдек, адҳимаса кунлари 21829849018 ҳам худди шундай дейилган (Беруни. Индия, С. 651, прим. 24; яна қаранг: *Sachau. India, transl., II, p. 371*). Бизнингча бу даъволар ўринсиз, чунки агар жузъ тулуий кунлар 720 635 951 963 ни 55739 га кўпайтирсак, кўпайтма 40 167 527 326 465 657 бўлади. Агар бу кўпайтмани 3506 481 га бўлсак, бўлинма 11 455 224 575 – унаратра нокис кунлари бўлади. Агар буни тулуий кунларга кўшсак, йиғинди 732 091 176 538 – қамарий кунлар чиқади. Буни 5311 га кўпайтириб, кўпайтмани 178 111 га бўлсак, ҳақиқатан ҳам 21 829 849 018 – адҳимаса кунлари чиқади.

<sup>1053</sup> Бу гал аввал 720 635 951 963 ни 55739 га кўпайтириб, кўпайтмани 3 506 481 га бўлинса ва бўлинмани тулуий кунларга кўшиб, 30 га бўлинса, қамарий ойлар, яъни 24 403 039 217 – қамарий ойлар сони ҳосил бўлади. Бундан адҳимаса ойлари (яъни, қамарий ойлар сонини 5311 га кўпайтириб, 178 111 га бўлинмаси), – у бутун сонларда 724661 333 ой, – айирсак, 23675 377 584 шамсий ой ёки 1 972 948 132 йил (каср ҳисобланмаганда) ҳосил бўлади (*Sachau. India, transl., II, p. 372, 373*).

<sup>1054</sup> Шрам ҳам Берунийнинг Яъқуб ибн Торик шаънига айтган танқидига қўшилади ва тузатишлар киритади. Немис ва рус тилларидаги нашрларда ҳам бу тузатишлар эътиборга олинган. Арабча матнда рақамлар аслида бундай:  $1196925 \frac{1335}{1500}$ ;  $30011600068626 \frac{51}{125}$ ; 578946; 1 175 471; 18 825 700; 53 264 130 (*Sachau. India, transl., II, p. 373*).

## LIII БОБ

<sup>1055</sup> Шрам таъкидлаганидек, қуйида ишлатилаётган рақамлар Брахмагуптага эмас, Пулиса системасига тегишли. Пулиса назариясига кўра, чатурюгадаги қамарий кунлар сони 1603 000 080 га тенг, *унаратра* кунлари сони 25082280 га тенг; десак *унаратра*нинг бир куни  $63 \frac{2281640}{25082280}$  бўлади; бу ердаги касрнинг сурати ва махражи 360

га қолдиқсиз бўлингани учун  $63 \frac{63379}{69673}$  бўлади. Агар берилган қамарий кунларни  $L$  десак, буни  $63 \frac{63379}{69673}$  га бўлишдан аввал ундан изланаётган  $X$  ни айирамиз, шунда

қолдиқни  $63 \frac{10}{11}$  га, яъни  $\frac{703}{11}$  га бўлинади. Тенглама  $\frac{L}{63 \frac{63379}{69673}} = \frac{L-X}{\frac{703}{11}}$  дан номаълум

$X$  ни ушбу кўринишда топамиз  $X = \frac{1}{111573 \frac{11}{11439}}$  ёки тахминан  $X = \frac{L}{111573}$  (*Schram:*

*Sachau. India, transl., II, pp. 373–375).*

<sup>1056</sup> *Авама* (avama, 'б м) – қамарий ва шамсий ойлар орасидаги фарқ, одатда 24 соатдан ҳисобланган кунлар сони билан белгиланади.

<sup>1057</sup> Бу ерда «бўлинма» деб бўлинманинг фақат бутун қисми 2125 ни айтилаяпти, унинг каср қисми – *авама*  $\frac{189}{703}$  эътиборга олинаяпти. Ҳақиқатан ҳам, 135780 дан 2125 айирилганда, айирма 133655 бўлади.

<sup>1058</sup> *Шакакала* эраси 953 йили чайтра ойининг биринчи куни юлиан тақвимининг 209786 кунига тўғри келади. Ҳисоблаш учун қабул қилинган эпоханинг (*шакакала* 587 йили) биринчи куни юлиан тақвимининг 1964031 кунига тўғри келади. Улар орасидаги фарқ 133655 кунни ташкил қилади (*Sachau. India, transl., II, p. 375).*

<sup>1059</sup> Яъни, милодий 1031 йилнинг 24 февраль куни.

<sup>1060</sup> Шрамнинг таърифига кўра, бу усул Пулисанинг назариясига асосланган. Бу назарияга кўра, *адҳимаса* ойлари сонини аниқлаш учун шамсий кунлар сонини  $976 \frac{4436}{66389}$  га, яъни тахминан  $976 \frac{2}{30}$  га ёки  $\frac{29282}{30}$  га бўлиш керак. Агар  $S$  – шамсий

ойлар сони десак, шамсий кунлар сони  $30 S$  ни  $\frac{29282}{30}$  ёки бошқача айтганда,  $900 S$  ни 29282 га бўлиш керак. Шака эрасининг 888 йили чатурюганинг 3 244 067 йилига мос келади; 3 244 067 йил 38628804 шамсий ойга тенг. Бу сонни 66389 га (чатурюга адҳимасасининг ойлари сони) кўпайтирилиб ва кўпайтмани 2 160 000 га (*чатурюга-*

*нинг* шамсий ойлари сони) бўлиб,  $1196502 \frac{4063}{180000}$  ни ҳосил қиламиз. Каср  $\frac{4063}{180000}$  ни  $660 \frac{172766}{186000}$  га ёки, тахминан, га тенглаштириш мумкин; шунинг учун 29 282 бўлишдан

аввал  $900 S + 661$  амални бажариш керак (қаранг: *Schram: Sachau. India, transl., II, p. 375).*

<sup>1061</sup> Шрамнинг айтишига кўра, 780 ойга, 23 *адҳимаса* ойини кўшсак, 803 сони ҳосил бўлади; буни 30 га кўпайтирилса, арабча матндагидек 24060 эмас 24090 ҳосил бўлади.

<sup>1062</sup> *Унаратра* кунлари сонини топиш учун қамарий кунлар сонини  $63 \frac{63379}{69673}$  га, яъни тахминан  $\frac{703 \frac{2}{300}}{11}$  ёки  $\frac{210902}{3300}$  га бўлиш керак. Шакакала эрасининг 888 йили учун *чатурюганинг* қамарий кунлари сони 1 203 759 180 га тенг. Бу сонни 11 га кўпайтириб, топамиз 13 241 350 980; бу сондан юқорида 1055-изоҳдаги  $\frac{13241350980}{111173}$

ни ёки яхлитланган 118 679 ни айирамиз. Айирмани 703 га бўламиз ва *унаратра* кунлари сони 18835323  $\frac{232}{703}$  ни топамиз. Каср  $\frac{232}{703} = \frac{69600 \frac{161}{703}}{210902}$  бўлади. Шунинг учун 210 902 га бўлишдан олдин биз 3 300 L кўпайтмага, Беруний айтганидек, 67 106 ни эмас, 69 601 ни қўшишимиз керак (*Sachau*. India, transl., II, p. 375). Бу ерда кўрилган сонлар Заҳаунинг инглиз тилидаги таржимасига Шрам қилган тузатишлар асосида олинган.

<sup>1063</sup> Шрамнинг таъкидлашига кўра, бу усул юнонларнинг ўн тўққиз йиллик даври билан боғлиқ. Бир *адҳимаса* ойи  $32 \frac{4}{7}$  (яъни  $\frac{228}{7}$ ) шамсий ойга тўғри келади.  $\frac{228}{7}$  шамсий ой  $\frac{19}{7}$  шамсий йилга тенг (*Sachau*. India, transl., II, p. 375).

<sup>1064</sup> Яъни,  $32 \frac{4}{7}$  ойнинг айнан ўзидир.

<sup>1065</sup> Яздигард эрасининг боши 632 йил 16 июнида бўлган; бундан 40 081 кун кейин – 742 йил 12 март; Яздигард 110 йилининг 21 даймоҳи 742 йил 11 мартага тўғри келади (*Sachau*. India, transl., II, p. 379).

<sup>1066</sup> Шакакала эраси 735 йилнинг *вайшакҳа* ойи бошига тўғри келади.

<sup>1067</sup> Шрам тузатиш киритиб, 38 ни 28 деб ўқиш кераклигини айтган. У Беруний ҳисобларини ҳам шарҳлаган (қаранг: *Sachau*. India, transl., II, pp. 379, 380).

<sup>1068</sup> Бу ерда ҳафтанинг биринчи куни деб, хиндлар китобларидагидек якшанба куни эмас, жума куни қабул қилинган.

<sup>1069</sup> Шрамнинг айтишига кўра, бу ерда Беруний хатога йўл қўйган, чунки «ал-Ҳаркан» усули ўша 72 йилнинг ойлари айнан шамсий ой бўлганида тўғридир.

<sup>1070</sup> Бу ҳақда Шрам берган баҳо хусусида қаранг: *Schram*; *Sachau*. India, transl., II, pp. 380–382.

<sup>1071</sup> Дурлабҳа Мўлтоний усули ҳақида LII бобнинг 1042–1046 изоҳларида қўлланилган.

<sup>1072</sup> Шрамнинг кўрсатишича, бу усул билан Қуёш ва Ойнинг ўртача узунламалари фарқи аниқланади. Рақамлар Пулиса системасига тегишлидир. Қуёш ва Ойнинг бир *чатурюгадаги* даврлари айирмаси 53 433 336 га тенг бўлиб, – бу қамарий ойлари сонидир. Бу сонни 4320 000 га (*чатурюгадаги* шамсий йиллар сони) бўлинса, бўлинма  $12 \frac{132778}{360000}$  – шамсий йилдаги қамарий ойлари сони бўлади. Қуёш ва Ойнинг йиллик айланишлари айирмаси  $\frac{132778}{360000}$ , ёки  $132 \frac{778}{1000}$  даража  $132^{\circ} 46' \frac{34}{50}$  бўлади.

Йиллар сонини  $132^{\circ}46\frac{34'}{50}$  га кўпайтириб, излаган фарқни топамиз. Шака эрасининг 821 йили *чатурюганинг* 3244 000 йилига мос келади. 3 244 000 йилда Ой Куёшдан  $40124477\frac{112}{360}$  даврага ( $3\,244\,000 \cdot 53\,433\,336 : 4\,320\,000$ ) «Ўзиб» кетади. Демак, берилган вақтда Ой Куёшдан  $\frac{112}{360}$  даврага «олдинда» бўлади, (яъни,  $360^{\circ}$ лар)  $358^{\circ}41'46''$  нинг 12 га тақсими ва касрни *ғхати чашакаларга* айлантирамиз; натижада 29 кун 53 *ғхати 29 чашака* қолади, бу эса *адҳимаса* ойнинг  $\frac{44837}{45000}$  га тўғри келади. Беруний  $27^{\circ}23'29''$  ни  $328^{\circ}41'46''$  учун ҳосил қилади, лекин  $358^{\circ}41'46''$  учун эмас (қаранг: *Sachau. India, transl., II, p. 383, 384*).

<sup>1073</sup>  $132^{\circ}46'34''$  рақами хато ( $132^{\circ}46\frac{34'}{50}$  бўлиши керак). Демак, йил учун 11 кун 3 *ғхати 53 чашака 24'''* оралиқ мос келади; ойга эса –  $0^{\circ}55'19''27'''$ . *Адҳимасанинг* 30 кунига мос келадиган вақт муддати 2 йил 8 ой 16 кун 3 *ғхати 55 чашакани* ташкил қилади (*Sachau. India, transl., II, p. 384*).

<sup>1074</sup> Шу бобнинг охирида катта сукут борга ўхшайди, чунки келтирилган рақамларда мантикий боғланиш сезилмайди.

#### LIV БОБ

<sup>1075</sup> Шрам куйидаги ҳисоблаш тартибини келтиради: *калиюга* кунларининг йигиндиси *калтадаги* юлдуз даврлари сонига кўпайтирилади ва *калтадаги* оддий кунлар сонига, яъни 1577916 450 000 га бўлинади. Бўлинма сайёранинг *кали-юга* бошидан бери ўтган даврлари сонидир. Бунга *калта* бошидан ўтган даврлар сонини (яъни, сайёралар бошланғич ҳолатда бўлган ондан бери) кўшилади. Бизга аҳамияти йўқ бутун сонларни ташлаб бориб, касрларни қолдирамыз, чунки у сайёранинг ўрнини (даврининг қисмини) *калиюганинг* шу они учун кўрсатади. Браҳмагупта 1 577 916 450 000 га бўлишдан олдин кўшишни бажарган, бу тўғридир, чунки иккала касрнинг махражи бир хил. У асос дегани каср бўлиб, у сайёранинг *калиюга* бошидаги даврининг калпанинг оддий кунлари сонига кўпайтирилган қисмини билдиради; бу ерда ҳисобларда хатога йўл қўйилган. Касрни кунлар сонига (яъни, 1 577 916 450 000) кўпайтириш ўрнига, Браҳмагупта уни *калта* йиллари сонига, яъни 4320000 000 га кўпайтиради. Бундан куйида «асос»ларни аниқлашдаги хатолар келиб чиққан.

<sup>1076</sup> Бу рақамларнинг ҳаммаси хато. Шрам ушбу тузатишларни киритади: Марс – 1 573 813 867 230; Меркурий – 1 566 555 451 560; Юпитер – 1 575 549 575 325; Венера – 1 572 235 950 780; Сатурн – 1 572 551 534070; Куёш апогейи – 340 829 953 200; Ой апогейи – 550 061 674 470; кўтарилувчи тугун – 671 561 241 120 (*Sachau. India, transl., II, p. 386*).

#### LV БОБ

<sup>1077</sup> «Куёш ҳамма сайёралардан куйида ҳаракат қилади; ундан юқорида катта орбита бўйлаб Ой ҳаракат қилади. *Накшатралар* (Ой манзиллари) ўз орбиталарини Ойдан юқорида чизиб ўтади, накшатралардан юқорида – Меркурий, Меркурийдан

юкориди – Венера (Бхаргава); Марс (Вакра) эса – Венерадан юкориди, Марсдан юкориди – Юпитер (Грихаспати), ундан юкориди эса, илоҳлар раҳбаридан юкориди – Сатурн туради, Сатурндан юкориди эса, маълумки, Катта Айиқнинг (Sataṣṣayaḥ) орбитаси ўтади; Катта Айиқдан юкориди эса – Қутб юлдузи (Дҳрува), Дҳрува билан осмонлар боғланган» («Матсия-пурана», 128-боб, 71–74-шл.). Бу қондалар *пураналар* космографияси учун умумийдир. Ердан осмонгача масофа (яъни сайёраларнинг энг қуйидагиси деб ҳисобланган (Қуёшгача) пураналарда 100000 йўжанага тенг деб, Жамбу-двипанинг диаметрига тенг деб аниқланади (қаранг: *Kifel*, S. 128).

<sup>1078</sup> Солиштиринг: «Ваю-пурана», I, 53-боб: «Қуёш шарсимон шаклдаги олов бўлиб, ўзидан минглаб нурлар чиқаради. Минглаб нур билан у ҳамма ёқдан [сувларни] ўзига тартади ... Уларда тўрт юзта нур ёмғир ёғдиради (яъни, ёмғир учун сув йиғади)... бошқа уч юзта нур қор келтиради ... ва яна уч юзта нур ... иссиқ келтиради. Улар худди шунингдек инсонлар, аждодлар ва илоҳлар орасида тақсимланади. Улар инсонларни даволайдилар, аждодларни хурсанд қиладилар, барча илоҳларни амрита билан лаззатлантирадилар ... Баҳор ва ёзда Қуёш ерни уч юзта нури билан иситади, ёмғирлар мавсумида ва кузда – бошқа тўрт юз нурини сочади; қишда ва совуқ мавсумда у уч юзта нури билан қор келтиради» (18, 20, 21, 23–26). Биз асл нусхада Беруний қуйида келтирган парчанинг мосини топмадик, лекин «Ваю-пуранадан» олинган охириги иқтибосларни айнанлаштириш мумкин. «Тулуъ қилаётган Қуёшнинг алангали иссиғи ердаги олов кучининг чорагини ёндиради. Қуёш оловининг энергияси бўлмиш нури ва иссиқлиги ўзаро сингиб бориб, бир кун давомида кучаяди. Ернинг шимолий ярмида Қуёш кўтарилганида, жанубийсида – кеча сувларга чўмади. Шунинг учун кундуз ёки кеча яқинлашиб келаётганида сувлар қизил ранга бўялади» (12–14). [Мавжудликнинг] илк онларида Брахманинг намоён бўлмаган моҳияти мавжуд, у зулмат ичида эди ... унинг тўрт элементларидан бешинчиси – олов ажралиб чиқди. Сувлардан уч хил олов вужудга келган: чакмоқ олови, овқатни ҳазм қилувчи ва қуёшниги ... Осмонларда нурлари билан Қуёш ярқирайди, у сувларни ичади; оғоч билан овқатланувчи олов сувдан ўчмайди ва одамларнинг ичида ёнган алангани олов сўндира олмайди (6, 8, 9).

<sup>1079</sup> Бу иқтибос асл нусхада топилмади, шунингдек «Вишну-дҳармоттара»дан олинган бу бобдаги парчалар ҳам топилмади.

<sup>1080</sup> Tāra (tārḥ) – «юлдуз» сўзи ва шунингдек, tarḥa (*таран*) – «ўтмиш, кесишиш» сўзи умумий тўт «ўтмоқ, кечмоқ, кесиб ўтмоқ» ўзагига боради.

<sup>1081</sup> Nakṣatra (*накшатр*) – «юлдуз туркуми (Ой у орқали ўтадиган), Ой манзили». Бу сўзнинг илдизи пакṣ – «яқинлашмоқ, келмоқ, етмоқ» ҳисобланади. Беруний эса уни kṣi – «бузилмоқ» ўзагидан деб ҳисоблаган кўринади, инкор этиш юкласи па га берилган этимология тўғри эмас ҳисобланади.

<sup>1082</sup> Қуёш диаметри 9000 йўжана деб ҳисобланади. Унинг орбитасининг диаметри эса – уч марта кўп. Ой диаметри Қуёш диаметридан икки баравар катта ҳисобланади ... («Матсия-пурана», 128-боб, 57–58-шл.).

<sup>1083</sup> «Венера Ойнинг 1/16 га тенг ҳисобланади. Юпитер – Венерадан чорак қисми кичик, Марс ва Сатурн ... [ҳар бири] Юпитердан тўртдан бир ҳисобида кичик; Меркурий диаметри билан ҳам, орбитаси билан ҳам улардан тўртдан бир ҳисобида ки-

чик» («Матсия-пурана», 128-боб, 63–65-шл.). Шу миқдорларни биз «Ваю-пуранада» (53-боб, 66, 67-шл.) ва бошқа бир неча пураналарда ҳам кўрамиз.

<sup>1084</sup> «Ҳамма нарсадан юқорида юлдузлар жойлашган; айланалари 500, 400, 300, 200 ва 100 йўжанадан иборат; улар орасида ўлчами ярим йўжанадан кичик бўлгани номаълум» («Матсия-пурана», 128-боб, 67, 68-шл.). Яна қаранг: «Ваю-пурана», 53-боб, 68–70-шл. Ушбу – 400, 300, 200 рақамлари келтирилганидан сўнг «Ваю-пурана»да айtilган: «Шу кўрсатилган рақамларнинг ярмидан кичик сайёралар [борлиги] номаълум».

<sup>1085</sup> Ушбу парча асл нусхада йўқ. Накшатралар юқорида 1081-изоҳда юлдузларнинг европача атамалари билан мослаштирилган. Агастия Суҳайлга мос келади, Ваю юлдузи – Свати (Хўкизбоқарнинг α си) накшатраси, Аҳирбудҳния юлдузи – Уттара-праштхападаннинг (Пегас γ си) Андромеда α си накшатраси, Васиштха юлдузи – Қавс юлдуз туркуми. Курух, аслида кгоҶа – ҳиндча узунлик ўлчами, 1/4 йўжанага тенг.

<sup>1086</sup> «Ойнинг Қуёшга қараган ярми, ҳар доим Қуёш нурлари билан ёритилади, иккинчи ярми худди Қуёш нури тушган кўзага ўхшаб ўз сояси билан хиралашади. Ойнинг намлик табиати сабабли, ундан аксланган Қуёш нурлари тундаги коронгиликни ёритади. Худди кўзгуга тушган нурлар хонадаги коронгиликни кеткизганидек, Ой Қуёш остидан ғарбий йўналишда чика бошлаганида ёриша бошлагани учун у ердан узоклашгани сари кучлироқ ёриша боради. Шу аснода Ойнинг Қуёшдан масофаси ортгани сари, кундан-кунга унинг ёруғлиги ҳам кўпайиб боради», (Брихат-самҳита», 4-боб, 1–3-шл.).

<sup>1087</sup> «Китоб ал-маншурат» – Птолемей «Оптика»сининг бизга етиб келган арабча таржимаси.

<sup>1088</sup> Жадвални «Сурия-сиддҳанта»да келтирилган маълумотлар билан солиштиринг (12-боб, 82-шл. ва давоми): Ой – 324 000; Меркурий – 1043209; Венера – 2 664 637; Қуёш – 4 331500; Марс – 8 146 909; Юпитер – 51 375 764; Сатурн – 127 668 255; юлдузлар – 259890 012.

<sup>1089</sup> Инглиз тилидаги таржимада «54 182 089».

<sup>1090</sup> Инглиз тилидаги таржимада «25236637».

<sup>1091</sup> Бу ерда сукут эҳтимол: «КС ни ёдда қоладиган махражи бўлиши керак бўлгани учун» (*Schram. Sachau. India, transl., II, p. 387*) ўқиш керак.

<sup>1092</sup> Шрамнинг таъкидлашига кўра, соя доимий миқдордан иборатдир ва у «кам» ёки «кўп» бўлиши мумкин эмас. У Ер диаметрига тенг (қаранг: *Крачковский. Географическая литература, С. 92*).

<sup>1093</sup> Машҳур математик, астроном, географ ва муаррих Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783–848) «Зиж». Ушбу «Зиж»нинг рус тилидаги таржимаси ва қисман, ўзбек тилидаги таржимаси ушбу сатрлар муаллифи (А.А.) томонидан 1983 йили буюк олимнинг 1200 йиллик юбилейига нашр этилган (қаранг: *Муҳаммад ибн Муса ал-Хорезми. Астрономические трактаты. Вступит. статья, перевод и комментарии А. Ахмедова. – Ташкент, «Фан» 1983; «Зиж» – СС. 5–126; «Трактат об иудейском календаре» – СС. 126–137*). «Зиж»нинг 30-боби Ой диаметрини аниқлашга бағишланган (қаранг: Ўша асар, Б. 46–47, 152–155-изоҳлар). Яна қаранг: *Муҳаммад ибн Мусо*

*ал-Хоразмий*. Танланган асарлар. Математика, Астрономия, География / Кириш мақолалари, таржимон, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ашраф Аҳмедов. – Тошкент, «Фан», 1983.

## LVI БОБ

<sup>1094</sup> *Ал-миҳоқ* – яъни, ҳар бир ойнинг 28-, 29-кунлари.

<sup>1095</sup> Беруний бу ерда «саводсиз араблар» деб, уларнинг саҳройи бадавийларини назарда тутди. Лекин Берунийнинг қандайдир даражада ҳақ эканлигини Муҳаммад алайҳиссаломнинг унинг давридаги арабларнинг саводи ҳақида қуйидаги ҳадис тасдиқлайди: «Биз [яъни, араблар, – А.А.] саводсиз кишилармиз, хат битишни ва ҳисоб қилишни билмаймиз. Ойлар шунча, шунча ва шунча бўлади», – деган. Муҳаммад алайҳиссалом бу ишоратларнинг ҳар бирида ўн панжасини кўрсатган, яъни ойнинг тўла ўттиз кун бўлишини билдирган. Кейин яна қайтариб, «шунча, шунча ва шунча бўлади» деганда, учинчисида бошмалдоғини кафтига қайтариб, [ойнинг] тўлиқ эмас, йигирма тўққиз кун бўлишини билдирган» (қаранг: *Абу Райҳон Беруний*. Танланган асарлар, I жилд. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», – Тошкент, «Фан», 1968, 100–101-б.).

<sup>1096</sup> *Ан-Наср ал-Воқийъ* – «Йиқилаётган Бургут» – Лира юлдуз туркумининг  $\alpha$  юлдузи – Европада Вега – арабча Воқийъ сўзининг транскрипцияси; мусулмонларда манзиллар қаторига кирмайди.

<sup>1097</sup> Юқоридаги хатбошида Беруний жайнлар космографиясига алоқадор назарияни келтирган. Ҳақиқатан бу космографияга кўра, Жамбу-двипа тепасида 2 та қуёш, 2 та ой ва 56 та юлдуз туркуми (*nakṣatra*) бор ҳисобланади (қаранг: *Kirfel*. S. 279).

<sup>1098</sup> Инглиз тилидаги таржимада: «Даражалар дақиқаларга айлантирилган».

<sup>1099</sup> Юқорида XIX бобнинг 669-изоҳига қаранг. Беруний ҳиндларнинг Ой манзилларининг жадвалини ўзининг «Қонуни Масъудий»сида ҳам келтирган (қаранг: *Абу Райҳон Беруний*. Танланган асарлар, V жилд, иккинчи китоб, – Тошкент, «Фан», 1976, 374–376-б.).

<sup>1100</sup> Яъни Ҳамалнинг  $10^\circ$  ва  $20^\circ$  даражалари орасида.

<sup>1101</sup> *Аш-Шаратан* – الشيطان «Икки белги», Европада Шератан, арабча номнинг транскрипцияси, Ҳамал буржининг  $\beta$  ва  $\gamma$  юлдузлари; мусулмонларда ҳам Ойнинг биринчи манзили.

<sup>1102</sup> *Ал-Бутайн* – البطين – «Қоринча», Ҳамалнинг  $\delta$ ,  $\epsilon$ ,  $\rho$  юлдузлари, бундай аталишининг сабаби – улар Ҳамалнинг қорнида жойлашганлиги, қисқароқ аташ эса бу манзил 28-манзилдаги «Балиқ қорни»дан (بطن الحوط) кичиклигидир.

<sup>1103</sup> *Ас-Сурайё* – الثريا – «Плеядалар», яъни «Плейоннинг қизлари» – Савр юлдуз туркумидаги ёрқин юлдузлар тўплами, етти юлдуздан иборат. Бу юлдузларнинг бири – Саврнинг  $\eta$  си Альцион деб аталади. Мусулмонларда ҳам Ойнинг 3-манзили деб ҳисобланади.

<sup>1104</sup> *Ад-Дабиран* – الدبران – лотинча номи «Альдебаран» шу арабча атаманинг транскрипцияси; арабча ном (Сурайёнинг) «изидан борувчи» маъносини билдиради; Саврнинг  $\alpha$  юлдузи. Мусулмонларда ҳам Ойнинг 4-манзили ҳисобланади.



<sup>1105</sup> *Ал-Ҳақъа* – *الهقعة* – «Сочлар ҳалқаси», «Жаббор» (Орион) юлдуз туркумидаги  $\lambda$ ,  $\alpha'$ ,  $\alpha''$  юлдузлари; муслмонларда ҳам Ойнинг 5-манзили ҳисобланади.

<sup>1106</sup> Шу ерда бир ажабланарли воқеа содир бўлган: Беруний 1031 йили ёзган аса-ри, «Қонуни Масъудий»да 6-манзилни «номаълум» эмас, аниқ қилиб, «Ҳанъа» *الهنة* – деб атаган. Демак, «Ҳиндистон»ни ёзиб тугатган 1030 йили ҳали бу юлдуз 6-манзил эканлигини у билмаган. Бу манзилга «Эгизаклар» юлдуз туркумларининг 17)  $\gamma$  ва  $\xi$  юлдузлари кирган Европада  $\gamma$  юлдузнинг номини арабчадан транскрипция қилиб «Альҳени» дейилган.

<sup>1107</sup> *Аз-Зираъ* – *الذراع* – «Тирсак», Эгизаклар туркумининг  $\alpha$  ва  $\beta$  юлдузлари, «Кастор» ва «Поллукс»; бу икки исм қадимги юнон афсоналарига кўра, Зевс ва Леданинг ўғиллари – эгизакларнинг номлари. Муслмонларда ҳам бу юлдузлар 7-манзилнинг юлдузлари ҳисобланган.

<sup>1108</sup> *Ан-Насра* – *النثرة* – Саратон юлдуз туркумининг  $\gamma$ ,  $\delta$ , ва  $\epsilon$  юлдузлари.

<sup>1109</sup> Бу манзил билан ҳам Берунийда аҳвол 6-манзилдагидек бўлган. «Қонуни Масъудий»да Беруний бу юлдузни «Ат-Тарф» – *الطرف* – «Кўз» деган. Бу 9-манзилга у Саратоннинг  $\eta$  ва Асаднинг  $\lambda$  юлдузларини киритган.

<sup>1110</sup> *Ал-Жабҳа* – *الجبهة* – «Пешона», Асаднинг  $\alpha$  (Регул),  $\gamma$ ,  $\eta$  ва  $\zeta$  юлдузлари. Асад  $\alpha$  юлдузининг номи Регул – лотинча *regulus* – «шаҳзода», Асаднинг номи «Шоҳона» билан боғлиқ.

<sup>1111</sup> *Аз-Зубра* – *الزبرة* – «Тўсин», Асаднинг  $\delta$  ва  $\eta$  юлдузлари.

<sup>1112</sup> *Ас-Сарфа* – *الصفرة* – «Бурилиш», Асаднинг  $\beta$  (Денебола) юлдузи ва Верониканинг Сочлари юлдуз туркумининг 7, 15 ва 23 юлдузлари.

<sup>1113</sup> «Қарга юлдузларидан» ибораси умумий тарздаги, ноаниқ ибора. Лекин «Қонуни Масъудий»да Беруний аниқ қилиб 13-манзил юлдузларини «Қарганинг ромбидан ташқаридаги юлдузлар» деган. Умуман «Қарға» юлдузлари: 1)  $\alpha$ , 2)  $\epsilon$ , 3)  $\zeta$ , 4)  $\gamma$ , 5)  $\delta$ , 6)  $\eta$ , 7)  $\beta$ . Шулардан  $\alpha$ ,  $\delta$ ,  $\epsilon$  ва  $\eta$  юлдузлар ромбни ташкил қилади. Демак, 13-манзил юлдузлари  $\zeta$ ,  $\gamma$  ва  $\beta$  юлдузлардир.

<sup>1114</sup> *Ас-Симақ ал-Аъзал* – *السمك الاعزل* – «Қуролсиз Симақ», қисқа қилиб Симақ ҳам дейилади, Азронинг  $\alpha$  юлдузи (Спика). «Спика» сўзи лотинча *spica* – «бошок», сўзидан бўлиб, Азронинг иккинчи номи «Сунбула»га мос келади.

<sup>1115</sup> *Ас-Симақ ар-Рамиҳ* – *السمك الرامح* – «Найзадор Симақ», Арктур, Ҳўкизбоқар юлдуз туркумининг  $\alpha$  юлдузи Арабча Симақ сўзи *سمك* – «баланд бўлмоқ» феълидан олинган. Найза деб шу юлдуз ёнидаги кичик юлдуз назарда тутилган, бу юлдузни «Қуролсиз Симақ»дан (Спикадан) фарқ қилиш учун шундай ном билан аталган. «Арктур» номи юнонча *Ἄρκτηρος* – «айиқларни кўриқловчи» атамасидан олинган: аввал «Ҳўкизбоқар»ни Катта ва Кичик Айиқни кўриқловчи деб ҳисобланган.

<sup>1116</sup> Беруний «Қонуни Масъудий»да 16-манзил юлдузини «Икки қисқич» – *الزبانين* – деб атаган ва унга Мезоннинг  $\alpha$  ва  $\beta$  юлдузларини жойлаштирган.

<sup>1117</sup> *Ал-Иклил* – *الأكليل* – «Тож», Акрабнинг  $\beta$ ,  $\delta$ , ва  $\pi$  юлдузлари.

<sup>1118</sup> Акраб қалби – *قلب العقرب* – «Қалб ал-Акраб» ёки фақат Қалб, Акрабнинг  $\alpha$  юлдузи, Европада Антарес. Ўз галида бу европача ном юнонча *ἄντᾱ* «ўрнига» ва *Ἄρῆς* – «Марс» сўзларидан ташкил топган бўлиб, бу ном шу юлдузнинг Марснинг рангига ўхшашлиги сабабли берилган.

*Нийт* — النياط — «Аорта», Акрабнинг Антаресдан икки тарафда турувчи б ва т юлдузлари.

<sup>1119</sup> *Аш-Шавла* — الشولة — «Ниш», Акрабнинг думи учигаги игнаси, Акрабнинг л ва v юлдузлари.

<sup>1120</sup> *Ан-Наъоим ал-Варида* — النعائم الواردة — «Дарёдан ўтувчи туякушлар», Ўқчи юлдуз туркумининг γ, δ, ε, η юлдузлари. Ҳинд астрономларининг қарашича 20-манзилнинг юлдузлари шулардан иборат. Лекин мусулмон астрономларида 20-манзилга Туякушларнинг ҳаммаси, яъни Ўқчи (Қавс) юлдузлар туркумининг γ, δ, ε, η, ζ, σ, τ, ва φ юлдузлари киритилган (қаранг: *Абу Райҳон Беруний*. Танланган асарлар V, жилд. Иккинчи китоб, Б. 373, 266-изоҳ).

<sup>1121</sup> *Ан-Наъим ас-Садира* — النعائم الصادرة — Дарёдан чиқувчи туякушлар, Ўқчи юлдуз туркумининг ζ, σ, τ ва φ юлдузлари. Мусулмон астрономлари Ой 21-манзилини Ал-Балда — البلدة — яъни «Қошлар орасидаги бўшлиқ» деганлар ва бу манзилга Қавснинг л юлдузини ва унинг яқинидаги бўшлиқни киритганлар.

<sup>1122</sup> *Ан-Наср ал-Воқий* — النسر الواقع — «Ййқилаётган Бургут» ҳақида юқорида 1096-изоҳга қаранг.

<sup>1123</sup> *Ан-Наср ат-Таир* — النسر الطائر — «Учувчи Бургут», Альтаир, Бургут туркумининг α юлдузи «Альтаир» номи الطائر сўзининг транскрипцияси.

<sup>1124</sup> Деярли шу сўзларни Беруний «Қонуни Масъудий»да ҳам айтган (қаранг: V жилд, 2-китоб, 375-б.).

<sup>1125</sup> «Қонуни Масъудий»да айнан шу сўзлар айtilган. Қолган манзилларда ҳам шундай.

<sup>1126</sup> Беруний юқорида матннинг 242-саҳифаси охирида (360-б.) эслатган «Ой манзилларини аниқлаш ҳақида» номли рисоламни туздим» деган иборасини назарда тутган.

<sup>1127</sup> «Шундай бир вақт бўлган эдики, унда Қуёшнинг жанубий ҳаракати Ашлешанинг ўртасида бошланади, шимолийси эса — Дҳаништҳанинг бошида бошланади; чунки қадимги китобларда шундай дейилган. Энди эса Қуёшнинг жанубий ҳаракати Саратон бошида бошланыпти, шимолийси эса Жадий бошида. Шу тартибдан ҳар қандай оғиш ғайритабиий, буни тажрибада кузатиб кўриш мумкин ёки Қуёшни тулуъ ва ғурубида кузатилса, қозикни катта масофада ўрнатиб қурилса ёки катта айланада сояларнинг келиши ва чекиниши белгиланса» («Брихат-самҳита», 3-боб, 1–3-шл.).

<sup>1128</sup> Заҳау: «Яъни, манзилнинг 600' да» деб қўшимча қилади.

<sup>1129</sup> Заҳау: «Яъни, манзилнинг 200' да» қўшимча қилади.

<sup>1130</sup> Агар бу ҳисоб «Ҳиндистон» ёзилган 1030 йилдан орқага ҳисобланса, у йиллар милоддан аввалги 1770 йилга тўғри келади.

## LVII БОБ

<sup>1131</sup> Kālāṁṣaka (*калāншаку*) — «вақт миқдори».

<sup>1132</sup> LVI-бобдаги жадвалга қаранг.

<sup>1133</sup> Мригавиядҳа (Mrgavyādha, *мргбйфз* — «Овчи») — Сириуснинг ҳиндча номи.

<sup>1134</sup> «Бу ерда донишманд, сувларни муқаддас қилган Агастианинг йўли тавсифланади, у Виндхия тоғининг чўққиси билан Қуёш ҳаракатини тўсишига йўл қўймаган. У дев Ватапини ютиб юборган, унинг йўли уммондек муқаддас, уммонни ютиб юбориб, осмоннинг жанубий қисмини безаган. Ўтмиш кунларда у гўё уммоннинг ҳашаматини тиклади-да, сувларини кетқизди; ўшанда денгиз махлуқларининг тирноклари билан яланғочланган қоя тошлари сув тўлқинлари билан эмас, қимматбаҳо тошлар ва биллурларнинг оқиб келиши билан қопланган, забаржадларнинг сочлари билан аралашган, гўё ялтираган тожлари билан безалган илоҳларни уялтиргандек бўларди. Ана шунинг ўзи денгиз буюқлигини улуғлади, гарчи уни сувдан маҳрум қилган бўлса-да, шунда ўрмонсиз қоялар ўзларининг маржон дарахтларини, қимматбаҳо тошлари ва олмосларини, қатор судралиб кетаётган ялтираган илонлар қаторларини яланғочлади ва ошқор қилди. Ана шу буюқ уммоннинг сувини ютиб юбориб, унга азоб берди. Лекин шу билан бирга унинг дабдабасини шу даражагача кўтардики, буни фақат абадий яшовчиларгина англаб етади... Ҳақиқатан ҳам, уммон сувсизланиб, лекин ўйноқи дельфинларга, маржондек қисқичбақаларга, чиғанокларга тўла бўлиб, ажойиб эди. Худди кузда сувлари милтираётган, нилуфарлари очилиб, оққушлар сузиб юрган кўлни эслатарди. Ана шунинг ўзи денгизни осмондек оқ булутлари билан, дельфинлари, юлдузлари – қимматбаҳо тошлари, ойи – кристали, ёрқин кузги осмони билан – қуритилган сув остиси билан, сайёралари – ярқираган биллурлари, буралишиб олган илонлари билан безади. Виндхия тоғи ўз чўққиларини булутлараро кўтариб туради ва ... илоҳлар унинг ўтзорларида лаззатланарди ... Ўшанда Агаestia тулуъ қилганида, ифлослар билан булганган сув, худди марҳаматли кишининг қалби каби дарҳол тозаланади. Оққушларнинг қийқирикли қизил ғозлар билан бирга учаётган галаларини озиклантирувчи куз, тишининг оқини кўрсатиб кулаётган аёлдек ярқиради. Танноз аёлдек безанган... куз мовий нилуфарлар олдида гуллаган оппоқ нилуфарларга тўла бўлиб, асаларилар тўдалари билан ўралашиб ётади. Булутлар кетгач, Ойнинг ярқирашини кўрмоқчи бўлгандек, кўл тунда ўз кўзларини очади – оқ нилуфарлар қора асаларилар билан қопланиб, худди кўз қорачиғидек қизил киприқларини сузарди... Индранинг амри билан сув булутлар орасидаги илонлар оғзидан шарқирок оқиб ва уларнинг ёндирувчи заҳарлари билан ифлосланиб, Агастианинг кўриниши билан тозаланади. У эса ... номи эсланган замон қуноқлардан тозалайди, унга мактовлар ёғдирилганда, у нақадар хайрлидир! Уни қандай эъозлашни қадимги ришилар ўргатди; мен эса уларнинг таълимотларини подшонинг фойдаси учун қайтараман. Қуёш тулуъига ўхшаган Агастианинг тулуъи астроном томонидан ҳар бир юрт учун аниқланган ва ҳисобланган бўлиши керак... Тонгги нурлар тун қоронғулигини ёриб ўтиши билан, подшоҳ, унга мунажжим Агастианинг тулуъ қилиш жойини кўрсатганидан кейин, ўзининг хушбўй гуллардан ва мевалардан, қимматбаҳо денгиз тошларидан, олтиндан кийимлар, сигирдан ширгуруч, тандирда ёпилган нонлар, сузмалар, арпа донлари, хушбўй дорилар ва сурғичлардан иборат ҳадяларини ерга қўйиши керак. Агар подшоҳ қалбида имон билан бу ҳадяларни келтирса, у гуноҳларидан халос қилинади ва ўз душманларини енгади. Агар у бу қурбонликларни керакли равишда етти йил давомида келтириб турса, уммон билан ўралган ернинг ҳокими бўлади. Ҳидоят келтираётган браҳман

..., эски билимни ўрганиб олади, аёлларга ва авлодга эга бўлади, вайшия ерга эга бўлади, шудра – катта бойлик топади; ва ҳамма соғлик ва хизматлари учун мукофот олади» («Брихат-самхита», 12-боб., 1–10, 12–18-шл.). Беруний таржимаси асл нусхага тўғри келади (Керн нашри бўйича) 1–8 шлокалар. Берунийдаги 9–10 шл. асл нусхадаги 9-шлокага тўғри келади, Берунийдаги 11-шл. – асл нусхадаги 10-шл. 12–18 шл. таржимада ҳам, асл нусхада ҳам мос келади. *Vhramaga* (*брмр*) – қора асалари. *Argha* – 'рқ.

<sup>1135</sup> Матнда *البطن كغضون* дейилган, биз уни *البطن كغضون* деб олдик.

<sup>1136</sup> «Тоғ чўққисида, маъбудлар яшайдиган жойда, боғларда асаларилар дарахт гуллари устида ғувиллаган жойда, дарахтлар олтин тепаларнинг ёнбағрида ўсиб турганида ва қушлар галалари чуғурлашиб, апсар куйлагандек қилишганида – ўша жойда Брихаспати Нарадага Ойнинг Роҳини билан қўшилиши ҳақида ҳикоя қилиб берди. Унинг маълумотларини синчковлик билан ўрганиб, шунингдек, Гарга, Парашара, Кашияпа ва Майя ўз шогирдларига айтганларини ҳам ўзлаштириб, бу мавзунини қисқача баён қилишга ҳаракат қиламиз. Роҳинининг Ой билан Ашадҳининг қоронғи ярмида қўшилишини кузатиб, мунажжимлик тан олинган китобларга кўра, хайрият ёки бахтсизликни каромат қилиб, олдиндан айтиб бериши керак. Келажакдаги қўшилишни қандай каромат қилиб айтиб бериш «Дҳишняяога» китобида баён қилинган. Лекин тажрибадаги хулосалар Ойнинг кўринма ҳажми, ёруғлиги, йўлининг ранги ва шамолнинг хусусиятлари ҳамда йўналишига қараб айтилади. Брахман-фолбин, шаҳардан шимолдаги ёки шарқдаги жойга бориб, у ерда уч кеча муқаддас оловни кўриқлаб, сайёралар ва юлдуз туркумлари жойлашиши тарихини чизиб, уларга хушбўй гуллардан қурбонликлар қилади. У муқаддас ўтлар билан қопланган муқаддас ерда ўрнашиши керак. Унинг тўрт бурчагида тағ қисми ифлосланмаган тоза кўзалар қўйилган, улар забаржадлар билан тўлдирилган, ичларида яна сув, ўтлар ва буларнинг устидан турли уруғларни дуолар билан кўзага солиб, сўнгра сувга солиб, қурбонлик ўти ва олтин билан аралаштирилиши керак. Кейин у Маруталарга, Варуна ва Сомага дуолар айтади. Сўнг ўша ерга бир байроқ ўрнатсин. Байроқ қора ва юпка матодан бўлиб, узунлиги тўрт хаста бўлсин, бундан уч баробар баландда яна шу ишни такрорласин. Олам тарафларини аниқ топиб, у бунинг ёрдамида Ойнинг қўшилиш пайтида шамол йўналишини кузатиши керак. Ёмғирни башорат қилиш учун ойлар ярми қанча бўлса, шунча (1/8 кун) кўрик ҳисоблаши керак. Кўриқларнинг бўлимлари эса кунларга тўғри келади. Йўналишини шарқийдан жанубийга ўзгартирадиган шамол қулайдир. Доимий шамол – барқарордир. Уруғлардан қай бири қўшилишнинг охирида униб чиқса, ҳосил беради. ...Қушлар ва ҳайвонлар овозидаги хотиржамлик, ёрқин ва қулай шамол Ойнинг Роҳини билан қўшилишидаги яхши белгилардир. Бундан кейин шамол ва булутлар ҳақида ҳикоя қиламиз. Агар оловларга ўхшаган катта булутлар ..., чакмоқ чақиши билан ёритилса; ёки осмон турли рангдаги булутлар чиройли, очилган нилуфар косасига ўхшаб ёйилган ва чеккалари тонгги қуёш нурларида товланаётганга ўхшайди ёки асалари рангига ўхшаш ранг тарқаётган заъфаронга, қилишук гулига [*Butea frondosa*] ўхшайди. Осмон нурланаётган булутлар билан ёпилиб, худди шу вақт шафак нури ва ўқ-ёй билан нурланади, гўё филлар ва қўтослар билан тўлган ўрмондек, оловланиб туради. Осмонга фалак олмос тепаларидек булутлар би-

лан копланиб, чиғаноқлари ва ой нурлари билан товланади; ёки у филларга ўхшаш кора булутлар билан қопланган... чеккалари худди қозик тишларидек ... ва осмонда булутлар тўдалари, унинг тонгги ёки кечки шафақдан қизарганида, қорага бўялган, мовий нилуфардек ёки Харининг ялтирашини, сариқ либосини қиядилар. Булутлар ўтмас ва кучли момақалдирик гулдирашларидан сўнг ерга челақлаб ёмғир сувларини ёғдирадидлар. Агар осмон тавсифланганидек булутлар билан қопланса, ... кўп ёмғир ёғади, инсонлар учун озиқ-овқатнинг кўплиги ва сероблиги устун бўлади... Ерга тушаётган учар юлдузлар, чакмоқлар, момақалдирик, уфқ устида қизил нурланиш, бўронлар, зилзилалар, антилопаларнинг ва кушларнинг қичкиригини ҳам булутлар сингари эътиборга олиш керак. Юқорида эслатилган сувли кўзалар, шимолда, шарқда ва ҳ.к. жойлаштирилган бўлса ва олам тарафлари билан аталган бўлса, Шравана, Бҳадрапада ва бошқалар учун об-ҳавони олдиндан айтиб бера олади. Агар кўза тўла бўлса мос келувчи ой ёмғирли бўлади; агар ичи бўш бўлса – ой қурғоқ бўлади. ... Подшоларнинг номлари ҳамда олам тарафлари номлари билан белгиланган кўзалар билан тақдир башорат қилинади. Бунда кўзаларнинг синдирилганлиги, бўшлиги, тўлдирилганлиги ва тўлдирилмаганлиги аҳамият касб этади ... Худди шунингдек, Роҳини билан қўшилишда бўлган каби, Свати ва Ашадҳа билан қўшилишнинг ҳам аҳамияти бўлади. Барча кузатишлар Ашадҳа ойининг ёруғ ярмида ўтказилиши керак... Тарозиларнинг энг яхшиси – олтиндан ясалгани; қумушдан ясалганлари ўртача сифатга эга. Агар шундайлар бўлмаса, тарозиларни кҳадирадан ёки кишини ярадор қилган оғочдан яшаш керак. Ўлчами – қарич (12 ангули) ... Тарозининг иккала палласининг ҳар бири матодан бўлиб, эни ва бўйи олти ангули бўлиши ва тўрт чизимча билан боғланиши керак. Чизимчаларнинг узунлиги 10 ангули бўлиши лозим ... Иккита жанубий паллаларга олтин қўйилади, шимолийларига – бошқа материаллар ёки сув. Ирмоқлар, дарёлар ва кўлларнинг суви кам, ўртача ёки жала ёмғиридан далолат беради. Филлар фил суяги билан; сигирлар, отлар ва бошқалар – шу ҳайвонларнинг жунлари билан; подшоҳлар – олтин билан; браҳманлар, қшатрийлар ва бошқалар, худди мамлакатлар, йиллар, ойлар олам тарафлари каби – мум билан кўрсатилади. ... Тўлин ой пайтида ашадҳа ойида бир неча уруғни баробар улушда тортиб олиш керак ... Ҳаммасининг устида шундай афсунни ўқиш мумкин: «Сарвасти (Sarasvatī, *сарсуфат*), ҳақиқат маъбудасига, дуоларда мақтовлар бўлсин. Ҳақиқатни кўрсат, эй ҳақиқатгўй маъбуда, чунки ҳақиқат сенинг амрларингдир. У ҳеч гуноҳсиздир, Қуёш ва Ой, сайёралар ва юлдузлар каби бу дунёда шарқда чиқиб, ғарбда ботади. Айт, энди Ҳақиқат келсин, у барча Ведаларда, Браҳманларда ва уч оламда мавжуд. Сен – Браҳманнинг қизисан..., сен Кашьяпа уруғига мансубсан...» [Бу уруғлар, тарозидан тортишга мўжалланган,] уларни кечасига қолдириш керак. Қайси бирлари келаси кун улғайса, ўса олади, кичрайганлари эса, ўсмайди... Агар адҳимаса [ойи бошлангани] билан иккита қўшилиш бўлса, иккаласига ҳам риоя қилиш керак... Агар учала қўшилиш ҳам бир хил натижа кўрсатса, буни, албатта, олдиндан айтса бўлади; акс ҳолда ... Роҳинининг таъсири кучли эканлигини эътироф этиш керак» («Брихат-самхита», 24-боб., 1–20, 25–27-шл.; 25-боб., 1-шл.; 26-боб., 9-, 6–8, 1–5, 1, 11, 12-шл.; бу ерда келтирилган ҳиндча асл нусхадан таржимада матннинг жойлаштирилишининг кетма-кетлиги Беруний таржимасидагига мос келади). *Varuṇamatra* (*барунмантр*), *Vāyavamantra* (*байбмантр*), *Soma-mantra* (*свммнтр*) – Варунанинг

афсунлари (Ғарб маъбуди), Ваю (Шимоли-ғарб), Сом (Шарқ). Кҳадир (khadira, *ҳайар*) – Asacia Catechu дарахти, тиббиётда *кҳаяр* деб юритилади.

## LVIII БОБ

<sup>1137</sup> Бу иқтибосни асл нусхада айнанлаштириб бўлмади. Қаноатли тоғлар ҳақидаги афсоналар браҳманлар адабиётига мансубдир. Бу ерда келтирилган 16 та тоғ номлари пураналарнинг турли ерларида келтирилади. Valāhaka (*балāҳак*), Kānka (*гнг*) ва Droṇa (*дрўну*) тоғлари «Матсия-пурана»даги (122-боб, 52-шл.) Кушадвипа тоғларидан етита асосий тоғ сифатида эслатилади. «Бҳагавата-пурана»да (V, 10-боб, 15-шл.) Кушадвипа тоғлари қаторида кўрсатилгани: Sakra (*чакру*) ва Draviṇa (*дрāван*); «Шива-пурана»да (34-боб, 42-шл.) – Mahācaila (*бахāйшр*); Maiṇāka (*мйнāку*) Краунчадвипанинг етита тоғлари қаторида «Падма-пурана»да (китоб III, 8-боб) эслатилган; Sandra (*джандру*) ва Nagāda (*нāразу*) – Кадвипа тоғлари қаторида «Матсия-пурана»да (122-боб, 8-шл.); Ṛṣabha (*ршбах*) – Плакшадвипа тоғлари қаторида «Курма-пуранада». Атамалар Suhma (*суммаҳ*), Jimūta (*чймвд*), Vakra (*бакру*), Pargvata (*прбта*) пураналарда учратилади, лекин тоғ номлари сифатида эмас; Vadhra? (*бадҳиру*) атамаси учратилмади. Saṁvarttaka (*смртк*) – «Қиёмат олови», пураналарга кўра, Меру тоғидан ғарбда Сувакшас ва Шикхишайла тоғлари орасида жойлашган (қаранг: «Ваю-пурана», 36-боб, 27-шл.). Аурва (Aurva, *аврабу*) ҳақидаги афсона қадимги хинд адабиёти асарларида турли вариантларда учратилади. Бҳригу уруғи бир пайтлар подшоҳлик қилаётган кшатрийлар томонидан жуда қаттиқ таъқибга олинган, бу уруғ вакилларининг деярли ҳаммаси кириб ташланган, ҳатто она қорнидаги гўдаклар ҳам. Фақат ўша пайтда тугилган Аурванинг ўзигина умумий қирғиндан қутулиб қолган. Кейинчалик у мисли кўрилмаган қудратга эришади ва илоҳлар ундан кшатрийлар уруғини кечириб, раҳм-шафқат қилишни ва ғазаб ўтини океанга чўндиришни зўрга сўраб олади. Аурва газабининг ўти («самварттака» ёки «бадаванала» деб аталади), ривоятга кўра, ҳозир ҳам океан сувлари остида туради.

<sup>1138</sup> Ṣaṣalākṣaṇa (*шашалакш*) – «куёш белгиси (Ойда)».

<sup>1139</sup> «Сенинг (Шива Ойга мурожаат этапти) тоза кулчангда ер тоғлари, ўрмонлари ва чакалаклари доимо куён шаклида аксланади; шунинг учун сен Шашалакшман (Ṣaṣalākṣaṇ, *шашалакш* – «куён белгиси билан белгиланган») дея аталурсан. Ана шу сабабга кўра, сени Мригаланчҳана (Mṛgalāṅchana, *миркланланжан* – «антилопа шаклида белгиланган») дея ҳам аталурсан» («Вишну-дҳармотгара», 1, 29-боб, 16, 17).

<sup>1140</sup> Одатда юлдуз туркумлари (накшатралар) хинд мифологиясида Дакшанинг қизлари деб аталади, буни гоҳо Пражапати ёки Вишну билан айнанлаштирилади. Бу ерда келтирилган ривоятнинг манбаи маълум эмас.

<sup>1141</sup> Бу ривоят маълум тарихни, яъни Индра томонидан Гаутаманинг хотини ахлоқсизлиги учун эри ундан қасос олгани ҳақида («Шатапатха-браҳмана», 3-боб ва бошқа манбалар).

<sup>1142</sup> «Узунасига [шунча ҳисоблаш керакки, тепадаги айланаси узунлигича бўлсин] ва бутун лингамни қисмларга ажратиш керак, пастдагиси квадрат бўлсин, ўртадагиси – саккизбурчакли ва бошқалари – айлана. Тўртбурчак шаклидагисини ерда кав-

ланган чукурга ўрнатиш керак, ўртадагисини пиедесталнинг равокига (piṇḍaka ёки piṇḍikā, *пнд*). Тагкурси ўз равокидан ўзининг тепасидаги баландлигига тенг жойгача кўриниши керак. Лингам ҳаддан ташқари ингичка ва узун бўлса, мамлакатга бахтсизлик келтиради; биқини йўқ бўлса, шаҳарнинг вайрон бўлишига сабабчи бўлади; тепа тарафи бузилган бўлса, фалокат олиб келади ... Агар ҳайкал миҳ билан бузилган бўлса, бу ҳолат олий мартабали кишига ва оиласига ўлим келтиради. Сақич билан бузилган бўлса, бу ҳолат касалликлар ва беҳисоб бахтсизликлар келтиради» («Брихат-самхита», 58-боб, 53–55-шл.; 60-боб, 6-шл.).

<sup>1043</sup> Беруний бу сўзларнинг қандайдир янги хиндча шаклларини назарда тутди. Биринчиси (*бахарн*)ни ҳозирги bhāṭā – «қайтиш» (хинди), иккинчисини (*вуҳар*) – санскритча ogha – «кўтарилиш» сўзлари билан солиштириш мумкин.

<sup>1144</sup> Vaḍavanala (*брвāнал*) – «бия алангаси» (юқоридаги 1-изоҳга қаранг).

<sup>1145</sup> «Денгизлардаги сувларнинг кўтарилиши ва пасайиши фарқи 510 ангулига тенг...» («Вишну-пурана», II, 4-боб, 12-шл.).

## LIX БОБ

<sup>1146</sup> «Баъзилар айтадиларки, Раҳу – ҳақиқатан ҳам дайтйининг боши, у танадан ажратилган, лекин шундай бўлса-да тирик қолган, чунки у *амритани* еган ва сайёра бўлиб қолган. У ҳам Куёш ва Ой кулчасига ўхшаган шаклда бўлиб, қорамтир бўлгани учун осмонда кўзга кўринмайди, фақат тутилишлар пайтида у Парвардигорнинг амри билан кўриниш беради. Бошқаларнинг таъкидлашларига кўра, Раҳу танага эга бўлиб, илонга ўхшаб, бош ва думига эга. Ёки Симхиканинг ўғли танасиз ва кўринмасдир. Лекин агар Раҳу, айланма шаклли бўлиб, танага эга бўлса ва буржлар бўйлаб ҳаракат қилса, ёки у – [фақат] бошдан [иборат] бўлса, қандай қилиб у буржнинг ярмича масофада бўлиб ютади ва [қандай қилиб] унинг ҳаракати маълум қонуниятга бўйсунма олади? Ва агар унинг ҳаракати қонуниятга бўйсунмаса, қандай қилиб уни ҳисоблаш билан аниқлаб бўлади? Раҳу «Дам» ва «Дум» деган номлар билан маълум бўла туриб, нега яқин масофадагиларни дамига тортиб юбормайди? Ахир Раҳу улкан илон шаклида бўлгани учун оғзи ёки думи билан ютиб юбориши керак-ку. У ҳолда нега унинг оғзи билан думи орасидаги танасининг қисми буржнинг ярмини қопламайди? Агарда иккита Раҳу мавжуд бўлса, у ҳолда Ой тутилиши пайтида, унинг ботиши ёки чиқиши пайтида биринчидан олти бурж масофада бўлган Куёш ҳам иккинчи Раҳу томонидан тутилиши керак эди. Тутилиши пайтида Ой Ернинг сояси билан бекигилади. Куёш тутилиши пайтида [Ой] билан тўсилади. Шунинг учун Ой тутилиши ғарбдан бошланмайди, Куёш тутилиши эса – шарқдан. Дарахтнинг сояси бир тарафга чизилганидек, Ернинг сояси ҳам ҳар кечада Куёш нури бекилгани учун шундай бўлади. Ой Куёшдан еттинчи буржда бўлса, жануб ёки шимолга томон қадар узоқлашмаган ҳолда Ер соясига қиради. Ой, пасти сферада ҳаракатланиб, Куёшга худди булут сингари ғарбдан ёпирилади. Шунинг учун Куёш тутилиши, кузатиш нуқтаси билан боғлиқлик ҳолда ҳар хил кўринишга эга бўлади. Ойни қопловчи нарса ундан катта бўлгани учун, шу сабабдан [ярим ойнинг] шохлари ўткир бурчак ташкил қилади, унинг ярми тутилган пайтда. Аксинча, Куёшни тўсувчи жисм – ундан ки-

чик, Куёш [тутилишининг] шохлари ўткир бурчак ҳосил қилади. Осмоний илмидан таълим берувчиларнинг баён қилишларича, тутилишларнинг сабаблари ана шундай; илмий ҳақиқат мана бундай таърифланиши мумкин: «Рахунинг бунга ҳеч қандай алоқаси йўқ». Раху деган махлуққа келсак, Парвардигор унга тутилишлар пайтида илоҳларга келтирилган ҳадялардан ўз улушини истеъмол қилиш ҳуқуқини берган. Ўша пайтлардан бери ... «Раху» номи фикр билдиришининг мажозий шакли бўлиб қолди. Ой ва Куёш орбиталарининг шимолий ёки жанубий кесишиш нуқтасини ҳам математик астрономияда мажозий шаклда Раху дейилади» («Бриҳат-самҳита», 5-боб, 1–15-шл.). Симҳика (Simhika, *сингаҳиғу*) ҳинд мифологиясида – тутилишлар пайтида Куёш ва Ойни ютувчи махлуқ Рахунинг (Бошнинг) онаси.

<sup>1147</sup> Иқтибос «Брахма-спхута – сиддҳанта»нинг 21-бобидан олинган.

<sup>1148</sup> Сайнҳика (Saimhika, *сйнгу*) – «Симҳиканинг ўғли», яъни Раху.

<sup>1149</sup> Қуръони карим – 27; 14.

<sup>1150</sup> Қуръони карим – 29; 13.

<sup>1151</sup> «Агар тутилиш пайтида мана бу белгилар юз берса: бўрон, метеоритлар тутилиши, тўфонлар, зилзила, зулмат, момақалдиروق – бошқа тутилиш олти ой, ўн икки ва ҳоказо тўғри кетма-кетликда – кейин юз беради» («Бриҳат-самҳита», 5-боб, 17, 16-шл.).

<sup>1152</sup> Бу ерда Муҳаммад ал-Хоразмий номига айтилган танқид асосли эмас ва ноўриндир. Чунки унинг «Зиж»ида тутилишларга бағишланган 33<sup>а</sup>, 33<sup>б</sup>-бобларда аниқ математик қоидалар асосида у Куёш ва Ой тутилишларини баён қилган. Беруний мақтаётган ҳиндча усулда эса куруқ гапдан бошқа нарса йўқ (қаранг: *Муҳаммад ал-Хорезми*. *Астрономические трактаты*, С. 50–52). Беруний асарининг кўлөзмасини кўчирган шахс «хиндсевар» бўлиб, матнга Беруний номидан ўзича ўзгартиришлар киритгандир?

## LX БОБ

<sup>1153</sup> «Етти илоҳ тутулишлар даврларининг ҳокимлари ҳисобланади, ҳар бири олти ойга, номлари кетма-кет: Браҳма, Ой, Индра, Кубера, Варуна, Агни ва Яма. Браҳма бошқарган даврда, браҳманлар яшнайдилар ва қорамол кўпаяди, фаровонлик ва хавфсизлик ҳукм суради ва донлар яхши ўсади. Сома (Ой) ҳукмдор бўлган даврда ҳам шундай бўлади; [бирок] бу пайт олимлар сиқувга олинади ва ёғингарчилик етишмайди. Индра даврида ҳокимлар орасида жанжаллар содир бўлиши ҳамда кишловчи донлар хароб бўлиб, хавфсизлик йўқ бўлиши мумкин. Кубера даврида бойлар бойлигини йўқотади, бирок ҳамма соҳада мўл-кўлчилик бўлади. Варуна даври подшоҳлар учун номувофикдир, лекин бошқалар таъминланган бўлади ва ҳомиладорлик яхши бўлади. Агни даврида, у шунингдек Митра (Mitrakua, *митрāk*) билан ҳам аталади, дон кўп бўлади, соғлиқ, хавфсизлик ва ёмғир бўлади. Яма даври қурғоқчилик, қашшоқчилик ва ҳосилсизликни келтиради».

<sup>1154</sup> Brahmadī (*браҳмад*), яъни «Браҳмадан бошлаб».

<sup>1155</sup> «Тутулишларнинг бошқа барча даври номувофик ва очарчилик, ўлим ва қурғоқчиликни келтиради» («Бриҳат-самҳита», 5-боб, 23-шл.).



<sup>1156</sup> «Агар тутулиш [ҳисобланган вақтдан] олдин юз берса, кориндаги болалар ўлади ва уруш бўлади, агар кечроқ юз берса – гуллар ва мевалар қурийди, офат ва ҳосилсизлик бўлади. Бу олдинроқ ва кечроқ бўладиган тутулишларнинг таъсирлари ҳақида бу ерда эслатилганлар қадимги китобларга мос ҳолда келтирилган. Чунки математик астрономиядан хабардор кишида тутулишнинг ўз вақтида бўлмаганлиги ҳақида фикр туғилмайди ... Тваштри деб аталган мавжудот Қуёш кулчасини тутулиш пайтидан бошқа вақтда тўсса, Қуёш етти ҳукмронга ва уларнинг халқларига уруш, ёнгинлар ва қаҳатчилик келтиради. Агар Қуёш Жадийга етмасдан қайтса, у гарб ва жануб мамлакатларига ҳалокат олиб келади. Мабодо Саратонга етмасдан қайтса, у шимол ва шарқни фалокатга олиб келади. Қишки қуёш туриш нуқтасига етиб қайтса, у хавфсизлик ва экинларга ҳосилдорлик олиб келади; ўшанда у табиат қонунига риоя қилган бўлади» («Брихат-самхита», 5-боб, 24–25-шл.; 3-боб, 4, 5, 6-шл.).

## LXI БОБ

<sup>1157</sup> Варахамхиранинг «Брихатжатака»сидан олинган иқтибос. Abda (’бд) – «йил». Ауана (’ин) – ярим йил (Қуёшнинг экватордан жанубга ёки шимолга ҳаракати билан белгиланган). Vāsara (баср) – «кун».

<sup>1158</sup> Кун, ой ва йил «эгаларини» аниқлаш қоидалари ҳақида қаранг: «Сурия-сиддҳанта», I, 54, 52; XII, 78, 79.

<sup>1159</sup> Қуйидаги жадвалда «Маҳабхарата», пураналар ва бошқа қадимги ҳинд адабиёти ёдгорликларида учратиладиган афсонавий илонлар – «нағлар»нинг номлари келтирилган: Piṅḍāraка (пундāрагу), Elāpatra (илāпату), Karkoṭaka (каркўтака) ёки Karkoṭa (каркут), Nanda (нанту), Takṣaka (дакшаку), Padma (пзм), Mahāpadma (мхāпазум), Śaṅkha (санк). Захаунинг тахминига кўра, суку – Vāsuki сўзининг бузилиши, жабраҳасат – Sakrahasta атамасидан (Sachau. India, transl., II, p. 389), бу кейинги ном – Вишнунинг эпитети ва илонлар номлари орасида учратилмайди. Bḥrm, балки – бузилган Ramha бўлиши мумкин. Puṣkara (пушкар) – илон тури. Citrāngada (житрāнказу) – гандҳарванинг номи. Sakṣabhadra (жакшбахадр) – номаълум.

<sup>1160</sup> Жадвал «Вишну-дҳармоттара» асари матнига асосланган (I, 83-боб, 10–12-шл.). Илоҳлар номларидан асл матндагига мослари: Агни, Пражапати ва Вишвакарман (Viśvakaṣman, бшвкрм). Vuṣṇa (бжāн), Kalmāṣa (клмāр), Ṣakra, Viṣnu, Gauṛī (гвр) ва Ganapati (кнйб) ўрнига асл нусхада кўрсатилганлар: Varuṇa, Kumāra, Hari, Pārvaṭī, Gaṇādhira. Аввалги уч атаманинг Берунийдаги ёзилиши нусха кўчирувчининг хатоларидан далолат беради (қаранг: Indian Antiquary XIX, p. 392).

<sup>1161</sup> Қуйидаги жадвалдаги «эга»ларнинг рўйхати деярли тўлиқ равишда асл нусха матни билан мос келади («Вишну-дҳармоттара», I, 83-боб, 13–21-шл.). Аслдан оғишлар: аслда Soma Indu ўрнига (инд – иккала ном ҳам Ойни билдиради), Aṣvinau Aṣvin ўрнига. Бундан ташқари, Берунийда «эга» Пурва-Бҳадрападанинг «эга»си – Аја тушириб қолдирилган ва мураккаб сўз Viṣva [devās] – «Ҳамма илоҳлар» ҳам туширилган. Биринчи марта учратилаётган атамаларнинг транскрипциясини келтирамиз: Aditi (ādit), Sarpās (сарб – «илонлар» Nom. Pl), Savita (cānmp, сбтā, Nom. Sg. Savitr атамасидан), Vasavas (bāsav, Vasu нинг кўплиги).

## LXII БОБ

<sup>1162</sup> *Ṣaṣṣyabda* (*шадабуда*) – Муштарийнинг (Брихаспати) олтмиш йиллик даври.

<sup>1163</sup> XIX бобнинг биринчи жадвалига қаранг.

<sup>1164</sup> «Скиф подшоси давридан (яъни, Шака эрасидан) ўтган йиллар сонини ўн бирга кўпайтириш керак, [кўпайтмани] эса тўртга кўпайтириш; унга 8589 ни кўшиб, йиғиндини 3750 га бўлиш керак ва қолдикни эса – 5 га; бўлинма – Нараяна ва бошқалар бошқарадиган даврлар сонини кўрсатади, қолдик – тўғри кетма-кетликдаги йиллар. Йилларни тўққизга кўпайтириб, ҳар 12 йилга бирни кўшиш керак; тўртга бўлиб, Ой манзилларини Васуватадан (Дҳаништҳадан) бошлаб ҳосил қиламиз, қолдик эса жорий йилда ўтган манзиллар чоракларини кўрсатади» («Брихат-самхита», 8-боб, 20–22-шл.).

<sup>1165</sup> Жадвал «Брихат-самхитанинг» 8-боб, 24-шл. матнига асосланган: «[Ҳар бир даврда йиллар кетма-кет номланади ва бошқарилади]: Самватсара (*Samvatṣara*, *са-набдџра*) – Агни, Париватсара (*Parivatsara*, *парбдџар*) – Куёш билан, (*arka*, *аргу*), Ида [ватсара] (*Jdavarsara*, *дабдџар*), – Ой билан (*Ṣitamayūkhamalin*, *шйтамџв*, яъни «совуқ нурлар билан қопланган»), Ануватсара (*Anuvatsara*, *унабадџару*) – Пражапати, Удватсара (*Uḍvatsara*, *удубадџру*) – Шива билан (*Ṣailastūpāti*, *шайласутāпат*; яъни: «тоғ қизининг эри», яъни Парвати, у Ҳимолай тоғининг қизи ҳисобланарди)».

<sup>1166</sup> Жадвал «Брихат-самхита», 8-боб, 23, 26–52-шл., матнига асосланган: «Даврлар эгалари ушбу кетма-кетликда ҳисобланади: Вишну; Сурежия (*Surejya*, *сурџџ*, яъни Брихаспати – Юпитер; Баладхит (*Balabhit*, *балибт*, яъни Индра); Хуташа (*Hutāṣa*, *хутāс*, яъни Агни); Тваштри; Утгара – проштҳападанинг эгаси (*Uttara – proṣṭhāpada – adhipa*, *нажџуртабад* *’втр* *’бтрпт*; яъни Аҳирбундҳия); Аждодлар; Барча [Илоҳлар] (*Viṣva*, Берунийда – Шива); Сома; Шакра ва Анала (*Sakranala*, *шакрāнала*; яъни Индра ва Агни); Ашвиналар; Бҳага ... Булардан тўрттаси аввалги даврлар, уларнинг илоҳлари: Вишну, Индра, Жива (Брихаспати) ва Анала – энг яхшилари ҳисобланади, тўртга ўртадагилари – ўртачалар; қолган тўрттаси – ёмонлари». Сўнгра кетма-кет давр йиллари келади: *Prabhava* (*брбҳв*), *Vibhava* (*ббҳв*), *Ṣukla* (*шкл*), *Pramoda* (*прмвз*), *Prājapati*, *Ал̥jiras*, *Ṣrimukha* (*шрймух*), *Bhāva* (*нҳāбасу*), *Yuvan* (*жџџа*), *Dhāt̥* (*дхāта*); *Ṣvara*, *Bahudhanya* (*бахутāнн*), *Pramathin* (*пармāти*), *Vikrama* (*бикрама*), *Vṛṣa* (ёки *Viṣa*, *биша*), *Citrabhānu* (*жџатрубҳāну*), *Subhānu* (*субҳāн*), *Tāraṇa* (*тўрану*), *Pārthiva* (*нату*), *Vyaya* (*бйав*); *Sarvajit* (*србџџт*), *Sarvadhārin* (*србдҳāр*), *Virodhin* (*брвд*), *Vikṛta* (*бкрт*), *Khara* (*хр*); *Nandana* (*нандн*), *Vijaya* (*бџџв*), *Jaya* (*жџв*), *Manmatha* (*мнмт*), *Durmukha* (матнда: «*’syaparataṣ sa Durmukha...*» – «ва ундан кейингиси Дурмуқха ...»); Беруний «*sa dur...*» иборасини йил номи деб ўқиган: *жтр*); *Hemalamba* (*ҳймлнб*), *Vilambin* (*блнб*), *vikārin* (*брāр*), *Ṣarvar̥i* (*сбр*, *србр*), *Plava* (*плб*); *Ṣobhakṛt* (фарқли ўқилиш: *Ṣokakṛt*; Берунийда бундай: *шавгакрит*), *Ṣubhakṛt* (*шавҳагкрт*), *Krodhin* (*крўда*), *Viṣvāvasu* (*бишвāбасу*), *Parābhava* (Берунийда *Paravasu*, *прāбас*); *Plavaṅga* (*плбнк*), *Kilaka* (*кйлака*), *Saumya* (*савму*), *Sādhāraṇa* (*сāдҳāрам*), *Rodhakṛt* (*рўтакирт*); *Paridhāvin* (*прдҳāб*), *Pramādin* (*прмāтин*), *Ānanda* (Берунийда: *Vikrama*, *бикрам*), *Rākṣasa* (*рākшасу*), *Anala* (*аналу*); *Piṅgala* (*Piṅgala* (*бнгал*), *Kālayukta* (*кāлџџт*), *Siddhārtha* (*сдҳāрт*), *Raudra* (*рвдр*), *Durmat* (*дрмд*);

Dunubhi (дндбх), Udgārin (Утпаланинг шарҳида: Aṅgara, 'ngār), Raktākṣa (ктакр), Kradha (кравд), Kṣaya (крав).

<sup>1167</sup> Rukmākṣa (рирмākиу – «олтин ўк» (?); Pilumant (байлаванд) – «палмадан»; Kadara (кадару) – кадара – гул нави; Kālavṛta (kāлаванду) – калавринта – тропик ўсимлик. Naumaṇḍa (навманд) – «кема ўқи»; Sarga (сарбу) – «илона»; Hindu (ҳинду) – транскрипцияси аниқ эмас. Бошқа атамалар аввал учратилган.

### LXIII БОБ

<sup>1168</sup> Дарбҳа (darbha, дарбаҳй) – лотинча номи Saccharum cylindricum дейилган ўт; дарбҳа деб диний маросимда ишлатиладиган бошқа ўтларга ҳам айтилади. Pavitra (pavitra, пабитра – «тозаловчи») ҳалқа – узуги одатда куша ўтидан ясалади ва жимжилоқдан олдинги бармоқ («ҳожимерак»)га тақилади (қаранг: Monier – Williams, p. 611).

<sup>1169</sup> Браҳман ҳаётининг тўрт босқичи (яъни, тўрт ашрам) «Вишну-пурана»да, 3-китоб, 9-боб; бироқ асл нусхада муддатлар кўрсатилмаган. «Ману қонунлари»га (3-боб, 1-шл.) кўра, браҳман ҳаётининг биринчи даври ўқиш, билим олиш даври бўлиб, саккиз ёшлигидан бошланади ва 36 йил, 18 йил ёки «Веда»ларни тўла ўзлаштиргунча давом этади.

<sup>1170</sup> Палаша (palāṣa, плас), дарахтнинг лотинча номи Butea Frondosa.

<sup>1171</sup> Башшар ибн Бурд – кўзи ожиз машҳур араб шоирининг асли келиб чиқиши зодагон эроний оиладан бўлган. У зардуштийликка майли билан маълум бўлган, хурфикрли ва заҳархандали шеърлар ёзган. Башшар ибн Бурд ҳижрий 167/ милодий 783 йили камокка олиниб, ўлдирилган (Brockelmann. GAL, I, S. 73–74. SB, I, S. 108–110). Беруний келтирган ярим мисра шеърда зардуштийлик нуқтаи назардан олов макталган.

<sup>1172</sup> Асл нусхада бу муддат кўрсатилмаган.

<sup>1173</sup> Пуроҳита (purohita, приҳиту) – уйдаги коҳин.

<sup>1174</sup> Фуфал – арека палмаси – Agca catechu L. меваси.

<sup>1175</sup> Saṁdhi (с н д) – бу ерда: «кундуз билан кеча оралиғидаги шафақ».

<sup>1176</sup> Албатта, бу ерда мусулмонлар қибласи мустасно, чунки у доимий ўзгармас ва собитдур.

<sup>1177</sup> Гринжана (grīṅjana, гаринпану) – қизил пийёз ёки саримсоқнинг бир тури бўлиб, уни ёйиш ман этилган. Нали (nāli, nālī) – қамишнинг бир тури.

### LXIV БОБ

<sup>1178</sup> «Ману қонунлари»га кўра, бу ҳаётининг ўн биринчи йилида (2-боб, 36-шл.).

<sup>1179</sup> Рама ва ўз жинсига азоб беришга журъат этган шудра Шамбука ҳақидаги ривоят «Рамаяна»нинг еттинчи китобида (76-боб) ва шунингдек, Калидасанинг «Рагҳуванша»сида (15-боб, 42–57-шл.) ва бошқа манбаларда баён қилинган.

<sup>1180</sup> Бу иқтибосга тўғридан-тўғри мос келадигани «Бҳагавадгита»нинг асл нусха-сида топилмади.

## LXV БОБ

<sup>1181</sup> «Кейин мен сизларга Бҳаума (Миррих – Марс сайёраси) келиб чиқишини баён қиламан. У Викеши (Vikeṣī Берунийда *дўқйш* – афтидан, арабча нусхани кўчирувчининг айби билан шундай ёзилган; маъноси «сочсиз») исми бир қизни туғдирди. Ўзининг таркидунёчилик хизматлари учун у сочли бўлди. Уни – Стҳану (Шива) севиб қолди. Ҳираниякша подшо бўлгани ҳақида асл нусханинг бошқа жойида айтилади (I-китоб, 82-боб, 7-шл.). Берунийдаги хато «ўзи учун мукофот сифатида тоғли жойни олди» иборасида, аслида у «сочга мушарраф бўлди» бўлиши керак; Бюлернинг фикрига кўра, Беруний «*tarasā keṣām...*» ўрнига «*tarasākāṣam*» ўқиган (JA, 1890, XI, p. 399). Сканд – уруш маъбуд – ҳинд мифологиясида Бҳаума (Марс) сайёраси билан айнанлаштирилади. Агнига жазо бериш тафсилоти «Вишнудҳармотгара»да йўқ ва Беруний уни бошқа қандайдир манбадан олган. *Шами* (*ṣamī, шмий*) – *Prosopis Spicigera* ёки *Mimosa Suma* дарахти. Қадимги ҳинд ривоятига кўра, Пуруравас энг биринчи оловни *ашватҳа* ва *шами* дарахтлари шохларини бир-бирига ишқалаш билан ҳосил қилган (қаранг: Monier – Williams, 1054).

## LXVI БОБ

<sup>1182</sup> Меру тоғининг тавсифи «Ваю-пуранада, 34-боб ва «Матсия-пурана»да, 113-боб, келтирилган. Пураналарга кўра, Меру тоғининг атрофида оқадиган Жамбу дарёси гўё шу тоғда ўсадиган афсонавий Жамбу дарахти мевасининг шарбатларидан шаклланган экан. Арҳата (Arhata, арҳату) ҳам Меру тоғи атрофида жойлашган ҳавза ҳисобланса-да, ҳинд манбаларида бу ҳақда эслатилмайди. Балки бу ерда Арунода (Arunoda) – Меру яқинидаги кўл номининг хато ёзилганидир.

<sup>1183</sup> Швета тоғи, пураналарга кўра, Мерудан шимолда жойлашган. Манаса кўли (Берунийда: Uttara mānasa, *'втармāнасу*) Швета тоғи яқинида эмас, Вайдиюта тоғи яқинида («Ваю-пурана», 47-боб, 14-шл.) бўлиб, Кайласадан жанубда жойлашган. Санди (*шādдий*) ва Маддҳиянда (*мддвий*) дарёлари номларини аниқлаштириш мушкул.

<sup>1184</sup> Нила тоғи Мерудан шимолда жойлашган («Ваю-пурана», 34-боб, 15-шл.). Пиюз (*пйўз*) кўли номини аниқлаштириб бўлмади.

<sup>1185</sup> Вишнупада (Viṣṇupada, *бшнпазу*) ҳавзаси ва Гандҳарви (Ṣandharvi, *гндҳрбб*) дарёсининг жойлашиш ерларини пураналарга кўра аниқлаб бўлмади.

<sup>1186</sup> Кайласа тоғининг ва унинг атрофларининг тавсифи «Ваю-пурана»да, 47-боб ва «Матсия-пурана»да, 121-боб келтирилган. *Пураналарга* кўра тоғ этагида Manda (Манда) сув ҳавзаси жойлашган, ундан Мандакани дарёсига сув оқиб чиқади. Шимоли-шарқда Чандрапрабҳа тоғи жойлашган (Берунийда: Sandraparvata, *жандрпарбту*), унинг этагида – Аччхода (Acchoda, *ачўд*) кўли бор, бундан ўша номли (*счhodā, ачўд*) дарёга сув оқиб чиқади. Жануби-шарқда Лохита (Lohita, *лўхит*) тоғи этагида шу номли кўл ва Лахутанади дарёси (Lauhitya, *лўхитнаду*) бор. Жанубда Вайдиюта тоғи (Берунийда: Saraucāt(i), *сарпўшази*), Манаса ҳавзаси ва ундан оқиб чиқадиган сув Сараю (*сараж*) дарёсини ҳосил этади. Ғарбда – Аруна тоғи (Aruna, *арун*), олтин билан қопланган, Шайлода (Ṣailoda, *шайлўда*) кўли ва Шайлода (Ṣailoda) дарёси мавжуд. Шимолда – Гаура тоғи (Gaura, *кавру*) ва олтин кирғоқли

Биндусара (Bindusara, *бндасару*) қўли бор («Ваю-пурана», 47-боб, 1–24-шл.). Шу қўл билан Гангнинг осмондан ерга нузул қилгани «Матсия-пурана» (121-боб, 26-шл. ва бош.) ва «Ваю-пурана» (47-боб, 24-шл. ва бош.) ҳамда муфассалроқ «Рамаяна» Валмикида (1-китоб, 38–44-боб) баён қилинган ривоят келтирилган. Умумий тарзда Беруний томонидан баён қилинган ривоятлар ҳинд манбаларидагилар билан мос келади. Сагаранинг олтмиш минг ўғлони Индра томонидан ўғирланган қурбонлик оловини кидириб, ер ости подшолигига кириб боришади ва у ерда ғазабланган Вишнунинг бир қараши билан ёндириб юборилади. Сагаранинг эвараси Бҳагиратҳа (Bhagiratha, *бфҳагирас*) рўзалар ва тавбалар билан, ҳалок бўлганларнинг жасадини ювиш учун Ганга дарёсини ерга тушириб олади. Шундан кейин Шиванинг боши орқали ерга тушган Ганга «Бҳагиратҳа», яъни Бҳагиратҳанинг қизи деган номни олади.

<sup>1187</sup> Бу иқтибоснинг асл нусхаси «Брихат-самхита»нинг матнида топилмади.

<sup>1188</sup> Бу иқтибоснинг асл нусхаси «Вишну-дҳармоттара»да топилмади.

<sup>1189</sup> Асл нусхада *мужбавир* – «кўшни; яқинда яшовчи». Каъба яқинида ёки умуман ҳаждан сўнг Маккада қолиб, умрининг қолган қисмини шу ерда тоат-ибодатда ўтказишга қарор қилган одам шундай аталган.

<sup>1190</sup> Захаунинг кўрсатишига кўра, бу тарих Шиванинг асира Жаландҳара билан жанги ҳақидаги ривоятининг бир қисмини ташкил қилади (*Sachau. India, transl., II, p. 393*. Шунингдек, қаранг: «Падма-пурана», 5-китоб, 141-боб). Шанкара (Śaṅkara, *шигр*) – Шиванинг исмларидан бири.

<sup>1191</sup> Пукара – тўғрироғи, Пушкара (Puṣkara, *пўкара*) – Ажмер атрофидаги шаҳар, қўл ва зиёратгоҳ. Ривоятга кўра, Брахма шу ерда *яжна* қурбонлигини қилган. Брахманинг ундаги қадимги эҳроми император Аврангзеб (1658–1707) даврида бузилган.

<sup>1192</sup> Куру – Ой сулоласининг афсонавий подшоҳи; унинг авлодлари «Маҳабҳарата»да тавсифланган буюк жанглар даврида Шимолий Ҳиндистонда ҳукм сурган.

## LXVII БОБ

<sup>1193</sup> Бошқача айтганда, ҳиндлар фикрича, инсон садақа тўлаш бўйича қарзини ҳаётлигида олдинроқ тўлаб қўйиши керак, деган хулосага олиб келади. Ҳиндларнинг ҳаётга бундай қарашлари умидсизлик ва қашшоқликка олиб келган.

## LXVIII БОБ

<sup>1194</sup> Асл нусхада: *жбсалйқ*, яъни – католикос.

<sup>1195</sup> Йирик қорамол гўшти ведик даврда истеъмол қилинган ва қурбонликка сигирларни сўйишга руҳсат этилган (қаранг: *Kane, II, pp. 772–773*).

<sup>1196</sup> Шу ерда матнда сукут.

<sup>1197</sup> Ас-Савод – яъни, «қора (серҳосил) тупроқ», Марказий ва Жанубий Ироқдаги улкан деҳқончилик зонасининг номи.

<sup>1198</sup> Ал-Ҳажжож ибн Юсуф (661–714) назарда тутилаяпти; Умавий халифаларнинг Ироқдаги ноиб бўлган, бошқаришдаги кескин чоралари, қаттиққўллиги ва норозилар ёки исёнчиларга нисбатан шафқатсизлиги билан шуҳрат қозонган. Хуросон ва

Мовароуннаҳрнинг араблар томонидан забт этилишини унинг шахсан ўзи кузатиб, рағбатлантириб турган. Қутайба ибн Муслимни Мовароуннаҳрни забт этиш учун юборган ва 715 йили Қутайбанинг ўзини ва яқин қариндошларини қатл қилдирган ҳам Ҳажжодир. Шу билан бирга у араб тили ва грамматикасини жуда яхши билган, шулардан дарс берган. Қуръондаги диакритик нуқталар ва ҳаракатларни у киритган ҳисобланади.

<sup>1199</sup> Шу манбани аниқлаб бўлмади.

## LXIX БОБ

<sup>1200</sup> Девалега кўра, *шудранинг* биттадан ортиқ хотини бўлиши мумкин эмас, *вай-шиянинг* – иккитадан ортиқ, *кшатрийнинг* – учтадан ортиқ, браҳманнинг – тўрттадан ортиқ; фақат подшоҳ хотинларининг сони чекланмаган (қаранг: *Kane*, II, p. 552).

<sup>1201</sup> Қаранг: «Вишну-дҳарма-сутра» – 25; «Эри ўлганидан кейин хотини мутаҳхиралигини сақлаши керак ёки эрининг ўлиги ёнаётган гулханга ўзини ташлаши керак».

<sup>1202</sup> Ҳинд манбаларига кўра, *сати* одати – тул хотинларни ёндириш – илк пайтда фақат кшатрийлар оиласида амалга оширилган; умуман олганда, бу одатга жуда кам амал қилинган (қаранг: *Kane*, II, p. 51, pp. 624–636).

<sup>1203</sup> Бу ҳолат бутун қадимги ҳинд *дҳармашастр* ларига (қонунлар тизимига) умумий бўлган (қаранг: *Kane*, II, p. 51).

<sup>1204</sup> Ушбу масала борасида қадимги ҳиндларнинг ҳуқуқ бўйича обрўли кишилари яқдил бўлмаганлар, бироқ бу ерда кўрсатилган ҳолат – энг кенг тарқалгани (қаранг: *Kane*, II, pp. 55–56).

<sup>1205</sup> *Гарбҳадҳана* (*garbhādhāna*, *гарбҳадаҳан* – «уруғ униши») маросими ведалар адабиётидаёқ эслатилган; қаранг: унинг тавсифи «Брихад-араниякоранишад» асарида, VI, 4, 13, 19–22-боблар.

<sup>1206</sup> Симантоньяна (*simontonnyana*, *сймантунану* – «сочни фарқ билан ажратиш») маросими ҳомиладорликнинг тўртинчи ойда амалга оширилади. Унинг тавсифи «Ашвалаяна-грихия-сутра» I, 14, 1–9 китобида ва бошқа манбаларда келтирилади (қаранг: *Kane*, II, p. 222).

<sup>1207</sup> *Jātakaṃṃaṃ* (*жāтакарм* – «туғилишдаги маросим») – ҳиндларнинг хонаки одатларининг энг қадимгиларидан бири (қаранг: *Kane*, II, p. 228 ва давоми).

<sup>1208</sup> *Nāmaṃṃaṃ* (*намакарм*, – «исм кўйиш маросими»); турли муаллифлар бунинг вақтини турлича кўрсатадилар. Одатда чақалоқ туғилганидан 12 кун ўтганида исм кўйилади (қаранг: *Kane*, II, pp. 238–240).

<sup>1209</sup> Соч олиш одати (*чаула*), кўпчилик эътиборлиларнинг фикрича, боланинг учинчи йилида амалга оширилади (қаранг: «Ашвалаяна-грихия-сутра», I, 17, 1–18 ва бошқалар); кулоқ тешиш маросими (*карна-ведҳа*) туғилганининг еттинчи ёки саккизинчи ойда (Берунийдагидек бир ёшда эмас); ҳозирги вақтда асосан туғилганидан кейин 12-кун (қаранг: *Kane*, II, p. 254).

<sup>1210</sup> Кобул Пала сулоласидан ҳинд подшоҳларининг кўл остида бўлиб, узок вақтгача мусулмонларга қаршилик кўрсатиб турган.

<sup>1211</sup> Азуд ад-Давла (949–983) – Бувайҳилар (967–983) сулоласидан Бағдод султони.

## LXX БОБ

<sup>1212</sup> Эътиборли хиндларнинг кўпчилиги камида учта гувоҳ бўлишини талаб қилганлар; аммо истисно сифатида битгасига рухсат берганлар (қаранг: *Kane*. III, pp. 331–332).

<sup>1213</sup> Илёс ибн Муъовия ал-Музоний (вафоти 122/740 йил) – Умавий халифа Умар ибн Абдулазиз (қаранг: Ат-Табарий, II, 1347-б.) даврида Басранинг қозиси бўлган.

<sup>1214</sup> Захар билан синаш (*visa*, ал-бйш – «заҳар») «Вишну-дҳарма-сутра», XIII, 3 ва бошқа манбаларда тавсифланади. Одатда аконит (*vatsa* – *nābha*) ёки шарнга ва ҳаймавата заҳарлари қўлланилган. Брахмана – балки бу ерда форсларнинг баҳманаси бўлса керак.

<sup>1215</sup> Сув билан синаш Беруний бу ерда тавсифлагандан мураккаброк бўлган. Текширилатган сувга чўмиб, бу орада икки ўспирин бир-бири билан алмашилиб югуриб, 300 ҳаста (газ, яъни 150 м) масофани ўтмагунича сув остида туриши керак. Агар у олдинроқ шўнғиб чиқса, айбдор ҳисобланган. Қаранг: «Вишну-дҳарма-сутра», XII ва бошқа манбалар.

<sup>1216</sup> «Кўза билан синаш» (коҶа) усули «Вишну-дҳарма-сутра», XIV ва бошқа манбаларда тавсифланган.

<sup>1217</sup> Тарози билан синаш кўп манбаларда деярли Берунийдагидек тавсифланган. Аммо айбланувчи тарозида иккинчи тортилишида оғирроқ эмас, енгилроқ чиқса айбсиз деб тан олинган (қаранг: «Нарада қонунлари»га шарҳ, IV, 283; *Kane*. III, pp. 369–370).

<sup>1218</sup> Қиздирилган олтин (*тантамаша*) билан синаш. Қиздирилган ёғли қозонга яшил барг солинади, ҳосил бўладиган овоздан керакли қайнаш даражаси аниқланади. Кейин унга олтин ёки бошқа металлдан узук ташланади; бошқа ҳолларда олтин танга ташланади. Айбланувчи уни олиши керак. (қаранг: *Kane*. III, pp. 374–375).

<sup>1219</sup> Олов билан синаш «Вишну-дҳарма-сутра», XI-боб ва бошқа манбаларда Берунийдагидек тавсифланади. Айбланувчи қизил ранггача қиздирилган темир парчасини кестириши керак (унинг остида ашватҳанинг еттита барги ва гуруч донлари кўйилган бўлиши керак) 8 «давра», ораликда бир-биридан 16 ангула (бармок) масофада бўлиши керак ва уни тўққизинчи даврага ташлаши керак. Синашлар (дивия – «илоҳий суд») ҳақида қадимги хинд суд қонунлари ҳақида қаранг: *Kane*. III, pp. 361–378).

## LXXI БОБ

<sup>1220</sup> Ғолиб Константин – Рим императори Буюк Константин (274–337) назарда тутилади. У христианликни биринчи бўлиб қабул қилган императордир. Константинополни (ҳозирги Истанбул) барпо қилиб, империянинг пойтахтини ўша ерга кўчирган.

<sup>1221</sup> Бу жиноятлар ведик даврда қаттиқ жазоланган (қаранг: *Kane*. IV, p. 10). *Vajra* – *brahmahatya* (*брҳмҳат*) – браҳманни ўлдириш – оғир жиноят.

<sup>1222</sup> Браҳманлар ва кшатрийлар одатда тана жазоларидан халос қилинганлар. Лекин Каутилия ва Катияяна баъзи ҳолларда браҳманни қатл қилинишини мумкин деган («Артхашастра», IV, 11 ва бошқалар). Яна Шудракининг «Лой арава» *Kane*. III, pp. 398–399) пьесасининг охириги актини қаранг.

<sup>1223</sup> Қадимги Ҳиндистонда ўғрилиқ учун жазо ҳақида қаранг: *Kane*. III, pp. 519–530. Браҳманлар ва кшатрийлар учун Беруний айтганидек оғир жазолар хиндларнинг қонунлар тизимларига кирмаган. «Ману қонунлари» браҳманларни жуда оғир жиноятлари учун мамлакатдан қувғин қилишнигина назарда тутди (VIII, 380).

## LXXII БОБ

<sup>1224</sup> «Ману қонунлари», IX-боб, 118-шл.

<sup>1225</sup> Жимутаваҳананинг «Дая-бҳаге» асарида меросхўрликнинг қуйидагича тартиби кўрсатилган: ўғил, невара, эвара, бева хотини, кизи, кизининг ўғли, отаси, онаси, ака-укаси, амакининг ўғли, жиян, амаки тарафидан жиян (қаранг: *Kane*. III, p. 739).

<sup>1226</sup> Ёд этиш маросими шраддха назарда тутилаяпти, ҳилол пайтларида ҳар ойда ўтказилади. Бу пайтда уй эгаси браҳманларга ва қариндошларига зиёфат беради (қаранг: «Ману қонунлари», 3-боб).

<sup>1227</sup> Бу маросим қадимги ведик сутраларда эслатилади (қаранг: *Macdonnel*, p. 108).

<sup>1228</sup> Юқоридаги «Федон»дан олинган иқтибос билан солиштиринг.

## LXXIII БОБ

<sup>1229</sup> Наус ибораси зардуштийлардан олинган, чунки зардуштийлар ўз ўлиқларининг гўштини йиртқич қушларга едирганларидан сўнг уларнинг суяқларини наусларга солиб сақлаганлар.

<sup>1230</sup> Қаранг: «Федон», 115 С – 116А: «... Сени қандай кўмиш керак? – Қандай хоҳласангиз, – жавоб берди Сукрот, – лекин сиз мени тутишингиз билан мен қочиб кетсамчи! – Секин кулиб ва бизга қараб, Сукрот давом этди. – Мен Критонга айтиб, ҳеч уни ишонтира олмаяпманки, мен айнан ўша Сукротман, қайсики ҳозир сизлар билан гаплашаяпти ва бутун суҳбатни бошқараяпти; Критон ўйлаяптики, мен – ўшаманки, у бироздан сўнг унинг мурда бўлганини кўради ва шунинг учун мени қандай кўмиш ҳақида савол берапти. Мен яна ўша қачондан бери сизга узундан-узун қилиб айтаётганимни яна қайтараяпманки, заҳарни ичганимдан сўнг сиз билан қолмайман, бахтиёрлар дунёсига кетаман, – мана шу ҳамма айтганларим Критонга гўё ўзимни ва сизларни руҳлантириш учун айтилган беҳуда сўзлар бўлиб кўринаяпти. Шундай қилиб, – давом этди Сукрот, – сиз Критон олдида мен учун, у қозилар олдида мен ҳақимда айтганига қарама-қарши кафолат билдирингки, мен учун кафиллик қиласиз, деб. У кафолат берибдики, мен шу ерда қолармишман. Лекин сиз кафолат билдирингки, мен ўлганимда шу ерда қолмайман, шу ердан кетаман, деб. Ўшанда Критонга ҳам осон бўлади: менинг жасадим ёндирилгани ёки кўмилганини кўриб, менинг тақдиримдан аччиқланмайди. Гўё у менга нисбатан бешафқат бўлганидек ва менинг кўмилиш маросимимда, у Сукротни очиб қўяман ёки чиқариб ташлайман ёки кўмиб қўяман деёлмайди. Ишончинг комил бўлсин, азизим Критон, – таъкидлади Сукрот, – бу ерда нотўғри сўзлаш – нафақат ўз-ўзидан ёмон, лекин кўнгилга қандайдир гулгула солади. Сен менинг жасадимни кўмаяпсан деб қўркмагин; аммо сен уни шундай кўмгинки, у сенинг ўзингга ёқсин» («Творения Платона», I, С. 206–207; юнонча матн: *Sachau*. India, transl., II, p. 395).



<sup>1231</sup> Ушбу иктибоснинг юнонча матни номаълум (қаранг: *Sachau. India, transl., II, p. 395*).

<sup>1232</sup> «Олов, ёруғлик, кундуз, ойнинг ёруғ ярми, қуёшнинг шимолга (*uttarāyana, 'vtrāyīn*)» ҳаракати – шуларда Браҳмани билувчи одамлар Браҳманинг ҳузурига кетадилар («Бхагавадгита», VIII боб, 24).

<sup>1233</sup> Ганг ва Жамуна қўшиладиган жой Праягада ўз-ўзига диний суиқасд қилишга рухсат борлиги ёки йўқлиги ҳақида ҳинд эътиборли шахсларининг фикри ҳар хил. Баъзи рисолаларда бунга барча касталарга рухсат берилади (қаранг: *Kane. IV, pp. 603–610*).

<sup>1234</sup> Праяга – жойнинг номи (юкоридаги изоҳга қаранг); вата (*vaṭa, бару*) – баниян дарахти, *Ficus indica*.

<sup>1235</sup> Иоанн Грамматик (Яҳё ан-Наҳвий)дан олинган бу иктибосни айнанлаштириб бўлмади.

<sup>1236</sup> Қаранг: «Федон», 62 С: «– Демак, бу нуқтаи назардан, балки илоҳ зарур деб топилмагунча ўз жонига қасд қилиши керак эмас, деган хулоса келиб чиқади. (Творения Платона, I, С. 129; юнонча матн: *Sachau. India, transl., II, p. 395*).

<sup>1237</sup> Қаранг: «Федон», 62 В: «– Албатта, шундай фикр, – уқтирди Сукрот, – бемаънилик бўлиб кўриниши мумкин. Шундай бўлса-да, бунда, балки бирор маъно яширингандир. Биз, инсонлар, қандайдир қамокхонада яшайпмиз ва бу қамокхонадан биз ўзимизни халос қилишимиз ҳам, ундан қочишимиз ҳам керак эмас, деган дахлсиз таълимот менга қандайдир юксак ва англашилиши қийин бўлган бир номдек кўринаяпти. Лекин Кебет, мана қараб қўй, менга аслида мана бундай қоида тўғрироқ кўринади: илоҳлар биз тўғримизда гам чекади ва биз, одамлар, гўё илоҳларнинг бир бойликлари кабимиз. Ёки сен бу тўғрида бошқача фикрга эгамисан?» (Творения Платона, I, С. 129; юнонча матн: *Sachau. India, transl., II, pp. 395–396*).

## LXXIV БОБ

<sup>1238</sup> *Upravāsa ('vnbāc)* – «рўза, [емак-ичмақдан] ўзини тийиш». *Ekanakta (йакнагад)*, аниқроғи *hakta*, фақат кечаси тановул қилинадиган рўза тури. Балки бу ерда ёзишда хатога йўл қўйилган бўлиши мумкин. Аслида, *ekabhakta* – рўзанинг бир тури бўлиб, рўзадор кун давомида фақат бир маротаба тановул қилиши мумкин (*Kane, IV, p. 132*).

<sup>1239</sup> *Криччхра* (*kṛcchra, крижр*) – бу ибора билан турли рўзалар ва тавбалар аталади. «Самавидҳана-браҳмана»га кўра, криччхраларда рўза тутаётган киши уч кун давомида қурбонлик таомини фақат кундузи ейди, кейинги уч кун – фақат кечаси ейди, кейинги уч кун овқат сўрамайди ва яна тўлик, кун рўза тутади (I, 2, 1–4).

<sup>1240</sup> Парака (*paṛāka, парāку*) – «Баудҳаяна-дҳарма-сутра»га кўра, криччхранинг бир тури, II, 1, 91.

<sup>1241</sup> Чандраяна (*sāndrayana, жандрāян*) – рўзанинг тури: ҳинд манбаларида чандраянанинг явмадҳия тури айнан Берунийдагидек тавсифланади (қаранг: «Законы Ману», XI, 27 ва б.).

<sup>1242</sup> *Masavasa (māsvas)*, хато, аслида *masavāsa* – яъни, «ойлик рўза».

<sup>1243</sup> *Duve* (ўртаҳиндча, асл санскритчаси *dve, двй* – «икки»дан). Беруний бу ерда иккинчи «Вишну-дҳармоттара»га эътибор қаратган. Бу асар унинг кўп маротаба

ҳавола қилган шу номли асаридан фарқли (қаранг: JA, 1890, vol. 19, p. 402–403), яъни шу китобнинг 13-бобида Яжнвалкйиа билан Матрей (*Maitreyi*, *митрей*) орасидаги суҳбат келтирилган. Бюлер кўрсатганидек, Берунийнинг баёни асл нусха билан куйидаги ҳолларда мос келади: 1) Тавба қилиш пауша ойнинг ёруғ ярмининг иккинчи кунда бошланади ва тўрт кун давом этади; 2) Рўза тутаётган киши биринчи кун оқ ханталнинг (*siddhārthaka*; Бюлер айтганидек, Беруний матнида *śuddhodaka* кўринишида ўқиш ҳам мумкин бўлган, шунга кўра «суви билан» ўқилиши ҳам келиб чиқади) мойи билан ювинади, иккинчи кунда – кунжут ёғи билан, учинчи кун – миробалан шарбати билан, тўртинчи кун – турли исканжубинларнинг аралашмаси билан ювинган. 3) Қоидага кўра бу маросимни, (*Dīpā*, *длпн*), Душиянта (*Duṣyanta*, *душанту*) ва Яяти (*Yāyāti*, *жййāта*) – афсонавий подшоҳлар (аввалги иккинчи Куёш сулоласидан, Яяти – Ой сулоласидан) бажаришган. Бироқ фарзандларни балолардан кутқариш ҳақида асл нусхада айтилмаган (қаранг: JA, 1890, vol. 19, p. 403).

## LXXV БОБ

<sup>1244</sup> «Апастамба-дҳарма-сутра» эр-хотинларга парван кунлари тўлик рўза тутишни тавсия этади (II, 1, 1, 4–5). Рўзалар ҳақида қаранг: *Kane*, IV, pp. 52–54, 130–152.

<sup>1245</sup> Кришнанинг туғилиши муносабати билан нишонланадиган байрам ҳақида А. Вебернинг мақоласига қаранг: JA, 1874, p. 21; 1877, p. 161 (*Sachau*. India, transl., II, p. 396).

<sup>1246</sup> Иккинчи «Вишну-дҳарма»дан иктибос: «Ой Роҳини юлдуз туркумида, ойнаинг қоронғи қисмининг саккизинчи кун ... шу ой кун, ҳамма гуноҳларни йўқ қилувчи, Жаянти (*Jayanti*, *чайанти*) деб аталади ... Ва [атир] сепишлар, дуолар ... садакалар учун [бу кун] мукофот юз қарради ... Ва шу кундаги рўза энг оғир гуноҳларни ювади, деб ҳисобланади» (X, 1, 3, 4).

<sup>1247</sup> Иктибос Бюлер томонидан айнанлаштирилмаган. *Aṭṭāṭṭaja* (*ātṭj*, қаранг: *Sachau*. India, transl., II, p. 396). Какутстҳа (*Kakutstha*, *гакс*) – афсонавий Куёш сулоласидан подшоҳ, Ишквакунинг невараси. *Dandamār* (*dandahamara*) транскрипцияси аниқланмай қолди; балки Дандака (*Dandaka*), Ишвакунинг ўғли назарда тутилгандир.

<sup>1248</sup> *Dīvasīnī* (*devasīnī*, *devaseni*) сўзининг транскрипциясини аниқлаштириш имкони бўлмади.

<sup>1249</sup> *Saṭ* (*umt*) – «олтин». Ҳинд адабиётида бу тур рўза эслатилмайди.

<sup>1250</sup> *Deotthini* (*dīvottīnī*) – балки пракрит шакли *devotthana* («худонинг уйғониши») сўзидандир.

<sup>1251</sup> *Bhīṣmarañcarātrī* (*bīṣmbñjṣrātrī*) – «Бҳишманинг беш муқаддас кун» – *карттика* ойнаинг ёруғ ярмидаги 11-ва 15-кунлари орасидаги 5 кун.

<sup>1252</sup> *Kavratr*, эҳтимол: *Gaurivrata*, «Гаурининг қасами». Захаунинг айтишича, транскрипция *Gaurīṭṭīya* (*Sachau*. India, transl., II, p. 396) бўлиши керак.

## LXXVI БОБ

<sup>1253</sup> *Yātra* (*zātr*) санскритчада: «саёҳат, зиёрат, байрамона жараён, байрам тантанаси» ва бошқа маъноларни билдиради.

<sup>1254</sup> 'эдес, Захау фикрига кўра, транскрипция ајуа – *dīvas* (*Sachau. India, transl., II, p. 397*) бўлиши керак. Подшоҳ Муттай, унинг фикрича, «Шохнома»даги Сейистон шоҳи Матта бўлиши мумкин (қаранг: *Elliot, I, pp. 145–153*).

<sup>1255</sup> *Hindoli* (*ҳндвлӣ*); *hindola* – «бешик» ёки замбил – сўзидан келишик шакли. Ш *рвана* ойининг ёруғ ярмида Кришна тасвирини шунга солиб, «бешик байрами»да олиб юрилади (қаранг: *Monier-Williams, p. 430*). *Devagrha* (*дйвҗар*) – «худонинг уйи, ҳарам».

<sup>1256</sup> *Bahand* (*баханд*); қаранг: *Wilson. Essays and lectures, II, p. 223 (Sachau)*.

<sup>1257</sup> *Saitra* – *саҗати* (*жйтрдшт*).

<sup>1258</sup> *Pūra* – *раўса* (*рвлнжх*).

<sup>1259</sup> *Āhaṅī* (*āхәрӣ*) – яъни, «садақа».

<sup>1260</sup> *Mahānavatī* (*маханафмӣ*) – ашвина ойи ёруғ ярмининг тўққизинчи куни; Даруга шаънига қилинадиган тўққиз кунлик байрамнинг охириги куни. Беруний кун номини киши номи деб қабул қилган.

<sup>1261</sup> *Pūḥāya* – транскрипцияси аниқ эмас (Захауда: *Puhai*).

<sup>1262</sup> *Aṣoka* (*ашук*); *ahaī* (*ахуй*) – янги ҳиндча атама.

<sup>1263</sup> *Pitṛakṣa* (*птркш*) – «аждодлар ойининг ярми»; одатда ашвина ойининг қоронғу ярми, ёдлаш маросимларини бажаришга бағишланади.

<sup>1264</sup> *Harbālī* (*ҳарбālӣ*).

<sup>1265</sup> *Gaihat* (*гайҳатта*).

<sup>1266</sup> *Dhruvagrha* (*дрвбҗр*).

<sup>1267</sup> *Parvatī* (*брвт*).

<sup>1268</sup> *Karāna* (*крārх*).

<sup>1269</sup> *Gonālahid* (*генālхӣд*).

<sup>1270</sup> *Vitasta* (*Витаста, байт*) – Желам дарёсининг қадимги номи. Гана (*gana, ганах*) сўзининг маъноси аниқ эмас.

<sup>1271</sup> *Кудайшахр* – *квдйшхр* – ҳавзасининг ўрни аниқланмади.

<sup>1272</sup> *Сват* (*Svāt, сўват*) мамлақати, ундаги Кири (*Kiri, кӣрӣ* – Захаунинг тахминига кўра, *Kandī* бўлиши керак; қаранг: *Sachau. India, transl., II, p. 397*) ўлкаси ва Транжай (*Trañjai, транжәӣ*) дарёсининг жойи аниқланмади.

<sup>1273</sup> *Дупали* (*Dīpālī, дйбālӣ*) – «чироклар занжири» – ашвина ёки карттика ойида янги Ой куни чироклар билан безатиладиган байрам.

<sup>1274</sup> *Balirāja* (*блрāj*) – «Бали подшоҳлиги».

<sup>1275</sup> *Гувāнабāтрӣж* – транскрипцияси аниқ эмас.

<sup>1276</sup> *Pūhāvala* (*пўҳавал*).

<sup>1277</sup> *Aṣṭaka* (*'штк*) – «сакқизинчи кун».

<sup>1278</sup> *Ṣākāṣṭamī* (*сākārтам*) – пхалгуна ой қоронғи ярмининг сакқизинчи куни, ўша куни аждодларга атаб сабзавотлар қурбонлик қилинади.

<sup>1279</sup> *Mahātṛtiya* (*махатрӣж*).

<sup>1280</sup> Захау бундай ўқийди: *sāmāha* (*чāmāхх*) – *saturdaṣī māgha mansartagu* (*мансартагу*) – *mānsāṣṭaka*; *māhātan* (*māхāти*) *māghāṣṭamī*; *pūrartaku* (*пўрārтаку*) – *pūrāṣṭaka* (*Sachau. India, transl., II, p. 398*).

<sup>1281</sup> *Одад* (*'вдād*) – транскрипцияси аниқ эмас. *Dhola* (*дақўлаҳ*), бу ҳозирги янги ҳинд хўли (*Sachau. ўша ерда*) байрамига тўғри келса керак.

<sup>1282</sup> Шиваратра (*Śivarātri*, *шиврāтр*) – «Шива кечаси» – магҳа ойининг 14-кеча қоронғи ярмидаги байрам.

<sup>1283</sup> Пуятгану (*pūyattanu*, *пўйаттана*), Захаунинг таъкидлашича (ўша ерда), бу ўша *pūgastami* байрамининг айнан ўзи, яъни маргаширша ойида Ой тўлганидан кейин унинг кичраётганидаги саккизинчи куни.

<sup>1284</sup> «*Sāmbarugaṅgā*» (*сāнбавржāтр*) – «Самбапури (Ченоб дарёсида, ривоятларга қўра, Кришнанинг ўғли, Қуёшга топинишни яхши билган Самба томонидан қурилган) шаҳрига зиёрат ташрифи».

## LXXVII БОБ

<sup>1285</sup> «Вишну-пурана»га (3-китоб, 14-боб) қўра, крита-юганинг биринчи куни вайшакҳа ойининг 3-қамарий кунига, трата-юганинг биринчи куни карттиканинг 9-сига, двапара-юганики 13-набҳага (июль-август), кали-юганики – 15-магҳага тўғри келади. *Kṣāigītā* (*кшайрītā*) сўзининг этимологияси аниқ эмас.

<sup>1286</sup> Шрамга қўра, бу рақамни 1 603 000 080 га ўзгартириш керак (*Sachau. India, transl.*, II, p. 398).

<sup>1287</sup> *Ṛṇyākāla* (*буннакāl*) – «қулай фурсат».

<sup>1288</sup> *Bixū* ва *бишū* – кўринишича, бу ибора *viṣuva* – «тенгкунлик» атамасидан келиб чиққан янги ҳинд шакли бўлса керак.

<sup>1289</sup> *Ṣānti* (*сāнту*) – «рахм-шафқат қурбонлиги».

<sup>1290</sup> Шрам тузатиши: 365 кун 15'31''22'''30'''' (*Sachau. India, transl.*, II, p. 398).

<sup>1291</sup> Шрам бундай тузатади: 576 (ўша ерда).

<sup>1292</sup> *Avalyatta* ва *Sahāvi* (*сҳавī*) исмлари аниқланмай қолди.

<sup>1293</sup> Шадашитимукҳа (*ṣaḍaṣṭimukha*, *шрāшитамух*) ибораси Қуёшнинг Хут буржига, шунингдек Жавзо, Сунбула ва Қавс буржларига тушишини англатади.

<sup>1294</sup> Йога (*yoga*, *аг* – *жвкāt* – арабча артикл ва кўплиқда муаннас) бу ерда: юлдуз туркумларининг бахтли кўшимчалари (астрологик ибора).

<sup>1295</sup> Бу ерда *tryahasparṣa* (*трīхасаракш* ва *трīхаркаш*), Беруний айтган маънода бўлиб, ёзилиши бузилган кўринади.

<sup>1296</sup> *Tryahagattata* (*траҳгттт*) – ибора аниқланмади.

<sup>1297</sup> Қаранг: «Бриҳат-самҳита», 32-боб, 24–26-шл.

## LXXVIII БОБ

<sup>1298</sup> *Sphuṭa* (аспўт) – «очик, аниқ, тўғри»); *madhyama* (*маддкам*) – «ўртача»; *bhuktyantara* (*бухуатīантар*) – «бухукти фарқи».

<sup>1299</sup> Қуйида келтирилган жадвалдаги номлар янги ҳинд тилидаги тартиб сонларини билдиради. Захау синдҳидан параллеллар келтирган: *barkhu* (*брқх*) – «бир»; *biḍ* (*биуа, вйх*) – «иккинчи»; *ṭriḍ* (*триа, трйх*) – «учинчи»; *cotho* (*саут, чвт*; хинди: *cauth*) – «тўртинчи»; *pañjī* (*панс ī*), *пнчй*) – «бешинчи» ва ҳоказо (*Trumpp. pp.* 158, 174); *sat* (*с т*) – хиндийда *ṣaṣṭha* – «олтинчи»; синдҳида: *sat(ī)* (*sat(ī)n*, *стīн*) – «еттинчи»; *athī* (*атīн, тīн*) – «саккизинчи»; *nav* (*ī*) (*навīн, нвн*) – «тўққизинчи», *dahī* (*dahīn*, *дхīн*) – «ўнинчи». Кейин *yāhi* (йаҳй, синдҳи: *yārhi*), *duvāhī* (дваҳй), *trohī* (трвхй), *caudahī*

(*чвдхй*; хиндий: *caudah*), *rañcāhi* (пичāхй) – 11 дан 15-гача тартиб сонлар. Караналарнинг номлари: *Catuṣpada* (*жзшпз*), *Kimstughna* (*кистугҳун*), *Vālava* (*бāлав*), *Taitila* (*тавил*), *Vaṇij* (*брнж*), *Bava* (*бав*), *Kanlabū* (*кавлав*), *Gara* (*гур*) *Viṣṭi* (*бишта*), *Nāga* (*нāк*), *Ṣakuni* (*шкнү*).

<sup>1300</sup> Куйидаги жадвал «Брихат-самхита»даги (99-боб, 4–7-шл.) караналар ва улар «эга»ларининг тартибига аник мос келади; фақат Вишти учун Марута (*Marut*, *мрт*) ўрнига Яма кўрсатилган; Марут – шамол маъбуди, Кимстугҳна каранаси учун кўрсатилган. Бирок ҳар бир карана учун ҳукмларни Беруний бошқа манбадан олган кўринади.

<sup>1301</sup> Куйидаги жадвал манбаи, бизгача етиб келмаган «Срудҳава китоби»дан келтирилган бўлиши мумкин. Алоҳида виштилари номи: *Vaḍavāmukha* (*фрвāмх*), *Balva* (*блва*), *Ghōra* (*кҳвр*), *Karāla* (*грāла*), *Jvāla* (*чвāл*), *Kālarātri* (*кālрāтрй*). *Paraṣvadha* – «болта».

## LXXIX БОБ

<sup>1302</sup> Заҳау «Сурия-сиддҳанта»нинг шу масала ҳақида баён қилинган 11-бобига ҳавола қилади; Берунийнинг маълумотлари ҳам ушбу боб мазмунига яқин (*Sachau*. India, transl., II, p. 400).

<sup>1303</sup> *Vyatipāta* (*бйтпāт*) – янги Ой куни (якшанба-равивара).

<sup>1304</sup> Вайдҳрита (*vaidhṛta*, *байдрут*) – бу шундай йогаки, унда Қуёш ва Ой айнан қуёш туриш нуктасидан бир тарафда ва тенг оғишларга эга бўлиб, улар узунламаларининг йиғиндиси 360° га тенг (*Monier-Williams*, p. 1023).

<sup>1305</sup> Матнда بولہ буни بدل ўқиш керак.

<sup>1306</sup> *Rāta* – «тушиш; сайёралар орбитасининг кесишиш нуктаси».

<sup>1307</sup> Шиявабала (*Ṣyāvabala*, *сийāвпал*) – исмининг тахминий транскрипцияси. Бу ерда Беруний ўз қаламига мансуб ва ҳинд астрономиясига бағишланган икки асарининг номини эслатган. Биринчисининг номини у қискартириб «Хаёл ал-кусуфайн» деган. Лекин ўзининг «Қонуни Масъудий» асари 9-китобининг 17-бобида унинг тўлик номини «Хаёл ал-кусуфайн ‘инда ал-ҳинд» («Ҳиндларда [Қуёш ва Ойнинг] хаёлий тутулишлари») деган. Иккинчи асари «Кҳандакҳадяка арабийя» («Арабча «Кҳандакҳадяка») фақат «Ҳиндистон» асарида эслатилган, бизгача етиб келмаган.

<sup>1308</sup> Бҳаттила (*Bhaṭṭila*, *бҳтл*) – бу ном юқорида эслатилди.

<sup>1309</sup> Бу ерда كانت مخوسه ўқилиши керак.

<sup>1310</sup> *Vakṣuta* (*бкшвт*); балки бу сўз *vakṣu* – «Савр буржи» иборасидан ясалгандир; *Gaṇḍānta* (*кнāнд*); *Lāṭa* (*лāта*), *Cāsa* (*дҷас*), *Varṣa* (*брх*) ёки *Varsavyatipāta* (*брхпйтпāт*), *Kāladanḍa* (*кāладанда*), *Vyākhyāta* (*бйākшāту*).

<sup>1311</sup> Жадвалдаги йогалар номлари: *Viṣkambha* (*би хқара*), *Prīti* (*прйт*), *Rajagama* (*рāжгаму*); *āyusmaṇṭ* ўрнига қаранг: *Sachau*. India, transl., II, p. 401); *Saubhāgya* (*свабхāк*), *Ṣobhana* (*шўбҳана*), *Antigaṇḍa* (*атканду*), *Sukarman* (*сукарма*), *Dhṛti* (*дрт*), *Ṣūla* (*шўла*), *Gaṇḍa* (*ктнд*), *Vrddhī* (*прдд*), *Dhruva* (*дрўваҳ*), *Vyāghāta* (*бийāгхрāта*), *Harṣana* (*ҳаришана*), *Vajra* (*бҷр*), *Siddhi* (*сдд*), *Kannāta* (*кннāт*) *Variyas* (*барийу*), *Parigha* (*прғ*), *Ṣiva* (*шива*), *Siddha* (*сиддаҳ*), *Sādhya* (*сāдд*), *Ṣubha* (*шубҳа*), *Ṣukra* (*шу-*

кра), Brahman (*бр̄аҳм*) Vaidhṛti (*байидтх*) – ҳамма номлар ҳинд манбаларидаги номларга асосан мос келади.

## LXXX БОБ

<sup>1312</sup> Saumyagraha (*сўтакраҳ*) – «қулай сайёра» (Уторид, Муштарий, Зухра, Ой). Kṛāhaha (*кр̄вракраҳ*) – «ноқулай сайёра».

<sup>1313</sup> Қуйида келтирилган жадвал асосан Вараҳамиҳиранинг «Лагҳу-жатака» рисоласининг матнига асосланган. Биринчи бўлим («у бахт ёки бахтсизлик келтирадими») ҳақида қаранг: «Лагҳу-жатака», II-боб, 1-шл. Асл нусхада: Қуёш бахтсизлик келтиради; қолган жойларда Беруний таржимаси тўғри. Асл нусхага аниқ мос келувчи бўлимлар: учинчи (II, 2), тўртинчи (II, 6), ўн тўртинчи (II, 2), ўн бешинчи (III, 4), ўн олтинчи (IV, 2). Бешинчи бўлимда Зухра учун жануби-шарқ кўрсатилган; қолганларида асл нусхага мос келиш тўғри (II, 1). Сайёраларнинг ранглари: Қуёш учун – тўқ қизил, Ой учун ва Муштарий учун – оқ ёки сарғиш (*gaṅga*); Миррих учун – ёрқин қизил, Уторид учун – дурва ўтининг ранги; Зухра учун – жигарранг (*ṣūṭa*); Зухал учун – қора (II, 13–19; қаранг: жадвалнинг олтинчи бўлими). Металлар ва маъданлар ўнинчи бўлимда асл нусхага (IV, 9) мос равишда кўрсатилган, аммо Ой учун асл нусхада ярқироқ тош (*maṇi*), Уторид учун – қоришма (*yukti*) кўрсатилган. Боб IV, шл. 6 да «уйлар» (*gṛha*) сайёраларга мос кетмакетликда кўрсатилган: бўш (*adr̥ḥa*), янги ёнган, ола-була (*citra*), мустаҳкам (*sudṛḥa*), чиройлик (*manogata*), эски (*ḥīna*); қаранг: жадвалнинг 11-бўлими. 13-бўлимда сайёралар учун касталар асл нусхага (II, 3) мос равишда кўрсатилган; Вараҳамиҳирага кўра, Зухаларалаш касталарга эгалик қилади. II-боб, 10–11-шлда ҳар бир сайёрага «дўстона» (*mītra*), «душман» (*ṣatru*) ва «бефарқ» (*sama*, Берунийда: *vimīṣa* – *вамшир*, «аралаш») сайёралар кўрсатилган; Берунийдаги жадвал (бўлимлар – 17, 18, 19) асл нусхага аниқ мос келади. Боб II, шл. 13–19да кўрсатилганлар: Қуёш учун – суяклар, Ой учун – қон, Миррих учун – мия, Уторид учун – тери, Муштарий учун – ёғ, Зухра учун – томирлар; қаранг: жадвалнинг 20-бўлими. 21-бўлим асл нусхага мос келади, II боб, 7-шл.; фақат Зухра учун 3 рақами ўрнига 25 ёзилган. Жадвалдаги бошқа манбалардан олинган. Хусусан, тўққизинчи бўлимни «Трайлокия-пракаша» билан солиштириш мумкин, у ерда Қуёш, Зухал ва Миррих учун аччиқ маза (*kaṭuka*), Ой ва Зухра учун – шўр (*kṣāḡāmla*), Уторид учун – туруш (*tuvara*), Муштарий учун – ширин маза кўрсатилган (қаранг: A. Weber. JS, Bd. 2, S. 262). Ауапа (*'ūn*) – «йилнинг ярми». Амбу (*анбу*) – «сув». Нема (*нйм*) – ведик дононинг исми. Śadāya (*бндāж*) – яъни «олтинчи йил»; *naisarga* (*нйсрхх*) – «ичкариги».

<sup>1314</sup> Қаранг: «Лагҳу-жатака», III, 5. Ўша байтнинг ўзида кичраётган сайёра бола ташлашга далолат бериши айtilган.

<sup>1315</sup> Қуйидаги жадвал «Лагҳу-жатака»нинг 1 боби матнига асосланган, фақат тулуъ хусусиятлари, мавсумларни ва буржлар тасвирларини кўрсатувчи бўлимлардан ташқари. Қолган бўлимлар «Лагҳу-жатака»нинг матнига (I-боб, 4, 6–8, 11–13, 20–22-шл.) айнан мос келади; шунингдек, Беруний Бҳатотпаланинг шарҳларидан фойдалангани ҳам кўринади. Mūlatrīkoḍa (*мўлтргвн*) – учинчи астрологик «уй»нинг номи; бу ерда *trīkoḍa* ибораси назарда тутилади, бу эса юнонча *τρίγωνος* сўзининг айнан

ўзидир. Бу ибора эса астрологияда «учбурчакли» («тригонал») аспектни («назар»ни) билдиради (яна куйида қаранг).

<sup>1316</sup> Uccastha ('*вжст*), paramocastha (*брмвжст*), nicastha (*нйжст*), paraman – castha (*брмнйжаст*) – астрономик иборалар, Беруний уларнинг маъноларини келтирган.

<sup>1317</sup> Cararaḥi (*жррāша*) – «кўзғалмас бурж»; sthiraḥi (*стрраш*) – «мустақкам бурж». Dvisvabhāva (*двсбхāв*) – «иккиламчи, иккитабиатли».

<sup>1318</sup> Chattra (*джатр*) – «шамсия (зонт)»; пау (*нāвах*) – «кема»; dhanus (*дхн*) – «камалак».

<sup>1319</sup> «Биринчи, еттинчи, ўнинчи, ва тўртинчи астрологик уйлар кендра, чатуштая ва кантака деб аталади. Ҳар бир кендрага (*kendra*, *киндру*, юнонча *жентров*), панাপҳара (*рапарһага*, *пнпарву*, юнонча – *επαφορα*), ҳар бир панापҳарага – апоклима (*ароклима*, '*пваклум*, юнонча – *αποκλιμα*)» мос келади – «Лагҳу-жатака», I, 18. Куйидаги жадвал қисман «Лагҳу-жатака»га (I, 4, 15–17, 19) асосланган (бўлимлар: «Уларнинг далолат кўрсатишлари» ва «Тулуъ қилаётган буржга нисбатан ҳолатлар»). Биринчи уй учун «жон» ўрнига асл нусхада «тапа» (*тапу*) кўрсатилган. Олдинги жадвалдаги тана қисмларни кўрсатувчи қисмига қаранг. Келтирилган материаллар қисман бошқа манбалардан олинган.

<sup>1320</sup> Drekkāḥa (*дрйгāн*) – юнонча *τριγωνος* – «учбурчак».

<sup>1321</sup> Navāṁṣaka (*навāншк* – «тўққизинчи қисм») ҳақида қаранг: «Лагҳу-жатака», 1, 8.

<sup>1322</sup> Vargottama (*паркўтам*), қаранг: «Лагҳу-жатака», 1, 7.

<sup>1323</sup> «Ўн икки қисм» (*duādaśeṣa*, двāздсайс, «ўн икки ҳоким») ҳақида қаранг: «Лагҳу-жатака», I, 9.

<sup>1324</sup> «Ўттиз қисм»нинг (*triṁṣāṁṣaka*, *трйшāни*) бу талқини «Лагҳу-жатака», I, 10 матнига айнан мос келади, фақат: «охирги бештаси – Уторидга» деган кўрсатма фарк қилади; асл нусхада: «охирги бештаси – Миррихга».

<sup>1325</sup> Заҳау сайёралар «кучи» [«қуввати»] ҳақидаги тушунтиришларнинг манбаи сифатида «Лагҳу-жатака»ни (II боб, 8, 11, 5, 6-шл.) кўрсатади (*Sachau*. India, transl., II, pp. 225, 226). Бирок асл нусханинг тегишли матни Беруний баёнидан анча фарк қилади. «Лагҳу-жатака»да *sthānbala* ('*стāнбл* – «доимий куч»), *ḥṣṣibala*, *ḥṣṣibala* (*дсāпл*, *дкпл* – «аспект кучи»), *ceṣṣabala* (*жйштабл* – «ҳаракатлантирувчи куч»), *kālabala* (*кāлабл* – «вақтинча куч») иборалари ҳам учратилмайди.

<sup>1326</sup> *Bala* (*бл*) – «куч». Куйида қаранг, *paṣargikabala* (*нсргкбл* – яъни, «ички куч»).

<sup>1327</sup> «Амсауа» (*امشاج*) – яъни, «даражаларда [ҳисобланадиган ўртача йилнинг] келиши».

<sup>1328</sup> «Лагҳу-жатака»га, VI, 1, кўра шундай. Асл нусхада ўн иккига бўлиш билан йиллар, ойлар, кунлар ва надикни кетма-кет алмаштириш ҳақида айтилган.

<sup>1329</sup> Қаранг: «Лагҳу-жатака», VI, 2 ва Бҳаттотпаланинг шарҳи.

<sup>1330</sup> *Ayurdāya* (*ажурдā*) – «инсон ҳаёти муддатини юлдузлар ва сайёраларга қараб айтиб бериш». «Лагҳу-жатака»нинг олтинчи боби бундай аталган: «Аюрдая ҳақидаги боб» (*ayurdāyadhyaḥ*). *Madhyamaḥa* (*маддхмāж*) – «ўртача йил»; *sphuṭāya* (*сптаж*) – «аниқ йил».

<sup>1331</sup> «Лагҳу-жатака»га, VI, 3, кўра шундай.

<sup>1332</sup> Ўша ерда, VI, 4.

<sup>1333</sup> Қаранг: «Лагху-жатака», II, 8: 10- ва 3-буржларда сайёра тўртдан бирича иштирок этади; 9- ва 5-буржларда – ярмича; 7-буржда – тамомила.

<sup>1334</sup> «Каламбука» – قالمبوكة. Заҳау «kālabhāga» ўқишни тавсия этади (*Sachau. India, transl.*, II, pp. 231).

<sup>1335</sup> «Лагху-жатака», IV, 3, 4.

<sup>1336</sup> Ўша ерда, IV, 5.

<sup>1337</sup> Ўша ерда, IV, 6.

<sup>1338</sup> Ўша ерда, IV, 7.

<sup>1339</sup> Ўша ерда, IV, 8.

<sup>1340</sup> Ўша ерда, XII, 3. Асл нусхага кўра, Муштарий илоҳларга (*vidudha*; Берунийда *Devaloka*, *дайвлк*, – «илоҳлар, илоҳлар дунёси») ишора қилади, Ой ва Зухра – аждодларга (*Pitṛloka*, *птрлвк*, – «аждодлар, аждодлар дунёси»), Миррих ва Куёш – ҳайвонларга (*tiryafṣ*; Берунийда – *Vṛṣikaloka*, *бржквлк* – «чаёнлар»), Зухал ва Уторид – дўзахга (*paraka*, Берунийда – *Bhṛguloka*, *прквлк* – «Бҳригу дунёси») – афсонавий коҳинлар уруғи).

<sup>1341</sup> Ўша ерда, XIII, 4.

<sup>1342</sup> Кету (*Ketu*, к й т) – афсонавий аждар думи (унинг боши Раҳу деб аталади), даврий равишда Куёш Ойни ютиб, уларнинг тутулишларини келтириб чиқаради; анъанавий ҳинд астрономиясида тўққизинчи сайёра деб қаралади; *ketu* деб, шунингдек, ҳар қандай думли кометага ҳам аталади.

<sup>1343</sup> «Ўттиз учта комета (*ketu*) – Раҳунинг ўғиллари, мавжуд, улар тамасакилака (*tāmasakīlaka*, *тāmсйлк* – «қора қозик») деб аталади. Уларни Куёшда кузатиб, ранги, ҳолати ва шаклига кўра, келажакни башорат қилиш мумкин. Борди-ю, Куёш кулчасида кўринса, ёмонлик келишини билдиради, агар Ой кулчасида кўринса, яхшилик бўлади; агар уларнинг [кўриниши] қора қарға шаклида, калласи олинган мурда ёки курол-аслаҳага ўхшаса – бу даҳшат. Улар пайдо бўлганида – сув лойқалашади, осмонда чанг-тўзон кўзгалади, қаттиқ шамол тепаликлар ва дарахтлар учини силкитади, шунда дўл ёғади. Дарахтлар гўё йил фасли ўзгараётганини кўрсатади. Ҳайвонлар ва қушлар безовталанади, уфқдан шуъла кўтарилади. Килакилар ёки Раҳу кўринишида юз берадиган бу ҳодисалар ўз-ўзича таъсир кўрсата олмайди; бу ҳодисаларнинг сабабчиси бўлган кометаларнинг таъсирини кўрсатиш керак бўлади. Улар қайси мамлакатда Куёш кулчасида кўринмасин, ҳаммасида ҳам подшоҳлар учун бахтсизлик келишидан хабар беради» («Бриҳат-самҳита», III боб, 7–12).

<sup>1344</sup> Куйида келтирилган жадвал «Бриҳат-самҳита», XI боб, 10–28, матнига асосланган. Биринчи бўлиб кометалар кўрсатилган, аслига кўра, улар «Кирақа» (*крн*) – Куёш болалари деб аталган. Оловнинг болалари жануби-шарқда пайдо бўлади. «Ер фарзандлари» «серҳосиллик ва бойлик» эмас, очарчилик келишидан хабар беради. Тўкин-сочинликдан «Ойнинг ўғиллари» дарак беради. «Брахмининг ўғли», у «Брахмининг асоси» (*Brahma daṇḍa*, *браҳмадан*) деб ҳам аталади, қиёматдан дарак беради. Юқорида айтилганидек, тамасакилака кометалари – 33 та. Улар нимадан дарак бериши ҳақида оригиналнинг 3-бобида айтилган. Канка кометалари (*kaṅka*, *канка*) ёмонликдан дарак беради; аммо *Puṇḍra* (*пвндр* – ҳозирги Бенгалия ва Биҳар ўрнида бўлган мамлакат) ҳақида асл нусхада айтилмаган. Қолган қисмларида жадвал аслига анча тўғри келади. Кометалар номлари: *Kanaka* (*канка*), *Vikasa* (*бикажа*),



Taskara (*маскара* – «Ўғри»), Kaunkuma (*кнкму*), Viṣvaḡra (*бишваруна*), Aḡuḡa (*аруна*), Gaḡaka (*ганика*), Kabandha (*кабанда*) – булар оригиналга мос келади. Ḣikha (яъни, «тарок») – Беруний буни «(комета) думи» деб таржима қилган.

<sup>1345</sup> «Сайёралар ҳаракатини Гарга, Парашара, Асита, Девала ва бошқаларнинг китобларидан ўқиб ўрганганимдан сўнг энди мен, қийинчиликларни барта- раф қилиб, бу мавзуни таҳлил қилишга ўтаман. Кометаларнинг пайдо бўлиши ва йўқолишини астрономик қоидаларсиз аниқлаб бўлмайди. Чунки уларнинг тури уч хил бўлади: самовий (*dīvyā*), ҳавоий (*antarikṣa*) ва ерли. [Осмондаги] барча олов- га ўхшаган, оташтабиат нарсалар кометаларнинг турлари (*ketuḡra*, *кйтрун* – яъни, «кометашакл»)га тааллуқлидир, фақат ялтироқ қуртлар, қабрлардаги оловлар (яъни, *piṣā'sālaya* – «пишачларнинг уйларидаги»), жавоҳирлар, қимматбаҳо тошлар ва бошқалар бунга қирмайди. Ҳавоий оловлар – байроқларда, қиличларда, уйларда, дарахтларда, отларда, филларда пайдо бўладиганлари; самовийлар – юлдузлар ора- сида кўринувчиларидир. Бу айтилганлар қаторига қирмайдиганлар ердаги кетулар- дир. Баъзиларнинг айтишича, кометаларнинг 101 таси мавжуд; бошқаларнинг айти- шича – улар мингта; донишманд Нарада таъкидлаган эдики, фақат биргина комета мавжуд бўлиб, у турли шаклларни олади. Кометалар таъсир кўрсатадиган ойлар сони, улар кўриниб турадиган кунлар сонига тенгдир. Ана шунга ўхшаш, улар таъ- сир кўрсатадиган йиллар сони улар кўринадиган ойлар сонига тенгдир...» («Бриҳат- самхита», XI, 1–5, 7).

<sup>1346</sup> «[Дхрува кометасининг ёруғлиги] кўринган подшоҳлар, [у кўринган] мам- лакатлар, улардаги уйлар, дарахтлар ва тоғлар, уй эгалари ҳалокатга маҳкумлар» («Бриҳат-самхита», XI, 42).

<sup>1347</sup> «Чўққисига метеор теккан комета – хайр ва саховат учундир. Ёмғир келти- радиган комета янада хайрлироқдир; лекин чўла (*cola*, *жср*), авагана, оқ хуннлар (*sitaḡuna*; Берунийда *ст* ва *хвн* – икки турли халқнинг номи бўлиб қолган) ва хитойлар (*ṣīna*) учун хайрли эмас» («Бриҳат-самхита», XI, 61).

<sup>1348</sup> «Кометанинг думи эгилган ёки у кўрсатаётган тарафдаги мамлакатлар ва бош юлдузларига шу комета теккан мамлакатлар осмоннинг кудрати билан емирилади- лар. Уларга хужум қилган подшоҳ худди йирткич қуш илонларни тутиб олганидек душманларининг бойликларига эга бўлади» («Бриҳат-самхита», XI, 62).

<sup>1349</sup> Қуйидаги жадвал «Бриҳат-самхита» матнига, XI, 29–41, асосланган. Ори- гиналга кўра, Шастра (*ṣastra*, *шаствару*) кометаси шарқда пайдо бўлади ва исёнлар билан ўлатдан дарак беради. Раудра (*raudra*, *равдру*) кометаси шарқда «Агнининг йўли бўйлаб «тулуъ қилади ва Капалакетуга ўхшаб дарак беради. Чалакетунинг (*calaketu*, чалакайт) таъсири ўн ёки ўн саккиз ой давом этади. Шветакету (*ṣvetaketu*, *швїтакїта*) шарқда ярим кечада тулуъ қилади; агар муддатидан кўп кўриниб тур- са – аҳолининг учдан иккиси қирилади. Рашмикету (*Raṣmīketu*, *вашсукїту*) худди Шветакетудек дарак беради. Дхрувакету (*Dhruvaketu*, *жсрўркїта*) аниқ ўлчам, ранг, шакл, йўлига эга эмас. Кимуданинг (*kumuda*, камуда) чўққиси шарққа эгилган. Пад- макету (*Padmaketu*, *банамакїта*) ғарбда тулуъ қилади. Қолган қисмларида жадвал оригиналга айнан мос келади; ушбу кометалар аниқ тавсифланган: *Vasā* (*басā*), *Asthī* (*астї*), *Karālaketu* (*карāлакїту*), *Ka* (*ка'*), *Maṇīketu* (*манакїта*), *Jalaketu* (*чалакїта*), *Bhavaketu* (*бахакїта*), *Avarta* (*аварту*), *Saṁvarta* (*санбарта*).

<sup>1350</sup> «Тўрт ёмғир» – varṣa сўзини «ёмғир» деб таржима қилинишидан шундай маъно чиққан; аслида уни «мамлакат» деб таржима қилиш керак эди. Ҳиндларнинг тасавурида Ерни тўрт фил ўз устида тутиб турган ҳисобланади. Бу ҳақида қаранг: «Бхагавата-пурана», 20-боб, 30-шл.; «Падма-пурана», III, 9-боб, 34-шл. ва бошқа манбалар.

<sup>1351</sup> Бу иқтибос қаердан олингани аниқланмади. Manguniḥa (*мнкнх*).

<sup>1352</sup> «Қуёш нурлари билан бирга, ёмғир ёрдамида, бутун дунёдан сув йиғади. Қуёш ичган сув ... Ойга ўтади... Ойдан оқаётган [сувларни] Қуёш чиқиш ва ботиш нуқталарида тутиб туради; булутлар шамол зарбасида сувни [ёмғир қилиб] ерга оқизадилар» («Ваю-пурана», 51-боб, 13–15-шл.). Яна пастрокда: «Дунёдаги барча сувлар Ойдан тўкилади... Қуёшдан иссиқ чиқади, Ойдан совуқ чиқади. Иссиқ ва совуқнинг бирга қўшилган энергияси оламни тутиб турибди» (19, 20).

<sup>1353</sup> Айравата (Airāvata, *'йавт*) – Индранинг афсонавий фили.





# КЎРСАТКИЧЛАР

## КИШИ НОМЛАРИ КЎРСАТКИЧИ

- Абдулкарим ибн Абдул-Авжа – 194, 197  
Абдуллох ибн ал-Мукаффа – 14, 134, 455, 476  
Абул-Аббос ал-Эроншахрий – 27, 29, 44, 231  
Абу Али ибн Сино – 16, 37  
Абу Аҳмад ибн Чатлифтегин – 27  
Абу Бакр аш-Шиблий – 28, 90, 447  
Абу Йазиб ал-Бистомий – 28  
Абу Йақуб ас-Сижизий – 27, 77, 437  
Абул-Асвад ад-Дуалий – 121, 467  
Абул-Фатҳ ал-Бустий – 8, 423  
Абул-Ҳасан ал-Ахвозий – 27, 286  
Абу Маъшар Балхий – 220  
Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний – 5  
Абу Саҳл Абул-Мунъим ибн Али ибн Нух ат-Тифлисий – 16, 43, 412  
Абу Язид ал-Бистамий – 90, 447  
Абу Яъқуб ас-Сижизий – 77, 437  
Агастия – 118, 310, 325, 326, 449, 450, 465, 549, 545  
Агастия Канопус – 310  
Агенон – 142, 480  
Агни – 117, 147, 185, 239, 247, 341, 452, 464  
Агниба – 267, 529  
Агнивеша – 475  
Агнидрха – 267  
Агнижжихва – 178, 496  
Агнимукха – 178, 496  
Агния – 383  
Адити – 493, 341  
Ажа – 238  
Ажа экапод – 239  
Азудаддавла – 359  
Айравага – 572  
Александр Афродизий – 518, 533  
Айюб Ростгўй – 60  
Аммон – 96  
Аммоний – 28, 89, 445  
Анандапала – 120, 282, 536  
Ананта – 182, 216, 499, 512  
Ангирас – 118, 168, 213, 343, 464, 492, 511  
Анила – 188, 239, 521  
Антака – 239, 521  
Антарикша – 270  
Апара – 267  
Аполлон – 28, 83, 101, 173, 258, 424, 442  
Аполлоний Тианий – 28, 426  
Арас – 239  
Ариабхата Катга – 254, 473, 502, 508  
Ариабхата Кусумапурани – 145, 187, 226, 233, 235, 502  
Арат – 527, 533  
Ардашер ибн Бобак – 98, 104, 451  
Ардашер ибн Доро – 142  
Ардашер ибн Куруш – 142  
Аржаман – 185  
Аристотель – 174, 175, 176, 179, 228, 309, 412, 495, 518  
Аржуна – 55, 69, 70, 85, 89, 99, 111, 273, 274, 349, 421, 431, 446, 532  
Арияман – 169, 170, 239, 342, 493, 501  
Арка – 148, 168, 170, 343  
Арундхати – 265  
Архимед – 140  
Аруни – 267  
Архант – 109, 111, 458  
Асизас – 142  
Асита – 168, 403, 493, 571

- Асклепий – 59, 97, 173, 258, 364, 424, 526
- Астерион – 95
- Астери – 95
- Асури – 448, 518
- Атинаман – 267
- Атрейя – 527
- Атри – 510
- Аурва – 331, 552
- Аутата – 264
- Афина – 275
- Афродис Ҳиндий – 275, 533
- Афросиёб – 220, 516
- Ашана – 247, 523
- Ашватара – 178, 188, 496, 503
- Ашватгхаман – 274, 466, 529, 530
- Ашчарвари – 264
- Ахирбудхния – 238, 311, 342, 545
- Баало (Вавло) – 422
- Балабандху – 264
- Балабха – 484
- Балабҳадра – 25, 132, 133, 175, 176, 185, 186, 203, 204, 206, 208, 226, 271, 273, 374, 473, 474, 531
- Балабҳадра, Васудеванинг акаси – 531
- Балабҳадра, Нараянанинг акаси – 185
- Баладева – 109, 458
- Бали – 106, 108, 116, 178, 264, 269, 277, 281, 353, 372, 400, 456, 457, 497, 530, 534, 565
- Балушоҳ – 163
- Бангала – 134, 475
- Барзотайх – 134
- Бармакий – 134, 476
- Башшор ибн Бурд – 346, 557
- Бархатекин – 31, 280, 281, 536
- Беруний – 5, 6, 7, 9, 10, 11, 533, 536, 546, 547
- Биас Приенли – 53, 423
- Бобак – 98, 104, 451
- Бобак ўгли Ардашер – 98, 104, 451
- Брахма – 390, 433, 437, 442, 443, 449, 474, 475, 500, 502, 508, 518, 519, 523, 525, 534, 539, 550, 554, 559
- Брахмагупта – 13, 14, 25, 128, 131, 132, 140, 146, 176, 186, 199, 202, 205, 206, 208, 225, 235, 252, 253, 255, 374, 376, 378
- Брахмана – 360, 561
- Брахмарши – 94, 188, 450, 502
- Брихаспати – 118, 167, 556
- Бувайх – 560
- Будда – 29, 109, 111, 120, 143, 186, 365, 413, 427, 458, 460, 501, 526
- Буддхадана – 427
- Буюк риши (Маркандея) – 71, 117, 145, 227, 237, 248, 254, 263, 276, 277, 310, 433, 456, 500, 518, 534, 619
- Бхага – 493, 556,
- Бхагават – 109, 110, 111, 117, 192, 370, 432, 458
- Бхагавати – 109, 110, 111, 117, 192, 370, 432, 458
- Бхагея – 305
- Бхагиратха – 351
- Бҳаддатта – 126, 133
- Бҳануяшас – 132, 473
- Бҳарадважа – 267, 270
- Бҳарата – 47, 55, 108, 118, 119, 196, 214, 216, 271, 354, 356, 432, 502, 503, 511
- Бҳарма – 341
- Бҳатта – 164
- Бҳаттила – 133, 387, 474, 567
- Бҳима – 421, 536
- Бҳимапала – 282
- Бҳимасена – 421, 532
- Бҳожадева – 154, 484
- Бҳоргава – 118, 493
- Бҳригу – 84, 168, 442, 493, 511, 525, 526, 552
- Бҳуванакоша – 511
- Бҳужага – 238
- Бҳуришена – 264
- Ваал – 425
- Важашравас – 270
- Важра – 109, 182, 185, 228, 248, 263, 276, 277, 310, 361, 383, 388, 433, 458, 498, 500, 501, 518, 534

- Вайшамияна – 115  
 Вайшнава – 247  
 Вайшанава – 247  
 Валакҳилия – 268  
 Валлабҳа – 155, 484  
 Валмики – 270, 534  
 Вamana – 116, 117, 269, 272, 463, 513  
 Вамшча – 267  
 Ванунадевашча – 264  
 Вапра – 270  
 Ванушмат – 267  
 Варака – 267  
 Вараҳамихира – 267  
 Вараҳи – 110, 459  
 Варуна – 170, 185, 201, 213, 239, 247,  
 254, 326, 338, 342, 493, 501, 511, 525,  
 550, 551, 554  
 Васиштҳа – 107, 118, 131, 175, 183, 184,  
 200, 207, 238, 265, 267, 270, 311, 328,  
 456, 464, 471, 500  
 Васавас – 342  
 Васу – 117, 147, 213, 239, 270, 455, 482,  
 510  
 Васудева – 55, 62, 70, 71, 85, 91, 93, 100,  
 102, 112, 119, 138, 159, 170, 191, 213,  
 238, 244, 249, 270, 271, 272, 273, 274,  
 332, 349, 354, 364, 368, 370, 371, 421,  
 426, 431, 432, 453, 369, 466, 486, 530,  
 531, 533  
 Васуки – 178, 188, 497, 502  
 Васукара Кашмирли – 114, 461  
 Васун – 213  
 Ваҳаншоҳ – 163  
 Ведабаҳу – 267  
 Веда-вияса – 270  
 Ведашри – 267  
 Вейшнава – 247  
 Видиюжжихва – 178, 496  
 Вияди – 153, 154, 484  
 Вижаянандин – 15, 133, 239, 303, 325,  
 473, 517  
 Викрамадития – 278, 279, 535  
 Вималабуддҳи – 134, 475  
 Вината – 190, 504  
 Винаяка – 110, 119, 459, 467  
 Випашчит – 264  
 Виранчана – 249, 524  
 Виринчия – 239  
 Вираз – 184  
 Виразас – 264, 267  
 Виттешвара – 133, 473  
 Вичитрадия – 264  
 Вишала – 178, 194, 496  
 Вишвакарман – 341, 555  
 Вишва – 148, 344, 483  
 Вишваддевах – 247  
 Вишвамитра – 184, 229, 267,  
 Вишну – 247, 272, 534, 552, 559  
 Вишнучандра – 131  
 Вияна – 341  
 Вияса, Парашара ўғли – 142, 244, 253,  
 263, 267, 270, 429  
 Вадху – 230, 518  
 Ваяшварава – 270  
 Валакҳилия – 268, 530  
 Валмеки – 277  
 Vamana – 116, 117, 269, 272  
 Ванунадевашча – 264  
 Воншча – 264  
 Вараҳи – 110, 459  
 Врикавактра – 178, 496  
 Вриша – 172  
 Габҳира – 264  
 Газакарна – 178  
 Гален – 29, 58, 59, 95, 96, 97, 112, 114,  
 130, 173, 228, 364, 424, 425, 450, 451,  
 460, 462  
 Ганapati – 341  
 Гангея – 161, 487  
 Гарга – 35, 238, 260, 265, 266, 328, 335,  
 403  
 419, 474, 526, 550, 571  
 Гаруда – 106, 117, 156, 178, 191, 240,  
 456, 463, 485, 504, 521

- Гауда –118  
 Гаури – 143, 341, 370, 372, 458, 481, 564  
 Гаутама – 118, 552, 619  
 Геракл – 89, 445  
 Гиппократ –28, 29, 59, 258, 364, 424, 526  
 Говинда – 218, 272, 531  
 Голава –218  
 Гомер – 28, 64, 97, 178, 451, 497  
 Гумукҳа – 178  
 Гупта –7, 535  
 Гуру – 168, 341, 492, 521  
 Гуштасп –51, 417  
 Дакша – 71, 118, 213, 264, 433, 464, 552  
 Дандаҳамара – 368  
 Дардан – 258, 526  
 Дасра – 146, 239, 521  
 Датта – 267  
 Дашаратҳа – 108, 165, 254, 447, 525  
 Двайпаяна-Вияса – 270, 455  
 Дева –233, 448, 508  
 Девака – 233, 244, 252  
 Девакиртти – 134  
 Девала –118, 380, 403  
 Девата – 264  
 Девашрештҳа – 264  
 Деваника – 264  
 Деметра – 59, 424,  
 Демократ –115, 130  
 Диптиман – 267  
 Дивакара – 134, 170, 475, 492  
 Диваспати – 264, 528  
 Диоген – 64  
 Дивиятаттва – 133,  
 Дионис – 29, 59, 101, 364, 424, 454, 480  
 Дилепа – 364  
 Диос – 96, 451  
 Довуд – 60, 61  
 Дамўдара – 273  
 Доро – 101, 142, 417, 453  
 Дракон – 101  
 Дриант – 425  
 Дритакуту – 264  
 Дрона –120, 267, 270, 274, 331, 465, 466,  
 477, 505  
 Дувти –264  
 Дукиш – 350  
 Дурваса – 273, 532  
 Дуржана (Дурийўдха) – 119  
 Дурлабҳа – 280, 305, 536  
 Душянта – 367  
 Диютман – 267  
 Дҳананжавла – 178  
 Дҳарма – 185, 213  
 Дҳаман – 267  
 Дҳатри – 343  
 Дҳритараштру –103  
 Дҳришна –264  
 Дҳруба – 185  
 Дҳуритман – 267  
 Европа – 95, 451  
 Евклид –14, 121, 468  
 Ер – 402, 404  
 Жабраил – 68  
 Жабраҳаста – 341  
 Жавр (Жаур) – 160  
 Жаяти (Яти) –367, 563  
 Жазиштҳира (Юдҳиштҳира) – 237, 265,  
 266, 274, 277, 466, 532, 533  
 Жаймини – 115, 462, 464, 465  
 Жайнавалкия – 118  
 Жайпала (Жаяпала) – 120, 282, 536  
 Ал-Жайҳоний – 27, 500  
 Жакгаста (Юкгаста) – 267  
 Жалам ибн Шайбон – 457  
 Жам – 220, 516  
 Жама (Жима, Яма) – 110, 118, 146, 201,  
 213, 220, 239, 338, 342, 458, 554  
 Жамадагни – 267  
 Жанарта – 496  
 Жанордана – 191, 192  
 Жасу (Яшода) – 272, 531  
 Жашу ўғли Гарга – 260  
 Жашу ўғли Кали – 260, 270  
 Жаянта – 178

- Ал-Жахиз – 162, 488  
 Жива – 168, 247  
 Живашарман – 133, 371, 372, 474  
 Жизни (Шикхин) – 264  
 Жина – 109, 186, 458  
 Жита – 267  
 Жишну Уғли Браһмагупта – 131  
 Жовти (Жиоти) – 267  
 Жодава (Жоду, Ядав) – 119, 273, 274, 453, 466  
 Жонужанкха – 264  
 Жотишма (Жиотишмат) – 267  
 Жузиштхира (Юдхиштхира) – 237, 238  
 Зайзан (Дайзан) – 103  
 Зайн ат-Табарий Уғли Али – 261  
 Зардушт (Заратуштра) – 51, 92, 96, 413, 417  
 Захау Э. – 5, 7, 10, 13, 17, 28, 33, 37, 39, 40, 412  
 Зевс – 95, 96, 97, 101, 258, 262, 424, 451  
 Зулқарнайн – 87, 451  
 Зуркон – 27, 44, 414  
 Зухра – 60, 114, 168, 213, 240, 269, 283, 285, 286, 308, 310, 312, 314, 316, 339, 341, 353, 384, 388, 391, 92, 393, 396, 398, 400, 401, 402, 405, 461  
 Ибн ал-Мукаффа – 14, 134, 197, 455, 475, 476, 574  
 Ибн Торик – 141, 244, 226, 244, 283, 288, 290, 294, 300, 311, 470, 479, 540  
 Иброхим пайғамбар алайхиссалом – 105  
 Иёс – 359  
 Илон – 499, 502  
 Инда – 133  
 Индра – 134, 170, 178, 184, 190, 191, 213, 239, 249, 263, 264, 268, 270, 331, 337, 344, 368, 388, 390, 410, 436, 437, 449, 449, 493, 497, 501, 504, 521, 523, 529, 552  
 Индраруддимана (Индраюмна) – 196  
 Индряни – 64, 147  
 Инду – 131, 146, 168  
 Искандар – 96, 112, 113, 131, 179  
 Искандар Афродисий – 288, 518  
 Исо пайғамбар – 43, 67, 71  
 Исроил – 60, 142  
 Исфандиёд (Исфандиёр) – 31, 51, 156, 417  
 Ишвара – 56, 250, 344, 422  
 Ишчаниях – 267  
 Кадру – 190, 504  
 Кайковус – 220, 516  
 Кайхусров – 220, 516  
 Какутстха – 564  
 Кали – 260, 255  
 Калинга – 260  
 Каллар – 282, 536  
 Калмаша – 341  
 Камалу – 282, 536  
 Камбала – 178  
 Камбхакарна – 277  
 Канбхака – 228  
 Каник – 281, 282, 536  
 Канса – 271, 272, 283, 371, 520  
 Капила – 13, 81, 118, 228, 270, 440  
 Капила (Брахма Уғли) – 81  
 Каркота – 172, 495  
 Каркотака – 341, 503  
 Кармара – 178  
 Карттикея – 71  
 Катта Айиқ – 183, 184, 211, 213, 243, 244, 263, 267, 461  
 Каумори – 110  
 Каурава – 532  
 Ал-Кашмирий – 386  
 Кашияпа – 133, 252  
 Кекропс – 96  
 Кемуш – 142  
 Кесари – 178, 497  
 Кешава – 249, 272, 531  
 Кешвара – 239  
 Ал-Киндий – 384  
 Кисро – 141  
 Клеобул Линдос – 57, 423



- Клеомитгад – 526  
 Ковус – 31  
 Коланеми – 178  
 Коммод – 460  
 Котияяна – 464  
 Кратес – 97  
 Крату – 265  
 Кратханака – 265  
 Крачковский – 412, 428, 451  
 Критон – 363, 364, 562  
 Кришна – 564, 666  
 Кришна Двайпаяна – 270  
 Кронос – 95  
 Кубера – 110  
 Кулика – 521  
 Куру – 532, 559  
 Куруш – 101, 142, 453  
 Лагатурман – 536  
 Лакшмана – 516, 534  
 Лакшми – 372, 433  
 Лата – 130, 200  
 Ликург – 60, 425  
 Ликхита – 118  
 Лота – 130  
 Лохита – 178  
 Магадха – 192, 216, 218, 216, 481, 502  
 Мадху – 529  
 Мадхусудана – 531  
 Майтра – 247  
 Майтрея – 76, 263, 270, 436, 528, 530  
 Мандавия – 220, 474  
 Маниттха – 133, 474  
 Манколус – 275, 533  
 Маножава – 264  
 Ал-Мансур, халифа – 8, 283, 470  
 Мансур Ҳаллож – 414  
 Ману – 449, 452, 461, 500  
 Маречи – 136, 265  
 Маркандея – 71, 534  
 Марс – миррихга қаранг – 492, 493, 499,  
 510  
 Марут – 567  
 Махаон – 258  
 Маҳмуд Ғазнавий – (Султон Маҳмуд ва  
 Ямин-уд-давла Маҳмудга қаранг) – 6,  
 8, 9, 10, 415, 418  
 Махадева – 433, 449, 450  
 Махамекха – 178  
 Махападма – 145, 188, 341, 481, 503  
 Мегха – 178  
 Минос – 95, 453  
 Миррих – 167, 168, 183, 211, 213, 283,  
 284  
 Митра – 341, 381, 493  
 Митрякъя – 338  
 Миттай – 369, 370  
 Модхава – 272, 531  
 Моний – 30, 31, 44, 61, 67, 71  
 Муовия – 113  
 Муру – 264  
 Мусо пайғамбар алайҳиссалом – 60,  
 101, 453  
 Мучукунда – 497  
 Муҳаммад пайғамбар алайҳиссалом –  
 423, 508, 537, 546  
 Муҳаммад ибн Закариё Розий – 227, 518  
 Муҳаммад ибн Исҳоқ Сарахсий – 27,  
 283, 536  
 (Сарахсийга қаранг) – 27, 283, 536  
 Муҳаммад ибн Шаддод ибн Исо Абу  
 Аъло ал-Басрий ал-Мусаммий – 414  
 Муҳаммад ибн Қосим ибн Муҳаммад  
 Ибн Ҳакам ибн Абу Уқайл Сақафий –  
 417  
 Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий – 319,  
 545  
 Мунжа – 178  
 Набаса – 264  
 Нагха – 267  
 Наззом – 414  
 Накула – 273  
 Намучи – 496  
 Нанда – 148, 178  
 Нандикешвара – 93, 449

- Нарада – 107, 182, 247  
 Нараяна – 250, 268, 269, 272, 263, 450  
 Нарасингха – 178  
 Нахуша – 93  
 Нела – 178  
 Ниришабха – 267  
 Нирмуха – 267, 529  
 Нирритий – 341  
 Нирутсука – 267  
 Нишвара – 267  
 Нишкубала – 267  
 Нишокара – 267  
 Нишчара – 267  
 Нишпраканпа – 267  
 Нога-Кулика – 240  
 Ногоржуна – 444  
 Носир Хисрав – 457  
 Носируддин Сабуктегин – 51, 418  
 Нума Помпилий – 453  
 Одития – 107  
 Олимпия – 96  
 Олов – 213, 231  
 Опастамба – 464  
 Ошана – 523  
 Падашвор – Гиршоҳ – 104  
 Падма – 106, 117  
 Падманабхи – 273  
 Пайла – 115, 462  
 Панду – 118, 159  
 Парашурома – 259  
 Парвата – 331  
 Парикша – 105  
 Парашар ўғли Вяса – 429  
 Парашара – 436  
 Пахлавий – 471  
 Периандр Коринфли – 57, 423  
 Пивара – 267  
 Пингала – 344, 468  
 Пирувона – 134  
 Питомаха – 249  
 Питрия – 247  
 Питтак – 423  
 Пифагор – 64, 77, 83, 88, 101  
 Платон – 28, 36, 59  
 Пончахааста – 264  
 Прадьюмна – 134  
 Пражопати – 270  
 Прахлода – 250  
 Притху – 267  
 Притхўдака-свомин – 475  
 Прокл – 28, 59, 73, 89  
 Прона – 236  
 Птолемей – 14, 29, 159, 313  
 Пуластия – 265  
 Пулаха – 265  
 Пулиса – 131, 141, 174, 198, 204  
 Пунчала – 133  
 Пурандара – 264  
 Пуру-Муру – 264  
 Пуруша – 339, 426  
 Пушан – 512  
 Пушкара – 181  
 Рави – 239  
 Рама – 221  
 Рамайна – 221, 277  
 Ранка – 484  
 Раудра – 571  
 Реванта – 110, 558  
 Рея (Атрея) – 477  
 Риши-нарада – 182  
 Ришяшринга – 267  
 Розий – Муҳаммад ибн Закариё  
 Розийга қаранг  
 Розен – 277  
 Рома – 105  
 Ромул – 105  
 Роҳини – 171  
 Рудра – 238  
 Румо – 417  
 Сомба – 458  
 Сонта – 247  
 Сорасвата – 270  
 Соруг – 30  
 Сосоний – 451

- Субаху – 267  
 Сугриба Шаманий – 132  
 Судивия – 267  
 Сука – 341  
 Сукрити – 267, 529  
 Сукшетра – 267  
 Сулаймон, пайғамбар алайҳиссалом – 61  
 Султон Махмуд – (Махмуд Ғазнавийга қаранг)  
 Сумадатта – 183  
 Суманту – 115  
 Сумоли – 178  
 Сурайжа –  
 Суракша – 178  
 Сусамҳания – 264  
 Сутапа – 267  
 Сутая – 267  
 Сукрот – 53, 72, 77, 81, 336, 363, 364, 419  
 Сухайл – 118, 184, 325, 326  
 Сутра – 134  
 Такшака – 178, 188, 341, 496, 502  
 Такшака – 178  
 Такшами – 178  
 Тапасви – 267  
 Тапозрити – 267  
 Тапомурти – 267  
 Тапорати – 267  
 Таражанапала – 178  
 Таракакша – 178  
 Таттадаршева – 267  
 Твашри – 239  
 Телеф – 78, 438  
 Тражоруна – 178  
 Тривикрама – 272  
 Тривриша – 270  
 Тритҳоман – 270  
 Тришера – 270  
 Уграбхути – 120  
 Умавий – 108, 559  
 Умадеви – 71, 433  
 Унжара – 178  
 Урдхвакужа – 178  
 Урар – 263  
 Уторид – 112, 167, 168, 213  
 Утпала – 216, 234, 236, 249, 252  
 Утгама – 270  
 Утгамавжа – 264  
 Утганапада – 185, 500  
 Ушанас – 84, 184, 270, 442  
 Ал-Ғазорий – 27, 138, 140, 220, 225, 283, 284, 288, 478  
 Фалес Милетлик – 57, 423  
 Филипп – 96, 451  
 Филон – 95, 450  
 Флогуровус (Флегий) – 173  
 Фойник – 95  
 Ханишмант – 267  
 Хавишману – 267  
 Хавия – 267  
 Хараняраман – 267  
 Хари – 270  
 Хилон Лакедемон – 57, 423  
 Хиррон – 30  
 Хришикеша – 273, 531  
 Чайтра – 169, 170, 171, 247, 253  
 Чакрасвамин – 108  
 Чакшабҳадра – 341  
 Чалиту – 121  
 Чандра – 351  
 Чарака – 25, 134, 475  
 Чаршаяк – 267  
 Чатлиғтегин, Абу Аҳмад ибн  
 Чатлиғтегинга қаранг  
 Чаттержи С. К. – 34, 416  
 Чайтрака – 264  
 Читрасена – 264  
 Читронгада – 341  
 Чомулдо – 110, 459  
 Шавнака – 105  
 Шагнашоҳ – 163  
 Шайласутокати – 389  
 Шака – 504, 533  
 Шакра – 247, 341

- Шакронала – 344  
 Шакти – 249, 250, 458, 459, 506  
 Шаммий – 235  
 Шаммоса – 356,  
 Шамол – 62, 63, 64, 66, 67, 70, 82, 117,  
 141, 174  
 Шангхокҳа (Шанкҳакҳша) – 178  
 Шанкара – 447, 450, 559  
 Шанкукарна – 178, 496  
 Шанкҳа – 106, 219, 456, 464  
 Шарварман – 120, 467  
 Шатакрату – 268  
 Шаташерша – 178  
 Шатоника – 178  
 Шашидена – 178  
 Шашин – 146, 337  
 Аш-Шаҳристоний – 414  
 Шеша – 178, 497, 499, 502  
 Шешокҳия – 182  
 Шива – 196, 238, 249, 250, 344, 388, 433  
 Шитамажукҳама – 343  
 Шишумари – 178  
 Шишупала – 138, 238, 478, 520  
 Шокагаяна – 120, 467  
 Шонтану – 102, 454  
 Шонтаҳава – 264  
 Шонте – 264  
 Шоржати – 264  
 Шототана – 264  
 Шрешҳена – 199  
 Шри-Ҳарша – 278, 279  
 Шри – 458, 459, 490, 497, 514  
 Шрипала – 137, 184, 387, 477  
 Шудҳадана – 259  
 Шукра – 118, 168, 247, 267, 341, 530  
 Шучи – 264, 267  
 Шушанги – 528  
 Шуладанта – 496  
 Элопатра – 341  
 Эмпедокл – 89, 445  
 Ал-Эроншаҳрий – қаранг: Абул-Аббос  
 ал-Эроншаҳрий – 27, 29, 44, 231, 413  
 Юносизикс (Гносидик) – 258  
 Явана – 131, 134, 219, 472  
 Яздигард – 276, 302, 304, 533, 542  
 Ямин ад-Давла Маҳмуд – қаранг:  
 Маҳмуд Ғазнавий – 6, 8, 9, 10, 415, 418  
 Яхъё ан-Наҳвий – 365, 425  
 Яъқуб – 296, 537  
 Яъқуб ибн Торик – 27, 141, 226, 300, 311,  
 479, 540  
 Ўржастанбҳа – 267  
 Қайсар Коммод – 112  
 Қирана – 404  
 Қора Ардашер – 96  
 Қрисампс – 258  
 Ғолиб Константин – (шунингдек, Конс-  
 тантин) – 361, 561  
 Ҳажжож ибн Юсуф – 559  
 Ҳалил ибн Аҳмад – 121, 128  
 Ҳалим ибн Шайбон – 457  
 Ҳалифа ал-Маъмун – 413  
 Ҳарётма (Ҳасиятман) – 270  
 Ҳимовант – 214, 215  
 Ҳираняка шипу (Ҳиранякашипу) – 250  
 Ҳорета (Ҳарита) – 117

## НОМИ ЭСЛАТИЛГАН ВА ИҚТИБОС КЕЛТИРИЛГАН ҲИНД ВА БОШҚА АСАРЛАР КЎРСАТКИЧИ

- Авлиёнд (Авлиянда) – 121  
 Агастиятмата (Агастиямата) – 117  
 Ади-пурана – 116, 463, 464  
 Адития-пурана – 117, 140, 177, 179, 189  
 Айндра – 467, 520  
 Ал-Арқанд – 224, 226, 279, 302, 517  
 Ал-Бурҳон – 96, 451  
 Ал-Мавалид ал-қабир – 171, 494  
 Алмаёр (Нутқларкитоби) – 95  
 Алмажистий (Альмагест) – 29, 468

- Ал-Хоразмий зижги – 319, 537  
 Ал-Ҳарқон зижги – 304  
 Ападҳарма – 119, 466  
 Арана(Арания)– 118  
 Аристотелнинг браҳманлар саволларига берган жавоб рисоласи – 113  
 Аристотелнинг Искандарга юборган рисоласи – 113  
 Арияшташата – 618  
 Атҳарванаведа – 115, 116  
 Ашвамедха – (парва) – 119, 466  
 Ашрамаваса – (парва) – 119, 466  
 Базедаж (Вазидаж) – 134  
 Балабхадранинг «Кҳандакҳадяка»га берган шарҳи – 374  
 Балабҳадра шарҳ ёзган Вараҳамиҳиранинг «Катта Жатака» китоби – 474  
 Браҳманда – пурана – 117, 435, 463, 496  
 Беруний ёзиб берган астуллоб санъати ҳақидаги рисола – 121  
 Бино ва қурилишлар ҳақида китоб – 134  
 Браҳманайварта – 117, 226  
 Браҳман Бҳаттиланинг китоби – 133  
 Браҳма-сиддҳанта – 244, 335, 336, 468, 470, 508  
 Бҳарата – 47, 55, 108, 118, 196, 214  
 Бҳавишия-пурана – 117, 417, 495, 618  
 Бҳишма – 119, 369, 469  
 Вараҳамиҳиранинг Беруний таржима қилган «Кичик Жатака» номли китоби – 134  
 Вараҳа-пурана – 116, 463, 464  
 Варуна-мантра – 329  
 Васиштҳа-сиддҳанта – 131  
 Веда – 24, 55, 224, 321, 335, 348, 356  
 Виваҳа-патала – 134  
 Вирата-парва – 118, 465  
 Вишну-дҳарма – 118, 169, 170, 240, 254, 264  
 Вишну-пурана – 18, 24, 74, 114, 117, 430  
 Вамано-пурана – 116, 463  
 Ваява-мантра – 329, 382  
 Гада – 119  
 Гайситу – 468  
 Галеннинг Гиппократ васиятномасига ёзган шарҳи – 59, 364, 424  
 Гаруда-пурана – 463  
 Гауданинг китоби – 118  
 Гита – 170, 420  
 Гиппократ – 59, 258, 364, 526  
 Гудҳамана – 134, 475  
 Дадҳи-сагара – 132, 181  
 Данадҳарма – 119, 466  
 Дрона – 119, 191, 267  
 Дургавивритта – 120  
 Дҳияна-граҳа-адҳияя – 472  
 Жавани – (Сиддҳанта) – 139, 237, 256  
 Жина – 109, 186, 458, 501  
 Жатака – 133  
 Зижларнинг муҳими (Карана-тилака) – 133, 224, 239, 279, 303, 308, 386  
 Зижлар танқиди – 253  
 Зоҳирот – 96, 97, 451, 527  
 Зурқон китоби – 44  
 Инжил – 44  
 Канз ул-аҳъё – 61, 426, 430  
 Карана-пара-тилака – 133, 224, 239, 279, 303, 473  
 Караната – 133  
 Карана-сара – 226, 226, 308  
 Карана-тилака – 15, 133  
 Карана-чудамани – 133  
 Карна – 119  
 Катажанус – 29  
 Катантра – 120, 467  
 Катта Манаса – 133  
 Кашф ал-Маҳжуб – 27, 77  
 Китоб ал-Маншурот – 313  
 Китоб ал-Масалик – 184, 500  
 Китоб-ус симо ат-табиий – 228  
 Кичик Манаса – 251, 133, 474  
 Кура-бабая – 132, 473  
 Кусумапуралик Ариябҳатанинг китоби – 187, 233, 254, 502

- Курма – 117  
 Курма-пурана – 116 , 463  
 Кҳанда-кҳадияка – 132, 224, 517  
 Кҳанда-кҳакия арабий – 14, 517  
 Кҳанда-кҳадияка-типпа – 133, 473  
 Кҳанда-кҳадиякани тузатиш – 322, 325  
 Лавана-мушти – 473  
 Дашагитика – 133  
 Лакананда (Локананда) – 133  
 Линга – 111, 117, 457  
 Локоята – 118, 465  
 Мавсала – 119  
 Маркандея-пурана – 117, 463, 512  
 Матсия-пурана – 116, 140 , 181, 190  
 Миманса – 118, 464, 465  
 Мифтаху илм ал-хайъат – 509  
 Мокша-дҳарма – 466  
 Муътазилалар ҳақидаги китоб – 43  
 Нанда-пурана – 117  
 Нарада – 117  
 Нарасимха-пурана – 117  
 Нарсаларнинг вужудга келиши сабаблари ҳақида китоб – 426  
 Нафс хулки – 112  
 Нишопур узунламаси ҳақида баҳс қиладиган махсус мақола – 221  
 Нутаф (аннутаор) – 254  
 Ниябҳаша – 118, 464  
 Ой манзилларини аниқлаш – 321, 548  
 Пазма (Падма) – 106, 117  
 Пайтамаҳа – 131, 472  
 Пайғамбарларга деб юборилган китоблар – 60  
 Панини – 120, 467  
 Панча-сиддхантика – 131  
 Панчатантра – 134, 475  
 Патанжали – 308, 420  
 Пингала – 121  
 Прастҳана (парва) – 119, 466  
 Пришна Гудхамана – 134, 475  
 Проклга раддия – 176, 495  
 Пулиса-сиддханта – 204, 471  
 Ригведа – 115, 390  
 Риши Бхуванакаша китоби – 511  
 Ража дҳарма – 119  
 Рахунра-карана – 133  
 Ромака-сиддханта – 471  
 Ростгўй Айюб китоби – 60  
 Сабҳа-парва – 465, 532  
 Самаведа – 269, 390, 463  
 Самҳита (Мандави, Парашар, Брахма, (Балабҳадра) – 108, 133  
 Самҳита Варахамиҳира – 133, 216  
 Самҳита Гарга – 133,  
 Самҳита китобини шарҳ қилган  
 Кашмирлик Утпала – 216  
 Санкҳия – 415, 421, 427, 437  
 Саравали – 134, 474  
 Сауптика-парва – 466  
 Сваргаруҳана – 119  
 Сиддханта – 130  
 Синдхинд – 130  
 Сирлар китоби – 30, 71, 433  
 Сифр ал-мулук – 425  
 Сканда-пурана – 117, 463  
 Смрити – 117, 244  
 Сомаведа – 115  
 Сома-мантра ± 329  
 Сома-пурана – 117  
 Сомба-пурана – 117  
 Срузаҳава (Срудҳава) – 234  
 Стри – 119, 466  
 Сурия-сиддханта – 130  
 Таврот – 29, 425  
 Тавсар (Тансар) – 104, 455  
 Тантра (Ариябҳата ва Балабҳадра) – 132, 472, 473  
 Тикани-ятра – 134  
 Тимей – 59, 174, 229, 424  
 Торкшия-пурана – 116  
 Турли санъатларни ўрганишга қизиқти-  
 радиган китоб – 58  
 Урдия (Удийга) – 119  
 Урушлар ва Синднинг фатҳ қилиниши  
 китоби – 138

Утгара-кҳанда-кҳандияка – 133  
 Фалаклар таркиби (Фи таркиби ал-афлок) – 226  
 Федон – 28, 72, 363, 434  
 Филларни даволаш китоби – 409  
 Фозил файласуфларнинг фалак табиати ҳақидаги қарашлари китоби – 428  
 Хаёл ал-кусуфайн – 386  
 Чалапрадоника (Жалапрадоника) – 119  
 Чандра – 120, 467  
 Чарака – 134, 136, 261  
 Шалия – 119, 466  
 Шат-Панчашика – 134, 474  
 Шашидеавритти – 120, 467  
 Шишияхитавритти – 120, 467

Шаката – 120  
 Шанти-парва – 466  
 Явана – 131  
 Явана-сиддҳанта – 131  
 Яжурведа – 115  
 Қонунлар – 258, 262, 412  
 Қонунлар китоби – 112  
 Қуръон – 173, 445  
 Ғуррат аз-зижот – 473  
 Ҳариванша-парва – 119  
 Ҳисобда рақамларнинг ишлатилиши ҳақида мақола – 143  
 Ҳолва – 133  
 Ҳорапанча-ҳотрия – 134

## ГЕОГРАФИК ВА АСТРОНОМИК НОМЛАР КЎРСАТКИЧИ

Абика – 218  
 Абҳапури – 159, 486  
 Абхира – 218, 219  
 Абҳи – 220  
 Абҳижит – 237, 238, 322, 323, 341, 520  
 Ал-Авво – 171, 261, 527  
 Аванти – 216, 219, 512, 514  
 Аварта – 409  
 Агастия – 118, 310, 325, 326, 449, 450, 465, 545, 549  
 Агни – 117, 147, 185, 239, 247, 267, 338, 341, 343, 390, 452, 464, 500, 510, 521, 523, 554, 555, 558, 571  
 Агокиру – 172  
 Ажодаҳа – 160, 487  
 Аз-Зафира – 323  
 Аз-Зубра – 323, 547  
 Айюқ – 325  
 Ал-Аржабҳара – 286  
 Алеспур – 161  
 Алика – 218  
 Амаравати – 201, 202, 509  
 Амараватипура – 201, 202

Амбара – 177, 220  
 Амрита – 197, 240, 333, 433, 504, 508, 521, 544, 553  
 Ананта – 182, 216, 499, 512  
 Анартта – 218  
 Анга – 147  
 Ангира – 265, 492  
 Андҳра – 218  
 Андҳрадеша – 143  
 Анжана – 218, 514  
 Анта – 172  
 Антардвипа – 219  
 Анташила – 193  
 Анувишва – 220  
 Анурадҳа – 494  
 Анутапата – 197, 508  
 Анхилвара – 131, 162, 279, 471  
 Апарантака – 219,  
 Апсур – 161, 487  
 Ардия – 189  
 Ара – 168, 492  
 Арка – 148, 168, 170, 343  
 Арку-тертҳа – 159, 486

- Арман – 158  
 Аруна – 194, 351, 405, 504, 505, 507, 558, 571  
 Арундхати – 265  
 Арур – 163, 195  
 Архата – 351, 558  
 Асавил – 165, 490  
 Асад – 247, 265, 266, 376, 377, 392, 494, 495, 547  
 Асад қалби – 265  
 Асвира – 164, 490  
 Асита – 168, 403, 493, 571  
 Асмака – 218  
 Атавия – 218  
 Атлантик океани – 221  
 Атри – 118, 213, 219, 265, 267, 464, 510  
 Афина – 53, 57, 96, 101, 102, 142, 262, 275, 419, 423, 451, 454, 460, 518, 527  
 Африка – 220, 485, 488, 491  
 Афғон – 31, 164, 490  
 Афғонистон – 418, 423, 455, 485, 486, 516, 517  
 Ашвини – 171, 185, 239, 323, 342, 344, 494  
 Ашмака – 219, 513, 515  
 Ашала – 178  
 Аш-Шавла – 323, 548  
 Аяна – 193, 246, 251, 339, 390  
 Ақраб – 247, 266, 321, 376, 377, 393, 398, 494, 495, 547  
 Ақраб қалби – 325  
 Ақраб қалби, ёнидаги Ниёт юлдуз билан – 323  
 Бабрахон – 163  
 Багапура – 216  
 Бадахшон – 158, 163  
 Базана – 161, 162, 218  
 Баладевапаттана – 219  
 Балувоҳини – 193  
 Балх – 221, 476, 516  
 Бандасару – 351  
 Банжула – 193  
 Банорас – 52, 133, 473, 480  
 Барамула – 489  
 Барбара – 196, 219, 345, 515  
 Барбар кўрфази – 485  
 Бардари – 535  
 Баредиш (Баридиш) – 195  
 Баршавар – 166  
 Барҳамшил – 159, 486  
 Басра – 414, 414  
 Бахтлилар ороллари – 221, 516  
 Бағдод – 414, 447, 516, 560  
 Баҳа – 196  
 Баҳманва – 418  
 Баҳманвада – 143  
 Баҳотул – 195  
 Баҳруж – 195  
 Биёҳа – 194  
 Битур – 195  
 Биятга – 195  
 Биҳат – 160, 487  
 Бихруж – 162, 165  
 Бобил – 173, 413, 433  
 Бодара – 219  
 Болтик – 506  
 Болука – 193  
 Бомахур – 161  
 Бомиён – 158  
 Борвончат – 196  
 Бари – 486  
 Бош – 554  
 Боҳудаса – 194  
 Браҳмаданда – 570  
 Браҳмалока – 179, 497  
 Браҳмапура – 220  
 Бриҳаспати бора – 118, 270, 464, 492  
 Будха – 217, 492, 499  
 Ал-Бутайн – 325, 509, 546  
 Бухоро – 418  
 Бўлур – 164  
 Бҳавакету – 408  
 Бҳага – 556



- Бҳадра – 25  
 Бҳалла – 220  
 Бҳарадва – 218  
 Бҳарани – 323, 494  
 Бҳарата – 108, 196, 214, 354, 356, 502,  
 503, 511  
 Бҳарата-Варша – 189, 214, 216, 216, 512  
 Бҳилламала – 199  
 Бҳану – 148, 168, 170  
 Бҳаргава – 168, 254, 270, 465, 493, 525,  
 544  
 Бҳати – 163, 489  
 Бҳотал – 166, 491  
 Бҳотешар – 160, 163, 487  
 Бҳотия – 143, 481  
 Бҳригу – 84, 168, 442, 465, 511, 525, 526,  
 552, 570  
 Бҳригулока – 66, 402  
 Бҳурлока – 66, 179, 180, 183, 429, 497,  
 499  
 Бҳумжа – 488  
 Бҳумихира – 161, 488  
 Бҳутапура – 168, 220  
 Вадавамукҳа – 199, 200, 202, 206, 209  
 Вадҳа – 218  
 Важра – 109, 182, 185, 228, 248, 263, 276,  
 277, 310, 361, 383, 388, 433, 458, 498,  
 500, 501  
 Ваиния – 193  
 Вайвасвата – 201, 264  
 Вайдеша – 218  
 Вайшия – 98, 100, 113, 188, 219, 328,  
 349, 452, 550  
 Вайҳинд – 163, 489  
 Вакра – 168, 331, 544  
 Валлабҳа – 155, 484  
 Ванавасика – 218  
 Ванаугҳа – 219  
 Ванга – 218  
 Вангея – 218  
 Вар – 280  
 Варвара – 196  
 Вардҳамана – 218  
 Варлабҳа – 484  
 Варуна – 493, 501, 511, 525, 550  
 Васа – 406  
 Васати – 219  
 Васумант – 219  
 Васиштҳазгаси – 311  
 Ватса – 217  
 Вахиргира – 218  
 Ваҳлика – 218  
 Вега – 240, 407, 546  
 Ведавати – 193  
 Ведасмрити – 193, 194  
 Венва – 193  
 Вено – 219  
 Венумати – 507  
 Вибҳа – 509  
 Вибҳаварепура – 201  
 Вивасван – 432, 493  
 Видрабҳа – 218  
 Видиша – 193, 194  
 Видасини – 194  
 Видҳарти – 170  
 Викажа – 405  
 Виндҳия – 480, 487, 506, 512, 549  
 Видҳиямули – 218  
 Виншавара (Вамшавара) – 193  
 Витала – 177  
 Витаста – 478  
 Витасто – 371  
 Витта – 168  
 Вишну – 416, 430  
 Вишнупада – 588  
 Вишокҳа – 217  
 Вишола – 194  
 Вишпарупа – 405  
 Вияса – 419, 429, 439, 501  
 Виятта – 195  
 Вока – 218  
 Вона – 218  
 Ворижара – 219  
 Воквоқ – 166

- Воке – 231  
 Врика – 217  
 Врисчика – 172  
 Вритрагхни – 193  
 Врихаспати (Бриххаспати) – 168  
 Вриша (Вришан) – 172  
 Вришабадхважа – 218  
 Вришни – 240  
 Виякхрамукха (Виягхрамукха) – 218  
 Вўккона (Вўккана) – 219  
 Габхастала – 178  
 Габхастимат – 178  
 Гаври – 481  
 Гаж – 195, 514  
 Гажа – 147, 218  
 Галактика – 178, 497  
 Ганаражия – 219  
 Ганг – 159, 196  
 Ганга – 248  
 Ганга-двари (Ганга-двара) – 159  
 Гангасогара (Гангасагара) – 195  
 Гандамак – 517  
 Гандака (Гандаки) – 194  
 Гандароҳа (Чандараҳа) – 195  
 Гандаҳамадана – 188  
 Гандҳара – 220  
 Гандҳарва – 220  
 Гандҳарви – 351, 558  
 Ганика (Ганака) – 405  
 Гарбҳа – 498  
 Гаурагрипа (Гаурагрива) – 218  
 Гаурака – 218  
 Гвалиор – 160  
 Гилгит – 164  
 Гири – 219  
 Гирнагар – 189  
 Гирнагара – 219  
 Говинда – 218  
 Годавари – 488  
 Гомеда – 505  
 Гомеда-двипа – 505  
 Гонарда – 219  
 Горванд – 507  
 Гуда-Танешар – 218  
 Гужарот – 481, 488, 532, 535  
 Гур Чола – 406  
 Гуру – 169  
 Гуруҳа – 219  
 Гумеда – 181  
 Гумеда-двипа – 181, 192  
 Гҳаша (Кҳаша) – 218  
 Гҳоша – 218  
 Гҳрита манда – 181  
 Ад-Дабиран – 323, 546  
 Дадҳи – 147, 181  
 Дадҳиманда – 181, 498  
 Дадҳи-сагара – 132, 473  
 Ад-Дайбал – 164, 165, 490  
 Дайтиянтара – 199, 508  
 Дайҳаж (Дайҳак) – 153  
 Дакишнатия – 218  
 Далв – 247, 376, 393, 398, 494  
 Дамара – 220  
 Данавагуру – 168  
 Данак – 161, 488  
 Данда – 220  
 Дандака – 564  
 Дандакавана – 219  
 Дампур (Дунпур) – 227  
 Дантура – 218  
 Даравр – 486  
 Дарада – 196  
 Дарва – 218, 220  
 Дарвад – 165  
 Дардура – 219  
 Дасамея – 220  
 Дасера – 219  
 Дасерука – 218  
 Дашапур – 219  
 Дашарна – 219  
 Даҳмола – 163, 489  
 Двар – 164, 489  
 Движешвара – 169  
 Двипа – 180, 185, 190

- Двор – 164  
 Дева – 166, 199  
 Девалока – 402  
 Девамантрин – 168  
 Девапита – 168, 492  
 Девапурохита – 168  
 Девежия – 492  
 Девика – 194  
 Деворша – 219  
 Делфин (Дүлфин) – 323  
 Ад-Дибажат – 180, 333  
 Дива – 491  
 Дивакара – 475, 492  
 Дипапа – 197  
 Диварадеша – 143  
 Диргхакеша – 219  
 Диргхамукха – 219  
 Диямау – 489  
 Домара – 220  
 Донавагуру – 168  
 Дорва – 219  
 ДДосера – 219  
 Досомейи – 219  
 Дравина – 331  
 Драмида – 219  
 Дришадвати – 194  
 Дрихала – 218  
 Дрона – 267, 331  
 Друта – 194  
 Дунбовад – 164  
 Дунпур – 166  
 Дурга – 193  
 Дхатри – 343  
 Дугум – 487  
 Дуғумпур – 160  
 Дудахи – 161  
 Дхаништха – 171  
 Дхану – 172  
 Дханушман – 219  
 Дхарма – 432  
 Дхармараная – 218  
 Дхатри – 499  
 Дхутапапа – 194  
 Дхулика – 196  
 Ер – 185, 198, 200, 209, 214, 221  
 Еттисув – 195  
 Жабал – 485  
 Жаббор (Орион) – 547  
 Ал-Жабха – 547  
 Жавана – 218  
 Жавзахр – 229  
 Жавзо – 247  
 Жавн (Жумна) – 514  
 Жади – 555  
 Жадура – 161  
 Жажахути – 487  
 Жажжамав – 486  
 Жажжанер – 163  
 Жайлам – 163, 195, 227, 489, 517  
 Жайпа – 185, 467, 536  
 Жайштха – 272  
 Жалакету – 408  
 Жаландхар – 163, 489, 559  
 Жалолобод – 489  
 Жамбу – 497, 504, 558  
 Жамбу-двипа – 502, 504, 508, 544, 546  
 Жамудадхи – 219  
 Жамуна – 226, 365, 531, 563  
 Жаналока – 179, 183, 230, 499  
 Жанбу – 345  
 Жангала – 217  
 Жандра – 161, 487  
 Жанпа – 160, 487  
 Жармапаттана – 219  
 Жагодхара – 219  
 Жатра – 514  
 Жаттаравр – 161  
 Жаткара – 219  
 Жашавати – 220  
 Жахравар – 195, 218  
 Жемур – 165  
 Жемута – 165  
 Жету – 165  
 Жигума – 172

- Жогара – 218  
 Жоруваркету – 408  
 Жринга – 219  
 Жуга – 172, 477  
 Жудаҳейи – 220  
 Журжон – 516  
 Жуттиша – 218  
 Жудари – 166, 491  
 Жузжон – 222  
 Жунди Сабур – 413  
 Занба – 351  
 Занж (Занжибар) – 482  
 Зиндутунда – 196, 507  
 Аз-Зираъ – 547  
 Зобаж – 166  
 Зухал – 96, 167, 168, 173, 183, 211, 214,  
 240, 258, 283, 284, 307  
 Зухра – 308, 310, 311, 312, 314, 316, 339,  
 341, 353, 384, 388, 391, 393, 395, 398,  
 400, 405, 461, 472, 521, 526, 530, 568  
 Иккаланасра – 325  
 Икки балик – 323  
 Икки симок – 325  
 Ал-Иклил – 547  
 Икшула – 193, 506  
 Индра – 190, 231, 249, 270, 365, 388, 410  
 Индраведи – 491  
 Индрадвипа – 196, 215  
 Индрамару – 196  
 Ирова – 195  
 Ирок – 433  
 Искандария – 131, 425  
 Истанбул – 561  
 Ка – 407  
 Кабандҳа – 496  
 Кавара – 196  
 Кавини – 196  
 Кавсала – 512  
 Кажураҳа – 160, 487  
 Кайласа – 188, 219, 351, 558  
 Калатояка – 218  
 Калинга – 178, 216, 218, 496, 512  
 Канауж – 51, 138, 158, 159, 160, 195, 226,  
 278, 345, 418, 487, 535  
 Канака – 219, 405, 515  
 Кангдиз – 31, 220,  
 Канд – 161  
 Кандакастҳала – 219  
 Канди – 227, 517  
 Канж – 515  
 Канир – 280, 535  
 Канка – 218, 331, 405, 570  
 Канката – 219  
 Каннакара – 161, 487  
 Капалакету – 407, 571  
 Капила – 13, 81, 118, 192, 228, 230, 270,  
 421, 429, 440, 518, 515, 530  
 Караскара – 218, 513  
 Карвата – 218  
 Карката – 172, 495  
 Карма – 24, 197, 431, 446, 452  
 Карната – 143, 348, 481  
 Карур – 535  
 Каруша – 218, 513  
 Каспий – 506, 516  
 Катта от – 323  
 Кауверия – 219  
 Каунинда – 220  
 Каункума – 405  
 Качч – 165, 195, 490  
 Каччҳа – 219  
 Каччҳара – 220  
 Каччҳийя – 218, 513  
 Кашмир – 18, 31, 51, 103, 143, 163, 166,  
 194, 226, 266, 280, 369, 420, 489, 490  
 Кашмир ичкариси – 108  
 Кашияпа – 267, 328, 500, 510  
 Каъба – 559  
 Керала – 218, 219  
 Кету – 402, 511, 570  
 Кетумала – 189, 503  
 Кечаржой – 195  
 Кешадҳара – 219  
 Кирва – 193

- Кирата – 196, 218, 220  
 Кирпа – 193  
 Кисадия – 217  
 Кишкинда – 513, 218  
 Кишкиндха – 219, 491  
 Кихкинд – 165, 491  
 Кобул – 6, 51, 158, 194, 227, 281, 485, 489, 507, 517, 535, 560  
 Кона – 168, 493  
 Косала – 218  
 Кравия – 219  
 Краунча – 181, 219  
 Краунча-двипа – 181, 192, 498, 505  
 Крита – 107, 254, 426, 525, 530, 566  
 Критамала – 193  
 Криттика – 126, 171, 213, 240, 323, 341, 469, 494  
 Кришна – 178, 193, 270, 501, 505, 520, 527, 531  
 Кришнабхуми – 177  
 Крия – 172  
 Крура – 196, 507, 521  
 Кубата – 196, 507  
 Кудайшахр – 565  
 Кужа – 168, 492  
 Кукура – 218  
 Кулинда – 218  
 Куларжак – 164, 490  
 Кулата – 196, 507  
 Кулира – 172  
 Кулута – 220  
 Кумари – 193  
 Кумбха – 172, 495  
 Кумуда – 192, 408, 505  
 Кумудвати – 193  
 Кунатха – 220  
 Кунжарадари – 219  
 Кунк – 486  
 Кункан – 161, 488  
 Кунтала – 217, 218, 512  
 Курава – 515  
 Кураха – 486  
 Куру – 189, 217, 218, 511, 515, 517, 532, 559  
 Курукшетра – 354, 457, 517  
 Куснари – 163, 489  
 Кусумапура – 502  
 Кути – 163, 489  
 Куху – 194  
 Кучика – 220  
 Куша – 181, 443, 557  
 Куша-двипа – 181, 230, 498, 505  
 Кшера (Кшира) – 181, 209, 498  
 Кшудрамина – 219  
 Кудара – 218  
 Кулавана – 218  
 Куллагири – 219  
 Кунк – 486  
 Кункана – 219, 514  
 Купа – 218, 514  
 Кусала – 218, 513  
 Кухала – 515  
 Кхажара – 220  
 Кхастха – 219  
 Кхаша – 218, 220  
 Лавана – 133, 181, 435, 436, 473  
 Лавхур (Лахур, Лохур) – 490, 517  
 Ладда – 489  
 Лаккадив – 491, 497  
 Лампока – 218  
 Лангабалус – 223, 500  
 Ланка – 165, 199, 219, 222, 226  
 Лахур (Лахор) – 490, 517  
 Литта (Кулинда) – 218, 513  
 Ловхония – 226  
 Локалока (Лўколўка) – 498, 499  
 Лони – 279, 535  
 Лохития – 218  
 Лупа – 193, 506  
 Лўхита (Лохита) – 194, 507, 514  
 Магадха – 192, 216, 218, 267, 505, 512  
 Магха – 167, 170, 247, 265, 266, 272, 323, 342, 367, 372, 494  
 Мадра – 219, 512, 515

- Мадрака – 513  
 Мадура – 216, 486  
 Мадхиянда – 351  
 Мадхра – 218  
 Макара – 171, 172, 488, 495  
 Македония – 96, 454  
 Макка – 537  
 Мала – 218, 456, 472, 533  
 Малава – 143, 154, 188, 189, 218, 222  
 Малаза – 513  
 Малайя – 219  
 Малая – 486, 502  
 Малдив – 491  
 Малла – 218  
 Манахала – 220  
 Мангала – 482, 492, 507  
 Манда – 168, 351, 493, 558  
 Мандагир – 488  
 Мандаккакур – 227, 517  
 Мандахукур – 163, 489  
 Маникету – 408  
 Мара – 196, 507  
 Маречи – 136, 265  
 Марикала – 220  
 Мару – 196, 218  
 Марукучча – 219  
 Матсия – 24, 116, 117, 140, 181, 619  
 Матҳара – 219  
 Матҳура – 9, 159, 161, 218, 271, 273, 278,  
 354, 368, 486, 531  
 Махая – 218  
 Махараштра – 218  
 Мағриб – 158, 201, 220  
 Маҳакала – 161  
 Махендра – 185, 193, 219, 497, 500, 501,  
 502, 506  
 Маҳиша – 191, 218, 230, 505, 512  
 Маҳачин – 164, 489  
 Маҳашайла – 331  
 Меда – 218  
 Мезон – 247, 321, 372, 376, 393  
 Мекала – 218  
 Мератал – 163  
 Меркурий-Уторидга – 168, 492, 499, 510,  
 543, 545  
 Меру – 185, 186, 188, 198, 203, 210, 231,  
 351, 499, 501, 558  
 Меша – 172, 495  
 Мехрон – 195  
 Миср – 96, 142  
 Митра – 170, 185, 238, 341, 381, 391,  
 456, 493, 501, 523, 554  
 Митхуна – 172, 494  
 Млеччха (Мличчха) – 416  
 Мовароуннахр – 6, 8  
 Магадха – 192, 216, 218, 267, 505, 512  
 Мригавиядха – 548  
 Мригаширша – 171, 341, 494  
 Мритгала – 178  
 Мруна – 196, 508  
 Мудракарака – 218  
 Мукита – 515  
 Муластҳана – 216  
 Мунда – 218  
 Мунҳа – 165, 490  
 Мушика – 218, 512  
 Муштарий – 118, 167, 168, 170, 183, 211,  
 213, 239, 283, 285, 308, 315, 342, 398,  
 521  
 Мухрон – 162  
 Мула – 171, 216, 323, 341, 494  
 Мулика – 218, 513  
 Мўлтон – 6, 131, 218, 219, 222, 227, 279,  
 280, 535  
 Нагалока – 73, 435  
 Нагарасамвритта – 215  
 Нагнапарна – 219  
 Накшатранатҳа – 169, 493  
 Налака – 218, 513  
 Налини – 196, 507  
 Намавур – 488  
 Нандавиштҳа – 220  
 Нандакула – 531  
 Нандана – 193, 344, 506

- Нандана-вака – 186  
 Нандна – 7, 227, 464, 517  
 Наралока – 73, 435  
 Нараян – 161, 487  
 Нараяна – 27, 94, 102, 109, 116, 145, 169,  
 185, 239, 268, 556  
 Наримуҳка – 219  
 Нармада – 161, 193, 195, 488, 506  
 Насикия – 218  
 Ан-Насра – 323  
 Ан-Наъим ас-Садира – 548  
 Нейпол (Непал) – 487  
 Нил – 485, 488, 496, 502  
 Нила – 351, 503  
 Нираҳара – 280, 535  
 Нимеша – 235, 236  
 Нирбиндхия – 193  
 Нитала – 177  
 Нишадҳа – 188, 189, 193, 351, 502, 503  
 Нишеша – 169, 493  
 Нишопур – 221, 413, 433  
 Нур – 194  
 Одра – 218  
 Озарбайжон – 51  
 Ой – 493, 494, 495, 497, 499  
 Ойтоғлари – 158, 485  
 Отала – 344  
 Павани – 196  
 Падмакету – 409  
 Паднар – 165, 490  
 Пажая – 193  
 Паза – 513  
 Палашини – 193  
 Панду – 102, 103, 118, 159, 218, 259, 283,  
 277  
 Панжоб (Панчанада) – 415, 416, 418,  
 467, 489, 507  
 Панчанада – 195, 219, 507  
 Панчала – 119, 196, 216, 217, 218  
 Пара – 193, 194  
 Парватамару – 197  
 Парвон – 194, 507  
 Парнаша – 193, 194  
 Партена – 172  
 Паржания – 170, 267, 493  
 Патала – 73, 134, 177, 177, 269, 435, 495,  
 496  
 Паталипутра – 483, 502  
 Паундра – 218  
 Паурава – 220  
 Пашана – 178  
 Пашупала – 220  
 Паҳлава – 196, 218  
 Пингалака – 220  
 Пинжавр – 489  
 Пирияла – 193  
 Пита-бхуми – 178  
 Питрилока – 182, 183  
 Пишабика – 193  
 Пиюз – 351, 558  
 Плакша – 181, 504, 507  
 Пратрагира – 218  
 Пукара – 559  
 Пуластия – 265  
 Пулаҳа – 265  
 Пулинда – 218, 513  
 Пунарвасу – 171, 310, 322, 341, 494  
 Пурва-бҳадрапада – 342, 494  
 Пурвадеша – 481  
 Пурва-пҳалгуни – 323, 494  
 Пурвашадҳа – 213, 407  
 Пурика – 219, 514  
 Прушапарвата – 503  
 Пурушада – 218  
 Пуршавар (Пешовар) – 489  
 Пушанг – 217, 512  
 Пушкара – 341, 505, 509, 559  
 Пушкара-двипа – 498  
 Пушпажати – 193  
 Пушия – 171, 213, 310, 323, 494  
 Пухлинга – 217, 512  
 Пуша – 493  
 Пушан – 170, 238, 247, 342, 493  
 Пҳалгулу – 219

- Пҳаникара – 219  
 Рави – 168, 239, 489, 492, 507  
 Ражавари – 490  
 Ражагири – 163, 489  
 Ражания – 220  
 Райватака – 219, 515  
 Ракта – 492  
 Рактабхуми – 177  
 Рамади – 506  
 Расатала – 178  
 Раудра – 239, 247, 344, 407, 571  
 Рашмикету – 571  
 Раштра – 219, 220  
 Раҳаб – 196  
 Ревати – 171, 213, 238, 310, 323, 342, 494  
 Рикшабам – 188  
 Рим – 112, 460, 470, 485, 561  
 Ришабҳа – 219, 331  
 Ришикулия – 193  
 Ришика – 193, 219  
 Риҳанжур – 489  
 Ромешар – 165  
 Роҳини – 171, 272, 310, 322, 325, 341, 368, 494, 551, 564  
 Румака (Румгакаранг) – 199, 220  
 Румана – 218, 512  
 Румо – 417  
 Рус – 520  
 Рупака – 218  
 Сабати – 196  
 Сава – 194  
 Саванжула – 193  
 Савр – 247, 323, 375, 380, 392, 494, 522, 546, 567  
 Савра – 245  
 Саддана – 193  
 Сайрикирна – 219  
 Сайинтра – 131  
 Сайриндҳа – 220  
 Сакета – 218  
 Сакилканд – 217  
 Салила – 196, 507  
 Саматата – 218  
 Самидра – 218  
 Санватсара – 185  
 Сангаванта – 196  
 Сангалидип (каранг: Сарандиб) – 165, 180  
 Саражу (Сараю) – 194, 351, 558  
 Сарандиб (Сангаладип) – 165, 180  
 Сарасвати – 218  
 Саратон – 233, 246, 265, 325, 339, 365, 375, 392, 398, 495, 548  
 Сараюшати – 351  
 Сарва – 194, 196  
 Сарпа (Сарпис) – 247, 345, 498  
 Сарсат – 194, 507  
 Сарсата – 274, 514  
 Сарсати (Сарсут) – 195, 332  
 Ас-Сарфа – 547  
 Сатиялока – 179, 183, 497, 499  
 Саумия (Савмия) – 168, 215, 239, 247, 344, 388, 492, 521  
 Сваги – 322, 323, 330, 342, 494, 545, 551  
 Саҳжа (Саҳъя) – 188  
 Сваргабхуми – 196  
 Сварлока – 73, 179, 495, 497, 499  
 Сейнстон – 524, 565  
 Сетубандҳа – 165, 490  
 Сетука – 218  
 Сиалкот – 227, 517  
 Сижистон – 418, 486  
 Ас-Симақ ал-Аъзал – 547  
 Ас-Симақ ар-Рамиҳ – 547  
 Синд – 416, 418, 457, 470, 490, 524  
 Синд дарёси (Синд) – 278, 348, 418, 457, 490  
 Синдху – 196, 216, 218, 264, 418, 507, 512  
 Синдху-Соғара – 195, 507  
 Сини – 193  
 Сипра – 194, 507  
 Сирва – 193  
 Сириус Ямония – 310



- Сита – 507, 521  
 Сакилия (Сицилия) – 460  
 Сомон йўли (каранг: Галактика) – 178, 207, 352  
 Стриажия – 219  
 Суварнабхума – 220  
 Суварна-Варна – 178  
 Суварнадвипа – 166, 491  
 Суват – 565  
 Судан – 201  
 Сукрита – 508  
 Сукурда – 196  
 Сукха – 509  
 Сулика – 218, 219, 513, 514  
 Сумана – 192  
 Сунбула – 247, 369, 376, 393, 547, 566  
 Сура – 181, 498  
 Ас-Сурайё – 546  
 Сураса – 193, 506  
 Сураштра – 218, 219  
 Сурж (Сурия) – 29, 130, 168, 417, 456, 471, 473, 620  
 Сурпакарака – 218  
 Сутденгизи – 218  
 Сутала – 177, 178  
 Суфала – 162, 166, 490  
 Суғд – 31, 189, 195, 417  
 Суҳайл – 184, 325, 326, 327  
 СуҳайлАгаestia – 118  
 Сухма – 218, 331  
 Сўма – 168, 463, 492  
 Сўри – 168, 492  
 Сўрияпутра – 493  
 Таваллешар – 490  
 Такшашила – 220, 535  
 Тала – 139, 177, 213, 479, 480  
 Тамаран – 196  
 Тамаса – 193, 405  
 Тамбиру – 172  
 Тамраварна – 193, 215, 511  
 Танват – 487  
 Танкана (Тангана) – 219  
 Тапасашрама – 219  
 Тапалока – 179  
 Тарупана – 218  
 Таскара – 571  
 Тахористон – 485  
 Тегирмончўкичи – 184  
 Термиз – 195, 219  
 Тибет (Тибат) – 31, 158, 160, 163, 194, 413, 484, 502, 536  
 Тимингилашана – 219  
 Тошкент – 620, 621  
 Трайпура – 218  
 Транжай – 565  
 Тригартта – 218  
 Трикута – 188, 503, 516  
 Тринетра – 220  
 Трипава – 193  
 Трипурантика – 188, 503  
 Трисага – 193  
 Тукхара – 196, 219  
 Туло – 494  
 Тумбавана – 219  
 Тумбура – 218  
 Тунгабҳадра – 193  
 Турк – 27, 32, 164, 190, 220, 348, 418, 517, 536  
 Турон – 164, 490  
 Тўба – 193, 506  
 Удбхира – 218  
 Уддехика – 218  
 Удрувага – 172  
 Удунпур – 481  
 Ужайн (Узайн) – 153, 161, 216, 219, 220, 226, 484  
 Унанг – 164, 490  
 Утакала – 513  
 Уторид – 112, 167, 168, 213, 240, 283, 286, 308, 312, 339, 391  
 Утгамарна – 218  
 Утгарманаса – 219  
 Уттаранармада – 218  
 Уттара-пҳалгуни – 322, 323, 494

- Уттананапада – 500  
 Ушкара – 164, 489  
 Фаластин – 29, 60  
 Форс – 10, 24, 34, 49, 122, 158, 201, 302, 509  
 Форс денгизи – 509, 201  
 Форс кўрфази – 509  
 Франк – 485  
 Хариварша – 189  
 Хитой – 158, 160, 164, 166, 201, 406, 413, 489  
 Хоразм – 31, 37, 194, 417, 506  
 Худвуда – 218  
 Хуросон – 6, 51, 158, 559  
 Хўна – 218, 220  
 Хўтан – 163  
 Цейлон – 26, 490, 497, 514  
 Чавлия – 218  
 Чакра – 106, 108, 216, 331, 456  
 Чакшугу (Чакша) – 196  
 Чалакету – 407  
 Чандана – 194  
 Чандра – 120, 146, 168, 169, 467, 492, 504, 522  
 Чандрапарвата – 351  
 Чандрапура – 218, 244, 287, 331  
 Чандрабхага – 194, 506, 558  
 Чандраха – 163, 291, 489, 506  
 Чанчука – 219  
 Чапитанасика – 219  
 Чармадвипа – 219  
 Чармаранга – 219  
 Чин (Хитой) – 196  
 Чина – 196, 220, 507  
 Чиранивасана – 220  
 Читра – 171, 239, 323, 342, 344, 494  
 Чўли – 226  
 Чўлика – 218  
 Шавала – 436  
 Шавара – 218, 219  
 Шака (Шока, Шакҳа) – 278, 279, 291, 302, 498, 504, 513, 529, 539  
 Шамилан – 163  
 Шанкха (Санка) – 118, 236  
 Шарадхана – 220  
 Аш-Шаратан – 546  
 Шарват – 194  
 Шарвар – 487  
 Шастра – 407, 571  
 Шатабҳишаж – 322, 325, 342, 494  
 Шатладара – 195  
 Шаттумана – 218  
 Швета – 188, 351, 502, 503, 558  
 Шветакету – 407, 571  
 Шибика – 219, 515  
 Шивапура – 196  
 Шилтас – 164, 490  
 Шимолий Ҳиндистон – 535  
 Шипирагира – 218  
 Ширшараҳа – 489  
 Шитарашми – 168, 492  
 Шмашрудҳара – 219  
 Шаҳина – 194, 507  
 Шна – 168  
 Шош (қаранг: Тошкент) – 217, 512  
 Шри-парвата – 188  
 Шрингавант – 188  
 Шравана – 170, 171, 247, 273, 323, 329, 330, 341, 367, 369, 370, 378, 491, 494  
 Шруни – 193  
 Шудра – 502, 550, 557  
 Шукра – 118, 168, 247, 267, 341, 381, 388, 461, 465, 492, 493, 499, 511, 521, 523, 530  
 Шуктимати – 193  
 Шуна – 193, 506, 522  
 Шула – 109, 184, 388, 458, 500, 567  
 Шурасана (Шурасена) – 217  
 Шўрпакарна – 218  
 Эрон – 29, 31, 98, 141, 417, 451, 453, 455, 479, 484, 486  
 Юнон – 363, 424, 425, 470, 472, 485, 492, 493  
 Яман – 201, 325, 326

- Ямония – 310  
 Ўртаорол – 190  
 Ўрта Осиё – 37, 40  
 Қавс – 92, 247, 376, 393, 402, 545, 548, 566  
 Қандахор – 51, 195, 418  
 Қимайр – 166  
 Қораденгиз – 506  
 Қоф – 156, 189, 484  
 Қуёш – 63, 80, 83, 107, 111, 116, 119, 130, 140, 148, 167, 183, 186, 191, 199, 226, 246  
 Қулзум – 485  
 Кулзумқўрфази – 485  
 Қутб – 183, 198, 211, 246, 265, 308, 499, 500, 544  
 Қутбюлдузи – 308, 409, 499  
 Ғазна – 227, 418, 517  
 Ғазнавийлар – 6, 27, 418, 423  
 Ғорванд – 194  
 Ғубб – 164  
 Ғўзак – 194  
 Ғўр – 139, 485  
 Ҳайдаробод – 473  
 Ҳамал – 233, 247, 252, 283, 297, 307, 321, 375, 384, 392, 495, 509, 546  
 Ҳари – 191, 239, 467, 504  
 Ҳаста – 171, 325, 342, 494, 561  
 Ал-Ҳақъа – 547  
 Хели – 492  
 Ҳемакўта (Ҳемакутия) – 189  
 Ҳемагала – 220  
 Ҳимавант – 187, 188, 194, 215, 222, 370  
 Ҳимагири – 189  
 Ҳимагу – 168, 492  
 Ҳимарашми – 168, 492  
 Ҳинд – 5, 7, 15, 51, 158, 159, 162, 166, 201, 202, 206, 216, 332  
 Ҳинд денгизи – 158

## ҲИНДЧА ИБОРАЛАР КЎРСАТКИЧИ

- Абда – 339  
 Абдҳи – 147  
 Абҳижит – 237, 238, 322, 323, 341  
 Авама – 379, 541, 296, 299, 301, 302, 303, 304, 305  
 Авамасия (Авамаса) – 241  
 Ага – 482  
 Агни – 117, 147, 185, 239, 247, 267, 338, 341, 343, 390, 452, 464, 500, 521, 523, 554, 555, 556, 558, 571  
 Адития – 107, 117, 140, 148, 167, 168, 169, 177, 179, 189, 213, 252, 456, 463, 464, 492, 493, 495  
 Адри – 147, 482  
 Адҳака – 136, 137, 138, 477  
 Адҳимаса – 378, 47, 286, 287, 288, 289, 290, 291, 292, 293, 294, 295, 296, 297, 298, 299, 300, 301, 302, 303, 304, 305, 306, 330, 368, 374, 378, 537, 538, 540, 541, 542, 543, 551  
 Айшана – 212, 220, 382  
 Акаша – 146  
 Акшара – 142, 480  
 Акши – 146  
 Амрита – 197, 240, 333, 433, 504, 508, 521, 544, 553, 586  
 Анала – 344, 556  
 Анбара – 515  
 Анга – 147, 218, 482, 514  
 Ангира – 265, 492  
 Ангора – 344  
 Ангула – 139, 478, 479, 561  
 Анди – 135, 136, 137, 476, 477  
 Андҳри – 143, 481  
 Аникини – 275, 533  
 Анка – 481

- Антара – 379, 483  
 Антарикшия – 403  
 Антия – 144  
 Ану – 191, 236, 520  
 Ануватсара – 343, 556  
 Апсарас – 455  
 Апта-пурана-кара – 203  
 Арбудам – 146  
 Аргана – 290  
 Аргха – 328  
 Арка – 148, 168, 170, 343  
 Арта (Ашта) – 147  
 Артха – 147  
 Ариа – 539  
 Арияка – 191, 504  
 Аруна – 194, 351, 405, 504, 505, 507, 558, 571  
 Асипатравана – 436  
 Асура – 188, 230, 233  
 Ативахика – 76  
 Атиганда – 388  
 Атидхрити – 483  
 Ауттами – 264  
 Ашидха – 247  
 Ашвамедха – 119, 466,  
 Ашваттха – 90, 446, 447  
 Ашваюжа – 171, 247  
 Ашвин – 146, 342, 344, 501, 523  
 Ашмака – 219, 513, 515  
 Ашока – 371  
 Ашта – 147  
 Ашти – 148, 483  
 Аюта – 144, 481  
 Аяна – 193, 246, 251, 339, 390  
 Ах – 290  
 Аханкара – 63, 427, 428  
 Ахаргана – 47, 245, 286, 294, 303, 305, 307, 308  
 Бава – 379, 380, 381  
 Бала – 398, 531  
 Балава – 380, 381  
 Балиражия – 372  
 Балагра – 136  
 Баниж – 380, 381  
 Баракху – 380  
 Барбара – 196, 219, 345, 507, 515  
 Барш – 248  
 Баркху – 522  
 Барх – 248  
 Биакта (Виякта) – 21  
 Бидуд – 428  
 Битра – 508  
 Биху – 566  
 Бия – 350, 553  
 Бора – 194  
 Браҳма – 173, 174, 184, 185, 193, 199, 205, 228, 229, 230, 233, 234, 239, 242, 243, 244, 248, 249, 252, 254, 256, 259, 263, 381  
 Браҳман – 75, 86, 93, 94, 99, 100, 116, 119, 133, 259, 260, 270, 328, 329, 345, 346, 347, 348, 349, 357, 358, 359, 361, 362, 365, 370, 377, 387, 450, 465, 536, 549, 550, 557, 584, 604  
 Браҳмана – 360, 552, 561, 563  
 Браҳманда – 46, 172, 174, 175, 182, 361, 405, 435, 436, 463, 495, 496, 512, 513  
 Браҳмарши – 188, 450  
 Буддха – 521  
 Бурлу – 488  
 Бҳайкшуки – 481, 143  
 Бҳара – 276, 278, 322, 323, 354, 356, 376, 462, 463, 478, 494, 511  
 Бҳарна – 332  
 Бҳава – 341  
 Бҳагабҳара – 376  
 Бҳагавата – 117, 524, 530, 531, 552, 572, 618  
 Бҳадрапада – 247, 272, 273, 280, 322, 323, 329, 342, 344, 367, 368, 369, 371, 493, 494, 551  
 Бҳану – 148, 168, 170  
 Бҳрама – 326, 329

- Бхукти (Бухти, Бухт) – 379, 385, 386, 522, 566
- Бхукти-антара – 379
- Бхукти-мадҳияма – 379
- Бхуми – 264
- Бхури – 145
- Бхута – 92, 93, 147
- Вигҳатика – 235
- Видиядҳара – 196, 326, 449
- Викарин – 344
- Викрама – 344
- Викрита – 344
- Виламбин – 344
- Винади – 236, 519
- Витала – 177
- Витасти – 478
- Виша – 344
- Вишва – 148, 483
- Вишвавасу – 344
- Вишкамбха – 388
- Вишала – 178, 194, 496
- Вишасана – 74, 436
- Вишти – 380, 381, 382, 384, 567
- Вият – 146
- Виятипата – 385
- Вияя – 267
- Вора – 245
- Вриддхи – 388
- Вухара – 332
- Виякарана – 120, 467
- Га – 122, 191, 469
- Гагана – 146
- Гажа – 147, 218
- Гайхат – 371
- Гана – 252, 275, 371, 533, 565
- Ганда – 388, 428, 488, 530
- Ганданта (Гандонта) – 387
- Гандха – 63, 356, 447
- Гандхарва – 91, 92, 183, 188, 196, 215, 220, 511, 555
- Гара – 380, 381
- Гарбҳадҳана – 358, 560
- Гаури (Гауди) – 143, 341, 370, 372, 458, 481, 564
- Го (Гов) – 148
- Гракҳа – 122
- Граҳа – 162, 388, 469, 488
- Гришма – 247, 390, 392
- Гулма – 275, 533
- Гунакара – 376
- Гуптакала – 279, 280, 302
- Гуру – 121, 122, 123, 125, 126, 127, 168, 341, 468, 469, 492, 521
- Гуруна – 196
- Гҳати (Гҳари) – 302, 379
- Гухания – 240
- Гҳана – 123, 125, 126, 127, 469
- Гҳатика (Гихрия) – 206, 208, 509, 519, 521
- Гҳура – 382
- Дадҳи – 132, 147, 181
- Дайтия – 92, 178, 182, 188, 199, 207, 250, 333, 350, 449, 456, 496, 497, 508, 524
- Дак – 148, 483
- Дакша – 71, 118, 213, 264, 433, 464, 552
- Дакшина – 212
- Дамария – 240
- Дамин – 192, 505
- Данда – 220, 515
- Дантину – 482
- Дарбҳа – 345, 557
- Дасра – 146, 239, 521
- Даста – 139, 478
- Дашан – 481
- Даҳария – 240
- Даҳин – 380
- Дашам – 144, 481
- Двапара юга – 461, 530, 566
- Двипа – 180, 181, 182, 185, 190, 193
- Дева – 233, 330, 350, 403
- Девагриха – 370
- Девака – 233, 244, 252
- Дешангара – 224, 225

- Диваса – 247  
 Дивияхұратра – 232  
 Дивия – 248, 252, 253, 254, 255, 256, 276, 403  
 Дикшита – 99, 452  
 Димас – 247, 523  
 Дирвари (Дравизм) – 143, 481  
 Диш – 282, 482  
 Диҳивара – 196  
 Дома – 99, 452  
 Дрангшана – 135  
 Дриштибала – 398  
 Дрона – 119, 136, 137, 138, 191, 267, 270, 274, 331  
 Дуве – 367  
 Дуваҳи – 380  
 Дундубҳи – 344  
 Дурмати – 344  
 Дура – 287  
 Дуртама – 254, 524  
 Дҳания – 192, 505  
 Дҳрити – 148, 483  
 Дҳрува – 183, 185, 388, 499, 544  
 Дҳрувагриҳа – 371  
 Жава – 476  
 Жакша – 91, 447, 448, 449  
 Жалана – 125  
 Жаландҳара – 489, 559  
 Жама – 482  
 Жанбу – 345  
 Жатра – 514  
 Жатта – 271  
 Жая (Йуван) – 344, 497  
 Жаянти – 368, 564  
 Жвалана – 123, 125, 126, 127, 147, 469  
 Жвала – 383  
 Жияиштҳа – 170  
 Жака – 519  
 Жатака – 98, 133, 452, 473, 474, 568, 569  
 Жатакарман – 358  
 Индра – 91, 93, 105, 106, 109, 110, 120, 134, 170, 178, 184, 190  
 Индрия – 147  
 Индрияни – 64  
 Инду – 131, 146, 168, 341, 472, 482, 483, 492, 496  
 Ишвара – 17, 19, 56, 148, 249, 250, 344, 415, 421, 422, 448, 464  
 Иштин – 99, 452  
 Ишу – 147, 482  
 Йога – 19, 22, 23, 384, 386, 387, 388, 415, 426, 431, 432, 439, 441, 443, 619  
 Йўжана – 222, 223, 224, 225, 226, 279, 310, 311, 312, 472, 479, 495, 497, 498  
 Кабиса – 241, 245, 302  
 Кавшака – 196  
 Кадамба – 202  
 Кадару – 345, 557  
 Казра (Кҳадира) – 551, 552  
 Каклик – 157, 356, 485  
 Кал – 252, 469  
 Кала – 135, 199, 220, 235, 236, 249, 254, 278, 291, 302, 378, 476, 478, 520, 524, 535, 539  
 Каласи – 139, 478  
 Калванду (Калавринта) – 345, 557  
 Кали – 122, 255, 260, 270, 276, 307, 380, 469, 525, 526, 530, 533, 534, 539, 566  
 Калидара – 196  
 Калиюга – 259, 266, 278, 284, 291, 293, 307, 374, 543  
 Каликала – 276, 278  
 Кала – 135, 235, 236, 249, 254, 476, 520  
 Калпа – 188, 207, 208, 233, 234, 242, 243, 244, 245, 248, 249, 518, 519, 523, 524, 525, 538, 543  
 Калпана – 252  
 Кама – 123, 126, 127, 142, 469  
 Камандалу – 458  
 Канната – 388  
 Капила – 81, 118, 192, 228, 230, 270, 429, 440, 464, 505, 515, 518, 530  
 Карабҳа – 479

- Карана – 15, 132, 133, 224, 226, 239, 266,  
 279, 303, 308, 379, 381, 384, 386, 387,  
 472, 473, 474, 619  
 Карман – 228  
 Кармендрияни – 65  
 Карната – 143, 348, 481  
 Карала – 239  
 Катт – 163  
 Каулава – 380, 381  
 Кендра – 394, 569  
 Кикара – 196  
 Килака – 344, 556  
 Киннара – 92, 196  
 Кинстугхна – 380  
 Кирата – 196, 218, 220  
 Китара – 149  
 Кишку – 139, 478  
 Калабала – 398  
 Каладанда – 387  
 Каламбука – 401, 570  
 Каланшака – 325  
 Каларатри – 383  
 Кандин – 517  
 Картикка – 170  
 Коти – 144, 145, 146, 181, 182, 189, 209,  
 221, 510  
 Коти пазма – 145  
 Коштха – 235, 236  
 Кримиша – 74, 436  
 Крита – 107, 254, 255, 456, 525, 530, 566  
 Критаюга – 254, 255, 258, 269, 291, 372,  
 374  
 Крити – 345, 483  
 Криттика – 126, 171, 213, 323, 341, 240,  
 469, 494  
 Кришна – 21, 75, 178  
 Кришнапакша – 248  
 Крода – 240  
 Кродхи (Крудхи) – 344  
 Кроша (Крох) – 139  
 Крура-граха – 388  
 Кудава – 136, 477  
 Курара – 504  
 Кусума – 145  
 Куттака – 132  
 Кушаправарана – 196, 508  
 Кушикана – 196  
 Кхарва – 481  
 Кшава (Крава) – 344  
 Кшана – 235  
 Кшатрий – 348  
 Кўла – 246  
 Кўрма-чакри – 216  
 Кўрти – 481  
 Кҳа – 234  
 Кҳанда – 224, 279  
 Кҳарапатҳа – 196  
 Кҳенду – 148  
 Кҳари – 478  
 Лава – 520  
 Лагҳу – 25, 123  
 Лакуна – 123  
 Лакша – 144  
 Лаукикакала – 305  
 Лока – 178  
 Лока-кала – 279  
 Локалока – 498  
 Лока-Сатиялока – 499  
 Маудакамдеҳи – 120  
 Магадҳа – 192  
 Магҳа – 247  
 Мага (Муғ) – 417  
 Мадҳия – 469  
 Мадҳиядеша – 143  
 Мадҳиямая – 399  
 Мадия – 190  
 Макара – 327  
 Макара – 488  
 Макаради – 254  
 Мала – 537  
 Маламаса – 287  
 Малавари – 481  
 Манас – 21  
 Манаса – 502

- Манвантара – 47  
 Мангала – 147  
 Мангала вара – 167  
 Мангуниҳа – 409  
 Мандага – 505  
 Мандеҳа – 192, 505  
 Манматҳа – 344  
 Ману – 362  
 Мансаргагу – 565  
 Маргана – 147  
 Маргаширша – 247  
 Матра – 468  
 Маша – 476  
 Маричи – 136  
 Маса – 147  
 Масаваса – 367  
 Масардҳам – 147  
 Матсии – 196  
 Маҳабҳарата – 24, 420  
 Маҳабҳута – 427  
 Маҳадева – 71  
 Маҳакалпа – 233  
 Маҳанавама – 370  
 Маҳападма – 481  
 Маҳатала – 178  
 Маҳашанку – 145  
 Мдри – 476  
 Меру – 499, 501  
 Мисоди (Мишоди) – 196  
 Мличҳа (Млеччҳа) – 50  
 Могадҳа (Магадҳон) – 192, 196  
 Могҳа (Магҳа) – 247  
 Мокша (Мўкша) – 347  
 Муни (Муна, Муну) – 183  
 Мула – 323  
 Мулатрикона – 392  
 Мухурга – 183  
 Нав – 387  
 Нава – 483  
 Нава-кханда-варга – 214, 216  
 Наван – 148  
 Навин – 380  
 Нага – 240, 482  
 Нагари – 480  
 Нагна – 111  
 Найрита – 219  
 Найсарга – 398  
 Найсаргика – 399  
 Найсаргҳа – 391  
 Накшатра – 510  
 Накшатра – мана – 244  
 Накҳа – 148  
 Налва – 139, 478  
 Нали – 348  
 Намакарман – 358  
 Нанда – 483, 531  
 Нандана – 193  
 Нарака – 435, 498  
 Наржил – 142  
 Настаринша – 382  
 Нау – 562  
 Науманда – 345  
 Нема – 390  
 Нетра – 146  
 Нивра – 469  
 Ним амшака – 394  
 Нимеша – 235, 520  
 Ниракша – 508  
 Нитала – 177  
 Ничастҳа – 394  
 Нишаба – 508  
 Ниюта – 145  
 Ниярбуда – 145  
 Нога – 188  
 Нрипа – 148  
 Оржабҳара – 286  
 Оруна – 351  
 Павана – 148  
 Павитра – 345  
 Падма (Пазма) – 456  
 Паза – 513  
 Пакша – 123  
 Палаша – 346  
 Пали – 136



- Пана – 252  
 Панти – 478  
 Панча мотари – 63  
 Панчалон – 196  
 Панчаҳи – 380  
 Панчи – 380  
 Парампада – 277  
 Параманичастҳа – 394  
 Парва – 118  
 Парвата – 123  
 Парвати – 458  
 Париватсара – 556  
 Паригҳа – 388  
 Парордҳа – 144  
 Патала – 177  
 Патти – 275, 533  
 Пелавант – 345  
 Пингала – 468  
 Пита – 505  
 Питара – 91  
 Питамаҳа – 146  
 Питрипакша – 371  
 Плава – 344  
 Плаванга – 344  
 Поли – 136  
 Поло – 136  
 Пондава – 147  
 Портҳива – 63  
 Пражапати – 91  
 Пракрити – 426  
 Прамада – 343  
 Прамадин – 344  
 Прамана – 244  
 Прастҳа – 477  
 Праҳара – 520  
 Прета – 92  
 Притана – 275  
 Пришака – 196, 508  
 Прана – 235  
 Пунарабишунара – 146, 481  
 Пунякала – 377  
 Пурна – 196  
 Пурана – 205  
 Пуруша – 28, 228  
 Путҳи – 142, 480  
 Пушкала – 192  
 Пурва – 212  
 Пурнима – 241  
 Пуҳавал – 565  
 Пҳалгуна – 247  
 Равана-Шарас – 148  
 Рави – 168  
 Равичандра – 146  
 Ража – 136  
 Ражакама – 388  
 Ражарши – 450  
 Ражас – 62, 271, 426  
 Ражика – 477  
 Райбҳия – 264  
 Райвати – 264  
 Рактамала – 484  
 Рактакша – 492  
 Рама – 108  
 Рандҳра – 148  
 Раса – 153  
 Расагала – 178  
 Расаяна – 153, 444  
 Ратри – 247  
 Ратҳа – 533  
 Раурава – 74  
 Раучия – 264  
 Рахучвкра – 213  
 Рашми – 408  
 Рену – 477  
 Рикмокшу – 345  
 Риту – 390  
 Рич – 462  
 Риши – 102, 116  
 Родҳакрит – 344  
 Рожарши – 450  
 Рокшаса (Рокша) – 91, 92, 516  
 Рома – 139  
 Руву – 476  
 Рудра – 30, 148

- Рудрапутра – 264  
 Рудхира – 436  
 Рудхирандха – 75  
 Руна-панча – 370  
 Савана – 231  
 Саварни – 264  
 Саврамана (Савра) – 245  
 Сагара – 352, 365  
 Садхия – 388  
 Саккара – 496  
 Сама – 116  
 Саман – 463  
 Самудра – 481  
 Сангха – 62, 427  
 Сандамшака – 436  
 Сандхи – 250, 251, 252  
 Сандхи-удая – 250  
 Сандхиямша – 251  
 Сандхи-астамана – 250  
 Санкранти – 375  
 Санкупатҳана – 196  
 Саптан – 147  
 Сарвадхарин – 344  
 Сарпа – 247  
 Сат – 380  
 Сатин – 380  
 Саттва – 391  
 Саттра – 240  
 Сатия – 474  
 Саумия – 492  
 Саумия-граҳа – 388  
 Саураҳаргана – 290  
 Саҳасра – 481  
 Саҳашрамб – 148  
 Саяка – 147  
 Сварачия – 264  
 Сварочиша – 264  
 Сиддха – 25, 94  
 Сиддханга – 130  
 Сиддха-матрика – 143  
 Сиддхартха – 344  
 Симантоннаяна – 358, 560  
 Синду – 345  
 Сита-кола – 168  
 Скандха – 125  
 Снеҳа – 192  
 Сована – 287  
 Содхия – 388  
 Содҳарау – 344  
 Сома (Ой) – 344  
 Сома бара – 344  
 Соманатҳ – 457  
 Сонга – 247  
 Сора – Саураҳаргана – 290  
 Саҳасра – 144  
 Саҳашрам – 148  
 Саяка – 147  
 Сваямбхува – 185  
 Симантоннаяна – 358  
 Скандха – 469  
 Снеҳа – 192  
 Содхия – 388  
 Содҳарау – 344  
 Спарша – 63  
 Спугажа – 264  
 Стомаса – 264  
 Стхирароши – 394  
 Субҳану – 344  
 Суварна – 476  
 Сукарман – 388  
 Сурену – 190  
 Сутала – 177, 178  
 Сутака – 245  
 Тайгила – 380, 381  
 Тала – 139, 177, 213, 479, 480  
 Талака – 476  
 Тама – 63, 81, 112  
 Тамас – 182, 271, 391, 426, 430, 441, 498  
 Тамаса – 193, 405  
 Тантра – 132, 420, 472, 475  
 Тапана – 482  
 Таптакумбха – 74, 436  
 Тарана – 309, 344  
 Тару – 160, 487

- Татва – 65, 148, 426, 429, 483, 529, 620  
Титхи – 245, 378, 379, 382, 483  
Тишия – 192, 254, 259, 505, 525  
Тола – 135, 136, 476  
Тори – 141  
Траям – 147  
Трахагаттата – 377  
Трета (Тритаюга) – 191, 254, 255, 258, 271, 525, 530  
Тригуна – 147  
Трижагат – 482  
Трикату – 147  
Трикала – 147  
Триншаншака – 395  
Трихаркаша – 377  
Трохи – 380  
Трути – 235, 236, 250, 520  
Тулади – 246  
Тула – 280, 317  
Удонатсара – 556  
Унаратра – 286, 287, 290  
Упаваса – 366  
Урвара – 146  
Утамаса – 264  
Уткрити – 148, 483  
Утамаса – 264  
Утгара – 212  
Утгара – кала – 171, 322  
Утгараяна – 246, 364  
Ушнакала – 246  
Уштракарна – 196  
Хара – 344  
Харту – 147  
Хемаланба – 344  
Жкманга – 247, 390  
Чадур – 344  
Чайтра – 169, 171, 247, 253, 272  
Чайтра-чашати – 370  
Чакра – 331, 456  
Чакшукха – 264  
Чаксхака – 235  
Чаму – 275, 533  
Чандала – 240, 349  
Чандра – 120, 168, 287, 331, 467  
Чандра-мана – 244, 245  
Чандраяна – 366, 563  
Чандраҳаргана – 291  
Чарараши – 394  
Чатурюга – 231, 248, 252, 254  
Чатушпада – 380  
Чаудахи – 380  
Чаут – 380  
Чашака – 235, 521  
Чештабала – 398  
Чомара – 122  
Чонтима – 240  
Шабда – 63  
Шадая (Шадажа) – 391  
Шадд – 122, 539  
Шазан – 481  
Шакакала (Шака-кала) – 301  
Шаквара – 184  
Шакти – 249  
Шакуни – 380, 532  
Шами – 558  
Шанайшчара вара – 167  
Шанку (Шанху) – 464, 478  
Шанкха – 106  
Шара – 247  
Шарабха – 488  
Шарад – 108  
Шарада – 108  
Шарвари – 267  
Шаркара – 177  
Шат – 369  
Шатам – 144, 481  
Шатру – 391  
Шашалакша – 331  
Шашин – 146  
Шаштиябда (Шаштиябхада) – 278  
Шашу – 462  
Шақа (қаранг: Шака-кала) – 291, 302, 524

- Шива – 238, 249, 344  
 Чаут – 380  
 Чашака – 235, 521  
 Чештабала – 398  
 Чомара – 122  
 Чонтима – 240  
 Шабда – 63  
 Шадая (Шадажа) – 391  
 Шадд – 122, 539  
 Шазан – 481  
 Шакакала (Шака-кала) – 301  
 Шаквара – 184  
 Шакти – 249  
 Шакуни – 380, 532  
 Шами – 558  
 Шанайшчара вара – 167  
 Шанку (Шанху) – 464, 478  
 Шанкха – 106  
 Шара – 247  
 Шарабха – 488  
 Шарад – 108  
 Шарада – 108  
 Шарвари – 267  
 Шаркара – 177  
 Шат – 369  
 Шатам – 144, 481  
 Шатру – 391  
 Шашалакша – 331  
 Шашин – 146  
 Шаштиябда (Шаштиябхада) – 278  
 Шашу – 462  
 Шака (қаранг: Шака-кала) – 291, 302, 524  
 Шива – 238, 249, 344  
 Шиваратри – 373  
 Шита – 146, 482  
 Шитамшу – 146, 168  
 Шишира – 247, 390, 393  
 Шишия – 115, 120, 462  
 Шлока – 506, 550  
 Шримукха – 343  
 Шравана – 166, 170, 247, 323, 329  
 Шубха – 388  
 Шубхакрит – 344  
 Шудра – 502, 513, 550, 560  
 Шукла – 177, 343  
 Шуклапакша – 247  
 Шукра – 118, 168, 247, 341  
 Шула – 388, 458, 500, 567  
 Шулпи – 382  
 Шушмин – 192, 505  
 Шубхана – 388, 567  
 Шуния – 146  
 Шурпа – 137, 477  
 Юга – 47, 216, 254  
 Юка – 136, 477  
 Ява – 278, 472, 476  
 Яма – 118, 554, 567  
 Ямала – 146  
 Ямдуд – 382  
 Ятра – 134, 369  
 Ўм (Авм) – 82, 441, 481  
 Ўна – 287  
 Ўнаратра – 286, 289, 306, 374  
 Ўпагана – 196  
 Ҳардала – 136  
 Ҳастин – 123, 469  
 Ҳаттха – 139  
 Ҳинду – 345  
 Ҳома – 115  
 Ҳора (Хуро) – 168, 394, 492

**БОШҚА ТИЛЛАРДАГИ  
ИБОРАЛАР КҮРСАТКИЧИ**

- Исканкур – 184, 500  
 Иттиход – 45, 86, 415  
 Иштиқоқ – 49  
 Какра – 101  
 Камасали – 122  
 Кардажот – 385

- Каркидон – 162, 356, 488  
 Католикос – 559  
 Кафорат – 245, 345  
 Кентавр – 92  
 Кошиф – 295  
 Куллий – 288, 289, 290, 291, 294, 295,  
 296, 297, 299, 300  
 Лаванг – 222  
 Маволид – 134, 171, 339, 494  
 Манзум – 121  
 Мардуд – 330  
 Маъбуд – 83, 105, 176, 197, 424, 432, 433,  
 449, 450, 452, 457, 459, 460, 463, 483  
 Макт – 103  
 Минтақа – 199  
 Миҳоқ – 320  
 Муаккил – 229  
 Мувахҳид – 90  
 Муздавиж – 122  
 Муллама – 166  
 Муставий – 492  
 Мустажоб – 250  
 Мутаҳаррикот – 122  
 Муфассир – 226  
 Муътазила – 413  
 Муқарраб – 249  
 Муқл – 165  
 Муқобил – 121, 203  
 Навруз – 276, 533, 31  
 Нард – 150  
 Нақд – 357  
 Ноҳия – 216  
 Нухбахр – 394, 399  
 Озор – 83, 356  
 Рабб – 60  
 Раббулбайт – 60  
 Рух – 20, 72  
 Сармоқ – 372  
 Сатр – 101, 124, 237, 345, 398, 437, 461,  
 469, 483, 545  
 Синдҳинд – 14, 130, 233, 325, 470  
 Синдҳиндйили – 233  
 Сифатика – 122  
 Сифрид – 156, 485  
 Сонавия – 112  
 Сония – 37, 38, 61, 77, 235, 244, 287, 292,  
 305, 306, 375, 399  
 Софий – 58  
 Сурёний – 28, 60, 425, 433  
 Сузмор – 31, 184  
 Суффия – 58  
 Суф аттуяус – 58  
 Сухха – 139  
 Сўфи – 27, 45, 58, 73, 76, 90, 91, 243, 260,  
 460, 501  
 Сўфий – 45, 47, 77, 413, 436, 437, 69,  
 447, 460  
 Тажассум – 421  
 Тамаллук – 60  
 Танбул – 149  
 Таносух – 45, 68, 69, 73, 77, 431, 436, 437  
 Тасаввуф – 28, 80, 414, 423, 447  
 Тафсир – 87, 90, 114, 118, 175  
 Таквим – 112, 146, 266, 268, 276, 279,  
 280, 302, 374, 483, 491  
 Тулу – 219, 244, 252, 257, 265, 272, 289,  
 540, 544, 548  
 Тулуий – 289, 290, 291, 292, 293, 294, 295  
 Тумор – 106, 141, 480  
 Туз – 316, 317, 318, 322  
 Узлат – 82, 83  
 Умра – 502, 503, 537

## Фойдаланилган адабиётлар

### I. Ҳинд манбалари

- Ангуттара-никая – *Anguttara-nikaya*, Ed.R. Morris and E. Hardy, PTS. – London, 1885–1900.
- Анугита – қаранг: Маҳабҳарага, кт. XIV.
- Апастамба-дҳарма-сутра – *Āpastambīya-dharmasūtra*, Ed. G. Bühler. – Bombay, 1892.
- Апастамба-шраутра-сутра – *Āpastambīya-śrautasūtra*, Ed. Garbe, VI. – Calcutta, 1882.
- Артхашастра – *Arthasāstra of Kautilya*, A new ed. by J. Jolly. – Lahore, 1923.
- Ариябхата-сиддханта, Ария-сиддханта – см. Лагхв-ариябхатия.
- Арияшташата, қаранг: Лагхв-ариябхатия.
- Атҳарваведа – *Atharvaveda*, Hrsg. R. Roth und W.D. Whitney. – Berlin, 1856.
- Ашвалаяна-грихия-сутра – *Indische Hausregeln*, Hrsg. A.F. Stenzler, I. *Āçvalāyana*. – Leipzig, 1864–1865.
- Бала-чарита – *Bhāsa-nāṭakacakram*, Ed. C.R. Devadhar, 2-nd ed. – Poona, 1951. *Bāla-caritam*, pp. 511–560.
- Баудҳаяна-дҳарма-сутра – *Baudhāyana-dharmasūtra*, Hrsg. E. Hultsch, 2-te Aufl. – Leipzig, 1922.
- Брахма-спхута-сиддханта – *Brāhma-sphuṭasiddhānta* (қаранг: қўлёзма тавсиф) MS ушбу китобда: A. Weber, *Verzeichniss der Sanskrit – und Prākrit-Handschriften*, 2. Bd., HVKBB. – Berlin, 1886, S. 291–297).
- Брахманда-пурана – *Brāhmaṇḍa-purāṇa*. – Bombay, 1906.
- Брихад-араниякопанишад – *Bṛhadāraṇyakopaniṣad*, Hrsg. O. Böhtlingk. – St. Petersburg, 1889.
- Брихад-жатака – *The Brihajjatakam of Varaha-Mihira*. – Allahabad, – 1912.
- Брихат-самхита – *The Bṛhat Saṁhitā of Varāha-Mihira*. – Ed. H. Kern. – Calcutta, 1865.
- Бхавишия-пурана – *Bhaviṣhya-purāna*, Ed. by Govindadasi. – Bombay, 1897.
- Бхагавадгита – Бхагавадгита, Пер. Б.Л. Смирнова. – Ашхабад, 1956.
- Бхагавата-пурана – *Bhāgavata-purāṇa*, Ed. V.S. Pañāśikara. – Bombay, 1910.
- Бхожаража. Ража-марганда – *Rājamārtaṇḍa*, ушбу китобда: *Patañjaladarçana*, Ed.J. Vidyasagara. – Calcutta, 1880.
- Вамана-пурана – *Vāmaṇa-purāṇa*. – Calcutta, 1885.
- Вараха-пурана – *Varāha-purāṇa*, Ed. Hṛṣikeṣa Śāstrin, VI. – Calcutta, 1893.
- Ваю-пурана – *The Vāyu-purāṇa*, Ed. by Rājendralāla Mitra. – Calcutta, 1880–1888.
- Вижнянабхикшу – *Sāṁkhya-pravacana-bhāṣya*, ушбу китобда: *The Samkhya philosophy*, SBH. – Allahabad, 1915.

- Вишну-дхарма-сутра – *Viṣṇu-saṁhita*, ушбу китобда: *The Dharma śāstras*, Transl. and publ. by Manmatha Nath, Dutt. – Calcutta, 1906.
- Вишну-дхармотгара – қаранг: *Bühler*, IA, vol. 19, 1890.
- Вишну-пурана – *Viṣṇu-purāṇa*. – Bombay, 1867.
- Вияса – қаранг: Йогасутра.
- Гарудопанишад – *The Vaishnava-Upanishads*, Ed. by A. Mahadeva Sastri. – Madras, 1923.
- Гаутама-қонунлари – *Gautama-dharma-sūtra*, Ed. by L. Srinivasacharya. – Mysore, 1917.
- Гаудапада – қаранг: Санкхия-карика.
- Говиндаража – қаранг: Рамайна.
- Даша-гитика – қаранг: Лагхв-ариябхатия.
- Дая-бхага – қаранг: Яжнявалкия қонунлари.
- Йога-сиддханта-чандрика – *Yogasiddhānta-cādrīcā* by Nārāyanatīrtha – ушбу китобда: *Yogadarṣana*, Ed. by R. Bhatta. – Benares, 1910.
- Йогасутра – *Patanjali's Yoga sutras*, With the commentary of Vyasa, [Ed. and] transl. by Rāma Prasāda. – Allahabad, 1924.
- Карана-қханда-қхадияка, қаранг: Thibaut.
- Катқопанишад – *Kathopanīshad*, [Ed. dy] Chandra Vasu. – Allahabad, 1905.
- Лагхв-ариябхатия – *Āryabhatīya*, Ed. dy H. Kern. – Leiden, 1874.
- Лагху-жатака – I–II, қаранг: *Indische Studien*, II, III–XII: H. Jacobi, *De astrologiae Indicae 'Horā' appellatae originibus, accedunt Laghu-Jātaki capita inedita*. – Bonnae, 1872.
- Лагху-манаса – қаранг: Thibaut.
- Мажжхима-никая – *Majjhimanikāya*, Ed. dy V. Trenckner and R. Chalmers. – London, PTS, 1888–1902.
- Ману қонунлари – *Законы Ману*, Пер. С.Д. Эльмановича, проверенный и исправленный Г.Ф. Ильиным. – М., 1960.
- Маркандея-пурана – *Mārkaṇḍeya-purāṇa*, Ed.J. Vidyasagara. – Calcutta, 1879.
- Матсия-пурана – *Matsyapurāṇa*, [Ed.] Hari Nārāyaṇ Āpte. – Ānandāçrama, 1907.
- Махабхарата – *Mahābhārata*, I – IV, Calcutta, 1834–1839.
- Мокшадхарма – қаранг: Махабхарата, кт. XII.
- Мриччакатика – *Mṛcchakatika*, Ed. dy P. H. M. Sanma Śāstrī and K. P. Parab, 3d ed. – Bombay, 1909.
- Нарада қонунлари – *Nārada-smṛti*, Ed. dy J. Jolly (қаранг: Kane).
- Падма-пурана – *Padma-purāṇa*, [Ed.] Govinda Śāstrin. – Bombay, 1894–1895.
- Панча-сиддхантика – *Pancasiddhāntika*, Ed. G. Thibaut and S. Dvivedi. – Benares, 1889.
- Панчатантра – *The Panchatantra*, Ed. by J. Hertel, vol. – 1–3. – Cambridge, Mass., 1908–1912.
- [Патанжала] – қуйида қаранг: II, Араб ва форс манбалари, / Oriens, Bd 9, 1956.
- Паулиша-сиддханта – қаранг: Панча-сиддхантика.
- Рагхуванша – *Raghuvam̐ça*, Ed. by G.R. Nandargikar, 3-d ed. – Bombay, 1897.

- Рамаяна–Çrimad-Vālmiki-Rāmāyana, Ed. by T.R. Krishnacharya and T.P. Vyasacharya, 7 pts. – Bombay, 1911–1913.
- Раса-ратна-прадипа, қуйида қаранг: III, Filliozat.
- Раса-ратна-самуччая, қаранг: III, Filliozat
- Ригведа – Rig-Veda-Samhitā, Ed. by F. Max Müller, 2-d ed., Vol. 1–4. – London, 1890–1892.
- Ромака-сиддханта – қаранг: Панча-сиддхантика.
- Самавидхана-брахмана – Sāmaavid hāna-brāhmaṇa, Ed. A.C. Burnell. – London, 1873.
- Санкхия-карика – The Sāṅkhya Kārikā, [Ed. and] transl. by H.T. Colebrooke, also the Bhāshya of Gaudapāda. – Oxford, 1837.
- Санкхия-правачана – The Sāṅkhya philosophy, SBH. – Allahabad, 1915, китобида.
- Санкхия-сутра – қаранг: Санкхия-правачана.
- Санкхия-таттва-кауमुди – Sāṅkhyāçāstram Tattvakaumudī. – Kalikātā, [1904], китобида.
- Сурия-сиддханта – Sūrya-Siddhānta, Ed. E.E. Hall and B.D. Sāstrin. – Calcutta, 1854–1854.
- Утпала – қаранг: Varāhamihira, Laghujataka... Hitākhyayāṭīkayā samanvitam, Benares, [1922], китобида.
- Хариванша – қаранг: Махабхарата, кт. XIX.
- Чарака-самхита – Carakasamhitā, [Ed.] Çaṅkara Dājī Pade. – Mumbai, 1902–1913.
- Шатапатха-брахмана – The Çatapatha-Brāhmaṇa, Ed. A. Weber. – Berlin – London, 1855.
- Яжнявалкия қонунлари – Yājñavalkya-smṛti... Mitākṣarāprakāṣa-bhāṣāṭīkayā ... – Kalyāṇa-Mumbaī, [1923].

## II. Араб ва форс манбалари

- Абу Райҳон Беруний.* Танланган асарлар, I жилд. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар». – Тошкент, «Фан», 1968.
- Абу Райҳон Беруний.* Танланган асарлар, V жилд. Иккинчи китоб. – Тошкент, «Фан», 1976.
- Абу Райҳан Беруни.* Памятники минувших поколений (Хронология). Перевод с арабского [М. Салье] / Дополнения, исправления, подготовка к печати, а также вводная статья, комментарии и указатели А.Ахмедова. – Ташкент, 2015; 2-е издание. – Ташкент, 2015.
- Абу Райҳон Беруний.* «Мунажжимлик санъати (астрология) негизларини тушунтириш китоби» – «Тафҳим» / Сўз боши, таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи, профессор: А. Аҳмедов. – Тошкент–Урганч–Хива. – 2006.
- Абу Райҳон Беруний.* Танланган асарлар, I жилд. «Осор ал-бокия» / Таржимонлар: А. Аҳмедов, [А. Расулов] / Нашрга тайёрловчи, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ашраф Аҳмедов. – Тошкент, 2016. 100–101-б.
- Абу Райҳон Беруний.* Танланган асарлар, V жилд, 1-китоб. «Қонуни Масъудий», 1–5 мақолалар / Таржимонлар: А. Аҳмедов, [А. Расулов]. Сўз боши, изоҳлар ва



кўрсаткичларни А. Аҳмедов, Б. Абдуллаев тузган // Нашрга тайёрловчи А. Аҳмедов. – Тошкент, 2016, (400, 402–403, 404–406, 414-б.).

*Абу Райҳон Беруний*. Танланган асарлар V жилд, 2-китоб, «Қонуни Масъудий», 6–11 мақолалар / Таржимонлар: А. Аҳмедов, [А. Расулов]. Сўз боши, изоҳлар ва кўрсаткичларни А. Аҳмедов, Б. Абдуллаев тузган // Нашрга тайёрловчи А. Аҳмедов. – Тошкент, 2016.

*Авеста*. Избранные гимны / Пер. с авестийского и комментарии проф. И.М. Стеблин – Каменского. – Душанбе, 1990.

*Ал-Балāзурий* – Liber expugnationis regionum, 'auctore Imāmo Ahmed ibn Jahia ibn Djābir al-Belādsori, Ed. M. J. de Goeje, Lugduni – Batavorum, 1866.

*Гардизи* – *Абу Са'ид Гардизи*. Зайн ал-Ахбар. Украшение известий / Пер. с перс. яз. А.К. Арендса // Введение, комментарии и указатели Л.М. Епифановой. – Ташкент, 1991, С. 90–103.

*Ибн Ханбал, Муснад* – *Абу 'Абдаллах Ахмад ибн Мухаммад ибн Ханбал*, Муснад..., I–VI – Каир, 1895, I, 215–271-б.

*Йāқут*, Муджам ал-булдāн – Jacut's geographisches Wörterbuch..., Hrsg. IF. Wüstenfeld, – I–VI, Leipzig, 1866–1873.

*Кабус-намэ*, Перевод, статья и примечания Е.Э. Бертельса. – М., 1953.

*Ал-Масūdī*, Танбīх – Bibliotheca Geographorum Arabicorum, Ed. M. J. de Goeje, VIII, Kitāb at-tanbīh wa'l-ischrāf auctore al-Masūdī, Lugduni – Batavorum, 1894.

*Мурūdжаз-захаб* – Maçoudi, Les Prairies d'or, Texte et trad. par C. Barbier de Meynard et Pavet de Courteille, I–IX. – Paris, 1861–1877.

*Мухаммад ибн Муса ал-Хорезми*. Астрономические трактаты / Вступит. статья, перевод и комментарии А. Аҳмедова. – Ташкент, «Фан», 1983; «Зиж» – С. 5–126; «Трактат об иудейском календаре» – С. 126–137.

*Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий*. Танланган асарлар. Математика, Астрономия, География / Кириш мақолалари, таржимон, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ашраф Аҳмедов. – Тошкент, «Фан», 1983.

*Низомиддинов Н.Ф.* Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиё халқлари қадимги тарихи, диний эътиқоди, маданияти (Хрестоматия). – Тошкент, 2010. 626-б.

*Ас-Сам'āнӣ*, Ансāб – The Kitāb al-Ansāb of 'Abd al-Karīm ibn Muḥammad al-Sam'ānī reproduced in facsimile from the Ms, in the British Museum Add. 23 355 with an Introduction by D.S. Margoliouth, E. J. W. Gibb Memorial Series, vol. XX, Leiden, 1912.

*Ат-Табарӣ* – Annales quos scripsit Abu Djafar Mohammed ibn Djarir at-Tabari, Ed. M.J. de Goeje series I–III, Lugduni – Batavorum, 1879–1901.

*Ал-Фихрист* – Kitāb al-Fihrist, Hrsg. G. Flügel, I – II. – Leipzig, 1871.

Чудеса Индии – *Бузург ибн Шахрийар*, Чудеса Индии, Перев. Р.Л. Эрлих под ред. акад. И.Ю. Крачковского. – М., ИВЛ, 1959.

*Аш-Шахрастани*. Книга о религиях и сектах – Мухаммад ибн 'Абд ал-Карим аш-Шахрастани. Книга о религиях и сектах (Китāб ал-милла ва-н-ниҳал). Ч. I, Ислам / Пер. с араб. введ. и комм. С.М. Прозорова. – М.: 1984.

*Amari M.* Storia del musulmani di Sicilia, Ed. 2, v. 1. – Catania, 1933.

*Biruni.* Ghurrat al-zijjat. – *Al-Biruni.* Ghurrat al-zijjat. Ed. and comm. by Sayyid Samad Husain Rizvi. Islamic Cultur, vol. 37, 1963, p. 112–130, 167–187, 223–245; vol. 38. 1964, p. 47–74, 195–212; vol. 39, 1965, p. 1–26, 137–180.

*Boilot,* – D.J. Boilot. L’Oeuvre d’al-Beruni, Institut Dominicain d’études orientales du Caire, Melanges, 2, Le Caire, 1955, pp. 161–256, №78.

Canon Masudicus – *Abū Rayḥan Muḥamma db. Aḥmad al-Bīrūnī*, al-Qanūn’i l-Mas’ūdī (Canon Masudicus), vol. I–III, Ed. by the Bureau under the auspices of the Ministry of Education, Government of India, Published by the Dāīratu’l-Ma’ārif-il-Osmānīa, Hyderabad-Dn. – India, 1954/1373.

*Darmsteter* – La letter de Tansar au roi de Tabaristan, Publ. et trad. par M. Darmsteter, Journal Asiatique, 9-me série, t. III. – Paris, 1894.

*Ferrand,* Relations – Relations de voyages et textes géographiques arabes, persans et turks relatifs à l’Extrême-Orient du VIII<sup>e</sup> au XVIII<sup>e</sup> siècles, traduits, revues et annotés par G. Ferrand, Documents... relatives l’Indochine, II. – Paris, 1914.

*Minorsky,* Ḥudūd al-Ālam, – Ḥudūd al-Ālam, The Regiones of the World, a Persian Geography 372 A. H. – 982 A. D., transl. and expi. by V. Minorsky with the Preface by V.V. Bartold (d. 1930) transl. from the Russian E. J. W. Gibb Memorial Series, NS, XI. – London, 1937.

*Minorsky,* Marvazi – Sharaf al-Zamān Tāhir Marvazi on China, the Turks and India Arabic text (circa A. D. 1120) with an English transl. and commentary by. V. Minorsky, James G. Forlong Fund, vol. XXII. – London, 1942.

Notices et Extraits – Notices et Extraits des Manuscrits de la Bibliothèque du Roi, lûs au Comité établi par Sa Majesté dans l’Académie royale des inscriptions et belles-lettres. – Paris, t. 4, an 7.

Oriens, Bd. 9, 1956 – *al-Bīrūnī’s* Übersetzung des Yoga-Sūtra des Patañjali, [Hrsg.] von H. Ritter, Oriens, vol. 9, 1956, S. 165–200.

*Sachau,* Chronologie – Chronologie orientalischer Völker von Albērūnī, Hrsg. von C. Eduard Sachau. – Leipzig, 1878.

*Sachau,* India – Albieruni’s India. An Account of the Peligion, Philosophy, Lirterature, Geography, Chronology, Astronomy, Customs, Laws and Astrology of India about A. D. 1030, Ed. in the Arabic Original by Edward Sachau. – London, 1887.

*Sachau,* India, transl. – Albieruni’s India. An Account of the Peligion, Philosophy, Lirterature, Geography, Chronology, Astronomy, Customs, Laws and Astrology of India about A. D. 1030. An English Edition, with Notes and Indices by Edward C. Sachau, I–II. – London, 1888.

*C. Schefer,* Chrestomathie Persane, I. – Paris, 1883.

*Schjellerup* H. C. F. C. Description des Etoiles fixes... par Abd-al-Rahman al-Sufi. – St. – Pétersburg, 1874.

*Validi,* Bīrūnī’s Picture of the World –Bīrūnī’s Picture of the World, Ed by A. Zeki Validi Togan, Memoirs of the archaeological Survey of India, No. 53. – Dehli, 1937.

### III. Бошқа адабиётлар

*Бартольд*, Туркестан – В.В. Бартольд, Туркестан в эпоху монгольского нашествия, ч. II, Исследование, СПб., 1900.

*Беляев Е.А.* Мусульманское сектанство. – М., ИВЛ, 1957.

*Бертельс А.Е.* Насир-и Хосрав и исмаилизм. – М., ИВЛ, 1959.

*Большаков О.Г.* История Халифата, т. I, Ислам в Аравии, 570–633, – М., 1989.

*Булгаков П.Г.* Жизнь и труды Беруни. – Ташкент, 1973. ИВА – Издательство восточной литературы.

Ислам. Энциклопедический словарь. – М.: 1991, С. 225–231.

*Крачковский*, Арабская географическая литература – Академик Игнатий Юлианович Крачковский. Избранные сочинения, т. IV, Арабская географическая литература, М. – Л., 1957.

*Крачковский*, Гомер и ал-Бйрўнй – *И.Ю. Крачковский*, Гомер и ал-Бйрўнй, Избранные сочинения, т. II, М. – Л., 1956. Стр. 580–587.

*Лившиц В.А.* Согдийские слова в таджикском языке, Известия отд. общественных наук АН Таджикской ССР, 1957, № 12. Стр. 31–43.

*Матвиевская Г.П., Розенфельд Б.А.* Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII–XVIII в.в.), кн. 2, – М.: 1983.

*Мэри Бойс.* Зароастрийцы. Верования и обычаи / Пер. с . англ. И.М. Стеблин-Каменского. – М.: 1987, 2-ое изд. – М.: 1988.

*Платон*, Сочинения, VI – Сочинения Платона. Перевод проф. Карпова, ч. VI. – М., 1879.

*Райт В.* Краткий очерк истории сирийской литературы. / Перевод с английского К.А. Тураевой под ред. и с дополнениями П.К. Коковцева, СПб., 1902.

*Стэнли Лэн-Пуль – Стэнли Лэн-Пуль*, Мусульманские династии, Перевел с английского с примечаниями и дополнениями *В. Бартольд*. – С-Петербург, 1899.

*Тримингем Дж.С.* – Суфийские ордены в Исламе / Пер. с англ. под. ред. и с предисл. О.Ф. Акимушкина. – М.: 1989.

Творения Платона, I, XIII – Полное собрание творений Платона в 15 томах, Новый перевод под ред. С.А. Жебелева, Л.П. Красавина, Э.Л. Радлова. – Петербург, Academia, 1923.

*Хинц В.* Мусульманские меры и веса с переводом в метрическую систему – М., 1970.

*Шмидт А.Э.* Очерки истории Ислама, как религии, Мир Ислама, т. I, СПб., 1912.

*Юшкевич А.П.* Математика в странах Ислама. – М.: 1961.

ACV – Al-Beruni commemoration volume. А. Н. 362 – А.Н. Calcutta, Iran. soc., 1951.

ASI – Archaeological survey of India.

BI – Bibliotheca indica.

*Bhao Daji*, Brief notes on the age and authenticity of the works of Āryabhaṭa, JRAS, new ser., I [1864], p. 392 ff.

*Boilot*, – D.J. Boilot. Bibliographie d'al-Biruni, Mélanges de l'Institut dominicain des études orientales, 1955, № 2, pp. 161–256, Corrigenda et Addenda Mélanges..., 1956, №3, pp. 391–396.

*Boyce M.* The Indian Fables in the Letter of Tansar, Asia Major, New ser., v. V, part I. *Brockelmann*, GAL – C. *Brockelmann*, Geschichte der Arabischen Lirterature, I–II, Weimar – Berlin, 1898–1902. Supplementbände I – III, Leiden, 1937–1942.

*Bühler – G. Bühler*, Alberuni's India, AI, vol. 19 (1890), p. 381 ff.

*Bühler G.* Indische Paleographie von circa 350 A. Chr. – circa 1300 P. Chr. – Strassburg, 1896.

CC – Catalogus catalagorum dy T. Aufrecht, Leipzig. – 1891.

CHI – Cambridge history of India, vol. III. – Cambridge, 1928.

*Chatterji S.K.* – S.K. *Chatterji*, Al-Bīrūnī and Sanskrit, ACV, p. 83 ff.

*Colebrooke – Th. Colebrooke*, Miscellaneous essays. – London, 1873.

*Cunningham – A. Cunningham*, The ancient geography of India, vol. I. – London, 1871.

*Dasgupta S.N.* Yoga philosophy. – Calcutta, 1930.

*Deussen – P. Deussen*, System des Vedanta. – Leipzig, 1883.

*Dey N.L.* – *Nundo Lal Dey*, The geographical dictionary of ancient and mediaeval India, 2-ded. – London, 1927.

*Dozy – R. Dozy*, Supplément aux dictionnaires arabes, I–II. – Leiden, 1881.

*Edgerton – The Bhagavad Gīta*, Transl. and interpreted by F. Edgerton. – Cambridge, Mass., 1944.

*Elliot – H.M. Elliot*, The history of India as told by its own historians. – London, 1867–1877.

Encyclopedia Biblica, Ed. Institutum Bialik, Hierosolymis, MCMLVIII.

EI, EB – Enzyklopedie des Islam. Geographisches, etnographisches und biographisches Wörterbuch der muhammedanischer Völker, I–IV, Leiden – Leipzig (1908), 1913–1935; Ergän-zungsband, Lief. 1–5, Leiden – Leipzig, 1934–1938.

ERE – Encyclopaedia of Religion and Ethics ed. by J. Hastings, v. I–XII. – Edinburgh, 1908–1921.

*Ferrand*, Les îles – Les îles Râmny, Lâmery, Wâkwaq, Kômor des géographes arabes, et Madagascar par G. Ferrand, JA, Xe série. – Paris, 1907, pp. 433–566.

*Filliozat – J. Filliozat*, Al-Bīrūnī et l'alchimie indienne, ACV, p. 101 ff.

*Flügel*, Mani – G. *Flügel*, Abû'l Faradsch Muḥammad ben Ishâk al-Warrâk, Mani, seine Lehre und seine Schriften... – Leipzig, 1862.

*Freytag*, Lexicon – G.W. *Freytag*, Lexicon arabico-latinum, I–IV, Halis saxonum, 1830–1837.

*Garbe – R. Garbe*, Die Sâmkhya-Philosophie. – Leipzig, 1894, 2-te Aufl., 1917.

*Gonda – J. Gonda*, Remarks on Al-Biruni's quotations from Sanskrit texts, ACV, p. 111 ff.

*Gough – A.E. Gough*, The philosophy of the Upanishads and ancient Indian metaphysics. – London, 1882.

*Hauer – I.W. Hauer*, Das neugefundene arabische Manuskript von al-Bīrūnī's Übersetzung des Pātañjala. Ein vorläufiger Bericht, OLZ, 1930, S. 273 ff.

HCIP – The History and culture of the Indian people. – Bombay, 1953 ff.

*Heras – H. Heras*, The advaita doctrine in Alberuni, ACV, p. 119 ff.

*Hoernle – R. Hoernle*, Grammar of the Gaudian language. – Calcutta, 1880.

*Horten M.* Die Indische Strömungen in der islamischer Mystik. – Heidelberg, 1927.

*Horten M.* Die philosophischen Probleme der spekulativen Theologie im Islam. – Bonn, 1910.

IA – Indian Antiquary.

IS – Indische Studien.

JRAS – Journal of Royal Asiatic Society.

*Kane P.V.* History of Dharmasastra, vol. 1–4. – Poona, 1930–1953.

*Kern* – қаранг: Брихат-самхита.

*Kessler, Mani – K. Kessler, Mani.* – Berlin, 1889.

*Kirfel – W. Kirfel*, Die Kosmographie der Inder nach den Quellen dargestellt. – Bonn – Leipzig, 1920.

*Lassen – Ch. Lassen*, Indische Altertumskunde. – Leipzig, 1862 – 1867.

Lexicon in veteris Testamenti Libros, Ed. Ludwig Koehler. – Leiden, 1953.

*Macdonell – A.A. Macdonell*, A History of Sanskrit literature. – London, 1900.

*Massignou, Essai – L. Massignou*, Essai sur les origines du lexique technique de la mystique musulmane, Nouv. éd. revue et considérablement augmenté, Paris. – 1954.

*Massignou, La Passion – La Passion d'... al-Hallaj martyr mystique de l'islam exécuté à Bagdad le 26 mars 922 étude d'histoire religieuse par L. Massignou*, I–II. – Paris, 1922.

*Monier-Williams – A.* Sanskrit-English dictionary by M. Monier-Williams, New ed., Oxford, 1899.

Monier-Williams, A religious thought and life in India, 4-th ed. – London, 1891.

*Muir*, Original Sanskrit texts, 5 vols, 2d ed. 1868–1873.

OLZ – Orientalische Literaturzeitung.

*Pertsch W.* Die arabischen Handschriften der herzoglichen Bibliothek zu Gotha, I, Gotha, 1878.

*Poree G. et Maspero E.*, Moeurset coutumes des Khmers, Paris, 1938. *Sarton*, Introduction – *Sarton G.* Introduction to the History of Science, I, from Homer to Omar Khayyam, Baltimore, 1927; reprinted 1946.

SBH – Sacred books of the Hindoos.

*Schrader O.*, The Kashmir recension of the Bhagavadgita. – Stuttgart, 1930.

*Seyyed Taghi Nasr*, Essai sur l'Histoire du Droit Persan à l'Époque des Sassanides. – Paris, 1932. *Thibaut – G. Thibaut*, Astronomie, Astrologie und Mathematik der Inder. – Strasburg, 1899.

*Weber* – қаранг: Indische Studien.


*Weber A.* Indische Litteraturgeschichte, 2, Aufl. – Berlin, 1876.

*Weber A.* Verzeichniss der Sanskrit – und Prākrit Handschriften der K. Bibliothek zu Berlin, 2. Bd. – Berlin, 1886.

*Wenrich – J.G. Wenrich*, De auctorum graecorum versionibus et commentariis. – Lipsiae, 1842.

*Winternitz – M. Winternitz*, Geschichte der Indischen Litteratur, Bd. I, 2 Aufl. Leipzig, 1909.

*Zambaur – E. de Zambaur*, Manuel de Genealogie et de Chronologie pour l'Histoire de l'Islam. – Hanovre, 1927.



## МУНДАРИЖА

«Ҳиндистон»нинг ёзилиш даври ва сабаблари .....	5
Беруний ижодида Ҳиндистонга алоқадор асарлар .....	13
«Ҳиндистон» асарининг ўтмиш ва ҳозирдаги илмий-амалий аҳамияти .....	16
Ҳиндистон.....	41
Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм! .....	42
<i>I боб.</i> Ҳиндлар ҳақида билган ва билмаганларимиз.....	49
<i>II боб.</i> Ҳиндларнинг Тангри хусусидаги тушунчалари баёни .....	54
<i>III боб.</i> Ҳиндларнинг аклий ва ҳиссий мавжудликлар ҳақидаги тушунчалари..	57
<i>IV боб.</i> Феълнинг бўлишлик сабаби ва жоннинг моддага алоқаси ҳақида.....	65
<i>V боб.</i> Рухларнинг аҳволи ва уларнинг оламда таносух йўли билан бир вужуддан бошқа вужудга кўчиб юришлари ҳақида .....	68
<i>VI боб.</i> Маҳшар, жаннатдан иборат мукофот ва дўзахдан иборат жазо ўринлари ҳақида .....	73
<i>VII боб.</i> Бу дунёдан халос бўлишнинг усули ва бунга олиб борадиган йўлнинг тавсифи ҳақида .....	79
<i>VIII боб.</i> Махлуқотнинг турлари ва уларнинг номланиши .....	91
<i>IX боб.</i> Ҳиндларнинг турли «ранглар» деб атайдиган табақалари ва улардан ҳам куйи табақалар ҳақида.....	97
<i>X боб.</i> Ҳиндлардаги диний йўл-йўриқ ва қонун-қоидалар манбаи ҳамда баъзи шарият ҳукмларининг бекор қилиниши ҳақида.....	101
<i>XI боб.</i> Бут – санамларга ибодат қилишнинг бошланиши ва уларнинг тасвирланиши ҳақида.....	104
<i>XII боб.</i> Ҳиндларнинг ведалари, пураналари ва диний китоблари ҳақида.....	113
<i>XIII боб.</i> Ҳиндларнинг грамматика ва шеърят ҳақидаги китоблари баёни.....	120
<i>XIV боб.</i> Ҳиндларнинг бошқа илмларга оид китоблари ҳақида.....	130

<i>XV боб.</i>	Ҳиндларнинг машҳур ўлчам системалари баёни .....	135
<i>XVI боб.</i>	Ҳиндларнинг ёзувлари, ҳисоб ва бошқа соҳалардан айрим маълумотлар ҳамда ҳайратланарли урф-одатлари баёни .....	141
<i>XVII боб.</i>	Ҳиндларнинг жаҳолат уфқида қанот ёзиб учган илмлари ҳақида ....	152
<i>XVIII боб.</i>	Ҳиндистондаги шаҳарлар, дарёлар, денгизлар ҳақидаги маълумотлар, турли ўлкалар ва чегаралар орасидаги масофалар ҳақида .....	157
<i>XIX боб.</i>	Сайёралар ва буржларнинг номлари, ой манзиллари ва бошқалар ҳақида .....	167
<i>XX боб.</i>	Брахманда ҳақида .....	172
<i>XXI боб.</i>	Диний тасавурларга оид қадимги ривоятлар асосида Ер ва осмоннинг шакллари ҳақида .....	176
<i>XXII боб.</i>	Кутб ва унга оид хабарлар ҳақида .....	183
<i>XXIII боб.</i>	Пураналар муаллифлари Меру тоғи ҳақида .....	185
<i>XXIV боб.</i>	Пураналарга кўра еттита двипа ҳақида .....	190
<i>XXV боб.</i>	Ҳиндистондаги дарёлар, уларнинг бошланадиган жойлари ва турли ўлкалардан ўтадиган сув йўллари ҳақида .....	193
<i>XXVI боб.</i>	Осмон ва Ернинг шакллари ҳақида ҳинд астрономларининг фикрлари .....	197
<i>XXVII боб.</i>	Ҳинд астрологлари ва пураналар муаллифлари бошланғич икки ҳаракат ҳақида .....	206
<i>XXVIII боб.</i>	Оламнинг ўнта асосий тарафининг аниқланиши ҳақида .....	212
<i>XXIX боб.</i>	Ернинг одамлар яшайдиган қисмини ҳиндлар тасавури билан аниқлаш .....	214
<i>XXX боб.</i>	«Ер куббаси» номи билан машҳур бўлган Ланка ҳақида .....	221
<i>XXXI боб.</i>	«Икки узунлама айирмаси» деб аталган турли мамлакатлар орасидаги масофалар айирмаси ҳақида .....	223
<i>XXXII боб.</i>	Муддат, вақт ва оламнинг яратилиши ҳамда йўқ бўлиши ҳақидаги мулоҳазалар .....	227
<i>XXXIII боб.</i>	Кеча ва кундуз ҳақида .....	231



<i>XXXIV боб.</i>	Куннинг кичик бўлакларга бўлиниши ҳақида.....	234
<i>XXXV боб.</i>	Ойлар ва йилларнинг турлари ҳақида .....	240
<i>XXXVI боб.</i>	Мана деб аталадиган тўрт хил миқдор ҳақида .....	244
<i>XXXVII боб.</i>	Ой ва йил бўлаклари ҳақида.....	246
<i>XXXVIII боб.</i>	Брахманинг умри ҳам қўшилганда кунлардан нималар ҳосил килиниши ҳақида .....	247
<i>XXXIX боб.</i>	Брахма умридан ҳам ортиқ муддатлар ҳақида .....	248
<i>XL боб.</i>	Сандҳи, яъни икки вақт кесмаларини бирлаштирувчи оралик ҳақида .....	250
<i>XLI боб.</i>	Калпа ва чатурюга ибораларининг таърифи ва уларни аниқлаш ҳақида .....	252
<i>XLII боб.</i>	Чатурюганинг тўрт югага бўлиниши ва бу масала хусусидаги ихтилоф фикрлар ҳақида .....	254
<i>XLIII боб.</i>	Тўрт югага хос хусусиятлар ва улар ҳақида ҳикоя .....	257
<i>XLIV боб.</i>	Манвантаралар ҳақида.....	263
<i>XLV боб.</i>	Катта Айиқ юлдуз туркуми ҳақида.....	263
<i>XLVI боб.</i>	Нараяна, унинг турли вақтларда зухур килиши ва номлари ҳақида ...	268
<i>XLVII боб.</i>	Васудева ва Бҳарата урушлари ҳақида .....	271
<i>XLVIII боб.</i>	Акшаухини ўлчамининг шархи .....	275
<i>XLIX боб.</i>	Эралар ҳақида умумий маълумот .....	276
<i>L боб.</i>	Ҳар бир калпа ва чатурюгага қанча юлдуз даври кириши ҳақида ....	283
<i>LI боб.</i>	Кунлардан тузилган турли даврларни билдирувчи – адхимаса, унаратра ва аҳаргана ибораларини тушунтириш ҳақида .....	286
<i>LII боб.</i>	Аҳарганаларни ҳисоблашни умумий тушунтириш, яъни йиллар ва ойларни кунларга айлантириш ҳамда бунинг акси – кунларни йилларга айлантириш ҳақида.....	290
<i>LIII боб.</i>	Эралардаги баъзи вақтлар учун йилларни жузъий амаллар билан [ойларга] алмаштириш ҳақида .....	301
<i>LIV боб.</i>	Сайёраларнинг ўртача ҳолатларини ҳисоблаш ҳақида.....	306

<i>LV боб.</i>	Сайёраларнинг тартиби, уларнинг масофалари ва ўлчамлари хақида .....	308
<i>LVI боб.</i>	Ой манзиллари хақида .....	320
<i>LVII боб.</i>	Юлдузларнинг шамсий тулуълари ва ҳиндларнинг шу пайтда ўтказадиган расм-русумлари.....	325
<i>LVIII боб.</i>	Океан сувлари кўтарилиши ва қайтишининг кетма-кетлиги хақида .....	331
<i>LIX боб.</i>	Кўёш ва Ой тутилишлари хақида .....	333
<i>LX боб.</i>	Парвана хақида .....	337
<i>LXI боб.</i>	Шариат ва астрономияга кўра вақтнинг эгалари ва бу билан боғлиқ бошқа масалалар хақида .....	339
<i>LXII боб.</i>	Олтмиш [йиллик] самватсара хақи. У шаштиябда деб ҳам аталади....	342
<i>LXIII боб.</i>	Брахманларнинг умр бўйи бажаришлари зарур бўлган вазифалари хақида .....	345
<i>LXIV боб.</i>	Брахманлардан ўзга касталарда анъанага айланган урф-одатлар тўғрисида .....	348
<i>LXV боб.</i>	Қурбонликлар хақида .....	350
<i>LXVI боб.</i>	Ҳаж ва муқаддас жойларни зиёрат қилиш хақида .....	351
<i>LXVII боб.</i>	Садақа ва мол-мулк солиғи хақида.....	354
<i>LXVIII боб.</i>	Ҳалол ва ҳаром ҳисобланган егулик ва ичимликлар хақида .....	355
<i>LXIX боб.</i>	Ҳиндларда никоҳ ва ҳомиладорлик даври масалалари .....	357
<i>LXX боб.</i>	Судланиш даъволари хақида.....	359
<i>LXXI боб.</i>	Жазолаш ва гуноҳларни ювиш хақида.....	360
<i>LXXII боб.</i>	Мерос масалалари ва марҳумнинг меросларидаги хақи .....	362
<i>LXXIII боб.</i>	Марҳумнинг ўз жасадига нисбатан ҳақини адо этиш ва тирикларнинг ҳам ўз вужудларига нисбатан ҳақлари хақида .....	363
<i>LXXIV боб.</i>	Рўза ва унинг турлари хақида .....	366
<i>LXXV боб.</i>	Рўза кунларини аниқлаш хақида.....	368
<i>LXXVI боб.</i>	Байрамлар ва шодиёналар хақида.....	369

<i>LXXVII боб.</i> Алоҳида нишонладиган ва савоб олишга белгиланган саодатли кунлар ҳақида .....	373
<i>LXXVIII боб.</i> Караналар ҳақида .....	378
<i>LXXIX боб.</i> Йогалар ҳақида .....	384
<i>LXXX боб.</i> Ҳинд юдициар астрологиясининг бошлангич асослари ва ундаги ҳисоб усуллари ҳақида .....	388
Изоҳлар .....	411
Кўрсаткичлар.....	573
Фойдаланилган адабиётлар.....	608

---

*Илмий-оммабон нашр*

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

**ҲИНДИСТОН**

II ЖИЛД

Мухаррир	<i>И. Аҳмедов</i>
Рассом-дизайнер	<i>Б. Зуфаров</i>
Бадий муҳаррир	<i>К. Закирова</i>
Техник муҳаррир	<i>Л. Хижова</i>
Мусаххих	<i>М. Ишанханова</i>
Кичик муҳаррир	<i>М. Салимова</i>
Компьютерда тайёрловчи	<i>К. Голдобина</i>

---

Нашриёт лицензияси АИ № 158, 14.08.2009.  
Босишга 2022 йил 12 майда рухсат этилди.  
Бичими 70×100<sup>1/16</sup>. Офсет қоғози. «Times New Roman» гарнитурасида офсет  
усулида босилди. Шартли босма табоғи 50,7. Нашр табоғи 49,48.  
Адади 5 000 нусха. Буюртма № 20-344.

«O`zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)  
[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)

---

**Абу Райҳон Беруний**

Б 61 Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Ҳиндистон. [Матн] Ж. II / Абу Райҳон Беруний. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2022. – 624 б.

ISBN 978-9943-7607-7-6

Берунийнинг ушбу китоби ўрта асрлар дунёсида Ҳиндистон хақидаги энг нодир ва дурдона ёзма манба бўлиб, у ўша давр Ҳиндистон халқларининг илм-фани, урф-одатлари, динлари хусусида чуқур хабардорлик ва нозик дид билан ёзилган асардир. Ушбу китобда келтирилган тарихий, фалсафий, этнографик ва географик маълумотлар, Берунийнинг Ҳиндистон ҳаёти барча соҳаларига берган объектив баҳолари бўлиб, улар то шу кунгача ўз кучини йўқотган эмас. Шу билан бирга Беруний «Ҳиндистон»и унинг асл ватани Хоразмда ва Ўрта Осиёнинг қўшни ерларида ҳам фаннинг юксак даражада бўлганлигидан ва бу ҳудудларнинг Ҳиндистон билан маданий алоқалари нақадар узвийлигидан далолат беради.

Китоб шарқшунослар, тарихчилар, этнографлар, географлар, Ҳиндистон ва бошқа Шарқ мамлакатлари тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**УЎК 94:008(540)**  
**КБК 63.3(5Ҳинд)**  
**71(5Ҳинд)**